



МИРМУҶСИ

АСАРЛАР

ҲУРТ ЖИЛДЛИК

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
1981

МИРМУХСИН

АСАРЛАР

ИККИНЧИ ЖИЛД

УМИД
ДЕГРЕЗ УҒЛИ

Романлар

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1981

Ўз
М55

Мирмуҳсин.

Асарлар: 4 жилдлик.— Т. : Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.—

2-ж. Умид; Дегрез ўғли : Романлар. 1981. 736 б.

Ўзбекистондаги китобга Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Мирмуҳсиннинг «Умид» ва «Дегрез ўғли» романи киритилди. «Умид» романида ўзбек халқининг пахтачиликни янада тараққий эттириш йўлидаги машаққатли курашлари, матонатлари қаламга олинган.

Бу асари учун муаллиф Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотини олишга муяссар бўлди.

«Дегрез ўғли» романида эса Урта Осиё ишчилари тараққиёт йўли ёритилади.

Мирмуҳсин. Сочинения. В 4-х т. Т. 2. Умид. Сын литейщика. Романы.

Ўз2

М $\frac{70303 - 40}{M352(04) - 81}$ 4 — 81 4702057020

УМИД

Р о м а н



БИРИНЧИ БЎЛИМ

Биринчи боб

Қ У М С А Ш

Июль ойининг охирларига бориб Тошкентда ҳаво шундай қизиб кетдики, саратон жазавасига бардош бера оладиганлар ҳам ҳаллослаб қолди. Баъзилар Хумсон, Бурчмулла, Сўқоқ... қишлоқларини кўзлаб аллақачон тоғ оралиқларига жўнаган эди. Кун қайтишга бориб ғиштин деворлар ҳам қизиб кетарди; семизлар сувдан чиқиб қолган балиқдек каппа-каппа оғиз очиб, нафас олишар, ўзларини қўярга жой тополмай, табиатнинг бу «лутфан сийлаши»дан бетоқат бўлардилар. Бағбақалардан тер оқар, «иссиқ гўристон, совуқ гулистон»лигини айтиб, иссиқни қораламоқчи бўлардилар. Аммо саратон тандири ўчакишгандай яна ҳам аланга олиб, оташ пуркарди. Кексалар бўлса бундай иссиқ ўттиз йил бурун бўлганини, ўшанда ҳам шаҳар товадай қизиб, одамлар атроф чорбоғларда жон сақлашганини эслашарди. Қуёш ҳамма ёқни ёндираман, ҳеч қаёққа қоча олмайсизлар, дегандек кўкдан қаҳқаҳа урар, ўт-ўланларни ялаб қовжиратарди. Асфальт йўллар бўлса мумдек юмшаган; нозик туфлиларнинг пошналари чақичдек ботар, баъзан трамвай кутиш жойларида, биргина симёғоч соясида одамлар қалдирғочдек тизилишарди. Катта-ю кичикда бир дард — иссиқдан шикоят...

Бу бизнинг қайноқ саратон!

Баъзи кунлари бу иссиқ эрталабдан бошланар; шаҳар мисоли хумдон, дамга урар. Анҳору ариқларда болалар гужғон ўйнашар — хайрият оқар сувларимиз кўп. Боғ кўчаларида тизза бўйи қизиган тупроқ билқбилқ, ўркач пахса деворлардан осилиб ётган сертук олтин шафтолилар, жийда-ю олхўрилар саратон ҳароратидан баҳра олиб, унинг ҳукмига итоат сақлашарди.

Шаҳар шов-шувидан анча нари, шу боғ кўчаларнинг бирида кексагина бир аёл кўча ўртасида ўтириб, қайноқ тупроққа оёқларини кўмарди; саратон ўзининг ҳам қаҳр, ҳам дабдабаси билан шу аёл оёғи остига забун бўлиб йиқилгандай. Даҳшатли йўлбарсни ўқлоғи билан уриб қувигандай, жазавода ўт пуркаётган саратонни у оёғининг бодига латта қилиб ўради. У на балиқдек оғзини каппа-каппа очиб ҳаллослар, на Чимён тоғлари оралиғига қочарди. Унинг учун саратон зарурат, суякларидаги дардни суғуриб олиб жонига роҳат бағишларди.

Олисларда баланд тоғ этакларигача бориб етган, йўл-йўл беқасам тўн кийган текис ва кенг далалар... Бу бизнинг эзгу ва бебаҳо даламиз — куррани олмага қиёс этсак, унинг қуёшга қараб турган қирмизи томони — ўзбеклар еридир. Саратон бу ерларга жон бериб, жаннат кашф этган. У беқасам тўн кийган дала бағрида деҳқонлар билан узоқ мулоқотда бўлади, ғўзаларга нур ичиради, кўпдан кўришмаган биродарлардек далалар тепасидан кетгиси келмайди. Тонг билан яна ишчилардай ошиқиб, бу заминга келади — ўзининг бу ўлка учун гоятда зарурлигини билади.

Ариқ бўйлари, толзорлар оралаб учган шабадалар Самарқанд насимидай қайноқ танларга қанот уриб, ёркалаб, ором бериб ўтади.

Бояги, оёқларини тупроққа кўмиб ўтирган хотин ўрвандан туриб, ҳовлиси томон юрди — у ўз юртининг саратонидан мамнун, унинг экин-тикини-ю, ҳатто қўю сигиригача саратондан баҳраманд экани, ёз яхши келар экан, ғўзасига дард юқмай ўсишини ҳам биларди...

Биз қариймиз, ер қаримайди...

Офтоб ҳамма ерга нур сочгани билан баъзан қуёшга тескари тушиб қолган пастқам иморатлар ҳам учрайди — бу жойларнинг саратони дим, қиши захкаш.

Шаҳримизнинг кунботиш томонида анча-мунча кўҳна маҳаллалар бор, ана шундай маҳаллаларнинг биридаги болохонада Умид деган студент йигитча яшайди. Кўча томондан қараганда кўримсиз, даққионусдан қолган ўймакор эшик ғирчиллаб очилади. Остонага қоқиб қўйилган бир пой тақа ҳам даҳватанги қадам босган киши кўзига ташланарди. Болохона тагидаги ярим қоронғи йўлак ҳовлига олиб кирар: қўшнилариинг орқа ўғирган баланд иморатлари ҳовли юза-

сига андаккина офтоб туширарди, холос. Ўртаси даҳ-
лиз билан ажралган икки хона бор, рўпарада болохо-
нага чиқадиган ёғоч зинанинг баъзи поялари тушиб
кетган, ўзи лопилларди. Афтидан у аввал беда-сомон-
га мўлжалланган бўлиб, кейинчалик уруш йилларида
эшик-дераза қурилиб, одам турадиган жой қилинган.
Пастдаги икки хонанинг ғиштлари захкашликдан шў-
ралаб оқариб кетган. Болохона деразасининг синган
кўзларига газета ёпиштирилиб қўйилибди. Умид қиш-
да ҳам, ёзда ҳам қаттиқроқ силкинса лопиллайдиган
шу болохонада яшарди. У маҳалла чойхонасига ҳам
ортиқча чиқмас — одамларга аралашмасди. Унинг
фақат ҳовлига кириб чиққанини рўпарадаги эшикда
чўққайиб ўтирадиган Чўтир хола биларди, холос.
Умид кирганда ҳам, чиққанда ҳам кўзларини лўқ қи-
либ қадаб турувчи бу хотинни авваллари шуш кўрма-
ди, қиладиган иши йўқми: эрталаб ҳам, кечқурун ҳам
остонада... Бурнининг учигача тушириб олган кўз-
ойнаги тепасидан мўралайди! Кейинчалик унга салом
берадиган бўлди; Чўтир хола уни узундан-узоқ дуо
қилар: «Мулло бўлинг, болам, тан-жонингиз соғ бўл-
син, омадингиз келсин...» дерди. Бир куни у атай ки-
риб, кимгадир хат ёздирди, кўзи хонтахта устидаги
қалин-қалин китобларга тушиб, йигитчага ҳайратомиз
қараб қўйди. Яна бир куни Райсобесга ариза ёздирди...
Бир куни: «Ўғлим, айбга буюрмайсиз, холангизнинг
ошидан ҳам татиб кўринг», деб устига қази, беҳи бо-
силган бир коса ош олиб чиқди. Умид уялинқираб,
ошни олиб қолди. Чўтир хола Умиднинг камгаплигини
сезса ҳам унинг ўзи асли қаерлик, наслу-насаби ким,
ҳуввилаган ҳовлида ёлғиз ўзи туришининг боиси
нима... ҳаммасини мукамал билгиси келарди,— бун-
га сабаб излаётганини Умид пайқаб турса ҳам ҳеч
нима демасди.

Умид уни «хола» деб атай бошлади. Кейинчалик
Умид уни маҳаллада каттадан-кичик Чўтир хола деб
аташини ҳам билиб ўзи бўлмаганда «чўтир» сўзини
қўшса ҳам, ўз ёнида «хола» деб қўя қоларди.
Маҳаллада «холалар» анча-мунча бўлганидан, «Чўтир
хола» дейилгач, ҳеч чалкашликка ўрин қолмасди. У
ўзини «Чўтир хола» деб аташликларини ҳам биларди.
Унинг асли исми — Фаридахон экан. Бу гўзал исм ун-
га етмиш йил муқаддам қўйилган эди. Қора, чўтир,

бесўнақай бурни, қалин лабларига қараб туриб, унинг Фаридахон, яъни пари эканлиги кулги кўтарарди. Бечора холани худо ҳусндан сиққан, жамолида жиндаккина кулиб турадиган ери йўқ. Бечоранинг қариндошуруғлари ҳам деярли йўқ эди — бу исм фақат унинг паспортида қолди-ю, шу атрофдагилар орасида «Чўтир хола» сифатида машҳур бўлди. «Фаридахон, болам, бормисан?» деб эшикдан ҳаллослаб кириб келадиган чопоноталик кампир ҳам дунёдан ўтиб кетди. Чўтир холанинг раҳматлик эри тақачи эди; у икки фарзанд кўрди: каттаси — Абдувосит, кичиги Абдувоҳид эди. «Қулунтойлар от бўлганида» уруш бошланиб, ака-ука олдинма-кейин фронтга жўнаб кетишди. Улар қайтиб келмади. Чўтир хола икки фарзанд доғида куйиб, кўмир бўлиб қолди. Кенжасини яқин-яқингачаёқ кутарди, ўзининг айтишича, унинг кўзлари, чаккалари, қорамағизлиги Умидга ўхшаб кетаркан. Чўтир хола баъзан Умиднинг чаккасига қараб, тикилиб қоларди. У Умиднинг безовта бўлаётганига ҳам эътибор бермасди. Унинг кўз олдида Абдувоҳид пайдо бўларди. Уруш йилларини жуда машаққат билан ўтказди — биттагина сигири жонига ора кирди; сутини сотди, тезагини ўтин қилди... Лавлаги қайнатиб еявериб, шишиб кетган вақтлари ҳам бўлди. Ҳовлисидаги азим туп тутдан тоғора-тоғора олиб чиқиб сотди. Ҳаммаси бўлди, аммо икки фарзанд доғи, унинг айтишича, қиёматгача қалбини қиймаларди. Кейинчалик: «Буйруқ бор, сигирингни йўқот!» дедилар. Хола ҳайрон, оғир йилларда кунига яраб, омон сақлаган сигирини нега йўқотар экан! Йўқ, бўлмади, говмишни қассоб етаклаб олиб чиқиб кетди, ўша пайт сигирнинг Чўтир холага қайрилиб қараб «ҳим-м-м...» дегани ҳали-ҳали юрак-бағрини эзади... Хола ерга ўтириб олиб йиғлаган эди...

* * *

Шу иссиқ ёз кунларининг бирида Умид ўқинётган китобини ёпиб, кўчага отланди; наридан-бери соқолини қириб, «кўчаллик кийими» — украинча ипак кўйлагги, шими ва оқ брезент туфлисини кийди. Унинг шошадиган иши ҳам йўқ, лекин негадир юрагига гулгула тушиб, институтга бориб келишни — илгари юрган йўлкаларда яна бир юришни қумсаб қолди. Агар институт ётоғида бирон ошнасини учратмаса Ҳотамники-

га, агар у қарши бўлмаса, кечроқ Комсомол кўлига боришини ўйлади.

Трамвайда иттифоқо юраги орзиқиб тушди; уч-тўрт қадамча олдинда турган қиз унинг диққатини ўзига тортди. Бу — ўша! Кийган кўйлаги, сочининг турмағи ҳам унинг ўзи эканлигини билдириб турибди. Умиднинг юраги дук-дук уриб, беихтиёр унга яқинлашди. Улар бир-бирларига ялт этиб қарашди-ю, қиз тезда Умиддан кўз узиб, ҳеч нима кўрмагандек ерга боқди. Ўзини андек ноқулай сездими, ёноқлари қизарди. У бўлса рўпарасидаги юлдузи иссиқ қиздан асло кўз узмасди, тикилиб туриб ниҳоятда ажабланарди. Бу, унинг ўзи! Бу, шоир айтганидек, «олтин тасодиф»... Умид ўз кўзларига ўзи ишонмай яна қизга қаради, унинг қош-кўзлари: «Ҳа, мен ўша сиз ўйлаётган қизман, билдингизми!..» дегандек кулиб турибди. Бу иссиқ юз худди унинг ўзгинаси, бошқа одам бўлиши ҳеч мумкин эмас! Умиднинг лунжи ҳам зирқираб оғригандек туюлди; ўшанда ичига ях кўмилган қор билан боплаб туширган эди. Лаби кўкариб, тиши ҳам қонаган. Бунга анча йиллар бўлди, лекин ҳозир чақмоқдек ялт этиб унинг хаёлидан ўтди... Трамвай тўхташига озгина қолганда қиз ўрнидан қўзғалиб, эшик томон юрди. У иккинчи бор Умидга боқмади — келишган қоматини, Чўтир хола айтадиган «чикка бел, қайроқдек танини» тик тутиб, эшик очилишини кутиб турди. Умид яна бошдан-оёқ тикилди, бошқалар сезиб қолмаслиги учун ҳозиргина дўкондан олган газетага кўз ташлади. Трамвай тўхташи билан қандайдир бир куч уни ҳам ўрнидан қўзғатди — у ҳам трамвайдан тушди.

— Кечирасиз, сиз менга жуда таниш кўринаяпсиз, кимлигингизни айтолмайсизми? Тўхтатганим учун узр сўрайман...

— Зарари йўқ. Мен сизни танимаяпман. Мени бирон кишига ўхшатяпгандирсиз? — бийрон жавоб қилди қиз.

— Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!

— Жуда мумкин!

Қизнинг шаддодяги, унинг кўзларига ўткир тикилиб, табассум қилиб туриши Умидни довдиратди. Умид гапида адашиб, қизга маҳабб бўлиб қолди. Таъинроқ бир сўз ҳам айтолмади.

— Энди соатингиз неча бўлди деб сўрарсиз,— деди қаҳқаҳ уриб қиз,— сўрамайсизми? Соат иккидан ўн минут ўтди... Ҳамма йигитлар шундай савол беришади... Эҳ, сизлар!

— Эҳ, сизлар!— деди Умид ҳам кулимсираб,— сиз Пулатжон акамларнинг қизлари эмасмисиз?

Қиз Умидга қараб жилмайди— унинг икки юзида ёқимли кулгич пайдо бўлди. У бирон сўз айтолмай, қўли билан «хайр» деган ишора қилиб, негадир югурганича йўлнинг нариги томонига ўтиб кетди. Йўлда кета туриб яна билагадаги балиқ кўзига ўхшаш соатига қаради, ундан сўнг орқасидан кузатиб турган Умидга яна бир қаради. Кулгандек ҳам бўлди.

Умид ўз ишидан хижолат; у нима деб ўйлаши мумкин— шилқимлик эмасми? Соат сўрашни эслатиш билан шундай, демоқчи эмасмикин? Шунинг учун ҳам аниқроқ бир гап айтмади. Сурбетлик қилиб юрадиган йигитлар уларнинг жонига теккан албатта. Аммо юрак ютиб озиб-ёзиб бир жасорат қилган Умид хижолатга тушиб қолди. У икки оғиз гапни сдоб юзасидан айтган бўлса ҳам, ичида шилқимлик деб ҳисоблагандир. Умид институтга бора-боргунча шуни ўйлаб борди. Лекин у билан икки оғиз бўлса ҳам гаплашганидан боши осмонга етиб қувонди, йигирма биринчи июль энг яхши кун, деб кундалигига ёзиб қўйса ҳам керак...

Умид йўлида кетаётиб ҳар қачонгидек тўппа-тўғри китоб магазинига кирди. Бу институтга ўхшарди— шу томонга йўли тушса, беихтиёр китоб магазинига киради. У жавондаги китобларни бир чеккадан кузатиб, анчадан бери қидириб юрган академик Прянишниковнинг икки жилдлиги лоп этиб кўзига ташланди. Китобни сотиб олишда шошиб қолганидан сотувчи бил таажжубланарди. Бадиий адабиёт бўлимидан ҳам баъзи китобларни сотиб олди. Шундан сўнг магазиндан чиқиб, кўчани кесиб, қадрдон институтига кирди. Бунда қоровулу ҳовлида ишлаётган бўёқчилардан бўлак ҳеч кимса йўқ эди.

Ёз каникули...

Гавжум коридорлар, ҳовлида фонтан атрофидаги мусоҳаба-ю мунозаралар, волейбол ўйини, мрамар зинапояларнинг учтасини бир қилиб чопқиллаб тушишлар, ясанчоқ, сергап қизларнинг чулдураши, де-

ворий газетадаги карикатурага тикилганларнинг қийқириғи... бари, бари йўқ. У ярим қоронғи, жимжит коридорда бир лаҳза туриб, очилиб қолган эшикдан ўзи ўқиган аудиторияга кўз ташлади: деворда ўша портретлар — Тимирязев, Мичурин, Дарвин... Умид бир лаҳзадан сўнг қайтиб кўчага чиқди-да, шундоқ иссиқда дўсти Ҳотамниқига боргиси келмади — агар у уйда бўлмаса жуда овора бўлади. Ётоқхона томонга ҳам ўтмади. Негадир у тезда уйга қайтди — унинг кўз олдида ўша шўх қиз ҳамон эркаланиб, ёниб турарди. Дарҳақиқат, у ёқимли қиз бўлибди. У анча камтарга ҳам ўхшайди. Бир дам тўхтаб, Умид билан гаплашди-ку. Ҳазиллашди ҳам... Ёки ҳазиллашмадими? Ҳар қолда ҳазиллашгандек бўлди. Агар у димоғдор қизлардан бўлганда, Умидга қайрилиб боқмай кетаверарди. Лекин у тўхтаб анчагина гаплашди. Бўлмаса, ҳозир баъзилар отасининг номдорлиги билан ғурурланиб, ҳеч кимни менсимамай, ўзига бино қўйиб юришликни одат қилишган-ку! У бўлса яқингинада жамалак соч қиз эди. Қаранг, катта бўлибди, чиройли, келишган... Умид уйга етиб боргунича хаёлида ўша қиз чарх айланди; унинг исми нима эди! Уйлаб-уйлаб тополмади. Исми ҳам чиройли эди.

Умид эшикни очаётганида Чўтир хола чақирди:

— Ҳой, айланиб кетай ўғлим, бу ёққа келинг, сизга хат...

Умид бориб хатни олди-да, турган ерида ўқий бошлади. Чўтир хола гапини давом эттирди:

— Ўртоқларингиз сизни анча кутишди, ҳа, айтгандай, аввал ўбдан тақиллатишди, кейин мен уларга сизни йўқ бўлсангиз керак, дедим, наҳотки шунча тақиллатсанглар ҳам очмас эканлар. Қаттиқ ухлаб қолмасалар керак эди, дедим. Ўртоқларингиздан биттаси ҳазилвон экан, тоза кулдирди. Сизга хат ёзган ҳам ўша...

— Тўйга айтиб келишибди, хола, — деди чеҳраси очилиб Умид, — дўстларимдан бири уйланыпти — сиз кўрган йигитларнинг новчароғи.

— Мен ҳам шундоқ деб ўйлаган эдим. Илоҳим бахтли бўлиб, қўша қаришсин, о-о-мин! Ишқилиб, ҳозирги замонда йигит билан қиз бир-бирини кўриб олгани яхши-да, бу умр савдоси. Бурунги замонни асти сўраманг — акамлар раҳматлик уйланадиган бўлди-

лару, у ёқ-бу ёққа дарак солиб, қиз қидирдик. Сизга ёлгон, худога чин — Маҳмудхўжа чопонфуруш совчиларга кичик қизини кўрсатиб, бурни пучуқ катта қизини рўпара қилса бўладими! Акам бечора гўшангада кўриб, ҳайро-о-он бўлиб қолганлар. Тақдир шу экан, деб пешанага бирни уриб, ўша пучуқ кеннайим билан умр ўтказдилар, беш ўгил, уч қиз кўрдилар. Салмоновни эшитган бўлсангиз керак, грёй, газитларда тинмай сурати чиқади? Мен унинг ёлғизгина аммаси бўламан, болам. Лекин фарзанд доғи мени икки буклаб қўйиб, қариндош-уруғларимникига ҳам бормаيمان. Иложи бўлса ҳеч шу ҳовлидан чиқмасам дейман. Баъзилардек кулиб ҳарала-тарала қилгим келмайди.

— Шунақами?— деди Умид Чўтир холага ҳайрат билан тикилиб.

— Ўғлим, жуда камгапсиз, номингиз нима? Наслу насабингиз қаердан? Мундоқ дилингизни очсангиз бўлмайдими? Дил ғуборини дил олади, дейдилар. Сизларнинг ишларингиз қийин, тушунамиз... Кўчиб келганингизга ҳам бир йилча бўлди, исмингизни ҳам билмайман.

— Исмин Умид, тошкентликман. Отамлар асли муаллим, урушдан қайтиб келиб вафот этдилар. Ойимлар ёшлигимда ўлганлар. Илгари Сақичмонда турардим. Бу ҳовли тоғамларники... Бошқа гапларни вақти соати билан айтиб бераман, холажон...

— Майли, майли, омон бўлинг, болам.

Умид Чўтир хола билан хайрлашиб, ҳовлига кириб кетди. У дарҳол кийимларини ечиб, жўмракдан сувни шариллатиб, ювинди.

Шундан сўнг, каравотга чўзилиб, дўстлари ташлаб кетган хатга яна кўз ташлади. Индинга йигирма учинчида тўй... У хатга тикилиб туриб, бирдан юраги шигретиб кетди, ўртоғи адресини «Гулзор кўча, 12-уй» деб ёзибди, бу Оқлон маҳалласи-ку? Пўлатжон ака шу маҳаллада турардилар... Умид дик ўрнидан турди-да, яна хатга қаради. Оқлон... унинг хаёлига болалик йиллари келди; ҳам қумсаш, ҳам жабру жафо... У хатни столи устига қўйиб, янги сотиб олган китобларини ва рақлай бошлади; академик Прянишников...

Кўзи селекция китобларида эди-ю, хаёлида ўша қиз... Бу таниш қизнинг номи нима эди? Тилининг учида турибди. Аммо айтолмасди.

АҚЛУ ҲУШ УЧДИ БОШИМИДИН...

Индинига, шанба куни туҳфасини ўраб олган Умид Ҳотам билан бирга ошнасининг тўйига кириб келди. Соат тўққизлар, қайноқ шаҳарга аста-секин оқшом салқини чўкмоқда. Йўлкалар, трамвай, троллейбуслар ҳам унча тирбанд эмас, аммо катта кўчаларда ҳали машиналар оқими авжида. Тортинчоқ, камгап Умид бугун атайин Ҳотамларникига бориб, унинг кўчадан келишини кутиб ўтириб, қўярда-қўймай тўйга олиб кетиши, унинг бир оз сергапроқ ҳам бўлиши Ҳотамни ажаблантирди. У кета туриб дўстига қараб-қараб қўярди; ўша Умид: ўрта бўйли, қотма, қорачадан келган. Қуюқ қошлари остида икки кўзи ёниб туради, жиндак тажанглиги ҳам бор — бир сўз етарли, икки сўз ортиқча. Қора одамнинг тажанглигига ҳайрон эди Ҳотам. Дафтар-китобларни жуда саришта тутар, ётоқхонада ҳам у жуда озода ва тартибли турди. Институтга кирганига қадар уч йил ҳарбийда ҳам бўлиб келган; вақтида уйғонар, ўртоқларининг ҳам эриниб, карахт ётишига қўймай кўрпаларини олиб ташлар, ўзи чой қўяр, полларни юварди. Ҳарбийда бокс спортига қизиқиб, разряд ҳам олибди. Ётоқхона ҳовлисидаги ёғочда ичига қишиқ тўлдирилган чарм ёстиқ осиглиқ турар, Умид ҳар куни чарм қўлқопини кийиб, қишиқ тўлдирилган чарм ёстиқ билан тоза олишарди. Яқин-яқингачаёқ гимнастёрка киярди — кўкрак чўнтагида эҳтиёт қилиб ўраб қўйилган комсомол билети, адаси ва ойисининг сурати... У бир-икки йилдан бошлаб украинча ипак кўйлак киядиган бўлди. У бошқа ўртоқларига қараганда анча тежамкор, феълан босиқ. Ҳарбийда уч йиллик хизмат қилгани сабаб бўлса керак, курсдошларидан ёши каттароқ эди. Шунинг учун у ёши тенг Ҳотам билан ошначилик қиларди. Иккиламчи, Ҳотам унинг феълини яхши билар, ўзи ҳам ишчи оиласидан чиққани учунми, бу чайир ва доимо ўзини ишга урадиган, серҳаракат йигитни яхши кўрарди. Бундан ташқари, унингча, Умиднинг имони бақувват — комсомол ишига эътиқод билан қарашни, баъзилардек катталарни менсимаслик, тутуриқсиз гапларни айтиш, айирмачилик, институтнинг оммавий

ишларидан қочиниш унга тамоман бегона эди. Ҳзи ўлгудай тўғри сўз, ғирромлик, қувликни билмасди. Шу томонлари дўстига ёқарди. Умиднинг қийинчилик билан катта бўлганини ҳам биларди — кийимни яхши кийиши, пулни тежаши ҳам шундан.

Институтда Умидлар курсига чет тилидан инглизча ўқитилди. Ҳзининг қизйқиб мустақил шуғулланиши натижасида бу тилни ўқитувчиси билан гаплаша оладиган даражада билиб олди. Курсдошлари унга таажжуб билан қарашарди. Инглиз тили муаллими баъзан уни курсга «халфа» қилиб ҳам қўярди. Ҳотамнинг таъбирича, у «муҳаббат» хусусида анча совуққон — қизлар билан пачакилашмас, туппа-тузук гаплашиб туриб, бачканалик қилганлар билан аччиқлашиб қоларди. Тўй-ҳашамларга кам борарди...

— Тўйларга унча бормас эдинг, азизим? — деди Ҳотам кулимсираб, — бу сафар тайёргарлик жойида...

— Зерикиб ётибман. Ҳзинг ҳам шундай. Дўстимизнинг тўйи — бормаслик одобдан эмасдир. Ойим раҳматлик асли Оқлондан эдилар, у кишининг маҳаллалари. Мен болалигимда бувимларникига кўп борардим. Шу томонни яхши кўраман.

— Бу бошқа гап, — деди Ҳотам.

Улар тўй тантанасига кириб боришди. Ҳозир шаҳар ичи ҳисоблангани билан, қадим бу ерлар чекка — боғ кўча ҳисобланарди. Режа билан тушган қатор оқ уйлар шарқираб оқаётган ариқлар, толу тераклари ила файзли эди. Баъзан тут, баъзан гилосларнинг ҳовлилардан минордек бўй чўзиб туриши, баланд ишком ичида қора чарос бошларининг осилиб туриши бу ерларнинг беқиёс жаннат эканидан далолат бериб турарди. Ҳовлиларга кираверишдаги катта ва сервиқор дарвозаларни айтмайсизми, қадим бундай дарвозаларни Орифхўжабойлар қуради. Фуқаро бош эгиб кирадиган қийшиқ эшик, гувала деворини эплаб олса ҳам катта гап. Атиргуллар ҳовлиларга файз киритган — бу эса ҳовли эгасининг диду фаросатини кўрсатиб турарди. Шаҳардаги ҳамма қушлар Оқлонга йиғилгандек, бунда мусича билан чумчуқ кўп. Пирамонларда тухум босиб ётган мусичалар тўй шовқин-суронидан ҳам чўчимай жойидан қилт этмас — рўпарасида ошқовоқдек лампочка ҳамма ёқни чароғон қил-

қилмоқда. Чироқлар атрофида парвоналар, ниначина-мо кўк чивинлар гир айланиб ўзини ўтга урмоқда.

Улар тўйга кириб боришаркан, Умиднинг кўзи олма-кесак тера бошлади: у келмаганмикан? Улар дарвоза ёнидаёқ куёвтурани табриклашди. Хизмат қилиб юрганлардан бирига «арзимас» туҳфани беришди. У йигит ичкарига бошлаб кириб, ҳурматли кишилар ёнидан жой кўрсатди. Ҳовлининг бир томонида, баланд сўрида хоҳанда ва созандалар мақомни янграмоқда; кексалар завқ билан тингламоқдалар. Жиндак эҳтиётсизлик билан овоз чиқарган ширакайф йигитчани имо билан дарҳол пасайтириб қўйишди. Хонандалар орасида Юнус Ражабий ҳам бор, одамлар унинг мақомини қилт этмай тинглашарди. Маст бўлиб юрган бир совуқ шофёр йигит бир-икки бақириб, ҳунар кўрсатган эди, азамат бир йигит унга имо-ишора билан ўзини тутиб олишни, мақом тугагунча оғирроқ ўтиришни таъкидлади. Йигитча ўзини тутолмай, хира пашшадек жонга теккан эди, бояги азамат йигит ҳеҳ кимга билинтирмай уни ташқарига бир зумда олиб чиқиб кетди. Бир-икки чираниб кўрган эди, чоғи келмади. Ичкари-ташқари ҳовли-ю қўни-қўшниларининг томларида ҳам, кўча-дарвоза атрофида турган одамлар хонанда овозига жон қулоқларини тутиб турардилар. Кексалар уни кўз юмиб, эриб тинглардилар. Тўй эгаси-ю куёвнинг қариндош-уруғлари, ичкарида ўтирган кампир, хотин-халаж оғзида Ражабийнинг тўйга келгани, уни машинадан авайлаб тушириб олишгани, у ҳамма тўйга ҳам боравермаслиги Мулла Тўйчи ҳофизни эслатишини гапиришарди.

Ҳотам билан Умид нозу неъматларга тўла стол ёнида ёнма-ён ўтиришди; узатилган чойдан ҳўплаб, нон тишлашди. Стол устида сомса-ю варақи, япроқланган қази-ю яхна гўшт, ичкиликнинг ҳамма тури муҳайё... Бир нафасдан кейин иссиққина кабоб ҳам келди. Ашула тугагач, эътиборли бир одам келин билан куёвни кутлаб, бахт ва тотувлик, ували-жували бўлишини тилади. Қадаҳ кўтарди. Ҳамма ичди. Умид билан Ҳотам ҳам «тўйда ичилмаса, қачон ичилади» дегандек, бир-бирларига қараб қўйишиб, «оқ»дан отиб юборишди. Шошиб-пишиб шўр помидор, кабоб ейишди — ичкилик жиндак таъсир этиб, оғизларининг таноби қоча бошлади. Лекин Умид ўтирган ерида ким-

нидир қидириб, атрофга алангларди. Ҳотамнинг гапи ҳам унинг қулоғига кирмай, бақраяр, хотин-қизлар ўтиб қолса, бошдан-оёқ тикилар, ёнида ўтирганлар сезадиган даражада алангларди.

— Ҳа, — деди Ҳотам, — биронтаси ёқиб қолдими? Менга ҳам кўрсат!

— Бе-е!— деди Умид, — шунчаки... Буларнинг ичида пичоққа илинадигани йўқ.

— Бор.

— Лаббай?

— Бир қиз бор... Назаримда, у хизмат қилиб юрибди. Ҳозир ичкарига кириб кетди. Атлас кўйлак кийган, оёғида оқ туфли...

— Мен шунчаки қараяпман. Бу ерда атлас кўйлак кийган қизлар кўп.

— Лекин бунақаси йўқ. Кимнинг қизи экан? Куёвнинг синглиси эмасми? Кўзи чиройли экан. Одамга қаттиқ қарайди...

— Кимни айтяпсан?— сўради Умид ҳайратланиб, — кўрсат!

— Сабр қил, ҳозир чиқиб қолади.

Кўп ўтмай ўша қиз ҳовлига кириб, уларнинг ёнгинасидан ўтиб кетди. У ўзини сипо тутар, ҳеч кимга қарамасликка ҳаракат қилар, шўхлик қилишга шайланиб турган қошу кўзларини итоатда сақларди. Унинг келишган қаду қомати атлас кўйлак ичида ҳам ўзини таманно қилиб турарди. Умид ялт этиб қаради-ю, миқ этмай қолди — қизариб кетгандек бўлди. Буни оқшом сурмасида кўриб бўлмас эди.

— Нега нафасинг чиқмай қолди?— деди ёнига қараб Ҳотам, — айтганим мана шу-да. Қалай, дидимга қойилмисан?

Қиз унинг ёнгинасидан ўтиб кетди-ю, бир боқмади. Кўрмадими? Кўрса ҳам ўзини кўрмасликка олдими? Умид хаёлга чўмди. Ҳотам бўлса аграйиб қолган Умидга тикилиб туриб, ўйлади: «Бунга бир бало бўлди». Рюмкасига ичкилик қуйганини ҳам сезмади. Қиз ичкарига кириб кетгач, Умид ундан кўз узди. Секин хўрсиниб ҳам қўйди. Дўстини диққат билан кузатиб турган Ҳотам секин кулди:

— Оббо сен-э?... Оқлонда менбоп қизлар бор экан аканг айлансин, зап дўндиқ эканми? Шунақа дўндиқчасига уйлансанг...

— Ҳай-ҳай, ўзларини боссинлар, Ҳотам полвон!
— Сенга бир гапни айтайми? Ҳеч кимга айтмай-санми? Айтсанг нимасан?

— Айт!

Кайфи ошган Ҳотам шерланиб, мақтаниб гапира бошлади. Умид бўлса берилиб, ишониб тингларди...

— Хўш? Кейин-чи?— деди оғзини очиб тинглаб турган Умид.

— Шу.

— Ундан кейин?

— «Ундан кейини»ни кейин айтаман...

— Исми ким?

— Г...

Орадан бир соатча вақт ўтгач, тўй базмининг айни авжида ёшгина бир бола Умид ёнига келиб, нариги ҳовлига бир кириб чиқишни, кампир бувилари чақираётганини айтди. Бу гапни эшитиб турган Ҳотам билан Суръатга тезда қайтиб чиқажагини айтиб, Умид бола билан бирга ичкари ҳовлига кириб кетди.

Уй ва айвон тўла хотинлар чароғон ҳовлида — ариқ бўйидаги ўриндиқда ўтирган кампирга бир жувон Умидни олиб келиб кўрсатди.

— Буви, Умиджон келдилар, мана, кўряпсизми?

Кампир Умиднинг «Ўтираверинг, безовта бўлманг», деганига ҳам қарамай, қўзғалиб, елкасига қўл узатди. У жуда қариган, яхши кўрмас ҳам эди. Умидни қучди. Шундан сўнг негадир қўлларини ҳам узатди. Умид кафтида тўртта қаламни ушлагандек бўлди.

— Умидмисан? Ҳумайранинг ўғли Умидсан-а? Вой бувинг тасаддуқ, вой бўйларингдан бувинг ўргилсин, катта йигит бўлган боламдан айланай.

— Ўзингиз яхшимисиз, буви?

— Худога шукур. Яхши,— деди кампир Умид юзига тикилиб, этлари суякка ёпишган ориқ қўллари билан яна Умид елкасига қоқиб, кифтини, бошини силарди. Бир лаҳзадан кейин, уни атай энгаштириб пешанасидан ўпди. Атрофда турган хотинлар ҳам Умид билан омонлашиб, бир-бирига: «Ҳумайраҳоннинг ўғли, қаранг, катта йигит бўлиб қолибди-я», дейишарди. Ҳаяжонланиб, чайқалиб гапираётган кампирга кулимсираб тикилиб туришарди: — Сен мени танимаяпсанми? Мен ҳам бувинг бўламан. Ҳа, катта бувинг... Онанг раҳматлик яхши жувон эди.— Кампир ҳўнгил-

лаб йиғлайди, — онанг раҳматлик бундоқ йигит бўлганингни кўролмайд кетди, онанг раҳматлик...

— Буви, қўйинг, йиғламанг, — деди хотинлардан бири.

— Кўзим ўлгур яхши кўрмайди, бирон ерга юриб боролмайман, болам, кўргим келади, уруғларимни соғинаман, қандоқ қилай...

— Ўғлим, — деди хотинлардан бири, — Тўтиниса бувимиз табаррук бўлиб қолганлар, уч кам юзга кирдилар. Онангиз Ҳумаирахон раҳматликнинг катта холалари бўладилар. Мен бўлсам, онангиз билан хола-ваччаман. Қани, бир кўришиб қўяйлик, эсон-омонмисиз, омон-эсонмисиз...

— Раҳмат. Мана, тўйга келиб қариндошларимни кўрарканман, — деди. Умид хижолатомиз, — бордикелдимиз бўлмади, оймларнинг холалари бўлсалар менинг бувимлар, шундоқми? «Ҳа, шундоқ». Вақтида ҳолингиздан хабар ололмадик. Айниқса бувимларни...

— Хафа бўлма, болам, — деди ўша қақилдоқ хотин, — ўгай онанг қилмишларидан хабардормиз. Сени биздан, бизни сендан жудо қилди. Ҳа, майли, умринг узоқ бўлсин.

Шу лаҳза бояги жоду кўз қиз ҳовлида пайдо бўлди. Умид ялт этиб қаради. Узун бўйли хотин Умид юрагидаги ҳаяжонни мутлақо пайқамай, яна узундан-узоқ гап бошлади. Қиз Умидга бир ўткир қараб, ариқ бўйида ниманидир кутгандек тураверди. Хотинлардан бири беихтиёр қизга боқиб, унга иш буюрди:

— Ҳафизахон, бўйларингдан айланай, бор, бувингларга бир чойнак аччиқ чой дамлаб кел!

Умид ўша қалбида ўт ёққан қизга тикилиб қолди. Унинг исми «Ҳафиза» экан. Чиройли исм. Умид назарида, дунёда энг чиройли исм — Ҳафиза, бундан чиройлироқ исм бўлиши ҳеч мумкин эмасдек туюлди. Унинг юраги тепиб кетди, яхши ҳам тўйга келди. Йўқотиб қўйган ўша Ҳафизани топди. Унинг чиройли исмини ҳам билди. Умиднинг чеҳраси очилиб, кампир буви билан бошқатдан қизиқиб гаплаша кетди.

Орадан кўп ўтмай, Ҳафиза чой кўтариб келди. У чойнакни Умидга тутиб: «Бир-икки қайтариб юборасиз-да», деб кулиб қўйди. Умид «албатта» дегандек Ҳафизага имо қилди. Шу лаҳза ёшроққина бир жувон бояги хотинга — Умид «қариндоши»га гап қотди:

— Опоғойи, Умиджон озгина коньяк ичарлар, олиб чиқайми? Тўй-ку, йигитлар бундай кунда чой ичмайди!

— Шундоқми? Мен чойни бувимга олиб келдим,— деди уч кам юз яшар кампирнинг сўзини эшитиш баҳонаси билан атайин бунда турган Ҳафиза. Унга негадир ёш жувоннинг гапи ёқмади,— Умид ака, мана, исмингизни ҳам билиб олдик, чой ичинг, яхшилаб дамлаб келганман.

— Албатта чой ичамиз, чой яхши,— деди қизариб Умид.

— Нима деб гаплашяпсизлар?— деди кампир буви қулоғини ўнглаб.— Ҳа, Саври қақилдоқ мани уч кам юзга киргансиз дейди. Ман этаманки, йўқ барот ойида туғилган эканман, отмишларда бўлсам керак дейман. Онам раҳматлик манга иккиқатлигида Тошкентда қаттиқ ер қимирлаган экан. Боғга қочиб чиқишиб, мани бардининг устида туққан эканлар. Гўртдаги кенасинг уйи ҳам қулаган экан. Ушанда оқ пошшо кенасга гиштдан уй сол, деб айтибди. Бегларбеги мадрасасидаги муллалар ҳам қочиб чиқишган экан. Кренисканинг милён-милёни чиққанда, кенжа ўғлимини уйлантирган эдим. Келиним бир йилдан кейин Нормурод неварамни туққан. Охунбобоюп пошшо бўлганда, сани онанг туғилган эди. Ҳамма нарса эсимда эканми, ўғлим?

— Охунбобоев пошшо эмас, буви,— деди новча хотин.

— Бизларча пошшо-де. Юртни сўрагандан кейин пошшо демай нима дейди, болам. Пошшодан ҳам катта у зот...

Ҳафиза ҳам, Умид ҳам бувининг гапига жон қулоғини тутиб туришарди — нари ёқда, базмда хонандаларнинг дилрабо ашулалари ҳам қулоққа кирмасди. Коньяк олиб келмоқчи бўлган хушбичим жувон бир чеккада мулзам бўлиб турар, аҳён-аҳён Ҳафизага ўқрайиб қараб қўярди.

Кампир буви яна Ҳумайрани эслаб, бирдан оби дийда қила бошлади.

— Қўйинг, йиғламанг, буви,— айвонда ўтирган хотин ўрнидан туриб келиб, кампир, Ҳафиза, Умид билан омонлашди,— раҳматликнинг мана, зурёди бор, у ўлмайди. Умиджон омон бўлсин...

Буви яна қулоч ёзиб, Умидни қучди. Ҳафизанинг ҳам чиройли кўзлари кампир ҳаракатларидан тўлқинланиб ёшлангандай бўлди.

Новча хотин Умидга имо қилиб: «Энди ўртоқларингиз ёнига чиқсангиз бўлади, бувингиз жуда хурсанд бўлдилар. Вақти-вақти билан бувингизни кўриб-туринг»,— деб илжайди. Умид кампир билан хайрлашиб, ўрнидан турди. Шу лаҳза новча хотин билан хушбичим жувоннинг тескари қараб, гаплашиб турганликларидан фойдаланиб Умид Ҳафизага қарадида, секингина: «Тўйдан қайтишингизда уйингизгача кузатиб қўяман. Катта кўчадаги чинор тагида кутаман. Келсангиз-келмасангиз ҳам барибир кутаман...» деди. Ҳафиза жилмайди, лекин ҳеч нима демади. Умид кампир билан ва бошқалар билан қуюқ хайрлашиб, базмга чиқиб кетди.

Умид ўзида йўқ шод, ҳаяжондан ўзини босолмасди. У ошналари ёнида ўтириб, юрагидаги тўлқинни яширишга, саратон оқшомида қалтирамасликка тиришар, барибир ўзини босиб ололмасди. Ҳафиза билан танишиб олганидан мамнун. У чинор тагига келармикан? Бирон нима демади-ку. Аммо у ўша ерга бориб, кутиб туради. Ҳафиза ярим кечагача ўтирмаса керак? Шунинг учун ҳам барвақтроқ бориб, кутиб тургани маъқул.

Кайф қилиб ўтирган қилиғи совуқ Суръат Умидни туртди:

— Нима гап? Жуда ҳаяллаб қолдинг?

— Ҳали маст бўлмабсан,— Умид кулиб боқди.

— Нима-нима?— Суръат бу гапга тушунган бўлса ҳам, ўзини гўлликка солди.

— Ҳаяллаганим йўқ, фақат беш минут...

— Ўзинг айт, Ҳотам, шу ростми? Беш минутми? Кутавериб қўлимиз қабариб кетди-ку!

— Ҳа, бизга жуда жавир бўлди...— Ҳотам Умидга кўз қисди.

— Узр сўрайман... Бувимлар табаррук одам, анчадан бери кўрмаган эдим, чақиртирибдилар.

— Юз ёшга кирдиларми? О-о-о, табаррук ҳам гапми! У киши чинор.

Умид «чинор» сўзини эшитиши билан ялт этиб Ҳотамга, ундан кейин Суръатга қаради. Олазарак бўлди.

— Биз ҳам юз ёшга кирайлик, — деди Ҳотам рюмка тўла ароқни тўкиб юбармаслик учун эҳтиёткорлик билан кўтариб, — ва у кишининг ўзлари ҳам яна кўп яшайверсинлар. Қани, ичинглар!

Уларнинг учовлари ҳам тухум ютгандек рюмканилиқ этиб оғизларига қоқишди. Суръат рюмкани тўнкариб кўрсатган эди, «офарин», деди Умид афтини буриштириб:

— Турган-битгани зарар бўлса ҳам шу ярамасни ичамиз-а, одам тушуниб туриб ҳам ўз зиёнини қилади... Тавба!

— Қани, бу яхши гап учун ҳам бир отайлик! — деди кайфи ошиб қолган Ҳотам.

— Отайлик! — яна қулт этиб ютишди.

Суръат рюмкаларни тўлдираётган эди, раққосага ағрайиб ўтирган Умиднинг тирсаги тегиб, рюмка тўкилиб кетди.

— Э, бормисан, мана энди тўйга ўхшади, — деди Суръат яна бошқатдан ўша рюмкага қуйиб, — беш кунлик дунёда кайф сурмоқ, ҳаётнинг лаззатини тотмоқ...а, лаббай, шундоқ эмасми?

— Ошнам, ўлимни ўйлашга вақтим йўқ, иш кўп...

— Хо-хо-хо-хо-о-о... Иш кўп, дегин!

— Ҳа, зарурроқ иш бор. Кайфу сафо ҳам сурмоқчи эмасман, иш бор...

— Хо-хо-хо-хо-о-о... Маладес!

— Шу яхши гап учун ҳам бир отайлик, илтимос қиламан! Утиниб сўрайман!

Улар яна ичишди.

Тўй базми аллавақтгача давом этди; созанда-хонандалар машқидан одамлар мануну масрур бўлиб ўтирганларида, Умид бир нима ёдига тушгандек безовталаниб, ўрнидан қўзғалди.

— Ҳа?

— Кетайлик энди...

— Қаёққа шошяпсан? Тўй энди қизияпти-ку! Уйда кутиб қолган кишинг бўлса ҳам майли эди.

— Шундоқ бўлса ҳам, ўртоқжон, кетайлик.

— Ол, ич!

— Вас!

— Ие, яна бувингнинг ёнига кириб чиқасанми?

Умид Суръатга ўқрайди-ю, индамади.

— Майли, беш минутдан кейин турамиз— дели Ҳотам,— яна биттадан олиб юборайлик. Ол рюмкани!

Умид рюмкани қўлига олиб, гапнинг охирини кутиб ўтирмай, қулт этиб ютди.

— Сен табаррук бувимни гапирдингми?— Умид Суръатга бақадек тикилиб қолди,— киноя деган нарсага бувимларнинг номларини аралаштирддингми? Ёки қулогимга шундай эшитилдими? Олифта йигит?! Умиднинг тажанглиги тутиб — термометр кўтарилаётганини пайқаган Ҳотам ўрнидан турди.

— Қани, қўзғалайлик!— у Умид билан қўл ушлашиб бориб, тўй эгаси билан хайр-хўшлашишди. Шундан кейин кўчага чиқишди. Умид Ҳотамга «зарур иши» борлигини айтди. Орқадан келган Суръат билан ҳам совуққина хайрлашиб, чинор томон юриб кетди. Ҳотам билан Суръат бир лаҳза унинг орқасидан қараб туришди-да, сўнг улар ҳам жўнашди.

Саратон тунида кўчалар серфайз, салқин ва чарогон. Ҳар замон-ҳар замон майингина насим юзга урилади, роҳат беради. Куни билан ҳансираган жониворлар ҳам дам олиб, жони роҳат олмоқда. Симёгочлардан, хонадонлардан тушиб турган нур асфальт йўлларни ёритарди. Шу атрофдаги ҳовузлик боғларда бақа қуриллар, чигирткалар тинмай ғижжак чаларди...

Умид тўй ғала-ғовуридан узоқлашиб, катта асфальт йўлни кесиб ўтди-да, жимжит боғ кўча бўйлаб завқланиб, ширин хаёллар оғушида қадам ташлай бошлади. Мана, у тезда чинор тагига ҳам етиб боради, бир оз туради. Эҳтимол, битта папирос чеккунчалик кутиб турар, ундан кейин Ҳафиза келади. У билан ёнма-ён бориб, уйигача кузатиб қўяди. Шу баҳона бўлиб, Ҳафизанинг ҳовлисини ҳам кўриб олади...

У кўчага бурилиши ҳамоно, орқада шатиллаб келаётган киши қадамини сезди.

— Умид ака, мени кутманг. Хайр!

— Тўхтанг, Ҳафизахон, тўхтанг!

— Танишларим келяпти.

— Бир минут!

— Йўқ,— у ўтиб кета туриб гапирди,— мен эртага соат ўн иккида кутубхонага бораман... Хайр!

— Хайр! Албатта бораман!

Ширакайф ва чексиз шод Умид Ҳафиза орқасидан қараб қолди. Ёнидан ўтиб кетган йигитчани — Ҳафиза-

нинг укасиги ҳам пайқамабди. У тўппа-тўғри чинор тагига борди — чироқ нурларида кундузгидек остига кўланка ташлаб турган чинорни қучди. Шу кекса дарахт Умиднинг болалигида ҳам худди шундоқ эди. Мактабда ўқиб юрган кезларида ҳам шундоқ. Лекин институтга кириб, бу томонга йўли тушмайдиган бўлиб кетди. Чинор ҳам унинг йўлида пурвиқор турмайдиган бўлди. Ёшликда, тўғрироғи, болаликда кўрган-кечирган нарса чиппа ёпишади, ширин рўёдек ҳамма вақт ёдда сақланади, уни болта билан ҳам кўчириб бўлмайди. Болаликдаги ҳамма нарса ширин, ҳамма нарса эзгудир.

Умид уйга боргунча Ҳафиза тўғрисида ўйлади; бу қизнинг нимаси ёқиб қолди? У ҳақиқатан шундай гўзалми? У ҳақиқатан бошқа қизларга ўхшамайдими? Шунча латофатни қайдан олган бу қиз?

Уйга келиб, гандираклаб чиқиб, ҳовлидаги жўмракни шариллатиб бошидан қуйди. Ерга ўтириб, ўзининг бу аҳволдан ранжиди; яхши ҳам Ҳафиза унинг мастлигини кўрмади. Унга бунчалик ичишни ким қўйибди?! Дам ароқ, дам коньяк... Бунчалик азоб нега керак эди?! Ахир, у бунақа йигитлардан эмас-ку! Хурсанд бўлиб талтайиб кетдими? Узини қўлга ололмадими? Шим ва кўйлагини каравотга отиб юбориб, ҳовлида яланғоч ўтирди: остидаги ернинг бир томони пасайиб, чархпалак бўлиб айланарди. Ҳовлида ёлғиз ўзидан бўлак ҳеч кимса йўқ.

У қайиқчадек дам у томонга, дам бу томонга қийшайётган ерда ўтириб, у ёқ-бу ёқни ўйлай бошлади, тўғрироғи, унинг кўз олдига ўтган йиллари кўрина бошлади. Ҳалитдан маст-алас бўлиб юриш! Папирос чекиш! Хотин-қизларга гап ташлаш? Йўқ-йўқ, ҳали у бу даражага етгани йўқ, у Ҳафизага бу ниятда боққани йўқ! Ахир, унинг ҳам севишга ҳаққи бор-ку, жуда ҳам ҳаққи бор! Унинг кўз олдига Ҳафиза келганида, аллақандай ҳаяжон бутун борлигини бағрига оларди. Йигитликни писанда қилавериб, жавраб, кўп ичирган ва бунинг устига Тўти бувини мазах қилган Суръат ҳозир унинг ёнида бўлганда роса дўппосларди — бу олифтанинг юрагида Умидга нисбатан ҳасад борлигини анчадан буён пайқаб юрарди. Улар феълан бир-бирларига ёқмасликларини ҳам билишарди. Ҳамма нарсани пулга чақиб гаплашадиган савдогарнамо

Суръатнинг хатти-ҳаракатлари доимо Умиднинг жинни қўзғар, «бир тийинни тишинг билан қисиб оласан, ошнажон, ғалатисан, нега бунақасан?» дерди баъзан у. Суръат зўрлади... Ўзига ўзи таскин бера бошлади Умид, нима, у ҳамма вақт ичиб юрармиди! Бу — тасодиф! Ўзингни қўлга ол, Умид!

Унинг кайфи ошиб, яна онаси раҳматликни эслади. Хўнгиллаб йиғлаб ҳам олди. Агар у раҳматлик тирик бўлганида, Умид шундоқ юрармиди — аллақачон уйлантириб қўйган бўларди. Уйлантирмаганида ҳам, тўйнинг ҳамма кам-кўстини тўғрилаб қўйган бўларди. Ҳозир унинг нимаси бор — бир даста китобу, устидаги бир сидра кийими... Турган жойи ҳам ўзиники эмас, тоғасиники.

Бурама сариқ мўйловли тоғаси эски партизанлардан. У олижаноб одам — отаси вафотидан кейин у оталик қилди. Уғил-қизлари Ачаободдаги чинни заводида ишлаши сабабли ўша томондан жой қилиб, кўчиб кетган эди. Шаҳар ҳовлисини Умидга берган — захкаш уйдан кўра Умид болохонани танлаб олган эди. Пастда — тоғасининг ошнаси — бир уйғур киши оиласи билан яшарди.

Ёки, деди у ўзига ўзи, ичкүёв бўлмоқчимисан? Ичкүёв — кучуккүёв, дейдилар, эҳтиёт бўл! Мол топилади, аммо ноёб муҳаббат инсонга бир марта берилади.

Умид ўзини каравотга ташлади-да, қотиб ухлаб қолди. Эрта билан ўрнидан турса, ўнг томон қоғови шишиб кетибди — ойнага қараб туриб бир хўрсиниб қўйди, чивин ёмон чақибди-да... У муздек сувга юзини ювиб, шишга пичоқ босди. Фойда бермади. Аксинча, қовоқдаги шиш лунжига ҳам тушди. У жуда «чиройли» бўлиб қолди. Энди шу «хусн» билан Ҳафизанинг ёнига борадими? Ишнинг аксига тескари келишини қаранг! Чивин падар лаънати эртага чақа қолса нима қиларди!

У нохуш ўтирди.

Қовоғи шишган Умид кеча тўйда бўлган гапларнинг ёдида қолганларини мулоҳаза қилиб, маст бўлиб алжиганидан хижолат бўлди. Аммо Тўти буви баҳона Умид билан гаплашишни истаб, парвона бўлиб юрган Ҳафиза ва унинг барча хатти-ҳаракатлари, қилиқлари, эркаланишлари кўз олдидан асло кетмади.

У Ҳафизани ўйларкан, дилидаги нохушлиги ҳам йўқолиб, чиройи очилгандек бўлди.

Учинчи боб

И Ш Қ И Д А

Бир томон қовоғи шишган Умид кутубхона бўсагасида — ариқ бўйида Ҳафизани кутиб турарди. У ичкарига кириб залларни ҳам айланиб чиқди. Соат ўн иккидан ошди, аммо ундан негадир дарак йўқ. У қўлидаги газетани ўқигандай бўлардию, кўзлари йўлда эди.

Соат бирларга яқин Ҳафиза кутубхонадан чиқдида, кўчадаги йўлкада у ёқ-бу ёққа қаради — ўзидан йигирма қадамча нарида, ариқ бўйида турган Умидга қараб, ҳеч нарса демай, яна ичкарига кириб кетди. Кийим ечадиган жойда туриб, бундаги кўрғазмага тикилди, бир йигит билан енгилгина саломлашди. Сумкасидан рўмолчасини олиб, бурни устидаги терни артди ҳам... Унинг барча хатти-ҳаракатларини кузатиб турган Умид таажжубланарди; наҳотки, уни кўрмаса... Бояги йигит ким экан? Ёки у бошқа бировни кутяптими? Юрагига гулгула тушиб, дарҳол зинапоядан кўтарилиб, яқин келиб салом берди. Қиз ялт этиб қаради:

— Вой, сизмисиз, Умид ака, салом! — у оппоқ қўлларини Умидга узатди, — қачон келдингиз?

— Залга кирдим. Сизни тополмадим...

— Қирганингиз йўқ, кирсангиз топардингиз. Вуй, кўзингизга нима қилди? Шишибди. Чивин чаққанга ўхшайди.

— Ҳа, ўша чивин мени жуда чиройли қилиб кетди. Кўчага чиқиб танимадингиз.

— Кечирасиз, — деди Ҳафиза хижолат бўлгандек бош эгиб, — қарадим, танимабман. Бой бўласиз... Чивинга нима ёмонлик қилувдингиз, бунчалик шишириб юбормаса. Оғрияптими? — у кутубхона зинапоясида уларни кузатиб турган уч-тўрт қиз-йигитларга ўзларининг жуда яқинликларини намойиш қилиб, бармоқлари билан Умид қовоғидаги шишни қўли билан босиб қўяди, — қайтиб қолади, яна ҳуснингиз жойига тушади.

Улар кулишди.

— Худо кўп кўрган ҳусни чивин тамоман текислаб кетмоқчи бўлди-я! — деди Умид, — баъзилар жуда эътибор берадиган шу ҳусн ҳам керак нарса.

— «Баъзилар»,— деди Ҳафиза кулиб,— баъзилар жуда эътибор беради, ҳақиқатан...

— Ҳусни йўқларга қийин, шўрликлар!— Зина устида турганлар уларга маҳлиё бўлиб қолганини кўрган Ҳафиза Умидни бошлаб йўлкада одим ташлади. У бир оз юргач, Умиднинг чап томонига ўтиб, қадамларини унга ўнглаб олди.

Бу иш Умидга жуда ёқди, уни «ака» дегани ҳам юрагида аллақандай шодлик, фахр кашф этган эди. У Ҳафизага боқиб тўймас, уни чиндан ҳам севиб қолган эди. Бу бир «романтик муҳаббат», ҳали бу ниҳол саратон жазирамаларига бардош бера олмасмикан? Севги деб аталган бу ҳислар баҳор ёмғиридек шарр этиб ўтиб кетмасмикан? Ёки уларнинг феълу атворлари бир-бирларига мос тушиб, чиннакам ҳаёт йўлига киришармикан?

Бу ҳали ноаниқ.

— Агар қарши бўлмасангиз, кинога кирсак?— деди қўрқа-писа Умид.

Ҳафиза унга ялт этиб қаради. Анча жойгача улар жим юриб боришди. Умид неча бор оғзини гапга чоғлар, бирон кулгилироқ, жуда бўлмаганда, ақллироқ гап излар, гап йўқ! Тавба, шундай пайтда кишининг эсига тез-тез яхши гаплар кела берса, айниқса кулгилик гаплар... У ўйлар, бирон афанди латифаси ҳам ёдига келмасди.

— Майли, кинога тушамиз,— деди Ҳафиза,— ундан кейин менга ўзингиз тўғрингизда гапириб беринг, хўпми? Сиз ўзингиз кимсиз?

— Хўп, ҳозир айтишим мумкин. Умидман.

— Йў-ў-ў-қ, муфассал айтиб беринг.

— Сиз мени қандайдир бир сирли одам деб ўйлаясиз. Онам раҳматлик қўйган Умид деган номимдан бўлак ҳеч вақо йўқ. Ишонинг, Ҳафизахон, сизни қизиқтирадиган, тилга олса олгудек бирон нима йўқ, бу гап рост! Тўппа-тўғри шундоқ!

— Умид деган исмингиздан бошқа, мана, яна иккита гап чиқди: биринчиси — раҳматлик онангиз ҳақида гапириб берасиз, иккинчиси — «ишонинг, гапим рост» дедингиз. Ишонаман! Агар сиз ҳамма вақт рост гапирадиган киши бўлсангиз, бу мени жуда қизиқтиради. Жуда яхши!

— Сиз ўз ҳаётингизда кўп одамларни биласизми?

— Ана холос,— деди Ҳафиза қотиб кулиб,— «мен ўз ҳаётимда...» газетада ёзадиган мақолага ўхшаб гаплашяпмиз, Умид ака, келинг, одамга ўхшаб гаплашайлик. Мен ўз ҳаётимда ҳеч кимни кўрмаганман. Лекин қариндошларим ичида «ҳаётида кўп одамларни кўрган» кишилар бор, мен ўшалардан эшитганман. Вақти соати билан айтиб бераман. Гапларимни самимий деб тушунинг.

Шу куни улар терлаб-пишиб бўлса ҳам кундузги кинотеатрга кириб, ҳинд фильмини кўришди. Мамнун бўлишиб, трамвайга чиқишди. Трамвайдан тушганларидан кейин Ҳафизанинг илтимоси билан Ҳадрадаёқ хайрлашишди. Укасининг феъли ёмонроқ, у билан танишлигини пинҳон тутиш зарурлигини уқтириб, катта кўчанинг нариги томонидан шатиллаганича уйига жўнади. Ҳар куни соат ўн иккида кутубхонада бўлишлигини ҳам айтди.

Эртасига Умид яна кутибхонага келди. Ҳафизадан дарак бўлмади. У туриб-туриб, ноумид қайтиб кетди. Индинига у яна келди, соат бирларга яқин бепортфель шундоқ турган Ҳафиза Умидни кўриш учун атай келганини, эрта билан Фарғонага, отаси ёнига кетаётганини, отаси бетоблигини айтди. Умиднинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, хомуш тортиб қолди.

— Нега... — деди у эркаланиб, Умид чиройини очиш мақсадида, — бормасам бўлмайди, яна тезда учрашамиз. Мен сизга хат ёзаман. Адресингизни айтиб қўйинг. Хат ёзишни жуда яхши кўраман.

Дарҳақиқат, Ҳафиза узоқдан, иложи бўлса Антарктидага ўхшаш жойлардан севикли кишисига хат ёзишни орзу қиларди. Бу, аллақандай китобларни ўқигани, аллақандай кинофильмларни кўрганидан бошланганини билдириб турарди. Баъзан ширин хаёллар чулғаб, у ўз севиклиси Умид билан Жамна дарёси бўйларида, аллақандай эртакнамо қасрлар ичида юргандек бўларди...

— Сиз Фарғонага кетиб қолсангиз, мен нима қиламан? — деди тўсатдан Умид.

— Ўҳ-ҳў-ў, қўйинг-э! Мен узоқ кетмайман-ку!

— Мени ҳам чўнтагингизда олиб кетинг.

— Майли эди...

— Йўқ, тўғриси айт, нима гап ўзи? — Умид беихтиёр Ҳафизани «сан»лади. Буни ўзи ҳам пайқамай қолди.

Ҳафиза кулимсиради:

— Умид ака, адамларни кўриб келаман...

— Бир соатгина гаплашайлик, юр, морожне еймиз, паркда салқин жой бор.

— Зоопаркка бормайликми? Ёшлигимда адамлар мени зоопаркка олиб борардилар. Маймунларнинг ўйини жуда қизиқ бўлади. Йўлбарснинг кўзи жуда ўткир. Бўғма илон атрофида юрган қуёнларга жуда раҳмим келади, улар ўлимга маҳкум этилганлар...

— Ундоқ бўлса, юринг!

— Сиз мени ҳозиргина «сен» деган эдингиз, шундай дей қолинг.

Улар бир лаҳза бир-бирларига тикилиб қолишди. Умиднинг «сен» дегани Ҳафизага жуда ёқди — бу жуда яқинлик белгиси. Икки қалб оҳанрабодек бир-бирига яқинлашишни жуда истарди.

— «Сен» деганингиз «сиз»дан кўра қадрлироқ.

— Агар кўчада одамлар бўлмаганда, бу яхши гапингиз учун сизни, йўқ-йўқ, сени бир ўпиб олардим...

— Умид ака! Сизга нима бўлди?!

—

— Фил тўрт юз йил яшайди, дейдилар, шу ростми?

— Рост,— деди қизариб кетган Умид,— лекин тимсоҳ минг йил, ҳатто ундан ҳам ошиқ яшайди, дейдилар, Нил дарёси атрофидаги кўллардан бирида катта тимсоҳни отганларида чакка суяклари орасидан олтин пойнак топган эканлар, бу — Фиръавн Рамзес II отган ўқ экан. Газетанинг ёзишича, бу тимсоҳ икки минг йилдан ортиқ яшаган...

— Вой бў-ў-ў...

— Келинг, шунақа совуққон бўлиб минг йил яшагандан кўра, ўзимизнинг саксон, тўқсон... яхши! Мен агар ўйлаган мақсадимга етсам, ўйлаган ишларимни қилолсам, саксонга дарров рози бўлардим.

— Ййе?!

— Бу умидсизлик эмас, акси!

— Агар менга ишонсангиз, ўйлаган мақсадингизни билишни истардим.

— Сен... Аспирантура... Илмий иш...

— Режангиз жуда аниқ-ку! Бу режа учун саксон йил эмас, беш йил ҳам етиб ортади,— деди Ҳафиза кулиб.

Улар ҳайвонот боғи дарвозасидан киришаркан,

негадир Ҳафизанинг руҳи яна ҳам кўтарилиб, Умиддан икки-уч қадам олдинга кетиб, бир лаҳзада ўша маймунни-ю, шеру йўлбарсларни; «заҳри электр токидай» ўткир чаққан заҳотиёқ ўлдирадиган илонларни бирваракайига кўргандай бўларди. У ёқ-бу ёққа аланларди, анча нарида — қуюқ дарахтлар орқасидан шер ўкириши эшитилиб қолди. Бу овоз ҳеч бир жондор овозига ўхшамас — кучли ва даҳшатли. Бу товушни эшитган бошқа жониворлар бир лаҳза бўлса ҳам жим бўлиб қолишар, табиат қонуни бўйича олазарак, қочишга тайёргарлик кўришарди. Дарвоза ёнида — қафас эмас, шундоққина панжара орқасида чиройли шохларини тик тутиб, тим қора кўзларини сузиб юрган кийиклар ҳам бир муддат қотиб қолишар, кейин бу темир қафас ичидаги ҳар кун неча бор эшитилиб турадиган шер овози эканини пайқаб, яна таманно юришни давом эттиришарди.

Ҳафиза бу товушни эшитибоқ жойида тўхтади, Умид унга етиб олгач, беихтиёр унинг қўлидан ушлаб, ўша шерлар қафаси томон юра бошлади.

— Иккинчи синфда ўқиётганимда адамлар олиб келган эдилар, — дейди Ҳафиза Умид юзига бир қараб қўйиб, — ўшанда каттакон фил ҳам бор эди.

— Фил бўлиши керак. Фил ҳам бўлмаса, унда ҳайвонот боғининг қизиги бўлмайди.

Қўлларидадан маҳкам ушлаб олган Ҳафиза қаршисида у ҳаяжонланар, ўзида йўқ шод — дунёда ҳозир ундан бахтли одам йўқ. У негадир шунча ақлини пешласа ҳам, бу пайт бир ақллироқ гап топиб айтолмас ва умуман, тилига гап келмасди. Улар шеру йўлбарслар олдида анча туриб, томоша қилишди, ундан кейин маймунлар, заҳарли илонлар, бургутлар... Ҳайвонот боғининг бир чеккасида, каттакон жой панжаралар билан ўралиб, ичида уч-тўртта қўй ва эчкилар юрарди. Уларнинг баъзиси иссиқдан ҳансираб, сояда ётарди. Панжарага «Ҳисор қўйи» деб ёзиб қўйилган. Бу ерда ҳеч ким йўқ, баъзида битта-яримта бола узоқдан бир нигоҳ ташларди-ю, яна югурганича шерлар томон чопарди. У ер жуда гавжум эди.

Шу лаҳза йигирма қадамча нарида дўмбоқ — семиз ўғилчасини кўтариб олган йигит келарди. Ундан нарида хонатлас қўйлаги офтобда ял-ял ёниб турган жувоним бир жувон эрига ҳазил-мутойиба гап отар-

ди. Улар ўз ҳаётларидан гоёта мамнун эканликлари шундоқ сезилиб турарди. Бир-бирларига мос тушганлари кўриниб турар, ёш ҳаётларининг гули — отасининг тепадек кенг елкасида миниб турган ўгилчаларига қараб қўйишар, офтобдан сақлаб, онаси юзига газетани соябон қиларди.

Сайр этиб юрган эру хотин қўйлар ёнига келишиб «ба-а» дегандек, бир лаҳза ҳам тўхтамай, пастга, оқ айиқлар турган томонга тушиб кетишди. Ҳафиза билан Умид улар орқасидан ҳавас билан тикилишди. Умид Ҳафизага боққан эди, у дарҳол кўзини бошқа томонга олди.

— Тавба, бу қўй бечораларни нега бу ерга келтиришибди? — Ҳафиза кулди, — ёки уларни ҳам кўрмаган одамлар бормикин?

— Ундан кўра кабоб қилишса-ку!

— Бечоралар шу ерда жон сақлаб ётишганга ўхшайди. Қўйинг, ўлмасин. Икковини ҳам юраги кабобга ўхшайди...

Улар навниҳол муҳаббатнинг сирли оғушида маст ва мамнун юрардилар... Ҳафиза қўйларга тикилиб турган бу лаҳзада Умид секин атрофга аланглади. Бу атрофда улардан бошқа ҳеч кимса йўқлигини пайқагач, Ҳафизанинг қўлидан ушлади. Ҳафиза унинг бир нима дейишини кутиб, ўгирилган эди, Умид уни кучли қўллари билан маҳкам қучиб, бағрига босди-да, лабидан ўпди. У Ҳафизанинг тўрга тушган балиқдек типирчилашига қарамай, иккинчи бор, учинчи бор ўпди... Ҳафиза қаттиқ эътироз билдирди:

— Қўйинг, қўйиб юборинг! Сизга нима бўлди!

— Бир оз тўхта, Ҳафиза. Сендан ҳам ширин...

— Бас! Қўйиб юборинг!!!

Ҳафизанинг ранги оқариб, лаблари титраб кетди. У тўзғиган сочларини ҳам тўғриламай, Умидга ҳам қарамай бу ердан кета бошлади. Унинг юзига қарай олмади ҳам. Бу шармсизликка чидолмай йиғлагиси ҳам келди. Бир лаҳзадан сўнг ўзини тутиб олиб, олдинга юра бошлади. Қўрқиб кетган Умид Ҳафизага етиб олди.

— Энди... — У сўз айтолмай ғўдилларди, — энди қулоғингни тишлаб олдим... Мени кечир...

— ...

— Бир оз тўхта!

- Йўқ!
- Анави ерда оқ айиқлар бор, кўрамиз.
- Ўзингиз кўраверинг!
- Ҳафиза!
- Йўқ!
- Ҳафиза!
- Бу яхши эмас!
- Мен сени яхши кўраман...
- Юринг, кетамиз!
- Оқ айиқларни кўрмаймизми?
- Йўқ!
- Бўпти кетамиз.

Улар анча жойгача чурқ этмай боришди; ҳайвонот боғидан чиқиб, трамвай бекатига етгунгача ҳам бир сўз дейишмади. Умид хижолат, нима қилиб қўйганидан ниҳоятда қўрқди ҳам. У трамвайда хомуш туриб, яна ялинишга ўтди:

— Мени кечир, Ҳафиза, сендан ўтиниб сўрайман, гуноҳимни кечир!

— ...

— Мени сендан бўлак ҳеч кимим йўқ...

— Трамвайда бунақа гаплар гаплашилмайди...— деди Ҳафиза.

Бу гапдан сўнг Умидга жиндек жон кирди.

— Битта яқиним тоғам ва ўша бувим, уч кам юз ёшли... Мен етим ўсганман... Азбаройи сени сев...

— Бас! Сиз трамвайдан тушгандан кейин тўғри уйга борасизми?

— Ҳа.

— Эрта-индинларга нима иш қиласиз?

— Профессор Салимхон Обидийга учрашишим керак. Сурхондарё областига кетаверсам ҳам бўларди, лекин комиссия уч кишини Селекция илмий-тадқиқот институти ихтиёрига юборяпти, шулар ичида мен ҳам борман. Улар уч студент сўрашган экан...

— Профессорга албатта учрашинг,— деди Умид гапларини диққат билан тинглаб турган Ҳафиза, кейин у яна қўшиб қўйди,— бормай қўйманг.

— Хўп.

— Ёмон йигитларга қўшилмайсизми? Ичадиган.

— Йўқ.

— Сўз берасизми?

— Сўз бераман.

— Мен келгунимча яхши йигит бўлиб юрасизми?
— Албатта.
— Ана унақа қилиқлар қилмайсизми?
— Асло.
— Сиз менга ҳам ёрдам беришингиз керак. Мен ТошМИга кираман, бу ҳазилакам иш эмас.
— Жоним билан.
— Конкурс жуда катта.
— Дадил бўл. Кимё, физикадан яхши тайёрланганиниги биламан. Ҳали яна бир ярим ой вақт бор, конспект-китобларни ола кетгин. Фарғонадан тез қайтиш керак!
— Айтганингизни қиламан,— деди Ҳафизанинг чеҳраси очилиб, у ҳазиллашиб кулиб қўйди. Умиднинг ёқасини тўғридаб қўйди ҳам,— биз шу ерда — трамвайда хайрлашамиз!

— Нега гапирмайсиз?— Ҳафиза Умид кўзларига тикилди,— бир нима денг, мен кетяпман.

— Яхши бориб кел. Оқ йўл! Омон-эсон юз кўришайлик. Мен сени жонимдан ортиқ яхши кўраман...

Ҳафиза ерга қаради.

У бош кўтариб Умидга қаради,— қани хайрлашайлик,— Ҳафиза қўл узатди,— хайр!

— Хайр!— Умид унинг оппоқ қўлларини маҳкам қисди. Ҳафиза қўли оғриганини ҳам сездирмай, Умидга жилмайиб трамвайдан тушди. Улар йўлкада бош ирғаб хайрлашишди-да, одамлар ичида икки томонга ажралишиб кетишди.

Мана, шундан кейин кетма-кет кунлар ўта бошлади. Роса бир ҳафтадан кейин эрта билан газета олиб келган почталёон Умидга хат ҳам узатди. Хат Ҳафизадан бўлиб, асосан сиҳат-саломатлик тилаб, ўзининг яхши етиб боргани, адасининг аҳволи яхши эканини ёзган эди. Бундан бўлак ҳеч гап йўқ. Хат деярли расмий эди. Ҳафизанинг хати текис, кўҳлик экани Умид диққатини ўзига тортди. Негадир бир варақ хат ичида уларнинг мурғак севгиларига доир бир оғиз ҳам гап йўқ эди. Умид таажжубланди; Ҳафиза уни севадими, озгина бўлса ҳам унга ёқармикин? Нега у сир тутади, нега бир оғиз ёзмайди — қизлар учрашгандан кўра ҳам хатда ўз муҳаббатларини чиройли баён этадилар-ку!

Умид хатни қайта ўқиди; кейин стол устига қўйиб, газеталарни титкилай бошлади. У гоҳо-гоҳо китоб устида турган ўша хатга қараб қўярди. Шу куни, эртаси ўтиб индинига у икки оғиз хат ёзди:

«Ҳафизахон, қимматли хатингизни олдим, катта раҳмат! Адангизларнинг тезроқ тузалиб кетишларини тилайман, Умид».

Бу хатни йўллагандан кейин орадан тўрт кун ўтгач, Умид яна Ҳафизадан мактуб олди. Бу сафар хат руҳи бошқачароқ — у негадир таъна ва ёнишнома сўзлар билан икки саҳифадан ҳам ошиб кетган эди: «...Муҳаббатингизни қозониш ҳаётимда ягона мақсадим эди, бутун борлиғи билан ўз тақдирини Сизнинг ихтиёрингизга отган, содда ва софдил бечора қизни шунчалик куттириш ва шунчаки расмий сўзлар билан «овунтириш» инсофданми? Мана, ўн кундирки, бу мусофир юртда хатингизни кутаман, ниҳоят у қўлимга тегди... Аммо сиз менинг учун дунёда энг қадрли киши, хатда ўзингиз ва бизнинг ўртамиздаги ноёб муҳаббат ҳақида ҳеч нима демайсиз ёки Сиз айтган ўша гаплар ёлғонмиди? Шунчаки мени овунтириш учун айтганмидингиз у сўзларни?.. Сизнинг ўша куни... айтган сўзларингиз мени олам-олам қувонтирган эди, мен дунёга келиб, биринчи бор Сизни кўрдим, Сиз билан, фақат Сиз билан яқин бўлганман. Менга бунчалик расмий хат ёзасиз, деб ўйламаган эдим... Ҳа, майли, умуман мени эслаб хат ёзганингиз учун ҳам раҳмат!

Қадрли Умид ака! Менга муфассал хат ёзинг, кутаман, соғиниб кутаман... *Ҳафизангиз*. («*Ҳафизангиз*» сўзини негадир ўчириб, бошқатдан «Ҳафиза» деб ёзиб қўйибди.)

Умид Ҳафизанинг бунчалик ҳаяжонланишини ўйламаган эди. У ҳам шу лаҳза қуш бўлиб, ёнига учиб борса. Қизнинг шунчалик таҳликага тушиб, безовта бўлиб хат ёзгани, куйиб ёзганини сезиб, хонада ўтира олмай қолди. Шу лаҳзадаёқ қоғоз олиб, хат ёзишга тутинди. У бир соат вақт қандай ўтиб кетганини пайқамай ҳам қолибди — хатда ўз қалбини тамоман очди.

Хатни почта қутисига ташлаб, эрта билан Тўти бувиникига отланди; бу унинг назарида ҳозир ҳамма ишдан, ҳатто профессор Салимхон Обидийга учрашиш-

дан ҳам муҳимроқ кўринди. Бундан бир ҳафта илгари олиб қўйгани қўйлакли мато ва атирсовунни қоғозга ўраб, бозорга кирди — беш-олтита ширмон нон, бир коса қаймоқ олиб, Оқлонга жўнади...

Оқлон ва ундан сўнг Жарариқ томонлар етимлигини ёдига туширди; ҳасратли қора кунларини бу яқин ўртада ҳозиргидек эзилиб эсламаган эди. Юзларини юзига босиб: «Нуридидам, менинг бўталоғим, оёғига тикан кирса киирикларим билан суғуриб оларман...» дейдиган ғариб онаизори Ҳумайраҳоннинг овози ҳам қулоғига эшитилиб кетгандай бўлди. «Бу дунёда рўшнолик кўрмай, кўзи очиқ кетган онасини эсларкан, ўнкаси тўлиб, йиғлагиси келарди. Лекин яна ўзини тутиб оларди.

Онанинг ўлими — ўрик қийғос гуллагандаги ёққан совуқ қордек, Умидлар оиласидаги баҳорий қувончни, иқбол умидини тамоман юлиб олиб кетган эди. Онасиз етим — шум етим, деганларидек, Умид шумшуклик ҳақоратини ўбдон тотган етим эди.

Воқеа шу ерга келганда бир оз тўхтаб, Умиджоннинг болалигига қайтмоқчимиз. Йўл юраётган кишида босиб ўтган йўлига — орқасига бир қараб қўйиш одати бўлади. Эҳтимол, бу боб ҳикоямизни бир понадек ажратиб, қовушмай турар. Ҳар қалай, уни баён қилмаслик иложи бўлмади.

Тўртинчи боб

ЕТИМЛИК

Баъзилар негадир бу қорачадан келган йигитнинг кўзларида сирли бир ўйчанлик бор дейишади. Ҳаракатида ҳам анча босиқлик сезилади. Бу дафъатан кўзга ташланмаса-да, уни секин-аста пайқамаслик мумкин эмас. Камгап, ўйчан ва баъзида паришон кўринадил...

Ҳа, буларнинг чуқур илдизи бор.

1945 йил. Уруш тугаб, ғалаба кишилар қалбига тенгсиз шодлик бахш этган эди. Узоқ ва машаққатли муҳораба одамларни чиниқтирди ҳам. Шу йили қиш илик узилди бўлиб кирди — қорасовуқ Тошкентдек шаҳри азимни ўз чангалида гижимлаб турарди. Баъзи кексалар ўзларини ушлаб турган эканларми, урушдан

кейин куз баргидек узилиб кета башладилар. Мана шуниси ниҳоятда ачинарли бўлди!

Дам артелда пахталик шим тикиб, дам дўппи тикиб, бозорга қатнаб, не-не машаққат билан урушни ўтказиб, оёғидан ярадор бўлиб қайтиб келган эри билан бир йилгина яшаб, энди орзу-ҳавас қиламан, деганда Ҳумайраҳон дунёдан ўтди. Етдим деганда йиқилган шўрлик аёл тобути устига ёпгудай бир тузук нарса ҳам топилмади — ҳамма нарса сотилган, сирға, билагузуклари тилла магазинга олиб бориб, дон-дунга алишиб ейилган эди. Олти яшар қолган Умид тобут олдига тушиб, ингичка овози билан «вой оне-е-ем» лаб боргани ҳамон ёдида. Ўша пайтда кўп нарсага ақли етмаган эди. Онасининг дунёга келиб ғурбатдан бўлак ҳеч нарса кўрмай кетганини эсласа, ўзини қўярга жой тополмай қолади.

Лекин инсон ўз табиати билан кўникувчан, бўлма-са бир кун ҳам яшай олмайди.

Она ўлимидан кейин Умид қариндошлари қўлида қолди; тақводор бўлса ҳам, ачаободлик бувиси унга жуда меҳрибон эди. Тўй-ҳашамга, қариндош-уруғлариникига бирга олиб борар, чўпчаклар айтиб берар, туршагу баргаклар билан сийларди. Онаси Ҳумайраҳон «ўлган эмаслиги, фақат у дунёга кетгани»ни, «жаннатда юрганини», «бир ариқдан сут, бир ариқдан шарбат, бир ариқдан асал... оқишини» айтаркан, олти яшар Умиднинг негадир кўнгли таскин топарди. У бечора лавлаги қайнатиб емаётгани, жаннатда яхши юрганидан кўнгли таскин топарди. Ойимлар бу томонга бир келиб кетсалар, мени кўриб кетсалар нима буларди, деб баъзан соғинч ичида кўнгли бўшашарди. Наҳотки, у ўгли Умидни соғинмаса? Наҳотки ўша яхши томонда юриб, ўғилчасини эсламаса! У баъзида, кампир буви ошхонада ўралашиб қолганида, ҳўнгиллаб йиғларди ҳам. Баъзида кечалари босинқирар, онаси билан гаплашар, талпинар, эрта билан ёстиги кўз ёшидан нам бўлиб қоларди. «Жаннатга тушган онаси Ҳумайраҳон у ерда бошқа хотинлар билан, болалар билан эл бўлиб кетдими, бошқа болани ўғил қилиб олдимми...» Бу ўйлар кичик Умидни азоблар, бағрини тигларди. У дунёдан бу томонга ҳеч ўтиб бўлмаслигини бувидан қатъий билгач, онасидан хафа бўлиб юрмай, бечоранинг келолмаслигига ачинди ҳам. У ҳеч маҳалда Умиддек ёлғиз

гина ўғилчасини эсидан чиқариб юбормаслигини биларди. Ҳамма болаларнинг онаси ҳаёт бўлса-ю, битта Умиднинг онаси «у дунёга» кетиб қолган бўлса! Ёш Умид ранжирди, юзларига паришонлик чўкарди...

Баъзан узоқ хаёл суриб қоларди; бу пайтда унинг қулоғида «у дунёга кетган» онаизорнинг алласи эшитилиб кетарди. Она бу ҳазин қўшиғини Умид беш ёшга кирганда ҳам баъзан-баъзан ғинғиллаб айтарди. Беланчак у ёқда турсин, Умид кўчада чопқиллаб юрадиган чоғларида ҳам айтарди. У раҳматлик негадир бу ўзи тўқиган қўшиқни жуда яхши кўрарди. Алланинг мусиқий оҳангини ҳам ўзи яратган, ғоятда майин ва ҳазин эди.

Умид эслаб-эслаб, кейинчалик она алласининг деярли ҳаммасини тиклаб олди. У баъзан кўзини юмиб, ичида бу аллани айтарди:

Алла болам, алла-ё,
Алла эркам — қулунтой,
Ухи қилсин, полвоним,
Беланчагинг тебратай,
Алла болам, алла-ё.

Тилабгина олганим,
Дўмбоқ ўғлим Умидтой
Беланчагинг устига
Оймўмани қаратай,
Алла болам, алла-ё.

Сен ухласанг пишиллаб,
Онанг ҳам олар ором,
Отанг ҳам келар ишлаб,
Дам олгин юракпорам,
Алла болам, алла-ё.

Катта бўлиб, тойчоғим,
Дукур-дукур чопарсан.
Обод этасан боғим,
Иқболингни топарсан,
Алла болам, алла-ё.

Ёруғ дунёга келиб,
Орқамдаги қолгувчим,
Хурсандлигим сен ўзинг
Дардгинамни олгувчим,
Алла болам, алла-ё.

Тилабгина олганим,
Ухи қилсин, Умидтой.
Лўмбиллаган юзингга
Меҳригиё таратай.
Алла болам, алла-ё,
Жоним болам, алла-ё...

Кейинчалик кампир буви неварасининг хаёлпараст, хомуш бўлиб қолганини пайқаб, жаннату дўзахлардан камроқ гапирадиган бўлди — шу ҳақда бувисига адаси ҳам бир нима деганга ўхшади.

Орадан бир йил ўтгач, унинг отаси кулча юз, сап-сариқ, қошида туки йўқ Фотима деган бир аёлга уйланди. Шу паканагина хотинни «она» дегин деб ўргатди дадаси. Лекин Умид ҳеч бундай дея олмади — унинг кўзолдида «бу томонга ўта олмаса ҳам жаннатда истироҳат қилиб юрган» Ҳумаирахон табассум қилиб тураверди. У тез-тез кичик Умид тушида бошини силаб, пешанасидан ўпар, қучоқлар тиззасига олиб ўтирарди. Кейин у илгари айтиб берадиган чипор товуқ чўп-чагини айтарди:

Бола туғдим боши йўқ, қа-қа-қуқ,
Кўзи билан қоши йўқ, қа-қа-қуқ...

Ундан кейин хўроз келиб чипорни овутгани, у тухумларини босиб ётиб, жўжалар очиб чиққанини ҳам айтарди... Аммо бу Фотима деган хотин ҳеч нарса-ни билмас: на чўпчак, на ашула... У фақат! «Ҳой, қорабосгур, тур, йўқол!» дейишни биларди, холос. Унинг жаҳли чиққанида гармдоридек қизариб-қўкариб кетарди. «Кўзи билан қоши йўқ, қа-қа-қуқ...» деганда, негадир шу қош туклари ўрнига қалам суриб қўядиган Фотима келарди. Шу атрофдаги хотинлар уни «Потма» дейишар — у келгандан бери ҳовлига қўшни хотинлар тамоман кирмайдиган бўлиб кетишди. Яхши ҳам Умиднинг бувиси бор; агар шу буви бўлмаганда, Умид бир кун ҳам бунда туролмай, бўғилиб ўлиб қоларди. Бувиси бўлса, баъзан қўлларини шақиллатиб, ашула айтиб берарди:

Ҳой бола, бола, бола форма-ле-е-ек,
Қошлари, кўзлари сурмале-е-к.

Де-ра-за-дан қа-ра-ган,
Сочини мойлаб та-ра-ган...

Умид бўлса ориқ бувисининг ликиллаб ўйнашидан қотиб-қотиб куларди. Жуда яхши бувиси бор-да!

Ўгай она унинг бувисини чиқиштирамай, охири бошқа қизиникига кетиб қолди. Шундан кейин Умиднинг қора кунлари бошланди — у ҳеч кимга эркаланиб сўз айтолмас, қорни тўйиб нон ея олмас эди. Қорни оч қолганини адасига ҳам айтолмасди — кеч бўлиб у ишдан қайтиб келиши билан Фотима унинг ёнига ўтириб оларди.

Шундай кунларнинг бирида кичик Умид бувисининг ёнига — Ачаободга жўнаб қолди. Эрталабдан то кечгача айланма тор кўчаларда изғиб, Ачаободни тополмай, қош қорайганда оч, қориб, йиғлаб юрган Умидни бир одам милиция идорасига олиб келиб берибди. Ўша ерда унга овқат едиришиб, кейин кўтариб ўйига олиб келишибди. Кўчаларни қидириб, кўп ташвишга тушган адаси унинг соғ эканини, топилганини кўриб хурсанд бўлиб кетди, милиционерга раҳмат айтди. Лекин ўгай она бурнини жийирди, эртасига адаси ишга кетганида, ҳали уйдан қочиб кетадиган сенмисан, деб роса дўппослаб урди. «Ҳа, жувонмарг бўлгур, шум етим! Ҳе, ўша бувинг ҳам қора ер бўлсин!..» деб қулоқларини бураб, узиб олай деди. Умид гандирак-лаб-гандирак-лаб кетарди. Унинг чирқираб йиғлаганини қўшнилар эшитса ҳам, негадир ҳеч ким ёрдам бергани чиқмасди. Улар шаллақи Фотимадан қўрқиниб шарди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Умид яна қочди; бу гал у қидира-қидира кечқурин Ачаободга кириб бориб, бувисини топди. «Етим қўзимдан айланай, мени қидириб келдингми», деб қувонган бувиси унча бағрига босди, дока рўмоли учи билан бурнини артди. Ундан кейин юз-қўлини ариқда юзиб, қайчи билан тирноғини олди. Иштони йиртиғига ямоқ солиб, тикиб берди. У Фотима ёнига ҳеч бормаслигини, агар адаси келиб қолса ҳам ҳеч бериб юбормасликни қайта-қайта айтди. Муштдек болани бунчалик титраб, илтижо қилгани кампирнинг ўпкасини тўлдирди:

— Хўп бўлади, болам. Сени бериб юбормайман. Ўзим айланиб кетай, дўмбоғимдан, — у пиқиллаб йиғ-

лайди, — Ҳумайра раҳматлик бўлганда, сен шундоқ қилиб юрармидинг, болагинам. Сени шу ҳолга солиб қўйган ўша Потмаңи боланинг уволи тутсин!

Умид бу дала жойда анча қолиб кетди. Унинг бунда эканлигини билган адаси қанд-қурс олиб келиб кўриб кетди. Уни шаҳарга олиб кетмаган адасидан жуда хурсанд бўлиб ўтирарди. Бувиси ёнидан ҳеч қаб-ёққа жилмас, адасига ёлвориб, ташлаб кетишини сўрарди. Ачаобод унга жуда ёқди, икки-уч кунда ўзига келиб, бу ердаги болалар билан тезда ошна бўлиб ҳам олди. Бу ерлик Зокир, Алижон, Ҳамид, Малик... деган бир тўп болалар унга жуда ёқиб, «етим бола»ни ўз қаторига олишди. Улар билан кўчада, харсанг йўлкада ўтиришиб, Тарзан ҳақида гаплашишарди. Би-у йўқуни уриб олган бувиси ёнида невара йўқлигини билгач, бошига рўмолини солиб, қоронғида кўчага чиқар, тўда болалар ичидан Умидни чақириб, уйига олиб кириб кетарди.

Бу яхши кунлар узоққа бормади; кампир бувининг бетоб бўлиб қолгани Умидни яна Фотима чанга-лига ташлади. «Тағин нон дейсанми!» деб у дўпписини бошидан юлиб олиб оғзига тиқди. «Агар аданг келганда, кўз ёш қилсанг, мана!» — у ўткир пичоқни Умидга кўрсатди. Умид қўрққанидан миқ этмасди. Бу оилада ўғай она қош-қовоғига қараб тургиси келмай, қани энди у ҳам Тарзанга ўхшаб чангалзорда юрса, йўлбарсу шерлар билан олишса, эркин бўлса...

Сентябрь ойида у мактабга борди; дарс тайёрлайдиган жой ҳам йўқ. Қуруқ — шипшийдам бир хона; на бир стол бор ва на каравот. У кўп вақт шу хонада кўрпача устида ётиб ухларди. Дарс тайёрлашга ҳам қўймай, Фотима унга иш буюраверарди.

— Ҳой, Умид, бор, челақда сув олиб кел!

У қийшайиб, почаларига сув тўкиб, катта челақда сув келтирарди.

— Ҳой! Уйларни супуриб чиқ! Тез бўл!

Умид супурги кўтариб, уй-айвон, даҳлизни супурар, ўғай она яна ўшқирар:

— Жувонмарг, деразаларни очиб супур! Онангни ақлли дейишади-ю, сен бунча ахмоқ чиққансан! Чангитмай супур!

— Ойимларни қарғаманг, ўлган одамни сўкиб бўлмайди!

— Тилинг чиқиб қолибди! Ҳали сен мен билан ҳам айтишадиган бўлиб қолдингми?!— у Умид юзига шапалоқ тортиб юборди,— сен иккинчи гап қайтаргин, бўйнингни узиб ташлайман!

— Бор, ўчоққа олов ёқ! Шумшук бўлиб турмай ўл! Ундан кейин жомашов олдидаги кирни ювиб қўй!

Шапалоқ еган Умид бу ишларни ҳам тезда бажариб қўйишга ҳаракат қиларди.

Тунда шивирлаб отасига ҳам чақарди. Уйда ҳеч ким бўлмаган вақтда дўппослайдиган Фотима Умидга яна ҳам алам бериш мақсадида янги-янги қарғишлар ўйлаб топарди... Кейинчалик Умид, бундоқ ўйлаб қараса, бу хотиннинг ақли унча саломат эмаслиги, бегона одамлар олдида ипакдек майин-мулойим кўриниб, аслида миясининг ичида майда заҳарли илонлар жойлашиб олганини пайқади. Онасидан қолган ҳамма кийимларни кийиб, йиртиб, нес-нобуд қилди.

— Илоҳи бундай шум, маҳмадана болани туққан она гўрида тинч ётмасин!— деб қақшагани кичик Умид ғазабини алангалатди.

— Сиз ўзингиз гўрингизда тинч ётманг!

— Сен мени ўлгин демоқчимсан?!— болохонада таппи кўчираётган Умидга ҳовли ўртасида туриб ўшқирди Фотима.

— Нега менинг ойимни бундоқ дейсиз?!

— Сенинг ойинг ўлган... Ҳа, тўнғиз қўпган!— у бу ҳақорат билан Умидга алам ўтказмоқчи бўлди.

— Ойимлар жаннатдалар...

— Ҳи-ҳи-ҳи-ҳий...

— Ойимлар ўлмаганлар, ойимлар худонинг раҳматли одами бўлганлар...

— Ойинг-а?— думини гажак қилиб турган чаёндек ҳовли ўртасида сохта кулиб турган Фотима болохона нарвонига қаради. Нарвон омонат, синиғи арқон билан боғлаб қўйилган эди. Кўтара олмаслигини ҳам фаҳмларди. У яна томга гап отди.— Ойинг-а?

— Ҳа! Одамларга азоб берган, кампир хотинларни қийнаган, кичик «болаларнинг уволи тутгур» хотинлар дўзахи — уларни илонлар ейди, билдингизми?

— Бу гапларни сенга ким ўргатди?

— Ҳеч ким!
— Нега сен менга тикка гапирадиган бўлиб қолдинг?!

— Ўзингиз-чи?

— Жувонмарг-э! Сенга бу гапларни ким ўргатди?

— Ҳеч ким!

— Пастга туш, газанда!

— Тушмайман!

— Аданга айтаман!

— Майли.

— Ўтираверасанми томда, туш дейман!

— Тушмайман!

— Қани тушмай кўр-чи! Мен олдингга чиқаман ҳозир! — у нарвон тагига бориб кўради, чиқолмайди. — жувонмарг, ту-у-уш!!!

— Тушмайман.

— Нарвонни олиб қўяман! Овқат бермайман, очингдан ўласан!

— Майли.

— Ўт қўйиб юбораман!

— Майли.

— Ҳали даданг келганда тушарингни ўйла! Пастга тушишинг бор-ку?!

— Шу ердан тамом қочиб кетаман, уйингиз ўзингизга...

— Вой, башаранг қурғур, газанда!

Фотиманинг ранги оқариб, нима қилишини билмай, бориб ҳовлидаги супага ўтирди. Ундан кейин бошини ёстиққа қўйиб, оғзидан оқ кўпик чиқариб фарғара қилиб ёта бошлади. «Вой ўламан, касалим тутиб қолди...» деб ингиллаб, кўрпача устида у ёқдан бу ёққа думалай бошлади. Болохонада турган Умид таппи кўчираётган тешани қўйиб, унга ағрайганча тикилиб қолди. Фотима оғзидан оқ кўпик чиқариб ингиллар, оқ-воҳ қилиб думаланар эди. Бир оздан кейин «сув, сув беринглар!» деб у ёқ-бу ёғига кўзини олайтириб қарай бошлади. Томда турган Умиднинг раҳми келди, нима қилмоқ керак? Бечора жуда қийналяпти-ку? У югурганича томдан тушди-да, айвон тоқчасидан пиёла олиб, пақирга ботирди. Бир пиёла сувни кўтариб келиб, ўгай онасига ичирмоқчи бўлган эди, айёрлик қилиб ётган Фотима Умиднинг қўлидан маҳкам ушлаб олди, дўппослай кетди. Қўлларини

бураб, ерга ётқизди-да, тагига босиб олиб, биқин-биқинига муштлай бошлади.

— Бу гапларни сенга бувинг ўргатган бўлса керак! Мана, мана!— Умиднинг овози ҳам чиқмай «вой-вой» деб инграрди.

— Имонсиз бувинг! Уша шум кампир сенинг тилингни чиқариб қўйганга ўхшайди.

— Вой-до-о-од! Вой-до-о-дод! Уламан...

— Ул бу кунингдан! Улганинг яхши, сен ўлсанг мен ҳам тинчийман... Ула қолгин, ҳа, тезроқ ўлгин!

— Вой-до-о-од, энди ҳеч нима демайман...

— Дегин, деганинг яхши!

— Тавба қилде-е-ем, демайман.

— Дейсан! Сен ярамас ҳали катта бўлсанг — мени бу уйдан ҳайдайсан — кунимни кўрсатасан. Сен ярамас ақлинг кириб, отанг билан тил топишиб мени ҳайдайсан, — у болани астойдил кўтариб, таги билан ҳовонча қилиб ерга урарди. Ўғир янчганга ўхшатиб ерга урарди. Умиднинг ичи сидирилиб, кўзи тина бошлади. У жон аччиғида Фотиманинг қўлини тишлаб, қонатиб юборди. У бирдан билагини чангаллаганча айвонга югурди, бориб латта боғлади.

Лекин Умид ҳовли ўртасида чўзилиб, беҳуш ётиб қолди.

* * *

...Киши меҳнат қилмаса, ғийбат қилади.

Сердаромад отасининг даврида катта еб ўрганган Фотима анча илгарийёқ базму тўй-томошага майл қўйиб, сиртини силашга муккасидан кетган эди. Бир амаллаб кириб олган техникумга ҳам қатнамай қўйган...

Йиллар ўтди. Қассобнинг қизи тез етилади, дегандек, Фотима тирсиллаб семирган, келин бўлиш ҳаваси уни ўз гирдобига олган бир пайт, отаси тўй-томоша билан уни бир ерга узатди. Тушган ери ҳадеб базм — тўю томошага унга рўйхуш бермай, Фотимани ишга киришга даъват этди. Орадан уч ой ўтар-ўтмас бухгалтер эрини «зиқна»ликда айблаб, уйига қайтиб келди. Уша йиллари нима ҳам бўлиб отасининг бошига катта мусибат тушди-да, бу ўйда тошу-тарози анча тортилиб қолди. Топиш-тутиши катта бўлган бозор паттачисига турмушга чиқди.

Маҳаллада ҳаммага дағдаға қилиб ўрганган Фоти-
ма «закончи» деган ном ҳам чиқарган эди.

Шу алфозда кунлар ўта бошлади. Қишга яқин
Умиднинг Ачаободдаги кампир бувиси вафот этди—
дадаси билан бирга ҳасса тутиб тобут олдида бориш-
ди.

Умид учинчи синфга ўтганда адаси ҳам тўсатдан
ўлиб қолди — шундай қилиб, у ғирт етим бўлиб қол-
ди. Баъзиларнинг айтишича, бир бахт кетса кетавера-
ди, мана бу оилага қаранг!— дейишарди, — шу оила
тамоман тўзиди...

— Умид энди ўгай она қарғишларига кўникиб,
ўликка тепки кор қилмагандай, силташлари, жеркиш-
лари, ёшига мос келмайдиган ишлар буюришлари-
га ҳам кўнарди, ҳатто хотинлар қилиши керак бўлган
ишларни ҳам қиларди. У индамай бажараверар, қил-
маса бу уйда кун кўролмасди.

Адасининг йигирмасидан кейин, ўгай она бу ҳов-
лига уйланган бир укасини кўчириб олиб келди. Энди
у иккинчи оиланинг ҳам хизматини қила бошлади.

Ўгай она кунлардан бир куни Умидни ёнига ча-
қириб, олдига қуймоқ қўйди:

— Ол, буни е!

— Раҳмат, — деди у кир қўллари билан қуймоқ-
дан олиб оғзига соларкан.

— Айтганимни қилиб юрсанг, мана шунақа яхши
овқатлар ҳам бераман.

— ...

— Мени бундан буён «опажон» дегин, — деди
Фотима Умиднинг қуймоқ ейишини кузатиб туриб, —
бировларнинг олдида тез-тез «опажон» деб тургин,
хўпми?

— Хўп.

— Биров сендан опажонинг яхшими, деб сўраса,
жуда яхшилар, меҳрибонлар дегин.

— Хўп.

— Қани, нима дейсан?

— Яхшилар, меҳрибонлар...

— Тузук. Бу яқинда ҳеч ким сўрамадими?

— Йўқ.

— Уйлаб кўр, сўрагандир?

— Ҳеч ким сўрагани йўқ.

— Тоғангни кўрдингми?

— Кўрганим йўқ.
— Тоғанникига бориб турасанми?
— Йўқ.
— Бормагин!
— Хўп бўлади.
— Менинг номим нима?
— Потма.
— Э, балога йўлиққур, овсар, менинг номим «Опажон!»

— Опажон, опажон.
— Потма деб ким айтди сенга? Ахир менинг номим Фотима-ку? Биров шундай деб ўргатдимми?

— Йўқ.
— Ҳа, шум кампир ўлмай ўлгур шундай дерди.
— ...
— Қуймоқни заҳарингга еб бўлдингми, тур, ҳовлига чиқ! Қозон-товоқларни ювиб, кечга ўтин тайёрлаб қўй! Қатиқ олиб келиб қўй!

— Хўп,— у ўрнидан туриб, шу ишларни бажаришга киришди...

Кунлардан бир куни Умид мактабдан келиб, уйга сув ташиётган эди, кўчада юрган ўтай она қариндошларининг боласи қўлидаги медалга кўзи тушди.

— Қани, менга кўрсат?— деди Умид беш яшар бола осилтириб юрган адаси раҳматликнинг медалига кўзи тушиб,— қаердан олдинг?

— Айтмайман.

— Бир кўрай?

— Ма,— бола Умидга медални берди-ю, иккинчи қўлида яшириб турган «II даражали Ватан уруши» орденини ҳам кўрсатди. Бунини у Самад деган болага ўнта ёнғоққа алишмаганини айтди.

— Адамларнинг орденини нега олиб юрибсан?— деди ранги оқариб, ғазабланган Умид боланинг юзига бир шаппати уриб,— йўқотиб қўйсанг нима бўлади? Ким сенга сандиқни очиб, олиб берди?!

Бола қўлидаги орденни ерга отиб юбориб, йиғлаганича уйга кириб кетди. Бир нафасдан кейин унинг онаси энтикиб кўчага чиқди, у югурганича келиб Умид юзига шапалоқ тортиб юборди.

— Сен ярамас, боламни нега урдинг?!

— Нега адамларнинг орденларини олиб юрибди?

— Нима ишинг бор?!

— Ишим бор! Уни кичкина болалар ўйнаб юриши мумкин эмас!

— Ҳе, матоҳинг бошингда қолсин, шум етимча! Адангта буюрмаган орден сенга буюрармиди?!

— Адамлар ярадор бўлганлар, биқинларида осколка бор эди, билдингизми? Тагин ҳам шунча чидаб турдилар,— у йиғламоқчи бўлиб туриб, яна ўзини тугтиб олди,— агар сиз адамни яна бир нима десангиз, тош билан башарангизга тушираман!

— Тушириб кўр, балога йўлиққур!

— Қарғаманг!

— Ҳе, отинг ўчсин! Сени қарғамай кимни қарғай!

— Сиз тушунмаган хотинсиз, бу орденни ҳеч ким тақишга ҳаққи йўқ! Агар ўглингиз йўқотиб қўйганида жавобгар бўлардинглар!

— Бўлмаса, нега сенинг олгинг келиб қолди?

— Бу менинг адамники, билдингизми! Ўглингизни адасиники эмас. Менинг адам фронтовик! Менинг адам ҳаммадан яхши одам — унинг орденини мен йўқотмайман, қани, яна ўглингиз олсин-чи, мен унга кўрсатиб қўяман!

— Ҳа, кўрсатиб қўясан! Сенинг чўлоқ аданг яхши, сенинг ўша олиб сотар аянг яхши — бошқалар ёмон! Ҳе, башаранг қурсин, ярамас! Сен шунақа ярамаслигиндан отанг билан онанг ўлиб, хор бўлиб юрибсан... Жувонмарг, сен ҳам оёғингдан йитиб, йўқолиб кетадиган шумсан! Сени бир Фотимага айтиб, савалатай!

Ўлилик қилаётган ўша хотиннинг нафаси ичига тушиб жим бўлиб қолди. У кетгандан кейин Умид адасининг орденини олиб, уч марта ўпди... Кейин кўксига босганича индамай тураверди. Агар ҳозир уни бўғизлаганларида ҳам қўлидан орден билан медални бермасди. Бу унинг адасидан қолган бор-йўқ нарса, унинг назарида энг фахрли ва энг буюк нарса эди. Шу икки нишон уйга файз киритиб тургандек — ҳали бу хонадон тамом тўзиб кетгани йўқдек, бу хонадонда фахр ва бахт бор бўлиб кўринарди: «Ўғлим, мана шуни йўқотмагин!» деган адасининг гапи ҳам қулоғида... Адаси бир йили шу нишонларини тақиб, Умидни етаклаб Биринчи Май байрамига олиб чиққан эди — бу вақтда онаси раҳматлик Ҳумайраҳон тирик эди. Улар қайтиб келишига ош дамлаб, стол устини анво-йи тур нозу неъматлар билан безатиб қўйган эди. То-

вуқ гўшти-ю, олма-ю анор, тузланган бодрингу қовурилган балиқлар... Ҳамма нарса муҳайё эди. Шу куни унинг адаси ўртоқлари билан ароқ ичиб маст бўлган эди. У маст бўлганда биров билан урушмас, аксинча, иноқ бўлиб, хурсанд бўлиб ўпар, ашулалар айтиб берарди. Жуда ширинсухан ва бир оз эзма бўларди. У асосан фронтдаги ишларни, қаҳрамонликларни кўп гапирарди, солдат дўстларини эслар, Европанинг кўлгина шаҳарларини фашизмдан озод этишганини айттарди. Унинг қонли курашда кўрсатган қаҳрамонлиги учун бу орден берилганини фахр билан оўзларди. Нега энди бу бебаҳо ёдгорликни бир бегона бола ёнғоқлар билан қўшиб чўнтагига солиб юраркан! Бундай қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Йўқолиб қолса нима бўлади?!

Умид уйга киришга қўрқиб, қош қорайгунча кўчада юрди; чўнтагида рўмолчага ўроғлиқ орден билан медаль, ўлгудай қорни оч... Кўз олдида «гўштингни бурдалайман!» деб кўзини ола-кула қилиб турган ўғай она ва унинг қариндоши — ғилай хотин турарди. У синфдош ўртоғиникига кириб, бир нима ейишни ўйлади — ошнасининг ойиси жуда яхши, меҳрибон хотин.

У ўчирғич-резинка сўраш баҳонаси билан ошнасиникига кирди. Дарҳақиқат, унинг онаси ранги оқариб, лаблари гезарган Умидни қучоқлаб, елкасига қоқди:

— Бу ёққа кел, болам, ўчирғични ҳозир топамиз. Ўртоғингнинг ёнига кир.

Умид битта-битта қадам босиб, ҳовли ўртасига келганида, ичкаридан дарс тайёрлаб ўтирган ошнаси югуриб чиқиб, хонага бошлаб олиб кирди. Шу лаҳза унинг онаси чой, нон ва бир коса ош олиб кирди:

— Ўғлимнинг ўртоғидан айланай, икковларинг аҳил бўлсаларинг, айланай, ол, опоғ болам, овқатга қара. Ҳа, совутмасдан еб ол, полвонларимдан ўзим айланай!

Умид югуриб чиқиб, қўлини совунлаб ювиб келди, овқатни ҳузур қилиб ичди. Қорни жуда оч эди, ҳаммасини ичди. Кайфи чоғ Умид чўнтагидаги адасининг орденини ўртоғига кўрсатиб, бўлган воқеани гапириб берди. Уйига киришга юраги безиллаётганини, агар у билан бирга бориб, эшикда қараб турса-ю, уйдан папкасини олиб чиқиб берса, сизларникида ётиб қолар-

дим, деб жуда илтижо қилди. Ўртоғи бу гапни ойисига айтган эди, «айтмадимми...» деб лабини тишлади ойиси:

— Етим бола бечорани мунча қийнамаса,— деди секин шивирлаб айвонда ўтирган қўшни хотинга,— боланинг уволи урсин, ўша сариқ Потмани! Битта боланинг тирноғига зор одамлар бор. Бу хотин шундоқ ройиш болани оч ташлаб қўйибди. Эшикдан киришиданоқ пайқовдим... Раҳматлик Ҳумайраҳоннинг арзандаси эди. Агар шўрлиқ тирик бўлганида, бу манжалақининг кўзларини ўйиб оларди. Во-о-ой, дунёнинг иши шунақа экан-да. Э, худо, ўзингга шукур!

Ўртоғининг ойиси бошига рўмолини ўраб, шимарилган енгларини туширди:

— Сизлар бемалол чой ичиб ўтираверинглар,— деди кўчага чиқиб кета туриб,— мен ҳозир ўртоғининг папкасини олиб чиқаман, ойисига бизникида ётиб қолишини ҳам тайинлаб айтиб чиқаман. Хотиржам ўтираверинглар.

Умид юрагидаги қўрқув ва бесаранжомлик анча босилиб, ўртоғи билан дарс тайёрлашга киришди. Дунёда шундай яхши оналар борлигидан жуда хурсанд бўлиб кетди. Улар аллавақтгача дарс тайёрлашди, чақчақлашишди... Ундан кейин ойиси солиб берган ўринларга ётиб, ухлаб қолишди.

Эрта билан ҳали тонг ёришмай, севикли она тайёрлаб қўйган чойни ичиб, мактабга жўнашди. Бир кўса қаймоққа нон тўғраб, уриб олишгани Умидга жуда ёқиб тушди. Йўлда кета туриб, руҳи тетик Умид ўзининг «Сезгир» деган кучугини эслади, бу ҳақда ўртоғига гапириб берди. (Бу итни кичик вақтдан боқиб катта қилган эди, у Умидни ниҳоятда яхши кўрарди).

Қулоқларини динг қилиб, ёнида ўтирар у билан магазинга бирга борар, қатиққа ҳам... Адаси вафотидан кейин ўгай она бу итни ҳайдаб юборди. «Сезгир» анча вақтгача кўчаларда айланиб юриб, кечқурун эшик тагига келиб ухларди. Мабодо Фотимани кўриб қолса, зингиллаганича қочиб, анча нарида шумшайиб қараб турарди. Ўгай онаси қараб турган чоқда Умид кучуги ёнига бора олмас, унинг раҳми келиб индамай тураверарди. Орадан бир ойча ўтгач, «Сезгир»ни матраф билан тутиб, қафас аравада олиб кетиб қолишибди. Шу кундан бошлаб кўчада у тамоман кўринмай кетди.

Баҳор кунларининг бирида мактабдан қайтиб келган Умид ўртоғи билан бирга уларнинг баланд томида варрак учирардилар. Дака варрак осмони фалакда калта дум эчкидек ликиллаб туради. Икки ўртоқ том четида завқ билан осмондаги варракларга тикилишар, завқланишар... Эгнилари тупроқ бўлиб кетганига ҳам қарамай, даканинг қовоқаридек ғўнғиллашига қулоқ осишар, нариги томда ўтирган болаларнинг шахмат қуролига ҳам қараб қўйишарди.

Бир лаҳзадан кейин «дака»ни соғишга тутинган Умид баланд том четига яқин келди. У сочилиб ётган ипга, чиллакка ҳам қарамай, бўғот ёқасидан пастга қаради. Улар сомонхона устида бўлганлари сабабли ҳовли жуда чуқур — пастда кўриниб, Умиднинг юраги шириллаб кетди. Ҳовлида тепакал, кўзойнак таққан бир одам столда ўтириб, бир нима ёзарди. Столи устида қалин-қалин китоблар, қоғозлар...

— Бу киши ким бўладилар? — Умид ўртоғини секин туртиб, пастдаги кишини кўрсатди.

— Муҳаммаджон домла, қўшнимиз. У кишини нима учундир Суқрот домла ҳам дейишади. Юқори синфларни ўқитадилар.

— Китоблари кўп экан-а?

— Жуда кўп, уйларига кирсанг кўрасан, қанча китоб...

— Суратлари ҳам борми?

— Бор.

— Мен суратли китобни яхши кўраман. Мен сурат солишни ҳам яхши кўраман... Ундан кейин, боксни ҳам яхши кўраман. Катта бўлсам, албатта боксчи бўламан.

— Мен ҳам, — деди ўртоғи бокс масаласида Умиддан орқада қолгиси келмай.

— Адамлар, фотоаппарат олиб бераман, деган эдилар. Мен фотосурат олишни ҳам яхши кўраман. Адамлар ўлмаганларида, албатта фотоаппарат олиб берардилар.

— Муҳаммаджон домланинг фотоаппаратлари ҳам бор.

— Муҳаммаджон домла бизга суратли китобларидан бериб турмасмикинлар? Йиртмай, яна қайтариб берардик.

— Берадилар.
 — Тушиб сўрамаймизми?
 — Шу ердан ҳам сўрайвераман.
 — Йўғ-э, уят бўлади.
 — Бўлмайди!
 — Салом де! — деди Умид уни дарҳол туртиб.
 — Муҳаммаджон ака, салом!
 — Яхшимисан, ўғлим, — у ялт этиб томга қаради. — Бунақа том четига келиб туриш ярамайди? Эҳтиёт бўлинглар!
 — Муҳаммаджон домла!
 — Лаббай.
 — Суратли китобингиздан беринг, яна қайтариб берамиз.

— Майли, пастга тушинглар.

Улар варракни томга қўйиб, пастга тушишди-да, югурганча Муҳаммаджон домланикига киришди. У болаларни кутубхонасига олиб кириб, бир неча суратли китобларни уларга тутди. Ҳовлига чиқишгач, ўртоғи савол берди:

— Муҳаммаджон домла, нима ёзясиз?

— Дарсни, ўғилларим. Синфга киришдан аввал мен ҳам тайёрланаман. Беш-олти йилдан кейин сизларни ҳам ўқитаман.

Бу хушфезъл одамнинг тинч-бешовқин ҳовлида китоб ўқиб, ёзиб ўтиргани Умидда унутилмас бир таассурот қолдирди. Унинг ҳам ҳаваси келди — қани эди у ҳам шундай қалин китобларни ўқиса...

Эртасига ҳам Умид она кўзини шамғалат қилиб, кўчага чиқди. Уйда иш қилмади. Тор кўча четигаги йўлда — харсангтош устида ўтириб, тахта йўниб, қилич ясаётган думалоқ бола тепасида тўхтаб, унга қилич қанақа бўлиши ҳақида «йўл-йўриқ кўрсатди». Ундан сўнг ошнасиникига кирди. Ширинсўз, меҳрибон хола яна унинг елкасига қоқиб, омонлашди. Айвонга ўтқазиб, ўртоғи билан икковларига чой тайёрлади. Умид ўз уйини «ҳасратхона» дерди. Унинг шу «ҳасратхона»дан қаёққа бўлмасин чиқиб кетгиси келарди — мурғак юрак икки оғиз ширин сўзнинг гадоси эди. Ота-оналари эркалаган болаларга ҳаваси келиб, маҳлиё бўлиб қарарди. Қани, унинг ҳам онаси тирик бўлса, уни ҳам эркалаб, юзларидан ўпса, бағрига босса!

Агар шундай бўлганда, у яна ҳам бўйи ўсиб катта бўлиб кетармиди.

Умид ўртоғи билан Оҳангаронга бирга боришга рози бўлди.

Кўчада турган усти берк юк машинасида ўртоғининг тоғаси, Умид ва ўртоғи ҳайё-ҳув, деб районга жўнашди. Ўртоғининг ойиси: «Потмага ўзим айтиб қўярман, кетавер, айнонай, ўйнаб келасан», деди. Умиднинг чеҳраси очилиб, хурсанд бўлиб кетганидан бо-сар-тусарини билмай қолди.

Бу Умиднинг биринчи сафари — биринчи маротаба шаҳардан нарига чиқиши эди. Икки ўртоқ завқ билан атрофга аланглашарди. Йўлнинг икки томонидаги чексиз далаларга, олисдаги тоғларга тикилишар, машина бўлса, физиллаганча чопиб борарди.

Дўнг қирлар, ям-яшил далалар. Олисда баланд, баҳайбат тоғлар. Қирлар оралаб илон изи сингари буралиб Оҳангарон дарёси оқиб ётибди.

Улар қишлоққа етиб боришгач, андак дам олиб овқатланишди. Шундан кейин тоғасининг ўғли билан «уч оғайни ботирлар» бўлишиб, «ажойиботлар»ни кўргани йўлга чиқишди.

Мана, уч ўртоқ қишлоқдан анча четга чиқиб, ясси қирда ўтиришарди. Ҳеч кутилмаган бир пайтда болаларнинг кўзи узоқда, тоғ этаги, олис қир устига тушиб қолган «ажойиб» бир нарсага тушди.

— Нима у? — сўради ўткир кўзларини узоқларга тикиб Умид.

— Чодир уй, — деди ўртоғи, — бу ерларда геологлар туради.

Умид яна бир янги сўз ўрганди. У ўртоғидан геологлар нима қилиши ҳақида анча нарсалар сўраб олди.

Эртасига, тонг отганда, қуёш нурларида Боботоғ чўққисидagi қорлар йилтираганда, Умид ўртоқлари билан сут кўтариб, ўша чодир уй ёнига боришди. Ичкарида, курсичаларда беш киши ўтирарди.

— Неча ёшдасизлар? — сўради кекса геолог.

— Ун тўртга кирдим, — деди ўртоғи. Умид ҳам ўз ёшини айтди.

— Қишлоғингизни Жигаристон дейиладими?

— Ҳа.

— Ҳу-у, нариги қишлоқни-чи?

— Ертепа.
— Наригини-чи?
— Грум.
— Ана, уни-чи?
— Навгарзон.
— Ҳу-у, олисдаги, қирнинг орқасидаги қишлоқни-чи?

— Қоратўқай.
— Мана бу катта тоғнинг номи нима?
— Боботоғ.
— Унисини-чи?
— Дукант.
— Унисини?
— Олчали.
— Наригини?
— Нишқаш.
— Наригиларни?
— Уларни бизда Қурама, Чотқол тоғлари деб аталади.

— Отангга раҳмат!— деди геолог ўртоғи елкасига қоқиб,— яхши билганинг кўп маъқул. Билимдон киши бўлишингга ҳеч шубҳа йўқ. Омон бўл, ўғлим! Ҳар ким ўз ерини яхши билса, у ҳақиқатан яхши фарзанд. Бу кўчада яшаб, нариги кўчани билмайдиганлар ҳам бор. Тарихий ерларни ҳам яхши билиш керак. Сен катта бўлганигда ҳам, бошқа ерларда бўлганигда ҳам ҳеч ўз она ерингни унутмайсан,— деди кекса геолог. Кейин у ўз ошналарига қараб,— Ярославлни беш қўлимдек биламан. Ҳар бир кўча, ҳар бир квартални... Кўзимни юмсам бас — шундоқ кўз олдимда туғилган шахрим пайдо бўлади. Мана, вазифа амри билан бу ерларда юрибмиз. Ватан деган тушунчани инкор этувчи космополитизмни жинимдан ёмон кўраман... Мана бу бола — молодец!

Умиднинг ўртоғига жуда ҳаваси келиб, тикилиб турарди.

— Бу сойларнинг номи нима?— кекса геолог яна сўради.

— Ниёзбоши сой, Тўғонбоши сой, Қамчи сой...

— Балли!

Бу илмли рус кишиларининг самимий гаплари, улардаги одамгарчилик, камтарлик болаларни ҳайратга солди. Бу — Умид назарида тушга ўхшарди. Бу

учрашув, меҳрибона сўзлар, кекса геологнинг Ватан ҳақидаги айтганлари унинг ёдидан ўла-ўлгунча чиқ-маса керак.

Бир ҳафтадан сўнг бир дунё таассуротга эга бўлиб, Умид ўртоғи билан Тошкентга қайтди.

Уйда, ўғай онаси буюрган ишларни бажариб, кейин одатдагидек кўчага чиқиб, шумшайиб турди. Баъзан болалар негадир уни ўйинга қўшишмасди. Нима ҳам бўлди-ю, бир куни шумшайиб турганида синфдоши Нури деган пучуққина қиз Умид ёнига келди-да, ундан уйга берилган вазифаларни сўради. Умид унга яхшилаб тушунтирди. Кейин катталардек қаддини ростлаб, Нури билан ниманидир чақчақлашиб гаплашди. Пешанасини тириштириб, бир нимани ўйлади ҳам... Узоқда, эшик олдида қўшни хотин билан гаплашиб турган ўғай онасининг оғзи гапда, кўзи Умид билан Нурида эди. Уларни ўбдан кузатиб турарди. Икки синфдош ўзларидан нарида бу маккор кўзнинг қадалиб турганидан мутлақо беҳабар эдилар. Ҳингиллаб кулишар, катталардек қўлларини ҳаракатга солиб гаплашишар ва яна кулиб қўйишарди. «Отинг ўчкур, — деди ичида ўғай она Умидга тикилиб, — ҳали сен — одам бўлиб қолдингми! Туришингни қара, вой турқингни ел есин! Белини ушлаб, кулиб гаплашади-я! Ҳали бу каттароқ бўлса, мени менсимайдиган ҳам бўлади. Хотин олиб, менинг кунимни кўрсатади. Қизлар билан ҳам гаплашадиган бўлибди, ер ютгур! Мен сенинг юрагингни юлиб олиб, ичига похол тикиб қўяман! Китоб ўқийдиган ҳам бўлибди, мен сенинг ўша каллангни қуруқ қовоқ қилиб қўяй! Бурнингни тортиб, алаканинг итидай санғиб юрасан...»

Ўғай онанинг зарда-ю, зуғумларига, силташларига чидолмаган Умид яна Ачаободга қочиб кетди — унда кимни паноҳ тортди, ўзи ҳам билмасди. Севикли буви ўлиб кетган, ундаги ошналағи ҳам кундуз мактабда, кечқурун уйга қарашишарди. У аммасиникида шу куни ётиб қолиб, эрта билан яна қайтиб келди. Мактабга бориши керак, бошини эгиб ўғай она ёнига келди.

— Ҳа?! Эромад-шеромад аммаларингникига сигдингми?

— ...

— Сенга берадиган нони йўқ эканми?

— ...
— Ўғай онам ундоқ, ўғай онам бундоқ деб ғийбатимни қилиб чарчадингми?!

— ...
— Муштумдек бошингдан қўлингни белингга қўйиб, қизлар билан гаплашадиган ҳам бўлдингми?! Сендан ҳеч одам чиқмайди! Яримта ҳам одам чиқмайди! Сен бир қийқиндисан! Зеҳнинг ҳам ўлгудай паст-пўстак. Мен буни анчадан бери билиб юрибман. Бўладиган бола бошидан маълум бўлади. Сен ҳеч нима билмайсан! Ҳомболчилик қилиб кун ўтказасан. Билдингми!

Дарҳақиқат, бир куни ўқитувчиси уни синфдан чиқариб юборган эди — у дарсини тайёрламай келган. Бунинг учун ўғай онаси сабабчи бўлган эди. У ҳеч дарс тайёрлашга қўймасди. Умиднинг ёзиб-чизишига кўзи тушдими, бас! «Тур ўрнингдан, анавини қилиб кел!» деб иш буюрарди. Унинг китоб ўқиганини ёмон кўрарди: «Бас, ҳадеб китоб ўқийверма, олим бўлармидинг! Ит ҳам, бит ҳам олим бўлаверса подани ким боқади!» Бу гапларни эшитган Умиднинг кўнгли шишадек чил-чил синиб кетарди; наҳотки, унинг зеҳни пасту, у ҳеч одам бўлмаса?

У ўксинди. Аммо бир лаҳза ўтгач, бу ўксиниш бекор эканини пайқади. Ахир у қарғаяпти, ахир сассиқ оғиздан ширин гап кутиш мумкинми?

У ўзини тутиб олиб, кўзларини ўғай онага ўқдек қадади.

— Бошингдан қолгур, адангнинг бир темиртаги учун укамнинг боласини дўппослаб урибсан?! Ҳу, урмай қўлларинг синсин!

— ...

— Текин томоқ, йўқол бу уйдан!

— Кетаман!— Умид турган ерида ранги оқариб, Фотимага тик қаради. У илгаригидай кўзига ёш ҳам олмади, кўнгли увушмади ҳам. У бир неча қадам бошиб, айвон тоқчасидан папқасини, сиёҳдони билан китобларини олди-да, эшикка юра бошлади. Ичкари хона эшиги олдидаги даҳлизда қўлида супурги ушлаб титраб турган ўғай онага яна бир қайрилиб қаради:— Мана, кетаман!

— Кет! Йўқол!

— Лекин сиз шуни билиб қўйингки, бу уйни адамлар, ойимлар солганлар.

— Йўқ-о-ол!!!— Ўгай она турган ерида қўлидаги супургини отди. Супурги Умидга тегмай нарироққа бориб тушди. У бўлса пинагини бузмай битта-битта юриб, кўчага чиқиб кетди...

Ўгай она ситамига чидай олмаган Умид тоғасиникидан паноҳ топиб, шу хонадонда доимо яшай бошлади. Мактабни ҳам тугатди...

Ота-онасидан қолган ҳамма нарсани сотиб тугатган ўгай она, кейинги йилларда ҳовлининг ярмисини бир одамга сотиб, ўзи бир уй-айвонда қолди. Баъзи одамлардан эшитишича, битта чириган гиламдан бўлак ҳеч нарсаси қолмабди. Одамлар Умидга: «Ўзингни эҳтиёт қил, мол топилади. Раҳматлик отангинг туёғи йўқолмасин. Сен қаерда бўлсанг, ўша ерда отангинг чироғи ёнади. Йигит моли ерда...» дедилар.

Кейинги йилларда Умиднинг институтда стипендия олиб ўқиётганини эшитган ўгай она ректорга «онасига қарамай қўйган болага танбеҳ бериш кераклигини ва ҳозир қийналиб қолгани, Умид стипендиясидан ярмини онага бериш» ҳақида ариза берди. Аризада уни «муштдек вақтидан боққани, энди одам бўлганида онага қарамай қўйгани» ҳам айтилган эди.

Ректорат ва институт комсомол ташкилоти ариза бўйича комиссия тузиб, чуқур ўрганишди. «Ариза» сқибатсиз қолдирилди.

Ҳар замонда Умид шу туғилиб ўсган кўчадан ўтгудай бўлса юраги зириллар, рўпарадан ўгай она чиқиб қолаётгандай бўларди.

Лекин ўзи туғилиб ўсган уйларини жуда ҳам кўргиси келарди. «Одам бўлмайсан, зеҳнинг паст» деган ҳақоратлар орқада қолиб кетди. Унинг зеҳни паст эмас, аксинча, сергайрат, ҳозиржавоб, фикри ўткир эканлигини ўқитувчилари ҳам, дўстлари ҳам билишарди. У бир «қийқинди» эмас, юрт корига ярайдиган одам бўлиб чиқишни умид қилди. «Умид қилибсан, ўғлим, умидингга ет! Ахир, сенинг исминг ҳам Умид...» деган эди бир куни ўқитувчиси Муҳаммаджон ака, яъни Суқрот домла...

ҲАФИЗАНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

Уша кунги учрашув ойғи кўлга тушган тошдек ёш Ҳафиза томирларида осойишта оқаётган қонини тўлқинлантириб юборди; кўрғинида сокин ва жиндак хаёлчан бўлгани билан юрагида ҳислар туғён урарди. Бўйи етган қизларга хос юзидаги шарм-ҳаё шўхликларини маҳкам бўғиб тургандай. Лекин унинг гўзал вужудидаги қайнаш, жон олғувчи қилиқлар ўзини таманно қиларди. Қоплону йўлбарслар кўзидан нари, мўмин-қобил Ҳисор қўйлари ёнидаги қайноқ ўпич ҳам ҳали ҳаётда бунчалик ширин онлар борлигини билмаган қиз оромини бузди, унинг кўз олдида ҳамма вақт бир одам тураверди — у баъзан жуда гўзал ва баъзан жуда улуғу улкан бўлиб кўринаверди.

Ҳафиза Фарғонага келди-ю, бир нимасини йўқотиб қўйган кишидек паришон бўлиб қолди. Ўзи бунда-ю, хаёли Тошкентда...

Ҳафизанинг отаси (у «ада» дейди) Пўлатжон Содиқович Фарғона область партия комитетининг секретарларидан бири. У оиласи билан кўпдан бу ерга кўчиб келган. Лекин ўнинчи синфни битираётган Ҳафиза, укаси Қудратжон ва бувиси Тошкентда қолишган эди. Тошкентда амакисининг ҳовлиси ҳам ёнма-ён бўлганлиги сабабли бувиси дам у ҳовлига, дам бу ҳовлига чиқиб турарди. Бўйи етган қиз кампир ихтиёрига топширилган эди. Эркалагиш оқибатида муштуми зўрроқ чиққан укаси Қудратжон бу оилада «тартиб-интизом ўрнатиб турарди». Унинг бир кўзи ғилайроқ бўлиб, тенгқурлари ва умуман шу атрофдагилар унинг газабидан сақланишарди.

Отанинг бетоблиги Ҳафизани Фарғонага олиб келди. Суюкли қизнинг тезда эгиб келиши, отаси қошида бўлишини она ўз хатида жуда истаган эди. У эшикдан кириб келиши биланоқ уй чароғон бўлиб кетди. Бир соатгина уйда ўтириб, онаси билан бирга касалхонага, қон босими ошиб, мувозанатини йўқотиб қўйган ота ёнига боришди. Укасининг яхши юрганини, бувиси саломат экани, амакиларининг ҳам саломини топширди...

— Институт нима бўлмпти? — сўради каравотда

орқага қўйилган ёстиққа суялган отаси кулимсираб. Унинг бу кулимсираб берган саволидан: «Уйинқароқ бўлиб, капалакдек учиб юрган бўлсанг керак? Уқишдан кўра ҳам кўпроқ кийим, янги модалар ҳақида ўйлаб юрган бўлсанг керак...» деган гапни пайқаш мумкин эди. Шундан сўнг адаси аҳволининг яхшилиги, врачнинг айтишича, қон босими ҳам пасайганини, ўзини яхши сезаётганини айтди. Тошкентдагиларни ҳам бирма-бир сўради. Кампирнинг аҳволини ҳам қайта-қайта сўради.

— Институтга тайёргарлик кўряпман. Асосан физика, кимё ва иншо...— деди Ҳафиза ерга қараб,— конкурс жуда катта. Ун тўрт, ўн беш балл олган киши ўтаркан.

— Пишиқ тайёрланиш керак.

— Ҳеч танишингиз йўқми?

— Лаббай?

— ТошМИДа ҳеч танишингиз йўқми?— деди Ҳафиза отасига ялт этиб қараб.

— Таниш бўлиши керак эканми?

Онаси безовталанди; бу гап отасига мутлақо ёқмаганини сезиб турарди. Лекин Ҳафиза онасининг имо-ишорасини сезмай, нодонларча гапни такрорлади:

— Таниш бўлса яхши бўлади, дейишади,— деди энсаси қотиб турган отасига,— агар шу институтга кирадиган бўлсам, ҳаракат қилиш керак.

— Албатта, яхши тайёрлан! Яхши ҳаракат қил!

— Бу кам.

— Нега?

— Мен яхши тайёрланыпман, ўзимга ишончим бор.

— Хўш? Унда нега?

— Бу етмайди.

— Етади!

— Асабингизни бузманг адаси,— деди ёлвориб она,— Ҳафиза ўйламай гапирди. Агар асабингиз бузилса, қон босими яна кўтарилиб кетади. Арзимаган нарсаларга тажанг бўлманг.

— Институтга кириш шунақа ёмон бўлиб кетган деб ўйлайсанми? Хато ўйлайсан! У ерда Слоним, Василенко, Умидовалар ишлаган. У ерда...

— Кимдир бу гапни айтган бўлса қулоғига жойлашиб қолган-да, бу оғзига кучи етмаганларнинг гапи!— деди онаси.

— Мени кечиринг, ада! Бу гапнинг хонаси бўлма-са ҳам гапириб юбордим... Бетоб киши ёнида бундай асабини бузадиган гаплар гапириш яхши эмаслигини опамлар айтдилар...

— Йўқ, хонаси эди. Айтганинг яхши бўлди, билиб қўйдим...

Она-бола секин кулиб қўйишди.

— Пишиқ тайёрлан, тушундингми?!— деди у бир оздан сўнг,— кейин дадил бўлиб имтиҳон беравер. Бундай хато гапларга қулоқ солма.

— Хўп бўлади,— деди Ҳафиза отасини тинчитиб,— ўзим ҳам яхши тайёрланаяпман. Лекин шу институтга киришни жуда истайман, ада, фақат шунинг учун...

Пўлатжон ака сиртдан қараганда бир оз тажанич роқ кўрингани билан, аслида одамларга жуда меҳрибон, дўсара эди. Кўп йиллардан бери партия ташкилотларида ишлаб келарди; Бешариқ, ундан кейин Холдевоибек районларида биринчи секретарь, Самарқанд область партия ташкилотига бўлим мудир ва ҳозир Фарғона Обкомида... Пахта ишларини яхши биларди — Ўзбекистон шароитида бу ишдан беҳабар бирон йирик партия ходимининг ўзи бўлмаса ҳам керак. Пўлатжон Содиқов номи республика активига маълум — Депутат ва Ўзкомпартия Марказий Комитети-га аъзо, Москвада партия олий мактабини битириб келган...

Ҳафизанинг онаси Нафиса опа илгари болалар боғчасида мураббия бўлиб ишларди. Ҳозир ўз уйининг мураббияси — болаларга қараш билан банд. Кейинги йилларда Пўлатжон Содиқовичнинг саломатлиги ёмонлашуви уни яна ҳам уйга киритиб қўйди.

Нафисахон соддадил аёл.

Улар Фарғонанинг катта кўчаларидан биридаги бинонинг иккинчи қаватида, уч хонали квартирада туришади. У шаҳардан бу шаҳарга боравериб уйларида кўп чамадон йиғилган, унинг катта-кичик ҳамма туридан бор...

Ота-онаси бағрига келиб, кўнгли таскин топган бўлса ҳам, Ҳафиза негадир бу гўзал шаҳарда ёлғизликдан зерика бошлади — қўшни қизлар билан элакишолмади. Бир ҳафталардан кейин Пўлатжон Содиқовичнинг яқин ошнасиникида меҳмонда бўлишди.

Унинг дилкаш қизи Патилахон билан ҳам иноқлаша олмади. Патила ўзининг бир дугонасига Ҳафизани «какая особа» дебди... Қувноқ, кулгини, ашулани яхши кўрадиган Патилахон негадир Ҳафиза кўнглига йўл тополмай бўғилди. Аввал «пойтахтдан келган димоғдор» деб энсаси қотиб қараган Фаргона қизи икки-уч кундан кейин Ҳафизанинг «паришон эканлиги»ни кўриб, баъзан шундай одамлар ҳам учрайди, эрга тегса, эрининг шўри, деди ўзига ўзи. Лекин у Ҳафизанинг бунчалик хаёлчан бўлиб қолгани азалдан эмаслигини мутлақо билмасди.

Ҳафиза Умиддан икки хат олди, негадир шу хат чинакам муҳаббатни тасдиқлайдиган бир омилдек, агар шу хат бўлмаса, унинг яшаб туриши мушкулдек эҳтиёт сақларди. Ўзи ҳам ҳадеб хат ёзишга зўр берарди. Севиклисидан икки хат олди; унинг назарида, бу катлар расмийат учун ёзилгандай туюлди. У негадир Умид қалбидаги ҳароратни шу хатдан билмоқчи бўларди. У учинчи бор хат ёзишга киришди. Хатда умумий гаплар, сиҳат-саломатлик тилашдан кейин, «муҳаббатини ошкор этган қизни шунча қийнаш инсофданми? Нега қалбингизни очиб ёзмайсиз?» деган гаплар ҳам бор эди. У яна ўпка қилиб: «Сиз «Арафа» романидаги Инсаровга ўхшайсиз: камгапсиз, одамларга қўшилмайсиз... Юрагингизда бир дард бор. Бу бизнинг ўртамиздаги муҳаббатга алоқадорми ёки йўқми, билмайман. Сиз мақсадли кишисиз — мен мақсад йўлида қийналаётган одамларни ёқтираман. Вемақсад киши — қуруқ кесак. Ҳар нучук юрагингизда дард бор. Агар бу дард менга алоқадор бўлса, эҳ, шундай бўлса, ўзимни ниҳоятда бахтли ҳисоблардим...» Ҳафиза хатини яна давом эттирди:

«Ҳурматли Умид ака! Айтган гапларимни самимий деб тушунинг, ҳамма ёзганларим чин юракдан... Мен ҳеч қачон бундай ёзмаганман ва ўзим ҳам ҳозиргидай бир ҳолга тушмаганман. Менга нима бўлди? Бугун сизни тушимда кўрибман. Сиз билан ўз шахримиздаги чиройли кўлда, қайиқда сузиб юрганмишимиз. Сувни ёруғлик, дейдилар... Мен бир хил қизлардек усталикни билмайман. Сизга нима айтган бўлсам, ўша чин юракдан. Мен аввал Сизни бир ақлли, одобли йигит деб қарардим. Сизнинг менга бўлган илтифоту диққатингизга жавобан Сизга ҳурмат билан қарардим.

Тўғрироғи, Сизни шахримиздаги яхши йигитларнинг бири деб ўйлардим — бу гап Сизни ўқситмасин. Кейинчалик, Сиз менинг назаримда яхши йигитларнинг бири эмас, ҳаммасидан ҳам аълоси бўлиб кўрина бошладингиз. Энг яхши йигит — Сизнинг ўзингиз бўлиб қолдингиз. Сизда қандайдир бир сирли куч бор эканки, мен сеҳрландимми ёки ўша қудрат олдида забун бўлдимми, ўзим ҳам билмайман... Сиз менинг фикру хаёлимни чулғаб олдингиз. Ҳар бир қиз ҳам аҳтимол менинг ёшимда шундай бўлар. Йўқ, бундай эмас, менинг дугоналаримдан кўплари бедард, ҳеловатини йўқотмай юрибдилар-ку. Ўз дўстини йўқотган кийикдек мен бунда ганғиб юрибман. Сиз ҳали менга ўз ҳақингизда муфассал гапириб ҳам берганингиз йўқ... Мени мафтун этган куч нима?

Қадрли Умид ака! Адамларнинг аҳволлари анча яхши, яқинда касалхонадан чиқсалар керак. Уй ичимиз ҳаммаси соғ-саломат, онамлар менинг ишларим билан жуда қизиқсиндилар. Сизнинг бир хатингизни кўриб қолибдилар... (Хатингиз гоётда расмий эди, ҳеч безовталанманг.) Сизни сўрадилар — у киши ҳам институтга мен билан бирга кираптилар, дедим. Ёлғон гапирганимни кечирасиз. Сиз институтни тугатгансиз — Сиз илмий иш қилишингиз керак. Менинг опамлар жуда яхши хотин, келгусида Сиз опамлар билан танишсангиз, мен жуда хурсанд бўлардим... Адамлар ҳам, опамлар ҳам мени бундан тезда кетишимни хоҳлашмаяпти. Айниқса кичик укам мени жуда соғиниб қолган экан. Тез орада Тошкентга қайта олмасам керак.

Ишларингиз нима бўляпти? Институтга бордингизми? Профессор Салимхон Обидий билан учрашдингизми? Суратингизни олдириш учун фотографияга боришга эринаётган эдингиз, эринманг, Умид ака!

Сиз ҳақингизда ҳаммага фахр билан гапиргим келади; менинг энг яхши дўстим борлигини айтгим келади. Лекин бу мумкин эмас...

Сизга сиҳат-саломатлик тилаб,

Ҳафиза».

У эрта билан хатни почтага ташлаб келиб, яна кимёдан конспектларини ўқишга тутинди. Нафисахонининг имо-ишораси билан укаси унга халақит бермади.

Негадир она унинг бу ердан Тошкентга қайтиб кетмаслигини истарди ва ҳадеб Фарғона педагогика институтини, умуман Фарғонани мақтарди. Онанинг мақсади Ҳафизани ўз ёнидан кетказмаслик эди. Педагогика институтини ёқтирмайдиган ўз сўзли қизнинг янглишаётганини, ҳозир врачлар жуда кўпайиб кетгани, ўқитувчи бўлиш фахр — ҳаммага ҳам муяссар бўлавермаслигини, адасининг кўпгина ошналари «хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони ва Ленин орденлари олганини, Ғафур Ғулом, Ойбек, Қори Ниёзийдек валломатлар ҳам педагог бўлишганини астойдил гапирарди. Конспект ўқиётган Ҳафиза кулимсираб онасига қаради:

— Опажон, мен пединститутга кирмайман! Узингни койитиб, мени алдайверманг, хўпми?

— Ҳозирги ёшларга тўғри гап ёқмайди!

— Опажон!

— Э, қўй-э! Наҳотки, одамнинг ўз онаси боласига ёмонликни раво кўрса! Наҳотки, мен ҳеч нарсага тушунмайдиган хотин бўлиб қолган бўлсам! Наҳотки...

— Опажон, сиз жудаям тушунган, ақлли хотинсиз,— у тура солиб Нафиса опани қучиб, болаларча юзидан ўпади. Уни кузатиб турган иштончанг укаси қараб туриб, опасини қизганиб, бориб Нафисани тиззасига ўтириб қучоқлайди, юзини она кўксига босади. Онасидан негадир опани қизганиб, қўйиб юбормай қучади. Бир лаҳзадан сўнг «сенга бермайман» дегандек Ҳафизага кулиб боқади,— лекин сизга шуни айтиб қўяйки, мен врач бўлишни орзу қилганман. Мединститутга кираман, вассалом!

— Эртага Патилахонлар Водилга кетишяпти, бормайсанми?

— Боргим келмаяпти.

— Боргин, ёзилиб келасан. Патилахоннинг опаси Водилга тушган. Шоҳимардонга ҳам ўтамиз, дейишяпти. Патилахоннинг аяси ҳам боради.

— Эртага кўрармиз, опа. Ҳеч қаёққа оёғим тормаяпти.

— Ҳа, сенга нима бўлди? Сен бунақа эмас эдинг-ку?

— Нима бўпти?

— Сен бунақа эмас эдинг, Ҳафиза!— такрорлади

Нафисахон,— Фарғонадай жойга келармишсану — ж-и-и-м, Ҳожи онадек кўр тўкиб ўтирармишсан-а! Йў-ў-ўқ, сен бунақа эмас эдинг?! Эсингда борми, Шўр-тепага, тоғангникига борганимизда ўша ерлик қизлар билан бир кунда ҳамма ёқни чарх айланиб чиққанинг! Ахир сени Яланғочдан топиб келган эдик... Сенга бир нима бўлган!

— Ваҳма қилманг, опажон, вақтни қизганаяпман. Майли, агар боргин десагиз, бораман.

— Мен сени зўрлаётганим йўқ, қизим, хоҳласанг бор. Мен бориб кўриб баҳри дилим очилган-да.

— Бораман!— деди Ҳафиза бирдан чақнаб.

— Патилахон қувноқ қиз,— деди Нафисахон, аммо у қизининг бирдан қарорини ўзгартирганига ҳайрон бўлди.

Шу куни кечқурун телефонлашиб, эрта билан Ҳафиза Патилахонлар оиласи билан машинада Водилга жўнади. Фарғонадан йўлга чиққан енгил машина чиройли асфальт йўлда учиб борарди; ҳаво ҳам жуда енгил — кишининг нафас олгиси келаверади. Ўзини ҳамма вақт ёшлар тўпига урадиган, элликларнинг нари ёғига ўтганига қарамай, «жуда ёш кўринасиз» деган сўзни яхши кўрадиган Шаҳнозхон опа ҳам машинада борарди. Шофёр ёнида ўтирган «бахти маржон» спа қулоғидаги бриллиант сирғалар эрталабки қуёш нурларида йилтирарди. «Улфати чор — анда маза бор...» деб қўйдилар. Йўлда машинани бир лаҳза тўхтатиб, термосдаги чойдан пиёлага қуйиб ҳўплашди. Баъзилар опага қизи Патилахонни кўрсатиб, «бу синглингизми?» деярмиш. «Йўқ, қизим бўлади», деса ҳамма ҳайрону хас бўлиб қолармиш. (Бу билан у ўзини шу қизлардан жиндаккина каттароқ эканини билдирмоқчи бўларди.) Шаҳнозхон ёнида ўтирган шофёрга жилмайиб қўярди.

— Икки томон тоғ...— деди Ҳафиза машина ойнасидан баланд тоғларга ағрайиб,— мунча чиройли!

— Бормисиз,— деди очилиб Шаҳнозхон опа,— ўзим айланиб кетай тилингиздан, гапириб туринг! Бизнинг Фарғонамизни ҳеч бир ерга тенглаб бўлмайди. Шу ерларимизни бир кўрай деб қаёқлардан одамлар келадилар. Дунёда Фарғонани мақтамаган одам йўқ. «Бобирнома»ни ўқиганмисиз?

— Биламан,— деди тортиниброқ Ҳафиза. У дарс-

ликда бу китоб ҳақида маълумот олган эди-ю, аммо «Бобирнома»нинг ўзини ўқимаган эди. Унинг кўнглидан шу лаҳза «бир оз сатанг» кўринган Шаҳнозхон опа бу нодир китобни чиндан ҳам ўқиб чиққан бўлса, кишининг сиртига қараб баҳо бериш хато эканлигини пайқайди. Шу лаҳза Шаҳнозхон яна қўшиб қўйди:

— Мирзо Бобир ҳамшаҳаримиз бўлгани билан фахрланамиз. Фарғона иқлими-ю, бу ер берадиган нозу неъматларни, бу ернинг қушларигача у китобда яхши таърифланган. Мен ҳам андижонликман, Патилахоннинг дадаси мени олгандан кейин кўп шаҳарларда бўлдим. Тошкентда ҳам икки йил яшаганмиз. «Бобирнома»да наврўз-равоч сайли хўп яхши айтилган...

Боятдан бери тантиқликларидан ичида кулиб келаётган Ҳафиза ўзгарди, у Шаҳнозхон опага жилмайиб боқди — бу унинг тасанноси эди.

— Агар биров Фарғонани ёмон деб кўрсин-чи!

— Ҳай, ҳай,— деди чақнаб Патила,— ҳар кимнинг шаҳри ўзига яхши, ундай дейиш керак эмас!

— Ялтада бўлдим, икки марта Кисловодскда, Сочида... Ҳаммаси Фарғонадан ўтаверсин! Ҳафизаой хафа бўлмайдилар, Тошкентдан Фарғона яхши. Шундай эмасми, Ҳафизаой? Шундай дея қолинг!

— Шундай, Шаҳнозхон опа,— деди кулиб Ҳафиза,— Тошкентда чанг кўп...

— Тилингдан айланай, тўғри айтасан,— деди Шаҳнозхон, кейин қизи Патилага қаради,— эшитдингми? Тўғри гапни айтадилар. Мен сенга айтаман-а, дунёда Фарғонадай шаҳар йўқ. Агар бўлса ҳам шу тоғлар атрофида, ё Андижон, ё Қўқон...

— Ҳавонинг яхшилигини қаранг.

— Сувини айтмайсизми, сувини...

— Тоғни биринчи кўришим. Тоғ қандай яхши...

— Қоп-қора кўзларингдан айланиб кетай, Ҳафизахон, бу ерларнинг одамлари ҳам яхши, мана мен ёмонманми?— деди у қаҳ-қаҳ уриб.

— Бебаҳосиз, опажон,— деди кайфи чоғ Ҳафиза мастлардек. Бу гапни жиддий гапиряптими ёки мазах қиляптими? Патила унга ялт этиб қаради. Бу гап кайфичоғликда самимий айтилганини пайқагач, у қаноатланиб, «мен ҳам сизни яхши кўраман...» дегандек опасига имо қилиб қўйди.

— Ҳафизахон, асли тошкентликмисиз ёки бирон уруғингиз Фарғонадан эмасмикан? — Шаҳнозхон жиджий Ҳафизага боқди.

— Билмадим.

— Ё адангиз, ё у кишининг оталарими Фарғонадан бўлишлари керак. Ёки она томонингиз Фарғонаданмикан? Ишқилиб, сизнинг кимингиздир Фарғонадан. Хўп деяверинг, кўзларингизнинг бунчалик катта бўлишида бир гап бор — бизнинг қизларимиз шунақа. Лабингиз остидаги хол ҳам жуда ярашибди, ҳа, сиз Фарғонадансиз!

Бу гап Патила билан унинг ёнида кетаётган қўшни қизига ёқмади. Патила опасининг «суйилиб», бунчалик «алжиб, эзмаланиши»дан энсаси қотди. У ҳеч кўрмагандай яна бир карра Ҳафизанинг лаби остидаги як дона холига, кўзларига рашк билан қараб қўйди. Бу «улфати чор» ичида энг гўзали Патилахон бўлиб келаётгани учун ҳам, онанинг ўйламай-нетмай гапириб юбориши унга ботиб кетди. Бу ҳолни Ҳафизанинг ўзи ҳам сездди, у уялиб, бирон гап тополмай, яна машина ойнасида тоғларнинг баландлигига қаради.

— Тоғлар...

Устига яшил тўн кийган, бошида қора чуст дўппи, чўққилари булутларга етган азим тоғлар. Баъзан қипқизил харсангтошлар — очилиб қолган кўксига ўхшайди. Унинг ёлдор кўксига доимо офтоб тушиб туради. Бу тоғлар устида минг йиллик арчалар ҳам қад кўтармиш. Бу яшил тоғлар бағрида қанчалаб қишлоқлар бор, сою булоқлар бор, қўю қулунлар бор, гулу гулоблар бор... Бу тоғлар, дарҳақиқат, Фарғона боғларини жаннат қилиб, минг-минг йиллардан буён йўқолмай, ҳеч қаёққа кетмай, бунда қўр тўкиб ўтиришибди. Мана, мен Фарғонаман, дейди улар, Фарғона дегани — мен, мен бўлмасам на сарин ел, на шаффоф сув, на чопқир сойлар далаларга борар, на гўзаллик, на фароғат яшаб қолар Фарғонада...

Ҳафиза Водил сайрига йўлга чиққанидан хурсанд, яхши ҳам эриниб уйда ётмай дугоналари билан йўлга чиқди. Ҳавонинг софлиги, навбаҳордек сарин еллар унинг димоғини чоғ қилди.

Тошкентнинг иссиқ кўчаларида бир киши кабоб бўлиб юрибди, у — Умид. Ҳафиза хаёли Тошкент томон учди, у хаёл суриб қолди. «Агар у қорача йигит

унинг ёнида бўлганида, бу беқиёс гўзал манзараларни у билан бирга кўрганида қандай яхши бўларди...» У ўзини ёлғиз ҳис қила бошлади. У негадир ёнидаги дугоналарини кўрмасди. Унинг кўз олдида ўша қотма, қора йигит турарди.

Ҳафиза хурсанд, кайфи чоғ, ажойиб кишилар қуршовида. Гўё бунда ҳамма нарса бор. Аммо бир нарса йўқ — унинг Умиди. Негадир унинг бирдан орқага қайтиб кетгиси келиб қолди, агар ҳозироқ Умид билан учрашадиган бўлса, бу ажойиб манзаралардан, пурвиқор тоғлардан, сарин елу шилдиरोқ сойлардан... баридан, баридан кечиб, у томон чопарди. Ҳеч иккиланмай, бир лаҳза ҳам қараб турмай севикли кишиси томон югурарди. Бахту, баҳору, гулу гўзаллик — бари унинг ўзи.

Эҳ, у ҳозир Тошкентда нима қилиб юрган экан? Ҳафизани бир лаҳза бўлса ҳам ўйлаганмикин? Ёки ўз ишлари билан бўлиб, Ҳафизани унутдимми? Наҳотки, уни бир марта ҳам эсламаса?

— Ўртоқжон! — тирсаги билан туртди хаёлга чўмган Ҳафизани Патила атай, — нимани ўйлаяпсиз?

— Ҳеч нимани, — деди хаёли тарқаб Ҳафиза. У қизариб кетиб Патилага қаради, кулди, — қизиқсиз-а, нимани ўйлардим.

— Қизариб кетдингиз?

— Ҳеч-да! Юзимга яхшилаб қаранг, қизарганим йўқ. Сиз айтинг, Шаҳнозхон опа, қизардимми?

— Йўқ, қизарганинг йўқ. Юзларингдан опанг ўргилсин, Ҳафизахон, сен менга ёқиб қолдинг. Энди Фарғонадан ҳеч кетмагин. Ёки Тошкентда азиз кишинг борми?

— Ҳа-ҳа-а-а... — Патила Ҳафизанинг бўйнига осилди. Унинг бу ҳаракатида ҳам андак рашк бор эди.

— Йўқ, ўлай агар, йўқ! Шунақа деб ўйлайсизми мени, Шаҳнозхон опа?

— Ўйласам нима бўпти? Вақти! Бўйинг етган, ҳамма қарайди сенга... Хаёл суришингда бир гап бор, айланиб кетай, юрагингда дард борга ўхшайди...

— Янглишяпсизлар, бундай эмас! — у. шундай дер эди-ю, кўз олдида Умид турарди. Унинг хаёлига ўша кунги ўпич, Умиднинг эркалашлари ва хайрлашув онлари келарди.

Водилда машинадан тушиб қариндошлариникига киришди. Патила шарқираб оқаётган ариқ бўйига борди. Имлаб Ҳафизани ўз ёнига чақириб, унга шу сувда балиқ борлигини айтди. Ҳафиза сувга тикилди. Орадан бир лаҳза ўтгач, Патила:

— Менга яхшилаб қара,— деди негадир бўшашиб,— мен чиройлими, Санамхон чиройлими?

— Сиз,— деди ҳайрон бўлиб Ҳафиза. Умрида бунақа саволни ҳеч эшитмаган эди. У жилмайиб кулди, бу саволга яна ҳам муфассалроқ жавоб қилиш зарурати борлигини ҳам пайқади — машинада бўлган гаплар дарҳол ёдига тушди,— сиз жуда келишгансиз, гапимга ишонверинг. Атлас кўйлак сизга жуда ярашар экан. Агар мен йигит бўлганимда, йўлингизга жонимни тикардим.

— Эҳ-ҳе, гапга уста экансиз!— у Ҳафизага ўткир қаради,— бу гаплар кўнгил учунми ёки чинданми?

— Алдаш — ўз-ўзини камситиш демак. Сиз чиройли қизсиз. Юракдан айтяпман.

Ҳафиза бошқа сўз айтмади. Бу бир «огиз» сўз Патилага анча маънони англатди. У шилдираб оқаётган ариқ ичидан балиқчалар излаб, хаёл сураётган Ҳафизага боқиб турарди. Ҳафизанинг хаёлчан туриши ниҳоятда гўзал эди.

Улар шу куни Водилда бўлиб, эртасига эрта билан Ҳамзаободга, Оқсув ва Кўксувни, Кўли Қуббонни... кўришадиган бўлишди. Унда икки-уч кун қолиб, чоршанба куни Фарғонага қайтишмоқчи бўлишди. Лекин эрта билан Ҳафиза айниди — у Ҳамзаободга кейинги сафар келганида боражагини, шу бугун Фарғонага қайтмаса бўлмаслигини айтди. Йўлдошлари ҳайрон бўлиб қолишди; уни кўндиришга ҳаракат қилишди, ҳеч бўлмади. Аразлаб ҳам кўришди, бўлмади. Аввал «адасидан кўнгли тинчимаётгани»ни айтган Ҳафиза, телефон қилиб Нафисахон билан гаплашажагини айтишгач, у, «ўзимни ҳам ёмон сезяпман, кетишим керак», деб туриб олди. Машина йўқлигини айтишгач, автобусда қайтажагини, ҳеч ким безовта бўлмаслигини илтимос қилди. Кўндиришнинг иложи бўлмагач, жуда энсаси қотган Патила ўша келган машинада қайтаражагини айтди.

— Мен бир кун бўламан,— деб ўйлаган эдим, ўзингиз ҳам шундоқ деган эдингиз,— деди Ҳафиза

Патилага,—ҳозир жуда хижолат бўляпман. Айниқса Шаҳнозхон опамлардан...

— Ҳечқиси йўқ,— деди Патила,—опам тушунади, оёқ тортмаганидан кейин бўлмайди-да. Асло хижолат бўлманг, ўртоқжон. Ҳақиқатан, мен ўзим Нафисахон опамга, бир кунда қайтамиз, деган эдим.

— Яна бунинг устига мен имтиҳонга тайёрланишим керак. Ҳар кун, ҳар соат ғанимат.

— Тўғри.

— Кимёни ўзингиз биласиз.

— Ҳа,— деди Патила гапни бошқа ёққа буриб,— сиз Фарғонада яна қанча бўласиз?

— Шу бугун Фарғонага етиб бориб, адамларнинг аҳволини кўраман, тузук бўлсалар, эртагаёқ Тошкентга қайтаман.

— Ўзим ўйлагандек...— деди кулиб Патила,— сизнинг хаёлингиз жойида эмас, нотинчсиз, азизим. Мен буни сезиб турибман. Сиз эртагаёқ Тошкентга кетасиз, деб ўйлаётган эдим.

Ҳа, кетаман. Лекин сизнинг кўнглингизни билмайман. Мен сизни яхши кўриб қолдим. Жуда оқкўнгилик қиз экансиз. Келинг, қиёматлик дўст бўлайлик.

— Кўнглимдагини топдингиз,— Патила ва Ҳафиза бир-бирини маҳкам қучоқлашди.

— Ўзингизнинг тахминларингизни ҳаммага гапириб юраверманг, у тўғри эмас. Менинг хаёлим имтиҳонга тайёрланиш билан қаттиқ банд.

— Тушунаман,— у табассум қилди,— хотиржам бўлинг.

Кечга яқин Ҳафиза, ундан кейин Шаҳнозхоннинг уруғларидан бири — ўрта яшар бир аёл ўша машинада Фарғонага қайтишди. Қувноқлик билан кузатган Шаҳнозхон Ҳафизага: «Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадир... экан-да, айланиб кетай, Тошкент оҳанрабодек тортяпти. Омон бўлинг, хайр!» деди кифтига қоқиб.

Ҳафиза Фарғонага етиб келиб, адасининг анча тузуклигини кўрди. «Асосий конспект ва китоблари» Тошкентда қолганини баҳона қилиб, онасининг шунча гапларини ҳам қулоғига олмай, Тошкентга жўнади.

У васвасага тушган одамдай ҳеч қаерда туролмай

қолди. Уни зўрлаб ҳам бунда олиб қолиш мумкин эмаслигини пайқаган Нафиса опа, ночор унга жавоб бериб, ўзига эҳтиёт бўлишини, бувисининг сўзидан асло чиқмаслигини қайта-қайта таъкидлади.

Олтинчи боб

ЖАВОҲИР ИЗЛОВЧИЛАР

Ҳафиза Фарғонага жўнаб кетган куннинг эртасигаёқ Умид ҳужжатларини кўтариб Селекция ва уруғчилик илмий-тадқиқот институтига борди. У янги, гўзал бинолар рўпарасидаги кенг ва гавжум Шастри ва Черданцев кўчаларидан ўтди. Яқиндагина бу ерлар дала эди. Иморатларнинг шунчалик тез қурилиб, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганига таажжубланди; эртакка ўхшарди. Инсон не ишларга қодир! Умиднинг кейинги йилларда кўргани фақат институт, кутубхона, ётоқхона ёнидаги студентлар ошхонаси ва уй эди... Шаҳарнинг бошқа жойларини кўриш учун вақт ҳам, имконият ҳам йўқ. Имтиҳонларга тайёрланишдан, институт ички оммавий ишларига қатнашишдан қўл бўшамасди.

Шаҳар шов-шувидан анча нари, кенг, кўм-кўк пахта далалари ўртасида оқ орол — бир тўп шинам уйлар, кўчалари четида сарвқомат тераклар бўй чўзган, бир томони катта сой, бир томони чексиз дала — митти шаҳарча — Селекция илмий-тадқиқот институти бор. Шаҳарчанинг ўртасида уч қаватли улкан оқ уй, бу — асосий бино бўлиб, пахта селекцияси лабораториялари ва илмий-текшириш институтининг директори кабинети жойлашган. Узоқдан қараган киши бу шаҳарчани денгиз ўртасидаги сокин оролга ўхшатади; яшил далалар ичра оқариб кўринган бу кичик оролчада нима ишлар бўлаётганини дафъатан билиб бўлмайди. Шайх Саъдий ҳам узоқда сарғиш бўлиб кўринган тўқайни жимжит ва бўм-бўш деб ўйлама, бу сарғиш қамишлар орасида баҳайбат йўлбарслар ётибди, улар ҳар қандай кучлиларни ҳам тилкапора қилиб ташлайди, деган эди. Новдалари кесилариб тўмтоқ каллак бўлиб қолган қатор тут дарахтлари чорси карталарни ажратиб турибди. Олисдаги

Чимён тоғининг чўққилари парда орқасида тургандек хирагина, эрталабки туман ичра кўзга ташланади.

Ҳамма ёқда саратон жимлиги ҳукмрон.

Умид автобусдан тушгач пахта карталарини кесиб ўтган йўлдан шаҳарча томон бора бошлади. Бундаги ҳар туп ғўза бўйнига оқ қоғоздан табличкалар осиб қўйилган; ора-чора бошига сомон шляпа кийган кишиларнинг ғўза ичида юрганини ҳам кўрасиз. (Умид бу ерда биринчи бўлиши эмас, албатта.) Асосий бинога боргунча қатор мирзатераклар файзу виқор ташлаб турибди. Олис-яқинда бир неча янги қишлоқ хўжалик машиналари: дори пуркайдиган, ер текислайдиган, культивация ва терим машиналари турибди. Бораверишда, ўнг томонда улкан аранжерия ҳам бор; бунда қишин-ёзин иссиқ — дунёдаги деярли ҳамма нав ғўзалар ўсади. Умид бу антиқа жойни яхши билди, студентлигида ҳам бир неча бор келиб кўрган...

Селекция илмий-тадқиқот институти ҳаётига доир ниҳоятда муҳим бир ҳужжатни илова қилиш жоиздир. Бу ҳужжат кўпдан Умидга маълум эди. Бугун уни ўз кўзи билан институт деворидаги мрамор тахтага олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилганини кўрди:

ДЕКРЕТ

Туркистон ва Озарбайжон Совет Социалистик республикаларида пахтачиликни тиклаш мақсадида халқ Комиссарлари Совети қарор қилади:

1. РСФСР Ер ишлари халқ комиссарлиги зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклансин:

а) «Пахта экиш билан шуғулланувчи хўжаликларнинг (коллектив ва якка хўжаликларнинг) ердан ва сувдан фойдаланишдаги имтиёзлари тўғрисида Низом» икки ҳафта муддат ичида тузиб чиқилсин ва Туркистон ҳамда Озарбайжон Совет Социалистик республикаларининг тегишли халқ комиссарликлари билан келишиб туриб, 1921 йилнинг 1 январигача кечиктирмай амалга оширилсин;

б) пахта районларидаги ҳамма совхозлар ва колхозларда мажбурий олмашлаб экиш киргизилсин, бу олмашлаб экишда пахта кўпчилиликни ташкил қилсин;

в) илгари ишлаб келган тажриба далалари ва селекция станциялари тиклансин ва янгилари ташкил қилинсин.

Халқ Комиссарлари
Советининг Раиси
В. И. Ульянов (Ленин).
Москва, Кремль, 1920 йил
24 декабрь».

Владимир Ильич Лениннинг тарихий Декретидан кейин, 1922 йилда Тошкент шаҳри четидаги Яланғоч мавзуда алоҳида ер ажратилиб, Туркистон селекция станцияси ташкил этилди...

* * *

Селекция — пахтачиликда булоқ бошидир, иш шу ердан бошланади.

Умид катта бинога кирди. Атай пахта каби оқ мрамлардан ишланган айланма зинапоёлардан кўтарилиб, директор қабулхонасига чиқди. Ёзув машинкаси ёнида ўтирган хушбичим қизга салом бериб, директор ёнига киришни сўради. Бир оз сабр қилишини, директор ёнида одамлар борлигини айтди. Умид бориб стулга ўтирди; бионинг деворлари қалин бўлганидан хона анча салқин эди — Умид шими чўнтагидан рўмолча чиқариб, бўйин, иягидаги терларни артди. Секретарь қиз истаса-истамаса ҳам «ҳавонинг бугун жуда исиб кетганини, айниқса шаҳар ёнаётганини бу ер бир қадар салқин эканини» айтди. Қиз бу лаҳза «чиқ-чиқ»ни тўхтатиб, Умид қўлидаги қоғоз папкага қаради. У билан бир кўз уриштириб олгач, гапини тасдиқлади. Унинг шаҳардан чиққанини ҳам билди. Бир муддатдан кейин Умид ўрнидан туриб, пастки қаватга — селекция лабораторияларини кўриб чиқмоқчи бўлди. Коридорга чиқиб кетаётган эди, қиз уни тўхтатди:

— Кетиб қолманг, Шукур Каримович ҳозир бўшайдилар. У киши бир соатдан кейин министрликка боришлари керак. Зарур ишингиз бўлса, кутиб туринг.

— Хўп бўлади.

— Эртага шанба, у киши умуман бўлмайдилар. Менинг маслаҳатим, узоқ кетманг!

— Чекиб тураман...

Секретарь қизнинг сергапроқлиги Умидга ёқди, бу ерда одамларнинг кирди-чиқдиси камлигиданмиқан, шаҳардаги баъзи маҳкамалардаги секретарь-хонимлар қайрилиб қараш у ёқда турсин, саволингизга тезда жавоб ҳам қилмайди. У папиросини чекиб тугатмаган эди ҳамки, директор ёнидан бир кекса одам чиқиб кетди. Ундан сўнг ўрта бўйли, тўлагина киши ҳам юпқа шляпасини кия туриб, ксридорга чиққан эди, бояги хушбичим қиз югурганича чиқди:

— Шукур Каримович, бу йигит ҳам сизни кутиб турган эди.

— Кўп вақтингизни олмайман,— деди Умид директорга яқин келиб.

Унинг назарида, Шукур Каримович заҳарроқ одам кўринди. У тўхтаб туриб, Умидга қаради, «шошиб турибман, эртага келинг, йигитча...» демоқчи бўлиб тургандай кўринди. Йўқ, лаҳзалик сукутдан кейин:

— Қани, юринг,— деди қайта кабинетига кира туриб,— лекин гап лўндароқ бўлишини илтимос қиламан.

— Бир оғиз гап,— деди Умид, Шукур Каримович уни қабул қилаётганидан мамнун бўлиб турган бояги қизга кўз ташлаб.

Улар ичкарига киришгач, секретарь қиз устига қора ледерин қопланиб, чиройли қавилган кабинет эшигини ёпди.

— Мен институтдан келдим, мана ҳужжатим. Дипломим,— деди гапи гапига қовушмай Умид. Шукур Каримовичнинг салобати босдимми, у негадир ҳаяжонланарди. Бу киши институтда пахта селекциясидан дарс берган — биология фанлари кандидати эканлигини ҳам биларди.

Шукур Каримович Умид дипломини қўлига олиб, туш билан ёзилган фамилиясини ўқиди, бирон сўз демай Умидга қараб турди. Умид ҳушини йиғиб олиб, гап қўшди:

— Йўлланма берилган... Ректоратнинг буйруғи ҳам бор.

— Тўғри, биз бешта студентни сўраганмиз,— деди негадир кулимсираб Шукур Каримович,— бултур уч студент келган эди, биттаси ҳам туrolмади... Лаборант қилиб тайинлашимиз мумкин... Гап бунда эмас, ошна, гап бошқа томонда...

— Тушунаман, Шукур Каримович,— деди Умид андак ялиниброқ — масаланинг яхши ҳал бўлишини жуда истаб.

— Нимага тушунасиз? — деди Шукур Каримович дипломни столга қўйиб.

— Мени маош қизиқтирмайди.

— Отангиз ким бўлиб ишлайдилар? — сўради Шукур Каримович Умидга тикилиб. Унинг бу қараши «ҳойнаҳой катта маош оладиган бирон кишининг ўғли бўлса керак» деган маънони билдирарди.

— Менинг отам ҳам, онам ҳам йўқ.

— Нега?

— Отам фронтдан келиб вафот этганлар. Ойимлар ундан илгарироқ касал бўлиб...

— ...

— Мен маош олиш учун эмас, илм олиш учун... Узингиз студентликни биласиз-ку, Шукур Каримович. Умид билан келдим...

— Бу гапингиз менга ёқади, мен ўзим ҳам студент бўлганман.

— Яшанг, домла. Раҳмат!

— Нимага «раҳмат?» Ҳали бу гапни айтишга эрта-ку? — деди кулиб Шукур Каримович, стол устидаги қаламни ўйнаб. Кейин у ғаладонни тортиб, кўкиш папкани олди-да, қоғозларни титкилаб, аллақандай бир варақча тикилди,— ҳа, фамилиянгиз бор, бешта студент сўраганимиз тўғри.

Умид директорнинг яна нима дейишига жон қулогини тутиб турарди.

— Келинг, майли, ишлашамиз. Лекин бир гапни эсингиздан чиқарманг, йигит: ишқ бошқа, ҳавас бошқа! Бу гапнинг маъносини яхши тушуниб олинг.

— Тушунаман...

— Йўқ, ҳали тушунмайсиз!

— ...

— Биладан, бу ерда ишлашни жуда истаяпсиз. Шунинг учун бу гапнинг маъносига чуқур етмай гапириб юборяпсиз. Биз яхши студентларни сўраганимиз билан баробар танлаб оламиз. Шунчаки тирикчилик важидан бу ерга келаман ёки районга боришдан қочиб бу ерга жойлашиб оламан, деганлар хато қилди! Шунақа укалардан бултур учтаси билан хайрлашдим. Тушундингизми?

Умид бош қимирлатди.

— Менга селекционер бўладиган одамлар керак, йигит! Эртага шанба, душанба куни келинг, буйруқ бераман.

— Раҳмат, Шукур Каримович!

— Ия, мен кечикиб қолибман-ку!— у ўрнидан туриб, наридан-бери Умид билан хайрлашди-да, Умиддан олдин кабинетдан чиқиб кетди. Қабулхонадаги секретарь қизга «мен кетдим», деди-ю, зинапоялардан тапур-тупур тушиб, ташқарига чиқди. Шу лаҳза ташқаридан машинанинг мотори гуриллаб, эшиклар қарс-қурс ёпилди.

Умид секретарь қизга мамнуният билан жилмайиб қаради, давлат имтиҳонидан «беш» олиб чиққандай қувонди. Умиднинг руҳи баландлигини сезиб турган секретарь қиз ҳам чиқ-чиқини қўйиб, мамнун жилмайиб турарди.

— Шукур Каримович жуда яхши одам эканлар, юрагимдаги орзумни тушундилар,— деди Умид секретарь қизга яқинроқ келиб.

— Ҳа. Лекин Шукур Каримович ҳамма вақт ҳам сизга ўхшаб келган студентларни хурсанд қилиб юборавемайдилар. Хафа бўлиб чиқадиганлари ҳам анча бўлади.

— Мен ишга келяшман, синглим.

— Шундайми?

— Мен институтни шу йил тамомладим. Аспирантми ёки кичик илмий ходимми... ишқилиб, шу ерда ишласам бас.

— Бизда аспирантлар бор...— деди у андак хаёлга чўмиб.

— Индинга яна келаман, шундай дедилар. Хайр.

— Хайр!

Умид қабулхонадан ташқарига чиқди ва зинапоялардан мамнун битта-битта босиб пахта тушди-да, илмий-текшириш институтининг пахта майдонларига тикилди. Унинг кўз олдида пахтазор устидан живир-живир ҳовур кўтарилиб турарди. Бу яшил денгиз ичида жавоҳир изловчилар сузарди. Улар бир кун эмас, икки кун эмас, йиллар мобайнида гавҳар донани излайдилар. Бунинг учун фақат олимликнинг ўзи кифоя қилмайди...

Умид узоқ-узоқларга тикилиб, жазирамада гўза оралаб юрган одамларни кўрарди. Эҳтимол, боя Шукур Каримович айтган гапининг бир маъноси шудир...

У ишнинг бунчалик осон ҳал бўлишини кутмаган эди. Бундан бир кун аввал икки студент келиб ўтиша олмабди. Улар рўйхатда йўқлиги, тақсимот бўйича Сурхондарё областига бориши кераклигини айтишиб қайтаришибди. Умид институт ректорининг буйруғида борлиги яхши бўлди. Лекин у масалани Селекция илмий-тадқиқот институтининг ўзи мустақил ҳал қила бериши, олмаслиги ҳам мумкин эди. Негадир у директорга ёқиб қолганини ўзи ҳам сезди — дил дилга ойна, деди ичида ўзига-ўзи. Бу йил жой бўлмаса, янаги йилгача кутаман, янаги йилда ҳам жой бўлмаса, яна келгуси йилгача кутаман. «Шу ерга кириш умидим...» деган гапни ҳам гапириб юборган эди.

Шукур Каримович «заҳар» эмас, «шакар» киши экан. У бир лаҳзада Умид юрагидаги шунча гапларни пайқаб олди. Зукко одамлар шунақа бўлади, деди у ичида. Умиднинг назарида Шукур Каримович Тимирязевчалик катта олим бўлиб кўринди.

* * *

Умиднинг руҳан тетик келганини кўрган Чўтир хола эшикда туриб сўради:

— Ишлар қалай, ўғлим?

— Жойида, холажон.

— Эрталаб кетаётганингизда орқангиздан дуо қилган эдим, «ловҳовла»ни ўн бир марта ўқиб, изингизга дам солдим. Ғариб ўғлимнинг ишини ўнгидан келтир деб, илтижо қилдим...

— Қизиқсиз!— деди кулиб Умид.

— Омадингиз келсин, майли, бизларнинг эскича ишларимизга хафа бўлманг.

— Шунақа гаплар, хола, — ичкарига кириб кета туриб деди Умид.

У ечиниб, ювинмоқчи бўлиб турган эди, кўчадан қийқириб ўтиб кетаётган болалар ёдига анҳорни солди. У кўйлагини қайта кийиб, анҳорга боришга чоғланди. Шу лаҳза Чўтир хола чинни косада мошкичири олиб кирди.

— Мана буни еб олинг, ҳалимдек.

— Овора бўлиб нима қилардингиз.

— Олинг, совутмай олинг!

Умид мошкичирини туширди, ундан кейин анҳорга чўмилгани жўнади. Кечгача унда йигитлар билан чақчақлашиб, қош қорайишда уйга қайтиб келди. Кайфи чоғ ўтириб, Ҳафизага хат ёзди. У бутун қувончини хатда баён этди. Хатнинг охирига ўзи яхши кўриб, ёд айтиб юрадиган ғазални қўшиб қўйди:

Ун саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур.

Деса бўлғайким яна ҳам ўн саккиз йил ҳусни бор,
Ун саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур...

Душанба куни эрта билан Умид Селекция илмий-тадқиқот институтига борди. Яна ўша секретарь қиз очик чехра билан кутиб олиб, унинг келгани ҳақида директорга хабар қилди. Орадан кўп ўтмай Шукур Каримовичнинг ўзи қабулхонага чиқиб, Умид билан кўришди. Уни бошлаб пастки қаватга—пахта селекцияси бўлимига олиб кирди. Бунда ҳозиргина келиб турган эллик беш, эллик олти ёшлардаги, тўладан келган бир одамга таништирди:

— Салимхон Обидович, бу йигит сизга шогирд—аспирантингиз бўлишни орзу қилиб келган.

— Лаббай?

— Институтдан... Аъло баҳо билан тамомлаган. Хабарингиз бор, қобилиятли ёшлардан сўраган эдик, Қишлоқ хўжалик институтининг ректорати бу ўртоқни тавсия қилибди.

— Кўп яхши!— деди у ўтирган жойида Умидга бошдан-оёқ тикилиб,—шогирд деганни устознинг ўзи танламасмиди, азизим? Ҳозир шогирдлар устоз танлашади, ҳи-ҳи-ҳи-ҳи... Қизиқ замон, Шукур Карим ўғли! Бизларни бир вақтлар Канаш домланинг ўзлари танлаб олган эдилар. У кишига шогирд тушишдан аввал, удуму шартларини бажо келтирган эдик... Қўчқор сўйиб, маҳаллага ош берган эдик, шундоқ эмасми, Шукуржон? Ҳа, майли, акаси, қабул қилдим. Сиз директор сифатида айтасизу, биз гапингизни иккита қилармидик,— у кўз қисиб, Шукур Каримовични қўли билан туртиб қўяди.

Пешанаси тиришиб турган Шукур Каримович ўзини аранг тутиб турарди. Бу даргоҳга янги келаётган ёш

йигит олдида бирон ноқулай гап айтиб юборишдан ўзини тийди.

— Раҳбарингиз мана, профессор Салимхон Обидий бўладилар. Шу кишининг қўлларида ишлайсиз,— деди Шукур Каримович сиполик билан Умидга,— қолган гапларни, домла, ўзларингиз гаплашаверасизлар...— у хонадан чиқиб кетди.

— Отингиз нима?— профессор Салимхон Обидий столдан икки қадамча нарида тик турган Умидга жиддий бир тусда қаради.

— Умид.

— Умид? Фамилия ҳам борми?

— Рустамов.

— Баракалла. Зундай, ука, нариги хонада Елена Владимировна деган хотин бор, у киши илмий ишлар бўйича менинг муовиним. Шу хотиннинг ихтиёрида бўласиз. Мен Ялтага кетяпман, қайтиб келгандан кейин қолган гапларни секин-аста гаплашаверамиз. Шашадиган жойимиз йўқ, акаси. Битта янги нав уруғ саккиз йилда дунёга келади. Бемалол юраверинг...

Умид «хўп» ишораси билан бош ирғади. Бундан бўлак нима ҳам дерди.

— Елена Владимировна!— Салимхон Обидий нариги хонага қараб чақирди.

Сочлари оқарган, кексагина бир аёл хонага кирди.

— Бу бола менинг янги шогирдларимдан. Директор тайинлади. Мен курортдан қайтиб келгунча, сизнинг ихтиёрингизда бўлади. Бошқа шогирдларим билан, марҳамат қилиб, таништиринг.

— Хўп бўлади,— деди у аёл Умид билан бирга профессор кабинетидан чиқиб кетишаркан.

Еттинчи боб

УН САККИЗ ЕШИНДАДУР

Ҳафиза Водилга боришдан бир кун аввал Умиднинг охири ғазал билан тугалланган кейинги хатини олди-ю, шу куниеқ адасининг китоб жавонидан Навоийнинг «Чор девони»ни топиб, ғазалларини ўқий бошлади. Қандай чиройли, сеҳрли мисралар, фикрлар... У ўзининг ҳам ўн саккизда экани, гўё Алишер Навоий бу ғазални унга бағишлаб ёзгану, Умид то-

пиб, кўчириб юборибди, деб ўйлади. Ҳафиза китобни асло қўлдан қўймай, қучоқлаб Водилга ҳам олиб кетган эди. Лекин унда ўқий олмади.

Қизлар ўнинчини битиргач шундай бўладими? Ҳафизанинг бўйи етиб, ақли киради деган онаси қизига зимдан боқиб ҳайрон бўларди — у буюрилган ишни тез-тез бажарарди-да, кейин ўйламосирарди. Баъзида нима қилаётганини ўзи ҳам билмасди.

Адасини қучоқлаб ўпиб, Тошкентга бормаса ҳеч бўлмаслигини, бу ерда имтиҳонга тайёрлана олмаётганини айтиб «ишонтирди». Дарҳақиқат, Ҳафиза бу ерга ўргана олмаётгани аниқ, негадир ўзини бегонадай сезарди. Шундай дилкаш, дўсара Патилахон билан ҳам элакишиб кета олмади. Адаси ҳам «ҳай, майли, ўзининг тургиси келмагандан кейин нима ҳам қиламиз», деб қўя қолди. «Ег еб туриб ёлчимаган, нодон...» деди ойиси ичида.

— Аданглар бугун-эрта касалхонадан, уйга келадилар, — деди Нафиса Ҳафизанинг чамадонини тайёрлаб туриб, — адангларнинг дарди енгил бўлгани йўқ, беш-ўн кун бундоқ ёнларида бўлмай, жўнаб кетишинг яхши эмас-да! Адангларнинг кўнглига келмайдими? Катта қиз бўлиб қолдинг, ўйлаб иш қилгин!

— Ўйлаб иш қиляпман! Адамлар тушунадилар, фақат сиз тушунмаяпсиз!

— Тавба... — у ялт этиб қаради. Йўлга чиқаётган кишини ранжитгиси келмади. Буни устига ўжар Ҳафизадан бошқа бир гап кутиш мумкин эмас эди. Нафиса ҳам пасайди, бир нафасдан кейин қизи хайрлашиб кетишини, анча вақт кўрмаслигини ўйлади. Негадир юраги увушди, диванда шумшайиб ўтирган Ҳафизага тикилди, — ҳа, майли, бир ҳисобда борганинг ҳам маъқул. Биз бунда туриб сенга ёрдам бераолмаганимиздан кейин, адангни феъли маълум... Тошкентга бориб тайёрланганинг маъқул. Эҳтиёт бўлгин, жон қизим!

— Хўп, — деди онасининг бўшашганини кўриб Ҳафиза.

Нафисахон бориб қизини қучоқлади: — Борган заҳотинг тезда менга телефон қилгин, кўнглимни тинчит, хўпми?

— Хўп! — рўпарада кичик укаси тикилиб қараб турганига қарамай, онанинг қучиши, эркалаши Ҳафи-

зага ёқди. Билинар-билинемас унинг кўзи намланди ҳам.

— Сенларга катта бўлгани билан менга ҳали ёш — деди Нафисахон кулиб рўпарада масхара қилиб турган ўғли Алишерга боқиб, — сенга опа бўлгани билан менга ҳали сенга ўхшаш бола. Яқиндагинада буни ҳам сенга ўхшаб эмизардим. Кўзини юмиб эмарди...

Ҳафиза кулиб юборди.

Сафар олдидан қизининг чеҳраси очилганидан онанинг юраги равшан тортди:

— Адангларнинг аҳволи жуда яхши, уйга келганларида яхши парвариш қилсам, тузалиб кетадилар. У ёқда хотиржам бўла бер. Жуда ҳам ўзингни ўтга-чўққа ураберма, оғир бўл! Мукка тушиб китоб ўқий берма, оз-оз, вақти-вақти билан ўқи. Имтиҳондан ўтолмай киролмасанг, оҳ уриб эсанкирама, бу йил бўлмаса нариги йил...

— Ий-я! Сиз нима деяпсиз, опа!

— Айтаман-да...

— Йўқ, мен кираман! Киришим керак!

— Ана, айтмадимми!

— Нега бошқалар киради-ю, мен кира олмайман?!

— Кирасан.

— Нега ундай дейсиз бўлмаса?

— Шундоқ бир айтиб қўяяпман-да, қизим. Бир ишга тез киришиб, бот қайтасан. Узингни босиб ол!

— Хўп,— деб гапни тугатди Ҳафиза, опаси билан ортиқ баҳслашмай.

Кечқурун Ҳафизани кузатгани Патилахон ҳам келди. Патилахон билан Ҳафиза вокзалда бир нафас у ёқдан-бу ёққа юришиб, суҳбатлашишди, чақчақлашиб кулишди, шу атрофдаги йигитларнинг диққатини ўзига тортиб, жиндак «куйдиришди» ҳам. Улар ўртасида жиддий бир гап бўлмаган бўлса ҳам, Ҳафизанингни ўша кун бетоқатлик қилиб Водилдан қайтиб кетгани ва умуман, бу тошкентлик қизнинг баъзи қилиқлари Патилага сингишмаган бўлса ҳам, у негадир келиб, Ҳафиза билан гаплашишни ва унинг Фарғонада қолишини жуда ҳам истарди. Патилахоннинг келгани Нафисахоннинг бошини осмонга етказди, одамгарчилигу одоб мана бунақа бўлади, деди ичида Нафисахон.

Шу иссиқ саратон кунларининг бирида, эрта билан Ҳафиза енгилгина чамадон билан Тошкентга кириб келди. Ойнабанд, улкан ва серфайз вокзал туннелидан ўтиб, майонга чиқди. Уни ҳеч ким кутиб олгани йўқ, зеро, унинг ўзи ҳам ҳеч кимга хабар қилгани йўқ эди. У гулдур-шалдир ҳовлига кириб келиб, кутилмаганда бувисини таажжубга солди. У қисқагина жавоб қилди: «Ҳаммалари соғ-саломат, вассалом...» деди у оғзини очиб, ҳайрон турган бувисига.

— Ия! «Ҳаммалари соғ-саломат, вассалом» эмиш! Бу нима деганинг, бошим айланиб кетди,— деди кампир,— бир шаҳардан бир шаҳарга одам келармишу, вассалом, деб гапни тугатармишми?! Сен ўзинг Ҳафизамисан ёки инсу жинсмисан?!

— Мен, Ҳафизаман, буви. Келдим.

— Қаёқдан келдинг?

— Фарғонадан.

— Қачон келдинг?

— Ҳозир.

— Нега келдинг?

— Келдим-да, буви.

— Олдин дилгроф берардиларинг-ку?

— Бергим келмади.

— Адангнинг аҳволи қалай?

— Яхши.

— Тушунтир-и-иб гапир!

— Яхшилар.

— Яхшилар, деганингни қандоқ тушунаман. Бир бошдан гапиргин. Нима бўпти? Нима қилипти? Нима гап?

— Э-э-э!— деди диққати ошиб Ҳафиза,— яхшилар. Қон босимлари ошган экан...

— Менга ҳаммасини бошдан-оёқ гапириб берасан! Гапирмаганингга қўймайман! Қани, энди бир кўришайлик, қизим. Эсон-омон келдингми? Опанглар эсон-омонми? Аданглар эсон-омонми? Уканг Алишер эсон-омонми?

— Ҳаммалари эсон-омон,— деди Ҳафиза бувисига елкасини тутиб.

Кампир бошқатдан ўрнидан туриб, қучиб, елкасига қоқди. Шундан кейин ҳозиргина чиққан амакиси-

нинг хотини «дам олинг» дегандек қилиб, Ҳафизани ичкари хонага олиб кирмоқчи бўлган эди, Ҳафиза юзқўлини совунлаб ювиб, ҳали чарчамаганини, фақат кийимларини ўзгартириб олиш учун ичкари хонага киражагини айтди. Бир дамдан кейин у кампир тайёрлаган дастурхон ёнига ўтириб ҳусайни, курсиллайдиган шакарангурдан чўқилади. Чой дамлаб келишгач, бир-икки пиёла иссиқ чой ичди. Фарғонада аҳвол яхши экани, адаси яқин кунларда касалхонадан чиқиб келишини такрор айтди. Фарғонани, Водилни ўбдан томоша қилгани, тоғларнинг таърифу тавсифини келтирди. Кампир буви ва келин ойиси бу «жаҳонгашта» қизнинг оғзига тикилиб ўтиришарди. Ҳар замон кампир буви «шундоқ мамлакатлар ҳам бор-а...» деб, бош қимирлатиб қўярди. Шаҳнозхону Патилахонлар таърифини ҳам келтирди. Онаси семирб кетганини, ўша Шаҳнозхонлар билан опа-сингилдек яқин бўлиб кетишганини ҳам гапириб берди.

— Ҳа, бор экансану,— деди кампир,— одам деган бундоқ шошмасдан бир бошдан гапириши керак. Ват-ват-ват... қиласан, бошим айланиб кетди.

Ҳафиза эркаланди.

— Кетганингдан буён сени дуо қилиб ўтирган эдим,— деди ҳаяжонланиб кампир буви. У шундоқ эзиб гаплашиб ўтиришни яхши кўрар, лекин Ҳафиза мундоқ босиғлиқ билан ўтириб, бир-икки соат буви билан гаплашмасди. Кампирнинг шу феълени яхши билган келини атай у билан эзмаланишар — кампиршо учун бундан зўр мукофот йўқ эди. Наридан-бери гапириб кетадиган, тикка туриб чой ҳўплайдиганларни ёқтирмас, ҳатто бир куни онанг ҳам шунақа пирт-пирт... деб Ҳафизани койиб қўйди.

— Мана, омон-эсон келдинг, аданг билан опангинг ҳам сиҳат-саломатлигини айтдинг, сен бормаганинга мен не алфозга тушардим, оппоқ қизим,— деди кампир яна,— бахтинг очилсин, дўхтирликка ҳам кириб ол. Гапимизни ерда қўймай, қиз бўлсанг ҳам ўғил боладек Фарғонага бориб келдингми, сен ўтли-шудли қизсан. Аданг ҳам кичкина вақтидан Маскопларга борган, айрипланларда учган, комсомол бўлган. Эскижувадаги қулубда ваъз айтган йигит эди. Худо кўрсатмасин, қадимги замон бўлганда этикдўзлик қилармиди. Ҳа, ота касби-да... Илм юққан одам

шунақа бўлади. Бир нимаси борки, шундоқ яхши ишларда юрибди. Нега бўлмаса Мастуранинг ўғли Шоқосимни Фарғонага каттакон қилиб юборишмади? Ҳар ким ўз феълидан топади.

— Мен турай, бувижон,— деди Ҳафиза қўзғалиб,— кутубхонага, ундан кейин институтга боришим керак.

— Ўзинг ҳозир келдинг-ку, ётиб дам олмайсанми?

— Йўқ, бувижон, иш кўп.

— Ҳай, сиз ҳам айтинг, бир кунгина ётиб дам олсин,— кампир келинига мурожаат этади.

— Дам олинг, Ҳафизаой!

— Чарчаганим йўқ, аксинча, поездда дам олиб келдим.

— Шундоқ бўлса ҳам. Эскича ирими бор... бугун кўчага чиқманг.

— Ирим-пиримингизни қўйинг, кенной! Мен эскичасини билмайман!

— Вой, унақа деманг. Исириқ солиб юбораман ҳозир, бувингизлар айтдилар.

— Исириқ гриппга қарши яхши нарса. Ким уни эскилик деса, хато қилади. Адамлар айтдилар. Қани, солсангиз солинг!

— Ўргилай отин қизимдан,— деди кампир Ҳафизанинг елкасига қоқиб. Ҳафиза Фарғонадан олиб келгани кўйлақлик мато кампирни ниҳоятда хурсанд қилиб юборди:— қани, тезроқ исириқ солиб юборинг боламга! Бўйларингдан онанг ўргилсин, битта исириқ эмас, қатиқни ҳам дўхтирлар фойдали деб айтишган, мумийи асилни ҳам... ҳа! Луқмони ҳақимнинг ҳали кўп дори-дармонлари тўғри чиқади, мени айтди дерсизлар! Отанг ёнғоқдан йиқилиб, оёқлари синди — ўшанда Ҳикмат табиб мошдек мумиё бериб, оёқларини тузатди. Табибларнинг ҳам яхшиси бўлган, ёмони ҳам бўлган. Дўхтирларнинг яхшиси ҳам бор, ёмони ҳам бор.

— Ҳа, бўлди,— деди Ҳафиза этагини хокандоздаги исириқ дудига очиб,— жуда мақтаб юбордингиз...

Шундан сўнг у ўз хонасига кириб, наридан-бери хонатлас кўйлагини кийди. Бу кўйлақни Фарғонада тиктирган эди. Оёғига оқ туфли, билагига конспектлар солинган оқ сумкасини илиб, пешайвон олдидаги

цемент зинапояларда тиқ-тиқ-тиқ... жўнади. Гўзал қиз хаёлида бир нарса — Умидни кўриш умиди...

Қандай қилиб? Ахир у Умидлар ҳовлисини билмайди-ку ва бунинг устига шошганидан Умид хатларини Фарғонада қолдириб келибди... Ўзининг эҳтиётсизлигидан ўзи ранжиди; гардероб тепасига қўйган эди. Опасининг кўзи тушмасмикин? Адасининг бунақа хат-патлар билан иши йўқ. Алишернинг гардероб тепасига қараши мумкин эмас. Эҳ, аттанг! Қайси кўча, уй номери неча... ёдида ҳам қолмабди. Мана, ҳовлиқишнинг оқибати, деди у кета туриб ўзига-ўзи. Иккиламчи, бўйи етган қизнинг бир йигитни қидириб юриши қандоқ бўларкин? Йўл-йўлакай у ўйлар; қандай қилиб уни топса экан? Ҳафизанинг Фарғонадан бугун келганини у билмайди, албатта. Агар у билганида тезда Ҳафизани топарди. Бундан уч ҳафта аввал улар оқ айиқлар, Ҳисор қўйлари, шерлар рўпарасида бир-бирларига суқ билан тикилишгани, мароженое ялашгани, сирли ва ҳаяжонли дақиқалар... худди кеча бўлгандай. Ҳафиза йўлда борар, мана, ҳозироқ унинг рўпарасидан Умид чиқиб қолгандай, йўлида ҳар бир учраган киши Умид бўлиб кўриниб, юраги бир орзиқиб тушарди.

У аслида кутубхонага боради-ю, хаёлида у... Агар уни тополмаса жуда ачинади-да! Уни шунчалар ўйлаб юрганини, Фарғонадан энтикиб келганини у биларми-кан?

Айланма тор кўчалардан ўтиб, катта йўлга чиқишда Ҳафизани орқасидан кимдир чақирди:

— Ҳафизахон!

Ҳафиза дарҳол қайрилиб орқасига қаради. Юраги бир орзиқиб тушди — бу Умид, деб ўйлаган эди, йўқ, бошқа одам. У беихтиёр тўхтади:

— Лаббай.

— Сизда бир оғиз гапим бор эди, — деди яқин келиб шу маҳаллалик Шоқосим деган йўғон йигит. Бу йигит Ҳафизадан икки-уч йил аввал мактабни тамомлаган. Лекин ҳалигача бирон ишнинг бошини тута олмаган эди. Унинг муштуми йўғон, уришқоқ, обрўси тўкилишидан қўрқмайдиган, безбетроқ йигит эканини ҳам биларди. Маҳаллада бунақалардан иккита бор — улар эрталабдан-кечгача чойхонани сотиб олиб, оёғини осилтириб ўтиришарди.

— Марҳамат.

— Салом, Ҳафизаой,— у қўл узатади.

— Салом,— Ҳафиза эркак кишининг аввал қўл узатиши ноҳўя эканини билса ҳам ва келиб-келиб шу одамдан маданият талаб этаманми, ахир у хоодаек гўдаиб ўсган-ку, деди-да, қўл узатди. Шоқосим Ҳафизанинг қўлини қўйиб юбормай «борбарака...» дегандай силкиб, тиржайиб турган эди, Ҳафиза қўлини тортиб олди,— хўш, нима дейсиз?!

— Жуда шошиб кетяпсизми, Ҳафизаой?

— Ишим зарур.

— Биз ҳам кинога таклиф қилсак, тушасизми?

— Бу нима деганингиз?

— Биз чиройли, маданий сўзлашни билмаймиз... Гапимизга қулоқ солинг; мактабда ўқиб юрганда ҳам сизга қараб юрардим, бир эслаб кўрнинг!

Жаҳли чиққан Ҳафиза индамай йўлида кета берди. Шоқосим ҳам қадамни тезлаб, унга етиб олди-да, яна гап ташлади:

— Жавоб қилмадингиз?

— Бунақа гапларни менга гапирманг!

— Нега?

— Мени тинч қўйинг! Сиз ўйлаган одам бошқа!

— Ия, сизни билмайманми?

— Нимани биласиз?!— Ҳафиза қадамни тезлата бошлади, эллик қадамча олдинда бораётган одамга яқинлашди. Кейин, ёнида келаётган Шоқосимга тик қаради,— нима демоқчисиз?!

— А, лаббай?

— Нима демоқчисиз?!— ранги оқариб кетган Ҳафиза тўхтаб, Шоқосимга қаради,— қани айтинг?!

— Ҳеч нима...

— Нега менинг кетимдан юрибсиз?— У турган жойида қалтираб кетди.

Ҳафизанинг авзойи бузилганини кўрган Шоқосим паст келиб, гўё унинг яхши ниятда айтган гаплари қўпол бўлиб чиққанини билдирмоқчи бўлди. «Олифталардек яхши сўзлай олмаслигини» такрорлаб, орқасига қайтди.

— Кечирасиз! Жаҳлингиз бурнингизнинг учида турар экан... Тавба қилдик, тавба қилдик!

Ҳафиза индамай яна йўлида давом этди. У анча

нари кетгач, орқада қолган Шоқосим эшитилар-эшитилмас гап отди:

— Шошмай туринг, яхши қиз, ҳали яна учрашиб қолармиз!

Таъби тирриқ Ҳафиза ҳали бундай безбетлар анчамунча эканини, аҳтимол, унинг ота-онаси узоқда, куткилайдигани йўқ бўлганлиги учун ёмон йўлга кириб кетган, деб ўйласалар керак, деди ўзига-ўзи. Бу хаёл унинг қалбини ғижимлади, у ўз тахминидан ранжиди. Мана, ҳаммаҳалланинг аҳволи! Ёки мен ноўрин уни койидимми, у ҳақмиди? Ҳафиза яна ўзига-ўзи савол берди. «Йўқ! Шу ёшга кириб ҳам ўзини эпложмабдим, демак, у расво одам! Унга шундай муомала қилиш керак!»

Ҳафиза катта кўчанинг кенг асфальт йўлкасида борар — унинг қадамлари Навоий кутубхонаси томон қўйиларди-ю, хаёлида Умид: қандай қилиб уни топса экан? У бир куни туғилиб ўсган уйи, кўчаларини кўрсатган эди, — ўша ёққа борсаммикан? У ярим йўлдан орқага қайтди, рўпарасидан Шоқосим совуқ чиқиб қолишдан қўрқиб, атрофига шубҳали аланглаб, ўткинчилар диққатини ўзига тортди.

У эски Сақичмон томонга бурилиб, колхоз бозори ёнидаги дўкондан бир стакан сув олиб ичди. Кейин айланма тор кўчага кириб, тахминан бирон эшикни тақиллатиб, Рустамовни сўрамоқчи бўлди. Агар ким бўласиз, деса, институтданман, демоқчи ҳам бўлди.

У ўша қадимий, айланма ҳовлилар ва болохоналар, арининг инидек зич, йўлакларига харсангтош ётқизилган Сақичмон кўчасига кирди. Тепаси болохонадор қизил эшикни тақиллатди. Ичкаридан хотин кишининг «ҳози-ир» деган овози эшитилди ва шу лаҳзанинг ўзидаёқ сариқ, кулча юз бир аёл эшик очди:

— Келинг.

— Салом! Менга Рустамов керак эди. У кишининг уйлари шуми?

— Рустамов? — аёл ажабланиб сўради.

— Ҳа, Рустамов.

— Оти нима?

— Отлари... — Ҳафиза гўё исмини билмагандек сумкасини очиб, бир варақ қоғозга қаради-да, тутилиброқ, — у кишининг отлари Умид бўлса керак...

— Нима ишингиз бор эди? Қардан келдингиз?

— Институтдан.

— Институтдан?— ажабланиб тикилди аёл.— бир гап борми, айта беринг, яхши қиз. Мен уни яхши биламан.

— Уйлари қайси?

— Бирон иш қилиб қўйибдими?

— Йўқ. Шахсий ишим бор, опажон, тушундингизми?

— Ҳа, тушундим,— деди сариқ аёлнинг энсаси қотиб,— ўша сиз сўраган Рустамов Умид — она безори, ота безори, ярамас йигит. Қариндош-уруғларидан кечиб кетган бир олифта. Чўнтагида бир тийин пули йўқ! Киши кўзига китоб ўқигани билан, асли ўзи товламачи, фирибгар...

— Бу нима деганингиз!— Ҳафиза ҳангу манг бўлиб қолди.

— Савлатига учманг унинг, яхшигина қиз кўринасиз, кўзингизни очинг! У қаллоб сизни йўлдан оздирмасин тагин!

Ҳафиза миқ этмай қолди.

— Ҳа, ҳозирги баъзи қизларимиз билмай шундоқ ифлослар қўлига тушиб, умри хазон бўлади. Ёш экансиз, кўзингизни очинг!

— Мен институтдан иш билан келганман. Сиз бир-варакайига ҳар нима деб гапириб юборяпсиз. Тушунолмай қолдим, нима гап ўзи? Мен иш билан келганман...

-- Майли-да, у ярамасни билиб қўйинг! Институтингиздагиларга айтинг, улар ҳам билиб қўйишсин!

-- Сиз кими бўласиз?

— Кими бўлишимни қўя беринг.

— Рустамов қайси ҳовлида туради?

— У саёқ, беватан!

— Уйим бор деган эди-ку?— деди қизариб кетган Ҳафиза яна хотинни чалғитиб,— бизнинг кутубхонамиздан китоб оларди, адреси бор, мана шу ҳовли...

— Ҳа, энди тушундим. Сиз кутубхонада ишлайсизми? У китоблар олиб, менинг ҳовлимни ёздирган экан-да, ҳа муттаҳам!

— Бир одамни бекордан-бекорга бунчалик ҳақорат қилиш яхши эмас!

— Бу ҳам кам!

— Рустамовнинг кимлигини биз яхши биламиз. Сиз кўп бўғила берманг!

— Мана бу қизни қаранглар!

Ҳафиза у хотинга хайр ҳам демай, юзини ўгирдида, келган томонига жадал кетди. Уришқоқ хотин унинг кетидан эшикни қарсиллатиб ёпди. Ҳафиза бу хотиннинг ким эканлигини яхши билди, у Умиднинг ўғай онаси — Фотима эди. Янглишиб бу кўчага кириб қолганини ҳам пайқади. Тавба, деди у ўзига-ўзи, ярим соат ичида икки расво одам билан учрашсам-а, ҳаётида ҳеч маҳал бунчалик ярамас тасодифга йўлиқмаган эди.

Энди қандай қилиб Умидни топса экан? Топмаслик мумкин эмас, у албатта топиши керак! Шу бугуноқ топиши керак! Унинг айтадиган анча-мунча гаплари ҳам бор. У колхоз бозори муюлишидаги бояги сув ичган дўкон ёнида беихтиёр тўхтаб, бурни устидаги терларини ипак рўмолчаси билан артди, ундан кейин яна бир стакан сув ичди.

Ҳафиза нима қилишини билмай, хаёл суриб турди. Унга тикилиб қараётганлар гашини келтирарди. Ҳафиза жойидан қўзғалиб юра кетди. У беихтиёр Ҳамза кўчасига яқинлашгач, энди кутубхонага ҳам бориб келишни жазм этди. Кутубхонада узоқ бўлмади, агар бу ерда Раънони учратса, у билан бир маслаҳатга келиши мумкин — баъзи сирларини бу қиздан яширмас, улар кўпдан иноқ эди. ТошМИИ-га ҳам бирга тайёргарлик кўришяпти.

Кутубхона залида одам тўла. Ҳафиза зални айланиб бирон бўш жой тополмади. Аксига танишлари ҳам йўқ экан. Фақат шу ерда танишган бир қиз китобдан бош кўтариб, унга имо билан салом берди. Ёнига таклиф қилди. Ҳафиза эшик ёнига келиб серрайиб турди, ёнидан ўтиб кетаётганлар унинг жой бўшашини кутиб турганини, у ўқишга жуда толиб эканини сезишгандай бўларди. Аммо, аслида, Ҳафизанинг юрагида дард бор, китоб ўқишга ҳам унча иштиёқи йўқлигини билишмасди.

Наҳотки, у шундоқ дангаса бўлиб қолди? Китоб ўқишга қунти йўқ. Ота-онасини ҳам алдади!

— Бу нима? Олтин медаль билан битирган одам шунақа бўладими? Ёки у чарчаб қолдими? Бу аҳволда қандоқ қилиб институтга имтиҳон топширади! Менга

нима бўлди? — деди у залга бақрайиб қараб туриб, — агар менинг шундоқ юришимни адамлар билсалар нима бўлади? Қон босимлари яна ортиб кетади...

Ҳафиза бўшаган бир стулга бориб ўтириб, сумкасидаги конспектни ўқишга тутинди.

Кўз олдида дафтар эмас, яна Умид турарди. У қалин дафтарини ёпиб, ўрнидан турди. Атрофидаги йигит-қизларга бир қараб қўйди-да, залдан чиқиб кетди. У тўппа-тўғри Раъноларникига — Бешёғочга борди. Раънони наридан-бери кийинтириб, овқат тайёрлаётган ойисига: «Биз бир соатларда қайтиб келамиз», деб икки қиз ҳингиллашиб кўчага чиқиб кетишди.

— Айланиб кетай, Ҳафизахон, Фарғоналардан келибсиз, бундоқ бир нафас ўтиринг, ош дамлаяпман, — деди Раънонинг ойиси меҳрибонлик кўрсатиб, — унақа шошилманглар.

— Ҳозир келамиз, аяжон, — деди Ҳафиза.

— Қаёққа кетяпсизлар?

— Бичиқчига...

Улар — икки қиз қийқиришиб кулишиб, кўча йўлкасида кетиша бошлади. Раъно жуда зерикиб кетган эди, Ҳафизанинг тўсатдан кириб келиши чеҳрасини очиб юборди. Фарғонада кўрган-кечирганларини кейинроқ гапириб бераман, деди Ҳафиза йўл-йўлакай. «Ҳозир бир жойга бориб, бировнинг адресини билиб келамиз...»

— Кимнинг?

— Бировнинг...

Улар бир-бирларига сирли боқиб, чиройли жилмайишди.

— Бўпти, — деди Раъно, агар зарур бўлса бора берамиз. Лекин бизникига қайтиб келамиз. Бўлмаса оймлар хафа бўладилар, тушундингми?

— Албатта қайтиб келамиз.

— Бугун сени кўрганим жуда яхши бўлди-да, ўртоқжон, жуда зерикиб, хафақон бўлиб ўтирган эдим.

— Биласанми, Раъно, сеникига келиб дарс тайёрлаймиз.

— Бўпти.

— Сени излаб кутубхонага борибман...

— Сен кетгандан буён уч марта бордим, ҳалос. Доим уйдаман.

...Улар гастронотдан ширинлик, тунука қутичадаги чойдан олишиб, таксида Оқлон томон ғизиллашиб жўнашди. Умиднинг қариндоши, юз ёшли Тўтихон бувиникига киришди. Айвонда ниманидир пичирлаб ўтирган кампир жойнамозни нариданд-бери йиғиштириб, қизларга қаради.

— Яхшимисиз, буви, саломатмисиз?

— Келинлар, қизларим, эсон-омонмисизлар?

— Мен, Ҳафизаман, танимадингизми? Пўлатжон аканинг қизиман.

— Биламан, биламан, қизим. Билмай ўлибманми. Савринисонинг невараси, Бахмалхоннинг қизисан-да.

— Йўқ,— деди кулиб Ҳафиза,— мен Нафисахоннинг қизиман. Тошбибининг неварасиман.

— Тошбуви дедингми?

— Ҳа.

— Кесакқўрғондаги ҳовлисини қайнисига бериб, Кўкчага, Шиғзиддин бувага участка солган Тошбуви-ми? Катта ўғли обком бўлган Тошбувини айтяпсанми?

— Ҳа.

— Бир вақтлар, Тошбувининг бошмалдоғига хасмол чиққан эди, тузалиб кетдими?

— Қачон?— деди эслай олмай Ҳафиза.

— Аввал сичқон ёриб қўйди, бўлмади. Кейин Ҳикмат тайиб ништар уриб ёрганлар... Тошбуви бечора бир томонда вой-войлаб ётибди-ку, нариги ҳовлида Қосим совуқ тўй қилган. Нах Ўктам яллачиларни чақириб келиб, азонгача ўйин-кулги қилган...

— Буви, эслолмаяпман— деди Ҳафиза.

— Абсафихонларни Эскижўвадаги хотин мачит тагида отиб ташлашганини биласанми?

— Йўқ.

— Унда сен ёш боламикинсан-а? Ёли бола бўлсанг керак.

— Ҳа,— деди икки қиз бир-бирига қараб кулиб. Бувисининг қўлига хасмол-яра чиққанига қирқ йилча бўлган эди. Ҳали Ҳафиза тугул опаси ҳам туғилмаган эди.— Уша Тошбибининг неварасиман. Бу Раъно менинг дугонам.

— Ҳа, худога шукур. Келинлар, кўришайлик,— кампир уларнинг елкасига қоқиб омонлашди.

Икки қиз қўлидаги қоғозга ўроғлиқ ширинликни кампирнинг ёнига қўйишди.

- Буви, биз шошиб турибмиз.
- Раҳмат, раҳмат... Мени сийласаларинг, сизларни худо сийласин, раҳмат!
- Буви, Умиджонни тўйда невараларимдан бири деган эдингиз. Эдингиздами? Ҳовлилари қаерда?
- Умиджон?
- Ҳа.
- Умидга нима қилибди?
- Ҳеч нима қилгани йўқ. Уйини сўраяпмиз.
- Раҳматлик Ҳумаётнинг ўғли Умидми?
- Ҳа.
- Нима қилибди?— пешанасини тириштириб сўради,— яна Потма ўлгур чеварамни ҳайдаб юборибдими?
- Йўқ.
- Умид болам ақлли, меҳрибон... Шўрлик етимчани қийнади, унга худонинг ўзи кўрсатади. Мана, етим бола одам бўлиб, уни уялтиради. Умид болам умридан барака топсин, жуда яхши йигит.
- Неварангизнинг уйи қаерда? Бу атрофда ҳеч ким билмайдами?— сўради қулогини тутиб турган кампирдан Ҳафиза.
- Тоғасиникида. Тоғаси унга ҳовли-жойини бериб, ўзи Ачаободга кўчиб кетган.
- Тоғаларининг ҳовлилари қаерда?
- Хиёбонда-да, шундоқ Тўхтабойваччанинг мачитидан ўтгандан кейин ўнгга буриласиз. Қозоқмозорни биласанми, ундан сал нарида.
- Бунақалар йўқ-ку, буви?
- Нега йўқ бўларкан, Қозоқмозорнинг ёнидаги йўлқадан борсанг, шотут келади, ундан нарироқда Мўйи муборак¹, рўпарада чеварамнинг эшиги...
- Шу лаҳза нариги ҳовлидан енгини шимарган, қўли хамир-ун новча бир хотин чиқиб, қизлар билан омонлашди. У хотин хамир узиб ўтириб, буларнинг гапини эшитибди. Юраги чидамай чиққани маълум бўлди.
- Айланиб кетайлар, Умид керакми?
- Ҳа, шундай.
- Чигатой кўчани биласизларми?
- Биламиз.

¹ Тошкентнинг Октябрь райони, Кесакқўргон маҳалласида шундай ном билан аталадиган гумбаз бор.

— Ё ўттиз икки, ё йигирма икки уй номери.

— Раҳмат.

— Омон бўлинглар.

— Ана, айтмадимми,— деди кампир,— Тўхтабой-ваччанинг мачити рўпарасида. Қозоқмозор томондан борса ўнг, бу томондан борса ариқ бор...

— Энди топсак керак...— деди иккала қиз кулишиб.

Улар чиқиб кетишди.

Шу куни улар Умид ҳовлисини топиб, она ўрнида онасиман, деган Чўтир холага эртага эрта билан соат ўн бирда кутубхонада бўлишини айтиб, хат ташлаб кетишди. Йўл-йўлакай Ҳафизаларникига кириб, буви-сига бугун Раъноларникида ётиб қолишини, бирга дарс тайёрлашини айтди. Икки қиз яна таксида Беш-ёғоч томон кетишди.

Уларнинг ўлгудай қоринлари очган эди. Раънонинг ойиси сузиб келган ошдан еб, кейин дарс тайёрлашга тушиб кетишди. Кимё формулаларини кўздан кечира бошлашди...

* * *

Эрта билан Навоий кутубхонаси ёнидаги ариқ бўйида турган Умид узоқдан Ҳафиза келаётганини кўриб, истиқболига юра бошлади. Ҳафиза оқ батис кўйлагини, оқ сумка ва оқ туфлисини кийиб, сочини битта қилиб ўрган эди. У ҳам шу лаҳза Умидни кўриб, юраги уриб кетди. У Умидга яқинлашган сари қадамлари беўхшов тушар, пойма-пой туфли кийиб олгандек, қийналар, текис асфальт йўлкада ҳам қоқилиб тушай дерди. Ҳафиза ерга қараб кела бошлади, у Умидга яқин келганида жуда ҳам қизариб кетди.

— Салом, Ҳафизахон! Яхшимисиз, Фарғонадан яхши келдингизми?— Умид Ҳафиза қўлини маҳкам қисди, унинг қалтираётганини сизди,— адангиз тузукмилар?

— Раҳмат! Адамлар тузуклар. Ўзингиз яхши юрибсизми?

— Яхши,— улар бир-бирларига қараб кулишди. Адангизларнинг тузук бўлганларини айтиб, мени хурсанд қилдингиз. Нима касал бўлган эканлар?

— Қон босимлари ошиб кетибди. Ҳозир анча тузуклар. Эрта-индин касалхонадан уйга келадилар.

— Тоғамлар ҳам шу дард билан олишиб ётибдилар. Адангизлар чекмайдиларми?

— Йўқ. Лекин асаб анча-бунча бор у кишида. Биронта врач телевизорга чиқиб, бадантарбиянинг аҳамиятини тушунтирса, шу куни бадантарбия қиладилар. Ундан кейин тамом эсдан чиқади. Умуман, катта ёшдагилар бу ишни бачкана ҳисоблайди. Эслатсак,— э қўйсаларинг-чи, иш кўп, бугун обком бюроси, физкультурага вақт йўқ, — дейдилар. Мана!

— Бизлар ҳам қарисак шунақа бўламизми?..

Ҳафиза тасдиқлаган бўлиб бош қимирлатди.

— Ишлар қалай?— сўради Ҳафиза. «Асосий масалага» ўтгандай ердан кўз олиб,— хат ёзганингиз учун ва бунинг устига ғазал қўшганингиз учун раҳмат!

— Шоир ҳам бўлиб кетадиганга ўхшайман...

— Шоир-ку бўласиз, аммо Навоий бўлолмайсиз — Ҳафиза эркаланиб кулди.

— Хонаки шоирман. Шеърларим фақат бир кишига аталади...

— Кимга?

— Бир кишига.

Ҳафиза жилмайди.

— Тушунарлик. Институтга бордингизми?

— Ҳа.

— Нима бўлди?

— Ҳамма иш жойида, аспирантман...

— Жуда яхши бўлибди. Табриклайман!

— Раҳмат!

— Қандоқ яхши-а,— Ҳафизанинг чин юракдан хурсанд бўлиб кетгани шундай сезилиб турарди. Умид учун тўлқинланиб хурсанд бўларди. Секин шивирлаб «аспирант», деб яна Умидга бошдан-оёқ қараб қўйди.— Сизни сарсон қилмай, мақсадингизга етказибди. Киши ўйлаган ниятига етса қандай бахт, дегандек кулимсираб турарди Ҳафиза.

— Профессор Салимхон Обидий қўлида ишлайман. У кишини эшитгансиз, катта олим.

— Адамлар яхши танир эканлар, профессор Обидийни. Улар ёшлиқда мактабда бирга ўқишган экан. Адамлар яна бир профессорни ҳам айтдилар, ҳозир далаларимизда унинг сорти кўп экиларкан. Қаранг-а, отини ёдимдан чиқардим...

— Румшевич...

— Шу! Шу киши.

— Селекционер Румшевичнинг нави 108-Ф, ҳақиқатан кўп экилади, жуда яхши нав. Ундан ҳам яхши навлар бор, бироқ бизнинг пахтакорларимиз 108-Ф ни жуда яхши кўриб қолишган.

— Жуда хурсандман.

— Ўзингнинг ишларинг қалай?

— Бир сансирайсиз, бир сизсирайсиз,— Ҳафиза қаҳ-қаҳ уриб кулди,— қизиқ!

— Сансираганим тўғрироқ. Баъзан журъат етишмай сизлайман.

— Журъатли бўлинг! Кимёдан тайёрланяпман. Лекин ўта оламанми, йўқми, ақлим етмаяпти. Одамлар жуда қийин дейишяпти.

— Журъатли бўлинг! Ўтаман деб ҳаракат қилинг.

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳо-о-а,— Ҳафиза яшнаб кулди. У ҳозир Умид ёнида, энг яқин кишиси ёнида эркаланиб, қувнаб куларди. Кечгача ҳам шу йўлкада туриб у билан гаплашишга тайёр эди. У бошқа ишларини тамом унутиб, бутун фикру зикри билан Умидга берилган, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини зийраклик билан кузатар, ўз ёнида, унинг ҳам шод бўлишини истарди.

— Фарғонадан келдингиз. Умуман ишларимиз ёмон эмас... Ҳинд фильми кетяпти, кирмайликми?

— Кирамиз.

— Юринг!

— Юринг!

Улар ўзида йўқ шод. Кўпдан яқин кишилардек бориб кундузги кинога киришди. Умид Ҳафизани эскимо ва ширин данак билан сийлади, улар кино бошлангунча нималарнидир гапириб, қотиб-қотиб кулишди. Дилрабо ҳинд рақслари уларни сеҳрлаб олди. Икки серияли кинофильм қандай ўтиб кетганини пайқамай қолишибди. Кинодан чиқиб, ошхонада бирга овқатланишди, биринчи марта икковлари бир стол атрофида ўтириб овқатланишарди. Ҳафиза аввал уялиқиради.

Ошхонадан чиқиншгач, Ҳафиза кутубхонага кириб дарс тайёрлашини, дугонаси Раъно уни кутаётганини айтди. Умид селекция институтига боражагини, эртага кеч соат олтида, кутубхона ёнида учрашишга ваъдалашиб ажралишди.

Саккизинчи боб

ЧИНОР ВА НИҲОЛ

Оромбахш, салқин боғда сайр этиб юрган икки ёш юрак бу сафар ҳам тунда уйларига атайин пиёда жўнашди. Навоий кўчаси тун қўйнида ғоятда сўлим эди — беҳисоб чироқлар юлдуздек милтираб ёниб ётибди. Ҳар замонда биронта машина ўтиб қолмаса, катта кўча асосан жимжит эди.

Муҳаббатнинг қайноқ ва сирли оғушида икки ёш маст, бу ёруғ дунёда улардан кўра бахтли киши йўқдек, асфальт йўлда қадам ташлашарди. Гулдор чўян панжараларнинг нариги томонида, мрамар ҳовуз ёқасидаги гулзор ичида бир қўлида китоб, улуғ шоир ўз Фарҳоду Ширинига боққандай Ҳафиза билан Умидга маҳлиё бўлиб турарди...

— Бас, кетайлик!— деди Ҳафиза қадамини тезлатиб.

Улар қўл ушлашиб қадам ташлашар, қанча йўл босишганини мутлақо сезишмасди. Йўл-йўлакай Умид Ҳафизага боқар, уни эркалар, чиройли ва ширин лабларига қараб қўяр, улар бир-бирига ўрганиб, ортиқча уялишмасди ҳам...

— Ҳар қандай шароитда ҳам сенга уйланаман!— деди кутилмаганда бирдан Умид.

Ҳафиза кулди:

— Сиз билан менинг ўртада Қоработир йўқ-ку... Мен ўзим хоҳласам, адамлар ҳам, опамлар ҳам қарши бўлишмайди. Менинг ота-онам жаҳолатдан узоқ кишилар эканини биласиз-ку...

— Биладан.

— Мен ўзим ҳам сизни оз-моз...

— «Оз-моз» биладан.

— Ҳа,— деди кулиб Ҳафиза,— бу сўзга ишора қилманг, Фарғонадан келиб, кўчаларингизда адашиб юрдим... Мени бир марта ҳам эсламаган бўлсангиз керак.

— Бу бир ой ичида сени эсламаган бирон дақиқа бўлмади.

— Биз жуда кечикиб қолдик,— Ҳафиза эркаланди.

— Қара, Ҳафиза, осмон тўла юлдузлар. Осмоннинг чиройлилигига бир қара! Ой тўлишиб келяпти, қандай чиройли.

— Тошкент осмони доимо мусаффо, беғубор...
Умид шеър ўқийди:

«Ўғил, қандай севикли у,
Юрагингга меҳр солади.
Ота, дейди, гул ҳаётингдан
Ёдгоринг бўлиб қолади...
Ўғлим, ҳей, бўлажак ўғлим —
Ҳали қуёш каби йироқсан.
Фақат йироқсану қуёш нуридек
Кўз олдимда ёниб турасан.
Мен севаман сени, мен севаман,
Сендан ортиқ севганим борми.
Ота бўлиш каби буюк шарафга,
Мен биламан, шараф етарми!
Ўғлим, ҳали сени умид қилган
Отанг жангда... Лекин зўр тилак
Юрагида яшар ҳар қачон.
Фақат сени, сени ўйлаганда
Юрагини қучар ҳаяжон...»

— Қалай? Мен шеърни ёдлашни яхши кўраман,
бу бир шоирнинг шеъри... Афтидан, бу уруш вақтида
ёзилган. Бизлар у вақтда атак-чечак қилиб юрган
бўлсак керак.

— Яхши ўқидингиз. Баъзан радиода шеър ўқиша-
ди; арра тортганга ўхшаб, ғашингга тегади.

— Мазмуни қалай?

— Яхши.

— Сен ҳам умид қиласанми?

— Биз жуда кечикиб қолдик, Умид ака! Бувим-
лар мени кутиб, ухламай ўтирган бўлсалар керак.
Жуда кечикиб қолдик,— Ҳафиза безовталана бошла-
ди,— агар менинг шунақа кечикиб юришимни адам-
лар эшитсалар, биласизми, нима бўлади!

— Кетдик, энди тўхтамаймиз,— Умид Ҳафиза қў-
лидан тутаётган эди, қизнинг ўзи чап томонга ўтиб,
Умидни қўлтиқлаб, баробар қадам ташлашди.

Умид юрагида завқ ва ҳаяжон, Ҳафизада эса кечи-
киш хижолатидан васваса...

Улар тор кўчага бурилишди, онда-сонда симёғоч-
лардаги чироқлар ёниб турарди. Эски гузардаги чой-
хона ёнидан ўтишда олдинма-кетин кетишаётган, бир-

бирига андак одобсиз гап отишиб, хахолашаётган икки кишидан бири қайрилиб, орқада жадал келатган Ҳафиза билан Умидга қаради. Ҳафиза Умиддан қўлини тортиб олмоқчи эди, у қўйиб юбормай маҳкам ушлади: «Нега? Шундай кета берамиз, уялманг», деди секин. Улар яқинлашгач, кўча ўртасида ҳамма ёқни эгаллаб кетаётган бояги давангир йигит қўли билан ишора қилиб, уларни тўхтатди:

— Ия! Ҳафизаой-ку! Кечикиб қоптилар?

Улар қўлтиқлашганича, индамай туришди. Ҳафиза: «Бу Шоқосим деган безори. Шу маҳаллалик...» деди дағ-дағ титраб. «Мен жуда қўрқиб кетяпман. Энди нима қиламиз? Орқага қараб кетайлик», деди. Ҳафизанинг қўрқиб, така-пукъ бўлаётганини Шоқосим сезиб турарди. Ун қадамча олдинда кетаётган шериги ҳам: «Нима гап? Ярим кечада юрган беодобларнинг таъзирини бериб қўямиз...» деб Шоқосим ёнига келди-да, ғилай кўзлари билан уларга ўқрайиб қаради.

— Маҳалламиздан битта суюқ оёқ чиқибди-да!

Ҳафизанинг юраги дукиллаб ураётганини Умид бемалол сезиб турарди. Умид Ҳафизага: «Қўрқма, ўзингни тутиб ол!» — деди. «Қўрқаман... Буларда пичоқ ҳам бўлади...» деди титраб Ҳафиза. «Фақат айтганимни қил, Ҳафиза!» — деди буйруқомуз гапириб Умид.

— Нега йўл тўсиб, ҳақорат қиляпсизлар?! — Умид Ҳафизани йўлкага чиқиб туришини айтиб, ўзи уларга яқин борди, — бу кўчадан ўтиб бўлмайдимми?

— Сен кимсан?!

— Бунинг аҳамияти йўқ!

— Бунинг аҳамияти бор!

— Хўш?

— Бизнинг маҳаллалик қизни одобсиз йўлга бошлашга нима ҳаққинг бор, олифта?!

— Қани, гапир, галстук таққан махсимча! — Шоқосимнинг шериги гурзидек муштумини Умиднинг бурнига олиб келди, — мана шу билан битта тушириб, чалпак қилиб қўяман!

— Ҳаддингиздан ошяпсиз, ўзингизга ёмон бўлади!

— И-я!! Манавининг гапини эшитяпсанми, Шоқосим?! Бу ҳеббим нима деяпти?!

— Охирги мартда айтаман, йўлдан четга чиқ!— Умид кўзларида ғазаб учқунлари алангаланди. Харсангтош устида, йўлкада Ҳафиза дағ-дағ титрар, узун кўчанинг икки томонига жавдираб, бирон одам келиб қолармикан, деб тикиларди. Кўча жимжит, ҳеч ким йўқ... Шу лаҳза бояги гурзи муштум тўсатдан Умиднинг даҳанига тушди. Умид гандираклаб кетди. Ўзини ўнглаётган эди, чап томонда турган Шоқосим ҳам юзига тарсаки тортиб юборди. Иш жиддийлигини билган Умид икки қадам орқага тисарилди-да, ўзини ўнглаб олиб, Шоқосимнинг шериги иягига туширди. У чап қўли билан новча, қориндор йигитнинг киндигига чунонам зарб билан урдик, у букчайиб орқасига тисарилди. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ Умид югуриб бориб, бокс қила кетди. Давангир нима бўлаётганига тушунмай, гандираклаб, деворга суяниб қолди. Фурсатни қўлдан бермай Умид қайрилиб, Шоқосимга юзланди. Умид ёқасидан ушламоқчи бўлган Шоқосимни тасирлатиб боксча ура кетди. Умид ёқасини қўйиб юборган Шоқосим қонаб кетган бурнини чангаллаганича орқага тисарила бошлади. Умид югуриб бориб, яна икки бор даҳанига урган эди, ерга чўзилди.

— Сен, ярамасларни!..— деди ҳаллослаб Умид. Йўлакда, ёқалашига дов бермай турган новча йигитга ўқдек отилиб бориб, қорнига пулемётдек тасирлатиб уриб ташлади.

— Шоқосим, бу ёққа кел! — деди новча йигит эсанкираб.

Шоқосим ўрнидан тураётган эди. Умид югуриб бориб яна икки бор туширди, у кўзини, бурнини чангаллаганча ерда ўтира берди.

— Бўлди, бор, йўлингга кетавер!— деди новча йигит юзини тескари қилиб. — Шоқосим, бу боксёр экан...— Шоқосим миқ этмай ёта берди.

— Қани, номардлар, қайси биринг билан гаплашай?!— Умид йўлкада деворга суяниб турган новчанинг даҳанига яна бир мушт туширди.

— Бўлди, кетавер!— деди новча.

— Безорилар!

— Билдик, боксчи экансан! Кетавер йўлингга!— деди яна новча титраб,— боксчи бўлмаганингда ҳовонча қилардим!

— Юринг, Умид ака, кетдик! Бу ярамаслар билан тенг бўлманг. Таъзирини бердингиз,— деди қўлидан тортиб Ҳафиза,— булар номардликни касб қилиб олишган. Бетинг қурғурлар! Буларнинг дастидан кўчада юриб бўлмайди.

Ҳафиза билан Умид йўлида давом этишди. Бир оз нарироқ боргач, Умид кўйлагини тўғрилаб, шими ичига тиқиб олди. Чўнтагидан тарағини олиб, сочини текислади. Шимининг тупроғини қоққандек бўлди. Улар йигирма қадамча нари кетишгач, икки безорининг гаплашаётгани эшитилди:

— Боксчи экан, бўлмаса ҳавонча қилиб урардим. Дунёга келганига пушаймон ерди...

— У бетлик бола эмас-а?— деди секин ўрнидан туриб Шоқосим, рўмолчаси билан бурнини ушлаб.

— Кўрганман,— деди новча полвон,— папка кўтариб юрарди. Хиёбонлик бола...

— Яна қўлимизга тушиб қолар-а?

— Йў-ў-ўқ...— деди новча,— энди буни ўйламай қўя қол, ошнам! Сен унинг қўлига тушиб қолишдан эҳтиёт бўл!

Умиднинг қайта-қайта далда беришига қарамай, Ҳафиза анча жойгача, орқамиздан келиб қолади, деб хавфланиб борди.— Бу безорилар бирон ерда шикаст беришидан қўрқаман,— деди у.

Лекин улар кейинчалик ҳам шу атрофда айланишиб юришди-ю, Ҳафизанинг кўзига асло қўринишмади. Қиз бола кўз олдида ўлгудай калтакланиш — ўлимдан оғир бўлган эди.

* * *

Шу куни Ҳафизанинг ётиб уйқуси келмади, икки давангир чапанининг дағдағаси-ю, бу сўқимларнинг шармандаларча калтакланиши қаттиқ таъсир қилди. Умиднинг фақат иродали эмас, жисмоний жиҳатдан ҳам кучли экани уни қувонтирди. Бокс спорти ҳақида баъзан узоқ гапириб, Ҳафизани зериктирган вақтлари ҳам бўлган эди. Бу гап уни бир тайинсизроқ одамга ўхшатиб ҳам кўрсатарди. Намунча у боксдан гапирди, деб таажжуб ҳам қиларди. Бу қорамағиз йигитдаги босиғлиқ Ҳафизани кўпроқ торта

бошлади, у баъзида ўзига-ўзи: «Шунинг учун ҳам менга ёқади. Улкаси йўқ йигитлардан асрасин...» деб қўярди. Илгари унча ёқинқирамаган боксчилиги ҳам яхши кўрина бошлади. Агар бошқа йигит бўлганида, шу тунда ё обдан калтак ерди, ё қуён бўлиб қочарди — Ҳафизани шарманда қиларди...

Тунги тўқнашув Ҳафизани Умидга яна ҳам яқинлаштирди, — у яхши йигит экан, — деди ўзига-ўзи.

Ҳафиза чалқанча ётиб, Умид омон-эсон уйига етиб олдимикан ёки безорилар яширинча орқасидан бориб... деган васваса ҳам чулғай бошлади. Ёки ўша ёқалашидда бирон ери лат еди-ю, шарм кучлилик қилиб индамадими? Унинг тамоман уйқуси қочди.

Ҳафиза хонасининг чироғи ёқиқлигини кўрган саҳархез кампир буви карахт ёта бермай, ўрнидан турди-да, секин эшикни очиб, ичкарига кирди. Ҳафиза кўзини юмиб, ўзини ухлаганга солди. Кампир чироқни ўчириши билан яна кўзини очди:

— Ҳа, буви?

— Чироқ ёқиқ қолибди, қизим. Ўчириб қўйдим.

— Бу ёққа келинг, буви!

Кампир ҳайрон, унинг каравоти ёнига келиб, чўкка тушди.

— Буви?

— Ҳа, айланай?

— Мана шу кўчамизда ёмон одамлар бор экан. Улар бировни ўлдириб кетишдан ҳам тойишмайди. Каллакесарларга ўхшайди. Юрагим ёрилиб кетди.

— Нима гап?— кампир Ҳафизанинг ухламай тонг оттираётганини пайқаб, унга хавфсираб боқди, — нима гап, қизим?

— Келаётган эдим, иккита бадбашара безори йўлимни тўсди.

— Ё қудратингдан!

— Мана шу муқолишда...

— Мен сенга кеч келмагин деб неча марта айтдим, қизим, ахир, келгунингача юрагимни ҳовучлаб ўтираман. Агар яна озгина кечикканингда, мелиса қўшнимизникига чиқиб, районга бормоқчи эдим. Юрагимни чиқариб юбординг-ку, болам! Энди бундан кейин қоронғига қолмай келгин! Қиз бола нарсанинг бунақа кеч юриши яхши эмас! Уят бўлади!

— Ҳа, хўп.

— Ҳа, хўп дейсану, қилмайсан, болагинам! Кошкйиди қилсанг.

Шоқосимнинг совуқ башараси Ҳафизанинг кўз олдидан кетмасди, у дунёга келиб икки марта совуқ башара кўрди. Бири бундан икки йил аввал касаллигида, иситмада бир совуқ юзни кўриб, қўрқувдан шайтонлаб қолган эди. Ҳамон ўша юзи тўла жун, ғилай ёдига тушса, юраги ўйнаб кетарди. Шоқосимнинг башараси ҳам унинг танига ваҳшат соларди, бу безори бир кун эмас, бир кун шикаст етказишидан қўрқарди. Безорилар узоқ вақт кек сақлаб, ўч олишини аллақайси китобдан ўқиганини эслаб, юраги зириллади. Агар унга тегмаганда ҳам, Умидга пайт пойлаб шикаст етказишидан жуда қўрқарди.

Бўлган воқеани Ҳафиза бувисига ярим-ёрти айтиб берди, кампир таҳоратни ҳам унутиб, бақрайиб ўтириб қолди.

— Умарали совунчининг невараси-да, Шоқосим анча нобон бола чиққанидан хабарим бор. Аммо бунчалик газандалигини билмасдим. Адангларга хабар қилайликми?

— Йўқ!

— Агар ҳалиги сен айтган йигит рўпарадан келиб қолмаганда, худо кўрсатмасин, бир шикаст етказармиди.

— Ҳа...

— У йигит?..

— Шунчаки таниш.

— Худо ўзи бир асрабди...— кампир яна ўйламосираб қолди, бўйи етган қизнинг изми унга топширилгани, отаси ҳам, онаси ҳам қайта-қайта тайинлашгани, агар у қулоқ солмаса, қўшниси Марҳаматхоннинг қизи орқали секин бир хат билан хабар қилишини айтишган эди. Шу сабабли кампирнинг жони ҳалак бўлар, аммо қаттиқроқ гапиргани қўрқарди — Ҳафизанинг феъли бувига маълум.

Лекин кампир бу сафар ичдаги ғалаённи сиртга чиқармади-ю, муштумини иягига тираб, хаёл суриб кетди.

Ҳафиза икки кун уйдан чиқмай, яна конспект титкилади.

Учинчи кун эрта билан Тошкент медицина институтига — кимёдан кириш имтиҳони бергани борди. Бу ерда, кенг боғ ичидаги узун курсида азонлаб келган Умид кутиб ўтирарди. Соат саккизга яқин бу ер ўрта мактабни тамомлаган ёшларга тўлиб кетди — қизлар, йигитлар китоб-дафтар қўлтиқлаб, тўпланишиб, бир-бирлари билан гаплашишар, аллақандай формулани ёддан айтишар, ҳаяжонланишар. Раъно ҳам ҳовлиқиб келиб, Ҳафиза билан кўришди.

Ҳафиза биринчи чақирилган группа билан кириб, бир соатдан мўлроқ ўтириб, кейин имтиҳон залидан чиқиб келди. У «тўрт» баҳо олибди, Раъно ҳам, Умид ҳам уни табриклашди. Аввал ҳайрон бўлиб турган Ҳафизага бу жуда яхши, яна «тўрт» ва «беш» олса албатта ўтажагини айтишди. Ичкаридан хун бўлиб йиғлаб чиқаётганларни ҳам кўрди — улар «йиқилиб» чиқишяпти.

Орадан кўп ўтмай «ўтолармиканман, билмайдиган қийин савол тушиб қолса нима қиламан», деб типиллаб турган Раъно ҳам кириб «тўрт» олиб чиқди. Осон савол тушгани, «беш» қўйса ҳам бўларди, деб хурсанд бижилларди. Ўзидан беш қадамча нарида икки қизнинг чақнаб гаплашаётганини кузатиб турган Умид завқланар, дарҳақиқат бу фурсатда улар учун энг ҳаётий масала ҳал бўлмоқда. Бундан тўрт йил муқаддам унинг ўзи ҳам Киров кўчасидаги зинада ўтириб, қанчалар тўлқинланган эди.

— Дўстлар! — деди Умид икки қизга яқин бориб, — менда бир таклиф бор.

— Таклиф?

— Айтинг! — деди Ҳафиза чақнаб.

— Унармикинсизлар?

— Унаймиз, — деди хахолаб кулиб, эркаланиб яна у.

— Сиз-чи?

— Ҳа, дейқол, Раънохон! Умид акам ёмон нарсани айтармидилар.

— Ҳа.

— Энди соат ўн бўлибди. Марҳамат қилиб, мен билан юрсанглар, бизнинг институтга борамиз... У ерни ҳам бир кўриб қўйинглар, кўрса арзийдиган нарсалар бор.

— Юринг, борамиз!

— Борамиз.
— Йўлда мароженое олиб берасизми?— Ҳафиза сўради.

— Албатта.

— Унда жуда яхши, борамиз! Борамиз-а, Раъно?

— Мароженое бўлади-ю бормаймизми. Борамиз!

— Илмий ходимлар кўп пул олади, ҳали битта мароженое эмас, лимонадга ҳам тушасиз.

— «Илмий ходим» бўлиб олдим, лимонадлар ҳеч гап эмас! Энди белимни боғлаб пул тўплайман, участка қураман, машина оламан... Илмий иш бўла беради... Пул тўплаб қолиш керак...

Улар баб-баравар хахолаб кулиб юборишди.

— Ҳа, сиз!— деди кулиб турган Ҳафиза бармоғини ўқталиб,— бундай қилишингиз асло мумкин эмас! Унда сиз олим эмас, савдогар бўлиб қоласиз... Ёки, аввал, тузук бир ният билан иш бошлаган ёшлар секиң-аста жир битиб, шунақа бўлиб қолармикан. Бу гапни адамлар ҳам кўп айтадилар, баъзилар норма топширгандай амаллаб «кандидат» бўлиб олгач, ундан кейин илм бир ёқда қолиб, пул тўплашга киришиб кетадилар. Нон-сув ичиб бўлса ҳам бир ихтирони ўйлайдиганлар кам, адамлар Қори Ниёзийни кўп гапирадилар. Бу одам чинакам олим, биринчи математик, биринчи президент, биринчи академик, биринчи... Инсон сифатида ҳам яхши одам дейдилар. Умид ака, сиздақа одамдан савдогар чиқмайди! Сиздақа характерли одам илмни сотмайди!

— Эҳ-ҳе... Сиз одамни хижолат қиляпсиз. Олдиндан бундай гапларни айтиб бўлмайти,— деди Умид қизариб.

— Бир олимни биламиз...— деди Раъно кимгадир ишора қилиб,— ўшанақа бўлиб қолишдан худо асра син!

Уч ёш янги битган кўп қаватли бинолар ёнидаги кенг йўлкада чақчақлашиб боришарди. Автобус тўхташ жойида Умид югуриб бориб мароженое олиб келди. Наридан бери, катта-катта тишлаб, тўла келган автобусга чиқишди.

Селекция институтига етиб боргач, Умид уларга бу ажойиб мўъжизалар маконини, атрофдаги янги навлар пахталар экилган қартиларни, теплицани, ичкарига олиб кириб, турли лабораторияларни кўрсатди. Икки

Қувноқ ёш қиз учун унча қизиқ бўлмаса ҳам, Умид лабораторияларга қўйилган ғўза тупларини берилиб тушунтирарди. Кечагина курортдан келган профессор Салимхон Обидийнинг асосий бино зинаси ёнида ўзининг оч пушти ранг машинасидан тушиб келаётганини кўрган Умид дарҳол қизлар диққатини унга жалб этди.

— Профессор келяптилар, ана ўша киши!

Улар коридор четига тизилиб, профессорга йўл беришди. Қовоғи солиқ Салимхон Обидий улар билан бош қимирлатиб, енгилгина омонлашди-да, ўз кабинетига ўтиб кетди. Ярим очиқ қолган хона эшигидан профессорнинг шляпасини илиб, юмалоқ креслога ўтиргани, кўзойнагини рўмолчаси билан артаётгани кўриниб турарди.

— Жуда кўркам киши экан профессор Салимхон Обидий,— деди Ҳафиза кабинетга тикилиб туриб.

— Ҳа, одамни бир кўришда билса бўлади,— деди Раъно.

— Адамлар, Қори Ниёзий ҳам шунақа деган эдилар,— деди Ҳафиза,— лекин Қори Ниёзий ориқ ва кичкина одам.

— Бизнинг профессоримиз ҳам яхши одам, у кишининг илмдаги иши ҳам катта. Қўша-қўша мукофотлар олган, республикага машҳур киши...

Креслода тўлиб, бамайлихотир ўтирган, лўмбиллаган тепакал профессорга тикилиб турган Ҳафиза яна адасининг сўзини эслади, «аслида ноқобилу, бир сабабики бўлиб унвонларга муяссар бўлган санъатимиз ичидаги кишилар, шундай имтиёзларга яна эриша берсам деб тамагирлик қила беришига ҳеч шубҳа қилманглар. Кўп вақт шундай бўлиб чиқади», дерди. Лекин профессор Салимхон Обидий бундан мустасно. Унинг адаси бу сўзни, афтидан ўсмай қотиб қолган бир артист ҳақида айтган эди.

Ҳафиза профессорга ва ёнидаги азиз кишиси Умидга боқар: назарида, уларнинг бири чинорни, бири ингичка ниҳолни эслатарди.

Улар, уч ёш, бир нафасдан кейин узун, ярим қоронғи коридордан бориб каттагина хонага киришди, бунда, бурчакроқдаги дераза тагида стол бор, мана шу аспирантнинг иш столи.

Умид икки табуретка келтириб, ўз столи ёнига қўйди. Қизларни ўтиришга таклиф этди.

Салимхон Обидий Ҳафизада жуда яхши таассурот қолдирди. Ҳафиза ҳамон профессорни шундоқ яқиндан кўриб турарди. Бир дамдан кейин у Раъно билан Умидни бошлаб, ташқарига олиб чиқди. Профессорнинг юзларида улуғворлик борлигини, жуда ҳам ақлли одам эканлиги шундоқ сезилиб турганини тўлқинланиб гапирарди. Бу ҳам камлик қилгандек, агар соқол қўйса, Мичуринга ҳам ўхшаб кетишини таъкидлади. Умид билан Раъно унинг гапига кулишди. Лекин эътироз билдиришмади.

Бир муддатдан кейин Раъно профессорнинг қисик, айёр кўзларида сир бор, юриши ҳам имомона, сохта-супо, деди.

— Одам танимас экансан!— деди қизариб Ҳафиза,— адамларнинг ёнларига профессорлар, докторлар, шоирлар келарди. Мен кўп одамларни кўрганман. ЦКнинг секретарларини ҳам кўрганман. Бундан ташқари, профессор Салимхон Обидий адамларнинг ошна-наси.

— Хўш, нима бўпти?— кулиб сўради Раъно.

— Бу одам бошқача, ҳақиқий олим! Мен бир қарашдаёқ буни пайқадим. Профессор Салимхон Обидийнинг ҳақиқатан олимлиги шундоқ юзидан кўриниб турибди!

— Унчалик эмас...

— Қўйинглар,— деди Умид,— тортишиб ўтиришга асос йўқ. Профессор бўлишнинг ўзи ҳам ҳазил гап эмас. Келинглар, мен сизларга ажойиб пахта навларини кўрсатаман.

Бир соатлардан кейин Умид икки дугонани автобусгача кузатиб қўйиб, ўзи қайтиб келиб, иш столига ўтирди.

Тўққизинчи боб

ПРОФЕССОР САЛИМХОН ОБИДИЙ

Профессор Салимхон Обидий (у ҳамма вақт «профессор» сўзини қўшиб айтишни ёқтиради, ёшлардан ҳатто буни қаттиқ талаб ҳам қилади)— паст бўйли, юзлари гўштдор, тўладан келган одам. Бўйни орқасида бир сиқим гўшт сўртиб чиқиб туради. У тепакал, икки чаккасида баррадек жонсизгина жингалак сочи бор, танидаги бу жонсиз аъзони у ниҳоятда авай-

лайди, эҳтиёткорлик билан тарайди, унинг боргай сари камайишидан қўрқади. Бу бир парча барра унинг йингитлигида жингалак соч бўлганидан далолат бериб турарди. Профессорнинг қийиқ кўзлари ичидаги соққа ўйнаб туради. Умуман, унинг ўзи анча серҳаракат одам. Станциядаги Ойшахон деган фаррош хотин уни «ғар кўз» дебди, буни шу ерлик кексалар тушуниб, илжайишди. Думалоқ қорнини пасайтириш мақсадида ҳар куни эрта билан бадантарбия қилади, ҳар йили Қора денгиз бўйидаги курортларга боради. Юмалоқ, серҳаракат одам бўлганлигиданми, кўп терлайди, пишиллайди. У билан тез-тез гаплашиб турадиганлар унинг тупук сачратиб гаплашишидан чўчиб, ўзини бир оз нарироқ тутишади. Профессор аслида анча дилкаш одам, умуман, бирон нимадан иши юришиб қолса, унинг фойдасига бўладиган ҳар қанақа иш олдидан у сергап, дилкаш бўлиб қолади. Ҳатто маош бериладиган куни ҳам икки-уч марта ўз лабораториясидан чиқиб, кассир хотин келдими, йўқми, деб коридорда юради. Дуч келган одам билан иноқ гаплашади, кафтларини бир-бирига ишқалаб, ғайрат билан жилмаяди. Профессор ўзига етгунча ошхўр, девзира гуручидан дамланган думба ёғининг паловини ҳамма таомлардан аъло кўради, кўп вақт ошналарини ош қарз қилиб юради. Паловни ким ёмон кўрарди, лекин профессор Обидийчалик унга бино қўйиб, чиройли ошайдиган одамлар кам бўлса керак. У атайин Андижон томонлардан девзира гуручи олдириб келиб, шу ерда қолиб кетган, асли андижонлик бир боғбонга ош дамлатиб ейди. Кейинчалик ўз хонадонини ҳам девзира ошига ўргатиб олди. Ошу кўк чой мана бу таомларнинг подшоши, шўрва йўлтанга ҳеч тоқатим йўқ, дейди у. «Камбағал одамга бир сиқимгина ош яхши...» деб таомдан сўнг бирон соат ғоз патидан ясалган тишковлагичини олиб, тишини ковлаб юради, бу пайтда профессорга кўзи тушган одамлар унинг кайфи чоғ эканини пайқашиб, атрофини ўрай бошлайдилар. Хириллашиб, латифа бошлашади. Латифалар ичида ҳам профессорнинг яхши кўрадиганлари бор, у қайта-қайта айтила берса ҳам кула беради. Унинг учун тўдада битта янги одам бўлса бас... Баъзан кимдир профессорга яхши кўриниш ниятида ўша беҳаё латифани аввалроқ бошларди, ярмига етганда профессордек «кифтини келти-

ролмаётганини» пайқаб «қани домла, ўзингиз олинг, биз ўхшатолмадик», деб таслим бўларди. Мана шу «таслим» унга жуда ёқарди. У ёзилиб, яна бошдан ўша латифани бошлар, тугатгач, тоза хириллаб ўзи ҳам кулар, бағбақасидаги терларини рўмолчаси билан артар, у ёқ-бу ёғига қараб олиб, юмилиб кетган қисик кўзларини жиндак очиб, бошқасини (бу ҳам минг марта айтилган) бошлар, бу ҳам хотин-қизлар ёнида айтиб бўлмайдиган латифа бўлиб чиқарди. «Энди чўпонни айтинг», деб қолар бирон киши. Лабининг таноби қочган Салимхон Обидий: «Йўқ-йўқ, аввал чархпалакни айтаман...» деб, яна олақарғадек атрофига аланглаб, ярим овоз билан латифа бошларди-да, бирдан бомбадек кулги портларди.

Профессор Салимхон Обидий ўз ёшини «тонг» ҳам эмас, «оқшом» ҳам эмас, куннинг ўртаси, «айни ёз» дерди, бу пайтда қуёш тиккага келиб, ҳамма ёққа мўл-кўл нур сочармиш. У ўзини ҳозир шу даврда эканини, фақатгина суҳбатда эмас, илмий совет мажлисида ҳам айтган. Бу билан у «тик келган қуёш» нурларидан ҳаммангиз баҳра оляпсизлар, ола беринглар, мен сахийман, менинг нурум кимларга тушмабди... дегандек бўларди. Аммо бир куни кимдир: «Эрталабки нур саломатлик учун ниҳоятда фойдалиқ...» деб юборган эди, бу гап Салимхон Обидийни фиғон қилди: «Агар тушки қуёш ҳарорати мўл бўлмаса пахтамиз пишмайди...» деди. Шаддод одам: «Ҳа, тўпдаги кучли ҳароратнинг пахтага фойдаси зўр, бу тўғри гап...» деб бояги «хато»ни тўғрилади. Лекин олдинги гапни айтган ёш йигит балога қолди, унинг илмий иши сарсон-саргардон бўлиб, мана, неча йилдирки, «кандидат» бўлолмайди. Қўл югуриги ошга, тил югуриги бошга... эканини бола фақир билмади шекилли, профессор унга яхшилаб кўрсатиб қўйди.

Ёзда сарғиш жужун китель, бошига сомон шляпа (сомон шляпа кийиш селекционерлар орасида қадимдан одат) кийиб юрадиган профессор Салимхон Обидий қишда қаламча қоракўл папоғ, қоракўл ёқали пальто кияр, албатта костюмининг жилеткаси ҳам бўлар, бу нимчанинг митти чўнтакларидан занжирли соат ва яна бир чўнтагида тишковлагич, бош оғриғининг дорилари турарди. Хурсанд чоғларида кўпдан ёдлаб олгани бир ашулани айтарди:

Бир қизга хуштор бўлдим,
Е-ё-р ва-фо-дор-е.
Пошналикдур туфлиси-ё,
Ана шунда бир гап бор.
Дўст! Пошналикдур туфлиси-ё,
Ана шунда бир гап бор...

Шогирдларига баъзан ўзбекча, русча сўзларни аралаш қилиб, буйруқ берарди: «Брат, планни тввордий тузиш керак!» Ҳеч «доклад» сўзига тили келишмай, «дакалад» дерди. Бирон мажлис бўлса, президиумга чиқиб ўтиришни яхши кўрарди. Мабодо президиумга у чиқиб ўтирмайдиган мажлис бўлса, яхшиси, бормай қўя қоларди. Машинада икки кишининг жойини олиб ўтирарди, на у ёққа сурилар, на бу ёққа...

Ёмонлик қиламан деса пашшадан ҳам қўрқ — бу арзимаган махлуқ ҳам пайт пойлаб сенга шикаст етказиши мумкин, дерди баъзан Салимхон Обидий айёрона боқиб; кичик дарз катта кемага ҳалокат келтиради. Ҳаётда эҳтиёткорлик, ёмон сўз билан тик боққанга чап бериш, ириллаганга суяк ташлаб ўтиш, кирим эшикларини очишу, чиқим эшикларини ёпиш... Салимхон Обидийнинг ўз фалсафаси.

У баъзида кичкина тилла пашша воқеасини ҳам айтиб берарди:

...Паразитология илмининг хабар беришича, бир хил йилтироқ пашша бор, у баъзида бақанинг тумшугига яқин келиб, гингиллаб уча беради. Гаши келган бақа хап этиб уни ютиб юборади — пашшага мана шу керак. Пашша тўппа-тўғри бақанинг ошқозонига тушиб минг-мингларча тухум қўяди. Шу тариқа бақа ҳалок бўлади.

Ҳаётда эҳтиёткор бўлиш кераклигини, ярамас баъзи шахслар учун «бақа» бўлиб қолмаслик кераклигини профессор Салимхон Обидий доимо уқтирарди.

«Вақтида ўқидик, дарс бердик, доцент бўлдик, ундан кейин профессор... Энди давр суришимиз керак», дерди у. Қачонлардир ўзи илмий ходим бўлиб юрган чоғларида бир профессорга ҳаваси келиб юрарди. Қимирласа-қимирламаса пулнинг ўзи унга оқиб кела беради, дерди Салимхон. Ҳозир унга таҳассуб қилиб, тезда қорин қўйиб, кўзига кўзойнак тақди. Бунни қарангки, у ҳам ўша олимга ўхшаб, қирққа кирмасданоқ те-

пакал бўла қолди. Чаккаси, орқа бўйнидаги сочи юмшоқ ва жингала, ўша профессорга ўхшатиб, озгинагина сочига шипр одеколони суриб юради. У ўтиб кетганидан орқасидан кетаётган одам муаттар одеколон бўйини ҳидлайди, бу ҳид шогирдларига ёқар, улар ўзаро профессорнинг шу одеколонни жуда кўпдан пуркаб юришини билишар, яхши бир одатдек гапиришарди. Лекин селекция институтидаги баъзилар, профессор Салимхон Обидий шипр сурмаса, айниқса, бундай иссиқ кунлари унинг ёнида туриб бўлмайди, ундан ачиган қатиқнинг ҳиди келади, дейишарди. Ҳар қалай Салимхон Обидий ўзининг сариқ қориндор портфели, одеколони билан ҳар доим мукамал кўришиб юрарди. Шуларнинг биронтаси бўлмаса ўзига ўхшамай қолаётгандай...

Салимхон Обидий кўп вақт «пултопар» костюмини кийиб юрарди. Бу сертук қора костюм қўлтиқлари эчкининг қўлтиғига ўхшаб туки тушиб, ялтираб кетган эди. Унинг ёнида иккита рўмолча бўларди, бири оғизбурун артиш учун, иккинчиси қорароқ ишларга, чунончи, бирон кимса билан кўришиб қолгудек бўлса, дарҳол қўлини ювар, эшик очиб қолгудек бўлса, шу рўмолча билан эшик зулфини ушлар ва ҳоказо.... Унинг қўл ювадиган жойида ҳам атирсовун ёнида кичкинагина чўтка ҳам турарди, қўлига совун суриб, обдан кўпиртиргач, чўткага ҳам совун суриб қўлини ишқалар, бу ишни бир жарроҳ оғайнисидан ўрганган эди. Оила аъзоларининг ҳаммасига ҳам чўткани кўпиртириб қўлини ишқалашни, бу гигиена жиҳатидан жуда маъқул иш эканини таъкидларди. Ҳожатхонага кирдингми бас, қўлингни ювишинг шарт, деб юрадиган Салимхон Обидий селекция станциясида ўзининг икки ғалин ўртоғи билан кўришмайдиган бўлиб қолди, улар тайёр сув турганда ҳам шундоқ чиқиб кета беришармиш. Аввал у бу гапни ишора билан айтди уларга. Ошналарининг кулиб қўя қолганини кўргач, улар билан қўл беришиб кўришмай қўйди.

Кунлардан бир куни у институтга келибоқ қўлини, ундан кейин бетини совунлаб, ўша кичик жарроҳлар чўткаси билан юзини ҳам чўткалай кетди, йўлда болаликдаги қадрдон ошнаси билан қучоқлашиб омонлашибди. «Қалайсан, камнамосан...» деган гаплардан кейин, ошнаси узоқ вақт сариқ касал билан оғриб ка-

салхонада ётганини айтибди. Бу гапни эшитган Салимхон Обидий наридан-бери ошнаси билан хайрлашиб, жўнаб қолди, кабинетига кирибоқ юзини, оғзини совунлаб чўткалай кетди. Нариги, умумий хонада ўтирган Елена Владимировна Салимхонга қараб ағрайиб қолди, «тавба, одам ҳам юзини чўткалайдими?» Лекин у ўзини кўрмаганликка солди — профессорнинг ҳар бир иши билан қизиқсиниш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Ўзиники бўлмаган ишга қизиққан шогирдни ёқтирмас, баъзан бу анча вақт гаплашмай юришликка ва ҳатто илмий ишига раҳбарликдан воз кечишга ҳам олиб келарди. Бундан етти йил аввал шу ерда ишлаб юрган қора қош, сергап, ёпишқоқ бир йигит профессор Салимхон Обидийнинг ҳамма ишлари билан қизиқсиниб, унга қовушмаган саволлар бергани, ўзи айирмачилик қилиб, профессор бу гапга нима жавоб қиларкин, деб оғзига қараб туришдек шайтонликлар қилгани профессор Салимхон Обидийни ғазаблантириб, тезда думи тугилишига олиб келди. Шундан кейин, анча вақтгача олазарак бўлиб юрди, ҳар нарсадан бад олар, бирон нима гапирса, жиндак тўхтаб туриб, кимдандир «тўғри гапирдимми?» деб сўраб қўярди. Салимхон Обидийнинг қўрқоқ, ҳар нарсадан чўчийдиган бўлиб қолганини сезиб юрган ошналаридан бири уни «турк султони Абдулҳамид II» деб атабди. Султон Абдулҳамид соний шундай ёмон дардга дучор бўлиб, барча оға-иниларини ҳибсда сақлаб, ўлдириб юборган. Охири хотини, бола-чақаларидан ҳам шубҳаланиб, уларни ҳам йўқотиб, ёлғиз ўзи қолган. Шу даҳшатли дард билан ўлган.

— Абдулҳамид бўлиб қолибсан, биродар,— деди кунлардан бир куни Салимхон Обидийга ўша ошнаси.

— Ростданми?!— деди сескангандай бўлиб Салимхон Обидий,— наҳотки, шундоқ... Сен-ку, пайқабсан, бир гап бор. Дарҳақиқат, ҳамма нарсадан бад оламан, ҳеч кимнинг гапига ишонмайман. Ҳамма ўша қора қош йигитга ўхшаб гап терадиган жосусга ўхшайди, ё тавба!

Салимхон Обидийни баъзан бир нимага кўндириш нортуяни чўктиришдек машаққат бўлади, бақриб-чақриб, оғзидан оқ кўпик сачратиб, охири унарди — унамайдиган вақти камдан-кам бўларди.

Бир мақсад билан олға интилаётганинда, йўлинг-да сенга ақиллаб даф қилаётган ҳар бир кўппакка бир тўхтаб, тош отиш билан банд бўларкансан, ҳеч қачон мақсадга етиб боролмайсан, деган улуғлар. Ҳа, қопогон кўппаклар ҳар қачон бўлган ва бўлиб туради. Баъзан уларга чап бериб ўтиш қўрқоқлик эмас, зарурат! Бошқача бир тил билан айтганда, сукут — қўрқиб-пу-сиш эмас, ҳамлага тайёргарлик! Вақти келадик, сен ўша шаллақи «хужумкор»ларни тилка-пора қилиб ташлайсан. Улар унгур ва ахлатлар устида ёниб кўринган «ажиналар»дирки, сен пок, ҳалол, дадил борсанг, улар кўздан ғойиб бўлиб кетадилар... Яна аллақаерларда пайдо бўлиб, одамларнинг оёғига ёпишадилар, қийнайдилар ва яна сурилиб ташланадилар. Чунки ишимиз кунгай уйдек озода бўлса, рақиблардан қўрқиб юришнинг аҳамияти йўқ.

Салимхон Обидий даставвал илмга мана шундай ҳалол ният билан кириб келган эди. Дарҳақиқат, уни селекциячи ошналари яхши кўришарди. Унинг феълидаги кескинлик (баъзилар жиззаки дерди, бу хато албатта) кўплар муҳаббатини ўзига тортган эди.

Лекин у латифа айтиб, хир-хир кулиши ва баъзидаги «қоплонлиги»га қарамай ўлимдан жуда қўрқарди, шаҳарда грип тарқалган йили бу «маросим»дан Салимхон Обидий ҳам четда қолмаган эди. Иссиғи чиқиб, аъзойи бадани увушиб оғриган профессор хотини Сунбулхон аяни ўз ёнидан жилдирмади. Қўлини маҳкам ушлаб ётиб: «Тоб бериб қўймасам яхши эди...» дерди у ранги ўчиб. «Э, нафасингизни ел учирсин! Қўйинг, бунақа гапларни. Грипп деган нарса нима деган нарса!!» — дерди Сунбулхон ая эрига далда бериб. «Тагин анавнақа касал эмасмиканман?» — Салимхон Обидий қисик кўзларини катта очиб хотинига қарайди. «Оддий грипсиз, адаси, ҳар нарсадан хавфсирай берманг. Унақа касални худо кўрсатмасин».

Эр-хотиннинг кўз олдига қўшнилари Жўрабек аканинг қилтомоқдан қийналиб ўлгани келиб, ваҳима тушди. Эртасига улар уруғларидаги Саври шақилдоқ деган хотинни айтиб келиб, кинна солдиришди, бундан ташқари, бу хотин шақиллаб далда берарди. Уни «хосиятли» дейишарди. Кандидат бўлганида ҳам, док-

тор бўлганида ҳам шу хотинни айттириб келиб, уй ясатишган эди. Бу хотин овқатга ҳам анча пазанда.

Шундай қилиб, Салимхон Обидий касалга йўқроқ одам.

Баъзан у бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури тариқасида иш қиларди, мажлисларда тепса-тебранмас бўлиб ўтирарди. Танқид қилганларга жавоб қилмайди, кўзини лўқ қилиб ўтира беради. Бундай ҳолат анча йиллар муқаддам юз берган эди. Уша пайтда андак сурлик қўл келиб, ҳозиргача ҳам баъзан-баъзан «шайтонга ҳай бериб» қўя қоларди. Лекин Собиржон воқеасини ёшлар билмаса-да, кексалар яхши билди.

Бу мулойим, қоши қора, унча сўзамол бўлмаса ҳам, фикр-мулоҳазаси кучли бу олим партия ва жамоат ишларига фаол қатнашарди, унинг келиб чиқиши ҳам камбағал оиладан, бир телпакчи косибнинг ўғли эди. Инқилобдан бир йил кейин, 1918 йили партия сафига кириб, Тошкентда ўқитувчилик қилди. Бой-қулоқларга қарши курашда қатнашди. Кейинчалик партия уни янги ташкил этилган Шредер тажриба станциясига директор қилиб тайинлади. Улкан олимнинг деярли ёрдамчиси бўлди. Шу даврда Рихард Шредер академик деган юксак унвон олди. Собиржон район партия комитетининг иккинчи секретари бўлиб ҳам сайланди. У селекция станциясига илмий ходим бўлиб келганда, Салимхон Умиддек кўримсизгина бир йигитча эди. Уша йиллари Собиржон терлама касали билан оғриб, тўсатдан вафот этди. У туғилиб ўсган Тошкентнинг Ўзган маҳалласидаги кексалар, жарариқлик «Қизил тирноқ» союзининг аъзоларидан ака-ука Холқосимовлар, фаол кулоллардан Мирёқуб, Мирмўмин, Мирҳожӣ акалар, оқтепалик Ҳайитбой оқсоқол, хўжапархонлик Қўзибой, Рўзибой акалар жуда ачинишган эди. «Камбағалнинг боласи етдим деганда йиқилади», деб ёқа ушлашарди. Лекин ҳеч кимса шу Собиржонни ўлади деб ўйламаган эди...

Уша йиллари Собиржоннинг укасидек бўлиб юридиган Салимхон негадир одамлар кўзидан ўзини четга олди. Пахтачилик илмий-текшириш станциясидаги об-ҳавони кузатиб турди. Кўп ўтмай ёш аспирант яна станцияда ўралаша бошлади.

Шу тариқа Салимхон Обидий тажриба станциясида

қўним топиб, илдиз ота бошлади, «ёш илмий ходимга» селекциячи профессорлар қўлидан келган ҳамма яхшилиқни қила бошлади. Кейинчалик маълум бўлишича, Собиржоннинг чала қолган илмий ишини Салимхон ўз ишида ўзлаштириб юборган. Буни унча-мунча билган Елена Владимировна қаердадир оғиз очган эди, Салимхоннинг ўзи ва яна эътиборли бир киши уни «тартибга чақириб» қўйишди. Станциядаги мўтадил ҳаво секин-аста Салимхонни аввал доцент, кейин профессор қилиб, туп қўйиб, палак ёздира бошлади...

Ииллар ўтди.

Собиржоннинг майда болалари катта бўлиб, отаси чирғини ёқиб туришибди. Шу болаларнинг онаси ўша вақтда ўз ҳовлиларига тез-тез келиб турадиган Салим деган қисик кўз йигитни биларди. Ҳозирги профессор Салимхон Обидийни билмасди. Аммо Салимхон ўша дастлабки домласи вафотидан кейин ҳам бирон марта келиб, болаларнинг ҳолидан хабар олмади. Собиржоннинг бир ўғли Улуғ Ватан урушида жасурлик кўрсатиб, Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди. Уша бир оила ҳозир уч оилага кенгайиб, ўсиб-унмоқда.

Ииллар ўтди... Қор ёғиб, излар босилди, деб ўйлаган Салимхон Обидий янглишганини ўзи пайқай бошлади — унутилди деган у исмлар, чунончи Собиржон... порлоқ номга айланди. Шунинг учун ҳам у: «Улмаган киши кўра бераркан, омон бўлайлик...» деган сўзни ҳамма вақт фотиҳага ўхшатиб айтиб юрарди. Бундан уч-тўрт йил илгари бир илмий ходим билан «пахта» сўзини юмшоқ «ф» билан ёзилади, чунки пахта юмшоқ, деб баҳслашиб исботламоқчи булди. Бу баҳснинг охири жанжалга айланиб, «ҳар ким ўз фикрича қолди...» Аммо шу фурсат тажанглиқдан кўзлари қисилиб кетган Салимхон Обидий ёш олимага ўшқирган эди: «Сенлар бир имлони билсанглар, биз уч имлони биламиз, чунончи; лотинча, арабча, ўрисча... Аллома бўлиб кетибсизлар-да, ҳеч маҳалда «фахта», «пппахта!» деб ёзиладими? Фахта тошкўмирмики, уни қаттиқ ҳарфлар билан ёзилса», деб хуноб бўлиб, ўзини билимдон кўрсатарди Салимхон Обидий.

Учинчи боб

«ЭНТИКАМАН, ВОЙ ҚИЗИМ-ЭЙ, ЮРАГИМ УЗИЛИБ КЕТДИ...»

Тошкентдан келган хат онаизор юрагига гулгула солди; Нафисахоннинг назарида ёмон бир воқеа юз бергану, кампир ҳовлиқтирмаслик ниятида атай кичикроқ қилиб хабар қилган... У дарҳол обкомга, эри Содиқовга телефон қоқди. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ унга хатни ўқиб бериб, нима қилишликни сўради:

— Пулатжон ака, сиз тушунмаяпсиз, бу хатда бир гап бор. Юрагим қинидан чиқиб кетяпти. Мени ҳовлиқмасин деганларини шундоқ сезиб турибман. Нима қилсам экан, маслаҳат беринг?

— Ўзингни қўлга ол, оғир бўл!

— Йўқ, оғир бўлолмайман! Мени бирон машинада тезда Тошкентга жўнатиб! Бу қизингиз тушкур бир шўришни бошлаганга ўхшайди. Келганида ҳам авзойидан бир нарсани пайқагандек бўлган эдим. Қизингизнинг баъзи қилиқлари менга ёқмаган эди, ҳаммасини сизга айтган эмасман... Илгариги Ҳафиза эмас, ота-онаси тепасида бўлмагандан кейин ўз билганини қила беради. Ҳозирги ёшлар ёмон бўлиб кетган... Жу-вонмарг стилагалар одобни бузиб ташляпти! Бу бир ёқда турсин, ишқилиб, ўзига бир шикаст етмаган бўлса яхши эди.

— Эрталаб кетасан! Ўзингни бос! Ҳар нарсани гапириб, ўзингни ўртайверма! Фолбинлик қила бериш ҳам яхши эмас! Ҳафиза ақлли қиз, мана, эртага бориб кўрасан.

— Эртага эмас, ҳозир кетаман!

— Ҳозир машина йўқ! Кечқурун гаплашамиз!— У шақ этиб трубкани қўйди.

Нафисахон телефон трубкасини ушлаганча ҳайрон бўлиб қолди: «Эҳ, бағритош ота! Одамнинг ҳам шунақа қаҳри қаттиқ бўладими? Қизи шу аҳволда бўлса-ю, битта машина топиб бермаса! Шу ҳам обком секретарими-ю?» У яна ўзига-ўзи савол берар: «Қанақа аҳволда? Бирон газанда пичоқ уриб кетдимми?»— Нафисахон қўлида ушлаб турган, муаллақ қолган трубкани секин қўйди. Ёпиқ турган хона деразаларини очиб, парр этиб Тошкент томонга учиб кетгиси келди.

Агар қуш бўлганида, ҳозироқ учиб кетарди. Пўлат Со-диқовичдан қаттиқ ранжиди, «амалдорлик ҳам эви билан-да, қизи шу аҳволда бўлса-ю, бу идорасидан ишини ташлаб кетгиси келмаса!» «Ахир, қанақа аҳволда, билмайсан-ку!» дейдиган одам йўқ эди. Нафисахон ўзи-дан-ўзи бўғилиб, диққат бўларди.

Юраги сиқилиб кетган Нафисахон беихтиёр Шаҳнозхонга телефон қоқди, энтикиб турган она дарҳол ўзини қўлга олиб, дугонасига совуққонлик билан ўзининг зерикаётганини, «кампир ойиси Тошкентда бетоб» бўлиб қолганини, аксига машина йўқлиги, агар машина бўлганда, Тошкентга жўнашини айтди: «Салом айтинг, Патилахондан Ҳафизахонга ҳам салом айтинг. Дугонасини ҳеч тилдан қўймайди», деди у киборлик билан. «Ўқишга кириб олдилармикан?» деб сўради у ёқдан Шаҳнозхон. «Шундан хавотир оляпман...», деди Нафиса жиндек юрагини очиб. «Ҳа, кириб олмай нима! Бу ёқлардан борган болаларнинг аксари ўтаётган эмиш...» деди Шаҳнозхон.

Шу гаплардан кейин улар хайрлашиб, трубкани қўйишди.

Нафисахон диванга чўкиб, дераза тахтасида шумшайиб ўтирган мусичага — кўксини шишириб, ёнидаги жуфтига хўрозлик қилаётган мусичага боқарди-ю, хаёли узоқлардаги Ҳафизада эди. Беор мусича гув-гув қилиб кўкрак ташлаб, иккинчи мусичани қувларди. Лоп этиб унинг ёдига қўштутлик Наима деган қиз ҳам келди, бу шўх қиз бир йигит билан Лайли-Мажнун бўлишиб, бўйида бўлиб қолгани, акаларининг дағдағасига чидолмай ўзини осиб қўйгани... юрагига ваҳима солди. Бўйи етган ёш қизлар баайни жиловсиз от, баъзан боши оққан томонга бурилиб кетиши мумкин. Ҳозирги баъзи ёшларнинг ақли кўзида, ёмон одамларнинг қўлига тушиб қолганини ўзи ҳам пайқамай қолади. Бир сартарош йигит ўзини муаллимман, фалон мактабда дарс бераман, деб гулдек Кариманинг шўрини қуритгани ҳақиқат-ку! Икки чаккасида соч ўстирган, қаншари паст сартарош йигит аввал оҳ-воҳ қилиб, иккиқат бўлган қизни ташлаб қочиб кетган эди. Карима бояқиш дарди ичида, юзини тимдалаганича қолди-ку!.. Бу замоннинг думбул қизлари наридан-бери бир иш қилиб қўйишади-да, кейин оҳ уриб, чапак ча-

либ қолишади. Ишқилиб, бу Ҳафиза жиннига бир нима бўлмаган бўлсин-да!

Безовта бўлиб, тинмай юраги ўйнашидан бир гап борга ўхшаб кўринарди.

Нафиса беихтиёр ўрнидан дик турди. Пирамондаги мусичалар ҳам парр этиб учиб кетди. Унинг қўл-оёғи боғлиқдек, машина фақат эрталаб бўлишлигидан ранжирди. Ҳозир у самолётда учишга ҳам рози эди. (Нафисахон ҳеч қачон самолётда учмасди.) Ҳовлига чиқиб, арқондаги кирларини йиғди, ундан сўнг, «спальный» даги гардеробдан янги атлас кўйлагини олиб кийди-да, Алишерни олиб келиш учун боғчага жўнади. Йўлда Шамсиқамар деган дўмбоқ жувон билан учрашиб қолди. Унинг эри ҳам обкомда ишларди. Бултур улар Кисловодскда бирга дам олишган эди. Нафисахон юрагидаги гапни Шамсиқамарга айтди. Онанинг ҳаяжону ваҳимасини сезган дўсара аёл дарҳол чора топди: «Кечқурун Андижон — Тошкент поезде бор, энг яхшиси шу! Тинчгина борасиз. Эрта билан азонда Тошкентда бўласиз...» деди Шамсиқамар. Икки хотин боғча ёнидаги автоматдан Пўлатжон Содиқовичга телефон қоқишди.

— Бу мен, адаси,— деди Нафиса майингина товуш билан,— кўчадан телефон қиялпман. Ёнимда Шамсиқамархон борлар. Кечқурун Тошкентга поезд бўлар экан, ўшанда кетсам нима дейсиз? Алишерни ҳозир уйга олиб бораман.

— Эрталаб борсанг бўлмайдими? Тайёр машина!

— Содиқов ака, салом!— деди трубкани олиб Шамсиқамар,— поезд яхши, тинч, эрта билан кириб борадилар...

— Э-э, салом, Шамсиқамархон!— у ёқдан Пўлатжон аканинг кўтаринки овози Нафисага ҳам шундоқ эшитилиб турарди,— мумкин, мумкин... поезд яхши. Фикрингизга қўшиламыз. Нафисахон қизимиздан нотинч бўляптилар.

— Она-да, Содиқов ака, оналар шундай бўлади. Институтга кириш жиддий масала...

— Тўғри, тўғри... — деди Пўлат Содиқович, — бизга келинг, Маҳмуд ака билан бирга келинг, Шамсиқамархон.

— Хўп, келамиз. Хайр.

— Хайр!

— Мана, иш битди,— деди Шамсиқамар трубкани иларкан,— машинада нима қиласиз, поезд тинч — бир ухлаб Тошкентда бўласиз, жуда қулай.

— Тўғри айтасиз, Шамсиқамархон,— деди Нафисанинг чеҳраси очилиб.

Икки жувон боғча ёнида қуюқ хайрлашишди.

Ишбилармон Шамсиқамар айтганидек бўлди, кеч-қурун Пўлатжон ака Нафисахон билан ўғилчаси Алишерни поездга чиқариб, Тошкентга кузатди. Нафисахон поездга чиқиб, жойлашиб олгач, кичик Алишерни қучоқлаб, эркин нафас олди. Кечасиёқ йўлга чиққанидан жуда мамнун бўлди, дугонаси Шамсиқамархондан жуда хурсанд бўлди, ахир, одам ақлини бундоқ ишлатса йўл топар экан-ку, деди у ўзига-ўзи. Ахир, ақл нимага берилган? Инсон фикр қилса ҳамма нарсага йўл топади. Бўлмаса Шаҳнозхонга телефон қоқди — бу моҳпора доимо ясаниш билан овора. Пўлатжон ака айтганидек, бизнинг баъзи кишиларимизнинг олий мақсади палов ейиш, эрталаб чиққан бўлса кечгача чойхонада ўтириш, тўй қилса, бири бири билан мусобақалашиб... Бу ҳолда улар қачон одам бўладию! Бу иллатнинг баъзи жойларда ёшларга ҳам кўчаётгани кишини жуда ранжитяпти. Уқиш, фойдали иш билан шуғулланиш ҳаммага ҳам муяссар бўла бермас экан. Яна тагин, бу чойхона кунда шундалари исқирт дангасалар, жуда димоғдор, уларга битта газета дастмоя, эртадан-кечгача офтобда ўтириб ўқиганлари ўқиган... Доно бўлиб кетиб, Индонезияда ундоғ бўпти, Бельгияда бир хотин олтига туғибди... ни шақиллаб гаплашиб, мунозара қилиб ўтиришади. Бундан кўра ҳам «донолари» футболни гаплашишади... Мана аҳвол! — деган гаплари хаёлидан ўтди. Шамсиқамар ҳам, эри Маҳмуд Ғайнуллин ҳам мақсадли, ишчан, ақлли кишилар. Ҳаётда бемақсад яшаш қандай даҳшат. Оламушук нефть конида инженер бўлиб ишлаган Ғайнуллин ҳозир обкомда саноат бўлимининг мудири, хотини муаллима... Улар жамиятимиз учун жуда керакли одамлар.

Поезд далалар оша югуради. Бирин-кетин майда станциялар келиб, дераза ойнасидан чироқлар липлип ўтади. Агар бирон станцияда кўпроқ тўхтаб қолгудай бўлса, Нафисахоннинг юраги шопирар, қани энди тезроқ юра қолса экан, дегандек деразага қарар-

ди. Поезд қўзғалиши, гилдиракларнинг шарақ-шуруқи юрагига тасалли берарди.

Купедаги Андижондан келаётган бошқа хотинларнинг аллақачон ухлаб қолганини кўрган Нафисахон ҳам Алишерини қучоқлаб уйқуга кетди. У кўзи илиниши билан туш кўрибди, тушида Ҳафиза касал ётган эмиш. Унинг ёнида икки чаккасига соч қўйган, қаншари паст бир совуқ сартарош йигит хўмрайиб турган эмиш. Ана, айтмадимми, деди Нафиса бўғилиб. Ҳафиза онасига беэтибор, мундоқ қайрилиб ҳам қарамас эмиш. Нафиса бўғилиб кетди: «Ҳой, Ҳафиза, сенга нима бўлди?» деди у энтикиб, «қишта-ма...» дейди йўлида кета туриб Ҳафиза. «Тўхта, қизим, сендан сўрайдиган гапим бор», деди у ялиниб: «Бу одам ким?» «Эрим. Шу йигитга тегдим». «Вой тусингни ел емасин, никоҳсиз, тўйсиз қандоқ қилиб бу гапни айтасан?!» «Никоҳ бўлди, ЗАГСдан ўтдик». «Ундай бўлса нега сенинг ота-оналаринг билмайди?» «Сизлар Фарғонада эдинглар. Хат ёзсам, жавоб бўлмади...» Шундан сўнг у сўмрайган «эри» билан кета берди. Нафисахон орқада жизғинак бўлиб куйганича қола берди. «Ҳой, тўхта!» деганига ҳам қарамай кета берди. «Унинг бу юришидан ўқиш ҳам чиппакка чиққанга ўхшайди», — деди орқада ерга ўтириб қолган она. — Наҳотки, Ҳафиза шундай ёмон қиз бўлиб қолди! Кўздан йироқ — кўнгилдан йироқ, деганлари шу бўлса керак. Мана, бошқа шаҳарларда ишлаб юришнинг оқибати!» Нафиса бўғилиб кетди, у Ҳафиза орқасидан югурди. Тўхта! Тўхта дейман!!! Унинг бақирғига уйғониб кетган, рўпарада ётган аёл бошини кўтариб, Нафисани уйғотди. Нафиса кўзини очса — туши... У бошини кўтариб кўксига туфлади. Терлаб-пишиб кетибди. Алишер ҳам кўзини очиб, бақрайиб ётарди.

— Босинқирадингиз, синглим, — деди кекса аёл, — қаттиқ босинқирадингиз.

— Босинқирабман, буни қаранг, — деди Нафисахон сочини текислаб.

— Унг ёнингизни босиб ётинг, чап ётибсиз.

— Ёмон туш кўрибман...

— Чарчагансиз, болам, мундоқ ечиниб, бафуржа ётинг. Ҳали бу ёғи анча йўл. Поезд барибир Тошкентгача-ю...

Нафиса уйғониб кетиб, аллавақтгача хомуш ўтир-

дй. Пишиллаб ухлаётган ўглини тўғрилаб, устига оде-
ял ёпиб қўйди. Рўпарасидаги ва юқоридаги йўлдош-
ларига ҳам бир қараб қўйди, улар ҳам беланчакда
ором олиб ухлаётган гўдакдек поезд алласи оғушида
пишиллаб ухлашарди. Уларга ҳаваси келди, лекин
қани ўша ширин уйқу! Унинг ухлагиси келар, аммо
бундоқ дардли вақтда уйқу келадими?

У шу ўтирганича тонг оттирди, шунча ўзини зўрласа
ҳам ухлолмади. Унинг кўз олдида Ҳафизаси дам ақл-
ли, ифбатли, дам бебош, ўзбошимча бўлиб кўрина бош-
лади. Тушга унча ишонмаса ҳам, «бир нима бўлдими
бу бебош қизга», деб хавфсиради, ваҳима босди. На-
ҳотки у ота-онасини куйдириб, шунчалик бебош бўлиб
кетса? Бизнинг гуноҳимиз узоқдалигимиз, деди у
ўзига-ўзи, лекин эс-ҳушини таниган бу қиз ҳақиқатан
ҳам бебош бўлиб кетдимикан? Агар Ҳафизаси шундай
тарбиясиз қиз бўлиб қолган бўлса, ота-онасининг шў-
ридан бошқа гап эмас!

Эрта тонгда поезд Тошкент вокзалига кириб келди.
Нафиса ҳаммадан олдин ўглини етаклаб поезддан
тушди-ю, такси олиб, ҳовлиси томон учди. Дарвозадан
кириб келаётганини кўрган кампир, таҳорат қилаётган
ерида бақрайиб қолди, чунки телефон қилмай тўсатдан
кириб келишлар кейинги пайтларда уни ҳайратга сол-
ган эди. У ўрнидан туриброқ «тинчликми?» — деди.
«Ҳа, тинчлик», — деди Нафиса нафасини босиб олиб.
Омонлашишди. Кампир Алишерни бағрига босиб тур-
ганида, Нафисахон сўради:

— Ҳафиза қани?

— Буни қара, аксига бугун ўртоғиникида ётиб
қолган эди.

— Қанақа ўртоғи?

— Раъно.

— Қудрат қани?

— Уйда ухлаб ётибди. Ҳа, нима гап? Нега энтик-
япсиз? — кампирнинг кўзи ола-кула бўлди.

— Мени алдаётганингиз йўқми?

— Сизга нима бўлди? Бир гап борми, ҳеч тушун-
маётибман. Нега ҳовлиқаётибсиз, болам? Очиқроқ
гапиринг, юрагим ўйнаб кетяпти.

— Неварангиздан хавотир олиб келдим. Ҳафиза-
дан. Нима гап? Нега уйда йўқ?

— Кеча кечқурун ўша Раъно деган қиз билан бир-

га келишиб, жони ҳолимга қўймай рухсат олиб кетишди. Борма, десам ҳам қўймади.

— Сиздан хат олганимиздан кейин юрагим ўйнаб кетди. Тушунмаяпман. Ҳафизага нима бўлди?

— Ҳеч нарса, болам. Қизингиз ўйнаб-кулиб юрибди. Хатда нотўғрироқ ёзилган эканми? Анави Қудрат ўғлингиз хат битган эди. Емон сўзлар ёзибдими?

— Ҳовлиқиб кетдим, ойи.

— Пўлатжон эсон-омонми?

— Ҳаммамиз яхшимиз, шукур!

— Сизни ҳовлиқтириб қўймай, биз ўлайлик...

— Қудратжон қани?

— Ҳой, Қудратжону, тур, болам, опанг келди!

Тоғдек йигит бўлган Қудрат кўзларини уқалаб келиб, опаси билан кўришди. Ҳафизадан безовта бўлиб келганини эшитиб: «Э...» деб қўйди. Бу «э»си билан гўё «қизингиз расво, бир фақирга арзимайди...» деган гапни айтмоқчи бўларди.

— Нега «э» дейсан?— деди Нафисахон.

— Қизингиз ўзбошимча бўлиб кетган. Қулоғига гап кирмайди!

— Ўзи омонми?

— Ҳа! Уни ит ермиди!

— Нега ҳар хил гапиряписизлар? Шаҳарма-шаҳар юриб, болаларимнинг тарбиясини унутдикми! Шунақага ўхшайди.

— «Юради» деган гапларни эшитдим... Лекин ўз кўзим билан кўрсам, мендан кўради!!!

— Вой, мен ўлий...— деб юзини тимдалади Нафисахон,— бу нима деган гап!

— Оғзингга қараб гапир!— деди Қудратжонга ўқрайиб кампир бувиси,— бу нима деганинг?! Ҳафиза жуда яхши қиз. Емон одамларнинг сўзига қулоқ солиб, бундай ноҳақ гапларни гапирмагин! Қиз бола-я! Бировнинг қулоғига етса нима бўлади? Ўз опанг-а! Бадном бўлиб қолса нима бўлади?!

— Ҳа, нима! Мен эшитганимни айтаман-да! Опамлар билиб қўйсинлар — ҳадеб унга пул юбора берасизлар, у бўлса бир кунда тамом қилади.

— Қўйлак олди,— деди кампир,— қўй, бунақа гапларни гапирма! Қани, болам, айвонга борайлик, узоқ жойдан келиб туриб қолдинг.

— Қудратжон, сен такси олиб, тезда Ҳафизани

олиб кел,— у кармонидан уч сўмлики олиб узатади,— агар ҳозир олиб келмасанг, ўша Раъноларникига ўзим бораман!

Қудратжон наридан-бери юзини ювиб, кўчага чиқиб кетди. Алишерни етаклаб олган кампир Нафисахонни бошлаб айвонга олиб борди:

— Сизни ташвишга солиб қўйибмиз, болам. Ҳафизахон жуда яхши юрибди. Хат ўлгурни ёзмай қўя қолсак ҳам бўларкан. Пўлатжон яхши юрибдими? Ишлари яхшими?

— Соғ-саломат, яхши юрибдилар. Ишлари ҳам тузук. Ҳафиза ҳеч имтиҳон бердими? Шу кунларда имтиҳон бошланди-ку? Ёки қизимиз капалакка ўхшаб гулдан гулга қўниб юрибдими? Атель мод, кино, марожне, парк, қизлар билан эрталабдан-кечгача чуғуллашиш... буларни яхши кўради Ҳафиза.

— Э, унчалик эмас, айланай болам.

— Қудратнинг «номус қиламан» дегани нимаси?

— Э-э-э, бола-да, вақиллади кетди. Ҳафиза яхши, аммо мана шу ўғлингни эвлаш қийин бўляпти. Папирос чекади, эртадан-кечгача анави қовоқ дуторини тингиллатгани тингиллатган...

Нафисахон қизини кўрмаган бўлса ҳам, кампирнинг гапларидан ҳақиқатни билиб, юраги таскин топди. У питиллаб чой қўймоқчи бўлган қайнарасини тўхтатди.

— Ойи, кўп урина берманг, ўзим қўяман. Менга қаранг, ўзингиз бардамсиз! Бодингиз тузалиб кетдими? — деди Нафисахон уялинқираб, — болаларнинг ташвиши билан бўлиб, ўзингизни сўрашни ҳам унутибман. Бошим ганграб қолди, ойи. Қалай, ўзингиз тузукмисиз?

— О-о-о,— деди кампир турган жойида яна қайта кўрпачага ўтириб,— мана, саратон ҳам ўтиб боради. Турпоққа тушдим, оёғим боди анча тузалди. Лекин айиқ мойи тополмай ўтяпман-да. Айиқ мойи боднинг давоси дейишади. Ўзим яхшиман... Баъзан кундуз кунлари битта шу ҳайҳотдай ҳовлида пирамонга ин қўйган мусичага тикилиб ўтираман. Қарилик мўрт нарса, болам, бугун бору эртага йўқ... Пўлатжон Фарғонада ҳам анча ишлади, энди кўчиб келаверсаларинг ҳам бўларди. Одам одамга ганимат...

— Мен ҳам ўғлингизга ҳар куни шундоқ дейман,— деди Нафиса кампирга тасалли бериб.

У ўрнидан туриб бориб кранда юз-қўлини ювди. Ундан сўнг, ошхонага кириб чой қўйди. Ичкари хоналарга кириб, ҳамма ёққа разм солди, айниқса Ҳафиза ётоғига, стол устидаги китобларига, гардеробни очиб, кийим-бошларига ҳам кўз ташлади. Ҳамма нарса жойидадек кўринди. Ҳафизанинг ёзув столи тортмаларидан бирида аллақандай бир йигитнинг фотосуратига ҳам кўзи тушди. У суратни қўлига олиб диққат билан қаради, лекин таний олмади. Хаёли тушида кўрган қаншари паст, икки чаккасида сочи ўсган, турқи совуқ йигитга кетди. Лекин бу суратдагининг қаншари паст эмас... Аммо бу сурат ким ва нега унинг тортмасида турганига таажжубланди. Эҳтимол, синфдошларидан биридир. Ҳар нечук она, жиндак ўйламосираб қолди.

Орадан бир соатча вақт ўтар-ўтмас дарвоза олди-га машина келиб тўхтагани, эшикларининг қарсиллаб ёпилгани эшитилди. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ ҳовлига пориллаб Ҳафиза кирди. У югурганча келиб, онасининг бўйнига осилди, нимжон Нафисахон сочларини қирқиб, чиройли бўлиб кетган, тўлишган қизини кўтаролмай гандираклаб кетди. У онасининг юзларидан ўпди...

— Ҳай, ҳай, қизим, ахир онанг узоқ йўлдан чарчаб келган, нега осиласан!— деди кампир кулиб,— ҳар нима қилса ҳам бола-да, кап-катта бўлса ҳам онасига талпинади-я!

— Буни қаранг,— деди жилмайиб Нафисахон ўзида йўқ шод.

— Мусичанинг палапон боласи ҳам, шунақа кап-катта бўлса ҳам онаси кетидан қанот силкиб осилиб юради...

— Вой, айнониб кетай қизимдан,— деди Нафисахон Ҳафизани қучиб,— яхши юрибсанми, тан-жонинг соғми?

Ҳафиза онаси бағрида кўзига андак ёш олди, бу— соғинч ёшлари эди. Уч қадамча нарида турган Алишер опасига қараб кулиб турарди. Шу лаҳза Ҳафиза отилиб бориб укасини қучоқлади.

— Менга қара, яхши юрибсанми?

— Яхши юрмай нима,— деди кампир,— эрта-ю кеч ўзим қараб турибман. Ҳафиза қизим жуда ақлли, ишчан, илоҳим омон бўлсин.

Шу лаҳза Қудратжон ҳам елка ташлаб ҳовлига

кириб келди. У айвонга чиқиши билан она-бола юзидаги ҳаяжон ўрнини сиполик эгаллади. Ҳафиза ҳам гўё «эрка-тантқиқлиги»ни қўйиб, онаси билан жиддий ҳол-аҳвол сўраша кетди...

Нафисахон назарида қизи энгилтак эмас, аксинча, бамаъни бўлган, гаплари ҳам ўринли ва қисқа. Баъзи қизлардек валдирвоқи эмас. Негадир бир оз ранги кетган, бу имтиҳонга тайёрланиш ва кўп ўйлаш изи бўлса керак. Сочини қирққанигами ёки ҳозирги модада кийинганигами у анча чиройли бўлиб кетган. Бунинг устига, қош-кўзига бўёқ суркаш, тақинчоқлар ҳам йўқ, танига ёпишиб, гўзал қадди-қоматини намойиш қилиб турган кўйлаги уни ёзилиб кўрпачада ўтиришига имконият бермас эди. Унинг қилиқлари, гаплари, шу ёшдаги қизлар ичида одат бўлган гап ичига русча қўшиб гапиришлари — ҳамма, ҳаммаси... Нафисахонга ёқарди. У шўх қизини соғ-саломат, биронта «шўриш» чиқармай, шундоқ юрганидан жуда хурсанд бўлиб кетган эди. Хат, унинг устига кўрган туши қапалагини учириб юборган эди.

— Тоза энтикдим, вой қизим-ей, юрагим узилиб кетай деди. Мана, кўнглим тинчимай Тошкентга югурдим. Аданглар ҳам ҳайрон. Аданглар ҳаммангларга салом айтдилар. Ўзлари жуда яхши, қон босимлари тушган, ҳозир яхши ишлаб юрибдилар. Нега бунақа хат ёздинглар?

- Ким ёзибди? Сен ёздингми? Нима деб ёздинг?!
- Сенинг ишинг бўлмасин!
- Шумшук!
- Яна битта айтгин, даҳанингга тушираман!
- Ҳай, қўйинглар! Бас! — деди кампир.

Улар хонтахта атрофида ўтиришарди. Ҳафиза наридан-бери дастурхон ёзиб, чой дамлаш учун ошхонага кириб кетди. Бувининг ишораси билан дарғазаб Қудратжон қўшниникига чиқиб, бир товоқ қаймоқ олиб чиқди. Ҳафиза ширинликлар олиб, укаси Алишер олдига бир қути шоколад очиб қўйди.

Она-бола, буви, ука жамулжам ўтириб, нонушта қилишди, қолган-қутган гапларнинг ҳаммасини гаплашиб олишди. Куннинг ўрталарига бориб, кампирнинг ўзи яхшилаб ош дамлади. Кечқурун Фарғонага телефон қилиб, тинчлик, ҳамма нарса жойида эканини айтиб, ота кўнглига ҳам таскин беришди.

Эртасига Ҳафиза яна китобу конспектларини кўтариб, Раъноларникига борди.

Индин имтиҳон...

Медицина институтига кирувчилар учун кимё ва физика асосий фан. Шунинг учун ҳам Ҳафиза бу фанлардан пухта тайёрланарди. Бултурги имтиҳонда тушган саволларни аллақердан топиб келишиб, қанчалаб саволга жавобни ҳам тўғрилаб қўйишди. У кечаси аллавақтгача дарс тайёрлар, ёзар, мижжа қоқмай китоб ўқир, дафтарларини титкиларди...

Буви ҳам, Ҳафиза ҳам Нафисахоннинг Фарғонадан энтикиб келганига ажабланишмади, бунақа энтикишлардан илгари ҳам қанчаси бўлган. Бу вақтлар шу Нафисахон, қизим ҳовузга чўкди, деб ўт ўчирувчиларни чақириб, ҳамма сувни олдириб ташлаганда, Ҳафиза эшикдан кириб келган эди...

Ун биринчи боб

ЮРАК ТАСКИН ТОПАРМИ?

Ваъдага кўра қизлар, индинига, эрта билан соат саккизда институт боғидаги профессор Слоним ҳайкали ёнида тўпланишди. Ҳафиза опаси билан бирга келди. Шу орада одамлар ичида пайдо бўлган Умидга ҳам Ҳафизанинг кўзи тушиб секин, киши билмас унинг ёнига келди, у билан қўл бериб кўришди, аяси, дугоналари шу ерда эканини айтди. Умид нарироқдаги ўриндиқда газета ўқиб ўтиражагини, унинг дадил бўлиши, шошмай, ўзини йўқотмай жавоб беришини таъкидлади. Шундан сўнг Ҳафизага муваффақият тилаб, ўша томонга кетди.

Икки севишган юракнинг бу оний учрашувини ҳеч ким пайқамади.

Ҳафиза опаси ва дугоналари ўтирган узун ўриндиққа келиб, бошқа қизларга ўхшаб ҳаяжонланиб, бир-бири билан нималарнидир пичирлаб гаплашишарди. Боғ ичига ўрнатилган радиокарнайдан ҳозироқ ўзларининг фамилиялари айтилиб қолишни, ичкари катта залга кириб, савол қоғозларидан бирини олажагини кутишарди. Юраклар така-пука эди...

Нафисахон қизлар юзига тикилар, ҳаммасининг кўзи ичига тортиб чарчаган эди.

«Ишқилиб, шарманда бўлмай-да,— дерди ўзига-ўзи Ҳафиза,— бир томонда опам, дугоналарим, бир томонда Умид ака, Фарғонада, обкомда адам, уйда кампир бувим, Қудрат ва Алишерлар... ва ҳатто маҳалла безориси Шоқосим ҳам унинг институтга кираётганидан хабардор. Урта мактабни бирга битиришган синфдошлари ҳам... Ҳамма уни кутяпти. Эҳ, ишқилиб шарманда бўлмай-да!»

Радиокарнай орқали чақирилиб, бир нафар ёшлар имтиҳон залларига кириб кетишди. Улар орасида Ҳафиза ва Раъно фамилиялари чиқмади.

Орадан бир соатча вақт ўтгач, кириб кетганлар бирин-сирин чиқиша бошлади, баъзилар хомуш, баъзи бировларнинг кўзи қизарган — йиғлаган. Демак, имтиҳондан йиқилиб чиққан. Ора-чора чақнаб, хурсанд бўлиб чиқаётганлар ҳам бор эди. Уларнинг атрофини йигит-қизлар ўраб олиб, гапга солишар, муваффақият қозонган бу қиз талтайиб, ошналарига йўл-йўриқ кўрсатгандай бўларди. Ҳафиза бу воқеаларнинг ҳаммасини кузатиб турарди. Юрагининг дук-дук уриши асло босилмасди.

Яна бирон соатлар ўтгач, иттифоқо «Содиқова Ҳафиза» деган ном ҳам жаранглаб эшитилди. Ҳафизанинг юраги орзиқиб тушди, у ўзини қўлга олиб, «мана, гал келди», дегандек онасига боқди. Қалин китобларини, конспект дафтарларини, сумкасини онасига қолдириб, биргина авторучка ва ҳужжати билан имтиҳон залига кириб кетди. У кета туриб юзида табассум, нарироқда, қайрағоч тагида дик ўрнидан турган Умидга қўли билан ишора қилди. Умид «дадил бўл» дегандек қўлини муштум қилди. Унинг нима деяётганини Ҳафиза яхши фаҳмлаб турарди. Дунёда унинг учун энг қадрли киши онаси, энг севикли кишиси Умид ҳам бунда кутиб, ҳаяжонланиб тургани Ҳафизани ниҳоятда қувонтирди. У бора туриб, ҳозир энг зарур масала имтиҳондан яхши ўтиб олиш, ҳозир фақат шуни ўйлаш кераклигини дилидан ўтказарди...

Ҳафиза ичкарига кириб кетганига анча вақт бўлди, скамейкада ўтирган она ҳали замон қизининг чақнаб, тоғ кийигидек ўйноқлаб чиқишини кутарди. Нариги томонда ўтирган Умид ҳам худди шундай хаёлда, севикли қизнинг хурсанд бўлиб чиқиши уни ҳам ниҳоятда шод қиларди. Хурсанд Ҳафизанинг

икки ёноғида кулгич пайдо бўлишини, фусункор кўзларининг чақнашини кўргиси келар эди. У бу ердаги дугоналар орасидаги рашкни ҳам сезиб турарди, баъзи бировлар ўз баҳосини яширар — «беш» олган бўлиб, сиполик билан уйларига жўнашарди. Аслида «уч» олишган. Имтиҳондан «йиқилиб» чиққан бир йигитча ранги оқариб, кўнгли кетиб ўриндиқда ўтирар, ошналари сув келтириб ичиришарди. Бунда кўзга кўринмас кескин бир жанг борарди...

Бир соатдан мўлроқ вақт ўтди. Она-ю дугоналар, юрагида муҳаббат туғён урган кимсалар кўзи ниғорон. Имтиҳон залидан чиқаётган ҳар бир кимсага улар диққат билан кўз югуртиришар, бу Ҳафиза эмасмикан? Яна ўн минутлар ўтар-ўтмас катта зал зинапоясида Ҳафиза пайдо бўлди. Ҳаммадан аввал унга Умид тикилди, аммо унинг руҳиясидан ҳеч нимани пайқамади.

Ҳафиза Умид ёнига бормади-ю, унга яқинроқ йўлқадан опаси томон ўтиб кета туриб, уч бармоғини кўрсатди. Демак «уч» олибди... Умид ҳам бўшашиб қолди. Ҳафиза тўппа-тўғри опаси ёнига бориб, ҳўнгиллаб йиғлаб юборди:

— «Уч» қўйди.

— Ҳа, нима бўпти, қўйса қўяр!— деди Нафисахон алам ва саросималик ичида. У нима деб қизини юпатишини билмай, аввал муаллимлар, институт маъмуриятининг ёмонлиги ва ундан сўнг, ҳамма ҳам «беш» олиши шартми, ҳозиргиси «уч» бўлиб, кейингиси «беш» бўлса ҳам ўтиш мумкинлигини таъкидлади.— Кейингисини яхши тайёрла, қизим! Ана, баъзи болаларнинг қоғозини ҳам олиб қоляпти. Сеникини берибди-ку. Асли, тошкентликман демасдан, фарғоналикман деб ҳужжат кўрсатсанг бўлар экан. Ҳақиқатан ҳам отанг билан онанг Фарғонада-ку!

— Ҳа, бўлди!— деди гапни бўлиб Ҳафиза,— бу баҳо билан медицина институтига кириш мумкин эмас. Адамлар...

— Қўй, йиғлама! Адангнинг феълени биласан-ку, аданг мутлақо аралашмайди. У киши тўғри одам. Умр бўйи шундоқ бўлиб келяптилар. Ҳа, дедим мен у кишига, шундай тўғри бўлиб бир куни ўлиб кетасиз, ғат-ғат билан кўмишади, аммо фарзандларингиздан биттаси ҳам институтга киролмай қолади. Отам Қи-

зил тирноқчилардан деб оғзингизни кўпиртирасиз, хўш, отангиз «Қизил Тирноқ, ўзингиз фронтвой ва бунинг устига обком секретари бўлсангизу, битта-ю битта болангизни ўқишга киритиб қўёлмасангиз! Ваъзи оталар зир югуриб болаларини институтга жойлаб қўйишяпти. Бу қандоқ бедодлик!— десам, у кишининг ранги оқариб, касали тутиб қолди. «Йўқол! Йўқол, кўзимга кўринма!» деб мени ҳайдаб солди. Мана, отангнинг феъли!

— Энди нима қилсам экан?

— Қани, юр кетдик!

Қиличи синиб, қалқони тешилган сипоҳлардек, она-бола китоб-дафтарларни кўтариб, боғ дарвозаси томон юриша бошлади. Уч-тўртта китоб шу даражада зил-замбил бўлиб кетдики, Нафисахон ҳатто уларни кўчага отиб юборишга ҳам тайёр эди. Улардан анча нарироқда, орқа йўлкада Умид ҳам шалвираб, ерга қараб борарди.

Қайрағочлар орасидаги камбаргина асфальт йўлкада она-бола боришаркан, рўпарадан келаётган, устига шойи қўйлак кийиб, семиз портфель кўтарган, сочининг бир томони қошлари устига осилиб тушган, чўзиқ юзли бир киши тўхтаб, уларга йўл берди-да, икки қадам юриб яна тўхтади. Орқасига қаради, Нафисахон билан Ҳафиза ҳам беихтиёр бу кишига қарашди.

— Салом, яхшимисизлар! Сиз, Пўлатжон акамнинг оилалари бўласиз, шундоқ эмасми?

— Ҳа, шундай. Ассалом алайкум!— деди Нафисахон.

Семиз портфель кўтарган киши қўл узатиб Нафисахон билан ҳам, Ҳафиза билан ҳам қуюқ саломлашди.

— Ҳа? Клиникага келганмидинглар? Ким касал?

— Ҳеч ким касал эмас.

— Пўлатжон акам яхшимилар?

— Шукур...

— Сиз мени танимаяпсиз?

— Кечирасиз, сиз ким бўласиз?

— Мен Тожиевман, у кишининг мактабдош дўсти. Бирга ўсганмиз. Сизни ҳам яхши биламан, уйларида кўп бўлганман. Ҳозир мени танимаяпсиз... Манави қиз кичкина эди...

— Э, ассалому алайкум! Танидик,— деди Нафисахон юзига табассум олиб.— Пўлатжон акам сизни айтганлар, бирга тушган суратларингиз ҳам бор... Қалай, ўзингиз, бола-чақаларингиз яхшими? Бизлар фарғоналик бўлиб кетганмиз.

— Билаган.

— Мана бу қизалоғим ташвиши билан юрибман. Узлари келолмадилар.

— Қаранг, қандай чиройли қиз бўлибди. Отингиз нима эди?

— Ҳафиза.

— Ҳафизахон.

— Шу «чиройли» қизимиз ҳозир «уч» олиб чиқиб йиғлаб келяптилар. Пўлатжон акамга шунча гапирдим, ҳой адаси, битта-ю битта қизингиз, мундоқ бориб гаплашинг. Сиз мунда жонингизни бериб ишляяпсиз, одамлар ўз боласини ўтказиш учун югуриб-елишяпти, десам, сўкиб бердилар: «Қизимиз дарсни яхши тайёрласа ўтади, ялқов бўлса ўтмайди. Биз нима қилиб берардик», дейдилар. Мана аҳвол!

— Пўлатжон акамнинг характерларини билаган. Аммо Пўлатжон Содиқович ҳақ, шундай бўлиш керак.

— Э, бунақа характер ҳозир тўғри келмайди! Хўш, сиз ўзингиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? Бизларга тушган савдо, сизга ҳам тушдими, болангиз институтга киряптими?

— Йўқ. Мен шу институтда ишлайман,— деди у бу гапни қисқа қилиб,— Ҳафизахон, биринчи имтиҳондан қандай баҳо олган эдингиз?

— Тўрт,— деди Ҳафиза.

— Учинчи имтиҳонни ҳам топширинг. Агар иншодан «беш» баҳо олсангиз, иш анча яхши бўлади. Ҳар қалай имтиҳонларнинг охирида қизингиз менинг ёнимга кирсин. Қолган предметни «беш»га топширишга ҳаракат қилинг. Хўп, хайр! Пўлатжон акамга салом айтиб қўйинг!

— Хўп бўлади,— деди Нафисахон,— хайр!

Зил портфель кўтарган одам йўлида жадал кетди. Нафисахон билан Ҳафиза институт боғидан ташқарига чиқиб, катта кўча йўлкасида бир оз тўхтаб, у одам ҳақида ўйлаб қолишди. Дарҳақиқат, қабул комиссиясида шундай одам бор эканлигини Ҳафиза эшитган

эди. Лекин уни ҳеч қачон кўрмаган ва у адасининг яқин дўсти эканини ҳам билмасди. Ҳафизанинг медицина институтига кираётганини адаси биларди-ку. Наҳотки у ўзининг энг яқин дўсти бунда эканлигини билмаса! Йўқ, бу асло мумкин эмас! Обком секретари шу даражада соддами? У яхши билади, лекин била туриб на қизига, на хотинига айтган. Икки энлик хат орқали ёки телефон орқали ёлғиз қизининг шунча машаққатини ҳал қилиб бериши мумкин эди. Мана, феълу атвор!— деди ўзига-ўзи Нафисахон.

Имтиҳон ғала-ғовуридан узоқлашиб, катта кўчага чиққанларида она-боланинг анча дарду фикри ёришди. Ҳозирги кунда излаб топиб бўлмайдиган, уриниб ёнига кириб бўлмайдиган одамнинг ўзи йўл устидан чиқиб қолиши уларга тасалли берди. Бу одам қанчалик одамохун, олижаноб кўринган бўлса, умр йўлдоши — Пўлатжон акаси шунчалик кўзига ёмон кўришиб кетди. Аммо Ҳафиза онасининг ота ҳақидаги жаврашини бир сўз билан кесиб ташлаб, агар яна гапирса, опаси ёнида турмай кетиб қолишини айтди.

Нафисахон жим бўлди.

Орқама-орқа келаётган Умид Ҳафизанинг ишораси билан уларнинг ёнига келиб, Нафисахон билан саломлашди.

— Опа, бу йигит менинг курсдошим...

Нафисахон Умид билан омонлашди. У ўз ташвиши билан бўлиб, «курсдошим» деган сўзнинг маъносига ҳам тушунмасди. Қанақа курсдоши бўлиши мумкин! Аммо бир лаҳзадан сўнг, ўтган куни Ҳафиза ёзув столи тортмасидаги суратга хаёли кетди.

Бу ўша йигит эди.

Нафисахон Умидга диққат билан қаради, ҳа, бу ўша суратдаги йигит.

Улар Умид билан хайрлашиб, автобусга тушиб уйга келишди.

Бир ҳафтадан кейин учинчи имтиҳон бошланди. Нафисахон ҳам Тошкентда қолиб кетди. У кун ора Фарғонага телефон қилиб, Пўлатжон Содиқовичга бўлган воқеаларни айтиб турди. Енг шимариб, қаттиқ киришган Ҳафиза учинчи имтиҳондан «беш» баҳо олди. Шундай қилиб, жами ўн икки балл бўлди. Демак институтга кириш учун бир балл етмасди. Баъзилар комиссия кўриб чиқиб, эҳтимол қабул қилар де-

ди. Баъзилар конкурснинг ниҳоятда катталигини айтиб мандат комиссиясидан ўтиши гумон, дейишди. Ҳафиза деярли ҳар кунни институтга борар, гала-говур ичида ўралашиб юрарди.

Пўлатжон Содиқовичнинг районга чиқиб кетганлиги сабабли кейинги кунларда Нафисахон эри билан ҳам гаплаша олмай, анча бўғилди. Эҳтимол, шу кунларда мандат комиссияси ишлаётганда жиндак араллашиб қўярмиди. Аксига, худди шу вақтда Пўлатжон Содиқович Фарғонада йўқ. Нафисахон нима қилишини билмай, тақдирга тан бериб, натижани кутди, лекин Ҳафиза айниқса кейинги кунларда негадир анча совиган, унча парво қилмасди.

Орадан яна бир ҳафта ўтгач, чоршанба кунни бўлса керак, эшикдан ўйноқлаб кирган Ҳафиза «суюнчи, суюнчи» деб опасининг бўйнига осилди. Бугун комиссия қарори эълон қилиниб Ҳафиза стоматология факультетига қабул қилинибди...

— Яхши бўпти-е-е!— деди чехраси очилиб Нафисахон. Гўё у Фарғонадан келмаганида бу мушкул ишни ҳал қилиб бўлмаслигини юрагидан ўтказиб,— дарров Фарғонага телефон буюр, қизим! 07 га «кредит» деб айт. Айтиб, адангни бир хурсанд қилайлик. Эҳтимол, райондан келгандирлар.

— Болам,— деди кампир бувининг ҳам чехраси очилиб,— шу бугун саҳарлаб туриб, «ло илоҳа илло анта субҳонака...»ни бир минг бир юз марта ўқиган эдим, худога шукур! Унчалик қийналадиган қиз эмас эди, зеҳни ўткир, тили бурро Ҳафиза болам анча қийналди. Исириқ солиб, ҳазрати Баҳовуддинга ўн битта кулча атаб қўй, болам. Қизинг кўзиккан, ҳа, ёмон кўз оралаган... Тушларинг безовта бўлиб, узоқ жойдан тинчмай келдинг. Сен келиб у ёқ-бу ёққа югурмаганингда, мен дуони бўшаштирганимда Ҳафиза ўтолмасди. Худонинг ўзи ўнглади, ўзига шукур!

Нафисахон кулди, у қайнанаси раъйини қайтарадиган сўз айтмади.

Ҳафиза ўзида йўқ шод. У Фарғонага телефон қилишидан аввал Раънога телефон қоқиб, икки қиз — икки қалдирғоч, узоқ чуғуллашишди. Бир-бирини табриклашди ва шу лаҳзанинг ўзидаёқ дарров кийим-кечак, янги мода ҳақида баҳс бошланди. Гарчи ҳали

анча узоқ бўлса ҳам, биринчи сентябрь куни институтга кийиб борадиган кийимлари ҳақида гап кетди.

— Сен буйруқни эшитибоқ уйга қараб чопдинг,— деди у ёқдан Раъно,— менинг фамилиям кеч чиқди. Мен скамейкада кутиб ўтирдим. Соат тўртларга бориб фамилиям чиқди. Хурсанд бўлиб кетаётиб, муюлишдаги дўкондан эскимо олдим. Уни ялаб кетяпсам, қўш қайрағоч тагидаги скамейкада анови йигит ўтирибди. Бош қимирлатдим, у ҳам менга бош қимирлатиб, салом, дегандек қилди. Нима дейишимни ҳам билмай йўлқадан ўтиб кетдим.

— Вой,— деди Ҳафиза,— у киши келган эканми? Мен хурсанд бўлиб кетганимдан уйга қараб чопувдим...

— Мен анча жойгача бориб, яна орқамга қараб қўйгандим: у йигит комиссия ишлаётган томонга қараб ўтирибди.

— Энди нима қилиш керак? Бечора мени кечгача кутади. Натижани билиш учун келган.

— Албатта...— деди Раъно,— яхши бўлмабди.

— Ғириллаб бориб келайми?

— Ўзинг биласан.

— Кетдим! Хайр!— Ҳафиза трубкини қўйди-ю, кўчага чопди. Йўл-йўлакай опасига «телефон ишламаяпти, кўчадан заказ қиламан. Мен ҳозир келаман...» деганча каптардек пориллаб учиб чиқди.

Кампир буви билан Нафисахон бир-бирларига қарашди: «Мана, кўрдингми? Бу олашовур қизингнинг ишларига тушуниб бўлмайди. Тезроқ Фарғонадан кела қолинглар...» дегандек қилди кампир.

Нафиса хонага кириб, Ҳафизанинг ёзув столи ёнидаги телефон трубкисини кўтарган эди, телефон вангиллаб яхши ишлаб турибди. Ундан сўнг яна ўша тортмани очди, ўша фотосурат. Институт боғида кўрган йигитнинг ўзи.

Нафисахон ўйлаб қолди, бу ҳақда дадасига бирон нима десаммикан ёки демасаммикан? Бир масаладан ҳозиргина юраги таскин топиб турган эди, иккинчиси бошланди.

Бир ташвишни ҳал қилган она иккинчи ташвишга дучор бўлди, қанақа йигит экан? Ким экан? Ёмоншилдир йигитлардан эмасмикан? Бу думбул қиз

ёмон одамнинг қўлига тушиб, бахтсиз бўлиб кетмас-микан? Фарғонада туролмагани, хат устига хат ёзиб тинчимагани шу экан-да!

Кампир буви туши ўнг келганидан ғоятда хурсанд, тақиллатиб сабзи тўғрарди. Нафисахон бўлса, турган жойида хаёл дарёсига шўнғиб кетган эди...

Ун иккинчи боб

ХАЁЛЛАР ЕКИ МАҚСАД ЙУЛИДА ИНТИЛИШ

Умид болохонада, шинам ҳужрасидаги эски сим каравотда чалқанча ётарди...

Ҳафизанинг иши ўнглаганидан ва бунинг устига гўзал қизнинг уни деб атай уйдан ҳаллослаб чопиб келганидан ниҳоятда хурсанд эди. Юрагидаги бебаҳо гавҳар билан ўзини дунёда энг бахтли ва бой одам ҳисоблаб юрган Умид ётган ерида эркин нафас олиб фахрланди. Ўғай она зулмида қаттиқ эзилган етим қўзи албатта бахт топажагига ишонарди. Негадир шундай бир қониқиш кайфияти унда кўпдан бор. У шундай бўлишини орзу қиларди ва шундай бўлишига ишонарди ҳам.

Одамлар ҳар хил, деди, у ўзига-ўзи селекция институтидаги кишиларни кўз олдига келтириб: профессор Салимхон Обидий пахтадан кўра кўпроқ мол-мулкни гапиради, ўзининг қимматбаҳо нарсалари билан фахрланади. Қизиқ, бу одам дарҳақиқат бир фан доктори сифатида селекцияда анча катта ишлар қилган... Лекин кўп вақт дўкондор ошнасини бир гап билан мот қилиб қўйганини кўпиртириб гапириб мақтанади. «Пуф» деса йиқилай деб турадиган, нимжон Суқрот домла қачонлардир Эски шаҳарнинг қоплони — Ҳайитбой беданабозни дўппослаганини, ҳўкиз сўйганини гапирарди... Ҳа, жарроҳлар гул-капалагу қушчаларни, дутору танбурни яхши кўрганидек, мураббия опалар даҳшатли воқеаларни, қароқчиларни, йиртқич ҳайвонларни гапириб беришни хуш кўради. Болалар буни жон қулоқ билан тинглайдилар. Баъзан профессор Салимхон Обидийнинг: «Ишлайсан, югуриб-елиб ишлайсан. Энди одамлар сенга ҳавас би-

лан қараган пайтда, сенинг ёшинг фалон бўлиб, саломатлигингдан путур кетади. Баъзиларга таҳассуб қилиб, чираниб кўрасан, йўқ, бўлмайди. Абу Али ибн Сино айтганлар, деб қатиқ ичасан, стационарда ётиб кўрасан, бадан тарбия ҳам қилиб кўрасан... сал меъёридан ошса, обкашнинг бир томони босиб кетади — юракка зўр келиб қолади... Баъзида дарё атрофида ўрдагу тустовуқ, қумда жайрон овлаб кўрасан, барибир фойдаси йўқ! Йиллар қилар ишини қилиб қўйган бўлади. Мана, масала қайда!..» деган гапи қулоғига эшитилиб кетарди.

Умид хаёл суришни ёқтирар, сим каравотида ётиб, «дунёвий» фикрлар қила бошлади. Уз таъбирича, «газетанинг тўртинчи саҳифасидаги гаплар»ни ўйлай бошлади.

Баъзи ерларда раҳбари нобоп — маданият ўчоғи мукаммал бўлмаган зерикарли жойларда кишилар ичкилигу зиёфатчиликни авжга чиқарадилар, ҳар куни ишдан кейин ичиш ва емак билан шуғулланадилар. Баъзан яшаш учун эмас, емак учун яшайдиганлар ҳам топилади. Минг афсуски, ҳозир кўп тўйларда ўйин-кулги, чиройли анъаналар санъатини намойиш қилиш эмас, исрофгарчиликлар меъёридан ошиб кетади. Бемаъни саҳийликни йўқотиш, одамларнинг исрофгарчиликда бир-бирларидан ўзишларини йўқотиш жуда керак! Бу бемаъниликларни ҳар хил йўллар билан кучайтираётганлар асосан жоҳил одамлар, текин-томоқ одамлар.

Ҳа, баъзан жамоа ҳасратли онларда инсоний бурчни ўташ, марҳумга муносиб обрў беришда бебаҳо томонлари бор... Ҳаёт ниҳоятда мураккаб, қарама-қаршиликларга тўла эканлигини, ҳатто бир катта олим айтганидек, яшаши ғайриқонуний ҳисобланган бўриларнинг борлиги ҳам чорвага ўлат тушиб, камайиб кетишдан сақлармиш. Йиртқичлар нимжон, касалманд кийикларни тутиб еб, молларни ўлатдан сақлаб қолармиш. Йиртқичларни қириб ташлаш, заҳарли илонларни йўқ этиш инсон ҳаётига катта зарба. Табиий танланиш, табиатдаги ҳамма нарсани бир-бирига боғлиқлиги миллионларча йиллар давомида такомиллашган, мослашган, қонунлашгандир. Бу ишнинг бир томонини «тўғрилаш», иккинчи томонида катта ўлирилиш пайдо қилиш демакдир. Хитойлар чумчуқ-

ни қириб ташлаб, табиат олдида катта хиёнат қилишди. Аммо дунёнинг кўпгина ерларида пашша билан каламушни қиришдек олижаноб ишга эътибор берилмаётир.

Бу, дунёвий хаёллар Умидни тамоман чулғаб олган. У жуда кўп янги ва фалсафий фикрлар айтишни ёқтирар, негадир у ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган гапларни қидириб топишни ёқтирарди.

Баъзан унинг хаёлларини фалак тортар — ҳозир коинот ҳақида, галактикалар, яқин ва узоқ юлдузлар, бизга энг яқин турган Ой ҳақида ўйлаш астрономларнинг эмас, ҳар бир оддий кишига ҳам ҳордиғу завқ беради. У ҳамма нарсани билиб, поёнига етгандай бўларди-ю, аммо коинотнинг чегараси борми, бўшлиқнинг охири нима? У қаергача боради, деган узун, бепоён хаёл олдида мот бўларди. Ўзича бу ҳали муаммо. Вақти келиб, бунга жавоб бўлиши керак, деб ўйларди. Унинг «ўз назарияси» ҳам бор эди. Гўё инсонларнинг мия ҳужайралари, умуман мия ҳозиргига нисбатан ўн-ўн беш баробар катта ва шу катталигига нисбатан шунча тараққий этган бўлганида, коинотнинг чегараси ҳақидаги сирни очган бўларди. Коинотнинг қаеридадир яна ерсимон юлдуз бор ва унда одамлар борлигига ҳеч шубҳа қилмасди. Аммо у «одамлар» қанақалиги, уларнинг тафаккур доиралари қай даражада ривожланган эканлиги бизга маълум эмас, дерди. Умид «ўз назарияси»ю, «ўз таълимоти» билан мамнун эди. У ўз ўйлари билан бўлиб асло зерикмасди. Унинг фикрича, инсон мия мағзи ҳам коинотдек кенг, ҳали унинг ўрганиб етилмаган хусусиятлари ҳам кўп, дерди у.

Бугун дам олиш куни.

Умид хаёл суриб ёта бермай ўрнидан туриб, шинам хонасини, ёзув столи устини тартибга сола бошлади. Бу унча қаноатлантирмади шекилли, у пастга тушиб бир челак сув олиб чиқиб, яхшилаб тозалашга киришиб кетди. Дераза ойналарини, деразанинг икки томонидаги токчада қалашиб ётган китоблари чангини артиб, тартибга солиб қўйди. Кўрпа-чойшабларини ҳовлига олиб чиқиб қоқди. Токча ва дераза четларига қачонлардир ёпиштириб қўйгани ярим яланғоч, чиройли хотинларнинг суратларини кўчириб олиб, йиртиб ташлади. Латта билан дераза четигаги чанг-

ларни артди. Столи устида табассум қилиб турган Ҳафизанинг ихчамгина суратини деворга, ота-онасининг сурати тагига қоқиб қўйди. Унинг кичик хонасида уч сурат қолди. Бароқ соч Ҳафиза юзидаги табассум яна ҳам кучайгандек, қаҳ-қаҳ уриб кулаётгандек туюлди.

У тахмондаги, шифтлардаги исларни супурги билан олиб, полни икки қайта ювди. Ишга қизиқиб кетганидан зинапояларни, ундан кейин ҳовлини ҳам йиғиштириб, супуриб қўйди. Ўзи ҳам ювиниб, тирноқларини олди. Шундан сўнг ёзув столи ёнига ўтириб, топшириқни бажаришга, яъни илмий раҳбари профессор Салимхон Обидий брошюраси учун Энгельснинг «Одамнинг маймундан пайдо бўлишида меҳнатнинг роли» китобидан баъзи цитаталар топишга киришди. Тўғрироғи, Умид шу брошюранинг хомакисини ўзи ёза бошлади. Домласи ҳам аввал тортиниб туриб, кейин сиз ёзиб тайёрлаб беринг. Мен кўп қадалиб ўтирсам, юрагимнинг мазаси қочади. Сизлар ёш, соғломсизлар. Ёза беринг. Кейин кўчиртириб берасиз, устидан ўқиб чиқиб, имзо қўяман, деди. Умид қалинқалин китоблар саҳифалари ичига шўнғиди... Ҳали бундан кейин, генетикага доир бир кўп фикрларни Чарльз Дарвиндан ҳам топиши керак. Мактабда ўқиб юрган чоғлариданоқ рус тилини ўрганишга астойдил киришгани, рус тилида кўп китоблар ўқигани, Умиднинг институтда ўқиб юрганидаёқ рус тилини яхши билиши дўстларига маълум эди. Институтни тугаллашда у рус тилида аъло, тўкис гаплашарди. Рус тилидан пухталиги Салимхон Обидийга жуда ёқиб, бу аспирант болани қўлдан чиқармасликка аҳд қилди. Профессорнинг ўзини ҳам рус тилини ёмон билади деб айтиб бўлмайти, ҳар қанча яхши гапирмасин, ўзбек киши гапираётгани сезилиб турарди. Дўстларининг юз бор таъкидлаганига қарамай, «да-ка-лат» дерди. «Ҳой, мусулмон, битта «а»ни тушириб қолсак «доклад» бўлади, шундоқ денг», деганларидан сўнг ҳам лаб-лунжини буриб, яна «дакалат» деб юборарди. Мажлисда: «пленум», «исказали», «дуватис», «педор»... деганида аввал кулиб қўядиганлар йиллар ўта кўникишиб кетган эди. Профессор Салимхон Обидий сўзга чиқади дейилган ҳамано кўзойнакли, тепакал, сўзлашни яхши кўрадиган бу одам қирқ беш минутсиз кафедрадан тушмаслигини ҳамма биларди. Иш-

тиёқ билан ишга киришган ва бунинг устига камсуқум йигитнинг бунда пайдо бўлгани Салимхон Обидий диққатини жалб этиб, у бошқаларни қўйиб, бу «камтарин йигитчанинг» шогирд бўлганидан мамнун бўлди. «Толиби илм кўринасан, ука, шу сабабли, омадинг бор экан, ўзим олиб қўя қолдим. Бўлмаса, худо кўрсатмасин, анави чала муллаларнинг қўлига тушиб қолсанг борми, қирқ йилда ҳам кандидат бўлмайсан...» деди кунлардан бир куни Салимхон Обидий унинг ўзига. Эҳтимол, Умиднинг камгап, бетгачопар эмаслиги ҳам профессорга ёққан бўлиши мумкин. Ҳар қалай, Умид Салимхон Обидий дидига мос тушиб қолди. У тортинмай турли ишлар ҳам буюрар, тушки овқат вақтида ошхонага бормай, Умид қўлига бир сўм бериб, косада манти олдириб келиб ерди. Умиднинг ўзи ҳам бундай ишларни буюришда асло тортинмай, хижолат бўлмай айта беришини, баъзида профессор уни чақиртирмаганида ҳам ўзи тўпга яқин, хонага кириб, манти ё кабоб олиб келиб берайми, деб эслатарди. Мутлақо кўнгилга олмаслигини, ҳатто устози хизматини кўнгилдагидек қилса, унинг мамнун бўлганини сезса, чеҳраси очилиб, хурсанд бўларди. Бундай ишлар унинг учун ҳеч гап, бунинг устига профессор Салимхон Обидий «бифштекс»ларни хуш кўрмаслиги, хамир овқатларни, тандирда ёпилган седанали нонни яхши кўришини билиб, эрта билан уйдан чиқишда йўл-йўлакай бозорга кириб, уч-тўртта ёпилган иссиқ нон олиб келарди.

Баъзида уни икки энлик хат билан селекцияга оид китобларни топиб келиш учун кутубхонага йўллар, Умид пишиқ-пухта бўлиб, бу ишнинг уддасидан чиқиб келарди.

— Сиз, қирқ сўмлик эмас, юз сўмлик ходимсиз, — дерди профессор Салимхон Обидий Умидга, — қадим бир бойнинг беш-олти хизматкорлари бўлиб, улар ичидан иккитасига юз сўмдан, қолганларига қирқ сўмдан тўларкан. Юз сўмликлар уddaбурон — ҳамма ишни бир йўла қиларкан. Саволни ҳам кам бераркан. Хўжайиннинг дилидагини топаркан-қўяркан. Қирқ сўмликлар бир ишга уч-тўрт бориб, чала қилишаркан. Профессор шунга ишора қилди.

Кейинги пайтларда Салимхон Обидий унга ҳам суяниб, ҳам ишониб қолди, ҳали «ғўр» шогирдга се-

лекцияга доир гапларни, ўзининг у ёки бу масалага бўлган муносабатини ҳам гапирарди. Унинг фикрича, янги топилган «Мутант-1» нави, гарчи ҳамма жиҳатдан мукаммал, келажаги яхши эканлигини билса ҳам, бу гамма нурлари таъсирида пахта морфологиясини нормал ҳолатдан бошқа ҳолатга келиши натижасида эришилганини, бу 108-Ф навидан келтириб чиқарилганини билса ҳам, бу янги усулга унча қўшилмасди. «Мутант-1» ихтирочиси Шукур Каримовичнинг талантли олим эканлигини эътироф этиб, у билан яқин дўст эканлигига қарамай, бу усулда чигит маълум вақтдан кейин яна ўз наслига қайтади, деб ишонч билдирмасди. Қазисан-қартасан, ахир аслингга тортасан... дерди у. Лекин у академик Дубининнинг дон экинлари, айниқса буғдой ҳосилини оширишда, касалликлардан сақлашда гамма нурлари бериш орқали олган навлари, бу йўлдаги унинг буюк ихтиролари селекция илмида инқилоб эканини эътироф этарди. У баъзан академик Тўрақулов методи — гамма нурлари таъсирида инсон дардини йўқотиш катта ихтиро эканини ҳам тан оларди. Лекин негадир Шукур Каримов методига ишончсизлик билан қарарди. Эҳтимол, бу ҳамкасабалар орасидаги рашкмикан? Умид кўпроқ шу томонга йўярди. Профессор Салимхон Обидий Отабоев, Канаш ва қола берса, марҳум Румшевич ихтироларини мақбул кўрар, улар билан деярли ҳамфикр, ҳаммаслак эканини айтарди. Бу машҳур олимлардан кейин тўртинчи қилиб ўзини қўймоқчи бўларди.

Иккинчи бўғин бақувват эканлигини тан олар, аммо улар ичидан шахсан ўзига яқин, салом-алиғи қуюқ, профессорнинг жиндек хизматида бўладиган «кандидат»ларни мақтар, бекиришимроқ ёшларни тилга ҳам олмас эди. «Жувонмарг бўлгурлар илм эмас, олим деган ном олиш учун юрибдилар...» деб куларди ҳам. Бирон «кандидат»нинг жиндек унга зид гап айтиши тамоман ботиб кетарди, бунинг охири қирғин-барот билан тугарди.

Салимхон Обидийнинг айтишича, селекцияда ҳозир чирсиллаб турган масала — вильтга қарши кураш! Ғўзанинг бу даҳшатли «ўлати» ҳозир баъзи областларда кўпайиб бораётгани, селекция ва уруғчилик институтигина эмас, ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ҳам вильтга қарши етарли

кураш олиб боролмаётганини айтарди. Академик Отабоевнинг ёмон уруғ кўп ва ўз таъсирини, ўз наслини қолдирувчан бўлади, деган гапини ҳамма вақт айтиб юрарди... Унинг сўзларига диққат билан қулоқ солиб юрган Умид эҳтимол келаси йили домла унга шу вильтга қарши кураш масалаларига доир бир мавзунини илмий иш тарзида тавсия этса керак, деб ўйларди. Дарҳақиқат, вильт масаласи пахтачиликдаги биринчи даражали масала эканини наинки олимлар ёки пахтага алоқаси бор одамлар, бу жиддий масалани ҳамма яхши биларди.

Умид хаёллар оғушида маст эди.

У жимжит хонада деразадан пастак томларга, этда-бетда қўққайиб турган мўриларга тикилганича хаёл наҳрида сузарди... Болохонадаги ҳужрасида эмас, Алишер Навоий театри саҳнасида ўтирибди. У вильт касалига қарши кураш мавзуида ёзган илмий асарини учун Беруний мукофоти лауреати бўлган эмиш... Бугун «лауреат» шарафига шаҳар жамоатчилиги катта театр залига тўпланган. Унинг ёнида партия ва давлатнинг кўзга кўринган арбоблари, олимлар, ёзувчилар, донгдор пахтакорлар ўтиришибди. Ҳамманинг кўзи Умидда, у ҳаяжонланар, дам-бадам ёнида ўтирган Ҳафизага қараб қўярди. У бўлса жуда сиполик билан ўтирарди. Унинг димоғига Ҳафиза сепиб келган хушбўй атирнинг ҳиди ҳам урилгандек бўлди. Уни пахтакорлардан, ишчилардан, олимлардан чиқиб табриклашди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг президенти ўз қўли билан унинг кўксига лауреатлик медалини тақиб қўйди.

Бирдан зални ларзага солиб кўтарилган қарсақлар садоси Умиднинг ширин хаёлларини тарқатиб юборди... Тор кўчадан ўтиб кетаётган оғир юк машинаси унинг деразаси тагидан вағиллаб ўтган экан. Навоий театри, одамлар, қарсақлар... бари-бари бирдан ғойиб бўлди. Фақат Ҳафизанинг кулиб турган сурати: «Умид ака, ҳали жуда эрта!» дегандек бўларди. Гўё унинг хаёлларини билиб қолгандек, Умид Ҳафизанинг суратидан ҳам уялиб кетди.

У «э кўкнори хаёл» дегандек ўзидан-ўзи койиниб, профессор Салимхон Обидий топширган вазифани бажаришга киришди. Ўқиётган китоб саҳифаларига оддий қалам билан белгилар қўя бошлади, баъзи жумла-

ларни оқ қоғозга кўчириб олар, эртага профессорга кўрсатиб, агар уни асарга киритиш жоиз бўлса, ўзбек тилига таржима қилишни ҳам мўлжаллаб қўярди:

Умид ярим кечагача китоб титкилаш, керакли гапларни кўчириб олиш билан банд бўлди. Эрта билан наридан-бери кийиниб, институтга кетаётганида эшик олдида турган Чўтир хола Умид билан саломлашиб,— кеча онангиз келиб, анча вақтгача сизни кутди. Чойпой қилиб олиб ўтирдим. Кела бермаганингиздан кейин, бошқа вақт келарман, деб жўнаб кетдилар,— деди.

— Нима гаплари бор экан?— сўради Умиднинг юраги зирқираб.

— Ҳамма нарсага тушунаман, ўғлим,— деди Чўтир хола,— юрагингиз азиат чекмасин. Сизда ҳеч қандай айб йўқ. Мен унинг келганини билдириб қўйишим керак бўлгани учун айтяпман.

— Ўзингиз бақувватмисиз, хола? Ишларим кўпайиб кетиб, анчадан бери ҳолингиздан хабар ололмадим.

— Худога шукур. Соғ-саломат бўлиб, ишлаб юрсангиз ота-онангизнинг арвоҳи хурсанд бўлади. Кўнглингизни тўқ қилиб, ишлай беринг. Боласини мулк деб қараб, уни бўлиб-бўлиб сотиб ейман деган одамларни ёмон кўраман. Болангки, юртга нафи тегадиган даражага етган экан, бундоқ қўйиб бер! Назаримда, Потма сиз билан гаплашиб, ойига фалон пул бериб, туришингизни сўрамоқчи. Агар сиз унга пул бермангиз, сизни судга бериб, маошингиздан бир қисмини олмоқчи. Хафа бўлманг-ку, бу пасткаш хотиннинг ишидан сизни огоҳ қилиб қўймасам тинчимайдиганга ўхшайди. Зинҳор-базинҳор ранжиб, юрагингизни сиқманг, олса олар, болам.

— Қизиқ,— деди Умид алаmidан кулимсираб.

— Йўлингиздан тўхтатганим учун мени кечиринг.

— Зарари йўқ.

— Хайр, омон бўлинг!

— Хайр!

Умид йўлида давом этди.

Отаси ўлиmidан кейин уйдан қувиб юборган ситамкор ўгай онага у яна керак бўлиб қолибди-да!

«Унга тушунтиринглар», деб таниш-билишларга орқадан арз қилиб юргани, бу ҳам етмагандек, комсомол газетаси редакциясига бориб, «Онани ташлаб қўйган бола...» ҳақида мақола ёзиб, «тарбиялаш» кераклигини шанғиллаб айтиб юрганини эшитган Умид руҳан тушиб кетган эди. Номини эшитса, юраги орқасига тортиб кетарди.

Умид яна Фотима ваҳшатига тушиб қолди.

Умид ўз йўлида давом этди-ю, юрагини яна ногаҳоний бир алам ўймаларди. Номи ҳар қалай она... Унинг ситамларини кимга айтиб тушунтира оларди! У ҳамма азобларни бир ёққа сидириб ташлаб, унинг қаноти остига киришга ҳам тайёр эди. Лекин бағри совуқ, феъли тушунтириб бўлмас даражада даҳшатли бу хотин унинг эзгу тилакларини билмас, унинг учун Умид эмас, ундан унадиган пул керак эди. Ўгай онанинг мақсадини Умид яхши биларди...

Ун учинчи боб

ДУНДИҚ

Умиднинг Салимхон Обидий ёзаётган селекциячилик ҳақидаги оммабоп китоби учун улуғ кишилар асарларидан топиб келган ноёб фикрлари профессорга жуда ёқиб тушди. Бундан ташқари Умид, академик Павлов, академик Прянишниковлардан ҳам мисоллар топибди. Профессор уларнинг ҳаммасини ўзбекча таржимасини топиш, мабодо тополмаса, ўзи «қотириб ташлаши»ни илтимос қилди. Унинг хатти-ҳаракатидан бундай «майда» ишларни ҳамма вақт ассистентлар, шогирдлар бажаражаги, профессор «умумий раҳбарлик» қилишини билдирмоқчи бўларди. Умид учун бу вазифа бахт, у ўзининг шундоқ катта одамнинг бирон корига яраётганидан бениҳоя мамнун эди. У баъзан профессор айтган ишларни ошириб бажаришга уринар, шундай қиларди ҳам. Унинг тиришқоқлиги, Ўзбекистон селекциячиларининг асарлари билан деярли студентлигидаёқ танишгани, Салимхон Обидийнинг кейинчалик докторлик диссертацияси бўлган китобини ҳам ўқиб чиққани домласига ёқарди.

Умид кўчириб олган жумлаларни кўздан кечирган

Салимхон Обидий, папкасидан бир варақ қоғоз олиб шогирдига тутқазди:

— Мана бу планни олинг,— у кўзойнаги тепасидан Умидга тикилди,— менинг катта китобим сизда бўлса керак?

— Ҳа.

— Рус тилида чиққан брошюрам ва яна узоқ йили чиққан китобчамни ҳам олинг, ана, шкаф ичида турибди. План асосида мундоқ бир чамалаб, тартибга солиб чиқинг. Кириш қисмида илмий-тадқиқот институтимиз ҳақида умумий обзор ёзасиз, 108-Ф, С-16/22, С-82/60 навларини яхшилаб кўрсатинг. Мутант-1, АН-209, «Каҳрабо кислотаси» масалаларини ҳозирча эксперимент деб ёзинг. Гапларимга тушундингизми?

— Тушундим. Хўп бўлади, домла.

— Яшанг. Биз ҳам вақтида домлаларимизга хизмат қилганмиз. Сидқидилдан берилиб ишлардик...

— Мен ҳам шундоқ, домла. Мен ўзимни жуда бахтли ҳис қилиб юрибман. Сизга жиндак фойдам тегса, ўла-ўлгунча хурсандман.

— Балли, укажон! Лекин бугун сизни сал хафарақ кўрдим, нима гап? Сўрасам, ҳаддим сиғадими?

— Ҳа, албатта. Сиздан яширадиган менинг сирим йўқ, ҳурматли устоз. Мен ўзимнинг етим ўсганлигимни сизга айтган эдим. Шу кунда ўгай онамга керак бўлиб қолибман, таниш-билишларга ҳар нарса деб юрганмишлар. Шунга юрагим сиқилди...

Профессор Салимхон Обидий Умиднинг қизариб-бўзариб гапираётганини диққат билан кузатиб турарди. Гап шахсий эканини билган Салимхон Обидий хотиржам бўлди-да, Умидга тасалли бера бошлади:

— Тушундим, укажон, ҳаммасига тушундим. Угай она ситамини кўрмаганману, аммо кўрган уруғларимни биламан. Кўнглингизни чўқтирманг. Сабр-тоқат билан ўтказинг. Баъзан бегоналар ҳам туғишгандан аъло бўлиши мумкин. Бизга суянинг, ука, инсонни қадрлаш, одамийлик катта фазилат...

— Раҳмат.

— Ҳа, айтмоқчи, сиз бугун соат иккиларгача бунда бўлсангиз. Соат иккиларда машина юбораман, бизни кига келиб, жиндак қарашиб юборсангиз. Беш-ўнта дўстларим меҳмон бўлиб келмоқчи...

— Марҳамат, домла.

— Шоферимизни танийсиз-а? Иноғомжон, яхши йигит.

— Кўрганман, лекин таниш эмасмиз.

— Танишиб оласизлар. Соат иккида бошқа ишларингизни йиғиштириб, тахт турсангиз. Машина сигнал бериши биланоқ югуриб пастга тушсангиз...

— Хўп бўлади.

Хомуш ва хафақон ўтирган Умид, профессор Салимхон Обидий кабинетидан қайтиб чиққач, анча енгил тортди, чеҳраси очилиб, одамларга гап қотди. Илмий раҳбари айтган китобларни жавонлардан қидириб топиб, портфелига солиб қўйди. Домласига ёққан цитаталарни таржима қилишга киришди.

Соат бирларда бошқалар қатори ошхонага тушиб овқатланиб, белгиланган вақтдан ярим соат олдин умумхонада машина овозини кутиб турди.

Худди айтганидай, мўлжалланган вақтда сигнал берилмади-ю, ўттиз беш ёшлардаги новча қора қош бир йигит лабораторияга кириб, Умидга ўзини кўрсатди. Умид ҳам бу йигитнинг Иноғомжон эканлигини дарҳол фаҳмлаб, дик турди.

— Умиджон сиз бўласизми?

— Ҳа, мен. Салом алайкум!— Умид қўл узатди. Иноғомжон унинг қўлини олиб, қуюқ омонлашди.

— Хўжайин сизни олиб келишни буюрдилар. Кетдикми?

— Кетдик.

— Папка-китобларингизни қўйиб кетсангиз ҳам бўла беради. Кўтариб юриб нима қиласиз?

— Бу гапингиз ҳам тўғри,— деди Умид, стол устидаги ҳамма нарсани йиғиштириб ғаладонга тиқди,— профессоримиз қаерда турадилар?

— Мана, борамиз, кўрасиз. У киши ўнинчи трамвай охири, Ишчилар шаҳарчасида турадилар.

Орқа ойналарига ипак парда тутилган оч пушти ранг, ичкарасига чўғдек гиламча солиб қўйилган «Волга» институт зинапойлари олдидаги майдончадан ғизиллаганча жўнаб кетди. Умид профессорнинг шахсий машинасининг бир чеккасида ғужанак бўлиб ўтирар, асфальт йўлда қайиқдек сузиб бораётган машина ойнасидан одамларга, кўп қаватли баланд биноларга қараб қўяр, негадир юраги шувиллаб ҳаяжонланарди. Бу лаҳза у «бир соатли халифадек» ҳаммадан баланд,

сермартаба одам бўлиб қолгандек, профессор Салимхон Обидий унинг назарида бебаҳо, олижаноб инсон, унинг қийналиб ўсганидан, отаси фронтовой, ўзи толиби илм бир йигит эканидан хабардордек. «Кел, менинг давримда ўқиб одам бўл, ғариб йигит! Менга ҳам шу халқ илм берди, қарзимни узишим керак. Қўлимдан келган ҳамма ишни сенга раво кўраман, сен фаҳм-фаросатли, илм юқадиган одамга ўхшайсан...» дегандек бўларди. Дунёда олижаноб одамлар кўп, деди ўзига-ўзи Умид.

— Ҳа, мунча бурчакка тиқилиб ўтирибсиз, ош-на?— деди пешанасидаги ойнасидан кузатиб турган Иноғомжон,— хафа кўринасиз?

— Йўқ, хафа эмасман.

— Хаёл суриб қолдингиз?

— Узим...— деди кулимсираб Умид,— профессори-миз олижаноб одам, мен шу кишининг қўлларига аспирант бўлиб тушганимдан жуда хурсандман. Дунёда яхши одамлар ҳам жуда кўп. Иш бошлаганимизга ҳали кўп вақт бўлгани йўғу, аммо мен домладан жуда кўп нарса ўрганиб олишга улгуряпман.

— Саломат бўлинг!— деди Иноғомжон ялт этиб орқасига қараб,— домла бебаҳо! Мен у кишига ота томондан узоқроқ уруғман. Анчадан буён хизматларини қилиб юрибман, кам бўлаётганим йўқ...

Кўп ўтмай машина Ишчилар шаҳарчасига етиб келиб, қизилга бўялган каттагина темир дарвоза ёнида тўхтади. Иноғомжон машинадан югуриб чиқиб, дарвоза ёнидаги ихчамгина эшикдан ичкарига кириб, зўр билан темир дарвозанинг икки тавақасини очди. Машинани ҳовлига олиб кирди. Бу лаҳза Умид ҳам машинадан чиқиб кўчада ҳайрон турарди. Дарвоза олдида майда болалар гужғон уриб ўйнашар, уларнинг баъзиларини ясаниб, болаларга қўйчилолмай туришидан бунда келган меҳмонларнинг фарзанди экани билиниб турарди. Дарвоза қаторида кўчага қараган олти дераза ҳам бор. Умид бу профессор уйи эканига шубҳа қилмади. Ҳовлида бир неча кишиларнинг стол ясатаётганини, кимнидир шланка билан сув сепаётганини ҳам узоқдан кўрди. Сал ўтмай Иноғомжон имлаб, Умидни ичкарига таклиф этди. Умид битта-битта босиб, ҳовлига кирди, стол ясатаётганлар билан қўл беришиб омонлашди. «Домланинг шогирдлари» эканини Иноғомжон бу ерда-

гиларга айтиб, таништирди. Шу лаҳза йўл-йўл пижама кийиб олган профессор Салимхон Обидийнинг хона ичидан баланд шоҳайвонга чиққанини кўрган Умид бош ирғаб, салом берди.

— Келдингизми, баракалла!— деди Салимхон Обидий айвон панжарасига қўлларини қўйиб туриб,— танишиб қўйинглар, бу йигит Умиджон, менинг аспирантим.

— Танишиб олдик,— деди ўрта яшар бир киши. Афтидан, у профессорнинг укаси бўлса керак, йигитчаларга буйруқ бериб, ҳамма ишга бош-қош бўлиб юрарди. Унинг юз тузилиши, жуссасининг юмалоқлиги ҳам шундан далолат бериб турарди.

Умид тортиниб, уялинқираб турди.

— Бугун акамларнинг туғилган кунлари,— деди у одам Умид тахминини аниқ қилиб,— ҳамкасб дўстлари, қариндош-уруғларимиз келишади...

— Э, мен шундоқ кела берибман... Домламнинг туғилган кунларидан хабарим бўлмабди,— деди қипқизариб Умид.

— Зарари йўқ,— деди у одам Умидга бир қараб қўйиб,— хижолат бўлманг. Домлангизга эътиқодингиз энг яхши туҳфа.

— Сен нима деяпсан?— деди шоҳайвоннинг оқ мрамардан ишланган етти поғона зинасидан бир-бир қадам босиб тушаётган Салимхон Обидий укаси билан Умидга яқин келиб,— мен сизни бугунги ўтиришга атай таклиф қилдим. Бугун бу ерда сиз танийдиган, танимайдиган селекционер олимлар келади. Сиз ҳам бундан буён бизнинг тўпимизга қўшилинг, аралашинг, деб таклиф қилдим. Ҳамма онасининг қорнидан олим бўлиб туғилмайди-ку. Мусулмончилик аста-аста... Хижолат бўлмай, одамларга аралашиб юринг. Ҳозир ошхонадаги сомсапазларга қарашиб юборинг, соат етиларда меҳмонлар кела бошлайди, ўзларингиз дарвозада туриб кутиб оласизлар.

— Хўп бўлади,— деди Умид чақнаб,— ҳурмат қилиб чақирганингиз учун раҳмат!

Салимхон Обидий мағрур ва масрур, сиполик билан қадам ташлаб, ҳовли ўртасидаги чор қирра ҳовуз лабига борди. Ҳовузнинг қоқ ўртасида қиррали тошлар устига чиқиб турган бир тимсоҳ оғзидан ҳамма ёққа сув пуркаб турарди. Бу дид билан қурилган фон-

тан анча йилдан бери бор. У энгашиб, ҳовуз четидаги чуқурчага қўлини тикди-да, бир нимани буради — тимсоҳ оғзидан чиқаётган сув яна ҳам кучайиб, осмонга отилди. Ҳовлининг икки ерига осилган қовоқдек лампочкаларни ҳам кузатди. Шундан сўнг, каттакон ҳовлига гир айлантириб қурилган уйлардан бирига кириб кетди. Олди камбар айвон, даҳлизли бу хоналар ҳам ердан бир ярим метр баланд кўтарилиб қурилган эди. Уларнинг ичи ва таши ганчланган, эшик ва равонлар оч ҳаво ранг бўёқ билан бўялган эди.

Ҳовли ўртасида қаққайиб турган Умиднинг тахминича, бу ҳовлида ошхона, омбор, гаражу ва ҳоказолардан ташқари, ё ўн икки, ё ўн уч хона бор. Улар ҳашамдор қилиб қурилган, томдан то ергача тушган тунука охура тарновлар, тунука том мўрисидаги хўроз, дангиллама уйлар, айвону ертўлалар бу хонадоннинг бадавлат эканидан далолат бериб турарди. Ҳовлида, ҳовуз атрофида атиргуллар очилиб ётибди. Умид гулларга қаради, «президент», «чайная», жайдари атиргул, қизил гул... Умиднинг гулларга маҳлиё бўлиб турганини кўрган Салимхоннинг укаси гап қотди:

— Мана бу немис гибриди «Хейне» деб аталади. Буни акамлар Москвадаги питомникдан олиб келдилар. Ҳидини қаранг, ўзи ҳам бир ҳафтадан мўл туради. Шу даврда уч ёки тўрт мартаба рангини ўзгартиради...

— Буни қаранг-а, жуда ажойиб,— деди Умид гуллардан бирига бурнини олиб бориб искаб, — оҳ-оҳ, ҳидини қаранг.

Шу пайт тор шим кийиб, бароқ сочларини елкасига туширган ўн тўққиз-йигирма ёшлардаги бир қиз айвонда пайдо бўлиб, беқиёс гўзал қоматини таманно этиб, устун қозигидаги сумкага қўл узатди. Қўли етмагач, ҳамманинг диққатини ўзига жалб этиб, бирикки сакради. Ололмагач, кулиб, ҳовлидагиларга табассум қилди. Шундан сўнг, «мана, менинг гўзал қоматимни кўринглар!» дегандек, дикиллаб айвон панжараси устига чиқди-да, устундаги сумкачани олиб, яна сакраб ерга тушди. Унинг ингичка бели, чинни каштар кўксидек қабариб чиққан кўкси, йўғон сонлари шундоқ кўриниб турарди. Иноғомжон ҳам, Умид ҳам, ўзининг қариндош-уруғлари ҳам қизга тикилишди. Ошхона деразаси ёнида туриб, сомса ясаётган уйғур йигити ҳам гўзал қиздан ғигоҳини узмасди. Қиз оҳудек

сакраб яна ичкарига кириб кетгач, ҳовлидагилар бир лаҳза бир-бирларига қараб олишди-да, сўнг гапни бошқа томонга буриб юборишди.

— Акамлар гулни яхши кўрадилар,— деди бояги киши киборлик ва мамуният билан,— олим одамлар бир нимага ишқибоз бўлади, дейдилар, шу рост экан-да... Акамларнинг янги топган пахта сортларини Москва ҳам қабул қилибди, дейишади, лауреантлик ҳам беради деган гап бор. Сизлар ҳам эшитган бўлсангиз керак?

— Ҳа,— деди Умид билса-билмаса ҳам унинг гапини кўр-кўрона тасдиқлаб.

— Акамлар ёшликдан пахта илмига берилганлар. Биз бўлсак, бола-чақанинг гамида савдо соҳасига ўтиб кетганмиз...

— Ҳа,— деди яна Умид суҳбатдошининг сўзини қувватлаб,— қайси соҳа бўлмасин, ишқилиб, меҳнат қилган яхши.

Умид профессор Салимхон Обидий «аркони давлати»ни ағрайиб кузатар, кўркам ҳовлиси, данғиллама уйлари, шай ака-укаларига ҳавас билан қарарди. Суҳбатдоши яна ўз иши — стол ясатишга киришиб кетган эди.

Иноғомжон Умидни имлаб, ошхона томон юришга бошлади. Шилдираб оқиб ётган ариқчадан ҳатлаб ўтишда Иноғомжон бояги қизни Умидга шама қилди.

— Кўрдингизми?

— Нимани?

— Боягини.

— Лаббай?

— Бояги қизни?

— Ҳа.

— Домланинг қизлари бўлади. Исми Жаннатхон.

— Шундоқми?— деди Умид гапни бошқа айлантирмай,— сомсапазларга қарашиб юборайлик. Бўлмаса бизнинг атай келганимизнинг маъноси бўлмайди.

Улар иккови ошхонага кириб кетишди.

Кўп ўтмай Иноғомжон билан Умидни ошхонадан чақириб олиб, аллақандай складда «Мукузани» деган қизил вино борлиги, меҳмонлар ичида фақат шу винодан ичадиган борлигини айтиб, Салимхон Обидий уларни Беруний кўчасига юборди. Машина яна шаҳримиз кўчаларида ғизиллаб уча бошлади. Улар қоғоз-

ларга ўралган катта бутилкаларни олиб келишгач, яна иш билан шаҳар кезиша бошлашди.

Меҳмонлар келишига яқин кийиниб, ясаниб олган профессор Умидни ўз кабинетига олиб кирди, катта ва кўркем хонанинг уч томон девори ойнали жавон қилиниб, жавонлар ичи китоб билан тўлган. Ҳаммадан аввал қатор териб қўйилган «Катта Совет қомуси» кўзга ташланди. Пахтачилик селекциясига оид деярли ҳамма китоблар ҳам бор. Бадиий китоблар ҳам тўлиб ётибди. Иш столи устида антиқа сиёҳдон, кўк қимматбаҳо тош устида икки ручка ва жез бургут қанот ёзиб турибди. Фил суягига ўйиб ишланган чизгич ва қоғоз қирқадиган «пичоқ», кулдон учун каттагина денгиз чиғаноғининг бир палласи, қўзиқоринга ўхшаб турган чироқ... Жавонлар устида Салимхон Обидий нави — бир неча ғўза илдиз-пилдизи билан тахтага ўрнатилиб қўйилибди. Уларнинг шохларига қайси йили ўсгани ҳақида туш билан ёзилган қоғозлар илиб қўйилган.

Салимхон «қалай, кабинетим тузукми?» дегандек Умидга қараб қўйди. «О, бу кабинет эмас, тилсим», дегандек ишора қилди ҳайратланиб Умид. Унинг орзи очилиб, ағрайиб қолгани профессорга жуда ёқиб тушди. Салимхон Обидий Умидни айвонга олиб чиқди, деворларга бир неча узун шохли кийик каллалари ўрнатишган. Эшик-дераза атрофлари, девор тепаларида ганчга ўймакорлик берилиб ишланган, каттагина биллурий қандил айвон шифтида титраб турарди.

Улар айвон орқали ўтадиган қатор хоналарга бир-бир кириб чиқиб, профессор ўзининг қандай яшашлигини шогирдига кўрсатгандек бўлди. Ора-чора ҳазилмутойиба гап ҳам ташлаб қўяр, давлат-мулк топилиши, аммо инсон топилмаслиги ҳақида гапириб ҳам қўярди. Энг муҳими — саломатлик, дерди у.

Салимхон Обидий билан Умид шоҳайвонга ўтишганда, ичкаридан кийикдек отилиб чиққан бояги қиз отаси билан Умид рўпарасида тўхтаб, Умидга ўтқир қараб қўйди. У ўша сиқик шимини кийиб, қадди-қоматини кўрсатиб юрарди. Сочини пешанасидан қизил лента билан боғлаб тўплаб олиб, бояги қизил кофтаси ўрнига оқ нейлон кофта кийиб олибди. Умид боя ошхонадалигида бу қиз штопр қидириб кириб, чиқиб кетган эди. Бу чоғ сарғиш кофта, қўнғир шим кийган

эди. У бирон икки соат ичида уч бор турланди, кийим-лари беҳисоб эканлигини кимгадир кўрсатмоқчи бўларди.

— Бу менинг қизим, — деди профессор Умидга мурожаат этиб, — таниш, қизим, бу Умиджон...

— Жанна, — деди нозик ва оппоқ қўлларини Умидга узатиб.

— Умид, — деди садаф тирноқли, нозик қўлни оларкан.

— Хуш келибсиз?

— Раҳмат!

Бу қисқагина мулоқотдан сўнг, у яна ўз иши билан овора бўлиб, югуриб кетди. У ўзида йўқ шод эди. У ўз номини «Жанна» деди, яъни Жанна Д' Аркака ўхшатмоқчимикан?

Устоз ва шогирд кичик бир экскурсиядан кейин айвоннинг мармар зиналаридан олдинма-кейин пастга тушишди. Ҳовлидагилар профессор ўз шогирдини эъвозлаб айлангириб юрганини кузатишиб туришарди. У ҳаммага ҳам бундай лутфу карам қилабермаслигини яхши билишганлиги сабабли, ҳовлига тушган Умидга шунчаки бир йигит эмас, «афтидан, домланинг энг яқин кишиси», деб қараб, ҳурмату илтифот қилишди. Рюмкаларни ювиб келиш каби майда ишларни унга буюрмай, ўзлари қилиб қўя қолишди. Кимдир Умидга мурожаат этиб: «Сиз фан кандидатисиз-а?» деб сўради. Умид дарҳол бундай эмаслигини, яқинда институтни тугатгани-ю, домланинг қўлларига шогирд бўлиб келганини айтиб, у одамни ҳайратга солди. «Мен сизни кандидат бўлсангиз керак деб ўйлаган эдим...» деди у одам киборлик билан (унинг ўзи «кандидат» эди).

Яна айвон панжараси ёнида пайдо бўлиб қолган «киноактриса» — профессорнинг қизи Жаннат бу дафъа қандайдир бир чет эл кинофильмидаги сочини от думига ўхшатиб, кўзига қора кўзойнак тутиб юрадиган актрисанинг ўзгинаси бўлиб чиққан эди. У қўли билан ҳовлидагилардан кимгадир ишора қилди. Унинг кўзлари симобдек беқарор эди.

— Эй, хело!

Нима деяётганига ҳеч ким тушунмади. У яна сўзини такрорлади:

— Хело-хело! Эй, менга қаранглар!

— Нима дейсиз, Жаннатхон? — деди Иноғомжон айвонга қараб.

Жаннат Иноғомжонга аввал бурнини жийриб, кейин имо билан ёнидаги йигитни кўрсатиб, «менга қарасин» дегандек қилди. Иноғомжон ёнгинасида бепарво ўтирган Умидни секин туртиб, «айвонга қаранг!» деди. Умид айвон томонга қараган эди, кузатиб турган Жаннат қўли билан ишора қилиб, ёнига чақирди. Умид дик ўрнидан туриб, қизнинг ёнига борди.

— Хелп ми плииз?

— Хўп бўлади.

— Уэлл, ду ю спиик инглиш?

— Оз-моз...

— Гут! Бу ёққа юринг, озгина менга қарашиб юбосиз,— Жаннат эркаланиб Умид қўлидан ушлади-да, ичкари — катта хонага тортди.

Бу хонани ҳали у кўрмаган эди. Бу хона, хона эмас, музей... Уйга кира беришда, ўнг томонда қопқора «Бекштейн» деган пианино турибди. Пианино устида қатор биллур идишлар. Хона тўрида деворга йўлбарс териси қоқилиб, тери остига икки қилич қайчи қилиб осиб қўйилган. Катта-кичик турли пичоқ, дудамалар ҳам михларга илинган эди. Полга ташлаб қўйилган чўғдек гиламни босишга ийманиб турган Умиднинг қўлидан яна эркаланиб тортди Жаннат:

— Летс гоу.

— Ботинкамнинг таги тупроқ...

— Неве маинд.

Умид хонадан қайтиб чиқиб, коридордаги латтага ботинкасини артган бўлиб, кейин Жаннат ёнига борди. Хонанинг бошқа томонида жавон, жавон ичида фил суягидан ишланган буддалар ҳайкали, ўймакор буюмлар ва яна қимматбаҳо моллар.

— Папам буларни Ҳиндистондан олиб келган.

— Жуда яхши нарсалар экан,— деди Умид Жаннатга қайрилиб қараб, негадир отасига нисбатан «лар» сўзини қўшмаганига ажабланди. У ўзида бир жасорат пайдо қилиб, деди: «Ўзбекча гаплашайлик, Жаннатхон!»

— Мумкин,— деди у ноз билан эркаланиб,— лекин мен унча яхши гаплаша олмайман. Сиздан илтимос, менинг исмим Жанна, мени шундоқ аташингизни сўрайман.

— Марҳамат,— деди Умид,— бу жуда чиройли исм.

— Сизга ёқадими?

— Жанна Д' Арк — Франциянинг қаҳрамон қизи...

— «Жанна» — замонавий исм...

Бу хонадан ўтгач, яна бир ихчамроқ хонага киришди, афтидан бу Жаннанинг хонаси бўлса керак, мебеллар ғоятда замонавий. Деворда Вижантимала, Лоренларнинг¹ сурати турибди. Стол устида магнитофон, транзистор, фотоаппаратлар. Суҳбат столи ва стуллар ҳам чиллак оёқ, унинг устида иккита кичик рюмка билан коньяк турибди. Стол устида мода журналлари... Шифтгача етган каттакон тошойна олдида атир-упа-ю, турли бўёқлар, қош бўяйдиган чўткачадан тортиб, тирноқ оладиган асбоблар — ҳаммаси бетартиб сочилиб ётибди. Хонага киришингиз билан димоққа атир ҳиди гуппа уради.

— Шу шкафнинг тепасида гул қўядиган хрустал ваза бор, ҳеч ололмаяман. Марҳамат қилиб, олиб берсангиз. Шунга чақирган эдим...

— Ҳозир олиб бераман, — Умид қўл узатиб, биллур кўрани осонгина олиб берди.

— Раҳмат!

— Марҳамат! — шу лаҳза Умид Жаннага табассум билан қаради-да, вазифани бажарганлигини айтиб, хонадан ташқарига чиқди.

Ҳовлига чиқиб ўйлаб қолди, бу билан у нима демоқчи? Битта стул қўйса бўйи етиб турарди. Гап биллур кўрани олишда эмас, хоналарини, молларини кўрсатишда... деди у ўзига-ўзи. Лекин Умиднинг «ўзбекча гаплашайлик» дегани Жаннага унча ёқиб тушмади. Суҳбатнинг узилишига ҳам сабаб шу бўлди.

Орадан кўп ўтмай ўша мармар зина тепасида яна Салимхон Обидий пайдо бўлиб, ёнида атлас кўйлак кийган, қирқ ёшларга бориб қолганига қарамай ҳалибери «хусну латофат қалъасини осонликча топширмайдиган» бир аёл билан туриб, ниманидир муҳокама қилишарди, албатта селекциячиликни эмас! Ҳовуз бўйида чўққайиб ўтирган Иноғомжон дик ўрнидан туриб, гўзал аёлга баш ирғаб салом берди. У ёнидаги Умидга сўрамаса ҳам беихтиёр: «Бу хотин Сунбулхон аямлар бўладилар», деди. Кўкракдор, келишган аёл олдинда Салимхон билан тўппа-тўғри Умид ёнига келиб, илтифот билан саломлашди.

¹ Машҳур кино юлдузлари.

— Бизникига хуш келибсиз!
— Раҳмат. Саломат бўлинг,— деди Умид қизариб.

— Бу киши аянгиз бўладилар,— деди Салимхон Обидий жиндак ширакайф,— давлатимизнинг соҳибаси, боламнинг аяси. Бу йигит — Умиджон, менинг шогирдим, аспирантим... Ука, менинг шу ёшга соғ-саломат етиб келишимда Сунбулхон аянгизнинг хизмати катта.

— Бас, хўжам! Кўп ошириб юборманг,— деди ноз ила кулиб Сунбулхон,— эҳ, сиз эркаклар, жиндек ичганингиздан кейин мана шундай ошириб мақташлар ҳам бошланади. Иноғомжон!

— Лаббай, аяжон?

— Ҳамма нарса шайми? Тагин ўзларинг «ман сизга айтсам» бўлиб қолиб, меҳмонларга қарайдиган одам бўлмай қолса-я!

— Асло бу мумкин эмас! Мен борман-а, аяжон! Акамларнинг тўйи, майли, у киши хурсанд бўлсинлар. Биз хизматда...

— Шундоқ бўлсин, окўси,— деди кабобпазлар томонга кета туриб Салимхон Обидий.

— Бугун сизнинг ишингиз кўп, баъзи меҳмонларимизни уйларига қўйиб келиш ҳам лозим бўлади. Сиз менинг ихтиёримдасиз.

— Жоним билан.

— Сизнинг отингиз нима, йигитча?

— Оти Умид, аяжон,— деди ҳаммадан аввал Иноғомжон жавоб бериб.

— Ўзларидан сўраяпман.

— Умид.

— Умиджон! Бугун домлангизнинг туғилган куни. Сиз ҳам бугун бизникида қоласиз. Меҳмонларни кутиб олиб, кузатишда ҳам бирга бўласиз. Шундоқ десам ҳаддим сиғадими?

— Албатта,— деди Умид.

— Шундоқ бўлсин.

Сунбулхон ая таманно билан қадам ташлаб, эри орқасидан ошхона томонга кетди.

Ҳовуз лабида турган Умид бу хотиннинг дадил гапларига ҳайрон қолди. У ниманидир ўйлаб турганини кўрган Иноғомжон гап қотди:

— Сунбулхон аямлар очиқ-қувноқ хотин. Ҳазилни

яхши кўрадилар. У кишини яхши билмайдиган одам ҳар нарсани ўйлаши мумкин...

— Менга ҳам ёқиб қолдилар,— деди Умид хижолатбозликни ўртадан кўтариб ташлаб,— мен дўсара, қувноқ одамларни яхши кўраман...

— Балли Умиджон! Одамзоднинг чаёини, фисқу фужурини кўрсам, бўғиб ўлдириб ташлагим келади. Одамзоднинг фитнаси ёмон бўлади. Кўнгли очиқликка не етсин. Ҳамма ҳам шундоқ очиқ дил бўла бермайди. Ахир, одамзод дунёга бир маротаба келади, шу бир лаҳзалик умрни ҳам фисқу фужур, ичқоралик билан ўтказиш яхши эмас!

— Тўғри, дўстим.

Шу пайт Жанна тарелкада икки рюмка коньяк кўтариб келиб, Умид билан Иноғомжонга имо қилди:

— Папамнинг саломатлигига, олинглар!

Умид билан Иноғомжон рюмкани олиб, отиб юборишди. Жанна уларга биттадан «Пахтакор» конфети ҳам бериб, яна ичкарига кириб кетди. Ичмаслиги кераклигини билса ҳам Иноғомжон ичди. Улар Жанна орқасидан ташаккур айтиб қолишди. Жанна ўзининг қилиб юрган бу «оқилона» ишларидан ўзи масрур бўлиб, чопқиллаб юрарди.

— Энди ҳеч ичмайман,— деди Иноғомжон,— рудаман-а!

Соат етиларга бориб бирин-сирин меҳмонлар кела бошлади. Иноғомжон ҳам, Умид ҳам, бошқалар ҳам дарвоза олдида туриб, такаллуф билан меҳмонларни кутиб ола бошладилар. Дарвоза ёнида машиналар қаторлашиб кетди.

Зиёфат авжга минди, қадаҳ кўтариб, сўз айтадиганлар чунонам кўпайиб кетдики, асти сўраманг. Меҳмондорчилик мажлисга айланиб кетишига озгина қолди. Ҳовуз бўйига қурилган стол «Ш» ҳарфини эслатиб, каттакон чароғон ҳовли одамларга лиқ тўлди. Аввал «хизматда» бўлиб юрган профессор Салимхон бир дамдан кейин Сунбулхон билан ёнма-ён юқорида ўтиришарди. Лекин одамлар аввал уларнинг шон-шавкати, Салимхоннинг «катта олим» эканлиги ҳақида андак гапириб туришди-да, ароқ ва коньякларнинг таъсири кучайгач, ҳар ким ўз ёнидагига «мен сизга айтсам...» бўлиб қолди. Профессорнинг қўшниси — шу маҳаллалик хонанда ора-чора яхшигина куйлаб берди.

Зиёфат силлиқ борди, ҳамма хурсанд. Меҳмонлар аллавақтгача ўтиришди. Жанна магнитофондан қўйилган ҳинд музикасига уч бор ўйинга тушди. Гўзал қизнинг ёқимли рақси ҳамманинг диққатини ўзига тортди. Сунбулхон ая ўзининг шундоқ яхши қизи борлигидан фахрланиб ўтирарди.

Ярим тунга бориб меҳмонлар тарқай бошлашди. Сунбулхон ая илтимос билан Иноғомжон машинасини физиллатиб ҳаммани тинчитди. Шундан сўнг, ая Иноғомжонга ҳам, Умидга ҳам «ярим кечада тентираб юрманглар», деб хоналардан бирига жой солдириб берди. Умид, Иноғомжон ва яна бир йигитча — уч киши тунаб қолишди.

Анча вақтгача Умиднинг кўзига уйқу келмади, у ўзининг бунчалик иззат-икром қилиниб, катта олимлар тўпига қўшилганидан ва бунинг устига жиндек кайфи ошиб қолган профессор Салимхон Обидий қадаҳ кўтарганида «ўзининг энг яхши шогирди, меҳнатсевар Умид» ҳақида ҳам ўз сўзида айтиб юборгани, умуман, бу хонадон унга ўз бағрини очганидан ниҳоятда мамнун эди. Унинг кўз олдида севикли Ҳафизаси ҳам пайдо бўлди, «мана, менинг қалбимни профессор билди. Шунинг учун ҳам у профессор! Мен энди олимлар орасига ҳам кира бошладим, Ҳафиза! Эҳ, сен менинг бунда иззату икром қилинаётганимни кўрсанг эди! Жуда қувонардинг...» дерди кайфи ошиб қолган Умид тўшакда ётиб.

Эрта билан соат тўққизларда хона эшиги очилиб, йўл-йўл пижамада Жанна кўринди.

— Эй, господа! Туринглар! Мен сизларга ҳозир аччиқ мастава олиб келаман. Умивальник, ана коридорда, ўнг томонда! Анави стол устини бўшатиб қўйинглар, маставани ўшанинг устига қўяман. Қани, туринглар!

Улар наридан-бери туриб, галма-галдан ювинишди. Хонадаги стол устини тартибга солиб қўйишди. Кўп ўтмай, Жанна уч косада иссиқ мастава олиб кирди. Ундан сўнг патнисда нону, япроғланган қази-ю, қаймоқ олиб кирди. Ширинликлар ўртасида бир шиша беш юлдузлик коньяк ҳам бор эди.

— Папам узр сўрадилар... Марҳамат қилиб, сизлар нонушта қила бераркансизлар,— деди чиқиб кета туриб Жанна.

Ун тўртинчи боб

ҲЕЧ ҚАЧОН ГУМОН БИЛАН ИШ ҚИЛМА

Қоракўл қўзичоққа бахтсизлик келтирадиган унинг чиройли териси, дейдилар.

Ўзини тутиши мумкин бўлган пайтда баъзан тутақиб кетадиган Умид пул масаласида анча босиқ, «меъдаси тўқ» эди. У ҳаммани ҳам ўзига ўхшатарди, феъл ҳаммада ҳам бир хил, деб ўйларди.

Ҳафиза ҳам жим.

У илгари бир кун кўрмай қолса энтикиб келарди. Улар учрашиб, юз кўришган чоғлар олам-олам қувонишар, бу дамлар улар учун жуда лазиз ва латиф бўларди. Ҳар сафар учрашганда янгидан танишгандек, аввал бир қизаришиб олиб, кейин гап тополмай соқовланиб, тутилиб гап бошлашарди. Уша ширин учрашувлар қаёқда қолди?

Севишганлар — қизил гул билан оқ гул ўртасига тушган чақиртикан ким экан? Нечук, юрак сирларини ошкор этмоқ унга жуда зарур бўлиб қолибди? Кўринмас одамнинг ким эканлиги ҳақида ўйлай бериб, Умиднинг ётиб уйқуси келмади. Начора, менинг кимлигим, ота-онамнинг кимлигини Ҳафиза билади. Мен унга ҳамма сирру асроримни айтган эдим... Аяси билмаганда ҳам унинг ўзи биларди-ку...

Жума куни Умид медицина институтига борди. Ҳафизалар курси лекция эшитаётган катта зал атрофида икки соатча айланиб юрди. Танаффус вақтида унинг дугоналаридан бири коридор бўйлаб келаётиб, Умидга бир қаради-да, кулимсираб ўтиб кетди. Орқасидан уни чақирган эди, эшитдими-эшитмадими, қайрилиб боқмади. Умид жуда таажжубланди. Ўзи нима гап! Эҳтимол, қизлар тўдасида Ҳафиза ҳам тургандир, эҳтимол, у бунда Умиднинг ёлғиз ўзи турганини кўраётгандир... Наҳотки, у ўзини олиб қочса? Танаффус тугаб, студентлар қайтадан залга кириб кетишгач, Умид ноумид бўлиб, институт боғидан чиқиб кетди. Унинг юрагини алам гижимларди. У битта-битта қаддам ташлаб, йўлкада нохуш кета бошлади.

Кунлардан бир кун Умид уйга қайтаётганида Суръат билан учрашиб қолди, у анча жойгача гаплашиб борди. Негадир Умидни қўйиб юбормас, бидиллаб

гапирар, ёшлиklarини, қадрдон пайтларини эсларди. Дўстлар бир-бирини эслаб туриши яхши фазилат, одам одамга ғанимат эканлигини такрорларди. Унинг феълини яхши билса ҳам, негадир у билан қисқа хайр-хўшлашиб қўйишни раво кўрмади. Қанча эзмалашиб гапирса, шунча тоқат билан эшита берди. Дарҳақиқат, Умид шу ошнасини ҳам соғинган эди.

Аммо энг ёмони шу бўлдики, бу вайсақи ошна Ҳафизадан гап очиб қолди:

— Кўриб турибсанми?— деди у суюқ оёқ кимсаларни эслашга ўхшаш бир оҳангда.

— Кимни?

— Ушани-да. Кўкчалик қизни?

— Сен нима деяпсан? Йўқ,— деди Умид беихтиёр. У гўё дилдаги ноёб жавоҳирни бу шилдир йигит оёғи остига ташлашдан сақланиб.

— Ажралишиб кетдиларингми?

— Нима?..

— Ораларинг очиқ бўлдим деяпман. Нега ўзингни гўлликка соласан.

— Тушунмаяпман.

— Ҳали ҳам ўша билан юрасанми ёки жавобини бериб юбордингми, демоқчиман.

— Тентаквой-е! Ке, бошқа гапдан гаплашайлик!

— Тўғри қилибсан, дўстим! Ҳафизани яқинда «Байжу Бавра»да бир йигит билан ўтирганини кўрдим. Шундоқ олдимдаги қаторда студент йигит қучоқлаб ўтирди. Ғашим келиб, қулоқ-чаккасига тортиб юборай дедим.

— Сен нималар деяпсан?!— деди Умиднинг рангидан қони қочиб. Электр токи теккандек бирдан аъзойи бадани жимирлашиб кетди. Ғазаб билан Суръатга қаради,— ғийбатдан бошқа гапинг йўқми, даюс!

— Сен даюс!

Улар бир-бирига совуқ тикилиб қолишди. Жанжал устига келиб қолган икки кишига у, «сизнинг ишингиз бўлмасин», дегандек бош чайқади. Улар бир лаҳза бир-бирларига ўқрайиб қараб туришди-да, кейин миқ этмай икки томонга ажралиб кетишди. Жанжални томоша қилишни яхши кўрадиган кишилар ҳам елкаларини қисиб, ҳеч нарсага тушунмай жўнаб кетишди...

Дард-дунёси қоп-қоронғи Умид ҳужрасига қайтиб келиб, ўзини каравотга отди. Электр чойнакни тикиб

қўйишга ҳам ҳафсаласи келмади. Хаёлидан кўтарилган экан, қайта пастга тушиб эшик орқасидаги қутидан бугунги газеталарни олиб чиқишга ҳам эринди...

Умиднинг ҳаёлини фақат бир нарса қуршаб олган эди, демак, Ҳафиза... Демак, у студент курсдошлари билан юра бошлабди-да?.. Демак... «кўздан йироқ — кўнгилдан йироқ»... бўлибди-да?..

У шу ётганича ечинмай ухлаб қолди.

У туш кўрди, тушида Ҳафиза билан бирга ўша қадимгидек ҳайвонот боғида айланиб юришган эмиш. Умиднинг сабр-тоқати тугаб, юрагидаги аччиқ аламини тилга чиқарди:

— Мен сени жонимдан ҳам ортиқ севсам, менинг учун сендан бўлак шодлик бўлмаса, ҳатто мен фақат сен борлигинг учун бу дунёда юрган бўлсам...

Умид куйиниб, йиғлаб бу сўзларни айтарди. Лекин Ҳафиза бўлса совуққон — миқ этмай турарди.

— Эшитишимча, бошқа бир йигит билан юрармишсан?

Ҳафиза ҳеч нима эшитмагандай яна индамай тура берди.

— Менинг ота-онам нотайинми? Менинг раҳматлик онам бебаҳо хотин бўлган. Менинг онам вафот этган. Менинг отам урушда жароҳатланиб, бу ерга келиб ўлган. Отам Сталинград жангида ярадор бўлган. У жасурлиги учун орден билан мукофотланган. Сен туҳматга ишонмагин.

Ҳайкалдек жим турган Ҳафиза бу гапларга эътибор бермай, индамай кета бошлади.

— Шунча ваъдалару, аҳду паймонлардан кейин бошқа одам билан гаплашиш, «Байжу Бавра» киносида қучоқлашиб ўтиришга... уялмайсанми?! Виждон қани?

Ҳафиза миқ этмади.

— Беҳаёлик бу!— тутақди Умид.— Ахир, гапирасанми, йўқми?!

Ҳафиза ўзини у ёқ-бу ёққа солиб, пинагини бузмай тура берди. У ҳатто бу аччиқ таъналарни эшитмагандай, эшитса ҳам бир пақирга олмай, сур бўлиб турарди. Ҳафизани шунчалик тез ўзгариб, тамоман бошқа одам бўлиб қолганидан Умид бўғилар, ўзини қўйрага жой тополмай типирчиларди.

— Биламан,— деди у яна,— сен Ғарб таъсиридаги ёшлар каби биров куйиниб гапирса индамай, совуқ қонлик билан без бўлиб тура берадиган бўлиб қолибсан! Сизларнинг бетингизга туфласалар, қўлларингиз билан тупукни артиб қўя қоласизлар. Сизларга ҳозир бутун дунё тупурмоқда. Сен ўзингни комсомолман дердинг. Эсиз комсомол! Гапир! Бўлдими энди?

Ҳафиза яна индамади.

— Гапир!!! Ортиқ чидаб туролмайман, гапир! Инсонмисан, инсонмасмисан, гапир!!!

Умид гўлдираб, бақириб туриб бирдан уйғониб кетди. Жимжит ва қоп-қоронғи ҳужра. У терлаб-пишиб кетибди. У ўрнидан туриб, бориб чироқни ёқди. Яна каравотга ўтириб, хомуш тортди. Эснаб, ғалати туш кўрганини ўйлади.

Бир нафасдан кейин у кўча кийимларини ечиб пахта тушди-да, чойнакни ювиб-тозалаб, сув тўлдириб электрга қўйди. Ундан кейин муздек сувда бош, бўйинларини ювди. Қайтиб келиб, домласи топширган ишларни қилишга тутинди...

* * *

Мақсад сари интилиш билан яшайди инсон. Бирига етса, иккинчиси пайдо бўлиб, кўзига кўринади. Унга ҳам етай дейди. Шу тариқа киши ўзининг қариб қолганини ҳам билмай қолади.

Бу, профессор Салимхон Обидийнинг кўп вақт айтиб юрадиган «фалсафий, умуминсоний» гапларидан, у ўзининг профессорлигини билдириб туриш учун бўлса керак, ярим тақир бошини ичига тортиб, фикр қилиб тургандай бўларди. Узини ақлли кўрсатишга уринарди. У ҳеч қачон жўн гаплар айтишни ўзига эп кўрмас. Лекин «ақлли» гапларни айтишга айтиб юрадую, ёзиш-чизишга, қунт билан ўтириб меҳнат қилишга тоқати йўқ эди. Унинг фикрича, инсоннинг интилиши тугади, у ёғига кўп яшамайди. Умидга домласининг эркин ва қизиқ фикрлари жуда ёқарди. У профессорнинг турли китоблари, лекцияларининг стенограммалари, бирон газета ёки журнал саҳифасида босилган мақолаларини тўплаб олиб, домла тузиб берган план асосида оммабон китоб тайёрларди. Ора-чора буюк кишиларнинг селекциячиликка оид фикрларини,

баъзан шу соҳага яқинроқ фикрларни ҳам қидирар, топиб қолса чехраси очилиб, домланинг таҳсинига сазовор бўлиш билан ўзини бахтли ҳисобларди.

Умиднинг уйқуси қочиб кетди. Азонгача мижджа қоқмай ишлаб чиқди.

Қўлида ручка, кўзи хатда, лекин ўзи ҳамон Ҳафиза ёнида эди. Унинг бағри лов-лов ёнарди. У ўксиз ва тажанг.

Уйқусиз тонг оттирган Умиднинг кўзлари киртайиб, эрта билан хизматга келди. Маст кишидек боши айланиб, қулоғи ғувилларди. Бафуржа, соат ўн бирлардан ошириб келган Салимхон Обидий Умидга тикилиб, саломатлигини сўради:

— Ҳа, ука, соғлигинг яхшими?

— Яхши, ёмон эмас.

— Негадир рангинг синиққан. Бирон нимадан камчилигинг бўлса, айтгин. Тортинмай айтгин.

— Ҳамма нарса жойида, домла.

— Хайрият,— деди у шундан сўнг ўз кабинетига кириб кета туриб.

Бу гапларни эшитган Умид мамнуният билан жойига ўтирди. Домланинг отасидек бўлиб қолгани, меҳрибонлиги унга далда берди. Унинг юрагидаги алам ҳам жиндек бўшашгандек бўлди. Ўз ишига қандайдир бир кучли ишонч билан киришиб, ҳар кунгидек ўз ишини қунт билан қила бошлади.

Куннинг ўртасида иттифоқо институтда Ҳафиза пайдо бўлиб қолди. У тўппа-тўғри иккинчи қаватга кўтарилиб, Умид ўтирадиган умумий хонага кирди. Бурчакда, дераза тагида ўтирган Умиднинг кўзи унга тушиши билан ўрнидан туриб, юраётган эди. Ҳафизанинг ўзи шахдам қадамлар билан унинг ёнига етиб келиб, қўл узатди.

— Нима гап?

— Ҳеч гап.

— Нега дарагингиз бўлмади?

— Нега дарагим бўлмас экан?

— Бир ҳафта бўлди.

— Бир ҳафта бўлдими?

— Бир ҳафтача... Нима, тобингиз йўқми? Кўзларингиз ичига тортиб кетибди? Нима, гап?

— Ҳеч гап. Соғман. Марҳамат, ўтиринг.

Ҳафиза Умид кўзларига тикилди. Бир лаҳзадан ке-

йин стулга ўтирди. У Умид юрагида бир нима борлигини сезарди. Унинг ниҳоятда нохуш эканлигини кўзларидан пайқаб турарди. Умид буни қанчалик яширишга уринмасин, барибир Ҳафиза пайқаб турарди.

— Умид ака, нима гап?

— Ҳеч гап. Бу саволни ўзингизга беринг...

— Ўзимга? Ҳа, тушунарлик...— деди Ҳафиза Умид юрагида бир гап борлигини пайқаб,— ўқиб юрибман. Жуда ўралашиб қолдим. Шу ҳафта ичида мен сизни кўргани келолмаганим учун узр сўрайман. Кеча институтга борган экансиз, бир дугонам айтди. Мен ҳам залда эдим, буни қаранг, учрашолмабмиз. Жуда ачиндим.

— Мен яқинда «Байжу Бавра» кинофильмини кўрдим.

Бу гапни эшитган Ҳафиза бўшашиб, ўйланқираб қолди. Унинг жиндак ранги ҳам оқарди. Умид яна қўшиб қўйди:— Бу ердаги ўртоқлар қўйишмаган эди, рози бўлиб бордим. Яхши фильм...

— Сиз эмас, мен ўша фильмга тушган эдим, Раъно мени қўймай олиб тушди.

— Иккаламиз ҳам тушибмиз унда.

— Мен Раъно билан тушдим, Умид ака.

— Йўқ, мен ҳеч нарса деяётганим йўқ.

— Мен сизни сезиб турибман, юрагингизда бир гап бор. Сизни мен жуда яхши биламан. Сиз бошқаларга ўхшамасиз, мендан яширманг.

— Нега мен бошқаларга ўхшамас эканман. Мени ҳам бошқаларга ўхшата беринг,— деди Умид, «бошқаларга ўхшата беринг» сўзига атай урғу бериб.

— Ана холос... Тушундим. Сиз мендан хафасиз. Буни кўзларингиз айтиб турибди. Лекин сизга юрагини очиб айтиб қўйишим керак, мен сизнинг ҳурматингизга тегадиган ҳеч қандай ёмон иш қилганим йўқ. Мен илгаригидайман, балки ундан ҳам аъло. Мен сизнинг Ҳафизангизман, гумону шубҳаларга йўл берманг, Умид ака! Мен сизни соғиниб келдим.

Умид ерга қаради.

Бир лаҳзадан сўнг, улар ташқарига чиқиб, оранжерея ва пахта участкаси ёнидаги асфальт йўлкада юришди.

— Қандай қилиб сизга тушунтирсам экан,— деди

яна Ҳафиза,— қандайдир бир англашилмовчилик борга ўхшаяпти...

— Кўп ташвиш торта берманг,— деди Умид кулимираб. Уни деб атай келган қизни, гарчи бирон гап бўлганда ҳам бунчалик ўйлатиб қўйиш йигит кишига ярашмайди дегандек кулиб, Умид унга жилмайди. Шундан сўнг, гапни бошқа томонга буриб юборишга ҳаракат қилди:— Аянгизлар, адангизлар соғ-саломатмилар? Кампир яхшиларми? Фарғонада терим суръати жуда яхши эканлигини ахборотдан кўриб, хурсанд бўлиб юрибман...

— Эҳ, сиз,— деди Ҳафиза ранги оқарган, ҳозир кўзига ёш олғудай тўлиб, Умидга тикилиб боқди. Шундан кейин ҳеч нима демай ерга қаради.

— Мен бирон гапим билан сизни ранжитган бўлсам, кечирасиз,— деди Умид Ҳафизани қўлидан ушлаб.

Лекин Ҳафиза қўлини тортиб олди.

Умиднинг расмийат учун гапирган гаплари унга ёқмади, унинг ўзгариб қолганини, қандайдир юрагида гумону шубҳалар борлигини пайқади. Илгаригидай қайноқ эҳтирос, самимият, жўшқинлик йўқ эди. Унинг Умиди бошқачароқ бўлиб кўринди.

Ҳафиза учун бундан даҳшатлироқ нарса йўқ.

Ҳафиза бўғилиб кетди, у ҳозир Умиднинг юракдаги гапларини айтиши мумкин эмаслиги ва бунинг устига қандайдир ўртадаги совуқликни эритиб юборишга қуч сеза олмагач, ердан кўзини узиб, ялт этиб Умидга боқди.

— Мен кетай. Хайр!

— Кузатиб қўяман...

— Керак эмас. Ана, автобус ҳам турибди. Хайр!

— Хайр!

Ҳафиза жиндек қадамини тезлатиб бориб, автобусга чиқди. Худди уни кутиб тургандай автобус ҳам у чиқиши билан юриб кетди.

Улар ўртасида ҳеч қачон бундай совуқ ва аламли хайрлашув бўлмаган эди. Уларнинг икковларининг ҳам бағри ёниб, фақат бир-бирлари ҳақида ўйлашарди.

* * *

Умиднинг тахмини тўғри чиққандек бўлди. Демак, у кинода бўлган. Бу, албатта гуноҳ эмас. Лекин у ўша

студент билан ўтирган бўлса, бу ёмон! У ҳеч қачон буни очиқ айтмайди. Суръатнинг гийбатида жон бор... Наҳотки, Ҳафиза шу даражада талтайиб кетди? Одамзод шу даражада тез ўзгарадими? «Хом сут эмган инсон боласи» деганлари шу бўлса керак...

Умид бошини турли фикрлар аридек ғувиллаб таларди:

«Жуда ҳам бу ишнинг кетига тушиб кетмаслик керак,— ўзига-ўзи хитоб қилди Умид,— мен ишлашим, илмий иш қилишим керакми, ёки, шубҳалар гирдобида айланишим керакми?!» У на илмий, на бир тузукроқ хизматнинг этагидан тутолмаган, йигитлигида ажабтовур чиройли, ҳатто кексайганида ҳам анча текис бир кимса қисматини эшитган эди. У ҳеч нима бўлолмай, умрини шундоқ ўтказиб юборди. У бутун ижодий умрини «гарткам»га ютқазиб юборган дейдилар. Унинг ишратга ҳеч суяги йўқ эди.

Умид ўзига-ўзи тасалли бергандай бўларди. Ҳафизанинг ранжиб кетиб қолганига кўймаслик керак, илмий иши устида қунт билан ишлаши керак, дерди барибир юраги ёнарди. «Ҳой, Умидвой,— деди ўзи ўзи,— дарҳақиқат, сиз бир етим бола эдингиз. Дарҳақиқат, сизнинг тагингиз дангиллама уйлар кўрган эмас. Сизнинг отангиз обкомнинг секретари ҳам бўлган эмас. Хўш, сиз нега катта дорга осиласиз?! Сиз ишлагингиз, излагингиз, бирон тузукроқ одам бўлишингиз керак! Ундан кейин ошиқ-маъшуқ бўлиб юрасизми, узоқ ўлкаларга саёҳат қиласизми, бошқа гап! Кўрпангизга қараб оёқ узатинг, ҳе бола! Бўлмаса белингиз чиқиб кетади!»

Бир ҳафта Умид уйда ҳам, институтда ҳам столдан бошини кўтармай ишлади. Профессор Салимхон Обидий белгилаб берган ва институт илмий совети ҳам маъқуллаган «Вильтга қарши курашда гамма нурларидан фойдаланиш...» деган темасига доир ҳамма илмий ишларини бирин-сирин тўплади. Пахтачиликда гамма нурларидан фойдаланиш методига умуман Салимхон Обидий унча қўшилмас, бу тадқиқотни «эксперимент» деб қарарди. Ҳатто Шукур Каримовнинг маъқулланган ихтироси «Мутант-1» навига офарин деса ҳам, ҳали бу ўзгариб кетиши мумкин, дерди. Аммо у ўз шоғирдини Шукур Каримовичдан ўтказиб юборишни ва ёки ўзи ҳам дилида бу методга эътиқод қўяётганими, ҳар

қалай Умидга илмий совет шу темани таклиф этганда, у қарши бўлмади. Шу соҳада иш олиб борган бошқа олимларнинг илмий ишларини тўплаб, аста-секин таниша бошлади. Академиклар Вавилов, Дубининларнинг қалин томларини ҳам кутубхонадан олиб келиб қўйган эди. Дон экинлари селекциясида Дубинин ва Лисенко методлари орасидаги қарама-қаршиликларни ўрганди. Энг яхши навларни етиштиришда чатиштириш билан бирга янги илғор метод ҳисобланган гамма нурларидан ҳам кенг фойдаланиш назариясига у ҳам мойил эди. Профессор Салимхон Обидий ўз дўсти ва селекциячиликда катта ишлар қилган академик Отабев йўлидан унча узоқлашмасликни истарди, шу ҳам бир сабаб бўлса керак, шогирдларидан бири Умиднинг шу соҳада иш олиб боришига монелик кўрсатмади...

Умид устозининг самимият ва унинг бахтиёр хонадонининг унга бўлган ҳурмати сабаб бўлса керак, Ҳафиза андуҳини енгилроқ ўтказиб юбормоқчи бўлди. У бир ҳафта мобайнида ҳеч нарсани ўйламай, фақат илмий иши учун тўплаган материалларини, китобларни ўқиди. Ҳар замон, ҳар замонда Салимхон хонадонига кўз ташлади.

Йўқ, бўлмади!

Унинг чидамай фақат бир ҳафтага етди.

Ҳафтанинг охириги кунини у катта танаффусни мўлжаллаб, Ҳафизанинг ўқиётган институтига борди. Таниш боғда анча вақт айланиб юрди, дўкондан бугунги газеталарни сотиб олиб, профессор Слоним ҳайкали ёнидаги узун курсида ўтирди. Танаффусга ўн минутча қолганида ичкарига кирди. Коридорда у ёқдан-бу ёққа юрди. Кўп ўтмай, катта залдан гуриллаб чиққан студентлар анҳорига аралашиб кетди. Оқ халат кийган қиз ва йигитлар ичида бир у ажралиб турарди. Гавжум коридорда у Ҳафизани излади. Қизлар жуда кўп эди, лекин негадир унинг Ҳафизаси кўринмайди.

Танаффус тугай деб қолди. Лекин ҳамон уни тополмайди. Ёнидан ўтиб кетган ҳар бир қиз унинг кўзига Ҳафиза бўлиб кўринарди.

Унинг сабри чидамай, залга ҳам кирди. Оқ халатли бир қиз йўлини тўсиб, чет кишилар кириши мумкин эмас. Агар унинг халатсиз кирганини кафедра мудирини кўриб қолса хафа қилишини айтиб, тезда чиқиб кетишини илтимос қилди.

— Ҳафиза Содиқовани кўрмадингизми?— сўради Умид.

— А, у нариги группада,— деди у Умидга тикилиб,— бугун кўринмади...

— Бугун?.. Эҳтимол коридордадир?

— Ундоқ бўлса, коридорни қаранг, яхши йигит!

— Хўп бўлади,— деди Умид Ҳафизанинг залда йўқлигини билгач. Коридорда ҳам уни учратмади. Демак, бояги жиккак қизнинг гапи тўғри.

Яна барча студентлар залга кириб кетишди.

Умид коридорда олазарак бўлиб туриб, бир нафасдан кейин чиқиб кетди.

Нега келмади экан? У жуда иштиёқ билан ўқиётган эди-ку? Унинг дарсларга келмаслиги мумкин эмас! Қасал бўлиб қолдими? Нега қасал бўлиб қолди экан? Умид Селекция илмий-тадқиқот институтига бора-боргунча Ҳафизани ўйлади.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

Биринчи боб

БАҲОРДАГИ ҚОРМИ БУ!

Ўша куни эти увушиб турган Ҳафиза институтдан чиқиб, дугоналаридан ажралиб Умид ёнига борган эди. Ниҳоятда совуқ бўлган учрашувдан кейин тарвузи қўлтиғидан тушиб, тўппа-тўғри уйига жўнади. У эрталаб институтдаёқ кўнгли беҳузур бўлиб, ўзини ёмон сезаётган эди. Шундоқ экан, нега борасан, деди ўз-ўзидан койиниб у.

Ҳовлига кириб портфелини айвонга отиб, зинапога ўтирди. Мих пошна туфлисини ҳам икки томонга отиб юбориб, ўтириб ўхчий бошлади. Хона ичидан чиққан кампир югурганича келиб Ҳафизани елкасидан ушлади.

— Ҳай, сенга нима бўлди?

Ҳафиза «билмайман» дегандек бош чайқади.

— Ман ўлмасам... Сафро-ку...— Кампир югурганча кириб, чойнак кўтариб чиқди,— оғзингни чай, болам. Сафро қайт қилипсан. Қўлингни оғзингга тиқиб бўлса ҳам ташла... Кейин кўнглинг равшан бўлади. Сафро ёмон нарса!

Ҳафизанинг ранги девор бўлиб оқариб кетган эди. Қўлтиғига кириб ўтирган кампир рўмолча билан оғзини, кўкраklarини артиб, қайнаган сув ичирди. Неварасига далда бериб, суяб, уй ичига олиб кириб, каравотга ётқизди. «Сафро ўлгурининг ҳаммасини ташладинг, уни ташламай илож йўқ. Яхши бўлди, кўнглинг равшан бўлади. Худо кўрсатмасин, у одамнинг миясига ҳам уриб кетади, дейишади. Ташлаганинг яхши бўлди...» Буви Ҳафиза устига кўрпа ёпиб, ташқарига чиқди. Тагин биров бир нима бериб қўймадими, деб ерга қаради. Хавфсираб қўрқди. Обдаста билан дастшўй олиб кириб, Ҳафиза қўлини атирсовун

билан ювдирди. Зўрлаб юзларини, оғиз-бурунларини ҳам ювиб чайқаттирди. Ётган жойида унча койитмаи сиқиб турган қофта-юбкаларини ҳам ечиб олиб, мўл атлас кўйлагини кийгизди.

— Дўхтир чақирайликми?

— Керак эмас. Доктор нега керак!— деди Ҳафиза ётган ерида.

— Нима евдинг?

— Ҳеч нима еганим йўқ. Фақат коктейль ичган эдик...

— Болам, кўктилинг нима? Пишмаган нарсамиди? Учов-чавағи олинмаган хом балиққа ўхшаган нарсами? Пишириб ей қолсанглар бўлмайдими?!

— Буви, эзма бўлаверманг! Коктейль яхши нарса. Мен ўзим шамоллаганман. Коктейлдан эмас, бошқа нарсадан...

Ҳафиза шу кундан бошлаб кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди, у негадир бемажол ва беруҳ эди. Унинг кўз олдида гумонсираган Умид турарди. У Умид ёнига борганида ҳам оз-моз кўнгли айниб турганди. Ранги ўчиб, тажанг бўлиб тургани Умидни ўйлатиб қўйдими? Ёмон кайфият юқумли дарддек тезда кишиларга ўтади. Эҳтимол, шундоқ бўлгандир. Кўксимда саффо қайнаб турган экан, Умиднинг ёнига нега бораман, деди ўзига-ўзи Ҳафиза.

Умиднинг тезда совуши, ўзгариб қолиши асло мумкин эмас. Ахир бундан ўн беш кун илгари, у юк машинасида Мирзачўлдаги олис совхозга чиқиб келди. Бунда ТошМИ студентлари пахта терарди. Уларнинг олис далада учрашуви қандоқ ширин бўлган эди. Умид шу куни Ҳафиза ёнида юриб, қанча пахта терган эди. Қора мазут ёқилиб пиширилган макарон шўрвани ҳам мазза қилиб ичишган эди. Умид шундоқ тез пахта терарканки, кечгача аранг ўн килограмм терибди — тоза кулги бўлди. У пахта териш бир ёқда қолиб, чигитни титкилаб ўтирарди. Совхозга деярли 108-Ф нави экилганини, бригада бошлиғидан эллик гектар ерга бошқача нав ҳам экилганини сўраб билиб, беш километр йўл босиб бориб, у навни ҳам кўриб желган эди. Мирзачўлнинг баъзи районларида С-6257 нави экилаётганини ҳам эшитган эди. Тамини тўғри чиқди. Бу нав ҳам яхши ҳосил бераётганини ўз кўзи билан кўриб, бу ҳақда Ҳафизага қанча

гаплар гапирган эди. Ҳафиза у навнинг яхшилигидан кўра ҳам, Умиднинг берилиб, ҳаяжонланиб, эзмаланиб гапираётганидан завқланган эди.

Шу кунни Ҳафиза дугоналари билан бирга Умидни катта йўлгача кузатиб чиқиб, шаҳарга кетаётган бир автобусга солиб юборишган эди. Раънодан бўлак ҳаммага бу киши акаси эканини айтиб, унинг селекционер эканини тушунтирган эди. Студент йигитчалар унинг гапига юз фоиз ишонишган бўлса ҳам, лекин айёр қизлар уларнинг бир-бирига бўлган муносабатидан, эркаланиш ва ҳаяжонларидан ака-сингил эмаслигини пайқашган эди. Икки кундан кейин бу ерга «Волга» машинасида ота-онаси билан бирга Қудратжоннинг келиши Ҳафизани тамом «фош» этган эди. У қизлар олдида икки қўлини кўтариб, «таслим» бўлиб, ҳингиллаб кулиб қўя қолган эди...

Мана, Ҳафиза уч кундан бери касал ётибди. У ўқишига ҳам боролмади. Хаёлида ёлғиз бир киши — Умид. Бувисининг Фарғонага телефон қилайликми, ота-онангни хабардор қилайликми, деганига асло йўл бермади.

— Нима кераги бор, бувижон! Опамларнинг ҳовлиқиб кетишларини билмайсизми? Керак эмас! Мен эрталардан туриб, ўқишимга бораман.

— Узинг биласан, қизим. Опангнинг феъли менга маълум, хабар қилмабсизлар, деб кейин мендан койиниб юради.

— Керак эмас! Тузалганимдан кейин ўзим айтиб қўяман.

Эртасига эрта билан иттифоқо Фарғонадан телефон бўлиб қолди, тура солиб трубкани кўтарган Қудратжон онаси билан гаплаша кетди:

— Ҳа, аҳвол яхши,— деди у бесўнақай, дўриллаган овоз билан. Нариги хонада каравотда ётган Ҳафиза бир нима девормасин деб секин ўрнидан туриб келаётган эди, Қудратжон оғзидан гуллади:— Ҳафизангиз касал, сафро қайт қилиб, уч-тўрт кундан бери чўзилиб ётибди...

— Трубкани бер!— деди ички кўйлақда чиққан Ҳафиза зарда билан.

— Бермайман, кириб ёт!

— Бер, дейман! Опамни ҳовлиқтириб қўясан, аҳмоқ!

— Ҳа, ақлли! Кўкрагингни бекитиб ол! Пахтага чиққан «аканг» ким эди? Шампанскийга коньяк қўшиб коктейль қилиб ичганинг учун сафро қусдинг..

— Бер, дейман!

— Ярим кечада йигитинг Шоқосим билан ёқалашгани-чи?!

— Бер, дейман трубкиани!

— Лайли-Мажнунлар!

— Приёлани отаман юзингга!

— Қани, от-чи! Бурда-бурда қилиб ташлайман!

Опа-уканинг гижиллашаётганини эшитиб турган бўлса керак, у ёқдан Нафисахоннинг овози эшитилди:

— Аниқроқ гапиринг, уришманглар! Нима гап ўзи?

— Опа!— деди яна Қудратжон,— мана, ҳозир трубкиани қизингиз олади. Лекин унинг гапларига ишонманг! У қаттиқ касал, яна бошқа гаплар ҳам бор... Опа, менга эллик сўм пул юборинг, ёки олиб келинг!

Ҳафиза укаси қўлидан трубкиани тортиб олди. Қудратжон «бопладимми?» дегандек, Ҳафиза пешонасига бармоқлари билан бир чертиб, нариги хонага чиқиб кетди.

Қудратжоннинг айни совуқ қилиқларга тўлган вақти эди.

— Опа! Уғлингизнинг ҳамма гапи ёлғон,— деди чийиллаб Ҳафиза,— сизни ҳовлиқтиряпти...

— Юрагим қинидан чиқиб кетди, яна нима гап?— деди у томондан Нафисахон. Титроқ ва тез гапиришидан онанинг қай ҳолда эканлиги Ҳафизага шундоқ сезилиб турарди.

— Сал қайт қилдим. Ҳа, сафро. Лекин ўзим тузукман. Ҳовлиқадиган ҳеч гап йўқ. Қудратингизнинг гапига ишонманг, ахир уни биласиз-ку!

— Бувинг қаёқда?

— Шу ердалар.

— Чақир!

— Ўзларингнинг аҳволларингиз яхшими? Адамлар соғ-саломатмилар, Алишер?..— Ҳафиза ўзининг соғ эканлигини исботлаш маъносида бидиллаб гапира бошлади

— Бувингни чақир!— у Ҳафизага ишонмай, аввал ҳақиқатни билиб олмоқчи бўлди.

— Ҳўп бўлади. Буви, мана, ўзингиз гаплашинг!

— Ҳа, Нафисахон, эсон-омонмисизлар? Пўлатжон яхшими?

— Шукур, ҳаммамиз соғ-саломатмиз,— деди Нафисахон,— нима гап, ойи?

— Тинчлик. Қизинг айтган гаплар тўғри. Бир алланечук бўлиб, сафро қайт қилди. Кўктили деган пишмаган балиқ еган экан. Ахир олиб келса, ўзим қовуриб берардим.

— Уқишга боряптими?

— Йўқ. Ётувди. Ҳозир ўрнидан турди. Сизларга хабар қилайлик десам, қизингнинг ўзи унамади...

Уч кишидан уч хил гап эшитган Нафисахоннинг юраги шопириб, тинчимай, эртасига самолёт билан Тошкентга келди. Гарчи анча тузалиб қолган бўлса ҳам, кўрпа-тўшак қилиб ётган қизини кўрди.

— Узоқнинг шуниси ёман-да,— дерди кампир Нафисахон билан кўришиб,— шундоқ Тошкентдай шаҳри азимдан биронта обком йўқ экан-да. Пўлатжон ўғлим нуқул Фарғонадаги обкомда, Хоразмдаги обкомда ишлагани ишлаган. Абдурахим боққолнинг ўғли Абдуҳалим ўн йилчадан бери Тошкентдаги почтада ишлайди. Тошкентда почта кўпми, деб сўрасам, ҳа, буви, Тошкентда почта жуда кўп, дейди. Обком ҳам, наҳотки, Тошкентда кўп бўлмаса! Ҳаммага топилган идора Пўлатжонга топилмаса. Ҳамма нарса кўпайяпти, ҳукуматга хат ёзиш зарур, обкомни ҳам кўпайтириб қўйсин-да!

— Ҳа, тўғри,— деди кампирнинг гапига қулоқ солмай Нафисахон. У қизи ёнига кириб, ҳол-аҳвол сўраша кетди. Қўлини Ҳафиза пешонасига босди:— Озгина иссиғинг ҳам борга ўхшайди...

* * *

Эртасига Тошкентда қаттиқ шамол бўлиб, кетидан ёмғир ёғди. Ишни дўндирган пахтакорлар учун бу ёмғир дағдаға сололмасди. Унинг дағдағасидан энди ҳеч ким қўрқмайди. Кексалар, вақти келган экан, ёксин-да, дерди. Ёзи билан дам машинада, дам самолётда районма-район югуриб юрган секретарларнинг ҳам

анча кўнгли таскин топди, дерди пахтага алоқадор одамлар.

Ҳафиза, гарчи онасининг безовта бўлиб келганини истамаган бўлса ҳам, аслида онасининг келишидан хурсанд бўлди. У онасини жуда соғинган эди. Укаси Алишерни ҳам. Онасидан эллик сўм пул олган Қудратжон шу заҳоти Динамо магазинга чопиб кетди...

Нафисахон кампирни ўтқазиб қўйиб, ўзи ошхонада яхшлаб шолғом хўрда қиларди.

Ҳафиза дераза ойналарига урилаётган жалани томоша қилиб, роҳатланиб ётарди. Яна унинг фикру хаёлини Умид чулғаб олди; куз ёмғири, қоридан шикоят қилиб бўлмайдиган — ҳамма нарса ўз вақтида бўлгани яхши, дерди у ўзига-ўзи. Аммо қайси йили ҳам, айна баҳор пайтида, бодому ўриклар гуллаб ётганда қор ёққан эди. Лайлак қор эриб кетмай, туни билан музлаб қолиб, гуллаб ётган мева дарахтларни уриб кетган эди. Ўша қордан совуқ қор йўқ эди. Ўша йили на ўрик, на бодом, на шафтоли бўлди.

Бирдан Ҳафизанинг юраги орқасига тортиб кетди, «шафтоли гулида ёққан қор...» Нима қилиш керак, — деди у ўзига-ўзи. Уйда ёта бермай. Селекция институтига югургиси келарди.

Бувиси, онасининг ҳовлида қўшни хотин билан гаплашиб турганини кўрган Ҳафиза секин-аста нариги уйга кирди-да, Селекция илмий-тадқиқот институтига телефон қоқди. Кимдир трубкани кўтарди. Овозидан кексароқ одамга ўхшарди.

— Лаббай.

— Бу, илмий-тадқиқот институтими?

— Худди шундай.

— Ким гапиряпти?

— Профессор Обидий.

— Э, кечирасиз... — деди қўрқиб кетиб. У ёқдан «марҳамат, айта қолинг, марҳамат», деганига ҳам қарамай, журъатсизлик билан трубкани қўйиб қўйди...

Иккинчи боб

ТОНГ ЭДИ У ПАЙЪ.

Умид кун ора эрта билан соқол қиришга тутинарди. Баъзан кўпик остидаги қуснбузарларини кесиб,

қонатиб юборарди. Профессор қизининг: «Кишилардан шипр ҳиди келганини яхши кўраман», дегани сабабмикан, соқол олгандан кейин сочига, бўйинларига мўл-мўл шипр одеколонида суркарди. Ҳзини ойнага солиб, у ёқ-бу ёқларига қарарди. Бу қорача йигитга профессорнинг гўзал қизи бошқалардан кўра ҳам кўпроқ эътибор бериши-ю, бой хонадоннинг унга эътиמוד қўйиб, тез-тез чақриб туриши таажжубга солди. Авваллари андак хижолат бўлиб ҳовлига кирадиган Умид кейинчалик тортинмай, бемалол кирарди. Кимнингдир айтишича, Салимхон Обидийнинг ҳовлиси Сайдазимбой ҳовлисига ўхшаб кетаркан. Ҳа, у профессорнинг ишонган шогирди, давомчиси... Шу сабабли бўлса керак, у ўз юрагига таскин бериб, Сумбулхон ая билан ҳам жуда яқин қариндошидек омонлашарди, баъзида уч-тўрт кун кўринмай кетса ая уни суриштирарди ҳам. Нега келмагани, қаерларда юрганини муфассал айтиб беришини талаб қиларди. Баъзида Жанна онасининг Умидни бунчалик сўроққа тутишига эътироз билдирарди:

— Мамо, Умид акани кўп суд қила берма!

Эрка қизининг бу гапидан сўнг, Сунбулхон ая атай уларни холи қўйиш учун ҳазил қилиб, яна ичкарига кириб кетарди...

Умидни кўмаги, умуман унинг юриш-туриши ёқиб қолдими, профессор Салимхон Обидий ҳам уни сизлаб иззат қилар, энг яқин кишисидек, ҳамма нарсани у билан маслаҳатлашарди. Умид ўзига бўлган бундай илиқ муносабатни сезмай ҳеч иложи йўқ эди. У бунчалик ҳурмат, ишонч учун қувонмай нима қилсин. Профессор бошқалар билан унинг ёнида ҳам тортинмай гаплаша берар, ҳатто ҳам гувоҳ, ҳам кўмакдош бўлар, деб атайи ўз хонасига чақирарди.

Уч-тўрт кун кўринмай, бугун иттифоқо ишга чиққан Салимхон Обидий илмий-тадқиқот институтининг директори Шукур Каримович билан коридорда рўпара келиб қолишди. Салом-алиқдан кейин, директор Умиднинг бунда турганига ҳам эътибор бермай, Салимхонга гап котди:

— Инглизларга ўхшайсиз, домла...— деди Шукур Каримович, ёмғир ёққани туфайли уч нун институтга келмаган профессорга. У бу гапни жиддий айтдики ёки унинг юзида жилмайиш бормиди, ҳазил-мутойиба

қилди-ми, Салимхон Обидий шунча диққат билан тикилса ҳам сеза олмади. Директор бошқа гап айтмай сукут сақлагани учун ўзини оғирликка солиб, қорнини чиқариб турган Салимхон Обидий, бу гапни жавобсиз қолдириш ноқулайлигини пайқаб, илжайиб сўради:

— Сабаб?

— Сабаб шуки, фронт-да...

— Яна фронтми?!— Салимхон Обидийнинг энциотиб, қизишиб, унинг гапини бўлди,— қачон сўзласангиз фронт. Мажлисда сўзласангиз ҳам фронт, илмий ишингизда ҳам фронт, селекцияга фронтнинг нима алоқаси бор, биродар?!

— «Берди»сини айтгунча шошманг, Салимхон Обидович. Аввало, мен ўз гапимга изоҳ беришим керак. Инглизлар билан америкаликлар Иккинчи фронтни очишлари жуда қийин бўлган, «шамол бунча тезликда бўлгани учун ҳозирча жим турамиз», «ёмғир бўлаётгани учун Ла-Маншда тўлқин мунча балл... бўлганлиги учун»... ва ҳоказо... Сиз ҳам ёмғир ёққани учун хизматга келмадингиз, кутдик. Ўрни сизнинг шахсингизни эмас, кўп иш сизга боғлиқ бўлгани учун кутдик. Майда гап бўлса ҳам айтаман, сейфнинг калити ҳам сизда эди. Энди иккинчи гапга ўтаман: мен ўлгунимча фронтни айтаман, у селекцияга ҳам алоқадор! Фронтни эсламаслигим ҳеч мумкин эмас. Мен бу билан сиз фронтда бўлмагансиз, деб маломат қилаётганим йўқ. Мен бунчалик пасткашликка ҳеч қачон йўл қўймайман. Аммо менинг гапимни сиз ҳамма вақт тескари тушунасиз. Бу яхши эмас, домла. Ҳар нечук сиз хоҳлаганингизда ишга чиқишингиз, хоҳламаганингизда чиқмаслигингизга йўл қўёлмайман.

Салимхон Обидий ўзидан беш-олти ёш кичик, илмий даражаси ҳам паст, «кандидат» директорга таасуф билдирди. Ўзи айтиб юрадиган оҳангда: «Ҳа, майлинг», деб қўя қолди. Лекин Умиддан анча хижолат бўлди. У ўз хонасига Умидни ҳам бошлаб кирди:

— Мана аҳвол, укажон! Бўрон бўлиб, ёмғир ёғса ҳам кела бер эмиш!— деди профессор Салимхон Обидий тутатиб.— Ҳа, сен мендан илм талаб қилгин, нима қилсан менинг келди-кеттимни суриштира бериб! Агар мана шу ердан кетсам — докторман, профессорман, анави қишлоқ хўжалик институтида ҳам ишлай бераман. Аммо у бундан кетса оч қолади. Кандидатлар ҳозир

жуда кўпайиб кетган. Бу селекция институтига ўзим аввал директор бўлганман, қанча меҳнатим сингган... Тезаксиз майдон бўлмас экан-да...

— Бу принципиал масала эмас!— деди Умид ҳам андак жаҳли чиқиб Шукур Каримовичдан.

Салимхон қизариб, хафа бўлиб ерга қаради. У «ўз қадрига йиғлагандай» бош чайқаб қўйди. Креслога ўтирди-ю, тажанг, ҳеч нима қилгиси келмади.

— Одамлар ҳар хил, домла,— деди Умид тасалли бериб,— қўйинг, асабингизни бузманг.

Профессор миқ этмади.

Умид секин ўз хонасига чиқиб кетди. Домласи ҳам худди шуни кутиб турган эди.

Орадан ўн-ўн беш минутлар ўтгач, эшикда Иноғом-жон машинаси гурр этиб юриб, жўнаб кетди. Ойнадан қараган Умид машинада профессор ўтирганини кўриб қолди. Югурганича чиқиб, профессор кабинетини очган эди, дарҳақиқат, у кетиб қолибди. Умид ҳайрон бўлиб қолди. Домласининг қаттиқ жаҳли чиққанини пайқади. Эҳтимол, унинг олдида бу гап бўлгани жуда таъсир қилиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

Кўп ўтмай илмий ходимлардан баъзилари Салимхон Обидийнинг тўсатдан кетиб қолганига таажжубланишиб, нега кетиб қолганини Умиддан сўрашди. Умид билан «ота-бола»дек яқинлашиб қолганини билишарди. Умид уларга тайин бир гап айтолмади. «Профессор сув ичгани кетса ҳам менга айтади-ми!»— деди майда гап «ишқибозлари»дан бирига шартга қамчи уриб.

Ҳар қалай домласининг келди-кеттисини куткилаш Умидга ёқмади. «Кекса, ҳурматли одамга нисбатан бунчалик «майда гап» бўлиш яхши эмас», деди у ўзига-ўзи.

Шу кетганча Салимхон Обидий бир ҳафта институтга келмади. Саккизинчи куни Шукур Каримович унинг уйига телефон қоқди. Қизининг «папамлар касал» деганига ҳам қарамай Шукур Каримович: «Телефонларингнинг шнури узунлигини кўрганман, папангнинг ёнларига олиб бориб, трубкани бер», деди. Жанна бу ишни қилишга мажбур бўлди. Бир лаҳзадан кейин Салимхоннинг ёлғондан инграб, хириллаб гапирган товуши эшитилди:

— Лаб-бай?

— Саломатмисиз? Нима бўлди, Салимхон Обидович?

— Тобим йўқ...

— Безовта қилганим учун кечирасиз.

— Марҳамат.

— Ўзингизни яхши севсангиз, тузалиб қолсангиз, Фарғонага бориб келмайсизми?

— Касалман...— деди энсаси қотгандай қисқагина қилиб,— соғлар бор, ўшалар борсин!

— Майли, профессор,— деди директор ҳам гапни қисқа қилиб,— талабгорлар кўп, аммо еизга ўхшаган катта олимлар иштирок этишини тайинлашган эди...

— Ки-и-им?

— Қим тайинларди, Цека.

— Нима бўлмоқчи ўзи?— деди Салимхон Обидий товушидаги хириллаш, инг-пинглар йўқолиб.

— Кенгаш. Пахта селекцияси ҳақида ҳам гап бўларкан. Цеканинг сиретарлари ҳам иштирок этармиш. Ҳамма селекциячи олимлар таклиф этилган.

— Канаш, Отабоевлар ҳам борадимми?

— Албатта!

— Ҳм...— Салимхон Обидийнинг овози чиқмай қолди. Афтидан, ўзини «оғир касаллик»ка ва кескин «бормайман» деб қўйганига жиҳолат бўлиб тургандек сезилди. Бир нафасдан кейин унинг овози чиқди:— Боринглар, қатта кенгашларда иштирок этинглар... Бизлар қариб, чўкиб қолганмиз. Ёшлар ҳамма ишни қўлга олиши керак. Ёшлар президиумга чиқиб ўтирса ярашади. Бизларни нима қиласиз.

— Домла,— деди Шукур Каримович,— арзимаган гапларга асабни бузиш яхши эмас. Келинг, бошқа гапларни ҳам айтаман...

— Соат тўғизда келиб, номер ос, дерсизлар ҳали... Иш шунга қараб кетяпти. Сал гапга «партия мажлисига масалдангни қўяман!» дерсизлар.

— Э, қўйинг бу гапларни, домла.

— Ёшларнинг олдида кексаларни бообрў қилишдан мақсад нима? Агар мен кечикиб келган бўлсам, ширин сўз билан ёлғиз ўзимга айтилса, ҳиссасини чиқариб юбора олмайманми! Наҳотки, қўлимдан келмаса?! Илм ўчоғида қўпол маъмуриятчилик — аракчевшина! Қофар зарар, дўстим! Бир навни саккиз йилда

топсак, хўп, бир соат кечикиб келганимга мени инглизларга ўхшатиб, фронтовикларни писанда қилиш... Э, ўша инглизларингиз қурсин. Мен ўз ўзбеклигим билан фахрланаман!

— Домла!

— Сирасини айтаман-да, биродар!

— Баъзан жоиз бўлмаган гапни айтиб юборганимизда, катталар чидам, оқиллик билан енгиб юбормасалар бўлмайди, Салимхон Обидович. Ахир буниси сиз ўзингиз яхши биласиз-ку. Бу гапни сиз ўзингиз бизларга қишлоқ хўжалик институтиде дарс берганингизда айтган эдингиз. Мана, қаранг, гапингиз ҳамон қулоғимда...

— Омон бўлинг, Шукур Каримович,— деди профессорга бу гап ёқиб кетиб, мамнуулик билан,— ҳамма ҳам сиздай бўлганида бундай орвиқча асаб бузишлар бўлмаган бўларди. Ҳа, майли...— жиндак наъздан кейин Салимхон Обидий бийром товуш билан аўради.— Шукуржон, дўстим, бунақа катта кенгаш бўлса менинг боришим керакми ўхшайди.

— Шуниси айтаман-да, домла.

— Марказий Комитетимизнинг секретари бўлсалар... менинг бунда қолишим тўғри бўлмас.

— Албатта.

— Вунда қолишим ҳар хил гапларга сабабчи бўлишидан қатъи назар, «профессор қанилар?» деб сўраб қолишса, нима бўлади?

— Мен ҳам шуниси айтаяпман. Эртага келинг, гаплашамиз,— деди Шукур Каримович кўз олдига тошкентликлар яхши биладиган Ориф ўрис¹ни келтириб.

— Нечага бораёй?

— Соат ўнга.

— Роппа-роса ўнда ёнларида бўламан.

— Саломат бўлинг! Хайр, домла!

— Хайр, дўстим!

Шундай қилиб, Шукур Каримович фиррича, Салимхон Обидий «ўзига келди». Иш охирида у «ишонган шогирди» Умиддан профессор ҳовлисыга кириб ўтишни илтимос қилди. Умид директор топширигини

¹ Ориф Иброҳимов — коммунист, революция ветеранларидан. Сохдадиллиги билан машҳур эди.

бажариб, профессор ҳовлисига борди. Институтдаги бўлаётган ишлардан домлани хабардор қилиб қўйишни, бундай ҳаракатни домла яхши кўришини ҳам биларди.

Кечга яқин Умиднинг кириб келиши Салимхон Обидий чеҳрасини очиб юборди. «Касал» ўрnidан туриб, Умидни деворига йўлбарс териси қоқилган хонага олиб кирди — бу энг яқин кишиларига қилинадиган илтифот эди. Ҳовлида Умидни чақнаб кутиб олган Жанна тезда чой, ширинликлар олиб кирди. Анор, олмалар қўйди. Каттагина тарелкада норин ҳам олиб кирди.

— Олинг, Умиджон, уялмай ола беринг, — деди Салимхон Обидий, — мен яқинда тўйиб норин еган эдим. Мана, кўк чой ичиб ўтирибман. Сиз ола беринг!

Уялиб турган Умид, домланинг зўрлашидан кейинвилка билан нориндан ола бошлади, унинг қорни жуда оч бўлмаса ҳам, бу ширин таомни еди. Бир нимани баҳона қилиб кирган Жанна отаси елкасидан Умидга тикилиб қараб қўйди, унга чой қўйиб берди.

Профессор Фарғонага Умидни ҳам олиб кетмоқчи бўлди, чунки унга ассистент сифатида ва умуман ёнида бир кўмакчи бўлиши кераклигини айтди. Эртага директорга айтиб, унга ҳам командировка ҳужжати ёздиражagini, Фарғонани ва у ердаги селекция станциясини кўриб қўйиши кераклигини, бу станциядан Румшевич чиққанини ҳам айтди.

Умид рози бўлиб, домласига миннатдорчилик билдирди.

Орадан уч кун ўтгач, эрта билан соат олтида Умид Салимхон Обидий ҳовлисига етиб келди. Тонг ғираширасида чиқиб катта дарвоза ёнидаги эшикни очган Жанна Умидни ичкарига чорлаб, нозик қўлларини узатди. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ иккинчи қўли билан очилган оппоқ кўксини бекитди. Лекин барибир қўллар орқасидан бу бекиёс кўкрак «мени қўйиб юбор!» деб тургандек бўларди. Умид тикилиб боқмади, уялди... Аммо ўз кўзларига қадалиб турган Жаннанинг тимқора кўзларига бир қараб қўйди. Негадир унинг йўлини тўсгандек бўлди-ю, бир лаҳза улар бир-бирларига тикилиб қолишди. Умид юрагига шайтон ғулғула солди: у рўпарага — ҳовлига қаради. Ҳамма ёқ жимжит ва осуда: ҳали бутун шаҳар ширин уйқу қу-

чогида. Жанна бўлса ҳамон бир нима демай, Умидга тикилиб турарди. Кўксини бекитиб турган қўлларини ҳам олиб, ярим қадамча Умидга яқин келди. Атлас кўйлак этаклари Умидга тегиб ҳам турарди. Жанна кўзларидаги кучли эҳтирос ва анчадан буён ҳар нарсани баҳона қилиб, Умид билан мулоқотда бўлаётгани ва қандайдир бир сирли куч Умидни туртиб юборгандай бўлди-ю, дарвоза ёнида Жаннани маҳкам қучиб, бағрига босди. Қўрқиб, ҳадиксираб, лабларидан икки марта ўпди. Жанна Умид қучоғида эриб кетгандай бўлди. Бир лаҳзадан сўнг Умид гўзал Жаннани бағридан бўшатди. Жанна уялиб, ерга қаради. Қизариш... Бир дамлик сукутдан кейин Жанна секин: «юринг, ичкарига кирамиз, Умид ака», деди. Олдинда Жанна, ундан кейин Умид каттакон ҳовлини кесиб, ҳовуз бўйи орқали меҳмонхонага киришди. Бунда кичкина дастурхон ёзилган эди. Жанна ўймакор юмшоқ курсини кўрсатиб, Умидни ўтиришга таклиф қилди. Қип-қизариб кетган Умид ўтирди. Жанна бўлса ерга қараб, «мен ҳозир келаман...» деди-да, бир дамда чиқиб кетди. «Мен нима иш қилиб қўйдим?» деди ўзига-ўзи Умид. Бу қандоқ иш бўлди? Бундай саҳарлаб ҳеч қачон эшик очмайдиган, бундай ишларни хизматкорлари қилиши кераклигини ва у бугун атай шайланиб, Умид учун эшик очганини пайқади. Наҳотки, бу «катта даргоҳнинг эрка қизи»га у ёқиб қолган бўлса! Умид уни бағрига босиб қучганида, у ҳеч қаршилиқ кўрсатмади. Аксинча, унинг ўзи талпиниб турарди... Гўзал қиз эҳтиросини қайтариш, унинг қайноқ ҳисларини муз бўлиб сўндириш — нормаллик, деб ўйлади Умид. Бу ажойиб тонг сирларидан мамнун бўлгандек, гурур билан жўрсиниб ҳам қўйди. Сенга бағрини очса-ю, сен унга лоқайд бўлишинг — пичоқ билан ургандан ҳам ёмон, деди у ўзининг қилиб қўйган ишини маъқул кўриб. У ўзини ҳимоя қила бошлади. Аммо шу лаҳза унинг кўз олдида Ҳафиза пайдо бўлди — бу тенгсиз гўзал қизни ҳам худди шундай қучган. У: «Нима иш қилиб қўйдингиз, Умид ака!» дегандек бўларди. Умид бўлса: «Бу иш сен билан менинг ўртамдаги муҳаббатга асло тўғанроқ бўлмайди. Нима қилай, мен уни беихтиёр қучдим. Лекин барибир сени севаман... Сендан бўлак менинг юрагимга яқин киши йўқ!»

Шу дам кўчада машина гуриллагани эшитилиб, эшиклари қарсса ёпилди. Жанна чиройли пиёла билан бир чойнак чой олиб кирди. У чойни қайтариб, пиёлага қуйди, Умидга узатди. Жаннанинг бениҳоя шоду мамнунлиги, ҳеч нима демай гунг одамдай юрган бўлса ҳам, кўрсатаётган меҳрибончиликларидан сезилиб турарди. Улар негадир бир-бирларига қарашдан уялишарди. Кўп ўтмай хонага Иноғомжон кириб келди, у ялт этиб Жанна билан Умидга қаради. Умид юзидаги қизилликни ҳам сезди.

— Менга чой қани?— деди Иноғомжон Жаннага ҳазил қилиб.

— Ана пиёла, қуйиб ича беринг!— деди Жанна эркаланиб.

— Ия, бизга ҳам қуйинг!

— Умид акам қуйиб берадилар,— Жанна яна эркаланди.

— Сизнинг қўлингиздан ичаман.

— Об-бо-о.

Умид чой қуйиб, Иноғомжонга узатди.

— Папамни сизга топшираман, Умид ака, — деди хонадан чиқиб кетаётган Жанна, — у ёқда банкет бўлса, кўп ичмасинлар, сердцалари кўтаролмайди.

— Хўп бўлади,— деди Умид гўлдираб, бирон гап айтолмай.

— Қайтишда телеграмма беринглар! У киши бунақа ишларни билмайдилар... Ҳамма учёнийлар ҳам шунақа, — деди Жанна Умид билан ўзи ўртасида ҳеч нима бўлмагани, аспирант билан расмий гаплашаётганини Иноғомжонга билдириш мақсадида.

— Хавотир олманг, ҳамма иш сиз тайинлагандек бўлади, — деди Умид пиёладаги чойдан ҳўплаб.

Жанна Умид билан Иноғомжонни қолдириб, ўзи чиқиб кетди.

Улар иштаҳа билан нонушта қилиша кетди.

— Жанна — профессорнинг бахти, — деди Иноғомжон, — домла ёлғиз қизларини жуда яхши кўрадилар. Ўзи ҳам Тошкентда битта. Ниҳоятда гўзал, ақлли.

Умид Иноғомжоннинг гапларини тасдиқлагандек, беш қимирлатди.

Орадан ярим соатча вақт ўтгач, профессорнинг апа-укалари, савдо соҳасида ишлайдиган икки ошна-

си, Сунбулхон аянинг укаси, жами беш киши уни вокзалга олиб чиқиб қўйиш учун ҳовлига тўпланишди. Дарвоза олдида уч машина, Иноғомжон машинаси билан тўрт машина қаторлашди. Соат еттида чамадонлар машинага жойланиб, профессор олдинги машинада, тўрт «Волга» қатор бўлиб вокзал томон юрди. Вокзалда ҳукумат аъзолари хонаси ёнида яна тўрт киши (шаҳар савдо ташкилотларидан бўлса керак) кутиб туришган экан. Жанна билан Сунбулхон ая ҳам ясантусан бўлиб, одамлар даврасида туришарди. Умид билан Иноғомжон юкларни вагонга олиб кириб, жойлаб чиқишди. Кекса, салобатлик кишилардан андак тортиниб, четроқда ёлғиз турган Умид ёнига Жанна келди. У негадир қизарар, нима дейишини билмасди.

— Сиз Фарғонада бўлганмисиз? — Жанна сўради.

— Йўқ. Мен фақат Мирзачўлда бўлганман.

Жана қиқиллаб кулди. Умид костюмининг пастки тугмачасини қадаб қўйди.

— Симпозиум тугагач, тез қайтинглар-а?

— Бу, дадангизларга боғлиқ.

— Папам сизнинг сўзингиздан чиқмайдилар. Сиз ҳақингизда жуда яхши фикрлар айтдилар. Сиз жуда талантили эмисиз...

Умид нима дейишини билмай, жим турди.

— Папам, сиз ишлаётган тема муҳим эканлигини, бу темани сиз яхши ҳал қилишингизга ишонармишлар.

— Раҳмат,

— «Селекциячилигимизнинг келажаги», дедилар сизни папам.

— Бу ишончни оқлай олармиканман, жуда кўп ўйлайман. Аммо устозимнинг менга самимий ёрдам бераётганликларидан ичимга сиғмай хурсандман. У киши жуда олижаноблар.

— Сиз у кишининг муҳаббатларини қозонгансиз. Сиз сеҳрли одамсиз.

— Менга жуда катта баҳо беряпсиз, Жанна. Мен оддий студент йигитман. Мен ўзимнинг бирон ноқўя ҳаракатим билан сизни бир кун эмас, бир кун ранжитиб қўяманми деб қўрқашман. Сиз жуда гўзал қизсиз. Мен нима иш қилиб қўйганимни ўзим билмапман. Агар устозим билиб қолсалар, мен нима деган одам бўламан...

— Умид ака!— Жанна бармоғини лабига босди.
Занг урилди.

Кузатувчилар профессор Салимхон Обидийни вагонга чиқариб қўйиб, перронда қатор туришди. Кўп ўтмай, поезд юриб кетди. Кузатувчилар «ўз садоқатларини» билдириб, анча жойгача қўлларини қимирлатиб боришди. Бу ҳолатни Сунбулхон ая диққат билан кузатиб турарди...

Учинчи боб

ЧУҚУР ДАРЁ ТИНЧ ОҚАР

Тошкентдан чиқиб кетган поезд далалар оша чопиб борарди. Салимхон Обидий билан Умид купеда анча жойгача бир-бирларига қараб ўтиришди. Профессор илгари ҳар гал Москвага борганида мана шундай ёр-биродарлари кузатишиб, келишида ҳам уюшқоқлик билан кутиб олишарди. Поезд Янгийўлдан ўтмасданоқ ён-веридаги купеда кетаётган кишилар Салимхонни кўриб қолишиб, бирин-сирин кириб, купе тўлди. Карта ўйини бошланиб кетди. Умид секин сурғилиб чиқиб, деразадан бепоён далаларга тикилиб борарди. Поезд тақа-тақ, тақа-тақ... қилиб чопар, чексиз далалар унинг йўлида чарх айланиб қоларди. Юртимизнинг қанчалик кенглигини, бу кенг ерларимиз берадиган нозу неъматлар халқимизга етиб ортишини, бу ерларни ишлаган халқ ҳеч қачон фақир бўлмаслигини кўнглидан ўтказди Умид. Фейли кенг, саховатли, меҳмондўст ўзбекларнинг донги ҳамма ёққа кетган.

Лоп этиб Умид ёдига бугун эрталабки воқеа тушди. Ҳеч кутилмаганда бундай ишнинг бўлиши уни ҳайратга солди. Тонг сирли бўлди, деди у ўзига-ўзи. Аммо ўйлаган билан бу сирнинг тагига етолмасди. Асал егандек тамшаниб ҳам қўярди — сирли тонг асири бўлдимми? Унинг кўз олдига икки шўх қиз — Жанна билан Ҳафиза келди. Бу икки қиз унинг кўзларига тикилар, уни эркалагандек бўларди. Наҳотки, у бу икки қиз муҳаббатига сазовор ёки бу тушми? Бир юракка икки муҳаббат сиғмайди-ку! Унинг нимаси бу қизларга ёқди экан? Ёки у хиёнат қилмоқдами?! Пок муҳаббатга иснод келтирмоқдами?

Ҳа, шундай!

Нега у Жаннани қучди? Бу, Ҳафизага берган сўзларига, аҳду паймонларга хиёнат эмасми! Виждон қани? Виждоннинг тиши йўқ, лекин у ғажиб ўлдиради...

Умиднинг юраги шиғиллаб кетди. У икки қиз ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилди. У илмий иши — домласи айтгандай, вильт касалига қарши кураш ва ҳатто бу дардга чидамли навни топишнинг ўзи ҳам жиддий проблема... — деган гапларни эслади. Ҳатто Жанна пахтачиликка бағишланган кенгашни «симпозиум» деганини, умуман, унинг ҳар бир гапни ғарбча айтишини ёқтирмаса ҳам, негадир бу қизга қайноқ бир инсоний ҳурмат билан боқарди. Жанна учун на пахта, на селекция ва на миллионлаб тонналар керак эди. У отасининг «доктор, профессор» эканлиги, «Салимхон Обидий» деган ном кўпларга маълум эканлиги, ҳатто министрлар унинг отасини таниши кўпроқ қизиқтирарди. Жанна ички дунёсини оз-моз билиб олган Умид, бу нарса шу ёшдаги ҳамма қизларга ҳам хос деб тушунарди. Вильт касалини келажақда риштадек ном-нишонсиз йўқ қилиб юборишда у ҳам мингларнинг бири бўлиб, келгусида фахрланиш орзуси билан яшарди. Вильт, рақ муаммоси ҳам ҳал бўлар, лекин Шукур Каримович айтганидек, баъзи кишилар феълү атворидаги «вильт ва рақ»ни тузатиш амри-маҳол бўлади...

Шу лаҳза купеда ўтирганлардан бири бошини чиқариб, Умидни чорлади.

— Йигит, бу ёққа келинг.

— Лаббай?

— Жиндак...

Умид купега яқин келиб, чамадон устига дастурхон ёзилгани, қазилар япроқланиб, товуқлар бурдаланганини кўрди. Колхозчи дўстлардан бири Умидга коньяк узатди:

— Отиб юборинг, ука! Домлангизнинг саломатликларига ичяпмиз. Оқсоқол доимо саломат бўлсинлар!

Умид уялинқираб ҳайрон турган эди, кайфи ошган Салимхон Обидий «ичиб юборинг» дегандек, бош қимирлатди. Умид коньякни ичиб юборди. Коньяк тутган киши дарҳол товуқнинг бир сонини узатди.

Шундай қилиб, карта, коньяк, аския билан қандай

қилиб Марғилон станциясига етиб боришганини билмай қолишибди. Водилга ўтиб кетаётган раислар профессор билан Умидни ўзларини кутгани чиққан машинада Фаргона меҳмонхонасига жойлаштириб, кейин районга жўнашди. Улар эҳтимол, эртага кенгашда учрашиб қолишлари ҳам мумкинлигини айтишди.

Бошқалар эртага эрта билан самолётда келмоқчи бўлишган эди.

Салимхон Обидий: «Агар фавқуллодда зарурат туғилмаса, поездда юрган маъқул», деган ўз «фалсафасига» амал қилиб, поезд билан йўлга чиқди.

* * *

Эртасига эрта билан соат ўн бирда область партия комитетининг кўркем залида пахтачиликни янада ривожлантириш, мўл ҳосил олишда механизациянинг ролига бағишланган кенгаш очилди. Бунда областнинг илғор пахтакорлари, механизаторлар, ирригаторлар, селекциячи олимлар, тупроқшунослар ва партия, совет ходимлари тўпланди. Бошқа областлардан ҳам меҳмонлар келди. Зал фойеларида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, илғорларнинг портретлари, алоҳида тахталарда диаграммалар, илдизи билан олинган гўза навлари, ҳовлида эса бир неча янги трактор ва терим машиналари турарди.

Тошкент селекция ва уруғчилик илмий-тадқиқот институтидан борган олимлардан икки академик президиумда ўтирарди. Профессор Салимхон Обидий, Шукур Каримович ва бошқалар залда, олдинги қаторлардан жой олишди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари пахтачиликда қўлга киритган ютуқлар ва республика пахтакорлари олдида турган вазифалар ҳақида доклад қилди. Докладчи баъзи нуқсонлар ҳақида ҳам муфассал гапирди. Бу нуқсонларни асосан икки гуруҳга бўлиш мумкин эди: вильт касалига қарши кураш суст бораётгани, шу билан бирга пахтанинг серҳосил, эртапишар навларини яратиш ва кенг тарқатиш масаласи. 108-Фнинг чинакам дала паҳлавони экани, бутун кучни шу синалган паҳлавонга юклай бермаслик, унинг ёнига бошқа паҳлавонларни ҳам киритиш кераклигини айтди. Доклад-

чи С-8257 билан Мутант-1 навларини анча мақбул деб қайд қилди. Ингичка толали ипак пахта навларини яратишда қилинган ишларга катта баҳо берди. Кенгашда иштирок этаётган ва этмаётган селекциячи олимларнинг деярли ҳаммасини номма-ном айтиб, уларни пахтачиликни янада ривожлантиришда кўмакдош бўлишларини, эртанишар, серҳосил, дардга чидамли навлар яратиб беришликка чақирди...

Залда, Салимхон Обидий ёнида ўтирган Умидга Марказий Комитет секретарининг селекция ишларини, унинг пасту баландини яхши билишлиги ва бу соҳани «сувнинг боши» деб атагани жуда ёниб тушди. Дарҳақиқат, далаларга оқиб бораётган бўлоқларнинг бошланиши — селекциячиликдир. Партия бу соҳага жуда катта эътибор бераётгани, пахтачиликни ривожлантиришда селекциячиларнинг роли муҳим эканлигини кўпгина далил ва мисоллар билан гапириб берди.

Кенгашдан кейин Марказий Комитет секретари обком ва райком секретарлари иштирокида селекциячи олимларни алоҳида қабул қиладиган бўлди.

Область партия комитетининг шинамгина маслаҳат зали. Белгиланган соатда обком секретари билан бирга қабулхонага кириб келган Марказий Комитет секретари бу ердаги селекциячи олимлар билан қуюқ омонлашди. У бошқалар билан ҳам худди шундай илиқ мулоқотда бўлгач, кекса академик ёнига келиб, унинг қон босими — касали тузалиб кетдими, умуман саломатлигини сўради. Кекса олим ҳозир ўзини яхши сезаётгани, бу дард баъзан ўзини эслатиб ҳам қўйишини айтди. Шундан сўнг, институтдаги аҳвол ва ўзининг илмий ишлари ҳақида баҳс бошланиб кетди. Кабинет эшигида Салимхон Обидий билан гаплашиб, жилмайиб турган Пўлатжон Содиқов тўпланганларни залга таклиф қилди.

Қабулхонада тўпланганлар ичкарига кириб, стулларга ўтиришди. Рўпарама-рўпара ўтириб қолган Пўлатжон Содиқов профессор Салимхон Обидийнинг чап ёнига ўтирган Умидга негадир қарай берди. Умид қизарди. Бу қотмагина киши — Ҳафизанинг отаси эканини кечаёқ кенгаш вақтида таниб олган эди.

— Бу йигитча менинг аспирантим Умиджон Рустамов, — деди Салимхон Обидий Содиқовга мурожаат

этиб,— Умиджон, Пўлатжон Содиқович билан танишиб қўйинг, Фарғона обкомининг секретари, менинг мактабдош ошнам...

Умид ўрнидан туриб, Пўлатжон Содиқовга яна бошқатдан қўл узатди. Уларнинг иккови ҳам қизаргандек бўлди. Лекин бу ички ҳаяжонни уларнинг ўзидан бўлак ҳеч кимса сезмасди. Нафисахонни икки бор ҳовлиқтириб Тошкентга югуртирган, Ҳафизанинг эс-ҳушини тортиб олиб, отаси бетоблигида ҳам Фарғонада бир ҳафтагина туришга йўл қўймаган... мана шу қорача йигит экан. Пўлатжон Содиқов Умидга икки марта ўйчан тикилиб қўйди, бу тикилиш самимийликданми ёки ғазабданми, Умид буни сеза олмади.

Юқорида академиклар билан қизгин суҳбатга тушиб кетган Марказқўм секретари бир дамдан кейин ўтирганларга мурожаат қилди:

— Агар қарши бўлмасангизлар, институт директори Шукур Каримович селекциячилигимизнинг аҳволи ҳақида бизни хабардор қилсалар. Бирон масалада Марказий Комитетнинг аралашуви керак бўлса, уни ҳам эшитсак...

Пастроқда, Умид ёнида ўтирган Шукур Каримович ўрнидан туриб, институтда олиб борилаётган илмий ишлар, проблемалар, экспериментлар ва бошқалар ҳақида гапирди. У жиндак шошди, ёш олимни катталар салобати босиб турарди. Марказий Комитет секретари унинг гапларига диққат билан қулоқ соларди. У шошгани, тутилгани билан ўз ишини пишиқ билишлигини, институт бирмунча яхши ишлар бошлаганини сезиб турарди. Марказқўм секретари Шукур Каримович юрагида гап кўплиги, ғайрату ташаббуси жисмига сиғмаётганини ҳам сезиб турарди.

— «Мутант-1» ҳақида, марҳамат қилиб, бизга маълумот берсангиз. Агар гамма нурлари таъсирида топилган бу навни олимларимиз маъқуллар экан, нега уни кенг тадбиқ қилмаймиз?

— Бу ҳақда менинг гапиришим қандоқ бўларкин, — деди Шукур Каримович.

— Академиядаги ўртоқлар менга бу янги нав ҳақида анча яхши фикрлар айтди. Мен, бу ердаги олим ўртоқларнинг фикрларини билишни истардим. Бу нав вильтга ҳам чидамли эмиш. «Мутант-1» 108-Ф дан олинганми?

— Шундай.

Ўртага тушган бир лаҳзалик сукунат вақтида Салимхон Обидий секин Шукур Каримовичнинг костюми этагини тортди. Директор сал бош эгиб, Салимхон Обидийга қаради.

— Енгил машина сўранг, хонаси келиб қолди,— шивирлади Салимхон Обидий. Унинг шивирлашини Умид эшитиб турарди, — уялмасдан гапира беринг! Бир неча олимларимизга «фан арбоби» деган унвон олиб бериш керак. Пайти келди, қистириб қолинг.

Аммо Шукур Каримович миқ этмади. У Оққўрғон районида институт учун эллик гектар ер берилишини Иккинчи оранжерея қурилишининг бошлаб юборилиши кераклигини гапирди. С-8257 билан С-1622 навлари 108-Ф билан бир қаторда қўйишда, уларни республика пахта далаларига кенг тарқатишда Марказқўм ёрдам беришини илтимос қилди. Баъзи колхоз раислари 108-Фга жуда ўрганиб қолиб, юқорида айтилган икки аъло навнинг кенг тарқалишида жасоратлари етмаяпти. Бу навлар пахтакорни алдамаслигига мен кафилман,— деди Шукур Каримович,— механизация тўғри йўлга қўйилиши сабабли республикада пахтачилик тараққиёти мислсиз ўсди. Энди селекциячиликка ҳам катта эътибор керак! Бу соҳа ҳам, механизация масаласи каби ҳал қилувчи соҳа. Ўртоқ секретарь, ҳар кимники ўзига — ой кўринар кўзига, дейдилар. Республика селекциячилари ишини жиндак меъёридан ошириб айтган бўлсам узр сўрайман.

— Кам гапирдингиз, ўртоқ Каримов,— деди Марказқўм секретари ҳаяжонланиб,— пахта селекцияси ишлари билан камроқ шуғулландик. Ахир, бу ҳақиқатан сувнинг қулоғи-ку! Биз ўз ишимизни уч-тўрт йилга мўлжаллаб қилаётганимиз йўқ, биз келгуси эллик, юз йилларга мўлжаллаб, ишонч билан иш олиб боришимиз керак. Эшак миниб оёқ остини эмас, туя миниб олисни кўзлаш керак. Шу нуқтаи назардан, сизнинг Марказқўм аралашуви лозим бўлган масалаларни айтаётганингиз жуда маъқул. Мен фикрларингизни Цека бюросига етказаман...

Шундан кейин бошқалар ҳам ўз мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Профессор Салимхон Обидий сўз сўраб, ўрнидан турди.

— Ҳамма гаплар маъқул,— деди Салимхон Обидий одамлар диққатини ўзига жалб этиб,— аммо авторитет йўқ!

— Нега авторитет йўқ?— сўради Марказқўм секретари.

— Илмий-тадқиқот институтининг машинаси йўқ. Биз-ку, майли, локин директорнинг ҳам машинаси йўқ. Айтишга ўзи уяляпти, мен Цекадан машина сўрайман.

Залда гурра кулги кўтарилди.

— Авторитет йўқ дег,— деди секретарь кулгидан кўзларида пайдо бўлган ёшни рўмолчаси билан артиб.— Ўртоқ Обидий, мен сизни ишонтириб айтаманки, «авторитет» бўлади.

Шу лаҳза Шукур Каримович гўдайиб турган Салимхон Обидийга хўмрайди, «домла, расво қилдингиз!» деб пўнғиллади. Лекин Салимхон Обидий жойига ўтирмай, яна гапини давом эттирди:

— Селекциячи олимларга ғамхўрликни яна ҳам кучайтириш керак. Пахта масаласи ҳамма вақт чирсиллаб турган масала. Бас, шундай экан, селекциячиларни рағбатлантирилса, яна кўп навлар дунёга келарди...

Салимхон Обидийнинг бу гапи кулги эмас, совуқлик касб этди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Бу гапнинг ҳам ноқулай, асосий масаладан четлашаётганини барча сизди. Лекин ҳозир бир расмий мажлис эмас, но-расмий суҳбат эканлигини ҳисобга олиб, бу қусур эмас, дегандек қилишди. Салимхон Обидийнинг сафдошлари ичдан ранжишди.

«Пистан бемағз агар лаб во кунед, расво шавад...» деди ичида тожик тилики яхши биладиган академик Отабоев.

— Гапингиз тўғри,— деди Марказқўм секретари ҳар хил фикрларга боришни ва Салимхон Обидийнинг хижолат бўлмаслигини кўзлаб,— биз ғамхўрликни яна ҳам кучайтиришимиз керак. Селекциячилар умум ва зарур ишимизга катта ҳисса қўшаётганини биламиз. Нимаики зарур бўлса, шуни қиламиз. Мен Отабоев, Каримов ўртоқлардан илтимос қиламан, шу айтилган ва ҳали айтилмаган бошқа масалалар-

ни яна бир қараб чиқиб, Цекага доклад ёзилса. Менимча, бюро қувватлайди... Пахтачилигимиз чуқур ва кенг дарё, чуқур дарё — тинч оқади, дейдилар.

Домласининг ноқулай гапириб юборганидан хижолат бўлиб ўтирган Умидга жон кирди. Секретарь гапидан кейин, Салимхон Обидийнинг ўйламай айтган гапи ҳам сезилмай кетди. Раҳбар кишининг раҳбарлиги мана бунақа бўлади, деди ўзига-ўзи Умид. Рўпарасида ўтирган Пўлатжон Содиқовнинг «домлангиз шунақалар...» дегандек истеҳзо билан қараб қўяётгани — «зиёлилар майда гап, доимо обрў талаб кишиларсиз...» дегандек ҳам бўларди. Камгап, қарашлари ўткир Пўлатжон Содиқовнинг кўзларидан бир дунё маъно англарди. Шу одамнинг қизини у жонидан ҳам аъло севади. Бу одам унинг бўлғуси қайнатаси...

Обкомдаги суҳбат икки соатдан мўлроқ давом этди.

Шу кун сифдоши Пўлатжон Содиқовнинг таклифи билан Салимхон Обидий, Шукур Каримови, Умидлар унинг уйида меҳмонда бўлишди.

Кечга яқин азиз меҳмонларни кутиб олган Пўлатжон Содиқов Нафисахонга уларни таништирди. Пурвиқор Салимхон Обидий орқасида уялинқираб турган Умидни кўрсатиб:

— Бу киши профессорнинг аспиранти Умид Рустамов,— деди Пўлатжон Содиқов Нафисахонга. Лавлагиси чиқиб кетган Умид Нафисахон билан қўл беришиб кўришди. Унинг қулоғига: «Бу киши сенинг куёвинг Умид бўлади...» дегандек эшитилиб кетди. Нафисахон ҳам Умидга чуқур қаради, унга ҳурмату илтифот билан анча юқоридан — профессор ёнидан жой кўрсатди. Хона деворида гўзал Ҳафизанинг кулиб турган сурати ҳам турарди. Умид бу севикли киши суратидан кўз узмасди. Унинг суратга тикилиб турганини нариги хонадан Нафисахон кузатар, бошқалардан кўра ҳам шу қорача йигитнинг салобати уни довдиратиб қўйган эди.

Бир лаҳзадан кейин Ҳафизанинг укаси Алишер ҳам келиб Умидга тикилди, қўлидаги апельсинини унга «туҳфа» қилди. Умид бу дилкаш «полвон йигитча»ни тиззасига олиб, гапга солди. Алишер де-

вордаги Ҳафиза суратини жимжима бармоқлари билан кўрсатиб, «опам, Ҳафиза опам...» дерди.

Кичик Алишер нима деяётганини Салимхон ҳам, Каримов ҳам билмас, аммо Умид яхши тушунарди...

* * *

Салимхон Осидий билан Умид меҳмонхонага қайтиб келишганда, соат ўн икки эди. Профессор нардан-бери бет-қўлини ювди-да, ечиниб ёстиққа бош қўйди. Кўп ўтмай, у пишиллаб ухлаб қолди. Ора-чора хуррак ҳам тортиб қўярди...

Умиднинг уйқуси келмади — у чалқанча ётиб, кун бўйи кўрганларини, эшитган гапларини яна бир карра хаёлидан ўтказа бошлади. У катта йиғинларда биринчи бўлиши эди. Умид ҳамма гапларни бир-бир хаёлидан ўтказди... Унинг назарида, кичик чигитлар устида олиб борилаётган иш — давлат аҳамиятига эга бўлган катта иш эканини пайқади. Уларнинг ишига қанчалаб колхозу районлар, областлар қараб турганини пайқади. У шу кунгача селекциячилар зиммасида бунчалик масъулиятли вазифа турганини яхши тушуниб етмас эди.

Фарғонадаги кенгаш Умид дунёқараш доирасини анча кенгайтирди.

Тўртинчи боб

ЎЗИДА ЭМАС ҲУШИ...

Уша куни телефон трубкасини кўтарган профессор Салимхон Обидийнинг: «Марҳамат, айта беринг, ким керак?» дегани-ю, Ҳафизанинг бир сўз айтолмай трубкани қўйиб қўйгани ёдига тушди. Касалдан сўнг диққинафас бўлиб кетган Ҳафиза эрта билан, одатдагидек, ўқишга борди. Дарс тугагач, дугоналарини чалғитиб, шунақаси яна Селекция илмий-тадқиқот институтига жўнади. Энг яқин кишиси билан учрашишга ошиқар, ҳаяжонланар... Бўлиб ўтган гаплар — шунчаки бўладиган майда-чуйда гаплар, уларга эътибор бериш керак эмас, дерди у ўзига-ўзи. Ахир, бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдириш ярамайди! Умиднинг унга бўлган муносабати, уни севиши маъ-

лум-ку! У ҳеч қачон ўз Ҳафизасига хиёнат қилиши мумкин эмас! Ҳафиза Умиднинг садоқатини бир неча бор синаб кўрган. Бу йигитдан номаъқулчилик — пасткашлик чиқмайди. Ҳафизани инкор этиш Умид учун фақат номардлик бўлиб қолмай, бу юзтубан инқирозга кетиш демакдир. Ахир, бу қиз бутун борлиги билан уни севади-ку! Унга ишониб, эътимод қўйгани, севгисини яширмагани тантлиқ эмасми?!

Уртада пайдо бўлган «англашилмовчилик»ни бартараф қилмоқ ниятида, мана, Ҳафиза янгигина заводдан чиққан юмшоқ ўриндиқли автобусда мазза қилиб институт томон борарди. Мабодо, у борса-ю, Умид ўтган сафаригадай совуқ кутиб олса нима бўлади? Ёки унинг кўнглида бошқа бир кимсанинг ишқи аланга олиб юрган бўлса-ю, севикли деб юрган одам аллақачон ўзгариб, совиган бўлса?! Унинг келиши шумшукдан-шумшук бўлмасмикан? Нега у ялинчоқ мушук боладек ҳадеб суйкала беради? Бу, ўз-ўзини таҳқирлаш эмасми?! Бу, унинг қизлик шаънига ярашмайди-ку!

Ёки шу автобусдан тушмай орқага қайтиб кетсаямикан?

Йўқ!

Йўқ! Умид унақа енгилтак йигит эмас! У ҳақиқат ва номус йўлида лозим бўлса ўзини қурбон қилиб юборадиган йигитлардан. У ишқ билан ўйнашмайди — айшу ишрат, хотин-қизларни лақиллатиш, ёлғон гапириш унинг учун бегона! Донжуанчилик, шилдирлик унинг феълига ёт! У инсонни севади...

Ҳафиза автобусдан тушиб, юраги пўкиллаб, институт биносига кирди-да, тўппа-тўғри аспирантлар ўтирадиган умумий хона эшигини очди. Бунда кексагина бир аёлдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ҳафиза салом бериб: «Рустамов бугун келдим, келмадим?» деб сўради. У аёл Умиднинг «командировкага кетгани»ни айтди.

— Қаёққа кетганларини айта олмайсизми? — деди бўшашиб. Наҳотки, Умид телефон орқали ўзининг командировкага кетаётганини айтмаса! Ахир, у бундай сафарга биринчи чиқиши-ку. Демак, у Ҳафизадан жуда қаттиқ хафа бўлган. У бир оғиз бу ҳақда айтиб қўйишни ҳам лозим топмабди. Ҳафиза бир лаҳза жим туриб қолди...

— Фарғонага.

— Фарғона шаҳрида бўладиларми ёки область далаларидами?

— Сиз кимлари бўласиз?— деди кекса рус аёли кўзидан кўзойнагини олиб, Ҳафизага тикилиб.

— Мен у кишининг жиянлари бўламан...

— Ҳа, мен ҳам жиянлари бўлсангиз керак деб ўйлаб турувдим,— деди аёл истеҳзо билан,— Умид Рустамович Фарғонада бўладиган пахтакорлар кенгашига кетдилар. У киши ўз раҳбарлари профессор Салимхон Обидий билан бирга кетдилар. Ҳаммалари кетган.

— Сизга катта раҳмат!— деди Ҳафиза илтифот билан.

Шундан сўнг тиқ-тиқ-тиқ... юриб катта хонадан коридорга, ундан ташқарига чиқиб, автобус тўхтайдиган жойга ошиқди. Ҳалиги хотин орқамдан қараб турмадимикан, дегандек бир-икки орқага ҳам қараб қўйди. Унинг яна дарду дунёси қоронғу бўлди. Қиз бола йигит кетидан шунчалик изтироб чекиб юриши ҳам одобданми? Нега у довдираб, «суймаганга суйкалиб» юрибди?! Наҳотки, шундоқ бўлса? Агар шундоқ бўлиб чиқадиган бўлса, у ўзини хор қилиб юргани шармандалик эмасми?!

Йўқ! Бу ерда ҳозир ҳеч қандай уят иш бўлгани йўқ. Умид командировкага кетган. Ҳафизанинг ўзи ўз ихтиёри билан келди, бу келиш, балки бунга излаш деб атамоқ ҳам мумкин, ҳеч қандай беобрў бўлишга сабаб бўлолмайди!

Ҳафиза ноумид уйга келди. У сўник, кайфи паст эди. Ваъзи қизларга ўхшаб ички руҳий ҳолатини яшира олмас — хафалиги дарров билиниб қоларди. Зукко буви Ҳафиза кўзларига тикилиб сўради:

— Ҳа, қизим, кайфинг бузуқроқ? Нима бўлди?

— Ҳиштама...

— Биров билан уришдингми?

— Йўқ.

— Биров хафа қилдимми?

— Йў-ў-ў-ўқ, бувижон, мунча сўрайсиз?!

— Нега сўрамас эканман, онанг кечагина кетса-ю, бугун яна кўчага чиқиб, хафа бўлиб келсанг! Сафро қайт қилганинг яхши бўлди-ю, аммо дўхтирнинг айтишича, сен кўп нарсани ўйлаб юрагингни сиқмасли-

гинг керак эмиш... Отанг кимсан фалончи, онанг тил-
лога топиб бўлмайдиган Нафисахон бўлса, сендан
бахтли қиз борми! Хўй, сенлар муштумдек вақтинг-
дан муқча серташвишсанлар! Бизларнинг замонамиз-
да сенга ўхшаган қизлар сочимизни қирқ кекил қи-
либ, серкиллаб ўйнаб юрардик. Додамиз бирон яхши
одамга узатиб юборишгач, бола-чақалик, уважувалик
бўлиб кетдик. Мана, етмиш, саксон... қилиб юрб-
миз. Сенлар бўлсанг, эрталаб хурсанд бўлиб чиқиб,
кечқурун буришиб келасанлар. Бутун дунёни ташви-
ши сенларда. Отангнинг даврида яйраб қол, бо-
лам! Мен бир нарсани билиб гапираман. Ҳа, фойдаси-
ни кейин биласан. Қани, менинг ҳам шундоқ
отам-онам шай бўлса. Доим хурсанд бўлиб юрар-
дим...

— Гапларингиз тўғри, буви.

— Анави тилфонда гаплашадиган йигит жим бў-
либ кетди? опанглар ҳам яхши йигит деган эди...

— Нима деяписиз! Унақа йигит-пигит йўқ!

— Ҳмм, йўқ дегин... Нима бўлди?

— Ҳиштама!

Илгари унча оғир кўринмайдиган портфели ҳо-
зир негадир зилдек бўлиб, қўлини тортиб турарди.
Ҳафиза портфелини айвонга отиб юбориб, ичкарига,
уйга кирди-да, ечинмай ўзини каравотга ташлади.
Бир лаҳза чалқанча шифтга қараб ётди. Агар шундоқ
ёта берса ухлаб қолишини ўйлаб, ўрнидан турди-да,
кийимларини ўзгартирди. Шу лаҳза миясига бир фикр
келиб қолди — ярим ечинган Ҳафиза телефон трубка-
сини кўтариб, Фарғонани заказ қилди. «Срочний» де-
ган гапни ҳам қўшиб қўйди. Рўпарасидаги катта тош-
ойнада ярим яланғоч Ҳафиза Ҳафизага қараб ту-
рарди. Унинг пушти ранг бюсгалтер сиқиб турган
оппоқ кўкси, бўйинлари, олича егандек қип-қизил
лаблари, ингичка бели-ю, семиз сонларига тикилди.
У дунёда энг чиройли қиз. Ана, қадду қоматига бир
қаранг! Ҳафиза ойнада ўзини ўзи томоша қиларди.
Шу ойна бошқа ойналарга қараганда одамни яхши
кўрсатарди. У ҳамма вақт шу хонадаги ойнага қа-
рарди.

Буви лаганчада мошкичири олиб кирди. Ҳали кў-
чадан келиб, қўл-бетини ювмаган Ҳафиза овқатга қо-
шиқ ураётган эди, буви тўхтатди:

— Қиз бола нарса, кўкрагингни бекит! Уят бўлади!

— Нима, мени биров кўриб турибдими, уйимдаман!

— Ҳой, она қизим, шайтон бор!

— Шайтон йўқ! Мен ажина-пажиналарингизга ишонмайман! Улар ҳаммаси йўқ нарсалар...— деди ҳингиллаб кулиб Ҳафиза,— исиб, ёниб кетдим, бувижон!

— Бўлмаса, қўлингни юв! Қўл ювиш ҳам янгичада йўқми? Қўл ювиш ҳам бурунги одамларнинг ишими! Ҳа, сизлар!

— Ҳозир...

— Ҳозир-позири йўқ!

— Қўлим кир эмас. Мен қошиқда ейман.

— Мана, ҳамма бало шунда! Бизларнинг ҳам қўлимизга жин теккани йўқ, бизлар ҳам қўлимизни исқирт тутиб, макруҳларга кон қилиб қўйганимиз йўқ! Сенга ўхшаш кир пасонларни нима деса бўлади! Сенлар ҳаром-ҳаришнинг фарқига бормайдиган бўлиб кетяпсанлар! Бор, қўлингни ювиб кел!

— Хўп, бувижон,— хомуш, бўшашиб кўчадан келган Ҳафиза бувисининг қаттиқ турганини сезиб, ҳингиллаб ҳовлига, водопроводга югурди. У сувни шарпллатиб қуйиб, қўлини наридан-бери ювмоқчи эди, деразадан кузатиб турган буви яна ўшқирди:

— Совунлаб юв, икки марталаб совун сур! Башараларингни ҳам юв!

— Х-ў-ў-ў-п!— деди эриниб Ҳафиза.

— Оғзингни ҳам чайқа!

— Вой-й, бў-ў-ў... қанақасиз!

— Бурнингни ҳам!

— Бурнимни чайқамайман! Бурнимга нима қилибди!— Ҳафиза эркаланди.

— Чайқа дейман!

— Хў-ў-ў-п...

— Сенларга қўйиб берса бир умр оғизларингни чайқамайсанлар! Яна бунинг устига лабларингни бўйясанлар! Кир пасонлар! Оёқларингни ҳам ювганинда қандоқ яхши бўларди.

— Энди ҳаддингиздан ошманг, буви! Агар сиздан бошқа одам бўлганда, қўлимни ювмай қошиқда еб қўя қолардим. Мошкичирингиз менга жуда қимматга тушяпти.

- Ҳа, майли, гуноҳларингни худо кечирсин.
- Ҳафиза мошкичири еяётганда, телефон сурункасига калта-калта жириглаб қолди. Ҳафиза югуриб бориб трубкани кўтарди.
- Ало-о! Бу мен, Ҳафизаман. Опа, сизмисиз?
- Ҳа, мен,— деди у томондан Нафисахон энти-киб,— тинчмисизлар! Ҳафиза, нима гап?
- Тинчлик...
- Соғмисан? Нима бўлди?
- Опа, ҳеч гап йўқ. Ҳаммамиз соғмиз... Адамлар яхшимилар, ўзингиз соғ-саломатмисиз? Алишер яхшими?
- Биз соғ-саломатмиз. Бувинглар яхшимилар?
- Ҳа, жуда яхши.
- Қудратжон-чи?
- У ҳам. Ҳеч биздан хавотир олманг.
- Тинч экансизлару,— деди Нафиса. Унинг кўк-сига туфлаётгани шундоқ эшитилиб турарди,— телефон бирдан жириглаб, Тошкент деса юрагим ўйнаб кетди.
- Йўқ, опажон, ҳаммамиз тинчмиз.
- Ҳа, нега телефон қилдинг?
- Ўзим.
- Ўзинг ҳеч бунақа қилмас эдинг-ку?
- Ҳа, телефон қилмайми? Соғиндим, телефон қилгим келди. Нима, малол келдими?
- Йўқ, қизимдан айланай, телефон қилиб турганинг яхши. Майли, телефон қила бер. Мана, Алишер ҳам сен билан гаплашмоқчи... Аданглар обкомдалар, телефон қилганингни айтиб қўяман, аданг хурсанд бўладилар...
- Бувимлар ҳам сизга салом айтяптилар.
- Саломат бўлсинлар.
- Опа, Фарғонада нима гап?
- Тинчлик. Соғ-саломатмиз...
- Мажлис бўлдими?
- Ҳа, обкомда ҳар куни мажлис... Мажлислар сероб.
- Бир мажлис бўлаётган эмиш-ку? Пахтакорлар мажлиси.
- Ҳа, айтгандай, пахтакорларнинг кенгаши бўлди. Селекция институти олимлари бизникига келишди. Адангларнинг синфдош ошналари Салимхон деган

профессор ҳам бизникига келди. У киши билан ўша Умид деган йигит ҳам келди. Зиёрат қилдик... Ярим кечагача бизникида ўтиришди. Умид жуда одобли йигит экан, бир рюмка ҳам ичкилик ичмабди... Профессор ҳам уни жуда мақтабди...

— Катта уйда ўтиришдими ёки терассада?

— Катта хонада.

— Менинг суратим деворда турганмиди?

— Ҳа.

— Улар Фарғонадан қачон қайтишаркан?

— Кетишган бўлса керак. Ёки эртага кетишармикан. Ҳали аданглар келганда сўрайман.

— Йўқ, сўраманг. Бугун-эрта кетишади-да, узоқ қолишмаса керак, албатта.

— Шунақа, қизим.

— Опа, бувимлар билан гаплашасизми? Мен трубкани бераман. Хайр!

Нафисахон бошқатдан ҳол-аҳвол сўраб, кампир билан гаплаша кетди.

Умиднинг уларникида меҳмон бўлганини эшитган Ҳафиза бирдан руҳи кўтарилиб, хурсанд бўлиб кетди. Фарғонага телефон қилганидан ҳам мамнун бўлди — гўё «бир ўқ билан икки қарғани урди» — ота-онасининг ҳол-аҳволини билди ва Умиддан кўнгли тинчиди...

Орадан яна уч кун ўтди; Ҳафиза ТошМИга Умиднинг келишини кутиб юрди. Лекин ундан ҳадеганда дарак бўлмади. Институтдан қайтиб келгач, дарҳол бувисидан бирон киши уни сўраб телефон қилдими, деб сўради. Йўқ, дейди буви... У жим, ўйланиб қолади: наҳотки улар Фарғонада шунча қолиб кетишса!

Ҳафизанинг хаёлчан бўлиб юрганни Раъно ҳам сизди-ю, «нима бўлди?» деб сўради. «Жиддий бир гап йўқ, тинчлик», дерди Ҳафиза. «Ў кўринмайди?» «Командировкада эмиш...» «Тушунарлик...» деб қўярди Раъно.

Бешинчи боб

ИККИ УТ ОРАСИДА

Дарҳақиқат, Умидлар Фарғонада яна уч кун қолиб кетишди. Улар селекция ва уруғчилик станцияси

ишлари билан танишишди. Бир неча колхозларда бўлишди. Улар билан бирга Пўлатжон Содиқов ҳам юрди. Колхозчилар билан бўлган учрашувларда энг кўп савол берадиган Шукур Каримович эди. У эринмай, тўплаб қўйилган ғўзапояларгача олиб қарар — вильт пайдо бўлган участкаларга борар, 108-Ф навининг икки бригададаги ҳосилини таққослар, жуда кўп нарсаларни блокнотига ёзиб оларди. Салимхон Обидий деярли ҳеч нарса сўрамасди, уни босиб ўтгиси келмай, Умид ҳам бундай қизиқ суҳбатларда миқ этмай турарди. Енгил машинадан тушиб, у ёқ-бу ёққа юриш, пахта майдонларини айланишга Салимхоннинг тоқати йўқ, у кўп вақт машинада ўтириб, «ўзларинг бориб, кўриб кела қолларинг...» дерди. Асли кексалар билан самолётда кетиб қўя қолса ҳам бўларди — икки ёшнинг ўртасида далама-дала юриш Салимхонга андак малол келди. Лекин Шукур Каримович билан Умид ниҳоятда қизиқиб, иштиёқ билан сўрашар, баъзан уларнинг сўроқлари Салимхон Обидий энсасини қотирарди.

— Ҳой, яхшилар, илмдан чиқиб кетманглар. Ҳама биладиган нарсани ҳам сўрайдими! Колхозчи нима дейди! Олимлар шуни ҳам билмас экан, дейди...

— Сўраганининг айби йўқ, домла,— деди Шукур Каримович.

— 108-Фнинг хусусиятлари ўзимизга маълум-ку, азизим.

— Хўп, майдалашмаймиз,— деди кулиб Шукур Каримович.

— Шундоқ бўлсин. Агар иложи бўлса, гапни қисқароқ қилиб, жўнайлик...

Салимхон Обидийнинг бетоқату лоқайдлигига Пўлатжон Содиқов кулимсираб қараб турарди. Узига тинч, обрўси ҳам етарлик профессор Салимхоннинг жисмида қизиқишу жонсараклик ўрнини совуқлигу лоқайдлик эгаллабди. У ортиқча югуриб-елишларни ёқтирмас, секин-аста ишлашни, юришни эмас, ўтиришни хоҳларди. Ёши ўтган сари кишилар шундоқ бўлиб қолармикан. Эҳтиёткорлик ва ортиқча куйинмаслик жисмига ўрнаша бораркан...

— Румковеч деган киши ҳам анча юрган эди,— деди бир чол. (Бу чолни Қўшчи бобо деб аташарди, асли номи Умурзоқ ота.)— Кейин билсак, катта олим

экан, лавринт экан. Аммо лекин мана шу экилаётган ўшанинг чигити, зап яхши бўлди. Ёшлигимизда кўсакни ёнғоқдек чақиб, ичидан пахта олишимизни айтганман. Уша Румковечга ҳам айтганман. Ҳозирги чигитларнинг баҳоси йўқ.

— У одам «Румковеч» эмас, Румшевич,— деди Салимхон Обидий ўтирган жойида Қўшчи бобо сўзини тўғрилаб,— қария, менга қаранг! Яна бунданам яхши навлар бор...

— Ҳа, балли! Отангизга раҳмат!

— Лекин сиз менга айтинг-чи, ҳалиги ғўза пишиш олдидан сўлиб қолиш касали...

— Вильтми?— деди Қўшчи бобо ғўза касалининг номини аниқ айтиб.— Бу офатни ҳар бир пахтакор яхши билади.

— Ҳа, ўша вильт. Бу йил учрадими?

— Бу йил илгарига қараганда ҳам кўпроқ учради. Чорасини топиш керак.

— Ишлаяпмиз... Чораси топилиб қолади,— деди Салимхон Обидий. Кейин Шукур Каримовга мурожаат этди:— Қани, отни қамчиланглар!

Улар Қўшчи бобо билан ҳайр-хўшлашиб, машиналарда жўнаб кетишди.

Шу куни кечқурун поезд билан йўлга чиқиб, эрта билан Тошкентга кириб келишди. Яна ўша одамлар Салимхон Обидийни кутиб олгани чиқибди. Одамлар ичида сочини бароқ қилиб орқасига туширган, болонья плаш кийган Жанна ҳам турарди. Кутиб олгани чиққан машиналардан бирига Шукур Каримовични ўтқазиб, уйига жўнатишди. Уни ҳеч ким кутиб олгани чиққан эмас эди. Қолган тўрт машина — энг олдингисида Сунбулхон ая билан профессор Салимхон Обидий ўтириб, ҳовли томон қатор тизилиб жўнади... Охирги зулукдек қоп-қора машинага атай Жаннанинг таклифи билан Умид иккови ўтиришди. Ниҳоятда чиройли бўлиб кетган Жанна Умиддан Фарғонада кўрганларини гапириб беришни сўрар, орқада жой кўплигига қарамай Умидга елкасини, оёқларини теккизиб, эркаланиб ўтирди. У деярли Умиддан кўзларини ҳеч узмасди. Умид бўлса, машина ҳайдаб кетаётган нотаниш одамдан уялар, Жаннанинг ёниб турган кўзларига бир қараб қўйиб, ўзини чалғитиб, кўчаларга қарарди. Йигит кишининг уялаётганидан завқланган

Жанна яна ҳам яқинроқ сурилиб, унинг пинжига кирар, ҳазиллашар, «соқолингиз ҳам чўтка бўлибди...» деб юзини ушлаб қўярди. У жуда яқин кишиси, худди ўз эридек тортинмай ҳаракат қиларди. Бир лаҳзадан сўнг у Умиднинг қўлларини ушлади, Умид ҳам яширин унинг оппоқ қўлларини секин бир сиқиб, кейин силаб қўйди. Жанна боядан бери шундай бир илтифотни кутиб келаётган бўлса керак, Умиднинг эркалатишидан сўнг «қаноат ҳосил қилиб», уйгача жийрон отдай гижинг бўлмай келди. Дарвоза ёнида машина тўхтаб, ҳамма ичкарига кириб кетди. Умид жиндак олазарак бўлган эди, Жанна тезда унга тушунтирди:

— Ичкарига кирасиз, Умид ака!— деди буйруқнамо,— аямлар сизга «раҳбарлик» қилишни менга топширганлар. Қани, бу ёққа юринг!

Умид кичкинагина чамадонни кўтариб, ичкарига кирди. Пешайвонга кўтарилиб, зал уйга кўз ташлади — узун стол устига оқ дастурхон ёзилиб, зиёфат нозу неъматлари уйиб ташланган эди.

Сунбулхон ая ҳаммани ичкарига таклиф қилди. Профессор «ўн минутча менга рухсат», деб ичкари хонага кириб кетди. Афтидан, юз-қўлини ювиб чиқса керак. Бошқалар стол атрофига ўтиришди.

— Мен ҳам қўлимни ювиб келсам,— деди Умид ҳовлига тушаётиб.

— Қўлингизни ювганингиздан кейин деворга йўлбарс териси қоқилган хонага кириб,— деди Жанна Умид орқасидан.

Шундан сўнг у ичкари хонага кириб, қоғозга ўралган бир нарсани кўтариб, айвон орқали ўша хонага ўтди.

Умид наридан-бери юз-қўлини ювиб, нима гап экан, дегандек ўша хонага кирди. У негадир ҳар бир қадамини қўрқиб, чўчиб босарди. У гўё икки ўт орасида қолгандек, дам Жаннага боқар, дам Ҳафизани ўйларди. Нима бўлаётганини ўзи ҳам тушунмасди.

— Кўйлагингизнинг ёқаси кир бўлиб кетибди, Умид ака. Мана бу кўйлакни кийиб олинг,— деди Жанна оппоқ, ҳали игналари олинмаган нейлон кўйлакни тутиб.

— Йўғ-е!

— Йўғи нимаси! Мана галстукни ҳам тақиб

олинг,— у садафга ўхшаб жилваланадиган галстук ҳам ушлаб турарди.

— Бу қанақаси бўлди?!

— Қани, кўйлагингизни ечинг! Сиз қиз бола эмассиз, мендан уялмай қўя қолинг!

Умид қип-қизариб, кўйлагини ечди.

— Вэй-бў,— деди Умиднинг кенг кўксигаги ёлига, кифтларига ялт этиб қараб қўйган Жанна,— майкангизнинг яғири чиқиб кетибди. Уни ҳам ечиб ташланг!

Умид тер ҳиди бўлиб кетган майнасини ҳам ечиб, уйнинг бир бўрчагига отди.

— Майка олиб чиқиш эсимдан чиқибди,— деди Жанна,— нима қиламиз, бемайка кия берасизми?

— Ҳа, албатта,— деди Умид.

Шу лаҳза Жанна Умиднинг яланғоч кўксига бошини қўйди. Умид беихтиёр Жаннани қучоқлади. Худди илгаригидай, бағрига босиб, ўпди.

— Бас!— деди Жанна нозик қўллари билан Умид кўксини итариб. У ҳиқиллаб, сирғалиб Умид бағридан чиқди-да, унга кулиб тикилди,— Умид ака, сиз жуда ёмон экансиз! Шошмай туринг!

Уй ўртасида Умид ярим яланғоч турарди. Жанна қўлидаги кўйлакни унга берди-да, ташқарига чиқиб кета бошлади:

— Беш минут срок... Кейин меҳмонхонага чиқинг! Уша ерда мен сизни кутаман! Хўпми?

— Хўп,— деди Умид шоша-пиша кийиниб.

Тезда Умид ҳам меҳмонлар ёнига чиқди. «Аспирант йигитнинг бу хонадонда эркин юриши маъноси» бундаги ошна ва қариндошларнинг ҳаммаси пайқаб, жим ўтиришарди. Фақат нима бўлаётганини Умиднинг биргина ўзи пайқамасди. У «профессорнинг гўзал қизини ўпиб, эркалаб, овутиб юрибман», дерди ўзига-ўзи. Бу «эркалаш»ни ундан кўра кўпроқ гўзал қизнинг ўзи истаяпти, дерди гўё виждонини оқлаб. Қалбида энг севикли инсон Ҳафиза борлиги, бу гўзал ва оқила қизга у содиқ эканлигини ҳар доим дилидан ўтказарди.

Умид катта хонага кириб келиши билан, Жанна ўз ёнидаги бўш стулга имлаб чақирди. Қизининг катталар олдида жиндак беиболик қилиб қўйганини пайқабган Сунбулхон ая, рўпарасида сипо ўтирган уру-

Ғига: «Ҳа, майли, ёшлар ёнма-ён ўтира қолсин...» деди.

Профессорнинг кенгашга бориб, давлат аҳамиятига эга бўлган иш қилгани ва унинг соғ-саломат қайтиб келгани учун биллур қадаҳларга коньяклар қуйилиб, жаранглатиб уриштириб ичишди.

Жанна билан Умид ҳам уриштириб ичишди...

Орадан яна бир неча қадаҳлар ўтгач, Сунбулхон ая меҳмонларга мурожаат қилиб, профессорнинг «содиқ аспиранти, жуда таланти ёш олим Умиджон» саломатлигига ҳам қадаҳ кўтаришни таклиф этди. Ўтирганларнинг ҳаммаси оқ ичишди. Жанна ҳам эркаланиб, тирсаги билан Умидни туртиб қўйиб, коньякни лиқ этиб ичиб юборди.

Бир лаҳзадан сўнг Жанна Умиднинг қулоғига ширлади:

— Сиз менга ўпишни ўргатиб қўяяпсиз... Умид ака...

— Сиз ўзингиз ҳам...— деди Умид кулимсираб. Улар иккови бу сирли гапдан сўнг қаҳ-қаҳлаб кулиб юборишди.

— Нимага куляпсизлар?— деди Сунбулхон ая ҳайратланиб.

— Мама, Умид акам афанди айтдилар,— деди Жанна эркаланиб.

Латифанинг нималигидан қатъи назар, Сунбулхон ая қизи билан Умиднинг қувнаб ўтиришганидан қанот ҳосил қилиб, мамнун бўлди.

* * *

Ўқишдан чиққан Ҳафиза жума куни кўчада дугонаси Раънони бир лаҳза куттириб, автомат телефон будкасига кирди. У селекция институтига қўнғироқ қилди. Кутилмаганда таниш овоздан юраги орзиқиб тушди:

— Сизмисиз?

— Ҳа, мен.

— Яхши келдингизми, Умид ака?

— Раҳмат! Ўзингиз яхшимисиз. Ўқишлар тузукми?

— Ҳа. Жуда узоқ кетдинглар?

— Шундоқ бўлиб қолди... Колхозларга бордик... Адангизларни кўрдим. Ўйингизда меҳмонда бўлдим.

Онангиз, адангиз менга жуда ёқдилар. Сизга ҳаммасини айтиб бераман...

— Қачон?

— Қачон хоҳласангиз.

— Агар мен ҳозир хоҳласам-чи?

— Ҳозир хоҳласангиз, ҳозир-да!

— Ростданми?

— Албатта.

— Агар келсангиз мени жуда қувонтирган бўлардингиз.

— Қаерга?

— Қаер сизга қулай?

— Сиз айтинг! Мен ҳамма вақт сизнинг айтганингизни қиламан.

— Бу гапларингиз ўзингизга ўхшайди.

— Мен ҳамма вақт ўзимга ўхшайман, ҳамма вақт бир хилман, Ҳафизахон.

— Мени Ҳафиза, денг.

— Хўп бўлади.

— Умид ака, Марказий телеграф ёнига келинг, ўша ерда кутаман. Институт ёнидаги автоматдан телефон қиляпман.

— Мен йўлга чиқдим. Кечи билан ярим соатда бораман.

Умид стол устидаги қоғозларини наридан-бери йиғиштириб, йўлга чиқди. У Ҳафиза билан учрашишга югурарди. У автобус тўхтайдиган жойда турар, лекин рўпарасида одам бўйи каттакон бир савол аломати қад кўтарганди. Ҳа, қаёққа ошиқяпсан, Умид, яна Ҳафиза ёнигами? Сен қайси юз билан унинг ёнига борасан? Ёки уни алдайсанми? Сен илгари ҳеч қачон ёлғон гапирмасдинг-ку? Сен тўғри сўз эдинг — ёлғон, тилёғламаликни сезганингда бомбадек ёрилиб кетардинг. Ёки софдил, оқ кўнгил қизни алдайсанми?!

Хўш, у сенинг Жанна билан бўлган муносабатларингни бугун билмагани билан барибир эртага биларди-ку! Унда нима деган одам бўласан?! Сен, ҳозир виждонинг олдида эзилмайсанми?! Наҳотки, сен ишқ билан ўйнашадиган, енгилтак бир одам бўлиб қолдинг?

Умид юраги сиқила бошлади; зарур иш чиқиб қолди, деб Ҳафизанинг ёнига бормасамикан? Йўқ, бу номардлик!

Умид белгиланган муддатда етиб келди.

У энтикиб Ҳафизага Фарғонада кўрган-кечирганларининг ҳаммасини айтиб берди. Унинг ота-онаси, укаси Алишер ҳақида тўлқинланиб гапирди. Катта хонада Ҳафизанинг кулиб турган чиройли сурати ҳам осиглиқ турганини айтди. Буларнинг ҳаммаси Ҳафизага ёқди, лекин нимадир етишмагандек, унинг билан мулоқотда қандайдир бир расмият борлигини сезиб турарди. Илгаригидек ёнишлар, талпинишлар, эркалашлар, ҳаяжонлар сўнгандек... Негадир у «ишларининг кўплиги», «диссертацияга шўнғиб кетгани», «профессор Салимхон Обидий кўп вазифалар топшираётгани» ҳақида гапирарди. «Агар чинакам илмий ходим бўлмоқчи бўлса, кўпроқ ишлаши керак, бундай юришларни қисқартириш кераклиги» ҳақида насиҳатомуз гапларни кўп гапирарди. Ҳафизага ҳам «медицина — жиддий ва қийин ўқиш, кўп шуғулланиш кераклигини» маслаҳат берарди. Яна у «баъзан узоқ вақт учрашиша олмаса хафа бўлмаслигини» ҳам эслатиб қўярди.

Бу гапларнинг барини Ҳафиза хомуш ва оқилонга тинглаб, уларни тасдиқлар, Умиднинг ҳамма фикрларига қўшилишини бош қимирлатиб билдиради.

Хайрлашиш вақтида Ҳафиза бир қадам тўхтаб, Умид кўзларига тикилди:

— Қўрқяпман, сиз мендан совигансиз,— деди. Шундан сўнг у ерга қаради.

— Йўқ, бундай эмас,— деди Умид,— илмий ишимга қаттиқ берилиб кетганим сенга шундай туюляпти...

Олтинчи боб

ҚУШЧИ БОБО

Шитирлаб ёгаётган ёмғирнинг совуқ томчилари дераза ойналарига уриларди; у баъзан нариги хонадаги ёзув машинасининг чиқ-чиқини ҳам босиб кетарди.

Иттифоқо коридорда учрашиб қолган Шукур Каримов бундан Умид кўркам кабинетга кириб, гаплашишиб ўтиришарди. Дераза туйнугини очиб қўйиб,

сигарета ҳам чекиша бошлади. Ёмғир ёғиб турганда суҳбатлашиш қандай завқли; улар Фарғонада бўлган гапларни хотирлашарди.

— Агар сиз қайтиб боришни истаётган бўлсангиз, боринг. Мен қарши эмасман,— деди Шукур Каримович сигарета тутунини ютиб,— бу ҳатто яхши. Қолхоздаги учрашув чала бўлган. Бундан ташқари, йўл-йўлакай нимани ҳам гаплашардигу... Гап домлангизнинг шоширишида эмас, ҳатто бир кун, икки кун юрган билан фойдаси йўқ... Бизда селекциячилар баҳор, ёзда далага чиқишга одатланишган. Бу ерда ўралашиб қоламиз, Бу яхши эмас. Пахтакор билан алоқа боғламагаҳ селекциячининг ҳолига вой! У пўпанак босиб ёта беради. Хоҳласангиз боринг, мен бу ишни маъқул кўраман. Домлангизга ҳам айтиб қўяман...

— Раҳмат!— деди Умид.— Рухсат этсангиз жуда бўлмаганда ўн беш кунга борардим. Вильт тарқалган участкани, ғўзапояларни шу вақтда ҳам кўриш билан бирга, мен ўша чол билан бафуржа гаплашмоқчиман. У чолда гап кўп: ўша куни мен гўё Тимирязев китобидан бир варақ ўқигандай бўлдим, у ёғи қолиб кетди. Назаримда, дала ўртасида каттакон бир китоб турибди — у жуда нодир китоб. Мен уни бориб ўқишим керакка ўқшаяпти. Нима дейсиз, Шукур ака? Ўша чол — тирик китоб.

— Ўша китобни ўрганишимиз керак. Жуда яхши ўйлабсиз,— деди Шукур Каримович,— бу фақат фойда. Сиз бошланг шу ишни, мен ҳам кейинроқ бораман...

Куз ёмғири шитирлаб ёғарди; улар бўлса баланд кабинет деразаларидан узоқ далаларга тикилишарди. Ёмғир нашъаси завқ берарди юракларга.

Кейинчалик юракдаги бу интилишнинг совиб қолишидан қўрққан Умид кечқурун домласига учрашиб, ниятини айтди. Йигитча кўзидаги жазмни яққол сезиб турган Салимхон Обидий бу «бемаъни интилишга» қаршилиқ кўрсатиш — Умид кўнглини чўктириш бўлиб қолишидан чўчиб, «ҳа, бора қолинг», деди. «Уч-тўрт кун кифоя, ёгин-чочинда дала кезиб юрманг. Ҳамон кўнглингизга келибди, мен уни қайтаришга ҳаққим йўқ. Аслида, биз селекциячилар, лозим бўлса баҳор, ёз ойларида далаларга чиқамиз. Куз, қиш ойларида танчаларимиз четида кўмилиб ўтирамыз. Ки-

тоб ўқиймиз, гап еймиз... Отам раҳматлик ёзи билан савдо-сотигини қилиб, қишда танча четида «Абб Муслим» ёки «Алиф Лайло ва Лайло»ни ўқиб ётардилар. У киши аксар Авлиёта, Тўқмоққа қатнардилар... Бориб кела қолинг, ука, мен рози. Расмият учун анави Шукуржонга ҳам айтиб қўйинг.

— Хўп бўлади,— деди домласи ёнида итоат сақлаб турган Умид рухсат этилганидан мамнун бўлиб.

— Қайтишингизда бозорга кириб, беш-ўн килограмм девзира гуручдан ола келинг. Тошкентда топилмайди,— профессор Салимхон Обидий ён чўнтагидан тўртта йигирма беш сўмликни Умидга узатди.

— Қўя беринг, домла. Ўзимда бор, ўзим олиб келаман...

— Унақаси бўлмайди, олинг!

— Бу кўп-ку.

— Сиз сафарга кетяпсиз, уч-тўрт сўм ортиқроқ пул ёнингизда турса зарар қилмайди.

Умид олди. Олмаслиги мумкин бўлмай қолди — гарчи пул унинг учун қанчалик азиз бўлса ҳам, ҳозир унинг раъйини асло қайтариб бўлмас эди. Эҳтимол, ҳамма вақт олиб, олдирмай келган бу соҳибчангалнинг биринчи бор юмшаб очилишидир. Қандайдир бир куч бу бургутона чангални очди.

Умид кечга яқин Чўтир хола ёнига кириб, яна сафарга кетаётганини маълум қилди.

— Мабодо тоғамларниқидан бирон киши келиб қолса, айтиб қўярсиз, хавотир олишмасин,— деди Умид ўз онасидек бўлиб қолган Чўтир холага.

— Албатта айтаман,— деди ўтирган жойида ўрnidан туриб Чўтир хола,— қанчага кетяпсиз, ўғлим?

— Ўн беш кунга.

— Омон-эсон бориб келинг. Мен жуда хурсандман, йигит киши йўл юрса, йўли очилади. Ғунан дўнан бўлади, дўнан от бўлади, болам. От юртга керак, отлари кўп юрт бою бадавлат бўлади. Қайда бўлсангиз омон бўлинг!

— Раҳмат,— деди Умид,— бизнинг кошонага ҳам кўз ташлаб қўярсиз.

— Айтмасангиз ҳам қараб тура бераман. Зинадан чиқолганимда кунора артиб-суртиб қўярдим.

Улар кулишди.

Эрта билан Умид қаймоқ, нон олиб Тўти бувини ҳам кўриб келди. Буви узоқ дуодан кейин: «Тўйингни кўрай, болам. Саннинг тўйингни кўрмагунча ўлмайман», деди.

— Ҳали сизга рухсат йўқ,— деди Умид кулиб,— мен уйланмай юра бераман. Ўлманг, буви!

— О-о-о, болам. Битта бошинг иккита бўлиб, қўша қариганингни кўргим келади. Шунга илҳақман... Ипак қуртидек пилламни ўраб, қиладиган ишимни қилиб бўлганман. Сенинг тўйингни кўрай-де, кейин эгам омонатини олсин. Зерикдим, болам... Кеча қутимни очсам, Илҳом самоварчи олган суратим чиқди. Шу суратга катта ўғлим тўққиз минг Кренска пулини берган эди. Уша йили Хотин мачитнинг тагида Абсафихонни отишган. Бегларбеги мадрасаси олдида Охунбобоев ваъз айтган... ўшанга ҳам анча бўлиб қолди-а?

— Анча бўлиб қолгандир, буви,— деди кулиб Умид.— Буви, хайр!— деди Умид кампир қулоғига оғзини олиб бориб.

— Хайр, болам, омон-эсон бориб кел!

Умид институтга келиб, ҳужжатларини расмийлаштирди. Тунги поезд билан Фарғонага жўнади. Эрта билан Фарғонага етиб бориб, вокзалнинг ўзидан ўтқинчи юк машинасига миниб, районга — «Зарбдор» колхозига чиқиб кетди.

Юрган — дарё, ўтирган — бўйра — кеча у Тошкентда эди, бугун Фарғона далаларида...

Тошкентда шивалаб ёғаётган ёмғир Фарғонада қуяётган экан; ивиб кетган Умид Тўпқайрағочда машинадан тушиб, озиқ-овқат магазинига кириб, дўкондан Умурзоқ ота, яъни Қўшчи бобо ҳовлисини сўради. Магазиндан қайтиб чиқиб, ўнг томондаги кўчага бурилиб, юз қадамча юргач, садали ҳовлига кўзи тушди. Дарвоза ҳам очиқ турарди. У ҳовли ўртасига-ча келиб, у ёқ-бу ёққа қараб турди. Шу лаҳза бир кекса аёл ошхонадан чиқиб, чамадон кўтариб, ёмғирда ивиб турган нотаниш йигитга ҳайратомуз боқди.

— Келинг, марҳамат!

— Умурзоқ отамларнинг ҳовлилари шуми?

— Ҳа, шу.

— Отамлар бормилар?

— Борлар. Ичкарига киринг.

— Тошкентда ҳам ёмғир ёғяпти. Буни қаранг, бу томонда ҳам ёғаятган экан.

— Ҳа, садағаси кетай, куз кузлигини қилмай иложи йўқ,— кекса аёл Умид елкасига қоқади,— эсон-омонмисиз, куш келибсиз.

— Раҳмат.

Умид чамадонини даҳлизга қўйиб, пальтосини ҳам ечиб, ичкари хонага кирди.

— Э, куш келибсиз, мулла,— деди ўрнидан туриб Қўшчи бобо. У бир қарашдаёқ Умидни таниди. Бобо қўл бериб Умид билан омонлашди,— келинг, келинг.

— Салом ота. Сихат-саломатлигингиз яхшими?

— Худога шукур. Қани, марҳамат қилиб, сандалга ўтирсинлар. Ёмғирни қаранг, совқотганга ўхшайсиз. Сандал иссиқ,— Қўшчи бобо Умидни юқорига, икки қават кўрпачага таклиф қилди. Умид унамади; бобо ни ўз жойига ўтқазиб, ўзи ўнг ёнига ўтирди. Бозиллаган иссиқ танча жонга ором берди. У жиндек исиниб олгач, бобога қараб табассум қилди.

— Бизнинг сувимизни бир ичган одам яна қайтиб келмай иложи йўқ девдингиз, ота. Тошкентга бориб, яна қайтиб келдим.

— Шундоқ, мулла. Дарҳақиқат, сувимиздан бир ичган одам яна келади. Куш кўрдик. Қалай, анави катта домла, кичик домлалар саломатмилар?

— Сизга салом айтиб юборишди. Аҳволларимиз яхши.

— Фарғонага тушиб, Содиқов ўртоқни ҳам кўргандирсиз? — Бу савол билан Қўшчи бобо Умиднинг зарур бир иш билан келганини тезда билиб олгиси келарди.

— Йўқ,— деди Умид,— Фарғонага тушмай тўғри бу ёққа келавердим.

— Ажаб қилибсиз.

— Бемаврид бўлса ҳам келавердим.

— Моврити бор эканми, мулла.

— Меҳмон бўлиб келдим, гапнинг очиғи...

— Куш кўрдик. Бошимиз устига,— бобо ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетди. У даҳлизда кампирига бир нималарни буюрди. Нариги хонада дарс тайёрлаб ўтирган неварасини соябон тутиб, кўчадан тезда адасини чақириб келишини айтди. Яна хонага қайтиб ки-

риб, Умид билан гаплаша кетди. Кўп ўтмай бояги кекса аёл дастурхон ёзиб, нон, қанд-қурс, чой олиб кирди. Қўшчи бобонинг икки ўғли, неваралари ҳам келиб Умид билан омонлашишди. Ҳаммалари иссиқ сандал атрофида ўтириб, Тошкентдан келган меҳмонга табасум билан боқишарди. Ҳа, шундай ёмғирда азда-базда узоқдан келган кишининг бир нияти бўлиши керак.

— Мужбир эмасмисиз, мулла ака?— деди кичик ўғил. Чунки бу колхозлик механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамасоли ака ҳовлисига вақти бевақт мужбирлар, кинооператорлар келиб туришарди. Уларнинг отаси на қаҳрамон, на раис. Тўғри, Қўшчи бобо бундан йигирма йилча муқаддам Ленин ордени билан мукофотланган. Бу орденни унга Москвада Калининнинг ўзи топширган эди. У пайтда орден лентасиз тақиларди. Шундан буён бобо звено бошлиғи бўлиб ишлайди.

— Йўқ,— деди Умид бобонинг кичик ўғлига жавоб бериб, — мен мужбир эмасман, селекциячи бўлиш ниятида юрган йишиман. Илмий-тадқиқот институтининг аспирантиман. Вундан бир ҳафта илгари, биз, отамлар билан учрашган эдик. Фарғонага кенгашга келган эдим. Шу учрашувимиз чала қолган эди. Малол келмаса, уни давом эттиргани келдим. Тўғрироғи, отамдан пажтачилликни ўргангани келдим.

— Жуда жубандимиз,— деди катта ўғил,— қани, дастурхонга қаранг. Олинг, меҳмон.

Умид чой ҳўплади...

Шу кунги ўзаро танишув билан кун ўтди. Кечга яқин Умид Қўшчи бобо ва ўғиллари билан шу қишлоқлик бир йигитнинг тўйига чиқишди. Йигитми, қизми хурмачанинг тагини ялашган экан, тўй асосан ёмғирда ўтди. Кечга бориб бир оз пасайиб, шивалаб ёғиб турган бўлса ҳам, бари-бир тўй шаҳтини қайтарди. Қўшчи бобо ёр-биродарларига, қари-қартанларга «Тошкентдан келган олим йигит» ҳақида гапириб, «бўладигани шунақа бўлади», деб ўзига эшиттирмай яхши сўзлар билан оқлади. Ёшлар орасида ўтирган Умид рўпарадаги кексаларга қараб-қараб қўярди. Улар орасида чўққи соқол, чуваккина бир чол ўтирарди. У — Қўшчи бобо. Бобо устида қўнғир чакмон, ичида яқтак. У умр бўйи кўксини бекитмаган, анордек қизғиш кўксидagi суяклар бўртиб чиқиб турарди. Тукли чакмон

ичидан, яктак устидан икки қават белбоғ боғлаган, бирида носқовоқ, бирига жез пойнакли, дандон соп пичоқ билан соқол тароқ осилган эди. Яктак чўнтагидаги танга-сўлкавойларини орқасидан бўғиб боғлаб қўярди. Бошига қишда сувсар телпак, ёзда Марғилон нусха дўппи киярди. Сарғиш, тақа мўйлови соқол билан туташиб кетган. Бобо анча дилкаш, суҳбати ширин ва ўтган замонларни эслаб гапиришни ёқтирарди... Тенгдошларидан кўплари қазо қилиб, уч-тўрт қария бир-бирларига жуда суянишиб қолишган эди.

Тўйдан қайтиб чиқишгач, Қўшчи бобонинг ҳам, Умиднинг ҳам уйқулари келмай, аллавақтгача гаплашиб ўтиришди. Катта-кичик ўғиллар ўв хоналарига — бола-чақалари ёнига кириб кетишган эди. Ҳамон суҳбат бошланар экан, бобо одатдагидек ҳозирги «Зарбдор» колхозини қандай қилиб тузишгани, муштумзўрлар билан олишгани, отасининг, ўзининг инқилобдан илгари Мирзараҳимбой корандаси бўлгани... ҳамма ҳаммасини бир бошдан гапириб берарди. Бу муқаддима»сиз бобо ҳеч қачон асосий гапга ўтмасди. У Қўшчилар союзининг аъзоси бўлгани, «Қўшчи» деган лақаб ҳам ўша замондан қолганини, ҳатто ўша вақтда чиққан ашулани ҳам ёд айтиб берарди.

Бобо қадим қўшчилар айтиб юрган маршни аниқ ва дона-дона қилиб айтдики, уни тўла кўчириб ёзмоқлик керам ва бунинг ҳозир ҳам ибратли томони бор!

«Қўш ҳўкизим, жуфт мугизим,
Омочим торт, чу!
Кучинига куч берай ўзим,
Ер бўлсин эсим кечуз!
Туёқларнинг теккан жойдан
Гиёҳ, яъни унар ризқ.
Ҳайда, жонивор, катта майдон —
На тош, чегара, чизик!
 Ҳайда, ҳайда, ҳайда!
Ямоқ чопон, оёқ яланг,
Елкамда бор бешотар.
Зирқирар кафтда ярам,
Лекин у тезда битар.
Биз чарчаймиз терга ботиб,
Бу чарчаш ўзи роҳат —
Ер бизники, ҳеч ким тортиб
Ололмайди, келган бахт.

Ҳайда, ҳайда, ҳайда!
Сен кучаниб тортсанг, полвон,
Тортасан асқар товни.
Эганг ўзим, жонингга жон,
Кутгандик шундай чоғни.
Жонга тегди ҳақоратлар,
Очликдан қурди тинка...

Энди яхши чопар отлар
Сомони сенга, буғдойи менга,

Ҳайда, ҳайда, ҳайда!
Қизил аскар элга йўлдош
Бедовга босди қамчи,
Зарбаларга беролмай дош
Тоққа қочди босмачи.
Текниҳўрлар даламиздан
Йўқолди, келмас қайтиб.
Ер ҳайдаймиз, бизлар озод —
Қўшчи қўшиғин айтиб,
Ҳайда, ҳайда, ҳайда!

Эрта билан Умид чамадонини очиб, бобога Тошкентдан олиб келгани — стол устига қўйиладиган соат тухфа қилди. Атай олиб келганини, эсдалик эканини айтди. Қўшчи бобо мамнун бўлиб, қутичасимон чиройли соатнинг у ёқ-бу ёғини томоша қилиб, кампирга кўрсатди. Кампир ҳам бу совғага хурсанд бўлиб токчага қўйди. Умидга миннатдорчилик билдирди. «Шу соатга қараганингизда, Тошкентда ҳам бир ўғлимиз бор, деб эслаб қўярсизлар...» деди Умид. Шундан сўнг у ўзи, вафот этиб кетган ота-онаси ҳақида гапириб берди...

Икки кун ичида Умид чол юрагига бир қадар йўл топди: улар «неча кунга келгансиз, ўғлим?» деган гапни айтишмади. Бундай гап ширин ва зарур суҳбат вақтида соатга қараш каби одобсизлик эканини яхши билишарди. Аксинча, унинг Тўпқайрағочда кўпроқ туришини исташарди.

Қўшчи бобо зарур гапни айтадиган бўлса, кўзини чирт юмиб гапирарди. У баъзан колхоз мажлисларида сўз олиб қоларди; нимадандир койиниб, таңқид қилмоқчи бўлганида раисгами, правление аъзоларигами кўзи тушиб қолишини истамас, у бароқ қошлари остидаги ёшланиб турадиган кўзларини чирт юмиб олар-

ди. Бу одат жуда қадимдан бўлганлиги сабабли кўп-лар ўрганишиб қолишган. Фақат четдан келганларгина таажжубланишарди.

Кеча кечқурунги тўйда Қўшчи бобонинг эсидан чиқмасин, деб тайинлашича бугун колхоз кексаларидан Ориф бува, Саримсоқ ҳожи, Қўпайсин оталар бир қатор бўлиб кириб келишди. Улар Тошкентдан келган меҳмон билан омонлашишгач, «бугунги ҳаво кеча бўлмайдими, э, аттанг!» дейишди. Аксига ўчакишгандай, Маҳкамбойваччанинг тўйида обдан қуйди-я!—дейишди ачинишиб.

Бугун ҳаво чарақлаб, очилиб кетган эди. Чоллар танча атрофига ўтириб олишгач, «қадам етди, бало етмасин, облоху акбар»ни айтиб, юзларига фотиҳа тортишди. Шундан сўнг, Қўшчи бобо ўғли узатган чойдан ҳўплаб, дастурхонга қарашди.

— Қадимги замонда бир йигит тул қолган кампир онасини хурсанд қиламан, деб саватга ўтқазиб, бошида Макатиллога жўнаган экан,— деди Қўшчи бобо яна кўзини юмиб,— йўлда бир одам сўрабдики: «Э, йигит, сен онангни қаёққа олиб борурсан?» Йигит айтдики: «Макатиллога. Модаримни ризо қилмоқ ниятида бошимга қўйиб, дашту саҳроларни кезиб борурман». «Сен модарингни ризо қилмоқ бўлсанг, бир кекса ғарибга бер, токи боғи обод бўлиб, жуфти билан умрини ниҳоясига етказсин», дебди у одам. Шу лаҳза ўғлининг бошида, саватда ўтирган кампир айтдики: «Э, киши, бизнинг юртда нодон ўғлимга бу гапни айтадиган бирон одам бўлмади. Мен Макатиллода нима қиламан», дебдур.

Чоллар гурра кулишди.

— Ёзда бир прापесур келиб, вильтни йўқотишда ундоқ ишлар қиляпмиз, бундоқ ишлар қиляпмиз... Ерга ундоқ дориларни соламиз, бундоқ дориларни соламиз, ундоқ китоб ёзаяпмиз, бундоқ китоб ёзаяпмиз, дедилар,— Қўшчи бобо яна кўзини чирт юмиб олган эди,— ўша прापесурга, ҳой, биродар, сиз ғўзани бу дарди бедаводан халос қилиб ризо қиламан, десангиз, бу гапларни қўйинг, дедим. Гапларингиздан Макатиллонинг ҳиди келяпти, дедим... У менинг гапимга қулоқ солмади, ёнида казо-казолар бор эди. Лекин Содиқов гапга тушунадиган йигит, у ўша прापесурга қараб, отанинг гапига қулоқ солинг, деди, аммо у эшитмади.

— Нима девдингиз? — диққат билан қулоқ солиб ўтирган Умид гап қистирди...

— Нима деярдим, беда экиш керак, дердим.

— Ернидг зинкаси қуриб кетди, — деди гапга ара-лашиб Ориф бува, — ҳадеб заҳарли дори сола берган-дан кейин одам эмас, ер ҳам мадордан тояди.

— Мен айтдимки, ўша прапесурга, — деди Қўшчи бобо кўз юмиб, — сиз қитоб ўқиб биласиз, биз шундоқ гўза билан гаплашамиз. Ҳа, гўза билан қамтима-қамти туриб гаплашаверамиз. Биз гапирамиз, гўза эшитади, гўза гапиради, биз эшитамиз. Бир-биримизнинг тили-мизга тушунамиз. Саксонга борган бўлсам, шунинг етмиш етти йили гўзанинг ичида ўтди. Пахта бизни боқди, биз пахтани... Хўш, шундай экан, гўзанинг тилини мен билмай ким билсин! Ер нимжон бўлиб қолди — бемадорга дард тез ёпишади. Буларнинг бил-гани дори — сепадиям, оқизадиям, айропландан соча-диям... Ҳой, мусулмон, беда эк, мана бу катта қарта-га беда эн, дедим Норматга. Райондагилар нима дер-кин, деди у... Ун йил паққос гўза экди, мана ҳозир тупроқни қўлимга олиб, ҳайрон бўламан... Вильтам кўпайди, қорадринг, ўргимчаккана ҳам... Тупроқ ап-текада сотиладиган парашук дорига ўхшаб кетган. Ахир, бунақа билан бўладими! Уч йил бедапоя қилиб қўяйлик, ер жиндак дам олиб, нафасини рoстласин, ундан кейин сен ҳосил талаб қил, дедим. Ҳукумат ҳам алмашлаб экиш лозимлигини айтади, лекин мана бу ердаги баъзи укалар шу бу йил план бажарилишини ўйлаб, «ҳа-бўл, ҳа-бўл»га тушиб қола берадилар. Улар эртани кам ўйлашади — отни қамчилаб югуртириб манзилга етиб олишади-да, кейин у билан иши бўл-майди. Мукофот олишади... Аммо ер билан ишлари бўлмайди. Ер ҳам жонли нарса, парвариш қилсанг, ҳосил оласан.

— Алмашлаб экишда асосан беда дейсизми? — Умид яна гап ташлади.

— Беда! — деди Қўшчи бобо жиддий, — фақат беда! Сиз беда экин-де, кейин бедапояни бузиб пахта экин, қани, вильт бўлармикан? Вильт-пильт деган нарса бўлмайди, мана, мен кафил!

Чоллар бобо сўзини маъқуллашди.

— Вильт қовжиратган гўзаларни куйдириб, атро-фини очиб, бошқаларга ўтмасин, деб ҳовлиқишади.

Ҳар йили талай ҳосил нобуд бўляпти. Камайиш у ёқда турсин, кейинги йилларда кўпайяпти. Ман агроном йигитга ҳам, раисга ҳам айтдим, ҳой азаматлар, ернинг тинкасини қуритяпсизлар, дедим. Қўшчи бува, сиз тажанг бўла берманг! Мана бу агроном йигит жавоб беради, дейди. Мен-чи, мен жавоб бермайманми? Еримнинг мижозини мен биламанми ёки бу йигитча биладими?! У ўқиган, мулла, тўғри... Локин китобга қараб ош дамлайди. Биз китобсиз ҳам ош дамлаймиз. Уни ҳам еб кўринг, биз дамлагани ҳам... Раис кулади, Содиқов ўртоқ ҳам кулади. Агроном йигитга қулоқ соламиз, дейдилар. Ундоқ бўладиган бўлса, ўзларинг биласизлар, деб қўлимни ювиб, қўлтиққа урдим. Локин Содиқов жонон йигит-да, кейин кўнглимни кўтариб кетди. Ушанда қизишиб кетибман: «Укажонлар, планни бажариб, юзингиз ёруғ бўлсин, мукофотлар олинглар, орденлар олинглар... Майли, ёшлар учун ғурур ҳам керак... Локин эртани унутманглар, бугун ҳаллослаб чопган от эртага ҳам керак бўлади», дедим.

Саримсоқ ҳожи одатдагидек ҳамма вақт индамай ўтираверарди. У бошини қимирлатиб, деярли ҳамманинг фикрини маъқул кўра берарди. У Умидни кузатар, бегона йигит олдида негадир тортинарди.

— Сиз нима дейсиз, ҳожи!— Қўшчи бобо Саримсоқ отани туртди.

— Биз гапирсак тескари чиқиб қолади,— деди ер тагидан Умидга қараб Саримсоқ ҳожи,— айбимиз беданага ишқибозлик... Қадимги беда пайкаллари йўқолиб кетди, десам, сиз, ҳожи, бедана келсин деб гапиряпсиз, дейишди. Орий рост, қадим шу ерлардан матраб билан бедана тутган вақтимиз бўлган. Бедана ҳам ҳамма ерга кела бермайди. Бедазорлар қуриди, бедананинг ҳам тухуми қуриди — бедана жонвор ҳам қаерга боришни билади; мана вилът кўпайди. Тўртта тўрқовоқда тўртта сайроқи, ҳа, битта туллаки олиб юришга юрарман... бунини ҳукумат ишига зарари йўқ. Мен тўртта беданамни ҳар қаердан топиб оламан, аммо шунга аччиқ қилиб беда экмаслик зарар! Беда экиш керак, оби ҳаво ҳам яхши бўлади, молга овқат ҳам кўп бўлади, хуллас, Қўшчи бува тўғри айтадилар, у кишининг сўзларига биз ҳам қўшиламыз...

Мухбир йигит учун унинг фикрини ҳам билиш зарур деб тушуниб, Саримсоқ ҳожи гапни тугатиш олдидан яна Умидга тикилиб қараб қўйди.

Шу кун кексалар суҳбати кечгача чўзилди. Улар кўпдан шундай бир дилкаш йигит билан гаплашишга орзуманд эди. «Сўзни айтгин уққанга, дилни дилга суққанга»,— деди Қўшчи бобо,— биз бир омий одам кўринганимиз билан, ўз ишимизни биламиз, ўғлим,— деди мамнуният билан.

Қум-тошлар орасидан жавоҳир топгандек, Умид жуда қимматли сўзларни дафтарчасига ёзиб олди. Халақит бермаслик учун кўп луқма ташламай, чоллар сўзига жон қулоғини тутарди: бошини қимирлатиб, тасдиқлагандай ва «айтинг шуни» дегандай бўларди.

Ориф бува ҳам гапга аралашди: — Ерга гўнг солишни ҳам ёзиб қўйинг! Ҳозир бу гаплар камайиб кетган.

— Алмашлаб экиш, биринчи галда!— деди Қўшчи бобо бу сўзга урғу бериб,— агар алмашлаб экишга риоя қилинмаса, барибир касал кўпаяверади. Ҳо, мулла, одам хаста бўлса, докторга кўрсатадими? Курортга ҳам борадими? Курортга бориб, дам олиб, даволаниб келгандан кейин қалай ишлайди. («Яхши ишлайди» деб луқма ташлади Умид.) Ҳа, балли! Ернинг курорти — беда! Шуни эсдан чиқарманг! Ҳадеб аэропландан дори сепи бериш керак эмас, бунинг бир томонга фойдаси бўлгани билан, иккинчи томонга кофар зиён. Биз ўтиб кетамиз, аммо бола-чақаларимиз касалвон бўлиб қолмасин. Шу бугунни ўйлаяпмизу, эрта-индини ўйламаяпмиз. Осмондан сочиш керак эмаслиги ҳақида Қурултойда ҳам гап бўлди. Шу гап тўғри.

Суҳбат ҳам аллавақтгача чўзилди. Эртасига Умид Фарғона селекция станциясига бориб келди. У ерда ишлаётганлар билан ҳам танишди. Диссертация устида ишлаётгани, шу муносабат билан колхозда бўлганини уларга очиқ айтди. Кечқурун яна Қўшчи бобоникига қайтиб келиб ётди. Эртасига колхоз идорасида Ҳидирбой деган агроном йигит билан учрашди. У ҳам асосан Қўшчи бобо фикрларига яқин бир гапни айтарди. Лекин бир айтгани шу бўлдики, «Бундоқ бизнинг шароит билан ҳисоблашмайди, кейинги вақтда тажрибакорлар сўзига ҳам қулоқ солишмайди. Ҳамма бало шунда. Мана, энди вильт кўпайиб кетди, нима

қиламиз деб жиннидек талвасага ҳам тушяпмиз». У бир-икки пўнғиллаб, айбни раисга ташлади. Раис уни агрономликдан кўра — кўпроқ дастёр — югурдак қилиб қўйибди.

Шанба куни Қўшчи бобо Умидни бошлаб, дала айлантирди. Ҳаво очиқ, совуқ юзни ачитарди. Шарф билан томоғларини маҳкам ўраб олган Умид Қўшчи бобонинг очиқ кўксига боқар: бу одам умр бўйи шамоллаш, тумов деган нарсани билмаган. Бобо Умидни бошлаб бориб, етмиш гектарлик карта четида тўхтади.

— Мана шу ерда айниқса бу йил вилът кўпайди. Бу ердан ўттиз икки центнердан пахта олиб келганмиз. Илгари мана шу ерлар беш-олти лахтадан иборат эди. Қўшиб яхлит қилганимиз соз бўлди. Машинага ҳам яхши бўлди. Локин ўн йилдан бери бу ерга беда экилмаган, ернинг сиқиб сувини ичяпмиз. Хайрият, мана, ҳайдалиб қўйилди. Нариги олтинчи бригадада ҳайдалмаган, ғўзапоя йиғиб олинмаган ерлар ҳам бор.

Қўшчи бобо нам ердан бир сиқим лой тупроқ олди:

— Мана, бу тупроқ тарякхўрнинг танига ўхшаб кетган. Идорангизга олиб бориб текшириб кўрсангиз, ичида қанча дори борлигини кўрасиз. Мен шундоқ ҳам кўриб турибман. Тарякхўрлар деганимга тушунсангиз керак? Таряк ейдиганларнинг тани заҳар бўлиб кетади — бир кун емаса ғужанак бўлиб тиришади. Дорига ўрганмаслик керак. Уғлим, ахир пахтани бир йил экмаймиз-ку, домлаларингизга айтинг, Қўшчи бувам шундоқ деяптилар, денг.

Умид бу фикрни илмий-тадқиқот институтига албатта маълум қилажагини айтди.

Улар ёнма-ён юриб, нариги карталарга ҳам ўтишди. Даладан қайтиб келиб, Ориф бува ҳовлисига киришди. Қўшчи бобонинг суяниб қолган ошналаридан бири — Ориф бува девзира гуручидан ош дамлаб, уларни кутиб ўтирарди. Ориф бува дандонсол пичоғи билан анор ҳам сўйиб қўйди. Иккита катта анорни чинни қосага сиқиб ҳам қўйди. Ошга анор қўшиб еган яхши бўлишини икки чол Умидга тайинлашди.

— Зинҳор ичкилик ичманг, — деди Қўшчи бобо, — ароқ киши танини секин-аста чиритади. Ёшлар гапимизга қулоқ солишмайди, ўзларига жабр қилишади. Ачинаман...

Эртасига Кўпайсин ота, индинига Саримсоқ ҳожи, ундан кейин агроном Хидирбойлар ҳам Умидни ўз уйларига чақиринди. Иккинчи ҳафтанинг охирига бориб, Умидни колхоз раиси ҳам уқорида номлари айтилган кексалар ва агроном йигит билан биргаликда ҳовлисига чақириб зиёфат қилди.

Қўшчи бобо ва умуман «Зарбдор» колхози аъзолари билан танишиб олган Умид ўз сафаридан жуда мамнун бўлиб, Тошкентга қайтди. Қўшчи бобони, унинг ўғилларини, хуллас, кимнинг уйида бўлган бўлса ҳаммаларини ўз уйига таклиф қилди. У ўз болохонаси эмас, Чўтир хола ҳовлисида кутиб олишни хаёлидан ўтказди.

— Ҳали, баҳорда ҳам келиб бошингизни қотираман, ота — деди Умид хайрлашаётганида, — юрагингиздаги билим-тажриба дарёсидан мен ҳам баҳра олмақчиман. Хафа бўлмайсиз.

— Э, ўғлим, сиз мени жуда ҳурмат қилиб юбордингиз, келганингиздан бошим осмонга етди. Сизга ўхшаган мулла йигитлар келиб маслаҳатлашса, иш яна ҳам яхши бўлади. Кўрган-билганларимизни нега тупроққа олиб кетайлик! У қолсин. Келинг, қачон келсангиз бошимиз устига...

Умид яна ўткинчи юк машинаси устида Фарғонага келди. Кечки поездга билет олиб, кейин бозорга кирди. Домласи Салимхон Обидий тайинлаб юборган, Тошкентда топилмайдиган девзира гуручидан йигирма килограмм олиб, халтанинг оғзини маҳкам бўғди. Поезд келишига бир соатча қолганида Марғилон станциясига келиб, чамадон устига ўтирди. Бебаҳо фикрларни қайт этгани — жавоҳир дафтарчасини олиб кўздан кечирди-да, яна ёнига солиб қўйди. Унинг кўз олдида бароқ қош, куйиниб гапирганда кўзларини чирт юмиб оладиган Қўшчи бобо турарди...

Еттинчи боб

СИРЛИ ТУН ЕКИ «МҲРЧАМНЕН»

Эрта билан соат саккизларда булут қуюқлашиб, ҳамма ёқни қоронғилик босди — Тошкентда бу кўпдан кутилмаган бир ҳол. Шивалаб ёғиб турган ёмғир ҳам тўхтагандек кўринди-ю, лекин баъзан-баъзан инжиқланиб, яна шамол аралаш такиллаб қуярди. Нам ва

захкашлик. Пирамон ва пештоқлар остидаги пана жойларга кириб олган мусичалар ҳам бошини ичига тортиб, жунжиб ўтиришарди.

Устида беқасам пешмат, пешанасини танғиб боғлаб олган Сунбулхон аяни куни бўйи ваҳимали хаёллар чулғаб, дам устидаги кийимларини ечиб отиб, каравотда ётар, дам ўрнидан туриб катта хонага чиқар, хаёл сурарди. Аксига уйда хизматчисидан бўлак ҳеч ним йўқ эди. Уч кундан буён иштаҳаси унча йўқлиги-ю, гўё томоғида пайдо бўлган аллақандай «шиш» юрагига нўрқув соларди. Оғрийдими, йўқми, деб қайта-қайта тупук ютиб нўрарди. Томоғида эмас, қизил ўнғачида... Унинг кўз олдига бир ойча бурун қийналиб ўлган ён қўшнисини келарди. У қизил ўнғачидан рақ бўлиб, охир беш ойча қийналиб ётиб, чўпдек озиб ўлди. Охирида бир қултумгина сув ҳам ича олмай, гул ҳидлаб ётиб, бечора узилди... Сунбулхоннинг хавфи ҳам томоғида «бир нарса» пайдо бўлиб, иштаҳадан қолгани кўз олдига лоппа-лоппа ўша қўшнисини келтира берди...

Бир лаҳзадан кейин хизматкор аёлни ёнига чақириб, тезда профессорга телефон қоқ, югуриб келсинлар, деди. Кўп ўтмай, Салимхон Обидий ҳовлиқиб Иноғомжон билан ҳовлисига кириб келиб, «спальный»-да, момиқ тўшак устида сочлари тўзиб ётган Сунбулхонга қаради.

— Ҳа, нима бўлди, Сунбул?

— Рақ бўлиб қолдимми...— Сунбулхон ая ётган жойида эркаланиб, ўкириб йиғлайди.

— Эй, қўйсанг-чи! Сени ваҳима босибди. Қўшниси мизни ўйлаб, ваҳимага тушибсан. Кўп гапириб юрардинг. Нима, доктор чақирайми?

— Ана, айтмадимми! Касалимни сиз ҳам сезиб юргансиз, менга айтмай, энди доктор чақирмоқчисиз...

— Ваҳма бўлиб қолгансан.

— Тўғрисини айтинг, мени рақ бўлганимни сезиб юрармидингиз? Шунча йиллик эр-хотинлигимиз ҳурмати, тўғрисини айтинг! Тўғрисини айтсангиз, хафа бўлмайман.

— Жинни бўлибсан! Савдойи бўлиб қолибсан!

— Йўқ, бир гап бор...

— Қани, менга айт-чи, қатинг оғрийди? Нега бунақа гап чиқиб қолди?

— Қизил ўнғачимда шиши бор, иштаҳам йўқ. Кечадан бери туз тотганим йўқ.

— Қизил ўнғачингни очиб кўрдингми?

— Нега унақа дейсиз!

— Ваҳма жиннисан! Бошқа гап эмас!

— Иноғомжонга айтинг, хўжам, эски шаҳардан ойим, опам, холамларни, бувимларни ҳам... машинага солиб, тезда олиб келсин! Тез келишсин!

— Хўп,— деди Салимхон Обидий ташқарида, фонтан ёнида хомуш турган Иноғомжон ёнига чиқиб.

Буйруқни эшитган Иноғомжон машинасини физиллатганича эски шаҳар томон жўнади.

— Қизингиз қани?— деди Сунбулхон ая хонага қайтиб кирган Салимхонга.

— Уша ерда ўралашиб юрибди. Умиджон кеча келган, унинг ёнида ўтирганига кўзим тушиб қолди,— деди юмшоқ қизил духоба креслога ўтириб.

— Умид яхши йигит...

— Келажаги бор,— деди Салимхон Обидий бачкана гапларни ёқтирмаса ҳам, ҳозир шу муддатда хотинининг раъйига қараш ғоятда зарурлигини сезиб.

— Кўзим тириклигида шу қизимнинг ҳам ҳаётини тинчитиб, тўйини ўтказсам, армон бўлмасди...

— Эй, нодон,— деди Салимхон Обидий бош чайқаб,— ҳали рози-ризалик ҳам сўрарсан?!

— Қайдам, отаси. Жуда қўрқиб кетяпман...

— Сен яқинда ҳақиқий жинни бўлиб қоласан!

— Унинг ўзи ҳам Умиджонга жуда ўрганиб қолибди. Ҳеч ундан ажралгиси келмайди...

— Хизматкор бирон овқат қилиб берсинми?

— Ҳеч нарсани егим келмайди, хўжам. Мен айтаман, шу йигитни, агар яна бир гапи бўлмаса ичкучиб қилиб олсак. Анчадан буён бу гап менинг кўнглимда юрибди. Сизга бир айтгандим шекилли? Ойимлар билан маслаҳат қилсам, у киши ҳам яхши ўйлабсан, дедилар...

— Сен касалмисан ёки мени маслаҳатга чақирдингми? Ахир у ёқда иш қолиб кетди...

— Хўжам, кўп ортиқча куюна берманг. Сиз вақтида ҳукуматга қилиб берадиган ишингизни қилиб бердингиз. Оладиганингизни олдингиз; бир эмас, икки эмас, учта орден олдингиз. Энди бошқалар ишласин! Жонингиз текинга келибдими! Сиз кимсан — профес-

сор Салимхон Обидийсиз, фан арбоби... Қимда бор бунақа унвон! Қолган умрингизни фароғатда ўтказинг. Мана, одамлар бекорга ўлиб кетяти...

— Жоним, малагим, ҳозир кампиршолар келишгач, мен яна институтга борман. Мажлис бор. Шу мажлисни ҳам ўтказаману, кейин фароғатда яшай бераман...

Сунбулхон: «майли» дегандек, бош қимирлатди.

Икки соатларча ҳаяллаган Иноғомжон бирдан қариндош-уруғларни олиб келиб қолди. Улар қатор тизилишиб, ичкарига киришди. Эшикда кутиб олган хизматкор хотин улар билан кўришиб, қўл ювадиган жўмрак тепасида атирсовун турганини айтиб, бир қўлларингизни ювиб ташланг, деб имо қилди. Бу Сунбулхоннинг буйруғи эди. «Вой, тусингни ел есин, бизларнинг қўлимиз тоза», деган бувига «иложи йўқ, ювмасангиз ая мени уришадилар», деди. Кампир совунга қайрилиб қарамай, оқиб турган жўмракка шундоққина бармоқларини теккизди-ю, қўлини сочиқ қолиб, дока рўмоли учига артиб, ичкарига кириб кетди.

Кампирлар «малика»ни қуршаб, «сарой измини» хизматкор қўлидан ўз қўлларига олиб, ишга тушиб кетишди. Аввал ярим соатлик ҳол-аҳвол сўрашдан сўнг, бири Сунбулхон ёнида қолиб, бири ошхонага кириб кетди. Холаси — етмишлардан ошган Рузвонхон (бу хотинни маҳалладагилар «Мисқол пари» дейишади. У кўпдан одам ўқишни бўйнига олган эди.) Сунбулхонни ётган ерида аввал бир ўқиб ташлади.

Шундай қилиб, кун кеч бўлди...

* * *

Тун.

Тун қўрқинчли ва оғир ўйларга тўла. Тун кўрмаган киши кундузнинг қадрига етмайди, дейдилар. Сунбулхон тун ваҳималарига юраги чидамай, қариндош-уруғларини чақиртириб келиб, хона ўртасида, момиқ тўшак устида ястаниб ётарди. Атрофида чўкка тушиб ўтирган кампирлар унга дамо-дам далда бериб, бири олиб, бири қўйиб афсона айтишар, «Хорун ар-Рашид»ни овутишарди... Мабодо, афсоналар ичида андак ваҳималироқ гап чиқиб қолгудай бўлса, Сунбулхон аянинг кўзи ола-кула бўлар, у кампир қолиб, бошқаси саф-

сата бошларди. Тун бўйи кампирлар бисотида бирон-та ҳам гап қолмади; пенсия книжкасини каломуллонинг ичига бекитиб қўйишганидан тортиб, нобот сайланиб қолган безори домкомнинг хотини билан уришиб, синдирган чойнак-пиёлалари учун госстрахдан пул олганигача гаплашишди... Бировнинг хотини бировга қиз кўринаркан, дейишиб, тоза кулдиришди ҳам.

Сунбулхоннинг узун киприклари бир-бирига чалишиб, уйқуга кетди. Кампирлар секин-секин ўтирган жойларида ёстиқча бош қўйишди.

Салимхон Обидий ҳам мажлисни ўтказиб келиб, «нарининг аҳволи» яхшилигини, кампиршолар билан гаплашиб ўтирганини кўриб, ўз хонасида ётиб ухлаб қолди. Бундай талтайиб, тантиқланиш дейсизми ёки руҳий қўрқоқлик дейсизми, ишқилиб, ҳар йили икки-уч бор бўлиб турадиган Сунбулхоннинг бундай «ўлим ваҳимаси»га у ўрганиб қолган эди. Бундай чоғларда хотини раъйига қарши туриб бўлмас, агар шундай қиладиган бўлса, қиёмат-қойим бўларди. У рақ-пак эмас, сал шамоллаб, эт-бети оғриси ҳам, ҳаммани шошириб ташларди. Ҳукумат поликлиникасидаги врачлар, тез ёрдам машиналари ғизза-мизза югургани югурган...

Ҳаво совуқ. Майда нарса ёғарди.

Қўлтиқлашиб олишган Умид билан Жанна бу майда ёмғирми ёки учқунлаётган қорми, фарқига боришмасди. Улар йўл-йўлакай ҳазиллашиб, бир-бирларининг қўлини маҳкам ушлаган ҳолда кенг асфальт йўлкада қадам ташлашарди. Ҳозиргина кўриб чиқишган кинофильм ҳақида баҳслашишарди.

Улар маст кишидек, бу кўчада ҳаммага маълум катта дарвоза ёнига етиб келишганини ҳам пайқамай қолишибди. Дарвоза ёнида тўхтаб, у ёқ-бу ёққа ағрайишди — деразаларда чироқ ёниб турибди. Лекин кўчалар жимжит.

Жанна қўнғироқ кнопкасини босди.

— Мен энди кетай,— деди Умид қўл узатиб,— мана, уйингизга ҳам соғ-саломат олиб келиб қўйдим.

— Сизга жавоб йўқ!

— Нега?

— Негази ҳам йўқ! Буйруқ шу — бизникида қоласиз!

- Бу, мумкинмас.
- Мумкин!
- Дадангиздан уяламан...
- Уялмайсиз!

— Нега? Нима учун қолишим керак?! Ҳали жуда кеч эмас. Ахир уларнинг кўнглига бир нима келмай-дими! Нима деб қоламан?

— Қоласиз. Уларнинг кўнглига ҳеч нарса келмайди. Нима келиши мумкин. Ҳеч нима!

— Сиз бир ўйлаб кўринг?

— Йигит киши ҳам шунақа қўрқоқ бўладими? Нима, сиз мени таклиф қиляпсизми?! Мен сизни таклиф қиляпман. Ўша, эшик тепасидаги кошонангизга албатта ҳозир боришингиз шартми?! Бўш хоналаримиз кўп — ўша ўзингиз билган, йўлбарс териси қоқилган хонада қоласиз. Чой ичамиз, всё...

— Майлику-я... лекин қандоқ бўларкин?

— Ланж бўлмаг! Ланж одамни ёмон кўраман!

Хизматкор хотиннинг «ким?» деган товуши эшитилди.

— Мен, Жаннаман!— деди у шаддодлик билан.

Эшик очилди. Жанна Умид тирсагидан ушлаб, ўзидан аввал ичкарига киритди-да, кейин ўзи кириб, эшикнинг иллагини солди. Олдинда кетаётган хизматкор хотин «онасининг касаллиги»ни айтиб, айвонга чиқиб кетаётган эди, Жанна сўради:

— Юракларими, бошларими?

— Қизил ўнғачлари,— деди хизматкор хотин.

— А,— деди Жанна Умидга қараб,— мамам касалга бўшроқ, гоҳ у ери, гоҳ бу ери... Эрка! Папам жуда эркалатадилар.

Умид сукут сақлади.

— Сиз ўша уйга кира беринг, мен ҳозир,— деди Жанна онаси ёнига кираётиб.

Бир муддатдан кейин у Умид ёнига кирди:

— Кампир бувиларим келишибди. Мамам тузуқлар, паникага тушганлар. Ҳеч касаллари йўқ. Мен кампирларга билдирмай, қулоқларига сизнинг келганингизни айтдим. Сизга салом, дедилар.

Умид стулда қовушмай ҳайрон ўтирарди. Бир лаҳзадан сўнг хона эшигини чертиб, хизматчи хотин кирди.

— Жанна, нима тайёрлаб берай? Мамангиз сизга қарашимни буюрдилар?

— Нима овқат қилдинглар?

— Ош.

— Олиб келинг-да, кейин ухлай беринг! Умид акам шу хонада тунаб қоладилар. Чойни ўзим дамлайман.

— Яхши, яхши,— деди у чиқиб кета туриб.

Умид негадир хижолат бўларди. Шаддод қизнинг хизматкорга қилган буйруқларидан ҳам уялиб, ерга қарарди.

— Синьор,— деди Жанна ўрнидан туриб,— чиқиб коридорда қўлингизни ювиб келинг. Ўз уйингиздек бемалол ўтиринг. Мен ҳозир келаман.

Умид у айтгандек қилди.

Бир нафасдан кейин хизматкор хотин чинни косада устига беҳи, қази босилган ош олиб кириб, столга қўйди. Нон, олма, узум ҳам олиб кирди. Пиёлани негадир битта қўйиб кетибди.

Кўча кийимларини ечиб, спорт кийимини — таранг шимини кийиб келган Жанна стол устига қаради:

— Нега у битта пиёла қўйди?!

Умид индамай мийиғида кулди.

— Шу хотиннинг жуда ичиқора,— деди яна орқасига қайтиб чиқиб Жанна,— ўзим олиб келаман.

У икки дона чиройли пиёла олиб кирди-да, хизматчи хотин олиб кирган «жўн» пиёлани коридорга олиб чиқиб қўйди. Яна қаёққадир югуриб кириб, иккита биллур рюмка билан арман коньяги олиб кирди.

— Кечаси ҳам ош, ҳам коньяк уйқуни қочирадику?— деди Умид.

— Ухлаймиз,— деди Жанна,— менинг жуда қорним очди.

Чой кўтариб кирган хизматкор хотиннинг кўзи коньяк, рюмкаларга, ундан кейин бир жуфт пиёлага тушиб, ажабланди. Ўз хатосини тўғрилаш мақсадида, «сиз ҳам шу ерда овқатланасизми?» деб сўради.

— Ҳа!— деди Жанна унга ўқрайиб. Бу билан «Умид Иноғомжон ёки сизга ўхшаган бизнинг хизматкоримиз эмас, у — аспирант, ёш олим, оиламизнинг яқин кишиси...» демоқчи бўларди.

— Ундоқ бўлса, сизнинг овқатингизни ҳам шу ерга олиб келиб берайми?

— Шу етади. Кириб ухлай беринг!

Хизматкор хотин Жанна айтганини буйруқ деб тушуниб, ҳовли этагида, ошхона ёнидаги ўз ҳужрасига кириб кетди. Ун минутлардан сўнг, ҳужранинг чироғи ҳам ўчди.

Жанна билан Умид чой қолиб, коньяк ичишди. Бир косадан ош ейишди. Умид ўзининг бу оиллага шунчалик яқин бўлиб қолганига ҳайрон эди. Улар учинчи, тўртинчи рюмкаларни ҳам ичиб юборишди; ширин кайф қилган Умид анча сергап бўлиб ҳам қолди.

Улар овқатланишиб, ҳамма гапни гаплашишиб бўлишгач, Жанна рюмка ва коньяк шишасини ўз ерига — жавонга бекитиб қўйди-да, хона ўртасида туриб, Умидга тикилди.

— Ярим кеча бўлиб қолди, ётиб дам олинг. Ухланг!

— Хўп.

Жанна чиқиб кетаётганида, кайфи ошган Умид унинг ингичка белларига қараб қолди. Кейин чироқни ўчириб ечинди. Кўрпа қатига кириб, мацца қилиб ётди. Бир куни Чўтир хола кўрпа қавиб бериб, «Ана энди онангизнинг қорнида ётгандек ётасиз...» деган эди. Шу гапни эслади. Унинг қорни тўқ, кайфи жойида, мамнун ётарди. Жаннага бугун ёпишиб ўпмаганидан, анча маданий юришганидан ҳам хурсанд эди. Бўйига ётган қизга ёпиша бериш, уни бундай ишларга ўргата бериш ҳам яхши эмас! У ҳам бировнинг уйига келин бўлиб боради. Бунинг устига, уларнинг одобсизлигидан домла хабардор бўлиб қолсалар, аввало Умиддан ранжийдилар. «Қизимни ёмон йўлга бошлабди...» дейдилар. Уйин—ўйин, унинг чегараси ҳам бўлиши керак! Меъёридан ошиб кетса, Жаннанинг ўзи ҳам ранжиши мумкин. Энди, секин-аста Жаннадан, унинг у ёқ бу ёққа бошлашидан ўзини тортиши ҳам керак. Бу ишлар Ҳафизанинг қулоғига ҳам етиб қолиши мумкин!..

Умид шундай хаёллар билан уйқуга кетди.

Бир замон у яна уйғонгандек бўлди: унинг ёнида кимдир ётарди. Бу тушмикан? Умид ҳайрон бўлди. Ҳа, бу туш... Бир лаҳзадан сўнг беихтиёр уни қучоқлади. Унга маҳкам ёпишиб, дудоқларидан ўпди. Иссиқ нафас Умидни ҳушига келтириб, кўзини очди:

— Жанна?

- Ҳа, мен.
- Сенмисан?
- Үзим, Умид ака...
- Бу қандоқ бўлди?

— Кўрпангиз тушиб кетган экан, шамоллаб қолманг деб ёпиб қўйгани кирган эдим... Үзингиз қучиб, ёнингизга тортиб олдингиз... Умид ака...

У титраб, ҳаллослаб, Умидга маҳкам ёпишиб олди. Ҳумиднинг кўксига юз-кўзларини суйкаб, эҳтирос билан ўпар, ҳаллослар, нозик бармоқлари билан Умид сочларини тараб, йигит қучоғида тинмай тўлғанарди.

— Жуда қизиқ бўлди-ку...

— Мен сизни севаман, Умид ака. Бу гапни сиздан аввал айтишга журъат этдим. Мен сизни жуда севаман... Мен сизга буни айтмоқчи бўлиб юардим. Биринчи кўришимдаёқ сиз менга ёқиб қолган эдингиз. Нима қилай, начора, қиз бола бўлсам ҳам, бу гапни сиздан аввал айтишга шошилдим. Балки мен подондирман ёки хато қилдимми... Сиз мени севаганими, Умид ака?

— ...

— Севаман денг,— Жанна Умидни маҳкамроқ қучоқлаб, томоғи тагидан ўпади, кўксига кўксини қадайдди.

— Севаман.

— Мен... Сени... Қадрдоним Умид, дунёда ёлғиз полвоним... Сен ҳақиқий йигит экансан. Мен умр бўйи излаган кишимни топдим.

Жанна билан Умид бир-бирларининг лабларидан қаттиқ сўришди...

Шундан сўнг нима бўлгани фақат уларнинг икковларига аён.

Тун...

Ҳамма ёқ жимжит, ҳамма ухларди...

Лекин ширакайф Умид қучоғида гўзал Жанна эзилиб ҳаллослар ва йиғламсираб: «Вой, вой... қўйиб юборинг! Нима иш қилиб қўйдингиз, Умид ака!»

Тонг отишга яқин бароқ сочлари тўзиган, кўзларининг таги кўкарган Жанна ўрнидан туриб, деразадан ҳовлига қаради — ҳамма ёқни оппоқ қор босибди. У шифтгача етган катта тошойнага яланғоч ўзини солиб, сочларини текислади, каравот тепасидаги атлас кўйлагини олиб кийди. Умид бўлса, чарчаб қотиб ухлаб ётарди...

Жанна жуда мамнун. У ойнага яқин бориб, кўкарган лабларини ушлаб, Умидга қараб қўйди. «У энди унинг эри...»

Жанна каравотга ўтириб, секин Умидни қимирлатди. Умид кўз очиб, ёнида «хафа» ўтирган Жаннани кўрди. У Жанна қўлидан ушлаб, ўзига тортмоқчи бўлган эди, у Умидга қаради:

— Нима иш қилиб қўйдингиз? Энди нима қиламан?

Умид миқ этмади.

Бир лаҳзадан кейин уни овутишга тутинди. Чунки бўладиган иш бўлган эди...

Жанна хўрсиниб, Умид бағрида эриб, ёлдор кўксига юзини суркаб, икки марта секин-секин ўпиб қўйди.

— Умид ака, энди сиз папам, мамам турмасдан кетинг! Жон, акажон, мен сизни севаман. Мен — сизники...

Умид ўрнидан туриб, апил-тапил кийимларини кия бошлади.

— Мана, лабим кўкарибди. Туни билан жуда қийнадингиз. Чойшабни олиб чиқиб, бекитиб қўйдим...

Умид ит қувиган гадойдек бир зумда тайёр бўлиб, хона эшигига бориб турди. Улар иккови эшикни гирчиллатмай очиб, ташқарига чиқишди. Ҳамма ёқни босган оппоқ қалин қорни ғарч-ғурч босиб, дарвоза ёнидаги кичик эшикда бир лаҳза тўхташди. Бу пайт эшикни очмай Умидга тикилиб турган Жаннани хайрлашиши олдидан яна бир карра қучоқлаб ўпиб, Умид кўчага чиқиб кетди. Уларнинг эшик олдида қучоқлашаётганини ҳужра ичидан хизматкор хотин кўриб туриб, ёқасини ушлади; гумонларининг ҳаммаси тасдиқ. «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур. Бу мўрчамиёнда гап кўп...» деди у ўзига-ўзи.

Саккизинчи боб

КУЛБАНИНГ КУНИ ЕТДИ...

Эрта билан Умид ювиниб-тараниб, папкасини қўлтиқлаб кўчага чиқса, эшиги ёнида машина турибди; жиндак энгашиб қаради. Рулда ўтирган Иноғомжон ичкарида янги олган газеталарини титкиляпти. Бу ўша, домланинг машиналари...

— Ҳа,— деди Умид Иноғомжонга ишора қилиб,— салом! Келсинлар. Қайси шамол учирди?

— Чиқсинлар!— деди Иноғомжон Умидга,— буйруқ шундай. Сизни ишхонангизга олиб бориб қўйишни буюришди. Биз кичкина одам, хўжайинлар нимани айтишса, шуни қиламиз...

— Бизнинг кулбани қандай топдингиз?

— Анави кун кечқурун ташлаб кетмабмидим, ёдингиздан чиқибди-да!

— Э-э, тўғри,— деди Умид,— қани, бир пиёла чой ичайлик, марҳамат!

Вақт йўқ. Сизни ташлаб келганимдан кейин домлани институтга олиб бораман. Ундан кейин аямларга доктор олиб келаман. Соат ўн иккиларга Жанна бир ёққа бораман деяпти...

— Қаёққа бораркан?— беихтиёр сўради Умид. Лекин бу савол жоиз бўлмаганини дарҳол пайқади.

— Қаёққа боришларини бизга айтишмайди, укажон!

— Иноғомжон ака, беш минут, шундай кирайлик! Кулбамни кўриб кетинг...

— Хўп, кўрсак-кўрайлик,— деди эринчоқлик билан машинадан чиқиб Иноғомжон,— аммо уч-тўрт минутдан ортиқ мени тутмайсиз, хўпми?

— Ҳа, хўп.

Улар олдинма-кейин қоронғи йўлакка, ундан ўтиб, яна бир эшикни очиб, ҳовлига чиқишди. Умид шундоққина эшик ёнидаги баланд зинани кўрсатди.

— Эҳтиёт бўлиб оёқ қўйинг. Яхшиси, мен оёқ қўйган тахталарни босинг, бўлмаса товонингизга қоламан...

— Вой бў-ў...— деди қўрқа-қўрқа оёқ қўйиб кўтарилаётган Иноғомжон,— ўзи ҳам жуда баланд, тик экан. Юрак дов бермаяпти.

— Сиз ўрганмагансиз-да,— деди кулиб Умид,— мен кўзимни юмиб чиқиб-тушаман.

— Тошканбой дорбоз бўлиб кетинг-е!

— Ўзлари мрамар зиналардан чиқиб тушишга ўрганганлар-да...

— Йўқ, кечирадилар!— деди кескин эътироз билдириб Иноғомжон,— унақа мрамар зиналардан ўзлари чиқиб тушадилар. Бизга йўл бўлсин!

Иноғомжон ёзув столи билан бир каравот қўйил-

ган ихчамгина хонага кирди — хона токчалари китоблар билан лиқ тўлган эди. Деворда, рамка ичида ҳарбий кийимдаги киши сурати...

Иноғомжон гапни суратлардан бошлади:

— Бу киши ким бўладилар?

— Отам.

— Урушда ўлганлар деганмидингиз?

— Йўқ, урушдан инвалид бўлиб келиб, шу ерда вафот этганлар.

— Бу киши?

— Онамлар. Отамдан аввалроқ вафот этганлар. Мен кичкина бола эдим. Бу ҳовли тоғамларники, улар мени боқишган.

— Дунё шу экан-да, ошна...— деди андак димоғидан тушиб Иноғомжон,— биров ундоқ, биров бундоқ... бериги қиз ким?

— Қариндошимиз.

— Чиройли қиз экан.

— Ҳа, хунук эмас...

— Жуда бадавлат тураркансиз,— деди Иноғомжон киноя билан,— сизларнинг орттирганингиз шу китоблару илм-да... Бўлмаса, сизларни биров бир пақирга олмайди.

Умид хахолаб кулди.

— Бир ҳисобда тўғри.

— Шу аҳволда профессор домла билан беллашман деяписизми?

— Лаббай?

— Айтдим-қўйдим-да...

— Тушунмадим... Мен, профессорнинг шогирди-ман. Сиз билан деярли бир хил. Сиз уй хизматини қиласиз, мен идорада илмий хизматларини қиламан...

— Гапингиз тўғрику-я, аммо эҳтиёт бўлинг, беллингиз узилиб кетмасин. Сиз домла билан беллашолмайсиз. У киши миллионер-а, буни биласизми?! Одам бойиса, шунчалик бўлар-да. Кўзингизга қараб юринг, йигит! Профессорга беллашадиган бошқа хонадон бор... Айтдим-қўйдим-да, тагин бу «қасрингиз» сиздан ажралди-и-б, ҳувиллаб қолмасин...

Улар иккови баб-баробар қаҳ-қаҳ уриб кулишди.

— Чой қани? Ахир чойга чақирган эдингиз-ку!

— Ҳозир дамлаб чиқаман.

— Йўқ, кетдик!

Яна ўша қимиллаб турган тахта зинадан битта-битта тушиб, машинага ўтиришди. Умид олиб кетмоқчи бўлган уч-тўртта қалин китобларини ҳам йиғиштиришди. Дам ўтмай пушти ранг машина айланма жин кўча бўйлаб югуриб кетди. Эшик тирқишидан мўралаб турган Чўтир хола ҳайрон бўлиб қараб қолди.

Иноғомжон Умидни институтга қўйди-ю, яна физиллаганича профессор хонадонига югурди.

Эртасига ҳам, индинига ҳам... эрта билан соат тўққизда Умид болохонаси тагида домланинг машинаси пайдо бўлиб, уни хизматга олиб кетди. Фақат Чўтир хола эмас, Умиднинг ўзи ҳам таажжубда... Чўтир хола бўлса: «Илмли одам йўлини топиб кетади, девдим, ўғлим, мана, эшигингизга машина ҳам келяпти. Ҳали бундан ҳам мартабангиз баланд бўлади. Илоҳи омин!» — деди.

Учинчи куни тушга яқин институтда Жанна пайдо бўлди. У отасига кўринмай, тўғри Умид ёнига кирди-да, уни қўярда-қўймай машинага олиб чиқди.

— Юринг, бир ерга бориб келамиз!

— Хизмат вақтимда қандоқ бўларкин! Профессор сўраб қолсалар нима дейман?

— Профессор сўрамайдилар. Сўрасалар папамга ўзим айтаман.

— Ҳар куни менинг уйимга машина юбориб, чакки қиляпсиз. Мен хижолат бўляпман. Бундан ташқари...

— Хижолат бўлманг. Шоферимиз соат саккизда келади. Папам ўн бирда институтга борадилар... Икки соат шофер бўш... Мени яхши биласиз, мен соат ўн биргача ухлашим керак. Ҳозир бу мода — Франция, Англия хотинлари ўн биргача ухлашади, шунда юзлари яхши — чиройли бўлади. Тиниқади... Мен ўзимни мажбур қилиб ҳам узоқ ухлайман.

Умид ҳайрон бўлиб, Жаннанинг чиройли юзига, келишган қадду қоматига қараб қўйди.

— Қани, кетдик! — деди улар иккови машинага киришгач, Иноғомжонга ишора қилиб Жанна, — Тош-МИга, главный корпус ёнида тўхтатасиз!

— Унда нима қиламиз? — сўради жиндак ҳайратомуз Умид, у нима бўлаётганига асло тушунмасди. Бош корпусда, иккинчи қаватдаги залда Ҳафизалар лекция тинглайди...

— Менинг ишим бор, профессор Павлова мамамни кўришлари керак. Записка қолдириб чиқаман.

— Ойингизлар тузукмилар?

— Хайрият, сўрадингиз. У киши ҳар куни сизни сўрайдилар. Бечора касал бўлса ҳам хаёлида сиз...

— Бир томондан жуда яхши олижаноб кишиларсиз, бир томондан мени ортиқча иззату икром қилиб, ноқулай аҳволга соляпсизлар. Мен бунчалик иззатга лойиқ эмасман.

— Лойиқсиз!

Умид кулди. Жанна эркаланди.

— Лойиқман денг! Биз ҳурмат қияпмизми, демак, лойиқсиз! Биз ҳаммани ҳам ҳурмат қила бермаймиз. Сиз, синьор, шуни ҳам унутмангки, менинг папамнинг ўғли йўқ, ўғил кўрмади. Ўғил болани жуда яхши кўради. Ёлғизгина битта-ю битта қизи бор... Бечора мамам шунча орзу қилди, лекин бир ўғил кўрмади. Сен ўғил бўла қолсанг, нима қиларди, дейдилар. Ўзбеклар ўғилни яхши кўришини биласиз-ку, Бечора қизлар!

— Қизлар бахтимиз.

— «Қизлар»ми? Ёки «қиз»ми?

— Қиз, — деди Умид кулиб.

Жанна билан Умид ўртасидаги ширин суҳбатни жон қулоғи билан тинглаб, рўпарадаги ойначадан уларнинг юзларидаги имо-ишораларини кузатиб бораётган Иноғомжоннинг негадир гаши келиб, таъби тирриқ бўларди.

Машина медицина институтининг бош корпуси рўпарасидаги фонтан ёнида тўхтади. Жанна жўрттага Умидни машинадан чиқишини сўраб, шу ердаги ўриндиқда ўтиришга таклиф этди:

— Очиқ ҳаво...

Улар бир муддат туришгач, Жанна Умидни ёлғиз қолдириб, ичкарига кириб кетди. Шу вақт катта та-наффус бўлиб, студентлар чиқишди. Умид яна қайтиб машина ичига кирди-да, Иноғомжон билан гаплашиб ўтирди: у ҳозироқ бу ерга Ҳафизанинг чиқиб қолишидан қўрқиб, орқасини ўгириб ўтирарди. Жанна бўлса тезда қайтиб чиқиб, Умидни у билан бирга ташқарида туришини, студентларни томоша қилишни сўрарди. Сир бермаслик учун Умид истар-истамас яна ташқарига чиқди; студентлар «машҳур киши хона-

донидан чиққан» йигит билан қизга қараб, Жаннанинг энг сўнгги модада кийинганига маҳлиё бўлишарди. Танаффус тугаб, студентлар яна ичкарига кириб кетишди.

Хайрият, Ҳафиза кўринмади...

Шундан сўнг улар икков қайта машинага ўтириб, селекция институти томон жўнашди.

ТошМИга келиш кутилмаганда жуда қизиқ бўлди. Бу бир ўйин эмасмикан? Унинг юрагидаги Ҳафизани Жанна билармикан ва бу жўрттага қилиндими ёки тасодифми? Умид ҳеч тушунмай қолди. Ҳафизани Жанна билиши мумкин эмас. Эҳтимол, «профессор Павловани чақириш» шунчаки баҳонадир! Умид Жанна ёнида институтга бора-боргунча хаёл сурди. Нима бўляпти ўзи? Бир ҳангома бошланиб қолса-я!

— Нимани ўйлаяпсиз?— сўради Жанна,— жуда хомуш бўлиб қолдингиз?

— Ҳеч нарсани ўйлаётганим йўқ,— деди Умид ҳам гўзал, ҳам айёр қизга боқиб. Жанна маккорроқ ҳам кўриниб кетди. Ҳар ҳолда, бу қиз Ҳафиза эмаслигини пайқади.

— Мени ҳам ўйлаётганингиз йўқми?

— Сиз ёнимдасиз-ку.

— «Сен», энди мени «сен» деб атанг,— деди Жанна Иноғомжонга сездирмай Умид қўлини ўйнаб.

— Сен, фақат сен...

Селекция институтига етиб боришгач, Жанна машинани тўхташиб қўйиб, Умид билан бирга ичкарига кирди. Кичик илмий ходимлар, аспирантлар ишлайдиган умумий хона бўм-бўш, улардан бўлак ҳеч кимса йўқ эди. Жанна отаси бунда бор-йўқлигини ҳам суриштирмай, Умид столи ёнига нариги бир стулни олиб келиб ўтирди. Умидга тикилди; унда негадир ҳазиллашиш, тегажақлик қилиш, алжиш иштиёқи бор эди.

— Папкангиз қани?— сўради Жанна Умиддан.

— Ғаладонда.

— Олинг!

Умид ғаладон ичидаги қора чарм папкасини олди. Унинг боятдан бери нима бўлаётганига ҳеч ақли бо-вар қилмас эди.

Жанна Умид папкасини стол устида очди-да, қоғозларни титкилаб ўтирмай, бир китоб қатидан фотосурат олиб, Умидга кўрсатди.

— Бу ким?

Умид қип-қизариб кетди. У дарҳол ўзини тутиб олди.

— Шуними?

— Ҳа, оти нима?

— Ҳаҳ, оти нима эди...— Умид ўйланиб қолди.

— Айта қолинг?

— Ҳафиза.

— Тўғри айтдингиз. Лекин бу сизнинг қариндошингиз эмас!

— Қаёқдан бу суратни кўра қолдингиз?

— Кўрдим, билдим, эшитдим...

— Офарин!

— Йиртиб ташланг!

— Ия, шундоқ суратни ҳам йиртадими?

— Бўлмаса, мен йиртаман!

— ...

Жанна шу лаҳзанинг ўзидаёқ Ҳафизанинг кулиб турган суратини бурда-бурда қилиб, корзинкага ташлади.

Умид илжайиб кулди-ю, лекин юраги пичоқ санчилгандек зирқираб кетди.

— Мен сизга бу ерда халақит бермаслик учун уйга кетаман. Соат олтиларда машина келади, бизникига борасиз!

Умид «хўп» дегандек, бош қимирлатди. Жанна ўрнидан туриб, Умиднинг икки юзидан, пешонасидан ўпиб, ташқарига чиқиб кетди. У қилиши керак бўлган зарур ишни муваффақиятли бажарган кимсадек мағрур ва шаддодлик билан қадам ташлаб, ташқарига чиқиб кетди. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ эшикда машина гуриллаб, шаҳар томон чопиб кетди.

Кечқурун соат олтиларга яқин профессор Салимхон Обидий кичик илмий ходимлар хонасига кириб, Умид тепасига келди:

— Умиджон, агар ишингиз тугаган бўлса, бизнинг ҳовлига борсак,— деди бошқаларга эшитилар-эшитилмас овозда,— сизни аянгизлар сўраяптилар.

— Хўп бўлади,— деди Умид дик ўрнидан туриб. Шу лаҳзаёқ у профессорни куттириб қўймаслик учун тезда китоб-қоғозларини йиғиштириб, кетма-кет ташқарига чиқди.

Профессор Салимхон Обидий ўз шогирди билан

машинада уйга жўнади. Улар бора-боргунча селекциячилик ҳақидаги профессорнинг оммабоп брошюрасининг тайёрланиши ва, умуман, бўлимдаги ишлар ҳақида гаплашишди... Фарғона командировкаси ҳақида ҳам қисқагина гапириб берди. Негадир Шукур Каримовичдек қизиқиб тингламади ҳам, Қўшчи бобо ҳақидаги гапга эътибор ҳам бермади.

Уйга етиб келишгач, айвонда тортиниб турган Умидни хизматкор хотин ичкарига таклиф этди. Умид оёғини яхшилаб артиб ичкарига, Сунбулхон ая ётган катта ва ёруғ хонага кирди. Негадир Жанна кўринмасди. Яқинда Рига шаҳридан келган, ярқираган қўнғир ранг эман каравотда, момиқ тўшакда бир жаҳон бўлиб Сунбулхон ая ётарди. У ётган ерида ҳам обдан пардоз қилган эди — ёнидаги тумбочка устида ойна-ю, тароқ, атир-упа ва яна аллақандай олтин безаклар уйилиб ётарди. Уни бирон дарддан кўра ҳам «эрка-гантиқлик» бу юмшоқ каравотга қулатганини ақли расо одамлар бундоқ қараб туриб тушуниб олса бўларди. Умр бўйи кўра бериб ўрганиб қолган Салимхон Обидий бу ишларга эътибор бермас, ҳатто қайрилиб ҳам қарамасди. У хотинига «касалсан» ҳам, «касалмассан» ҳам демас, чунки ундоқ деса ҳам, бундоқ деса ҳам, агарда Сунбулхоннинг кайфияти бўлмай турган бўлса, жанжал чиқарди.

Сунбулхон ая билан Жанна ҳар куни соат ўн биргача ухлашар — эрта билан соат тўққизларда уларни уйғотиб турғазидан ақл бовар қилмайдиган жанжалларга сабаб бўлиши мумкин. Соат ўн биргача ухлаш — мода, ажин тушмас эмиш, юз ҳам тиниқ ва чиройли бўлармиш, киши қаримасмиш... Она-бола учун бу «ҳаётий» масала бўлиб, бунга қаттиқ риоя қилишарди. Шунинг учун ҳам, Жанна тили билан айтганда, баъзи «ауденция»лар ҳам куннинг иккинчи ярмига мўлжалланарди.

Умид Сунбулхон ая билан илиқ ва қуюқ омонлашгач, аянинг ётган ерида қилган таклифи билан юмшоқ креслога ўтирди. Хизматкор хотин тезда столга оқ дастурхон ёзиб, чой-нон олиб келди.

— Сиз фақат домлангизга эмас, умуман, бизнинг хонадонимизга ёқиб қолдингиз,— деди Сунбулхон ая бошига жиндак ёстиқни баланд қилиб,— профессорнинг сизга бўлган оталарча ғамхўрлиги сизнинг уму-

ман софдил киши бўлганлигингиз эҳтимол бунга сабабдир... Уша болохона уйингизда ғариблардек ёлғиз ўзингиз ўтирманг, деб чақиртирган эдим...

— Раҳмат,— деди Умид боши қуйи ўтирганича, олдидаги пиёладан кўз узмай.

— Дард ўлгур менинг юрагимга ҳам чанг соляпти. Докторлар аввал қизил ўнгачда бир нима борми, деб ўйлашган эди, йўққа ўхшайди...

«Хайрият»... дегандек, Умид аяга ялт этиб қаради.

— Энди сердчам оғрийди. Бодмикан, дейман, бод юракни тишлармиш. Бир нима қаттиқ тишлагандек, сердчам узилиб оғрийди... Баъзан ўзимга-ўзим ишонмай қоламан, ўлиб қолаётгандек мени воҳма босиб, ўрнимдан туриб, хонадан қочиб чиқиб кетгим келади. Жаннаними, хизматчи хотинними чақириб, қўлларидан маҳкам ушлаб ўтираман. Мен ўлиб кетсам ёлғизгина. Жаннамнинг аҳволи нима бўлади, деб юрагим сиқилиб, йиғлагим келади. Домлангизни шундоқ катта профессор қилиб обрў, уй-жойларимиз тугал бўлганда, шуларни ташлаб кетиб қоламанми, деб қўрқаман. Етдим деганда йиқиламанми, деб юрагим шиғиллаб кетади.

— Аяжон, ёмон нарсаларни ҳеч ўйламаслик керак,— деди Умид тутилиб.

— Уйламай бўладими, Умиджон,— деди Сунбулхон ая сурма сурилган кўзлари қийғидаги бир дона марвариддек ёшни рўмолчасига шимдириб,— мен сизни ўғлим дейман...

— Раҳмат.

— Раҳматлик онангизлар ёшлигингизда вафот этиб кетганликларини эшитдим. Оналар шу-да... Онаизор... Мен сизга онаман.

— Аяжон, сиз мени ҳаддан зиёд ҳурматладингиз,— деди Умид ерга қараб. Чунки унинг онаси Ҳумайраҳонни эслаш — Умиднинг бутун борлиғи, унинг учун энг муқаддас бўлган нарсага ёндашиш демак эди. Унинг қалбини эркалаш демак эди. Дийдорига тўя олмаган Ҳумайраҳон — онаизор хотираси Умид учун ҳамма нарсадан қиммат эди. Унинг онасини эслаб гаплашиш — у билан жуда ҳам жиддий масала устида гаплашиш демак эди,— мен сизнинг бунчалик иззату икромларингизга муносибманми, деб баъзан ўйлаб қоламан.

— Муносибсиз. Ўзингиз агар яхши сезмасангиз, мен сизга айтиб қўя қолай — муносибсиз! — деди Сунбулхон ая Умидни кузатиб туриб, — гоҳида профессор домлангизга айтаман; мен ўлиб кетсам, бу уйларга ким келади. Эркаклар хотинларга нисбатан анча беоқибат бўлади. Мен ўлганимдан кейин наридан-бери йиллигимни ўтказиб, бир одамга уйланиб оласиз, дейман. Домлангиз тажанг бўлиб, энди уйланиб қаёққа бордим. Сен ўлмагин, мен уйланмай, дейдилар. Сен ўлсанг бутун давлатим, бахтим тўзиб кетади. Менинг ёшим сендан ўн беш ёш катта, саксон-тўқсондан кейин мени ўз қўлинг билан тупроққа топшириб, иннайкейин билганингни қиларсан: ўласанми, яшайсанми, ихтиёринг ўзингда бўлади, дейдилар. Бу гапдан кейин хурсанд бўлиб, сиз тўқсонга кирсангиз, мен ҳам етмиш бешга кириб буви бўлиб ўтирсам дейман... Ҳозир менинг олдимда турган вазифа шу ёлғизгина қизим Жаннанинг орзу-ҳавасини кўриш... Унгача менинг ўлишга ҳақим йўқ!

— Қўйинг, аяжон...

Бу узундан-узоқ «юрак сўзлари» Умид қўйнига қўл солиб кўриш учун қилинган иш эди. Аспирант йигитнинг ўзини тутиши, камгаплиги, юраги бу хонадонга мойиллигини пайқадими, томоқ қириб — сигнал берилди. «Синов» тўхтатилиб, хизматкор хотин овқат олиб кирди. Шу лаҳза Салимхон ҳам ювиниб-тараниб, нариги хонадан чиқиб келди.

Сунбулхон ая таблетка ютиб, каравотда бир пиёла чойни ҳўплаб ўтирди. Салимхон билан Умид ота-боладек бирга овқатланишди. Уларни кузатиб ўтирган Сунбулхон ая ич-ичидан қувонарди.

Кўп ўтмай эшикдан Жанна ҳам ўйноқлаб кириб келиб қолди. Беихтиёр чеҳраси очилиб кетган Жанна наридан-бери қўлғини ювиб, стулга ўтирди, онаси аҳволи билан қизиқиб, юраги «приступ» бўлмаганини билиб, ўзига тасалли берди. Отасига чой қуйди. Профессор халқаро мавзуда гап бошлади. Вьетнамни америкаликлар бомбардимон қилгани-ю, Ироқда давлат тўнтариши бўлгани — бош министр Абдул Карим Қосимни генерал Ориф отиб ўлдиргани, курдларнинг йўлбошчиси Барзонийнинг ҳуқуқ учун олиб бораётган кураши ҳақида гапириб, турли саволлар берарди. Гап Жанубий Африка республикасида инглиз Фервурд-

нинг мустамлакачилик сиёсати ҳақида ҳам кетди. Профессор ўз қизига ғарблик оқ танлилар билан жанубий мамлакатлар халқи — қорамағиз инсонлар ўртасида асрий ва кескин жанглар кетиши, бу ҳеч қачон тинчимаслиги, ғарбнинг ҳар қандай яхшилик ниқоби остида шарқ халқларини шилиши, оқ танлиларни қаҳрамон қилиб, қора танлиларни муте қилишга уринишини, бу фақат бир шароитда — социализмда, байналминал сиёсатда барҳам топишини гапирарди...

Овқатдан кейин Умид Жанна илтимоғи билан йўлбарс териси қоқилган хонага чиқиб, аллавақтгача гаплашиб ўтиришди. Кечаси соат ўнларда Умид болохонасига қайтиб келиб, ётиб ухлади. Лекин у уйғониб кетиб, қайтадан чироқни ёқди — соат икки бўлибди... Ярим кеча... Улкан шаҳар уйқуда, аммо биргина унинг уйқуси қочиб, сими узилиб, ҳалқоб бўлиб қолган эски темир каравотда ўтирарди. Бошини турли хаёллар чулғаб олган эди.

Нима бўляпти ўзи?..

* * *

Шу ҳафта ичи профессор Салимхон Обидий хонадонидида қизғин кўтаринки руҳ яна авжга миниб, келди-кетди, югур-югур бошланиб кетди. Иноғомжон ҳам у идорадан бу идорага, у омбордан бу омборга югуриб қолди. Келаси чоршанба кунига тўй... «Қизимиз Жанна ва ўғлимиз Умиджоннинг никоҳ тўйига ташриф...» деб Сунбулхон ая ва Салимхон Обидийлар таклифномани дўст-ёронларга тарқатиша бошлади.

Тўй шавқи Умидни ҳам сеҳрлаб, гўё оқим четидиги шу айланмага тушиб қолган баргдек ундан чиқиб кетолмай, дам сув қаърига кириб, дам юзига чиқиб айлана берди. Аввал гапирганидек, бу ишларга тезда киришиб, бир етим боланинг боши икки бўлишини кўзлаган соддадил тоғаси, профессор Салимхонни эшитгани, агар у ўзига фарзанд қилиб, тўйни ҳам ўзи қилиб бериб, уни бағрига оларкан — бу омад, деди. Худойи таолонинг карами, болам, бу лутфни қўлдан чиқарманг, деди Умидга тоғаси. Йигит моли ерда деганлари шу, кишига умрда уч марта омад келади, ақлли одам шу келган омадни маҳкам ушлаб қолади, деди яна Умидга насиҳат қилиб тоғаси. Бу омад ҳам

Ҳизрни учратгандек гап, домлангки, шунчалик сени яхши кўриб, мурувват қилаётган экан, у зотнинг этагидан маҳкам тут, сени одам қилади. Биз ҳам биламиз, яхши одамлар сабаб бўлиб, сафга кириб қолган ғариб-ғураболарни! Жиян, сенинг мендан бўлак жони ачийдиган кишинг йўқ, домлангнинг қизидан айрилма, майли, мен пийсабилло сени ўша олижаноб домлага бердим, унга ўгил бўл. Бахтли бўл. Чўтир холанг ўтган куни қулоғимга бир нималар деди. Бу гапни ҳам очиқ гаплашиб олайлик: ҳа, йигит киши баъзан хуштор бўлади — бу ёшлик, ўспиринлик... Хушторлик бошқа, оила тузиш бошқа. Мен сенга ҳурматли домланинг қизларига уйланишни маслаҳат бераман. Гап битта, омин облоху акбар!

Энг қадрдон қариндошининг фатвоси гўё Умид виждонини оқлагандек бўлди. Умид тўй шавқи билан бўлиб, маст кишидек шу гирдоб ичида айлана бошлади...

Тўй жуда катта бўлди. Профессор Салимхон Обидий хонадонида бўлаётган тўйнинг донғи бутун Тошкентга ёйилди. Шаҳарнинг анча-мунча эътиборли одамлари бу тўйга келиб, савлат тўкиб ўтиришди. Умид тарафидан унинг кекса тоғаси, дўсти Ҳотам билан Қоратой, Суқрот домла ва ўгай онаси Фотима ҳам келди. Сунбулхон ая Фотимага жуда катта ҳурмат кўрсатиб, энг юқорига ўтқазди, бош-оёқ сарпо қўйди. Уч-тўрт бор айтганига ва таклифномадан ҳам берганига қарамай Чўтир хола келмади.

Тўй ўтгандан кейин Умид машинада шошиб келиб, болохона ҳужрасидан у-бусини олиб, асосан китоб-дафтарлар эди, эшикни маҳкамлаб тамбалаб, ҳовлида ётган икки гарбил тахтани эшикка қоқиб, яна профессор машинасида фирра жўнаб кетди.

Кулба ҳувиллаб қолди. Рўпарадаги гирчиллаб очиладиган, кўҳна ўймакор эшикдан чиқиб, табассум қилиб турадиган «ўймакор» юз — Чўтир хола ҳам кўринмади. Етим қулуннинг ҳолидан хабар олиб, ёғсиз ёвғонини аямайдиган бу хотин кўринмади. Унинг жимиб кетганини Умид хаёлига ҳам келтирмади.

Лекин аслида шу ўймакор, кўҳна эшик орқасидан ўша «ўймакор» юз Умидни кузатиб турган эди.

Ғариб Чўтир хола нимадандир норизо эди...

Тўққизинчи боб

КУТИЛМАГАН ВОҚЕА ЁКИ ЮРАККА ТУШГАН ДАҲШАТЛИ ЛАРЗА...

Сукут сақламоқ ҳамма вақт ҳам ақллиликдан дарак беравермайди, аммо билганингни шақиллаб гапир-ра бериш — ўз обрўйингни пақирлаб тўкиш демак...

Портфелини тиззасига олиб, айвон четида ўтирган Раъно ичкарида, ойна олдида сочини тараб турган Ҳафизани бир лаҳза кузатди.

— Нафасинг ичингга тушиб кетдими, нега гапирмайсан?— деди Ҳафиза ичкаридан,— бир нима деб тур, мен ҳозир бўламан.

— Нима десам экан,— деди хомуш турган Раъно.

— Дунёда ҳеч гап йўқми?

— Бор...— деди Раъно юрагини ҳовучлаб.

— Гапир!— деди Ҳафиза лоқайд. У Раънога қараб илжайиб ҳам қўйди,— кулгилик гаплардан гапир, «Муштум»нинг янги сони чиқибди, кўрдингми?

— Кулгилик гап бўлмаса-чи?

— Унда...— деди ялт этиб қараб Ҳафиза,— жиддий гаплардан гапир.

Одамнинг тили битта, қулоғи иккита — бу кўп гапирма, кўпроқ эшит дегани эмасми! Аммо Раъно ортиқ ўзини тутиб туролмади:

— Кўнгилсиз хабар! Балки даҳшатли хабар...

— А? Қанақа кўнгилсиз хабар?

— Сени хафа қилиб қўймасмикинман? Йўқ, айтиб сени хафа қилиб қўяман. Айтмасликка иложим йўқ.

— Айт!— деди Ҳафиза уй ичидан айвонга чиқиб,— нима гап?!

— Умид уйланибди.

— Нима деяпсан?!

— Ҳа, шундай. Сенга буни айтмаслигим мумкин эмас. Уша профессорнинг қизига...

Ҳафизанинг бирдан ранги оқариб кетди. У остонага ўтирганича, бақрайиб қолди. Гўё бошига юз пудлик гурзи тушгандек эси оғиб қолди. У бу даҳшатли хабар гурзиси зарбидан ерга мих бўлиб кириб кетгандек бўлди. Бир дамдан кейин у ўрнидан турди. «Қани, кетдик!» ишора қилиб, Раъно билан олдинма-кейин кўчага чиқишди. У портфелини ҳам олиш эсига кел-

мабди. Раъно бу шум хабарни айтиб қўйганидан ниҳоятда хижолат бўлиб, гапиришини ҳам, гапирмасини ҳам билмасди. У уч-тўрт қадамча орқада индамай кела берди. Кўчада кета туриб, бир муддатдан кейин Ҳафиза қайрилиб, Раънога қаради.

— Кимдан эшитдинг?!

— Холамларнинг қизи шу тўйда бўлибди. У профессор Обидий қизининг дугонаси. Хоҳласанг, ҳозир бориб ундан сўраймиз. У бизникида...

— Йўқ, мен ҳозир унинг ўзидан сўрайман!

— Мен сенга бу гапни айтиб ранжитганимдан хижолатман. Кечирасан...

— Қўйсанг-чи!— деди Ҳафиза яна қадамини жадаллаб,— айтишинг керак эди, тўғри қилдинг. Мен бу гапни унинг ўз оғзидан эшитишим керак! Мен бугун институтга боролмайман, ўзинг бора бер. Эртага учрашамиз...

— Ҳа, майли,— деди Ҳафизага етолмай орқада қолиб кетган Раънонинг ранги ўчиб, бўшашиб.

Ҳафиза югурганича катта кўчага чиқди; у ёқ-бу ёққа қаради — на трамвай ва на троллейбус кўринади. У йўлқадан пастга тушиб, ўтган-кетган машинага қўл кўтара бошлади. Кўп ўтмай зулукдек қоп-қора бир «Волга» ги-и-иқ этиб, унинг ёнгинасида тўхтади. Тез келаётган машинага кучли тормоз берилганидан у асфальтни анча жойгача чизиб келди. Ловиллаб ёниб турган Ҳафиза жон ҳолатда машина эшигини тортиб очиб, шофер йигит ёнига ўтирди-да, «кетдик!» деди олдинга ишора қилиб.

— Қаёққа, опоқ қиз?— деди кулимсираб Ҳафизага тикилиб турган, юзлари гўштдор шофер йигит,— мени танимадингиз чоғи? Нима, мен ўзгариб кетибманми, Ҳафизахон? Ёки машинадан тушиб кетасизми?

Ҳафиза ялт этиб шофер йигит башарасига қаради.

— Э, сизмидингиз, Шоқосим ака, танимай қолганим учун кечирасиз,— деди жиндак сохта жилмайиб.— Йўқ, машинангиздан тушиб кетмайман! Агар сизга малол келмаса, мени бир ерга олиб боринг, жуда шошиб турибман.

— Жоним билан,— деди Шоқосим Ҳафизанинг самимий ва уни ҳурмат билан «ака» деганидан мамнун бўлиб. Ҳатто у «опоқ қиз» деб, киноя қилганидан

ҳам хижолат бўлди. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ машинани ҳайдаб кетди,— тинчликми, синглим?

— Ҳа,— деди Ҳафиза.

— Менинг қора байиримга қаерга боришни олдиндан айтиб қўймасангиз, шошиб қолади,— деди Шоқосим Ҳафизага бир қараб қўйиб. У Ҳафизанинг хаёли ўзида эмаслигини пайқаб ҳам турарди,— кўр-япсизми, саксонда кетяпмиз. Инспекторлар турадиган жойни биламан, унга яқинлашганда элликка тушираман.

— Луначарский орқали борсак ҳам бўлади,— деди Ҳафиза,— селекция станциясига, яъни Селекция илмий-тадқиқот институтига... Кўрганмисиз?

— Тошкентда менинг билмайдиган кўчам бўлмайди, Ҳафизахон,— деди у яна Ҳафизанинг чиройли юзларига суқ билан боқиб,— сиз айтдингизми, кифоя, ўн минутда олиб бораман. Фақат қўрқмасангиз, дадил бўлсангиз бас!

— Менга ҳозир барибир.

— Лаббай? Нима дедингиз?— деди Шоқосим Ҳафизанинг оғзига қулоқ тутиб.

— Йўқ, шундоқ...

— Ундоқ деманг, синглим. Мен-ку майли, бир шофер одамман. Лекин сизнинг ҳаётингиз учун жавобгарман. Сиз Пўлатжон акамларнинг қизларисиз, ҳаммаҳалламиз. Пўлатжон акамлар партия ишига ўтганларидан аввал бизни мактабда ўқитганлар. У кишидан умр бўйи қарздормиз, у кишига жонимизни берамиз.

Ҳафиза индамай кета берди. Унинг кўз олдида Умид турарди — дам даҳшатли бир девга, дам севикли бир инсонга ўхшаб, турланиб кўринарди. Ёнида гапириб келаётган Шоқосимни кўрмас, унинг юракдан гапираётган гаплари ҳам қулоғига кирмасди.

Машина селекция институти зинапоялари олдида тўхтади. Машинадан чиқиб, ҳеч нарса демай, хаёл билан кетаётган Ҳафизага Шоқосим гап қотди:

— Мен кета берайми?

— Йўқ, бир оз тўхтанг,— деди қайрилиб қараб Ҳафиза. У яна қўшиб қўйди,— ёки ишингиз жуда зарурми?

— Бемалол. Ишингизни битириб чиқа беринг, мен кутиб тураман.

Ҳафиза тўппа-тўғри Умид ишлайдиган хонага кир-

ди. Столи ёнида бир одам билан гаплашиб турган Умиднинг кўзи Ҳафизага тушди. У Ҳафиза томон юриб келди. Ҳафиза орқасига қайтиб, коридорга чиқди. Бунда улар бир-бирларига яқин келиб, тикилиб қолишди. Гўё жонсиз бўлиб қолган танидаги титроқни босиб, мажбуран вазминликни сақлаб турган Ҳафиза Умид кўзларига тикилди. Улар бир-бирларига ҳеч нима демадилар. Ҳамма нарса аёндек, яна орқасига қайтиб чиқиб кетмоқчи бўлаётган Ҳафиза титроқ бир овозда Умидга деди:

— Шу ростми?

Бу икки сўзда у сўрамоқчи бўлган гапнинг ҳаммаси мужассамлашгандек, бошқа ҳеч нима демади-ю, яна Умид кўзларига боқди. Умид ўзининг ноқулай аҳволда қолганини пайқаб, сукут сақлади. Сукутдан бўлак иложи йўқ эди. Бу бир оний сукут Ҳафиза юрагини лов этиб куйдириб юборди...

Ҳафиза ерга қаради.

Умид ҳам титроқ бир овозда секин гапирди:

— Сиз... менинг синглимсиз... Энг қадрли... дўст...

Ранги мурда бўлиб оқариб кетган Ҳафиза қайрилиб ташқарига чиқиб кетди. Унинг кетидан чиққан Умид, эшикларини қарсса ёпиб жўнаган қора машина орқасидан тикилиб қолди...

* * *

Энг оғир кулфат икки хил шароитда, чунончи, сирнинг эшик очиши-ю, ишончнинг барбод бўлишидан туғилади.

Ҳафиза қайтиб уйга кела-келгунча Шоқосимга миқ этмасди; у орқада, шофернинг ўнг кифти орқасида қилт этмай ўтириб келарди. Унинг ҳеч нарсани кўрмай, ҳеч нарсани сезмай келаётганини пайқаган Шоқосим ортиқ гапга ҳам тутмади. Дарҳақиқат, унинг бор вужуди жонсиз бир кесакка айланиб қолган эди. Лекин у ишончи, садоқати барбод бўлганини билди-ю, бу энди сир туттилиши кераклигини жазм этиб, миқ этмади.

«Наҳотки, Умид шундай?!»

«Дунёда ҳақиқат борми?!»

У бир зумдаёқ қовурилиб, жизғанақ бўлиб кетди. Бир кечада сочи оқариб кетган одамларни эшитган

эди. Мажлисда ўтириб ўлиб қолган одамларни ҳам эшитган эди... Унинг дарду дунёси зимистон бўлиб кетди. «Шу даражада ҳам ёлгончилик, сохталик бўладими?!» Пасткаш ишлар билан шуғулланадиган кимсалар, баъзан шуҳратга муккасидан кетган одамлар шундай тубанликка бориб, кишиларни алдайди, қаллоблик қилади, ўз манфаати йўлида бошқалар юзига чанг солади, ўлармонлик қилади... дердилар. Наҳотки, Умид шундай тубан кимса?!

Унинг кўзига ҳамма нарса қалбаки бўлиб кўринди — уйлар, деворлар, кўчада юрган машиналар... Ҳамма-ҳаммаси ёлгондан ясаб қўйилганга ўхшарди. Одамларнинг ҳаммаси Умид каби бетайин, сохта, сотқин бўлиб кўринди. Умидни «тубан бир инсон» ҳисоблашга, уни яхши кўрмаслик ва ҳеч қачон севмаганлигига ўзини ўзи ишонтиришга уринди ва лекин барибир юраги лов-лов ёнарди...

Хаёл билан қилт этмай, ўз ёғига ўзи қовурилиб ўтирган Ҳафизани машина пешонасидаги ойначадан кузатиб келаётган Шоқосим гап қотди:

— ТошМИга олиб борайми, уйингизгами, Ҳафизахон?

— А, лаббай,— деди уйғониб кетган одамдай чўчиб Ҳафиза,— мен уйга бораман... Сиз менинг ТошМИда ўқишимни ҳам биласизми?

— Ҳа,— деди қайрилиб қараб Шоқосим.

— Қизиқ...

— Сиз мени ёмон кўрасиз, айниқса ҳў-ў... ўша жанжалдан кейин... Шофер деса безори деб тушунасизлар-да, синглим, бу тўғри эмас! Сизга менинг маслаҳатим — ғамни ичингизга ютиб, хаёл сурманг, бу ёмон нарса... Яхшиси, жанжаллашинг, йиғланг! Руҳингиз жуда ҳам сўниқ, мен буни пайқаб ўтирибман.

— Йўқ, сизга шундоқ кўрингандирман. Ундоқ эмас...

— Менга барибир, лекин айтдим-қўйдим-да.

Ҳафиза ёлгондан кулиб қўйди. Бу кулиш жуда қийин бўлди.

Шоқосим машинани Ҳафизалар эшиги тагига олиб келиб тўхтатди. Ҳафиза Шоқосимнинг улар ҳовлисини билишига таажжубланди. У ёнидан уч сўм пул чиқариб, Шоқосимга узатди.

— Уят бўлади!— деди Шоқосим жаҳли чиққандек.

— Олинг. Сизга катта раҳмат! Ишимнинг тез битишида ёрдам бердингиз.

— Хайр, синглим!— Ҳафиза машинадан чиқиши билан у пул олмай жўнаб кетди.

Ҳафиза уйга кирди-ю, ўзини каравотга ташлади. «Ўқишга бормадингми? Нима бўлди?» деб тепасига келган кампир бувисига: «Бошим оғриб, институтдан қайтиб келдим...» деди оғзини ёстиққа қўйиб, ечинмай шундоқ ётган Ҳафиза «Ҳозир аччиқ чой дамлаб бераман, ичсанг босилиб қолади...» деди чиқиб кета туриб буви.

Ҳафиза бувиси олиб кирган чойни ҳам ичмади, ҳеч нима емади ҳам. Шу ётганича кечгача ётди. У бир ҳақоратланган, камситилиб, бетига туфланган одамдай кўкрагини кўтаролмай ётди. У негадир хиёлати очилиб қолган кимсадек, бувисига ҳам қаролмасди. У гўё кескин жангда энгилиб, мағлубият кишани оёқ-қўлига урилган одамдек бир зил юк бўлиб ётарди. Наҳотки, ҳаёт шундай жирканч ва одамлар қаллоб! У ҳамма вақт ҳаёт ниҳоятда чиройли ва одамлар меҳрибон дерди. Демак, ундай эмас, демак, у янглишган экан, демак... демак..

Унинг кўз олдидан ҳайвонот боғидаги оқ айиқлар ҳам, халқ кутубхонаси, Умиднинг эҳтирос билан қучиб, ҳеч тўймай ўпишлари, унинг хатлари, сўзлари... бир-бир ўтди. Ҳозир у профессорнинг чиройли қизига уйланиб, у билан ётибди...

Бир даҳшатли қўл келиб Ҳафиза бўйнидан бўға бошлади, унинг нафаси тиқиларди. Чалқанча ётиб, бўйнини сиқиб турган у қўлни олиб ташламоқчи бўларди. Лекин кучи етмас. Эҳтимол, у ўлаётгандир — ўлим шундай бўғиб келар... Бир ҳисобда, ўлса ўлиб қўя қолгани ҳам яхши эди. Чунки энди унинг ҳеч нарсаси қолмади; юрак-бағри қийма-қийма бўлиб кетди. Энди унинг учун бу ҳаётнинг ҳеч қизиғи ҳам йўқ. У институтга ҳам шу Умид учун киргандай бўлиб юрарди. Янги кийимларини шу йигит учун кўярди. Ниманки яхши иш қилса, шу йигит учун — севикли киши учун қилгандек бўларди.

Энди у йўқ...

Энди уни кўриши ҳам, у ҳақда ўйлаши ҳам мумкин эмас, у энди бировнинг бахти...

Бир кунда бирваракайига бутун бор-йўғини йўқотиб қўйиш ёш, бетоқат ва иродаси заиф қизни талвасага солиб қўйди.

Ҳафиза ўрнидан туриб, шкаф тепасидаги марганцовка солинган кичкина шишани олиб, чойнак ёнига қўйди. У шу лаҳзанинг ўзидаёқ пиёлага марганцовкадан тўкиб, устига чойнакда совиб қолган фамил чойдан қуйиб, лим-лим қилди. Дафтардан бир варақ қоғозни йиртиб олиб, стол устига қўйди-да, шоша-пиша ёза бошлади. Эшикнинг жиндак ғирчиллаганидан чўчиб ялт этиб эшик томонга қаради — бувим кириб қоладилар деб чўчиган бўлса керак. Ҳеч кимдан дарак бўлмагач, у яна қизариб кетган кўзини қоғозга тикиб ёза бошлади:

«Адажон, опажон! Мени кечиринглар, мен ёмон қиз бўлиб, сизларни кўп ташвишлантирдим. Гуноҳкор қизингизни кечиринглар. Ортиқ яшай олмайман».

У қоғоз ёнига ручкани ташлаб, каравотга ўтирди. Пиёлани қўлига олиб икки-уч қултум ютиб, бирдан ўхчиб юборди. Ичи ёниб каравотда буралиб, тириша бошлади. Кўрпа, чойшаблари ерга тушди... Унинг кўзи қоронғилашиб, аъзойи бадани ёна бошлади. Иттифоқо кириб қолган кампирнинг кўзи Ҳафизага тушиб, капалаги учиб кетди:

— Вой, сенга нима бўлди! — кампир буви уни бағрига босди.

Ҳафиза ҳеч нима деёлмасди; унинг тиллари ҳам қовушмай гўлдирар, лаби, ияги сарғиш, куйганга ўхшарди.

Шу лаҳза эшик тақиллатмай тўғри кириб кела берадиган дугонаси Раъно одатдагидек эшикдан кириб келиб, Ҳафиза билан кампирни кўриб, ранги ўчиб кетди. У дарҳол масалага тушуниб, телефонга чопди. Айвонга чиқибоқ, трубкани кўтариб, тез ёрдам чақирди.

— Заҳарланган. Марҳамат, тез келинглари! Ҳа, ўн тўққиз ёшда. Фамилияси — Соднқова...

Раъно қайтиб кириб, Ҳафизани қучди. У нима қилишини билмай, яна кампирга топшириб, югурганича ҳовлига чиқди. Идиш тополмаганидан кран ёнида турган челақда сув олиб кириб, Ҳафизани ичишга маж-

бур қилди. Дўқ қилиб, силтаб, уч-тўрт қултум ичириб, қучоқлаб олиб, оғзига қўлини тиктирди.

— Қус, ҳозир қус!— деди дўқ уриб.

Каравотлар, кўрпа-чойшаблар пақирдаги сувдан тўжилиб шалаббо бўлиб кетган эди. Ҳафиза ўхчирди-ю, лекин ҳеч қусолмасди.

— Буви, қатиқ борми? Йўқ бўлса дарров қўшнилардан топиб чиқинг. Тез бўлинг! Бу нодон марганцовка ичибди, мана, пиёлада қолибди... Пистакўмир бўлса ҳам бир сиқим тез топиб чиқинг!

Кампир оёқ яланг қўшнисиникига югурди.

Раъно пақирдаги сувдан Ҳафизага яна ичирди. Жон қолатда у ҳам кўзларини ола-кула қилиб, кўп-кўп ичарди. Раъно ишонмай, унинг оғзига ўз қўлини тикди. Энгашиб турган Ҳафиза гиламга ғалқиллатиб қусиб юборди.

— Яна қус, яна қус!— деди Раъно.

Шу лаҳза қўлида бир шиша банка қатиқ югурганча кампир буви кириб келди. Раъно қатиқнинг ҳаммасини Ҳафизага ичирди.

Ҳовлиқиб кирган қўшни хотин ҳам ҳайрон бўлиб, ранги ўчиб турарди.

Кўп ўтмай «тез ёрдам» машинаси келиб, икки врач Ҳафиза ёнига кирди. Улар Раънонинг қилган ишларини маъқул кўриб, Ҳафизани қўлтиқлаб машинага олиб чиқишди. Гиламга тушиб ётган пиёла, марганцовка шишасини ҳам олишди. Улар билан бирга Раъно ҳам кетди.

— Болам, менга дарров хабар беринг,— деди кампир йиғлаб Раънога.

Кампир қўшни хотин билан анча вақтгача гаплашиб ўтириб йиғлади. Неварасидан безовта бўлиб, юраги таталаб кетаётганини, ота-онасига қандай хабар беришини билмай йиғларди.

— Уғлингизга айтинг, Қудратжонни менга тезроқ топиб берсин,— деди кампир қўшнисига.

Қўшни хотин чиқиб кетгач, уйга кириб каравотларни тартибга солиб, уйни йиғиштира туриб, кўзи стол устидаги бир варақ қоғозга тушди. Нима ёзилганини ўқиёлмади-ю, аммо бу хат ҳозир пайдо бўлиб қолганини, буни Ҳафиза ёзганини фаҳмлаб, шкаф тепасига яшириб қўйди.

Бир соатча вақт ўтгач, эшикдан бамайлихотир ки-

риб келган Қудратжон кампир бувининг фиғон бўлиб ўтирганини кўрди. У бувисининг қисташи билан шу заҳотиёқ Фарғонага шошилинич телефон заказ қилди. «Ёш нарса жонига қасд қилгани худодан қўрқмайди-ми-е! Нималигига тушунмайман. Эрталаб олдимдан ўйнаб-кулиб чиқиб кетган болам, кўчадан қайтиб келиб шунақа иш қилса бўладими! Э, парвардигорим!» деди ўзидан-ўзи бетоқат у ёқдан-бу ёққа юриб.

— Ҳой, Қудратжон, тагин опанг билан адангни ҳовлиқтириб қўймагин, — деди буви ипнинг учини йўқотиб қўйгандек диққат бўлиб, — уларга ҳам қийин. Опанг бечора ҳар икки ҳафтада келиб турибди. Аданг бечора ҳам шундоқ Тошкентда битта обком топилмагандай, доимо узоқда ишлайди. Абдуҳамид совуқ ўттиз йилдан бери битта почтада ишлайди. Почтахонасини кўрганман, ўша обкомдан катта бўлса каттаки, кичик эмас... Юраги пристўп бўлди, ҳозир тузук деб қўя қол. Балнисага кетганини айтма!

— Хўў-ўп, — деди Қудратжон анча лоқайд.

— Бизлар бундоқ ёшимизда тўппи тикиб ўтирадик. Отамиз раҳматлик бир жойга узатди, тақдир экан деб келин бўлиб тушдик... Мана, ували-жували бўлдик. Бу ёш қизлар тушмагур ота-она гашига қулоқ солмай, хуштор бўлиб юрса, яна бунинг устига ўз жонига ўзи қасд қилса! Худодан қўрқиш керак! Бандасининг қўлидан ҳеч нима келмайди. Бунақа қила берса, худонинг қаҳри келмайдими!

— Ҳали шунақами? — деди Қудратжон.

— Қанақа?

— Қизингизнинг оёқ олиши ёмонроқ эди. Эшитиб юрувдим...

— Ҳай, ҳай, оғзингга қараб гапир!

— Ҳа, шунақа! У — бузуқ!

— Сен иккинчи шундоқ дегин! Мен сени нима қиларкинман! — кампир кўзларини ола-кула қилиб дўқурди.

— Нега бўлмаса марганцовка ичади?

— Сенинг нима ишинг бор! Сен унинг юрагидаги дардин билмай туриб, нега бундоқ дейсан!

— Бир гап борки, у ўзини ўлдирмоқчи бўлган.

— Тавба де! Қўй, болам, бунақа гапларни гапирма! — кампир қўрқиб, Қудратжонга ялина бошлади, — опанг билан адангга бу гапларни айтма, жон болам!

Шу орада дарак эшитиб, бошқа қўшни ҳам айланишиб кириб қолди; у кампирдан — касалхонадан телефон қоқишдимиди, тузукмишми... деб сўради. Қудратжон билан айтишиб, нима қилишини билмай довдираб ўтирган кампир аввалига «ҳали хабар йўқ, юрагим така-пука бўляпти», деб туриб, бирдан айниди:

— Ҳеч нима қилгани йўқ... Илгариям бир сафро ташлаган эди. Ҳали-замон келиб қолади Ҳафиза,— деди бўйи етган қиз тўғрисида ёмон бир гап тарқалмасин, оила сири четга чиқмасин, дегандек қилиб кампир буви. Ўзи ҳам дўхтир бўляпти-ю, дўхтирхоналар билан қизимнинг алоқаси бор...

— Вой, шунақами?— деди бўзариб ориқ, ранги заҳил қўшни хотин. У кампирнинг сирли ишни хаспўшлаётганини шундоқ пайқаб турарди. Кампирдан бошқа ортиқча гап ололмагач, у ингичка бўлиб, буралиб чиқиб кетди.

Кампирнинг назарида унинг кўп турмай чиқиб кетгани ҳам маъқул бўлди; оёғи остонадан ўтиши биланоқ телефон узун жиринглаб, Қудратжон опаси билан гаплаша кетди.

— Ҳа, ҳаммамиз яхшимиз,— деди дўриллаган беўхшов овоз билан у,— қизингиз касал...

У томондан Нафисахоннинг овози худди шу яқиндан гапираётгандек тиниқ эшитилиб турарди:

— Яна сафро ташладими? Бувинг қаёқда?

— Мана, бўтталар, Опа...

Кампир буви шу заҳоти «менга бера қол, жон болам!» деб унинг қўлидан трубкани тортиб олди. Оғзидан яна бир нимани гуллаб, уларни ҳовлиқтирмасин деди.

— Нафисахон, болам омон-эсонмисизлар? Пўлатжон омон-эсонми? Алишер омон-эсонми? Ҳа, худога шукур. Сизларга бир тилипон қилиб қўяйлик дедик. Ҳафизаннинг яна тоби йўқроқ... Ҳа, озгина сафрога ўхшаган нарса қайт қилди...

— Нима бўлди унга, ойи?

— Ҳайронман... Шу касалдан чиқмай қолди, болам бечора...

— Аҳволи ёмонроқми?

— Йўқ, унча ёмон эмас.

— Телефонга келолмайдими?

— Келолмаса керак.

— Ётибдимми? Қайси уйда ётибди?

— Ҳа, а...— кампир буви нима дейишини билмай ғудиллади.

— Ойи? Тўғрироғини айтинг, Ҳафиза қани?

— Дўхтирхонага чиқиб кетувди...

— Юрагимга ваҳима тушяпти. Нима гап?!

— Ҳеч ваҳима тушмасин, сал қусди. Уртоғи Раънохон касалхонага олиб чиқиб кетди.

— Вой-ўлай, яна унга нима бўлди?

— Ҳовлиқманг, жон болам, тузалиб қолади. Ўзиз тез-тез тилипон қилиб турунлар, деганиз учун тилипон қилдик. Ҳеч ҳовлиқманг.

— Борайми?

— Ўзингиз биласиз...

Жиндак ўртага сукут чўккан эди, Қудратжон кампир буви қўлидан трубкани олди. Онасидан одатдагидек пул юборишни сўрайди деб ўйлаб, буви ҳам гапини тамомламай, қўлидаги трубкани бера қолди...

— Опа! Ҳафизангиз қусгани йўқ, марганцовка ичибди... Гап шунақа! «Тез ёрдам» машинаси олиб кетибди... Ўзини ўлдирмоқчи бўлган.

— Ҳай, унақа дема!— деди кампир буви яна унинг қўлидан трубкани йириб олиб,— унчалик эмас, Нафисахон. Жуда ҳам ҳовлиқманглар...

— Тушунарлик...— деди Нафиса,— Қудратжонга айтинг, касалхонага бориб, хабар олсин! Мен эрта билан етиб бораман. Хайр!— деди у трубкани қўйиб.

Кампир буви Қудратжонга бақрайиб қараб қолди.

— Нима қилиб қўйдинг, тентак!

— Тўғрисини айтиш керак-да!

— Онанг билан отангни ҳовлиқтирмай, ётиғи билан айтсанг бўлмасмиди?

— Нима, улар жинними! Тўғрисини айтиш керак-да! Ҳовлиқманглар. Қачонгача Ҳафизангиз шунақа ишлар қила беради?! Бир ўласи қилиб калтаклайман!

— Ҳа, тузалиб келсин, кейин калтакларсан!— деди тўнғиллаб кампир. Улар иккови баъзан ўртоқлардек бир-бирлари билан уришиб, ярашиб туришарди.

— Опамни ҳам, адамни ҳам нотинч қилаётган битта шу! Эрсираб қопти!

— Оғзингга қараб гапир! Мана, энди ўзинг ҳовлиқтирдинг, эрта билан ҳаллослаб кириб келишади.

— Узини ўзи ўлдираман дейди-ю, келишмайдим, келишсин!

— Унчалик «ўзимни ўзим ўлдираман» деган эмас. Оғзингга қараб гапир!

— Нега бўлмаса марганцовка ичди? Чанқаб кетганиданми?

— Жаҳл устида...— деди кампир буви жиндак неварасига ён бериб,— энди бу гапни кўп айта бермагин, жон болам. Қўни-қўшнилариинг қулоғига етмасин.

— Опамга тўғриси айтиман!

— Майли, опангга айт...

— Айтиман!— деди Қудратжон ҳовлиқиб чиқиб кета туриб,— сиз ўша неварангизнинг ёнини ола берманг! У ёмон бўлиб кетган, эшитдим...

— Ёмон бўлган эмас, бу гапингга қўшилмайман! Бўйи етган қизни ёмон отлуғ қилмоқчи бўлганлар санга шундоқ дегандир!

— Узим биламан.

Бунақа таги йўқ гапларни опангга валдираб гапирмагин! Айб бўлади!

Қудратжон ташқарига чиқиб кетди.

Шу орада телефон жириглаб қолди. Кампир буви дарҳол трубкуни кўтарди.

— Буви, сизмисиз? Мен — Раъноман.

— Ҳа, айланай, Ҳафизанинг аҳволи қанақа?

— Ҳовлиқиб, безовта бўлманглар! Тузук. Сув ичириб, ювишяпти... Ҳеч нарса қилмайди, икки қултумигина кетган экан. Ҳафли эмас.

— Худога шукур, худога минг қатла шукур... Яхшиям сиз бор экансиз, бўлмасам ман бир кампир хотин нима қилардим,— кампир ҳўнгиллаб йиғлайди.

— Буви, у гапни ҳеч ким билмасин. Хўпми?

— Хўп.

— Стол устида бир хат бор экан, олиб йиртиб ташлармишсиз. Тушундингизми?

— Ҳа, тушундим.

— Қудратжон борми?

— Бор. Нима қилди?

— Адресни ёзиб қўйсин.

— Ҳозир чақираман.

Кампир буви ҳовлидан Қудратни чақирди. У бир

парча қоғозга касалхона адресини, қавату палата номерларини ёзиб қўйди.

Шу куни кампир буви тун бўйи ухламай, аранг тонг оттирди. Овқатни еб, каравотга чўзилган Қудратжон парвөйи фалак, хириллаб ухлаб қолди. У касалхонага бориш у ёқда турсин, телефон ҳам қилмади. Дилкашлик қиладиган Ҳафизасиз каттакон ҳовлида «шоми ғарибон» қилиб, кампир бувининг бир ўзи шумшайиб ўтирди. Ҳовлида изгиб юрган ёввойи мушук ҳам гоҳ даҳлиздан, гоҳ ошхонадан ухламай чўққайиб ўтирган кампирга қараб қўярди. Уйнинг эшиги ҳам ги-и-йрч этиб жиндак очилгандай бўлди. Бу шамолдан бўлдими, мушук очдими, ҳар қалай кампирнинг юрагига қўрқув солди; унинг хаёлига чилдирма чалиб, кўчириқ қиладиган Аллондаги Аязимхон парининг «одамлари» келди. Қизлигида ўзи ҳам неча марта бориб, унга «кўчириқ» қилдириб келган эди. Фолбиннинг «одамлари» эшикни ғирч этиб очиб келиб, тахмон тепасидаги дорга ўтиришини, саннаб ўқиб турган Аязимхонни бўғишини кўрган эди. Кампир дарҳол пичирлаб «лов-ҳовла...»ни етти марта ўқиб ўзига дам солди...

Унинчи боб

ЯНА ГҲЗАЛ ФАРҲОНАГА

Эрталабки самолёт билан учиб, соат тўққизларга қолмай Нафисахон, Пўлатжон Содиқов Алишерни етаклаб ҳовлига кириб келишди. Пўлатжон Содиқович бир оз босиқ эди-ю, аммо ҳовлиққан Нафисахон қайнанаси билан омонлашишни ҳам унутиб, «нима гап?» дегандек кўзларини катта очиб, бақрайди.

— Қўрқманг, ўзингизни босиб олинг, болам,— деди кампир Нафисахонга пешвоз чиқиб,— эсон-омон келдингизми?

— Омон-эсонмисиз, ойи?— деди андак ўзини босиб Нафисахон,— тузукми?

— Ҳа, тузук.

— Вой, мен ўлай. Юрагим қинидан чиқиб кетди.

— Қудратжон ўйламай шундоқ деворди, қандоқ қилай...

— Тошкентга қандай етиб келганимни билмай қолдим.

Кампир Пўлатжон билан ҳам омонлашиб, невараси Алишерни бағрига босди.

— Нима гап, ойи?— деди айвон четига ўтириб Пўлатжон.

— Жудаям ҳовлиқманглару, аммо Ҳафиза вос-вос бўлиб қолибдими, нималигини билмайман. Қизим боёқиш билибми, билмайми, ярага сурадиган доридан озгина ичиб қўйибди. Ҳозир тузук. Боламга кўз тегдими, билмайман. Болам боёқиш нотинчроқ бўлиб қолди. Хаёли ҳам жойида эмас, кўп ўйлайди... Ҳайронман. Мен бу болаларингни эплолмай қолдим. Қудратжон ҳам сўзимга кирмайди.

Кампир ичкарига кириб, касалхона адреси билан шкаф тепасига бекитиб қўйган Ҳафизанинг хатини олиб чиқиб, ўғлига берди. Пўлатжон хатни ўқиб, Нафисахонга узатди. Қисқагина хатни ўқиган Нафисахоннинг яна ранги ўчиб, ўтирган еридан турди.

— Нима гап ўзи, Пўлатжон ака? Юрагим орзиқиб кетяпти.

— Ўзингни тутиб ол!

Нафисахон билан Пўлатжон Алишерни бувисига топшириб, касалхонага югуришди. Нонга чиқиб кетган Қудратжонни ҳам кўришмади. Фақат чиқиб кета туриб йўл-йўлакай кампирга, «бу гапни ҳеч ким билмасин» деб тайинлашди.

Икки соатлардан кейин Пўлатжон Содиқович ҳовлига кириб келди. Айвонда, хонтахта ёнида Алишерни тиззасида олиб ўтирган кампир нафаси чиқмай тикилиб қараб турарди. Кампирнинг саволини кутиб турмай, Пўлатжон жавоб қилди:

— Тузук. Онаси ёнида қолди.

— Зарар қилмабдими?

— Йўқ. Бу нодон икки қултумча ичиб юборибди. Жуда ҳам қуюқ эмас экан, зарари йўқ, дейишяпти.

— Худога шукур...— кампир юзига фотиҳа тортади.

— Бу нодонни нима қилиш керак!— Пўлатжон бўғилди.

— Кўргилик, болам... Худога минг қатла шукурки, ўзи асраб қолди.

Хонтахта ёнидан туриб, югуриб ҳовлига тушган

Қудратжон адаси билан кўришди. Жўмракда қўлини юваётган адасига уйдан сочиқ олиб чиқди.

— Нима гап ўзи?— деди Пўлатжон ўғлига тикилиб.

— Ҳафизангизнинг ўзи ёмон,— деди Қудратжон тўнғиллаб, гапга кирмайди. Уйга кеч келади... Бувимларга ҳам қарашмайди. Мешчанка...

— Кеча тузук юрганмиди? Ҳеч нарсадан хафа эмасмиди?

— Йўқ.

— Институтга бордимми?

— Ҳа.

— Раъно деган ўртоғи ҳам кеча шу ерда эди,— деди кампир.

— У ҳам мешчанка...— деди яна Қудратжон.

— Раъно яхши қиз, унақа дема, болам! Бир алланучук васваса Ҳафизани чалғитган...— деди кампир,— билмай қолдим, чанқаб совуқ чой деб ичиб юборганми!!! Тишим оғрияпти деган эди, оғзини чаймоқчи бўлгану, ичига кетиб қолганми... Мени айтди дерсизлар, худди шундоқ...

— Ёнини олманг, буви! Унақа эмас, жўрттага ичган!

— Ҳа, сен биласан!

Пўлатжон хомуш хонтахта ёнига ўтирди. Кампир кўпдан соғинган ўғлига чой узатди. У инқиллаб ўрнидан туриб, токчадан коса олди; хонтахта ўртасидаги қаймоқдан озгина қуйиб Нафисахонга олиб қўйди-да, «қани, олинглар!» деб ўғлига, невараларига қаради. У негадир Қудратжон олдида баъзи нарсаларни айтишга ийманарди.

— Ҳафиза кўп ётармикин банисада?— деди кампир Пўлатжонга.

— Йўқ, тез жавоб беришса керак.

— Болам, оиланинг иккига бўлиниб туриши қийин. Дам Қудратжонингга, дам Ҳафизангга, дам буларнинг жўжа-хўроз бўлишганида ўртасига тушиб зерикдим.

Ўқрайиб қараб қўйди Қудратжон, гўё мени адамга чақяпсиз дегандек қилиб.

— Наҳотки, шу Тошкентдай шаҳарда сенга бир иш топилмаса. Катта бўлмаса, кичикроқ... Болаларинг қанотинг остида бўларди. Энди менга ишонма, мен эп-лолмай қолдим.

— Ҳаммамиз бир ерга тўпланмасак бўлмайдиганга ўхшайди, — деди Пўлатжон чойдан ҳўплаб.

— Шундоқ қилгин, болам, улар сендан ҳайиқишади, мени назар-писанд ҳам қилишмайди. Гапларим иккаловининг ҳам у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетади. Ман жаврий-жаврий зерикдим. Ахир, уларни тарбиялаш ҳам керак. Қўлини ювмай овқатга ўтиради манавинг, катталарнинг олдида ўрнидан турмайди, катталарга салом бермайди — бу замоннинг болалари қанақа ўзи? Анави Абдурахим почтачининг ўғли ҳам тасқара бўлиб олиб, копток тепгани тепган. Бети қаттиқ. Иш буюрсанг қилмайди.

— Гапираверинг, — деди Қудратжон зарда билан.

— Сени гапираётганим йўқ, сен анча яхшисан. Эртага Ҳафиза тушмагур касалхонадан келсин, уни ҳам адасига айтиб бераман. Қиз болани бунақа ёшида қаттиқ ушаб турмаса бўлмайди, болам. Дунёда ёмон одамлар кўп; қиз бола бировнинг хасми, қиз бола деган парса бир бадном бўлиб қолгандан кейин қийин бўлади ўзини ўнглаб олиши. Қизинг ҳозир қаёқни хоҳласа ўша ёққа шаталоқ отиб, чопиб юрибди. Қулоғига гап кирмайди, мени менсимайди ҳам. Менсиса ҳам шунчаки ҳазил-мазах, усталик қилиб кетади. Бувижон, бувижонга... ит боқмайди-ю, аммо ўз билганини қилади. Мени эски, оми одам, ҳеч нарсага тушунмайди, деб шундоқ кўзимнинг олдида алдашади...

Тушдан кейин Нафисахон билан Ҳафиза уйга кириб келишди.

— Бош врач рухсат этди, — деди андак чеҳраси очилиб Нафисахон, — ҳеч нима қилмайди; бир-икки кун сутли овқатлар, буламиқ еб турсинлар, деди. Зоҳидов деган хушмуомала киши экан. Бир сўз билан қисингизни ҳам болади...

Ҳафиза адаси олдида ерга қараб, бош эгиб турарди. Пўлатжон аканинг имоси билан Ҳафизани уйга олиб киришди. Қудратжонга ҳам, кампирга ҳам унинг олдида ҳар хил гапларни гапириб юбормаслик, бўлган ишни эсламасликни қаттиқ уқтирди.

Оғзини очиб, бақрайиб турган Қудратжон ҳам «нозик масала» эканини пайқаб, валдираши-ю, ўйламай-нетмай гапириб юборишини, Ҳафиза билан ўчакишини тўхтатди.

Хонага кириб, каравотига чўзилган Ҳафиза опаси-

нинг ҳовлига чиқиб кетганидан фойдаланиб, бувисидан сўради:

— Стол устида бир варақ қоғозда хат бор эди, қани?!

— Кўрганим йўқ,— деди кампир елка қисиб.

— Раъно олиб кетдимикин? Агар шундай бўлган бўлса, жуда ёмон бўлади-да. Энди нима қиламан!

— Раъно олиб кетгани йўқ, хотиржам бўла бер.

— Қани бўлмаса?

— Эҳтимол, мен ҳаммасини йиғиштириб, хокандозда ўчоққа ташлагандирман...

— Қудратнинг қўлига тушмаганмикин?

— Йўқ. Мен аниқ-таниқ биламан; шу усталнинг устидан бир варақ хат битилган қоғозни олиб гижимлаб ўчоққа ташладим. Дори юқи пиёлани ҳам ҳовлига олиб чиқиб ювиб келдим. Кўрпачаларингни тўғрилаб қўйдим...

— Ундоқ қилган бўлсангиз яхши.

— Ҳа, кўнглингни тўқ қила бер.

Хомуш ётган Ҳафизани хижолат қилмаслик ниятида Пўлатжон ака ҳам, Нафисахон ҳам ортиқча гапга солишмас эди: «Қўлимиз бўш бўлгани учун сизларни бир кўриб келайлик, деб йўлга чиқдик...» дейишди. Аммо Ҳафиза бу ёқдан телефон бўлгани-ю, ота-онасининг ҳовлиқиб югуришиб келганини яхши биларди. Адасини ишдан қўйиб, безовта қилганидан хижолат бўлиб, кўрпадан бошини чиқармай ётди. Кечга яқин Раъно келиб қолди; у касалхонага бориб, дугонасининг кетганини эшитиб, уйга келибди. У Ҳафизанингни ота-оналари билан омонлашгач, ичкари уйга кириб, Ҳафиза билан пичир-пичир бошланиб кетди.

Қудратжон билан Алишернинг кўчага чиқиб кетганидан фойдаланиб, нариги хонада ўтиришган кампир буви, Пўлатжон ака ва Нафисахон эшикни бекитиб қўйиб, очикроқ гаплашишди. Умид деган йигит билан бир-бирини яхши кўриб қолишгани, у йигитнинг бошқага уйлангани... (Бу гапларни кеча капалаги учиб кетган Раъно йўл-йўлакай кампирнинг қулоғига шивирлаб айтиб кетган эди) ва стол устида хат ёзиб қолдирганини... Кампир буни Пўлатжонга очик-ёруғ айтди. Бу гапларни отасидан яшириш асло мумкин эмас эди. Нафисахон билан Пўлатжон бир-бирларига қараб қўйишди.

— Ҳар қалай, жони саломат қолди, шунинг ўзи бахтимиз. Худо умрини қисқа қилмаган экан,— деди буви жиддий бир тусда,— бўлмаса, қизимиз кетиб қолувди... Тавба, ўзингга шукур! Шундоқ ёш нарсалар шунақа қилса, бу қандоқ гап! Ахир, худонинг қаҳри келмайдими! Уз жонига ўзи қасд қилиш — гуноҳ-ку! Хушторликнинг ҳам чегараси бор, бировни кўрсанг — бир йилда тўртта хотин олиб қўяди; бировни кўрсанг — хуштор бўлиб, ўзимни ўзим ўлдираман, дейди. Ё қудратингдан!

— Ойи, сиз нима дейсиз? Нима қилайлик?— деди Пўлатжон онасига боқиб.

— Ҳақиқатан жуда қийналиб кетдик. Сиз ҳам қариган чоғингизда қийналиб кетдингиз,— деди Нафисахон,— бир чорасини кўрмасак бўлмайдиганга ўхшайди, Ҳафизанинг ўша йигит билан боғланишиб қолгани ва бу қилган қилиғи нодонликдан бошқа нарса эмас. Ёш, ҳали ҳеч нарсани кўрмаган... Бир нима деб койий олмаймиз, иложимиз йўқ. Бўлар иш бўлибди. Хайрият, бахтимиз бор экан, саломат қолибди. Бўлмаса, бу нодон ёмон ниятда бу ишни қилган. Улар Фарҳод-Ширин бўлишган, аммо Фарҳодимиз нобоп чиқиб қолганга ўхшайди. Ҳамма касал шунда.

— Болаларингни қанотинг остига ол,— деди кампир,— бундан бошқа илож қолмади.

— Биз ҳам шу фикрдамиз,— деди Пўлатжон.

— Ҳаммамиз Фарғонага кетамиз. Уйимиз яхши, етарли бўлса, анча баҳаво жой бўлса, бунда нима қиламиз...— деди Нафисахон,— ҳаммамиз бир ерда бўлганимиз яхши.

— Ман-чи?— деди кампир бирдан бўшашиб.— Ман нима қиламан?

— Сиз ҳам кетасиз.

— Ман қандоқ қилиб кетаман?— деди кампир ўғлига қараб.

— Нега кетолмас экансиз. Поезд билан кетасиз,— деди кулимсираб Пўлатжон.

— Ўйлаб гапирвотсанми, болам! Мен қариндош-уруғларимни, маҳалламни ташлаб қандоқ кетаман?

— Биз қандоқ кетган бўлсак, сиз ҳам...

— Йўқ, қизим, ўйлаб гапиринг! Мен, қари одам, беш кунлигим борми, йўқми, бошқа шаҳарда мусофир

бўлиб юраманми? Ахир менинг тобуткашларим бунда...

— Ойи, ўлимдан гапирманг. Умрингизда бирон шаҳарга бормаган бўлсангиз, ҳа, бир Фарғонани ҳам кўриб келасиз-да.

— Йўқ, ўйлаб гапиринглар.

— Илгариги замон бўлганда, Маккатиллога борардим, Ҳожи она бўлардим, демабмидингиз?— деди кулиб Нафисахон,— Фарғонанинг шундоқ ёни Маккатилло...

— Қўйсангиз-чи, келин, Маккатилло қайда-ю, Фарғона қайда. Агар Маккатилло Фарғонанинг ёнида бўлса, одамлар бормасмиди?— деди кампир савол ишораси билан ўғлига боқиб,— шундоқ эмасми?

— Ҳа, Фарғонага яқин...

— Ё қудратингдан. Шунча вақт билмаган эканманда. Қадим Мирзараҳимбой, Ҳожига Фарғона тоғидан ўтиб борибди, дейишган эди... Унда қирқ кун туяда — кажавада юрадиган жойи қаерда?

— Шу замонда кажавада юрадиган жой қолибди-ми? Ҳаммаси асфальт йўл қилиб юборилган...

— Кўрган қолади, ойи! Ўғлингизнинг даврида бир ўйнаб қолинг. Ҳа, бу ҳовли-жойимиз тура беради. Ҳужрани қулфлаб кетамиз — хумчадаги тилло-ю ёмбиларингизни ҳеч ким олмайди.

— О, ёмбимиш-а! Аданг раҳматлик олиб берган мана шу ёмби билан уззугу сочпопугимдан бўлак ҳеч нарсам қолмади. Иккита тилла зирагимни уруш вақтида тургсинга¹ олиб бориб, супурги уруғ² олиб еганмиз...

— Биз индинга Ҳафизани, Алишерни олиб кетамиз. У ёқдан одам юбораман, сиз билан Қудратни поездда олиб боради...

— Қизингизни ўқиши нима бўлади?

— Институт раҳбарларидан илтимос қилиб, бир йилга муҳлат оламиз. Шунда ҳовридан тушиб, саломатлигини ҳам яхшилаб олади. Ойиси билан бирга курортга ҳам олиб бораман... Яна бошқа гаплар ҳам бор. Агар шундай қилмасак, бу вос-восга тушиб қолган нодон ўзини ўзи еб қўяди. Биз онаси билан маслаҳатлашиб, қатъий шу фикрга келдик.

¹ Торгцен.

² Гречиҳа.

— Сизларнинг зеҳнингиз ўткир, ёшсизлар. Мен ҳам сизларнинг айтганларингизни қиламан. Ахир, сизлар менга ҳам, Ҳафиза боламга ҳам ёмонлик истамайсизлар-ку. Ҳамон шундоқ экан, ўз билганингча иш қилабер. Мен рози. Ишқилиб, омон бўлинглар...

— У ерда ҳам яхши қўшниларимиз бор,— деди Нафисахон,— айниқса Шаҳнозхоннинг оналари жуда бамаъни хотин... Уғлингиз сизга анча-мунча кийимлик матолар ҳам олиб қўйибдилар, борганда кўрасиз...

— Илоҳим омии-ин, умрларингиз зиёда бўлиб, ҳамма вақт қўша қаринглар, ували-жували бўлиб, болаларингизнинг роҳатини кўринглар,— кампир юзига фотиҳа тортиди.

Худди шу пайтда нариги хонада ҳам суҳбат борарди.

— Мен ҳеч қачон шундай қилмас эдим,— деди Раъно тикилиб туриб,— агар бирон йигит менга муҳаббат изҳор қилса-ю, яна шундай бетайинлик қилса, у ўзини ўзи ҳақорат қилган бўлади. Нега мен изтироб чекишим керак! Нега мен ўзимни ўзим ерга уриб, ёмон хаёлларга боришим керак! Йўқ! Ўзини қадрлаган инсон бировнинг ҳам қадрига етади. Тўғри, киши хафа бўлиши мумкин, лекин бир нодон учун ўзини беқадр қилмаслиги керак!

Ҳафиза Раънога бақрайиб қараб ётарди-ю, индамасди.

— Сен бир нарсага тез киришасан. Шунинг учун ҳам бу бетайинлик сенга жуда қаттиқ зарба бўлиб, ўзингни йўқотиб қўйдинг. Иродасизлик қилдинг, десама хафа бўлма. Бу қоқилиш ўтиб кетади, бир неча вақтдан сўнг ўзингга келасан. Энди сен уни ҳеч ўйлама, хаёлингдан чиқариб юбор! Агар у ёдингга тушиб қолгудай бўлса, шу лаҳза ўзингга-ўзинг «мен уни унутишим керак, уни эсламайман!» деб бошқа нарсани ўйла. Ўн кун шундай қилгин, жуда яхши бўлади. Кўпроқ лекцияларни, дарсни ўйла. Ҳозир сен билан мен учун энг зарури шу.

— Лоппа-лоппа эсимга тушиб кетяпти-да.

— Эслама! Ўзингни қўлга ол. Сен ундан юқори бўлсанг борсанки, паст эмассан. Чиройлисан. Ақллисан. Сен обком секретарининг қизисан. Катта институтнинг студентисан. Билдингми? Сен ўзингни ҳамма вақт баланд тутиб юр. Сен ҳеч бетайинлик қилганинг

йўқ. Сенинг ўн гулингдан ҳали бир гулинг ҳам очилмаган. Нега сен ҳаётдан кетишинг керак! Биз яшаймиз, ёмон одамлар кетсин!

— Чанқаб, билмай ичиб қўйибман...

— Мен ҳам шундай деб ўйладим. Бундан бошқа фикр бўлиши мумкин эмас. Билмай қолгансан. Майли, ўтиб кетди. Агар сен мени яқин дўстим десанг, хаёлингдан ўша кераксиз нарсаларни чиқариб ташлаб, ўзингга маҳкам бўлиб, жиддий ўқий бер. Бу иш бизни яна ҳам ақллироқ қилиб қўйди. Сизлар одам танлашни билмайсизлар, дейди ойимлар, ҳуснига учиб, янглишиб қоласизлар. Гап ҳуснда эмас, одам танлай билиш керак. Уша «қора таппи»нинг нимаси бор — етим бўлиб, қашқа таёқ бўлиб кетган. Шунинг учун ўша профессорнинг давлатига учиб, уйига кирган. Тирноғингга ҳам арзимайдиган нарсага сен бўлсанг куйиб юрибсан. Менинг катта опамларнинг ҳаётида ҳам худди шундай воқеа бўлган.

— Ойингларга айтдингми?

— Айтганим йўқ,— деди Раъно. Лекин бу гапни ойнисига ҳам опасига ҳам айтиб қўйганини Ҳафиза сезиб қолди,— хотиржам бўла бер, мен ҳеч кимга айтганим йўқ. Нима, эсимни ебманми? Бу айтадиган гапми!

Бир соатлардан мўлроқ суҳбат давомида асосан Раъно гапирди-ю, Ҳафиза: «Билмай ичиб қўйибман...», «Лоппа-лопна эсимга тушиб кетяпти...», «Ойингларга айтдингми?» деди, холос.

У карахт эди.

Оҳтимол, қилиб қўйган ишидан, ота-онаси тинчини бузганидан хижолатдир?

Унинг ичига чироқ ёқса ёримасди. Оғир бир жудолик алами қалбини ўртарди. У ёнаётган юрагини совутишга чора излар; ҳеч қандай чора йўқ. У лаби лабига тегмай бидиллаётган Раънонинг самимий гапларига қулоқ соларди-ю, хаёли бошқа ёқда эди. Унинг кўз олдида институт эшигигача чиқиб, уни кузатмоқчи бўлган Умиднинг совуқ қиёфаси, «сиз энди менга сингилсиз...» дегани ва совуқ илжайгани турарди. Юрагини ёндираётган бу аламдан қутулмоқ ва фарқ бўлаётган кимсадек тўрт томонга боқиб, нажот истарди.

Нажот йўқ!

У яраланган оҳудек яна секин бош қўярди, жимгина Раъно ўгитларини тингларди.

Нариги хонада ўтирган Нафисахон, кампир бувининг айвонда пайдо бўлишгани Раънони кетишга отлантирди.

— Мен кетай, ўртоқжон. Аданглар сен билан гаплашсалар керак. Ҳалиги гапларим — юракдан. Кўп қайғурма!

Раъно хайрлашиб чиқиб кетди. У ҳовлида Нафисахон, кампир бувилар билан ҳам жиндек суханбозлик қилиб, шатиллаганча жўнади.

— Шу ўртоғи яхши-я? — деди Нафисахон кампирга, — анча дали-ғули кўринади.

— Яхши қиз, — деди кампир тасдиқлаб.

Бу гапларни уй ичидан туриб Ҳафиза шундоқ эшитиб турарди.

Бир нафасдан кейин Ҳафиза ёнига Нафисахон кирди. «Ўзим айвонга чиқаман», деганига ҳам қарамай Пўлатжон ака ҳам ичкарига кирди. Бунда бўлажак гапдан хабардор бўлганлиги сабабли кампир буви ҳовлида ивирсиб юрди. Унга ҳам негадир «Фарғона сафари» дилига шавқу завқ сола бошлади. Судралган кампир бийрон ва илдам бўлиб қолди. Ҳозироқ ҳужрасига кириб, анвойи нарсалар — дақёнусдан қолган қақир-қуқурларини тартибга солиб, оладиганини ажратиб, қоладиганини токчаларга яхшилаб тера бошлади. -

Ҳафиза ёнига кириб, стулга ўтирган Пўлатжон ака қизининг жуда хижолат бўлаётганини фаҳмлаб, гапни қисқа ва лўнда қила қолди:

— Ҳафизахон, қизим, бизда шундай фикр бор: оиламизни иккига бўлмай, ҳаммангизни Фарғонага олиб кетмоқчимиз. Бувинг қийналиб кетди, бизлар ҳам...

— Ўқишим нима бўлади?

— Ўқишим?! Кеча ўқишни ўйламовдинг-ку? — деб юборди беихтиёр Нафисахон.

Ҳафиза миқ этмади.

— Бу гапинг ўринсиз, — деди Пўлатжон Нафисахонга қовоғини солиб, «чакки гапирдинг!» дегандек лабини тишлади, — гап бошқа ёқда; ҳозир мен ўша ёқда хизмат қиляпманми, ҳаммамиз бир ерда бўлишимиз керак.

— Фарғона ёмонми, қизим? — жим туролмай яна гапга аралашди Нафисахон, — Патилахон ҳам Раъно-

дан қолишмайди. У томон жуда чиройли. Бувинг бечора ҳам дунёга келиб бирон шаҳар кўрсинлар-да.

— Ҳамма гапингиз тўғри. Ўқишим нима бўлади?

— Бир йил дам оласан,— деди Пўлатжон ака.

Ҳафиза индамай қолди.

— Ариза ёзасан, эртага иккаламиз бирга ректорнинг ёнига кирамиз. Мен ўйлайман, рози бўлиб, рухсат беришар, сабаб, сенинг даволанишинг.

— Мен касал эмасман-ку?

— Касалсан!— деди Нафисахон.— Бундан ортиқ бўладими? Соғ одам марганцовка ичадими!

— Бас!— деди Пўлатжон.

— Сен, Фарғонада стационарда даволанасан. Ундан кейин Ялтагами, Гаграгами олиб борамиз.

Ҳафиза рози бўлгандек, жим қолди. Дарҳақиқат, унинг нима бўлса ҳам Тошкентдан бошини олиб чиқиб кетгиси келарди. Бунинг учун отасининг таклифи мос тушди: «Ўлим жазоси бадарға билан алмашди...» деди ичида ўзига ўзи. «Сен, севикли кишимнинг аблаҳлиги мени шаҳримдан ҳам четлатмоқда...»

— Келишдик!— деди ўрнидан туриб Пўлатжон ака.— Мен, сен, опанг, Алишер индинга Фарғонага жўнаймиз. Бувинг билан Қудратжонга одам юборамиз, поездда олиб кетади...

Пўлатжон Содиқович ўрнидан тураётган эди, Ҳафиза ҳам бош кўтариб, адасининг режаси ва ғамхўрлигидан миннатдорчилигини билдириб, жиндак чиройини очди. Онасидан, у кишини безовта қилганлигидан пуншаймон эканлигини айтиб, узр сўради.

— Ҳа, зарари йўқ. Аданг номидан мен сени кечирдим,— деди Нафисахон,— лекин бундан кейин ақлли бўл! Қадим мени дадамлар маҳалламиздаги Худойберди пучуққа бераман деганларида, оз бўлмаса ошхонага кириб ўзимни осиб қўяй деган эдим. Худойберди пучуқ маймунга ўхшаш одам эди. Шунга теккунча ўлиб қўя қолай, деган эдим. Бахтимга, мана, аданглар билан танишиб — Текстилда ишлаганимда танишганман — бахт топдим. Хафа бўлма, қизим, сенинг ҳам бахтинг очилиб кетади.

Шу куни ўтиб, эртасига Ҳафиза адаси билан бирга институт ректори қабулида бўлди. Уларнинг илтимоси қондирилди. Негадир бир қадар ўзига келган Ҳафиза Хадрада адасидан ажралиб, Раёнларникига, дугона-

си билан хайрлашишга борди. Эртасига у адаси, опаси ва укаси Алишер билан машинада Оҳангарон оша Қўқон орқали Фарғонага жўнади...

Шоколад ранг «Волга» баланд чўққилар белини камардек сириб ўраган тоғ йўлида чопиб борарди. Айланма йўллар нақадар завқли; шофер ёнида ўтирган Ҳафиза машина ойнасидан тепага боқар — баҳайбат чўққилар, баландликларда илиниб турган уйдек-уйдек харсанглар ҳозир қулаб тушаётгандек ваҳима соларди. Орқада ўтирган Пўлатжон ака бу баҳайбат тошлар неча йиллардан буён шундоқ турганлигини айтарди. Ҳафиза пастликка қарар — кета-кетгунча водий. Оҳангарон дарёси илон изи бўлиб оқиб ётибди. Тоғ бағрида қишлоқлар кўринади. Боғлар, экинзорлар, қирларда ўтлаб юрган моллар унинг диққатини қамраб олди. Еримиз қандай гўзал... Унга таниш, кўриб завқланиб юргани — Тансиқбоев манзараларининг ҳақиқий ўзини кўриб, томоша қилиб кетарди. Шу ерларга жой солиб олиб яшасанг, дерди ўзига-ўзи Ҳафиза. Нега одамлар шундай беқиёс табиат қучоғида яшамай, шаҳарга чопишаркин? Бу ерлар жаннат-ку! Жаннат дегани ҳам шунақа бўлса керак-да. Бундай чиройли ерлар дунёнинг ҳеч ерида бўлмаса керак!

Қизининг табиат гўзаллигига маҳлиё бўлиб кетаётганини кузатиб бораётган ота ҳам, она ҳам анча мамнун эди. Энг баландликка кўтарилишгач, Пўлатжон аканинг таклифи билан андек тўхташиб, машинадан чиқишди. Улар баланд тоғнинг елкасида туришарди. Лекин икки томонда яна баланд чўққилар осмонга етиб турарди.

Ҳафиза йўл қиррасига бориб, пастга, водий манзарасига тикилди. Узоқ чўққилар ҳарир бир парда орқасида турарди. Чўққиларда ошпоқ қор... Пастда серқирра, улкан тошлар юмалаб ётарди. Юқоридан оқиб тушаётган булоқ йўлни кесиб ўтиб, водийга жилдирарди. Йўл четига жўмрак чиқариб, цементдан чиройли қилиб ишланган ҳовузчани тўлдириб булоқ оқиб ётибди.

— Юринглар, булоқни кўрамиз...

Алишер билан Ҳафиза булоқ томон югуришди.

— Сувнинг муздаклигини қаранг,— деди онасига чеҳраси очилиб Ҳафиза. Бу муздек сув унинг ёнаётган юрагига таббости бўлаётгандай, Ҳафиза ҳовучлаб ичарди.

Ҳафиза ҳовуз бўлган булоқ сувига тикилиб ўтирди.
— Ичма!— деди Нафисахон,— Қўқонга етиб бориб чой ичамиз. Ҳали бу булоқлар ҳеч гап эмас, Шоҳимардондаги булоқларни кўрмабсан!

— Кўрганман,— деди чақнаб Ҳафиза.

— Йўқ, сен Водилни кўргансан. Турмай кетиб қолдинг-ку... Шоҳимардонни Ҳамзаобод деймиз, у ер ўзи бошқача. Унақа жой ҳеч қаерда йўқ...

Онанинг «Водилдан кетиб қолгансан...» дегани яна унинг хаёлига Умидни солиб қўйди. У андак хомуш тортди. Лекин бу юрак сирини ўзидан бўлак ҳеч ким сезмади. У тезда ўзини қўлга олиб, «бевафо»ни эсдан чиқарди.

Йўқ, уни эсдан чиқара олмади. У кўз олдидан нари кетмай тураберди. Уни хаёлидан кетказиш учун шунчалик уринмасин, барибир у Ҳафиза кўз олдидан тура берди. Баъзан ўша, ўзи севган, ақлли ва жасур Умид бўлиб, баъзан субутсиз, «ўзга ёр олдидан севикли кишидан кечган» бетайин бўлиб кўринарди. Умидни хаёлидан қувиб юбориш иложини қилолмас, қийналар, ўзини у ёқ-бу ёққа алаҳситар. Аммо ҳеч иложи йўқ эди...

Қизининг бўшашиб турганини кўрган Нафисахон дарҳол сўради:

— Кўп ичибмидинг? Юрагингни оғритади дедим-ку!

— Кўп ичганим йўқ,— деди ўзини тутиб олиб, жилмайиб Ҳафиза. У укаси билан бирга сўқмоқ йўлда яна ҳам баландликка кўтарилиб, ҳамма ёққа кўз ташлашди. Ҳафиза куз табиати ҳуснига тўймай, суқ билан тикиларди. У жуда баландда, космонавтлар кўтарилганча баландда тургандек ҳис қилар — пастга қараб туриб юраги шиғилларди. У бир кичкина қайроқ тошни олиб, пастликка отди, жуда узоққа — ҳув, пастда оқаётган сойга бориб тушади деган тош шундоққина машина йўлига тушди. У кўриб турган манзаралар жуда узоқ ва буюк эканини сезди.

Машинадан нарироқда турган Пўлатжон ака билан Нафисахон ўзларининг ҳозир ҳаммадан холи эканликларидан фойдаланиб, кеча чала қолган гапни давом эттиришди.

— Ўша уйимизга келган йигитни Салимхон куёв қилибди дегин?

— Шундай.

— Нима, қизинг шу йигит билан ошнамиди?

— Мен ҳам кейинчалик пайқаб қолдим. Утган кунги воқеадан қўрқиб кетган Раъно ҳамма гапни ҳеч кимга айтманг деб оймларга айтибди. Қудратжоннинг ҳам тўнғиллаб юришига сабаб, бир-икки марта Ҳафизани ўша йигит билан юрганини кўриб қолган экан. Ёдингизда бўлса керак, Ҳафиза сизни кўргани келиб, Фарғонада кўп туrolмади. Ҳар икки кунда хат ёзиб, бетоқат бўлиб, Шоҳимардонга ҳам бормай, Водилдан қайтиб келган эди. Мана энди ҳамма гап очилди...

Пўлатжон Содиқович Нафисахонга тикилиб қараб турди-ю, ҳеч нима демади.

Бир муддатдан сўнг у ўғли билан қизини қўли билан имлаб машинага чақирди. Опа-ука бир-бирини қувлашиб, югуриб келиб машинага киришди.

Машина яна тоғ йўлида ғизиллаганича кетди.

Ун биринчи боб

СУҲБАТ

Уша куни Ҳафиза ҳеч нима демади...

Нега у ҳеч нима демади? Алам ичида юраги ўртаниб турган Умидни хаёл олди; наҳотки у жуда бўлмаганда сўкмади? Унинг юзига тупуриши ҳам керак эди. Нега у тупурмади? Умид зинапоя устида ағрайганча бир муддат туриб қолди. У кимсасиз даштда ёлғиз қолгандай, бу унинг ўзи эмас, ичи бўш, қалин қоғоздан ясалган одамга ўхшаб, бақрайиб қолди. Бир лаҳзадан сўнг у яна ҳушига келди — унинг кўз олдида домласи, профессор Салимхон Обидий гавдаланди: «Укажон, энди сиз менинг ўғлимсиз, қанотим остига кириг — фан кандидати ҳам бўласиз. Йўлингизни топиб кетасиз».

Бу ҳам бир кураш, деди ўзига-ўзи Умид, қурбон бермагунигча ғалабага етолмайсан! Кўп вақт, дастлабки болаликдаги муҳаббат муваффақиятсизликка учрайди, дейишарди. Шундай бўлдимми? Қувноқ Жанна ва Ҳасойиш топган турмуш унга далда бергандек бўларди. Баъзи далиллар билан у ўзини юпатмоқчи

ҳам бўларди... Юрагига қадалиб турган темир чангаки олиб ташлашга интиларди.

Лекин бефойда...

У ёнарди. Унинг кўз олдида ҳозиргина жўнаб кетган Ҳафиза турарди. Ҳафиза бу гал илгаригидан ҳам чиройли бўлиб кетган эди. У ёнидан сигарета олиб чекди. Кўм-кўк тутуннинг деярли ҳаммасини ютиб юборди. У чекишнинг ҳам машқини олган эди. Костюмда чиққанини ҳам унутиб, ташқарида, совуқда гўдайиб, хаёл суриб турарди. Бир муддатдан кейин совуқ ўтдимиди, бадани увушиб, ичкарига кирди. Коридорда Шукур Каримович билан рўпара келиб қолди. У Умидни иккинчи қаватга, ўз кабинетига бошлаб олиб кирди. Унг томондаги юмшоқ чарм креслога ўтиришни таклиф этди. Бу креслода бирон йигин бўлганида ҳамма вақт академик Отабоев ўтирарди. Умид андак тортиниб, кресло ёнидаги стулга чўкди. Шукур Каримович уни тортинчоқ, камтар йигит сифатида ёқтирарди, аммо Салимхон Обидийга номига шогирду, аслида «коранда» ва югурдак бўлиб қолганидан, профессорнинг жуда бўлмаганда куёвлигини риоя қилиб, бўлар-бўлмасга югуртира бермаслиги, ишдан қўявермаслиги керак, деб ранжирди ҳам. Тўладан келган, хушфеъл Шукур Каримович ҳам дастлабки кундан бошлаб унга ёқиб қолган эди.

— Куёв, ишлар қалай?— сўради у столи устидаги ярқираб турган ойнада қизил қаламни ўйнаб.

— Яхши.

— Нима яхши?

— Ишларимиз...

— Ишларимиз?— дея Шукур Каримович Умидга тикилиб тураверди. У баъзан ниманидир ўйлаб, суҳбат орасида шундай тикилиб қоладиган одати ҳам бор эди. Бу баъзан суҳбатдошини ноқулай аҳволга солиб, безовта қилишини пайқамасди. Директорнинг ўзига тикилиб турганидан Умид юраги така-пука бўла бошлади, «Ҳафиза билан бўлган воқеа у кишининг қулоғига етганмикан...», бир лаҳза ичида Умид хаёлидан қанча воқеа ўтиб кетди. У янги, қора шевиот костюмида билинар-билинемас титраб, стол устидаги қаламга тикилиб тураверди. Шукур Каримович етим куёвнинг лоп этиб бахти маржонга ботгани, бир тийин кетказмай катта тўю томоша билан профессор қизини

олгани, омади келганидан... негадир чақнаб юрмаганига ва ҳозир ҳам сўниқ ўтирганига таажжубланарди. «Эҳтимол, бу ўша камтарлик», деди у ўзига-ўзи. «Уп-касини босиб олган йигитлардан бўлса керак...— деди у яна,— шу сабабли чақнамаёпти. Қийинчилик кўриб ўсган болалар шунақа бўлади. Иродалик, саботлик бўлади», ҳар қалай Умиднинг вазминлиги унга ёқарди.— Ишларимиз ёмон эмаслиги менга маълум. Бундай деб ҳам бўлмайди, чунки Фарғонадаги кенгаш ўзингизга маълум... Баъзи ишларимиз кўнгилдагидек эмас. Аммо мен шахсан ўз ишларингиз қандай кетяпти, деб сўрашман.

— Тушундим, Шукур Каримович.

— Шукур ака, деб қўя қол! Жуда расмиятчи бўла берма! Мен ҳамма нарсага расмий қарай берадиган одамларни ёқтирмайман.

Умид кулди.

— Илмий советда берилган тема темалигича турибди, Шукур ака. Бошқа ишлардан ҳеч қўлим бўшамаяпти.

— Қанақа бошқа иш?

— Ўзингиз биласиз-ку...

— Ўзим биламан? Ўзим билмаслигим ҳам мумкин! Лекин, укажон, бир нарсани сизга айтиб қўяйки, менга селекциячи керак, югурдак эмас. Ишқ бошқа, ҳавас бошқа, дейдилар... Яхши селекциячилар керак — шунда бири етказолмаганини бири етказадди. Эшмат акамнинг гавҳар тухум туғишларини кутиб ўтиролмайман! Кўпроқ гапирганим учун кечирасан! Тушундингми? Мақсад билан ишла, кейин биз сендан иш талаб қиламиз. Сенинг «бошқа ишларинг» ҳисобга кирмайди. Илмий советнинг дегани — асосий гап. Домлангнинг феъли менга маълум, у кишини ҳурмат қил, ҳурматга лойиқ кекса селекциячи. Аммо урушдан кейинги йилларда сендан бошқа яна уч киши шогирд бўлиб, умри домланинг шахсий хизматларида ўтди. Баъзи китобларни ҳашар қилишиб, охирида икки қўллари бурунларига тиқиб чиқиб кетишди... Бу аччиқ ҳақиқатни билиб қўй! Агар уdda қилолсанг, уни ҳам қил, ўз илмий ишингни ҳам эсдан чиқарма. Институтнинг жамоат ишларини ҳам унутма — ёшсан, куч-қувватинг кўп, балки ҳаммасини бажара оларсан. Домлага жиндак ҳурматсизлик қила кўрма, у киши ҳеч кечирмайдилар.

Гап шундаки, бу тажрибали одамдан вақтида фойдалана билиш керак. Гапларимга тушунгандирсан-а?

— Тушундим,— деди Умид билинар-билимас хўрсиниб.

— Яна бир карра такрорлайман, домланинг топшириқларини ҳам ҳурмат билан бажаргин. Ўз ишингни ҳам унутмагин. Вақти келганда, биз талаб қиламиз!

— Тўғри.

— Умуман, ўзинг хурсандмисан?

— Ҳа, албатта.

— Ана шуниси керак бизга. Станция, э, институт, бу катта даргоҳ... Илгари станция эди-да, ўрганиб қолганман. Қаловини топсанг қор ёнади, дейдилар-ку, бу ердан бир катта олим бўлиб чиқишинг ҳам мумкин, ҳеч нима бўлмай, шундоқ чиқиб кетишинг ҳам мумкин. Ахир, бир нав саккиз йилда бунёдга келади. Давлат комиссиясидан ўта олса, хўп, бўлмаса, яна йиллар... Бу муддатда бола туғилиб, мактабнинг биринчи синфини тамомлаган бўлади. Шу муддатни яна қисқартириш муаммоси ҳам турибди...

Умид боятдан бери Ҳафизанинг тикилиб туриб «шу гап ростми?» дегани, кейин бир сўз демай машинага ўтириб жўнаганини унутолмай хаёл суриб ўтирарди. Шукур Каримовичнинг сўзларига берилиб, оғзини очиб тингларди. Унинг хаёлидан ҳамма нарса кўтарилган, фақат директорнинг «проблема» деган гапи, бу одам фақат маъмурий ходим эмас, илм уфқини кўриб турадиган, мақсадли одам. У яраттган «Мутант-1» — бу селекциячиликда янгилик эканини ҳам кўнглидан ўтказди.

— Менинг гапларим шу, укажон,— деди Шукур Каримович Умидга табассум қилиб,— бирон ишларинг бўлса, торгинмай кириб тур. Қўлим бўш бўлса ёзилиб сен билан гаплашаман. Баъзан «вақт йўқ» деганимиз қўпол тегиб кетиб, бюрократизмда айблама! Раҳбар кишининг иши ҳам мураккаб, одамлар билан ишлаш — кетмон чопишдан минг чандон оғир. Мен илгари сенга ўхшаб аспирант бўлиб юрганимда ўта сўл эдим. Бошқаларнинг яхшими, ёмонми, ҳаммасини бюрократ деб қарардим. Ўша пайтда мен тан олган одам фақат домлам Канаш эди... Шунақа ўжар, ўзбилармон ва фикр доираси тор бир студент эдим. Инсон эволюцияси мураккаб, йигирма йилча аввал қанақалигимни

хозир кўз олдимга келтирсам, ҳайрон бўламан. Раҳбарларимнинг ҳам саботлик, қаноатлик эканликларини, менинг янглиш фикрларимни чидам билан тузатишганини ўйласам, уларга қандай қилиб юрак ташақурумни айтишни билмайман, укажон. Инсон ҳамма вақт ўсиш ва ўзгаришда бўлади; айниқса илмий, яъни интеллектуал кишилар фикрини ўзгартиришда маъмурий ёндашиш ёмон оқибатларга олиб келади. Индивидуал ёндашиш яхши. Мана, менинг зиммамга институтга раҳбарлик қилиш топширилди, ишлаймиз, аммо жуда мураккаб...

— Суҳбат учун катта раҳмат, Шукур ака!— деди секретарь қиз эшик очиши билан ўрнидан туриб Умид.

— Марҳамат, кириб тургин,— деди Шукур Каримович.

Умиднинг руҳи тетикланиб, директор кабинетидан чиқди. У зинапоялардан аста биринчи қаватга тушиб, иш столи ёнига келди...

Ун иккинчи боб

БАЗМЛАР ГУЛИ

Бир ҳафтадан бери қорасовуқ маҳкам ушлаб турарди. Офтоб кўринган баъзи кунлари қатқалоқ ернинг усти жиндак эригандек бўлиб, баъзи кунлари осмонни оғир хафақон булутлар қоплаб, кўчаларда совуқ шабада изғирди. Печка ёқиш, трамвай ва автобус бекатларида дилдираб кутиш, оч-наҳор юришликлар орқада қолди. Умид эрта билан домласидан аввал ўзи алоҳида машинада фирр этиб институтга келарди. Унинг эътироз билдирганига ҳам қарашмас, айниқса Сунбулхон ая, «энди сиз профессорнинг куёвисиз, тўғрироғи, ўғлимизсиз. Шу машина сизники, яёв юрманг», деб атай Иноғомжон олдида тайинлаб қўйган эди. Энди Умид кўчадаги қорасовуқ, изғирин чимчилашларидан, бурни, қулоғини кўкартириб юришликлардан узоқ. У баъзан Сақичмон томонлардан ҳам машинада ўтиб қоларди; болохонасига узоқдан кўзи тушиб, юраги увишарди. Шу болохона тагида, харсанг тош ётқирилган йўлкада Чўтир холанинг чўққайиб ўтирганини

ҳам кўргандек бўларди. Начора! Утмиш... Ахир, у ҳам умид билан ўқиди—унинг раҳматлик отаси ҳам, онаси ҳам яхши одам бўлишини, яхши яшашини умид қилганлар. Унинг ҳам шундоқ яшашга ҳаққи бор; ахир, унинг отаси «Умиднинг тинч ва яхши яшаши учун» немис билан уруш қилиб, яримжон бўлиб қайтди-ку. У бу бахтни ўғирлаб олгани йўқ, унинг машинада юришга ҳам ҳаққи бор...

Шундай қилиб, Умид оби-ҳавонинг ўзгаришини пайқаб оларди-ю, аммо совуқ, изғирин чимчилашлари, иссиқ саратоннинг қиздириб, лоҳас қилишларидан қутулиб олгандек юрарди... Иссиқ ва янги пальто, оёғида ичи жун ботинка, қоракўл қалпоқ, қорни тўқ, ёнида пули ҳам етарли, остида машина. Уйда — гўзал Жанна...

Шу кунни тушдан кейин майда бир нарса ёға бошлади. Ҳаво яна ҳам совиб кетди. Соат бешларда Иноғомжоннинг келишини кутиб ўтирмай, автобус билан уйга қайтди. Унинг ўз хонасига ўтиб кетаётганини деразадан қайнаси кўриб, таажжубланди: «Нега машинада қайтмади?»— У келиб хона эшигини очди.

— Ҳа, ўғлим, машинада қайтмабсиз?

— Кутмай, барвақтроқ қайтгим келди, ая!— деди Умид ўрнидан туриб,— сал этим увушиб турибди...

— Худо сақласин! Мен ҳозир хизматчимизга айттай, чой дамлаб берсин.

— Жанна йўқми, ая?

— Машиначиникига бораман деяётган эди.

— Ҳа, майли, келиб қолар.

— Ҳозир келиб қолади, ўғлим. Ёки телефон қилайми?

— Безовта бўлманг.

Сунбулхон ая эшикни ёпиб, айвон томон юрди. Ошхона олдида турган хизматчи хотинни имлаб чақириб, тезда аччиқ чой дамлаб, куёвга олиб кириб беришни тайинлади.

Кеч соат ўн бирларда дарвоза олдида машина овози эшиттилди. Бу Иноғомжон эмас, бегона машина эди. (Иноғомжон соат еттилардаёқ машинани гаражга киритиб, уйига жўнаган эди. Жанна гўё ателье модда қолиб, унга аллақачон жавоб бериб юборган). Бир-икки минут ўтар-ўтмас, Жанна кириб келди:

— О, мусье, ҳали ухлаганингиз йўқми?

— Ҳа, қаёқда эдинг?— ечинмай кутиб ўтирган Умид ҳайратланиб сўради.

— Бир дугонамнинг имениниесида...

— Менга тикувчиникида дейишди-ку?

— А, да... Аввал тикувчиникида бўлдим, ундан сўнг дугонамникига кетдим.

— Иноғомжон сени ателье модда қолдирибди-ку?

— Тикувчи ўша ерда,— деди пальтосини диванга улоқтириб,— саволга тўла жавоб бердим. Энди суд қилиш тўхтатилсин! Чарчадим, ётаман...

— Кўчадан келгандан кейин қўлни ювиш керак!

Жанна индамади. У ўзини каравотга ташлаб, устига кўрпа тортди. Бир лаҳзадан сўнг орқасини ўгириб ҳам олди. Умид ҳам чироқни ўчириб, ўз каравотига ётди.

Эрта билан улар юз-қўлини ювиб, ота-она ёнига нонушта қилгани кетишаётганида, Жанна гап қотди:

— Умидчик, ишлар қалай? Тоес, илмий?

Умид аввал миқ этмади. Бир лаҳзадан сўнг жавоб қилмасликка илож бўлмади, секингина гапирди:

— Тузук.

— Сен деспот бўлиб мени куткилайверма. Нима, мен Тошкентдан чиқиб кетяпманми! Феодал бўлма, азизим!

Умид унга бир қараб қўйди-ю, индамади.

Эр-хотин катта хонага кириб, бунда, дастурхон атрофида уларни кутиб ўтирган Сунбулхон ая билан қайната Салимхон Обидий гапларини тўхтатиб, ялт этиб қизи билан куёвга боқишди. Уларнинг чехрасида ҳеч қандай хафагарчилик, дилсиёҳлик аломатини сезишмагач, хурсанд бўлишиб, столга таклиф этишди. Умид ирода-ю, асабни қўлга олиб, Жанна билан бирга коридорга чиқишдаёқ руҳиясини ўзгартирган эди. Нонушта пайтида стол тагидан оёғини тепиб қўйган Жаннага Умид илжайиб қараб қўйди. Бу билан гўё осмондаги қора булутлар бир дақиқада йиртилиб, ғойиб бўлди.

Хизматчи хотин Жанна билан Умид олдига чинни косада қаймоқ қўйди. Сунбулхон ая энг азиз меҳмонларга ишлатиладиган, ёруққа солиб кўрса қоғоздек юпқа чинни ичида суратлари кўринадиган пиёлада Умидга, ундан кейин Жаннага чой узатди.

— Қаймоққа нон тўғранглар,— деди Сунбулхон ая, — биз даданглар билан бир косани едик. Жуда яхши қаймоқ экан. Атай олдириб келтирдим...

Профессор қаймоқни еб бўлиб, пиёладаги чойига бир бўлак новвот ташлади.

— Олинглар, тез-тез еяверинглар,— деди Салимхон Обидий ўн минутлардан сўнг қўзғалиб,— менга рухсат, мен тураман. Ишларим кўп...

У новвот солинган пиёласини ҳам ўзи билан бирга олиб кета бошлади. Эшикка яқинлашгач, андак тўхтаб орқасига қаради:

— Умиджон!

— Лаббай.

— Газетадан менга мақола заказ қилишди... Профессор бўлгандан кейин шунақа ташвишлари ҳам бор. Мавзу — кечаги эълон қилинган пахтачилик ҳақидаги ҳукуматимиз қарори... уч-тўрт қоғоз ёзиб қўясиз, хўпми, ўғлим?

— Хўп бўлади.

— Тушдан кейин олиб кирсангиз, устидан бир ўқиб чиқаман.

— Хўп бўлади.

— Умидчик, ол, тортиняпсан. Ёки иштаҳанг йўқми?

— Ҳаммаси жойида...

— Нега унда емаяпсан? Мана, қуймоқ ҳам совиб қоляпти. Папам, ким тез овқат еса — тез ишлайди, дейдилар. Хотинларга ўхшаб сузилаверма!

Умид қайнанаси олдида қизариб кетди.

— Еяпман-ку!— деди Жаннага сал ўқрайиб.

— Мен дадангларга қарашай,— деди Сунбулхон ая ҳам ўрнидан туриб,— чолга ёрдамлашиб юбормасам, битта кўйлак деб бутун гардеробни титиб ташлайдилар...

Холи қолган Жанна эркаланиб, Умиднинг даҳанидан секин ўпиб қўйди. Умид кулимсиради; тунги жиндак асаб бўшашиб, тумандан ҳаво ёришгандек бўлди. Умид наридан-бери чой ичиб, институтга жўнаб кетди. «Дадангизлар бир уруғимизникига бориб келмоқчилар, Иноғомжонни кутмай қўя қолинг», деди айвонда турган Сунбулхон ая. Умид қизариб: «Йўқ, аяжон, мен ўзим юрганни яхши кўраман. Бу, чин сўзим», деди-да, ташқарига чиқиб кетди.

— Эринг жуда камтар-а,— деди Сунбулхон ая айвонга чиқиб, керишиб турган қизига,— қиздек йигит...

— Кечаси аз-маз тутди.

— Ҳа?

— Кеч келдинг деб.

— Унақа кеч келмагин, қизим.

— Нима, мен уйда ўтиришим керакми! У институтда одамлар ичида қувнаб юрса, майли, мен ўтирайми?

— Ақли ҳушингни йиғиб юр, тушундингми! Тагин анави кун... келмасин.

Жаннага онасининг гапи ёқмади. У индамай ўз хонасига кириб кетди. Орадан бир соатча вақт ўтгач, Умидга телефон қоқди.

— Хело! Хело-о-о! Бу ким? Умидчик! Жанна гапиряпти. Яхши етиб бордингми? Нима қиляпсан? Ёнингда ким бор? Упаман!.. Нима гап, дейсанми? Соғиндим, и телефон қиляпман. Сен мени соғиндингми? Сен мени севасанми?

— Бўлмасам-чи,— деди у томондан Умид.

— Бир нима де, кейин трубкани қўяман.

— Нима дей?

— Қани, айт-чи!

— Упаман.

— Хайр, азизим!

— Хайр!

— Кечикмай кел. Бугун мен ҳеч қаёққа бормаيمان. Сени кутаман...

Умид келибоқ бошқа ишларини йиғиштириб, профессорнинг мақоласини ёзишга киришиб кетди. Китоблар титди, газетада босилган ҳужжатларни ўқиб чиқди — кўнглига яқин кишилар билан маслаҳатланди... Тушдан кейин уни олиб кириб домласига ўқиб бериб, кейин машинисткага топширди... Овқатланди, бугун келган газета-журналларни кўздан кечирди. Шундай қилаб, кун ҳам ўтди. У яна папкасини қўлтиқлаб, уйга қайтиб келди. Хайрият, бугун Жанна ҳеч қаёққа кетмай, уни атай кутиб ўтирган экан.

Эртасига у столи устига қоғозларини ёзиб, бир ҳафтадан бери қўли тегмай юргани сабабли бугун ўз иши билан машғул бўлишга жазм қилди. Шукур Ка-

римовичнинг маслаҳатича, қиш ойлари диссертациянинг назарий қисми ҳақида иш юритиш селекцияга оид эмас, Тимирязев, Прянишников, Дарвин асарларининг деярли ҳаммасини ўқиб чиқишни, етиштирилган энг яхши нав гўзаларга доир илмий ишларни ўрганиб чиқишни айтарди. Унинг ўзи ҳам худди шу ёшда, кандидатлик диссертациясига тайёрланганида шундай тартибда иш олиб борган эди. Ҳатто биринчи қаватдаги кичик илмий ходимлар хонасида қайси столда ишлаганини ҳам аниқ кўрсатиб берарди. Ҳар қалай камкам бўлса ҳам ҳар куни ишлашни, ишдан узилиб қолмасликни таъкидлади. Аллақайси бир машҳур композиторнинг, «агар мен бир кун ишламасам, буни ўзим биламан, икки кун ижод қилмасам, буни ошналарим билади, уч кун ёзмасам, буни халқ билади...» деган гапини эслатарди. Бир қўл совиб кетгандан кейин қайта ишга киришиб олиш амри маҳол, дерди у. Томатома кўл бўлур, дегандек, укажон, илмий ишингиз устида ҳар куни иш олиб боринг. Бўлмаса, кунлар ўтаверади, сиз қолиб кетаверасиз...

Умид далада, Қўшчи бобо билан қилган суҳбатлари, кўрганлари ва ўз хулосаларини қоғозга тушира бошлади. Вильт касалига қарши курашда алмашлаб экиш, айниқса беда экишнинг моҳияти деган бўлимни ёзишга тутинди. У жуда иштиёқ билан ёзарди — фикрлар ҳам қуйилиб келарди. У ҳатто «Зарбдор» колхозининг аъзоси, кекса пахтакор Умрзоқ ота Хушвақов (Қўшчи бобо бундай дейди» деган гапларни ҳам ёзиб қўярди...

Иттифоқо шу бугун яна бир машама чикиб қолди; институтга чет эллик меҳмонлар келди. Нега хоналар ойнадек йилтиллаб, эрталабдан бўлим бошлиқлари директор кабинетига тўпланишди, деб турган эди, бунақа гап бор экан-да. Меҳмонларни профессор Шукур Каримович бошлаб, биринчи қаватдаги лабораторияга олиб кирди. Ишлаб ўтирган Умид тепасида улар бир лаҳза тўхташиб, бу йигит ким, нима иш билан машғул эканлигини сўрашди. Шукур Каримович, аспирант эканлигини, вильт проблемасига доир баъзи масалалар устида иш олиб бораётганини айтди. Профессор Салимхон Обидий шогирди эканини, институтда кўнгина ёшлар илмий иш олиб бораётганини ҳам гапирди.

Меҳмонлардан бири — новча бир жаноб кўзидан қора кўзойнагини олиб, Умидга тикилди:

— Сиз ўзбекмисиз? — инглиз тилида сўради.

— Ҳа, мен ўзбекман, — таржимонни кутиб ўтирмай инглиз тилида жавоб берди Умид.

— О, гут. Ўзбеклар илмий муассасаларда йўқ деб эшитган эдик, — у жаноб Шукур Каримовичга қараб қўйди.

— Бу-ку, ҳолва, бундан ҳам баттар туҳматларни қилишади, — деди Шукур Каримович.

— Сиз илмий иш қиляпсиз? — деди яна ўша жаноб Умидга қараб инглиз тилида, — бу ишни партия буюраётган бўлса керак?

— Ҳа, — деди Умид кулиб, — партия — у бизларнинг ўзимиз.

— О, еас, гут... — деди жаноб лол бўлиб.

Меҳмонлар бошқа хоналарга киришаётганда, Умид ҳам директор таклифи билан бирга борди. Йўл-йўлакай «бопладинг», деб қўйди Шукур Каримович. — Аммо, сенинг домланг, бундай пайтларда сувга тушган бўлка нондай ивиб, шалвираб ўтиради, у хотнинг бугун институтга келмаганлари ҳам бир ҳисобда маъқул бўлди.

Бояги хирп инглиз яна Умидга гап ташлади:

— Сиз инглизларга ўхшайсиз, сиз ҳам қирра бурун, кенг пешона экансиз...

— Мен ўзбекларга ўхшайман, — деди кулимсираб Умид, — ўзбеклигим билан фахрланаман ҳам. Очиқроқ айтсам, отам ҳам, онам ҳам ҳақиқий ўзбек. Узоқ асрлардан келаётган маданиятим, аجدодларим билан ҳам фахр этаман. Бизнинг катта бир миллий шоиримиз айтгандай, ўтмишга ҳурмат билан қараймиз, лекин келажак билан яшаймиз. Бошқа халқлар маданиятига ҳам ҳурмат билан қараймиз. Шекспир Ўзбекистонда жуда машҳур. Мен ўзим Байрон шеърларини кўп ўқийман...

— О, гут! О, гут!.. — деди меҳмон Умид ёнида гирдикапалак бўлиб, — Жорж Байрондан нима ўқигансиз?

— «Чайльд Гарольд» достонини.

— Бизнинг қиролимиз Георг IV ҳам шу поэмани яхши кўрарди. Шу билан бирга у Чарлз Диккенсни ҳам кўп ўқирди.

— Мана кўряписизми, қирол Георг IV билан менинг дидим бир хил экан.

— О, еас, о, еас! — кулди меҳмон.

Бу кун ҳам меҳмон кутиш, кузатиш билан ўтиб кетди...

Ҳафталар ўтиши билан Умид Ҳафиза дардини ҳам аста унута бошлади. У Жаннанинг енгилтак ишларига ҳам анча бепарво қарарди. Унинг хаёлини, дарду фикрини диссертацияси қамраб олган эди. Умиднинг илмий ишига қаттиқ киришгани Жаннага ёқарди: ўзига қайноқ ҳирс билан ёпишишини ҳам доимо истарди. Унинг баъзан уйга кеч келишликлари билан қизиқсинмаслик, суриштирмаслик, яъни «деспот», «феодал», «эгоист»... бўлмасликни Жанна жуда истарди. Эрини «қайта тарбиялаб» олишининг йўллари ни изларди. Унингча, XX аср эркаги, яъни янгича эр ҳамма вақт хотини олдида кулиб туриши, рюмкаларни жаранглатиб, тез-тез вино ёки коньяк ичиши, магнитофон билан жаз музыкаларини севиши, яхши кийиниб, меҳмонхона, рестороанларда юриши керак. Хотинини қизғанмаслик, агар бирон ножўя иш қилиб қўйса, оғзаки танбеҳ билан чекланиш кераклигини, бундан нарига ўтмаслигини истарди. Ўзбеклар эрга хиёнатни қон тўкиш, фожиа билан якунлашини — қолоқлик, ваҳшийлик деб атарди. Агар жоиз бўлганида у ўзини ё инглиз, ё француз дейишларини жуда истарди.

Гап билан Жаннанинг енгилтаклигини тузатиб бўлмаслигини, енгилтаклик — унинг феъли, бунда бирон хиёнат йўқлигига ишонган Умид ҳар нарсага фиғон бўла бермади. У ўз иши билан қаттиқ шуғуллана бошлади. Баъзан юраги орзиқиб тушарди; кимдандир эрига хиёнат қилиб юрадиган бир аёлни эшитган эди. Одамлар суюқоёқ хотинига эмас, расволикни бўйнига олган эридан жирканишарди. Баъзилар шу «эр»ни жисмоний заифлиги туфайли хотинини ташлаб қўйибди, дердилар. Наҳотки Умидни Жанна шу аҳволга солса! Унинг юраги орқасига тортиб кетарди. Ундай кимса бўлгандан кўра, ўлгани минг марта яхши! У, кимсан фалончининг куёви бўлиб, пўрим-олифта бўлиб юрса-да, Жанна ўзининг «маданий» ва «тушунган» эрини хоҳлаган йўлга солса!

Кунлардан бир кун эрта билан хизматга кетаётган Умидга ётган ерида Жанна гап қотди:

— Умидчик, мен бугун бир дугонамнинг именинесида бўламан. Кечқурун қайтганингдан кейин папам кабинетига кириб, илмий ишингни ёз...

— Кимнинг именинаси?

— Сен танайман.

— Эр-хотин бирга бормайдими? Ахир, сен оилаликсан-ку?

— О, да, Умидчик. Лекин сен запад музыкаларини ёқтирмайсан.

— Нега? Ким айтди сенга?

— Магнитофонни қўйсам, настроениянг бузилади. Запад музыкаси...

— Икки хил «запад» бор, мен Штраусни яхши кўраман. Лекин шовқин-тўполонни ёмон кўраман, чидаб туrolмайман...

— Сен консерваторсан. Сен айтганлар ўтган аср, биз йигирманчи асрда яшаймиз. Олдинга қараш керак!

— Яхши музика ҳамма асрларга ҳам тўғри келверади.

— Бу ўта субъектив фикр.

— Нега сен ҳинд музыкаларини эшитмайсан? Шарқ музыкаси ҳам жуда ажойиб-ку! Бу музыкаларни тинглаб, ҳаяжонга тушмай иложинг йўқ. Ҳатто сен ўзимизнинг «Шашмақом»ни ҳам эскилик деб қарайсан!

— Умид,— деди кўзи олайиб Жанна,— сен хато гапиряпсан! Бу гаплар ўз ичингдан чиқяптими? Ёки биров сенга ўргатяптими?

— Ке, қўй бу гапларни!— деди Умиднинг таъби тирриқ бўлиб. Катта даргоҳнинг эрка қизи фикрини ўзгартириш асло мумкин эмаслигини пайқади. Гапни бошқа томонга бурди:— Урнингдан туриб, юз-қўлингни юв! Уйни ҳам тартибга сол. Фалсафадан кўра ҳозир шу зарур!

— Кетавер, Умид, мен яна бир соат ётаман.

— Билганингни қил!— деди эшикдан чиқиб кетиб Умид.

Умид яна Иноғомжонни кутмай, автобус билан кетди. Йўл-йўлакай ўйлаб, боши қотарди. У кўпроқ Жаннанинг «дунёқарашига» эмас, унинг қи-

лиқлари-ю, қилаётган ишларига ҳайрон бўларди. Шу даражада талтайиб кетганки, уни қайилтириш мумкин эмас, деган фикрга келди. Профессор ҳам, Сунбулхон ая ҳам «ёлғиз қиз»ни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, унга қарши ҳеч қачон бирон фикр айтишмас эди. Бу оилада Жанна — ҳокими мутлақ, авваллари эркалаб, нимани хоҳласа, шуни муҳайё қилиб берган ота, қизининг бўйи етгач, унга зид ҳеч гап айтмай, тўғрими, нотўғрими, айтганини маъқуллайверарди. Сунбулхон аяга унинг қинғир-қийшиқ томонлари умуман кўринмасди, унинг назарида, Жанна гўзал ва доно. Фақат ичқора одамларгина унинг Жаннасини ёмонлаши мумкин. Жаннани ёмонлайдиган кимса — Сунбулхон аянинг душмани!

Умид аста-секин бу шароитга кўникиб қолаётганини, Жанна уни «қайта тарбиялаб», ром қилаётганини пайқади. «Сен бир ишланмаган харсанг тошсан, сендан мен ажойиб ҳайкал ясайман...» деган эди бир куни файласуфлиги тутиб кетиб Жанна. «Қанақа ҳайкал қилмоқчисан, мен шуни билишим керак. Эҳтимол, сенинг ҳайкал қилишингга ярамасдирман, жоним», деган эди Умид кулиб. Бу гап ҳозир автобусда лоп этиб эсига тушди. «Қизиқ», деди ўзи га-ўзи.

Унинг оилавий ҳаёти — сокин ва осуда даладан бозор ғала-ғовурига тушиб қолган одамдай кўзи тиниб, боши айлангандай бўларди. Сунбулхон аянинг, «ўғлим, ётсирамай ўзингизни эркин тутаверинг», дегани ҳам ёдига тушди. Демак, унинг «иқлимнинг тўсатдан ўзгарганига» ўрганолмаётганига қайнанаси ҳам эътибор берибди-да! У баъзан ҳуркиб кетар, аммо кўзига чарм қоплаган қарчиғайдек ҳеч нарсани кўрмай ўтираверарди.

Шу куни, Жанна таъбирича, «элегантний» Умид ўз вақтида, яъни кеч соат олтида уйга қайтиб келди. Хизматчи хотин олиб кирган косадаги овқатни еди, чой ичди... Китобу дафтар-қаламини кўтариб, қайнатаси кабинетига кирди. Жавон ичидаги фил суягидан ясалган ёдгорликлар, биллур идишлар, тилла, кумуш идишлар, турли медалларга маҳлиё бўлиб тикилди. Катта хонанинг икки томонидаги ойнали жавонга тартиб билан терилган китобларга, жавон тепасида учи шифтга тегиб турган уч-тўрт ғўзага (бу Салимхон

Обидий яратган нав), кичик рамкалардаги суратларга бир муддат тикилди. Бу хона кабинетдан кўра ҳам кўпроқ музейга ўхшарди. Бундан ўн йилча бурун Салимхон Обидий бу хонада ўтирар, ишлар, китоб ўқирди. У пайтларда бу хона унчалик безатилмаган ҳам эди. Эман дарахтидан ясалган қорамтир, ялтироқ стол, атрофдаги қизил духоба қопланган юмшоқ креслолар устига чанг қўнмай йилтиллаб турарди-ю, аммо бу хонадан кўпроқ нафталин ҳиди келарди. Фақат келган азиз меҳмонларни олиб кириб кўрсатишарди. Салимхон бўлса қишда ошхона ёнидаги шинам ҳужрага танча қурдириб олиб, саксовул чўғини тўқдирарди. Уч қават кўрпача устида, бозиллаган танчани қучоқлаб ўтирарди. У баъзан куни бўйи ўтириб, шу ерда ухлаб ҳам қоларди.

Ярим тунда Жанна меҳмондорчиликдан келди. Ётишини ҳам, ётмасини ҳам билмай диванда ўтирган Умид, хонага кирган Жаннага ялт этиб қаради.

— О, Умид, ҳали ҳам ухлаганинг йўқми? — деди Жанна Умидга яқин келиб. Уни ўпмоқчи ҳам бўлди. У гандираклар, оғзидан ичкилик ҳиди анқирди.

— Башарангга бир қара! — деди Умид ўптирмай.

— Нима қилибди? — Жанна ойнага юзини яқин олиб бориб, лаби кўкарганига кўзи тушиб, яна ҳеч нима кўрмагандек, қайрилиб Умидга қаради, — юзимга нима қилибди?

— Лабингга қара!

— Лабим жойида, — деди зарда қилиб Жанна, — просто ўзим ўйнаб тишлаганман. Нима, сен мени уйга тиқиб қўймоқчимисан? Мен подругаларим билан бирга бўлдим. Сенга қарамайпманми — сен хоҳлаганингда ёнингда бўлмайпманми? Яна нима дейсан? Эгоист бўлиш керак эмас? Мен ўйнайман, куламан... Хоҳласанг шу!

— Бу билан нима демоқчисан?!

— Ҳеч нима! — Жанна хонадан чиқиб кета туриб, эшикни тарсса ёпди-да, ҳовлини кесиб ўтиб, онасининг ёнига кирди. Шу кирганча қайтиб чиқмади.

Умид уни кутиб ўтирмай, ётиб ухлаб қолди.

Эрта билан Сунбулхон ая Жаннани етаклаб Умид ёнига кирди. У коридорда: «Қизим, ахир бунақа кеч келиш керак эмас-да, эринг бўлгандан кейин сўрай-

ди-да. Хафа бўлмаслик керак...» деб атайин Умидга эшиттириб, насиҳатомуз гапириб келарди.

— Қўйинглар, хафа бўлманглар,— деди Сунбулхон ая хона ичида Умид билан Жаннага мурожаат этиб,— хотини бўлганинг учун, яхши кўрганидан, Умид ўғлим, суриштирган. Енгил бўлма, қизим! Қани, Умиджон, чойга чиқайлик!

Сунбулхон ая Жаннани Умид ёнида қолдириб, ўзи ташқарига чиқиб кетди.

Ун учинчи боб

ХИЕНАТ

Кунларнинг бирида Умид бу оиланинг хизматкорига айланиб қолган Иноғомжондан Жаннанинг бундан бир йилча муқаддам кимгадир норасмий теккани, кейинчалик у йигит билан ажралишганини эшитди. Бу сирнинг ошкор бўлишига Жаннанинг қўполлик қилиб, Иноғомжонни сўкиб юборгани сабаб бўлибди. Умид ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади... Иноғомжоннинг гапига «ғийбат» деб қараса ҳам, аслида бу гап тўғри эканини ўзи ҳам биларди...

Аmmo бир куни, юз-қўл ювадиган жўмрак тепасида қолган Сунбулхон аянинг бриллиант кўзли узугининг йўқолгани жуда кўнгилни нохуш қилди. Оилада шивир-шивир бошланиб кетди. Аввал хизматчи хотин билан Иноғомжондан кўришди. Лекин шу ҳафта ичида хизматчи хотиннинг касал бўлиб, уруғлариникига кетгани, Иноғомжон бўлса ичкари хонадаги бу жўмракка ҳеч қачон яқинлашмаслиги гумонни йўқотди. Улар Умидга шубҳали қарашди, бу шивир-шивирларни сезган Умид қаттиқ хижолат бўлди. Бу гапни у Жаннадан ҳам эшитди. Унинг сезишича, қайнатаси бу ишни босди-босди қилиб юборди. Орадан бир ҳафтача ўтгач, сув тортмай қолган тешикка йиғилиб қолган соч ва ипларни жуфтак билан қисиб олиб ташлаган Салимхон Обидий кир ичидан бриллиант кўзли узукни топиб олибди. У совун кўпиклари билан сирғалиб, кран тешигига қадалиб ётган экан. Профессор узукни Сунбулхон аяга бериб, бу гапни дим-дим қилиб юборишни тайинлади. Лекин Жанна Умидга бу

«хурсандчилик»ни айтиб қўйди. Умид хижолатбозликдан қутулди-ю, аммо оз бўлмаса «қўли эгри кимса» бўлиб қолай деганидан хафа бўлди.

Баъзи хизматчилар янгилигида «одамохун» бўлиб, кўпчиликка яхшилик қилиб юргандай бўлади. Кейин секин-аста даражаси юқори кимсалар билан гаплашиб тобе кишиларга қарамайди, айёрлик қилади. Бу эса унинг инқирозидан даракдир, деб эшитган эди Умид. Кунлар ўтиши билан профессор Салимхон Обидий Умидга институтда бир югурдак сифатида қараб, унга фақат иш буюрарди-ю, бирон нима маслаҳатлашишга тўғри келса, Шукур Каримовичга мурожаат этарди. Биронта илмий маслаҳат бериш, диссертацияси нима бўляпти — бу ишлар билан домла ҳеч қизиқмай қўйди. Умиднинг ўзи гап очганида: «Мусулмончилик аста-аста... жуда ҳам шоша берманг», деган эди профессор Салимхон Обидий энсаси қотиб.

Баъзан Жанна билан Умид тотувлашиб ҳам қолишарди, бундай пайтларда Жанна бир қадар ўз таъсирини эрига ўтказарди. Унинг зўрлаши билан Умид почаси тор шим, тумшуги ингичка ботинка кийди. Сочини ўстириб, бўйнига туширди. Жаннанинг ўзи аллақадардан чет элда, яъни ғарбда тикилган, кўкрак чўнтаги устига лотин ҳарфидан белгилар қўйилган желетка, костюмлар топиб келиб Умидга кийгизди. Ўзининг тасхара бўлаётганини пайқаса ҳам, хотини раъйини қайтармасди.

Кунлардан бир кун нариги ён кўчада турадиган Абдуваҳоб бува қазо қилганини эшитиб, наридан-бери ўзининг жайдари кийимларини, бошига дўппи кийиб жанозага чиқиб кетди. Шу чиққанча у, бошқалар билан бирга қабристонгача буванинг тобутини галма-гал елкада кўтариб, соат тўртларда уйга қайтиб келди. Уни кутиб ўтирган Жанна тутақиб, зарда қилди:

— Сен ҳозирги замон кишисан, тушундингми?!

— Ҳа, ҳозирги замон кишисман, нима қилибди?

— Нега дўппи кийиб, жанозаларга бориб юрибсан? Уша қолоқ одамлар бораверсин, сенга нима!

— Уша «қолоқлар»нинг баъзилари ишчи, кекса коммунистлар, бири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони... Сен яхши билмай, бекорга ҳақорат қилибсан!

— Тўрт соат йўқолиб кетасанми?
— Бу — инсоний бурч. Керак бўлса ўн соат ҳам кетаман.

— Мен-чи?!

— Сенга нима қилибди?

— Мен сени кутиб ўтирибман-ку! Мен сенинг ёдингдан чиқдимми? Бир ўлган чол учун мени унутиб қўйдингми?

— Нобон гапларни йиғиштириб қўй! Мен дадамлар номидан ҳам жанозага чиқдим — у кишининг йўқликларини билдирмадим. Чиқиш керак эди, Жанна, тушунишинг керак!

— Тушунишни истамайман!

— Ўзингга қийин.

— Мен янгича тарбияланган одамман, мени эскичага буролмайсан! Сенинг эскича одатларингга тупураман!

— Бу эскича одат эмас, бу инсонийлик. Ахир, Навоий ҳам қазо ҳақида шеър айтган...

— Навоийингга ҳам тупураман!

— Сен ўлмайсанми?

— Сен ўласан! — деди бақириб Жанна. У қўлидаги тахсимчани полга қарсиллатиб уриб, чил-чил қилди-да, додлаб ташқарига чиқиб кетди.

Шундай қилиб, жума куни ҳам ҳаром бўлди...

Икки кунлик дилхираликдан сўнг, улар яна ярашишди. Шу куни Жанна Умидни ёлғиз ташлаб, қаёққа қадир кетди. Кеч киргач, Умид уни ортиқ кутиб ўтирмай, ётиб ухлайверди. Тунда келган Жанна эрини уйғотиб ўтирмай, ечиниб, ўз каравотига ётди. Бир лаҳзадан сўнг, Умиднинг қотиб ухлаб ётганини пайқагач, ёнига ўтиб олди... Нотинчланган Умидни ялинтириб, «мени яхши кўрасанми, айт!» деди Жанна. Ҳаётларининг бу даражада субутсиз бўлиб бораётганига ҳайрон бўлиб юрган Умид, «ҳа», деди. Бу лаҳза у Жанна истаган ҳамма гапни айтиш ва ҳатто қасам ичишга ҳам тайёр эди. Умид орзу қилган турмуш сароб бўлиб қолаётганга ўхшарди. Ярим соатлардан кейин улар қотиб ухлашди...

Аммо Жаннанинг босинқираб телва-тескари гапларни айтгани Умид уйқусини қочириб юборди. Уйғониб кетган Умид Жанна гапларига қулоқ осди. Жанна Умидни маҳкам қучоқлаб: «Жоним, Роберт,

мен сени севаман. Роберт, жоним... сени севаман...» Умиднинг юраги шигиллаб кетди. У ўзини қўлга олиб, Жаннага яна қулоқ солди.

Умид бош кўтариб, диққат билан унинг ҳамма гапларини эшитди-да, яна ёстиққа бошини қўйди. Жаннанинг ҳаром нарса эканига шубҳа қолмади. «Роберт» деган гап бир ҳафта бурун ҳам унинг оғзидан чиқиб кетган эди.

Эрта билан Умид айвонда ювинаётганида Жаннанинг тирсагидан юқориқоқда, сонидан кўкарган жойларни кўрди. Сўрашга ийманиб, тикилиб турган Умидга Жаннанинг ўзи гапирди: «Булар билан мени сен ўзинг ясатдинг... Шуларга қараётган бўлсанг керак...»

Умид индамай қўя қолди. Сунбулхон аянинг «етимчага жир битди, қизимни ҳам уриб-суриб юрибди...» деб уруғларидан бирига айтаётгани ёдига тушди.

Кунлар ўта бошлади.

Кунлардан бир кун Шукур Каримович Умиддан Оққўрғонга, совхозга бориб келишни илтимос қилди. Бу ерда Селекция илмий-тадқиқот институтининг янги нав гўзалар экиладиган каттагина майдони бор. Эртага эрта билан институт хўжалик ишлари мудири билан автобусда жўнашини тайинлади. Умид бу гапни Жаннага айтиб, яна ўша «жайдари» кийимларини, оёғига қалин жун пайпоқ, бошига қулоқчинини кийиб чиқиб кетаётган эди, Жанна сўради:

— Неча кун бўласан?

— Бугун, эрта... Индинга қайтсам керак,— деди Умид уйдан чиқиб кета туриб,— Шукур Каримович икки кунга дедилар.

Умид азонлаб институтга етиб келди. Уни пойлаб турган хўжалик ишлари бўйича мудир билан автобусда районга чиқиб кетишди. Улар кун бўйи совхозда бўлишиб, қиладиган ишларининг ҳаммасини битказишди. Хўжалик мудирининг фикрича, топширилган вазифани гаплашиб, пишитиб олишгач, бунда ётиб қолиш шартми, яхшиси, шаҳарга қайтиб тушамиз, деди. Бу гап Умидга жуда ёқиб тушди. Кечқурун соат еттиларда улар йўлга чиқиб, ўн яримларда Тошкентга кириб келишди. Машина Умидни ишчилар

шаҳарчасига ташлаб, хўжалик мудирини Комолон томонга олиб кетди.

Умид дарвозани итарган эди, ичидан қулф экан. Қўнғироқ кнопокасини босди. Ҳовлида юрган хизматчи хотин югуриб келиб эшикни очди.

— Ҳамма уйдами?— сўради Умид.

— Дадангиз билан аянгиз йўқлар...— жавоб қилди хизматкор хотин. Умид ҳовлининг ўртасидан кесиб ўтди-да, ўз хонаси эшигини итарди. Эшик ичидан қулфланган эди. У тақиллатди. Бир лаҳзадан сўнг ичкаридан Жаннанинг овози чиқди.

— Рихси опа, нима ишингиз бор?— У хизматкор хотинни биринчи марта исми билан атади.

— Бу мен, оч эшикни,— деди Умид қисқагина.

Хона ичида шивир-шивир бошланиб, яна жим бўлиб қолди. Негадир Умид юрагига ғулғула тушиб, эшикни қаттиқ-қаттиқ итара бошлади. «Мана, ҳозир...» дерди-ю, лекин эшикни очмасди Жанна. Ун минутлардан кейин магнитофон «ча-ча-ча»... шовқинини бошлаб, Жанна эшикни очди. У ички кўйлаги устидан елкасига пижама ташлаган эди. Магнитофон ёнидаги креслода шимининг тугмаларини солиб олишга улгуролмаган, бир оёғида йўл-йўл ўз пайпоғини, бир оёғи яланғоч, аммо ҳеч нима бўлмагандай бамайлихотир ўтирган йигитчага кўзи тушди.

— Э, келинг! Хуш келибсиз!— деди Умид жилмайиб,— сиз ким бўласиз?

— Роберт. Жаннанинг курсдоши,— деди ўтирган ерида ҳовлиқиб, кўришмоқчи бўлиб қўл узатди у йигит.

— Ҳа, менинг курсдошим... Гаплашиб ўтирган эдик,— деди ранги оқариб, нафаси тиқилиб Жанна.

— Сиз, бу кишининг эри йўқ вақтида, яъни ярим тунда хонасига кириб, гаплашиб ўтирмоқчимидингиз?!— деди титраб Умид,— яъни сиз... бир аблаҳ!

— Биродар, биз суҳбатлашиб, маданий ўтирибмиз,— деди Роберт,— тушуниш керак!

Умид Робертнинг даҳанига бир мушт туширди. Бир зарбдаёқ давангирдек йигит полга росмана ағдарилди. У бир нима деб бошини кўтарган эди, яна тарсаки тушди. «Маданият»ни тарғиб қилаётган бу олифта йигит боксдан беҳабар эди. У қўл кўтаришга ҳам чоғи келмай полда чўзилди. Бу аҳволни кўрган

Жанна фожиа юз беришини фаҳмлаб, шовқин кўтармоқчи бўлди. Робертнинг ўлиб қолишидан қўрқиб, Умидга илондек тикилди.

— Сен, деспотсан, золимсан!

— Ҳа, бу сенингча! Лекин мен хотинимни бутун орзу-ҳавасларини юзага чиқаришни ўйлаган эдим. Пок хотинимни, албатта. Сени эмас!

Бошини кўтарган Роберт (асли Робиддин деган йигит) Умидга қаради:

— Мени омон қўйиб, бу ердан чиқариб юбор! Тавба қилдим,— унинг бурни тинмай қонаб, бир томон кўзи шишиб чиққан эди. У ётган ерида, пичоқ борми, деб Умиднинг қўлига қаради,— тавба қилдим, мени қўйиб юбор. Айб менда эмас...

— Йўқол!— деди Умид у фаҳш — қўрқоқ кимсанинг юзига қарамай.

Роберт ўрнидан тура солиб, бурнининг қонаганига ҳам қарамай, шатиллаганича хонадан чиқиб кетди. Хонада Умид билан Жанна қолди.

— Хўш, синьорина, нима гап?

— Сен одобсизсан! Деспотсан!

— Мана сенга, аблаҳ!— Умид Жаннанинг юзига якки бор тарсаки тортиб юборди,— сенинг шундай нопоклигингни билардим, аммо ота-онанг олдида қаттиқ хижолатда эдим. Мен қаттиқ янглишган инсонман! Мендан нарироқ тур. Бўлмаса ўлдириб, сен ифлоснинг жаддингга қолиб, отилишим мумкин! Ифлос!

Ҳовлида эмаклаб юрган стилияга йигитни кўрган хизматкор хотин (у жўрттага ухламай машмашани кутарди) овозини чиқармай кулди. «Туф сенга!» деди у Роберт дарвозага яқинлашаётганида.

Полга ўтириб қолган Жанна дағ-дағ титраб, қичқирарди. «Қизимизни у ваҳший ўлдириб қўйяпти...» деб Сунбулхон ая ичкари хонадан профессор Салимхон Обидийни бошлаб кирди.

— Нима гавго?

— Вой, ичкарига юринг! Анови етимча қизимизни сўйиб қўяй деяпти!

Оғзи қон Жанна отасига отилиб бориб, этагидан ушлади.

— Бу бандит мени ўлдирмоқчи.

— Ким сени ўлдиради?!

— Улдиришга ҳазар қиламан!— деди Умид айвонда туриб.

— Нега урдинг?!

— Эмаклаб чиқиб кетаётган одамни кўрдингизми, у Роберт деган шахс. Жанна билан бирга ётган экан...

— Йўқол бу уйдан!!

— Хўп, йўқоламан!— Умид қайтиб уйга кирди-да, папкаси, китоблари ва эскиган пальтосини олиб, ҳовлидан чиқиб кетди.

У энгилган, қиличи синиб, қалқони тешилган паҳлавондек юрак-бағри дабдала бўлиб, совуқ қиш кунларининг бирида, йўлкада боши қуйи кета бошлади.

Қаёққа боришини ўзи ҳам билмасди...

Ун тўртинчи боб

КУКРАКНИ ЗАХГА БЕРИБ...

Ярим тунда Умид тўртда китобни қучоқлаб профессор Салимхон Обидийнинг улкан дарвозасидан юпунгина кийинган ҳолда кўчага чиқди... Ғувиллаб учаётган аччиқ шамол юзига тарсаки солар, аммо ғазаб алангасида ёнаётган Умид бу тарсакиларни мутлақо сезмасди. У изғирин-шамолга қарши борар, баъзан ёшланиб кетаётган кўзларини энги билан артар, ярим энгашган ҳолда алам билан қадам ташларди. У ҳатто бу унинг ўзи эмас, бир сояга ўхшаб қолгандай, оёқ-қўллари ҳам ҳеч нарсани сезмас, аъзолари ўзича ҳаракат қилаётгандай бўларди... Унинг Жанна билан бўлган кунлари — жинлар базмига ўхшарди. Барча асаса-ю, дабдабалар, жаннатсимон хонадондаги ҳаёт бир лаҳзада йўқ бўлди. Гўё Тўти бувининг уч қатла «ёсин» ўқиганидан кейин жинлар базми кўздан ғойиб бўлиб, эски култепа қолгандай...

Умид хаёлот ичида қадам ташларди. Қўлтиғидаги китобларини асаб билан беихтиёр маҳкам сиқиб қучоқларди. Қаёққа бораётганини ўзи ҳам билмасди. У ўзини ўзи қўлга олмоқчи бўлиб, юрагига далда берарди. Аммо барибир юзтубан қулаган кимсадек, дарди фикри зим-зиё, танасида жони йўқ, бир ёғочга ўхшаб қолгандай борарди. Унинг ҳолини сўрайдиган

бирон кимса ҳам йўқ, борадиган бирон жойи ҳам йўқ эди. Ёки шу кетишда тўғри тоғасиникига борсинми? У албатта оила бузилганидан ранжийди. Профессорга қуда бўлишни жуда-жуда истаган эди. Эски болохона — кулба эшигига ҳам тахта қоқилган. Кейинги чоғларда Чўтир холанинг ҳам ҳолидан яхшигина хабар ололмаган эди. У ғариб хотин дилини ҳам оғритган.

«Ўтники ўтга, сувники сувга, қолди қатиқнинг пули...» деди ўзидан-ўзи кулиб Умид...

У Тахтапулга келиб, анҳор кўприги устидаги темир панжарани ушлаб, оқар сувга қаради — иккига бўлиниб, қайнаб оқиб ётадиган анҳор том битиб, қотиб ётибди. Бу ерда изғирин шамол шундоқ кучайдики, Умид у ёқ-бу ёққа ҳам қаролмай, ўзини йўлкага олди. Бир муддат торгина йўлакга кириб турди — кичик йўлак уни иситгандай бўлди. Қадим кулбалар, гўшалар, долонлар... қишда ғариб-етимларнинг пўстини, дейишарди. Умиднинг танидан совуқ ўтиб, тишлари ҳам таракларди. Танига ҳарорат берадигандай, жон-жаҳди билан тўртта китобини қучоқларди. Кўча кимсасиз, ҳар замонда биронта машина ғизиллаб ўтиб кетарди — туғруқхонага қатнаётган «тез ёрдам» машиналари бўлса керак... Бировнинг долонида ортиқ жунжиб туравермай, йўлнинг ўртасига тушиб юра бошлади. Машина овози келса қўл кўтариб тўхтатмоқчи бўлди. То Эскижўвага етгунича биронта ҳам машина учрамади. У истироҳат боғи панжаралари ёнида туриб қолди, қаёққа борса экан? Чорсугами — дўсти Ҳотамникигами ёки Кесакқўрғон томонга — Суқрот домланикигами? Ёки... ўз болохонаси — кулбасигами? Ярим тунда Суқрот домлани безовта қилгиси келмади. Ҳотамни ҳам. Тоғасиникига ҳам бормади, у жуда узоқ...

Шу атрофдаги магазинлардан бири зинапоясида пўстинга бурканиб, олдидаги манқалда қўлини иситиб ўтирган қоровул томоқ қириб, ўзининг уйғоқ эканлигини билдирди. Милтигини бу ёнидан у ёнига олиб ҳўйди. Умид бориб, ўша манқалда жиндак исингиси келди, лекин бу иш қоровулни шубҳага солиб, безовта қилишини фаҳмлаб, гўдайиб туравермай, яна йўлкада юришни давом эттирди. У ўйлаб-нетиб ўтирмай тўппа-тўғри ўз болохонаси томон шатиллаганча кет-

ди. Бу ер... унинг туғилиб ўсган маҳалласи, бунда ҳамма уйлар унга таниш. Ҳатто тор кўча четига ёт-қизилган ҳар бир харсангтош ҳам унга таниш. Бу телва-тескари харсанглар устида у асфальтда юрган-дай қоқилмай юради.

Болохона деразасига қаради: «Ҳа, бу мен, ўша сенинг болохонанг», дегандек бўларди.

Кўча жимжит ва совуқ...

У ташқари эшикни итарган эди, ичидан занжир экан. Эшик тирқишидан одатдагидек қўлини тикиб, занжирни туширди, секин очиб, ичкарига кирди. Ҳовли ҳам жимжит, пастки тахталари олиб ташланган зинадан юқорига чиқди, эшикка қоқиб қўйилган гарбил тахталарни тортиб кўрди, аммо кучи етмади. Қўлларига зирапча кирганини ҳам пайқамади. Катта михлар қоқилган эканми, шунча унналса ҳам биронтасини кўчириб ололмади. Ҳовлини қидириб на болта ва на теша топди. Йўлакка чиқиб, папирос чекиб турган эди, рўпарадаги эшик ғирчиллаб очилгандай бўлди. Умид фурсатни қўлдан бермай, дарҳол эшик ёнига келди:

— Хола, сизмисиз?

— Ҳа, мен...— деди енгилгина чиққан Чўтир хола эшикни катта очиб. У ҳангу манг бўлиб, Умидга бошдан-оёқ тикилди. Симёғоч тепасида қизғиш ёниб турган лампочка нурида Умидни аранг кўрарди.

— Уйқум қочиб ётувдим, кўчада биров югандек бўлди. Худди менинг эшигим ёнида тўхтаб, бир нарса қилаётгандай бўлди. Ваҳима босиб чиқиб турганим эди. Эсон-омонмисиз, тан-жонингиз соғми?! Нечук ярим кечада бу томонларга келиб қолдингиз?

— Иш чатоқ...

— Худо сақласин!— деди сесканиб Чўтир хола.

— Тешангизни бериб туринг.

— Тахтани кўчирмоқчимисиз?

— Ҳа.

— Бирон нимангиз қолганмиди, олиб кетасизми?— Чўтир хола эшикдан бошини чиқариб, шу ўртада Умиднинг машинаси турибди хаёл қилиб, у ёқ-бу ёққа қаради.

— Йўқ, кириб ётаман.

— Вой, тавба... Бу нима деганингиз? Муздек, қуп-

қуруқ қужрада қандай қилиб ётасиз, болам. Тушун-
маяпман!

— Холажон, ҳамма иш тугади... Яна қадрдон бо-
лохонага қайтиб келдим. Тушундингизми?

— Ё қудратингдан!— деди бошини чайқаб Чўтир
хола,— сиз ҳозир уриниб ўтирманг. Қани, бу ёққа
киринг, танчамнинг четига жой солиб бераман, эрта-
га кундузи болохонани очасиз. Ҳа, шундоқ бўлсин!
Қани, ичкарига кириг!

Умид ҳовлига қўйган китобларини олди-да, эшик-
ни илгаригидек тирқичидан қўл тиқиб занжирлаб,
Чўтир холаникига кириб кетди. Чўтир хола айвонига
пальто, китобларни қўйди. Хола дарҳол танча ичи-
даги қумғонни, атирсовунни олиб чиқиб Умидга тут-
ди. Даҳлиздаги ҳаник четида чўққайиб ўтириб, Умид
қайноққина сувда юз-қўлини ювиб ичкарига кирди.
Хола курси устида тарелка ёпиб қўйилган бир коса
овқатни, нон-чойни Умид олдига қўйди. Оч, дилдираб
қолган Умид иссиққина танчада ўтириб, танига қай-
та жон кирди. У Чўтир холанинг қистови билан бў-
ғилганига қарамай овқатдан еди, чой ичди. Совуқ уни
жуда қақшатган эканми, бозиллаган танча четида
уйқу элита бошлади. Бунинг сезган Чўтир хола уни
гапга тутмай, пар ёстиқ билан янги атлас кўрпани
тахмондан олиб, Умид устига ташлади.

— Ухланг, болам! Эрталаб гаплашамиз.

Бу гап Умидга жуда ёқиб тушди, у ёстиққа боши-
ни қўйди-ю ўз уйи, ўз онаси ёнида ётгандай қотиб
ухлаб қолди. Чўтир хола бўлса чироғини ўчириб, ух-
лаган киши бўлди, лекин тонг отгунча бу «етим қу-
лун»нинг қисматини ўйлаб чиқди. Азонга яқин жин-
дак кўзи илиниб, мизғиб олди.

Эрта билан барвақт турган Чўтир хола наридан-
бери юзини ювиб, электр плитага чой қўйиб, гузарга
чиқиб кетди. Қўшнисиникидан бир товоқ қаймоқ,
нонвойникидан янги ёпилган нон олиб чиқди. Умид
уйқудан кўз очиб, ғариб, аммо ҳамма ёқ чиннидек озо-
да бир уйда бўлганидан кўнгли равшан тортди, хола-
нинг айтишича, танчадан қумғонни олиб, яна яхши-
лаб ювиниб олди. Курси устига дастурхон ёзилиб,
новвоту пашмак, қаймоғу тандирда ёпилган, сингиб
пишган нонларни кўрди. У эшикка чиқиши биланоқ
бир лаҳзада Чўтир хола ўрин-кўрпаларни йиғишти-

риб, ҳамма ёқни саранжом қилиб қўйган эди. Улар она-боладек очиқ дил билан нонушта устида гаплашишди. Бўлган воқеаларнинг ҳаммасини Умид айтиб берди, чунки бу хотиндан яширадиган сири йўқ эди. Бундай қилиш виждонсизлик эди. Чўтир хола оғзини очиб, ҳайрон бўлиб қолди.

— Сиз жим бўлиб кетганингизга бир кўнглим ўша праписсорникига бориб, сизни бир кўриб келмоқчи бўлиб юрган эдим,— деди чой ҳўплаб Чўтир хола,— яхшиям бормаганим... Мени бир чувринди деб ҳайдаб солишлари ҳам мумкин эди. Шунақа денг?

— Ҳа, холажон, шунақа. Китобларда ўқиганим қадимги бойларга ўхшашади. Ҳаммасига чидаш мумкин эди, аммо қизларининг бузуқлигига ҳеч чидай олмадим. Мендан аввал бир кишига норасмий теккан экан... Номини оқлаб олиш учун менга беришибди. Мен нодон жуда қаттиқ янглишдим. Қоқилиб, оғзи-бурним қоп-қора қон бўлди. Жуда ёмон иш қилиб қўйдим, юрагим ёнади...

— Қанақа ёмон иш қилиб қўйдингиз?

— Шу ишлар-да...

— Уғлим, бунақа беҳаё қиз экан, вақтида билиб, ўзингизни четга олганингиз яхши бўлибди. Шукур қилинг! Битта туғиб олгандан кейин, умрингиз гурбатда ўтиб кетарди.

— Бошқа нарсага юрагим ёнади, холажон! Мен хоинлик қилдим...

— Хоинлик? Бу нима деганингиз? Ҳукуматга қарши иш қилдингизми?

— Йўқ! Ҳукуматга содиқ одамман. Бир яхши кишига нисбатан ёмон иш қилдим...

— Сабр қилинг, болам, сабр таги раҳмон! Ишла-япсизми, ишхонангиз борми?

— Ҳозирча бор...

— Жаҳл устида уришиб қолган бўлсангиз, эҳтимол ярашиб қоларсиз. Қайнатангиз, қайнанангиз келиб қолишар? Оилангизни бузманг!

— Эҳтимол... Лекин мен қизларининг ўз хонамда бегона киши билан ётганида ушлаб олдим. Энди ҳеч қандай куч мени у билан эр-хотин қилолмайди. Тамом! Лекин унинг отасига боғлоғлиқ жойим бор, у киши менинг илмий раҳбарим...

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Ҳиштама... Ҳали ишхонамда бу воқеани ҳеч ким билмайди.

— Болам, ҳар қалай, оғир бўлинг, оғир одам ютиб чиқади. Тоғангизни ҳам бу гапдан огоҳ қилиб қўйинг. Вақти бевақт иссиқ овқатингиздан ўзим хабар олиб тураман.

— Безовта бўлманг,— деди Умид чой ичиб бўлгач, ўрнидан туриб.

У Чўтир хола тешасини олиб чиқиб, болохона эшигидаги тахталарни кўчирди. Хона деразаларини очиб, ўрин-кўрпачаларини қоқди, супуриб, шифт, деразаларни ўраган исларни туширди. Челақда сув олиб чиқиб, дераза ромларини, стол-стулларини ювди.

Тушдан кейин ювиниб-тараниб институтга борди. Директорнинг хўжалик ишлари бўйича муовини ёнига кириб, Оққўрғонда қилиб келишган ишлар ҳақида Шукур Каримовичга ахборот берсакмикан, деб сўради. Умиднинг кайфи паст эканлигини пайқаган у киши сўради:

— Аввал менга айтинг-чи, тобингиз йўқми? Рангингиз сарғайиб, кўзларингиз киртайиб қолибди,— деди ҳамма нарсага қизиқаверадиган, сергап бу одам,— кеча кўзимга тузуккина кўринган эдингиз. Нима, уйқу бўлмадимиз?

— Йўлда чарчабмиз...— деди Умид унинг нимагадир ишора қилиб, қочирим гап қилаётганини пайқаб.

— Икки марта Шукур Каримович қабулхоналарига бордим, ичкарида қайнатангиз ўтирганларини секретарь қиз айтди. Бир соатдан бери у киши ўтирибдилар. Ахборот беришимиз албатта керак!

Умид индамади. Негадир унинг юраги шиғиллаб кетди. Бир соатдан бери ўтирган қайнатаси нима дейиши мумкин. У барча гапни директорга айтиб берган, албатта...

Умид хаёл суриб қолди. Хўжалик мудирини Умидни кузатиб ўтирарди. Бу йигитчада бир гап борлигини сезарди-ю, уни билишга қизиқар, нима деб савол беришни ўйларди.

— Шукур Каримович бўшамаганмикинлар?— сўради Умид.

— Эҳтимол бўшагандирлар. Юринг, қабулхонага кириб сўраймиз.

Улар ёнма-ён коридорда кетаётганларида рўпарадан профессор Салимхон Обидий чиқиб қолди. У Умидга кўзи тушиб, дарҳол юзини тескари қилиб ўтиб кетди. Хўжалик мудирининг саломига ҳам жавоб қилмади.

— Профессор домла бизни пайқамадилар чоғи,— деди Умидга қараб. «Билмадим» дегандек Умид елка қисди.

Улар Оққўрғонда бўлган ишлар ҳақида директорга қисқагина ахборот бериб, чиқиб кетишарканда қовоғи солиқ, негадир таъби тирриқ Шукур Каримович Умидга «сиз қолинг!» деди. У кабинет эшиги олдида қайтиб келиб, креслога чўкди.

— Нима гап?— Умидга тикилди Шукур Каримович.

— Домладан эшитгандирсиз, шунақа...— деди Умид.

— Мен сизни ҳеч бунақа одам деб ўйламаган эдим! Хотинни уриш, оғзи-бурнини қоп-қора қон қилиш... бу қанақа гап. Безорилик!

Умид бош кўтариб Шукур Каримовичга тикилди.

Домла унга бўҳтон ағдариб чиққанини фаҳмлаб, ҳақиқатни айтмаса бўлмаслигини жазм этди.

— Безорилик деб аташ ўринли бўлса, шундай бўлди. Мен қотил бўлишим ҳам мумкин эди. Лекин бир ифлос шахс учун отилишни истамадим. Шунга хурсандман...

— Лаббай! Бу нима деганингиз?

— Уйланганимдан кейин ўша қиз (отини атагиси келмади) кечаси ўн бир, ўн иккиларда томоғи, лабини кўкартириб келади. «Мен эгоист бўлмаслигим керак эмиш». Қандай чидайман бу расволикка, Шукур ака! Мен-н...

— Ўзингизни тутиб олинг!

— Кеча Оққўрғонда ётиб қолмай, тунда уйга келсам, Роберт деган бир кимса билан каравотимда ётибди. Уйнашини уриб халта қилиб қўйдим, судралиб чиқиб кетди. Ўзини икки шапалоқ урдим. Аҳвол шунақа! Домла қизларини тантиқ, эрка қилиб, шундай пасткашликка борганини билмасалар керак. Ҳаммалари мени уйдан ҳайдашди. Ҳайдашмаганларида ҳам барибир ўзим чиқиб кетардим. Мана бўлган гап.

— Шунақа денг?!

Умид миқ этмай бошини солиб турди.

— Профессор ариза берди, у сизнинг илмий раҳбарингиз бўлишдан воз кечди.

Умид яна индамади. Нима ҳам дер эди.

— Яхши иш бўлмабди-да!— бир муддат Шукур Каримович жим бўлиб қолди. Уларнинг тўйида бахтли ҳаёт, тотув яшаш, садоқат ҳақида гап айтиб, қадаҳ кўтарган эди у. Ҳамма истаклари пуч бўлгандан ҳамон ранжиб, хижолат бўлиб ўтирарди. Баъзи ёшларнинг шундай ёмон бўлиб кетгани нимадан экан, деб боши қотарди. Пўконидан ел ўтмаганларнинг ҳаммасини ётқизиб қўйиб, камар билан савалагиси келарди.

— Ука,— деди у бир лаҳзалик сукутдан кейин,— эрта ёки индинга яна гаплашамиз. Сиз ишингизни қилиб тураверинг. Мен партком билан, илмий совет билан бир маслаҳатлашиб олишим керак. Ҳеч кимга ҳасрат қилманг, жим юринг! Хўпми?

— Хўп бўлади.

Умид директор кабинетидан чиқиб кетди.

Кунлар ўта бошлади. Умид ҳар куни барвақт институтга келар, кеч кетарди. Шу кунлари у Шукур Каримович маслаҳати билан илгари ёқланган кўп диссертацияларни ўқиб чиқди. Болохонасига печка қурди. Ишдан келганида уйни иситиб ухлади.

Икки ҳафтадан кейин, тиним куни, болохона тагида пайдо бўлган таниш машинадан Иноғомжон чиқиб, зина ёнига келди. Юқорига чиқишнинг эвини қилолмагач, пастдан туриб Умидни чақирди. Умид кийиниб, Иноғомжон ёнига тушди:

— Келинг, Иноғомжон ака,— у қўл бериб омонлашди,— қани, юқорига чиқайлик.

— Раҳмат! Мана бу паспорт ва ҳужжатларингизни бериб юборишди.

— Раҳмат! Паспортиб жуда керак эди...

— Менга айтинг-чи, йигит, иш нима бўлди?

— Қанақа иш?

— Оилавий ишингиз. Сизнинг оилавий ички ишингизга аралашмоқчи эмасман, аммо аямлар менадан илтимос қилдилар — нима, шундоқ юраверасизми? Ҳозир машинага солиб, олиб кетсам нима дейсиз? Аямлар сизни яхши кўрадилар. Жанна сиздан узр

сўрамоқчи. Домла ҳам жаҳл устида бир нима деб юборганларига пушаймон, ҳамма бало — қизларининг эрка-тантқиқлигида... Отани ҳам, онани ҳам хижолат қилиб қўйди. Ошнам, бир сафар кечириб, шайтонга ҳай бериш керак!

— Бузуқни-я?

— Менга бу ишлар қоронғи. Мен айтишганини қиляпман.

— Роберт деган кимса уйда экан, шуни ҳам эшитдингизми?

— Йўқ.

— Сўраб билиб олинг!

— Айтдингиз — бўлди. Менга нима кераги бор сўрашни!

— Гап шунақа!

— Мен сизга бир гапни очиқроқ айтай, мен ҳақимда тагин ҳар нарсани ўйлаб юрманг, ука. Сизнинг кайфиятингизни билиш, агар улардан биронтасини сизни олиб кетиш учун келганларида қандай муомала қилишингизни билиш, яъни қўйнингизга қўл солиб кўриш мақсадида мени юборишди. Паспорт бир баҳона. Қани, менга очиқчасига айтинг, нима қилмоқчисиз?

— Менимча, оилавий иш тамом бўлди! Иноғомжон-ака, мен ҳаётимда қаттиқ янглишдим! Энди тамом!

— Тамомми?

— Ҳа, тамом!

— Энди мендан эшитинг, яна бир ҳафтадан кейин ой тўлади, маошимни олиб, машинасини ўзларига топшириб кетаман! Мен шоферманми, хизматкорлариманми? Утин ҳам ёрдиришади, ҳовли супуртиришади... Умиджон, гапингиз менга ёқди. Хотин суюқ-оёқ бўлса-ю, йигитман деб юриш яхши эмас! Тўғри иш қилгансиз.

— Қани, бу ёққа киринг,— Умид яна таклиф қилди.

— Йўқ, кетаман,— деди Иноғомжон машина эшигини очаркан.

У бош қимирлатиб, «хайр» ишорасини қилди-да, ғув этиб жўнади.

Умид ҳар куни институтга борар, ишлар ва яна уйга қайтиб келиб, кўкрагини ерга бериб соатларча ётарди.

Умид билан Жанна турмуши келишмаслиги, синган косани чегалаб ҳам эпақага олиб келиш мумкин эмаслиги ва унинг жирканиб, яқинлашмаслик ҳақидаги қатъий қарорини пайқаган Салимхонлар оиласи ҳужумга ўтди. Таниш-билишларга куёвнинг номатлублиги — қўполлигини тарқатиша бошлади. Бу ишни Сунбулхон ая бошлаб юборди. Орадан бир ойча ўтгач, «қўполлик» камлик қилиб, куёвнинг «жисмоний камчилиги» ҳақида ҳам миш-мишлар тарқатишди. «Қизлари эрга тегмасдан аввал қандай бўлса шундай эмиш...» Жанна юзсизларча, «мен эрга текканманми, ёки...» дебди. Бунинг устига йўқолиб топилган бриллиант кўзлик узук ҳам яна бошқатда; Умидга тўнкалди. Ҳатто бир ерда Жанна ўз ошнalarига, унинг оғзидан сигирнинг елинини ҳиди келади, дебди... «Итга берсанг ошингни, итлар ғажир бошингни...» деди Сунбулхон ая. Қазидир, қартадир — охир аслига тортадир», «ёш бўла туриб эскиликка муккасидан кетиб, қизим Жаннанинг янгича ишларига монелик кўрсатди, аждоди уламоми, шайхми... билмадик, билмадик...» деб гап тарқатди институтда профессор Салимхон Обидий.

Кўзи кўкариб, жигари эзилиб касалхонада ётган Роберт врачларга «кўчада безорилар калтаклаб кетди...» дебди. Робертнинг пўла бўлиб, касалхонада ётишига ота-оналари куйди-ку, лекин эшитган-билганларга бу одатдагидек ҳодиса бўлиб кўринди. Касалхонага келган Жанна эрини ҳайдаб юборганини, энди «доимо уники» эканини айтди. Бу гапни эшитиб ётган Роберт, «секинроқ гапир бу гапни!» деди шивирлаб. Негадир у Жаннадан жиркангандай бўлар, тезроқ палатадан чиқиб кетишини истарди...

Жаннанинг ўртоқларидан бири кўчада Умидга рўпара келиб қолиб, саломлашмай ўтиб кетди. Нарироқ боргач, орқасидан ёнидаги аёлга Умидни кўрсатиб бир нималар деди. Улар хахолаб кулишди. Салимхон Обидий қўшниларидан бири — илгари актив бўлиб юриб, кейинчалик ичкиликка муккасидан кетган, бурни қизил — Шолғом махсум: «Профессор-

нинг куёви, «қизил куёв» чиқди, келин билан куёв эрталаб туриб, ёнма-ён ўтириб ойна олдида пардоз қилишармиш. Ҳозирги замоннинг болалари-да, илиги бақувват эмас, гўшангадан уялиб қочгани бир ёқда қолиб, ҳар куни ишдан келиб ухлаб қолармиш...» дея чойхонада хахолади. Бу шахс ҳозир ёлғондан худо, обло, деб кексаларга ўзини «художўй» кўрсатиб юрарди. Баъзида Салимхонникига кириб, отиб чиқиб, уни мақтагани мақтаган, «профессор, бир рюмкадан отайлик десам, у киши стаканни лимиллатиб отдилар, мана, олижаноб одам!» дерди. Мана шу Шолғом махсум бир куни атай келиб, Умидни ҳақорат қилмоқчи бўлиб болохонасини тақиллатибди. Эшик қулф бўлганлиги сабабли шу маҳалла чойхонасига кириб, бўҳтон тарқатиб кетибди. Етимлик билан ўсган йигитнинг у айтганчалик ёмонлигига шубҳа қилиб аксар одам бошини солиб, миқ этмабди. Иккинчи келишида уруш инвалиди — Умид адасининг бир ошнаси Шолғом махсумни бўғиб, чойхонадан олиб чиқиб ташлабди. Мушт еган Шолғом махсум инвалиднинг қўлидан омон қутулганига шукур қилиб, тирақайлаганича жўнаб қолибди. Шу-шу иғвогар кимса Сақичмон, Кесаққўрғон, Пичоқчилик томонларга бормайдиган бўлди. Баъзи кунлари эрта билан уйда плита қўйиб ўтирмай, йўл-йўлакай чойхонага кирадиган Умид узун мўйловли чойхоначидан бу гапларни эшитди. «Укажон, хафа бўлманг, ҳар хил одамлар бор-да, беш қўл баробар эмас. Ўз ишингизни билиб қилаверинг. Илминг кетидан қолманг, мана биз шундай оми бўлиб ўтиб кетяпмиз. Отангиз раҳматлик яхши одам эди. Бу гапларга парво қилманг, бепарво ҳам бўлманг. Иғвогар кимсаларнинг ўзи бир куни мохов бўлиб қолаверади...» деди чойхоначи Умидга.

Юмшоқ супурги — Сунбулхон аянинг ўзига зид келадиган масала ёнида бунчалик маккор ва хунхўр эканлигини, ҳар ишдан тоймаслигини пайқаган Умид, ҳақиқат қаёқда, деди ўзига-ўзи.

Ҳам ғарлик, ҳам пешгирлик!

— Шукур қилинг,— деди у хонадондан чиқиб кетиб, такси ҳайдаётган Иноғомжон бир куни Умидни учратиб қолиб,— яхши ҳам унинг ўйнаши бироч амалдор эмас, бир гўр йигит экан. Агар ўшанақч одам бўлганда, кунингизни кўрар эдингиз. Эсингиз

борида этагингизни епиб, маъқул иш қилдингиз. Ҳамма вақт фарлар баланд келади. Бу минг йилдан бери кўрилиб келаётган гап, бунақа ишларнинг охирида фар ҳақ бўлиб, ҳақ ноҳақ бўлиб чиқади. Индамай юраверинг, ошна!

— Шолғом махсумнинг жағини эзиб қўймоқчи эдиму...

— Йўқ!— деди Иноғомжон, қатъий эътироз билдириб,— сиз кучингизга ишонманг, илмингизга ишонинг. Бунда ўзингизни ўзингиз ёмонотлиқ қилиб қўясиз...

Умид оғирлик қилиб, игво гапларга чидади.

Эшитиш лозим бўлмаган гапни эшитмай қулоғини беркитди, кўриш керак бўлмаган нарсага қарамади, гапирмоқ жоиз бўлмаганда тилини тийди... Ҳар қалай, профессор Салимхон Обидий уни институтдан ҳайдатиб юбора олмади, ана шуниси маъқул бўлди. Шукур Каримовичнинг ўзи унга илмий раҳбарликка рози бўлди. Аммо профессор Салимхон Обидийнинг қилиб юрган ишларини яхши билган бирдан-бир кимса институтда — Умид эди. У бошқа профессорларни ҳам кўрар, мулоқотда бўлар, уларга ҳаваси келарди. У ҳозир бир қадар эркинроқ. Шукур Каримович банд бўлган вақтларида бошқа олимлар билан ҳам учрашар, маслаҳатлар оларди. У илгаригидай тортинчоқ бўлиб ўтирмай, бўш вақтини топиб Канашга ҳам, Отабоевга ҳам мурожаат этарди, улар Умиднинг турмуши бузилганини билардилар. Тиришқоқ йигитга ёрдам беришга ҳаракат қилишарди.

Салимхон Обидий Оққўрғон районига чиқиб, колхозчилар учун берилган қимматбаҳо мебель — гарнитурни сотиб олиб, шаҳарга олиб тушди. Уни оламан, деб турган бир бригадир, аттанг, деб тилини тишлаб қолибди. Аслида Салимхон бу гарнитурни Оққўрғонга юборилганини шаҳардаги бир савдогар ошнасидан билиб, ошна-оғайнигарчилик билан олиб келди.

Шилиш — бу сўзни унақасига ҳам, бунақасига ҳам ўқисангиз барибир «шилиш» бўлиб тураверади. Одамзодки олтмишга яқинлашиб ҳам ҳаром ишга қўл урмай туролмайдиган бўлиб қолса, ундай одамдан тортиниш керак!

Умид ўй сурарди... Унинг миясида икки куч — икки ўй бир-бири билан тўқнашиб жанг қиларди.

Уларнинг бири: домласи Салимхон Обидийнинг илмий иш қилишдан узоқлашиб, шуҳратга берилиб кетганини, тантаналардан биронтасини ҳам ўтказиб юбормайдиган бўлиб қолганини шартта юзига айтиш... Агар Салимхон Умиднинг бўйинини маккажў-хоридек қайириб ташласа ҳам айтиш! Унинг қўруқ ёғоч — пўкак бўлиб қолаётганини кўра билиб туриб, у нима деса «лаббай, домлажон», деб қўл қовуштириб тура беришми?! Йўқ!

Аммо Салимхон Обидий илмдан чиқиб кетаётганини ўзи пайқамайди, деб ҳам бўлмайди. Баъзан у «бизлар ўз вақтида қиладиган ишимизни қилдик, энди гал ёшларга...» дерди.

Умид узоқ ўйлади — шу ўй билан анчадан буён қовурилиб ҳам юрибди. Академик Канаш етмишдан ошиб кетганига қарамай тиниб-тинчимади, илмий иш қилади. Бу нима деган гап — аини кучга тўлганида қисир сигир бўлиб, шогирдларининг ёзганини ўзиники қилиб олиш! Бу ҳам майли, лекин шогирднинг иши югурдакликми? Фан доктори, профессор наҳотки анча-мунча жўн ишларни ўзига эп кўрса! Бунда селекциянинг аҳволи нима бўлади?! Нега профессор Обидийнинг шу аҳволга тушиб қолгани билан бошланғич партия ташкилоти қизиқмайди?

Унинг боши қотди. Қандай йўл тутиш керак? Партия мажлисида гапирсинми? Бу гап Салимхон Обидий устидан иссиқ сув қуйгандек бўлади. Лекин унинг атрофидаги кишилар Умидни ғаламис, ифвогарга чиқариб қўйиши турган гап. Бу маломатдан қўрқмаслик керак, деди у ўзига-ўзи. «Камтар бўлиш керак, биз камтарликдан топганмиз...» деган гапни ҳамма вақт қалқон қилиб, аслида ўзи ўта мақтаб чоқ, айёр Салимхон бошқалар муте бўлиб, обрў биносида бир ғишт бўлишини истарди. «Камтар бўлинг!» деб тургандан кейин эътироз билдириб бўладими! Тўғри, камтар бўлиш керак. Шу сўзни айтган кишининг ўзига ҳам бу гап тааллуқли! Салимхон Обидийнинг айёрлиги шундаки, у сўзининг бошидаёқ камтарлик, кунт билан ишлаш ҳақида гапириб, кимгадир теккизади. Шундан сўнг ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетади.

Навбатдаги кенгайтирилган илмий совет мажлисида Селекция илмий-тадқиқот институтидаги баъзи

камчиликлар ҳақида директор Шукур Каримовичнинг ўзи гап очди. Одатдагидек бундай пайтларда оғзига талқон солиб ўтирадиган баъзи илмий ҳодимлар қатори Салимхон Обидий ҳам эснаб жим ўтирди. Баъзан билагидаги соатига қараб ҳам қўярди. Бу билан у «бўла қолинглар, гапни тамомлайлик, ёни чиқадими?» дегандек, ҳеч кимни менсимай, кибор ўтирарди. Беихтиёр сўз сўраб, ўрнидан турган Умид кўпдан дилига ғулгула солиб юрган фикрларини лоп этиб ўртага ташлади. Булар, юқорида қайд этганимиз фикрлар эди. Мудраб ўтирган кекса бир селекционер кўзини очиб, Умидга тикилди. Умид асосан Салимхон Обидий ҳақида гапирди-ю, унинг номини чиққ айтмади. Унинг ёниб гапираётганини, у ҳозир ҳеч нарсадан қайтмаслигини пайқаган Салимхон Обидий гўё, «шайтонга ҳай берган» бўлди-ю, индамади. Вақти келиб қолар, деди ичида. Умид бўлса, бу унинг дастлабки сўзга чиқиши бўлгани учунми, тугилиб, қизариб гапирарди. Аммо у ҳақиқатни гапирганидан Елена Владимировна қувонарди.

Студентлик вақтидагидек Умид камтарона умр ўтказа бошлади — ҳадемай бир йил ҳам ўтиб кетди. Бу муддат ичида Салимхонлар томонидан бурқиб келган аччиқ ва сассиқ гапларни бардош билан ўтказиб юборди. Неча бор ўзини кўрсатиб ўтган Жаннага қайрилиб ҳам қарамади. Негадир у қадди-қомати келишган, аммо беҳаё нозанинни кўрганида юраги жиз өтмас эди. У ҳақда ўйламас эди ҳам. Бошқа бир қадрдон одам ҳамма вақт унинг кўз олдида турарди, қалбини ёндириб ётарди. Бу одамни кўрмоқ энди мушкул, унинг ёнига бормоқ учун йўл ҳам йўқ — орада киши ўтиб бўлмас чангалзорлар, жарликлар, кимсасиз чўллар ётибди. Бу жарликларда сиртлонлар, қашқирлар, илонлар бор. У ҳатто ўша инсонни бир кўрса-ю, икки оғиз ширин гаплашиб, кейин ўлса мингдан-миг рози эди. Ҳатто унга бўлган воқеани, ҳаётида катта хато қилганини ва бошқаларни гапириб ҳам ўтирмас эди. Бўлар иш бўлди... Билмайин босдим тиканни, тортадирман дардини... бўлди. У ҳатто Бешёғочдаги кўлда яланғоч қаддини таманно қилиб турган Жаннага рўпара келиб қолди, у жуда лоқайд бир қараб қўйди-ю, яна жим ўтираверди. У жуда совуқ ва ғоятда бегона эди. У сурбетларча Умид

рашкини келтирмоқ учун бошқа йигитлар билан қи-қанглаб, орқасини чиқариб қувлашиб, атрофида ай-ланишавергач, сездирмай секин бу ердан чиқиб кетди.

Умид ўз ҳужрасига келиб, ота-онаси ёнига ёпиш-тирилган учинчи суратга тикилар, бу — севикли Ҳа-физа. У билан бўлган ширин онларини хаёлидан ўт-казарди. Қани энди яна ўша кунлар бўлиб қолганда, у асло янглишмасди, Сунбулхон аяларнинг тузоғига тушмас эди ҳам. У бўй чўзиб Ҳафизанинг суратини ўпди...

Шу йили июль, август ойларида Тошкентда тўй жуда кўпайиб кетди. Ош одамларнинг меъдасига тег-ди, кексалар бир кунда уч-тўрт маросимни ўткази-шарди. Исрофгарчилик, «сендан мен ўзаман» деган нодонларча манманлик, отарчиларни катта пул би-лан олиб келиб, қистир-қистирлар авжига миниб кет-ди. Маҳаллаларда тўй-ҳашамлар қатъий жадвалга солиниб, қариялар ҳам икки-учга бўлиниб тўй-ҳа-шамларга киришарди. Маҳаллаларда Шолғом мах-сумлар кўпайди — улар қуйқа, мағзавалардан ўсади-ган алафга ўхшарди. Бундай маҳмадона бекорчилар учун кўпайиб кетган тўйлар, исрофгарчиликлар жу-да қўл келди. Тўй инсон ҳаётида энг қутлуғ ва ширин тантана. У ҳалол меҳнат эвазига, исрофгарчиликсиз, маданий ўтиши керак. Фақат ичиш, шу кунга кайфу сафони ўйловчи бекорчи Шолғом махсумлар кофар зарар кимсалардирки, уларни яхши сўзлар билан мутлақо эплаб бўлмайди!

Умиднинг Салимхон Обидий хонадонидан чиқиб кетганини билмай, гўё бу «бахти маржонга ботган», бироқ онасига қарамай қўйган ўғилга бир танбеҳ бэ-риб, шарманда қилиш ниятида кунлардан бир кун ўгай она профессор эшигини тақиллатди. Бошига кир дока рўмол ташлаб, чувриндинамо бўлиб олган Фо-тима баланд айвон зинасига ўтириб олиб, Сунбулхон аяга йўқ ердаги гапларни алжиди. Бу гап шу кунийёқ Жанна билан Салимхон домла қулоғига етди. Эрта-сига эрталаб, бу гапни Салимхон Обидий Шукур Ка-римовичга «институтда асраб олиб қолган аспиран-тингизнинг иши мана бунақа экан...» деб гапирди. Бу гапни эшитиб, таъби жуда хира бўлган Шукур Каримович дарҳол Умидни чақирди. Ҳайрон бўлиб

қолган Умид гўлдираб, бир тайинлик сўз айтолмади. У директор кабинетидан чиқиб, дафтар-папкасини йиғиштириб, ҳужрасига қайтиб келди. Нима қилишини билмай хуноб бўлди. Кейинчалик ўгай она Чўтир холага бошлаб келдимми, таъзирини бердимми, деб мақтаниб кетибди. Бу гапни хола анчадан кейин Умидга айтди.

Тиним куни соқоли ўсган Умид эрта билан гастрономга, ундан кейин ёпган нон олиш учун бозорга кирди. Қайтиб чиқаётган пайтида йигирма қадамча нарида, одамлар орасида бир хотин унга тикилиб қараб, яна кўрмагандек кетаверди. Умид нарироқ бориб орқасига қайрилиб қараган эди, ўша хотин яна тўхтаб қараб турганига кўзи тушди. Уйга келиб бу хотин Нафиса опа эканини ўйлаб топди — унинг чап қоши тепасида холи бор эди... Ёқаси титилиб кетган ўша эски костюми-ю, шимининг таги йиртилиб, ямоқ тушгани... озиб, чаккалари туртиб чиққанига қараб қайрон бўлган бўлса керак.

Умид столи устидаги ойнага қараб, ўйлаб туриб қолди — кишининг сиртига қараб баҳолаб бўлмайди, йигит ҳусни юрагида... Ҳа, деди у ўзига-ўзи, сенинг юрагингда ҳам ҳеч вақо қолмади. Сен олижаноб, оқила бир қиз муҳаббатини оёқ ости қилдинг, сен бу аламни ўлгунингча тортасан.

Нафиса опани кўриб қолгани юракдаги жароҳатига туз сепгандай бўлди — бу софдил, куйгунчак она энди сенинг ҳақингда нималарни ўйлайди. Ҳар ҳолда лўттибоз, фирибгар дейиши турган гап!

Шу куни у кўчага чиқмай, мукка тушиб илмий ишени ёзди. Кўз олдига Қўшчи бобо келарди. Бир лаҳзадан сўнг бобо ғойиб бўлиб, Ҳафиза пайдо бўларди...

Электр плитада чой қўйиб, ўтган куни олиб келгани қотган нонни чойга бўктириб еди. Аксига бир чақмоқ қанд ҳам қолмабди. Пластмасса идиш қопқоғини очиб, ярим қошиқча қанд кукунини ҳам чойига тўқди. Бир пиёла чойда кукундан қиттаккина таъм сезилгандай бўлди. Эрта билан бирон кимсадан пул сўрашга юзи чидамай, нонушта ҳам қилмай институтга кетди. Ёнида фақат тўрт тийин пули бор эди, пулни автобусга тўлади. Бир тийин етмаганига ҳам қарамай кондуктор хотин билет берди. Туш пайтига

бориб, ранги ўчиб, пешонасини столга қўйиб ўтирган Умидга кўзи тушган Елена Владимировна ўрнидан туриб келиб Умид пешонасини ушлади. «Тобингиз йўқми, нега рангингиз оқариб кетяпти?» — деди. Умид бош чайқади, «сал мазам йўқроқ». Кекса хотин дарҳол чой дамлаб келиб Умидга ичирди. Оқ қозга ўраб келгани — бутербродини ҳам Умид олдига қўйиб, зўрлаб едирди. Стаканга мўлгина шакар солиб, ширин чой ичирди. Умиднинг тортинчоқлигини биллиб, уялмай овқатланиб ола қолсин дегандай бир нима баҳона қилиб ўзи нариги хонага чиқиб кетди.

Хизматдан қайтишда Шукур Каримович таклифи билан Умид унинг машинасига чиқиб, Скверда тушиб қолди. Ундан у ёнига пиёда жўнади. Кўрimsизгина Умид илгаригидай Маркс, Навоий кўчалари йўлкасида таманно билан битта-битта қадам ташлаб юришларни тарк этган — ишдан бекор бўлиб пиёда юрадиган министрдек йўлка четидан якка кифт бўлиб, уйига ошиқарди. Рўпара келган одамлар билан илгаригидай қорин уриштириб қолмай, йўл берарди...

Эрта билан у Чўтир холадан уч сўм қарз олиб, кўчага чиқди. Газета олгани киоска ёнига бораётган эди, гўшт дўконида қаққайиб турган Суръат Умидга қараб истеҳзо билан кулди. Кейин ачинган киши бўлиб ёнига келди: «Хафа бўлма, ошна, кўргилик бу...» деди қўл узатиб.

Суръат қишлоқ хўжалик институтини бир амаллаб битириб олгач, белгиланган районга бориб ишламай, ўзини савдо ишига уриб кетган эди. Топиш-тутиши жуда яхши. Умид ҳам ёқинқирамай унинг қўлини олди. Бир лаҳза ўйлаб туриб гап қотди:

— Тушунмадим?

— Мана бунга айтаман, — у қўлидаги газетанга ишора қилди.

— Нима бўлибди?

— Ҳали кўрганинг йўқми?

— Нимани?

— Фельетонни?

— Йўқ?

— Ия, ана холос. Сени ёмон ёзган-ку!

— Ростдан-а? — Умид унинг қўлидаги газетани олиб, фельетонга кўз ташлади: «Сўнгги феодал...»
Ёпирай! Шу мен ҳақимдами?

— Ҳа.
— Мен — феодал эканманми?
— «Феодал» депти. Энди нима бўлади?
— Эндими?— деди кулиб Умид,— томоша бўлади-да. Чўнтагида трамвайга ҳам пули йўқ феодал... Қойил!

— Кўпроқ сенинг ўз хотинингни урганнинг ёзилган.

— Ҳа, бу бошқа гап,— деди заҳарханда билан Умид.

Умид бориб киоскадан газета сотиб олиб, кўча четига борди. Суръат ҳам унинг ёнига келди. Шошмасдан бошдан-оёқ фельетонни ўқиб чиқди. Кейин газетани буклаб чўнтагига солди. Унга ҳамма гап аён бўлди. Жанна ҳам, отаси ҳам ундан ўч олишибди.

Бўлган воқеага бошқача тўн кийгизилиб, Умидни, дарҳақиқат, безори, қолоқ фикрли, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлувчи шахс қилиб кўрсатилибди... У бир муддат хаёл суриб қолди. Уни Суръат қилт этмай кузатиб турарди.

— Қўрқяпсанми?— сўради така-пука бўлиб Суръат,— сенга ёмон бўлмасмикан?

— Хайр!— Умид йўлида давом этди.

Суръат ағрайганича бир нима деёлмай, унинг орқасидан қараб қолди. Умид уни ёмон кўрарди: бу Ҳафизани кинода кўрдим деб иғво қилгани учун эмас, умуман, унинг феъли атвори, шилдирлиги, бетайинлиги учун ёмон кўрарди. Нохуш кунлари нуқул ёмон кўрадиган одамларининг рўпара кела беришидан таажжубга тушди.

Хадрада қора бир машина ёнгинасида ги-й-йқ өтиб тўхтаб, эшик очилди-да, мош ранг духоба дўппи кийган яғриндор Шоқосим гавдасини кўрсатди:

— Умидвой, қани, машинага чиқсинлар! Уша Яланғоч томонга олиб бориб қўяман.

— Раҳмат! Оёқда юриб ўрганганмиз.

— Қачондан бери?

— Лаббай?

— Иноғомжонни бўшатиб юбордиларми?

— У киши мени бўшатиб юбордилар.

— Қизиқ бўлибди-ку?

— Яна савол борми?

— Газетани ўқидиларми?

— Уқидилар.

— Қизиқ-ку.

— Ҳа, жуда қизиқ.

— Бултур сизнинг ишхонангизга Ҳафизани олиб борган мен эдим... Мана шу қора машинада Ҳафиза институтингизга борди...

— Савоб иш қилибсиз!

— Энди, бу ёғи неча пулдан бўлди?— у машинадаги газетага ишора қилди.

— Мен сизнинг тумшугингизга бошқа туширмайман деган эдим,— деди Умид унга жуда яқин бориб,— сиз ҳақорат қилмоқчи бўляпсиз. Айб ўзингизда, милицияга борганда номардлик қилиб тонмайсиз!— у Шоқосим кўзига ғазаб билан тикилди.

— Ия! Мен сиз билан уришмоқчи эмасман, боксчилингизни биламан.

— Нега ҳақорат қиласан, номард! Ёки бўйнида галстуги бор, менга тегмайди деб ўйлаяпсанми?!

— Мен... мен, шунчаки...

— Ке, бор, аравангни торт!

— Тавба! Буни қаранг-а!— Шоқосим ели чиққан пуфакдек бўшашиб, машинасини ҳайдаб кетди.

Умид йўлида давом этди.

Институт шаҳар четида бўлганлиги сабаблими, ҳали ҳеч ким газета ўқиб улгура олмаган кўринди. Фақат соат ўн иккиларда бир ҳафтадан буён кўринмаган профессор Салимхон Обидий биринчи қаватдаги катта хонага кириб, ўзидан-ўзи у ёқ-бу ёққа қаради. Кўпроқ у девордаги кулимсираб турган чўққи соқол Тимирязев портретига ағрайиб қараб турди-да, бир дамдан кейин бурчакда ўтирган Елена Владимировнага бош қимирлатиб (бу унинг саломи) чиқиб кетди.

— Қизиқ-а! Собиқ қайнатангиз. Мен аёл кишиман. Ешим у кишидан катта. Салом қани! Чиқиб кета туриб бош қимирлатиш ҳам салом бўлдимми? Одамларга ҳеч тушунмайсан, нима бўляпти ўзи?!

— Мен халақит берган бўлишим мумкин, Елена Владимировна.

— Нега сиз халақит бераркансиз. Агар дилида бўлса отимни айтиб, салом берарди. Баъзи шунақа одамларда, жир битгандан кейин айниш пайдо бўляпти. Мен шунга ҳеч тоқат қилолмаётирман.

— Елена Владимировна, сизнинг бир нарсадан хабарингиз йўқ, профессорнинг бу кутилмаган ташрифларининг сабаби бор; бугун область газетасида менинг ҳақимда фельетон бор...

— Нега?— Елена Владимировна дик ўрнидан туриб, Умид ёнига келди.

— Менинг можаром ёзилиб, мен — «феодал» деб айбланаман... Ҳеч бир «яхши» сўз қолмабди менга тақалмаган...

— Вой, тавба! Сиз — феодал экансизми?!

— Шундай эмиш...

— Ғалати-ку?!

— Жуда!

— Профессор Обидийнинг кирмайдиган бу хонага тўсатдан кириб келишида гап бор экан-да,— Елена Владимировна ўйламоқчи қолди.

Бундан йигирма беш йил муқаддам Оржоникидзе район газетасида «Ҳомий» деган мақола чиқиб, ҳозирги атоқли селекциячи бир олимимиз ноҳақ қораланган эди. Кейинчалик маълум бўлишича, ўшанда Салимхон Обидий олашовуғ, ичкиликни яхши кўрадиган Алим деган мухбирни авраб, чалғитиб мақола ёздирган экан. Бу воқеа Елена Владимировна хаёлидан ялт этиб ўтиб кетди.

— Ҳа, шундай, Елена Владимировна... Сиз бўлсангиз хафа бўляпсиз.

— Йўқ, барибир бу одам ҳақида ўзимнинг фикрим бор, мен уни кўпдан биламан...— деди у қайтиб жойига бориб.

Одатдагидек шу куни ҳам Умид ҳаммадан кейин, қош қорайганда уйига қайтди. Эндигина ечиниб, юзқўлини юваётган эди, кўчадан Ҳотамнинг овози эшитилди. У чиқиб эшик очиб, уни юқорига олиб чиқди.

— Бунда кўп ўтирмасак-да, бир айланиб келсак,— деди Ҳотам дўстининг юзига тикилиб,— вой, менга қара, кўп хафа бўлаверма! Туҳмат эканлигини билангиз.

— Сен биласан фақат...

— Туҳматнинг тили узун, оёғи қисқа. Сабр қил, ҳақ йўлига қарор топади,— деди Ҳотам ҳам ачиниш, ҳам ғазаб алангасида жизганак бўлиб. У деворга қоқиб қўйилган уч фотосуратга тикилди. Бейхтиёр Умид ҳам суратларга кўз ташлади — бу ўша, ёнида олиб

юрадиган, йиртилиб бурда-бурда қилинган суратнинг каттаси эди.

— Ўтир стулга.

— Таклиф бор, кўчага чиқсак.

— Кўчада нима қиламиз? Мен ҳозир чой қўяман, гаплашиб ўтирамиз.

— Бошқа вақтда. Ҳозир сен билан бир айланиб келгим келяпти.

— Ихтиёр...— деди Умид қайтадан ечинган кийимини кийиб, бўйнига галстугини илиб.

Улар трамвайга тушиб, тўппа-тўғри ресторанга боришди. Орқароқдаги бир столга ўтириб, хушфезъл официант хотинга жўжа кабоб, салат, коньяк, Тошкент суви буюришди.

— Жуда...— деб Умид гап айтмоқчи эди, Ҳотам уни тўхтатди.

— Ҳар замонда жиндак ичса зарар қилмайди. Нима, биз ҳар кунни ресторанда ичиб юрибмизми?

— Айтаман-да...

— Сен билан ўтиргим келди.

Умиднинг кайфи пастлиги ва бунинг устига анчадан буён очин-тўқин юрганини эшитган Ҳотам жилла бўлмаганда шу бугун, юрагида алам туғён ураётганда дардлашиб малҳам бўлай дегандек атай келган эди. У кундуз кунни ҳам бир келиб кетган экан.

Шу ўтиришда Ҳотам тўй қилиш тараддудида экани, онасининг узоқ вақтдан бери бетоблиги, у кишининг илтимоси билан шу бир ой ичида ўтказиб юборишмоқчи эканини, баҳор, ёзни кутишмаслигини айтди. Тўйга ўзинг бош бўласан, деб қўйди Умиднинг кўнгли учун. Онаси оғир дардга мубтало бўлибди; кўзим тириклигида Ҳотамжоннинг тўйини ўтказингла, дебди...

— Келин қаердан?— сўради Умид.

— Чигатой дарвоза томондан. Биласан сен, Гулчехра-да...

— Э, анави айтганинг Гулчехра дегин?

— Ўша...

Улар чидамли бўлиш, енгиб чиқиш ва саломатликка рюмкаларни уриштириб, коньяк ичишди...

Джаз янгради.

Гавжум столлардаги гурунг, чекиш, ичиш...

Олдинги столларда ўтирган ажнабий меҳмонлар-

дан иккитаси ўрнидан туриб, ўйинга тушди. Джаз оркестр аллақандай бир рақсни ижро этарди. Кимдир биров бу «Ча-ча-ча» эканини такрорлади. Уша чет элликлар ўтирган столдан яна бошқа бир аёл билан йигит ўрнидан туриб, ўйинга тушишди. Джаз авжига чиққанида бояги ёшгина чикка бел аёл беллагини ўйнатиб, чунонам ҳаракат қилдики, ҳамма унга маҳлиё бўлиб турарди. У тоза ўйнаб, терлаб кетди... Ҳотам билан Умид ҳам ўша аёлга маҳлиё бўлиб тикилишди. Ҳотам билан Умид яна рюмкаларни уриштириб ичишди. Бир лаҳзадан кейин Умид негадир ўша томонга тикилиб қолди. Бояги аёл Жаннага жуда ўхшаб кетарди.

— Қани, кетайлик,— деди Умид тўсатдан, худди унинг ёнига Жанна келиб қолаётгандай. У алвастидай Умидга ёпишаётганга ўхшарди.

— Нега?— Ҳотам ажабланди.

— Анавига ўхшар экан. Юрагим орзиқиб кетди. Уни кўришга тоқатим йўқ. Эсимга тушиб кетди. Юр, дўстим, кета қолайлик...

— Савдойи бўлиб қолибсан, ошнам, юрагингдан чиқариб ташла уни!

Умиднинг зўрлаши билан улар кўп ўтирмай ресторандан чиқиб кетишди. Анча вақтгача анҳор бўйдаги хиёбонда айланиб юришди...

Ун олтинчи боб

ЧУМОЛИЛАР — МИТТИ ПОЛВОНЛАР

Газетада чиққан фельетон бўйича Селекция илмий-тадқиқот институти маъмурияти комиссия тузиб, бу ишни пухта текшириб, мажлисга қўйишни топширди. Бу ҳақда одамлар ўртасида анча гап айланиб, биров ундоқ, биров бундоқ деди. Салимхон Обидийга хушомад қилиб, Умидга тўрсайган одамлар ҳам бўлди, ачинганлар ҳам бўлди. Фельетонда профессорнинг номи йўқ эди, аммо «эътиборли хонадоннинг оқила қизи Жанна калтакланиб, таҳқирланди...» деган гаплардан нарига ўтилмаган эди...

Умид кўксига алам борган сари кучая бошлади; бу энди ёшлик изтироблари эмас, ҳақиқий кураш!

Профессор Салимхон Обидий энди ўз маромига юрмаган, қизининг тарбиясиз бўлиб қолганини тикка айтган Умиднинг бўйнини қайириб ташламоқчи. Агар бу фельетонда айтилган гапларнинг учдан бири тасдиқланса ҳам, у институтдан ҳайдалади. Профессорнинг гапириб юришича, гўё фельетончи ҳали кўп гапларни очмаган эмиш, яна қанча далилу ҳужжатлар бор эмиш...

Умид институтда ўзини маҳкам тутиб, ишини давом эттираверди. Салимхон ва унга яқин кишилар тез-тез Умид хонасига киришар, унинг авзойи-руҳиясини кузатишарди. Баъзан унга салом бермай менсимагандек бўлишар, яккалатиш, у ишлаб ўтирган хонада бир-бири билан шивирлашиб, унга ишора қилиш, институтдан ҳайдатиш ҳақидаги гапларни тарқатгандай бўлишарди. Ёши олтмишдан ошиб кетса ҳам, илмда ҳеч нарса ярата олмаган, ошна-оғайнигарчилик билан институтда юрган бир кимса (Салимхон Обидий ошналаридан) коридорда Умид билан гаплашиб турган Шукур Каримовичга «ҳайданг, ҳайданг», деб қолди. «Ҳа, нима деяписиз?» деган эди, сизни пастда профессор кутиб турибдилар, отни тезроқ қамчиланг демоқчи эдим, деди. Шукур Каримовичнинг энсаси қотди. Умид ғазабланди. «Ўзинг кимсану, сўз ўйин қилмоқчи бўласан. Ноқобил одамлар мана шунақа бўлади», деди Шукур Каримович Умидга.

Умидни қуршовга олишди. У индамай ўз ишини қилаверар, биронта одамнинг ёнига бориб, ҳасрат қилмасди. У баъзида Елена Владимировнага мурожат этиб илмий ишига консультация оларди. Елена Владимировна Умид юрагидаги катта андуҳ-изтиробни сезиб турса-да, унга бу ташвишни мутлақо эслатмас, сўроқларига жавоб берар илгаригидай, илиқ муносабатини ўзгартирмай, ҳол-аҳволини сўрарди. Умиднинг бардошу иродасига ичида қойил қолиб, агар бу йигит бирон енгилтаклик қилмай, хуружни ўтказиб юборса, унинг иродалик киши экани яққол кўринарди, дерди ўзига-ўзи.

Кунлар ўтаверди. Умид асло пинагини бузмади. Комиссияга бор ҳақиқат гапни оширмай-тоширмай айтди. Шукур Каримович Умидга нисбатан ўз муносабатини ўзгартирмади. Лекин комиссия бир фикрга келмагунча, у билан камроқ учрашди. Бу қувноқ ки-

ши негадир кам кулар, деярлик аскил, қочирим гап-ларни кам айтарди.

Фельетонни кўрган Суқрот домла, Ҳотам, Иноғом-жонлар уйга келиб Умидни топиша олмади. Суқрот домла икки бор келди... Охирги мартасида эшикдан бошини чиқариб турган Чўтир холадан:

— Бу йигит яна кўчиб кетмаганми? — деб сўради.

— Йўқ, айланай домла, Умиджон шу ерда.

— Суқрот домлангиз келиб кетдилар, деб айтиб қўйсангиз. Бизникига келсин, жуда зарур ишим бор.

— Домлажон, тинчликми? Сўрасам айбга буюрмайсиз, нима учундир Умиджон анча паришон. Кейинги вақтда озиб, ранги сарғайиб кетяпти. Юрагини ёриб бировга бир нима демайди... Ҳайронман. Бунақа қилаверса ўзини ўзи еб қўяди-ку.

— Йўқ, ўзини ўзи емайди, у оғир йигит... Лекин уни ейишмоқчи...

— Худо сақласин! Шунақа гап денг?! — деди ҳайратланган Чўтир хола эшик тавақасини очиб Суқрот домлага росмана «жамоли»ни кўрсатиб, — ўғлим Умиджон бир катта амалдор бўлмаса, нучук унинг жонига бунчалик қасд қилишибди? Илоҳим, қасд қилганлар паст бўлсин!

— Ўртага хусумат тушган. Хусумат ёмон нарса! Бунинг оқибатида жуда ёмон ишлар келиб чиқиши мумкин. Домлангиз келиб кетдилар, деб қўясиз, хола. Хайр!

— Омон бўлинг, домлажон. Айтиб қўяман.

Дам олиш куни, ошна-оғайниларникига боришга тосби йўқ, кўчада юришга ҳам негадир юзи шувут Умид болохонасидан ҳовлига тушиб, ёлғиз ўзи табуреткада ўтирарди. Ҳаво иссиқ эди. У ҳозир илмий ишини ҳам унча ўйламас, ёзиш-чизишга ҳафсаласи келмасди. Қорнини ҳам, кийимини ҳам ўйламасди. Баъзи кунлари соқол қиришга ҳам ҳафсаласи келмасди. Унинг юрагини маломат бир чўғ каби куйдириб ётарди. У бўлган воқеаларни ўйлар, газетада чиққан фельетонни кўрган Ҳафиза нима дейиши мумкин? Баттар бўл! Ажаб бўлибди, дермикин? Ёки ачинармикин? У балки сўкмас ҳам, ачинмас ҳам, шунчаки лоқайд кулиб қўяр... Мана бу — даҳшат! Энг ёмони мана шу! Умид жимжит ҳовлида ёлғиз ўтириб, ўзидан ўзи қизариб кетди. Гўё унинг рўпарасида Ҳафиза тур-

гандай туюлди. Эҳ, Ҳафиза, Ҳафиза... Мен сени йўқотдим. Одамлар пул йўқотади, тилла асбобини йўқотади... Мен энг қадрдон кишимни йўқотдим, бундан ҳам оғир гап борми!

Умид тамоман умидсизликка тушиб қолди. У агар бир дақиқада оҳ-воҳсиз, оғриқсиз, бир тутундек йўқ бўлиб кетиш иложини топса, ҳозир, шу тобда рози эди. Дунёга келмаганида ҳам жуда яхши бўлган бўларди — шунча ташвиш, шунча гап, шармандалик. Наҳотки, тавқи-лаънат унинг бўйнига осилади?!

У ерга, оёғи остига қаради. Кичкинагина тешик атрофида чумолилар зингиллаб чопиб юришарди. Аллақаерлардан ушоқ тишлаб келиб, тешикка кириб кетишар ва яна чиқишар... Донни судраб, баъзан пилдираб чопиб юрган митти чумолилар кичик тешик атрофида тўдаланишар, яна тешикдан чиқиб, югурганича кетардилар. Баъзилари тешикдан яримта тариқдек кесакни тишлаб олиб чиқиб, ер юзига ташлаб, яна ичкарига кириб кетардилар. Ин атрофида чопқиллаб юрган митти полвонларни кузатиб ўтирган Умид бир лаҳзадан сўнг ботинкаси учи билан беихтиёр чумоли икига тупроқ уйиб, кўмиб қўйди. Лекин орадан бир муддат ўтгач, чумолилар яна тупроқларни тешиб чиқиб, яна илгаригидай ин атрофида чопқиллашиб юра бошлашди. Умид бир сиқим тупроқ олиб, яна чумоли инини кўмиб қўйди. Бу сафар у чумолилар тешиб чиқолмайди, ер тагида қолиб кетади, деб ўйлади. Йўқ, у пиёладаги чойни ичиб бўлмасданоқ чумолилар тешиб чиқиб, «қашар» бошлашди. Яна илгаригидай ҳаракат кучайиб кетди. Умид учинчи бор чумоли инини бекитди. Бу сафар бармоқлари билан босиб, текислаб қўйди. Орадан оз муддат ўтгач, бу сафар ҳам чумолилар тешиб чиқиб, яна ҳаётий югуришларини, дон судраб келишларини, велосипеддек ғизиллаб чопишларини, бир-бирлари билан дуч келганда саломлашишларини тарк этмадилар...

Умид тикилиб туриб, шу кичкина жониворларнинг ҳам иродасини синдириб бўлмаслигини, агар у юз бор тупроқ билан кўмса, юз бор тешиб чиқажагига шубҳа қилмади. Шу кичкина жонивордаки шунчалик матонат бор экан, ўз йўлидан қайтмас экан, унда инсон иродасини ҳеч нарса бука олмайди, деб ўйлади.

Инсоннинг иродасиз, ўлимтик бўлиб ётишга ҳақ-

қи йўқ! Курашиш ва енгиш керак! «Занжирланган шер, енгаман дер!» — деди ўзига-ўзи.

Умид бу митти чумолиларга тикилиб туриб, ўз вужудида бир куч пайдо бўлганини сизди. Қандайдир бир қудрат уни силкиб, ўзига келтирди, бу улкан қудрат — Чумоли эди. Умид соатларча бу кичкина, аммо баҳодир ҳаётдошларимиз ишига маҳлиё бўлиб ўтирди. Унинг калласидаги ўйлари ўзгарди — у негадир ўзида бир енгил руҳ сеза бошлади. Чумоли маслаҳатини тинглаб, ўрнидан турганида эшикдан Чўтир хола кириб келди.

— Айланай болам, домлангиз тайинлаб кетган эдилар, бориб келинг. У киши жуда мўътабар одам. Гапларига қулоқ солинг!

— Бораман, холажон.

— Умиджон, бизлар эски одамлармиз. Баъзан эскиларнинг ҳам гапига қулоқ солиш керак. Сиз қулоқ соладиган йигитлардансиз, биламан. Сизга бешиктерват нега кўпаймайди, шуни сирини айтмоқчиман. Биз ўзбеклар ичида баъзи одамлар бор, улар бешиктерватга ўхшайди. Бешиктерват урчиб бўлгандан кейин урғочиси эркагини бир чеккадан ея бошлайди. Аввал қўл-оёқларини узиб олиб, чайнаб ейди. Кейин танасини сўриб қуритади. Шу сабабли бешиктерват ҳеч кўпаймайди...

Умид кулди. У домласи ёнига албатта шу бугун боришлигини Чўтир холага айтди.

Ун еттинчи боб

СУҚРОТ ДОМЛА ҲИКОЯСИ

Умидни муштумдек ёшидан биладиган ўқитувчиси Муҳаммаджон ота — Суқрот домла чақиртирибди. Хатни олган Умид жуда хижолат бўлди, севикли муаллими атай уникига келиб кетибди.

Умид ҳамма ишларини қўйиб, Муҳаммаджон отаникига югурди. Кекса ўқитувчи уни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Унинг келганидан ниҳоятда қувонди. Болалари дарҳол дастурхон ёзишди. Чақирганининг боисини олдиндан айтиб, унга ўз бошидан ўтган бир воқеани ҳикоя қилиб бермоқчи эканини ва уни диққат

Билан тинглашини таъкидлади. У воқеа Умид бошига тушиб турган ташлишга жуда ҳам ўхшашлигини таъкидлади.

— Буни қаранг, ўғлим — деди Суқрот домла Умидга чой узатаркан, — шу даражада ўхшашки, мен атай, сиз эшитинг. Тадбир билан киши узоққа боради, ўйламай югурган билан эмас!

* * *

Бу воқеага анча йиллар бўлган.

...Суқрот домла эрта билан уйқудан ланж турди — ўзи ҳам ҳайрон, бу ланжликка сабаб нима? Бунинг устига тушида сувга чўкиб ўлган амакисини кўрибди — у ҳеч кимдан домонгир эмасман, деб хат ёзиб қолдирган эмиш... Домланинг қовоқлари салқиб кетибди. У ювиниб, наридан-бери нонушта қилди. Ҳаммага маълум икки қулф, икки белбоғлик сариқ портфелини кўтариб мактабга жўнади. Ўқитувчилар хонасига кириб бир лаҳза ўтириши биланоқ қўнғироқ чалиниб қолди — у ўрнидан туриб, иккинчи қаватга кўтарилди, рўпара келган ўқитувчилар билан омонлашди, негадир истеҳзо билан кулиб, бош қимирлатган Қиёмов билан ҳам саломлашиб, узун коридорда кета бошлади. Ҳар нарсани ҳам кўнгилга олавериш яхши эмас, унда яшаб бўладими, кулса кулар, деди ўзига-ўзи Суқрот домла. Лекин шу Қиёмов билан анчадан бери чиқишмай юради — бунга сабаб ўзининг тўнглиги, тўғри сўзлиги бўлса керак. Қиёмов бетга чопмайди-ю, зимдан иш қилади. Район маорифи узоқ йиллардан буён бир мактабда аъло ишлаб келаётган муаллимларга анкета тўлдираётган эмиш, улар ичида Суқрот домла ҳам бор деган гап чиқиб қолди. Бу гапни эшитган Қиёмов ичдан зил кетди. Қирқ йил бир мактабда ишлаш ҳазилакам гапми! Талабалари орасида фан кандидатлари, маданият арбоблари, министр ва офицерлар бор... Суқрот домла шулар билан фахрланади. Йўқ, балки улар ўз муаллимлари — Суқрот домла билан фахрланадилар.

У синфга кирди. Талабалар гурра ўринларидан турди. Лекин кимдир орқароқда пиқирлаб кулди. Бу — ғалат, таажжуб! Кулги қаёқдан чиқди? Суқрот

домланинг чаккалари санчиб оғриди, болаларга бир қараб қўйди-да, ўз курсисига ўтирди. Аммо Муҳайё билан Муаттарнинг кулгиси бағрига наштардек санчилди. Биринчи қатордаги Рустам билан Эркин боши қўйи, қовоқ солиб ўтирарди. У ҳеч нарсага тушунмади, дарсни давом эттираверди. Танаффус пайтида синфдан чиқмай, болаларнинг дафтарини кўрди. Коридорда бўладиган шивир-шивирларнинг маъносига ҳам тушунмади. Нима гап ўзи? Дарсдан кейин яна ўша улкан портфелини болаларнинг дафтари билан тўлдириб, уйга қайтаётган эди, физика муаллими Аҳмедов деворий газетада карикатура борлигини айтди, унда Суқрот домланинг чўнтагига ароқ шиша солиб, бурнини қизилга бўяб қўйишибди. Дарҳақиқат, Суқрот домланинг бурнининг учи қизилроқ эди. Суқрот домла катта залга кириб, деворий газетага боқди: «Уртоқлик ҳазили» деган сарлавҳа остида «қизил бурун» Суқрот домла карикатураси чизилган эди. Ота ранжиди. Кекса одамга шунақа ҳазил қилишадими, деб эзилиб, нима қилишини билмай турди. Синфдаги болалар ҳам шунга кулишганини дарҳол фаҳмлади. Суқрот домла, бу ишни эртага директорнинг ўзи билан гаплашаман, деб кетаётган эди, у шу пайт рўпарадан чиқиб қолди. Салом-аликдан сўнг Суқрот домлани кабинетига бошлаб кириб, устидан маълумот тушганини айтди. Бу маълумотга очиқ имзо қўйилмагани, аммо, ҳар қалай, бир текшириб кўришажагини айтди. Тавба, деди Суқрот домла, менга бир бало бўлдимми? У ёқда у, бу ёқда бу! Бировга ёмонлик қилмасам, нега менга тегишаркин! Ёмон ишласам, ёмон бўлсам тегишмасмиди!

Эртасига яна директор ўз кабинетига чақириб, «маълумот»дан баъзи жойларини ўқиб берди:

«...М. Мўминжонов ичкиликбозликка муккасидан кетган, у ҳафталарча ишга чиқмайди. Бу салбий таъсир кўрсатиб, синфда ўқиш сифати ва давомат пасайиб кетган. Мўминжонов — баъзи шахслар уни Суқрот домла деб мазах қилишади,— болалардан бир сўмдан пул йиғиб олиб, ўзи ўзлаштириб юборган. Мўминжоновнинг ахлоқи ҳам ёмон — суюқоёқ Ҳ. билан қўлга тушган ёки Ҳ. ни ёмон йўлга бошлаган... Ўқитувчи деган шарафли номга иснод келтириб юрган Мўминжонов...»

— Вой бў-ў...— Суқрот домла кўзойнаги тепасидан Аҳмедовга бақрайиб қараб қолди,— бирваракайига шунча айб-а!— У тиржайиб кулди. Лекин бир лаҳзадан сўнг аъзойи бадани бўшашиб кетди. У бақрайганча яна директорга тикилди.

— Ким ёзибди?

— Имзо қўймаган. Таажжуб!

— Жуда таажжуб! Наҳотки, мен ахлоқсиз ишлар қилсам, ё тавба!

Суқрот домла елкасини қисиб, ҳайрон бўлиб қолди. Бир лаҳзадан кейин зил папкасини кўтариб кабинетдан чиқиб кетди. Хайр дейиш ҳам эсига келмади.

Кечқурун у уйига кета туриб, чойхонада ўтирган эски ошнаси, пенсионер Неъматилла ака билан учрашиб қолиб, ҳамма гапни унга айтиб берди. Неъматилла ака ҳам таажжубланди. Унинг қўлидан бир иш келмади-ю, оғир бўлинг, сизга ҳам тикилган одам бор экан, деди. Суқрот домла қандай қилиб уйга келиб қолганини пайқамади; серҳаракат чорраҳадан ҳам, кўприкдан ҳам ўтиб кетибди. Йўлда кимдир салом бергандек ҳам бўлди. У ҳеч нарсани сезмай, ўз хаёли, дарди билан қовурилиб, ҳовлига кирди. Ахир, бу ҳазилакам гапми? Бир челак мағзавани устидан тўкишибди. Қариган чоғида бу нима деган гап! Наҳотки, текширишмасдан бу гапларни айтишса?!

— Ҳамма бало шунда,— деди изма-из орқасидан келган Неъматилла ака ҳовлисига кираркан,— Суқрот домла, ўзингизни қўлга олинг, йўлда оз бўлмаса машина уриб кетай деди. Бунинг тагида бир гап бор, хусумат аралашганга ўхшайди... Оғир бўлинг.

— Оғир бўлинг дейсиз, ахир одамларнинг юзига қандай қарайман. Бировни ҳақорат қилдимми? Қанақа хусумат бўлсин?

— Хўш, бўлмаса «суюқоёқ Х.» билан алоқангиз борми?

— Йўқ! «Х.»ингиз ўзи ким?

— Ичиб, ҳафталаб ишга чиқмайсизми?

— Ҳар замонда юз грамм ичамиз... Муроджоннинг тўйида жиндак ичдик...

— Ушанақа тўйда биз ҳам ичамиз. Ахир, ётиб ичмайсиз-ку?

— Ҳа.

— Болалардан пул йиғиб олдингизми?

— Ҳа, бир марта ТЮЗ театрига олиб борган эдим...

— Йўқ, дўстим, бу ишда бир сир бор. Ҳа, бўйнингизга тавқи-лаънат илиш кимгадир ҳозир жуда керак бўлиб қолибди. Бу ерда хусумат бор. Сизнинг кимлигингизни ўзингиздан кўра ҳам биз яхши биламиз...

Шу кунни хаёл билан ўтказган Суқрот домла туни билан ухламай чиқди. Эрта билан Қиёмов кўзига кўринмаслик учун орқа жин кўчалар билан мактабга борди. Мактаб боғида кимё ўқитувчиси Ҳабибахон билан учрашиб қолди. Суқрот домла билан доимо ҳамфикр бўлган бу ифбатли хушрўй аёл юзига қизиллик югурди. У ерга қаради, «суюқоёқ Ҳ.» шу эди. Аҳмедов унга ҳам айтибди-да! Хижолатбозлик бўлмасин дегандек қилиб, у салом-аликдан сўнг ичкарига кириб кетди. Кеча болаларнинг нега кулишганига тушунган Суқрот домла минг хижолат билан яна дарсга кирди. Бир қисм болалар итоат сақлаб, ўз ишлари билан машғул бўлишди, лекин бир неча талаба яна кулиш, парта тагидан деворий газетадаги карикатура ҳақида гаплашганини Суқрот домла пайқаб ўтирарди.

Орадан уч кун ўтгач, ҳамкасблари, талабалари юзига қаролмай қолган Суқрот домла ўйлайвериб касал бўлиб қолди. У хотинига ўзини тезда узоқроқ бир касалхонага жойлаштиришни илтимос қилди. У чўзилиб ётиб, икки кун овқат емади — ҳаммадан ҳам ўша покиза аёл Ҳабибахонни «суюқоёқ» деб ифво ёзганига ҳеч чидолмасди. Бу гапларнинг юз фоиз ифво, уйдирма эканлигини биларди-ю, аммо Қаюмовнинг «шамол бўлмаса — дарахтнинг боши қимирлайдими» дегани нарёғ-берёғидан ўтиб кетди. Ифбатли, покиза аёлнинг унга боғлаб хатга тушганидан жуда хижолат бўлди. Уят ўлимдан оғир — бу иш шармандалик ташвишларидан бир йўла қутулиш чорасини излади. Мактабда унга муносабат совуқлашиб кетди — Аҳмедов, Қиёмовга ён босадиган баъзи ўқитувчилар у ҳақда шивирлашиб гаплашади. Бир ўқитувчи негадир у билан саломлашмади ҳам. Ёки кўрмай қолдимикан?

Мактабда бошланган шивир-шивир гап яна авж олди. Аҳмедовнинг буйруғи билан деворий газета олиб қўйилди-ю, аммо маълумотнинг муҳокамаси чўвила берди. Ҳали «маълумот» педсоветда муҳокама қилинмай туриб, Қиёмов дирекциядан Суқрот домла

номини аллақандай рўйхатдан тушириб қолдиришга муваффақ бўлибди. «Бу гапларнинг беш фоизи тўғри бўлса ҳам, Мўминжоновни мактабда тутиб бўлмайди», дебди.

Кунлар ўта бошлади...

Суқрот домла ўзини одамлардан четга тортар, агар зўрлашмаса куни бўйи кўчага чиқмай ярим қоронғи хонасида мукка тушиб ётарди.

Шанба куни оқшом пайтларида у андак боши қуйи, ёлғиз чойхона ёнидан соядек ўтиб кетди. Хаёлот билан кетаётганини кузатиб турган Неъматилла ака бир муддат қараб қолди. Домла бу томонда нима қилиши мумкин? Мана, бир ой ҳам бўляпти, унинг иши педсоветда кўрилгани йўқ, у ҳамкасабалари юзига қаролмай эзилиб юрибди.

Неъматилла ака юрагига ғулгула тушди, у ичиб турган чойини қўйиб, Суқрот домла изидан жўнади. Орадан ўн минутча ўтгач, у домланинг қорасини йўқотиб қўйди, тавба-е, деди ўзига-ўзи, бу домласи тушгур қаёққа қойиб бўлди? У қадамини тезлатиб, Кайковус кўпригига келди: айқириб, буралиб катта анҳор оқиб ётибди. Бу атрофда ҳеч ким кўринмайди. Юқориликдан келаётган бир кўппак кўприк устида турган Неъматилла акага яқинлашолмай, нарироқда тўхтади. Неъматилла аканинг ҳам юраги шиғиллади — яна қутурган ит бўлмасин бу қиззиталоқ! Неъматилла ака унга тикилиб туриб, бир дўқ урган эди, ириллаб турган бузоқдек ит орқасига қараб қочди. Кўпқикдан ўтгач, ўнг томонга, чакалакзорга кўз ташлади. Анҳорнинг шундоққина лабида, дарахт тагида кимдир ёлғиз ўтирарди. У ғира-шира кўриниб турган одам ёнига борди:

— Домла, сизмисиз?

— Ҳа, мен, — деди Суқрот домла бир лаҳзалик сукутдан кейин, — нима қилиб юрибсиз?

— Ўзингиз нима қилиб ўтирибсиз? — деди Неъматилла ака яқинроқ бориб, аллақаердан кўчириб олган учта ғиштни чилвир арқон билан маҳкам боғлаётган Суқрот домла тепасида туриб.

— Бир салқинлай, деб ҳозиргина келиб ўтирганим...

— Бошқа жой топилмадими?

— Бу ерга нима қилибди?

- Қани, юринг, салқинлаб бўлдингиз!
- А, лаббай?
- Кетдик!
- Сиз ҳам ўтиринг, жиндак салқинлайлик.
- Туринг деяпман!

Суқрот домла олазарак ўрнидан турди. Шу лаҳза Неъматилла ака чилвир арқон боғланган ғиштларни анҳорга тепиб юборди.

Улар анча жойгача сўзсиз келишди.

— Одам деган мард бўлиши керак! Одам деганда ирода бўлиши керак!..

Суқрот домла боши қуйи — миқ этмади.

— Мен сизни ақлли одам деб юардим. Зиёли кишисиз. Бизлар ўқий олмадик, йигитлигимиз тўполон вақтга тўғри келди, босмачиларга қарши, қулоқларга қарши курашдик...

— Бас!

— Мен сизни доно одам деб, эътиқод қўйган эдим.

— Бошимни кўтаролмай қолдим. Бу менинг фожиам, ҳалокатим деб билдим, қандоқ қилай... — ҳўнгиллаб йиғлаб юборди. Чарчоқ кўзларидан ёш оқиб кетди. Кекса одам болалардек бурнини тортиб, ҳўнгиллаб йиғлай бошлади, Неъматилла ака ҳам бир оз қўйиб берди.

Эртасига эрта билан Неъматилла ака баъзи ҳужжатларни кўтариб, икки кекса ўқитувчи билан Аҳмедовнинг ёнига борди. Уларни Аҳмедов кутиб олиб, юракдан айтилган гапларни диққат билан тинглади, ҳужжатларни кўрди. Аҳмедов айёрона боқиб, бу бир «юмалоқ хат» бўлганлиги сабабли муҳокама қилиб ўтирмаймиз, деди. Ундоқ бўлса, бу ҳақда Мўминжоновга айтиб, домлани тинчитиб қўйиш керак эди, деди улар.

Неъматилла ака ва икки ўқитувчи жуда енгил тортиб чиқишди. Лекин ёш директорнинг бу ишни чўзиб, одамларга айтганидан ранжишди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, педсовет бу масалани кўрди. Бу гаплар фақат Мўминжоновга нисбатан бўлмай, мактаб шаънига ҳам тегиб кетарди. Бу юмалоқ маълумотни уюштирган мансабпараст Қиёмов эканлиги, у шахсий адовати йўлида кўпчиликни чалғитгани аниқланиб, ишдан четлатилди.

Кунлардан бир куни эрта билан Неъматилла ака

қўлида катта газетамиз «Совет Ўзбекистони», эшикдан ҳовлиқиб кирди. Газетани кўрган Суқрот домланинг яна капалаги учиб, ерга ўтириб қолди. Унинг кўзлари ола-кула бўлиб, «нима гап, нима гап?» дерди.

— Хурсандчилик. Қўрқманг, домла, хурсандчилик!— деди Неъматилла ака қалтираб ўтирган Суқрот домлага.— Сизга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвони берилибди. Муборак бўлсин!

— А...— довдираб, маст одамдек бошини кўтаролмай газетага кўз ташлади. Унинг кўзидан икки томчи ёш оқиб, газета саҳифаларига тушди. Рўйхатдаги ўз фамилиясини кўриб, кейин Неъматилла акага қараб жилмайди. Икки ёноғидаги намни бармоқлари билан артиб ташлади.

— Буни кураш дейдилар. Бу — сизнинг фожиангиз эмас, бу — ярамас шахснинг фожиаси! Сиз бўлсангиз ўзингизни сувга гарқ қилиб, ўлдирмоқчи бўлдингиз, ҳей афанди-ей!

— Одамларнинг юзига қаролмай қолдим, азизим. Одамларнинг юзига ҳам қарардим, лекин талабаларимнинг юзига қаролмай қолдим.

— Талабаларингизга энди қуёшдек порлаб қарайсиз!

Икки оғайни ҳовли ўртасида бир-бири билан қучоқлашиб кетишди. «Вой, номард-э! дегандек қилиб Неъматилла ака Суқрот домланинг кифтига урарди, — ҳали шунақа иродангиз бўшми? Улмаган бизнинг жонимиз...

* * *

— Мана, бўлган воқеа, — деди Суқрот домла Умидга қараб.

— Буни қаранг-а, Муҳаммаджон ака, — деди Умид ҳайратланиб.

— Ёш ҳам, катта ҳам деб бўлмайди. Ҳар қандай қийинчиликлар олдида саросимага тушиб қолмаслик керак, — деди ҳурматли ўқитувчи, — душманнинг қўли баланд келса, ўлдириб қўя қолади. Нодон дўст баъзан душманнинг ишини қилиб қўйиши ҳам мумкин. Бу, бўлиб турадиган ҳол. Аммо ҳамма нарсага лоқайд ва совуқ нигоҳ ташлайдиган одамлардан қўрқиш керак. Улар ўлимнингга ачинмайди, тиригингга қувон-

майди. Бу одамлар даҳшат! Уларни тутиб ололмайсан ҳам, айбололмайсан ҳам. Ушалардан қўрқинг, укажон!

Умид юрагида куч тўплаб, руҳи очилиб, уйига қайтиб келди.

Ун саккизинчи боб

ИШҚ УТИ

Уша даҳшатли кундан буён орадан бир йил ўтди, бу бир йил ичида Ҳафиза Умидни ўйламаган бир кун ҳам бўлмади. Шунчалик қаттиқ боғланиб қолганига ўзи ҳам ҳайрон: унинг нимасига бунчалик сеҳрланиб қолди экан? Тамоман унутиб юборишга лойиқ одамку, у! Ҳафиза Умидни сира эсламасликка ҳаракат қиларди. Аммо у кутилмаганда эсига тушиб қолаверарди. Ҳафиза ўзини чалғитишга уриниб, китоб ўқирди. Йўқ, эсламасликнинг ҳеч иложи йўқ!

Ҳафиза ота-онаси сўзини қилиб, аввал стационарда, ундан чиқиб Сочига онаси билан бирга бориб, дам олиб келди. То сентябрь ойигача ота-она назоратида бўлиб, Фарғонадан ҳеч қаёққа чиқмади. Патилахонлар билан жуда қадрдонлашиб қолди... Ота-она наздида Ҳафиза юрагидаги дардлардан фориг бўлгандай кўринди.

Йўқ!

Сиртдан қараганда текис ва лиммо-лим оқётган анҳорнинг тубида кучли айланмалар борлигини билиб бўлмайди. Дарё тубида тўс-тўполонлар авж оларди. Ота-она ва ҳатто ҳамма нарсадан воқиф буви кўз олдига мулойим кўринган Ҳафиза тамоман ўзгаргандай, ёшлик-бебошликларидан, ошиқ-маъшуқ бўлиб юришлардан... узоқлашиб, ўз йўлини топиб олгандай бўлди.

Йўқ!

Аксинча! Юрагидаги кучли ғалаёни сездирмасликка, ўзини эса улар ўйлагандек «одобли, фақат ўз оила ишини, ўқишни ўйлайдиган...» қилиб кўрсатишга уринарди. Аммо узоқ кечаларни ухламай ўтказган вақтлари ҳам бўлган. У ётган шу хонада Умид бўлгани, девордаги унинг суратига тикилганини ҳам ўйларди.

Селекция илмий-тадқиқот институти командиров-

каси билан Умид Фарғонага келиб, Мутант-1 экилаётган «Зарбдор» колхозида икки ҳафта юрибди. У шаҳарга ҳам тушиб, Ҳафизалар уйи атрофида айланиб юргани, обкомнинг қишлоқ хўжалиги бўлимида бўлгани Ҳафизанинг қулоғига етиб келган эди. Йил мобайнида Умид Шукур Каримович топшириғи билан уч бор Фарғонадаги «Зарбдор» колхозида бўлди. Аммо Ҳафиза, гарчи юрагида унга нисбатан қандайдир бир олов ёниб ётган бўлса-да, ўзини лоқайдликка солди. Жиндак бўлса ҳам шунчаки қизиқсинишдан ўзини тийди. Бу кунлари Ҳафиза Умиднинг турмуши бузилганини ҳам эшитган эди. У қандай қилиб «модерн қиз»га боғланишиб қолганини ҳам биларди. Умидни жодига қўйиб, тўрт бўлак қилса бўладиган хиёнатини ҳам биларди. Лекин юрагида бир сўнмас оташ лов-лов ёниб ётарди...

Бир йилдан сўнг Ҳафиза яна бувиси билан Тошкентга келиб, ўқишни давом эттирди. У яна дугоналарини топиб олди — улар энди медицина институтининг иккинчи курсига ўтишган эди. Раънодан бошқа деярли ҳамма таниш қизлар соғайиб кетдингизми, юрагингиз тузукми, деб ҳол-аҳвол сўрашди. Раъно: «Ревматизми юрагига таъсир қилибди», деб сўраганларга айтган эди... Умид медицина институтига ҳам келиб юрди, у четроқдаги бир скамейкада китоб ўқиб ўтирар, узоқдан бўлса ҳам Ҳафизани бир кўришга интиларди. У бетлаб келишга журъат этолмас, ҳатто унинг дугоналари юзига ҳам қаролмасди. Раъно институт боғида икки бор Умид билан рўпара келиб қолганини, индамай ўтиб кетганини Ҳафизага айтди. Тошкентга келган Нафисахон опа ҳам бозорда Умидни кўрганини, шавқи паст юрганини айтганда, аввал юраги орзиқиб тушган Ҳафиза, дарҳол ўзини тутиб, бу гапга эътибор бермагандай бўлди. Бу онасига жуда ёқди, «демак, у совибди...» деди ўзига-ўзи. Унга шу керак эди — бу хабарни синамоқлик учун ҳам айтган эди.

Газетада босилган фельетондан кейин, баъзан соядек, баъзан кўринмас одам бўлиб юрган Умид жим бўлиб кетди. У гўё бир тўқмоқдек бошига тушиб, ерга қоқиб киритиб юборилди. Энди Умид шарпаси институт атрофида, кўча-кўйда, Ҳафиза атрофида изғимай қўйди...

Орадан бир ойча ўтгач, Ҳафиза ҳайрон бўлиб юрди. Кунлардан бир кун Раънодан сўради:

— Анавини кўрасанми?

Раъно томоқ қоқди. У ўйлаб қолди. Ҳафиза дилидаги ўт ҳали сўнмаганлигини пайқади.

— Кўринмайди...— деди бир лаҳзадан кейин Раъно. Биргина бу товуш билан жавоб қилиш дугонасига ҳурматсизлик бўлмасин дегандай,— унга бу ҳам кам! (Фельетонга ишора қилди.) Қизиқ одам экан, сен уни ақлли, продали, мақсадли... дердинг! Мана, мақсадлилик?! Агар у инсон бўлганда, бир енгилтак қизга уйланармиди. Ажаб бўлипти! Энди жазосини тортсин! Профессорга куёв бўлиб, шу йўл билан илмий ишини тўғрилаб, обрў олмоқчи бўлди. Бировларга суйқалиб эмас, ҳар ким ўз меҳнати, таланти билан обрў олиши керак! Сен уни самимий дердинг. У қув экан!.. Сен уни бир сўзлик девдинг. Йўқ, унинг тили иккита экан! Сен уни инсофлик девдинг. У ноинсоф экан! Сен уни мард девдинг, у...

— Бас!— деди Ҳафиза титраб, лаблари оқариб.— Ке, бошқа нарсадан гаплашайлик!

Институтда машғулот тугагач, одатдагидек газета-журнал сотадиган киоска ёнида Ҳафиза билан Раъно учрашиб, хиёбон бўйлаб кетишаётганида уларнинг кўзи Чўтир холага тушди. Қўлидаги сеткага нон, овқат, бир-икки бош узум солиб, йўл ўртасида бир студент йигитдан клиникага қандай боришни сўгарди.

— Бор, сен сўра!— деди дарҳол Ҳафиза Раънога ишора қилиб,— у хотин мени танийди... Сен сўра, нима қилиб юрибди экан.

Раъно шу лаҳза йигирма қадамча нарида турган Чўтир хола ёнига борди:

— Қимни сўраяпсиз?

— Айланай, мана бу хатни ўқинг,— деди Чўтир хола Раънога бир парча қоғоз бериб,— бу бола тилимга тушунмаяпти... Ўғлим шу дўхтирхонада бетоб ётибди...

Раъно қоғозга боқиб, «иккинчи терапия клиникасининг бешинчи палатаси. Рустамов Умид» ётганини билди. У орқада кузатиб турган Ҳафизага қараган эди «бошлаб олиб боравер, мен орқангдан бораман» ишорасини қилди.

— Хола, юринг, сизга ўша жойни кўрсатиб қўяман.

— Умрингдан барака топгин, қизим. Худоё худовандо бахтинг очилсин...

— Қани, юринг,— улар асосий корпус томон юришди.

Орқороқда ўзини кўрсатмай Ҳафиза келарди.

— Раъно Чўтир холани то иккинчи қаватгача олиб чиқиб орқага қайтди. Холанинг айтишича, «ўгли Умид» бундан ўн кунча бурун шу ерга олиб келинибди. Унинг юраги касал эмиш... Қийналиб ўзи келибди. Бошқа ака-укалари йўқ эмиш. Уғлининг «бошига тушган дард» уни йиқитиб, бу ерга олиб келибди. Агар холанинг ўзи келмаса, бошқа йўқлайдиган кишиси йўқ эмиш. Энди у келаси ҳафта шу куни яна бирон нарса пишириб келар эмиш... «О-о болам, дунёда қуруқ туҳмат ёмон! Уғлимга қуруқ туҳмат қилишди, ўзининг домласи уни чалғитиб, мана, охирида боламни қулатди...» деди. Чўтир хола клиникага кириш учун оқ халат кия туриб: «Болам соддалик қилиб, бир молпараст пропесурнинг домига тушиб, одобсиз қизини унга берди. Бунга нафсонияти чидамаган йигит унинг хонадонидан чиқиб кетди. Суюқоёқ ўша жувонга пичоқ уриб, ўлдириб қўймаганига ўзи хурсанд. Негаки, бир ярамасни ўлдириб, ўзининг ҳам ҳаётини таҳликага солиш яхши бўлмасди...»

Хола ичкарига кириб кета туриб, Раъно билан қариндошлардек қуюқ хайрлашди. Уларни нарироқда Ҳафиза кўз узмай кузатиб турарди.

— Раъно бу гапларнинг барини Ҳафизага айтиб берди.

— Баттар бўлсин!— деди Раъно,— ҳали унинг икки кўзи ҳам кўр бўлади! У сенинг қадрингга етмадими, бундан ҳам расво бўлади. Унга ачиниш керак эмас!

Ҳафиза индамади.

Эртасига улар бас бойлашиб, қизиқчилик учун терапия клиникасига кириб, ўзларини асло танитмай — ҳора кўзойнак ва оқ халатда бешинчи палатага кўз ташлашди. Дарҳақиқат, бурчакдаги каравотда озиб, ранги оқариб кетган Умид ётарди. Ҳафизанинг ҳам Раънонинг ҳам юраги орзиқиб тушди. Улар тезда юзларини ўгириб, палата эшигидан узоқлашишди.

Учинчи куни Ҳафиза олма, асал, қаймоқ, узум, печенье, анорлар билан сеткани тўлдириб, Муҳаббат деган курсдоши, қорачадан келган бир қиздан Умидга киритиб юборди. «Холамларни палатага киритмади, мендан бериб юбордилар», деб айтди. Мабодо у суриштириб қолса, ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги учун «холамларнинг юзларида чўтирлари бор», деб ҳазил қилишни ҳам айтди. Муҳаббат Ҳафиза айтгандай қилди. Фақат Умид: «Холамларга айтинг, бунақа овора бўлиб келавермасинлар. Жуда илтимос қиламан, кекса одам трамвай-троллейбусларда қийналиб юравермасинлар. Мен анча тузукман», дебди. Ҳеч қандай шубҳаланиш аломати сезилмаганини ҳам айтди.

Ҳафтани ўтказиб, Ҳафиза яна Умидга ширинлик ва мева киритди. Бу гал Нигора деган қизга тайинлади. Аввал индамай туришини, агар у: «Ия, яқинда холам келган эдилар, бу менга эмасдир», деса, «йўқ, сизга. Отим — Ҳотам, Умид Рустамовнинг ошнаси бўламан. Менга ичкарига киришга рухсат беришмади, яхши қиз шуни олиб кириб, саломимни топширинг, дедилар», дейсан деб қаттиқ таъкидлади.

Нигора худди унинг айтганидек қилди. Ҳеч қандай шубҳаланиш аломатлари сезилмаганини ҳам айтди.

Орадан яна уч-тўрт кун ўтказиб, Ҳафиза яна гастронომга кириб кетаётган эди, бу ишни Раъно сезиб қолди.

— Ҳой, сен нима қиляпсан?!

Ҳафиза бошини солиб, хомуш индамай тураверди.

— Унга передача киритяпсанми?!

У яна индамади.

— У юзингга тупурса майли! Бу қандай пасткашлик!

Ҳафиза миқ этмади.

— Гапир, юрагим тошиб кетяпти?!

Ҳафизанинг узун киприкларига ёш илинди.

— Вой, хафа қилдимми?

Ҳафиза бош чайқади, «йўқ» деган ишора қилди.

— Узим ҳам билмай ётибман... Нима иш қилиб қўйяпман, — деди тўлиб Ҳафиза, — анави куни сенга билдирмай унинг ёнига кириб чиқмоқчи бўлиб, зинадан қайтдим. Яхши ҳам ўзимни тутиб қолдим. Сенинг гапларинг тўғри — у менинг юзимга тупурган...

— Раъно чуқур ўйлаб қолди. Ҳафиза юрагида қайнаётган ҳислар тугўенини шундоқ юзидан сезиб турарди... Куйиб, жизғанак бўлиб юрганига раҳми ҳам келди.

— Уртоқжон, икки маротаба киритибсан, ке, бу гал ҳам кирита қолайлик,— деди Раъно дугонасининг раъйини қайтармай,— эскичасига савоб бўлади, ҳеч кими йўқ етим...

Бу гал Ойтўра деган қиздан киритишди. У «бу нарсани холамла бердилар. Ўзлари боғда, скамейкада ўтирибдилар. Зинадан ҳаллослаб чиқа олмадим, дедилар», дейдиган бўлди. Ойтўра ҳам Ҳафиза илтимосини кўнгилдагидек қилиб бажарди.

— Раъно Ҳафизанинг аҳволига ҳам ачинар, ҳам гижинар, ҳам куларди. Бу қиз ўша йигитни чиндан ҳам севишини, кўриб туриб, бировни шунчалик севолмаганига рашки ҳам келарди.

Бетоб бўлиб касалхонага тушганига қадар Умид икки-уч бор Фарғонага Мутант-1 экиладиган колхозга бориб турган эди. Агрономлар йиғилишида Пўлатжон Содиқович унга тикилиб қараган эди. Хижолат бўлган Умид залда йўғон бир одамнинг елкасини пана қилиб, ўзини бекитган. У қип-қизариб ўтирган Умидни бир қарашдаёқ таниб олган эди. Кейинчалик Пўлатжон ака икки кунга Тошкентга келганида фельетон масаласини ҳам эшитди. Ёз ойларига бориб, Умид Фарғонада «Зарбдор» колхозида ҳам кўринмай қолди. Бу вақт унинг дардга чалиниб қолган пайти эди...

— Эшитдингизми? Анави йигит қизиқ бўлибди,— деди кунлардан бир кун ёлғиз ўтиришганида Нафисахон Пўлатжон акага,— бир ойдан кейин ажралиб кетибди, газеталарга тушибди...

— Салимхон уни еди,— деди Пўлатжон Содиқович,— ошнамнинг феъли менга маълум: у аввал ўз маромига солмоқчи бўлган. У бола бунга юрмаган бўлса, бошини ражиган-ташлаган... Салимхон «коранда» ишлатишни яхши кўради. У ўз ҳамкасбларига ҳам «ишлаб янги навлар топинглар, аммо мендан кейин юринглар» қабилида иш тутади. Илми жуда саяз, фақат шақиллаб гапириши бор дейишади. Ҳар қалай ўша болага жабр бўлибди.

— Бетайин ўша йигитга бу ҳам кам!

— Бир ҳисобда шундоқ. Назаримда, у қаттиқ чал-

гиди. Чалғимаслиги ҳам мумкин эмас эди. Салимхон Обидий айёр одам, кап-катта одамлар у билан ўйлашса гаплашадую, бу боланинг қўлидан нима иш келарди.

Пўлатжон ака билан Нафисахоннинг Умидга доир гаплари умуман мана шундоқ эди.

Энди икки оғиз сўзни Ҳафизадан эшитинг:

Ҳафиза билан Раъно Ойтўра деган қиздан Умидга нарса киритиб, чиқишда Умид хат бериб юборганини эшитишди. Икки қиз наридан-бери хатни очиб ўқишди.

«Холажон! Мени йўқлаб келганингиз учун раҳмат! Яхшилигингизни ҳеч унутмайман. Бундан кейин катта харажат қилиб келманг, сиздан ўтиниб сўрайман. Мен ўзим тузукман, энди овора бўлманг, ўзим бу ердан чиқиб бориб, сизни кўраман. Яна илтимос қиламан, бунақа харажат қилиб келманг, холажон! Агарда сизга малол келмаса, токчамда сариқ муқовали қалин бир китоб ёлғиз турибди. Қатига дафтар, қалам солиғлигича қолган. Шу китобни дўстим Ҳотамга етказсангиз, у менга олиб келиб берарди. Яна бир карра раҳмат, холажон! Умид».

Хатни ўқиган Раъно билан Ҳафиза аввал қаҳ-қаҳ уриб кулишди. Кейин ўйламосираб қолишди: «Китобни олиб келиш қандай бўлади?»

— Қандай қилиб олиб келиш мумкин! Индамай кетамиз,— деди Раъно.

— Олиб келиб бериш керак— деди Ҳафиза.

— Қандай қилиб?

— Кел, ўйлайлик. Бир йўл топилиб қолар, Раъно.

— Марҳамат, топ.

— Сен ҳам ўйла.

— Уйлаганим билан фойдаси йўқ. Тополмайман. Яна қўлга тушиб шарманда бўлмайлик!

Эртасига Ҳафизанинг ўзи бошқатдан хат ёзиб, тунгутириб, Ойтўрани Чўтир холаникига киритишди. Хола Ойтўра билан Умид болохонасига чиқиб, дарҳақиқат, ўша семиз китобни топиб, олиб чиқди. Умиднинг аҳволи яхшилиги, тезда чиқиб қолишини айтиб Ойтўра югурганча кўчада пойлаб турган Ҳафиза билан Раъно ёнига келди. Улар учови таксига ўтириб, ТошМИга келишди, Ойтўранинг ўзи «Ҳотам деган ўртоғингиз олиб келди» деб китобни Умидга топшириб чиқди.

Шу кунни Ҳафиза Сўтўра билан Гаъноси мороже-
кога тўйдирди. Мороженое ялаб ўтирган Раъно Ҳа-
физага тикилиб туриб, мийиғида кулди. Ҳафиза бу
ҳолатни сезгани ҳам йўқ. Унинг юрагидаги оташ со-
вуқ изғиринлардан кейин ҳам совимагани, бу ўт
яна аланга олаётганини гайқади.

Унинг рўпарасида тушуниб бўлмайдиган бир қиз
турарди...

Ун тўққизинчи боб

ГНЕХ ТОШНИ ЕРАР

Салимхон Обидийнинг ҳужуми чиппакка чиқди.
Узоқ ва чуқур текширган комиссия ёзилган гаплар-
нинг тасдиқланмаганини маълум қилди. Аксинча, Се-
лекция илмий-тадқиқот институти коллективи Умидни
ўз қаноти остига олиб, ҳимоя қилди. Бу ҳолдан про-
фессор ғоятда дарғазаб бўлди. Институт ўзимники
деб ўрганган Салимхон Обидий Шукур Каримович
билан Елена Владимировналарга душман кўзи билан
қаради. Ногаҳоний бу балолардан қутулиб, андак
бўлса ҳам ўзини оқлаб олган Умид, касалхонадан чиқ-
қандан кейин институт маъмуриятининг топшириғи
билан яна Фарғона областидаги «Зарбдор» колхозига
жўнади. Тўпқайрағочликлар Умиднинг келганини эши-
тиб, баъзилар атай Қўшчи бобо уйида, баъзилар чой-
хонада, баъзилар колхоз идорасида у билан қўл сиқи-
шиб омонлашишди. У кўп вақт Қўшчи бобо билан бир-
га юрарди: Унинг звеносида ишлар, бирга овқатланар,
тракторчини шийпонга ўтқазиб, бир-икки соат ўзи
тракторда культивация қиларди. Тўпқайрағоч қишло-
ғида у ҳамма билан танишиб олди. Саратон кунларини
у далада ўтказди. Қайтиб келганидан сўнг, у бетобли-
ғида касалхонага «кўп қатнаган» Чўтир хола ёнига
жириб, миннатдорчилик изҳор қилди.

Инстутда саломига алик олмай ўтиб кетадиган
Салимхон Обидий бир ўтиришда: «Безорининг ёнини
олаётганлар фақат институтда эмас, Фарғона обкоми-
да ҳам топилади. Қани, қўйиб берайлик-чи, бу иш
қаергача бораркан!» деб ўшқарибди. Кимга ишора қил-
япти, деб ўйлади Умид. Унинг кўз олдига Пўлатжон
Содиқов келди... Бу гап Умид юрагига тикандек ботди.

У ўзини қўлга олиб, илгаригидай юрагига сабр-қаноат солди. Институтнинг аспирантлар ўтирадиган катта хонасида кимдир «Одамдан кейинги энг ақлли жонивор дельфин» деганида, кимдир «Салимхон Обидий» деб юборди. Бу гап Умидга жуда ёқиб тушади, деб турган бояги йигит суҳбатдошининг ранги оқариб кетганини, дарғазаб бўлганини сезиб, ҳайрон қолди. «Ҳар нарса дейишинг мумкин, аммо ўзингдан катта одам шахсини ҳақорат қилишга ҳаққинг йўқ!» — деди Умид ўша икки ёноғи бўртиб чиққан, одобсиз йигитга. Йигит ўйламай, хушомад учун гапириб юборганидан пушаймон бўлди.

Осмонни қоплаб ётадиган хафақон булутлар жон азоби — табиат гўзаллигига кафан тортгандай, ғоятда ёқимсиз. Умиднинг хафақон кунларида ҳаво шундай бўлиб, осмонни қоплаб олган намат булутларни ёқтирмас эди. Хайрият, бу хафақон кунлар орқада қолди. Хафақон кунларни у асосан касалхонада ўтказиб юборди.

Осмон мусаффо...

Лекин шанба куни ғарб уфқида қуюқ, туясимон булутлар пайдо бўлиб, шаҳар устини қоплай бошлади. Кўп ўтмай қорамтир булутлар кўк юзида дағдаға қила бошлади, шамол ва чақмоқ... Ора-чора бир-икки томчи ёмғир ҳам ташлади. Ҳаво енгил. Умид осмонга қараб булутлар югуришига тикилди. Бақироқ булутлар қандай яхши! Шариллатиб ёмғир ёғиб юборди.

Ёмғир — табиатнинг тўю туғёни. Ҳамма ёқ сув, намгарчилик. Умид мана шундай ҳавони севади. Сувга тушишдан аввал маҳси ечилади деганларидек, у «узлатга чекилиш»дан — яна болохона ҳужрачасига бекиниб олиб ишлашдан аввал, ёмғир ёғиб турганига қарамай гастрономларда изғиб, бир-икки кунлик хўрак гамлади.

Ҳужра. Ташқарида ёмғир...

Умид юмшоқ сим каравотда ўтирарди. Столи устида сўлиб қолган бир туп ғўза. У рақ касали билан ўлган одамдай қовжираб, кичкина бўлиб қолган эди. Унинг ёнида забардаст «Мутант-1» турарди. Унинг бу дарди бедавога чидамли экани, ўзига юқтирмаслиги, жисмида бу дардга қарши катта куч — гамма нурлари борлиги, бу ўткир нурлар билан чигитлигидаёқ ювиниб мусаффо бўлганини биларди. Бу ғўза тупларини у «Зарбдор» колхозидан олиб келган эди. Баъзан олим-

ларнинг «Мутант-1» кейинчалик ўз аслига тортади, серҳосил ва дардга чидамлилиги йўқолади», деган гапига қўшилмасди. Ҳали яна йиллар ўтади, гўзаларимиз бу дарддан халос бўлишига ишонарди. Унинг рўпарасида вильт билан ҳалок бўлган гўза мурдаси турарди. У ишлар, тўплаган тажрибаларини, жадвалу ҳисобларини титкилар; кимёвий формулаларни, Қўшчи бобо тажрибаларини ёзарди... Сигарета чекиб, ҳужрани тутунга тўлдирарди. Баъзан қалин китобларни варақлаб, саҳифаларни синчиклаб ўқирди...

Хонанишин Умид ёз бўйи далада, қиши билан ҳужраю, кутубхонада, баъзида соатларча Шукур Каримович суҳбатида бўлиб, яна икки йилни ўтказди. У ҳамма нарсани унутди, дарду фикри вильт билан курашиш, унга даво излаш... Аммо Ҳафизани кўрмасида, у ҳамма вақт кўз олдида илгаригидай гўзал ва ёш бўлиб чақнаб тура берди.

Қиш ичи, февраль ойида Умиднинг илмий иши — кандидатлик диссертацияси институт илмий совети муҳокамасига қўйилди. Унинг ишларини зимдан кузатиб юрган Салимхон Обидий икки юз саҳифадан иборат илмий ишнинг бир нусхасини уйига олиб кетиб ўқиди. Советда у сўзлаб, бу ишнинг «ҳеч нарсага арзимаслиги»ни айтди. Унинг бир неча ишонарли далиллари ҳам бор эди. Умид профессор Салимхон Обидийнинг диссертацияни бекор қилишга қаратилган сўзларидан кўра ҳам, баъзи далилларига, ўз ишининг мавҳум томонларига боқарди. Дарҳақиқат, яна аниқлаши лозим бўлган ишлар бор экан. Илмий раҳбари Шукур Каримович анча муҳофаза қилиб, у ҳам бирмунча камчиликларни кўрсатди. Мунозарада Салимхон Обидий билан Шукур Каримович олишиб кетишди. Бу, ёш илмий ходимни буйдалаб, илмий ишидан кўра ҳам ўзини балчиққа қориб ташлаётгани сабаб бўлди. Лекин Умид миқ этмай тинглар, жиндак бўлса ҳам, асабга куч бермасликка интиларди. Салимхон Обидий «бўлмайдиганга» чиқарди. Бошқалар яна жиддий иш олиб бориши кераклигини таъкидлаб, бошқа масалага ўтишди.

Умид руҳан тушқунликка тушмади. У яна қайтадан енг шимарди. Шукур Каримович ўз сўзида анчамунча яхши исботлари бор, мағизи бор, аммо ҳали яна

ишлаш, исботлаш кераклигини айтди-ку, деди хаёли-да Умид.

Ёз келиши билан у яна Фарғонага жўнади; офтоб-да қорайиб, унниқиб дала кезди. Вильт пайдо бўлган баъзи ерларга, қайси районда бўлмасин, югуриб борарди. Сўлиб, қовжираб қолган гўзалар тепасида айланар, колхозчилар билан гаплашар, бошқа гўзаларни асраш йўлида пахтакорлар билан бирга чора изларди.

Кунлардан бир кун Умид ва Ҳафиза ораларидаги «роман» яна давом этипти хаёл қилиб, Жанна бу ҳақда Сунбулхон аяга гапирган эди. Бу тезда қўшиб-чатилиб Салимхонга етди. Салимхоннинг хаёли шу лаҳза мактабдош ошнаси Пўлатжон Содиқовга кетди. Демак, унинг тез-тез Фарғонага бориб туришида гап бор экан-да, деди Салимхон Обидий. Демак... Шукур Каримович, Пўлат Содиқович ва бу таги паст йигит... бир бўлиб олишибди-да? Салимхон Обидий юрагига гулгула тушиб, хаёли Фарғонага учди. «Мутант-1»нинг Фарғонадаги ғалабасида уларнинг қўли бор экан-да... Шундан сўнг у зарур бўлмаса ҳам Фарғонага, селекция станциясига бориб келди. Обкомнинг қишлоқ хўжалиги бўлимида ҳам бўлди. Шукур Каримович алоқадор жойларнинг ҳаммасига борди.

Салимхон Обидий кейинги пайтларда Умид номи-ни тилга олмас, у «бетайин, безори йигит» билан эмас, Селекция илмий-тадқиқот институтига уя қуриб олган «шум ниятли кимсалар билан курашаётгани»ни айт-тарди.

У Марказий Комитетга ариза берди.

Аризанинг заҳарли тиғи Пўлатжон Содиқов билан Шукур Каримовга қаратилган эди. У фақат «перспективаси йўқ» «Мутант-1»ни пахта далаларига ёйишдек жинойи ишидан ташқари, унинг қизи бировнинг оиласини бузишгача бориб етгани... партия аппаратида ишлаб турган одам ҳам шунақа бола тарбиялайдими, деган гаплари ҳам бор эди... Шукур Каримовичнинг «кекса селекциячи олимларга эътибор бермаётганини, ёмон одамлар институтни эгаллаётганига қараб тургани, аксинча, бу одамларни муҳофаза қилаётгани» каби тавқи-лаънат бўйнига осилган эди. Саҳифаларнинг ичида Умиднинг номи ҳам даҳшатли иборалар билан қайд этиларди.

Орадан бирон ҳафта ўтар-ўтмас Шукур Каримович

Марказий Комитетга чақирилди. Шундан кейин у турли ҳужжатларни кўтариб, яна икки-уч бор Марказий Комитет Қишлоқ хўжалик бўлимига чиқиб келди. Шу иш юзасидан чақирилган Пўлатжон Содиқовични ҳам ўша ерда учратди. У кулиб, елкасини қисди, «ош-намиз ариза бериб, анча қизиқ гапларни ёзибдилар», деди Пўлатжон Содиқов коридорда Шукур Каримовичга. Улар ҳайрон бўлишди.

Бу гап Умиднинг ҳам қулоғига етди. У ўзининг эмас, ўзи туфайли катта ҳурматли одамларнинг номлари бу аризага аралашиб қолганидан хижолат бўларди.

Салимхон Обидийнинг бунчалик тўнани тескари кийиб, «ейман сенларни» деб юришига сабаб нима? Шунинг ўрнига илмий иш билан шуғулланса бўлмай-дими? Бу одам олимлик эмас, пул йиғиш, мол орттириш йўлига ўтиб олган. Бу ишда Шукур Каримович ҳам, академик Отабоев ҳам, ҳатто кичик зарра — Умид ҳам унга тўғаноқ. Унинг учун янги нав ихтиро қилишу ёки даҳшатли вильт касалига қарши курашиш — бир пул! Унинг мақсади бошқача. Профессор номи бўлса-ю, йигирма йилдан буён илмга ҳеч нима қўшмаса! У қуруқ ёғоч! У давлатдан фақат олсам, дейди, лекин давлатнинг бирон корига ярасам демайди. Нима, унинг ўтқазиб қўйган жойи борми?!

Бас, деди ўзига-ўзи Умид, бас, бу ҳам сенга ибрат бўлсин! Шундай одамларни кўриб, шукур қиласан. У гўё «Илоҳий комедия» ичидаги дўзах ва дўзахи одамларни кўриб тургандек бўларди.

Шу гапларни айтиб, умум мажлисда шовқин кўтарсинми? Ўйлаган, айтмоқчи бўлган фикрларини тасдиқловчи далиллар кўп. Ҳатто бу фикрларни кўтариб чиқса, уни қувватлайдиганлар ҳам кўп. Ўзининг қуруқ хумча, чўкиб қолганлиги билан отнинг қашқасидай бўлиб қолган Салимхон Обидийни ҳеч ким ҳимоя қилмаслигини ҳам биларди. Аммо Умид ҳозирча исён қилиб чиқмасликни, ўпкани босиб, кўпроқ илмий иш билан шуғулланишни афзал кўрди. У ёши катталарга хос чидаму тоқат билан, тadbир билан иш тутди. Мулоҳазалик кишиларни Суқрот домла ҳам, Қўшчи бобо ҳам, қолаверса Шукур Каримовичнинг ўзи ҳам яхши кўради. Аммо шу оғир ўйлар, шовқин-суронлар ичида сезилар-сезилмас нозик ва ҳазин бир куй ҳам қў-

логига эшитилгандек бўларди. Бу, унинг гўзал Ҳафизаси, унинг соғ-саломат ёруғ дунёда юргани. Академик Отабоев бир катта йиғинда доклад қилиб, шу докладида ўсиб келаётган ёш олимлар қаторида Умид Рустамовни ҳам тилга олгани, вильтга қарши курашда бошқа олимлар қатори «бу ёш олим ҳам тиришиб ишлаётгани»ни қайд этган эди. Бу гап ҳам юрагига қуввату шавқ берди. Умид учун бундан ортиқ мукофот бўлиши мумкинми! Бу гап «йиқилган» Умидни яна ўрнидан тургазди. Қандайдир бир куч пароканда бўлган хаёлларини яна бир жойга тўплади. Умид қўп тортинчоқлик қила бермай, академик Отабоев ҳовлисига ҳам бир неча бор бориб, ўз ишига доир маслаҳатлар олди.

Бир ой чамаси, Салимхон Обидий аризаси бўйича комиссия иш олиб борди. Шундан сўнг бир гуруҳ селекциячи олимларни, илмий ходимларни таклиф этилиб, Марказий Комитет Қишлоқ хўжалиги бўлимида суҳбат ўтказилди. Бу ерда Салимхон Обидий, Шукур Каримов, Умиддан ташқари академиклар: Канаш, Отабоевлар ҳам бор эди. Тўпланганлар профессор Салимхон Обидий аризаси бўйича узоқ гаплар бўлишини, комиссия аъзолари бир-бир сўзга чиқиб, илмий-тадқиқот институти ишларини бир бошдан гапирадилар, деб хаёл қилишди.

Акси бўлди.

Бўлим мудури икки оғиз сўз билан комиссия фикрини баён қилди: биз ўртоқ Салимхон Обидий билан бундан аввалроқ суҳбатлашиб олганмиз, жаҳл ва шубҳа шундай бир ноаниқ ариза ёзишга олиб келган. Майда, принципсиз гапларни бир томонга йиғиштириб қўййлик-да, бошқа масалани гаплашиб олайлик. Ана шу мақсадда сизларни бу ерга таклиф этдик... деди. Селекция илмий-тадқиқот институти жуда муҳим ишлар қиляпти, унинг қўлга киритган ютуқлари оз эмас. Селекция илмий-тадқиқот институтининг фаолияти ҳақида Фарғонада бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашида, олимлар билан бўлган учрашувларда муфассал гаплашиб олган эдик. Шундан сўнг Марказий Комитет илмий-тадқиқот институти истакларининг барчасини муҳайё қилиб берди. Республика Министрлар Совети катта маблағ ажратди. Ҳатто сўралган энгил машинагача берилди. Кимдир «авторитет»

деган эди, мана «авторитет» ҳам муҳайё. Аммо янги навлар яратишда, айниқса эрта пишар, узун толали ва ҳар қандай касалликларга чидамли, айниқса вильтга чидамли навлар яратиш иши оқсаяпти.

Фарғона кенгашида Марказий Комитет секретари иштирок этган, унинг билан суҳбатда зарур ва ҳаётий масалалар гаплашиб олинган эди. Биз ваъдалашган эдик. Уша ваъдаларни унутмаслик керак. Вильтга чидамли нав керак. Алмашлаб экиш масаласини кенг тарғиб қилиш керак. Бизда С-82/57, 108-Ф, С-16/22, «Мутант-1» лар бор. Булар аъло навлар. Вақт ўтиши, механизациянинг тараққийси муносабати билан, юқорида айтганимдек, даламизга янги нав пахталар керак. Сизлар сувнинг бошидасизлар, пахтачилигимизни юксалтиришда асосий ва бош омил селекциячилик. Биз бугун шу ҳақда гаплашайлик...

Шундан сўнг академик Отабоев, маълум бўлишича, у аввалроқ бу ишга тайёргарлик кўрган экан, сўз олиб, Ўзбекистон селекциячилигидаги проблемалар ва қилинаётган ишлар ҳақида гапирди. Кейин Аҳмаджонов Канаш...

Пишқириб келган Салимхон Обидий ели чиқиб кетган пуфакдек бўшашиб, бир чеккада ўтирарди. У дамо-дам рўмолчаси билан пешанасини, бағбақаси-ю, қулоғи орқасидаги терларни артарди, ер тагидан Умидга хўмрайиб қараб қўярди.

Йиғинда Салимхон Обидий ўрнидан туриб, бирон гап ҳам айтолмади. Чунки у кейинги ўн беш йил ичида бирон янги нав ярата олмаган эди. Олимлар билан жанжаллашиш, ҳасад, мансабдор кишиларга лаганбардорлик, уйига чақириб зиёфат қилиш... билан банд бўлди. Унинг қилаётган ишлари какликни эслатарди. Какликни овчи қувласа, у югуриб бориб қорга бошини тиқиб ётар эмиш. Шу билан мени ҳеч ким кўрмайди дермиш... Салимхон Обидийнинг ҳам хуфия ишларини ҳамма кўриб турарди. Баъзи одамлар, Салимхон Обидийнинг олтинчи бармоғи бор, дейишарди. Яъни у ковлаштириш, бошқаларнинг муваффақиятидан ранжиш, қитмир-фитналик қиларди.

Боядан бери бир чекада хомуш ўтирган Шукур Каримовга ҳам жон кириб, бошини кўтарди. Илмий тадқиқот институти қилаётган баъзи ишларни гапириб берди.

Суҳбат икки соатча бўлди.

Марказий Комитет селекциячиликка зарур бўлган ҳамма ёрдамни бундан буён ҳам беришга тайёр эканлигини, илмий ходимларни майда, кераксиз гапларга аралаштирмаслик лозимлигини таъкидлади.

Суҳбат тугаб, улар Марказий Комитетдан чиқиб кетишяётганда, академик Отабоев Умид елкасига қўл қўйди:

— Гиёҳ тошни ёриб чиқади, шуни биласизми, ука? Ёзаётган илмий ишингизни ўқир эканман, бир неча жойлари мени қувонтирди. Айниқса Қўшчи бобо тажрибалари... қисми. Бўшашмай ишлайверинг, гиёҳдек тош қатламини ҳам ёриб чиқасиз.

Умид уялиб, бир нима деёлмади. У фақат «раҳмат раҳмат, домла...» дерди.

Академик Отабоев машинасига Канаш билан Салимхон Обидий чиқиб олди. Унинг шунча зўрлашига қарамай Пўлатжон Содиқов билан Шукур Каримов машинага чиқишмай пиёда кетишди. Ўзини чеккага тортиб турган Умидни ҳам чақириб олиб, улар учов салқин хиёбон бўйлаб юриша бошлади. Пиёда кетишни асосан Пўлатжон Содиқов бошлаган эди.

— Бу қизиқ-ку,— деди йўлда Пўлатжон Содиқов Шукур Каримовга қараб,— турган-битгани тухмат-а! Мен у билан мактабда бирга ўқиганман. Мен уни бунчалик тубанликка кетганини пайқамаган эканман...

— Бу домла қотиб қолган одам,— деди Шукур Каримов тутақиб,— профессор унвонини ўша вақтда олиб қолди-ю, йигирма йилдан буён ҳеч нима қилгани йўқ. Дарди-фикри маишат, пул... Мана бу болани ҳам негр қилмоқчи эди, бўлмади. Оиласи бузилмаганда, у рўдаподек елкасига миниб олиб, тоза ишлатарди. Домланинг режалари бузиляпти, шу сабабли аризабозлик, иғво йўлига ўтиб олдилар. Мана, ҳақ йўлига қарор топди...

— Илгари яхши шуғулланмас эканмиз, энди Фарғона селекциячилари билан жуда яқиндан алоқа боғлаймиз. Аралашмасак бўлмайди! Фарғонага тез-тез келиб турунг, Шукур Каримович!

— Хўп бўлади.

— Сиз ҳам.

— Хўп,— деди бош қимирлатиб Умид.

— Мен сизни яхши биламан... Олиб бораётган илмий ишингизни бўшаштирманг!

Умид бош қимирлатди. У ҳаяжон ва хижолатлик билан бир қадамча орқароқда кемарди.

— Одамларни сўзга усталик, жанжалкашлигига қараб эмас, иш билишига, онгига қараб кўтариш керак,— деди яна Пўлатжон Содиқович,— бу домла ўзининг пўрсилдоқ гаплари билан шаҳар олмоқчи бўлади. Янглишади! У даврлар ўтиб кетган!

— Пўлатжон Содиқович, сиз шундоқ дейсизу, лекин ҳозир ҳам шақиллаб сўзлаш билан обрў олаётганлар бор,— деди Шукур Каримович.

— Тўғри, бор, қандоқ қиламиз. Сузаётган катта кема четига ҳар хил шиллиқ қуртлар ёпишаверади. Лекин бизнинг кемамиз тўхтамай сузаверади...

* * *

Мулла мирашур, пулига ярашур... бўлиб қайтиб келган Салимхон Обидий машинада, икки академик ўртасида сир бермай, сохта қиқиллаб кулиб келди-ю, ҳовлисига кира солиб, ўзини каравотга ташлади.

— Вой, сизга нима бўлди?— деди ранги ўчиб Сунбулхон ая.

Салимхон индамади.

— Касалмисиз?

— Ундан ҳам баттар...

— Мен ўлай, нима гап?

— Улар ютиб чиқшди.

— Уларингиз ким?

— Каримовлар, Содиқовлар... Уларнинг одами борга ўхшайди.

— Э, қўйинг!— деди Сунбулхон ая эрига далда бериб,— мен бошқа нарсами дебман.

— Бундан ёмон яна нима бўлиши мумкин?

— Шукур қилинг, хўжам, худо ёмон кунларни кўрсатмасин! Одамнинг боши — облонинг тоши... Мен бир ёмон нарса бўлибдими деб ўйлабман... Энди Каримови чиқибдими!.. Худо кўтарсин ўшаларни! Қўяверинг, сиз хор бўлмайдиган одамсиз, ётиб есангиз ўлгунингизча етадиган мулкимиз бор. Бўйнимдаги мана бу дур ётиб есак беш йилга етади. Э-ҳа-а-а...

— Мани қулатишди. Ёки Москвага ёзсаммикан?

— Қўйинг, хўжам, улар билан олишманг.

— Обрўйим тушиб кетди-да.

— Ҳамма нарсанинг отаси ҳам, онаси ҳам пул. Обрўйингизни бир кунда тўғрилаймиз. Ушалар вақиллаганча қолаверишади.

— Латта ҳўллаб олиб кел, муздек бўлсин!

Сунбулхон ая рўмолчасини сувга тикиб олиб келиб, Салимхоннинг пешонасига қўйди.

— Душга тушиб чиқинг, энгил тортасиз.

— Ҳеч нарса қилгим келмаяпти.

— Овқат ейсизми?

— Йўқ,— деди чап томонга ағанаб,— анави ифлос ҳам ичида тоза кулди-да...

— Кулмай кул бўлсин илойим! Сиз қайда-ю у қайда! Ҳали сиздек бўладими, бўлмайдими, худо биллади! Бир хум сингунча қанча хумча синади. Сизга қасд қилган бўлса, ўзи паст бўлсин! Илоҳим етказсин!— У икки муштуми орқасини тиззасига босиб, бармоқларини шиқирлатди.

— Нима қилиш керак?

— Лаббай?

— Сенинг фикрингча, энди нима қилмоғимиз керак?

— Меҳмон чақирамиз. Ушаларни яккалатиб, ҳамма ошна-оғайнилариңизни чақирамиз. Ушаларнинг душманларини битта қўймай чақиринг. Қўлга оламиз. Узларини яккамохов қилиб, куйдирамиз. Юзта «сиз-биз...» дан битта «жиз-биз...» яхши.

— Бу фикринг маъқул,— деди пешонасидаги ҳўл латтани олиб ташлаб Салимхон Обидий.

Эртасидан бошлаб, ҳовлини, яқинда бўёқдан чиққан хоналарни тартибга солиб, катта меҳмондорчилик — базми жамшидга тайёргарлик кўрила бошланди. Салимхон Обидий бу йил уйларини қимматбаҳо заррин бўёқларга бўятиб, хоналарни тўрт рангга бўяб, тўрт фасл яратган эдилар. Бир хона яшил — бу эса баҳор демак, бир хона сариқ — бу ёз, яна бир хона олтин ранг — куз, бир хона кўк — бу қиш демак. Жанна ўз хоналарида уч бурчак чизиқларни кўпайтирган — бу замонавий эмиш. Сунбулхон ая ирим қилиб, охура тарновлардан бирининг тепасига ту누ка ҳўроз ҳам қўйдирди — қадим бойларнинг ҳовлисида шундай белгилар бўларди. Ахир у ҳам «таги кўрган» оиладан чиққан.

Отасининг мағлубиятидан хабари йўқ Жанна овқат тепасида, иттифоқо тўлқинланиб гапириб қолди. Бир зиёфатда у Ҳафизани кўрганини, у Жаннани пайқамай ўтирганини, ҳатто у билан кийим ҳақида суҳбатлашганини ҳам айтди. Ҳафиза анча маданиятсиз, қолоқ қиз эканлигини — қандай қилиб апельсинни арчишни ва уни ейишни билмаганини, «Агар апельсин арчиб бермаганимда олмага ўхшатиб еярмиди,— деди кулиб. Сунбулхон ая қизининг сўзига қотиб қолди. «Рюмка билан фужерани билмас экан», деди Жанна жуда катта хато топиб, «шу замонда рюмка билан фужерани ажратолмаган инсонни нима дейиш мумкин?!» Тишини ковлаганда иккинчи қўли билан оғзини бекитмади, унинг устига йўталиши ҳам хунук. Мен буни ўрганиб олиш учун бир ой машқ қилган эдим». У лабларини қувача қилиб, икки марта секин йўталиб қўйди. Бу — маданиятли, юқори оилалардан чиққан қизларнинг йўталиши эмиш. Ҳафиза ўтирганида этакларини кўтариб ҳам ўтирмас эмиш. Мен бўлсам, мана бундай ўтираман, деб яна онасига мақтанди Жанна. Аммо шу лаҳза уруғларидаги бир кампир Жаннанинг муздек цементга ўтирганида, кўрпача солиб бериб айтган гапи хаёлига тушди: «О-о-о, қизим, захга ўтирманг, бефарзанд бўлиб қоласиз. Битта боланинг тирноғига зор бўлиб ўтиб кетаётганларни биламиз». Уша кампирнинг гапида жон бормикан, дарҳақиқат, Жанна негадир туғмайдиган бўлиб қолган эди. Бундан ҳозирча у бепарво ва ҳатто шундай бўлгани яхши деб юргани билан Сунбулхон ая баъзи-баъзида ўйлаб, хўрсиниб қўярди. Ота дастурхон ёнига келгач, Жанна онаси билан бир-икки шивирлашди-да, кейин жаврашини тўхтатиб, овқат еди. Отасининг ташвишидан ҳам андак хабардор бўлди.

Шанба куни профессор Салимхон Обидий уйи меҳмонларга тўлди, бунда Шукур Каримович, Елена Владимировна, Умиддан бўлак ҳамма бор эди. Таклиф қилинган бўлса ҳам негадир академик Отабоев келмади. Зиёфатда Салимхон Обидий шаънига ажойиб сўзлар айтиш авжга чиқди. Селекциячилар бир ёқда қолиб, маст Шолғом махсум Салимхонни тоза мақтади. Зиёфат деярли мажлисга айланиб кетди. Ичимликлар сувдай оқди...

1966 йил, 26 апрелнинг тонготари...

Қотиб ухлаб ётган Умидни сим қаравот ерга итқитиб ташлади, у кўзини очиб, нима бўлаётганига туншунмасди. Болохона бешикдек у ёқдан-бу ёққа бориб келар, токча ва столи устидаги китоблари бошига сочиларди. Кўча томондаги дераза ойналари ҳам чарс-чарс синар, қайиқда ўтиргандек таги лопиллаб чайқаларди..

Бу нима ўзи?

Итлар вовиллар, сигирлар маърар, шаҳарнинг шимол томонида аллақандай ёруғлик лоп этиб ўчди.

Умид гандираклаб, ўридан турганида қийшиқ болохонанинг у ёқдан-бу ёққа бориб келиши, ернинг лопиллаши тўхтаган эди. Аммо ҳужра ичи ниҳоятда чанг,ҳамма ёққа кесаклар, сомонли сувоқ парчалари сочилган эди. Умид ҳозир ташлаб юборади деб турган болохона деразаси ёнига келиб шаҳарга қаради, шаҳар қий-чув... Шарқ осмони аста-секин ёришарди.

Умид лопиллайдиган зинадан тушиб, югурганича кўчага чиқди, эндигина эшигини очиб чиқаётган Чўтир холани кўрди.

— Омонмисиз, болам, худо бир асради-я!

— Ўзингиз омонмисиз, қолажон?

— Ер қимирлади,— деди Чўтир хола йўлкага чиқиб. У кўзларини ола-кула қилиб атрофга қарарди,— хайрият, сизнинг болохонангиз қуламабди. Бир нарса гумбурлади, юрагим қинидан чиқиб кетаёзди.

— Ана!— деди Умид нарироқда қулаб ётган деворни кўрсатиб,— девор қулабди.

— Ёмон бўлди, болам, — деди у қийшайиб қолган рўмолини тўғирлаб,— жуда ёмон бўлди. Бу — зилзила.

Умид оёқ яланг жин кўчани айланиб чиқди, ҳамма кўчага чиққан эди. У яна эшиги ёнига келди-да, болохонасига қаради, илгари қийшайиб турадиган болохона тўғриланиб қолгандай кўринди. У ичкарига кириб кетаётган эди, Чўтир хола тўхтади:

— Болам, кирманг! Яна қайтиши ҳам бўлади.

— Менимча, «қайтиши» ҳам ичида бўлди. Ботинкамни олиб чиқай.

— Оёғингиздан зах ўтиб кетди. Менинг кавушимни кия қолинг-да. Уйга кириш ҳозир тўғри эмас.

Бу пайт Умид аллақачон ичкарига кириб кетган эди. У киришда оҳиста у ёқ-бу ёққа қараб киргани билан, чиқишда мушукдек эпчиллик билан зинапойлардан тушди. Чўтир холага «ҳозир келаман» деганча, тонг қоронғисида кўчага чиқиб, саккизинчи трамвай охири — Оқлон томонга югурди. Йўл-йўлакай қулаган деворлар, учиб кетган мўрилар, тўпланган одамларга боқди. Ора-чора қичқириб-бақириб ўтиб кетган «тез ёрдам» машиналарига ҳам тўғри келди. Маҳалла кўчаларида одамлар тўпланган, симёғочлар қийшайиб, баъзи ерларда электр, телефон симлари узилиб, чуваллашиб ётарди.

Умид ўпкасини қўлтиқлаб ҳаллослаб югурганича борарди, унинг бевақт кўчада чошиб бораётганини кўрган одамлар ҳайратланмас, дарҳол фаҳмлар — бечора янги шаҳарда турса керак, онасиними, отасиними, ҳолидан хабар олгани кетяпти... Ҳа, Умид қадрдон кишисидан хабар олгани кетяпти! Унинг учун ёруғ дунёда шу кимсадан қадрли нарса йўқ, у фақат шу инсон ёруғ дунёда яшаб тургани учун ҳам бағри бутундек, умрида тамал бордек... Унинг на мушфиқ онаси бор ва на отаси. Баъзан «онам йўқ» дейишга ҳам тили бормайди; кўз олдида ниҳоятда юраги соф Чўтир хола намоён бўларди. Аммо юрагига катта бир хатар тушиб, хавотирланиб, югуриб бераётгани — кишиси ҳаммадан аъло. Уни ҳеч кимсага тенглолмайди, у доно ва гўзал, у ўзи ажойиб бир инсон. Лекин Умид у билан юз кўришолмайди, гаплашолмайди, бундай ҳуқуқдан маҳрум.

Ун беш минутлар орасида Умид Ҳафизалар ҳовлисига етиб борди, узоқдан кўз ташлади. Хайрият, уй қуламабди. Жимжитлик. Деразалар атрофида айланаб юрди — деворлар ёрилган, мўри учиб кетиб, гиштлари тунука томда сочилиб ётибди. Кўчага қараган дераза ойналаридан бири дарз кетибди. Хайрият! Қия очиқ дарвозадан ҳовлига қаради, ҳовли ўртасига ташланган кўрпа-тўшаклар устида кампир буви билан Ҳафиза ўтирибди. Унинг юраги ўйнай бошлади. Қудратжон ариқ бўйида қаққайиб турибди. Умид бир лаҳ-

за қараб турди-да, уларнинг саломатлигини кўргач, ўзини сездирмай яна орқага қайтди. Тонг ёришишга яқин Пичоқчилик маҳалласига — Суқрот домла ҳовлисига етиб келди. Ичкарига кириб, домла билан ҳолаҳвол сўрашди, иморатни айланиб, шикаст еган ерларига қарашди. Суқрот домла азонлаб югуриб келган Умидни кўриб қувонди. Шунча зўрлаганига қарамай, Умид нонуштага қолмай, Тўти бувиникига, ундан тоғасиникига; кечга яқин дўсти Ҳотамникига — Беш-ёғочга югурди. Уни ҳам саломат кўриб, уйига қайтиб келди.

Шу куни Шукур Каримович институтга барвақт келиб, зилзила даҳшатини қоровул билан гаплашиб турган эди. Бугун на телефон, на электр ишлайди.

У ялт этиб Умидга боқди:

— Ҳа, ука, тинчликми?

— Тинчлик.

— Буни қаранг, жуда ёмон бўлди-ку! Эпицентрда кўп уйлар қулабди. Эпицентр — Қашқар маҳалласида экан. Улганлар ҳам бор дейди.

— Еппирай-я! — ҳайратланди қоровул чол.

— Соат ўнларгача бунда бўлсак. Кейин баъзи ходимларимиз уйига бориб келсак. Чолдан, Ақром Стабоевичдан хабар олдим, тинчлик. Елена Владимировнани кутайлик, у киши келгандан кейин кетамиз.

Умид «хўп бўлади» дегандай бош чайқади.

Соат ўнларга бориб ер яна бир силкинди, бу беш-олти балл эди. Одамлар уйга киришга қўрқиб, ҳовлиларда, очиқ майдонларда ўтиришарди. Шукур Каримович, партком Елена Владимировна ва Умид машинага ўтириб, институт ходимлари уйларига жўнашди. Аввало профессор Салимхон Обидий ҳовлисига боришди — бу район эпицентрида эди. Саросимага тушиб, ҳовлида ўтирган Салимхон ўрнидан туриб, улар билан кўришди. Сунбулхон ая билан Жанна бош қимирлатиб қўя қолишди. Хизматкор хотин зир югуриб, чой тайёрларди. У бечора ҳам ошхонага киришга юраги дов бермай, ҳовлида самоварга олов ташларди.

— Бу, нима бўляпти?! — деди Салимхон Шукур Каримовичга қараб, — бу — офат, ҳақиқий офат. Уйимнинг орқаси ташлаб юборди, юринглар, кўринглар!

У одамларни бошлаб ташқари майдонга олиб чиқди. Ун метрдан мўлроқ, катта хоналарининг орқаси ташлаб юбориб, уй кўчага очилиб қолган эди. Йўлбарс териси қоқилган уй тамоман босиб қолган эди.

— Хом гиштнинг аҳволи шунақа,— деди Шукур Каримович,— синч уйлар маҳкам турибди.

— Деворларга қаранг, яқинда бўёқдан чиққан эди. Олти минг кетган эди... Ҳамма деворлар ёрилиб, дабдала бўлди. Деворларга бир қаранг.

Шукур Каримович ёрилиб ётган зар бўёқли деворларга қаради. Пол устида синиб ётган хитой кўралар, биллур идишларга кўз ташлади.

— Буни қаранг, ҳеч нарса қолмади!— деди Салимхон Обидийнинг кўзлари шохсоққадек ўйнаб.

Шукур Каримович ҳам, Елена Владимировна ҳам ачинишди. Дарҳақиқат, деворлар бурчак-бурчагидан қўл сиғадиган бўлиб очилиб, осмон кўриниб қолган эди. Хом гишдан кўтарилган деворларни яна эпақага олиб келиш асло мумкин эмас. Яна бир кучли силкиниш бўлса, тамоман ташлаб юбориши аниқ.

— Юз минг сўм сарфлаган иморатим дабдала бўлди.

— Жонимиз омон қолди, профессор, уйсиз қол-массиз...

— Тўғри,— деди Салимхон Обидий ўзини андак қўлга олиб,— локин ҳукумат тўлармикин! Госстрахга вақтида пул тўлаб турганмиз.

— Ҳа, албатта,— деди Шукур Каримович,— тўлайди, ҳукуматимизнинг халқдан аяйдиган ҳеч нарса-си йўқ.

— Мана шу хитой кўраларни бир ярим минг сўмдан олган эдим.

— Э, аттанг! Жуда ачинаман.

Сунбулхон билан Жанна миқ этмай, ерга қараб ўтиришарди.

— Ташкилот раҳбарларини бугун соат иккида раён ижроия комитетига чақирган,— деди Шукур Каримович,— бугун бир амаллаб турасизлар, эртага палаткалар берилади. Эртага сизга ҳам етказишга ҳаракат қиламиз.

Улар учов хайрлашиб чиқиб кетишди.

Салимхон уларни кузатиб ҳам чиқмади. Жанна билан Сунбулхон ая ҳатто уларнинг «хайр» деганига

жавоб ҳам қилмади. Умиднинг назарида, бу ер қимирлашни ҳам улар қилиб, профессор Салимхон Обидий уйига шикаст етказишгандай бўлди. Уларнинг совуқ муносабатларидан, бу офату бахтсизликни улардан, яъни Шукур Каримович, Умид, Елена Владимировналардан кўргандек бўларди. Улар кўчага чиқиб, бир-бирларига қараб қўйишди.

— Юрт бошига келган офат,— деди Шукур Каримович,— нима, биз қилибмизми? Ёки профессор бир ўзи шундай бўлибдими! Ишдан чиққан уйлар тўлиб ётибди.

— Профессоримизнинг кўзига кўпроқ мол кўриняпти,— деди боядан бери жим юрган Елена Владимировна,— жон эмас. Саломат қолганимизга шукур қилмайдими! Ашхободда одам қирилиб кетган эди. Бизда том босиб ўлганлар уч-тўртта дейишяпти.

— Қайнатангиз шунақа,— деди кулиб Шукур Каримович Умидга.

— Орамиз очиқ бўлган. У киши қайната эмас, профессор Салимхон Обидий.

— Қизларининг димоғига қаранг-а! Ишлайдими?

— Эшитишимча, бир бошқармада секретарь...

Эртасига институтдан бир киши юк машинасида келиб, Салимхон Обидий ҳовлисига палатка ташлаб кетди. Райижрокомнинг топшириғи билан маҳалла комиссиялари хонадонларга палаткалар улаша бошлади, кўчаларда қатор палаткалар қурилди. Шаҳар чеккасида палаткалардан иборат шаҳарча ҳам пайдо бўлди.

Ернинг зириллаши босилмади, баъзан бир кунда уч-тўрт қаттиқ қимирлашлар бўлиб турди.

Кейинги бир ой ичида Салимхон Обидий асосан Госстрахга қатнаш, улар билан фикрлашиш, бир неча бор комиссия талаб қилиб, иморатдан ташқари, синган пиёласигача рўйхатга олдирди. У ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай жанжаллашиб юрибди. Баъзи кунлари хотини, қизи билан машинага ўтириб қаёққадир кетишади. Шаҳарда турли ваҳима гаплар ҳам тарқалиб кетган эди: «Қашқар маҳалласидан ер ёрилиб, вулқон чиқиб кетармиш, Тошкентнинг таги сув, шаҳар тагидан ер узилиб сувга тушаётган эмиш. Кучли гумбурашлар ана ўшандан. Яқин орада ер чўкармиш»...

Ер тинчмай, деярли ҳар куни гумбуралиб уриб турибди.

Тундаги кучли зилзила профессор Салимхон Обидийнинг юраги қолиб, фикру хаёлини ҳам ўйнатиб юборди; у гулзор ўртасидаги қапа ичида ёнбошлаб ётганича, қимир этмай тонг оттирди. Рўпарадаги ой нури тушиб турган панжара гулчин айвонига-ю, биллур қандиллари шовдираб турган хоналарига қарашга ҳам қўрқарди. Гўё у қимирласа яна зилзила бошланадигандай... Жувонмарг бароқ мушукнинг девордан ўта туриб тупроқ тушириб юборгани ҳам юрагини шиғиллатди. Атрофида Жанна билан Сунбулхон ая ухлашар (маҳалладагилар аяни — Ювилархон дейди), дудоғу биллакларида, қулоғу бармоқларида дурри гавҳарлар, олтин безаклар йилтиллаб, бир жаҳон бўлиб уйқу оғушида ётибди. У момақаймоқ хотинига ҳам қиё боқмасди...

Салимхон ваҳшат ичида хаёл суар, кучли вулқон унинг ҳовлиси тагидан уриб, тешиб чиқишга жой қидираётгандай... «Агар у тешиб чиқса нима бўлади?! Тошкентнинг ости сув, деб ота-боболарнинг айтганида бир гап бор, бўлмаса бунчалик ер гумбурлаб қимирлармиди...» деди у ўзига-ўзи. Наҳотки, шаҳарни ер ютса? У қапа ичидан иморатга кўз ташлар, иморат ўқраяр, оёғи остидаги ер асов отдек ҳозироқ Салимхон Обидийни кафтида отиб ташлашга тайёр кўринарди. У илоҳиётга ишонмаса ҳам, мендан нима кетди дегандек, ичида «субҳон обло»ни уч марта ўқиб қўйди.

Салимхон Обидий шу алфозда тонг оттириб, эрта билан янги шоферига машинани тайёрлашни буюрди. Аллақандай зарур ҳужжатларини, омонат дафтарчани рўмолга тугди. Баъзи кийим-кечакларини устма-уст кийиб, қизи, хотинини олиб, ҳеч кимга билдирмай ғува шаҳардан чиқиб кетди. Шофер йигит деразаларга мих уриб, эшикка катта қулф солганини кўчада олазарак бўлиб турган бир хотиндан бўлак маҳаллада ҳеч ким кўрмади ҳам.

Шу куни домланинг шаҳардан чиқиб кетиши маҳалладагиларни ўйлатиб қўйди. Бунинг устига кундуз куни бир неча кишиларнинг унинг ҳовлисига кириб, қулаган, дарз кетган деворларига қарагани ва шундан сўнг уларнинг ғойиб бўлгани нўхатдек васвасани қўқон араванинг ғилдирагидек қилди. Одамлар бир-би-

рига қараб, нима гап дегандек хаёл суришар, ер остидаги ёвуз куч юракларга қўрқинч соларди. Наҳотки, шаҳарни ер ютиб юборса.

Кундузги олти баллик зилзила, иморатларнинг қисир-қисир ваҳимани кучайтирди. Кўзлари ола-кула, симобдек ўйнаган ҳомиладор бир аёл кўча ўртасига чиқиб ўтириб олди — у Салимхон Обидий кетган томонга нажот тилаб тикиларди, қани домла қайтиб келса-ю, уни ҳам ўз машинасида шаҳардан олиб чиқиб кетса... Баъзи кишилар кундузи келган икки одам Салимхон Обидий домла қулоғига бир нима дедилар, деб фараз қилиб, узоқ уруғлариникидан бошпана сўрашни ўйлашди. Агар шаҳар ерга чўкиб кетадиган бўлса, қочиб қолиш керак. Наҳотки, Салимхон Обидий бундай фалокат бўлишини биздан яширган бўлса?! Наҳотки, шундай тушунган одам ўз ҳамшаҳарларининг ер қаърига кириб кетишини истаса-ю, бир оғиз қочиб қолинлар, демаса?! Во ажабо! Жон деган нарса шунча ширинми! Домлаларга ишониб бўлмайдами?!

— Унда бизнинг домлаларнинг қадимги риёкор домлалардан фарқи нима?— деб хуноб бўларди бир кекса пенсионер.

— Ҳой, Сўфи, қўйтикандек ёпишиб, одамларни басвасага солманг,— деди кекса аёл,— бор, ўғлим, ҳомиладор хотинингга қара. Зилзила ўтиб кетади.

Каллапазнинг синглиси келса, дўконини нақшлайди, дейдилар. Маҳалла, кўркам кўча шу куни кечқурун ҳам одатдагидек гавжум, чароғон бўлди. Лекин биттагина Салимхон Обидийнинг уйи қоп-қоронғи, хўмрайиб кимсасиз ётди. Бу кеча зилзила бўлмади, одамлар тинч ухлашди, итлар ҳам вовилламади. Орадан уч кун ўтгач, Салимхон Обидий яна ўша машинасида қайтиб келиб, ҳовлисига кириб кетди. Бир дамдан кейин дарвозаси қорнидан кичик эшикни очиб, бошини чиқарди, кўча тўла бола. Кекса аёл неварасини етаклаб юрибди. Маҳалланинг остун-устин бўлиб кетмаганини кўрди. Оёғи остидаги ерга қаради, ер аллақандай лопиллаётгандай сезилди, қаттиқроқ қадам ташлагани қўрқиб, пошнадор туфлисини ечиб, шиппак кийиб олди. Кўчада ўтиб кетаётган юк машинаси шоферига имо билан дағдаға қилди. «Бугун-эрта ер қаърига кириб кетадиган болаларга ҳайрат билан қаради — унинг чопқир машинаси дарвоза орқасида эгарланган отдай шай турарди...

Салимхон Обидий битта-битта босиб, қўшниси кекса аёл ёнига келди:

— Уйингиз қуламадими, кампир?

— Саломалайкум, домла!— деди аёл кетаётган еридан тўхтаб,— аввал саломлашиб олайлик, эсон-омон-мисиз, болг-чақангиз соғми?..

— Ҳаммаси жойида. Қалай, тинчликми? Дала-палада қариндеш-уруғингиз йўқми? Невараларни олиб Эшонбозоргами, Қонқусгами... чиқиб кетсаларингиз бўлмайдими? Мол-дунё топилади!

— Деразаларни микчаб, ҳовлига ит бойлабми?

— Ҳа, албатта.

— Шаҳримдан чиқиб кетолмайман, айланай. Чиқадиғанлар чиқарверсин. Ҳозир, сизга ўхшаган тушунган одамларнинг наздида ҳеч нима бўлмасам ҳам, илгари Октябрь район депутаты бўлганман. Текстилниг ишчисиман. Одамлар мени сайлаган — одамларни ташлаб қочолмайман. Агар шаҳрим ёрилиб, чўкиб кетадиған бўлса, бирга чўкиб кетаман. Мени бу тупроқдан узиб олиб бўлмайди.

— Оббо-о, мен нима деяпману, сиз нима деяпсиз! Шу маҳалда таржимаи ҳол айтиб, сиёсат сотадиған вақтми, кампир! Эсингизни йиғиб олинг.

— Сиз ўзингиз эсингизни йиғиб олинг, прापесур домла! Васвасага тушиб қолибсиз. Эътиборли одам деб қараб, сизнинг қочишингиздан одамларнинг қапа-лаги учиб кетди. Маҳалламизда бўлмаганингизда, сизни кўрмаганимизда зилзиланинг ваҳшати унчалик бўлмасди.

Шу аснода яна гумбурлаш бўлиб, ер силкинди (беш балл бўлса керак), Салимхон Обидий кампирни ташлаб, зинғиллаганича ҳовлиси томон қочди. «Шерлар ўкиришда чиябўрига эмас, момақалдироққа тахассуф қиладилар», деди кекса аёл домланинг қуён бўлганига қараб туриб. Кейин ҳовлиқиб хотинларга, болаларга қаради:

— Ҳой, хотинлар, қўрқманглар! Кўчанинг ўртароғига келинглар! Ўзингни тутиб ол, ойнониб кетай, нимадан қўрқасан, мана, мен борман-ку! Қуласа том қулар, девор қулар... Ишқилиб, мана бу домлага ўхшаб феълимиз қуламасин. Қўрқманглар, ўтиб кетади!

Бир лаҳзадан сўнг Салимхон Обидий ҳовлисининг катта дарвозаси очилиб, ўша машина кўча чангитиб.

яна ғувва жўнаб қолди. Машина ойналаридан Сунбулхон аянинг олтин сирғалари йилтираб кўриниб кетди.

Йигирма биринчи боб

ЧАНОҚДАГИ ЖАВОҲИР

Умиднинг кўҳна ва бир томонга андак қия болохонасини, лопиллайдиган тахта зинапоясини на ёмғир, на бўрон, на зилзила қулата олди. У ҳамон бош кўтариб турибди. Бу жўн ва кўримсиё бинончнг ўзига хос мағрурлиги ҳам бор. Бу маскан Умқчнинг шодлигини ҳам, кулфатини ҳам, муҳаббатини ҳам кўрган. У қорамағиз, чайир йигит билан қадрдонлачиб кетган. Йиллар ўтди... Шу ҳужрада Умид ўз илмий ышиқч беш топқир қайта ишлади, олтинчи бор Шукур Каримович маслаҳати билан илмий советга қўйди. Бу сафар институт зали илмий ходимлар билан тўлди. «Чигитга гамма нурлари бериш вильтга қарши курашдаги асосий омиллардан бири...» деган мавзу ҳаммани қизиқтирарди. Умиднинг диссертация ёқлашига Сергей Степанович Канаш билан Икром Отабоевлар ҳам келган эди. Анча озиб, бағбақалари шалвираб қолган Салимхон Обидий ҳам залда ўтирарди. Аллақаерда у душман деб юрган кишилари дўст бўлиб чиққанини айтибди...

Умиднинг йигирма минут атрофидаги ҳимоя сўзидан кейин оппонентлар сўзлади. Охирида минбарга чиққан академик Отабоев ҳаяжонланиб, андак Самарқанд талаффузида гапирди. У қўлида тўлиб-тошиб турган ғўза чаноғини олиб, йиғилганларга кўрсатди: «Вильт бу навга яқинлаша олмайди. Бу ҳозирги энг яхши нав, селекциячилигимизнинг муваффақиятларидан бири! Мен, кекса селекциячи сифатида ёш укамни муваффақият билан табриклайман! Қаранглар, ахир бу чаноқдаги жавоҳир-ку!»

Шу кунни Умиднинг қишлоқ хўжалик фанлари кандидати даражаси олиш учун берилган яширин овоз натижаси эълон қилинди. Унга юз фоиз овоз берилибди. Умиднинг дўстлари чин юракдан табриклашди. Ҳаммадан аввал уни Шукур Каримович қучоқлаб ўпди.

Бу — Умиднинг ҳаётидаги дастлабки галаба эди.

Газета Умиднинг муваффақиятли диссертация ёқлаганлигини айтиб, фотосурати билан ихчамгина хабар босди.

Касал ётган Суқрот домла бу хушхабарни эшитиб, почта орқали хат ёзиб юборибди, «Азизим Умиджон, сиз мени жуда хурсанд қилдингиз. Бир куни шундай бўлишини билардим. Сўнгги орзуйим ҳам рўёбга чиқди. Чин юракдан табриклайман! Доимо соғ бўлинг, отангиз Муҳаммаджон — Суқрот».

Домланинг почта орқали юборган хатлари нариги маҳалладан бериги маҳаллагача уч кунда етиб келди. Хатни очиб ўқиган ҳамоно Умид домланикига югурди. У Пичоқчилик маҳалласига кириб, жин кўчага бурилиши билан, домла эшиги олдида одамларнинг қатор қўл қовуштириб турганини кўрди. Юраги орқасига тортиб кетди.

— Нима гап? — У рўпара келган йигитчадан сўради.

— Домла эрта билан қазо қилдилар.

— Муҳаммаджон домлани айтяпсизми?! Суқрот домланими?!

— Ҳа.

— Ё, товба! Бу қанақа гап! Мана менга ёзган хатлари.

— Қазойи муаллақ бир нима деёлмаймиз, ака.

Умид қатор одамлар олдидан ўтиб, ҳовлига кирганида Суқрот домланинг тобути олиб чиқилаётган эди.

Умид то қабристонгача Суқрот домла тобутини елкасига бир неча бор олди. Қабристонда, бир чеккада ўтириб, ўпкаси тўлиб йиғлади. Унча-мунча гапга йиғламайдиган Умид, янтоқ, чақиртиканақлар ёнида чўққайиб ўтириб хўнг-хўнг йиғларди...

* * *

Институтга, Умид номига Фаргонадан икки телеграмма келди. Унда обком секретари Содиқов ўсиб келётган ёш олимни муваффақият билан диссертация ёқлаганини табриклайди ва келгуси илмий ишларида омад тилайди. Иккинчи телеграммани Қўшчи бобо йўллаган эди.

Кейинчалик шаҳар марказидаги янги битган бинолардан Умидга икки хонали квартира ҳам берилди. Умид ғоятда хурсанд, ордери олган кунийёқ, дарров кўчиб келди.

Кунлардан бир кун Умид кўнглига кўпдан тугиб юрган ишни қилишга киришди; янги маҳси-калиш, кексалар ҳам кийса бўладиган иссиқ жемперни қоғозга ўраб, эрта билан туғилиб ўсган ҳовлисига — ўгай онаси Фотима опа ёнига келди. Каттагина ҳовли четидаги бир уй, айвонда у ёлғиз ўзи истиқомат қиларди. Ҳовлининг нариги томонидаги икки хонада Фотиманинг синглиси бола-чақалари билан туришарди. Фотима опа эшикдан кириб келаётган Умидни кўриб, аввал ағрайиб қолди. Кейин қоғозини солиб ерга қаради. Кўрпача устида хуррак тортиб ўтирган катта оламушук ҳам ялт этиб бегона одамга қаради. У чақчайганича турди-да, бир лаҳзадан сўнг меҳмон ёқмагандай, сим каравот тагига кириб кетди.

— Салом алайкум, опа!— деди Умид айвоннинг гишти ўйнаб ётган зинасига оёқ қўяркан. У зинага кўтарилиб, ботинкаси тагини нам латтага артиб, Фотимага елкасини тутди. Нима қилишини билмай каловланиб қолган Фотима бенхтиёр Умид елкасига қўл узатиб, қоқди. «Келинг», деди «сизлаб». Шу лаҳзанинг ўзидаёқ, у кўрпачани кўрсатиб, ўтиришга таклиф қилди. Умид ўтирди. Фотима ҳам Умид рўпарасига — кўрпачага ўтириб, юзига фотиҳа тортиди:

— Қалай, аҳволларинг яхшими?

— Яхши,— деди Умид ердан кўзини олиб,— мана бу калиш-маҳсини сизга олиб келувдим.

— Раҳмат. Мени йўқлаб келган бўлсанг, сени худо йўқласин. Барака топгин...

— Мана бу жемперни ҳам сизга олиб қўйган эдим. Ишлар кўпайиб кетиб, ҳолингиздан хабар ололмадим.

— Мен ўзим ҳам...— деди Фотима ерга қараб. Бир лаҳзадан сўнг бошини кўтарди,— мани онам деб йўқлаб келганинг учун раҳмат! Тушунаман... Узр айтмансанг ҳам бўлади. Раҳмат, болам!

Фотима кўзига ёш олиб, ҳовлига чиқиб кетди. У шоша-пиша дастурхон ёзиб, чой олиб кирди. Фотиманинг синглиси ҳам кириб, Умид билан кўришди. Умид бир соатча ўтириб, шундан сўнг ўгай онаси, холаси билан

хайр-хўшлашиб, чиқиб кетди. Ташқарида «ишлатиб турарсиз...»деб онасига йигирма беш сўм пул ҳам берди. Фотима уни яна дуо қилди...

Биринчи учрашув мана шундай, кимнингдир таъбирича, совиган ошдек бўлди.

Орадан икки ҳафтача ўтгач, Умид яна жиндак совға-салом кўтариб, онасини кўргани борди. Бу гал Фотима опа Умиднинг келиб кетиши астойдил эканини, унга бир ўгай деб қарамай, уни келиб кўрса раҳматлик адаси билан онасини кўргандай бўлаётганини пайқаб, кўнгли бўшашди. Қўярда-қўймай, ош дамлаб келди.

Хижолатбозликнинг аччиқ ғубори юракдан бир қадар тарқалгани она-болани бир-бирига аста-секин яқинлаштира бошлади. Умид янги квартира олгани, ишлари ҳам ёмон эмаслигини айтиб, Фотимани ўзи билан туришга чақирди. Квартирасини мақтаб, онани олиб кетишга, агар зеркиб қолгудай бўлса, бу томонга ҳам келиб тура беришини айтди. Фотима яқин кунларда албатта бориб кўришини, аммо маҳалладан ажраб кетмаслигини, қариндош-уруғлари, тобуткашлари бунда эканлигини тушунтириб, уни шунчалик эъозлаб, онам деб чақираётгани учун Умидга миннатдорчилик билдирди. Дуо қилди. Ўқиган кишининг фикри очиқ, сермеҳр бўлишини, ўз жигарларини бир куни эмас, бир кун ақл билан топиб олишлигини қайта-қайта гапирди. Тушунган, ўқиган одамларнинг жамийкисини ҳам дуо қиларди.

Ун кунча ўтказиб, Фотима опа Умид квартирасига меҳмон бўлиб келди. У қизил духоба халтачага солиб сақлагани — отасининг «II даражали Ватан уруши» ордени билан медалини Умидга топширди:

— Болам, мана шу орден тилладан ҳам, брильянтдан ҳам қиммат. Бу — раҳматлик отангники. Йигирма йил асрадим, энди уни ўзингга топшираман.

Умид отасининг орденини қўлига олиб, тикилиб туриб кўнгли бузилди... Буни Фотима опа сезиб қолди.

— Раҳмат! — деди Умид болалигида кўрган икки олий мукофотга тикилиб.

Шундай қилиб, улар қош қорайгунча гаплашиб ўтиришди. Кечга яқин Умид онасини таксига ўтқа-

зиб, Эски шаҳарга жўнади. «Она-бола топишар, ётга бало ёпишар!»— деди гап ичида Фотима опа Сунбулхон аяга текказиб. Шу пайтдан бошлаб Умид онаси ёнига тез-тез бориб турар, Фотима опа ҳам Умидни бир ой кўрмай қолса, энтикиб келадиган бўлиб қолди.

Кунлардан бир кун яна гумбурлаб ер тебранди. Даҳшатли дев-ёвуз куч, ҳали мен тинчиганим йўқ, ҳали мен борман, дегандек дағдаға соларди. Радио олти-етти бал деди. Янги уйда ётган Умид яна зингиллаганича Эски шаҳарга, онаси ёнига, ундан сўнг Чўтир холаникига чопди. Уларнинг соғ-саломатлиги, ўзининг эзгу болохонаси ҳам қийшайганича турганини кўриб, юраги тинчиди. «Ўзим ҳам келасиз деб ўйлаган эдим, болам, илоё менинг ёшимдан ҳам ошинг, бахтингизни топинг. Раҳмат», деди Чўтир хола яна.

Шу ой ичи биология фанлари доктори Шукур Каримович Республика Фанлар Академиясига мухбир аъзо бўлиб сайланди. Умид югурганича Шукур Каримович ҳовлисига борди. Хурсандчилик, зиёфат...

Умид таажжубланарди, бир хурсандчилик, бир нохушлик... Ҳаёт шунақами! У ўз шодлигу ташвишлари билан қаттиқ банд бўлиб, ўралашиб юрган кунларида, бу ғала-ғовур ичидан ниҳоятда нозик, унинг таъбирича, най садосига ўхшаш бир товуш узоқдан унга эшитилиб кетди. У ғала-ғовурларни бир томонга йиғиштириб, ўша садони жон-жаҳди билан тингламоқчи бўлди. Бутун вужудини қулоқ қилиб тингламоқчи бўлди. Лекин у майин садо шов-шувлар орасида яна йўқолиб кетди.

Умид жуда ачинди, у негадир ўша куйни яна бир карра эшитгиси келарди. Ёки бу тушми? Йўқ, туш эмас. У майин куй ҳақиқатан ҳам қулоғига эшитилди. Унинг оҳангини ҳам билади, шундоқ тилининг учида турибди... Эҳ, яна бир марта у куй қулоғига эшитилса экан.

Умид девордаги Ҳафизанинг суратига тикилди.

* * *

Кунлардан бир кун янги ва шинам квартирасида ўз ишларидан қониққандай масрур ётган Умид ўқиёт-

ган китобини ёпди-да, кўчага чиқди. Дўкондан бир пачка сигарета олиб, уйдан унча узоқ бўлмаган зоопаркка йўл олди. У антиқа жониворларни, кучли йиртқич ҳайвонларни томоша қилишни ёқтирарди. Ёшлигида раҳматлик адаси ҳам бу ерга кўп олиб келарди. Бунинг устига ўтган кунги газетада Тошкент ҳайвонот боғига Африкадан катта питон-илон келди деган хабар уни ўша томон тортди.

Умид сигарета чекиб ҳайвонот боғида айланиб юрди. Бир муддатдан кейин арғимчоқ учаётган маймунлар олдида ағрайиб, томоша қилиб турди. Шу лаҳза бунда, ёнгинасида турган, устидаги хонатлас кўйлаги офтобда ял-ял ёниб турган жувон Умидга бир қараб қўйди-да, икки қадамча олдинда бир яшарли дўмбоқ ўғлини кўтариб олган йигит кетидан кетаверди. Умидга бу чеҳра танишдек кўринди. Юраги орзиқиб тушди. Таажжубланиб, ким экан у дегандек, ўша жувон орқасидан тикилиб қараб турди. Атлас кўйлакли жувон йигирма қадамча нарига боргач, яна орқасига бир қараб қўйди. Шундан сўнг, эрига етиб бориб, ўғилчасини эркалади.

У — Ҳафиза...

Умиднинг бирдан кўзи тиниб, олам қоронғилаша бошлади. Ер ҳам кемадек чайқалиб, оз бўлмаса турган жойида йиқилиб тушай деди. У ўз кўзларига ишонмай, атлас кўйлакли жувон орқасидан борди, улар пастликда, оқ айиқлар чўмилаётган цемент ҳовуз бўйига боришди. Умид ҳам уларга яқин борди, ҳа, у — Ҳафиза...

Орқасидан келаётганини, ҳозир унинг ёнига келиб турганини боядан бери пайқаб турган Ҳафиза қайрилиб Умидга боқди-да, бош қимирлатиб салом берди. Умид ҳам унга жавоб қилди. Шундан сўнг улар эр-хотин кийиклар ётган томонга юришди. Йўл-йўлакай Ҳафиза эрининг сўровига қисқагина жавоб қилди.

Вассалом!

Умид оқ айиқлар ёнидан жилмади, у шу ерда қолди. У жонсиз мурда эди. У қандай қилиб боғдан чиқиб, уйга келганини билмади.

Шу куни у Ҳотамни қидирди. Ҳотам йўқ. Юрагидаги аламни кимга айтса экан? Ҳеч ким йўқ. Унинг бағри лов-лов ёна бошлади. Бу дардга даво йўқ. Ёна-

ётган бағрини қандай қилиб совутса экан?! Ҳеч совутиб бўлмади! Девордан Ҳафизанинг суратини олиб бурдаласинми? Йўқ, бу сурат илгари неча бор бурдаланган, уни ўз жойига қоқиб қўй, нодон Умид, деди ўзига-ўзи. Бировнинг хотинининг суратини осиб қўйиш қандоқ бўлди? Йўқ, у бировнинг хотини эмас, сенинг Ҳафизанг! Сен бошқа Ҳафизани кўрдинг, сенинг Ҳафизанг бошқа, у Тошкент медицина институтида ўқийди. У сени ташлаб, эрга тегиб кетиши ҳеч мумкин эмас! Нега? Сен ўзинг бевафолик қилдинг-ку?! Йўқ, мен ҳаётда янглишдим, хато қилдим. Қонни қон билан ювмайдилар. Хатони бир сафар кечирадилар, аммо муҳаббат жуда ноёб нарса, бу йўлдаги хатони ҳеч кечириб бўлмади!

* * *

Умид бетоб ётарди.

Тонготарга яқин бир гумбирлаб, ер силкингандай бўлди. Чўчиб уйғониб кетган Умид иситмада алаҳсираб, кўчага чиқди. Машина тўхтатиб, Оқлонга борди. Ҳафизалар ҳовлиси атрофида айланиб юрди. Ариқ четида челақ кўтариб турган кампир Умидни ақлдан озибди хаёл қилиб, секин елкасини қоқди:

— Ҳай болам, сиз Умиджон бўлсангиз керак-а?

— Ҳа, шундай.

— Баъзан-баъзан келиб ҳовлимиз атрофида юрасиз. Мен буни анча вақтдан бери сезиб юрибман... Қизимиз турмушга чиқиб кетди. Тақдир экан, қандай қилайлик.

Умид индамади. Бир лаҳзадан кейин ҳуши ўзига келгандек бўлиб, «хайр, бувижон!» деди-да, орқасига қайтди. Уйга келиб қўшнисини орқали врач чақиртирди. Иссиғи ўтгиз тўққиз эди.

Орадан бир ойча ўтгач, Умиднинг телбасифат бўлиб, ҳовлиси атрофида айланиб юрганини ва илгари ер қимирлаш пайтларида ҳам ҳар тонг шу атрофда айланганини кўрган кампир буви Ҳафизага айтиб берган бўлса керак, бир кун Ҳафиза Селекция илмий-тадқиқот институтига бориб, Умидни чақиртирди. Улар

коридорда учрашиб, битта-битта юриб ташқарига чиқишди.

— Мен сизнинг муваффақиятингиздан қувонаман,— деди Ҳафиза Умидга,— менинг укам бор, акам йўқ. Сиз менга қадрдон акасиз. Сиз жуда яхши инсонсиз, гапимга ишонаверинг. Мен сизни ҳеч қачон унутмайман. Лекин тақдир шундай экан...

— Уйимда, деворда сизнинг суратингиз ҳамма вақт осиглиқ турарди,— деди Умид,— у суратни ўзингиз менга берган эдингиз. Уша сурат бундан бун ҳам уйимда туришига рухсат беринг.

Ҳафиза бош қимирлатиб, «хўп» деди.

— Хайр, Умид ака,— Ҳафиза қўл узатди.

— Хайр.

Ҳафиза жўнаб кетди. У тўлишиб, ниҳоятда чиройли бўлиб кетган эди. Лаб остидаги холи ҳам кулиб турарди. У тантилиқ қилиб, тақдирга тан бермоқ керак, деб Умид юрагидаги, оташга сув селиб, ўчириб кетмоқчи бўлди. Аммо бунинг акси бўлди — секин тутаб ёнаётган оташ яна аланга олиб кетди...

Орадан уч йил ўтди. Бу йил ичида бирон кун бўлмадики, Умид Ҳафизани, Ҳафиза Умидни эсламаган бўлсин. Бирон газетадами, журналдами Умид номи учраса, Ҳафиза дарҳол диққат билан ўқиб чиқарди. Ҳатто селекцияга доир мақолаларга ҳам тикилиб, улар ичидан Умид деган номни қидирарди. Ҳатто Умид янги уйга, маҳалласидаги Чўтир холани кўчириб келганини ҳам, Умиднинг чет элга борганини ҳам, ҳамма-ҳаммасини биларди.

Яна бир йилдан сўнг Ҳафиза эрта билан Умид уйига келди:

— Мен ортиқ чидаб туролмайман, илтимос қиламан, Умид ака, уйланинг,— деди Ҳафиза Умид кўзларига тикилиб йиғлаб.

— Яна бошқатдан, бошқа бир одамни севиш учун қудратим етмайди, мен ўла-ўлгунимча ўша муҳаббатим билан яшайман, менга шу маъқул,— деди Умид Ҳафизага боқиб.

Улар бир муддат бир-бирларига тикилиб, кейин ажралишди.

Ҳафизани кўргани, у билан гаплашганидан хурсанд бўлиб дили ёришган Умид Чўтир хола (у ҳозир

«ойи» дейди) маслаҳати билан Эски шаҳарга — Тўти бувини кўргани борди. Йўл-йўлакай бозорга кириб бувига кийимлик, пашмак, ҳолва олди. Умидни кўриб чақнаб кетган Тўти буви яна одатдагидек билган сўзларини айтиб дуо қилди: «Битта бошинг иккита бўлсин, тўйингни кўрай, деб илҳақ ётибман, болам. Тўйингни кўрмагунча, юра бераман. Илоҳим сенга ҳам ақлли-ҳушли хотин учраб, қўша қаринглар, облоҳу акбар!»

Умид чинор умрини кўраётган Тўти буви рўпарасида ўтириб, ўйга толди. Яна унинг кўз олдида Ҳафиза пайдо бўлди...

1967—1969, Тошкент.

ДЕГРЕЗ ЎҒЛИ

Роман



БИРИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб

ИЛОН ЧАҚҚАН ОДАМ

Оғир кунларда киши ёрқин дамларини эслайди, бу — инсон табиатидаги азалий бир ҳол. Муҳаббат ҳам шундай: инсон ўзи учун ниҳоятда қадрли бўлган кишисини сўнгги дамларгача унутмайди, ширин кечмишларсиз умр мазмунли бўлолмаганидек, ҳар бир кимсанинг ўзига яраша унутилмас онлари бор.

Баъзан бунинг акси...

Мана, ҳувиллаган бўм-бўш хоналарнинг бирида, қуруқ полга ташланган эскигина беқасам кўрпача устида Арслон ётибди. У қирқ ёшлардан ошган, қиррабурун, қоши қуюқ, қотмадан келган. Хаёлот ичида шифтга бақрайди. Унг томонида бир-икки газета сочилиб, пиёлада чойи ҳам совиб қолибди. Хонага қамалиб қолган бир йўлпашша тинмай ўзини дераза ойналарига уради, синдириб, чиқиб кетаман, дегандек гингиллайди, шу кичик макруҳнинг шовқину дағдағаси ҳам унинг асабига ларза соларди. Пашша баъзан хона ичида чарх урар, полда кафтини боши орқасига қўйиб, чалқанча ётган одамни кузатаётгандай бўлар эди... Тавба, шу ҳам уни таъқиб қиляптими? Бир қопқаси жиндак очилиб қолган гардероб ичидан анқиётган нафталин ҳиди ҳам асабини қўзғарди. Хона ўртасидаги стол устида ярим буханка нон, тунука чойнак, алюмин қошиқ, уч-тўрт чақмоқ қанд сочилиб ётибди. Учиб юрган пашшанинг қандга қўнганини кўрган Арслон дарҳол бошини кўтариб, ёнидаги газетани буклади. Эрталабдан бери гашини келтираётган бу ярамасни дераза ойнасига қўниб турганида уриб туширди. Гўё кўнгли таскин топгандай бўлди, яна кўрпачага чўзилди. «Ботмон дард» анча енгиллашгандай бўлди-ю, бироқ ёстиққа бошини қўйиши билан яна

қора булутлар тўрт томондан қуршаб келиб, дилини хуфтон қилди. Туриб ўтирсамикан? Унинг тургиси келмади, у илгаригидек чалқанча ётаверди. Шу лаҳза онасининг гапи ёдига тушди; қачонлардир ғам-алам бошига тушиб, хаёл билан боғидан келаётганида, худди шу Қўрғонтегида, йўлда хас-чўпларга ўхшаган бир нима уюлиб ётганини кўрган эмиш. Онаси эгилиб, ердан ўша хас-чўпларни олибди-да, бошидан ошириб орқасига итқитиб юборибди. Шундан сўнг бир лаҳзада бошини чулғаб ётган тубсиз ташвишлар йўқолиб, кўнгли ёришибди... Унинг ҳам йўлида хас-чўплар уюми ётгандай. Э, хас-чўплар бўлса майли эди-я, унинг йўлида ўтиб бўлмас Кўҳи Қоф бордек туюлди. Унинг алами зўр, рўпарасида ҳаёт-мамот масаласи турибди. Қани энди, у ҳам ўша Қўрғонтегига чиқса-ю, уюлиб ётган «хас-чўплар»ни олиб, бошидан итқитиб юборса. Бунинг ҳеч иложи йўқ! Орқа мияси қизиб ачишди, чап ёнига ағдарилди. Юрагига оғирлиқ тушиб, санча бошлагач, бир дамдан кейин ўнг ёнига ағдарилди. Аллақандай бир нарса томоғидан бўғиб, нафаси қайтаётгандай бўларди. У ўрнидан туриб бориб деразаларни очиб келар, стол устидаги «Беломор»дан бирини лабига қўндириб чекар, яна одатдагидек чалқанча ётиб олар эди... Баъзан уни даҳшатли бир илон ўраб олиб, бўғаётгандек бўларди. У ҳолдан кетгани сари совуқ илон яна ҳам қаттиқроқ бўгарди. У яна ўйга толарди; эҳтимол бу алам, илон эмасдир? Аммо унинг тўлганиб, андуҳ тортиши — илон чаққан кишига ўхшайди. Балки уни илон чаққандир? Мана уч ойдан зиёд хонанишин бўлиб, кўксини ерга бериб ётибди. Йўқ, бу илон чаққандан ёмон! Кошкийди уни илонми, чаёнми чаққан бўлса-ю, оҳ-воҳ қилиб, дори-дармондан тузалиб кетса. Кошки шундай бўлса. Йўқ унинг дарди оғир!

Ташқарида бир нима гурсиллаб тушди-да, боланинг чирқираб йиғлаган овози эшитилди. У ётган еридан сапчиб туриб, эшик очди. Сая юқорида, учинчи қават зинасида яна Бобир йиғлаб ётарди. У болани кўтариб олиб, овута бошлади. Унинг танини ўраб олган катта «илон» бир зумда ғойиб бўлди. У Бобирни кўтариб, уйига олиб кирди — хоналарни айлантириб, болани йиғидан чалғитди. Стол устидаги қандан бир чақмоғини унга тутди, нариги хонадаги ёзув столи

ғаладонини очиб, алланарса излади. Ҳеч нима тополмагач, сиёхдон қопқоғини қўнғироқ қилиб чала бошлади. Бу уйда болалар учун қизиқарли ҳеч нима йўқлигини, унинг йиғламаслиги учун «амати»си чора излаётганини бақрайиб кузатиб турган Бобир йиғидан тинди. У қўллари билан пешанасини кўрсатди. Дарҳақиқат пешанаси ғурра бўлибди. «Амати» унинг пешанасидан икки-уч ўпиб қўйди. Шундан сўнг яна зинапояга чиқиб, Бобир йиқилган ерни бир-икки тепиб, «хаҳ саними!» деб дўқ урди. Бу ишлар кичик Бобирга жуда ёқиб тушди. Унинг пешанасидаги оғриғи, зинапояга гурсиллаб йиқилгани эсидан чиқиб, «амати»га элакиша бошлади. Улар иккови кенг хонада — стол атрофида катталардек ўтиришиб суҳбатлаша бошлашди. Орадан кўп ўтмай ташқарида оёқ шарпаси эшитилди. У дарҳол Бобирни кўтариб, тўртинчи қаватга олиб чиқди. Бурчакдаги эшикни тақиллатди.

— Жамшидбек, ҳо Жамшидбек!

Ичкаридан товуш чиқмагач, Бобирни киритиб юбориб, ўзи яна пастга туша бошлади. Худди бола йиқилган ерда у пастдан чиқиб келаётган қўшниси Маъсудахон билан қамти келиб қолди.

— Бобирни олиб чиққан эдим, йўқ экансизлар... — деди Маъсудахонга.

— Салом! Мен уни қидириб юрибман, — деди, хушбичим, истараси иссиқ Маъсуда бир лаҳза тўхтаб, — ҳеч уйда ўтирмайди. Кўзимни шамғалат қилиб, пастга тушиб кетади. Тўртинчи қаватга чиқиб тушиш унга ўйин, бизга машаққат... Ҳар куни уч-тўрт бор пастдан олиб чиқаман.

— Менинг дўстим Бобир Мирзо жиндек хафалар. У киши йиқилиб тушиб, пешаналарини ғурра қилдилар.

— Э, шунақами?

— Аранг овутдим. Уни койиманг. У полвон йигит, у бутун бир Ҳиндистоннинг подшоси-я!

— Ҳа, ёнини олаверинг! «Ҳиндистон подшоси»дан хафаман! — деди жувон жиддий бир тусда унинг кўзларига тикилиб, — у жуда тантиқ подшо бўлиб кетяпти!

Улар бир-бирларига кулиб боқишди. Жувон юқорига кўтарилиб, ўз уйига кириб кетди.

Арслон ҳам бир неча пиллапояни босиб, пастга тушди-да, ўз хонасига кирди.

Яна ғурбат, ёлғизлик, хаёлот...

«Ёки мен ўргатилган балиққа ўхшаб қолдимми? Хизмат қилишдан мақсад — бойлик орттириш, деб ўйлайдиган кимсалар маромига юрмадимми? Бу иш сувга чўкиб ўлган балиқ ривоятини эслатгандай бўлди; қадимда бир одам балиқни ўзига ром қилибди. Кейинчалик шундай бўлибдики, балиқ одам юрса орқасидан эргашар эмиш. Кунлардан бир кун иш одамнинг орқасидан сакраб келаётган балиқ кўприк орасидаги тешиқдан сувга чўлиб этиб тушиб кетибди-ю, ҳай-ҳай дегунча чўкиб ўлибди... Мен ҳам ўша балиққа ўхшаб сувга чўкаётгирманми?»

Наҳотки чўкаётган бўлсам?

Арслон ўрнидан туриб, дераза ёнига борди-да, шаҳарга қаради. Унинг кўз олдида томлар, янги биоларнинг деразалари, кўчалар, ғиз-ғиз ўтаётган машиналар, одамлар пайдо бўлди. Одамлар ўз иши билан банд, ҳамма югуриб-елиб юрибди. Ҳамма қувноқ... Фақат биргина у қаноти синиб йиқилган қарчиғайдек хонанишин бўлиб ётибди.

Кишига бошга ташвиш тушганда ўзини тутта билиш, ўз кучига ишониш хислатлари отадан мерос бўлиб ўтмайди. Бу хислатлар кишида кураш жараёнида вужудга келади...

Арслоннинг кўзи олдида яна ўша совуқ башара пайдо бўлди: «Сенинг кимлигингни мана энди ҳамма билиб қўйсин! Сен қиёматгача бошингни кўтариб юролмайсан! Сен йўқолиб кетишинг керак ва шундай бўлади!» деб тургандай кўринар эди. Арслон бўлса миқ этмас, даҳшатли башара олдида ҳайкалдек қотиб қолган эди. «Нега сен бизлар билан олишдинг, нодон? Мана оқибати! Енгилинг, тилка-поранг чиқди! Энди сен бош кўтариб юролмайсан, сени ҳамма лаънатлайди! Сен қўтир мушукдек ҳамма эшиклардан қувиласан! Биз-ку, сени қулатдик, энди ўз дўстларинг, сафдошларинг юзингга тупурадилар. Сени номард деб биладилар. Сен кўримас занжир билан боғлаб ташлангансан, қимир этолмайсан. Мана буни кураш ва ғалаба дейдилар, хом сут эмган инсон!!! Болалик қилмай, измимизга юрганингда бундай аянчли ҳолга тушмаган бўлардинг. Бошинг омон қоларди. Сен ов

милтигингни учини кўксинга эмас, жайронга тўғрилардин! Тур ўрнингдан, ўша милтигингни кўксинга қада! Шу йўл билан сен бу азоблардан бир йўла қутуласан!»

Арслон илоннинг гўё авраётган йилтираб турган кўзлари олдида ҳушини йўқотиб, чир айланаётган қушчадек питирлар, ҳозироқ унинг оғзига кириб кетаётгандай бўларди.

«Йўқ! Жанг ҳали тугамаган! Жанг энди бошланади. Ҳаётим сўқмоғида жанг бошланади... Ўзимни оғир аҳволдан қутқариш учун милтиққа асло мурожаат этмайман! Бунга ҳаққим йўқ! Милтиқ тепкисини бошиш билан бу оғир изтиробу нохуш ўй-хаёллардан бир йўла қутулиш мумкин. Аммо бу номардликнинг ўзгинаси! Менинг қўлимда чўқмор бор, дегрезлар чўқмори. Беомон жанг энди бошланади», деди у ўзига ўзи бошини кўтариб.

Кечга яқин ташқарида яна бир нима гурс этди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас боланинг йиғлаган овози эшитилди. «Ана, Бобир Мирзо яна қуладилар», деди у дарҳол ўрнидан туриб. У югурганича ташқарига чиқди. Дарҳақиқат учинчи ва тўртинчи қават оралиғида Бобир яна йиқилиб тушган экан. Арслон болани кўтариб олиб, одатдагидек зинани тепиб, «Бобирнинг пешанасини ғурра қиладиган сенмисан!» деб пўписа қилди. Сўнг рўмолчаси билан Бобир Мирзонинг бурнини артиб, онасига бир нима демай, уйига олиб кириб кетди. Бобир иккинчи қаватдаги ҳувиллаб ётган кенг-мўл хоналарда чопқиллаб ўйнади. Арслон унинг икки хонада юраги сиқилишини, пастга тушиб ҳовлида ўйнайман, деб хархаша қилишини сезарди. «Бу уй яхшими?» деб сўради Арслон хона ичида югуриб юрган Бобирдан. Бола «яхши» деб бурнини тортиб қўйди. «Ман-чи?» «Яхши», деди бола мурғак қалбидан унга катта эҳтиромини билдиргандек. «Сенга шу уйларимни бераман, оласанми?» Бобир ҳеч нарсага тушунмаса ҳам жилмайиб қўйди. «Даданг уйдами?» яна сўради Арслон. Бола дадаси уйда эканини билдириб, бош қимирлатди.— Қани, юр.— Арслон Бобирни кўтариб олди,— даданглар билан бир отамлашайлик.

Улар тўртинчи қаватга чиқиб, оч гунафша ранг сиёҳда «бобий» деб ёзилган эшикни тақиллатишди. «Буни ким ёзди?»—сўради йўл-йўлакай Арслон Бобир-

дан.—«Адол». «—Ҳа, опанг ёздими, «Б» ни катта ҳарф билан ёзиш керак эди. Охирига «й» эмас, «р» қўйиш керак эди... Ҳар қалай ёзиб яхши қилибсизлар, биров келса, бунда Бобир борлигини билади.—Бола хурсанд бўлиб «ҳммм»...» деб кулиб қўйди.

— Вой, яна йиқилдими?— деди эшик очган Маъсудахон оппоқ кўксини беркитиб.

— Аввал Фарғона, кейин Хуросону Ҳиндистоннинг буюк подшоси яна йиқилибдилар,— деди Жамшидбек Арслон. Кейин у яна мурожаат этди,— Жамшидбек уйдадилар?

— Уйдадилар. Қани, бу ёққа кириг.

— Бир оғиз гапим бор эди,— Арслон Бобирни кўтарганича ичкари кирди.

Диванда чўзилиб ётган, суяклари бузуқ ишчи йиғит дарҳол ўридан туриб, коридор томон юра бошлади. У эшикда бўлаётган ҳамма гапни эшитиб ётган эди.

— Кесинлар, кесинлар,— деди у қўл беришиб кўришгач, — Арслон ака, марҳамат!

— Аҳволлар яхшими?

— Раҳмат! Ўзлари қалай? Тузукмисиз? Қон босимингиз кўтарилиб кетибди, деб эшитдим. Бош оғрийдими?— деди Жамшидбек жўрттага ҳамма гапдан хабардор бўлса ҳам, райижроқўм раисига ўзини ҳеч нимадан хабари йўқдек кўрсатиб. У кўп нарсадан воқиф эди. Арслон Улмасбоевнинг ишини комиссия кўраётганини, вазифасидан ҳали четлатилмаган бўлса ҳам анчадан бери хонанишин бўлиб ётганини биларди. У одамлар юзига қарай олмаётганини ҳам, аввалроқ, бу ерга янги кўчиб келишган кунлариёқ хотини Барчинойнинг аразлаб кетиб қолганини ҳам биларди... Биларди-ю, аммо асли ишчидан чиққан, қўллари қадоқ, елкалари кенг бу одамнинг шунчалик тубан кимса эканига ишонгиси келмас эди.

— Ҳа, анча тузукман,— деди Арслон Жамшид таклифи билан стулга ўтириб.— Чўзилиб ётган касал ҳам ҳеч қачон ёмонман, аҳволим чатоқ, демайди. Қон босимим кўтарилган. Шу бир оз тушса бош оғриғи ҳам тузалиб қолар, деб ўйлайман.— Бу жавобдан сўнг у шартта мақсадга ўтди: — Менда бир таклиф бор, Жамшидбек, шу таклифга хўп денг. Мулозамат деб ўйланг, ортиқча гапларни қилманг. Биринчидан, бу —

тошкентча мулозамат эмас. Иккинчидан, мен ҳали район ижроқўми раислигидан бекор бўлганим йўқ, фақат бетобман...

— Хўш?

— Квартираларимизни алмаштирамиз! Сиз майда болаларингиз билан тўртинчи қаватда, бунинг устига икки хонада турасиз. Муса отамларнинг ҳадеб пастга тушиб-чиқаверишлари қийин. Мен хотиним билан — икки киши тўрт хонада турамыз. Ўзингиз биласиз, квартирам ёмон эмас. Раислар ёмонини олармиди?

— Қандоқ қилиб? — Жамшид ҳайрон бўлиб қолди. Хотини ҳам ошхонадан чиқиб, хонага кирди. Эр-хотин ҳайрон бўлиб унга тикилишди. Жамшиднинг ҳам, хотинининг ҳам, бугун уруғлариникига тўйга кетган Муса отанинг ҳам ўйлагани шу масала — уч ёки тўрт хоналик квартира топиш эди.

— Қандоқ қилиб бўларди, мен сизларнинг икки хонангизга кўчиб чиқаман, сизлар иккинчи қаватга тушасизлар. Вассалом!

— Йўғ-э...

Арслон миқ этмади.

— Мен сизга ҳамма томонини ўйлаб, жиддий гапиряпман.

— Ҳужжат, қарор... Ахир бу гапнинг ўзи бўладими?

— Авваламбор, мен ўзим хоҳлаб сизга беряпман. Ҳужжатларни расмийлаштириш бўлса, бу қийин эмас. Сизга такрор айтаман, ҳали мен ишдан тамоман кетганим йўқ! Сессиядан кейин менинг депутатлик ваколатим...

— Ишдан кетманг, ишқилиб ўз жойингизда тулинг, ошна! Ундоқ деманг!

— Барчиной келиб ҳайрон бўлмайдиларми? — сўради Маъсудахон.

— Мен учун икки хона етади. Бу уйлар сиз билан бизнинг отамиздан қолибдими, ҳукумат қурди — халқ мулки.

— Биз бир нима деёлмаймиз, Арслон ака, ўзингиз биласиз, — деди Жамшид хотинига қараб қўйиб.

— Ҳа, ўзингиз биласиз, — деди Маъсудахон.

— Келишдик! Эрталаб кўчиб тушинглар, мен ҳам бу ерга кўчиб чиқаман. Ҳужжатлар тўғри бўлади. — У хайр-хўшлашиб ўрнидан қўзғалди.

— Утиринг, чой ичамиз,— деди Жамшид унга ружсат бермай. Хотини ҳам югурганича ошхонага кириб кетди...

Эртасига эрта билан Жамшидбеклар иккинчи қаватга кўчиб тушиб, шоду хуррам бўлишди. Кечга яқин Муса ота келиб, аввал қайрон бўлди. Кейин ош устида танти қўшнисининг фалокати ариб, қаддини кўтаришини тилаб узундан-узоқ дуо қилди.

Чоршанба — «муродбахш» куни Мадина хола кириб келиб, ўғлининг уйни алиштирганига таажжубланди. Унинг қулаган минорадек ерпарчин бўлиб ётгани бағрини тимдаларди. Невара қучоқлаб, «болагинамнинг боласи-ё, алла-ё...» дейман, деганида бундоқ қора кун бошига тушишини қаёқдан билибди! Арслонга: «Бошқаларга катта бўлсанг ҳам менга кичкинасан, юр, олдимга туш!» деди, Арслон аввалига эътироз билдирди-ю, бироқ онасининг авзойи бошқачароқ эканини кўриб, кийинди-да, у билан бирга дегрезликдаги туғилиб ўсган ҳовлисига жўнаб кетди.

Тиним куни эрта билан Арслон энгилгина кийиниб, пастга тушди-да, тушдан кейин келадиган почтачини кутиб ўтирмай катта кўча четидаги киоскадан бир нечта газета олди. Доимо гавжум бўладиган кўчалар сув қуйгандек жимжит; ҳар замонда битта-яримта машина шовқин солиб ўтиб қоларди. Арслон газеталарни қўлтиғига тиқиб жадаллаганча уйига жўнади. Атроф деразалардан одамлар унга кўз қадаётгандай, кимдир хотинига: «Чоп-чоп, бу ёққа кел, ана, Ўлмасбоев келяпти, аҳволига бир қара! Соқоллари ўсиб, ирkit бўлиб қолибди» деяётгандай, бошқаси: «Бечора урилиб, хонанишин бўлиб қолди...» деб ачинаётгандай бўларди. Яна бир дераза олдида турган одам: «Мана, керилиб, сшиб кетишнинг оқибати! Одамларга амал теккандан кейин кўзларини шира босиб, ҳеч ким билан ишлари бўлмай қолади! Хом сут эмган инсон! Биз ўзи ғалати сдаммиз, бизнинг ичимиздан Беруний, Абу Али ибн Сино чиққан, ал-Хоразмий чиққан, Амир Темур чиққан. Навоий чиққан... деб тумшуғимизни кўтариб юраверамиз, гўё бошқалардан улуғ одамлар чиқмагандай! Кўпчилигимиз димоғдорлик касалига мубталомиз, сундай одамлар айниқса амалдорлар ичида бор». Ҳой, шумпар, ўша сен айтган ибн Синолар, Амир Темурлар сенга ўхшаган ландовур, мақтанчоқ бўлмагандир, дей-

диган бир инсон йўғ-а! Ё тавба! Яна бир дераза ойнаси олдида турган киши: «Арслон Улмасбоев хотинини ҳайдаб юбориб, ёлғиз ўзи турибди», дегандек бўларди. Яна бир дераза олдида дока рўмолини у ёқ-бу ёққа ташлаганча қандайдир кампир тургандек бўлар, назарида унинг ҳолига ачинарди: «Ҳамма гап игвода... Шўрликнинг таноби тортилмаса шунақа бўлиб юрармиди. Худо урса, пайғамбар ҳам ҳассаси билан туртади. Йигит бечорани йиқитишган...»

Арслон жадал борар, ҳар замон-ҳар замонда тўртинчи қаватга қараб қўяр эди. Газ-плитага қўйган сути тошиб кетганга ўхшарди — аслида бугун унинг уйида сут ҳам йўқ эди. Қолаверса унинг иштаҳаси ҳам йўқ. Баъзида рак бўлиб қолдимми, деб қўрқарди, ҳам. «Ўзинг ўлган киши бўлсангу, яна нимадан қўрқасан! Жуда бўлмаса энди дадил бўл! — дерди ўзига ўзи у. — Йўқ, мен ўлмаганман, мен тирикман, мен фақат йиқилганман. Мен чекка бир сўқмоқда чавақланиб ташландим — ўт-ўланлар орасида ётибман. Мени ҳеч ким кўрмаяпти, бирон одам бу томондан ўтганда эди ердан кўтариб олиб: «Ҳой, ҳў-ў! Ким бор, мана бу одамга пичоқ уриб кетишибди...» дейишган бўларди. Барчин қаёқда? Наҳотки ерпарчин бўлиб ётган эрининг товущини эшитмаган бўлса! Эшитганда ҳам нима қиларди! Унинг кўз олдида кўркам, серсалобат, ғазабини ҳам, шодлигини ҳам билиб бўлмайдиган муовини Аббосхон Хўжахонов ҳам пайдо бўларди. У ҳеч қачон бировга юрагини очиб гапирмасди. Керакли гапни ичидан қармоқ ташлаб ҳам олиб бўлмас эди. У машҳур Хўжахоновлар уруғидан бўлгани учунми, кибор юрарди, амал тақозоси билан қилган баъзи камтарликлари сохта эканини диққат қилган киши пайқамай иложи йўқ. Нечук бу одам Қизил Махсум билан Қорини ўз паноҳига оларкин? Бошига тушган ишларда муовини дахлсиздек кўринарди-ю, лекин чуқур ўйлаб қаралса, илдизига болта урганлардан бири ўшалиги сезиларди. Юзи семиз, оғзи тўла тилла тиш, барваста бу одамнинг кишилар олдида танимагандек, ҳатто ҳеч қандай алоқаси йўқ, бегонадек бўлиб, одамлар бўлмаган жойда негадир жуда меҳрибон бўлиб гаплашишига илгари фаҳми етмасди. Мана энди бу сирни ҳам сеза бошлади. У баъзан ўз-ўзидан койинарди, наҳотки шу даражада гўл бўлсам! Юрагимдаги дурри гавҳарларни ҳамма ошналарга нисор эт-

сам, ҳаммага бир хил қараб, ҳамма одамларчи бир хил, яхши деб ўйласам! Ахир ҳамма одамлар бир хил яхши бўлганида, менинг кўкрагимга ничоқ суқиб, йиқитиб кетган ким?! Гуноҳим нима? «Гуноҳинг югуриб-елиб меҳнат қилишинг! Гуноҳинг — ижроқўмнинг фаол раиси бўлишинг! Яна гуноҳинг шуки, сен кўпинча яхши билан ёмонни ажратмайсан — қалбинг беғубор, бу юрак четларига ёпишган гардларни «Ташсельмаш заводидаги вагранка олови куйдириб, тозаллаган, қатрон қилган. Сен ўз элингни севасан, бошқаларни ҳам ҳурмат қиласан. Сен — интернационалистсан. Мана сенинг гуноҳинг!»

Арслон зинапоялардан кўтарилиб, тўртинчи қаватга етди-да, бир оз нафасини ростлаб оҳиста ичкарига кирди. «Нима қилишмоқчи асти ўзи? Ёки бу ҳам бир тарбия воситасимикин? Наҳотки шундай тарбияласалар! Ахир унинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўляпти-ку! Эҳтимол уни жувонмарг қилишмас, бу ҳам бир пўписадир?»

«Йўқ, — деди у яна ўзига-ўзи, — бу — жанг, бу ҳақиқий кураш! Бу сирли ва кўзга кўринмас жангдир. Буни баъзилар мансаб талашиш дейишлари мумкин, аслида бу — ҳалоллик ва хиёнат, содиқлик ва сотқинлик, камодот ва жаҳолат ўртасидаги жангдир! Сиртдан қараганда одамлар буни кўрмайди, буни фақат менинг қалбимга kira олган одамгина рўйирост кўриши мумкин. Бу жанг беомон ва бешафқат, енгилганлар улоқтириб ташланади. Бу жангни биз унча сезмаганимиз билан, аслида, ниҳоятда тез айланаётган Ер куррасига ҳам ўхшайди...»

Арслон қаёққа борса шу ёққа гувиллаб учиб юрган мингларча ариларга ўхшаган бу хаёллардан қочиб қутулолмасди. У газеталарни қўлтиғига қисганича, хаёл ичида охшонага кириб, чойгумни сувга тўлдириб, газ плита устига қўйди-ю, унга ўт ёқишни унутди. Бир дамдан кейин чой дамлайман деб кириб, музлаб ётган чойгумни ушлаб кулди. У плитага ўт ёқиб, яна ҳонага кирди-да, одатдагидек ҳаммадан аввал «Правда» газетасини очиб, кўз югуртирди.

Хаёли жойида эмас. Бетиним шамоллар қоя тошларни ялаб «қўзиқорин» қилиб қўйганидек, ғам-ғусса инсон танидаги қудрату ғайратни шилиб олиб, ожиз қилиб қўйиши мумкин... «Аммо, кимни?» Арслон ўзи-

га ўзи савол берди. Ҳеч бир жониворда бўлмайдиган, фақат инсонда бўладиган бир фазилат бор, бу — ирода. У ҳаммага ҳам муяссар бўлавермайди, у ниҳоятда ноёб. У ҳатто туғма ҳам эмас. Уни инсоннинг ўзи яратади, авайлаб ўстириб, балогатга етказди.

Ирода, сабот, ирода!!!

Жаҳаннам ёқасига келганингда ҳам уни йўқотма!

Чинакам иродали бўлсанг, жонинг чиқиб кетганида ҳам танингда у ҳали мажвуд эканлиги билиниб туради. Душманингни мурданг билан ҳам енгасан!

«Ирода! Етар шунча фалсафий хаёллар» — деди яна ўз-ўзидан кинояли ранжиб. Жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас.

У шақиллаб қайнаган чойгумни латта билан кўтариб, чойнакдаги шама устига қуйди. «Бу нима? Камбағалликданми? Йўқ, бу ҳафсаласизликдан», — деди у ўзига-ўзи. Соқолини олиб, кийиниб чиқиб, чой, сарёғ, совун олиб келишга ҳафсаласи йўқ эди.

Арслон енгилгина нонушта қилиб олди-да, бирон соатлар чамаси яна газета саҳифаларига тикилиб ётиб, уклаб қолди. Бир муддатдан сўнг чўчиб уйғонди. Кўз олдида сочлари ўсиб елкасига тушган, оёқ яланг, тинмай югуриб юрган, бақиравериш лаблари четидан оқ кўпик чиққан Ататий жинни пайдо бўлди. Яна унинг «Ё-ё, ҳу-у-у!» деган ўткир қичқириви эшитилиб кетди. Ататий — девона, унинг болалигида эшитган, бундан йигирма йил муқаддам Қўрғонтеги, Кадват, Сақичмон, Дегрезлик, Ҳажимол, Ўзгат, Хиёбон, Чигатой, Кесакқўрғон... томонларда айланиб юрадиган девона кимса бўлиб, аёзда ҳам, саратонда ҳам ярим яланғоч, «взз-взз»... деб юрарди. У беозор эди. Отасининг айтишича, у баъзан расталарга тушиб, «Ё-ҳу-у-у!! Ё-ҳу-у-у!!» лаб бақирарди ва растанинг йўғон устунларини қучоқлаб, кўчириб олмоқчи бўларди. Мирюсуф отанинг айтишича, у Бегларбеги, Кўкалдош мадрасалари, Қаф-фол, Шоший мақбараси, Сирли мачит, Хотин мачитлар атрофида юрар, хиёбондаги эгаси кўчиб кетган ҳовлилардан бирида, катта бир тандир ичида ётар экан. Баъзан беш-олти кун ғойиб бўларкан, бу кунлари у Шибли томонга жўнаб, қайтишда бир неча кун Кайковус қирғоғидаги Шоҳидонтепа мозорида аллақандай бир қабрни қучоқлаб ётар экан. Арслон болалигида уни фақат бир марта раста юқорисидаги Тиканли мазор ёнида

кўрган эди. Мирюсуф отанинг айтишича, у йигитлигида туппа-тузук одам бўлиб, косибнинг ўғли экан. Исми ҳам Асадуллахон бўлиб, қиморбозларга қўшилиб кетган, безори Иноят бойвачча унинг ёш хотинини ўғирлаб, олиб кетиб... ўлдириб юборишганию икки яшар қизчаси чирқираб қолганини гапириб берган эди. Юраги аламга тўлган девона тинмай кўча айланиб юрарди. У ўша замонда адолат тополмай фақат кучи «ёху-у»га етган эди. Арслоннинг қулоғига: «Сенинг ҳам юрагинг ёняпти... деган бир овоз эшитилиб кетди. «Сен ҳам девона бўлиб қоласан — фикру хаёлларингнинг поёни йўқ», — деди у ўзига-ўзи.

Наҳотки жинни бўлиб қолсам?

Ярим тунда Арслон уйғониб кетди. У ётган ерида деразага тикилди; қизғиш катта юлдуз дераза ойнасига ёпишгандай рўпарасида турарди. «Нима, бу Зуҳроми ё Марсми?» — деди у ўзига-ўзи тубсиз хаёллардан тамоман фориғ бўлиб. У мунажжимлардек юлдузлар оламида кезарди. «Агар бу Марс бўлса унда сийрак кислород бор; демак, булут бор. Унча баланд ўсмайдиган гиёҳлар, шамол бор, эҳтимол чумолиңамо ҳашаротлар бор... Анави ярқираб турган Ойда тамоман ҳаёт йўқ. Эҳтимол, узоқ бир юлдузда Ердан кўра ҳам ҳаёт учун қулай шароит бордир, бепоён коинот ичида чангдек айланиб юрган гигант юлдузларнинг ҳаммаси ҳам **Карсангтош эмасдир**. Ер бунинг исботи. Демак қаердадир, жуда олисда Ердан кўра ҳам кислород и ва бошқа моддалари кўп «чанг»лар бор. Бу шубҳасиз! Унда Ер одамларидан ҳам кўра такомиллашган кимсалар бордир. Уларнинг мияси, қон айланиш системаси инсонникидан катта ва ривожланган бўлиши мумкин. Улар не не ишларга қодир. Эҳтимол, беҳудуд коинотда ҳаёт учун қулай шароит Ердадир. Эҳтимол, қаердадир, бу яралаётгандир». Эҳтимол, сўнаётгандир. Эҳтимол, эҳтимол, эҳтимол... Бу «эҳтимоллар»нинг поёни йўқ. Инсон ўзининг кичкина кўзи билан бениҳоя катта дунёларни, жуда олис дунёларни кўргиси келади. Кўряпти ҳам. Ялт этиб учиб сўнган юлдуздек бу кичик кўз ҳам сўнади. Чексиз коинотда чарх урган хаёллар ҳам йўқолиб кетади. Океанлар тубидаги тоғ бўлиб кетган маржонларга ўхшаб, ернинг устки қатламига сингади. Уша кораллар—оқ қўнғир тошлар қачонлардир сузиб юрган чиғаноқлар, балиқларнинг суякларидир. Ернинг

устки қатлами— жониворлар ва инсонларнинг хокидир. «Биз аждодларимиз суяклари устида юрамиз. Қачонлардир, нурга, чексиз коинотга, юлдузларга тикилган кўзнинг аллақандай бир бўлаги — модда лой шаклида ҳозир менинг ботинкамга ёпишиб ётгандир. Бу жуда таажжуб». Арслоннинг кўзлари ойнадаги юлдузда. Жимжит тикилиб турган юлдуз, Арслонга ўйла, инсон, ўйлай бер, аммо ҳеч қачон дунёнинг поёнига етолмайсан! Сен кичик заррасан, сенга ҳали ҳамма сир маълум эмас. Аммо сенинг тинмай интилаверишинг, муштумингдек зувала — бошинг чаноғидаги бебаҳо модда нималарга қодир эканини билсанг эди!

Арслон яна ўйларди: «Биз ҳам бир кун келиб, эҳтимол эрта-индин ер устидаги аждодлар «корали»га қўшилаемиз. Лекин жуда қисқа умрда ҳам биз қураемиз, ишлайемиз, мақсадимиз сари интилаемиз, курашамиз. Бизлар фаришталар эмасмиз. Бизлар шундай қилиб яшайемиз. Шу маъқул. Биз, ўзимизнинг Инсонлигимиз билан бахтлиемиз!»

Жума куни иккинчи қават эшигини тақиллатган кексагина бир одамни Муса ота бошлаб келиб тўртинчи қаватга олиб чиқди. Арслон кексаларни ичкарига таклиф қилди.

— Келинг, Нишон ака. Болалар саломатми, тинчмисиз?

— Шукур, ҳаммаси яхши. Ўзинг тузукмисан, окўси?

— Анча тузукман.

Уларнинг ўзаро гаплари борлигини пайқаган Муса ота хайр-хўшлашиб, пастга тушиб кетди. Арслон чолнинг орқасидан секин гапириб қўйди: «Жуда яхши одамлар, асли ҳамкасбимиз — ўғли экскаватор заводида ишлайди. Икки хонада тўрт бола билан тиқилиб ётишган эди, ўз квартирамни бердим».

Жуссаси кичик бўлишига қарамай гердайиб юрадиган, бурама мўйловли Нишон ака мийиғида кулиб қўйди.

— Қизиқ одамсиз-да, Ўлмасбоев! Табиатингиз жуда қизиқ. Квартира масаласи қанақалигини мендан яхши биласиз-ку, шундоқ бериб юбориш... Сизга буни давлат берди-ю?

— Давлат дегани ҳам сиз билан биз-да, Нишон ака.

— Ха, сиз билан биз... Лекин ўзларининг «давлатлари» чиқиб турганликларидан хабарлари бўлса керак?

— Парво қилманг.

— Нима?! Нима дедингиз?!

Нишон аканинг кўзлари ёниб, бир томон мўйловни лип-лип учаётганини кўргач, Арслон жиддийлашди. Бундоқ пайтда ўйламай-нетмай гапириш — лоқайдлик, кутилмаганда тилка-пора бўлиш билан баробар.

— Нима қилишим керак? Гарангман?— деди Арслон бошини қуйи солиб,— ўтиринг, Нишон ака, мана бу стулга. Ҳозир чой дамлайман.

Сиртдан қараганда бу одам ўз тирикчилиги билан овора бўлиб умр ўтказётган, ҳусн ва лафздан ҳам худо анча қисган бир киши, деб ўйлайсиз. У, қорачадан келган, жуссаси кичкина, пешанаси катта, ориқ бир одам. Малла чакмон кийиб, ичидан четига дуо ёзилган кийимларини боғлаб чиққанда маччойиларга ҳам ўхшаб кетади. Бирон нимани ўйласа, диққат бўлса, чиройли атир шишасига солиб олган носдан тили тагига ташлаб, дўпписини қўлга олиб, бўлса-бўлмаса кафтига уриб «чангини қоқади». Ёшлигида ўқий олмаган, лекин эшитиб билган нарсалари миясига жуда қаттиқ ўрнашиб қолар эди. Анча камгап, аммо ўлардек тажанг. Болаларни яхши кўрар, маҳаллада жинига ёқмаганлар билан унча ош-қатиқ бўлмас эди. Ҳар кунни заводдан қайтишда маҳалла чойхонасига кириб кўпгил яқинлари билан жиндак гаплашиш, атай аччиқ қилиб дамланган бир чойнак чой ичиш унинг учун одат. Хуш кўрмайдиган кишилари уни «Шўро ҳукуматининг жияни» деб аташарди. Бу гап унинг қулоғига ҳам етиб келган. Бу гапнинг Мусоват Қоридан чиққанини ҳам биларди. «Тўғри айтибди», дерди ичиди. Бир кунни чойхонада Қорига эшиттириб: «Мен Шўро ҳукуматининг ўзиман», деди.

«Мана бу одамга қаранглар!» дегандек Мусоват Қори атрофидагиларга қараб олгач:— Сиз, Мансур Халложсиз,— деди.— Мансур Халлож «Мен — худоман», деган эди. Шундан кейин Мансурни олиб чиқиб дорга осган эдилар...

— Мени дорга осмайдилар, сабаб — осадиганлар йўқ. Иккиламчи, Қори, сиз шуни эсингиздан чиқарманки, Шўро ҳукуматида подшо йўқ, менга ўхшаганлар ниқилоб қилиб, ҳукумат тузганмиз...

— Ҳа, балли, энди ўзингизга келдингиз... яъни ялангоёқ омилар?

Мана шу ерда улар гапни тўхтатиб, чегарадан ўтишмади. Мусоват Қори: «Сен — оми одамлар, югурганингиз сомонхонагача», — деган гапни ҳам кўнглидан ўтказиб, Нишон акага такаббуруна илжайиб қўйди. Бу гапларни «оми» Нишон ака яхши пайқарди.

Қизамиқ — ҳамма гўдаклигида дучор бўладиган дард. Агар у гўдакликда чиқмай қолса, катта бўлгандан кейин ҳам чиқади. Агар у кексаликда чиқмаса, гўрда ҳам чиқар экан. Қизамиқдан қочиб қутулиб бўлмайди. Гўдаклар озода гиламни ташлаб балчиққа қараб югурганидек, ўспиринликда киши номдор — хизмат қилган кишиларни менсимаслик, жаннат юрти қолиб, ўзга юртга маҳлиё бўлиш, баъзида ўз юрти башарасига тупуришдек ҳоллар бўлиб туради. Бу қизамиқ баъзиларда энгил, баъзиларда оғир ўтади. Кўпни кўрган Нишон ака Арслонга синчковлик билан қарарди. Баъзида у: «Мен ўқ отишни ўргатдим, аммо қизталоқлар энди ўзимга ўқ отишяпти...» дерди кулиб. Кўринишда жайдари, анча чорва бу одамнинг юрагида кўп гаплар бор эди: — Қани бир шоир бўлса-ю, бизнинг қўйнимизга қўл солиб, юрагимиздаги жавоҳирларни битта-битта териб олса. Мусоват Қори бўлса, мени оми, ҳеч нарса билмайдиган, паст одам, дейди. Ҳа, сасиган Қори, бунақа гаплар сендан чиқади! Инқилобий қонунга сизмайди-да, бўлмаса бешотарни қорнингга тўғрилаб, понғиллатиб юборсам савоб бўларди. Халқимиз битта унсурдан қутуларди-қўярди...

— Узинг ҳам ўтир! — Нишон ака бир дамлик сукутдан кейин стулга ўтира туриб унга буйруқ қилди.

— Укаларим яхшими? — Арслон хунобликни тарқатиш мақсадида жайдари гаплар билан Нишон акани алаҳситмоқчи бўлди.

— Ҳаммаси яхши! Бир гапни ҳадеб такрорлайверадиган одамни ёқтирмайман! Хў-ў-ш, ётибсан? Бу ёғи нима бўлади?

— Текширишяпти. Комиссия ишляяпти.

— Сени чақиритдимми?

— Йўқ.

— Нега?

— Билмайман.

— Уч ойдан бери-я?!

— Ҳа.

— Таажжуб!— Нишон ака бошидаги янги чуст дўпписини олиб стол устига қўйди-да, қулоғи орқасини қашлади,— Қизил Махсум ҳар куни ўша ерда эмиш-ку? Бошқалар ҳам серқатнов бўлиб қолган эмиш. Уларнинг гап ўргатадигани ҳам бормиш...

Арслон елкасини қисди.

— Сен ётаверасанми?

— Нима қилишим керак?

— Нима қилишинг кераклигини мен қаёқдан биламан! Аммо ётавериш керакми? Саидбековнинг хабари борми бу ишлардан?

— Билмайман.

— Барчиннинг-чи?

— Хабари йўқ. Мен комиссия аъзоларига ишонаман.

— Мен ҳам ишонаман! Лекин уйга қамалиб олиш керакми? Ҳаракат қилиш керак эмасми? Миқ этмай ётиш яхши эмас! Ахир сен курашиб келган йигит эдинг! Уч яшарлигингдан биламан. Қиличинг синиб, қалқонинг тешилдимми? Ожизу ногирон бўлиб қолдингми? Гапир ҳақиқатни! Сен ўғлимдан ҳам аъло эдинг, сенга партияга киришингга кафолат берганман. Агар мени алдаган бўлсанг, бўйнингни узиб ташлайман-а!

Арслон миқ этмади.

— Қани, менга айт-чи, Барчиндан дарак борми?

— Йўқ. У энди келмаса керак...

Нишон аканинг ўнг мўйлови яна лип-лип уча бошлади.

Нишон ака олтмишларга борган; умрининг-қирқ йилини «Ташсельмаш» заводига бағишлаган, кекса ишчи. Тошкентда от қўшилган «кўнка» юрган вақтдан бошлаб ўзини жисмоний меҳнатга уриб, кейинчалик шу заводда ишлайди, қора ишчидан мастерликка кўтарилган. Йигирма биринчи йилдан партия аъзоси. У эски дегрез Мирюсуф отанинг қадрдон ошналаридан бири эди. Маҳаллада Исроил ва Муслим — дегрез, Одил Варшав, Ҳайитбой оқсоқол, Аҳмад Қалтадум, биринчи граммафон олиб келган Абдулла Форумлар билан улфатчилик қиларди. Ҳаммадан ҳам «Қалтадум»нинг тарихи қизиқ эди; ўша йилларда Петрограддан келган «Опа дўхтор»ни яхши кўриб қолиб

не савдоларга тушмаган. Қариндош уруғлари, мўйсафид стасикинг ҳам сўзига кирмаган. Хушторлиги шу даражага етибдики, агар мен докторга уйланмасам ўзимни ўзим ўлдираман, дебди. Агар ота-онам монелик кўрсатсалар, диндан ҳам чиқаман, ёруғ дунёда шу аёлни яхши кўриб қолдим, дебди. Одамлар: Шайх Санъон бўлмай ўл, деб никоҳ ўқитиб икковини қовуштириб қўйишга мажбур бўлган эканлар.

— Уша йиллар «Калтадум» ҳақида тарқалган гаплар, миш-мишлар ҳам сеникидан қолишмасди,— деди хаёл суриб ўтирган Нишон ака.— Локин, оғзига кучи етмаган одамлар қанчалик тубан бўлмасин, Қоричалик ярамас бўлмаган эди... «Калтадум» ўша аёлдан уч фарзанд кўрди. Болалари тузук ерларда ишлайди. «Калтадум»нинг ўзи ҳали жуда бақувват, ўрис хотини яхши парвариш қилади. Мураббосиз чой ичмайди, сим каравотда ётади, сал иссиғи чиқса хотини дарров қўлтиғига термометр тиқади... Ҳа, чол, ишнинг кўзини биласан, дейман. Уша вақтда фотиҳа қилмай қийнаган сенинг Ҳожидан эди, мана, ёмон бўлдими, дейди, Калтадум қиқиллаб кулиб. Дунёнинг ишлари шунақа, окўси...

Арслон Нишон ака рўпарасида индамай ўтирарди. Нима ҳам дерди. Ҳалимга ҳукм этилган одам гул истагандай, унинг кўз олдида Барчини эди. У ҳозир қаёқда экан, уни эслармикан? Эслаш эмас, балки нафратланар, жирканар... Унинг эзгу умидларини поймол қилди, ёлвориб-ялинишларига ҳам қарамади. Қаҳри қаттиқлик қилиб, ўз сўзида туриб олди...

— Мен кетай, Арслон, окўси,— деди Нишон ака ўрнидан қўзғалиб,— агар сенинг ўрнингда мен бўлсам, бундай ерпарчин бўлиб ётмас эдим. Душманлар устун бўлганда ҳам ўзимни кўрсатиб юрардим. Сен эмас, мен эзилиб кетяпман, ука! Мен сени ёмон одам демайман, агар сен ёмон одам бўлганингда ҳам бундоқ икки букилиб ётма? Тур ўрнингдан! Хоҳласанг Матвеевникига олиб бораман. Нурғалиев сени доим сўрайди. Бу нима деган гап? Мен сени бундай одамлигингга ишонмаётибман... Хиёнат қилмагансан-ку, ахир.

— Хатойим бордир, лекин хиёнатим йўқ,— деди Арслон. Шу лаҳза унинг кўзларига ёш келди.

— Шундоқми?!— деди Нишон ака унинг кўзлари-

га кўзини қадаб,— бу гапни дилингдан айтдинг, шундоқми? Агар, дилингдан айтган бўлсанг раҳмат ука! Мен буни сезиб турибман. Сен тўғри боласан. Кимлар хато қилмайди. Мана шу гап ҳозирча менга етарли. Мен шу гапни эшитай деб келган эдим. Эшитдим.

Нишон ака хайрлашиб чиқди. Арслон ҳам кузатиб пастга тушди. Пастда, гулзор ёнида Арслон билан бошқатдан хайрлашди. Арслон бўлса иккинчи қават балконида кулиб турган Бобирни ҳам, мамнун онаси Маъсудахонни ҳам мутлақо кўрмасди.

Арслон Нишон акани кузатгач, хонасига чиқиб яна полга ташланган кўрпачага чўзилди; бу лаҳза унинг хаёлига яна Барчиной келди. Ундан сўнг раҳматли отаси ҳам «ҳа, сенга нима бўлди, ўғлим!» деб тепасида тургандек бўлди. Чол қайрилиб тушган ба-роқ қошлари остидаги кўзларини йилтиратарди... «Ватаним мендан нимани истаса, нимани буюрса шуни қилдим,— дегандек бўларди отасига Арслон.— Бундан кейин ҳам шундай қиламан!»

Баъзан ҳар куни, баъзан кун ора телефон қоқиб турган секретарь қиз Зайтуна, Арслон тўртинчи қаватга кўчиб чиққанидан сўнг бир ҳафтагача жим бўлиб кетиб, иттифоқо бир куни райижрокомда ишлайдиган боладан Арслон номига келган шахсий хат ва телеграммаларни юборди. Имконияти бўлганда заводга бориб, Нурғалиев деган ўртоққа учрашиши лозимлигини ҳам хабар қилди.

Мусоват қори Қизил Махсумга: «честнийлик» — уч пул, бу билан ҳозирги замонда мушук ҳам афтобга чиқмайди. Уста бўлиш керак, пул бўлиши керак, дебди. Ғози учиб, бургути қўнган Аббосхон Хўжахонов оғзи билан юрмайди, ақли билан иш қилади. Замон мана бунақа аллома одамларнинг замони», дебди. Бу гапни ҳам Мадина хола ўғлига етказиб, энсасини қотирди. «Ойижон, улар нима деса деяверсин, эшитсангиз ҳам ўзингиз билингу, менга айтманг», деди. Она, хўп бўлади, деди. Лекин яна ўз билганини қилаверди. Аммо, ҳаммадан ҳам, Зайтуна ёзган хатида: «Одамлар сизни йўқлашяпти, заводга бориб Нурғалиев билан учрашаркансиз...» деган гаплар жуда ёқди. Демак, одамлар унутгани йўқ, у одамларга керак. Нишон ака «Кўр бўл, аммо кўрнамак бўлма» деган эди, у ҳақ, ҳали у одамларга керак...

Ғам-ғусса чекаётган Арслон ўз уйида турсин, энди икки оғиз каминанинг одамлар орасида бўлишидан эшитинг; баъзан иш билан алаҳсиб, нимадир бўлади-ю, туғишганларингни ҳам вақтида бориб кўролмайсан; соғинасан, юракни изтироб гижимлайди. «Одам — одамга ғанимат, кўргим келади, болам...» деган ҳазин ва ўкинчли бир товуш қулоғингга эшитилгандай бўлиб кетади. Бир шаҳарда турибки, вақт топиб боролмай юриш инсофдан эмас!

Шанба куни совға-салом олиб, қадимий ҳовлига — кампирнинг ёнларига кириб бордим. Кенг ва жимжит ҳовли четидаги айвонда бир нима тикиб ўтирган кампир ялт этиб қараб, одатдагидек хурсанд ўрнидан тура бошлади. Кўзойнаги симларини қулоқларидан чиқариб, хонтахта устига қўйди; «Сани ҳам кўрар кун бор экан, кел болам! Кириб келишларинг қандай чиройли...» деди у елқадан қучиб. Шундан сўнг кампир яна қўшиб қўйди: «Кўзим ўлгур хира, Арслон қурган йўлкалар ўйдим-чуқур бўлиб кетмаганда кўнкагача ўзим юриб борардим. Бунинг устига Кайковус кўприги ҳам лопиллайди...» — деди ўзининг уйдан чиқиб боролмаслигини билдириб. Кампир невараларини соғинганини, машина олиб келса бир ҳафтагина ўша «асаларининг ини» да — кватирада туриб келишга рози эканини билдирди. Бундан икки ойча илгари бир ҳафта туриб, қочиб кетган эди. Машинани ҳам лопиллайдиган кўприкдан эмас, Оқтепа томондаги Арслон қурган кўприкдан олиб келишни илтимос қиларди. Учрашувимиз кампир юрагидаги ўкинч ва ғуборни тумандек тарқатиб юборди, ниҳоятда мамнун кузатди. «О-о, болам, биз ярқираган ойнинг доғини кўрамиз, Арслоннинг ҳам хатосини топиб, ишдан бўшатишибди. Ҳозирги яхшиси — Хонхўжаевдан кўра ўша ёмони кунимизга яради», — деб қолди кампир эшиккача кела туриб.

Кампирнинг ёнидан чиқиб, Кайковус бўйидаги толзорлар оралаб юрдим. Сув устига сепоялар ташлаб, қурилган сўрилар, ўша қадимий чойхона кўзга ташланди. Уша ердан ўтаётганимда, кимдир чақирди: «Мулла, қани бу ёққа! Бир пиёла чой ичиб кетинг». Ҳар қанча зарур иш бўлса ҳам бундай самимий так-

лифни қайтариб бўлмасди; бориб у одам билан омонлашиб, ёнига чўкдим. Чой узатди. Болалигим мана шу атрофда ўтган эди. У ёқ-бу ёқларга алангладим. Назаримда, бир вақтлар шу томонни сувга сероб қилган ва айқириб, тошиб, ваҳима солган Қайковус ҳам анча кичрайиб қолгандек. Илгариги серфайз чойхона негадир кўримсиз. «Мана бу ерда ҳовуз бор эди-а?» — деб сўрадим чойдан ҳўплаб суҳбатдошимдан. «Ҳа, ҳовузни айтасизми? Ўлмасбоев келиб, суриштириб турарди. Ҳовуз атрофида олтита чорси каравот бўларди, кечқурунги фэйзини айтмайсизми? Бу ерга хонандалар ҳам келиб турарди. Қарамагандан кейин боғ ҳам култепага айланади, ука. Ҳовузга, ариқларга қарашмади, суви айнигач, кўмиб юборишди... Дидсиз одамлар бўлгандан кейин нима қилардик», — деди у киши. Ҳамма гаплар бўлди-ю, аммо Арслон Ўлмасбоев номини иккинчи марта эшитганим мени бир оз ўйлатиб қўйди. Кампирнинг «Арслон вақтида қурилган текис йўлкалар ҳозир ўйдим-чуқур бўлиб...» кетгани, ёш болалар, қари қартанлар юролмаётгани хаёлимдан ўтди.

Бояги киши Охунбобоев билан бир амалпарастнинг учрашиб қолгани воқеасини ҳам айтиб берди. Қадим иссиқ саратон кунларининг бирида дала кезиб чарчаган Охунбобоев каттакон ҳовуз бўйидаги сада соясига келиб жиндек ором олибди. Шу лаҳза қаншари паст, жиккақдан келган совуқ бир кимса Отага: «Мени ишдан бўшатишди, бир сафар кечириб, ўз амалимда қолдирсинлар», деб илтимос қилибди.

— Мана бу садани ким эккан? — деб сўрабди Ота ундан.

— Ҳа, буни бир вақтлар Амин бува деган одам экиб кетган, — дебди у.

— Ҳовузни ким қаздирган?

— Алиқул ота деган деҳқон.

— Сиздан нима қолади? Бирон кўприк қурдингизми?

У сукут сақлаб, ерга қарабди.

— Ишқилиб амалингиздан четлатишгани рост бўлсин, бўтам! — деган экан Ота ўша амални яхши кўрадиган одамга қараб туриб. Бунга нима дейсиз? Дидсиз одамлар бор, ука. Аммо Ўлмасбоев зап йигит эди.

Шу ҳафта ичи туғилиб ўсган маҳалламиздан хабар келди: «Қулмат бува қазо қилибдилар, соат иккига чиқарилармиш». Ҳамма ишни йиғиштириб, жанозага югурдим. Уч кам тўқсонга борган бува тобутини елкага олиб, инсоний бурчимизни ўтадик. Қабристон атрофи гиштин деворлар билан ўралибди, бунда ётган жигарларини эслаб келганлар дам олиб ўтиришлари учун бир неча жойга шийпонлар қурилибди. Янтоқзор, одам ёнидан ўтса қўрқадиган овлоқ бу қабристонга кўркам боғ сиёқи кирибди. Бунда ҳам баъзи кишилар райижроқўм раиси Арслон Ўлмасбоевни эслашди. Унинг бошу қош бўлиб, бу ишларни амалга оширганини гапиришди.

Баъзан, ҳозиргина кўнгилдан ўтказган кишинг билан рўбаро келиб қоласан. Баъзан кутилмаганда унутилган исмлар тез-тез такрорланади. Эҳтимол, шундай бўлаётгандир!

Йўқ, бундай эмас.

Редакцияга келган хатларнинг бирида, фронтда ҳалок бўлган йигитнинг онаси уйини ремонт қилиб беришларини сўраб ариза берган экан, орадан анча вақт ўтиб кетганига қарамай бу иш ҳақида ҳеч ким ўйламаётган эмиш. У ҳам Ўлмасбоевни эслабди. Хатни ўқиб, юрагим жиз этиб кетди. Туғилиб ўсган ерларимнинг қай томонига борсам бу ном лоп этиб рўпарамдан чиқаётгани диққатимни тортди.

Таажжуб!

Яқинда, бир учрашувда пенсия ёшидан ўтиб кетган бўлса ҳам ҳужжатларини расмийлаштира олмаётган танишимни ялқовликда айбладим. «Йўқ,— деди у,— Арслон бўлганида ёнига кириб, тўғрилаб чиқардим. Ҳозир унинг ўрнида ким ўтирганини ҳам билмайман...» Шундан сўнг у яқинда райижроқўм қабулхонасида бўлган воқеани айтиб берди. «Шаҳримизда уч юздан ортиқ ҳовуз бўларди. Ичиш маъносида ҳозир ҳовузга эҳтиёж йўқ, лекин шаҳар иқлимини мўътадил қилиб, дарахтларни кўкартириб туришда уларнинг аҳамияти чексиз эди. Сенлар амалдор бўлиб, ҳовузлар кўмилиб кетди, мевазор боғлар бузилди... Сенлар бор нарсани бузиб, қуряпсанлар, бўш ерга қурганларингда мен сенларга қойил қолардим. Бузиш осон, тузиш қийин...»— деб фиғон бўлаётган чол қабулхонада ўтирарди.

Яхшигина кийинган баланд бўйли, бежирим йигит шляпасини олмаган ҳолда қабулхонага кириб, ўтирган одамларга бир қараб, секретарь қизга имо қилди:

— Бормилар?

— Ҳа.

У кенг ва гўзал хона ўртасидаги поёндоз устида гарч-гурч қадам босиб ичкарига кириб кетди. Қабулхонада ўтирган кишилар бир-бирларига қараб, ажабланишди. Ҳозир кириши керак бўлган бояги чол ҳассасидан даҳанини кўтариб, секретарь қизга мурожаат қилди:

— Қизим, бу киши ким бўладилар?

— Доцент...

— Аттанг! У билим олибди-ю, таълим олмабди, ҳа, билим бошқа, таълим бошқа,— деди афсусланиб чол. Бунақасига нима дейсиз?

Гап вазифининг масъуллиги эмас, одамига қарар экан, дедим ичимда. Қаерга бормай Арслоннинг шарпаси юради — унинг қадами тегмаган жой йўқдек. Майда болалари кўп бир қашқарлик охун одамларникида ижарада турар экан. У уй-жойлик бўлиб қолибди. «Арслон ака бизни ватанлик қилиб қўйди», деб терисига сиғмай юрибди. Баъзи одамларнинг гапига қараганда Арслон Улмасбоев кейинги пайтларда бир қадар асабийликка мубтало бўлиб қолган эмиш. Бу эса, атрофидаги баъзи ноқобил кимсаларнинг унга зид иш қилиб, тез-тез «рағбатлантириши»дан келиб чиққан, дейдилар. Кимгадир: «Сизни лоқайд киши деб юрардим, йўқ, сиз — манфаатингиз йўлида лоқайд эмас экансиз. Иккиюзламачи кишиларга тоб-тоқатим йўқ!» деб бўғилаётганини ҳам эшитганлар бор...

26 апрель зилзила куни азонлаб маҳаллаларни пиёда айланиб чиқибди. У кирмаган биронта кўча қолмабди. Баъзи хонадонларга кириб, қари-қартанглар билан гаплашибди, ёш-ялангларга далда берибди...

Сунбул ўсимлиги соябон гўлдилар оиласига мансуб бўлиб, чўл, адир ва тоғ ёнбағирларида ўсади. Ҳар йили эрта баҳорда барг ёзади. У етти-саккиз йилда вояга етиб, бутун ҳаёти мобайнида фақат бир мартагина гуллайди. Меваси ерга тўкилиши билан ўзи ҳам қуриб қолади...

Хаёлимдан ялт этиб яна ўша Арслон Ўлмасбоев ўтди-ю, уни сунбулга қиёс қилгандек бўлдим.

Бундай бўлиши мумкин эмас!

Донолар қилиб айтганидек, ўз замонида одамларга яхшилиқ қилиб яшаган инсон ҳамма замонлар учун ҳам муътабардир. Дунёда қудратли нарсалар кўп, ammo табиатда Инсондан қудратлиси йўқ.

Иккинчи боб

АРМОН

Аббосхон Хўжахонов элликларга борган, сарбаст, кўркам одам. У мана уч йилдан бери райижроқўм раисининг муовини. Бу мансаб унинг ўз тили билан айтганда «ёстиқ». Министр муовини бўлган Хўжахонов маиший жиҳатдан бузуқ ишлар қилгани сабабли ўз вазифасидан четлатилиб, партиявий жазо олди. Орадан кўп ўтмай кимнингдир қўллаб-қувватлаши натижасида район ижроқўми раислигига муовин бўлди. Яхши ҳам у хўжалик ишларини биларкан, шу «қобилияти» сабаб бўлиб, баланд даргоҳдан харсангтош устига эмас, ёстиқ устига тушди — тагида машина, кабинет, телефонлар, илгариги ошнолари... Ижроқўм раиси Арслон Ўлмасбоев, мен, бу одамни нима қиламан, гап фақат ахлоқда эмас, бизнинг райони-миз шароитида бундоқ имони бўшроқ, тарафкашроқ одамнинг ишлаши мақсадга мувофиқ эмас-ку, деганида, эътироз билдиришди. «Қар қалай ўзимизнинг эски ошнамиз. Бундай қилсангиз айб бўлади,— дейишди.— Иккиламчи, сиз уни тарбияланг!» У мени «тарбиялаб» қўйса-чи?— деганда бу гапни эшитган дўстлари тоза хахолаб кулишган эди.

Мана, бу гапга ҳам анча вақт бўлди. Дарҳақиқат катта коллектив — райижроқўм шу битта одамни тўғри йўлга солиб юбора олмайдими, деб Арслон ўзининг эски ҳаммаҳалла ошнаси билан қўлни-қўлга бериб ишлай бошлади.

Энди икки оғиз сўзни Аббосхондан эшитасиз; олча новдалари мунчоқ-мунчоқ бўртиб, эрта пишар оқ ўриклар аллақачон гуллаган. Осмон мусаффо. Ҳамма ёқда баҳор севинчлари, хоналарда диққина-

фас бўлиб ўтириш ҳеч кимга ёқмасди. Аммо, бугун эрталаб ҳам Аббосхон икки томони ойнабанд ганжинасида хизматга отлангану, негадир ўрнидан қўзғалгиси келмай, эски духоба креслода ўтирарди. Унинг юрагини қандайдир бир алам ғижимларди. У ўзини алаҳситмоқчи бўлиб, амал олаётган дарахтларга, кўчада чошиб ўйнаб юрган болаларга, осмонда чарх урган қушларга қарар, бир лаҳза бўлса ҳам ўзини чалғитишга уринар эди. Ҳа, мана баҳор келди, бу ёғи ёз. Кексаларнинг айтишича, теракларнинг ерга тўкиладиган майда кучаласи заранг ерга тушсам, қовурғам синади, мен юмшоқ қорнинг устига тўкилсам яхши бўларди, дермиш. «Ишқилиб теракнинг кучаласи ерга тушсину, қор бўлмасин-да», деди ўзига ўзи Аббосхон. Лекин... яна бирдан унинг хаёллари тарқаб, кўз олдига Рихсиниса кела бошлади — мана шу қизил духоба кресло ҳам ўша вақтда олинган эди. Бу ганжина ҳам, уй ҳам ўша вақтда солинган эди. Гуллаб турган оқ ўрикни ҳам ўша вақтда эккан эди...

Эшикда машина гуриллаб тўхтагани эшитилди. Аббосхон дарҳол ўрнидан туриб, ичкарида уй йиғиштираётган катта қизига «кетдим» деб ташқарига чиқди. Машина эшикларини очиб шай турган шофёр йигит Аббосхоннинг «кечкиб қолдингиз?» деган сўзини эшитмасданоқ жавоб қилди.

— Соат ўн бирда исполкомда бўлишлари керак, деб опамларга эслатдим. Магазиндан ҳадеганда чиқармадилар. Ундан кейин иккинчи ювелир магазинига ҳам кирдилар, кейин ишхоналарига ташлаб келдим...

Аббосхон индамади. У тишини тишига босди, чакка гўштлири тарам-тарам бўлиб кетди. Ун бирга мўлжалланган мажлис бир соат кеч бошланди. Мажлис ўрталарида тайинлаб қўйганига қарамай секретарь жувоннинг имоси билан телефон трубкасини кўтарди — у томондан хотини Латофатхоннинг бийрон овози янгради: «Хўжаен! Ишдан қайтишингизда тўрт юз сўм топиб келинг, Шаҳзодахоннинг бриллиант узугига ўхшаган узук топдим. Эшитяпсизми? Нега овозингиз чиқмайди? Узингизнинг ҳам ваъдангиз бор эди-ку?..»

— Исполком мажлиси кетяпти! Тушундингизми?

— Исполком, исполком... Ҳа, тушундим! Пул эсингиздан чиқмасин!

Хўжахоновнинг ранги ўчиб, трубкини қўйди. Бўлган воқеани кенг кабинетда тўлиб ўтирган одамларга сездирмасликка ҳаракат қиларди. Лекин унинг феъли айниганини баъзи кишлар сезиб олишган эди. Ҳаманинг кўзи унда, аммо маҳалладан келган одамлар негадир уни Арслонга ўхшатишмас, бу кенг ва кўркем кабинетда бир киши йўқдек эди.

Тушки овқат вақтига қолмай мажлис тугаб, одамлар тарқалишди. Секретарь жувон одатдагидек бир чойнак чой олиб кириб, пиёлаларни ювиб келди.

— Валидолингиз йўқми? Сизда бўларди...

— Вой, нима қилди, Аббос Тўраевич?— секретарь жувон ҳайратланиб сўради.

— Сал юрагим санчяпти.

— Ҳозир топиб келаман. Зайтунада бўлгучи эди,— деб югуриб чиқиб таблетка олиб кирди.

— Марҳамат қилиб айтинг, бир соатгина ёнимга одам кирмасин.

— Ҳа, ўзи ҳам обед вақти. Ҳеч ким кирмайди.

— Ўлмасбоев уйида ётганмишми? Зайтуна нима деди?

— Ҳеч нима дегани йўқ. Арслон Ўлмасбоевичнинг яна мазалари қочиб қолганга ўхшайди.

— Йўқ, у соғ. Муғомбирлик қиляпти.

Аббосхон валидолни тили тагига ташлаб, рўпарасидаги диванга бориб ўтирди. Муштумини иягига тираганича хаёлга чўмди.

Яна унинг кўзи олдида Рихсиниса пайдо бўлди. Бу, унинг биринчи хотини эди. Бундан йигирма беш йил муқаддам Аббосхон уруғларининг маслаҳати билан оқтепалик бир колхозчининг қизи — Рихсинисага уйланган эди. Қиз унга жуда ёққан эди. Орадан бир йил ўтгач, ҳозирги уй йиғиштириб юрган катта қизи Хатира туғилди. Ундан кейин икки ўғил... Рихсиниса тўладан келган, серғайрат тиниб-тинчимайдиган аёл эди. Кенг ва мусаффо даласидек юраги ҳам тоза, дўсара, майда-чуйда гапларни билмас, ғийбатни ёмон кўрарди. Ўзи ҳам гап билмас, жаҳли чиқса индамай ўтира берарди. Ясан-тусанга ҳам унча қизиқмас, одмироқ бир кўйлакни кийиб, енгларини шимариб олиб, болаларига овқат тайёрлар, кир ювар, уйни тартибга

соларди. Аббосхонга жуда итоаткор, унинг кийимларига гард юқтирмас, эрининг кўйлаklarини бошқа кирларга қўшмай, алоҳида юварди. Отасининг урушда ҳалок бўлиб, ота дийдорига тўймагани ва оналари унинг қулоғига қўйиб қўйгани учунми, эрига катта ҳурмату эътиқод билан қарарди, жонидан ҳам азиз севарди. Муҳаббат — киши турмуш қурганигача бўладиган юрак туғени эмас, турмуш қуриб, бола-чақалик бўлгандан кейин ҳам муҳаббат бошланади. У жуда мустаҳкам бўлиб қолади. Ҳозирги баъзи ёшларнинг севги ҳақидаги тасавури бир томонлама. Оиласининг тинчлиги, болаларининг бир-биридан чиройли бўлиб, соғ-саломат ўсаётгани, Аббосхон институтни тамомлаб, тезда кўтарилиб, раҳбарлик лавозимларда ишлаётгани Рихсинисани қувонтирар, у ниҳоятда бахтли, ўз ҳаётидан ғоятда мамнун эди. Лекин Аббосхон Хўжахоновнинг онаси, баъзи гапдон ва зукко хоёлари — соддадил қишлоқи қиз устидан кулиб: — «Отанг ким — ошқовоқ, онанг ким — мошқовоқ...» дейишарди. Агарда ўша вақтда, шаҳарда боқишга рухсат берилганида, иккита сигир олиб, хонадонни сут-қатиқ, қаймоққа сероб қилиб ташлардим, деган эди тўлқинланиб Рихсиниса. Ўшанда унинг бу гапидан тор кўчани «обод» қилишадиган хотинлар тоза тиззаларига уриб кулишган эди. «Ҳали бу ҳамма ёққа таппи ёпмаса эди. Уқиган, кимсан фалончи инимизга муносиб культурний қиз ҳам топилмади-да!» Баъзилар уни «тўпори» дерди. Баъзилар: «Ҳой, айланайлар, тўпори бўлса ҳам худонинг бандаси, юзига солманглар, эгасининг қаҳри келади, шунақа пахмоқ қизларнинг бахти бўлади», дейишган эди.

Бу гап Хўжахоновнинг ҳам қулоғига чалинган: «Пахмоқ қиз...» Баъзида сочлари тўзиб, ҳурпайиб юрадиган Рихсиниса унга ёқмай ҳам қоларди. Атир-упа ҳам сурмасди. Москвага борганида, атайин, хотиним учун, деб қиммат ва ноёб атирлар олиб келди. Рихсиниса хурсанд бўлиб, бир-икки суртган бўлди-ю, яна эътибор бермай қўйди. Жаҳли чиққан Аббосхон ўшанда бир куни: «Ҳой, онаси, сендан сигир елинининг ҳиди келади, мана бу атирлардан сепиб турсангчи! Ахир сен ҳам хотинсан-ку!» деган эди. Бу гаплар аввалига ҳақоратдек туюлиб, жаҳли чиқди, ҳурпайиб, ёш боласини бағрига босиб эрига гапирмай ўтирди.

Кейин бундоқ ўйлаб кўринг, эри унга ёмонликни раво кўрмаётгани, ахир, атир сурт деяётганини фаҳмлаб, шу куни эрининг хизматдан қайтишигача шундай пардоз қилдики, янги гўшангага кираётган келинлардек бўлди-қолди. Янги хонатласини кийиб, бармоқларига тилла узугини ҳам тақиб олди. Болалари «адам билан опам кизюга боришаркан», деб хурсанд бўлишди.

— Бор экансан-ку,— деди Аббосхон жилмайиб.

— Дадаси, иш билан бўлиб ўзимга қаролмайман-да...

— Ҳуснда ҳеч кимдан камлигинг йўқ. Бундоқ ўзингга ҳам қарагин-да!

Рихсиниса атрофида болалари йўқлигини кўргач, эрининг бўйнига осилиб, юзларидан ўпди. Жиддий ва пурвиқор Аббосхон ҳам хотинини қучиб, уни азот кўтариб олди-да, ичкари хонага олиб кириб кетди...

Эрининг яхши кўриши, оиласининг бахтлилиги, болаларининг ширинлигидан маст кишидек масрур эди. Қўй, бунақа қилма, деса ҳам баъзан ишдан чарчаб келиб ётган эрининг кифтларини уқалаб қўяғ, икки чаккасини бармоқлари билан силаб, «қон юриштириб» юборарди.

Болалар ўсди. Аббосхон мартабали киши. Унинг уйига тез-тез ошна-оғайнилари ҳам кела бошлади. Илгариги ота-бободан қолган, бўйра ташланадиган битта хона ва даҳлиз уларга торлик қилиб қолди. Наинки торлик қилди, полсиз-ер уйда болаларининг ҳам ранги чиқмай синиқиб кета бошлади. Улар маслаҳатлашиб бирон ердан участка олиб, иморат солишни кўзлашди. Бу гап Рихсинисага жуда ёқди. Аммо бу режадан воқиф бўлган қайнана ва қайинсингиллар, Аббосхоннинг холалари тўнғиллаб, ифво гаплар тарқатиша бошлашди.

— Опоғойи, ана «пахмоқ қиз» қилиқ чиқариб, эрини ажратиб олиб кетяпти! Таги паст қишлоқи, энди жигаримизни биздан жудо қилмоқчи!

Кампир миқ этмай, ўқрайиб ўтирган ерида заҳри-олудини Рихсинисага тўкмоққа чоғланарди.

— Тўпори дердик, йўқ, бурганинг киндигини кўрган айёр экан,— деди Аббосхоннинг холаларидан бири,— укамнинг шундай бир «анди» билан умрини ўтказиб юбораётганига ачинаман. Аббосхонга кимлар тегмас эди.

Шунча маломатларга чидаган Рихсиниса ўз режаларидан қайтмай, эри билан маслаҳатни бир ерга қўйиб шаҳаримизнинг кўркем ерларидан бўлган—Оқлон томондан участка олиб, иморат солишди. Ғишт қўйдиришди, тахта-ёғоч, шифер, ромлар сотиб олишди. Рихсинисанинг уч шода марвариди, тилла асбоблари сотилиб кетди. Девор олдирилиб, чайлага ўхшаган бошпана қуриб, ёз бўйи шунда яшашди. Баъзи кунлари овқат пиширишдан қўли бўшаган Рихсиниса ёш болаларини ўтқазиб қўйиб, иморат солаётган усталарга қарашарди, ғишт таширди, лой узатарди. Кузга бориб, усти ёпилиб, сомонлик сувоқдан чиққан уйга кўчиб киришди.

Уша йилги қиш ичи усталар пол қоқишди, шифтларнинг фанеғини бўяб, электр симлари ўтказишди, яна баҳор келиши билан иморатни алебастр сувоқларини бошлаб юборишди. Ойлар, йиллар ўтгач, янги иморат борган сари кўзга ташланиб, Рихсинисани қувонтира бошлади. Қайнана ва қайин сингиллари икки йил ичида бир мағта ҳам қадам босишмади. Деҳқон қизи ишлаб чарчамас, аммо фисқу фужур гапларга асло тоқати йўқ эди.

Аббосхоннинг ишлари олдинга босди; орадан тўрт йил ўтгач, уни катта лавозимга қўйишди. Энди у анча сипо, эшигига ҳар куни машина келадиган бўлди. У кимсан — Аббосхон Тўраевич Хўжахонов. У тўйларда ҳам энг юқорида ўтириб, қадаҳ кўтаради.

Хом сут эмган инсон, деганларидек, Аббосхон Тўраевич ўз уйи, ўз ишидан мамнун эди-ю, фалокат босиб пинҳоний ишратни кўнгли тусаб қолди. Ўзига ниҳоятда оро берган, яхши кийиниб, атир-упаларни беназр сепадиган, чикка бел бир жувон унинг диққатини жалб этди. Бу аёл дарҳақиқат гўзал эди. Йирик чарос кўзлари тепасида қалдирғочдек қанот ёзиб турган қошлар, чинни кабутарнинг кўксидек бўртиб турувчи сийна, хипча бел ва лаблардаги ишва, сўзамоллиги эркакларга ёқадиган қилиқларга усталлиги Аббосхоннинг эс-ҳушини тортиб олди. У тез-тез телефон қилиб турадиган, баъзан у билан учрашадиган ҳам бўлди.

Тўртинчи фарзандига ҳомиладорлигида эридан жиндек шубҳаланган Рихсиниса юрагига ваҳима тушди. Лекин у «ҳам эрим, ҳам отам, бору йўғим сиз»,

деб қарайдиган, унинг учун «ғоятда қадрдон одамга» ҳадди сиғиб бир нима демади. Ҳатто ҳазил-мутойиба гап билан ҳам «адаси, кўзингизга қараб юринг», де-ёлмади. Бу гапни айтиб, кўз очиб кўрган эрини ран-житгиси келмади. Аслида-чи, Аббосхон ўша «чикка бел» билан росмана дон олишиб юрарди.

Боласини эсон-омон туғиб олган Рихсиниса иморат қуриш вақтида ғишт ташиб, лой узатиб, жигарини шамоллатган экан, шу дард билан ётиб қолди. Унинг кейинги боласи қиз бўлди. Қишлоқдаги уруғлари келиб қараб туришди. Аббосхон ҳам доктор чақирти-рарди-ю, аммо «тўпори», эркакларга муомала қилиш-ни билмайдиган Рихсинисадан кўра ҳам хаёли бошқа аёлда эди. Бу таранг аёлнинг номи Латофатхон.

Рихсиниса куйди. Унинг данғиллама уйлари, янги ғарнитури, тошойна, пианино, гиламлар билан безати-либ, энди тўкис яшайман деганида тўсатдан қазо қил-ди. Бечора «пахмоқ қиз» етдим деганда йиқилди. Унинг беғубор юрагидаги орзулари ҳам ўзи билан бир-га тупроққа кўмилди. Ўша кунлари қуйиб-ёниб бола-ларини қучган Аббосхон, уч ойдан сўнг Латофатхонга уйланди. Бу ишда унинг онаси, қариндошлари жонбоз-лик кўрсатишди.

Уч йилдирки, Аббосхон Латофатхон билан бирга яшайди. Бу хушбичим, келишган аёл Рихсиниса ўз қўли билан лой қориб, ғишт ташиб, очин-тўқин қолиб қурган, ҳозир дарвозасидан машина кирадиган гулзор ҳовлилик данғиллама уйда яшайди.

* * *

...Юрагини чангаллаб диванда хаёлга чўмиб ўтир-ган Аббосхон эшикни очиб, ёнига келган секретарь жувонни пайқамай қолибди.

— Аббос Тўраевич, қабулхонада одамлар бор, ки-ришса майлими?

— Марҳамат!— деди ўғнидан дик туриб. У ёқ-бу ёгини тўғрилаб ўзини қўлга олиб, стулга бориб ўтирди.

Кечқурун у ўз машинасида уйга қайтиб келди, ёнида бунчалик пул йўқ эди, танишларидан қарз ҳам олмади. Ҳовлига кириши билан жилмайиб турган Латофатхон бош қимирлатди. Бу унинг «тўрт юз сўм пулни олиб келдингизми?» дегани эди. Аббосхон бош

чайқади. Латофатхоннинг юзидаги табассум ғазабга айланди. У чимирилганча эрига бошқа сўз айтмай ичкарига кириб кетди. Бу ҳолни сезган болалар жанжал бошланишидан қўрқиб, бир-бирига қараб титрашарди. Аббосхон ювиниб, болалари билан овқатланди. Латофатхон бўлса ичкарига кириб кетганича қайтиб чиқмади, эрталаб чой ҳам ичмай яسانيб-тусаниб кўчага чиқиб кетди. Аббосхон унинг хизмат жойига телефон қилиб, ишга келмаганлигини билди. Аббосхоннинг юраги музлаб кетди; унинг қандайдир бир мўйловли йигит билан гаплашиб юришини пайқаган эди. Кечқурун эру хотин уйда учрашишди, қўшдан чиққан ҳўкиздек силласи қуриб, кўзлари ич-ичига тортиб, кўкариб кетган Латофатхон тўйган қўзидек қошларини чимириб, эрига сохта кулиб, «овқатингизни олиб келиб берайми?» деди. Аббосхон бош чайқаб, қорни тўқлигини айтди.

Кунлар мана шундай ўтарди.

Бир куни эрта билан у хизматга боришга шайланиб турганида, кадрдони, шу маҳалланинг оқсоқолларидан бири «Ташсельмаш» ишчиси Нишон ака эшикдан гапириб кириб келди:

— Ассалому алайкум! Сал кечиксам кетиб қоларкансиз-а, укажон! Кўргим келди. Вақтингизни олмайман, беш минут...

— Марҳамат, марҳамат, Нишон ака,— деб омонлашди Аббосхон у билан узоқ кўришмаган одамдай қўл сиқишиб. Айвонга таклиф қилди.— Ҳеч шошадиган ерим йўқ, марҳамат!

У дарҳол қизи Хатирага чой дамлаб келишни буюрди. Хатира ҳам марҳум онасига ўхшаб тўладан келган, чаққон, кўнгли очиқ қиз эди. У бир зумда дастурхон ёзиб, чой дамлаб келди. Орадан ярим соатча ўтгач, овқат олиб кирганида боши қуйи солинган адасининг кўзлари ёшли эканини пайқади. Хактери қаттиқ, камгап адасининг ўпкаси тўлиб ўтирганини кўриб ҳайрон қолди.

— Нима ишлар бўлмайди, ука, ҳар қалай ўзингни тут, асабингни сақла,— Нишон ака секин гаширарди,— фарзандларинг бор, уларни ўкситма.

— Рихсиниса яхши кўрганидан мени «бахтим» дерди. Йўқ, у янглишарди, мен бунга арзимас эдим. У — менинг бахтим эди. Энди у бахт йўқ. У менинг

хожадонимни тузди, энди у бир чеккадан тўкиляпти... Чидаялмайман, ҳеч чидаялмайман! Уйлайвериб, поёнига ета олмаяпман...

— Мен сенинг ички ишинга аралашиб, бундай қил деёлмайман, лекин ҳар қалай пок яшаш керак.

Аббосхон бир хўрсиниб қўйди. У ҳовлининг қаерига қараса шу ерида Рихсиниса кўринарди. Унинг овози эшитилиб кетгандек бўларди, бундоқ қараса фарзанди Хатира экан. «Худди онасининг ўзи-я! Онасидек пок бўлсину, умри ўхшамасин», деди ичида Аббосхон Нишон акага тикилиб ўтираркан.

— Укажон, ўртоғингиз Арслон Улмасбоевнинг ҳолидан хабар олдингизми?— деди Нишон ака тўсатдан гапни бошқа томонга буриб,— ҳар қалай бир ерликсизлар. Бундан ташқари, у — раис.

— Лаббай?— деди у негадир устидан совуқ сув сепгандай. «Раис» сўзи унга ёқмади,— янги квартирасига бундоқ тўртта одамни чақириб, бир пиёла чой ҳам қуйиб бергани йўқ. Бунинг устига, яқинда эшитдим, давлат берган квартирани бошқа бир одамга сотиб пулини еб ўтирганмиш. Хотинини ҳайдаб юборибди... Хотинини биласизми?

— Биламан.

— Раҳматли Ҳумоюн Саидбековнинг қизи. Ҳозирги горкомимиз, герой Марат Саидбековнинг сингиллари бўлади. Шундай одамнинг синглисини орқасига тепиб ҳайдаб юборибди.

— Йўқ, бунақа эмас.

— Бу ифлосликларни эшитганимдан кейин ҳайрон бўлиб қолдим. Мана, раис бўлган кишининг аҳволи! Яна бошқа гаплар ҳам бор, Нишон ака, унинг ёнига кўп бориб, ўз обрўйингизни тўкиб қўйманг. Сиз эски партия аъзоси, ишчи кишисиз. Унинг устида гап кўп...

— Қанақа гап?

— Хунук гаплар.

— Ким айтди сизга?

— Нишон ака, содда бўлманг. Ҳозир комиссия ишлаяпти.

— Бўхтон!

— Нима бўхтон?

— Уша «гаплар».

— Мен ҳам сизга эшитганимни айтдим-да, бўхтон эканлигини ўшаларга айтинг.

— Ким ўша? Кимга айтай?

— Комиссияга.

— Хўп, айтаман! Лекин, Хўжахонов ука, халқимизда: ёмон кунлар ўтар кетар, орқангни куйгани қолар, деган гап бор. Оғир кунларида ўртоғингизни ташлаб қўйганингиз яхши эмас!

Аббосхон Хўжахонов миқ этмади. «Орқангизнинг куйгани қолар», деган сўз қаттиқ тегди. У тишини тишига қўйиб ўзини тутди. У Нишон аканинг бу ердан тезроқ чиқиб кетишини истарди. Нишон ака ҳам этагини қоқиб ўрнидан қўзғалди: «Мен келиб-келиб юрагимни шунга очдимми! Арслоннинг оёғи тагига тарих сочганларнинг бири сен ўзинг бўлсанг керак», деди ўзига-ўзи йўлда кета туриб.

Пурвиқор Аббосхон бўлса сўлиган тарракдек бўшашиб, ҳовли ўртасида қақайиб қолди; «ўзиники бўлмаган ишларга араллашиб юрган рабочукка» нафрат билан қаради. «Ҳали сенга ҳам гал келиб қолар! Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан», деб қўйди.

Учинчи боб

ДАРАХТ МЕВАДАН ОЛДИН ГҮЛ КҮРСАТАДИ ЕКИ АРСЛОНДАН ЙИГИРМА ЕШ КИЧИК БҮЛГАН ДЕНГИЗ ХУСУСИДА

Арслоннинг хаёлларини узоқ кечмиш — студентлик йиллари олиб кетди. У ўй суларкан, наздида хафақон бўлиб турган осмон ҳам чарақлаб кетгандай бўлди...

...1939 йилнинг эрта баҳори.

Намгарчиликлар тугаб, баъзи кунлари қуёш яшигина илитар, йўл чеккаларида уюлган кир қорлар эрир, бўғотлардан чак-чак томар, ерга сингар, аллақайси, дарахт тепасида туриб, қор қақириб олақарга қағиллар, яқинлашиб келаётган баҳор нашидалари уни талвасага солиб қўйган эди. У гоҳ тут, гоҳ ёнғоқ, гоҳ терак тепасига беўхшов «қағ-қағ»лаб, атрофига олазарақ қараб қўярди-ю, яна бу атрофдаги ҳамма нарса уни ҳайдаб солаётганини сезгач, мезана усти-

дан ўзини пастга уриб қочарди. У қувғинди уни бутун мавжудот қуваётгандай, у ҳеч қаердан ўзига паноҳ тополмаётгандай яккаланиб қочарди. Ҳамма ёқда навбахорнинг кучли қаҳ-қаҳаси...

Ҳафтанинг сўнги куни, педагогика институтининг охири курсидан ташқари ҳамма студентлар якшанбадан кейин Каттақўрғон сув омбори қурилишига жўнайди, деган гап тарқалди. Коридорда, деканат эшигига ёпиштириб қўйилган эълон қаршисида студентлар тўпланди. Бир муддатан кейин аудиторияга жилмайиб кириб келган чуваккина йиғит — Зоҳидий ҳаммани тўплаб, душанба куни сафар анжомлари билан келиш лозимлигини, сафарбарлик бир ярим ойга мўлжалланганини маълум қилди.

Бу хабарни деярли ҳамма студентлар «ура!» деб қабул қилишди. Сафарга чиқиб, поездга тушиб, бошқа шаҳарга бориб, катта қурилишда ишлаш романтикаси Арслон юрагига шавқ солди. У Лермонтов китобини ва ўзининг ошиқона шеърлар билан тўлган чиройли дафтарини, яхши кўрадигани — дастаси суяк, кичик ханжарини портфелига солиб олишини кўнглидан ўтказди. Тил ва тарих дарслари уни жуда зериктирган, у кўпроқ антик адабиётга қизиқарди. Арслон Зоҳидийдан бу хабарни эшитиши биланоқ коридорга чиқиб, оқ картонга қора туш билан ёзилган эълонни ўз кўзи билан кўриб келди. У курсдош ошналари Бурхон, Қодир, Зоҳидийлар билан «маслаҳат мажлиси» қурди. Ҳали Тошкентдан четга чиқмаган Арслон учун Каттақўрғон сув омбори қурилишига бориш — Арктикага боришдек буюк гап эди. Шу йиллари Шимолий Қутбни забт этаётган қаҳрамонлар донги бутун мамлакатни тутган, челюскинчилардан кейин Папанин номи, Чкаловлар қаҳрамонлиги тилларда дoston бўлган эди. Комсомол аъзоси Арслон Ўлмасбоев ҳам ўзини чкаловча жасорат қилишга чоғларди. Сув омбори қурилишига бориш муносабати билан ўқишдан сўнг катта залда институт директори сўзлаб, зални лиқ-лиқ тўлдириб турган студентларни меҳнат зафарига отлантирди. Физкультура ўқитувчиси Собиров; юқори курс талабаларидан Каримжон, Маков, комсомоллардан Елена Стемповская ва бошқалар минбарга чиқиб, нутқ сўзладилар. Шоир Зафар Диёр шеър ўқиб берди. Ти-

қилинч залда, одамлар орасида турган Арслон шеърни диққат билан тинглар, газеталарда шеърлари чиқиб турадиган бу шоир билан яқинда танишган эди. У мулойим, тўладан келган, ўта камтар йигит эди. «Камтарга — камол, манманга — завол» мақолини ҳам шу одамдан эшитиб, дафтарига ёзиб қўйган эди.

Арслон мактабда ўқиб юрган йилларида Тошкент циркига келиб, каттагина илонни баданига чирмаштириб ўйновчи Гладилшчиковни, одамларни ухлатдиган гипнозчини кўргани циркка тез-тез қатнайдиган бўлган эди. Унинг циркни яхши кўришини уйдигилар билишарди. Кичкина ханжар тақиб юришга ишқибоз бўлган Арслон шеър ёзишга ҳам қизиқарди. Бу муҳаббат уни аслида педагогика институтига етаклаган эди.

Арслоннинг ўткир қарашлари таъсирли, баъзан тикилиб қараган кишини безовта қилиб, ўзига ром қилар эди. Опасининг «Кўзларинг мунча ўткир», деб койиган вақтларини ҳам эсларди. Қўшни хотин бир куни «Опоғойи, Арслонингизнинг кўзлари бир ўткирки, тикилиб турса одам кўрқади...» деган эди. Саодат бўлса бир куни «Сен ҳеч кўзингни юмасанми, ёки уккидек ўқрайиб тураверасанми?!» деган. Бу гапларнинг ҳаммасига Арслон ўз вақтида жавоб қайтарган, албатта. Бироқ, ҳар қалай унинг кўзлари доимо ёниб турарди. У баъзан хаёл ичида одамларга тикилиб қараб қоларди. Бундай пайтда ўша одамнинг безовта бўлиши турган гап. Кета туриб, қоқилиб йиқилган қизлар ҳам бўлган. Арслон циркка қатнаб, гипнозга жуда қизиқди. Ҳатто мактабда, еттинчи синфда ўқиб юрган кезларида ҳозир йўқ бўлиб кетган педалогия «фани» бўйича тузилган анкеталардан бирига: сиз катта бўлганингизда ким бўласиз, деган саволга «гипнозчи бўламан» деб жавоб ёзган эди. У циркдаги гипнозчи ўйинларининг ҳаммасига борди. Ўзининг жуда қизиқишини изҳор қилиб, кундуз кунлари гипнозчи яшаб турган меҳмонхонага ҳам қатнади. Унга ҳар куни бозордан қовуну нок, узуму олмалар олиб борди. Бир ўзбек йигитининг бунчалик ишқибоз бўлаётганини сезган гипнозчи унга бир неча китобларни ўқиб чиқишни тавсия этди, ундан кейин баъзи машқларидан ўргатди. «Гипноз — одамларни сунъий ухлатиш демакдир. Медицина тилида шартли

рефлектор орқали яратилган уйқу. Бир шахсининг иккинчи бир шахсга таъсир этиши ва даволаш мақсадида ухлатиш усули қадим замонлардан маълум,— деди унга гипнозчи,— йоғлар қадимдан Ҳиндистонда кенг тарқалган, Ибн Сино таълимотию табобатда ҳам ухлатиш, беҳушлик ила даволаш кенг қўлланган. Авраш, руҳий таъсир этишлик маълум. Европалик олим Местер гипнозни айрим кишилар гўё махсус магнетик куч истеъдодга эга бўлиб, бошқа одамларга таъсир эта олади, дейди. Гипнозчининг бир хилда доимий — ритмик, оҳиста қўл ҳаракатлари, қарашлари кишини сеҳрлайди».

Бахтга қарши гипнозчи Тошкентда узоқ турмай бир ойлардан сўнг Ленинградга жўнаб кетди. Уни Арслон совга-саломлар билан вокзалга олиб чиқиб, кузатиб қолди. Йигитчанинг жуда ихлосманд экани, веҳни ўткир, кўзлари теранлиги гипнозчига ёқиб, кетар чоғи, вокзалда унга битта китоб ташлаб кетди. «Синчиклаб ўқиб чиқинг, менга хат ёзинг, мен хат орқали ҳам сизга баъзи маслаҳатларимни бераман», деди у ўз адресини ҳам ёзиб қолдириб, Арслон бирикки йил у билан алоқа боғлаб турди. Домласи ўргатган ҳамма нарсани қилди — бироқ гипнозчи бўлолмади. Лекин ҳар қалай кўзи ўткир, кишиларга таъсир кўрсатиш хусусиятига эга эди.

Арслоннинг турли кўчаларга кириб чиққани, доно романтик хаёллар билан яшашини курсдош дўстларидан Бурхон билан Зоҳидийлар яхши билишарди, бундоқ қараганда бирмунча ғалат кўринадиган бу йигитнинг юраги пок, дўсара экани, вақти келиб у «машҳур гипнозчи» ёки «Антарктидага борадиган жасур сайёҳ» бўлишига улар ҳам ишонадигандек муомала қилишарди. Синдибод Баҳрийнинг океан сафарлари Миклулхо-Маклайнинг Янги Гвинея оролларидаги папуаслар орасида бўлишида у ҳам бирга юргандек воқеаларни ошналарига берилиб, мароқ билан ҳикоя қиларди. Бурхон ҳам, Зоҳидий ҳам, «утопист» ошналарига берилиб қулоқ солишар, унинг «умумжаҳоний» гапларини диққат билан тинглашарди.

Рус группасида ўқиётган Елена Стемпковская деган шаддод қиз жуда дидига ёққани, «Комсомол Стемпковскаяга» деган шеърини институтнинг «Педагог — марксист» деворий газетасида чиқаргани, Еле-

на ўзига бағишланган шеърнинг мазмунини — мисрама-мисра таржима қилдириб олиб, жуда хурсанд бўлгани ёдида. Стемпковская Арслонга алоҳида эътибор билан қарар, у билан рўпара келиб қолганида лутф кўрсатарди. Лекин Арслон Еленани кинога таклиф этгани журъат этолмасди. Буни қизнинг ўзи ҳам сезиб юрарди. Кунлардан бир куни у беш-олтита чиройли китобни Арслонга тақдим этди. Улар ичида Тютчев, Байрон... китоблари бор эди. Арслон бу китоблар учун ташаккур айтди. Елена Стемпковскаяни хурсанд қиладиган бирон тухфа ҳақида ўйлади. Эртасига у опаси тиккан тагдўзи дўппини қоғозга ўраб олиб келиб, узоқ танаффус вақтида ҳеч кимга билдирмай рус қизи бошига кийгизди. Қиз мамнун, у дарсинг охиригача ҳаммага кўз-кўз қилиб дўппи кийиб юрди. Лекин унга ким тақдим этганини ҳеч ким билмасди.

Кунлардан бир куни Арслон уни кинога таклиф қилди. Қиз рози бўлди, қош қорайганда «Хива» кинотеатри ёнида учрашув, «Агар эртага уруш бўлса...» кинофильмига киришди. Залда Арслон қизга тегажаклик қилди. «Тўғри ўтириш кераклигини» таъкидлашига қарамай, Арслон қизга ёпишиб, уни қучиб ўтирди. Қиз ён-верида ўтирган одамлардан жуда уялди. Азбаройи ҳурмати сабабли унинг қилиқларига чидади. Кино тугагач, Арслоннинг кузатиб қўйишини истамай, совуққина хайрлашдию, жўнаб қолди.

Бу, Арслон юзига тортилган шапалоқ бўлди. У ўз қилиғидан пушаймон бўлиб, қаттиқ ташвишга тушди. Энди у менинг юзимга қарамайди, деб ўйлади.

Душанба куни институт ҳовлисида Каттақўрғонга кетаётган студентлар бир неча гуруҳларга бўлиниб, вокзалга жўнаш учун тайёрланаётганларида, кийим-кечаклари солинган қоп устида ўтирган Арслоннинг кўзи Еленага тушди. У дарҳол ўрнидан туриб, қизнинг ёнига борди. Улар қўл бериб кўришишди. Арслон унинг юзига қараёлмай, хижолатли бир ҳолда, рус тилида сўради:

— Ты на меня не обижаешься?

— Да что ты? Считаю, что ничего не было,— деди Елена. Шундан сўнг Арслонга оқ йўл тилаб, хайрлашди-да, ўз йўлига кетди. Арслон қиз орқасидан тикилганча қараб қолди.

Шу куни институт ҳовлисига тўлган студент йигитлар автомашиналарда вокзалга чиқиб, поездда Каттақўрғонга жўнаб кетишди. Туни билан тақа-тақ, тақа-тақ учган поезд эртасига эрта билан Каттақўрғонга кириб борди. Қурилиш штабининг топшириги билан педагогика институти Янгиқўрғон участкасида ишлайдиган бўлди.

Қорадарё бўйида шинам қишлоқ. Бир томони баландлик — дўнг қирлар, бир томонида ёйилиб, баъзи жойлари икки-уч тармоқланиб зилол Қорадарё оқиб ётибди. Қишлоққа икки йўл бор; бири — қир орқали, иккинчиси — дарё орқали. Каттақўрғондан келадиганлар аксар қир орқали юришарди. Янгиқўрғон қишлоғида ўттиз-қирқ чоғли хонадон бўлиб, тепаликдан қараган киши пастак уйлар, ховлилар, оғилхоналар, мўриларни кўрар, қишлоқнинг нариги томонида дарё оқиб ётар эди. Қишлоқ жуда хушманзара — театрлардаги декорацияларга ўхшарди. Шаҳардан келган йигитларнинг диққатини тортган яна бир нарса шу эдики, бу ерда эшак кўп эди, қир томонга юрадиганларнинг ҳаммаси эшак миниб олишарди.

Студентлар ертўла ва қишлоқ аҳолиси бўшатиб берган хонадонларга, клубга жойлашиб олишди. Қирдаги қатор янги тайёрланган ертўлаларга ҳам бир қисм ёшлар жойлашди. Бу ертўлаларга асосан Бухоро областининг Қизилтепа районида келган колхозчилар жойлашган эди.

2 март, тонготардан бошлаб Янгиқўрғон қишлоғида карнай, сурнай, ноғора янграб қолди. Минг-минг одам қир тепасида шавқ билан ер чопа кетди. Салкам ўн беш километрли трассада ер қазилар ишлари қизгин бошланиб кетди. Баланд, тик тепаликларни қирқиб тушиб, Қорадарёдан Каттақўрғон шаҳри ёнида барпо этилаётган сув омборига қўйиладиган деривацион канал қазиларди. Одамлар чумолидек ғимирлашишар, осмонда кетмонлар ярқирар, замбилгалтакларда, орқалаб олишган «аэроплан» тахталарда тупроқ ташишарди.

Арслон Қизилтепа районида келган «Ёш ленинчи» колхозида ўнбоши бўлиб ишлади. Одамларнинг меҳнатини ҳисобга олиб ёзди, жанговар варақа чиқарди, ўрни келганда тупроқ ташишди. Бўлаётган ишлар ҳақида ҳар куни кечқурун участка штабида

бош прорабга ахборот бериб турди. Унинг бошқа дўстлари ҳам худди шундай вазифаларни бажаришди. Ишдан кейин Арслон ошналари Бурхон, Зоҳидий билан Қорадарё бўйига боришар, ой нурида жимирлаб оқаётган дарёни томоша қилишарди. Дўстларидан холи қолган чоғларида ёнидаги дафтарчасига табиат манзаралари ҳақида шеърый парчалар ёзиб қўярди:

Оқшом чўкса, ғарбда шафақ,
Далалар, ясси қирлар...
Дарё оқар, лим-лим қиргоқ,
Завқ-ла, барқ урар диллар.
Атрофинг тўла зиё.
Ҳалқа-ҳалқа тўлқининг.
Эй, шўх дарё, Қорадарё
Мафтунинг бўлай сенинг...

Арслоннинг эҳтиросини менсимаган Елена ҳам «Да что ты!» деб хаёлини олиб қочарди. Ўша куни институт ҳовлисида тўпланишиб туришганида у чиндан ҳам хайрлашгани келдими ёки иттифоқо шу ёққа йўли тушиб ўтиб қолдими? Арслон ўйлаб-ўйлаб поёнига етмасди. У ҳам дугоналарига Арслоннинг кўзи ўткирлигини, одамга ёмон қарашини айтибди.

Қурилишда чиқа бошлаган «Каттақўрғон ҳовузи» газетасининг дастлабки сонлари Янгиқўрғон қишлоғига ҳам етиб келди. Газета редактори — ўша йиллари Самарқанд Давлат университетининг охириги курс студенти Шароф Рашидов эди. Шу университет студенти, унча-мунча шеърлари билан танилган Асқар ҳам мухбирлик қиларди. Арслон улар билан ғойибона таниш, «Дарё лим-лим...» шеърини бошқатдан ишлаб, таҳрир қилиб «Каттақўрғон ҳовузи» редакциясига юборди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, бу шеър газетада босилиб чиқди. Янгиқўрғон участкасида меҳнат қилаётган илғор канал қазувчилар ҳақида у «А. Ўлмасбоев» имзоси билан хабарлар юбориб турди.

Арслон қизгин меҳнат қучоғида, баъзан ўзлигини ҳам унутиб, кун бўйи қурувчилар, оддий колхозчилар қатори меҳнат қиларди. Лекин жимирлаб оқаётган Қорадарё бўйига боришни ҳам канда қилмас эди.

Қурилишга Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов, Абдурахмонов ўртоқларнинг келгани, катта митинг бўлажаги ҳамма ёққа тарқалди. Қурилиш бошлиғи

Семён Калюжник ҳамда Рашидов, Бабун, Саидбеков, Айтматов ва бошқа ўртоқлар уларга ҳамроҳ бўлиб юргани ҳам маълум бўлди.

* * *

Кун бўйи меҳнат қилиб, тупроққа беланган тўрт давангир йигит кечга яқин Янгиқўрғон қишлоғи ўртасидан ўтадиган Қорадарё шохобчаси — катта ариқ ёқасидаги сўрида оёқларини осилтириб ўтиришарди. Улар нимадандир шод, оғизларининг таноби қочган, Насриддин афандининг беибо латифаларини айтишарди; «чархпалакка» йўлиққан куёв ҳолига ачинишиб, қотиб-қотиб кулишарди. Дунёни сув олса уларнинг тўпиғига чиқмасди.

Шу лаҳза нарироқдан ўтиб кетаётган, пальтоси устидан оқ халат кийган ҳамшира қизга Арслоннинг кўзи тушди. Бу бежирим қиз унинг диққатини тортди. У тўсатдан бақириб юборди:

— Вой-до-о-од! Ўзим..

Қиз саросимага тушиб, оёғи остидаги тошга қоқилиб кетди, Арслон шерланиб, ўнг қўли билан кўксини чангаллаб яна дод солди... Қиз юриб кетаётган ерида бирдан бурилиб, йигитлар томон кела бошлади. Негадир бир зумда уларнинг беодоб қийқириқлари таққа тўхтаб, қизга тикилишди. Келиб бир шапалоқ урса-я! Қиз дод солган, қуюқ қошлари остида кўзлари ёниб турган Арслонга яқин келиб, кўзларига қаттиқ тикилди-да, мулойимлик билан сўради:

— Мени чақирдингизми, Арслон ака?

Арслон елкасини қисди. Негадир дами ичига тушиб кетди. Қиз унинг исмини шу қадар чиройли айтдики, бир лаҳзада унинг ҳирсли нигоҳи сўнди, уялиб ўзини эплолмай қолди. Бунинг устига нозиккина бир қизнинг ҳайиқмай бу «дарранда»лар тепасига тикка бостириб келгани уларни ҳайратга солди.

— Йўқ. Мен узини чақирганим йўқ. Сизга шундоқ эшитилгандир, — деди Арслон хижолат бўлиб.

Қиз табассум қилди.

Шу оннинг ўзидаёқ орқасига бурилиб кетаётган эди, йигитлардан бири Арслонни туртди: «Ҳей, гап ташла! Лаб-даҳан борми? Бир нима десанг-чи, сўтак! Ўз оёғи билан келса-ю, индамасанг-а?!» Арслон миқ

этмади, қизнинг орқасидан тикилганича анграйиб қараб қолди.

— Нега нафасинг чиқмаяпти?!

— Бир бало бўлдимиз бунга?!

— Э, жим туринглар!— деди Арслон ошналарини жеркиб.

Шу кундан бошлаб Арслон ўша шаддод қиз ҳақида ўйлай бошлади, унинг журъати ва шундай маданий, хушбичим қизнинг кўзларига тикилгани тинчини бузди. Унинг ким эканлигини, исми нималигини билолмай қолди. Қиз студентка бўлса, бир институтда ўқиса-ю, билмаса! Жуда таажжуб! Ёнида ўтирган дўстлари ҳам бу қизни институтда ҳеч кўришмаганини айтишди.

Арслонни хаёл олди... Унинг кўз олдида яна ўша қиз пайдо бўлди. Лаблари устидаги кўкиш тук ҳам ўзига ярашиб турарди. Яна бир карра шу «ҳамшира» қиз билан учрашишни дилига тугиб қўйди.

Эртасига куннинг ўрталарида юқорига — қирга чиқиб, ҳамшира қиз палаткасига кирди. Палатка ичида оқ халат кийиб олган кексагина бир рус аёли билан ўша кечаги шўх қиз ўтирарди.

— Салом! Сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим,— деди сал довдираб Арслон.

— Марҳамат,— деди қиз ялт этиб Арслоннинг атай келганини пайқаб.

— Нима қилди, тобингиз қочдимиз?— қиз оқ халати ёқасидан кўриниб турган кўксини беркитди. Арслонни табуреткага ўтиришга таклиф қилди. Шу лаҳза икки-уч қадам юриб келиб, унинг пешанасига кафтини босди,— иссиғингиз борга ўхшайди...

— Узимни ёмон ҳис қилияман,— деди ёлғондан Арслон.

— Термометр қўйинг,— деди палатка бурчагида, ўз каравотида ўтирган врач хотин.

— Хўп бўлади,— деди қиз дарҳол стакандаги термометрлардан бирини олиб, силкиб, Арслонга узатди: «Қўлтиғингизга қўйинг».

— Ўша куни... мен... беодоблик... сиздан узр сўрайман... Мени кечиринг,— деди эшитилар-эшитилмас Арслон. Бу гапга врач тушунмади.

— Ўша куни сиз мени чақиргандек бўлдингиз. Бошқа нарсадан хабарим йўқ.

— Исминни қаёқдан биласиз?
— Сиз отнинг қашқасидай ҳаммага таниқлисиз-ку!— Қиз кулимсиради, икки ёноғида кулгич пайдо бўлди.— Нега билмас эканман!

— Қизиқ?!!

— Мен деярли сизнинг ҳаммаҳаллангизман. Сал нарироқда турамиз. Сизни жуда яхши биламан, тушундингизми? Сиз — шоирсиз, гипнозчи ҳамсиз... Сиз ҳақингизда кўп гап эшитганман,— қиз бийрон-бийрон гапириб, кулиб қўйди.

— Ие?!— Арслоннинг бирдан ранги оқариб кетди,— ўша одамларга айтиб қўйингки!..

— Айтиб қўяман, иккинчи сизни гипнозчи дейишмасин,— у яна хандон ташлаб кулиб юборди,— Арслон ака, ҳазил қилдим, хафа бўлманг!

Қиз Арслонга тикилиб қаради.

— Исмингиз нима? Кимнинг қизисиз? Бу ерларда нима қилиб юрибсиз?

— Бирданига ҳамма нарсани билиб олмоқчисиз-а?! Жуда шошилманг! Исминни айтишим мумкин — Барчин.

— Исмингиз жуда чиройли экан. Достонлардагидай...

— Ўзим чиройли эмасманми? Яхшироқ қаранг!— у яна хандон ташлаб кулди. У негадир ҳазиллашгиси келарди.

— Ўзингиз ҳам жуда чиройли, меңбоп экансиз,— деди Арслон сидқидилдан.

— О, яхши йигит, ҳаддингиздан ошманг!

— Узр!— деди-ю, хаёлидан «серқичиқ экан, бир гап бор» деган гапни ўтказиб қўйди.

— Температурангиз 36,6. Касал эмассиз!— деди Барчин термометрдан кўз узаркан.— Туринг! Бориб ишлаш керак! Ялқовлик қилиб ертўлада осмонга қараб ётаверманг!

— Мен ертўлада эмасман, қишлоқдаман. Ҳув, анови ҳовлида. У ерда бир келинпошша бор, бизларни ҳар куни қаймоқ билан сийлайди. Юз қадамча нарида Қорадарё оқиб ётибди. Ҳар куни чўмиламиз, томоша қиламиз. Табиат қандай яхши...

— Мартда эсини еганлар чўмилади!

— Биз, моржмиз...

— Сизлар морж бўлгани келганмисиз ёки ишла-

гани?— деди кўзлари чақнаб Барчин,— ундоқ бўлса қаймоқ еб, ўша келинпошшага тикилиб ўтираверинглар!

— Сиз ҳам келинг.

— Вақтим йўқ!

Улар хайрлашишди.

Арслон уйга келиб, ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Овқат ҳам егиси келмас, тажанг, қулоғига гап ҳам ёқмас эди. Унинг қалин, тепадек кўкси — пиёз пўстидек юпқа бўлиб қолгандай. У ярим қоронғи хонада, кўрпача устида юмаланиб ётарди. Ағдарилиб, шифтга қарар, тоқи санарди. Ошналари билан ҳам унча иши бўлмай қолди. Унинг хаёлида ўша... гўзал Барчин... Уни кўргиси келар, штаб тёмонга боргудай бўлса юраги гуп-гуп уриб кетарди. Қишлоқда бошқа қизларнинг овозини эшитиб қолгудай бўлса, Барчин гапираётгандай жон қулоғини тутар, у эмаслигини силгач, яна кўнгли вайрон бўларди. Баъзан радио ҳам тинмай: «Барчин», Барчин...» деяётгандай, шу атрофда кимдир «Ойша, хў Ойша», деб қизини чақираётгани унинг қулоғига «Барчин» бўлиб эшитиларди. У бир лаҳза тўхтаб, қулоқ солиб турди. Дунёда Барчин деган исмдан ҳам чиройли исм борми? Арслон Уйғуннинг «Олтин тасодиф» шеъри босилган китобини Барчинга юборди... Шу китобнинг ичига сиёҳда чиройли қилиб, атрофига гул, булбуллар суратини чизиб «Барчин» деб ёзиб ҳам қўйди. Арслон ўртоқларига шу ҳамшира қизни яхши кўриб қолганини айтди. У негадир Барчинни ҳаммадан қизганар, бу номни бошқалар тилга олишини мутлақо истамасди. Ҳеч нарсани тан олмовчи, баъзан қизларни мазах қилувчи Арслон ўзини забун бўлиб қолганига таажжубланарди.

Шанба куни трассада улар яна учрашиб қолишди. Оқ халат кийган Барчинни кўрган Арслоннинг юраги яна гуп-гуп ура бошлади. Кетмон чопаетган йигитларнинг кўзи «ингичка бел, каптар кўкрак...» қизда эди. У бугун сочини қубба қилибди. Юрганида ижки кураги ўртасидаги қора майиздек холи ҳам батис кўйлак ичидан шундоқ кўриниб турарди. Унинг бугун ниҳоятда кайфи чоғ, одамлар билан қуюқ омонлашар, қўлпўли чақа бўлганлар билан зерикмай узоқ сўзлашарди. У Арслон билан ҳам узоқдан бош қимирлатиб

омонлашди. Қандайдир бир силлиқ йигит билан узоқ чақчақлашди, у билан ёнма-ён юриб, жарлик орқасига ўтиб кетишди. Йўлда у йигит Барчинни билагидан ушлагандек ҳам бўлди. Арслоннинг жони ҳиқилдоғига келди. У ўзини кўрсатмай орқама-орқа борди. Олифта йигит Барчиннинг тортинишига қарамай, суйкалиб бораётгандай туюларди. Арслон кўзларини уқалаб, яхшироқ тикилар, наҳотки, у шундай! Иттифоқо кекса бир одамнинг кета туриб, «Э, болам нима қилиб юрибсан!» дегани хаёлини бўлиб юборди. Арслон ўзини одамлар ичга олди.

Шу куни кечга яқин Арслон орқама-орқа бориб Барчинни тепаликка кузатиб қўймоқчи бўлди. Йўлда кета туриб у ўртадаги сукутни бузди.

— У ким?

— Мухбир йигит.

— Ишонмайман!

Барчин ялт этиб Арслонга қаради-да, индамай кетаверди. Улар бир оз юргач, Арслон Барчинни қўлидан ушлаб бағрига тортди. У ўпмоқчи ҳам бўлди. Барчин Арслоннинг кўкрагидан итарди: «Қўйинг, керак эмас!» Барчин Арслоннинг қучоғидан сирғалиб чиқиб, йўлида давом этди. У Арслонга хайр ҳам демай, палаткага кириб кетди.

Арслон лол бўлиб қолди; демак... ўша олифта билан яқин экан... Арслон қишлоққа қайтиб келгач, туни билан ухламай, тонг орттирди. Алам ва ғазаб уни ҳар хил хаёлларга чулғади. Наҳотки шундай қиз...

Арслон шу воқеа сабаб бўлиб, оёғини тортди.

Арслоннинг «совигани»дан безовта бўлган Барчин юраги орқасига тортиб кетди. Нега бунақа қилди! Наҳотки, мен уни ранжитган бўлсам? Ёмон иш қилдимми? Фақат жиндек рашкини келтирмоқчи эдим. Хато қилиб қўйганга ўхшайман. Рашки жуда қаттиқ экан, тамом қочиб кетди энди... Энди нима қилиш керак? Индамай кетсаммикан. Ҳа, бошқа нима иложим бор! Уни энди мутлақо эсламайман! У — нодон, чапани йигит экан! Одам ҳам шунақа бўладими-ю!

Яна бир неча кун ўтди; у Арслонни унутиб юбормоқчи бўлди. Уни эсламасликка ҳаракат қилди: «Подумаешь, бир студент уни шунча изтиробга солсин!» У китобга берилди.

Барчин рўпарасидаги китобни ўқигандек бўларди-ю, кўз олдида Арслон, қулоғида унинг сўзлари жаранглаб турарди. Юрганида ҳам, турганида ҳам қиррабурунли студент йигитни ўйлар эди.

* * *

Барвақт турмоқ, узоқ юрмоқ қандай яхши. Бурхонларнинг старостаси, ёш жиҳатидан жиндек ортиқлиги бор. Зоҳидий тонг отмасдан туриб, трасса ёқалаб юарди. Баъзилар унга: «Кетмон чопмайсиз-да, бўлмаса суяк-суякларингиз оғриб, ўрнингиздан туролмасдингиз», деб гап ташларди. У бўлса жавоб қайтармас, ўз ишидан ўзи масрур, «бодомқовоқ, юпқа томоқ, додимга етсанг-чи» ашуласини хиргойи қилиб, айқириб оқаётган Қорадарё қирғоғига борар, юз-қўлини ювиб, нонуштагача трассада, ундан сўнг тепаликларга чиқиб, юриб келар эди. Бедард, ёниб-елишлари йўқ, хотин, бола-чақали бу студентнинг ўзига ишониб, шошмасдан иш тутиши, ўрнида ланж бўлиб ётган Арслоннинг хаёлига институт бухгалтерини келтирди. Ўрта яшар бу одам вақтида ишга келиб, вақтида кетар. Енглари устидан енг кийиб олиб, чўт қоқар, ёзар, танаффусда хотинлар ичида ўтириб, ширин чой ичар, яна чўт қоқар эди. Арслон уни Акакий Акакиевич дерди. Зоҳидий ҳам ўзининг бедард кимса эканлиги, кўпроқ тирикчиликни ўйлаши билан ўша бухгалтерга ўхшаб кетарди. Арслон тўшакда хомуш ётаркан, шу Зоҳидийнинг ҳам ўз фалсафаси борлигини, у ҳам «дарди йўқ кесак» эканлигини пайқади. Арслон, Ҳофиз, Уйғун, Лермонтов, Шчипачевларнинг чиройли шеърий мисраларини ён дафтарига ёзиб юарди. Баъзан қизиқчилик учун Зоҳидийнинг ҳам ўзига хос айрим «фалсафий» гапларини дафтарчасига ёзиб қўярди. Эҳтимол, шу Зоҳидийнинг йўли тўғридир. Ҳар нарсани ташвиш қилиб юргандан кўратинч ишлаб, саломатликни ўйлаб юрган яхши эмасми! Эҳтимол, «бухгалтер»нинг ҳам билгани-билган, Сеҳаловат бўлишнинг нима кераги бор! Ундоқ қилсанг ҳам бир куни ўласан, бундоқ қилсанг ҳам. Ҳамонки шундоқ экан, тинчгина аравангни тортиб юрaver! Бу, Зоҳидийнинг фалсафаси. Шу фалсафани қат-

тиқ ушлаб олган кекса студент бошқалар билан ортиқ харала-тарала қилмай, танҳо, кибор юрарди. Эски ашуласини лоқайд, ҳазилкашона хиргойи қиларди:

Бодом қовоқ, юпқа томоқ,
Додимга етсанг-чи!

Зоҳидийнинг феъли Арслонга ҳам таъсир қилди. Тинч яшаш учун эҳтимол шу маъқулдир. Куйинчаклик, серташвишлик ортиқча, номақбул бир ҳаракатдир... Риёкорлик, ёлғончилик олдида ўзини тутиб туролмай бомбадек портлайдиган, руҳан тушқунлик — сўникликни ёқтирмайдиган бу йигитга курсдошининг феъли — келишувчанлик, тобеқорлиги қаттиқ таъсир қилди. Эҳтимол шу маъқулдир?

Йўқ! Йўқ! Йўқ!

Арслон сапчиб ўрнидан турди. У «кекса студент фалсафаси» орасидан «фойдали томонини» олиш яъни Фейербахнинг материализм фалсафасидан фойдаланишдек мақбул туюлиб, югурганича Қорадарё томонга кетди. Дарёда ювинган яхши. Сесканиб, ийманиб юзини ювиб ўтирмай, ўзини сувга шалоп этиб отиб, бир йўла чўмилиб чиқди. Шундан сўнг наридан беринчу нонушта қилди-да, табель ёзадиган дафтарини шими чўнтагига тиқиб, ҳашар кетмонини елкага олиб, трассага чиқиб кетди. Одамлардан ажралиб, тепаликда «соф ҳаво олиб» бадантарбия қилиб юрган Зоҳидий қадимги юнонлар худоси Зевс бўлиб «Олимп тоғидан» пастга қараб, қўл ҳаракати билан Арслонни чақирди. Ҳали одамлар келмаган эди. Трасса бир қадар бўмбўш. Арслон айланма зиналардан кўтарилиб, баланд тепа устига чиқди. У Зоҳидий ёнида туриб, Каттақўрғон шаҳри томон чўзилган каналга кўз ташлади, пасту баланд ерлар, «миноралар», замбилгалтагу «аэропланлар», чодирлар атрофида нонуштага ҳозирлик кўраётган кишилар, буралиб самога кўтарилаётган тутунлар унинг кўз олдида. Кимсасиз қирлар ёнбағри шаҳарлардан ҳам гавжум бўлиб кетган. Арслон Зоҳидий билан бир муддат трассага тикилгач, яна олдинма-кетин пастга тушиб кетишди. Кўп ўтмай, ҳамма ёқни одамлар босиб, қизгин меҳнат бошланди. Ишламай, шунчаки оғирнинг устию энгилнинг ости билан юрадиганларга одамлар рўйхуш беришмасди.

Арслон ўзи биркитилган колхоз участкасида бошқалар қатори бир-икки соат тупроқ таширди-да, кейин дафтар-қаламини олиб, табелчилигини бошларди, катта танаффусда газета ўқиб берарди, қайнаган сув, яхна чай таширди. Зарур бўлиб қолганида палатага бориб, санитарка кизни бошлаб келарди.

Кун ўрталарида Янгиқўрғон участкасига мухбирлик қилиб келган дўсти — ёш шоир Асқар Арслонни Каттақўрғонга, газета редакциясига таклиф қилди. Газета редактори чақирган эмиш. Афтидан, у канал қазитганлар ҳақида кўпроқ, яхшироқ материаллар бериб туриш учун студентларни ҳам жалб қилмоқчи бўлса керак. Иккиламчи, Асқарнинг айтишича, Арслоннинг унча-мунча шеър ёзиб юришини редактор билар экан. Арслон дўстининг таклифидан ғоятда хурсанд бўлди, участка прарабидан рухсат олди-да, дўсти билан озиқ-овқат ташлаб қайтаётган колхоз юк машинасида Каттақўрғонга жўнади. Машина қирлар оша, гоҳ пастга, гоҳ тепага кўтарилиб учар, тепадан қаралганда ўнг томонда узун кетган канал трассасида юз мингларча одамлар чумолидек ғимирлаб ишлашар, кетмонлар офтобда ялтирар, юқорига чиқадиган тахта кўприкларда кишилар турнақатор бўлиб, тупроқ ташишарди. Машина Каттақўрғон вокзалига яқинлашаётганида Асқар чайқалиб келаётган Арслонни туртди:

Биз ҳозир денгизнинг ўртасидамиз...

— Лаббай?

— Машина бўлғуси сув омборининг ичидан кетаяпти. Биз қоқ ўртасидамиз...

— Шунақами? Бу ерларнинг ҳаммасини сув босади дегин?

— Редакторимиз шундай деди. У кишининг қўлида карта бор.

— Анави уйлар, ҳув, анави қишлоқлар нима бўлади?

— Кўчирилади. Ҳув, анави томондаги одамларни кўряпсанми? Улар ер ўяётгани йўқ, аксинча, қирдан тупроқ олиб келиб, дамба босишяпти. Бундай дамбалар бир неча томонда. Улар ҳақида ҳам газетага хабар ёздим...

Арслон машинада кета туриб, атрофдан кўз узмасди. Шу яқин орада улар учиб бораётган ерларда ден-

гиз тўлқинланади, одамлар қайиқларда сузади, эҳти-
мол балиқ ҳам овланади...

— Усмон Юсупов келибди. Кечқурун митинг бўла-
ди деган гап бор. Митингда сўзга чиқадиган бир-икки-
та колхозчининг гапини ёзиб тайёрлаяпман. Сен ҳам
қарашиб юборасан-а?

— Жоним билан. Қурувчиларнинг ўзлари билган-
ларича гапираверсалар бўлмайдими?

— Дарров қизиққонлигинг тутиб кетади-я?

— Бировнинг ёгани — бировнинг фикри, ўз фикр-
ларини айтсалар бўлмайди?

— Қурилиш бошлигининг муовини Саидбеков
ҳеч қоғозга қарамайди. Саидбеков номидан мақола
ёзиб, қўл қўйдиргани олиб борган эдим, кулиб, мақо-
лани олиб қолиб, эрталаб олиб кетишимни айтди.
Эрталаб борсам ўзи бошқатдан ёзиб, менга қолдириб-
ди. Боплаб ёзибди. Қойиллатди... Охунбобоевни ҳам
қоғозга қарамай гапиради дейишади.

— Бу ерларга сув тўлиб, денгиз бўлади. Шундай-
ми?

— Ҳа.

— Бу денгизнинг ёши биздан анча кичик бўлар
экан-да. Шундай эмасми?

— Ҳа. Йигирма ёш кичик бўлади биздан. Бу
жуда таажжуб. Аммо сенинг хаёлингни қамраган
ўйлар жуда ёрқин — ҳали, менинг назаримда,
ёш денгизлар кўп бўлади. Бизнинг невараларимиз
ёши билан баробар денгизлар ҳам бўлади. Бу аниқ
гап!

— Ҳар қалай биз денгиз остида кетаяпмиз, шу
ростми?

— Рост.

Юк машинаси шаҳар ичида, уларни тушириб кол-
хозга кетди. Арслон билан Асқар шаҳар ичида бозор
четидаги уйлардан бирига жойлашган газета редак-
циясига киришди. Қорамағиз, хипчадан келган, баланд
бўйли редактор студентни очиқ чехра билан кутиб
олди. «Мен ўзим ҳам тўртинчи курс студентиман»,
деди у ўзининг бу икки романтик ёшга елкадош
эканини изҳор этиб. Орадан бирон соат ўтар-ўтмас
бу ерга қурилишдан келиб йиғилган кўнгина мухбир-
лар билан суҳбат ўтказиб, соат бешда бўладиган
катта митингга уларни таклиф этди. Дарҳақиқат соат

-бешда шаҳар ичига жойлашган штаб ёнидаги майдонга мингларча одамлар тўпланиб, минбарга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Йўлдош Охунбобоев, Ўзкомпартия Марказий Комитетининг секретари Усмон Юсупов, ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Абдужаббор Абдурахмонов чиқди. Усмон Юсупов даставвал И. В. Сталиннинг қурувчилар адресига йўллаган хатини ўқиб берди. Ундан сўнг ўзи бир ярим соат чамаси оташин нутқ сўзлади.

Митинг минбаридан унча узоқ бўлмаган жойда Арслон билан Асқар, Охунбобоев, Усмон Юсупов, Абдурахмонов, Калюжнюк, Рашидов, Айтматов, Бабун, Саидбековларга тикилиб ўтиришарди. Таниш сиймолар... Лекин Арслон учун унча таниш бўлмаган қурилиш бошлиғининг муовини, баланд бўй, қарашлари ўткир, президиумдагилар ичида кўзойнаги билан ажралиб турувчи Саидбеков унинг диққатини тортди. У этик кийиб юрганига қарамай асли зиёли одам экани сезилиб турарди. Асқарнинг айтишича, матбуот ходимлари, мухбириру ёш шоирлар билан яхши гаплашар экан...

— Мавлонов партизан одам, баъзан ха-та-тайт қилиб юборади, — деди ошнасига ўгирилиб Асқар, — буни биз яхши биламиз. Ҳумоюн Саидбекович — интеллигент киши, бақирмайди, ўйлаб иш қилади. Асли тарих муаллими бўлган экан. Ҳув, ана гўзал қизчаларни ҳам ўтирибди.

Арслон ялт этиб ўнг томонга, Асқар қўли билан ишора қилган баландликка қаради.

— Қани?

— Ҳув, ана! Оқ халат кийган аёл ёнида ўтирибди-ку. Кичкина қиз... Қаҳрамонлик кўрсатаман деб, отилиб чиқиб, отаси билан бирга қурилишга келибди. Ҳамшира бўлиб ишлапти. Ўзи жуда жойида, қичиғи ҳам зўр...

— Ия, анави-я! — Арслоннинг кўзи Барчинга тушди. Барчин ҳам олдинги қаторда ўтириб, ўзига дамодам тикилаётган Арслонни кўриб, табассум қилиб бош қимирлатди. Бу дақиқа Арслоннинг аъзойи бадани жимирлашиб, кутилмаган илтифот — гўзал қизнинг унга нисбатан пинҳоний илтифоти ўзида йўқ даражада хурсанд қилиб юборди. Бу сирли имо-ишора-

ни Асқар сезмас, уларнинг таниш эканликларини ҳам билмас эди.

— Хув, анави-да!— деди Асқар Арслонга қўлини бигиз қилиб,— сочини бошига чамбар қилган қиз. Кўрдингми?

Барчинни қўлини бигиз қилиб кўрсатаётганидан Арелон уялди. Бу ҳолни Барчин яхши кўриб турарди. Узи ҳақида гап кетаётганини билиб, у Арслонга яна ялт этиб қараб, кулиб қўйди. Асқар бўлса яна гапида давом этди:

— Штабга тез-тез келиб туради. Редакцияга ҳам кирган. Мухбирлик қилсам, дейди. Мухбирликни ўргатиб қўй деб турганимда, редактор мени икки кунга командировкага жўнатди. Ёнида ўтирган шериги ҳам жойида. Катта одамнинг қизи бўлса ҳам димоғдор эмас, анча гаплашадиган...

— Қайси маънода?

— Тўғри маънода. Унақа, сен ўйлагандақа эмас.

— Мен ҳеч нарса ўйлаганим йўқ.— Арслон кулди.

— Ўйладинг, биламан, ўйлайсан ҳам...

— Тавба, сен одамнинг ичидаги гапни ҳам билиб оладиган қобилиятинг бор экан. Маладес! Қани, топчи, мен шу лаҳзада нимани ўйлаяпман?

— Бу жуда аниқ. Битта бўса...

— Тополмадинг! Қани энди шу пайтда бир стакан муздек сув бўлса, деб ўйлаб турган эдим. Эрта билан шўр нарса еган эдим, тоза чанқатапти.

— Одамлар ичидан чиқиб сенга сув олиб келолмайман, иложим йўқ. Митинг тугашини кутасан. Чидаш керак.

Арслон ўнг томонига қайрилиб, Барчиннинг чиройли юзларига тикилгани-тикилган эди. Студент йигитнинг ҳамма ҳолатини қиз ниҳоятда пинҳоний ҳушёрлик билан кузатиб турарди. Арслоннинг диққатини рўпарасида, президиум минбарида қайнаб гапираётган Усмон Юсуповдан кўра, ўнг томонда, баландликда, оқ халатли санитаркалар ёнида ўтирган қиз тортиб турар, унинг фикру хаёли ўша ёқда эди...

Усмон Юсупов Каттақўрғон сув омборининг пахтачиликни ривожлантиришда, сув танқислигини камайтиришда аҳамияти катталлигини айтиб, баҳодир қурувчилар — колхозчиларга муваффақиятлар тилади, энг илғор участкаларга байроқ топширди.

Митингдан сўнг газеата редактори икки ўртоқни меҳмон қилиб, кечга яқин Арслонни Янгиқўрғон участкасига кетаётган бир машинада жўнатиб юборди.

Арслон қурилиш газетасига мухбирликка қабул қилиниб, тегишли топшириқлар олди. У яна колхоз юк машинасида яқин кунларда бир терак бўйи сув кўтарилиб, устида кемалар сузадиган бўлғуси денгиз ичида борарди. Денгиз ва кўлларнинг умри миллион йиллар билан ўлчанади. Аммо бу денгиз, тўғрироғи, улкан кўлнинг умри ҳали бир ёш ҳам эмас. У туғилипти, у туғилиб, фил боласидай узоқ умр кўради. Узоқ умр эмас, у абадулабад мавж уриб туради. Юз йил, минг йил унинг учун нима деган гап! У пайтда на Арслон, на Барчин, на Усмон Юсупов ва на бошқалар бўлади. Лекин юз мингларча бунда терлаб, ҳа бўл, ҳа бўл, деб канал қазийтганларнинг ўзи бўлмаса ҳам яратган мана бир жавоҳир маъвоси бўлади. Бу ерда қилинган беқиёс меҳнатнию одамларни, келгуси авлод эслармикан? Бу ердан сув ичганлар, қайиқда сузиб балиқ тутганлар, бу ер атрофидаги боғларда роҳат кўрганлар, бу еру сув туфайли етилган шафтолию узумни еганлар чумолидек ўрмалаб меҳнат қилаётганларни эслармикан? Ёки, узумини еб, сувини ичиб, боғбонини сўрамай кетишаверармикан? Мен ишонмайман, бундай бўлиши асло мумкин эмас!

Қалдираб, йўлларни чангитиб бораётган юк машина бўлғуси денгиз ичидан чиқиб, қир бағрига кўтарилганида Арслон тепаликдан яна трассага қаради. Кеч кириб одамлар тарқалишарди. Ертўлалар, чодирлар атрофида гулханлар ёнар, қозонлар қайнарди. Унинг кўз олдига тасодифан учрашиб қолишгани — Барчин келди. У ҳамон узоқдан Арслонга қараб кулиб тургандай бўларди. «Сиз атайин менинг изимдан юрибсиз», дегандай бўларди. Унинг учун яна бир катта жумбоқ счилди. Тўққизинчини битириб, ўнга ўтган бир қиз нечук бу дашту биёбонда санитарка бўлиб юганига асло тушунмасди. У, қурилиш раҳбарларидан бирининг қизи эканини асло билдирмаган эди. Билдирмагани маъқул, бу унинг ақлли қиз эканидан далолат бериб турибди... Отасининг обрўси билан талтайдиган болаларни Арслон ёмон кўрарди. Унинг кўз олдидан ўзини билмай, тарвақайлаб қолган бир йигит ўтди.

Машина қурилишнинг Янгиқўрғон участкасига келиб ертўлалар ёнида тўхтади. Арслон сакраб ерга тушди. Бу ердан қишлоққа ўн минутлик йўл. Тепаликдан ҳатто яққол кўриниб турарди. Боя Асқар шу ердан машинага тушиб кетаётганида қозиққа боғлоқлик катта бир қора танача жўхориپоя кавшаб ётган эди. Уларга қайрилиб қараб, «умм!» деб қўйган эди ҳам. Ҳозир, сал нарироқда икки киши уни сўйиб, нимталаб қўйибди. Арслоннинг кўзи ерда турган каллага тушди; унинг кўзлари очиқ, яна «уммм!» деб турганга ўхшарди. «Инсон нақадар йиртқич,—деди у ўзига-ўзи.—Ҳозиргина у тирик эди, мана у сўйилди, энди ейлади. Йўлбарс — йиртқич, мол унинг йиртқичлигини билади, қочади, қаршилиқ кўрсатади, ночоқ қурбон бўлади. Инсонни у йиртқич деб қочмайди, унга суянади, аммо унга ўзини ем бўлганини билмай қолади. Ҳар куни бу ерда юзларча қорамол сўйилади. Сўйилмасликка илож йўқ. Ҳаёт нақадар мураккаб».

Арслон бир муддат қассобларга тикилганча қараб қолди. Лекин улар парвойи палак. Худди хамирдан нон ясагандек ёки ер чопгандай ўзлари қилаётган ишни ҳис этмай, қовурғаларни болта билан чошиб, гўшларни пичоқ билан қирқишарди. Арслоннинг бўлғуси денгиз ва Барчин ҳақидаги романтик хаёллари бир зумда йўқолиб, юрагида қандайдир ачиниш, айниқса унинг рўпарасида турган қассобларга нисбатан жирканч бир туйғу пайдо бўлди. «Лекин буларда нима гуноҳ?—деди у ўзига-ўзи,—ахир гўшт емоқ керак! Нега одамлар фақат дуккакли ўсимлик, гуруч, бугдой ейдиган бўлмади экан. Одамзоднинг узоқ аждоги — маймун гўшт емайди-ку?! Жуда бўлмаганда сут ичиб, тухум ея қолса бўлмасмиди! Ҳар қалай жўжа бўғизланиб, питилламай, тухум лаққа ютиб юборилади-ку!»

Арслон сўйилган қора танача калласидан кўзларини олиб, қишлоқ томон юра бошлади: «Киши ўзига бегона жониворни ов қилади. Масалан, балиқ... Балиқ — иккинчи бир дунё, яъни сувда ҳаёт кечиради. Яқин қариндошларга уйлангандан кўра бегонага уйланмоқ насли соғлом ва саломат қилгани каби, инсон сув дунёси жониворларини егани ҳамма томондан мақбул. Агар менинг гапимга ҳамма қулоқ солса,

мен инсон катта ва ақлли жониворларни сўймасин, балиқ есин, деб фармон берардим!...»

Арслон уйга кирганида студент дўстлари ҳайратланиб кутиб олишди; унинг кун бўйи ғойиб бўлганидан ташвишланган Зоҳидийнинг кўзлари катта очилиб, дўқ урди:

— Сиз бунақа ўзбошимча бўлиб, ишни ташлаб кетиб қолсангиз, комсомол комитетига хабар қиламан!

— Ҳа, сиз хабар қилиб ўргангансиз, — деди Арслон.

— Уйингизга ҳам хат ёзаман! Институтда ахлоқингизни муҳокама қиламиз, — деди яна Зоҳидий ҳамшира қизга ишора қилиб.

— Булбулингизни ҳам қафасга соламиз! — деди Бурҳон билан Қодир Арслонга кўзини қисиб, сўфинамо Зоҳидий устидан кулиб.

— Дўстлар! Мен митингда бўлдим. Ўртоқ Уомон Юсуповнинг маърузасини эшитдим. Сизлар бўлсангиз нима хаёлларга бораяпсиз. Дўстим Зоҳидий, азизим, агар мен ўша сиз айтган «ҳамшира» билан юрганимда қандай бахтли бўлардим...

— Биринчидан мен сизнинг «азиз» ингиз эмасман! Бу ҳақорат гапингиз учун ҳали Тошкентга борганда жавоб берасиз! Иккинчидан сиз ўша бузуқ ҳамшира билан юрасизми, юрмайсизми, менга буни аҳамияти йўқ! Наҳс босган одам билан бир хонада ётолмайман!

— Сизни «махсимча» демадим-ку, азизим деган сўзнинг нимаси ёмон! Керак бўлса, албатта жавоб бераман. Лекин, сиз комсомол аъзоси, Каттақўрғон сув омбори қурилиши бошлиғининг муовини Хумоюн Саидбековнинг қизини «бузуқ» деганингиз учун, ал-албатта, жавоб берасиз! Мана, ўтирганлар гувоҳ! Бу ишни энди суд ҳал қилади! Ўртоқ Саидбеков депутат ва Марказий Комитет аъзоси.

Бу гапни Арслон жўртага гапириб, Бурҳон билан Қодирга кўз қисиб қўйди. Улар ўпкаси йўқлик қилаётган Зоҳидийнинг қай аҳволга тушишини кузатиб туришарди.

Зоҳидий бақрайганча қотиб қолди.

Арслон ўз ўрнига чўзилди. У, Зоҳидийнинг руҳий ҳолатини кузатмасди, унинг кўзи олдида жилмайиб, кулимсираб турган, дунёда энг чиройли, энг ақлли қиз — Барчиной турарди...

Тўртинчи боб

ЭСКИ ДЕГРЕЗ МИРЮСУФ ОТА КАСАЛ ЕТГАН ЙИЛЛАР

Гарчи оқиллар олдида сукут этиш маърифат аломати бўлса-да, лекин икки ҳол ақлу идрокка мухолифдир; лозим бўлмаганда сўзлаш ва сўзлаш лозим бўлганда сукутда бўлиш.

Саъдий.

«Кулоллар тупроқни куйдирадилар, шу сабабли улар ҳеч қачон бой бўлмайди. Заргарлар тиллага жез қўшиб сотадилар, шу сабабли бурунги замонда ўғри топилмай қолганда подшолар заргарни олиб чиқиб осган. Ҳунаримизнинг пири ҳазрати Довут, бизларга дуо теккан — аълоимиз дегрез, ўртанчамиз — чилангар, кейинроғимиз — тақачи... Кунимиз ўтиб туради; бойимамиз ҳам, қашшоқ бўлмаймиз ҳам... дерди эски дегрез Мирюсуф ота ётган ерида.— Аммо, мўйнадўз билан сағричи майлига, кўнчи бойиганини қўшниси билмайди... Ҳаром! Ҳаромга қўл урадилар!»

Баъзи кунлари ота анча камгап бўлиб қоларди; бундай чоқларда у «пинакка кетгандай» тахмонга тикилганича хаёл сулар, мозийни — умрининг айни ёзини хаёлига келтирармиди? Унинг ҳовури ҳам бир қадар пасайгандек бўларди. Тахмонга қараб туриб, хотини Арслонга иккиқатлигида илонга боши қоронғи бўлгани-ю, бу ишдан хабардор бўлган онаси раҳматли мана шу тахмонга, ҳалигача даранглаб очиладиган бухор сандиқ тагига битта лаганда ҳасиб пишириб қўйгани, илон егиси келиб юрган хотинининг хасипга чанг солиб, уни тишлаб-тишлаб еганини эсларди. Шунга ҳам мана йигирма йил бўлибди: Вақт ўтувчан, бола ўсувчан бўлади. Арслоннинг ҳам орзу-ҳавасини одам бўлиб сафга кирганини кўрса беармон кетарди. Лекин ота бу сафар бошқачароқ; у жуда озиб кетган, кун бўйи кичкина болачалик ҳам овқат емасди. Камгап бўлиб қолган кунлари унча одамни ёқтирмай, катта қизи олиб кирган чойдан бир-икки ҳўплаб, яна хаёлга толарди... Ҳеч ким ўлишни истамайди. Жониворлар ҳам! Аммо тирик жон борки, бари ўлади... Бунинг акси ўлароқ кўчаларимизда ошқалар гужғон ўйнайверади, кўчаларимиз одамдан холи қолмайди.

Бу дунёдан кетмай туриб, пушаймонлардан халос бўлган инсон ниҳоятда бахтли. Етти авлоди дегрез ўтди — одамларга қозон қуйиб бердилар, оппоқ дадаси қуйган қозонлар ҳали-ҳали бор. Чўян обдаста, манқалдон, пилта чироққа идиш, совунгарларга қолип, деҳқонларга омоч тиши. Аждоди завод кўрмади, лекин Мирюсуф ота инқилоб вақтида ўттиз ёшлардаги азамат йигит бўлиб, янги шаҳардаги устахонага қатнардди. «Ҳазрати Довут бўлмасалар, ҳазрати зовут бор», деган эди ўшанда, бундан буён ишимиз қандоқ бўларкин, деган дегрез отасига. Устахона завод бўлди, завод кенгайди. Уша чоғларда Матвеев деган рус ўртоғи бўлганию ҳозиргача келиб ҳолидан хабар олиб турганини ҳам катта қизига ҳижжалаб тушунтирарди. «Бир қизиқ замонлар эди,— дерди у бош қимирлатиб — ёш эдик, куч-қувватимиз танимизга сиғмасди». Икки пуд гуруч дамланадиган маҳалла қозонини қолипдан аранг олганию бир пуд, ярим пуд гуруч дамланадиганларини бемалол кўтариб, отасига узатганини эсларди. Бу қозонни от устига қўйса бели қайишиб кетади, деб лоф урарди ҳам. Ҳар қалай ота ўз аждодидан қолиб келган оғир ва машаққатли касбинини яхши кўрарди. Дегрез, яъни қозон қуувчи касби бошқа касблардан «юқори» туришлигини эзмаланиб иботларди ҳам. Мадина хола: «Чолимизнинг бир чакаги очилгандан кейин тўхтата олмайсиз», деб киноя қилса ҳам чол эътибор бермай қайта-қайта гапирарди. Баъзан носоз гап айтиб юборган кампири билан ҳам ўчакишар, қадим Иноят бойвачча хотини устига Ойтўра деган эри ўлган бир жувонини олгани, ўшанда кундошлик бўлиб қолган кампири бу аламларга чидалмай кечаси кундошни ётган уйга сочини ёйиб, ажина бўлиб кириб, қўрқитиб, ҳайдаб юборгани, бечора Ойтўра оз бўлмаса васвасога тушиб қолай деганини айтиб берарди. «Ҳа, қалайсан, ўшанда мен ҳам устинга хотин олиб хўп таъзирингни берсам нима қилардинг?» деб кампирига ўқрайрди. «Ҳа, олишга оларсиз, аммо бир йилга қолмай думини туғишга тугардим!» дегандек илжаярди Мадина хола. Мана шундай қилиб, «чўян одам» деб ном чиқарган йўғон, ҳамма ёғи пай, залварли Мирюсуф ота озиб, кичкина бўлиб, юмшоқ каравотда ётарди. У ётган ерида кўрган-нечирганларини кавш қайтараётган туядек шошил-

масдан, хаёлан такрорларди. Отанинг ўйлаб ётмоқдан ўзга ҳеч нарсага қуввати етмас, иложи ҳам йўқ эди. Баъзан у ўзининг ётиб қолгани, бу йиқилишдан қайтиб туриши қийин эканлигини ҳам ўйларди. Аммо чиқмаган жондан умид — у бир лаҳза бўлса ҳам ёруғ дунёда яшашни истар, деразадан ҳовлига, офтобга тикилар эди. Энг зўр дори бўлса-ю унинг иштаҳасини очиб, ўрнидан турғазиб юборса. Қани у дори? У баъзан Ибн Сино билан Луқмони Ҳаким баҳсини эсларди. Қани энди ўша дори ҳозир бўлиб қолса-ю Мирюсуф ота кўк пиёласига қуйиб, қулт этиб ютиб юборса, шундан сўнг ўрнидан туриб кетса. Ривоятларга қараганда, қадимги замонда Луқмони Ҳаким билан Абу Али ибн Сино баҳслашиб, тортишиб қолишибди. Луқмон: «Мен бир дори бераман, сен тутун бўласан, тутунга тутун юбораман, сен яна ўз аслингга қайтасан», дебди. Худди шундай қилибди. Гал Ибн Синога келибди, у: «мен ҳам дори ичираман, сен эриб, бир ҳовуч сув бўлиб тўкиласан. Ундан кейин, бир ҳовуч сувга қирқ бир томчи дори томизаман, сен секин-аста ўз аслингга қайтасан», деган. Дарҳақиқат дорини ичган Луқмон бир ҳовуч сув бўлиб, замбилга қўйилган пахта устига тўкилибди. Ибн Сино бу ишни шогирдига топширибди. Шогирд қирқ томчидан сўнг, ғаразгўйлик қилиб, қирқ биринчисини томизмабди. Луқмон Ғори пинҳон ичида, ўша замбил устида ётиб, ҳозиргача: «яна битта қуй, яна битта қуй...» деб ётган эмиш... Шунақа шогирдлар ҳам бор, деб бўғиларди Мирюсуф ота бу ривоятга астойдил ишониб. Бундай шогирдларни ҳозирги замонда ҳам учратиш мумкин. Улар юртнинг саодати эмас, ўз манфаатларини ўйлайдилар! Чол тутақарди: «Кўр бўлу кўрнамак бўлма!» Агар бепарво бўлсак шаҳарда шунақалар, яъни боларининг эркаги кўпайиб кетади. Эркак асалари фақат бол ейди, меҳнаткаш болари ташиб келганини қурита бешлайди. Эркак болари кўпайиб кетса подшосининг амри билан уларнинг ҳаммасини боши узиб ташланади. Э, худо, эркак боларилар йўқолсин!»

У чой олиб кирган катта қизига бош қимирлатиб, «барака топ» деб қўйди. Кунига ярагани учун шу бахтсиз қизидан ота мамнун эди. Баҳор офтобига келинингни, куз офтобига қизингни сол, деганларининг акси бўлган эди — Сабоҳат бечоранинг турмуши ке-

лишмай эридан чиқиб, уйда ўтириб қолган эди. Ота баъзида пичирлаб, хиргойи қиларди. Бу қўшиқни бир уйгур ошнасидан ўрганган эди:

Кўз етмас баланд тоғлар гариб йўлини боғлар,
Юртимга етолмайман, бағримни алам доғлар...

Деразаларга уқа — тўр тутилган, ёрқин ва озода хона ганжинасида, бурчакда қўпол бир чўқмор турарди. Мирюсуф отани кўргани келганларнинг кўзи пол устидаги ўша чўқморга тушмай иложи йўқ, отанинг ўзи ҳам кулиб қўярди. «Нима, сенларга халақит бераптими менинг чўқморим?» дерди ота. Хонага кираверишдаги ганжинани хира қилиб ётгандай бу оғир чўқморни ҳовлига олиб чиқиб ташлашга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди. «Гадоё чўқмор йиғади, деганларидай бу нимаси», дерди катта қизи. «Ҳа, баракалла, қизим! Мең индамай ётувдим, ўзинг тилимни қичитдинг. Эшит энди: шу чўқмор билан отам раҳматли бизларни боққанлар, отамдан менга қолган мерос мана шу оғир чўқмор. У билан мен сизларни боқдим, агар қувватим бўлиб, яна бошқатдан яралсам, яна бошқатдан шу чўқморни қўлга олиб, чўян эритиб қозон қуярдим. Литейний ўз йўлига, вагранка ҳам ўз йўлига, юқори частотли печь ҳам ўз йўлига... Э қизим, сенларга қоладиган менинг ҳамма топганим — уй-жойим, боғим, қадрим, обрўйим... ҳаммаси мана шу чўқмордан. У ўзи қўпол ва хунук кўрингани билан унда ҳикмат кўп; уни турткилаб, мендан кейин олиб чиқиб ташламанглар, у йўқолмасин! Охунбобоевнинг чоригини эшитганмисан? Эшитмаган бўлсанг эшит: у зот Жумҳурият раиси бўлишларига қарамай, уйларида, шундоқ ўтирадиган жойларида тепага бир жуфт эски чоригни илиб қўярканлар. У зот қадим чоракор бўлганлар, мана шу чоригни кийиб, бойларнинг ерида ишлаганлар. Мамлакатга раис бўлганларида ҳам ўша кунларимни унутмай, деб чоригни асраб қўярканлар. Ким эдигу, ким бўлдик, демоқчи бўладилар. Ишчи-деҳқон бирлиги, озодлик — инқилоб бизни шундоқ кунларга олиб келди... Қизим, ҳар-замон-ҳар замонда чўқмор дастасига бир пиёла сув қуйиб қўй, иссиқда қуриб чиқиб кетиши мумкин. Сен кўп нарсани билмайсан, қизим, охунбобоевлар битта

эмас, Низомиддин Хўжаев, Шумиловлар бўлган. О-о-о, бу кунга етишимиз учун жонларини берганлар бор. Камбағал камбағаллигича қолсин. Туркистонни ажратиб олиб, хонликни тиклаймиз, деган Мунаввар Қорилар, «амиралмуслимин» Кўр Шермату Чўқаевлар бўлган... Бу кунларга осонликча етиб келганимиз йўқ. Сизлар учун ҳамма ёқ гул, сизлар гулни кўрасизлару, орасида ётган ханжардек тиканларини кўрмайсизлар. У заҳарли ханжарлар бизнинг танзимизга кўп санчилган, аммо ўлдира олмаган!»

Мирюсуф ота баъзан бир соат, ярим соат вақтини бериб, ҳолидан хабар олмаган ошналаридан ҳам ранжирди. Тўшакка михланиб ётган одам серараз бўлади — баъзан чол ётган ерида ҳам сўкиниб қўярди: «Турсун дажжол нима-ю ҳўкиз нима! У фақат бу дунёга овқат емак учун келган, еб-ичиб қуртдек ўлиб кетади. Ҳа, бундай ёр-биродарларни ҳам бориб кўриш керак-да, емак қочиб кетмайди!» Баъзан у тез-тез келиб турадиган Қалтадумдан ҳам ранжирди. «Эзма, ўрис хотинини мақтагани-мақтаган», дерди чол. Унинг ранжишидан баъзан оила аъзолари хижолат бўлишарди. «Ўликлар айтишармишки, тириклар ҳолва еяпти, деб. Ҳа, мана, ҳолва еяпмиз! Гап емишда эмас, емиш ҳамма ерда бор, кошки мен уларни ея олсам. Гап ошналарим дийдорини кўришда. Бошинг ёстиққа тегиб, чўзилиб ётганинда дўстларинг кимлигини билар экансан. Заводдан ҳеч ким келмаяпти! Ёки жанозамни кутишаётганмикан, жанозамга келишармикан?»

Мирюсуф ота кейинги кунларда овқатдан ҳам қолди; бирон нима еса қайтариб ташларди. Кун бўйи бир-икки ҳўплам чой ичар, баъзан узумни сиқиб сувини беришарди. Ўзи ҳам озиб, кичкина бўлиб қолган эди. Дардга анча оғир эди-ю, кутган баъзи ошналарининг келмагани чолни тажанг қиларди. Серхархашалиги уйдагиларни қийнади. Шундай хафақон кунларнинг бирида, иттифоқо, ҳовлига Матвеев билан Нишон ака кириб келиб қолди. Икки ёноғидаги суякларни бўртиб чиққан, баланд бўйли, мўйловдор Максим Петрович Матвеев Максим Горькийга жуда ўхшаб кетар эди. Уни заводда Максим Горький деб аташарди ҳам. Қизиқлиги шундаки, бу одам ҳам Тошкентга Нижний-Новгороддан келган эди. Мирюсуф

ота уни «Максим Петрович» дерди. У илгари Мирюсуф отаникига тез-тез келиб турарди; тугмача ёқа, узун кўйлаги устидан шокилдалик арқон белбоғ боғлаб оларди. Оёғида доимо этик, кўп чекишидан мўйловининг таги сарғайиб кетган. Маҳалладагилар ўша пайтда; «Ана, Мирюсуф отаникига мужик ўрис келди», дейишарди.

Матвеев Россияга, уруглариникига кетганини айтиб, вақтида хабар ололмагани учун узр сўради. Мирюсуф отанинг чеҳраси очилиб, эски ошнасининг келганидан жуда мамнун бўлди. Ҳазил ичида заҳрини унга эмас, шу ерда туриб ҳолидан хабар олмаётганлар, Нишон акага сочди.

Докторнинг, дори-дармоннинг ҳеч қандай аҳамияти қолмаганини тушунса ҳам, ўзини билмаганга солиб: «Қандай дори ичяпсиз, доктор келяптими?» деб сўради ошнаси. Чол бош чайқади:

— Дўхтирлар кўп келишди... Тайиб ҳам келди. Энди улардан зерикдим. Дори ҳам ичмайман. Кўп ухлайман; шу уйқу билан оғриқни сезмайман. Укол қилиб ухлатишади — шу укол жонимга анча оро кирапти.

Матвеев билан Нишон ака бошини солиб, ғарғара билан аранг гапираётган Мирюсуф отанинг гапларига қулоқ солиб ўтиришарди.

Кўп ўтмай патниёда нон-чой келди. Мўйлови сабза урган, кифти кенг, қорамағиз Арслонга Матвеев ялт этиб қараб қўйди. Ун тўққиз-йигирмаларга борган Арслон пиёлаларни чайқаб, чой қўйиб узатди меҳмонларга.

— Ўғлингиз азамат йигит бўпти,— деди Матвеев.

— Ҳа, омон бўлсин,— деди Мирюсуф ота.— Қалай, ўзингизнинг болаларингиз соғ-саломатми? Нишон полвон, қалай, сизнинг ҳам бола-чақангиз омонми?

— Шукур, яхши.

— Ўғилча нима иш қиляптилар?— сўради Матвеев пиёлани узатиб.

— Ҳозир дадамларга қараяпман,— деди боши қуйи Арслон Матвеевга.

— Ўғлим Арслон Бешёғочдаги институтда ўқийди. Ҳозир таътил вақти, менга қараб турибди.

Арслоннинг юзига қизиллик югурди; отаси унинг нейинги пайтда жиндек бозорга, савдо-сотикқа ара-

лашаётганини яширди. У чой узатиб, индамай ўтирди.

— Арслон ўғлим, барака топсин, яхши! Отасига тирак бўлди,— деди гапга аралашиб Нишон ака.— Ақлли бола.

— Мирюсуф Улмасбоевични ҳам йигитликларидан биламиз,— деди Матвеев,— хўп азамат йигит эдингиз.

— Мирюсуф ота мамнун бош қимирлатиб, тасдиқлади. «Йигит», «азамат» сўзлари сўнаётган кўз нурларини ялт эткизиб, чарчоқ қалбини ҳаяжонга келтирди. У кулимсираб Матвеевга, ундан сўнг ўғли Арслонга қаради.

— Ўттиз биринчи йил эди-а, Улмасбоев, сиз билан танишганимизда? Заводда танишган эдик. Ўша вақтда сиз мана шу ўғлингиздек, қотма, қорачадан келган йигит эдингиз. Русчани ҳам унча яхши билмасдингиз, тажангроқ эдингиз. Йигирма йил ўтибди, вақт шамол, гув этиб ўтиб кетар экан...

— Ўша пайтда, Махсим ака, мен Сельмашга бордим, Нишон полвон Тоштромга ишга кирдилар. Кейинчалик у киши ҳам Сельмашга қайтиб келдилар. Янглишмасам, сиз билан цехда танишдик, ёдингизда бўлса керак, бир йилдан кейин Уролга бориб қолдик. Лобачев раҳматли олиб борган эди. Уролдаги заводда тушган суратимиз бор...

— Тўғри,— деди Матвеев трубкасига тамаки тўлдириб.— Шу он у касал ётган уйда чекиш мумкин эмаслигини пайқаб, гугурт билан трубкасини чўнтагига қайтариб солаётган эди, Мирюсуф ота эътироз билдирди:

— Чекаверинг, Махсим ака, менга ҳеч зарари йўқ. Чекаверинг деразалар ҳам очиқ. Чекаверинг.

— Тўғри, қанча хотираларимиз бор. Бекорчи бўлиб умримизни зое ўтказмадик,— у трубкасига гугурт ёқиб чекди,— Уралдаги завод жуда катта эди, биз бир ойча бўлибмидик?

— Бир ою, беш кун.

— Тўғри,— деди Матвеев,— анави кулак бўлган бой борми? Учинчи хотини...

Мирюсуф ота безовта бўлиб, томоқ қирди. Жонжаҳди билан гапни бошқа ёққа бурди:

— Махсим ака, кўзларим нигорон бўлиб сизни кутиб ётган эдим, келишингизни билардим, мабодо

келмаганингизда одам юборардим ҳам. Гап мана бундоқ, кўз нурим, орқамда қоладиган зурёдим мана шу Арслон. Уғлим Арслонни заводга олинглар. Ахир ўз ўғлингиз Истефан заводимизнинг катталаридан бири-ку! Уғлимни ишга олсин. Заводда ўрнимни йўқотман-син, ахир, етти аждодим дегрез ўтган!

— Мен ҳам шу гапни айтмоқчи эдим, қаранг, дил-дилга ойна,— деди Матвеев,— ўғлингиз нима деркин? У ўқийди-ку!

Уч кекса унга тикилиб бир лаҳза жим қолишди.

— Дадамлар нима десалар шу,— деди Арслон бош кўтариб.— Эҳтимол институтнинг сиртқи бўлимига ўтарман.

— Балли!— деди ҳаммадан аввал Нишон ака.

— Худди шундоқ жавобни кутган эдим,— деди Матвеев Арслонга тикилиб.— Бу ишчи ўғли. Йигит қонида рабочийлик, ҳалоллик бор. Наинки заводни, бутун бир мамлакатни шу ёшларга ташлаб кетяпмиз, улар келажагимиз, уларга ишонамиз, шулар учун курашдик-да. Уғилнинг жавоби мени жуда қаноатлантирди. Мен шу бугуноқ Степанга айтаман.

Мирюсуф ота ётган ерида кўзига ёш олди, бу — ризолик белгиси эди.

— Уғлим, сени мана шу Махсим акангга, Нишон амакингга топшираман, улар сени заводга олиб бориб, киргизиб қўйишади. Фақат Сельмашга, ўзим ишлаган заводга боргин. Уқишни ҳам ташлама, у ҳам керак!

— Хўп,— деди Арслон.

— Бор энди, чиқиб опангга айт, овқат пишган бўлса олиб киришлар.

— Йўқ, биз турамиз энди. Овқат деб овора бўлманглар,— деди Матвеев билан Нишон ака.

— Сабр!— деди Мирюсуф ота ўғли чиқиб кетгандан кейин,— сиз бир гапни очдингиз, мен тўхтатдим...

— Ҳа, ҳа.

— Уғлимнинг олдида уялдим. Сиз бу воқеани эшитган бўлсангиз ҳам чала эшитгансиз. Қизиқ бўлган... Келинг, айтиб берай. Жуда айтгим келяпти.

— Ҳа... Уша пайтларда андак қулоғимга чалинган эди.

Мирюсуф ота воқеани гапириб берди.

...Иноят бойваччанинг учинчи хотини ўн тўққиздан йигирмага ўтган, ҳуснда тенги йўқ жувон эди.

Олтмишдан ошган бой қанча дунё тўкиб, бир камбағалнинг қизини олган эди. Бахти маржонга кўмилган бўлса ҳам турмушидан ниҳоятда норизо бўлган қиз бойга кўнгилсиз бўлиш у ёқда турсин, уни кўрарга кўзи йўқ эди. Латта бўлиб, шалвираб қолган бой, ёш хотиним бор, деб мақтаниш учун уйланган эди. Бой фақат қизнинг ҳусну жамолига тикилиб, ўз ҳирсини қондираркан. Яна шу аҳволига, бой бесоқол ҳам тугарканлар, Иноят бойвачча учинчи хотинини жаҳл устида «уч талоқ» деб юборди. Шундан сўнг, халала бўлиб, тунда шу маҳаллалик дегрез Мирюсуфни учинчи хотини ёнига киритишди. Мирюсуфнинг тили-оғзи мустаҳкам, забардаст йигит деб, домла айтган эди. Бир кеча бойникида ётган Мирюсуф, эрта билан бойнинг червонларини олмай чиқиб кетди. Учинчи хотин ўз қисматининг расволигини айтиб, Мирюсуфга йиғлаган эди...

Иноят бойвачча қулоқ бўлиб, ўткир тишлари қоқиб ташлангач, учинчи хотин бу қафасдан чиқиб кетди. У бойдан талоқ хатини олиб, бошини очиб олгач, бир ҳафта ичида бўйдоқ юрган дегрез Мирюсуфга ўзи хоҳлаб, текиндан-текин тегиб олди. Бахтимни топдим, деди ва гўзал, шаддод аёл ўз ҳаётини янгидан бошлади. Мана, неча йилдирки, улар қўша қариб, икки қиз ва бир ўғил кўришди...

Нишон ака билан Матвеевнинг келиши Мирюсуф отанинг қоронғилашиб бораётган хонасини ёритиб юборди, ёғи тугаб, лоп-лоп қилиб, шишасини қорайтириб ёнаётган чироқ яна бир меъёрда мўътадил нур сочаётгандай бўлди. Катта қозондаги қайноқ ёгга ташланган жаздек куйиб, жизғанак бўлиб, ёғоч каравоти ўртасида қуруқ устухони қолиб қовирилиб ётган Мирюсуф отанинг чиройи ёришиб, хурсанд бўлиб, оёғини узатди. Дўстларининг келиш шарофати биланми, бугун унча оғриқ ҳам бўлмади. Икки соатдан мўлроқ вақт ичида у ҳеч қанақа оғриқни сезмади. Укол қилиб ухлатадиган жувонга ҳам «бугунча, қўя қолинг, қизим», деди. Чол ҳайрон бўларди: худди шундай кун ўрталарида ўт бўлиб ёнадиган қорни негадир бешафқат оғриқлардан холи.

— Агар дардингиз жиндаккина енриллашса, биз ҳар куни келишга тайёرمىз,— деди Матвеев,— доимо ёнингизда туришга ҳам тайёرمىз.

— Раҳмат, дўстларим. Вақтларингиз бўлганда яна келинглар, сизларни кўргим келади. Нимасини айттай, ахир, сизларни кўрсам тузалаётганга ўхшайман...

Шу ҳафта ичида заводнинг дастлабки директори, Мирюсуф отанинг ошнаси Аббос Зоидов, эски дегрезлардан Нуриддин, Исмоил, Исроил, Муслим, Ҳайдар чўққи деганлар ҳам Мирюсуф отани кўриб кетишди.

Бир кун ўтгач, яна Мирюсуф ота қорнида оғриқ бошланиб, кун бўйи ухлай олмай, тушга яқин ҳамшира келиб укол қилиб ухлатди. Кейинги куни, эрта билан ухлаб ётганида ҳовлига шу маҳаллалик Қизил Махсум билан Қори кириб келишди. Қизил Махсумнинг қўлида кўк қарғашоҳи қийиқда нон, анор, узум... Мусоват Қори бўлса оғзи қоғоз билан ўралган шиша банкада асал кўтариб олган. Эшикда уларни кутиб олган Арслон «қани, марҳамат», деб ичкарига бошлади.

— Даданглар тузукми?— сўради Қизил Махсум,— бизникига чиқмаганингга хавотир олиб, келганимиз. Илгаригига қараганда тузукмилар? Ё...

Арслон бир лаҳза индамай қолди.

— Ҳа, ишқилиб худо шифо берсин.

— Сизникига чиқолмадим,— деди Арслон ҳовлида улар билан отаси ётган хонага бора туриб,— бозорга ҳам боролмадим...

— Майли ука, майли. Сенинг ҳиссангни ҳам бошқалар тикиб қўйди. Бозорга жиянларимни туширдим: кеча, бугун совда ёмон бўлмади. Акахонимиз Қори акагни танийсанми? Бу киши мулла одам...

— Қори акамларни танийман.

— Баракалла. Даданглар домлани жуда ҳурмат қиладилар. Атайин олиб келдим. Домла ҳам табаррук одам.

— Қани, марҳамат қилинглар,— Арслон уларни дадаси ётган ярим қоронғи жимжит хонага бошлаб кирди. Ухлаб ётган дадасини секин уйғотди:— Дада! Дада! Амакимлар келишди, кўзингизни очинг!

Мирюсуф ота уйқу аралаш гўлдираб, кўз очиб ҳеч кимни кўрмади. У гўлдиради: «пулсирот... йўқ пулсиротдан ўтмайман! Мун-карнакир, мун-кар-накир...»

— Дада! Амакимлар келишди, кўзингизни очинг.

Даҳлизда турган Қизил Махсум билан Қори Арс-

лонга сездирмай шивирлади: «Худойи таоло бандасини олишдан аввал ақлини олади, дейдилар, чол айниб қолганга ўхшайди...» Ҳори бош қимирлатиб тасдиқлади.

Мирюсуф ота гўлдирашдан тўхтаб, уларга тикилиб қараб қолди. Бу уларнинг юрагига ваҳшат солдими, Қизил Махсумнинг кўкарган қизғиш ранги ўчиб, эшикка қаради. Кейин дириллаган бир товуш чиқарди:

— Мирюсуф ота, мен — Махсумман...

— Ҳа... келинг, Ҳори,— деди секин чол даҳлизда турган Ҳорига кўзи тушиб.

— Кўриб чиқайлик, дедик.

— Хуш келибсизлар,— деди-да, тепасида турган Арслонга:— болам, меҳмонларни ўтиришга таклиф қил, дастурхон ёз. Нега ҳайрон бўлиб қолдинг? Жиндек босинқираганга ўхшайман. Тушимда оймлар билан дадамларни кўрибман. Дадамлар, қорнингни иссиқ тут, қаттиқ шамоллагансан, болам, дейдилар. Бу — ички бод, дейдилар... Озгина айиқ ёғи топиб, силатгин, дейдилар... Дадамлар каромат қилдилар. Ўғлим Арслон, эртага озгина айиқ ёғи топиб келгин.

— Хўп бўлади,— деди Арслон дадасининг тушини маъқуллаб. Қилтомоқнинг нималигини улар яхши билишарди.

— Илгарига қараганда тузукмисиз, ота?— Қизил Махсум қўлидаги нарсаларини курси устига қўя туриб сўради.

— Тузукман, анча тузукман...

— Худо шифо берсин!

— Ўзингиз сиҳат-саломатмисиз? Бола-чақаларингиз омонми? Домла, сиз ҳам омон-эсонмисиз? Уй ичларингиз саломатми?

— Шукур, алҳамдулилло!

— Сиз, Махсум домла, Арслонни ёнингизга олиб, мўйнадўзликни ўргатаётганмишсиз. Телпак, пўстин тикишни ўрганиб олса, ёмон бўлмас. Бир йнгитга қирқ ҳунар оз дейдилар. Отангиз Салоҳиддин Ҳори мўйнадўзликдан жуда бойиб кетган эдилар. Инқилобдан аввал қорақўл билан совда қилиб, Маскоп, Варшавага борганлар. Менинг ота-боболарим дегрез бўлишган. Ўзим рабобчман. Ҳар ким ота касбини қилса яхши бўлади. Ўғлимга ҳунар ўргатаётганингиздан журсанд-

ман, аммо бозорга камроқ туширинг. Ишчи одамнинг ўгли шунақа қилиб юрганидан хижолат бўламан.

— Хижолат бўлманг, ота. Мен уни ўз укамдан ҳам аъло кўраман. Арслон ақлли йигит. Ҳунар ўрганишга ҳам уқуви зўр экан. Ҳозир у барра эмас, қора-кўл телпакларни ҳам келиштириб тикяпти.

Арслон дастурхон олиб киргани ташқарига чиқиб кетди.

— Ўғлингиз яхши йигит, ақлли, яна бунинг устига мўмин-қобил,— деди Қизил Махсум Мирюсуф отадан кўзини узмай,— бўладиган бола ўзи билинади.

— Ҳаммаларинг барака топинглар,— деди Мирюсуф ота ўгли ҳақида гап кетаётгани сабабли оғриққа ҳам қарамай жон-жаҳди билан берилиб,— мўйнадўзлик — вақтинча, аммо у ҳозирдан бўладиган ишга киришгани маъқулмасмикан? Ота-бобосининг касби — дегрез, у заводга бориши керак.

Қизил Махсум билан Қори бир-бирига қараб, ўғлингни ҳам ўзингга ўхшаган гадо қилмоқчимисан, дегандай кулиб қўйишди.

— Фарзанд ўқигани маъқул,— деди Қори,— авлодимиз илмли бўлмаса яна қоронғиликда қолаверамиз.

— Бу гапингиз маъқул, домла,— деди чол,— ўқиганга не етсин. Илмли кишининг кўзи очиқ. Бизларни ўқитадиган одам бўлган эмас. Лекин заводда илмимиз чиқди, оқ-қорани танидик, ҳар қалай қоронғиликда қолмадик. Завод катта даргоҳ.

— Албатта,— деди Қизил Махсум,— мамлакат учун ишлаган яхши. Йиқилиб, бошимиз ёстиққа текканда «мамлакат» ҳолимиздан хабар олади...

Мирюсуф ота ялт этиб Қизил Махсумга қаради.

— Ундоқ деманг, ҳолимиздан хабар олиб турганлар бор.

Арслоннинг патнис кўтариб кириб, Мирюсуф отанинг гапи томоғида қолди. У индамай ётаверди.

Ўзига тўқ, «оққан ариқ»нинг фарзанди, шоҳи қийғини тўлдириб касал кўргани кирган Қизил Махсум билан Қори чол тепасида Арслон билан аллавақт-гача гаплашиб ўтиришди. Улар чолга шифо тилашгани билан, Арслонга «тайёргарлигингни кўравер, ука...» деб сирли гап қилиб қўйишди. Хайрлашиб чи-

қиб кетишаётганида, дераза ёнида Қизил Махсум Арслонга қараб: «Ука опа-попангга айтиб ҳовлиларни супуртириб қўй...» деди. Дераза тагида ётган Мирюсуф ота бу гапни шундоқ эшитиб, домлалар нима демоқчи эканига ақли етди.

Чол бўлса ўғил-қизининг тўйини кўрмай кетаётгани, қолаверса, Сельмаш дарвозасидан бақувват тракторлар чиқаётганини кўрмаётгани армон қиляпти-да. Буни, ўғлим Арслон кўради, деб ўзига-ўзи таскин ҳам берди.

Ҳозиргина ўрнидан туриб, ташқарига чиққан Қизил Махсум қирқ ёшларга борган, қирғийбурун киши эди. Бурни остида, шу йилларда одат бўлган тугмачадек, тўрт қирралик мўйлов қўйганди. Бошига мош ранг духоба дўппи кийиб, кўйлаги устидан жужун камзул киярди. Оёғида кавуш-маҳси. Тақиқланган мол — қоракўл терини улгуржи сотиб турганида қўлга тушиб, бир йилча қамалган. Бу даврини гап ичида «биз ҳажга бориб келганмиз», «ҳаж ундоқ, ҳажда бундоқ...» деб гапирди. Милиция уни жиноят устида қўлга туширганига қарамай «Нишон ака бориб чаққан, чақиқ билан бошимга иш тушди», деб сасиб ҳам юради. «Бутингни йириб ташлайман, бойвачча, оғзингга қараб гапир!» деб унинг устига бостириб бораётган Нишон акани чойхонадагилар ҳай-ҳайлаб ушлаб қолишган эди. Бўлмаса қўлидаги оғир нос шиша билан уриб, бир нима қилиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас эди. Тутақиб кетган Нишон ака ўша пайт: «Ҳа, номард! Ҳеббим!» деб қўя қолган эди.

Вафот этган Салоҳиддин бойвачча (у Мирзакаримбой приказчиги бўлиб, кейинчалик ўзи мустақил мўйна савдоси билан шуғулланиб бойиб кетган киши) «гап»ларни обод қиладиган, ҳафталаб бойнинг меҳмонхонасида ётиб, «Або Муслим», «Алиф лайло ва лайло» ўқийдиган Мусоват Қори ўз садоқатини бойнинг ўғли — Қизил Махсумга ҳам кўрсата бошлади. У, Мунаввар Қорининг жияни, асли шайхантоҳурлик бўлиб, замонанинг зайли билан бу маҳаллага кўчиб келиб қолган эди. Шу маҳалладаги ўрта мактабнинг бошланғич синфларида дарс берди. Мусоват Қори унчамунча ғазал машқ қиларди. Салоҳиддин бойвачча берган гаплардан бирида, ота-онасиз етимларга ёрдам тариқасида пул тўпланган. Бу ёрдамни «тўқ хонадон-

ларнинг кекириқ пули» деб аталган эди. Мусоват Қори шу ҳақда ғазал ёзган:

Ҳунарвон совда аҳли — ёш «кекроқлар» амон бўлсун, 25
Атосизлар учун «кекириқ» пулидан тушди ўн бир минг...

Бу «ғазал» яқин-яқингача «гап» маросимларида ўқилиб, тоза кулгига сабаб бўларди.

Мусоват Қори тоғаси Мунаввар Қорининг ҳибс этилганидан сўнг баъзида «ўз фикрларини» ҳаммага эмас, «гап»ларда, дилига яқин кишилар орасида айтадиган бўлди. Матбуотда калтак еб турган Чўлпон ёнига ҳам бормай, кўпроқ Кесакқўрғон, Қаллахона томонларда Тавалло билан учрашар, майхўрликка муккасидан кетган бу шоирни тўй ва «гап»ларга суд-рарди. «Равзатул ислом» китобини мақтаб, кўкларга кўтариб, шоирнинг кейинги пайтларда ёзган шеърини ёд айтиш — муаллифига қанчалик ҳаяжон бағиш-лашини биларди. Ўз ғазалини эшитган сархуш Тавалло кўзига ёш олиб, Мусоват Қорига бошдан-оёқ тикилиб, тасанно айтар, «аҳли нафосат»нинг кўпайиб бораётганидан мамнун бўларди.

Шу куни Қизил Махсум ҳовлидан чиқиб кета туриб, Арслонга эллик сўм узатди:

— Керак бўлади, ука, бирон корингга яратасан!

— Э, қўяверинг, пулимиз бор.

— Ол, тортинма, қанча пулинг борлигини биламан.

— Ол, ўғлим,— деди Қори,— мингта сиз-биздан битта жиз-биз яхши.

Арслон бешта қизил червонни буклаб қўйнига солди.

— Муҳтож бўлиб қолсанг тортинмай сўрайвер, дўст дўстни шунақа вақтда суяши керак!

Арслон ҳаммаҳалларининг гапларига диққат билан қулоқ солиб турарди. Бир муддатдан сўнг уларни эшиккача кузатиб, хайр-хўшлашиб қайтди.

Бешинчи боб **КУЗЛАРИ ЖОДУ**

Бемор отасининг бугун бир оз чиройи очилганини кўрган Арслон онасига ошналари билан учрашадиган

иши борлигини айтиб, кўчага чиқиб кетди. Бироқ оналарининг олдига эмас, тўппа-тўғри ўзи ўқиб битирган қадрдон мактабига келди. Ичкарига кириб, винапойларда, ундан сўнг, узун юридор деворларига қоқиб қўйилган сурат ва деворий газетага кўз югуртирди. Шу орада қўнғироқ янграб, синфлардан болалар отилиб чиқди. Лекин ўнинчи синф болалари бошқалардан кечроқ чиқди, афтидан, география ўқитувчиси кирган бўлса керак. Чунки у сал эзмароқ. Арслоннинг кўзлари деворда эди-ю, ҳозир кимдир ўйноқлаб келиб, «Ваҳ!» деб чўчитиб юборишини кутарди. Шу лаҳза кимдир унинг елкасига қўл қўйди. Арслон ҳайрон бўлиб қайрилиб орқасига қараган эди, комсомол комитетининг секретари Қувондиқ экан. У бир лаҳза ҳол-аҳвол сўрашиб, ўтиб кетди. Арслон девордаги суратлардан кўз олиб, кимнидир қидира бошлади: Нега у йўқ? У югуриб келар эди-ку? Ёки ўқишга келмаяптими? Ёки... уни кўрган бўлса ҳам учрашишни истамадими? Нима гап? Отасининг оғир касаллиги туфайли у билан учрашолмади... Буни у яхши биларди-ку!

Бешинчи синф ўқувчиси бўлса керак, жиккаккина бир қиз Арслоннинг ёнига келиб, мактаб ҳовлисида уни «Барчин опа» кутиб турганини айтди. Арслон тезда коридорлардан чиқиб, ҳовлига ўтди. Дарҳақиқат, ҳовлида, болалардан четроқ, дарахтлар орасида Барчин турарди. Улар бир-бирларини кўришлари ҳамон қип-қизариб кетишди. Юраклар гурс-гурс ура кетди...

Барчиннинг тимқора йирик кўзлари доимо ёниб турар, бодомқовоқлари узра қанот ёзиб турган қошлари, дудоқлари ёнидаги кулгичлар нигоҳларни ўзига жалб этмай қўймасди. Кўзларига яширинган фусун, қарашларидаги жозиба, келишган қадду қомати, бўртиб турадиган кўксию ингичка бели — тенгсиз бир гўваллик кашф этган эди. Ун саккиздан ўн тўққизга ўтган бу қиздаги беқиёс латофатни Арслон ҳаммадан аввал Каттақўрғонда, канал қазилаётганда пайқаган эди. Бу қиз билан ҳаётини абадулабад боғлаш унинг юрагида эзгу бир орзу эди. Қариндошларининг айтишича, Барчиннинг қош-кўзлари отаси Ҳумоюн анага, қадду қомати онаси Ҳамида опага ўхшармиш. Ҳумоюн Саидбекович ҳам ёшлигида унга ошиқ бўлиб,

уйланган экан. Барчиннинг ёлғиз акаси Марат ҳарбийда...

Барчин Арслон билан қўл беришиб, саломлашгандан сўнг, тезда сўради:

— Дадангиз тузукмилар?

— Бугун анча тузуклар.

— Уртоқларим кўриб қолишидан жуда қўрқаман. Шунинг учун шанба куни бизникига келинг. Кутаман. Ҳамма гапни бизникида гаплашамиз. Хайр!

Ҳамма гапни ўзи бир йўла лўнда қилиб айтдию яна оҳудек ўйноқлаб, чопиб кетди. Арслон бўлса, хайр, деганича қолди. Аслида бу йигитни Ҳамида опа бир кўрмоқчи эди...

Арслон мактаб ҳовлисидан чиқиб кета туриб, йўл-йўлакай яна Барчинни ўйлади; шунча вақт бир мактабда ўқиб, бу қизни аввалроқ пайқамганига ўзи ҳам ҳайрон эди. Кейинги пайтларда уни тез-тез кўргиси келар, учрашганларида ҳар гал икковлари ҳам қилқизариб кетишарди. Баъзида гапларидан ҳам адашиб, гўлдираб қолишарди. Мурғак севгининг бу сирли ҳолатларини ёш Барчин ҳам оз-оз сезмай иложи йўқ муҳаббат ҳислари, ширин хаёллар оғушида маст юрган Арслон баъзида кўчада кета туриб, унинг овозини эшитгандай бўлар, бир лаҳза тўхтаб, у ёқ-бу ёққа алангларди. Кимнидир унга ўхшатар, атай трамвайга чиқиб, ўша қизга боқар, унинг Барчин эмаслигини кўргач, кейинги бекатда яна трамвайдан тушиб қолар эди. Бундай воқеалар жуда кўп бўлган...

Арслон баъзан узоқ хаёлларга толарди. У шу гўзал қизга уйланиб, катта тўю томоша қилса. Уйланиб олгач, меҳнат қилиб, ҳалол яшашса, фарзанд кўришса...

Шу маҳаллада бир чўлоқ хотин бўларди, аммо унинг хунук-бедаволигини ҳеч ким пайқамасди. Усмасурмасиз, тақинчоқларсиз юрмайдиган яна бир хотин ҳам бўларди. Одамлар унинг заҳар томиб турадиган юзига эмас, деворга қараб ўтиб кетишарди. Чехра табассум учун яратилган. Барчин чехрасида ҳам доимий бир табассум мавжуд эди. У ҳамма вақт кулиб турарди. Агар ҳар бир тош лаъл бўлганида, лаъл ҳам тош каби арзон бўларди. Барчин лабларидаги сўнмас табассум лаълдек ноёб эди.

Уларнинг оиласи хурофот ва бидъатдан тамоман узоқ, поклик, бир-бирига ишонч барқарор эди. Ҳамида опа хоналарни ниҳоятда озода тутар, овқат пиширишда пазанда эди. Ҳумоюн Саидбеков атай Ҳамида опа учун китоб жовони ёнида бир шкаф қўйиб берган эди. Бунда Барчин билан Ҳамида опа яхши кўрадиган китоблар: «Анна Каренина», «Қутлуғ қон», «Доҳунда», «Қўрқинчли Техрон»... турарди. Ҳамидахон ўз донолиги билан қариндош-уруғлари ичида эъзозланарди. Барчин иккинчи синфдалигидаёқ пианино ўрганиб, аввал уйда, кейинчалик музика мактабига қатнади. У очиқ, баъзилардек енги узун кўйлак, почасига жияк тикилган лозим киймас, маданий кийинишга одатланган. Йигитлар ёнида қисиниб-қимтиниб ўтирмас, шаддод ва гапдон эди. Шу сабабли бўлса керак, шаддод Барчин онасининг бир оғиз сўзи учун Арслонни ўз уйига таклиф қилди.

Шанба куни белгиланган вақтда Арслон Барчинлар ҳовлисига кириб келди. Полларни ойнадек йилтириб қўйган қиз пешайвонга чиқаверишдаги цемент зинапоя устида Арслонни кутиб олди. Уни дарддор ичкарига таклиф қилиб, ён хонада бир нима пишираётган онасига мурожаат этди.

— Опа, Арслон ака келдилар!

Тўладан келган, истараси иссиқ аёл қўлини артиб, меҳмоннинг ёнига чиқди.

— Келинг, марҳамат!— деди Ҳамида опа Арслонга,— омонмисиз. Ойингизлар эсон-омонмилар? Отангизларни бетоб деб эшитдик, қалай, тузукмилар?

— Раҳмат,— деди турган ерида қизариб Арслон,— дадамлар бугун бир оз тузуклар... Докторлар рақ дейишади...

— Худо сақласин!— деди Ҳамида опа бир лаҳза жим, таассуф билдириб,— бу дард жуда ёмон дард. Э, худойим-э, инсонни шундай ёмон дардларга гирифтор қилмасанг, нима бўларди! Отангиз неча ёшдалар?

— Етмиш бирдаман деганлар.

Арслон билан Барчин кўркам, катта хона ўртасида хомуш туришарди.

— Қани, столга ўтиринглар,— деди Ҳамида опа бир лаҳзадан кейин.

У яна ошхонага қайтиб кириб кетди. Икки ёш стол атрофига ўтирди. Ҳамида опа чой, мева-чева олиб

чиқиб столга қўйди. Барчин Брестдан, акаси Маратдан келган хат ва фото суратларни кўрсатди. Каникул вақтида отаси, адаси билан Ялтага бориб, дам олишгани, унда олдирган ўзининг фото суратларини ҳам кўрсатди. Ҳамида опа қизининг меҳмонини яхшироқ кутиб олиш учун югуриб-елиб хизмат қиларди. Барчинга иш қилдирмас, у онасидан хижолат бўлар эди. Сен ҳам адангларнинг, менинг меҳмонимга яхшилаб хизмат қиларсан, қизим. Кел, энди сенинг меҳмонингга ҳам бир сафар хизмат қила қолай, дерди у.

Барчин Арслонга пианино чалиб бермоқчи эди, лекин унинг юрагидаги қайғу, юзидаги маъюсликни сезиб, чалмади. Дадасининг кабинетига олиб кириб, жавондаги китобларни, деворда — рамка ичидаги суратлар кимларники эканлигини айтиб берди. Ўз альбомини кўрсатаётганида Арслон Фиръавн Нефертитига ўхшаб, қора, патила сочларини икки елкасига туширган Барчиннинг суратига тикилиб қараб қолди. У кулиб қўйди.

Ҳамида опа Ҳумоюн Саидбековичга турмушга чиқишдан аввал, бўлғуси куёвнинг уларниқига мана шундай келиб юрганини эслади. Арслоннинг камгап, вазминлиги ҳам, юзида ҳаёси борлиги ҳам андак Ҳумоюн акага ўхшашиб кетади. Ахир у киши билан тақдирини боғлаб, бахт топди-ку. У доимо қизининг ҳам бахтли бўлишини ўйларди — Барчинга ёққан киши унга ҳам ёқарди. Онанинг дарду фикри шу ёлғиз қизиди.

— Шу суратни менга беринг.

— Марҳамат.

Бир лаҳза Арслон ўйланиб қолди: унинг хаёлига яна Каттақўрғон сув омбори қурилиши ва бундаги учрашув келди... Барчин ўша кўйлақда, Фиръавн Нефертитига ўхшаб тушган сурати қўлида. Улар бир-бирларига қараб қолишди.

Барчин хаёлга чўмди.

Баъзилар, ёшларнинг муҳаббати кўзида, дейдилар. Йўқ, бу жуда ҳам тўғри эмас! Узимиз кексая борамиз, фарзандларимиз доимо гўр кўринаверади; кўп вақт унинг қалбидаги бир дунё ҳис-туйғуларини, фикридаги тиниқ ва баъзан етук ўйларни ҳисобга олмаймиз, ёшсан — гўрсан, деб камситамиз. Барчин ёши катталар олдида итоат сақлар, аммо ҳамма ёшларни но-

донликда айблаб, тинмай қақиллай берадиган холаси ёнида ичдан ғижиниб ўтирарди. У катта хонада пианино чалаётганида кўчадан қизчасини олиб ўтган холаси тўхтаб, пианинога қулоқ солаётган қизчанинг қўлидан силтаб: «Юр, жувонмарг, нега тўхтадинг!» — деди. Қизча пианино оҳанглари яна бир оз эшитгиси келиб, тихирлик қилганида, хола қизчанинг юзига бир шапалоқ урди. Қизча чийиллаб йиғлаганча онаси билан бирга кетди. У, қизчанинг юзига эмас, юрагига уриб, эҳтимол, бўлғуси истеъдодини сўндириб юборган эди. Мана, шунақа даҳшатли одамлар ҳам бор, дерди ўзига-ўзи Барчин. Ўз холаси — қақилдоқ хотин ёшларни нодонликда айблашга ҳаққи борми? Математика муаллими Саидқарим ака эллик ёшга бориб қолганига қарамай, уйга топширилган катта тенгламани ечишда бошқача вариантларни изламоқчи бўлган Барчин ёнида ўтириб, у билан ёши баробар кишилардек «сиз бундай ўйлаб ҳал қилинг», деб маслаҳатлашарди. Унинг ҳозиржавоб, бир нимани тез ҳал этиши, яхши кўрган шеърини бир-икки ўқиб ёдлаб олишидан Ҳамида опа ҳам, Ҳумоюн ака ҳам хурсанд бўлишар, аммо қизларининг китобдан бош кўтармаслиги, юзлари сарғайиб кетса ҳам оғир тенгламаларни ечмай қўймаслиги, узун кимёвий формулаларни ёд олишию бунчалик серфикр бўлишидан жуда ҳам рози эмас эдилар. Барчин дугоналари келиб қувнаб пианино чалган кунлари, ҳовлида ҳазил-кулки кўтарилганда Ҳамида опа ичига сиғмай хурсанд бўлар: «Ўқиш ҳам бўлади, лекин қувнашни ҳам унутмаслик керак. Биз сендайлигимизда ўсма қўйиб, дўппи тикардик. На теорема, на бошқаси бор эди... — дерди у кулиб, — келинглар, ўсма қўйинглар!..» «Ўсма қўйў-е-еб ўтирсак, дарс нима бўлади? Бу йил давлат имтиҳони бор, опа», — дерди Барчин. «Имтиҳон ҳам бўлади, болам, дунёнинг иши тугайдими», — дерди Ҳамида опа. Қизлар кулишар, онанинг сўзини ерда қолдирмай, ўсма сиқишар, бўйра чўп билан қошлари устидан чизишарди. Барчиннинг қалдирғоч қанотидек шох ташлаб турган қошлари чаплашиб кетарди — унинг ўсмага муҳтожлик ери йўқ эди. У ниҳоятда шод, дугоналарига «бир йигит» унга тегажаклик қилганида бошлаб жавоб берганини айтиб, мақтанганида дугоналаридан бири «бир йигит» ҳақида уч мар-

та гапирганини, ҳар сафар Барчин уни «боплаб кетгани»ни эшитган эди. У Барчинга шубҳали назар ташларди.

— Уша «бир йигит» ким? — тўсатдан сўраб қолди дугонаси.

— Отини билмайман. Бир хираки...

— Хира бўлса ҳам ёқиб қолибди, ўшани уч марта гапирдинг.

— Йўғ-э! Биттаси бошқа эди.

— Ҳамма «хиралар» сенга ёпишар экан-да!

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳо-о-о.

Ичкари хона деразасидан қизларни кузатиб турган Ҳамида опа завқланарди, улар қанча кўп кулишса шунча кўп хурсанд бўлар эди.

Эртага дам олиш куни. Барчин эрта билан соат ўн бирда ўша «хира» билан учрашажагини эсларкан, негадир юраги шув этиб кетгандай бўларди. Ҳали у студент ҳам эмас жуда ёш, бундай учрашувларга ҳали эртароқ эмасмикан? Лекин Барчиннинг юрагида муҳаббат чечаклари анча барвақт гуллади — у ўша қиррабурун, кўк кўз йигитни яхши кўриб қолди. Улар ҳатто Ҳамза театрида қўйилаётган «Ҳамлет»га ҳам бирга тушишмоқчи бўлишган эди.

Қизлардан бири катта хонадаги тошойна тепасида турган жигар ранг фото суратга тикилди.

— Бу йигит ким?

— Марат акамлар. Белоруссиянинг Брест областида, ҳарбийдалар.

— Аканглар Ҳамида опамга ўхшар эканлар.

— Мен адамларга ўхшайман, ҳамма шундоқ дейди...

Барчин адаси билан Каттақўрғон сув омбори қурилишидан қайтиб келган кунлари Арслон билан пионерлар саройи ёнида учрашган эди. Арслон ўшанда коверкот костюм, тепасида тугмаси бор олти кажлик шапка кийиб юрарди...

Барчин трамвайдан тушиб тез-тез юриб Арслон ёнига келди. Улар саломлашиб, шу лаҳзанинг ўзидаёқ тарихий музей томон кетишди. Уларнинг ваъдаси ҳам шундай бўлган эди. Бу фикр аслида Ҳумоюн акадан чиққан эди; Барчин дадасидан бизнинг асримиздан илгари ҳозирги Ўрта Осиё тупроғида яшаган қабилалар ҳақида сўраган эди. У киши суғдиёнлар,

шаклар, массагетлар, хоразмийлар ҳақида гапириб берган. Мажусийларнинг муқаддас китоби «Авесто» бундан уч минг йил аввал яратилганлиги, Сирдарё ўша вақтда Яксарт деб аталгани, дарё бўйида яшаган шак қабилалари жуда баҳодир бўлганлиги, Эрон шоҳи — Доро 1 ни енгганликлари, чўпон Широқ ўзини қурбон қилиб, юртини сақлаб қолгани-ю, Самарқанд — Мароканд, Тошкент — Шош деб аталганигача гапириб берган эди...

Ўз ерининг бой тарихи билан доимо фахрланувчи Ҳумоюн Саидбековнинг таъсири қизи Барчинга ҳам ўтган; у тарихга доир китобларни қидириб ўқирди. Инглиз тархичилари бобирийлар сулоласини «улуғ мўғуллар» деб атаётгани Ҳумоюн Саидбековнинг асабини бузган эди. «Мустабидларнинг юртни талаб, эзгани бир томон, камситиб, тарихимизни бузгани бир томон,— дерди.— Мен, Ибн Сино, Лутфий, «Авесто» ларнинг асл нусхаларини Брюссель, Лондонга олиб кетганликларидан ранжимамайман, ҳар қалай йўқолиб кетмади-ку! Эҳтимол, ўша вақтларда ўзимиздаги жаҳолат, бидъат кишилари йўқотиб юборарди. Сотишарди. Бу шубҳасиз. Ҳатто Герберт Уэллс «Кўринмас одам» асарини ёзишида ҳам шарқ афсоналари ёрдамга келди. Бу ҳам майли. Тарихимизни камбағаллаштиришга уриниш мени хафа қилади. На аждодини таниган, на авлодига ғамхўрлик қила оладиган, «куф-суф»дан бошқасини билмай, кун кўрадиган жоҳил, мутаассиб кишиларни кўрсам тирноғим билан бургадек эзиб ўлдиргим келади»,— дерди у.

Арслон билан Барчиной қадам ташлар; Арслон ёнида шаддод қиз — йирик кўзлари чақнаб турувчи Барчин. Киши ҳар қандай шароитда ҳам ёруғликка — нурга интилади. Унинг кўз олдида ярқираб турган юлдуз — Барчин эди. Бу қизнинг кўзларида сўз билан ифодалаб бўлмайдиган бир фусун яширинган. Бу кўз кишини сеҳрлайди. Одамларнинг кўзлари жоду дейишларида ҳам гап бор экан...

Олтинчи боб

• Г А П •

Арслон «гап» базмига отланди. Отасининг: «Бора қол ўғлим, сийлаб чақирган ердан қолма, чақирма-

ган ерга борма», дегани уни отлантирди. Ёш йигитча каламинка шими, брезент туфлисини, дазмолланган кўйлагинию бошига янги дўпписини кийиб, Қўрғонтеги томон йўл олди. Баланд деворлар, иморатлар тагига тушган соядан жадаллаганча борарди. Айланма кўчалардан ўтиб, азим туп ёнғоқ тагидаги катта дарбозага кирди; ичкари-ташқари ҳовлилик қўрғонча ичида уч-тўрт киши юрарди. Йигит оғаси — Чиранчиқ полвон (унинг асли исми Шодмонбек бўлиб, новча мақтанчоқ йигит эди) оёғида пошнаси баланд хром этик, яктаги устидан уч қават белбоғ, белбоғда дандонсоп пичоқ, ёлғиз ўзи ҳовли ўртасида турар, ёшларга буйруқ бериб, ишлатар эди. Қўрғончанинг бир бурчагида — қатор ишкомлар ёқасига — бир жуфт маҳалла қозон қурилган. Ундан нарироқдаги шарқираб оқаётган ариқ бўйида икки кекса ёғ тўғрапти. Қассоб беҳи дарахтига осиглиқ қўчқорнинг терисини шилапти. Атрофи олма, кўксултон ва атир гуллар билан айланган каттагина ҳовуз лиммо-лим, унинг атрофидаги супаларга гиламлар ёзилиб, кўрпача, парёстиқлар ташланган. Қозон осилган жойга йигитлар мис тоғора, норинтовоқ, косалар ташишарди. Ичкари, хотин-халаж ичидан чиққан Қизил Махсумнинг кўзи Арслонга тушди. Унинг чеҳраси очилиб, яқин келди.

— Келганингдан жуда хурсандман, ука.

— Сал кечикдим. Дадамлар салом дедилар.

— Қалай, тузукмилар?

— Шукур.

— Кечикканинг йўқ, хижолат бўлма. Мен сени атай чақирдим, «гап» деган нарсани ҳам кўргин. Сенлар дунёга келиб нима кўрибсанлар — муҳтожлик, етишмовчилик... Ота-боболаримиз мана шундай гап ўйнашган, мамлакатимиз бой... Граммлаб нарса олиш, очерт, заборний деганларини биз билмаймиз!

Чапани Чиранчиқ полвон билан Арслон «гап» бераётган Қизил Махсумнинг сўзларига қулоқ солиб туришарди.

— Полвон, бошқа йигитларни ҳам ишга солинг. Укам Арслон меҳмонларни кутиб олса бас, унга бошқа иш топширманг.

— Хўп бўлади, — деди чапани Арслоннинг бошидан оёғигача бир қараб қўйиб.

— Йўқ, ундоқ деманг, Махсум ака, мен қарашгани келганман.

— Қарашадиганлар кўп, сен меҳмонимсан! Тусундингни! Сен менга ёқиб қолдинг. «Гап» ўйнаган улфатларимдан ташқари эллик чоғлик меҳмоним ҳам бор...

Қизил Махсумнинг Арслонга бунчалик эътиқод қўйиб, эъвозлашидан чапанининг калласига икки хаёл келди: «Ё бу йигит Махсумнинг баччаси ёки ўзининг ўтмас матоҳ — ғилай қизига куёв қилмоқчи». Ҳаммага ўкириб, пишқириб буйруқ бераётган Чиранчиқ Полвон Арслонга «хуш келибсиз» дегандек табассум қилдию, қассоблар тепасига кетди.

Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деб юрадиган Қизил Махсумнинг бугун кайфи чоғ. Отаси Салоҳиддин бойвачча Илҳом самоварчи томонга қатнай-диган вақтларида, ўша ерда очилган фотографияда олдирган суратига ўхшаб, устига қадимги бойлар киядиган жужун пешмат, кўксида соатнинг олтин занжири осилиб турар, оёғида амиркон маҳси, кавуш, бошига мош ранг духоба дўппи кийиб олган эди. Нос тупуриб қўйгандек бурни остида қўнғиз мўйлови ҳам бор.

Кечки салқин чўкиши билан Қизил Махсумнинг хуш-ҳаво боғига улфатлар тўплана бошлади. Улар асосан қирқ йигит бўлиб, гап берувчининг қариндошуруғлари, ёр-биродарлари, шахсий меҳмонлари билан юздан ошиб кетарди. Ясан-тусан йигитлар, беданасини ушлаб, устидан рўмол билан ўраб олган беданабозлар, дўкандорлар, мўйнадўзлар ва бошқалар кириб келишди. Улфатга қўшилмаса ҳам меҳмон сифатида оқтепалик Ҳайитбой оқсоқол, дегрезлик Нишон ака, Муслим ака, Исроил ака, Ҳайдар чўққилар ҳам кириб келишди. Йигит оғаси Чиранчиқ полвон ёши улуг Мусоват Қори, Нишон ака, Ҳайитбой оқсоқол ва бошқаларни шоҳсупага ўтқазди. Баъзилар ўзини ёшлар тўпига урди. Дастурхонлар анвойи мевалар билан тўлган; мусаллас очиқ, аммо арақ хоҳлаганлар катталардан яшириброқ ичишлари лозимлиги Чиранчиқ полвонга тайинланган эди.

«Гап» катта бир тўй тусини олди.

Кўп ўтмай ҳозирги вақтнинг Мулла Тўйчиси ҳисобланаётган Жўраҳон ва Маъмуржонлар ҳам духоба

ғилофдаги дутор-сеторларини кўтариб кириб келишди. Боядан бери гап эгалари маътал бўлиб, эшикда кутиб туришгани — Чигатой даҳадан чиққан ёш мансабдор, кўркам киши Аббосхон Хўжахонов ҳам хонандалар билан кетма-кет машинада келиб қолди. Чангитиб, боғ кўчага кирган автомобиль атрофини болалар ўраб, ундан тушиб келаётган пурвиқор Хўжахоновга ҳайратланиб тикилишди. Хўжахоновга бунақа тўй ва гапларга бориш амал ёғидан унча қулай бўлмаса ҳам азбаройи ҳаммаҳалла, ёр-биродарларини, айниқса Махсумни кўзи қиймай келганини билдиргандай бўлиб, чапани, Чиранчиқ полвондан тортинброқ ичкарига кирди. Уни Қизил Махсум тўплатўғри шоҳсупага бошлаб бориб, Нишон акалар ёнига ўтказди.

«Гап» эгаси томонидан ортиқ эъвозланаётган Арслон ҳам супалардан бирида, азиз меҳмонлар қаторида ўтирарди.

Айни ҳофизлар мақомни авжга олишаётганда дарвозадан хиёбонлик Ҳасан бузоқ кириб қолди. Одамларнинг «тес!» деб бармоқларини лабга босганларига ҳам қарамай, «гап» эгасига: «Қани менга тегишлиги? Бойвачча, ўзларингиз ичаверасизларми?» — деди у салом-аликсиз. Кимдир ариқ бўйидаги тоғорачада турган оппоқ гуруч сувини кўрсатди. Ёшликдан ҳаммага маълум тентак Ҳасан бузоқ ариқ бўйида чўккайиб ўтирди-да, тоғорачадаги оқ гуруч сувини бўза деб ўйлаб, симира бошлади. Каттакон тоғорачани ярим қилиб, ерга қўйди. Андак нафасини ростлаб, одамларга бир қаради. Бу «ичимлик»ни яна бошқа одам сўраб олиб қўймасин дегандек, қизганиб, яна симира бошлади. Одамлар ҳайрон бўлиб қараб туришарди. «Бу тентакка нима бўлди? Гуручнинг сувини ичяпти-ку?» деб ҳайрон бўлди ошпаз. У тоғорачадаги ҳамма сувни ичиб бўлгач, ўрнидан турди-да, маст бўлиб, ашула айта бошлади:

Сўлкавойинг киссамга-ё, қандолатингга қарздорман...

У ҳовлини икки айланиб, ўйнади, астойдил маст бўлиб, гандираклаб, маъракадан чиқиб кетди.

Сўлкавойинг киссамга-ё, қандолатингга қарздорман...

— Тентак!— деди Чиранчиқ полвон кулиб.

— Астойдил маст бўлди-я, хумпар,— деди ҳайрат билан кузатиб турган Мусоват Қори.

— Абдувалака деган бир камбағалнинг боласи эди. Буни қаранг,— деди Ҳайитбой оқсоқол,— тузукроқ одам ҳам бўлмади, охири отасини куйдириб ўлдирди. Камбағални туя устида ит қонар, дегани шу бўлса керак.

— Ҳа. Ақлли, ишбилармон одамлар бойлар бўлади,— деди Қори ялангтўш Ҳайитбой оқсоқолга қараб,— бойлар бекорга бой бўлмаган.

Унинг гапига Қизил Махсум билан Арслон ҳам жон қулоғини тутиб, тинглаб турардилар.

— Биз бойларни қоралаймиз; аслида уста, доно одамлар бой бўлади. Ҳасан бузоққа ўхшаганлар кавушини судраб юраверади, оқсоқол!— деди яна Қори.

Ҳайитбой оқсоқол жавоб қилмади. Нишон аканинг ранги ўчди. У жуда камбағал — дегрез оиласидан чиққан эди. Домланинг салобати босдимми, базм, хурсандчилик бузилмасин дедими, ҳар қалай Нишон ака индамади.

Хонандалар базмни қиздириб юборишди. Наво фақат бундаги одамлар юрагини эркалаб қолмай, гуллару дарахтлару ҳамма-ҳамманинг томирига сингарди. Йигит оғаси наводан сўнг аския бошлади: супада, пар ётсиқни қучоқлаб ўтирган, лаблари қалин, қарашлари ўткир, хўмрайган бир одамга мурожаат этди:

— Эрмат қўрвоши, қани, тулинг энди! Эски хўрозлардансиз-ку! Ёки товуқни бозорга юбориб, тухумини босиб ўтирибсизми?

Кулгини бетоқатлик билан кутиб ўтирганлар учун бу гап «порох» бўлди — ҳамма гурра кулиб юборди.

— Полвон?

— Ҳо, лаббай!

— Мана, турияпмие-е-ез. Уша кунни даврада тоза тепишиб, чўқишиб турганимизда бошингизни кўролмай қолдим. Бундоқ қарасам човимга тиқиб олган экансиз,— одамлар яна гурра кулишди. Баъзилар бир-бирлари билан шивирлашиб, бир нимани тушунтиришарди.

— Қўрвоше?

— Ҳо, лабей!

— Хўроз деганнинг бошида тожи бўлар эди...

(Шермат кал одам эди). Бошингизни қидириб, човингизга кириб кетибман, узр!

Яна гурра кулги кўтарилди...

Аскиядан сўнг каллахоналик машиначининг ўғли Баёт-бола (Асли исми Ҳаётжон бўлиб, қилиқлари туфайли «Баёт-бола» лақабини олган эди) ўртага тушиб хотинча ўйин қилди. Қайфи ошган бир йигит аллақадан рўмол ва атлас кўйлак топиб, Баёт-болага кийгизди. У «Баёт»га шундай ўйнадики, хотинми-эркакми буни асло билиб бўлмас эди. «Дўст!», «Дўст» «Кўзингдан», «Яна бўлсин!» деган гаплар қийқириқ, жиндек беодоб оқ-воҳлар кўтарилди. Шоҳсупада ўтирган Аббосхон, Ҳайитбой оқсоқол, Мусоват Қорилар ёшларга хўмрайиб қараб қўйишди. Шундан сўнг, Баёт-бола сипороқ ўйнади. Чилдирмакаш йигит ҳам андак тортган экан, чилдирмасини ёриб юборгудай уярди.

Арслон «гап»нинг айни қизиган пайтида ҳам хомуш ўтирарди; унинг хаёли баъзан Барчин, баъзан оғир аҳволда ётган отаси томон учарди.

Хонандалар андак дам олиб, Баёт-бола ҳам атлас кўйлагини ечиб, сўрига чиққанида хизмат қилаётганлар Чиранчиқ полвоннинг буйруғи билан шоҳсупадан бошлаб норин тортиша бошлади.

— Қани, олинг домла!— деди Ҳайитбой оқсоқол Аббосхон, ундан сўнг Мусоват Қорига пиёла узатиб.— Мана шу арақдан ичинг, хўроз бўламан десангиз! Винолар қорин оғритади.

— Май, денг оқсоқол.

— Нима?

— Май.

— Арақни «мой» дейдими? Мойлик овқатни ёмон кўраману мой ичаманми!

— Бу — арақ, домлажон, ичимликнинг ўғил боласи!

— Хўп, ўғил боласидан ҳам бир олайлик,— деди ҳи-ҳилаб кулиб Мусоват Қори. У, саводсиз, оми деҳқон Ҳайитбой оқсоқолдан кулгандек бўлди.

— Сиз ҳам ичинг, Нишон ака!

— Хўп бўлади, оқсоқол.

— Ўзингиз ўғил боласиз. Сиз билан биз камбағалдан чиққанмиз-а, майли...— оқсоқолнинг жиндек кайфи ошиб, бояги гапни қўзгаётган эди, Нишон ака

лабини ташлади. «Оғир бўлинг, оқсоқол!» дегандек имо қилиб қўйди. Оқсоқол: «хўп!» деб, бўшаган пиелани Нишон ака қўлидан олиб, ўз ёнига қўйди. Шу лаҳза нариги томонга кимдир: «Пожалиста, ўзим кўтариб келман, Полвон ака», деди. «Кетишга пирказ йўқ!» деди Чиранчиқ полвон уни тўхтатиб. Бу гапларга қулоғини тутиб турган Мусоват Қори йигитчага ўшқирди:

— Вей, ўзбекча сўз десаларинг миннама бўласанларми! Тешиб чиқадими!

— Тушундик, домлажон,— деди у йигит,— ўрғаниб қолганимиз учун билмай айтиб юборибман.

— Ўзбек тилимиз хароб бўляпти, билмадим, яна йигирма йилдан кейин нима бўларкин?— Қори атай бу сўзни ҳаммага эшиттириб гапирди.

Одамлар жим бўлиб қолди. Қори атрофдаги одамларнинг ўзига тикилиб, сўзларини диққат билан тинглаётганини пайқагач, яна овозини баландроқ кўтариб гапирди:

— Тилимизни доимо тоза сақлайлик! Ҳазрати Ғиёсиддин Амир Алишер Навоий шу тилда «Фарҳод ва Ширин»ни ёзганлар. Шу тилда Амир Темур ибн Кўрагоний буюк салтанатни идора қилганлар, шу тилда «Бобирнома» ёзилган... (одамлар оғзини очиб, Қорига маҳлиё бўлиб қолишди), шу тилда «Ҳикмат» ёзилди. Ўзининг қадрига етмаган, бошқанинг ҳам қадрига етадими! Тилимизга ёт сўзларни аралаштирмайлик!

— Электрни нима дейди ўзбекчасига, домла!— деди биқинида ўтирган Нишон ака.

— Лаббай?

— Самоварни нима дейди?

— Самовар — самовар-да, ўзимизники-ку!

— Ҳа-а-а, ўзингизники!

— Кимники бўларди бўлмаса?

— Тракторни нима дейсиз?

— Сиз менинг оғзимга уриб бўғманг, Нишонбой?

— Оғзингизга қараб гапиринг, Қори! Бу гаплар унча тўғри эмас!

Мусоват Қорининг турган-битгани айирмачиликдан иборат бўлган гапларни завқ билан эшитиб, яна гапир дегандек, ҳа-ҳалаб, яшнаб, гуркираб ўтирган Аббосхон Хўжахонов Нишон аканинг аччиқ луқмаси-

дан кейин, тошбақага ўхшаб бошини ичига тортди. Ёнидаги бир одамга «ошга пашша тушди...» деб шивирлади. Шундан сўнг, бир сиёсий арбоб сифатида Нишон акага қараб «мен сизнинг тарафингиздаман», дегандек, Қорига насиҳат қилди: «Қори ака, бунда ёшлар бор, эҳтиёт бўлиб, ундан кейин бунақа гапларни эмас, тўғри гапларни гаплашайлик. Шундоқ бўлсин. Ҳаммамизнинг бола-чақамиз бор...» деди.

Супанинг бир чеккасида ўтирган Зиё афанди ер тагидан Аббосхон Хўжахоновга «Офарин!» дегандек, билинар-билинимас бош қимирлатиб қўйди. Бу одам мўйнани яхши биладиган, савдогарнамо одам бўлиб, баъзилар уни «пирсиён домла» дерди. У, Мусоват Қорининг шахсий меҳмони.

— Ўттиз еттинчи йил ўтиб кетди, мени қўрқитолмайсиз!— деб шивирлади Мусоват Қори Нишон ака томон энгашиб. Бу гапни улар икковидан бўлак ҳеч ким эшитмади.

— Вей номардлар, аскияни биз ҳам эшитайлик!— деди кайфи ошиб, хўроз бўлиб ўтирган Ҳайитбой оқсоқол билан Чиранчиқ полвон.— Бу нима қилганингиз! Ҳеббимларга ўхшаб, икковинглар ҳиҳилаша берасизлар. Аския деган нарсани ҳамма эшитиши керак!

Аввал қизариб, кейин кўкариб кетган Қори яна оғзини Нишон ака қулоғига олиб борди:

— Сўкинг! Ёмон нарсага ўхшатсангиз ҳам чидайдман. Аммо миллатимизнинг хор бўлишига йўл қўймайман! Сизнинг қонингиз бошқа — ғайри миллат қони аралашганидан хабарим йўқ экан...

— Э, оғзингга!— бирдан Нишон ака Қорининг ёқасидан ушлаб ўрнидан туриб кетди.— Миллатмиш-а! Ўзбек миллати сенга ўхшаганларни танимайди!

— Ҳой, ҳой, сизларга нима бўлди!— деди икковини ажратиб Ҳайитбой оқсоқол.— Жинни бўлдингларми, хўрозлар! Урушадиган бўлсак яхшироқ уришайлик, ҳажикизга ўхшаб дандонбозликни тўхтатинглар! Бир пиёла ичгандан кейин ҳолларинг шуми! Вой, номардлар-э! Мен бу ҳажикизлар аксия қиляпти десам, бир-бирини қарғашаётган экан. Утиринглар! У белидаги пичоғини ушлади. Мана шу билан икковингни тарвуздек икки палла қилиб ташлайман-а!

Капалаги учиб кетган Аббосхон ишнинг бунчалика боришини билмаган эди. У, ёнида турган Қизил Махсумни жеркди: «Авваламбор, ҳар хил одамларни меҳмон қилиб чақирмаслик керак эди. Чақирдингизми, бунақа гаплар бўлмасин! Қори акага айтинг, оғир бўлиб, жим ўтирсин!

— Ҳой, сизларга нима бўлди?— деди Чиранчиқ полвон шоҳсупа ёнига келиб,— ҳа, арақ ўлсин, шундоқ аҳил ўртоқлар бир лаҳзада ёқа бўғишса-я! Уят бўлади жим ўтиринглар!

— Буни қара, Полвон,— деди Ҳайитбой оқсоқол яна,— анави ёшлар қилмаган қилиқни икки бақироқ чол қилиб ўтирса-я! Вой, номардлар! Буларнинг қайси бирининг ёнини олишни билмайсан, иккови ҳам законни билади...

— Арақхўр аста-секин ўз оиласида бегона киши бўлиб қолади,— деди Аббосхон,— Абул Фароҳ айтганларки, шароб ичадиган кишида тўрт сифат юзага чиқади; аввало киши товусга ўхшаб гердаяди, хатти-ҳаракатлари ҳам мулойим ва улуғвор бўлади. Шундан кейин ўзида маймун феълени акс эттиради, ҳамма билан ҳазил-мазах қилишиб ўйнашади. Сўнгра у шерга ўхшаб, ўз кучига ишонч ҳосил қилган бўлади. Лекин, охир-оқибатда тўнғизга айланади ва балчиққа булғаниб ётади...

— Бўлди! Яна гапирсаларинг уят бўлади. Қани, овқатга қаранглар! Норин совиб қолди,— деди Чиранчиқ полвон.

Шу пайт Қизил Махсумнинг имоси билан норин еб турган хонандалар наридан-бери қўлини, лаб-лунжини артиб, ашула бошлаб юборишди. Биров сезиб, биров сезмаган бу «гуфтигў» ҳазин қўшиқ остида қолиб кетди. Анжуман шоҳсупадаги ноҳушликни унутди, аммо Нишон ака ўртанарди. Нариги супада чордана қуриб ўтирган Арслоннинг икки кўзи Нишон ака билан Мусоват Қорида; улар нега ёқа бўғишди, нима гап бўлди, мутлақо билмасди. Бу икки кекса унга яқин кишилар — отасининг ошналари. Қорининг ҳам, Нишон аканинг ҳам оғзидан ёмон гап чиққани йўқ, икковлари ҳам одоб ҳақида гапиришди, оқу қоранинг фарқига боринглар, деб гап уқтиришди, деб хаёл қилди.

Пастда, ҳовуз бўйида улфатлардан бири баҳсла-

шиб, бир тоғора норинки ейман, деб қолди. Бу гапни эшитган Қизил Махсум илжайиб, Али чипхўр билан Вали аждар ёнига келди.

— Агар шу бир тоғора норинни есанг,— деди Қизил Махсум пешайвонда ўтирганларга ҳам эшиттириб,— ўша, беҳига боғлоқлик қўйни ҳам олиб кетаверасан. Устингга тўн ҳам ёпаман.

Гапга қулоқ солиб турган Чиранчиқ полвон қий-қириб, чапак чалиб юборди:

— Е, Аждар. Е, Аждар! Хўп, де! Еб ташла!

— Ютиб юбор. Аждар окўси, бир тоғора норин нима деган гап!— деди Ҳайитбой оқсоқол.

— Ейман!— деди кўримсизгина киши буралиб,— лекин, хўжайин, сўзингиздан қайтмайсиз-а?

— Қайтган номард!

— Бей, мен гувоҳман-а!— деди енгини шимариб турган Чиранчиқ полвон худди ўзи ейишга чоғлангандай,— ёрилиб кетсанг товонингга қолмайлик.

— Ҳеч ким товонимга қолмайди.

— Енгингни шимар, азамат Аждарим!— деди ўрнидан туриб келиб Ҳайитбой оқсоқол.— Э, бу еб юрган йигит, қўрқманглар.

— Мен четроқ турай, мени ҳам ютиб юбормасин,— деди Қўрбоши лақабли киши Қорига қараб.— Сиз ҳам аския айтиб юрган экансиз-да. Бунинг ҳунари жуда зўр-ку!

— Шартим шуки,— деди Аждар,— мис тоғарадаги норинни еб бўлганимдан кейин ҳовузга тушаман. айбга буюрмайсизлар.

— Келишдик,— деди Қизил Махсум.

Вали аждар каттакон мис тоғора ёнига чўкка тушиб ўтириб, норинни чангаллаб олиб, оғзига сола бошлади. Тирсагигача оқиб тушаётган шўрвасини ҳам ора-чора ялаб қўярди. У бир чангал норинни битта, иккита чайнаб ютиб юборарди. Баъзан чайнамасдан ҳам ютарди. Тепасига одам ёпирилиб келиб, ўраб олишди. Ошнаси — Али чипхўр: «Олавер, Аждаргинам, ютавер», деб турарди. Ҳамма ҳовуз бўйига ёпирилиб келди. Аждарнинг норин ютишини ҳайрат билан томоша қилишарди. Бутини кериб тепасида турган Ҳайитбой оқсоқол Нишон акага шивирлади: «Тўртта шунақа юҳо пайдо бўлса дунёни ютиб юборди-я». Шундан кейин Мусоват Қорига қаради:

— Домлажон, сиз «пажалиста»ни гапириб юриб-сиз, бунга нима дейсиз?

— Лаббай?

— Муллаларга иш кўп,— деди яна оқсоқол,— биз, пахтамизни экиб, томорқамизга қовун-тарвузларимизни экиб, ўтиб кетаверамиз. Аммо сизлар мана бунақаларни тарбиялаб олишларинг керак. Мана, ўзбекнинг аҳволи! Миллат деганингизни биладими бу! Бу, молку! Ейди, еб-ичиб ўтиб кетади. Локин мени оми одам деб ҳақорат қилганларни ичак-чавоғини ағдариб ташлайман!

— Баран, деса-чи?— деди Мусоват Қори айёрона тикилиб.

— Гапни айланторманг, ҳеч ким бунақа демайди!

Арслон ҳам норин ютаётган Аждар тепасига келди; чангаллаб-чангаллаб ютаётганини кўриб, кўнгли айниб кетди.

Ярим соатлардан кейин Аждар мис тоғорани бўшатиб, тагида қолган бир-икки косача шўрвани ҳам пиёла ботириб ичиб юборди-да, белбоғини, кўйлагини секин ечиб, таги билан сурилиб бориб, ўзини ҳовузга ташлади. Тиниқ, муздек сув юзида у босволди қовундек кириб чиқиб турди. Бир нафасдан кейин керосин тушгандек сув юзига мой таралиб, тўлқинларда йилтирай бошлади. Аждар яна ўн беш-йигирма минутча сувда турди. Ҳовузда милтираётган ёғ ҳамма ёққа тарқалди. Одамлар уни бўкиб ўлиб қолди хаёл қилиб, ҳовуз бўйида туришди. Бир муддатдан кейин у ҳовуз четига аста сузиб келиб, қўл узатди. Шериги — Али чипхўр уни сувдан тортиб олиб, яна ўз жойига ўтқазиб қўйди. У ўтирган ерида кўйлагини кийиб, белбоғини боғлади. Бир пиёла иссиқ чой ичди-да, ўрнидан туриб, Қизил Махсумга қаради.

— Олавер, қўй саники!— деди Қизил Махсум. У ичкаридан бир тўн олиб чиқиб, Аждарнинг устига ёпди.

У бориб беҳига боғлоқлик қўйни ечди-да, етаклаб олиб чиқиб кетди. Ҳамма қийқириб, чапак чалиб қолди.

Қизил Махсумнинг бу иши Арслоннинг наздида мардликка ҳам ўхшаб кетарди; у авваламбор, Аждарнинг раъйини қайтармади, сўзида турди ва кўпчиликни бу «қизиқчилик» билан мамнун этди. Арслон-

нинг наздида Қизил Махсум мард одам, ахир мардлар шунақа бўлади-да! Бировга озори йўқ, аксинча қўлидан келса ҳаммага ёрдам беради. Одамлар уч сўм пул учун сан-манга бориб қолишади, аммо Қизил Махсум дўст-ёр олдида пулнинг юзига қарамайди.

«Қизил Махсум кимнинг дилини оғритибди? Ҳеч кимнинг!— деди ўзига-ўзи Арслон.— Махсум ака яхши одам».

Бояги гуфтигўдан сўнг Мусоват Қорининг нафаси ичига тушиб кетган эди. Унинг нашъаси паст, хомуш ўтирганини Қизил Махсум сезиб турарди. Созандалар машқ бошлаб юборганларида Қизил Махсум секин нариги супага бориб, атиргулларга ўзини пана қилиб туриб, Арслоннинг қулоғига шивирлади:

— Укажон, туриб аччиқ бир чойнак чой олиб бориб, Мусоват домла ёнларида ўтириб келинг. У киши негадир дилгирлар. «Гап»им ёқмадимми?

— Йўғ-э!

Анчадан бери кузатиб турибман, ҳеч очилмаяптилар. У киши жуда мўътабар зот. Кимдир гашларига текканга ўхшайди. Бориб, кўнгилларини олинг. Илтимос қилиб, бирон нима ўқитолсангиз тўйимни обод қилган бўлардингиз. У зот «Мулла Хилват» баъзан «Хилватий» тахаллуси ила ғазаллар битадилар. У киши — шоир.

— Хўп бўлади,— деди Арслон.

Қизил Махсум яна ҳеч кимга сездирмай, лип этиб, ўзини бошқа томонга олди.

Созандаларнинг машқи тугаб, орадан бир муддат ўтгач, Арслон ўрнидан туриб, белини боғлаб, улкан икки самоварни бирига сув солса, иккинчисини, жигиллатиб қайнатиб турган йигит ёнига келди:

— Ошна, буруннинг қонидек қилиб битта чой дамланг!

— Хўп бўлади.

— Иккита мусаллас ичадиган кўк пиёладан ҳам.

— Ес қиламиз! Ичига дуо ёзилган пиёла ҳам бор, шуни берайми?

— Обке, окаси.

Арслон чойнак-пиёлани кўтариб, одамлар кўзи олдида ҳовлини кесиб ўтиб, тўппа-тўғри шоҳсупага борди. Пар ёстиққа ёнбошлаб ўтирган Мусоват Қорига қаради:

— Домла, ёнингизда бир лаҳза ўтирсам рухсат этасизми?

— Марҳамат.

— Айбга буюрмайсиз, устозлар ёнида ўтириш одобдан эмас, локин кўнглим тилаб қолди.

— Укажон, устозлар ёнида ўтириш одобдан, айти мурдао. Ҳеч тортинманг.

— Дадамлар, ёши улуглар сўзига қулоқ солгин, одамларга қўшилгин, дейдилар.

— Дарвоқе, Мирюсуф акамларнинг саломатликлари қалай?

— Тузуқлар.

— Худо шифо берсин!

Арслоннинг одамлар кўзи олдида атай келиб, Қорининг ёнига чўкиб, ҳол-аҳволини сўрагани Нишон ака билан Ҳайитбой оқсоқолнинг энсасини қотирди. Қори бўлса бошини кўтариб одамларга қараб қўйди. Аббосхон унга кўз қисди. Баъзи одамлар чўнтагидан носқовоғини чиқариб, кафтига қоқди.

— Ибройимнинг носиданми? — сўради Ҳайитбой оқсоқол.

— Ҳа.

— Анави боққол оҳакни кўпроқ қўшяпти,— деди Ҳайитбой оқсоқол Қори билан Арслон суҳбатини эшитмаётгани ва бунақа суҳбатларни бир пақирга олмаслигини билдириш ниятида бурнини жийириб.— Қани, Нишонбой, кафтимга тўкинг!

Нишон ака Ҳайитбой оқсоқолнинг териси чармга ўхшаб кетган баркашдек кафтига мўлгина нос тўкди.

— Яна тўкинг!

— Нима, ҳоммопиш ўйнайсизми! Бунча нос тилингиз тагини ўйиб юборди-ку!

— Биз шунақа чекамиз. Чумчуқнинг ахлатидек қилиб...

Орадан кўп ўтмай яна икки йигитча ўринларидан туриб келиб, Мусоват Қори атрофига чўкишди. Булар ҳам «Толиби илм», домланинг бир оғиз сўзини «тиллога сотиб оладиганлар» бўлиб кўринишди. Аслида бу йигитчаларни ҳам имо-ишора билан Қизил Махсум юборган эди.

— Домла, аҳли базмга бир нима ўқиб беришингизни сўрардик,— деди келган йигитлардан бири.

— Сизнинг қорнингиз мендан тўқроқ экан,— деди

Арслон келиб домланинг ўнг ёнига чўкка тушган йигитга.

— «Кулган бошқалардир, йиғлаган менман...» деган ғазални ўқиб юрардингиз, домла, ўшани ўқиб беринг,— деди яқинроқ келган Қизил Махсум.

— Азизим,— деди Мусоват Қори такаллуф билан уй эгасига қараб,— у ғазални ҳозир ўқиб бўлмайди. Ман этилган. У ғазални Чўлпон ёзганлар.

— Лов-қавла вало қуввата!..— деди Қизил Махсум кўзларини ола-кула қилиб,— ўқиб бўмайди денг? Ўқиб бўлмаса, ўқилмагани ҳам маъқул. Тағин бошимизга бир фалокат тушмасин, илиниб-чалиниб юрган одаммиз. Падари бузрукворимиз савдогар ўтганлар...

— Хафа бўлманг, бундоқ андишадан сизни халос қиламан,— Мусоват Қори ёнига тўпланган ёшларга, ундан сўнг ора-чора нариги супага кўз ташлаб гап бошлади.— Дўстларимдан бирига дедим: «Гапиришдан ўзимни тийишимнинг сабаби шуки, кўпинча гапнинг яхши ва ёмон томонлари бўлади, душманларнинг кўзи эса, ёмондан бошқа нарсага тушмайди. Дўстим айтдики, яхшини пайқаманган душман — дуруст.

Жаҳон равшанлигининг чашмасидур офтобу нур,
Вале кўршапалакнинг кўзлари ундан ҳамisha кўр.

Анжуманда жонланиш пайдо бўлиб, одамлар «Омон бўлинг! Яшанг домла!» дейишди. Баъзилар бу донишманд одамга ҳайратомуз қарадилар. Маст бўлиб қолганлар ҳушёр шерикларидан, домла нима дедилар, деб сўрашди. Қизил Махсум ичдан хурсанд: «Нишонни болади», деб гувраниб, бош қимирлатиб, «Тасанно, домлажон!» деб қўйди. Бориб Аббосхоннинг қулоғига шивирлаб ҳам келди: «Роса нишонга тегдими ўқ?!»

— Чуқур кетди домла,— деди Аббосхон Хўжахонов.

Мусоват Қори кўзларини юмиб, оғзини гапга чоғлаётганда яна йигитлар тепасига келиб, ўраб олишди. У яна Шайх Саъдийдан ҳикоят айтди:

— «Бош яланг, оёқ яланг бир пиёда мусофир Куфада бизга қўшилди. Унинг ҳеч нарсаи йўқ эди, лекин виқор билан қадам ташларди. Туя минган савдо-

гарлардан бири унга деди: «Эй дарвеш, қаёққа борасен, йўл оғир, йўл машаққатига бардош бера олмай ўлиб кетасан, қайт орқанга». Дарвеш унинг гапига қулоқ солмай, йўлида давом этаверди. Карвонимиз Маҳмудга етганида, туя минган бояги савдогар оламдан ўтди. Дарвеш унинг ўлиги тепасига келиб, деди: «Мен пиёда юриш машаққатидан ўлмадим, сен нор туяда юриш роҳатидан ўлдинг!»

«Бир киши касал узра тун бўйи йиғлади зор,
Тонгда йиғлаган ўлди, соғайиб кетди бемор.
Бир талай аргумоқ йўлларда қолди,
Манзилга оқсаган эшак етолди...»

Қовоғи солиқ, ҳайрон ўтирган Ҳайитбой оқсоқол ҳам илжайиб Мусоват Қорига қаради. Кейин носини ташламай ўтирган Нишон акага гап қотди:

— Бу хумпар уста-ку... Бир шунақа воқеани ўз кўзим билан кўрганман. Шодмонбек касал ётди, укаси Омонбек уни боқди. Уч ой деганда Шодмонбек ўрнидан турди, лекин Омонбек бир кечада бошига қон қуюлиб ўлди. Мана буни қаранг.

Нишон ака бош қимирлатиб, тасдиқлади-ю, аммо оғзидаги носини баҳона қилиб ҳеч нима демади. Қори яна ҳикоя айтишда давом этди:

— Туянинг ювошлиги ҳаммага маълум ва машҳурдир. У шу қадар ювошки, агар бир бола тизгинидан тутиб юз фарсанг йўл юрса ҳам, итоатдан чиқмайди. Лекин таҳликали дарага рўпара келиб, бола нодонлик билан ўша томон юрмоқчи бўлса, унинг қўлидан тизгинни шартта юлқиб олади-ю, ортиқ унга итоат этмай қўяди, чунки қаттиққўллик қилиш лозим бўлган маҳалда, кўнгилчанлик қилиш дуруст эмасдир. Шундай бир мақол бор: «Илтифот билан душман дўст бўлмайди, балки тамаси яна ортади».

«Лутф этган кишининг хоки пойи бўл,
Дағаллик қилса, соч, кўзига тупроқ,
Дағал кишиларга юмшоқ гапирма,
Занг арчолмас эгов бўлганда юмшоқ».

— Баракалло! Баракалло!— деди чоллардан бири.

— Яшанг домла, кам бўлманг!— деди Аббосхон
Ўқорининг ўз фикрини аввал жуда кескин ва бепарво

баён қилганидан ранжиб. Бироқ яқунни жуда яхши, мўътадил қилганидан севинди.

— Қани, қўлларингни очинглар,— деди Чиранчиқ полвон ҳаммага мурожаат этиб,— шу домланинг умри узоқ бўлсин, омин, оллоҳу акбар!

Мусоват Қори узатилган чойдан ҳўплаб, шунча ҳурмат-иззат оғушида у ён-бу ёнига қараб қўйди. Утирганларнинг деярли ҳаммаси ўзи томонида эканлигини пайқаб, «олижаноблик» қилмоқчи бўлди:

— Нишонбой, гапларим сизни зериктириб қўйгани йўқми?

Ёқа бўғишу яна гаплашиш! Гапнинг бунчалик тез чаппа бўлиши Нишон акани шошириб қўйди. У ҳайрон, бир лаҳза сукут сақлади. Қорининг бу луқмаси, илтижо, ялиниш эмасди. Уша даҳанаки жанг давом этаётганини пайқаб, саволини жавобсиз қолдирмади.

— Аксинча. Шайх Саъдийдан ўқилармишу, зерикармидик. Бу гапларни сиздан олдингилар ҳам айтган, эшитганмиз. Шайх Саъдийнинг айтганлари анави атир гулдек беғубор, пок. Аммо сизнинг ёзганингиз гоятда қўланса.

— Э, ана шуни айтинг!— деди ёстиққа чўкиб ўтирган Ҳайитбой оқсоқол «бопладингиз» дегандек ёстиқдан бош кўтариб. Бу билан у: «Яна ўша бойваччаларнинг дегани — деган, улар энгиб кетаверадими! Камбағалда ақл йўқми!» дегандай бўларди.

— Шайх Саъдий ҳар қалай шайх, у мусулмонларнинг шоири — у даҳрий эмас. Уники хуш ёқади-ю, бизники ёқмайдами?— деди Қори Нишон акани лол қилмоқчи бўлиб.

— Ҳа, у қайда-ю, бу қайда,— деди Нишон ака.

— Улманг. Нишон ака,— деди тиззасига уриб Аббосхон, жиндек бу томонга ён босиб.

— Ўзлариники ўқиладиганда дўппи ҳидлаб туриш керак,— деди яна Нишон ака,— инчунин, кишининг кўнгли беҳузур бўлади.

— Сапро қайт қиламиз денг, қҳ, қҳ, қҳ...— Ҳайитбой оқсоқол тиззасига уриб кулди.

— Сизни ҳеч ким рабчук деб камситаётгани йўқ, тутақманг,— деди Қори,— эски усули жадид мактабида ўқигансиз.

Гап жиддий тус олаётганини кузатиб турган Қизил Махсум «гап» охирига мўлжалланган бир ишини сал

олдинроқ бошлаб юборди. Хизмат қилиб юрган йигитлардан бирини имлади, у дарҳол бу имони тушуниб, ичкарига кириб кетди-да, тахлоглиқ бир неча беқасам тўн олиб чиқди.

— Қани, улуғлар шу тўндан устларингга ёпаман; меникигаки ҳурмат қилиб келибсизлар, шу арзимас туҳфамни олинглар,— деди Қизил Махсум ҳаммадан аввал Мусоват Қори ёнига келиб.

— Бисмилло...— деб Қори ўрнидан турди.

— Э, муборак бўлсин!— атрофдагилар чувиллашди.

— Қани, оқсоқол!— деди Қизил Махсум Ҳайитбой оқсоқолга юзланиб.

— Жуда сийлаб юбордингиз.

— Қани, Нишон ака!

— Бизнинг қўйинг, Махсум, чопон киядиган иш қилганимиз йўқ. «Миллатнинг кўзини очаётганлар» кийса арзийди.

— Ундоқ деманг, хафа бўламан!— Қизил Махсум ўтирган жойида Нишон аканинг елкасига чопон ёпди. Чунки у ўрнидан туриши гумон эди. Шундан сўнг Аббосхон, Зиё афандилар елкасига ҳам тўн ёпди.

Қизил Махсум тепасига келиб: «Биз-чи? Хизмат қилганлар қолаверадими?»— деб турган Чиранчиқ полвонга юзланиб.

— Сизники ва бошқа ошналарники охирида берилади. Тағин қочиб қолманглар деб, атай бермадим,— деди у кулиб.

Мусоват Қори ўттизинчи йилларнинг бошларида бошига рапида нусха шапка, ичида нимчалик костюм, бўйнига галстук тақиб, ёш зиёли бўлиб, бошланғич мактабларда дарс берди. Мактабга келишига район маорифидаги бир қариндоши сабабчи бўлган эди. У доскага паргор билан соат тасвирини, яъни икки қават доира чизарди; рақамлар ёзиб, кўрсаткич ўқ қаёқдан қаёққа айланишини, умуман, соатни ўргатарди. Биринчи синф болаларига:

Отим бор оло қашқо,
Чоптирдим чоғир тошқо,
Чопқон билон чарчамас,
Энди кирди тўрт ёшқо...

деган шеърни ёд олдиранди.

Ярим йилгача дарс мана шунақа ўтди. Ўзининг билими бўлмагани, болалар ҳам ҳадеб бир хил гапни эшитавергани мактаб маъмурияти қулоғига етиб, муаллимчиликдан бекор қилишди. Отилиб чиққан ёш «зиёли» бирон ўқишга кириб, билимини оширишга қунт етмади, бирон ерга кириб ишлолмади ҳам. У чойхонасидаги баъзи исқирт чапанилар тўдасига ҳам қўшилолмади, зиёлилар ичига ҳам киролмади—такаббурлиги йўл бермади. Муаллимчиликдан омади юришмагач, шоирлик қилмоқчи бўлди; «ҳануз» радифик ғазал ёзиб, Таваллонинг ҳузурига борди. Араққа муккасидан кетган шоирнинг оқшоми тугаб, тунга кирган пайти эди, аввал арақ олиб келишни илтимос қилиб, «ғазал»ига қулоқ солган Тавалло кейинчалик бетига ҳақ гапни айтди: «Укажон, бу ишни қўйинг, сиздан шоир чиқмайди». Мусоват Қори шафтоли қоқидек буришиб, «жадид» ҳовлисидан сўкиниб чиқиб кетди. Ундан кейин анча вақтгача Хислатга эргашиб юриб, у кишининг суҳбатларида Таваллони қоралади. «Мафкуравий жиҳатдан у зот билан келиша олмасам ҳам, ҳар қалай у ҳақиқий шоир; ҳамкасбимни бунчалик булғашингизга йўл қўёлмайман. Йўқолинг!»— деди Хислат. Бу ҳунарда ҳам Мусоват қорининг омади келмади. Орадан бир-икки ой ўтказиб, «Чорсуда сартарошлик дўкони очди. Шу кезларда, кунлардан бир кун омади келгандек, ой кулиб боққандек бўлди; сартарошхонага кириб, сочини текислаётган жуссаси келишган, бир оз хириллаб гапирадиган Усмонжон деган чиройли йигит шоирлар идорасининг каттаси—ЎзАППнинг раиси эканлигини айтди. «Ҳамон сизда қобилият бор экан, янги шаҳарга, идорамизга чиқинг, гаплашамиз», деди. Мусоват Қори ичида Таваллога пичинг қилиб: «Сен жадидлар мени шоир қилмасанг, сенларнинг рақибларинг билан ошначилик қиламан», деди. У сартарошхонада Қизил Махсумни қолдириб, «ҳануз» радифик ғазалини янги шаҳардаги матбуот шуъбасига, уларнинг маслаҳати билан журналга олиб борди. У йигитчани тополмади-ю, бошқа йигитча ғазалини ўқиб: «Ҳеч қандай бадиият йўқ, яхшироқларидан ёзганингизда чоп этамиз», деб қайтарди. «Агар шу ғазал чоп этилганида қалам ҳақи неча пул бўларди?»—деб сўради Мусоват Қори. Йигитча жилмайди: «От билан сигир

бўлмайди, китоб, дафтар, қаламга етади»,— деди. Му-
соват Қори бу ишдан кўра сартарошлик даромади
якши эканлигини билиб, жўнаб қолди.

Шу-шу омади юришмаган «шоир» муаллимлар
орасига кириб қолса, ўзининг қобилиятсиз, жўн кимса
эканлигидан эмас, ҳаммаҳалла, тенгқурлари юзига
чанг солиб, фисқу фужур бошларди. У—бир ўзи пок,
юрагида кири йўқ одам эди-ю, бошқалар муттаҳам,
унинг нонини еяётган очофатлар бўлиб кўринарди.
Хислат ва Таваллога суйкалиб юрганида, Шайх Саъ-
дий ҳикоятларидан ўрганган эди...

Ҳамма ёқ дориломон бўлиб турганида ўпкасини
қўлтиқлаб югуриб келган бир бола ҳовли ўртасига
келиб, катта лампа чироқ ёруғида турган Чиранчиқ
полвонга бир нимани энтикиб сўзларди. Чиранчиқ
полвон дарҳол шоҳсупага яқин келиб, Арслонни им-
лади. Арслон супадан тушиб, ўша ҳаллослаб турган
ҳаммаҳалла болага юзланди. Боланинг гапига тушун-
дию у билан бирга дарвозадан чиқиб, кўчада югурга-
нича чопиб кетди...

— Нима гап?— деди Қизил Махсум Чиранчиқ
полвонга.

— Оталари қазо қилибди.

Шоҳсупада ўтирганларнинг ҳаммалари юзларига
фотиҳа тортишди.

— Нодон бола ҳовлиқиб кетди, мен ҳам боришим
керак,— деди ўрнидан туриб Нишон ака,— еган-ич-
ганимиз учун раҳмат!

Нишон акалар қўзғалгани билан «гап» тугагани
йўқ; аксинча бундан Аббосхон билан Қори гоятда
мамнун бўлишди.

— Бегонанинг олдида нахотдек жанжал қовоқдек
бўларди,— деди Қизил Махсум Аббосхонга қараб,—
мана, энди Қорака, бемалол ўтиринг. Ҳикмат гапла-
рингиздан гапиринг, вужудни қулоқ қилиб тинглай-
миз.

— Ташаккур, — деди қори мамнуният билан.

Совуқ сўз сўзлаганга сўзла иссиқ,
Мулойим ул ипакни ҳеч кесмагай тиг.

— Боракалло!

— Улар қуруқ кекиришади; ваъз айтишади, шу қуруқ гап билан одамларни ўз маромларига юргазмоқчи бўлишади. Қуруқ қошиқ оғиз йиртади. Мингта «сиз-биз»дан битта «жиз-биз...» яхши. Махсум акамиз омон, бошимизга соябон бўлсинлар. Бизнинг ҳамёнимиз тўла червон. Ҳамма ишнинг калити—пул. Бу червонлар букланса ҳамённинг бир четига жо бўлади. Лекин у пўлатдан қаттиқ—ҳеч кимса уни йиртолмайди. Одамлар югуриб-елиб топган обрўни пул орқали бир лаҳзада топиш мумкин. Махсум акамларнинг ҳамёнларини тўлдиравер, бизлар дуойингда бўлайлик!

— Баракалла!— деди Чиранчиқ полвон Мусоват Қорига хушомад қилиб.— Бу одам қори эмас, аллома. Бир араб мадрасасида таҳсил топганлар ҳам бундоқ етук бўлмайди. Худо юқтирган-да, бўлмаса одамзод ҳам шунчалик доно бўладими!

Бу гапларни Қори эшитса ҳам ўзини эшитмаганликка солиб ўтирар эди.

Еттинчи боб

ЕТЛАР ТАЪСИРИДА

Ун қадамча олдинда чошиб, ҳаллослаб кетаётган Арслон бир лаҳза тўхтаб, орқасига қаради-да: «Тезроқ юр, етиб борайлик!» деди титроқ бир овозда. Орқада лўкиллаб келаётган бола чанг ичида хира кўринган Арслонга етиб олди-да, ўзини босиб, секин гапирди: «Арслон ака, отам боя қазо қилганлар». Арслон миқ этмай қолди. Унинг бу ҳолатини ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди. Улар шатиллаганича юриб кетишди.

Арслон ҳовлига кираркан, дадаси ётган уй эшигида ҳўнграб йиғлаб юборди. Чолнинг энгаги танғилиб, оёғию бошмолдоқлари жуфтланиб устига ўзи тайинлаган малла чопон ёпилган эди.

— Тепаларида йиғлама, ўғлим, — деди қўшниси, — мурда эштади, безовта бўлади. Айниқса фарзанднинг товуши...

Арслон ўзини тутиб, бир лаҳзадан кейин ташқарига чиқди.

— Яқиндаги қариндошларга хабар қилайлик,

узоқдагиларга тонг отиши билан...— деди онаси Арслонга қараб.— Маҳалла оқсоқолларига ҳозироқ хабар етказиш керак.

Арслон эшиқдан чиқиб кетаётганда Нишон ака етиб келиб қолди.

— Бандалик, ўғлим. Қандоқ қилайлик, чорамиз йўқ.

Арслон қайтиб кирди. Даҳлизда турган Мадина хола кўз ёшини дока рўмоли учи билан артиб, гапирарди:

— Сен кетганингдан кейин бир чой қайнагунча вақт ўтди; ёнларида турган эдим, чой ичасизми, дедим. У киши: «Юзимга рўмол ёпиб қўй, уйқум келяпти. Арслон қачон келаркин?» деб сўрадилар. Яқинда кетди-ку, базм анчага чўзилса керак, дедим. У киши, «ҳа...» деб бош қимирлатиб қўйдилар. Сен ҳам чиқиб айвонда ухлайвер, мен ухлайман, мени холи қўй, дедилар. Кўрпаларини тўғрилаб чиқиб кетаётсам, «мендан рози бўлгин...» дедилар. Мен турган еримда тўхтаб, кўзимга ёш олдим; мингдан-мингга розиман, отаси, сиз ҳам мендан рози бўлинг... дедим. У киши ҳам бош қимирлатиб, «розиман...» дедилар. Анча вақт шифтга қараб ётдилар, кейин яна, «юзимга дока рўмолни ёпиб қўй», дедилар. Рўмолга пуфлагандек бўлдилар... Шу билан отанг дунёдан ўтдилар...

Нишон ака билан Арслон чол ёстиқларини тўғрилаб, каравотни икки томонидан кўтариб, унинг ўртасига олишди.

— Иккита чироқ қўйинглар, тонг отгунча чироқ ўчмасин,— деди Нишон ака,— мен чиқиб кексаларга хабар қиламан, заводга ҳам эрта билан ўзим бораман. Қариндош-уруғларга ўзинг хабар қил.

— Мен кетдим,— деди мўйлаби лип-лип учаётган Нишон ака кўчага чиқиб кета туриб. У йўл-йўлакай ўй сурарди; унинг кўз олдида умр бўйи ишлаб тинмаган, беҳаловат, софдил бир инсон турарди. Ишчилар, айниқса, ёш ўзбек ишчилари ниҳоятда кўпайиб бораётгани-ю, лекин қадимги чўян қуювчи дегрезларнинг тўртта-бешта қолгани ҳам дунёдан ўтаётгани юрагини ўртади. У, Хадрадан ўтиб, трамвай бекатида тўхтар экан, рўпарадаги кўркам бинолар орқасидаги Қадимий маҳалласини, терлаб-пишиб чўян

өритаётган, қозон, омоч тишлари қуяётган ота-боболарини эслади. Ушаларнинг бири Мирюсуф ака ҳам дунёдан ўтди. Катта дегрезларнинг болалари, қариндош-уруғлари Сельмаш заводининг қуюв цехига тўпланишди — дегрезлик маҳалласидаги ўчоқ оташхоналардан бурқийдиган қорамтир тутунлар, сачраган учқунлар... ҳамма-ҳаммаси завод цехига кўчди. Ариқлар қўшилиб анҳор бўлгандек, эски дегрезлик усталар тўпланишиб, Сельмаш заводининг литейний цехини ташкил этишди. Ҳадранинг юқорисидаги Қадимий маҳалласи, билаги чўяндек мустаҳкам, қўли қадоқ ошналари унинг кўз олдида турарди. Бу маҳалланинг тупроғи ҳам чўян билан аралаш — замини ниҳоятда мустаҳкам. Шу кўримсиз, айланма кўчалардан ўтган одамлар — бу ерда қадим қанчалаб одамлар — Тошкентнинг машҳур ҳунармандлари, уста дегрезлар ишлаганини билишармикан?

Нишон ака трамвай кутиб турар, нигоҳлари қадимий Дегрезлик маҳалласи томонда эди.

Оғир тун.

Арслон тун бўйи югур-югурдан сўнг ухламай тонг оттирди.

Эрта тонг ёриши билан одамлар, Мирюсуф отанинг қадрдонлари кела бошлади: Нишон ака, Ҳайдар чўққи, Ислон ака, Мираҳмад, Ҳайитбой оқсоқол, янги шаҳардан ота-бола Матвеевлар, Нурғалиев, Қўрғонтаги томондан Қизил Махсум, Чиранчиқ полвон... Марҳум соат иккига чиқариладиган бўлди. Қизил Махсум билан Ҳайитбой оқсоқол, жаноза ўқитиб, эскича қилиб кўмамиз, деб туриб олишди. Нима қилишини билмай, каловлаб юрган Арслонга Қизил Махсум беш юз сўм тутқазди. «Ука, одамларга ялиниб юрма, ҳозир сенга бу пул жуда керак. Етмаса мен борман...»

Арслон қизил Махсумга миннатдорлик билдирди. Дарҳақиқат, ҳозир унга пул ниҳоятда зарур эди. Кечаси онаси икки билагузугини гаровга қўйиб бўлса ҳам пул топиш кераклигини айтган эди. Нишон ака қўлидаги пулининг бор-йўғи олтмиш сўмдан ошмаслигини айтган. Нишон акада пул бўлмаса, унда эски маҳаллага — Дегрезликка бориб Исроил ака ёки Ҳайдар чўққидан пул сўрамоқчи бўлган эди. Аммо Қизил Махсумнинг боғдан атай чўнтагига пул солиб

тушгани унутилмас иш бўлди. Нишон ака бу олижаноб кишини нега хуш кўрмас экан? Бунга Арслоннинг ҳеч ақли етмас эди.

Соат ўн иккиларга бориб маҳалла аҳли кўчага қатор тизила бошлади. Заводдан ҳам одамлар келди. Тобутни кўтаришга яқин Мусоват Қори ҳам кириб келди. У Арслонга «бандалик-да, ука» дегандан сўнг, Қизил Махсумнинг ёнига ўтди.

— Жаноза янгичами?— секин шивирлади Мусоват Қори,— қуръон ўқитиладими? Ёки ғат-ғут билан кўмиладими?

— Ота-боболаримиз қилган ишни қиламиз,— деди Қизил Махсум.

— Яшиқда кўмиб келсак, худонинг қаҳри келмайдимми?! Яхши қилибсизлар! Бошқа фирқа аъзолари ҳам бунга кўрсин! Авваламбор, маҳалла, ёру-дўстдан ажралиб бўлмайди, иккиламчи, ўлимдан қочиб қутуладиган одам йўқ. Бас, шундай экан... Эски фирқа аъзоси Мирюсуф дегрезнинг жанозаси бошқаларга ибрат бўлади.

— Ўғлига пул бердим,— деди яна Қизил Махсум.

— Жуда яхши иш қилибсиз. Дўст ким, душман ким, мана шунақа вақтда билинади. Бу олижаноб ишингиз жуда маъқул. Чўнтагида бир тийин пули йўқ, катта гапирадиганлар шарманда бўлади.

У Нишон акага ишора қилган эди.

— Охири нима бўлаётганини кўряпмиз-ку, Қори ака!

Қори ҳаётида бирон ерда ишламаганидан қатъи назар, ишлаб қариётганларни кўролмас эди. Жамоа бўлганидан сўнг мана, маъракаси ҳам бўларкан. Тўйда ҳам, азада ҳам ҳозир бўлмоқлик яхши. Бу жанозага Арслоннинг ҳамма ошналари келди-ю, аммо Зоҳидий оз бўлмаса кечикиб қолай деди. У, тобут кўтарилаётганда етиб келди.

— Ҳа, мулла, ухлаб қолибсиз-да?— деди кўпчилик ичида Қори уни изза қилмоқчи бўлиб. У, ўқиганларни, ёшларни чақиб туришни савоб деб биларди. Зоҳидий кечикканидан хижолат бўлди. Жанозада, қовоғи солиқ одамлар олдида миқ этмади. «Ҳайф, сендақа олифталарга! Қадрдонинг ўлиб ётса, сенлар келмасаларинг! Бундай пайтда кунларингга мана,

бизлар яраймиз...» дегандек рўпарасида Мусоват Қори тўрсайиб турарди. Зоҳидийдан садо чиқмагач, Қори ўзининг «ғолиб» чиққанидан мамнун, одамларга бир-бир қараб қўйди. Сўнг маймоқланиб қозон қуриладиган жойга жўнади. «Жуда нозик вақтида чақдингиз, Қори ака», деди ичида Зоҳидий. Ҳа, баъзида бутун дунёнинг қоронғи бўлиб, тобут ёнида турганингда, баъзида тўй-ҳашамда яйраб, юрагинг барқ ураётганида, пайт пойлаб ниш урадиган чаёнлар бор; ундайларни гап билан янчиб ташламоқ савоб! Лекин, афсус, Зоҳидий лом-мим деёлмади.

— Ўлгандан кейин пенса ҳам, Шўро ҳукумати берган ер ҳам қолиб кетаркан. Дунёнинг иши шу экан-да...

— Кўп куйинаверманг, Махсум,— деб Қори ялт этиб қараб қўйди. Кейин девор тагида қўл қовуштириб турган одамларга айёрона тикилди.

— Бандасининг иши шу экан-да, домла,— деди маҳалла сўфиси Мусоват Қорига гап қотиб,— Мирюсуф дегрез ҳам қазо қилди. Мана, буни қаранг, яна кунига маҳалла ярапти. Имом бормаيمان, дедилар, ўртага мутавалли тушиб, аранг кўндирдик.

— Имом, бормаيمان, деб оёқ тирашга ҳақлари бор, аммо сизлар кўнгилчанлик қилиб олиб келиб-сизлар, бу ҳам маъқул. Бунақа фариштаси йўқ одамлар ҳам бор, ҳув ана!

— Лаббай!— Сўфи эшик олдида турган жиккак, мўйловдор Нишон акага қаради,— жуда тўғри. Аммо, бари бир, Нишонбой ҳам тўпимизга қўшилади. Ўлим эсига тушади, тобуткашлар керак. Ана ўшанда бу осий бандаси бўйинини сиқиб масжидга келади. Ҳа, худо ўзи билади. Ўзингга шукур, парвардигори олам!

Соат иккида Мирюсуф ота тобутини елкага олишди. Арслон билан икки амакиваччаси «вой отам»лаб олдинга тушишди. Икки-уч маҳалла, заводдан келганлар бўлиб, юзга яқин одам елкасида тобут қалқиб борарди. Баъзиларнинг: «Мирюсуф ота худонинг раҳматли одами экан, жанозасига йиғилганларни қаранг», дегани сўфининг бошига муштлагандек бўлиб, ўзини Мусоват Қори кўзидан четроққа оларди. Бундай гаплар Қорининг ичидан қиринди ўтказарди; у ўзининг иссиқда тобут орқасидан бориши, шу билан бирга тобуткашлик бурчини узаётганидан виждони пок эка-

нини ўйлаб, қадам ташларди. Нишон ака бир-икки бориб, тобутни елкасига олди-да, кейин ўспиринларга:

— Лопиллатмай юринглар, кўтариб бораётганларнинг олдидан ўтинглар,— деб ўргатарди.

Тобут қўл-қўлга тегмай кетди. Бундан кейин беш йил илгари вафот этган шу маҳаллалик бир муаллим жанозасида ҳам одам кўчага сиғмай кетган эди. Бир қурум чоллар билан аравада кетган имом сақичмонлик «Невара ҳазрат» жанозаларида ҳам шунақа одам кўп бўлганини эсладилар.

Мирюсуф отани тупроққа топширишди. Одамлар Чигатой қабристонидан қайтиб ҳовлига киришди, Арслоннинг кўнглини сўраб, сабр-тоқат қилиши лозимлигини айтиб, тарқалишди.

Отанинг «етиси»гача эшикка ўриндиқ қўйилиб, узоқ-яқиндагиларнинг келди-кетдисини кутдилар.

* * *

Бақироқ туянинг бори яхши экан, чўзилиб ётганида ҳам келди-кетди билан ҳовли гавжум эди. Энди ота ҳам йўқ, келди-кетдилар ҳам йўқ. Мадина хола гамгин, калаванинг учини йўқотган одамдай гангиб, хомуш ўтирар эди. Айвонга чиқиб чўққаяр, ундан сўнг ошхонага борар, яна қайтиб келиб жойига чўкар... Каттакон ҳовли жимжит, ҳувиллаб ётарди. Бундай пайтларда ҳовли ўртасида икки мусича потиллашиб жанг қилишар — хола кесак отиб, мусичаларни учириб юборар эди. Мусича уришса эр-хотин жанжаллашади, дейишарди. Энди у ким билан жанжаллашади. «Бечора чол анча азоб чекди-ю, лекин бу дунё ташвишларидан қутулиб кетди. Мана энди унинг жони ором оляпти. Ҳеч нима еёлмаса, ичолмаса... Э, худо шунақа дарддан ўзинг сақлагин!» Улим ваҳшати холага ҳам: «Энди сенинг навбатинг!» дегандек бўларди. Жимжит ҳовлида юрагига ваҳима тушган Мадина хола ўрнидан туриб, кўча эшик ёнига бориб, у ёқ-бу ёққа қарар, ундан сўнг, чоли қазо қилган уйга кириб, симкаравотга тикилар, яна аллақандай бир ваҳима юрагига чанг соларди.

Кеч кириши билан Арслон ҳам, Саодат, Сабоҳат ҳам айвонда хонтахта атрофига чўкишди. Қўшниникидан чиққан суюқ овқатни косаларга қўйиб, она

Ўгли билан қизлари олдига қўйди. Хуфтонга яқин ҳовли мазористондек жимжит бўлиб қолди. Катта қизи Саодатнинг болалари ҳовлини ҳовлига ўшатиб, бозор қилиб турган экан. Улар кетиши билан ҳувиллаб қолди. Рўпарадаги том бўғоти устида чўққайиб ўтирган ёввойи мушукнинг кўзлари ёнарди. Маҳалла катта йўлдан четроқда бўлганлиги учун арава, от-улов, машина овозлари ҳам келмас, фақат узоқ-узоқларда, тикка жар ичидаги латта заводда итларнинг вовуллаши эшитилар эди. Мадина хола латта завод орқасидаги сотилиб кетган боғларини, қишда том қорини курагани азонлаб борган раҳматли эрининг жарлик ичида катта итларга рўпара келганию елкасида курак, дадил, улар орасидан ўтиб кетганини эслади. Латта заводнинг чап томонидаги тегирмон нови тагида олов ёниб тураркан. Бу ер жинлар макони экан. «Лоховла...»ни ўқимаганларни бу юмаланиб юрадиган оловлар қувлаб, то тепаликкача олиб чиқишини, бундай воқеа бўлганини Мирюсуф ота ўз кўзи билан кўрганини... неча бор айтган эди.

Рўпарадаги том мўриси устида Ой кемадек ястаниб ётарди, бўғотда ўтирган мушук ҳам шом қоронғисида қаёққадир кетди. Айвондаги бир оёғи синиқ, чорси тахта атрофида хола болалари билан ўтирарди.

— Шоми ғарибон мана шу,— деди хола. Шу лаҳза у ўз кўксига ўзи тфу-тфу... деди,— тоғдек ўғлим, ойдек қизларим бўлса-ю, тавба қилдим, худойим,— деди. Сабоҳат коса, қошиқларни йиғиштираётганида эшик тақиллади. Арслон югуриб чиқди.

— Ким?

— Мен...

— Э, келинг Махсум ака. Қани, бу ёққа!

— Шу ерда гаплашиб кета қолай.

— Йўқ, ичкарига кирамиз!

— Хўп,— у ҳовлига кириб, қиррасига қадимги япалоқ гишт тик терилган айвон ёқасига келганида пастаккина зинадан идиш-товоқ кўтариб тушаётган Сабоҳатхон рўпара келди. Қора кийинган Сабоҳат Қизил Махсумга салом берди-да, ошхонага ўтиб кетди. Қизил Махсум Сабоҳатга суқ билан тикилди. Унинг тикилишини Сабоҳатхон илгари ҳам сезган эди. Махсум айвонда ўтирган Мадина холага алоҳида салом бериб,

кўрпачага чўкка тушиб ўтирди-да, «аузи биллоҳи...»ни шошмай, қироат билан ўқиб, юзига фотиҳа тортиди.

— Бандасининг иши шу экан-да, холапошша,— деди дуодан кейин Қизил Махсум.— Чидамай иложимиз йўқ. Мирюсуф отамлар худонинг раҳматли одами эдилар...

— Ўзингиз эсон-омонмисиз?— бир лаҳзалик сукутдан кейин сўради хола.

— Худога шукур.

Шу орада Сабоҳат дастурхонни тўғрилаб, патнис қўйди. Яна ошхонага бориб, овқат, чой ҳам олиб келди.

— Қани, дастурхонга қаранг.

— Бисмилло...— у бир бурда нонни қўлига олди,— мен шундоқ бир ҳолингиздан хабар олай деб келган эдим. Бириси куни отамларнинг «етти»лари. Нима қиляписизлар, нима камчиликларинг бор, маслаҳатлашайлик, деб келганим.

— Раҳмат,— деди хола,— Мирюсуф отангизнинг руҳини шод қилиб, йўқлаб келганингиз учун раҳмат!

— Нишон ака ҳам келаман, деган эдилар, бугун кутдик,— деди гапга қўшилиб Арслон,— дарақлари бўлмади. Эрталарга келиб қолармиканлар.

— Келиб қолсалар керак,— деди энсаси қотиб Қизил Махсум.

Бу гапни билмай айтиб юборганидан Арслон ичида хижолат бўлди.

— Маҳалладагилар билан бугун кундузи гаплашиб қўйганман, қозон, самовар, лаган-паганларни эртага олиб киришади. Эртага кечқурун маҳалладан уч-тўрт киши киради. Мен ўзим шу ерда бўламан, сабзи тўғраймиз...— деди яна Махсум,— Арслон укамнинг шароити менга маълум, холапошша! Мен ака бўлай, Арслон ука бўлсин, биргалашиб отамларнинг руҳини хурсанд қилиб, «етти»сини ўтказиб олайлик. Дунёда мана шу қолади. Яхшилик, савоб иш қилган одам у дунё-бу дунё хор бўлмайди, дейдилар. Отамлар мени яхши кўрар эдилар. Хизмат қилишим керак. Ҳеч кимдан қарз-ҳавола кўтаришни хаёлларингга ҳам келтирманглар. Арслон икковимиз қиламиз бу ишни.

— Умрингиздан барака топинг,— деди Мадина хола.

— Ҳаммага ялинма, ука, ўша Нишон акангни ҳам қўй, ҳурмат қилиб келсалар майли, келмасалар хафа бўлмаймиз.

— Майли,— деди Арслон Қизил Махсумнинг сўзларини қувватлаб.

Дастурхон тайёрланганидан сўнг, ошхонада иши қолмаган Сабоҳат айвонга келиб ўтиришини ҳам ўтирмаслигини ҳам билмай ҳовлида турарди. Мадина хола уни чақирди.

— Сабоҳат, бу ёққа келиб ўтир, қизим. Ҳовлида турма.

Сабоҳат келиб айвонга, оёқроқ жойга чўкка тушиб ўтирди. Унинг гўзал чеҳраси қайғули эди. Сабоҳат ерга қараб, тиззаси устидаги ипни ҳимарар, баъзан-баъзан мўри устидаги ойга қараб қўяр, Махсум бўлса Сабоҳатнинг катта-катта кўзларига, қошларига қарар эди.

Сабоҳат Арслондан уч ёш катта бўлиб, муросалари келишмай эридан чиққан. Опаси Саодат бир ишчи йигитга теккан, тўрт боласи бор. У ўзи билан ўзи озора бўлиб қолган эди. Хотин бўлиб ёлчимаган бўлса ҳам Мирзараҳимбой хонадонининг қоп-қоп гуручу унларини, хумча-хумча ёғу нимта-нимта гўштларини кўрган Мадина хола тўкин-сочинлик фарзандларимдан қайтади, деб умид қиларди. Аммо Саодатнинг қўл учида кун кўриши, Сабоҳатнинг уйда ўтиришию Арслоннинг ўқиб юриши ва бунинг устига чолнинг вафоти холанинг таврузини қўлтиғидан туширган эди. Ота касал ётганидаёқ Қизил Махсумнинг бу хонадонга парвона бўлиб, ўзини ўтга-чўққа ураётганининг боиси оз-моз сезилган эди. Бу гап асосан ўз уруғлари Биби Ҳолвайтардан чиққан эди.

— Ҳой Мадинахон, қизларингни ҳадеб камбағалга узатавериб, нима, дунёдан умидинг йўқми? Камбағалпарвар бўлса, чолнинг ўзи бўлаверсин, сенга нима! Катта қизингни кўр, шўрлик, бошига етса оёғига етмай, оёғига етса бошига етмай юрибди! Фарзандларининг роҳатини кўраман, деб чол ҳам чўзилиб ётиб қолди... Мана, Сабоҳатинг ҳам қайтиб келди. Энди янглишма! Махсум ҳам ёмон йигит эмас...

— Хотин қўйган-ку, опоғойи?

— Хотиндан куйган. Муросаси келишмай, қўйиб юборган. Ҳа, нима бўпти?

— Иккита боласи ҳам бор, деб эшитган эдим?

— Бўлгандир, аммо чиқиб кетган.

— Катта киши-ку, қизим ёш-а?

— Каттароқ бўлса қизингни қадрига етади. Катта бўлиб, элликка кирибдими? Қирқ ёшлардаги йигит. Локин ёғ тўкилса юқи қолади, деганларидек, у Салоҳиддин бойваччанинг ўғли-я! Ҳовлилари бир тайину тафориш, молу мулки мил-мил.

— Ҳамма парса тақдирга боғлиқ, тақдирда бўлса қочиб қутулиб бўлмайди, холапошша.

— Уйлаб кўргин,— деди Биби Ҳолвайтар.

Шу гаплар Мадина хола хаёлидан бирма-бир ўтди.

— Дарҳақиқат, ёши каттароққа тегса нима бўпти?

Бунинг устига оилавий етишмовчиликлар жонига тегиб кетди-ку, «камбағалпарвар», умр бўйи тилла эмас, гилам эмас, чўқмор йиққан «Шўронинг эркаси» Мирюсуф ота ҳам дунёдан ўтдилар. Яна муҳтожлик, яна етишмовчилик. Арслон ҳали ёш, бир ишнинг этагини тутгани йўқ... Бас! Бас, энди! Беш кунлик умримда яна умочга зор бўлиб ўтаманми!

Рўпарасида ўтирган серцул, ўзига тўқ, ўша қадимги ариллаган Салоҳиддин бойваччанинг ўғли Мадина холанинг назарида қизига муносиб киши бўлиб кўрина бошлади. Пешанада ёзиғлигидан қочиб қутулиб бўлмайди! Арслоннинг атрофида парвона бўлиб юришининг боиси шумикин? Қариндош бўлиш нияти бормикан? Бу масалага Сабоҳат қандай қараркин? Сабоҳат ўқиган, тушунган қиз, ўзи ҳал қилиши керак. «Махсумга бўлган муносабати ҳурмат доирасида эди. Бу одамни анча софдил, одамгарчиликни биладиган, пулнинг юзига қарамайдиган киши, деб биларди. У, чўлоқ-мўлоқ эмас, қизғиш, бесўнақайроқ бурнини ҳисобга олмаганда, анча тузук. Биров билан ёқалашгани, бировни ҳақорат қилганини ҳеч ким билмайди. Ўқимаганлиги, бу ўзининг иши. Лекин шу замонда туғилиб, эскичага берилиб кетиши жуда қизиқ...

Отасининг ўлиמידан аввалроқ Сабоҳатнинг юрагига яна битта алам тушган эди. Бу алам курсдош Носиржон деган йигитнинг номардлиги эди. Эрга тегмасдан бурун Носиржон Сабоҳатни киноларга етаклаб борди. Шу келишган йигитга унинг майли ҳам бор, ёшлари ҳам баробар эди. Бу масала Сабо-

ҳатни жиндек ўйлантириб қўйди. Эр хотиндан беш-олти ёш катта бўлгани маъқул, деган гапни билар, аммо ўртада муҳаббат бўлса бунинг аҳамияти йўқ, деб қарар эди.

Кунлардан бир куни у Носиржоннинг тўй қилаётганини эшитиб, юраги жиз этиб кетди; унинг кўз олдида чақнаб турган ўша Носиржон пайдо бўлди. Йўқ, энди унинг Носиржони эмас, тамоман бегона, бу сўзни айтишга унинг ҳаққи йўқ. Шу орада унга ҳам совчилар келди, ота-онасининг раъйига қараб, Сабоҳат розилик билдирди. Шундай қилиб, у рад этилган муҳаббат аламига чидолмай бир қўрс одамга тегиб кетди. Муросалари келишмай бир йилдан сўнг ажралишди. Ҳамон ўша номард Носиржонга ўпка қиларди: «Сен мартабаю бойликка учиб ишинг юришиб кетишини ўйлаб, муҳаббатни оёқ ости қилдинг. Сен ёмон гуноҳ қилдинг, бу энди ўла-ўлгунча эздан чиқмайди!»

Шундай қилиб, Сабоҳатхоннинг қалбини икки алам ўйиб ётарди; у отасидан жудо бўлди... Носиржон номардлик қилди... У ўша бетайин йигитдан ўч олишни, тезда ундан юз чандон яхши бир кишига тегиб олишни кўзларди. У баъзан Носиржон билан рўпара келиб қолганида қуюқ қошларини чимириб қиё боқмай ўтиб кетарди.

— Менга рухсат беринглар!— деди ўртадаги сукутни бузиб Қизил Махсум. Сабоҳат чўчигандек ялт этиб унга қаради. Махсум ҳам унинг йирик кўзларига яна бир қараб қўйди-да, Мадина хола билан Арслонга мурожаат қилди.— Мен эртага кечроқ келаман. Индинга, кун бўйи шу ерда бўламан. Ҳамма нарсани одамларга тайинлаганман, олиб келишади, безовта бўлмаглар. Укажон, эртага бизнинг ҳовлига борсангиз баъзи нарсаларни олиб келамиз. Мен турдим, облоҳу акбар!

— Яхши боринг, ўғлим, хайр!— деди Мадина хола.

Арслон Қизил Махсумни кўчагача олиб чиқиб, кузатиб қўйди. Сабоҳат айвондан тушиб, ҳовли ўртасида тўхтади, шони ғарибонни сездирмай, суянчиқ бўлган киши орқасидан қараб қолди...

— Бошингга иш тушганда дўстни танийсан,— деди Мадина хола,— Қизил Махсумни ундоғ-мундоғ деб юрган, оғзига кучи етмаганлар ҳам бор. Қизил

Махсум эмас, Тилла Махсум экан, мана, бошимизга қора кун тушганда кунимизга яраяпти. Отангинг ўша яхши ўртоқлари қани?

Арслон бошини солиб, индамай ўтирарди. Унинг кўз олдида Қизил Махсумдан ташқари, Нишон ака ҳам пайдо бўлди. Бу одамнинг юраги жуда самимий эканига ҳеч шубҳа йўқ, аммо у пулдорлардан эмас. Онасидек тезда бир хулосага келиб, баъзиларни яхши, баъзиларни ёмон ҳисоблашни истамасди у.

Саккизинчи боб

«УММУЛХАБОИС»¹

Авваллари, номига магазин қоровули бўлиб ишлаётган бўлса-да, аслида укаларини ёнига олиб, мўйнадўзлик — телпакчилик қилаётган Қизил Махсум «Зингер» машинаси бўлган ён қўшнисига ҳам иш бериб, кизак, астарлик тиктирарди. Узининг тикув машинасига бева опасини ўтқазди. Бозорга чиқадиган моллардан фақат қорақўл телпакни, қоқоқи тумоқни ўзи тайёрларди. Кейинги пайтда у Мусоват Қорининг кичик ўғли Отамулла билан Зайнобиддинни ҳам ишга жалб этган, ўзлари мустақил телпак тайёрлашар, улар тайёрлаган телпак Махсумникига нисбатан қўполроқ бўлса-да, бозорда тез кетарди. «Салоҳиддин бойваччанинг ўғли-да, — дерди қўшнилари, — ишнинг кўзини билади. Бошқаларга ўхшаб сўлоқлаб юргандан кўра ишлагани, пул топгани «маъқул». Салоҳиддин бойваччанинг ўзи ҳам мўйнадўзликдан бойиб кетган экан. Ҳукумат йўл берса Қизил Махсум бир йилда корхона очадиган сиёқи бор эди. У фақат барра ишлатиб қолмай, қаердандир кўплаб сувсар, қундуз тери ҳам олиб келиб, бича бошлади. У мўйнани яхши тушунарди. Қорақўлнинг қаламча, мунчоқ, сурларидан келиштириб тикилган телпакларни бозорга чиқармай, уйдан сотиб юборарди. Баъзан аллақаерлардан поплар киядиган баҳайбат бобрук пўстинни арзон-гаровга сотиб олиб келиб, ундан етмиш, саксонга телпак чиқарарди. Кўнчилик томонлардан қўй тери, хром ҳам топиб келиб, барра ва сакмойдан қулоқчин ҳам тики-

¹ У м м у л х а б о и с — барча бузуқликларнинг онаси.

ша бошлади. Куз келдими, телпак, қулоқчин бозори авж олиб, Қизил Махсумнинг қўли-қўлига тегмасди. Отамулладан кейин Арслон билан Порсо домлани ҳам чақириб ишга солган эди. Уша пайтда пулга муҳтож бўлиб, чақилиб қолган Мирюсуф ота ўғлининг дарсдан кейин Махсумниқига чиқиб иш тикишига, пул топишига монелик кўрсатмаган эди. Кейинги пайтларда Арслоннинг анча қўли келиб қолган. Сабоҳат туфайли Арслон телпакчи хонадонида жуда эъзозланиб, бузиб қўйган ишлар ҳам «ҳечқиси йўқ»дан нарига ўтмасди. Махсум нонуштани ҳам, ошни ҳам Арслон билан бирга ер, Порсо домлани ҳам чақирар (унинг ўзи йўғида «Тарсо домла» дейишарди), қази-қарталиқ ош дамлаганда Отамуллани зингиллаб, Мусоват Қорини ҳам олдириб келишарди. Отасининг қадимги катта тўй-маъракаларида пешкаш бўлиб, меҳру муҳаббатини қозонган Мусоват Қорига Махсум ҳам ихлос қўйган. Бу одамда бир файз бор эмиш; шу кўзи очиқ одам билан доимо ошначилиқ қилиб, унинг шарофати билан отаси боғ ва шаҳар ҳовлиларни сотиб олиб, дангиллама уйлар солган эмиш. Бу одамга ихлоси баландлигидан Петербургга ҳам ёнида олиб борган экан. «Чарх кажрафторининг чаппа қилган ишлари»дан кейин ҳам Қизил Махсум ота маслакдошига ихлос қўйди. У ҳам бу «хосиятли» кимса туфайли бойиб, ҳукумат йўл бермаса ҳам хуфия, илгаригидек бойлар удумини қилмоқчи бўлди. Тақиб этилган мол билан савдо қилиб, қўлга тушганида тинтув бўлишини пайқаб, Махсум кўзга илинадиган молларин ўз уйида яшириб сақлаб, ишлар бости-бости бўлгач, қайтариб берган ҳам Мусоват Қори эди. Яхши бир адвокатни ёллаб, Махсумнинг ишини анча енгиллатган ҳам шу Қори. Бу хонадонда Мусоват Қорига чексиз ҳурмат билан қараларди; бу «аллома одам»ни имомдан юқори, «невара ҳазрат» қатори бир одам деб қарашарди. Мусоват Қорининг оталари асли саҳоб бўлиб, дўконлари Шайхантаҳурдаги «Бозору шаб»да бўларкан. Мусоват Қорининг келиб-кетиши бу хонадонда катта воқеа — баъзида Махсумнинг оналари ҳам ичкари ҳовли эшиги орқасида ўзларини кўрсатмай туриб, Мусоват Қори билан яқин қариндошларидек сўрашарди.

Ичкари-ташқарили катта ҳовлининг шифт тоқи-

лари сирланган меҳмонхонасида жамоат жам; лаганда ош киришини кутиб ўтиришарди. Бозорнинг чаққонлиги, «ушла-ушла»нинг йўқлиги Қизил Махсумга даста-даста червон саната бошлади. Омад кишига уч бор келармиш, Қизил Махсум, эҳтимол иккинчисини маҳкам ушлаган пайтидир. Шоду хуррамлик Мусоват Қори дилидан ҳам жой олиб, ёшларга Искандар Зулқарнайннинг ер остидаги дунёга кирганларидан, Паҳлавони Аҳмад Замчи, Абомуслимдан гапириб ўтирарди. Ганчланган, тепаси ўн бир харилик бир хонани Салоҳиддин бойвачча қуриб кетган, бу хона кўпгина базмижамшидларнинг шоҳиди эди. Мусоват Қори косада сувга чўктириб қўйилган турп бўлагидан бирини олиб тишлади; ўтирганлар унинг оғзи тўла тилла тишларига бир қараб қўйишди. У турпни кирсиллатиб чайнаб, ютди-да, Қизил Махсумга гап қотди:

— Ўша куни «гап»да сўзим чакки бўлмадими? Уйга келиб ўйланиб қолдим. Баъзи жойларнинг қулоғига етиб қолмасмикин? Сиз қандоқ ўйлайсиз, Махсум?

— Улфатларимнинг ичида гап етказадиганлари йўқ, Муллака. Агар шунақа бўлса баҳридан ўтиб қўя қоламиз. Қорақамиш деган жойлар бор...

— Сиз, уни қидириб топгунингизча у бизни Қорақамишга олиб бормасмикан?

— Йўғ-э! Унчаликмасдуrow!

— Сиз шундоқ деб ўйлайсизми?

— Улфатларим ичида унақаси йўқ, ишончим комил! Хўш, агар ичимизда биронта ғаламис бор бўлганда ҳам нима ёмон гап айтдик?

— Укажон, тушунмабсиз, сиз меҳмон кутиш билан банд эдингиз. Мен Шайх Саъдийнинг ибратли ҳикоятларидан айтдим, тўғрими?

— Тўғри. Бунинг нимаси ёмон?

— Бунинг ёмон ери йўқ. Аммо, мен, мачитимизни бузиб, боғларимизни пайҳон қилаётган, хотин-қизларимиздан ҳаёни кўтараётган шахсларга қарши гапирётганимда Шайх Саъдий ҳикояларини парда қилдим. Тушундингизми?

Қизил Махсум оғзини очиб, бош қимирлатди.

— Гапни гапирдим, кейин ўйланиб қолдим,— деди Мусоват Қори,— Ҳайитбой оқсоқол аҳмоқ одам,

бунақа гапларнинг фарқига бормади. Аммо анави, Нишонбойга эҳтиёт бўлиш керак. Уша одамни маъракаларга чақириб юрасиз. Нега?

— Маҳалла оқсоқолларидан, Қорака, чақирмасангиз яна бир бало. У одамдан чақиқ чиқмайди, оғзи маҳкам одам.

— Ҳар қалай эҳтиёт бўлиш керак.

Мусоват Қори билан Қизил Махсум яна нималарнидир парда билан гаплашишди, бу гапларни икковларидан бўлак бошқа одам тушунмасди. Чой қуйиб бериб ўтирган Арслон ҳам, жиғиллаб турган самоварнинг нариги томонида итоаткор чўққайиб ўтирган Отамулла ҳам «катталарнинг ўз гаплари» деб аралашмай ўтиришар, ҳамма тушунадиган гап айтишларини бетоқатлик билан кутишар, Мусоват Қори буни сезиб турар эди. Буни «Бойдада» — Қизил Махсум ҳам пайқади.

— Бир мамлакатда илму фан ўсиб кетиб, одамлар худойи таолони танимай қўйишибди, — деди Мусоват Қори рўпарадаги икки ёшга жилмайиб. Отамулла билан Арслон, қулоғимиз сизда, дегандек Қорига тикилишди. Қизил Махсум ҳам тикилди, — Жабраил алайҳиссалом оллога мурожаат этиб, дебдиларки: «Э, худованд, фалон мамлакатдаги бандаларинг «сани тан олмаяпти. Худойи таоло Жабраил алайҳиссаломга айтибдурки: «Э, Жабраил, ўша малакатга тушиб, бирон одам билан гаплаш, бу ҳақиқатми, ҳақиқат эмасми». Жабраил алайҳиссалом одам қиёфасига кириб, ўша мамлакатнинг даштига тушибдурлар. Утин орқалаб, бурнидан тери оқиб келаётган бир мўйсафидга йўлиқиб сўрабдурларки: «Э, бобо, айтинг-чи, Жабраил алайҳиссалом шу лаҳзада қаерда эканлар?» Утин орқалаб келаётган чол ўтинини қўйиб, бир лаҳза сукутга кетибди. Пешанасини ушлаб, ўйлаб қолибди. Бир, муддатдан кейин айтибдирки: «Мен етти қават осмонни қидирдим, Арши-аълони қидирдим, Жабраил йўқ. — Ундан сўнг яна кўзларини юмиб, ўйлабди: — Дарёларнинг остига, тоғу тош орасига, денгизларнинг тагига, қатламларнинг орасига кўз ташладим, Жабраил алайҳиссалом йўқ. — Шу лаҳза у яна айтибдурки, — «Ё сен Жабраил, ё, мен!» Одам қиёфасига кирган Жабраил алайҳиссалом ҳайрон бўлиб, ғойиб бўлибдурлар. Шундан сўнг худовандга бўлган гапни айтибдурлар. Олло

таоло бу гапдан сўнг фармон берибдур, Жабраил алай-хиссалом бир қанотларини ўша мамлакатга уриб, ерни остин-устин қилиб юборибдурлар...

Утирганлар ҳайратланишди.

— Худойи таоло бандасига аввал қўйиб беради, илми ўсиб, худога шак келтиргандан сўнг бир лаҳзада йўқ қилади қўяди-да! Ун саккиз минг оламни инганинг тешигидан ўтказиб юборишга қодир эгамга шак келтириш ярамайди. Ҳамма вақт дилидан худони қўймаган бандасининг мушкули осон бўлади, жаннати бўлади.

Шариатсиз киши учса ҳавога,
Кангул берма анингдек худнавога,—

деган Қул Хўжа Аҳмад Яссавий.

Мусоват Қорининг бунчалик донишманд эканига Арслон, Махсумнинг икки укаси, Порсо домла қойил қолиб ўтиришарди. Ош устида ҳам у баъзи нарсаларни гапириб берди. Ошдан кейин «ҳазми таом қилиб яна жиндек ишлаб юборайлик, сезон...» деб, Қизил Махсум шогидрларини ишга солди. Улар нариги хо-нага чиқиб тикиб битирилган телпақларни қолипга уриш билан банд бўлишди. Ёлғиз қолган Қори Махсумга ёшлар фариштасиз бўлмасин деб, худони эсдан чиқаришмасин, дейман-да, деди. Махсум илжайиб: «Сиз қуруқ насиҳат қилмай, ҳикоя билан дилига кирасиз», деди.

— Бедана, «қозоқ келяпти — чироқ келяпти», «ўзбек келяпти — кўр келяпти», деркан. Қозоқ бедани кўрдими, шундоқ атрофидан битта айланиб, қўли билан ушлаб олади. Биз ёшларнинг дилини мағраб билан эмас, шундоқ қўл билан ушлашимиз керак.

— Офарин!

— Битта кофирни мусулмон қилган одам жаннати бўлади. Утган ҳафта, хабарингиз бор, Абдумутал маҳаллага ош берди. Ошпаз ариқдан челақда сув олиб, қозғонга куяётганда бақа ҳам тушиб кетган экан. Дамланган ош сузиб тортилаётганда қозондаги ош орасида пишаётган бақага кимнингдир кўзи тушибди. Йўқ, у бақа эмас, гўшт, деб ошпазнинг ўзи олиб, дарҳол еб юборибди. Агар ўшанда ошпаз бақани капгир

билан олиб, бир чеккага ташлаганида шунча ошни ҳеч ким емас, исроф бўларди. Ишончининг қудратига қарангки, Махсум, бир қозон ош ейилиб кетди.

Махсум «ажойиб гап» дегандек бош қимирлатди.

Улар аллавақтгача чой ичиб ўтиришди. Иш қилаётган йигитлар тарқалишаётганида Отамулла эшикни очиб, ичкарига бош суқди:

— Дада, кетамизми?

— Ҳа, кетамиз, ўғлим. Қани, юринг!..— Мусоват Қори ўрнидан турди. Қизил Махсум ота-болани эшиккача кузатди. Кўчада хайрлашаётганда Қори «дарак борми?» дегандек Махсумга қаради.

— Ҳа,— деди Қизил Махсум,— ҳайит ўтди, икки ҳафталардан кейин келиб қолишади, деган гап бор.

— Баракалла! Хайр, Махсум.

— Хайр!

Қизил Махсум айтганидек, дарҳақиқат, икки ҳафта ўтар-ўтмас ҳаж қилгани кетган Абдулмажидхон қайтиб келди. Унинг айтишича Мусоват Қори бинни Абдулхайрон «ҳожиде бадал» бўлибди..

Қорининг хонадонини шоду хуррамлик қучди. Шу муносабат билан юртга ош бериладиган бўлди, бу маърака-маросимга имом ҳам келишга розилик берибди.

Чоршанба куни Мусоват Қори ҳовлисига қариқаранглар оқиб келиб, ош тортилди. Маросимни Қизил Махсум билан Чиранчиқ полвон бошқарди. Ёшларнинг қўли-қўлига тегмай хизмат қилишарди. Қариялар тўпланишиб олишгач, орадан кўп ўтмай дарвоза олдида қора «эмка» машина тўхтаб, ичидан кексайиб, мункиллаб қолган имом тушдилар. У кишининг бир томон қўлтиқларидан ўғиллари, иккинчи томонларидан мутавалли ушлаб, суяб олишган эди. Казо-казолар ичкарига кириб, мартабама-мартаба ўз жойларига ўтиришди. Мусоват Қори дастурхонни яхшилаб ясаган эди; пашмагу гулқанду ҳолва, анору узуму олма... Иссиқ нон... Орадан бир муддат ўтгач, мутавалли Мусоват Қорини ташқарига олиб чиқди.

Дарвоза олдида ёзилган гилам-поёндозларни босиб, қайтадан ичкарига киришди. Ҳовли ўртасига ёзиб қўйилган оқ намаат устига чўкка тушиб ўтирди.

— Ҳажингиз қабул бўлди!— деди имом. Шундан сўнг, бошқа эътиборли одамлар ҳам «Ҳажингиз қабул

бўлди, ҳажингиз қабул бўлди!» деб ҳар тарафдан айтишди.— Қани, о-о-омин! Мусоват Қори бинни Абулхайрхон бинни Зайнобиддинхон ўғлининг ҳажи қабул бўлди!

Абдулмажидхон ёнида олиб келган шишадаги «оби замзам»ни Мусоват Қорига берди ва яна Макка-туллодан олиб келган кийим-кечакларни, «ғалабия» деб аталмиш узун кўйлакни ҳам бериб, тайёр ўралган саллани бошига қўйди. Яна бир фотиҳадан сўнг Мусоват Қори ўрнидан туриб, аввал имом ўтирган пешайвонга, ундан сўнг одамларга эгилиб, «қуллуқ, қуллуқ!» деб салом берди. Шундан сўнг йигитчалар ичкаридан оқ дастурхонда олиб чиққан сурра чопонларни имомга, «ҳожид бадал» қилиб келган Абдулмажидхонга ва яна бошқаларга кийгизишди. Йигитлар, Қизил Махсумнинг имоси билан тез-тез чой, пармуда, каоб тарқатишарди.

Тахтга чиққан подшодек, ҳаяжон ичида юрган Мусоват Қори битта-битта босиб имомнинг ёнига келди. Чўкка тушиб, ҳол-аҳвол сўраб миннатдорчилигини билдирди:

— Олло таоло йўлида хизматимизни аямаймиз. Дини исломга худо қувват берсин, кофирлар...

— Мусоват ҳожид!— деди шу лаҳза ёнидаги биринки кишига эшитиладиган паст овозда имом,— «кофир» кўплик,— «куфр» бирлик, яъни ўз аҳлига ёмонлуқ қилувчи, зиёну айнамачилик қилғувчига айтилади. Бизлар бошқа дин аҳли билан ҳам ҳамжиҳатликда яшаб турибмиз, шундоқ бўлмоғид лозим.

Мусоват Қори дарҳол масалага тушуниб, бошини эгди, бу гапни бошқалар эшитиб қолмадимикан дегандек, у ёқ-бу ёғига чумчуқдек олазарақ қараб қўйди. Жуда кексайиб қолган имом унга қаратилган гапини тугатгач, бош чайқаб, йиғлагандек:

— Тавба қилдим, тавба қилдим! Шаккоклик ўтди, минг қайта тавба қилдим!— деди.

Имом ёнида ўтирган мутавалли ҳам унга тикилди, Имом сукут ичра Мусоват Қорининг «тавба»сини қабул қилгандек эди-ю, ичдан нафратланарди. Пули кўпайган Махсум билан Қори ҳақиқатан дини исломга эътиқод учун эмас, элга ўзини кўрсатиш, шону шавкат учун бу маросимларни қилаётганини биларди. Ҳайитбой оқсоқол айтгандек, Мусоват Қори хирп

бўлиб кетган, қаёққа ташланса олчи тураверади, деган гапини ҳам ўтирганлардан баъзилари эслашди.

Имомларнинг кўзидан четроқ, кичик хона ичида беш-тўрт киши зиёфатни қуюқ қилишарди — яширинча арақ ичишарди.

— Қағи, арағингни соқолимнинг устидан қуй,— дерди бу хонага кириб, улфатга қўшилган мачит мутаваллиси соқолининг учидан бир қўли билан тугтиб, бутилкани тўғрилаб,— тоза бўлиб пиёлага тугшади.

— Ундай қилманг, тақсир. Соқолнинг кири араққа оқиб, ичганингизда кўнгилни беҳузур қилади,— деди Чиранчиқ полвон.

— Мен йигирма йилдан бери кунда беш мартадан таҳорат қилиб, бу соқолни ювиб, тозалаб келяпман. Агар букун тоатга қувват нияти билан ичадиган шаробимни тозалашга ярамаса, мен бу соқолни дарров қирқиб ташлайман!

Чиранчиқ полвон шишадаги арақни мутавалли соқоли устидан қул-қул қилиб қуйди. Пиёласи тўлиши билан мутавалли қултуллатиб ичди. Бир-икки пиёлани устма-уст ичган мутавалли маст бўлиб, пар ёстиққа бош қўйди.

— Уни кўтариб, айвонга олиб чиқиб қўяйлик,— деди Чиранчиқ полвон,— дастурхон ва палосларни булғатмасин!

Хириллаб ётган мутоваллини (у ҳам бултур «ҳожиди бадал» бўлган эди) билдирмай оёқ-қўлидан кўтариб, ташқарига олиб чиқиб қўйишди.

— Уммулхабоис!— деди имом, яъни ичкиликбозлик барча бузуқликларнинг онасидур... Ичкилик Од ва Яман қабилаларидек қудратли ва маданиятли элни тамоман хароб этган. Бандасини шу ёмон йўлдан қайтармоқ ниятида худойи таоло идрок берган. Ҳатто даҳрий мутафаккир Абу аъло ал Маорий «Хамосатурроҳ»¹ китобини ёзган. Қаергаки, бу ичкилик етса у ердан шарму ҳаё кетадур...

Ош тортилиб, ундан кейин чой берилди. Имом ўз ўгли ва келган одамлари билан узоқ ўтирмай жўна-

¹ Хамосат — баҳодир, роҳ — ичимлик.

ди. Узоқ-яқиндан кечикиб келган одамлар ҳам бирин-бирин кириб, дастурхон атрофига ўтиришди, «Ҳожи»ни дуо қилишди. Маросим кечгача давом этди. Кечқурун яна Арслону Отамулла, Махсумлар дастурхонларни йиғиб ҳовли-уйларни тартибга сола бошлашди. Махсум билан Қори меҳмонхонада уч қават беқасам кўрпачалар устида чўзилиб, пар ёстиқларни қучоқлаб ётишарди.

— Саллаларингиз ҳам жуда ярашди, «ҳожи» ҳам бўлиб олдингиз, Қорака!— деди Қизил Махсум,— энди бекитиб қўйган коньякни олинг. Мен ҳеч нима еганим йўқ, ичганим ҳам йўқ. Энди маишат қиламиз.

— Бўпти, акаси. Мен ҳам ҳеч нима еганим йўқ. Анови майда болалар билмай қўя қолсин, бир ичайлик.

У ўрнидан туриб, чойнак-пиёлалар териб қўйилган токча орқасидан бир шиша коньяк олди. Деразадан Отамуллага, тезда бу ёққа дастурхон олиб киришни, қазидан япроқлаб қирқишни ҳам тайинлади. Ниманидир тушунган Отамулла бу ишни жуда тез бажариб, отасининг айтганларини муҳайё қилди. У меҳмонхонадан чиқиб кетиши билан беш юлдузликнинг оғзи очилиб, икки пиёлага тўлдирилди.

— Қани, оқ ичайлик, укажон!— улар пиёладаги коньякни охиригача симиришди. Уҳ-уҳлаб, лабларини енглари билан артиб, қази чайнашди.— Имом менга гап билан танбеҳ бердилар, мен узр сўрадим...— Имом ҳам Ҳукумат ёнини олади-я, тавба! «Уммулхабоис» эмиш, ҳамма лаззату шодликларнинг онаси бу-ку! Чолларинг ақлини еб қўйибди. Мана, мен «ҳожи!» Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а-а! Пул билан ҳамма нарсани тўғрилайман, пул бериб чолларингни, шу арақни «жононхабоис» дедиртираман. Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а-а!

Иккинчи, учинчи пиёла коньякни ичиб, устидан ош ейишди. Рўза тутган одамни нос элитгандай қийшайиб, улар ҳам мутаваллига ўхшаб ёстиққа бош қўйиб хириллашди. Чарчаб, мудраётган Арслон Мусоват Қорининг хотини ўраб берган бир лаган ош, нон, қанд-қурсларни уйига олиб чиқиб, онасига берди. Ичкари уйга кириб, каравотга ўзини таппа ташлади. У нималар бўлаётганини билмай, боши гангирди.

АҚЛИНГ КЎР БЎЛСА, КЎРАР КЎЗДАН НЕ ФОЙДА

Совуқ куз кунларининг бирида эрта билан ишга кетаётган Нишон ака йўл-йўлакай нос олгани бозорга кирди — бозор ўртасида, ўзига ўхшаш бир неча йигитчалар ичида бошига қатма-қат икки телпакни қўйиб, харидор кутиб, дизгиллаб турган Арслонга кўзи тушди. У ўз кўзларига ўзи ишонмай, яқинроқ бориб қаради. Ҳа, дарҳақиқат — Арслон. У қўлидаги қийиқ рўмолга ҳам уч-тўртта телпакни тугиб олиб турарди. Бирор харидор келди дегунча, телпакчи йигитчалар уни ўраб олишар, ўша одамнинг бурнига ишқаб, ўз молини мақтар, даладан келган одамни олманига қўймай калака қилишарди. Икки баҳо ортиқ айтиб, «арра»га ҳам рози бўлишарди. Телпак, қулоқчин кўтарганлар деярли ҳаммаси пулга ўч савдогарнамо оилалардан чиққан эпчил, қув йигитчалар эди. Нишон ака тилининг тагига нос ташлаб, бозор киндигини кесиб юрган йигитчаларни бир лаҳза кузатди. Улар ичида юрган Арслонга ҳам савдогарваччалар нуҳси урибди. У ачинди. Мирюсуф ота тирик бўлганда ўғлининг бундай қилишига йўл қўймасди. Сулаймон ўлди-ю, девлар қутулди, бўлибди-да!

Арслоннинг мўйнадўз-телпакчи йигитлар билан юрганию, гаплари ҳам анча ўзгариб, каттани кесиб кичик қилиб қўйгандек бўлгани Нишон аканинг бошини қотирди, қулоғининг орқасини қашиди, дами ичида эди. Унг томон мўйлови лип-лип учди... Ўрдак тухумини очган товуқ сувда сузиб юрган жўжасини кўриб ағрайиб турарди. Аждоди дегрез, отаси умр бўйи заводда ишчи бўлган бир одамнинг фарзанди ҳам шунақа бўладими, деб ҳайрон бўларди. Осонгина пул топишга, базмларга ўрганган йигитчага гап таъсир қилармикан деган мулоҳазага борди: қилиб юрган ишлари унга ярашмаслигини тикка юзига айтсамикан? Бу гап таъсир қилармикан? Ёки ранжитиб қўярмикан? Отасининг вафотига йил бўлмай туриб, бозорга ўрганишининг боиси нима?! «Йў-ў-ў-қ! — деди ичида Нишон ака. У одатдагидек дўпписини пешанасига итариб, қулоғи орқасини қашлади. — Арслонни рафлат босган. Пул ўлгур бош-кўзини айлантириб,

сеҳрлаган. Пул ҳаммага керак, пулни ёмон кўрадиган одам йўқ. Аммо пулнинг кетига тушиб, муккасидан кетган одамларнинг ҳоли яхши бўлармикан?»

Нишон ака, мени кўриб қолмасин, деб юзини ўгириб, бозордан чиқиб кетди.

Кунлардан бир куни Арслон одатдагидек бошига янги сувсар телпак кийиб, яна бир дастасини қийиққа ўраб олиб бозорга чопаётганида рўпарасидан Барчин чиқиб қолди. Арслон қизариб кетди. Кейин ўзини тугиб олмоқчи бўлиб, йўлкада тўхтади-да, Барчинга жилмайиб қўл узатди.

— Салом!

— Салом!

— Йўл бўлсин?

— Шундай, келаётган эдим. Мана бу китобни дугонамникидан олиб келяпман.

— Бу китобдан менда бор.

— Бу янги нашри.

Улар бир лаҳза жим қолишди. «Қўлингиздаги нима, қаёққа кетяпсиз?» деб сўрамади Барчин. У Арслоннинг институтга бормай (аввал отаси касаллигини баҳона қиларди), бозорга қатнаб телпак сотаётганини ҳам биларди. Юзларига ҳуснбузарлар тошиб кетибди. Сочини ҳам олдириб, каттателпак кийиб олибди. Илгари дўппи кийиб юрарди.

— Бир учрашайлик, Барчин.

— Учрашайлик. Бизни кига келинг. Опамлар ҳам сизни анчадан буён жим бўлиб кетдилар, деяптилар.

— Бораман. Ҳамида опамларга салом айтиб қўйинг! Хива кинотеатрининг олдида учрашайлик...

— Дарсларим кўп, ҳеч улгура олмаяпман, Арслон ака, имтиҳонга тайёрланишим керак. Ўзингиз биласиз-ку, бу йил...

— Ҳа, майли,— деди Арслон андак хафа бўлиб, бўшашиб. У Барчиннинг ҳозир чақнаб: «Бўпти, учрашамиз», демаслигини ҳам биларди. Бошдан-оёқ тикилиб қараганини, миясидан қандайдир ўйлар ўтаётганини ҳам сезиб турарди. У негадир «пешлик» қилиб: «Хўп, майли, хайр!» деди қўл узатиб. Қўлтиқлаб тургани энгилгина даста телпаклар ботмон-даҳсар бўлиб кетди. Қани энди бир лаҳзада шу тугуни-ю бошидаги бозорга тайёрланган сувсар телпаклар йўқ бўлиб қолса. Шу ҳолда Барчиннинг рўпарасида серрайиб

туриши ҳам ғалати туюлди ўзига. У қиз рўпарасида ортиқ бардош бериб туролмади.

— Хўп, хайр! Лекин сиз мендан хафа бўлманг, жуда дарсим кўп...

Улар хайрлашиб, икковлари икки томонга кетишди.

Нима бўлди? Арслон бўшашиб, қадами оғирлашди. Ёки уйга қайтиб кетсаммикан? Барчин совиб, айниб қолганга ўхшайди, ортиқча гаплашгиси ҳам келмади. Ёки, бирон одам унга: «Арслон ўзини савдогарчиликка уриб кетди. Институтни ҳам ўйламайди. Ишга киришни хаёлига ҳам келтирмайди. Ҳавойи бўлиб, пул топишнинг кетига тушиб кетган...» дедимикан? Ким айтиши мумкин? Ён қўшнилари айтдимикан. Ёки Отамулла айтдими? Йўқ, Отамулла бунақа қилмайди!

Арслон оёғи тортар-тортмай бозорга келди. Йўлкада иккита жўнроқ барра телпакни тиззасига кийдириб, деворга суяниб ўтирган Порсо ота унга ялт этиб қаради.

— Бозор касот, Арслон ука,— деди ўтирган ерида у.

— Мунча қаттиқ гапирасиз, отимни, амаки секинроқ гапиринг!

— Нега? Уяласанми?

— Нимадан уяламан?

— Уялсанг бозорга тушма! Мана шу бозордан нон ейсан-а, хумпар, нега ор қиласан! Бозорнинг червони яхши-ю...

— Э, қўйинг.

— Бозор касот. Унинг устига Махсум менга ўтмас телпакларни берибди. Диққатим ошиб ўтирганда сеники ўтиб тушди-ку! Мен Қизил Махсумга: «Бунақа ўртамиёна телпакларни чоршанба бозорга олиб чиқайлик, мол бозорига олиб бораман. Бунинг эгалари ўша ерда бўлади» дедим-а. Махсум унамади. Мана оқибати, эрталабдан бери бай очмай шундай ўтирибман.

Арслон Порсо отадан сал нарироққа ўтиб серрайганча турди. У қийиқчага тугилган телпаклардан биронтасини ҳам қўлига олмади. Одатда телпакни қўлига олиб, пуф-пуфлаб, харидорга кўрсатиши, ҳушёр, у ёқдан-бу ёққа юриши керак эди.

— Ҳа, нега қоққан қозиқдек қотиб қолдинг?

Арслон миқ этмади.

— Индамайсан? Хафа қилдикми? Бор, анави Ислон туядан биттангалик нос олиб келиб бер!

Арслон юз қадамча нарида, гўшт дўкон ёнида нос уюб сотаётган киши ёнига бориб, ёнидан йигирма тийин чиқарди. Носфуруш Арслоннинг юзига ҳам қарамай, қоғозга нос ўраб узатди. У носни амакига берди-да, бозордан чиқиб кетди. Кафтига нос тўкаётган амаки Арслонни хафа қилиб қўйдим хаёл қилиб, орқасидан ағрайганча қараб қолди.

Ҳа, Арслоннинг юрагига алам тушди. Бу аламга амакининг алоқаси йўқ, бу алам Барчин билан учрашган ондан бошланган эди. Барчиннинг «дарсим кўп, ҳеч қаёққа боролмайман», деганининг ҳам алоқаси йўқ эди. Бу алам бирдан ўзидан-ўзи пайдо бўлди. Рўбарўсидан чиқиб қолган Барчин унга бир ойна бўлган эди — бу ойнада Арслон ўзини кўрди. Мактаб комсомол ташкилотининг илгариги секретари, табиаати тоза, тўғри сўз Арслон ҳозир бозорчи, мол сотади... Студент, мана энди пул топишнинг пайига тушиб қолди. Бойимаган, бойишни истамаган дегрез отасидан бу «уддабурон» чиқди. Наҳотки отаси мана шу мўйнадўзликни, телпак тикишни билмади экан? Заводда мастер бўлишдан кўра юз чандон осон-ку! Даромади эса юз чандон кўп-а! Нега унинг отаси шу ишни қилмади? Нега унинг боболари ҳам чўян эритиб, қозон қуйиб, кун кўриб юргунча, мўйнадўзлик қилмади экан? Дегрез меҳнатининг қанчалик машаққатли эканини отасидан эшитган-ку! Нега нишон ака ҳам умр бўйи заводда ишлаб келяпти? Ошиб-тошиб ҳам кетмайди, камбағал ҳам бўлмайди; тўғри, катта «ган»лар бериб, одамларга тўн кийгизмайди...

Арслон телпакларни Қизил Махсумникига олиб бормай, ўз ҳовлисига қайтиб келди-да, онасига «сал мазам йўқроқ», деб каравотга чўзилди. Эртасига ҳам уйдан чиқмади. Унинг кўз олдида бир кимса миқ этмай тикилиб турарди. Бу — Барчин.

Индинига эрта билан Қизил Махсум кириб келиб, Арслонни қўярда-қўймай олиб чиқиб кетди.

— Ўзим тузатиб оламан, окўси, ҳозир уйда чўзилиб ётадиган пайт эмас. Сезон-а, сезон!

Қизил Махсум Арслонни етаклагандек қилиб, йўл-

Йўлакай кулдириб келди, йўқ деганига қарамай меҳмонхонага олиб кириб, юқорига, уч қават кўрпачага ўтқазди. Олдига кечагидан қолган, иситилган ош, қаймоқ, узум, иссиқ нон қўйди. Бир пиёла чой ичириб, ундан сўнг тахмондаги яширилган шишани олиб, икки пиёлага ярим-ярим қилиб коньяк қўйди.

— Э, қандоқ бўларкин, Махсум ака?

— Яхши бўлади! Қани, ол! Сен ўғил боласан-а! Сени мардлигинг учун яхши кўраман. Отамулла, Порсо ота майли, агар сен мени ташлаб кетсанг, унда дўконни ёпаман. Ишончим сен-а, окўси. Мирюсуф отамларнинг йиллари ўтгандан кейин, сени ўзим уйлантириб қўяман. Ҳали менинг умидим катта. Укам Зайнобиддиндан ҳам сени афзал кўраман, у ҳали тентаг-а. Қани, ол, саломат бўлайлик!

Улар пиёладаги коньякни ичиб юборишди. Иккинчи пиёла унча зўрланмай ичилди. Шундан сўнг, Арслон иштаҳа билан овқат еди.

Нонуштадан кейин, Арслон Қизил Махсумдан, «Шу ерда иш тиксам, бозорга бормасам», деб илтимос қилди. Махсум рози бўлиб, қирқилган барра, қорақўлларни Арслонга кўрсатиб, ўзи кўчага чиқиб кетди.

Шу ҳафта ичи Қизил Махсумнинг онаси Биби Ҳолвайтар билан Мусоват Қорининг хотини Мазлума хола Мадина холаникига совчиликка келишди.

Улар олдига дастурхон ёзилиб, дастурхон устида ҳамма гаплар гаплашилди.

— Мадинахон,— (Шундай деганни яхши кўради, аммо баъзан уни «Она Карнай» ҳам дердилар) сиполик билан оғзини гапга чоғлаб турган Биби Ҳолвайтардан аввал Мазлума хола гап очди.— Бизларнинг ниятимиз — отамларнинг йиллари ўтгандан кейин тўйни бошламоқ. Орзулик дунё экан. Ўғлимиз отамларнинг тирикликларида дуоларини олиб, ўғиллари ёнига яна битта ўғил қўшилгандек бўлган эди. Қандоқ қилайлик, ўртада муҳаббат савдоси ҳам бор; Сабоҳатхонни ўғлимиз яхши кўради. Бу гапига қулоқ солмасак Махсумжон ўзини ўзи бир нима қилиб қўйиши ҳам мумкин. Махсумжоннинг оталари бой ўтгани билан ўзлари ҳозирги замон боласи, тушунган, кўрган... Эрта-ю кеч хаёлида Сабоҳатхон, назаримда,

бирлари — Отабек-у бирлари — Кумуш. Муҳаббатлари чандон бўлсин-у, умрлари уларга ўхшамасин...

— Пешанада ёзиғлигидан қочиб қутулиб бўлмайди,— деди Мадина хола,— агар тақдир шундай бўлса, нима ҳам дердик. Отасининг ўлиmidан кейин на Саодат, на Сабоҳат қизларим, на Арслоннинг кўнглига сиғади? Бизнинг хаёлимизга ҳам келгани йўқ, айланиб кетай Мазлумахон.

— Тушунамиз,— деди яна қақиллаб Мазлума хола,— ҳозир юрагимизга тўй сиғмайди: отамизнинг йилларини ўтказиб, кейин бошлаймиз. Махсумжоннинг ҳам, хўжамнинг ҳам фикрлари шундоқ.

— Биз шошаётганимиз йўқ,— деди гапга аралашиб Биби Ҳолвайтар,— гап шундаки, фарзандимизнинг фарзандингизга бўлган муҳаббати чандон зўр. Сабоҳатхон қизимиз икки хонадоннинг фарзанди бўлишини умид қилиб, элчиликка келдик. Сизлар ҳам сўранглар, суриштиринглар. Ниятимизни билдириб қўяйлик, деб келдик.

— Қизи борнинг нози бор, дейдилар ойнониб кетай, Мадинахон,— деди яна Мазлума хола.— Махсумжон ҳамма оғирликларни елкасига олиб умримни энди бошқатдан бошлайман, деб ҳозирлик кўрмоқда.

— Айланай, Мадинахон,— деди Биби Ҳолвайтар,— ўғлим Махсумжоннинг пешанаси экан, илгариги турмуши бузилган....

— Хўжам у воқеани «субҳа козиб» деб атадилар... Янглиш бўлган...— деди Мазлума хола,— Мана, биз ҳамма гапни айтдик, сиз ҳам гапиринг. Тишсиз оғиз, тошсиз тегирмон дейдилар. Ичингиздагини гапиринг, айланай, тилимнинг тагига тилла қўйсанг гапираман, деб ўтирманг. Гапиринг, ўргилиб кетай, Мадинахон.

— Айтдим-ку, авваламбор, отасининг азаси, ундан кейин Сабоҳатхоннинг кўнгли қандоқ, уни билиш керак. Ҳозирги замоннинг ёшларини мажбур қилиб эрга бериб бўлмайди.

— Шуми ҳамма гап?— сўради Биби Ҳолвайтар.

— Шу.

— Бу гаплар бизга маълум. Бу гаплар бизнинг кўкрагимиздан итарадиган гаплар эмас, айланиб кетай овсин. Биз яна келамиз, жуда катта орзу-ҳавас

билан тўй қиламиз. Ҳозирча мана шу гап етади. Қани, биз турайлик, фотиҳа беринг, о-омин!

Биби Ҳолвайтар билан Мазлума хола ўринларидан туриб, Мадина хола билан хайрлашиб, жўнашди.

— Қўй ҳам, эчки ҳам ўз оёғидан осилади,— деди йўлда Биби Ҳолвайтар Мазлума холага.— Майли йўқ эмас, овсин. Мундоқ ўйлаб қарасангиз, Махсумжондек тегли, пул топадиган, удли-шудли йигитни қаердан топади? Оққан ариқнинг боласи-я! Мадинахонда ҳам ақл бор, ўйлаб кўради. Агар чуқур ўйлаб қараса, Махсумжон кўзига ярқираб кўринади. Уйлагани маъқул. Қизи қалай? Яна бир сеталоқи эмасми? Гарлар эркакларни домига туширишга уста бўлади.

— Йўқ, қизи ёш, яхши қиз, дейишади.

— Ундоқ бўлса тузук.

Арслон кечқурун уйга келгач, онасидан бугун совчилар келганини эшитиб ҳайрон бўлди. Сабоҳат ўзини ҳеч нимани билмаганликка солди. Опаси Саодат орқали эшитгани «уч шода дур, тилла соат, бриллиант узуклар, ўн бир сидра кўйлак...» Бунақа нарсаларни кўрмаган дегрез қизининг юрагига ғулғула тушган эди. Салоҳиддин бойваччадан қолган ичкари-ташқари ҳовли, боғ ҳам... Онасининг «ёғ тўкилса юқи қолади», деган гапи ҳам бойваччадан қолган мил-мил мулкка ишора эди.

Оқшом.

Она, бола, опа ўша эски хонтахта атрофида ўтиришар, бу хонтахтанинг бир томони бўш — авваллари бу жойда юқорида ёстиққа суяниб Мирюсуф ота ўтирарди. Арслон бу жойга ўтиришга журъат қилмади,— онасининг «юқорига ўтиравер», деганига ҳам қарамай, ўз ерига чўкди. Она бу билан «сен шу ерга ўтиришга лойиқсан», демоқчи эмас, «оиламиз сенинг қўлингда, болам, отанг ўрнини бос», дегандек бўларди. Овқатдан сўнг, Сабоҳат билан Мадина хола ичкари хонага кириб нималарнидир аллавақтгача шивирлашди. Арслон айвонда, отаси ёстиғига бош қўйиб, хонтахта четида ётаверди. Унинг ўз хонасига кириб каравотга чўзилишга ҳафсаласи келмади. Хаёлини синфдошлари Зоҳидий, Бурхонлар қамради. Мана улар иккинчи курсни тугатиш арафасида. «Бир йил кейинроқ мулла бўларсан, отангнинг аҳволини қара! У сени

боққан...» деб турган Қизил Махсум ҳам унинг кўз олдида турарди.

...Арслон ўз хаёлларининг поёнига етолмай юрган кунларнинг бирида яна дадасининг қадрдон ошнаси, шоп мўйлов Нишон акага рўпара келди.

— Қалай, саломатмисан, ука?

— Раҳмат! Ўзингиз қалайсиз?

— Биз — отдек!

— Доимо отдек бўлинг.

— Окўси жонидан, нима сабабдан йўлингни пойлаганимни тушунган бўлсанг керак-а? Ақлинг кўр бўлса, кўрар кўздан не фойда? Йўқ, сен ундоқ эмасан. Сен ақлли йигитсан, ўзинг эшигимни тақиллатиб келиб: «Ҳой, Нишон ака, сиз билан бир пиёла чой ичгим келди. Отамнинг қирқ йиллик ошнаси эдингиз, отамнинг ҳам қўли қадоқ, сизнинг ҳам қўлингиз қадоқ, сизни кўрсам рабочий отамни кўргандек бўламан», деярсан, деб эдим. Дарак бўлмади. Менинг уйимда ҳар куни қази-қарталар пишиб турмайди, мен «гап» ҳам ўйнамайман...

— Тушундим.

— Гапни бас қилай-а?

— Ҳа.

— Boisини ҳам биласан-а?

— Виламан.

— Қаерда кутай? Сен билан бир гаплашгим кел-япти.

— Хоҳланг бизникида, хоҳланг сизникида.

— Бизникига кела қол. Бир пиёла чойимни ичасан, бизники мазалиқ...

— Бўпти.

— Кўйлагингнинг бурмалари орасида битта-яримта бит борга ўхшайди. Уни ювиб-дазмоллаб оладиган вақт келди,— деди Нишон ака Арслонга тикилиб туриб. Унинг баъзида шундай қалтис гаплар гапириб юборишини Арслон биларди. У тоқат қилди.

— Лаббай?— бу гап Арслонга ёқмади. Ким ҳақида гап кетаётганини пайқаб турса-да, индамади.

— Хўп, майли! Эрта билан кутаман.

Улар хайрлашишди.

Нишон ака қайсарлиги тутса керагов, деб гумон қилган эди — йўқ, Арслон эрта билан заводга борди. У заводга ариза кўтариб бориб Матвеевга учрашди, ишнинг энг оғири ҳисобланган — формовшикка ёрдамчи қилиб тайинланди. Бирон қилиғи—хулқи атвори билан гуноҳ қилиб қўйганлар мана шу қуюв цехида икки ой ишлаб беришарди. Улкан цехнинг бир томонига жойлашган конвейернинг йўгон занжирлари секин айланиб турар, бу занжир остида қатор қолиплар... Яланғоч бўлиб олган йигитлар белкурак билан қолипларга қум тўлдиришарди. Учқун сочиб, гувиллаб ёнаётган вагранкаларнинг ялиғи баданларни қиздириб терлатарди. Қаҳратон қишда ҳам цех ичи қайноқ — ёш-яланглар шим ва этикдан бошқа кийимларини ечиб ташлашар: кўкракдор, пайлари ажралиб турган бу одамларнинг тани қизғиш чўянга ўхшаб кетарди. Юлдузлардек учиб турган беҳисоб учқунлар ҳам бу пўлат танларга уриларди-да, сўниб йўқоларди. Бу танлар чўяндан қуйиб олинганга ўхшарди. Дегрез ўғли учун эриган чўяну чарсиллаб учқун отувчи лава-ю дуду-тутунлар таажжуб эмас; унинг қонида бор, гўё инстинктдай — кўзи билан кўрмаган бўлса ҳам ҳамма аъзолари сезиб тургандай бўларди. Ҳар қалай аввалига цех шовқинига кўника олмаган Арслон бир неча кун гангиб, бошқа, тинчроқ цехга кўчишни ўйлади. Токарлик, слесарлик, инструменталчи... У, Матвеев билан бу ҳақда гаплашмоқчи ҳам бўлди. Завод қошида курс бор, икки-уч ойдан кейин токар ёрдамчиси бўлиб разряд олиш ҳам мумкин... Лекин заводда ишнинг «ўғил боласи» ҳисобланган вагранкачи, формовшик, залившикликдан қочиш яхши эмас! Шохдан-шоҳга ўтадиган читтакларни завод ёмон кўради! Арслон ўйланиб қолди. Бунинг устига, шу йил ёзда комсомол путёвкаси билан заводга келган ўзбек йигитларини эслади. Кўплари яхши ишлаб кетди-ю, бироқ биттаси номардлик қилиб, қочиб қолганлиги цехда ҳалигача гапирилади. Иккиламчи, сарғиш мўйлови оғзини қоплаган Матвеев билан жик-

как Нишон ака: «укажон ҳай, ҳай, айб бўлади!» деб тургандек бўлишарди.

Қуюв цехи тинмай гумбирлар, аччиқ дуд ичида формовшикларнинг оёғи остидаги ер доимо титраб турарди. Махсус қорамтир қум тўлдирилган қолиплар устидан тинмай шиббалайдиган кучли пресс — станокларнинг хартумнамо тумшуғи, туянинг оёғига ўхшаш япасқи босқичлари бир дақиқа тинмас, олов пурковчи вагранкалардан оқиб келаётган лава ариқчалардан жилдираб келиб, қолипларга қуйиларди. Янги оқиб чиққан, ҳарорати баланд лава майда тишлари бор, катта деталларга, андак ҳарорати совигаҳ, охирги эритма кичик ва оддий деталларга қуйиларди.

Бу, 1940 йил эди.

Цехнинг ойнаванд тепасида икки кўтарув крани гилдираб юриб, баҳайбат қозонларни у ёқдан-бу ёққа олиб келар, катта чўмичлар эриган чўяни тақсимларди. Бунда тоғ шалолаларидек доимий бир гувиллаш ҳоким.

Арслонни цехга олиб кирган Матвеев формовшиклар мастери Шавкат Нурғалиев билан таништириб, шу ерда қолдириб, чиқиб кетди. Нурғалиев цех шовшуви, тарақ-туруқ ичида Арслоннинг қулоғига оғзини олиб бориб бир чеккадаги ўриндиқни кўрсатди: «Ўша ерда кутиб тур». Арслон ўша томонга бориб, бунда папирос чекиб ўтирган йигитлар ёнига чўкди. Гумбурлашлар, тарақ-туруқлар борган сари авж олаётгандек бўларди. У бир соатча кутди, негадир формовшиклар орасида терга ботиб ишлаётган мастер унга қайрилиб қарамасди. Ҳамма ўз иши билан банд, бирон одам келиб нима қилиб ўтирибсан, демайди. Цех жуда улкан — у боши билан бу бошини аранг кўз илғайди, шифти осмони фалакда. Ҳамма ёқда учқун, олов. Одамлар шу учқунлар орасида юра беришарди. Бу чўғлар ўзлариники, синашта, шу сабабли танларни ҳам куйдирмасди. Асаларилар гувиллаб ўрагани билан ўз эгасини чақмагандай сачраётган учқунлар одамларга қўниб, танларига сингиб кетгандай бўларди.

Бир ярим соатлардан кейин Нурғалиев Арслоннинг ёнига келди. Кўкрак чўнтагидан портсигарини чиқариб, ундан бир дона папирос олди-да, гильзасини эзиб, лабига қўндирди:

— Қалай?

— Нима қалай?— деди Арслон жиндек тўнглик билан. У, ичида Максим Петрович Матвеевдан ранжиб ўтирарди. Келиб-келиб, шу одамнинг қўлига топшириб кетди-я! Ўзи ишлаётган моделчилар ёнига олиб кирса бўлмасмиди? Ўша ерда ишлаб турардим...

— Цехимиз қалай?

— Яхши!

— Қулоғинг битиб кетмадими?

— Йўқ!

— Молодец!— деди у папиросини ёндириб,— Ўлмасбоевнинг ўғли бўласанми? Матвеев шулай деди. Яхши қилибсан келиб.

Арслон индамади.

Нурғалиев папироснинг қуюқ тутунини ютиб, икки қўли шимининг чўнтагида, вагранка томонга тикилиб ўтирган Арслонга бошдан-оёқ қаради.

— Қани, кетдик!— деди Нурғалиев Арслонга буйруқнамо қилиб.

Арслон ўрнидан турди.

— Ташқарига чиқамиз, йигирма минутдан сўнг перерив. Шу шов-шув ичида ҳам гапимни англаб — эшитдинг, бу яхшилик нишонаси. Бундан ўн бир йил илгари мен отангнинг қўлига шогирд бўлиб тушганман, ишга қўл урмасдан аввал икки соат менга: «Аввал ўтириб томоша қил, бизларнинг қанақа ишлашимизни кўр, малай, чоғинг келса жомакорни кийиб ишга тушарсан. Бўлмаса жўнарсан»— деган эди. Бизлар ҳаммамиз бир-биримизни «сенлаб» гапирамиз, бу — одат. Тағин хафа бўлиб юрма. Отанг бик яхши одам эди. Бир ой ишлаганимиздан кейин — «нўғой бола, ёмон бола эмас экансан!» деган...

Нурғалиев билан Арслон цех шов-шувидан чиқиб, ошхонага борадиган асфальт йўлда қадам ташлашарди.

Шавкат Нурғалиев ўттиз бешларга борган, ориқ ва новча одам. Пешанасига тушиб кетаверадиган сийрак, майин сочини бармоқлари билан тез-тез орқага тараб қўяди. Юзида, бурни ва манглайида андаккина чўтири бор.

— Атийинг традициясини қилсанг, конечно, заводда қоласин. Истамасанг кетасин. Биз сени бўйнингдан боғлаб ишлатмаймиз. Синга политика сўқ-

маймиз-да! Рабочий киши — ҳалол инсон! Бизнинг оталаримиз революция ясадилар... Ну, вот и всё! Энди ўтир, ошайбиз!

Заводнинг шарқ томонидаги баландликка жойлашган ошхонага чиқиб бўш столга ўтиришди.

— Шулай, ибдаш. Менинг фамилиям Нурғалиев, исмем — Шавкат. Мени просто «Шавкат обий» деб атасанг-да була, ўртоқ Нурғалиев десанг-да була. Собранияларда, «товариш Нурғалиев» дерсин, бу инди официална. Мен ўзим простой кишиман...

Завод ошхонасида ҳаммага таниш семиз хотин Нурғалиев билан Арслонга боршч, котлет, кефир, нон олиб келиб қўйди. Нурғалиев ўзи учун ҳам, Арслон учун ҳам пул тўлаб юборди. Арслон эътироз билдирган эди, «Ничево, мен сени қўноқ қилмоқчиман. Ол, совутмасдан ич! Бу энди сизнинг пловингиз эмас. Шулай. Ишлаган кишиларга пловдек тотли кўрина. Атийинг чўчқа гўштини ошамий эди, ўзи кадровий рабочий. Шулай, капризный эди. Ол, еябер!»

Арслон бир оз тортиниб, кейин овқатдан ола бошлади. Аммо Нурғалиев жуда барвақт ишга тушганлиги, қаттиқ ишлаганлиги сабабли иштаҳа билан ҳашпаш дегунча тушириб бўлди.

Шундан сўнг у папирос чекди, тик туриб қолганларга кўзи тушиб дарҳол жой бўшатиб берди. Арслон ҳам у билан баробар ўрнидан туриб, завод ҳовлиси охирида баланд қадини кўрсатиб, пишқириб турган корпус — литейний цехи томон юришди.

— Ошашингнинг мазаси йўқ,— деди Нурғалиев Арслонга,— овқат ёқмадим, ёки иштаҳанг йўқми?

— Уйда яхши овқатланган эдим,— деди Арслон уялинқираб.

— Ичасанми?

— Лаббай?— Арслон ялт этиб Нурғалиевга қаради.

— Арақи ичасинми, деб сўрийм?

— Йўқ.

— Улай бўлса яхши. Мен оз-моз ичам. Албатта, ишдан кейин. Ну, энди бул ичиш хотинларибизга ёқмай, ичмагиз, булай яхши овқатлар йигиз дейлар, тушунтиралар, яхши сузлар айталар, биз оз-моз ичабиз, ичмасак бўлмай. Лекин сўкишмийбиз, бировни оскарбит этмаймиз, просто тортабиз-да-кетабиз. Оз-моз жир-

лайбиз, и всё! Сенга ичарни маслаҳат кўрмийм, лекин биз ичганда «полезный маслаҳатлар» бериб, арақнинг организмга зарарли эканини тушунтирадиган кишиларни ёқтирмийм!

Улар икков цех шов-шувига киришгач, бир лаҳза гувиллаб ёниб турган вагранкаларга тикилишди. Арслон устидаги оқ кўйлагини ечиб, боя Нурғалиев кўрсатган душ ёнидаги кийим алмаштирадиган хонага кириб, устига жомакор кийиб олди. Шундан сўнг, мастер кўрсатганидек, белкурак билан титраб турган қолипларга қорамтир нам қумдан сола бошлади. У конвейердан секин-аста айланиб келаётган қолипларни ўтказиб юбормаслик учун жуда тез ҳаракат қилар, бир лаҳзада уч-тўрт қолипни қумга тўлдириб бошқаларининг ҳам ёнига югуриб борарди. Тепасида кузатиб турган Нурғалиев ва бошқа формовшиклар янги ишчига кулиб қараб туришарди. Ошхонадан қайтиб келганлар ҳам бир лаҳза бунда тўхтаб, терга ботиб ҳаракат қилаётган «янги»га кулиб қараб қўйишарди.

— Кулманлар! — деди Нурғалиев рус йигитларига, — ўзларингизда ишни мана шу ердан бошлаган эдингиз. Ўлмасбоев! Сен жуда тез киришяпсан. Ҳовлиқма! Қолип конвейердан ёнингга келгандагина қум сол. Олдинга югуриб, қумни сочиб кетиш ярамайди. Бунда сен тезда чарчаб қоласан, лекин конвейер чарчамайди.

«Хўп», дегандек Арслон бош қимирлатар, бир лаҳза тўхтаб қолипларнинг оқиб келишини кутарди. Тепасида тўпланишиб, кулиб турганларга эътибор бермай, ўз иши билан шуғуллана бергани, дастлабки кулкини совуққонлик билан қарши олгани Нурғалиевга ёқди. Бундай чоғларда сиркаси сув кўтармай қўполлик қилиб, сўкиб юборадиган йигитлар ҳам бўлган. Арслоннинг бардоши — дастлабки синов сифатида Нурғалиевга маъқул бўлди.

— Ўлмасбоев, менимча тўғри ишляяпсан. Ҳозир Володя овқатдан келади, икковинглар ишни пирра қилиб ташлайсизлар.

Арслон яна «хўп бўлади» дегандек бош ирғаб қўйди-ю, лекин гапирмади. «Янги меҳмон»нинг андак тортинчоқлиги, камгаплиги ҳам Нурғалиевга ёқди. У анча сергап эдию, аммо ўзига тобе кишиларининг сергаплигини ёқтирмасди. У «национал кадр»ларнинг

тезда ҳар гапга араллашиб кетавермаслиги, тортинчоқлигини биларди — бу икки нарсадан деб ҳисобларди. Биринчидан: рус тилини унча яхши билмаслигидан, иккинчидан — маҳаллий халқ болаларида итоатгўйлик, бетга чопмаслик, бир сўз билан айтганда ҳаё борлигидан деб биларди.

Бозор, савдогарчилик жонига теккан эканми, Арслон заводда ишга астойдил киришиб кетди. На Матвеев ва на Нурғалиевнинг «тарбиявий ва тушунтириш ишлари» даркор бўлди! Улар бир, икки ҳафта сабр қилишди ҳам — йўқ, «янги меҳмон» ҳеч қандай ҳунар чиқармади. «Отаси қилган ишни қилади-да, қони тоза...» Терлаб-пишиб ишлаётган Арслонни унча назоратга олишмади. У гўё сафга кириб, ҳамма қатори ишлай берди.

Шу ҳафта ичи мастер Нурғалиев сменадан сўнг Арслонни ўз уйига олиб борди — қайнанаси Моҳинурбону тайёрлаган парамач, чакчак ва бошқа татарча овқатлар билан меҳмон қилди. Хотини Марзия, қадди-қомати келишган хушфёъл, истараси иссиқ, ниҳоятда чиройли жувон шу ярим чўтир, новча, совуққина Нурғалиевга текканига ҳайрон бўлди. Нурғалиевнинг бир ўғилчаси бор. Моҳинурбону эликларга борган семиз, кўркам хотин бўлиб, суҳбатда маълум бўлишича асли Қозон татарларидан экан. Ёш ва гўзал қизини ишчига бергани билан ўзининг айтишича, асли таги кўрган эканлиги, эри инқилобдан аввал Қозондан келиб Тошкентда ўртоқлашиб қолган машҳур бой — Раҳим Тумановнинг приказчи бўлганлиги, битта синглиси ўзбекка турмушга чиққанини ҳам гапириб берди. Раҳим Туманов инқилобдан кейин заводларини Совет ҳукуматига ўз ихтиёри билан топширганини, янги шаҳардаги ҳовлисида қизлари билан камтарона кун кўриб, яқинда вафот этганини, раҳматли эрининг эски шаҳардаги мўйнадўзлар билан алоқада бўлгани, синглиси туфайли қадимий маҳаллаларга ҳам бориб туришганигача айтиб берди.

Меҳмонни баҳона қилиб хотинининг эътирозига ҳам қарамай Нурғалиев бир-икки рюмка арақни бостириб-бостириб ичиб олди. Зўрлаб Арслонга ҳам бир рюмка ичирди. Кўкраклари андак очиқ Марзия Арслоннинг рўпарасига ўтириб уятчан йигитни гапга

соларди. Арслон бўлса мастернинг гўзал хотинига тикилиб қарашдан уялиб, кўпроқ юзини қайнанаси Моҳинурбонуга тўғриларди. Марзиянинг момақаймоқ дудоқлари Барчинни эслатди. Ахир Барчиннинг ҳам дудоқлари, лаблари худди шунақа эмасми? Арслон кўз олидида Барчин пайдо бўлди...

Кайфи ошиб қолган Нурғалиев бирдан суҳбатни бўлиб, жиддий гаплардан, заводнинг аҳамияти, рабочий человек — пролетариат, «советлар союзи — пролетариат диктатураси» эканини Арслонга яхшироқ тушунтириб қўйгиси келарди. Бу гаплар хотини, қайнанаси ва ўзбек меҳмон олдида кулги кўтарса ҳам, бу гаплар жуда самимий экани, «дўстим, заводни ташлаб кетма» деган маънони берарди. «Ўзбеклар, татарлар заводларда кўп бўлишга тегиш. Олиб-сотар паразитларни ёқтирмим!» — дерди у.

— Шавкат, эй Шавкат, меҳмон олдида яхши сўзлар айтиш керак, — деди Марзия эрига эркаланиб.

Яна бир рюмкани отиб юборган Нурғалиев, хўп, айтаман, дегандай ўйламсираб, гап бошлади:

— Вот, пчёла, бор, мёд. Биз уни ўзбекча ниндий деб атаймиз?

— Асалари, — деди Марзия кулиб.

— Ну вот, асалари яшигида трутенлари, яъни эркаклари кўпайиб кетса мёд бўлмай. Барини ошаб қўя. Шундан кейин ишчи арилар паразитларнинг бошини узиб ташлайлар, шулай. Мен, паразитларни ёқтирмийм. Шулай!

— Ёқтирмийм, ёқтирмийм дейсан! — луқма ташлади Марзия, — арақни ёқтирасан! Арақ ичиб, маст бўлиш ҳам ёмон!

— Сен аралашма, Марзия! — деди Нурғалиев хотинини эркалаб, елкасига уриб қўйиб, — биз арақ ичсак ҳам сердцамиз тоза. Совесть имеем, ишлайбиз. Ватан нени истаса шуни қилабиз. Мен шундай одам. Арақ деб исмимизни опорочит этмийбиз.

Арслон бу гапни иккинчи бор эшитиши: Нишон ака ҳам худди шундай: «Биз ишчимиз, ўз ҳуқуқимизни қўлимизга олганмиз. Юрт мендан нимани истаса шуни қиламан», деган эди.

— Ҳа, биламан, бу арақ серцангни яхши қилса керак. Агар серцангга фойда бўлса ича бер! Сиз (Арслоннинг исмини билмагани сабабли Марзия унга «сиз»

деб муғожаат этарди) Шавкат аканинг арақ тўғрисида даги гапларига қулоқ солманг!

— Бизда хотинларнинг гапига қулоқ солмиймиз. Ол, Ўлмасбоев, ич!

Улар аллавақтгача улфатчилик қилиб ўтиришди. Арслон Нурғалиевнинг қайнанаси ва хотинини ўз уйига, ўзларига қулай куни меҳмон бўлиб келишларини илтимос қилиб, хайр-хўшлашиб, эски шаҳар томон жўнади. Йўл-йўлакай бу қувноқ, беғубор ишчи оиласи ҳақида ўйларди. Бу оила — жаҳолатдан, майда гаплар, кўҳна одатлардан узоқ. Ҳамма нарсани пулга чақадиган, «пулинг бор — обрўйинг бор, пулинг йўқ — сен уч пуллик одамсан», дейдиган Мусоват Қори ҳам кўз олдига келди. Бу одам қишлоқдан келганларни «анди», бошқа миллатга мансуб кишиларни «таги паст», деб атарди. «Анди» бўлмаган, «таги баланд» одам унинг наздида ёлғиз шу, Маккага бормаи «Ҳожи» бўлган Мусоват Қори эди.

Катта кўчадан чапга бурилиб маҳалланинг тор кўчаларига ўтди, буни қаранг, ҳозиргина хаёлдан ўтиб тургани Мусоват Қори билан харсангтош йўлкада учрашиб қолса бўладими! Унинг бир қўлида фонус, қаёққадир кетаётган эди. У бошини Арслонга яқин олиб келиб, фонус тутди.

— Ия, қалпоқда катта бўлган, қаёқдан келаяпсан?

— Салом алайкум! — деди Арслон. — Бир ерда эдим, Қори ака.

— Ваалайкум ассалом! Зовутга кираётганмишсан деб эшитдим. Шу ростми?

— Рост.

— У иш нима бўлади?

— Қанақа иш? У ҳам ишми! Бозор ҳам иш бўлти-ми! Ўзини билган одамга шармандалик-ку! Бундан кўра без терган яхши!

— Ҳай-ҳай, тўрт энлик пастга тушсинлар!

— Ҳай-ҳайи йўқ, тўрт энлик пастга тушиш ҳам йўқ, Қори ака! Отамларнинг васиятлари шундоқ бўлган. Менинг учун отамнинг васиятларидан муқаддас нарса йўқ. Гап шунақа, вассалом!

Қори тор кўча қоронғилигида бир лаҳза Арслонга ўқрайиб тургандай бўлди. Шундан сўнг, индамай йўлида давом этди. Арслон ҳам ўз ҳовлиси томон юра бошлади. Аввалига унинг қуюқ «ваалайкум ассалом»

деб, кейинига миқ этмай жұнаб кетиши Арслонга таъсир қилди; ўз маромига юрмаган кишиларга юқоридан қараб, беобрў қилишга уринадиган бу маккор одамдан Арслон андак ҳайиқди ҳам. Аммо ўйлаб қараб, бу таги чириган, омонат эски деворга суянгиси келмади. Унинг орқасида мустаҳкам, метин деворлар гумбурлаб, олов пуркаётган вагранкалар тургандек туюлди. Бу — мустаҳкам қўрғон, унга суянса бўлади, деб ўйлади.

Ун биринчи боб

У Ч

Нишон аканинг оғаси Эсон бува бу йил саксон тўрт ёшга кирди. Унинг соч-соқоли пахтадек оппоқ, хушфеъл, болаларга меҳрибон, кексалар ичида файзли, кўркам қариган эди. Қариндош-уруғлар ичида кўрк, йиғин-маъракаларда эътиборли кишиларнинг бири, зийрак ва донолиги билан ҳамма вақт иззату икром қилинар, уруғ-аймоғидаги ҳамма чақалоқларнинг танглайини кўтарган ва яхши исмлар қўйган Эсон бува баъзи чоллардек ачиб-сасимай, «беш кунлик» умрини қаноат билан ўтказар эди. У пок-озода, тоат-ибодатини қанда қилмас, аммо ёш-ялангларга, хоҳлайдим, хоҳламайдим, шариату тариқатдан сафсата сотишни ёқтирмасди. Таҳорату намоз шахсан унинг тан сиҳатлиги учун зарурат ва умуман ёшликдан одатлангани сабабли, дўст-ақраболаридан ажралиб қолмасликни кўзлаб, қанда қилмасди. У, баъзилардек баджаҳл, ирkit қаримади, бола-чақаларининг жонига тегадиган совуқ қилиқлари билан хонадонига юк бўлмади. Унинг кексалиги-ю нуроний сиймосини одамлар сидқидилдан эъзозлашарди. Уни кўрганда невар-эвараларининг чиройи очилиб, палапон мусича боласидай қанот қоқиб, бобога талпинишар, битта кўтаришини, соқоли билан гўдак томоғи тагини қитиқлаб, кулдиришини, чўнтагидаги туршак-муршагидан беришини ишташарди. Чевараси онасини эмиб бўлиши биланоқ бувага талпинарди — улар бир-бири билан узоқ ўйнашар, уларнинг фарқи фақат бир нарсада: бири — соқоллик, иккинчиси соқолсиз гўдаклар эди.

Эсон бува жойнамоз ёзиб, намоз ўқиб ўтирганида икки невараси рўпарасида, жойнамоз устида бувага бақрайиб қараб ўтиришарди. Буванинг барча хатти-ҳаракати фақат улар учун бўлаётгандай. Улар қиқирлаб, кулиб, бува билан ўйнашишарди, унинг чопонидан тортиб, овозини чиқаришни сўрашар, бува бўлса саждага бош қўйиш учун жой тополмай, қийшайиб, ёнига эгилар, «кетинглар» деб имо қилганига ҳам тушунмасди. Икки гўдак меҳроб бўлиб, рўпарасида туришарди... «Худонинг ўзи кечирсин...» — бува ҳар кунги одатини наридан-беги бажариб, кўнгли таскин топар, шундан сўнг яна гўдаклар билан гурпаклаша бошларди. Ўтирган жойида қўл чўзиб, токчадаги радио карнайи симини тиқиб қўяр, андак хириллаб гапирадиган радиога жон қулоғини тутарди. Аммо икки чеваранинг на намози, на радио мухлиси билан иши бор! Улар учун дунёда битта одам бор — у ҳам буваси...

Эсон бува тақводорликка муккасидан кетганларни ҳам унча ёқтирмас, «замон сенга боқмаса, сен замонга боқ», дерди. Зоҳидликни ҳам, тарки дунё қилган қаландарнамо кимсаларни ҳам жини суймасди. Растада баъзан Кўкалдош орқасидаги каппонда пайдо бўладиган вайсақи қаландарни ҳам, тарки дунё сўфини ҳам ёқтирмас, бу ишларни ўша зоҳиду обидлар қила берсин, бизлар косиб, дўлоби одамлармиз дерди. Шундоқ ёруғ кунга етиб, камбағалларни кифтига офтоб теккан пайтда Шўро ҳукуматига қарши чиқадиган, одамларни айирадиган шайхантовурлик Мунаввар қорига ўхшаганларни ёқтирмаган эди. Баъзан ҳаммаҳалласи Мусоват Қорининг эл ичида «миллатимиз...» деб шақиллаган вақтларида сўз билан шартта қамчилаб, Қорининг нафасини ичига тушириб юборган вақтлари ҳам бўлган. У бўлса Эсон бувага бир нима деб гап қайтаролмасди. Ичидан «ҳа, сен ўша Нишон — рабчукнинг акаси-сан-да!» деб қўярди. Бир куни тўйда Эсон бува даврада замондан нолиб одамларни ўз оғзига қаратиб ўтирган Мусоват Қорига яна қамчи урди: «Ҳой, нолангни қўйсанг-чи, хотинга ўхшаган!» Бу сафар ҳам Қори тишини-тишига қўлиб тоғасининг «зиёли киши қора эл таънасига қизиқишмаслиги даркор» деган фикрига амал қилиб миқ этмади. Ҳар қалай Эсон буви ўз шартакилиги билан Мусоват Қорини қамчилаб турарди. Бу Қорига ёқмас, у

ўзини «таги паст дегрезу, тақачилар»дан четроққа олиб юрарди.

Эсон бува баъзан ўз иниси Нишон акага панду на-
сихат қиларди: «Шўро ҳукуматини сендан кўра ҳам
кўпроқ яхши кўраман, лекин кишига озор берманглар,
ҳукумат қонунидан четга чиқманглар. Саҳв қилиб,
адувнинг сўзига учманглар... Троскоп деган ёмон душ-
манлар бор, бўлмаса, мана шу Эгарчи маҳалладан
чиққан, камбағалнинг ўғли Акмал Икромиф аксилин-
қилобчи бўлиб чиқармиди! Чалғиманглар!» — дерди
Эсон бува ўзини баъзан сиёсатдон кўрсатиб.

«Ока, сиз кўп нарсаларни тушунмайсиз. Одамлар
ичида ҳар нарсаларни гапириб юрмай, худо-обло... де-
ганингиз маъқул», дерди Нишон ака Эсон бувага
баъзида. Лекин Эсон бува дарҳол укасига жавоб қи-
ларди: «Ота-бувам эшон бўптимики, худо-облодан
оғзим бўшамасин. Сен ўзинг нима бўлсанг мен ҳам
шу!»

Шундай қилиб, Эсон бува маҳалла қари-қартанг-
лари ичида тўғри сўз, дўсара ва хушфезллиги билан
эътибор қозониб, кўрк бўлиб юрарди. Носазо иш қил-
ганларга сўз билан танбеҳ бериб, алам чекканлар пе-
шанасини силаш билан кун кўраверамиз, деб юрган
Эсон бува шунча зукколигига қарамай оёғи остида
товонга порт этиб кириб қулатадиган пинҳоний чў-
киртақлар борлигини билмас, хайрли иш қилиб юрга-
нидан масрур эди. Аммо, қаердадир Мусоват Қори
ўзининг бир ошнасига ҳилпиллаб юрган Эсон бувани
кўрсатиб, орқасидан кулди: «Бу нодон чол эсини еб
биз билан олишяпти. Бир таъзирини бериб қўйсанг-чи!
Тўнғиз қўпиб кетади. Ўзи ҳам пишиб турибди-ю, ти-
лини тиймайди. Қарилик мўрт нарса, чирт этиб
узилиб кетганини ўзи ҳам билмай қолсин». Шериги
эса: «Худо бандасининг аввал ақлини олармиш,
кейин ўзини», деди. «Бу» Шўро ҳукуматининг був-
си «шунақа хилидан» дея яна сасиди Мусоват
Қори.

Кунлардан бир кун маҳалла комиссияси идорасига
кирган бир журналнинг мухбири — хипчагина йи-
гитча раисни учратолмай чойхонага чиқди. Бу ерда
ўтирган Мусоват Қори, ўзини «маҳалла активлари-
дан» деб танитди. Мухбир йигитча маҳалла маданий-
оқартув ишлари қалай кетаётганлиги, чойхонада ате-

истик лекцияларнинг аҳволи ҳақида хабар ёзиши лозимлигини, шу мақсадда келганини Мусоват Қорига маълум қилди. Қори мухбирчани ўтиришга таклиф этиб, чой узатди. Маҳалла комиссияси раиси қаёққадир кетгани, йўқлигидан афсусланиб, агар шундай мақола ёзиш жуда зарур бўлса, у жони-дили билан ёрдам беришга тайёр эканлигини айтди.

— Маҳалламизнинг пасту баландини яхши биламан. Майли, марҳамат, сиз сўранг, мен жавоб бераман,— деди Мусоват Қори.

— Қизил бурчак борми?— сўради йигитча чўнтагидан дафтарча билан паргар ва пойнакли қаламини олиб.

— Ҳа, бор, ана!— Мусоват Қори чойхона бурчагидаги деворга ёпиштириб қўйилган плакатни, тоқчада чанг босиб ётган юпқа китобчаларни кўрсатиб.— Қизил бурчак анчадан бери бор.

Мухбир йигит дафтарчасига алланималарни ёзиб қўйди. Кейин яна бошини кўтарди:

— Маданий-оқартув ишлари қанақа?

— Чунончи?

— Лекциялар бўлиб турадимиз?

— Албатта, бўлиб туради. Чойхона бўлади-ю, лекция бўлмайди. Ҳар куни лекция эшитиб турибмиз...

Йигитча ишонқирамагандек ялт этиб Мусоват Қорига қаради. Қори дарҳол буни сезди.

— Жиддий айтяпман, укажон!

— Лекциялар нима тўғрисида бўлади? Атеизм тўғрисида ҳам бўладими?

— Бўлади. Атеизм тўғрисида бўлмаса яна нима тўғрисида бўларди! Бу ҳозирги кунда чирсиллаб турган масала-ку! Худосизлар ҳақида демоқчимисиз?

— Маҳаллада худосизлар кўпми?

— Бор. Маҳалла бўлади-ю, худосизлар бўлмайди-ми?

— Бир-иккита мисол айтолмайсизми?

— Айтишим мумкин.

— Марҳамат.

— Айтаман,— деди Мусоват Қори ҳозироқ ёзишга чоғланиб турган мухбирчага кўз қирини ташлаб.— Яхши мисол бор: мана, Эсон бувани олайлик. Бу зот саксон тўрт ёшга борган, нуроний отамиз маҳалла-

мизнинг кўрку савлати. Муҳтарам отамиз замонавий, у зот ҳамма лекцияларни диққат билан тинглаб, худосизлар жамиятига ёзилганлар. У кишининг бир инилари Нишон Тешабоев — ишчи, ўзлари тушунган чол...

— Эсон буванинг фамилиялари нима?

— Эсон бува Тешабоев-да. Ота-боболари дегрез ўтган. Яъни чўян эритиб, қозон, обдаста, това қуядиган одамлар.

— Худосизми?

— Паққос худосиз-а! Бориб турган худосиз шу киши.

Яна бир муддат шакаргуфторлик қилишгандан сўнг, чиқиллаб турган ўша хипча мухбир йигитча хайр-хўшлашиб жўнади. Қори бўлса бир қайнови ичида мухбирчанинг орқасидан кулиб қараб қолди.

Бу гапдан кейин орадан бир ярим ой вақт ўтгач, чойхонада кимдир қўлидаги шапарак бир журналчани кўрсатиб, Эсон бува ҳақида мақола чиққанини айтиб қолди. Таниш-билишлар қани, овозингни чиқариб ўқи, деб журнал топган одамнинг атрофини ўрашди. Бу одамлар ичида Мусоват Қори йўқ эди-ю аммо икки кун ўтар-ўтмас бу гапни унинг ўзи ҳам эшитди.

Маҳаллада дув-дув гап...

Икки кун ичида бу гап етиб бормаган биронта хонадон қолмади — маҳалла қолиб, бу томони Охунгузар, бу томони — Қўштут, бу томони — Ҳадраю Оқмачит, бу томони — Чорсу, бу томони — Кесакқўрғонгача етиб борди. «Диндан қайтган чол» ҳақидаги гап баъзи қариндош-уруғлари борлар орқали Қоплонбек, Қонқус томонларга ҳам, бу ёғи Эшонбозор, бу ёғи Яланғочу Шўртепагача етди. Одамлар ҳайрон: «Хўш, қайтибсан, қайтибсан, саксон тўртга кирганингни гапириб нима қиласан!» Шу паллада Шўро ҳукумати сенинг диндан қайтганинга зор эканми, миясини еган чол!»

Ҳамма билгандан кейин, ҳатто шўртепаликларга етиб боргандан кейин, ҳаммадан сўнг бу гап Эсон буванинг ўз қулоғига етди. Агар Нишон ака заводдан қайтаётиб чойхонага кирмаганида уйда тоат-ибодатини қилиб, чеваралари билан гурпаклашиб ўтирган Эсон буванинг ўзи ҳам эшитмаган бўларди.

Эсон бува бақрайиб қотиб қолди. Унинг оғзи очи-

либ, соқол-мўйловлари ҳам артистларникидай ёлғондан ёпиштириб қўйилгандек, илиниб тургандек эди.

— Ё қудратингдан! Бу қандоқ кун!— деди Эсон бува,— мен ҳеч кимга бунақа гапларни айтганим йўқ.

— Мана, қулоқ солинг, ока! «Мен саксон тўртга кирдим. Илгари золим бойлар замонида дегрез эдим, ҳозир ўз бахтимни топиб, қора ўтмишни лаънатлайман! Менким, Эсон бува Тешабоев, тушунган чолларданман. Диннинг ёмон кирдикорларини билиб, ундан чиқдим! Мен динсизман, худони танимайман! Мен атеистлар союзига ёзилдим, вносили вақтида тўлаб турибман. Мана энди бахтиёр чолман...» Эшитдингизми?!

— Мен бунақа гапларни ҳеч кимга гапирганим йўқ, бошқа бир Эсон бува бордир, чалғитяпсизлар.

— Ёзганини ўқияпман. Эҳтимол бошқа Эсон бува бордир. Ҳа, майли, ёзса ёзаверади-да.

— Йўқ, тўхтаб тур, Нишон! Бу қуруқ тухмат-ку! Одамлар ўқибдими?

— Ўқиганда қандоқ! Шунинг учун гапиряпман-да. Одамлар ўқимаган бўлса, чойхонада гап бўлмаган бўлса, мен сизга буни олиб кириб ўтирармидим.

— Улимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ. Мендан бирон одам келиб ҳеч нима сўрагани йўқ. Шунақа ҳам бўладими? Бировдан гап сўрамай туриб, газетага ёза берадими? Йўқ, бу тухмат! Ёлғон гап! Мен ҳеч кимга сўз айтган эмасман. Ахир ўзинг биласан-ку, мен кўчага кам чиқаман. Оёғимнинг боди қўзғаб, икки йилдан буён кўчага чиқмайман. Белимдаги бод ҳам маҳкам чангаллаб қолади, ахир ўзинг билмайсанми?

— Бодингизни биламан. Мен фақат ёзганини ўқиб беряпман, ока!

— Э, қўйсанг-чи! Бу нимаси ўзи! Шунақа ҳам бўладими! Бир кекса одамни динсиз, деб «худодан кечди», деб ёзиш нимаси! Ундан кўра, имонсиз деб сўксаларингиз бўлмайдими! Ахир, мен эртадан кечгача тоат-ибодат қиламан, неварачевараларимнинг бахтини худодан тилаб, дуо қилиб ўтирган кишиман-ку! Мен сенинг Шўро ҳукуматингга нима ёмонлик қил-

дим? Қани, айт! Нима гуноҳим учун мени газетага соласизлар! Ҳақсизларни солинглар, «унсурлар»ни солинглар, Троцкопларни солинглар, мендек, бировга тили-оғзи тегмаган чолни уриб чиқиш нимага керак! Тинч ўтирган одамга нега тегасизлар? Мени тинч қўясизларми, йўқми!

— Ока, тушунсангиз-чи.

— Э, тушунмайман!!!— Эсон буванинг бўйин томирлари бўртиб, бақириб гапирди.

— Менга нима алоқаси бор, мен ёзибманми?

— Сен рабчуксан, фаолсан! Газит ҳам сенларнинг газитларинг! Э тавба, мен нима ёмонлик қилибманки, газитга ёзиб чиқишса! Гуноҳим йўқ! Икки йилдан бери уйга кириб қолганман. Ҳеч кимни кўрганам йўқ. Ҳеч кимга бундай номаъқул гапларни айтганим йўқ. Вассалом!

— Ока, мендан койинманг!

— Нега койинмас эканман! Газитни ким чиқаради? Ҳукумат! Сен фирқасан! Ҳукуматнинг ишонган одамисан, ўйлаб иш қилсаларинг бўлмайдими? Бу нима деган гап? Одамларнинг юзига қандай қарайман! Беш кунлик қолган умримни мажусий бўлиб ўтказаманми? Охиратда нима деб жавоб бераман? Ҳар нима деб сўксаларинг, чидайман, лекин саксон тўртга борган бир чол одамни... (У ҳўнгиллаб йиғлаб юборди) имонсиз, динсиз деб ёзасанларми?! Бундан кўра тириклайин ерга кўмсаларинг бўлмасмиди!

— Ока, оғир бўлинг. Мен бу ишнинг кетига тушиб, суриштирай. Ҳато кетганга ўхшайди. Бошқа бир одамни ёзаман деб, сизнинг исмингиз кетиб қолганга ўхшайди.

— Ло-о-илоҳа илло анта субҳонака инни кунту миназ золимин!..— Эсон бува кўзларини ола-куласини чиқариб дуо ўқиб, ўзига-ўзи дам сола бошлади. Кўзларидан оқиб тушган ёшларини енги билан артди. Болалардек бурнини тортди. Укасига бир нима демай тескари қараб ўтирди,— тавба қилдим, э, худо! Тавба қилдим, куфф!

Бир лаҳзадан сўнг Нишон ака уйдан чиқиб кетди.

Шу кундан бошлаб чақнаб юрган Эсон буванинг қовоғи солиниб, невара-чевараларига ҳам қарамай қўйди.

Шанба куни маҳаллада бир йигит уйланди — ни-коҳ тўйи бўлди. Аммо ҳеч ким Эсон бувани тўйга айт-мади. Душанба куни Ҳайитбой оқсоқолнинг бир ини-си вафот этди. Салла-калла қилиб чиққан Эсон бува-га ҳеч ким қайрилиб қарамади. Маҳалла кексалари — қари-қартаг ошналари ҳам унга қовоқларини солиб, индамай ўтиб кетишди. «Ия, мен пес-мохов бўлиб қолдимми? Нега қирқ-эллик йиллик ошналарим қай-рилиб қарашмайди!» Эсон бува гангиб қолди. Жума куни пешинга яқин намози жумага чиқди — яна ҳеч ким унга қайрилиб қарамади. Фақат мачит мутавал-лиси хонақоҳга киришда калишини ечаётган Эсон бувани туртди:

— Менга қаранг! Диндан қайтган, худони тани-майдиغان одам мачитда нима қилади?!

— Э, бу қуруқ тухмат!

— Чиқиб кетинг! Одамлар ҳозир оломон қилиб, ўлдириб юборади!

— Майли, оломон қилсин!

— Ҳам расволик, ҳам пешлик...

— Сен ўзинг расвосан! Арақхўрсан! Сен ўзинг худонинг ғазабига учрайдиган олиб сотарсан! Мут-тахамсан! Бақироқсан! Э, мутавалли бўлмай ўл! Ҳо-зир шу ҳассам билан бошингга бир солсам, эшшакдек ҳанграб ўласан! Жонимдан тўйиб юрибман! — Эсон бува бу сўзни шундай ғазаб билан дедики, мутавалли-нинг капалаги учиб кетди. Бошига ҳасса билан соли-ши ҳам ҳеч гап эмас эди.

Хонақоҳда, одамлар орасида меҳробга қараб тик турган Мусоват Қори орқада, чиқаверишдаги зина-пояда бўлаётган бу жанжални кузатиб турарди. Унинг икки қўли қулоғи остида-ю, диққати Эсон бува билан мутаваллида.

— Газит тухматни ёзган экан, сен нега мендан сўрамай бу гапларни гапирасан! Ҳеч кимга мен буна-қа гапларни айтганим йўқ. Чақир ўша газит чиқара-диганларни, гаплашаман! Бунақа тухмат ёзадиган га-зита идорасига ҳам ишонмайман!

— Қилгуликни қилиб қўйиб, бу тентак чолнинг гапиришини қаранглар! — сасиди мутавалли. Кейин ичкарига кира туриб деди: — Диндан қайтдим, деб, яна мачитга келибди! Ҳа, ўлим эсига тушган. Улмайман деб ўйлагансан-да! Энди сенинг ўлигингни итнинг

ўлигидек култепага кўмамиз. Тўнғиз қавмида кетасан! Сенга муҳаджир чалиб ҳам келишмайди. Оёғингдан судраб бориб, чуқурга ташлаймиз.

— Лавнате-е!!!— Эсон бува жон-жаҳди билан бақирди-да, ранги ўчиб, бу ерга ечиб қўйилган оёқ кийимлари устига ағанаб тушди. Маҳаллани супуриб, сув сениб юрадиган ўратепалик доволзонлар — ака-ука Муҳаммаджон ва Аҳмаджон акалар йўлда оғзидан кўпик чиқариб ётган Эсон бувани кўтаришиб, уйига олиб кириб қўйишди. Муҳаммаджон қоровул мутаваллига ғазаб билан ўқрайиб, Эсон бува ёнини олди.

Куйиниб, шу масалада жизганак бўлиб юрган Нишон ака калаванинг учини тополмай лол эди. (Ўша хипча мухбир йигит енгилтак-фирибгарлиги учун четлатиб юборилган экан. Бунинг устига, кадрлар бўлимидан атай адресини олиб, уйига борса, бировникида квартирант бўлиб, бундан бир ҳафта бурун ота-онаси ёнига — бошқа шаҳарга кетиб қолган экан... Қидириб боргани билан уни топишга кўзи етмади.) У акасига «бу бир кўргилик, сабр қилмай илож йўқ»,— деди. Эсон бува бўлса «Мендан шаккоклик ўтган, бу ишим худойи таолога ёқмаганки, мана бу азобга дучор қилиб қўйди», деди.

Эсон буванинг кўчага чиқолмай уйда ўтириб қолганини Мусоват Қори Қизил Махсумдан эшитди.

— Миясини еган чолга бу ҳам кам!— деди Қори Арслон билан Қизил Махсумга бир куни.— Ҳаддидан оғиб кетган эди. Иниси ҳам, ўзи ҳам бизларни ёмон кўради. Мана, қаранглар, шарият пешвоси бўлиб юрган бу имонсиз ўз динини уч пулга сотди. Одамзоднинг юзига қараб билиб бўлмас экан. Шу чолни мен фариштаси бор яхши одам деб юрардим. Ўйлаганларим тескари чиқди.

— Мени айтмайсизми, Қорака,— деди Махсум,— бу одам жуҳуд домлами, деб юрардим. Диндан кечсам бир нималик бўлиб қоламан, деган бўлса керакдирда. Қанақа замон бўляпти-а, ёшларда ҳаё йўқ, кексаларда инсоф.

— Шўро ҳукумати унга шимилдириқ ҳам бермади. Бу таги паст чол бир нарсанинг илинжида диндан кечди. Ана энди кўрасиз, ўша ўйлаган нарсасини ололмайди-да, кейин оҳ-воҳ уриб, мен динимдан кеч-

ган эмасман, янглишибман, тавба қилдим, мендан шаккоклик ўтди, мени яна ўз ёнингизга олинглар, мени худо уриб қўйди, деб айюҳаннос солади. Ҳа, бунақа пасткаш одамларнинг қўлидан ҳар иш келади. Иним фирқа аъзоси, ҳеч кимдан қўрқмайман, авлодим дегрез деб керилиб юрган чол имомни ҳам менсимай қўйган эди. Мана, оқибат! Бу чолнинг мактаб болалари ичида ўтириб, газетада сурати ҳам чиққан — кексалигини бозорга солган. Охири сотқинликка бориб, ўз динидан кечди. Беш кунлиги қолган чол ановилар ноғорасига ўйнаса-я! Мана одамзоднинг аҳволи!

Эсон буванинг ҳаддан зиёд ҳақоратланганида бир хусумат борлигини наинки Арслон, Қизил Махсум ҳам сезиб турарди. Лекин Нишон акага қаратилган ҳақоратомуз гаплар Арслоннинг сочини тик қилди — у лом-лим демади-ю, у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетди. Уридан туриб чиқиб кетишга ҳам чоғланди-ю, аммо бир куч унинг елкасидан босиб турарди. Бу гап Қизил Махсум берган «гап»да, ҳовуз бўйидаги шоҳсупада Нишон ака билан Мусоват Қори ўртасида бўлган гуфтигўнинг давоми эканини пайқади. Бу гаплар шунчалик тажанглик, бир-бирини сўкиш эмас, унинг тагида жуда ёмон, захар гаплар борлигини пайқагандек бўлди. Мусоват Қорига қарши гапириш ёки бу ердан чиқиб кетиш асло мумкин эмас. Шу сабабли Арслон тишини-тишига қўйиб ўтирди. Унинг ранги оқариб, қовоқлари солинди: Мусоват Қори юрагидаги ғазабни қизишиб, сурбетларча гапираётганини асло сезмас эди. Отамулла ҳам отасининг сўзларига қулоқ солиб ўтирарди-ю, миқ этмасди. Катталар ўтирганда кичиклар тик туриши, катталар гапирганда кичиклар жим туриши керак, қабелидаги одатимизга у қаттиқ риоя қиларди.

Кунлар ўтаверди.

Эсон бува ёмон бир одамнинг — «адувнинг бу ишини» қарғаб, дуойибад қилиб ётаверди. У кўчага чиқа олмас — пес-мохов кишидек ундан баъзилар ҳазар қиларди. Нишон ака шунча елиб-югургани билан қалаванинг учини тополмади. Жиндек кайфи бор Ҳайитбой оқсоқол бир куни атай Эсон буванинг ёнига кириб:

— Чол, бу ҳам бир кўргилик, хафа бўлманг,— деди.— Ўтиб кетади. Ҳажиқиз мутавалли билан домла имом юзини ўгирса ўгирар! Мен, мутаваллига: «— Ҳей хунаса,— дедим,— ўзинг кимсан, даюс! Абил қиморбознинг боласи эдинг, ўзингни извошда олиб юрарди. Энди сен пок бўлиб, бизлар нопок бўлдикми?! Ичингга мана шу дандон соп пичоқни тиқиб олайми»,— десам, бу ҳеббим менга муқом қилиб, «Ҳайитбой ака, ҳазиллашманг», дейди-я! Буни қаранг! Бир одамнинг ҳаёт-мамоти ҳақида гап кетса-ю, бу ҳажиқиз қиқиллаб кулса! Хафа бўлманг чол, динимизнинг пешволари ўзи мана носқовоғимдай сип-силлиқ...

— Ҳа, майли, майли,— деди олазарак Эсон бува,— уларга тил тегизманг, укажон, уларни сўкманг. Ўйлаб-ўйлаб, айбни домла имомга ҳам, мутаваллига ҳам қўёлмайман. Бошқа бир одам бор, ўша одам бизга бу қуруқ тухматларни тақиб, юзимизни ерга қаратди. Ҳа, майли...

— Вей хунаса, бизни ёзмайсанми!— деди ичиб олган Ҳайитбой оқсоқол йиғлаб.— Биз қимор ўйнаймиз, арақ ҳам ичамиз, ошиқона ишлар ҳам қиламиз... (яктаги ичидан чиқиб турган пўстак — кўксини чангаллади). Бизни диндан чиқди деса ҳамма ишонади. Бизни айтмайсанми! Келиб-келиб мана бу пок одамни айтасанми-а? Вой, хунаса-ей!

— Унинг ўзига ҳам боққан бало бордир!

— Йўқ, Эсон бува, йўқ! Ёмон одамлар ўлмай юраверади. Э-э-ҳ! (Ҳайитбой оқсоқол ярим газлик дандон соп пичоғига қўл югуртиради.) Қорнини ёриб ташлагим келяпти-да! Ҳукуматимиз ризолик берса ёмон одамларнинг қорнини ёриб чиқардим, ҳа, қўлимдан келади! Фармон берса тарвуз узгандек, ёмонларнинг бўйнини узиб чиқардим. Ҳа, номардлар!

— Оғир бўлинг, оқсоқол, оғир бўлинг.

Шундай қилиб кунлар ўтаверди.

Эсон бувани аввалига тўпларига қўшмай, ҳазар қилганлар, кейинчалик бу ишда бир ёмон хусумат борлигини пайқашиб, анча пушаймон бўлишди. Аммо, минг афсуски, кейинги кунларда Эсон бува дардга чалиниб, ўрнидан қўзғалолмай қолган эди.

У туф деса тупук қотадиган, чирсиллаган қиш чилласида қазо қилди. Чолнинг тобути мингларча елка-

да кемадек лопиллаб, мзористонга етиб боргунча қўл-қўлга тегмади. Касаллигидаёқ кириб кўриб, узр сўраган имому мутавалли жанозада хизмат қилди. У баъзан йўлкада қатор одамлар орасида қўл қовуштириб турган Ҳайитбой оқсоқолга, унинг белбоғида осиглиқ турган жез пойнак дандон соп пичоғига қараб қўярди. У нимагадир: «Эсон бувамнинг хафа қилганнинг боши менинг қўлимда», деган гапини эшитган эди. Одамлар орасида Мусовот Қори ҳам қўл қовуштириб турарди, ичкаридан эшитилаётган хотин-халажларнинг чуввос йигиси унинг қаҳқаҳасига ўхшарди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

«Кимда резервлар кўп бўлса, кучлар маъ-
бан кўп бўлса, кимда халқ оммасининг
матонати зўр бўлса, урушда ўша ғалаба
қозонади, деб таълим берган эди Вла-
димир Ильич Ленин».

«Правда»
1970 й. 25 февраль

Ун иккинчи боб

ХАЙРЛАШУВ

Барчиной қўшнисининг қизидан хат юбориб,
«агар вақтингиз бўлса кечқурун Жангоҳда¹ учрашар-
дик», дебди... Кутилмаган бундай илтифот Арслон-
нинг юрагини тўлқинлантириб юборди. Қайта-қайта
хатга қаради; буғдойзорни шамол сийпалаб учаётган-
дек ўнг томонга оingan мисралар, «қ»нинг думини бу-
раб, доимо гунафша ранг сиёҳ билан ёзадиган Бар-
чининг хати унга таниш эди. Давлат имтиҳонига
тайёргарлик билан қаттиқ банд бўлгани сабабли Арс-
лон анчадан бери Барчинни кўрмаганди. Аслида,
Арслон Барчинни кўришга баҳона изларди. Узининг
бир хатида: «Менинг гуноҳим севиб қолганлигим-
ми?..» деган сўзига Ҳамида опанинг кўзи тушиб, ла-
бини тишлаганини, Барчин опаси ёнида жуда хижо-
лат бўлганини айтган эди. Мана шу воқеага бир ой-
ча бўлди. Шу муддат ичида у Барчинни кўролмади.
Биринчи сменада ишлаётгани ҳам бунга халақит бе-
рарди. Арслон хатга қайта қаради: «Арслон ака!
Агар вақтингиз бўлса кечқурун Жангоҳда учрашар-
дик. Мен адамлар, опамлар билан тушаман. Сизни со-
ат саккизда фонтаннинг анҳор томонида кутиб тура-
ман. Салом билан, Барчин».

Арслон хатни ўпиб, ён чўнтагига солди. Шундач
сўнг у кечқурунги учрашувга тайёргарлик кўра бош-
лади: кўчага чиқиб сартарошхонага кирди, сочини
текислатиб, соқолини қирдирди. Ювиб қўйилган жу-
жунча кителини Сабоҳатга дазмоллаб қўйишни та-
йинлади. У ўзида йўқ шод. Сабоҳат унинг шошиб-пи-

¹ Тошкентдаги А. С. Пушкин номидаги маданият-истироҳат
золининг эски номи.

шиб юрганини, оқ брезент ботинкасини тиш порошоги билан бўяётганини кўриб, учрашувга тайёрланыпти шекилли, деб қўйди. Барчин деган қизни яхши кўришини ҳам биларди. Аммо «катта даргоҳ» — Саидбековлар оиласи билан тенглаша олармикинмиз, дерди ўзига-ўзи. Ҳумоюн Саидбековни бу атрофда танимайдиган одам йўқ. Унинг янгича, шинам ҳовлиси, кўча четига солинган янги гиштин иморати — хоналарининг бирида ёш, гўзал қизининг пианино чалаётганини ўтган-кетганлар эшитишарди. Кўзойнак тақиб юрадиган, баланд бўйли Саидбеков жуда хушфешт одамлигини ҳам билишарди. Шу маҳаллалик ҳомиладор бир хотинни «Эмка» машинасида туғруқхонага олиб борганини ҳам эшитишган. Уни биладиган одамларнинг ҳаммаси ғойибона ҳурмат қилишарди. Ҳумоюн Саидбеков митингларда ваъз айтганини, сўзга жуда уста одам эканини ҳам кексалар ҳалигача гапиришарди. Баъзи қариялар Ҳумоюн домланинг шу Дегрез маҳалласидан чиққан Аброр Ҳидоятлов, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ғайратийлар билан ҳам қалин ошна бўлганлигини айтишарди. Сабоҳат укасининг «баланд дорга осилаётгани»ни пайқагандек бўлиб, ичида, ишқилиб охири бахайр бўлсин, дерди. Ҳозирги замонда авлод-аждоди «хўжами», «амирми», бунга қарамайди, аксинча бир-бирини яхши кўриши, чин инсон бўлиши — асосий масала дерди у яна ўзига-ўзи.

Ўзганинг чаман боғида эмас, ўз чалдиворимда жоним ором олади, деб юрадиган Мадина хола ҳам Ҳумоюн домланинг зиёли, раҳбар киши эканлигини биларди. «Раҳбар кишининг қалби бошида, деган гап ҳам бор. Бунда, баъзан, пайдо бўладиган қаҳрни муҳаббат қоплайди, — дерди Мадина хола, — раҳбар одамларнинг юраги кенг бўлгани юртнинг бахти».

Энди Барчинойнинг онаси Ҳамида опа ҳақида икки оғиз сўз эшитинг: хол — киши танида кулча бўлиб ётган заҳарли илондир, дейди ҳозирги врачлар, унга кўп тегажаклик қилмаслик керак. У уйғониб кетса кишини ҳалок қилиши мумкин эмиш. Бу гапни эшитган Ҳамида опанинг юраги орқасига тортиб кетади; ҳуснига ҳусн қўшиб турган қоши тепасидаги хол эт билан тери орасида, иссиққина жойда ётибди. Ҳамма унга гўзаллик, деб қарайди. Лекин уйғониб

кетса нима бўлади? Даҳшатли ваҳима юрагига чағг солган Ҳамида она бир кун қариндошининг тўйида ўтирганида кутилмаганда бирдан кўнглига ваҳима тушди-ю, зарур бир иши борлигини — эрининг эрта билан командировкага кетаётганини баҳона қилиб, уйига жўнади. Шатиллаганча айланма тор кўчалардан ўтиб, ҳовлисига етиб келди — аксига уйда на Ҳумоюн ака, на Барчин бор эди. «Уҳ, вой жоним-эй, уфф...», қилиб ўзидан ўзи тутақиб юраги қисилиб диванга ўтирди. Ошхонага кириб, чой қўймоқчи бўлди, ҳафсаласи келмай яна қайтиб чиқди.

Ҳаммамизнинг бошимиз устида доимо бир қўрқинчли мушт туради, бу — ўлим даҳшати! Ҳаёт қанчалик ширин бўлгани сари бу муштум баттарроқ даҳшатли бўла бошлайди. Оғир қаҳатчилик йилларида биз уни унча пайқамадик, бу даҳшатли муштум бизнинг кўзимизга кўринмади. Биз ҳатто ёруғ дунёда абадулабад турадигандек, ўлиб туриб ўлимни ўйламадик. Аммо, мана ҳозир, биз, қаётдан, асло кетишни истамаганимизда бу даҳшатли дев гурзисини кўтариб орқамиздан юрибди...

Бузоқбоши шундоқ қараганда ер қаватида беозор ётади, кишини чақмайди ҳам. Лекин унга пилла қуртдай парварिश кўрсатиб бўлмайди, у дарахт илдизини еб қуритади. Бу иши билан у илондан ҳам ёмон. У яна қўнғизга айланиб, учиб, бузоқбошиларни кўпайтиради. У — еримиз танидаги ришта. Ерни бузоқбошилардан тозалаш керак! Ерни яхши ишлаш керак! Сен уни ишламай қуритсанг, ўзинг ҳам қурийсан! Бу гапларни Ҳумоюн Саидбеков ҳамма вақт гапириб юрарди.

Барчиной Жангоҳга тушиш ҳақидаги гапни яна бир карра ота-онасига эслатиб, қўярда-қўймай оёққа турғазди. Шу йил мода бўлган енгсиз, бир оз қисқа жужунчадан кўйлак кийган Барчиной отасининг ўнг томонида келарди. Чап томонда қора хонатлас кўйлак кийиб, андак уялиқираб қадам босаётган Ҳамида ота баъзида домлага гап қотарди. У ўз эри, бўйи етган қизи — оиласининг мукамаллигидан мағрур эди. Аммо юрагининг бир чеккасида доимо оташ ёниб турарди; бу — ҳарбийда хизмат қилаётган ўғли Маратжон... Мана, икки йилга яқинлашяпти, у Брест шаҳрида. У томонларда шафтоли, ўриклар бўлмайди,

ёмғир кўп бўлармиш. Сут, қаймоқ кўп, уйлари ёғочдан ясалармиш, томлари сопол билан ёпилармиш... Буларнинг барини Ҳамидахон Маратнинг ёзган хатларидан биларди. Нимаики яхши нарса еса, Маратга илинарди. Ҳозир ҳам салқин боғда сайр этиб юриб, ўғлини эслади. Қани, у ҳам Барчинга ўхшаб дадасининг бир томонида юрса.

Улар сайр этиб юришар. Танишлар бундай жойларда кам кўринадиган Ҳумоюн ака рафиқаси ва қизи билан боққа тушганини кўриб, бош ирғаб салом бериб ўтишарди. Йигитлар бўйи етган гўзал қизга тикилишар, Барчин бўлса уларни кўрган бўлса ҳам ўзини кўрмаганликка солар эди. У фонтанлик майдон четида, девор қилиб текис қирқилган бута ёнида турган Арслонни кўрмади. Арслоннинг бутун диққати уларда эди-ю, лекин отилиб чиқиб, Ҳумоюн домла ёнига боришга журъат етмасди. Барчин у ёқ-бу ёққа аланглаб, Арслонни тополмагач, улар яна боғ айланиб кетишди. Юқориликдаги серсавлат шийпон — Сталин кўрғазмаси томон юришди. Арслон ҳам ўзини кўрсатмай, орқама-орқа кўрғазма томон юрди. Танца майдонлари ёнидан ўтиб, катта ҳовузга, ундай сўнг парашютда сакраладиган баланд темир вишка, ундан сўнг эстрада майдонлари ёнидан ўтиб, яна катта фонтан томон юришди. Бу сафар Барчин отаси билан онасини шу томонга атай етаклади. Арслон яна ўша ваъдалашган жойга келиб турарди. Унга кўзи тушган Барчин ота пинжидан чиқиб, шоша-пиша бир нима деди-да, Арслон томон отилди. Салом-аликдан сўнг, Барчин билан Арслон ҳам одамлар оқимида ёнма-ён юра бошлашди. Қандайдир бир қувонч икковининг юрагини қоплаб олган, улар ўзида йўқ шод. Бугун гўё куёв-келиндек юраклари ҳаяжон билан урарди. Танитай, сиртдан қараганлар уларни янги келин-куёв деб фараз қилишлари турган гап. Аммо улар негадир қовушмай жим кетиша бошлади. Негадир гаплашадиган гап йўқ. Наҳотки гаплашадиган гаплари бўлмаса? Қиз гап бошлаши керакми? Ё йигит? Барчин ўйларди. Унинг фикрича, йигит гап бошлаши керак. Улар яна анча жойгача жим боришди. Ўзининг бир нима дейиши кераклигини боядан бери сезган бўлса ҳам бирорта маънилироқ гап тополмай келаётган Арслон Марат акасидан хат келяпти-

ми, йўқми, деб сўради. Барчин жавоб берди. Шундан сўнг мийиғида кулиб қўйди.

— Нега куляпсиз?

— Гаплашадиган ҳеч гап йўқми?

— Юрагимда гап кўп.

— Айтинг ўша гапларни.

— Шу паркда-я?

— Нима бўпти? Паркда айтолмаган гапни қаерда айтасиз?

— Холироқ жойда.

— Вой-эй!— Барчин қаҳ-қаҳ уриб кулди. Негадир унинг жуда кулгиси келиб турарди.

— Гапларим сал яланғочроқ-да...

— Гапларингизга кўйлак кийгизиб айтинг,— деди Барчин эркаланиб.

Арслон Барчинни қўлтиқлаб олди, қиз қаршилиқ кўрсатмади. Уларнинг иккови ҳам совуққа қолгандек титрашарди.

Барчин дунёвий, фалсафий гаплар айтишни ёқтирарди. Буни анчадан бери пайқаб юрган Арслон Юпитер планетасининг тўққиз ойи борлигини, планеталар ичида у жуда гигант эканини, Ер билан Ой оралиқларини қўшганда ҳам минг баробар катта эканлигини айтди. Унинг атрофида айланиб юрган ойларнинг энг кичиги ҳам Ердан катта эканлигини айтди. Барчин учун мана шунақа гап бошланиши керак эди. У Арслоннинг гапини давом эттирди; қуёш системасидаги планеталар ва бошқа миллионлаб юлдузлар бизнинг галактикамизда экани-ю, шундоқ узоқ юлдузлар борки, уларнинг нури бизга етиб келгунича юз минг Нур йиллари йўл юриши ва ҳатто ўзи миллион йиллар аввал йўқолиб кетгану нури ҳамон бизга келиб тургани ҳақида гапирди. Барчинни гапиртириб қўйиб, Арслон уни кузатиб завқланарди. У берилиб гапирганида лаблари, юзидаги кулгичлари жуда чиройли бўлиб кетарди. У ўзининг жуда кўп нарсани билишлигини соддадиллик билан намойиш қиларди. Айниқса Арслон олдида тўлқинланиб, эркаланиб гапирарди. Барчин Эйнштейннинг «нисбат назарияси»ни ҳам тушунтириб берди. Узоқ юлдузларга бориб бар ой туриб келган киши Ерга тушса, бир аср ўтиб кетган бўлади,— дейди олим.

— Буни қаранг, биз-ку етмиш, саксон йил яшай-

миз, аммо эрталаб туғилиб, кечқурун ўладиган капалаклар ҳам бор. Уларнинг умри бир кун...— деди Барчин.

Улар ёнма-ён юриб, баъзан қўл ушлашиб боғни уч-тўрт бор айланишди. Барчиннинг ота-онаси билан рўпара келишмади. Хайрият! Эҳтимол, Ҳумоюн ака кўзи тушган бўлса ҳам ўзини кўрмасликка олиб кетгандир. Боғ ичида уларга ўхшаш ёшлар кўп бўлишига қарамай Барчин билан Арслон назарида бунда улар ёлғиз, улардан бўлак севишган юраклар йўқдек эди.

— Биз катта, илмий, фалсафий фикрлар айтиб, кўп нарсаларни гаплашиб олдик,— деди Арслон кета туриб,— энди ўз ҳақимизда ҳам озгина гаплашиб олайлик, ўртоқ Саидбекова.

Барчин ҳайрат билан Арслон оғзига тикилди-да, сўнг жилмайди.

— Эйнштейн назарияси бўйича бирон планетада бир ҳафта турса Ерда юз йил ўтиб кетаркан, шундоқми?

Барчин кулимсираб бош ирғади.

— Бизлар ҳам боғларда сайр этиб юравериб, тагин юз йилимиз ўтиб кетмасин. Ўзингиз ҳам катта қиз бўлиб қолдингиз... Ойимларни юборайми?

— Нималар деяпсиз?— қаҳ-қаҳ уриб кулди Барчин,— кампирнинг дарди гўзада экан-да. Мен бунақа гапларни гаплашмайман, менинг измим адамларда... Қолаверса, намунча шопасиз! Ҳали ёшмиз, айна ўйнаб-куладиган вақтимиз...

— Яъни бир-биримизнинг характеримизни биллшимиз керак, демоқчисиз-да?

— Сизнинг характерингизни жуда яхши биламан, ўртоқ Ўлмасбоев. Сизнинг характерингиз кейинги пайтда менга ҳам ўтяпти. Опамлар, кейинги пайтда шарттаки бўлиб кетяпсан, қизим, деяптилар.

— Ана холос.

— Ҳа, шу тўғри сўзлик,— деди Барчин елкасини Арслоннинг елкасига тегизиб эркаланиб,— яъни сизнинг характерингиздаги бир қирра, менга жуда ёқади.

— Йўғ-э!

— Шундай!— Барчиной Арслоннинг қўлини қисиб қўйди.

Бир лаъзадан кейин Барчин Арслонга яна савол берди:

— Завод қалай, ҳеч гапирмайсиз!

— Гапирадиган қизиқ ери йўқ.

— Менимча бор.

— Айтинг.

— Ўзингиз айтинг.

— Литейний цех, вагранка!

— Йўқ, вагранка эмас, Валя...

— Таажжуб!— Арслон ўйланиб қолди. Ошналари-дан бирига заводда бир рус қизи билан танишиб олганини айтиб мақтанган эди. Оғиздан чиққан гап — отилган ўқ, бу гапнинг Барчин қулоғига қандай етиб келганига ҳайрон қолди. Арслон эътироз билдирди.— Бўлмаган гап бу, Барчин, менинг ҳеч қандай танишим йўқ. Менга ишонинг!— У жуда қизариб, ёниб, астойдил гапира бошлади.— Мен... мен сизни қанчалик яхши кўришимни билмас экансиз. Мен...

Барчин эркаланиб, яна бошини Арслоннинг елкасига қўйди. Бош бармоғини ўз лабларига босди. Уни ҳаяжонлантириб юборганидан ўзи чўчиб кетди.

— Бундай қаттиқ гапиришга ҳаққим йўқ, мени кечиринг!

— Дунёда битта сизни яхши кўраман. Агар сиз менинг характеримдан хато топиб, айниган кунингиз — менинг ўлганим. Сизнинг бу ёруғ дунёда борлигингиз учун мен қувнаб юрибман, дунё ҳам ёруғ. Бўлмаса...

— Бўлмаса?

— Мен ёруғ дунёда бўлмас эдим.— У ҳаяжонланиб қизни ниҳоятда севгани учун ўзини яқин олиб «сиз» тили «сен»га айланиб кетди. Кел, Барчин, нима десанг деявер, мен сени жонимдан ҳам яхши кўраман. Сен жуда ажойиб қизсан. Сенга ўхшаган одам йўқ, сен биттасан. Менинг Барчиним. Мана, менинг юрагимдаги ҳамма гап. Мен сени бошимга кўтараман, нимаики айтсанг шуни қиламан. Сенинг сўзларинг, ишларинг, қилиқларинг, ҳаммаси менга ёқади. Мен уялиб, тутилиб ўтирмай, мана ҳамма гапни бир йўла айтдим-қўйдим. Илгари сенинг ёнингда гапларимни йўқотиб, довдирардим. Энди бундай эмас, сени камроқ кўрганим билан, доимо сен билан биргадекман. Бояги гапимга жавоб бер!

Арслоннинг ёниб гапираётган юрак сўзларини тинглаб қадам ташлаётган Барчин ялт этиб унга қаради.

— Мен институтни тамомлашим керак. Бусиз қандай қилиб тўй бўлади? Адамлар ҳам рози бўлмайдилар. Нега шошяпсиз?

— Йўқ, Барчин, тўйдан кейин ҳам институтда ўқиш мумкин. Ниятим шундай.

Барчин ўйланиб қолди. Арслоннинг эҳтиросу ҳаяжон билан айтган гаплари уни ўйлатиб қўйди. Агар унинг ҳамма гаплари рост бўлса! Рост бўлмаслиги мумкин эмас. Унинг сўзларида қаллоблик бўлиши асло мумкин эмас! У — соддадил йигит, оддий ишчи оиладан. Унинг отаси доимо яхши фикрда — «Пешана тери тўкиб, ҳалол кун кўрадиган», ишчи Мирюсуф ота шаҳар Советига депутат бўлиб сайланганида Ҳумоюн Саидбеков ишончли вакил сифатида унинг номзодини ёқлаб доклад қилган эди. Бу оила ҳақида Барчиннинг фикри доимо яхши бўлган.

Барчин билан Арслон доира шаклида қурилган кўркам шийпончага киришди, Арслон икки тарелкада музқаймоқ олиб келди.

— Чанқаб турган эдим, жуда яхши бўлди.

— Бу чанқовни босмайди, аксинча, — деди Арслон.

— Ҳар қалай сиз кўпроқ енг, муздек, юрагингизнинг таптини олади.

Арслон кулди.

— Юрагининг ҳароратини бир тарелка музқаймоқ босадиганлар ҳам бор. Шимолий қутбдаги музларни олиб келиб боссангиз ҳам бу юрак ҳароратини бир даража пастга тушира олмайсиз.

— Вой-бў-ў-ў! Шунақа денг!

— Шунақа!

— Ёнар тоғ бўлиб кетинг-э!

— Унданам зўр.

— Қани, музқаймоқдан олинг, ҳароратингизга эриб кетмасин, — Барчин бош чайқаб кулди. Кўз уриштириб, сўзсиз нималарнидир гаплашгандай бўлишди.

Ярим соатлардан сўнг улар музқаймоқ сотадиган шийпончадан чиқиб, ранго-ранг лампочкалар чамани остида, гулзорлар оралаб кетишди. Бир муддат

дан сўнг Барчин билагидаги соатига кўз ташлаб, соат ўн бир бўлганини, адаси билан ойиси кечикмаслиги ки тайинлаганликларини айтди. Арслон Барчинни дарвозасигача кузатиб келиб, ичкарига кириб кетгач, орқасига қайтди.

Арслон чексиз хурсанд, у ўз севгилисини кўргани, у билан бирга юргани, юрагидаги гапларини айтганидан ғоятда мамнун. Индинга худди шу учрашган соатда, ўша жойда улар яна учрашишга ваъдалашди. Бу ваъда Арслонни яна ҳам қувонтирарди. У ҳовлисига кириб, уйдагиларнинг ухлаб қолгани сабабли ҳеч кимни безовта қилмай, ариқ бўйидаги ўз каравотига чўзилди. Анча вақтгача уйқуси келмай осмондаги юлдузларга тикилиб ётди. Унинг кўз олдида тўққизта Ойи бор Юпитер намоён бўлиб, ўша томон учди. У аллақандай сайёралар атрофида чарх уриб учиб юрарди. Бу беҳудуд коинот ичида бизнинг Ер бир кичик нуқтачалик ҳам эмас, учиб юрган бир зарра... Шу «зарра» устида қанча елиб-югуриш, қанча сиру синоат... Одамнинг умри бир лаҳзалик, ялт этиб ёниб ўчган гугурт чўпидек гап. Қанча одамлар яшаб, ўлиб кетди. Фиръавнлар, Суғдиёнлар, Темурлар, Шайбоний-ю Бобирийлар... Ҳаммаси тупроқ билан қўшилган. Киши ўлди — у тупроқ деган гап, у моддий оламга сингиб кетди, деган гап. Бу — муқаррар. Ҳамон шундай экан, инсон тириклиги, соғлиги билан қувониши керак, инсон меҳнат қилиб, яхши яшаши керак, инсон бир-бирини қадрлаши керак.

Арслон узоқ ва чалкаш хаёллар қуршовида чарчаб ухлаб қолди.

Эрта билан барвақт уйқудан турди. Наридан-бери кийиниб, ҳовли ўртасидан кесиб, шарқираб оқиб ётган ариқ лабига борди, юз-қўлини ювди. Шу лаҳза супада ўтирган Мадина холанинг овози эшитилди:

— Арслон, болам, бугун кўпроқ ухлаб қолдинг. Соат саккиз бўлди, заводга етиб бора оласанми?

— Бораман,— деди Арслон юз-қўлини артаётиб.

— Чойинг совиб қолмасин.

— Хўп.

— Трамвайлар тиқилинч бўлса, осилма, ўғлим.

— Хўп.

— Нишон амакинг билан бирга борасанми?

— У киши иккинчи сменадалар.

— Косадаги қаймоққа нон тўғраб қўйсам майлими?

— Майли.

Ҳамма гапларга мулойим ва мақбул жавоб қилаётган Арслоннинг жуда ройиш бўлиб қолганини заводга кирганидан, деб биларди хола. Завод одамни одам қилади, деган гапни раҳматли Мирюсуф ота доимо гапчириб юарди. Хонадоннинг нону намаги, болаларининг бахти, ҳамма-ҳаммаси заводдан экани, шу завод Мирюсуф отага обрў берганлигини биларди. Эри раҳматли пешана тери, билак кучи билан оила тебратди, болаларини катта қилди, уларга ҳаром едирмади, янгичасига пок, эскичасига жаннати одам эди у. Бир ҳисобда Мадина холанинг тахмини ҳам тўғри. Арслон завод ишининг қийинлигини билиб борди, ҳали хириллаётганича йўқ. Бироқ бугунги ройишлик, дилхуш жавобларнинг боиси бошқа томонда. Унинг кайфи чоғлигида сир бор. Бу сир — севиклиси Барчин билан учрашгани. Улар эртага тиним куни яна учрашишади. У эртани, 22 июнь якшанба куни кеч соат саккизни бетоқатлик билан кутарди. Унинг назарида гўё эртага байрам, бугун чин арафа... Эртага у Барчин билан бирга сайр қилади, улар дунёда энг бахтли кишилар.

Арслон ариқ бўйидаги супага чиқиб, дадаси доимо чордана қуриб ўтирадиган кўрпачага ўтирди. Ойиси, опалари ёлғиз ўғилни оила бошлиғи ўрнига ўтиришини айтишиб, бунга унча эътибор бермаган Арслонга яхшилаб тушунтириб қўйишган эди. Аввалларига ийманиб юрган ўғил кейинчалик бунга кўникди.

Эрта тонгда шилдираб оқаётган ариқ ва унинг ўрта ерига қурилган чархпалакнинг (Арслон уни неча кун овора бўлиб қурган эди) тинмай айланиб ётиши Арслонга завқ берарди. Ҳар куни шоша-пиша кўзини уқалаб ишга жўнаш, кеч келиш, бўш вақтини Қизил Махсум уйида ўтказиш билан у ўз ҳовлиси жамолига ҳам боқолмасди. Бир соат вақти қолганига қарамай у қаймоққа бўктирилган нонни еб, ҳовлисига кўз ташлади... Ҳовли чиннидек озода, кафтдек текис, ҳар куни Мадина хола, баъзан Сабоҳатхон супуради. Ҳовлини қанчалик тоза супурса, супурган қиз-жувонлар чиройи шунчалик очилармиш. Узбекнинг уйидан кўра ҳам ҳовлиси озода бўлади. Арслоннинг руҳи те-

тик, таъби тоза, ҳовлисига боқарди. Ариқ бўйидаги атиргуллар чаман бўлиб очилиб ётибди. Ҳовлининг бир томонида тўрт бўйра жойда кашнич, барра пиёз кўм-кўк бўлиб ўсиб ётибди. Атиргуллар ёнида сада райҳон, ош райҳон, жамбилларнинг муаттар бўйи димоққа уриларди. Қизил, сариқ, пушти бўлиб райҳонлар остида гулбеорлар очилиб ётибди. Цемент билан ярим доира шаклида силлиқ қилиб ишланган зинапоядан олдин тўрт устунли айвонга, ундан сўнг уйига кирилади. Айвон билан уй ўртасида кавуш ечадиган даҳлиз бўлиб, унга япалоқ, «мусулмон» гиштлар ётқизилган. Пешайвон устунлари пойтеша билан саккиз қирра қилиб, текис йўнилган айвон олдига учтўрт чамбарак ҳам осилган эди. Уйнинг бир қават деразалари ичидан духоба парда осилиб, хона ичи ярим қоронғи ва салқин сақланарди. Баъзан кечки сменага борадиган Арслон отасидан қолган симкаравотда кечгача ухларди. Уйнинг юқорисида, тахмонда икки сандиқ устига кўрпа, кўрпачалар тахлаб қўйилган, устидан қарға шоҳи дорпеч ёпилган. Икки дорпеч ўртасидаги кичик тоқча тепасида, ойналик рамка ичида Мирюсуф отанинг фотосурати. Бу сурат ота тириклигида ҳам бор эди. Бу суратни Мирюсуф ота Чорсудаги Котляревский деган фоточига олдирган эди.

— Ҳовли — кичик Ватан.

Унда ер ҳам, оқар сув ҳам, дарахту гуллар ҳам... бари, бари бор.

Арслон нонушта қилиб, одатдагидек завод сари йўл олди. Мадина хола ўғли орқасидан қараб қолди; у Арслоннинг кўчага чиқиб, гурс-гурс қадам босиб кетганини ҳам тинглаб турарди. Унинг отаси ҳам эрта билан соат саккизда йўлга чиқиб, худди шундай уйнинг орқаси билан гурс-гурс қадам ташлаб кетарди. Арслоннинг ҳам қадам ташлаши отасиникига ўхшайди. Ўттиз йил отаси қатнаган йўлқадан у ҳам энди заводга қатнай бошлади.

Арслон ўн беш минутча аввалроқ ишга етиб келди. У тезда ечиниб, жомакорини кийиб олди-да, иккинчи вагранка ёнида турган цех бошлиғи Матвеевга кўриниш бериб, саломлашди. Шундан сўнг конвейер ёнига, титраб турган қолипларга қум солаётган Володя олдида борди. Унинг сменаси тугай деб қолган эди. Арс-

лон дарҳол ишни ундан қабул қилиб олди. Кўп ўтмай смена мастери Нурғалиев ҳам, бошқа йигитлар ҳам етиб келиб, ишга тушиб кетишди. Тушки овқат маҳалгача Арслон терлаб ишлади, Нурғалиев уни узоқдан кузатиб туриб, таажжубланарди. «Эй, син, мелкобуржуазний торговец, атийинг киби честний ишла!» деб ҳазил қилиб юрадиган смена мастери конвейер ёнига келиб, Арслонни кузатди. Кўкси устига оқиб тушган қора мой каби терга тикилди, кейин елкасига урди: «Эй, Улмасбоев! Молодец, формаларни етказиб қўйибсин. Вот, залившчиклар-да синдан даволний».

Арслон унга қараб, жилмайиб қўйди. Цех шовшувида у ҳам Нурғалиевдек бақириб гапирмаса ҳеч нарсани эшитиб бўлмас эди. Негадир бақириб гапиргиси келмади.

— Чекарга борми?

— Бор,— Арслон шими чўнтагини кавлаб, «Беломор»ни пачкаси билан унга узатди.

— Настроенинг бик яхши, Улмасбоев?

— Шулай,— деди Арслон ҳазиллашиб Нурғалиевга. Дарҳақиқат, унинг кайфи чоғ, жуда иштиёқ билан меҳнат қиларди. Нурғалиевнинг ҳушёр, сезгир эканлигига ҳайратланиб, унинг юзига ялт этиб қараб қўйди.

Бир лаҳзадан сўнг Арслоннинг юраги куйиб, цех девори яқинига қўйилган бакдаги қайнаган сувдан бир кружка ичди.

Ташқарида саратон, ичкарида вагранка... Лекин цехдаги кучли вентиляторлар икки оташ билан олишарди. Арслоннинг яланғоч бадани эриб, оқётган чўянга ўхшарди... Тоғ жилғаларидек қорамтир тер унинг бўртиб чиққан пайлари, кўкси, қобиргалари орасидан оқиб ўтарди. Қани энди унинг терга ботиб ишлаётганини Барчин кўрса! Ахир у: «Мен сизни тўғри йигитлигингиз учун севаман,— деган эди,— менга профессор эмас, оддий ишчи бўлинг, инсон бўлинг, ана шу керак». Ёш қизнинг бунчалик ақлли гапларни айтишига таажжубланарди. Эҳтимол, бу фикрлар Ҳумоюн аканинг гапларидир. Эҳтимол, бу тоифа гаплар Ҳумоюн ака хонадонида бўлиб турар. Барчиннинг одамларга қараши ҳам шу гаплар натижасида шакллангандир. Арслоннинг олди-сотди қи-

либ, телпак бозорига тушиб юрган кезларида Барчин очикдан-очиқ бир нима демасаям, лекин ҳар қалай унга бу иш ёқмаганини сезарди. Юзига айтмаган бўлса ҳам, дилидан айтиб тургандек бўларди.

Жиндек савдогарчиликка аралашганини эшитиб «Мелкобуржуазний» деб ҳазиллашиб юрадиган Нурғалиев у ёққа ўтса ҳам, бу ёққа ўтса ҳам Арслоннинг берилиб ишлаётганини кузатарди.

Маҳаллаларда муттаҳамлик — зўравонлик билан кун кўрадиган шахслар ҳам бор; улар шу йўл билан обрў олишади — йиғинларда зиёли табиат, ориятли одамларнинг бир хатосини топиб, учирма гаплар билан қўрқитиб олишади. Шу йўсинда «обрўли», зўравон бўлиб, софдил кишилар обрўсига шерик бўлишади. Бу гаплар ҳам Арслоннинг хаёлига келди.

Бу кун ҳам ўтди.

Эртасига у яна ясаниб-тараниб, белгиланган вақтдан бир соатча илгари Жангоҳга бориб, фаввора атрофидаги ўриндиқлардан бирида ўтирди. Тиним куни, боғ ниҳоятда гавжум. Кетидан атир ҳиди бурқсиб қоладиган, крепдишин кўйлакли келинлардан ташқари кексалар ҳам, невара етаклаган кампирлар ҳам қаторлашиб, сайр қилиб юришарди. Бугун ҳам Ориф қоровул нимчаси кўксига Осовиахим значоғини тақиб олган хотинини етаклаб боққа тушибди. Оёғига шахмат туфли, бошига зар дўппи кийиб олган бу хотин яллаганига ўхшаб, бутун боққа файз киргизаётгандай, чикка беллик ёш-яланглари назар-писанд қилмай, кеккайиб юарди. Арслон унга тикилиб ичдан кулди. Осовиахимнинг занжирли значоғи кўксига соат кафтгиридек бориб келарди.

Соат саккиздан ўн минутлар ўтганда, иттифоқ унинг тепасида Барчин пайдо бўлди. У оқ кўйлак кийиб олган эди.

— Қани, туринг!

Арслон Барчиннинг дафъатан келиб қолганини пайқамай қолди. У ўрнидан дик этиб турди.

— Салом!

— Салом, Арслон ака! — деди шаддодлик билан Барчин.

— Бир ўзингизми? Ҳамида опамлар қанилар?

— Уйдалар. Бир ўзим келдим. Сиз билан учрашишимни айтдим. Мен энди мактаб ўқувчиси эмасман...

— Маладес! Сиз катта қизсиз.

Улар ёнма-ён кета туриб хахолаб кулишди.

— Чарчаган кўринасиз?

— Ҳеч-да!— эътироз билдирди Арслон.— Аксинча!

— Қаттиқ чарчаганингиз икки нарсадан маълум. Биринчидан кўзларингиз киртайиб кетибди,— Барчин Арслонга ўгирилиб, қўллари билан унинг қовоқларини силаб қўйди. Шундоққина ёнларида кетаётган жувон уларни, ҳеч шубҳасиз, эр-хотин, деб ўйлади. Бу, ялт этиб қараб қўйган жувонни Барчин ҳам, Арслон ҳам пайқашди.— Иккинчидан, келганимни сезмадингиз.

— Тўғри,— деди таслим бўлиб Арслон.— Лекин сизни кўришим билан наинки тетиклик, юрагим гурс-гурс уриб кетди. Тўғри сезибсиз, бизлар бугун қаттиқ ишладик, давлат заказини тезда бажариб беришимиз керак эди...

— Билиш мумкинми, у қанақа заказ экан?

— Плуг, сеялканинг бир қисми. Биз чўян қуювчиларга қолип тайёрлаб берамиз. Оддий қисм... Бу қисмдан кўп тайёрлаш керак экан.

Барчин Арслоннинг бармоқларини ўйнарди. Улар одам сийрак, холироқ йўлкадан юриб кетишди.

— Анави гапни яна такрорласам жаҳлингиз чиқмайдами?— деди Арслон.

— Вой-ей! Нима гап экан у?— ўзини билмаганликка олди Барчин.

— Ана, ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Сиз бу жиддий масалага шунчаки қараяпсиз. Наҳотки ёдингиздан чиққан бўлса?

— Ёддан чиқадиغان гапдир-да. Бўлмаса ёддан чиқармиди,— Барчин ўтирган ерида Арслонга қайрилиб қараб кулди.— Айта қолинг, нима эди?

— Энди айтмайман!

— Айтасиз!— деди Барчин эркаланиб, айтинг, Арслон ака!

— Эсим кирди-чиқди, денг!

— Ҳа, шундай!

— Бўлмаса ёдингизга тушириб қўйсам майлими?

— Керак эмас...

— Сўраётган эдингиз.

— Энди сўрамайман, ўзим биламан...— у яна эр-каланди.— Менимча, сиз жуда шошяпсиз. Тушундингизми?

— Йўқ.

— Нега шошиш керак?

— Нега шошмаслик керак?

— Чунки... шошмаслик керак...

— Шошган қиз эрга ёлчимайди, демоқчимисиз?

«Эр» деган сўз Барчинга жуда қизиқ туюлди, у қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди:

— «Эр?!»

— Нима деяпсиз??

— «Эр» деяпман,— деди Барчин қаҳ-қаҳ уриб кулиб.— Жуда қизиқ. Сиз Арслон акаси, билдингизми? Сиз — Арслон ака деган йигитсиз. Сиз менга ёқасиз, оиламиз ҳам ёқтиради, яхши кўради ҳам... «Эр» деган қизиқ туюлар экан...

— Бари бир шундай бўлади, мен — эр, сен — хотин бўласан.— У яна ўзини яқин олиб «сен»сиради.

— Қайдам...

— Сен бунақа дипломатияни қўясанми, йўқми! Ҳазиллашмай жиддийроқ гаплашиш мумкинми, йўқми?

— Мен сиз билан ҳазиллашишни яхши кўраман. Ҳадеб ҳазиллашгим келаверади. Сиз жуда қизиқ одамсиз.

— Нима қизиқ? Мен билан жиддийроқ гаплаш! Кулма! Мен сени оламан!

— Олинг...— деди яна қаҳ-қаҳ уриб Барчин. У Арслоннинг юзидаги жиддийликни кўриб, тиззасига уриб кулди.— Олинг!

— Ҳа, оламан! Қараб тургин, шундоқ қилиб олайки, ўзинг ҳам ҳайрон қолгин!

Улар яна қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди.

— Сиз ҳамма гапни очиқ айтардингиз, энди бир оз одоб билан, пардалик қилиб гапиряпсизу, лекин бари бир гапингиз яланғоч. Гапларингизга юпқароқ бўлса ҳам кийим кийдирсангиз ёмон бўлмасди,— яна кулди Барчин.

— Биз рабочийларнинг гапларимиз прямой бўлади! Мен кийим кийдиришни билмайман. Бизнинг гапларимиз — бадавий.

— Спзмлар баъзида тез-тез идиш-пиёла синдириб қўядилар. Мен ҳам адамларнинг яхши кўрадиган кичик кўк пиёлаларининг ҳаммасини синдириб бўлганман. Атайин қилмайман, албатта, юзаётганимда қўлдан сирғалиб тушиб кетади. Бир куни адамлар опамларга: «Сен синдираётганинг йўқ, фан учун хизмат қиляпсан. Келгуси археологлар учун қатламга нарса ташляяпсан. Кейинги пайтда бунақа «хизматинг» авж оляпти. Уч-тўрт минг йиллардан кейин сенинг ишларинг яна юзага чиқади...» дедилар. Бу, адамларнинг уришганлари. Опам бўлса, «ҳа, бўпти, тушундим, археологлар учун хизмат қиляпман», деб қўядилар...

— Қани энди сен ҳам менинг уйимда археологлар учун материал тайёрласанг!— деди Арслон,— мен жуда бахтли бўлардим. Мен кечаси билан сени ўйлаб чиқдим. Жўн гапни айтиш осон. Келаси учрашувимизда мен сенга шунга ўхшашроқ бир гапни айтишга ваъда бераман...

— Бўпти! Ҳар қалай мен ҳам ўз опамга ўхшаб, келгуси асрлар археологлари учун кўплаб материал тайёрлайман. Қиз онасига ўхшайди. Бу сиз жанобларига ёқмайди. Шу сабабли қистовингизни кучайтирмасангиз. Сиз аввал археологларга материал «тайёрловчи»ни бир ўрганинг.

— Ургандик.

Икки севишган қалб бошқаларнинг кўриб қолиши ва кузатишидан мутлақо бепарво, ўзлари билан ўзлари овора, сайр этиб юришарди. Рўпарадан чиқиб қолган Мусоват Қори билан Қизил Махсумга бир лаҳза тўхтаб, салом беришди. Мусоват Қори Арслоннинг чиройли қиз ёнида қизариб кетганини сезиб, атай тўхтаб, у билан қўл бериб кўришди-да, Барчинга бир қараб қўйди. Қизил Махсум бўлса индамай нарироқда турарди. «Қани, кетдик», деди Қизил Махсум Мусоват Қорига. Улар яна ўз йўлида давом этишди. Кета туриб Мусоват Қорининг: «Қисталоқ ёмон-ку, ажойибни топибди. Жангоҳда шунақалар кўпайиб кетибди...» деган гапини Барчин билан Арслон шундоқ эшитишди. Бу учрашув Арслонга тикандек ботди, ораларидаги ҳазил, қувноқлик, лабларидаги кулги бир лаҳзада ғойиб бўлди. Боғдан чиқишда «ошинг ҳалол бўлса кўчада ич», дегандек қилиб Арслон яна Барчинга ҳазил

қилди, кейин уни қўлтиқлаб олди. Унинг қулоғига нималарнидир шивирлаб, кулдирди.

Бу сафар ҳам у ниҳоятда қувноқлик билан Барчинни эшигигача кузатди. Қиз ойиси жой солиб қўйган ариқ лабидаги супада ётиб ухлаб қолди.

Мадина хола эрта билан болаларини безовта қилгиси келмай ўзи нонга чиққан эди, кўчада тўпланишиб турган хотинларни кўриб, ҳайрон қолди. У «нима гап» дегандек қўшниси Рисолатхонни туртди. «Радиони эшитяпсизми?! Уруш бошланибди...», «Уруш бошланибди?!» Хола ҳеч нарсага тушунмай ҳайрон. У магазинга кириб, икки буханка оқ нон олиб, зингиллаганича уйига қайтди. Супада ухлаб ётган ўғлига кўз ташлади. Унинг кўрнадан чиқиб қолган оёқларига офтоб тушарди. У бориб ўғлини уйғотмоқчи бўлди. Бир кўнгли, бугун ишга бормади-ку, «отдих»-ку деб, уйғотмай қўявермоқчи бўлди. Яна бирдан юрагига гулгула тушиб, ўғлининг тепасига бориб, елкасига секин туртди.

— Ҳой, Арслонжон, тур ўғлим!

— Отдих-ку, ойи, қўйинг, чой ичмайман!

— Уруш бошланибди! Эшитяпсанми, уруш бошланибди!

— А?!— бошини кўтариб, кўзларини уқалади Арслон.

— Кўчага чиқсам хотинлар тўпланишиб турган экан, уруш бошланибди, дейишяпти. Радиода Молотов гапиряпти, дейишди. Қулоқ солгин, гапиряпти...

Арслон ўрнида ўтириб, онасига тикилди. Қанақа уруш ва нималигига тушунмади. Қўшни ҳовлида радио карнайини дириллатиб, кимдир гапирарди.

У ўрnidан дик туриб, наридан-бери ювинди.

— Уруш? Қанақа уруш?

У ҳеч нарсани тасаввур қила олмас эди. Югуриб кўчага чиқди. Тор кўчада, остоналарда тўпланишган хотин-халаж ёнига бормади, гузарга чиқди-да, чойхонага кўз ташлади; панжара ёнида турган Қизил Махсум билан Мусоват Қорига кўзи тушди. У югуриб бориб, салом-алиқдан сўнг, «нима гап?» дегандек уларга қаради.

— Уруш бошланибди, ука,— деди Мусоват Қори,— гермон билан совет уруш бошлабди. Ҳукуматлар урушиб туради. Қадимги вақтда ҳам подшо билан

подшолар урушиб турган. Ҳа, ишқилиб охири бахайр бўлсин.

Арслон бақрайиб қараб турарди.

— Қани юринг, кетдик, — деди Мусоват Қори Қизил Махсумга. — Мана уруш ҳам бошланди, нархи-наво ҳақида гаплашиб қўйайлик. Ука, сен ҳам тирикчилигингга бор.

— Бугун виходной.

— Эвини топсанг беш-ўн пуд ғалла олиб қўй! Бугундан бозор кўтарилиб кетади. Ўзингни ўйла, болакай! Пулинг бўлса магазинлардан нарса олиб қол, сен ёмон кўрган Қори аканг — меҳрибонинг. Сен буни билмайсан, нодон!

Улар жўнаб кетишди.

Нега у ўзини ўйлар экан?! У ойисини ҳам, опаларини ҳам, Барчинни ҳам ўйлайди. Унинг ўйлайдиганлари кўп. Ёки ҳозироқ пул топиб, ғалла қидирсамикан? Булар бир нимани билмасдан гапиришмайди-ку! Уруш — қаҳатчилик...

Арслоннинг боши қотиб қолди. Бошқалар ҳам чойхонага киришар, танишлари билан гаплашиб чиқиб кетишар эди. Эртадан кечгача оёғини чалиштириб ўтирадиган одамлар йўқ. Ҳар кимда бир бесаранжомлик. Арслон бир дам ёлғиз турди-да, кейин ёдига лоп этиб Нишон ака тушди. У шу лаҳзанинг ўзидаёқ жадал Нишон ака ҳовлисига жўнади. Яхши ҳам жадал юрган экан, Нишон ака эшикдан чиқиб кетаётганида учрашди.

— Ҳа, ука?

— Шундоқ, ўзим.

— Бўлаётган гаплардан хабаринг борми?

— Ҳа.

— Нима иш билан келдинг?

— Сизни кўргани, гаплашгани...

— Гаплашадиган вақт эмас, тезликда заводга бориш керак! Мен заводга кетяпман.

— Бугун виходной-ку?

— Аҳволни эшитдингми, бунақа пайтда виходной бўладими! Ҳамма ўз заводига боради. Борайлик! Мени айтди дерсан, ҳамма келган. Қани, юр!

— Ойимларга айтганим йўқ.

— Чопиб бориб айтгин-да, орқама-орқа етиб бор! Бизнинг цехдагиларнинг ҳаммаси келади. Сизларники

ҳам келган бўлиши керак. Нурғалиевинг ҳам, Матвеевинг ҳам аллақачон келиб ўтирган бўлса керак.

— Мен кетма-кет етиб бораман, Нишон ака,— деди ҳовлиси томон жадал кетаётган Арслон.

22 июнь, якшанба куни эрта билан Ташсельмаш заводи ҳовлисига одамлар тўлди. Завод директори, ота-бола Матвеевлар, Зоидов, Кузьмичлар, Мустақим ака, эски дегрезлардан Ҳайдар чўққи, Нуриддин Қаноатов, Исроил, Исмоиллар, смена мастери Нурғалиев, Нишон акалар келиб, тўпланишган эди. Директор радио хабарини қисқача такрорий айтиб берди-ю, бошқа ҳеч сўз айтмади. Куннинг иккинчи ярмида муассаса раҳбарлари район партия ташкилотида тўпланажағини маълум қилди.

Ҳовлига тўпланган икки юздан ортиқ одам шу куни кечгача заводда қолишиб, ўз дастгоҳлари ёнида ишлашди. Арслон яна бир неча йигитлар, Нурғалиев кетидан юриб, литейний цехига кириб кетишди...

* * *

23 июндан бошлаб Москва, Информбюро фронт ҳаракатлари ҳақида хабарлар бера бошлади...

...29 июнь куни ВКП (б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг Директиваси эълон қилиниб, фронт яқинидаги областларда ҳамда мамлакатнинг ҳамма ерларида душманга қарши зарба бериш учун кучлар тўплана бошлади. Бу Директиванинг асосий мазмуни 1941 йил, 3 июлда И. В. Сталиннинг радио орқали сўзлаган нутқида муфассал баён этилган эди. 30 июнь куни Политбюро аъзоларидан Давлат Мудофаа Комитети тузилди. Унга И. В. Сталин Раис қилиб белгиланди. Олий Бош қўмондонлик Ставкиси ҳам ташкил этилди. Ҳамма ерда «Душман тор-мор этилади, ғалаба биз билан!» «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун» деган шiorлар халқ тилида бўлди. Газеталарда учувчилардан Здоровцев, Романюк, Талалихин, Гастеллоларнинг қаҳрамонликлари, Брест қалъасининг жасур кишилари И. Н. Зубачев, Е. М. Фомин, П. М. Гаврилов ва бошқаларнинг номлари, суратлари чиқиб турди. По-

литрук В. Г. Клочковнинг «Россия бепоён, ammo чеки-
ниш учун ер йўқ, орқада Москва!» деган сўзлари га-
зеталарда қайта-қайта босилди...

Немис фашизми бир юз тўқсон дивизиясини Совет
Иттифоқига қарши ташлаган эди.

К. Е. Ворошилов, С. М. Будённый, С. К. Тимошен-
коларни уч фронтга қўмондон қилиб тайинлан-
гани ҳақидаги фармонлар ҳам матбуотда эълон қи-
линди...

Бу, катта хабарлар.

Маҳалланинг ҳам ўзига яраша хабарлари бор; Ок-
тябрь район Ҳарбий Комиссариати ҳеч қачон бўлма-
ган даражада гавжум. У йигитлар ва уларнинг ота-
оналари билан тўлган. Повестка ташувчилар, медко-
миссия эшигидаги навбатлар... Август ойларидан бош-
лаб душман босиб олган ғарбий районларимиздан
келганлар шаҳарга тўлиб кетди. Украин, рус, белорус
оилалари келибоқ ўзини ишга — заводларга ва турли
корхоналарга, қишлоқ хўжалигига урди. Маҳаллий
халқ билан ниҳоятда тотувлашиб, дўстлашиб кетди.
Уйларини бўшатиб берганлар жуда кўп бўлди.

Августнинг ўрталарида Барчинлар оиласида янги
гап чиқиб қолди; Ҳумоюн Саидбеков Ўзбекистон Ком-
партияси Марказий Комитетининг қарори билан Қаш-
қадарё областига партия ишига борадиган бўлибди.
Уруш бошланганидан бери акаси Маратдан бир марта
хат олишгани, ҳозир бир ойчадан буён жимжитлиги-
ни айтиб, хафа бўлиб юрган Барчин, бугун бирданига
Арслонга кўчиб кетишаётганини маълум қилди.
Усмон Юсупов адасининг эски ошнаси экани, баъзи
областларда ҳарбийга кетган ёш раҳбар ходимлар ўр-
нига эски партия аъзоларидан юборилаётганини ай-
тиб, тушунтирибди. Барчин ота-онасидан ажралиб қо-
лолмаслигини айтиб, йиғлади. Арслон ҳам ҳайрон бў-
либ қолди. Харсанг тош ётқизилган торгина кўчадаги
уларнинг учрашуви ўн минутдан ошмади. Кўзлари
қизарган Барчин хайрлашиб, чопганича уйига жўна-
ди. Унинг хаёли жойида эмас, ниҳоятда нотинч ва
гангиган эди. Қиз бечора бир оз сўлиб, кўзлари кир-
тайиб қолибди.

Бу гапдан сўнг, орадан уч кун ўтгач, Барчинлар-
нинг Қашқадарёга, Шаҳрисабзга кўчиб кетаётганини
эшитган Арслон смена мастери Нурғалиевга, ундан

сўнг цех бошлиғи Матвеевга бор гапни айтиб, ишдан барвақт қайтди, у тўппа-тўғри Барчинларникига кирди. Ҳамида опа билан Ҳумоюн ака уруғларидаги бир чолу кампирни кўчириб келишган, чамадонларни тахт қилиб, ҳовли юзига қўйишиб, тахт бўлиб туришган эди. Улар ўша чол билан гаплашиб ўтиришарди. Арслон кириши билан Ҳумоюн ака ҳам, Ҳамида опа ҳам ўринларидан туриб, у билан кўришишди, кейин стулни кўрсатиб, ўтиришга таклиф этишди. Хоналар ичида ниманидир қидириб юрган Барчин ҳам ҳовлига чиқиб Арслон билан кўришди. Арслон бу ҳовлида қолладиган чол билан омонлашди. У чол Арслонни «домланинг идорасидан келган йигит», фараз қилди.

— Қашқадарёга кетадиган бўлиб қолдик,— деди Ҳумоюн Саидбеков Арслонга бир пиёла чой узатиб.

— Буни қаранг, кутилмаганда...

— Аҳвол шундай. Кутилмаганда уруш бошланиб қолди. Кўп партия ходимлари биринчи галда фронтга жўнашяпти. Шундоқ бўлиши ҳам керак. Партия бизга ўхшаган, илгари партия ишида ишлаган кишиларни бўшаб қолган ўринларга юборяпти. Масала гоят жиддий. Мана, ўғлимиз Маратжон фронтда... Биз ҳам партиянинг солдатимиз, партия нимани буюрса доимо лаббай, деб тайёр турамыз.

Ҳамидахон кўзига ёш олди.

— Нега йиғлайсиз, опа, кеча акамлардан хат келди-ку,— деди Барчин унга далда бериб. Кейин айвондаги стол устидан хатни олиб келиб, Арслонга узатди.— Арслон ака, ўқинг,— у гап тополмай, жим, ноқулай турган Арслонни ўнғайсизликдан қутқарди. Арслон бир саҳифадаги хатни овозини чиқариб ўқиди. Тагидаги «Старший лейтенант Саидбеков» деган гапни ҳам алоҳида ўқиди.

— Бу хушxabар бизни қувонтириши керак. Акамлар командир бўлибдилар. Жанг қиляптилар. То бизнинг Шаҳрисабздаги адресимизни билиб олгунларича, мабодо уйга хат келиб қолса Арслон акам бизга хат билан юборадилар-да. Отамлардан хабар олиб турарсиз.

— Албатта,— деди Арслон.

— Шундоқ бўлсин,— деди Ҳумоюн ака.

— Гитлер бостириб кириб, бола-чақаларга ҳам қарамай бомба ташлаётган эмиш,— деди чол гапга ара-

лашиб,— сипоҳ билан сипоҳ уришарди... Бегуноҳ болалару хотин-халажни ҳам отиб ўлдиришга худонинг қаҳри келмайдими! Буни бадтарин дейдилар. Бурунги замонларда ҳам бундай ёмон пошшолар бўлган. Намруд одамларни, жониворларни қириб, охири арши аълога ўқ узган. Бу ярамасни ҳам ноумид қилмаслик учун худойи таоло унинг ўқини қонга белаб туширган — яъни балиқнинг томоғига теккизган. Шу сабабли балиқнинг ўлиги ҳам ҳалол, чунки у бўғизланган...— Чол ҳовлида қолаётганига хурсанд бўлиб яна салмоқланиб гапира бошлади:— Ёки бу Гитлер дегани Дажжолмикин? Дажжолу яъжуж-маъжуж ҳам охир замонда чиқиб, ҳамма нарсани еб битириб, боравераркан. Қоф тоғини ялаб, тонггача пиёз пўчоғидек қилганда азон айтилиб, тоғ яна ўз аслига келиб қоларкан. Ҳа, болам, бу — яъжуж-маъжуж. Ишқилиб, тезроқ ер юзидан йўқолсин...

— Арслон ака, бу ёққа юринг,— Барчин Арслонни бошлаб катта хоналарига олиб кирди. У дераза олдида ота-оналарига кўрсатиб, Арслонга бир-иккита китоб берди.— Шу китоблар сизга. Мана бу — Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» қиссаси, мана бу — Тургеневнинг «Арафа»си, мана бу Садриддин Айнийнинг «Доҳунда»си, олинг, булар сизга!

— Раҳмат!— деди Арслон китобларни унинг қўлидан оларкан.

— «Арафа» китобининг қатида битта рўмолча билан менинг фотосуратим бор. У ҳам сизга. Ҳар замон ҳар замонда эслаб қўярсиз...

— Ҳар замонда эмас, ҳамма вақт кўз олдимдасан.

— Бу ёққа юринг,— деди Барчин Арслонни ичкари хонага бошлаб,— айбга қўшмайсиз, мана шу узугимнинг бири ҳам сизга. Бир ерга ташлаб қўярсиз...

Арслон ўз кўзларига тикилиб турган Барчиннинг юзларидан, қошларидан, пешана-ю, сочларидан ўпди. Барчин бу сафар мутлақо эътироз билдирмади.

— Мени унутманг.

— Тирик эканман, сени унутишим мумкин эмас. Дунёда ёлғиз севганим — сен. Кўнглинг тўқ бўлсин, ўзингга қара. Мен номард йигитлардан эмасман. Тушундингми?

Барчин «тушундим», дегандек бош ирғади.

Арслон китобларни қучоқлаган ҳолда, Барчин унинг кетида ҳовлига чиқди. «Хайрлашиб кетади» хаёл қилиб турган Барчинга Арслон, ҳозир кетмаслигини, вокзалга бирга чиқиб, кузатиб қўйишини айтди.

— Мабодо менга мана бу уйда қолаётган нарсаларимдан бирон нима керак бўлиб қолса,— деди Барчин Арслонга мурожаат қилиб, уйда қолаётган чолга ҳам эшиттириб,— хат ёзаман, сиз Шаҳрисабзга посылка қиласиз-да. Сиздан жуда илтимос. Айниқса китобларим...

— Хўп бўлади.

— Китобларимнинг қаерда туришини кўрдингиз?

— Кўрдим.

— Қизиқ,— деди кулиб Ҳумоюн Саидбеков.— Сен Арслонжонга иш топширяпсан, бу кишини Военкомат чақириб қолса-чи? Чақирмаслиги мумкин эмас. Ҳали сен ҳам Шаҳрисабзда турмасанг керак, аҳтимол, сен ҳам фронтга борарсан. Ҳали иш қандай кетади, айтиб бўлмайди.

Ҳаммалари жим бўлиб қолишди. Дарҳақиқат, балоғат ёшига етганларнинг барини Ватан чақиряпти. Мамлакат гаҳлика остида. Ҳамма фронтга бориши керак. Ҳамма қўлига қуроли олиши керак!

— Ҳа, албатта,— деди гапга аралашиб чол.— Юртга хатар келганда хотинлар ҳам сипоҳ анжомини кийиб, от минганини эшитганмиз. Паҳлавони Аҳмаднинг бир қизлари юзига парда тутиб, душман билан олишган. Жуҳудлар Маккаю Мадинани қамал қилиб, мусулмонларни қирганда пайғамбаримизнинг қизлари Биби Фотима ҳам қўлларига шамшир ушлаб, жангга кирганлар... Локин қирқ йил қирғин бўлса ажали етган ўлади. Доимо омон бўлинглар.

Соат тўртларга яқин дарвозага икки машина келиб тўхтади: бири «Эмка», иккинчиси юк машинаси. Улардан уч киши тушиб, ичкарига киришди. Булар Ҳумоюн ака билан бирга ишлайдиган институт доцентлари ва хўжалик ишлари бўйича директор муовини, кўринишдан эпчилгина йигит эди. Унинг машинадан туша солиб, Барчинга илтифот қила бошлагани, бу ҳовлида эркин юриши Арслонга ёқмади. Барчин нима учундир у билан очилиб-сочилиб гаплашди. Йўлга чиқиш олдидан ҳаммалари стулларга ўтириб, бир пиёладан чой ичишди. Шундан сўнг, чолнинг фо-

тиҳаси билан ўринларидан қўзғалиб, юк-чамадонлар-
ни машинага олиб чиқа бошлашди. Энг оғирини Арс-
лон кўтариб юк машинасига олиб чиқиб қўйди. Бояги
элчил йигитча кичикроқ бир чамадонни олиб чиқди.
«Эмка»га Ҳамидахон, Ҳумоюн ака, яна икки доцент
ўтиришди. Арслон, Барчин, эпчил йигит юк машина-
сига чиқишди. Йигит Барчинни кабинага тушиб ўти-
ринг деса ҳам унамади. Вокзалгача машина устида
учовлари миқ этмай, совуқдан-совуқ тик туриб кетиш-
ди. Вокзалга етиб келишгач, эпчил йигитнинг ташаб-
буси билан кутиш залида турмай, юкларни поездга
олиб чиқиб, купэга жойлашди. Сал кам олтида занг
урилди. Кузатгани чиққанлар яна бир карра қўл қи-
сиб, хайрлашишди... Барчин ҳам, Арслон билан қўл
қисишиб хайрлашди. Ота-онаси, кузатувчилар ёнида
бирон сўз айтолмади. Лекин Барчиннинг «Мени унут-
манг, Арслон ака», деган гаплари юрагида қолди.

Поезд жўнаб кетди. Арслон турган жойида ҳайкал-
дек қотиб қолди. Унинг хаёли поезд орқасидан қувиб
борарди... «Бу видолашувми? Йўқ, бу менимча хайр-
лашув. Ҳали биз албатта учрашамиз! Албатта!»

— Ҳой, ошна, кетасизми?— деди ўн қадамча на-
рида турган бояги йигит.— Машина кутиб қолди.

— Бемалол,— деди Арслон қўли билан имо қи-
либ,— трамвайда кетаман.

У машина эшигини қарсса ёпиб жўнаб қолди.

Арслон орқасига қайтди. Унинг кўз олдида ҳамон
қўл силкитиб турган Барчин турарди...

Ун учинчи боб

ВАТАН НИДОСИ, ЕР АСОВ ОТ КАБИ ДЕПСИНАРДИ...

Арслон Барчинни Шаҳрисабзга кузатгач, бир нар-
сасини йўқотган кишидек фикри тарқоқ, хомуш бўлиб
қолди. У эрта билан гузарга чиқди. Катта кўча гавжум.
Ҳарбий комиссариат ҳовлиси одамлар билан тўла.
Бурчагига тош тиқиб арқон билан бўғилган қоплар,
тугунлар... Ҳаммада бир ташвиш, ҳамма ўзи билан
ўзи овора. Ҳовлиққанлар, васвасага тушганлар йўқ,
аммо юрт катта бир сувдек чайқалиб турарди. Арслон
чойхона рўпарасидаги йўлкада, қадимги Сўфи боққол-
нинг дўкони ёнида бир муддат қаққайиб турди. У бу-
гун анча барвақт чиққани сабабли ҳам заводга шош-

мади. У ҳарбий комиссариат дарвозасига кўз ташлади; деворларга ёпиштириб қўйилган плакатлар одамлар... Шу пайтгача ўзига повестка келмаганига ҳайрон бўлди. Ҳарбий комиссариат ҳовлисидаги, чойхонадаги радио карнайлари тинмас, дириллаб гапириб турарди. Узоқдан келиб, йўл четида, сояда болаларини кўтариб ўтирган хотинлар, уч-тўртта бўлиб чўққайиб ўтирган кексалар, ҳамманинг кўзи ҳарбий комиссариат эшиклариди, гал келишини кутиб ўтирган ўғилларида... Арслоннинг оёғи остида гўё яғриларди, усти, қўйруқ тепалари кенг бир буюк от ўйноқлаб тургандек.

Бу — Арслон оёқлари остидаги Ер.

Арслон шу нотинч, асов от устида тургандек, гоҳ тетикланиб ўзини тутар, гоҳ йиқилиб кетай, дерди. Узоқдаги урушнинг зилзиласи бу томонда яна ҳам кучли даҳшат касб этиб, ерлар лопиллагандек бўларди.

«Жангга-а-а-а! Ҳамма жангга-а-а!» деган кучли нидо унинг қулоқларига эшитилиб турарди.

Бир оздан сўнг Арслон гузардан ўтиб, завод томон жўнади.

Узунлиги юз метрча келадиган, қўқонарава к. ролмайдиган боши берк тор кўчадан шу кунгача тўққиз бола кетди. Сўфи боққолнинг ўғлидан касал топилиб, ҳозирча тўхтаб турибди. Бу йигит ўнинчи. Ўн биринчиси — Арслон. Унга негадир повестка чимамай ётибди. Мадина холанинг юраги зириллаб юрарди. Эҳтимол, отасининг вафот этганини юзхоти қилишаётгандир. Йўқ, ҳозирги фурсатда бунга қарамайди. Мирюсуф отанинг вафот этганига анча бўлиб қолди-ку! Боласи кетган баъзи хотинлар Арслонга хўмрайиб қараша бошлади. «Сўфи ўғлининг кўзига ёшлигида дуг кириб кетган. Упкасида ҳам касал бор, дейишди... Арслонга нима қилибди, ёки у ҳам бир думалоқ чойни дамлаб, заҳар қилиб ичдимми? Юраги ўйнаганларни дўхтир ўтказмас экан-ку? Ёки заводи брон билан олиб қолдимми?»

Бундай гапларни Мадина хола ҳам, Сабоҳат ҳам, Арслоннинг ўзи ҳам эшитди. Мадина холанинг дами ичида, бу таъналарга чидар, миқ этмас эди. Бошқа вақт бўлганда бу гаплар учун қўшнилари билан юмдалашар эди. Эридан чиқиб келган иккинчи қизи Сабоҳатни бундан бир ой муқаддам «бир лаган ош» би-

лан Махсумга фотиҳа қилиб қўйишгани бир ҳисобда яхши бўлди. Махсумнинг ўзи ҳам, қариндош-уруғлари ҳам Мадина холани ҳоли-жонига қўйишмади. Сабоҳатнинг ўзи ҳам пулдор Қизил Махсумни хоҳлаб қолди. Аввалига унамай турган Сабоҳат бир шода марвариддан кейин бўшашиб, рози бўлди... Модомики уруш бўлиб турар экан, қизимнинг ўз жойини топиб, эрга теккани маъқул, деб кўнглидан ўтказди Мадина хола.

Барчинни кузатганидан сўнг, кўп ўтмай Арслонга ҳам повестка келди. Кечқурун ишдан қайтгач, у ҳовлидаги супада тўпланишиб ўтирган Мадина хола, Махсум акаларга кўзи тушди. Қандайдир бир мотамсаролик мавжуд эди. Арслон бўлажак поччаси билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, супа чеккасига ўтирди. Бир лаҳзалик сукутдан сўнг откалла Қизил Махсум контахта устида турган повесткани кўрсатди. Арслон ялт этиб, ярим варақча қоғозга қаради. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ ҳамма гапга тушунди.

— Нимага бундай шўппайиб, гаплашмай ўтириб-сизлар, дедим. Шунгамиди?— деди Арслон Қизил Махсумга қараб.— Менга повестка келмаганига жуда хижолатга эдим. Агар яна бир ҳафта жимжитлик бўлса ҳарбий комиссариатга ўзим чиқмоқчи эдим... Касал-пасалим бўлмаса, одамга алам қиларкан.

— Ўзингизни босинг, ука,— деди Қизил Махсум,— бунақа отилиб чиқадиган вақт эмас. Нега бориб ўзингизни бомба тагига ташлайсиз?! Ақлни ишлатиш керак.

— Уйимизда битта сен. Отанг ўлиб кетди,— деди обидийда қилиб Мадина хола,— сен бўлсанг...

Арслон билан Сабоҳат бир дам жим ерга қараб ўтиришди.

— Қани, овқатни олиб келинглар. Бу нима, ўлмасдан бурун ёқа йиртиш! Повестка келгани яхши бўлди. Кўчамизга киролмаётган эдим, қўшнилариимизнинг кўзига қарашга ҳам уялаётган эдим. Ҳозир йигитларгаки повестка чиқмабди, одамларнинг кўнглига ҳар хил гап келади. Биров, касал дейди, биров, қочиб юрибди, дейди...

— Бировлар нима деса деяверсин!— деди Мадина хола гилтиллаб,— отаси ўлганларни олмайди, деб эшитганман. Бунинг устига сен зовутта ишлайсан.

— Заводда ишлайдиганларга брон беради, деб эшитганман,— деди Қизил Махсум,— эҳтимол, катталарнинг билан гаплашарсан. Бирон нима олиб бориб бер, «туҳфа» бер...

— Қайси юз билан?

— Ёки Хўжахонов билан гаплашайми? У военкоматга телефон қоқиб қўйсинми?

— Кичкина бола эмасман-ку, почча!— Арслон кулди.

— Катталар бир нима деб йўл қидирганда қулоқ солиб, рози бўлиш керак,— деди Мадина хола.

— Бунақа гапларни қўйинглар! Айб бўлади!— Арслон хонтахта устидаги повесткани олиб, буклаб, шимининг чўнтагига солди.— Қани, овқатланайлик. Шу гап бир ҳафта илгари бўлганда қандай яхши бўларди...

Бу гапга ҳеч ким тушунмади.

Арслоннинг кўз олдига Барчин келган эди. У албатта повесткани Барчинга кўрсатган бўларди.

— Қачонга чақирибди?— сўради Қизил Махсум.

— Индинга.

— Одамлар тўйга кетаётгани йўқ, унутма!

— Ҳар куни юзлаб кишилар расчет олиб, фронтга кетяпти. Ҳамма кетяпти... Ҳозир ҳамма ерда шу гап. Бошқа гап одамларнинг қулоғига кирмайди. Сизлар бўлсангиз ҳайрон бўлиб ўтирибсиз. Ҳозир бутун мамлакат оёққа турган. Ахир, мудофаага боришим керакми, йўқми? Мен, комсомолман, совет ҳукуматининг энг ишонган одами — Мирюсуф ишчининг ўғлиман, шуни биласизларми ёки билмайсизларми? Мен Тўхта бойваччанинг ёки бир муштумзўрнинг ўғли эмасман-ку?! Ҳукумат нима деса шуни қиламан! Ишчилар, коммунистлар, комсомоллар биринчи галда кетяпти. Кекса партия ходимлари ҳам фронтга, бир хиллари узоқ жойларга ишга юбориляпти,— унинг кўз олдига иссиқ ўрнини ташлаб, Шаҳрисабзга кўчиб кетган Ҳумоюн Саидбеков турарди.— Ҳозир жуда жиддий вақт, бу вақтда янглишган одамнинг ўла-ўлгунча юрагида армон қолади. Қўйинглар, мени йўлдан уриб, чалғитманглар.

— Бу, шунақа,— деди Мадина хола,— ҳамма нарсани ўзи билади, ўзбошимча.

Мадина хола катта сопол лаганда мошкичири олиб

келиб қўйди. Олинг-олинг қилиб мошкичиридан едилар. Арслоннинг ўз билганича иш қилишлигини, йўлини қилиб, олиб қолиш ҳақида гап айтиш бемаънилик эканини пайқаган Қизил Махсумнинг энсаси қоғтиб индамади.

Овқатдан сўнг Арслоннинг негадир уйда ортиқ ўтиргиси келмай, зарур иши борлигини айтиб, поччасидан уэр сўраб, кўчага чиқди. Уни Барчинларнинг ҳовлиси ўзига тортарди. «Баъзан қўлингиз бўшлигида бизнинг ҳовлидан ҳам хабар олиб қўйинг. Акамлардан хат келган бўлса бизга юборсангиз...» деган гаплари ҳозир айтилгандай, қулоғига эшитилиб турарди.

Оқшом.

Шаҳар четидаги овлоқ, тор-айланма кўчаларда оқшом сукути. Битта-яримта ишдан кечиккан кишилар ҳовлиси томон жадал қадам ташлар, баъзи хонадонлар негадир ўчоқларига жуда кеч ўт ёқиб жиз-биз қияпти, баъзи ҳовлилар сув қуйгандек жимжит.

Арслон йўлкада бир лаҳза у ёқ-бу ёққа қараб тургач, Барчинларнинг уйи томон юрди. Кўчада Сўфи аканинг дардманд ўғлидан бўлак ҳеч ким қолмади. Ҳовлиси узоқроқ бўлгани учун Бурхонларникига бормади. У катта кўчани кесиб ўтиб, Ҳофизкўйи маҳалласи томон юрди. Кўҳна эшиклар, боши берк калта кўчалар, япалоқ гиштдан баланд кўтарилган қадимги зах пойдеворлар, устига уй солинган қоронғи бостирмалардан ўтиб, ўзига жуда таниш кўк дарвоза ёнига келди. Негадир унинг юраги бир орзиқиб тушди. Ҳозироқ бирдан Барчин чиқиб қоладигандай, у чаладиган пианинонинг овози ҳам дераза оша эшитилгандек... Арслон у ёқ-бу ёққа аланглаб, дарвозани тақиллатмоқчи бўлаётган эди, йўлкада, харсанг тошга кўрпача солиб ўтирган икки чолдан бири томоқ қирди.

— Ўғлим, мен бу ёқдаман!

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом! Келинг, қани бу ёққа!— деди чолларнинг бири ўрнидан қўзғалиб,— кампир болаларимиз ёнига, Оқтепага кетган эди. Ёлғиз ўзим ўтирмай, мана Ҳожи отангиз билан гаплашиб ўтирибмиз. Қалай, тинчликми? Хуш келибсиз!

— Раҳмат!— деди Арслон икки чол билан қўл бериб омонлашгач.

— Үтиринг.

— Йўқ, мен бир лаҳзага келдим. Мабодо Марат акадан хат келмадими, домла менга тайинлаб кетган эдилар.

Домла эмас, Барчин тайинлаганини чол яхши биларди. У, қизнинг номини айтмай, ёлғон бўлса ҳам отаси номини тилга олганидан хурсанд бўлиб, Арслонга илтифот билан қараб, ичида офарин, деди.

— Хат келган. Шу бугун келган эди,— деди чол ўрвандан қўзғалиб.— Буни қаранг, сизни келиб қоларсиз деган эдим, худо кўнглимга солган эди, келдингиз. Раҳмат! Мен ҳозир олиб чиқаман, ўғлим. Отангиз билан гаплашиб туринг.

Арслон қўшни чол ёнига ўтириб, уруш ҳақида гапирди. Радио айтаётган гапларни айтди. Уқи адоғ бўлгач, самолётини немис самолётига уриб қулатган Здравовцев деган қаҳрамон ҳақида гапириб берди. Чол ҳовлидан қайтиб чиқиб, уч бурчак қилиб букланган хатни Арслонга тутди.

— Мана, қаранг, болам, жиянимиздан бўлса керак?

— Ҳа,— деди Арслон хат адресини симёғочдаги лампочка нурига тўғрилаб,— мен буни эрта билан Шаҳрисабзга жўнатаман. Ҳозир почталар бекилиб қолди.

— Шундоқ бўлсин, ўғлим.

— Ҳозир ҳам йўлдан почтага кираман, ишлашса конвертга солиб юбораман, бўлмаса эрта билан...

— Барака топинг. Ота-онаси бу хатни кўзига суртади, анчадан буён келмай-келмай келиб қолди. Ишқилиб, омон бўлсин Марат болам! Қани, қўлингизни очинг, Ҳожи ота!

— Хайр!— деди Арслон ўрвандан қўзғалиб.

— Келиб туринг, келиб турсангиз бизнинг ҳам ҳолимиздан хабар олган бўласиз, домладан бирон хат-хабар келса сизни воқиф қиламан...

Арслон чоллар ёнидан тўппа-тўғри почтага келди. Почта бекилган экан. Сўнг, уйига кириб ётгуси келмай, йўл-йўлакай Нишон аканикига кирди. Азонлаб сменага бориши керак бўлганлиги учун Нишон ака ҳовлидаги каравотида ухлаб ётар эди. Лампа-чироғ шишасига қоғоз қўйиб, иш тикиб ўтирган Рувзон хола, қайтиб чиқиб кетаётган Арслонга шивирлаб,

«ўтиринг ўғлим, ҳозир Нишон акангизни уйғотаман», деди. Йўқ-йўқ, деб эҳтиёткорлик билан қайтиб чиқиб кетаётган Арслонни Нишон аканинг ўзи тўхтатди:

— Арслон! Ҳў-ў Арслон! Қаёққа, тўхта!

— Ия,— деди Арслон хижолат бўлиб.

— Сал кўзим илинган экан...— деди ёстиқдан бошини кўтариб,— бу ёққа кел, ўтир.

Арслон эшик олдидан қайтиб наमतга ўтирди. Нишон ака ҳам келди. Рузвон хола чой олиб келгани ошхонага борди.

— Безовта қилмадимми?

— Йўқ. Бир чойхонага чиқиб келдим. Холангиз мошкичири қилган экан, бир пиёла чой ичиб кўзим илинибди.

Арслон кулди:

— Бизникида ҳам мошкичири...

— Тошкентликмиз-да, мошкичири билан мошхўр-да кўпроқ бўлади.

Рузвон хола бир чойнак чой олиб келиб, Нишон акага, Арслонга қўйиб узатди. Арслоннинг зарурроқ гап билан келганини ичдан пайқашиб, унинг оғзига тикилиб туришарди. Чунки унинг бошқа болаларга ўхшамаслиги, бўлар-бўлмасга бир ерга бормаслиги, оғзига келганини валдирамаслигини билишарди. Бачканаликларни ёмон кўриши, ҳар нарсага ҳиринглаб кулавермаслигини ҳам, серфикр бола эканлигини ҳам сезишарди. Раҳматли Мирюсуф ака бу «одамови» ўғлига катта эътимод қўйиб, «чироғимни доимо ёқиб турадиган фарзандим шу бўлади» дерди.

— Бизга ҳам повестка келди, Нишон ака, мана,— деди Арслон шими чўнтагидан букланган қоғозни олиб.

— Шунақами? Бугун келдими?

— Ҳа.

— Заводдагиларга ҳам хабар бериб қўйгин. Қачонга чақирибди?

— Индинга.

— Ҳа, энди албатта ёшларимиз...

— Мен ўзим ҳам жуда хижолат эдим,— деди Арслон Нишон аканинг гапини бўлиб,— ҳар кимнинг кўнглига ҳар хил гап келиши мумкин эди, биров касалми, дерди. Биров...

— Лаббай?— деди Нишон ака Арслоннинг оғзига тикилиб.

— Оғзига кучи етмаганлар кам дейсизми, ҳар нарса дейиши мумкин...

— Ҳали, сиз, укажон, ҳовлиқманг,— деди кутилмаганда Нишон ака сизсираб.— Нима бўпти — повестка келибди. Ҳозир ҳаммага келяпти, повестка келмаган одам йўқ. Ҳозир гап — мамлакатни сақлаб қолиш ҳақида кетяпти, тушундингизми? Ватан хавф остида. Сизга повестка келиб, сизнинг касал-масал эканлигингизни, йигит киши эканлигингизни оқлаб олиш эмас, Ватанни сақлаб қолиш кераклиги ҳақида гап кетяпти. Менинг нима деяётганимни тушунгандирсан-а, ука! Нима бўлса ҳам юртни сақлаб қолиш керак. Душманамиз жуда ёмон келяпти, у ҳеч нарсадан тап тортмайди. Яъжуж-маъжуждек, мўр-малахдек ҳамма ёқни босиб, емириб, ёндириб келяпти. Унинг йўлини тўсиш керак. Унинг йўлини биров тўсиб бермайди, ўзимиз тўсишимиз керак. Қаҳрамонларимиз ҳам етарли. Ўртоқ Сталиннинг сўзларини эшитдим, ҳали биз душманни кунпаякун қиламиз!

Арслон пиёлани ушлаганча бошини андак қуйи солиб, Нишон аканинг гапларига қулоқ солиб ўтирарди, унинг бир оз мулзам бўлиб, эзилиб ўтирганини Нишон ака сезиб ўтирарди.

— Яхши от кейин чопади,— деди яна Нишон ака,— бизга ҳам гал келиб қолади, шаҳар беришлар тўхтаб қолар... Укажон, сени повестка юбориб чақирибди, демак, сен керак одамсан. Чақирилмаётганлар ҳам бор. Локин, шу чақирилганим билан ўзимни оқлаб олдим деб, янглиш гапларни бошқаларга ҳам айтиб юрма. Сен ўзингни курашда оқлайсан. Агар курашда оқламасанг, то қиёмат виждонан эзиласан. Тушундингми?

— Ҳа.

— Бекордан-бекорга бунақа қаттиқ гапирманг,— деди Рузвон хола,— бировга тўсатдан қаттиқ гапириб юборасиз. Ҳам повестка чиқсин-да, ҳам қаттиқ гапирасизми, ўлганнинг устига тепган қилиб...

Нишон ака билан Арслон кулиб юборишди.

— Вей, Рузвон, мен сенга эмас, мана бу йигитга гапиряпман.

— Майли, қўйинг,— деди Арслон,— холамлар

бошқа маънода айтяптилар, уларнинг диллари худди ойимларнинг дилларидек...

— Ҳамма фирқа аъзолари ҳам шунақамикан?— деди яна Рузвон хола, — эшикдан биров келиб, дардини айтса, ўзини уриша-сўка кетса-я! Овутишни, дардига малҳам бўлишни ҳам билиш керак! Саидваққос қозига ўхшаб, бўйнингизнинг томирларини ўқлогидек қилиб, бақираверасизми! Ваъз айтадиган пайт бор, гаплашадиган пайт бор, бунақа гапларни зовутта ваъз айтгандай айтиб, бундоқ одамга ўхшаб гаплашишни ҳам билинг-да! Ёшингиз фалонга бориб қолди, одамлар ҳам керак. Мисқол пари деган лўлига ўхшаб ҳаммага дилозорлик қилиб тегаверсангиз, нима бўлади!

— Вой, нодон хотин-а, мен нима деяпману у нима деяпти! Буни қара, Арслон! Бу шундоқ ҳеч нарсага тушунмай ўтиб кетяпти-я!

— Сиздан кўра яхшироқ тушунаман! Мана, сиз тенги фирқа аъзолари Зоидоф, Собиржонлар ҳеч кимнинг дилини оғритаётгани йўқ. Собиржон ҳатто Акмал Икромовдек валламатлар билан ошна дейишади.

— Ҳой тилинг кесилгур, уни гапирма!

— Ҳа бўпти, билмай гапириб юборибман, сиз ҳам бировни бекорга уришдингиз.

Рузвон хола пешанасидаги кўзойнакни бурни учигача тушириб, иш тика бошлади. Нишон ака билан Арслон холага билдирмай секин кулиб қўйишди.

Улар анча вақтгача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Арслон Ҳумоюн домланинг Шаҳрисабзга жўнаганини ҳам гапириб берди. Шундан сўнг, Нишон ака билан хайрлашиб уйига жўнади.

— Хабарлашиб турайлик, Арслонжон!— деди Нишон ака уни эшиккача кузатиб.

— Ойингизга мендан салом айтинг, — деди ўрнидан туриб Рузвон хола.

Арслон уйга қайтиб келиб, наридан-бери ечиниб, супага, ўз ўрнига чиқиб ётди. Негадир уйқуси келмади; чалқанча ётиб осмонга тикилди — осмон тўла юлдуз... Жануб томонда, «Етти қароқчи» тепасида ўн тўрт кунлик ой мис баркашдек ярқираб турарди. Ҳамма ёқ жимжит, аммо баъзан аллақерда ўқтин-ўқтин бир катта итнинг салмоқланиб вовиллаши эшитиларли.

Уйқуси қочиб кетган Арслон ўзига-ўзи дерди: «Йўқ! Уқлар чақнаб, бомбалар портлаётган, танклар шалдираб югураётган, тўплар отилаётган жойларга ҳам бу тўлин ой кўришиб турибди. Эҳтимол унда тўлин ой юзини қора булутлар, чангу ғуборлар берки- тангандир. Эҳтимол унинг жамолига тикилишга илож йўқдир...» У ойдан кўзини узмас, унинг сатҳидаги кат- та доғларга тикиларди... Эҳтимол, Барчиннинг ҳам уйқуси қочиб, шу тўлин ойга тикилиб ётгандир. Шу лаҳза Арслонга Барчиннинг юзлари кўришиб, қулоғига унинг ёқимли овози ҳам эшитилгандек бўлди. «Эҳ Барчин, Барчин! Мана, мен ҳам кетяпман, сенинг но- зик қўлларингни сиқиб, хайрлашолмайман. Эҳтимол, мен кетганимдан кейин бирон ойлاردан сўнг хатим етиб боргач, бу воқеани биларсан... Сенинг кузатиб қо- лишингни жуда-жуда истардим...»

У негадир бирдан ўрнидан туриб, хонтахта устида- ги чироқни ёқди. Айвон тоқчасидан сиёҳ-дафтар олиб келиб, хонтахта устига қўйди. Супанинг бир четида бетартиб ётган шими чўнтагидан Маратнинг уч бурчак хатини, повесткани чироқ тагига қўйиб, Барчинга хат ёза бошлади. Бу хатга Ҳамида опа, Ҳумоюн аканинг кўзи тушиб қолишини ўйлаб, қоғозга юрак аланга- ларини яқинлаштирмай, расмий, умумий сўзлар билан уни тўлдирга бошлади:

«Ҳурматли Барчиной, салом!

Мендан Ҳамидахон опамларга, ҳурматли Ҳумоюн акага кўпдан-кўп салом айтиб қўйишингизки сўрай- ман. Қалай, яхши етиб бордингизми, ҳамма соғ-сало- матми? Шаҳрисабз яхшими? Тошкентда биз ҳаммамиз тинч, соғ-саломатмиз. Кеча мен сизларникига борган эдим, Марат акамлардан хат келган экан, сизларга юборишга шошилдим. Бобой билан буви ҳам сизларга салом айтишди. Сизларга донмо сиҳат-саломатлик тилаб,

Арслон. 21 август».

Маратнинг уч бурчак хатини ҳам конвертга сол- ди. Шу он қандайдир бир куч уни ундади: у Марат- нинг хатини қайта олиб, уни эҳтиёткорлик билан очиб, кўз ташлади. Хат қалам билан ёзилган эди. Ота- онаси, синглиси, қариндош-уруғларига салом-алик- дан кейин, ўзи соғ эканлигини, ҳозир унинг бўлин-

маси Бобруйск яқинида жанг қилаётганини, душманга қақшатқич зарбалар беришаётганини ёзган эди. Хат охирига «Капитан Марат Саидбеков», деб имзо қўйибди. Арслоннинг ҳаваси келди; қани энди у ҳам «капитан Ўлмасбоев» бўлса-ю, взводга командирлик қилса, қаттол душман билан курашса, уйига мана шундай хатлар юбориб турса...

Арслон алоҳида бир варақча ёд биладиган шеърни ёзди — бу шеър Ҳумоюн ака қўлига тушмас, уни албатта Барчин олади, мабодо Ҳамида она қўлига тушиб қолса ҳам кулиб Барчинга берадилар, деб хаёл қилди. Бу фикрига қатъий ишонган ҳолда конвертга солди.

Хайр сенга, жоним, хайр! Сен билан —
Яна учрашармиз яқин йилларда.
Ишқни ким совутар айрилиқ билан
Ким ишқ гулин сўлдирарди дилларда!
Мен севаман сени. Ойдин кечалар
Уйлар эдим сен тўғрингда кўп узоқ.
Жонланарди кўз олдимда чиройинг.
Сўнгра қўшиқларинг, шод ҳамда қувноқ.
Сен келардинг, гул унарни йўлимда.
Сен келардинг, шунда ойнадек кўлни
Кўтарардим қадаҳ каби қўлимда...
Мен севаман, ҳайр сенга нозанин,
Яна учрашармиз яқин йилларда
Мен кетаман майдон сари — жанг сари,
Асло сўнмас севги гули дилларда.

Шундан сўнг конверт четигаги елимни лаблари билан намлаб, ёпиштирди. Бу ишни ҳам тахт қилиб, стол устига қўйди-да, чироқни пуфлаб ўчириб ўрнига ётди.

Яна кўз олдида тўлин ой ва юлдузлар чамани.

Бир муддатдан сўнг унинг киприклари бир-бирига чалишиб ухлаб қолди.

Тонг отгач, Арслон почтага кириб, севикли кишига хатни йўллади. Шунақаси заводга борди. Кечқурун уйга Отамулла келиб, Арслонни отаси бир учрашиб кетишини сўраганини айтди. Эрта билан у шай кийиниб, наридан-бери нонушта қилиб военкоматга борди; ҳужжатларини топшириб, кун бўйи медицина комиссиясидан ўтди...

Жума куни пешинга яқин кўчадан ҳовлиқиб кирган Мусоват Қори айвонда ўсма қўйиб ўтирган қизи Пистахондан сўради:

— Ойинглар қани?

— Назокат опамларникига чиқиб кетган эдилар,— деди ўтирган жойида отасини кузатиб. Ҳовлиқиб, бир нарсадан диққат бўлганда Мусоват Қори дарҳол тили тагига нос ташларди. Адасининг хаёли жойида эмас, бир жиддий гап борлигини пайқаган Пистахон ўрнидан туриб, ҳовли ўртасида бош бармоғи тирноғини тишлаб турган адаси ёнига келди,— тинчликми, ада? Ойимлар ўшанақаси Биби Ҳолвайтар холамларни ҳам кўриб келаман, деган эдилар..

— Югур, ойингларни чақириб чиқ,— деди Қори хотирини жамлаб.

— Хўп.

— Ош қилиб юборинглар. Меҳмонхонага жой тайёрлаб қўй. Мен Махсум акангларникига бориб келаман.

Мусоват қори яна орқасига қайтиб, кўчага чиқиб кетди. Ҳовлида бақрайиб қолган Пистахон бир лаҳза у ёқ-бу ёққа аланглади-да, кейин чимирилган ханжар қоши учидан ёноғига оқиб тушган бир томчи ўсмани энги учи билан артди. Шошганидан пойма-пой кийиб олган шиппагини тўғрилаб, ойисини чақиргани қўшниникига чиқиб кетди. Элак сўраб чиқиб, эллик оғиз гап сотиб ўтирган Мазлумахон қизининг имоси билан ўрнидан туриб, олдинма-кетин ташқарига чиқишди. Назокатхонлар остонасидан ўтиши биланок, қизига қаради:

— Нима гап?

— Нима гаплигини мен қаёқдан билай. Шошиб кириб, ойингни чақир, дедилар. Ош қилиб юборинглар, дедилар. Махсум акани чақириб келгани кетдилар..

— Тинчликмикан? Тагин обиска-мобиска йўқмикан, уни-буни қўшниникига олиб чиқиб қўйинглар, деганлари йўқми?

— Йўқ.

— Авзойилари қанақа эди?

- Ҳар вақтдагидай.
- Ҳар вақтдагидайинг нимаси! Аниқроқ айт! Ранглари ўчмаганмиди?
- Йўқ.
- Тавба, нима гап экан-а?
- Нима гап бўларди. Тинчлик. Учоққа олов ёқиб, савзи тўғрайверинг.

Орадан бир соатча вақт ўтгач, ҳовлига Қори, Қизил Махсум, яна ўрта яшар бир киши кириб келди. Бу одам Мусоват қорига ўхшаб, бурни тагига қўнғиз мўйлов қўйган, от жағ, бурни узун, ориққина эди. Мазлума хола наздида у киши примус тузатадиган пирсиёнга ҳам ўхшаб кетарди. Меҳмонлар айвонга чиқишди. Шу лаҳзада ҳовлида пайдо бўлган Отамуллага Қизил Махсум Арслонни ҳам чақириб келишни буюрди. «Бола бечора ташвишда...» деди Қорига бош чайқаб. Отамулла кўчага чиқиб кетди. Тўсатдан бошланиб қолган кирди-чиқди, югур-югурлар Мазлумахонни гангитиб қўйди, у калавани учини йўқотиб, қизига «тез-тез даданг айтганини қилавер», деб ошхонада ўтин ёрадиган тўнка устида ўтириб қолди. Пистахон хонтахта устига дастурхон ёзиб, мева-чевага тўла катта патнис қўйди. Нон олиб кирди. Жағиллаб қайнаб турган савварни ҳам олиб кирди. Мусоват Қори нон ушатиб, юқорида ўтирган меҳмон олдига қўйди. Бу одамнинг асли номи Зиё Шамшир ўғли Шоҳқора бўлиб, таниш-билишлари Зиё афанди, дерди. Ўзи ҳам шундай деб аташни ёқтирарди. У камгап, мағрур одам. Мўйнани яхши танийди, кейинги пайтларда қоракўл ва сувсар мўйналари билан савдо қилади. Қора дори ерди, шу сабабли Мусоват Қори билан улфатчилиги бор. Шайхантоҳурда, Мусоват Қори жианларидан бириникида ижарага турарди. Бу одам анча йиллардан буён сўқ-қабош бўлиб, ўзининг айтишича, «биринчи жаҳон муҳорабасидан кейин бу томонда қолиб кетган оғалари — Жавуд афандим, Иброҳим афандиларни кўргани» келиб, кейинчалик чегара йўллари маҳкам бекилгач, қайтиб кетин имконияти бўлмабди. Ёш хотини ва ўғли Истамбулда қолиб кетган экан. Хат-хабарлар ҳам ўтмай қолибди. Аслини олганда, ўша оғалари Анвар пошшо билан бирга келган ҳарбий кишилар бўлиб, Бойсун тоғларида қўлга олинган. Зиё афандининг ўзи ўта пантуркист бир шахс эди. У бир кекса, хоки-

сор одам бўлиб кўрингани билан юрагидан советлар-
ги ёмон кўрарди.

— Қани, афандим, дастурхонга қаранг,— деди Му-
соват Қори сертакаллуфлик билан,— мана бу сариқ
кишмиш, Самарқанддан атай олдириб келдим. Мана
бу қора майиз. Пиёлага новвот солиб чой қуяйми?

— Йўқ, аччиқ қилиб, шундай қуяверинг,— деди
Зиё афанди турк талаффузида. Шинам хитой пиёлада-
ги аччиқ чойни Мусоват Қори қўлидан ола туриб, «соғ
ўл!» деб қўйди.

— «Ҳожи-бадал» бўлганингиз муборак,— деди Зиё
афанди кулимсираб, ичдан масхара қилиб.

— Қуллуқ.

— Қори акамлар энди табаррук одам, — деди Мах-
сум.

— Аммо, қисталоқ имом ўша куни менга сўз би-
лан танбеҳ берди-я? Ҳукуматга берилган одамга ўх-
шайди.

— Улар шунақа, пул тушадиган томонга қараб
сайрай беради. Уларнинг сурнайчидан фарқи йўқ. Эн-
ди билдингизми?— деди Зиё афанди.— Уларга шошиб,
бир гапни айта кўрманг. Шу куниёқ бориб сизни со-
ғиб келади...

Қизил Махсум Зиё афандини эшитгану, аммо у би-
лан ош-қатиқ бўлмагани сабабли унга қовушолмай
ўтирарди. Зиё афанди ёнидан бир сўмлик сўлкавой
катталигидаги, ёғ-упадан бўшаган тунука қутчасини
чиқариб, ичида сарғиш юпқа қоғозга ўралган таряк-
дан яримта майизчасини ушатиб Мусоват Қорига туг-
ди. Қори ўз чўнтагидаги қора дорини ҳам олиб хон-
тахта четига қўйди-да, лекин «сизники табаррук» де-
гандек, Зиё афандиникини пиёласидаги бир қултум
чойга эзиб, эритиб, қулт этиб ютиб юборди. Шундан
сўнг икковлари шошмасдан майизнинг чўпини олиб,
тишлаб ейиша бошлади. Ора-чора аччиқ чойдан ҳўп-
лаб қўйишарди. Қизил Махсум ёши катта икки «мўъта-
бар зот»га чой қуйиб бериб, «хизматда» бўлиб турди.

— Бугун Минск шаҳри кетди,— деди калласини
кўтариб Зиё афанди,— Ижтимоий Шўролар Жумҳури-
ятининг бир пойтахти Адмония қўлуна ўтди.

— Катта шаҳармиди, афандим?— сўради Мусоват
Қори.

— Буюк шаҳар. Ҳукуматни мағрибдаги асосий

қалъаси. Яқин кунларда Киев ҳам кетади...— Бу — муқаррар! Алмония қўшунини ҳеч қандай куч тўхта-та олмас. Ҳамма қалъалар ер билан яксон бўлиб, Алмония қўшуни кела беради. Бундай қудратли қўшун дунёда йўқ.

— Ўрта Осиёнинг аҳволи қандай бўларкин?

— Менимча, кузга қолмай улар Қофқозни оладилар. Маскав олингач, Ўрта Осиё масаласи ҳал бўлади.

— Ёмон бўлмасмикан, афандим?

— Ёмон бўладиганларга, албатта, ёмон бўлади. Лекин ўрта осиеликлар, қофқозликлар, қиримликларнинг бахти келади, Қори! Мен бу бахтни йигирма беш йилдан бери кутиб ётибман. Мен Ўзбекистонни ҳам, Озарбайжонни ҳам, Қримни ҳам мустабидлар қўлидан озод бўлишни истардим. Миллат таҳқирланди — биз ўзимизни эмас, авлодни ўйлашимиз керак...?!

Шу лаҳза эшикдан кириб келган Отамулла билан Арслон айвонда ўтирган улуғларга салом бериб, ҳонтахта этагига чўкка тушишди.

— Ошнамга повестка чиққан, докторлардан ҳам ўтиб бўлдилар,— деди Отамулла адасига қараб.

— Бу, менинг ўғлим,— деди Мусоват Қори Зиё афандига Отамуллани кўрсатиб,— бу йигит — Арслон, менинг ичим. Яхши йигит. Уни ҳарбийга чақиряптилар.

— Соғ ўл, соғ ўл,— деди Зиё афанди ёш йигитчалар билан танишганидан мамнун бўлиб,— Аббосхон Хўжаҳон ўғли кўринмайдилар? Саломатликлари яхшими? У ҳазратни мен кўп ҳурмат қиламан, олижаноб одам.

— Вазифачилик, афандим, мен ҳам кам кўраман. Бундай аҳволлар бўлганлиги сабабли у кишининг ҳам ишлари кўпайиб, ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолганга ўхшайдилар.

— Дўхтирлардан ҳам ўтиб бўлдингизми?— гап қўшди Қизил Махсум Арслонга ярим овозда мурожаат этиб,— нима дейишди?

— Ҳаммаси жойида, соппа-соғмиз,— деди кулимсираб Арслон поччасига.

Мусоват Қори ҳам, Зиё афанди ҳам, Махсум ҳам Арслонга тикилишди. Ўзини Армия сафига чақирилаётганидан мамнун, қандайдир бир баҳодир кишига ўхшаб юрган Арслоннинг юзидаги тетикликни кўриб,

яна ҳам сукут ичида тикилишди. Арслон Зиё афандининг ўсиб кўзлари устига қайрилиб тушган қошларига бир қараб қўйди, аммо чуқур қовоқлари ичида ялтираб турган кўз қорачиқлари Арслонни аврагандек беҳуш қилиб қўйди, юзидаги чақнашлар бир лаҳзада ғойиб бўлди.

Арслон икки қўли солиқ, пойгакда хомуш ўтирарди. Рўпарасидаги бу салобатли одамни фақат бир марта бозорда — Қори ака ёнида, ундан сўнг, бултур поччаси берган «гап»да кўрган эди, холос. Зиё афанди ҳам, Мусоват Қори ҳам Арслонга тикилиб туриб, ўлик одамни кўришаётгандай. «Ҳадемай бу йигит қўлига милтиқ ушлаб, «Ватан учун, Сталин учун, ура-а-а!» деб югуради, Германия ўқига учиб ерга чўзилади...» деди ичида Мусоват Қори. «Турон болалари бошқалар учун қурбон бўлиб кетади,— деди ичида, тикилиб турган Зиё афанди,— улар Русия тупроқларида чириб кетадилар — улар мажбур қилиб олиб бориляпти, замбарақларга ем қилиняптилар».

— Повиска келдими, Арслонжон? — Мусоват Қори чой узата туриб сўради.

— Ҳа.

— Завод олиб қололмас эканми? Брони йўқ эканми?

— Унисини билмадим.

— Амалдорлар қолади, жуҳудлар қолади. Битта брон ўн минг сўм эмиш. Сенга ўхшаганларга брон берармиди?

— Ишга кирганимга ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ-ку, Қорака, менга брон бериш қаёқда.

— Булар, ҳукуматин болалари, улар ҳукуматин мудофаа қилишлари керак,— деди Зиё афанди Арслон билан Отамуллага тикилиб.— Шундоқми?

Отамулла билан Арслон индашмади. Кейин бирига секин қарашди. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини Зиё афанди диққат билан кузатиб турарди.

— Шундоқ!— деди яна Зиё афандининг ўзи,— менинг ўғлим ҳам ҳозир шулар ёшида. У, ёруғ дунёда борми, йўқми, билмайман.

— Афандим, сабр теги раҳмон,— деди Мусоват Қори,— шунча йил кутибсиз, худо хоҳласа, муродингизга етасиз. Фарзандингизни ҳам кўрарсиз, Истамбулни ҳам, Измирдаги волидангизни ҳам...

- Айтганинг келсин, Қори.
- Тоғам Мунаввар Қорининг қасоси бор!
- Сен демишсанки, мен йигирма беш йил кутдим? Йўқ, йўқ, мен йигирма беш йил курашдим.
- Баракалла, Афандим!
- Ўзбекистон — маним иккинчи ватаним, ўзбекларин ўз юртина ўзи эга бўлмоғини кўрмоқ иста-рам...

Арслон бу гапларга ҳайрон бўлиб қаради. Нима гап? Катталар салобати олдида чўкка тушиб ўтираве-риш жонига тегди ва бунинг устига яна қўланса гап-лар... У, ёнида ўтирган Отамуллани тирсаги билан бошқаларга сездирмай туртди. Отамулла секин қа-ради.

- Ҳа?
- Ўтираверамизми? — шивирлади Арслон.
- Ҳозир адамлардан сўрайман, — у Зиё афанди-га ниманидир тушунтираётган адасига қаради. Ўғли-нинг диққат бўлиб турганини сезган Мусоват Қори бир лаҳза гапини тўхтатиб, Арслон билан Отамулла-га қаради.

- Нима демоқчисан?
- Бизга рухсат берсангиз.
- Ҳа, майли, кўчага чиқиб келинглар. Лекин ке-чикманглар, ош тайёр бўлади!
- Ҳўп, — улар иккови ўринларидан туриб, таш-қарига чиқиб кетишди.

Улар чиқиб кетгач, Зиё афанди негадир шубҳа-омуз Мусоват Қорига қаради. «Оғайниси, хавотир ол-манг, ўғлимдек гап, — деди Мусоват Қори, — ўзимиз-нинг қўлимизда катта бўлган бола. Бунақа гапларни кўп эшитган, ориятли, ўз юртини яхши кўрадиган йигит. Бугун-эрта у бечора ҳам жўнаб кетади. Мана шу икки кўчадан бир ой ичида элликта бола кетди десам, янглишмайман. Маҳалладан кетганларни жамласа юз элликка бориб қолади. Бу уруш йигитлар-га қирон соладиганга ўхшайди.

— Қадим, ҳали ердан қор кетмаган эрта баҳор-да молларни ҳайдаб далага чиқиб кетаётган чўпонни кўрган Ҳизр таажжубланиб сўрабди: «Эй, чўпон, ҳали қор бор-ку, нега подани ҳайдаб кетяпсан?» Қиш-нинг куни тугади. Бу қорлар ўлган қор», дебди чўпон. Ҳизрнинг жаҳли чиқиб, худонинг ёнига югу-

рибди: «Бу банданг сан билан мандан ҳам ақлли чиқиб қолди, жуда бўлмаганда бир кунгина гизгизон юбор». Худо Ҳизрнинг обрўсини туширмаслик учун бирдан совуқ шамол юбориб, қор ёғдириб, ерларни музлатибди. Ҳизр яна чўпон ёнига келиб: «Хўш, бунга нима дейсан?»— дебди. «Қишнинг куни битган эди, биз буни яхши билардик. Аммо бир ифвогар худонинг ёнига чиққанга ўхшайди»,— дебди чўпоннинг кўзлари ёниб...

Зиё афандининг гапига жон қулоғини тикиб ўтирган Мусоват Қори билан Махсум бирдан кулиб юборишди.

— Офарин, офарин!— деди тиззасига уриб Мусоват қори, ҳар қалай бу икки йигит ичида Ҳизри йўқ, унинг бири менинг ўғлим, иккинчиси — иним. Бу шубҳа ноўрин.

— Соғ, ўл! Соғ ўл!— ишшайди афанди.

Айвон ёнига келган Пистахон адасига «ойимлар ошни сузаверсинларми?» деди.

— Ҳа,— деди Мусоват Қори қизига,— аканг Арлонжон билан кўчага чиқиб кетишган эди, чақириб қўйсанг яхши бўларди.

Пистахон ойисига «сузаверинг» деб, югурганича кўчага чиқди. Улар йўқ. Югурганича катта кўчага ҳам чиқиб келди—улар йўқ. Шундан сўнг ҳовлига қайтиб кириб, адасига айтди. Ошхонага кириб, катта чинни лагандаги ошни кўтариб, айвонга олиб келди. Мева-ширинликлардан бўшатишган хонтахта ўртасига Мусоват Қори ошни қўйди.

— Қани, марҳамат, ошга қаралсин!

— Олинг, олинг!— Қизил Махсум Зиё афандига мурожаат этди.

Зиё афанди қошиқда, Мусоват Қори билан Махсум қўлда ошни тушира кетишди. Зиё афанди дамодам чой талаб қиларди...

Бу уч улфатга сиртдан қараб, диққат билан кузатган одам уч қиёфани сезарди — Зиё афанди ўзини муаллим — зиёлича, ҳам файласуфу тадбиркор олимга ўхшатиб қилиқлар қиларди. Арзимаган нарсани ўйлаб, пешаналарини тириштириб гапирарди. Кўчада юрганида кўзига зангори кўзойнак тақиб, даркор бўлмаса ҳам сиртига кумушдан турли гуллар қопланган ҳасса тутар, қўлида қаҳрабо тасбеҳи ҳам бор

эди. Мусоват Қори гўё Амир Темурнинг давомчиси, Қизил Махсум бўлса ўзини дам саркарда Абомуслим, дам Паҳлавони Аҳмадга ўхшатарди. «Миллат гамини еб юрган» бу уч улфатнинг пешанасида милт-милт тер пайдо бўлиб, бурунлари устига оқиб тушар, чақалоқ боланинг калласидек қилиб ошдан олишар эди. «Мутафаккир»ни ҳиқичоқ тутди, «Темур мирзо» дарҳол чой тутиб, мавлоно Баракатуллонинг ҳиқичоқини тўхтатди...

— Алмония қўшинининг елдишим каби тезлиги Шўро қўшинини пароканда қилиб қўйди. Бир неча қомандонлари Алмония томонига ўтиб кетибди. Маршал Ворошилов билан Будённийни ўлди, деган гаплар бор...

— Ворошилов-а? — ачиниб, таажжубланиб сўради Қизил Махсум.

— Ҳа, нима бўпти? — Мусоват Қорининг энсаси қотди.

— Вой, катта одам эди-я... Ворошилов ўлибдимми? Жуда катта одам-а!

— Мунча ачинасиз, Махсум! Ҳамма ҳам ўлади да...

— Масала тезда ҳал бўлади, афандилар, — деди Зиё афанди, — менимча, бир йилга ҳам бормаёди. Бундай пайтда томошабин бўлиб туриш тўғри эмас. Одамларга бу уруш узоққа бормаслигини тушунтириш керак. Мустафо афандини билсангиз керак?

— Йўқ, — деди Қизил Махсум.

Мустафо Чўқай ўғли муваққат Туркистон жумҳуриятининг раисидир. Биздаги маълумотларга қараганда у зот Алмониядаги «Туркистон легиони»нинг раҳбари. Биз бунда қўл қовуштириб турмай, жуда бўлмаганда одамларга большевикларнинг умри қисқа эканини айтишимиз керак. Заводларга мусулмон болаларининг бормаслигини тушунтириб, уқтиришимиз керак. Пайти келиб... Бизлар жанг еридан узоқда бўлсак-да, бу ерда ҳам жанг. Нодон бўлмаслик керак, темирни қизиғида урмоқ айни муддао!

— Тушундим.

— Қани, ош совиб қолмасин, афандим, ошдан олинг, — деди Қизил Махсум.

— Одамларни ишга солиш керак.

— Тагига сув кетди денг?

— Сув ҳам гапми...

— Милтиқ кўтариб чиқолмасак. Милтиқ кўтарган Иброҳимбеклар, Шерматхонлар, Омон полвонлар нима бўлди!

— Бизларнинг қуролимиз — юракдаги мақсадни кишиларга тушунтирмоқ. Ҳозир бундан ўткир қурол йўқ. Сиз, Қори, маҳалланинг ҳамма ишларига фаол қатнашинг. Бу, жуда муҳим, жанозада бош-қош бўлинг, кексаларни сийланг, қийналганларга имконият борича мурувват қилинг. Тўйлар бўлиб қолса, унда ҳам танишми, нотанишми фаол бўлинг. Ваъз айтинг, одамларни ўзингизга қаратиб олинг. Бу — сиз билан биз учун жуда керак. Бу — Мустафо ҳазратлари учун ҳам жуда керак. Одамлар сизга суянсин, сизга ишонишсин, болаларга, хотин-қизларга ҳам меҳрибон бўлинг. Эски большевикларни беобрў қилинг, одамлар уларга нафрат билан қарасин. Бу, бизнинг кураш усулимиз. Тушундингизми?

— Бу гаплар менга жуда тушунарли, — деди Қори.

— Келаси ҳафта, шу куни менинг кулбамга ҳам марҳамат қилинглар, бошим кўкка етади.

— Худо хоҳласа.

— Дўлма қилдириб бераман.

— Дўлма яхши нарса, — деди кулиб Мусоват Қори, — яхши мол чиқиб қолса хабар қилайми?

— Албатта, — деди Зиё афанди қўл артаркан, — Пичоқчилик маҳалласидан чиққан Валихон Қаяумхон ҳам Мустафо ҳазратлари ҳузурида жуда эътиборли одам эканини биласизми?

— Пичоқчиликдаги Қаяум Қорининг ўғиллари-я? Германияда қолиб кетганини эшитган эдик. Уруш бошланишидан сал илгарироқ бу ердаги қариндошларига хат ёзиб, ўзининг мусулмон экани ҳақида тасдиқловчи ҳужжат сўраттирган экан. Қаяум Қорига бериб юборган эдик...

— Балли! Айтган гапларингизнинг ҳаммаси тўғри, — деди Зиё афанди.

Улар яна аллавақтгача суҳбатлашиб, чой ичиб ўтиришарди. Қоронғи тушгач, хайр-хўшлашиб тарқалишди.

* * *

Бегонанинг олдида тугмадек жанжал туядек бўлади. Мусоват Қорининг хотини Мазлума хола кимга-

дир текказиб, «оёқдаги бит бошга чиқар...» деган эди-йўлкада, харсанг тош устида данак чақаётган невараси ёнида турган Биби Ҳолвайтарнинг оёқ-қўли титрай бошлади. Тўсатдан айтилган бу заҳарли гапдан довдираб қолган Биби Ҳолвайтар бир нима деёлмай, ранги оқариб, титраганича неварасини кўтариб жўнади. Мазлума холанинг бундай илон тили чиқиб қолгани ҳангу манг қилиб қўйди. Уйга келиб, унга жавоб қилмаганига ачинди, «гадойлар, димоғдор гадойлар, нонимизни туя қилаётган савдогарлар!» деб айюҳаннос солмоқчи бўлди. Лекин бунинг фойдаси йўқ. Кейинги пайтда у «таги кўрганлиги, Абдумавлонбойнинг қизи» эканлигини писанда қиладиган бўлиб қолди. Эри томондан илгари номини тилга олишга қўрқадиган Мунаввар Қори Абдурашидхон ўглининг жияни эканлигини ҳам очиқдан-очиқ айтадиган бўлиб қолди. Бу хотиннинг қаёқдан пишанг олаётганига ҳайрон эди. «Таги паст» ота-бобоси дегрез ўтган Рувзон хола, Биби Ҳолвайтарлар баъзан бу таъналарга ўксиниб, баъзан эс-ҳушини йиғиб, кулиб қўярдилар. Биби Ҳолвайтар умрида арава ёки автомобилга тушмаган, борадиган ерига доимо пиёда борарди. Соатни ҳам билмас, офтобга қараб ўчоққа олов ёқар,— деворга, ҳовли сатҳига чизиб қўйган белгилари бор эди.

Аммо кейинги кунларда сатанг Мазлумахонларнинг димоғи кўтарилиб, икки чеккасидан гажагини мойлаб, бураб марварид шокилдалик уйғур зирагини шовдиратадиган, кибор куладиган бўлиб қолди. Қизини кўргани Хўжа кўчага келган ўзганликка кўзи тушган Мазлумахоннинг беихтиёр товуши чиқиб, ҳаммаҳалласини чалпирди...

Аммо Мазлумахонларнинг дегрезликларга кўзини олайтириб, бўрига ўхшаб тишини кўрсатишида гап бор. «Бу дарднинг иситмаси,— деди Нишон ака бир куни хотини Рувзон холанинг гапларини тинглаб, қулоғи орқасини қашлаб,— ўлмасак ҳаммасини кўраверамиз. Кўршерматларни ҳам кўрдик, Непманларини ҳам кўрдик, Мунаввар Қори-ю, Чўқайларигача кўрдик... Қўлидан ҳеч нарса келгани йўқ, фақат одамларни чалғитиб, ака-укани ёқалаштирди; холос! Яна битта шунақаси чиқса ажаб эмас, халқнинг ўзи мажақлаб ташлайди. Аммо, ҳозирги нозик вақтда бу жуда оғир

бўлади-да. Ўзимизга тинч вақтда булар бошини ичига тортиб ётади. Мана, шунақа, мамлакатнинг бошига иш тушганида бу муртадлар бош кўтариб, биқинимизга пичоқ суқади...»

— Саидазим бойваччанинг хотини ғар чиққани унинг кеккайган бошини ерга қаратиб, хонадонини дарз кетган кемадек охири сувга чўктирди. Бу гап Чигатой даҳасида ҳаммага маълум эди,— деди Рузвон хола ўйлаб туриб. У эрига ўхшаб ақлли гап айтганидан завқланарди,— локин охири Саидазим бсийвачча ўзини-ўзи осиб қўйди-я!

— Ўзини-ўзи осадиган аҳмоқ йўқ, ғарлар ўзини-ўзи оса берсин!— деди Нишон ака илжайиб.

— Ўзини-ўзи осадиган бўлса ғар бўлармиди!— Хо-о-о қудратингдан ўргулай! Бу одамлар тинч юра қолса нима қиларкин, отасининг молини талашадими? Бу дунё ҳаммадан қолади-ку! Одамлар мунча ёмон бўлиб кетган. Эҳтимол, Шўро ҳукумати ўзбайларга ёмон қараётгандир. Эҳтимол, мусулмончиликларни йўқотиб, ҳамма ёқни кофиристон қилаётгандир...

— Дир... дир-инг қурсин!— деди Нишон ака Рузвон холанинг гапини шартта кесиб,— сен ҳам ўзбексан, шундоқми?

— Алҳамдулилло, ўзвман.

— «Ўзва» эмас, ўзбекман, дегин. Қадимги, Алимқулибекнинг замонидаги узун чопон «ўзвак» эмассан, Совет ҳукумати замонидаги тушунган, ўсган, маданиятли ўзбексан! Бунинг катта фарқи бор, хотин!

— Сиздан ҳам яхши тушунаман!

— Хўш, сенга ёмон бўляптими?

— Нега ёмон бўларкан!

— Нега жириллайсан бўлмаса?

— Бошқалар-чи? Мен рабобнинг хотиниман, деб керилиб юра берсам, бошқалар-чи?

— Бошқалар сандан минг марта яхши туради, тушундингми? Ейиш-ичиш, кийинишга келганда бизлардан минг баробар олдинда турадиганлар тўлиб ётибди. Тўғри, бизлар ўз касбимиз, ҳалол ишимиз билан улардан бойроқ тураемиз. Бошқаларнинг қанақалигини мен сандан кўра яхшироқ биламан, менга ишона бер! Совет ҳукумати барчага баробар. Доимо шундоқ бўлади. Битта-яримта тиррақи бузоқ подани булғатмаслиги керак! Иккиламчи, биз, аяби ҳамми-

қизлар эмас! Халқ номидан биз гапиришимиз керак, гапирамиз ҳам! Анави пул бандалари эмас! У даюслар юрт... юрт... миллат... миллат... дегани билан дилда бошқа нарса бор. Юртни сотиш, бойиб, яна камбағални ўз заводида ишлатиш. Заминдор бўлиб, бизга ўхшаганларни коранда қилиш. Нега?! Нега биз бунга рози бўлишимиз керак?! Бизлар ҳам инсон-ку! Нима, уларнинг ўқи ўзганми, ёки уларнинг шохи борми? Ҳе, ўша!

— Ҳой, адаси, сиз нега менга дўқ урасиз!

— Э, муни қара, тажанглигим тутиб кетибди,— деди ўзини қўлга олиб Нишон ака.— Бу хумпарлар ҳеч тинч қўймапти-да!

— Кимлар?

— Айтолмайман. Агар ағиқ билганимда жуда бўлмаганда ҳатто акамга тўхмат қилганларнинг ёқасидан тутмасмидим! Улар миллатчи эмас, ҳатто қотил-ку! Аниқ билолмаяпман, Рузвон, билолмаяпман! Гумон билан иш қилиб бўлмайди. Кўйлагимнинг ичига бурга кириб қолиб, мени безовта қиляпти, шу бургани тополмаяпман! Биласанми, уни тополмаяпман... Ўзингдан чиққан балога, қайга борурсан давога!

Ун бешинчи боб

ШАҲРИСАБЗДА, ЎЗБЕКНИНГ ҚАДИМИЙ ШАҲРИДА

Энди икки оғиз сўзни Барчинойдан эшитинг: ўша куни хайр-хўшлашиб Тошкентдан жўнаб кетаётганда ғала-ғовур ичида боши гангиб, ҳеч нарсани сезмаган Барчин, ота-онаси билан омон-эсон Шаҳрисабзга етиб келиб, жойлашиб олишгач, бир нимасини йўқотиб қўйган кишидек бўлиб қолди. Баъзан хаёл суриб кетар, юраги узилиб, сийнаси бўм-бўш бир қутига ўхшаб қолгандай бўлар эди. У кун бўйи ўтириб хаёл сурарди — хаёлларнинг поёни йўқ. Адаси Шаҳрисабзни Самарқандга жуда яқин, деган эди. Йўқ, поезд билан Кармана, Когон, Қарши, Ғуздорларни ўтиб, икки суткадан мўл йўл юриб етиб келишди. Йўлларда соатлаб тўхтаб, ҳарбий поездларга йўл беришгани, қатор нефть цистерналарини ўтказиб юборишгани.

онасининг юраги «приступ» бўлгани... ҳамма, ҳаммаси орқада қолди. Барчин нима қиларини билмай паршон ўтирибди. Бешкент билан Когон оралиғидаги Муборак даштидан ўтишда адаси: — «Бу ерда шундай гўзал қоракўл барралари етиладики, бу ноёб гўзаллик ер юзининг ҳеч бир жойида топилмайди,— деди,— ҳатто бу ерда туғилган қоракўл қўйларини ям-яшил майсазорларда боқилиб, тиниқ булоқ сувлари ичирилганда унинг сифати, гўзаллиги юзтубан бузилгани-ю, бу ёниб ётган дашт этдан-бетан униб чиққан гиёҳ, қизиб ётган тошу қумлар, шўрхоқлар, қайноқ шомолу сернамак сув асл қоракўлларни — бебаҳо жавҳарни яратади. Бунда туғилган қоракўл қўзичоқнинг териси — Европада ҳам, Латин Америкасида ҳам Австралия, Японияда ҳам олтинга сотиб олинади. Муборак дашти ўз мўъжизаси билан дунёга машҳур...»

Саидбековлар оиласи Оқсарой харобаларидан унча узоқ бўлмаган бир ҳовлига жойлашди — бу ердан Райком биносигача ўн минутлик йўл. Райком ёнидан ўтадиган катта кўча — кенг хиёбондан иборат бўлиб, қатор дарахтлар билан ўралган гулзор бўйлаб узоқларгача чўзилган. Шаҳар маркази ғоятда гавжум; магазину кичик колхоз дўконлари, бозор, чойхона, сартарошхона, клуб... Ундан нарироқда кино, мактаб, фабрика ва шаҳар муассасалари бинолари. Енгил ва юк машиналари тинмай қатнаб турибди; ора-чора катта кўчадан тракторлар ҳам патиллаб ўтиб қолади. Қарши, Ғузор, Қутчи, Меқрид, Хисорак томонларга кетадиган йўловчилар салқин дарахтлар тагида, ариқ бўйларида ўтириб, арава кутишмоқда. Наматон, Китоб, Кунчиқар, Ҳожимурод Бахши томонга борадиганлар машина кутмай жўнашарди — оралиқ узоқ эмас. Шаҳрисабз билан Китоб — қўшалоқ шаҳар, уларнинг бир-бирига яқинлиги Фарғона билан Марғилонни, Бухоро билан Когонни эслатади. Шаҳрисабз кўчаларида қора «Эмка»дан тортиб юк машиналари, оту эшак минганлардан тортиб, тўрт гилдиракли четан араваларгача бор. Баъзан подачилар шаҳарнинг қоқ ўртасидан «ба-а-бу-у...» қилаётган молларни олиб ўтадилар. Ҳовлиларда, баъзан кўчаларда бузоқдек кўпкак итлар ҳам сандираклар юради. Барчин дастлабки кунлари улардан жуда қўрққан эди, кейинчалик ҳайиқмайдиган бўлиб қолди. Улар кишига тегмайди. Оқсарой девор-

лари салқинида ёнбошлаб ётадиган, қулоқлари кесилган катта кўппак ҳам дастлабки кунлар эринчоғлик билан Барчинга бир қараб қўйди-да, яна бошини ерга қўйиб уйқусини ола берди. Ҳовлиси рўпарасида ётадиган бу итга Барчин атай гўштгли суяклар олиб чиқиб берарди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас у Барчинни кўриши билан думини ликиллатиб, орқасидан юрадиган бўлди. Ҳамида опа бўлса деразадан кулиб қараб, «Барчин, ана кучугинг келди, бирон нима бер», дерди каравотда ётган қизига. Бу итни у ўзича «Қоплон» деб атай бошлади. Ҳақиқатан ҳам унинг оёқлари йўғон, калласи ҳам катта, йўлбарсдек важоҳатли эди. Ўзи ҳам сал кам бузоқдек келарди.

Барчинда жониворларга нисбатан бир раҳмдиллик доимо сезилиб турар, уларни ўргатиш, парвариш қилишни яхши кўрар эди.

Шаҳрисабзга кўчиб келган кунларининг эртасигаёқ Барчин ўнинчи синфни битириш тантанасида кийган янги жужун кўйлагини кийиб кўчага чиқди. Одамлар, одамлар... Бунда ҳам Тошкентга ўхшаб, юкларини қопга солиб, ҳарбий комиссариат ҳовлисида кутиб ўтирган йигитлар, хотин-халаж, кексалар... ҳамма ерда хўроз бир хил қичқиради... Югуриб-елиш, от-уловнинг сўлуғ чайнаб арава тортиши, ҳа — бўл, ҳа — бўл! Райком биноси ҳам бир қаватли, оддийгина. Узун, ярим қоронғи коридор бошида «биринчи ва «иккинчи» секретарлар кабинети, ўртада кенггина хона бўлиб, бунда қорачадан келган бир қиз машинка чиқиллатиб ўтирар эди. Коридорнинг икки томонида эшикларига номер қўйиб, фамилиялар ёзиб қўйилган: бўлимлар, инструкторлар, лектор ва хўжалик учёт бўлимлари. Барчин райком биносига кирганини билдирмай ўзича бир айланиб кўриб кетди. Отаси у ерга пастдан юқори бўлиб, катта бўлиб келмаганини, доцентлигини, яшаб турган иссиққина жойини, ўрнини ташлаб келганини дарҳол пайқайди. Бу ишларга Усмон Юсупов сабабчи эканини ҳам билди. Ҳатто унинг отаси фронтга кетган собиқ райком секретари билан ҳам учрашиб, иш қабул қилиб олгани йўқ. У одамнинг фақат суратини кўрди, холос. Ҳамма иш шошилинч бўляпти, ҳамма безовта, аммо ҳар ким ўз ишини билиб қиларди. Райком биносида юраркан, «менинг адам Шаҳрисабз районининг раҳбари...» деган

фикр хаёлидан ўтди. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ унинг кўзи олдида отаси — Ҳумоюн Саидбековнинг жиддий, пешаналари тиришган важоҳати пайдо бўлди: Тошкентдаликларида, бундан бир йилча муқаддам «Қизил Ўзбекистон»да унинг ахлоқ-одоб мавзуидаги мақоласи босилиб, қуйидаги фикрни жиддий баён қилган эди: «Ҳозирги пайтда бизнинг ғашимизга тегаётган нарсалардан бири — баъзи масъул ва номдор кишиларнинг кеккайган фарзандлари. Катта хизмат қилиб эл ичида обрў топган номдор кишиларнинг болалари ичида ота-онасига муносиб, ажойиб фарзандлар кўп. Бироқ, баъзан отасининг хизмати унинг хизматидек, ҳеч кимни назар-писанд қилмайдиганлари ҳам учрайди. Улар отанинг обрўсини бозорга солиб сотяптилар. Бу нўқонидан ел ўтмаганларнинг димоғи осмонда. Машҳур отанинг гуноҳи шуки, бу фарзандини кийинтириб катта қилди, ўлгунча етадиган маблағ ҳам берди. Хўп, сен шу олижаноб одамнинг пушти камаридан бўлган экансан, сен, меҳнат қилмай талтайиб, одамларни менсимай юр, деган гап эмас бу!»

Бу гаплар Барчиннинг миясидан чақмоқдек ялт этиб ўтди. У дарҳол «бу идоранинг раҳбари адамлар» деган фикрни миясидан чиқариб ташлади. Райком — Шаҳрисабз коммунистларининг штаби, бу ерда дала заҳматкашлари ғалаба режаларини тузади, бу ер — тарбия ўчоғи, бу ер — Шаҳрисабзнинг тепиб турган юраги... Унинг адаси — Ҳумоюн Саидбеков шу коммунистларнинг бири.

Барчин райком биноси рўпарасидаги узун хиёбонга чиқди. Аксарият одамлар дала кишилари эканлиги сезилиб турарди. Жарқўрғон, Мироқи, Паландара, Шеробод, Денов, Сиваз, Қутчи томонлардан келган кишилар ҳам иш билан юришибди. Бошига дакана ўраб, кўрпа читдан кўйлак кийган хотинларни ҳам учратди. Кексагина бир аёл Барчин билан саломлашиб, уни «Маскопдан келган» хаёл қилди. Барчин унга мулойимлик билан ўзининг «тошкентлик» эканлини айтди. У дастлабки кунлариёқ Шаҳрисабзни харитадан топиб, у ҳақда маълумотлар топиб ўқиди. Шаҳрисабз ўз гўзаллиги билан Барчинга жуда ёқди.

Қашқадарё областининг шимоли-шарқида, Зарафшон ва Ҳисор тоғ этакларида, қадимдан хўжалик ривожланиб келган ва аҳоли зич ўрнашган Китоб —

Шаҳрисабз воҳасининг ўртасида кўркем ва кўкаламзор Шаҳрисабз шаҳри бор, уни «боғ шаҳар» деб ҳам аташарди. Шаҳрисабз орқали Ўзбекистон катта йўли ўтди. Шаҳар аҳолиси йигирма мингдан ортиқ. Шаҳрисабз, унинг қадимий номи — Кеш, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидан биридир. У савдо ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши туфайли пайдо бўлган. Бироқ унинг аниқ пайдо бўлган вақти ҳозирча номаълум. XIII асрда Шаҳрисабз арабларга қарши олиб борилган қўзғолоннинг асосий марказларидан бири бўлган. Бу қўзғолонга Ҳаким ибн Ҳошим (Муқанна) бошчилик қилган. Шаҳарни Қутайба босиб олгач, Кеш инқирозга учради. XIV асрда шаҳар яна тикланиб, яна аввалги савдо-ҳунармандчилик маркази мавқеини эгаллайди.

Шаҳрисабз буюк жаҳонгир Амир Темур ватанидир. (У Шаҳрисабз яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида туғилган.) Амир Темур ўз шаҳрини жуда севар эди. Бир вақтлар уни ҳатто бутун салтанати пойтахти ҳам қилмоқчи бўлган. Темур ва темурийлар даврида Шаҳрисабз гуллаб-яшнаган йирик, қадимий шаҳар эди. Шаҳрисабзда дунёнинг кўп мамлакатларидан келган одамлар ижод этардилар. Темур ҳаётлигида, 1380 ва 1404 йиллар орасида унинг амри билан Шаҳрисабзда буюк Оқсарой солинган эди. Унинг харобалари ҳозиргача сақланиб қолган.

XIX аср охирида Шаҳрисабз катталиги ва моҳияти бўйича Бухоро амирлигида учинчи шаҳар ҳисобланарди. Кейинги пайтларда, айниқса, Қарши — Китоб темир йўл шохобчаси ўтказилгач, Шаҳрисабз каттагина саноат маркази сифатида ривожлана бошлади. Маҳаллий қишлоқ хўжалик хем ашёларидан фойдаланиб шаҳарда саноат корхоналари вужудга кела бошлади. Ҳозир Шаҳрисабз ва унга яқин Китобда пахта, мева-сабзавот, вино, консерва, қурт уруғи заводлари ишлаб турибди... Шаҳрисабзда, айниқса, маҳаллий саноат кенг ривожланган ва бу саноат маҳсуллари кўп жойларга машҳур. «Хужум» бадий буюмлар фабрикасининг шуҳрати Ўзбекистондан анча узоқ жойларгача тарқалган. Бу фабрика юқори сифатли ўзбек миллий бадий буюмлари — гилам дўппилар (айниқса нозик қилиб тикилган «ироқи» ва «терма» дўппилар), шойи сўзаналар, кўйлақлар, белбоғлар,

сумкалар, гилам ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Бир вақтда Парижда очилган виставкада Шаҳрисабз гилам дўппилари шуҳрат қозонган.

Шаҳрисабздан олти километр шимоли-ғарбда унча катта бўлмаган Китоб шаҳри бор. Китоб чеккасидаги боғда Улуғбек номидаги кенглик станция мавжуд. СССРда ана шу типдаги ягона бўлган бу станция Ернинг Шимолий қутби ҳаракатини текширади. Бундай станциялар ер шарида бешта бўлиб, уларнинг ҳаммаси бир хил географик — кенгаликда — 39°8 шимолий кенгликда ўрнашган. Улар қуйидагилардир. Китоб станцияси — СССРда Карлоффорте — Италияда, Юкая ва Гейтерсбук — АҚШда ва Мицузава — Японияда. Буларнинг ҳаммаси ягона программа асосида ишлайди.

...Роппа-роса ўн кун деганда Тошкентдан хат келди. Маратжондан хат келмаётгани Ҳамида опани бир ҳолга тушириб қўйган эди — у баъзи кунлари Ҳумоюн ака хизматга кетгач, диққинафас бўлиб йиғларди. Тошкентдаги данғиллама уйларини ташлаб, бунда, гарчи, шаҳар чиройли, баҳаво бўлса ҳам бир кичкинагина хонага кириб ўтиришибди, водопровод йўқ, электр чироғи ҳам баъзида бўлиб, баъзида бўлмайди. Лекин уруш сабабли бу томонларга келишгани — зарурат эканини тушунарди. Бир марта инфаркт бўлган, юраги санчган пайтларда валидол шимадиган эрига гишгиша қилмасди, уни бу вазифага партия юборганини биларди. Унингчини тамомлаган қизи Барчиной бирон институтга киролмай улар кетида сарсон бўлиб юрибди. Бу ҳам унинг асабини қўзғаб, юрагини сиқарди. Аммо у, қариндош-уруғлари айтмоқчи «бардоши кенг, доно» аёл бўлгани учун ҳам бу оила йилдан-йилга ўсиб уняпти...

Ҳамидахон, Тошкентдан, Арслондан келган хатни очди; конверт ичида уч бурчак қилиб букланган хатга кўзи тушди. Уғли Маратдан экан. «Ада, опа... саломатлик...» деган сўзларига шошиб-пишиб кўз ташлади. Киприкларига инган томчи хат устига тушиб, сиёҳни тарқатиб юбормасин деб, рўмоли учи билан ёшни арди. Шу лаҳза у хона ичида ўтиролмай, югурганича ҳовлига чиқди. Нега чиққанини ўзи ҳам билмасди. Бир кўнгли шу чиққанича райкомга, эрининг ёнига югургиси келди. Унинг ҳам ичини ит тимдалаб, нима дейишини билмасди-ю, ҳар замон-ҳар замонда «ўғлинг-

дан хат йўқ-а?» деб қўярди. Югуриб бориб уни хурсанд қилиб келсамикан? Шу аҳволда-я! У устидаги эски кўйлагига қараб ўйланиб қолди. Барчин қаёқда экан? Барчин Ойша бибиникига чиқиб кетган эди. У шу ҳолда оёғига шиппагини пойма-пой кийиб, қўшнисиникига югурди. Унинг сертупроқ кўчада, бир қўлида хат, бир қўли бошидаги рўмолида чопиб кетаётганини ҳеч ким кўрмади. Фақат девор тагида сояда ётган Қоплон ҳайрон бўлиб қараб қолди. Дам ўтмай она-бола хурсанд, Ойша бибиларникидан чиқиб, ўз уйларига югуришди. Ойша биби бўлса ўзида йўқ шод, саломлашишни, ўтириб бир пиёла чой ичишни унутган Ҳамидахон орқасидан кулиб қараб қолди. Ҳамидахоннинг бу пайтдаги ҳолини ҳеч тасвирлаб бўлмайди — бу лаҳза унинг ҳаётида энг қувончли бир дам эди. Кекса, зукко биби бу ҳолни яхши сезиб турарди.

Ойша биби Ҳамидахоннинг ён қўшниси бўлиб, илгариги иккинчи секретарь Фёдоров ҳам бола-чақаси билан шу хонада турган экан. Тили келишмай «Педороп» деб атарди. Кейинги пайтларда Қамашада ишларди. У ҳам фронтга кетибди. Ойша биби «Педороп» ҳақида анча-мунча яхши гапларни айтиб берди. Ўғлини Самарқандга ўқишга юборишда, қайнағаси Қаршида маст бўлиб, бир одам билан ёқалашиб милицияга тушганида шу «Педороп» яхшилик қилгани, пираварди ўзи ҳам бетоб бўлиб қолганида касалхонага ётқизиб, докторларга тайинлагани унинг эсидан ҳеч қачон чиқмайди. Ойша биби, баъзан ўзининг Амир Темур авлодидан эканлиги, ота-боболари барлос уруғидан эканини айтарди. Тахминан ё ўн еттинчи, ё ўн саккизинчи буvasи Темур Мирзо экани, Амирнинг тўртинчи ўғиллари Шоҳруҳ ва Гавҳаршод бегим, у кишининг ўғли — Бойсунқур Мирзо, у кишининг ўғли — Алоудавла... ўшалардан тарқалганини айтиб юрарди. Абу Саид Мирзо бу сулолани йўқотибди... Ўттиз еттинчи йили қаердадир бу гапни алжигани учун Ойша бибига анча танбеҳ беришган. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деб, шундан кейин ўзининг «барлос уруғидан» эканлигини гапирмас, мабодо жуда гапиргиси келса ишонган одамларига, бизнинг авлодимиз мунажжим Мирзо Улуғбекка бориб тақалади, дерди. Биби наинки Шаҳрисабз, умуман бу музофотда ўзини «ту-

шунган», янгича мойил, «илғор» хотин ҳисобланарди. Темурийлар ҳам шундоқ бўлган экан. Агар янгичага, илм-фанга мойил бўлганда Мирзо Улуғбек шундай мунажжим бўлармиди, дерди у хотинлар суҳбатига. «Барлос эна»ни ҳамма вақт тўрға ўтказишарди. «Қўчқор бўлар йигитнинг пешанаси дўнг бўлар», дегандек, «барлос» уруғидан чиққан Ойша бибининг катта ўғли Қаршида, область ижроия комитетида масъул вазифада, қолган иккитаси фронтда эди. Ўзи кўрпа читдан қават-қават кўйлак кийиб, пешанасини танғиб, устидан катта рўмол ёпиниб юрса ҳам илғор, тушунган хотин эди. Бу иқлим гулдор қизил чит кўйлак кийишни тақазо қилармиш. Гулдор чит кўйлакми, оқ батисми, атласми... бунинг аҳамияти йўқ, гап, инсон бўлишда, дерди. Ойша биби, ипак кийиб, форум бўлсалар ҳам одам бўлолмаётганлар бор, таъбимиз азалдан ўрганиш; кўрпа чит кийиб юрсак ҳам шу халқ, шу юрт деб меҳнат қилаётимиз, бу ёмонми, дерди яна у.

Ҳамидахон билан Барчин югуришганича кўчага чиқишди.

— Опа хат Тошкентдан-ку?! Қўшимча хат йўқ эканми?

— Бор.

— Қани?

— Уйда. Мен севинганимдан Маратнинг хатини олиб чиқавердим-да. Югуриб бориб, хатни адангларга кўрсатиб келмайсанми? Аданг хурсанд бўлардилар-да.

— Сабр қилинг, мен уйдаги хатни ҳам кўрай. Кийиниб олай.

— Хўп, хўп.

Барчин ҳовлига киргач, опасидан ҳам олдин уйга кирди. Дераза тахтасида турган конверт, хатни олиб, ўқий бошлади. У бир лаҳзада хату шеърни ўқиб чиқиб жилмайди. Шу турганича иккинчи марта синчиклаб ўқиди. Арслон ёзиб юборган шеърни ҳам ичида декламация қилгандек пичирлаб ўқиди.

— Опа!— Барчин кутилмаганда хатдан бош кўтариб, онасига мурожаат қилди.

— Ҳа, қизим?

— Арслон ҳам кетадиган бўлиб қолибди.

— Армияга-я?

— Ҳа, ҳозир комиссиялардан ўтаётган экан. Жўналиш олдидан муфассал хат ёзаман, дебди. Қаерга борсам ўша ердан сизга хат ёзаман, дебди...

— Йигитларнинг ҳаммаси боради, қизим. Илож йўқ. Узингнинг ёлғизгина аканг ҳам фронтда. Иш-қилиб, йигитларимиз омон келсин, юртни сақлаб қоладиганлар улар.

— Юрагим увишиб кетяпти.

— Шундай вақт. Мана аканг ўт ичида. Қирқ йил қирғик бўлса ажали етган ўлади, дейдилар. Бу гап юрагимга тасалли беради. Бошқа иложим йўқ. Ҳамма йигитлар ҳозир фронтда, юрт бошига иш тушган пайтда ҳеч ким четда қолмайди!

Кўзи хатда, бошини солиб турган Барчин бир дамдан сўнг бош кўтариб наридани бери кийиниб, хатларни олиб райкомга, отасининг ёнига борди. У секретарь қизининг ёнида, қабулхонада ичкаридаги одамларнинг чиқишини кутиб ўтирди, ичкаридагилар чиқиб кетгач, кирди. Бақрайиб қараб турган отасининг столи устига хат қўйди. Негадир юраги шигиллаб кетган Ҳумоюн ака, қизининг юзида табассум кўриб, ўзига келди.

— Акангданми?

— Ҳа.

— Қалай, саломатми?

— Уқинг!— Барчин мамнун, отасига эркаланди.

Ҳумоюн ака стол устидаги кўзойнагини бошқатдан тақиб, хатни ўқий бошлади. Бир-икки минутлик жимликдан сўнг, кўзини хатдан олиб, қизига қаради.

— Яхши!

— Мен кетдим, ада.

— Номимиздан яхшилаб хат ёз, қизим. Ҳали мен борганимда ўқиб берасан. Шу бугуноқ юбориш керак.

— Барвақт келасизми, ада?

— Ҳа.

— Спамлар ош қиламан, деяптилар.

— Опанглар жуда доно-да!

Барчин ўзида йўқ шод, мағрур бир кайфиятда отасининг олдидан чиқиб, секретарь қиз билан яна бир оз гурунглашгач, акаси Маратдан хат келгани, акасига капитан унвони берилгани, унинг бўлимаси Боб-

руйск шахри яқинида душман билан қаттиқ жанг олиб бораётганини гапирди. Секретарь қиз Барчининг сўзларини берилиб тинглади.

Кечга яқин Ҳамидаҳон билан Барчин ошни дамлаб, памилдоридан яхшилаб аччиқ-чучук қилиб қўйди. Бундай пайтларда Ҳумоюн ака шкафдаги китоблар орқасидан бекитиб қўйган шишани оларди. Отанинг яшириб қўйган нарчасини билишса ҳам, атай ўзларини билмасликка солишарди. Врачлар унга ичишни қатъиян ман этган. Агар у ичса аҳволи ёмон бўлиши, ўз жонига ўзи қасд қилиши мумкин экан.

Бугун она-боланинг кайфи жуда чоғ, Ҳумоюн акани сабрсизлик билан кутишяпти. Соат олтиларда эшик тақиллагандек бўлди. Ҳамидаҳон киришга ийманиб турган секретарь қизга кўзи тушиб, уни ичкарига таклиф этди.

— Йўқ, Ҳамида опа, мен уйга кетяпман. Ярим соатча илгари обкомдан телефон бўлиб, Ҳумоюн Саидбековични чақиришди. У киши шошилишч Қаршига кетдилар. Менга уйга хабар бериб ўт, деган эдилар. Шуни айтгани келган эдим.

— Тинчликми?

— Ҳа. Тошкентдан катталар келганга ўхшайди. Нима бўларди, мажлис-да.

— Бу ёққа киришг, ош тайёр.

— Йўқ, раҳмат, уйга борай. Хайр!

Бу гапни эшитган она-бола ҳайрон бўлиб қолишди. Бундан уч йил илгари Каттақўрғон сув омбори қурилишида ҳам аҳвол шу эди. На кечаси ҳаловат бор, на кундузи, на уйқуда, на овқатда... Ўша йили Барчин ўнинчи синфга ўтган, Марат бўлса ҳарбийга жўнаган эди. Ҳумоюн Саидбеков билан доимо бирга бўлган Ҳамидаҳон бунақа гапларни жуда яхши биларди. Партия ходимининг аҳволи шу! Эрининг икки йилча ўз касби бўйича институтда дарс берганида Ҳамидаҳоннинг жони ором олгандек бўлган эди. Яна ўша илгаригидек беҳаловат ҳаёт бошланганга ўхшайди. Усмон Юсупов билан ким ошна бўлибди, аҳволи шу. Бир куни уларникида меҳмон бўлган Тешабой Мирзаев мана бу гапни Ҳамидаҳонга айтиб, тиззасига уриб кулган эди: «Биз-ку майли, касбимиз деҳқончилик, мана бундақа қурилишларда юриш... Локин домлага ачинаман; офтобда пешаналари, кифтлари куйиб,

лаблари ёрилиб кетибди. Бу, Усмои ака деганимиз ҳеч кимга ҳаловат бермайди. Қори Ниёзий деган олим билан Ғафур Ғулом, Аброр Ҳидоятлов деганлари ҳам каналда юришибди».

Ҳамидахон жуссаси кичик бу пахтакорни К. Е. Ворошилов Москвадаги катта йиғинда «халқ агрономи» деганини, нишондор эканини эслади. Шундоқ машҳур одамнинг камсуқум ва жўнгина кийинишини ҳам кўзидан ўтказди.

Бир муддатдан кейин Барчин қўярда-қўймай Ойша бибини айтиб чиқиб, ош сузди. Адасига чинни косада босиб олиб қўйди.

Овқатдан сўнг Барчин хат ёзишга ўтирди. У икки хат ёзди; бири — фронтга, иккинчиси — Тошкентга. Тошкентга юборилажак шахсий хатда у қисман Шаҳрисабзга кўчиб келишганлари, умуман бошқа гаплар ҳақида муфассал ёзган бўлса ҳам унда кучли бир соғинч, ҳижрон оташи мисралар орасидан ловиллаб турарди. «Шаҳар бўйлаб юрарканман, ҳар бир тўғри келган одам сизга ўхшаб кетади. Мана, ҳозир сиз билан учрашиб қоламан, деб ўйлайман. Бунда ҳамма бор, фақат сиз йўқсиз...» деган сўзларни ҳам қўшиб қўйибди.

Ярим тунда эшик олдида машина тўхтади. Машина эшикларининг ёпилиши ва яна бошқатдан моторнинг гуриллаши, шу лаҳзада ҳовли эшиги очилгани, қадам товуши... ухламай уйгоқ ётган Барчинни ўрнидан тургазди. У бориб эшикни очди. Ҳамидахон чироқ ёқиб, овқатни иситишга киришди.

— Овора бўлма, мен ҳеч нима емайман,— деди ювинаётган Ҳумоюн ака,— менга бир пиёла чой билан валидолимни топиб берсанг бас, ёнимда қолмабди.

— Ярим кечада ҳам мажлис!— деди кўзини уқалаб Ҳамидахон,— кундузи бўлса бўлмайдимми?

— Усмои ака келган эканлар, ҳамма райком секретарлари Қаршида тўпланди. Жуда жиддий масала муҳокама қилинди. Бормаслик мумкин эмас. Райисполком раиси ҳам бирга эди.

— Бир озгина овқат енг.

— Унда ухлолмайман.

— Ада, хатни ёзиб қўйдим.

— Эрта билан ўқиймиз,— у пиёладаги чойдан ҳўплаб, кейин тилининг тагига валидол ташлади. Ан-

ча вақтгача шимиб, нос чеккан одамдай индамай ўтирди,— саломатлик масаласи ғоятда муҳим. Киши эллик ёшгача дўстларининг гапига қулоқ солади. Эллик ёшдан кейин дўсти фақат ўзи бўлиб қолади, дейишади...

— Элликни ўтиб кетганингиз қачонлар эди,— деди Ҳамидахон,— ҳамон шундоқ экан, одам деган сал юрагини эҳтиёт қилиши керак. Оч, чарчоқ икки юз километрлаб кечаси юриш юракка зўр келмайдими! Ўз жонига ўзи жабр қилиш эскичасига ҳам, янгичасига ҳам гуноҳ-ку!

— Тушунмайсан, азизам, тушунмайсан!

— Ҳа, тушунмайман! Жонингизни жабборга беринг, бир кун сиздан миннатдор бўлишади! Сизга ўхшаб юрган Собиржон нима бўлди?

— Нодонсан!

— Опа бас!— деди Барчин адасининг каравотини тартибга солаётиб,— ада, ётиб ухланг. Чарчагансиз. Яна бунинг устига асабни бузиш ярамайди. Ўнг томонингизни босиб ётинг. Тагин анави кунидагидек чал томонга ётиб, алаҳсираб чиқманг!

— Хўп, қизим,— Ҳумоюн ака каравотга чўзилди,— бугун кундузи бир колхоз раиси билан учрашдим. Суҳбатимиз бошланишиданоқ, раис ёнида дафтарчасини олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича рақам ва процентларни ўқий кетди. Мен ҳайрон бўлиб сўрадим:— Болаларнинг аҳволи қалай?

— Қанақа болалар?

— Болалардақа болалар?

— Колхоз болаларини сўраяпсизми?

— Дафтарчада бу йўқ...— раиснинг ёнида ўтирган кал бухгалтер ҳам елка қисиб, бу киши ўзи райком секретарими ёки мухбирми дегандек қаради,— дафтаримдаги рақамлар керак эмасми?

— Йўқ.

— Биз майда болаларни дафтарчага ёзиб юрмаймиз. Болаларнинг энаси бор, бувиси бор, ўзлари қарайверади. Биз катта масалаларни дафтарчага ёзмаймиз,— дейди.

— Ҳа-а, шунақами,— дедим таажжубланиб,— буни қара, болаларга шароит яратиб бериш, «майда масала» эмиш! Буни ҳатто дафтарчасига ҳам ёзмас эмиш

— Шу раис дафтарчасини йўқотиб қўйса борми бошини ҳам йўқотади, амалини ҳам. Боши-ку ҳозироқ

йўққа ўхшайди. Югурган эмас, пухта тайёрланган узоққа боради... Далада чинакам меҳнат қилганлар рағбатлантирилсин,— деди Усмон ака.— Эшмат меҳнат қилиб, обрўни Тошмат олиб кетмасин. Баъзан Тошматлар орден олиб кетяпти...

— Ада,— деди Барчин,— ухланг!

— Хўп, қизим,— деди Ҳумоюн ака ўнг томонига ёнбошлаб.— Мени барвақтроқ уйғот, хўпми?

— Узингиз соат тўртда ётинг-да, еттида уйғонинг, икки ярим соат ухлайсизми! Тўққиз ярим, ўнда уйғотаман. Вассалом!

— Хўп, хўп...

Хонага жимлик чўкди. Узоқ-узоқларда итлар во-виллар, баъзи адашган хўрозлар тонгдан дарак бериб қичқиришарди.

Уйқуси келмай ётган Барчин адасининг гапини эслади: «Дала ниҳоятда гўзал. Тан-жонинг соғ экан, очиқ ҳавода ишлаш, меҳнат қилиб чарчаш — қандай бахт! Даламиз ниҳоятда гўзал! Атир-упа колхозчи аёлларга керак эмасмиш. Бу қандай бемаъни гап! Атир-упа меҳнат қиладиганларда яна ҳам муаттар бўй касб этади. Меҳнат қилмайдиган баъзи ойимтилаларда у атирлигини йўқотиб қўяди...»

Ярим соатча вақт ўтгач, уйқуси қочиб карахт ётган Барчин секин бошини кўтариб адасига қаради. У ҳақиқатан ухлаб қолганини кўргач, яна бошини ёстиққа қўйди. Энди унинг кўз олдида Арслон пайдо бўлди — у оёғига этик, устига сарғиш гимнастёрка, белини энлик камар билан маҳкам боғлаб олган, елкасида милтиқ... поездга чиқиб кетаётгандек. У ҳеч кимга қарамай, шитоб билан фронтга жўнаётгандай кўринди. У ҳатто ўзининг Барчини билан ҳам хайрлашолмай қолаётганга ўхшади.

Барчин Арслонни жуда ҳам кўргиси келарди. Қани энди у Шаҳрисабзда бўлсаю у билан боғларни айланса, уни Китоб шаҳрига олиб борса, доимо у билан гаплашиб, чақчақлашиб юрса... Арслон фронтга кетяпти, улар наҳотки энди бир умр бир-бирларини кўрмайдилар!

Соғинч ва чалкаш хаёллар ичида Барчин ухлаб қолди.

У эрталаб кўзини очса, ҳамма ёққа офтоб тарқалган, опасининг ёлғиз ўзи ҳовлида, столда чой ичиб ўти-

рарди. Барчин адасининг каравотига кўз ташлади; адаси йўқ, каравот саранжом-саришта. Ҳовлига кўз ташлади, у ерда ҳам йўқ.

— Опа, адамлар қанилар?

— Райкомда.

Барчин соатга қаради. Тўққиз.

— Марат акамларга ёзган хатни ўқиб бермоқчи эдим.

— Аданг хатингни ўқидилар, жуда маъқул, яхши ёзибди, дедилар.

— Иккинчи хатни ҳам ўқидиларми?

— Йўқ. Иккинчи хатинг ҳам борми?

— Бор.

— Курганимиз йўқ.

— Энди нима қилиш керак?

— Чойингни ичиб бўлганингдан сўнг, почтага бориб топшириб келасан. Ундан сўнг, аданглар менга тайинлаб кетдилар. Сен, райком комсомол секретари Дилбар Раззоқовага учрашаркансан. Афтидан, эртадан ҳамма пахта теримига чиқар экан. Ёшлар, мактабнинг юқори синф болалари ҳам чиқар экан...

— Дилбар Раззоқова ёнига боришим керак эканми ёки шунчаки учрашиб қўйсин, дедиларми?

— Бу — буйруқ! Биласан-ку аданглар шунчаки гапиришни ёқтирмайдилар.

Ун олтинчи боб

БИР САФДА

Арслон бугун-эрта фронтга кетадиган йигитдай ҳамма нарсаларини тахт қилиб қўйди. У синган дераза ойналарига газета ёпиштирилган ярим қоронғи хонасида отасидан қолган сим каравотда чалқанча ётарди. Эртага йигитларнинг жўнаш кунини маълум қилишса, бориб заводдан расчёт олади. Йигитларнинг шунқори фронтга жўнайди...

Унинг хаёли Шаҳрисабз томон учди. Шаҳрисабз чиройли шаҳар эканлигига шубҳа қилмасди. Агар чиройли бўлмаганда ҳам энди чиройли бўлиб кетди. Дунёдаги энг чиройли қиз Шаҳрисабзда. Муҳим шаҳар бўлганлиги учун ҳам Ҳумоюн Саидбеков у томонга юборилди.

Арслон ёстиқдан бошини кўтариб, сим каравотдан

ёзув столига ўтди. Муқоваси бўёқ қалам билан чиройли қилиб ишланган шеърини дафтарчасини очди, ғоз патига ўхшаш ручкасини қўлига олиб, қизғиш мрамар сиёҳдондаги қора сиёҳга ботирди. Дафтар муқовасига худди босмахонадан чиққан китобларга ўхшатиб «Лирик шеърлар» деб ёзилган эди. Унда фақат Арслоннинг қалб тўлқинлари, севги мисраларидан ташқари буюк шоирларнинг фалсафий фикрлари, ноёб мисралари ҳам кўчирилиб, остига Фирдавсий, Саъдий, Навоий, Ҳофиз, Лермонтов, Пушкин, Бедил, Байрон... каби буюк шоирларнинг номлари ёзиб қўйилган эди. Арслон бундай дафтарчасидан бирини ўнинчида ўқиётганида йўқотиб қўйган. Мана икки йил бўлди, у янги дафтар тута бошлади. У баъзан Уйғуннинг шу кунларда чиққан «Қуёш ўлкасига» китобини олиб, лирик шеърларни қайта-қайта ўқир, ёдлар, баъзи шеърларни унга ўхшатиб ёзар, дафтарини ҳам Уйғуннинг китобига ўхшатиб, ичига ўзининг ёқалари очиқ, сочларини шамол учуриб турган Байроннома фотосуратини ҳам ёпиштириб қўйган эди. У дафтарини кўп вақт ўз ёнида олиб юради, саҳифалари тепасида «Б...га» деган шеърлари анча-мунча.

У яна янги саҳифага шеър ёза бошлади. Тўртликлар ёзиб ёқмагани сабабли ўчирилган мисралар, баъзан нотекис, қийшайиб кетган сатрлар — қушлар изидек беўхшов ҳарфлар саҳифаларни беэаб турарди. Арслон шеърни тугатгач, бошқа қоғозга ҳам чиройли қилиб кўчирди:

Б...га

Поезд жилди... Хайр... аммо қиз
Муҳаббатнинг кетарди менда.
Витта ўпдим шошиб ўша кез,
Қанддай эриб кетдинг ўшанда.
Йироқ кетдим... кунлар ва ойлар —
Якка-якка ўтди тунимиз.
Мен соғиндим, лекин сўзлашиш-чун
Фақат хатга қолди кунимиз.
Аммо кутгил ёлғиз, йўл кутиб
Муҳаббат-ла ёнса-да, жисминг,
Ғолиб чиқай жангда ишқинг-ла,
Қиличимга ёзилган исминг...
Аммо кутгил бу она-юртда,
Дилда бўлсин сабот ва чидам.

Пешвоз чиқиб, менга тутарсан
Уз болининг тоза гулидан...

Уч-тўрт кундан бери ўйлаб юрган шеърини ёзиб тугатиб, яна каравотга чўзилди. Онаси: «Чиқиб овқатингни ейсанми ёки уйгингга олиб кирайми?» деган эди, «уйга» деди. Бир дамдан кейин Мадина хола лаганчада қовурдоқ, опаси бўлса, бир чойнак чой, пиёла, нон олиб киришди.

— Ҳа, намунча хизмат қилиб қолдинглар. Бунақалигини билганимда ўзим чиқардим...

— Ол, болам, ол,— деди Мадина хола. Улар эртаниндин жўнаб кетадиган Арслон атрофида парвона бўлишарди. Она чиқиб кета туриб, яна гап қотди.— Ҳаммасини егин. Поччанглар қўй сўйган экан, яхши еридан бериб юборибдилар, ол, совутмасдан еб ола қол, болам.

Эрка ўғил ўрнидан туриб, қовурдоқни ея бошлади. Ана шоир Ғайратийнинг заводдаги адабий тўгараги ҳам ниҳоясига етди. Деярли ҳамма йигитлар фронтга жўнаяпти, ким ҳам қатнардиги энди?

Эрта билан Арслон ҳарбий комиссариатга борди. Ҳарбий комиссия кабинетига кира беришдаги узун коридорда кўпгина йигитлар қатори чақирилишини кутиб ўтирди. Ҳарбий комиссариат ходимининг айтишича, унинг ҳамма ҳужжатлари шу ерда экан. Йигитлар бирин-бирин кириб, эртага жўнашликларини, тўпланиш жойи — Тельман боғи эканигача билишарди. Тахминан йигирмата йигитдан кейин кабинетдан чиқиб келаётган йигитлардан бири «Ўлмасбоев! Кириң!» деди. У бола Ўлмасбоевнинг кимлигини ҳам билмас эди. Стулда ўтирган Арслон дик ўрнидан туриб, ичкарига кирди.

Кенг кабинет. Юқорида ҳарбий комиссар Қўқонбоев, узун стол атрофида тўрт-беш ҳарбийлар, бир неча граждандан кийимидаги ёши катта одамлар ҳам ўтирарди. Ҳарбий комиссариат ходими — лейтенант йигит Арслоннинг ҳужжатларини титкилаб, у ҳақда қисқагина маълумот берди. Ҳарбий комиссар негадир Арслонга тикилиб қараб қўйди. Шундан сўнг ёнида ўтирган граждандан кийинган ўрта яшар одам қулоғига яқин бориб «ҳужжатлари билан танишганмисиз?» деди. У одам, «ҳа», деб бош ирғади. Арслон

бўлаётган ҳолатни диққат билан кузатиб турарди. Гражданча кийинган бу одамни у қаердадир кўрган-дек эди.

— Саломатлик қалай, йигит?— сўради ҳарбий комиссар.

— Яхши.

— Борамизми?— унинг бу саволидан «ҳаёт-мамонт жангига, фашизм билан курашга борамизми?» деган маъно пайқаларди.

— Албатта!

— Чет элда қариндошларингиз борми? Қамалганлар?

— Йўқ.

— Мирюсуф Улмасбоевнинг ўғли бу,— деди боаги одам ҳарбий комиссарга секин, эшитилар-эшитилмас,— ўзи «Ташсельмаш» заводининг ишчиси, отаси узоқ йили вафот этган — кадровой ишчи эди.

— Сиз ҳам шу маҳалладансиз, биласиз-а,— шивирлаб гапирди комиссар, кейин у Арслонга мурожаат этди:— йигит, бу ўртоқни танийсизми?

— Танишдек кўриняптилар. Жуғрофия ўқитувчиси эмасмисиз...

Улар кулиб юборишди.

— Тўғри,— деди ҳалиги одам,— сиз марҳум Мирюсуф отанинг ўғлисиз, шундоқми?

— Ҳа.

— «Ташсельмаш»да ишлайсизми?

— Ҳа.

— Эртага эрта билан соат ўнда облвоенкоматга борсангиз,— деди комиссар,— ҳужжатларингиз ўша ерда бўлади, сизга ҳамма гап ўша жойда айтилади, тушунарлими?

— Тушунарли.

Арслон хайрлашиб ҳарбий комиссар кабинетидан чиқди. У нима бўлаётганини, нима қарорга келишганини билмас эди. Боши гангиб, ҳарбий комиссариат ҳовлисида, одамлар орасида бир лаҳза гўдайиб турди. Таниш йигитлар келиб, ундан сўраша бошлади:

— Нима бўлди? Сен ҳам эртага «Тельман боғи»га борасанми?

— Ундоқ дейишмади.

— Бизларга шундоқ дейишди. Мана шу ердаги йигитларнинг ҳаммасига эртага эрта билан соат саккизда Тельман боғи...

— Касалинг борми?

— Йўқ.

Таниш йигитлар ҳам елка қисишиб, ҳайрон бўлишарди. Арслоннинг боши қотиб, нима бўлаётганига тушунмай уйга келди. Мадина хола ўғлининг кайфиятини бузуқроқ кўриб, индамай қараб турди. Бирпасдан сўнг:

— Бу ёққа кел, сушага,— деди у ҳовли ўртасида аграйиб турган Арслонга,— нима бўлди?

— Ҳеч нарсанинг тайини йўқ.

— Нега?

— Ҳамма ўртоқларим эрталаб соат саккизда «Тельман» боғига боришади. Уша ердан отправка бўларкан. Менга ҳарбий комиссар эртага соат ўнда область военкоматига борасан, деди. Нима гаплигига тушунмаётибман. Бирон еримдан чатоқ топишдими, ҳайронман...

— Сенинг нимангдан чатоқ топишарди, болам, бизларнинг чатоқ томонимиз йўқ. Сен бойнинг ўғли эмассан, сенинг отанг руҳоний одам эмас, ишчи, фирқа аъзоси, Шўро ҳукуматига тош отганлар қўрқсин, сен нимадан қўрқасан! Шўро ҳукумати бор — биз бор, Шўро ҳукумати йўқ — биз ҳам йўқ. Билдингми! Агар шўро ҳукумати йўқ, бўлса анави Тўхта бойваччанинг уруғлари, Қаяом Қорилар бизга кун берадимми... Тавба, нега сени ажратди экан? Қўқонбоев каттами, область каттами?

— Облвоенкомат катта.

— Эҳтимол каттароғига юборгани яхшидир.

— Ҳозир энг яхшиси, бошқаларга ўхшаб ҳарбийга жўнаб кетиш! Энг тўғриси шу! У ёққа-бу ёққа судрашни яхши деб бўлмайди.

— Ундоқ эмас, ўғлим, сабр қил, қаноатли бўл. Мен бугун яхши туш кўрганман... Ҳазрати Баҳовуддинга ўн битта кулча атаб қўйдим. Ҳозирги ола-тўполонда бир иложини қилиб жонингни саломат сақлаб қолиш керак...

— Мана шу гапингиз тўғри эмас-да, ойи!

Арслон калаванинг учини тополмай диққат бўлибгина бир кунни ўтказди. Унинг қўлида повесткадан бўлак ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Куннинг иккинчи ярмида бирров заводга бориб, цехга кирди-да, Нурғалиевнинг ёнида бирпас ўтирди. Кетиши ҳам, кетмаси

хам номаълумлигини айтди. У билан папирос чекишди. Ечиниб, залившикларга қарашди. Бир мuddатдан кейин Шавкат Нурғалиев: «Ўлмасбоев, вақтинг бўлса бир оз тўхта, сменадан чиқиб озгина отамиз...» деди. Арслон рози бўлди. У бир соатча цех шов-шуви ичида ишлади. Смена тугагач, у Нурғалиев Володя билан бирга чиқиб, заводдан унча узоқ бўлмаган ошхонага киришиб, бир шиша арақ, уч-тўртта шўр балиқ чақиришди. Арслон ширакайф уйга қoш қорайганда қайтиб келди. У шу ётганча эрталаб уйғонди. Соқол-мўйловини қирди. Чойни наридан-бери ичиб, область ҳарбий комиссариатига йўл олди. Онаси: «Поччанг ҳам сен билан борсинми, айтириб келайми?» деган эди, у кулиб, йўқ, ойи, мен кичкина боламанми, поччам нима қиладилар, деди.

Онаси: «Қуда онамиз Биби Ҳолвайтар тинмай дуо қилиб ўтирибдилар», деган эди, кулди: «Ўзингиз тушунган хотин бўла туриб тақводорларнинг ишини қиласиз-а?»

Яна коридорда кутиш...

Аmmo бу сафар иш бошқачарoқ бўлди. Девордаги соат ўнга занг уриши билан бир аёл ичкаридан чиқиб коридорда ўтирган йигитларга қаради: «Ўлмасбоев ким?» «Мен», деди Арслон ўрnidан дик туриб. «Марҳамат, кириш». Арслон устига чарм қопланган кабинет эшигини очди. Кенг хонада, стол ёнида сочлари оппоқ, кўзойнакли ҳарбий киши ўтирарди. У майор эди. Унинг ёнида яна кечаги киши, у бугун ҳарбий кийимда: капитан экан. Арслон кабинетга кириши биланоқ, бош қимирлатиб, салом, деди. Майор унга яқин келиб, ўтиринг, деган эди, у капитан рўпарасида бўш турган стулга ўтирди.

— Уртоқ Ўлмасбоев, биз ҳужжатларингиз билан танишиб чиқдик,— деди майор нега бу ерга чақиришганининг боисини лўнда қилиб айтиб,— сиз шу бугундан бошлаб ҳарбийга олиндингиз, ҳарбий кишисиз, душманга қарши курашда бошқа жангчилар билан бир сафдасиз.

Арслон индамай, қулоқ солиб турди.

— Шаҳарни яхши биласизми?— сўради яна майор.— Янги кўчалар, кварталлар, маҳаллаларни?

— Биламан. Эски шаҳар томонни яхшироқ биламан.

- Харитани-чи?
- СССР харитасиними?
- Ҳа.
- Биламан.
- Дунё харитасини-чи?

— Уни ҳам. Географиядан доимо яхши баҳо олардим.

— Яхши эмас, аъло баҳо олар экансиз. Биз буни билдик. Свердловск, Орск, Новосибирск, Қарағанда, Уральск, Туркистон, Арис... мана шу шаҳарларни харитадан яхши биласизми?

— Биламан.

— Қолган ҳамма гапни сизга капитан Самандаров айтадилар.

— Ўртоқ майор, рухсат этсангиз, биз, нариги хо-нага чиқсак.

— Марҳамат.

Капитан Самандаров стол устидаги ҳужжатлар солинган папкани ёпиб қўйди, Арслон билан олдинмакейин қабулхонага чиқишди. Рўпарадаги шинамгина кабинет эшигини очиб, ичкарига, ёзув столи рўпарасидаги устига зангори мовут ёзиб қўйилган доира стол атрофида ўтиришди.

— Шунақа гаплар. Мамлакатимиз бошига катта ташвиш тушди, тиш-тирноғигача қуролланган фашистлар тўсатдан ҳужум қилди — деди унга баланд бўлмаган овозда капитан Самандаров, — душман жуда маккор ва беаёв, у ҳар қалай йўл билан бўлса ҳам бизни тор-мор қилиш, тамоман қириб ташлаш ниятида. Бу гапларнинг ҳаммаси сизга маълум, ўртоқ Ўлмасбоев.

Арслон сукут сақлаб турди.

— Шимолдан — Болтиқ денгизидан то Қримгача фронт линияси. Ниҳоятда катта фронт. Фронтларда беомон, шиддатли жанглар кетаётганидан хабарингиз бор. Бу — ҳаёт-мамот кураши. Юртини севган, мард йигитлар фронтга жўнапти. Марду номард мана шу кунда билинади. Айниқса комсомоллар биринчи сафда бўлмоқлари керак ва шундай бўляпти. Олий Вош Қўмондон ўртоқ Сталин айтганидек, ҳақиқат биз томонда, биз ғалаба қозонамиз! Мен бунга юрагим билан ишонаман. Улуғ совет халқини, меҳнат аҳлини, революцион ишчи ва деҳқон синфини тиз чўктириб, қул қилолмайдилар! Бу ҳеч қачон ва ҳеч вақт бўлмайди!

Гитлер чучварани хом санаяпти. Аммо жанг жуда кескин ва беомон... Бу гаплар, ўртоқ Улмасбоев, сизга маълум. Аммо мен яна бир қарра эсга солиб қўйишни лозим топдим. Энди, ишга ўтайлик; комсомол аъзоси, кўнгли пок йигитсиз. Шеър ҳам ёзиб турасиз...

— Машқ шеърлар улар..

— Бари бир яхши. Мен ҳам адабиёт ихлосмандлариданман. Ўзим ёзмайман, тўғрироғи ёзолмайману, аммо китоб ўқишни яхши кўраман,— Самандаров бир лаҳза тўхтаб, Арслонга тикилиб қараб қолди. Чўнтагидан портсигар чиқариб, папирос чекди. Бирикки тортгандан сўнг оғзидан қуюқ тутун чиқариб, гапирди: — Мен ҳам асли эски шаҳарданман.

Арслон капитаннинг ҳамма гапларини диққат билан тинглаб ўтирарди.

— Шароит шуни тақозо қиляпти: сиз ўз заводинизда ишлай берасиз сизга брон берилади. Лозим бўлган пайтда сиз билан биз бирга жангга тушамиз. Немислар фақат бизнинг олдинги линиямиз билан эмас, ичкаридаги заводларимизга ҳам одам юбориб, бузғунчилик қилишни кўзляпти. Ҳамма заводларимиз фронт учун ишляпти, ҳамма заводлар—мудофаа заводлари. Иш шундай бўлгандан кейин, жанг бу ерда ҳам бўляпти. Тушунарлими?

— Тушунарли. Мен — комсомолман. Партия қаерга йўлласа ўша ерга бораман!

— Раҳмат! Мен ҳам шундай жавобни кутган эдим.

Бир соатдан мўлроқ суҳбатдан кейин улар хайрлашди... Бу суҳбатдан маълум бўлишича, Арслон ўз заводида қоладиганга ўхшади. Цехда қолиб ишлаш ҳам муҳим жанговар топшириқ эканини пайқаб турган Арслон гапни айлантириб ўтирмади. Шундай қилиш лозим эди.

Ун еттинчи боб

КЎКАЛДОШ ГУМБАЗИДАГИ ЛАЙЛАК...

«...За рабочее дело он ушел воевать».

(Қўшиқ)

Мусоват Қорининг кўҳна дарвозасидан сал нарироқда жин кўчадан чиқаверишда, чап томонда арава айланадиган майдон бўлиб, бу ер қачонлардир ҳовуз бўлган эди. Маҳаллага водопровод киргач, унга эҳти-

ёж қолмадими, ҳар қалай кўмилиб кетди. Арслон ҳам, Отамулла ҳам ва маҳалладаги бошқа болалар ҳам шу ҳовузда сузишни ўрганишган — ёз бўлдими ҳовуз ичида итбалиқдек гужгон ўйнашар эди. Кексаларнинг ҳар қанча тақиқлашларига қарамай чўмилишгани-чўмилишган. Ҳовузда сузиш у ёқда турсин, Одил Варшав деган одамнинг болохонаси тепасидан калла ташлашарди... У пайтлар ўтиб кетди. Аммо энг ёмони шу бўлганки, сомон олиб келган бир қозоқ кишининг четан араваси билан оти тисарилиб ҳовузга тушиб кетган эди. Ҳовуз четдаги учлик ёғоч от жониворнинг қорнига кириб, азоб билан ўлган. Мана, уч-тўрт йил бўлди, суви кўкариб, қуртлаб кетган бу ҳовузни кўмиб юборишди. Бу ер ҳозир от, арава айланадиган майдон бўлиб, рўпарадаги чолдевор ҳовлини чимкентлик бир киши арзон-гаровга сотиб олиб, олдини пахса девор билан бекитиб, тузатиб олган эди. У йигитнинг исми, ё Боймат, ё Қулмат. Хотини ҳам лўмбиллаган, содда жувон эди. У бу ерлик «таги кўрган» хотинларнинг «анди», «келгинди» деган гаплари қулоғига етса ҳам бу гапнинг камситиш эканлигини ё пайқамай, ё билиб-билмасликка солиб юарди. Ҳар қалай кўнгли очиқ, ғариб бўлса ҳам феъли кенг жувон эканини шу кўчадагилар тан олишарди. Бу жувоннинг номини ҳеч ким билмас эди-ю, аммо унинг олти яшар қизи Субҳияни ҳамма биларди. Унинг кўзлари катта, сочлари жамалак, қорамағиз, қувноқ қиз эди. Қўғирчоққа ўхшарди, ҳамма яхши кўрарди. Баъзилар уни кўзларининг ёниб туришидан «лўли қиз» ҳам дейишарди. Баъзан узун бурма кўйлак кийиб, оёқ яланг ўйинга тушарди. У нозик қўлларини шундай шиқиллатиб ўйнардик, қовоқ солиб юрадиган Мусоват Қори ҳам тикилиб, «вой қисталоғ-э» деб қўярди. Онаси қизаларнинг бунчалик суюкли, бунчалик серҳаракат, серзавқлигидан чўчиб бўйнига бир шода кўзмунчоқ ҳам осиб қўйган. Субҳия ҳаммага кулиб боқар, унинг учун ҳаёт бахт, дунёда ҳамма қувнаб юриши керак, ҳамма уни эркалаши, унинг лўлиларга ўхшаб питирлаб ўйнашига маҳлиё бўлиб қараши, юзидан ўпиб қўйишини истарди. Унинг назарида ҳамма одамлар яхши, фақат битта нарса ёмон — у ҳам бўлса Қори аканинг ҳовлисидаги ит. Бир кезлари бу ит ечилиб кетиб оёғини тишлаб олган эди.

Субҳиянинг севикли адаси — Боймат ака бошқалар қатори фронтга кетди; у хайрлашиб кетаётганида қизчасини бағрига босиб, юз-кўзларидан ўпди. Қизча бийрон тиллари билан: «Адажон, қачон келасиз?» деб сўради. Боймат Субҳияни елкасига миндириб, шаҳарнинг жануб томонида, узоқда турган Кў-калдош мадрасасининг гумбазини кўрсатди:

— Хув, ана, кўряпсанми?

— Нимани?

— Гумбаз тепасидаги лайлакнинг инини.

— Кўряпман.

— Ўша инда лайлак бола очади.

— Ўша инда-я?

— Ҳа.

— Вуй, ини баландда экан.

— Ўша инга оқ лайлак келиб қўнганида мен ҳам қайтиб келаман.

— Лайлак қаёқдан келади?

— Ҳиндистондан. Иссиқ мамлакатлардан.

— Майли,— деди мамнуният билан Субҳия адасининг елкасидан ерга тушиб. У чопқиллаб бориб, яна ўша томонга, гумбаз тепасидаги лайлак инига қараб қўйди. Адасининг фронтдан тез келиши шу лайлакка боғлиқдек, уни кўздан қочирмасликка ҳаракат қиларди.

Субҳиянинг адаси фронтга кетди. У онаси билан бирга қолди. Адаси кетаётганида: «Мана, шунча қўшниларимиз бор, улар сизларни ёлғиз қўймайди, сизларга қараб турадилар...» деган эди.

Оғир кунлар бошланди. Субҳиянинг лўмбиллаган онаси эшикни қулфлаб, қизчани етаклаб Чимкентга қариндош-уруғлариникига кетди. У ёққа боришдан мақсад уруғларини кўриш ҳамда озгина гўшт-ёғ олиб келиш. Улар ўн кунча Чимкентда юриб, озгина гўшт, дон топишди. Аммо, ҳамма ерда тошу тарози бир экан — қозоқлар ҳам қўл учида кун кўрардилар. Эртадан-кечгача далада ишлашар, иш кўп, овқат оз.

Лекин энг ёмони шу бўлдики, Субҳиянинг онаси Тошкентга келиб, қаттиқ оғриб қолди.

Шу кунлари уни кўргани чиққан Мадина холага қизининг ҳолидан хабар олиб туришни, мабодо касалхонага олиб кетишса, Субҳияни ўз ҳовлисига олиб

чиқиб кетишни, Чимкентдаги уруғларига хабар беришни йиғлаб илтимос қилди. Мадина хола иссиқ овқат пишириб чиқиб, икки кун беморнинг ёнидан жилмай ўтирди. Арслонга Войматжоннинг уруғларига телеграмма бериб қўйишни ҳам тайинлади. Шундоққина ён қўшниси Мазлумахону Пистахонларнинг раҳм-шавқат қилмай, чимкентликларнинг ҳолидан хабар олмаётгани ғазабини ҳам қўзғади. Иситмаси кўтарилиб, ўзини билмай ётганида поликлиникадан келган доктор тиф бўлибди деб, машинада касалхонага олиб кетди. Орадан бир ҳафта ўтмай у ўлди. Субҳия чирқираб қолди. У онаси иситмалаб ётганида дамо-дам кўчага чиқиб, Кўкалдош мадрасасининг гумбази тепасига лайлак келганмикан, йўқмикан, деб қарарди. Агар лайлак лоп этиб учиб келиб қўнса, унинг адаси ҳам эшикдан кириб келарди, онасини бошқа яхши докторларга кўрсатиб, бир амаллаб тузатарди. Афсуски, лайлак ҳам келмади, отаси ҳам... Онаси бечора ўлди...

Субҳия Мадина холаникида юрди. Нариги ён кўчада бир ўртоғи бор эди, у ўшаникига кўпроқ борарди. Арслон етим қизча билан гаплашиб, нон, ширинликлар олиб келиб берарди. Шунинг учун у Арслон билан Мадина холани паноҳ қилиб юрарди. Лекин онасиз Субҳия кир-чир эди. Мадина хола баъзида уни чўмилтириб сочига сиркага ўлдирилган симоб суртиб қўярди. У кўпинча Мадина хола гапига қулоқ солмай ёлғиз ўзи уйига чиқиб ётарди. Қорни очган Субҳия бир куни эшиги рўпарасидаги Мусоват Қорининг ҳовлисига кирди. Айвонда ўтириб ош еяётган Қори, Мазлума хола, Пистахон ва яна бошқа уч-тўрт хотин эшикдан кириб келган Субҳияга бир бурда нон беришди-да, «Бор, чиқ!» деб ҳайдаб юборишди. «Бу ярамаснинг исқиртлигини қаранг», деди эрини қувватлаб Мазлума хола. Шунга ҳам хурсанд бўлган Субҳия кэнни еб, кўчага чиқиб кетди. Баъзи кунлари у очназор, бориб кўчадаги крандан сув ичиб ётиб ухлаб қолар, баъзи кунлари эса туршак, ташландиқ нарсаларни ҳам ер эди. Олибсотарлик билан шуғулланиб, гул топишнинг кетига тушиб кетган маҳалланинг баъзи катта оғиз корчалонлари Субҳияга эътибор ҳам беришмади. Ҳамманинг диққатини тортган жажжи чиройли қизча озиб, чўп бўлиб, кўзга ташланмайди-

ган бўлиб қолди. Бунинг устига уни сийлаб, эркалаб юрадиган Арслон ҳам ҳарбий лагерга жўнади.

Субҳия кейинги кунларда тоби қочиб, ётиб қолди. Баъзан кўчадан ўтиб кетаётган Мусоват Қори пастгина пахса девор тепасидан ҳовлига мўралаб қараб, айвонда, увада латталар устида ётган Субҳияни кўрарди-да, яна индамай ўтиб кетарди. Зийрак қизалоқ Мусоват Қорининг қараганини кўриб турарди, аммо уни «амаки, бу ёққа келинг» деб чақирингга мажоли келмасди. Мажоли келганда ҳам у қўрқиб чақирмасди. Қорининг ўзидан ҳам, итидан ҳам жуда қўрқарди.

Бу ҳолга тушиб қолган Субҳиянинг зўрлаб бўлса ҳам Мадина хола опичиб ўз уйига олиб чиқиб кетди. «Энди уйингга қочиб чиқиб кетмагин. Бизнинг ҳовлидан ҳам ўша Кўкалдош мадрасасининг гумбази кўринади. Менинг супамга чиқиб қарагин, шундоқ кўришиб турибди», деди. Қизча бу гал рози бўлди.

Субҳия чўзилиб қолган кунларида ҳам судралиб супа ёнига борарди-да, узоқдаги Кўкалдош мадрасаси гумбазига тикиларди; зора лайлак келган бўлса-ю, унинг аласи эшикдан кириб келиб қолса. Уни қучоқлаб ўпиб, бағрига босса... У ҳам тезда тузалиб, чопқиллаб юриб кетса. Янги кийимлар кийса, қорни ҳам тўйса... Эҳ, у лайлак қачон келаркин! Субҳия кута-кута зерикди-ку!

Кечаси у алаҳсиради: «Ада, адамлар келдиларми! Нон олиб келдиларми?! Адамларга айтинглар, тез менинг олдимга келсинлар, жуда кўргим келяпти! Ада! Ада, тез келинг, адажон! Кўргим келяпти! Ада-а-а!!!»

Шу кечаси Субҳия оламдан ўтди. Мадина хола дарҳол қўни-қўшниларга хабар қилди. Кўчага чиқиб маҳалла комиссиясининг раисини, чойхоначини, Нишон акани, Ориф қоровулни бошлаб келди. Ўзига «ўлимлик» қилиб қўйган дока ва сурпни, юз сўм пулни сандиғидан олди. Маҳалладаги қари-қартанглар Субҳияни кўмиб келишди...

Арслон ойнанинг ўрталарида ҳарбий лагердан бир ҳовлисига кириб чиққанида онасидан Субҳиянинг ўлиб қолганини эшитиб, куйиб кетди. Кўзига ёш олди. Бу, уруш бошланганидан кейин унинг юрагига санчилган биринчи ханжар эди. У бир лаҳза индамай қолди, кимдан хафа бўлишини ҳам билмади. «Маҳал-

ла наҳотки шу битта қизалоқнинг қорнини тўйдириб, қаролмади! Наҳотки биронта одам асраб ололмади! Бизнинг маҳалламиз — маҳалла эмас, олибсотарлар макони. Иснод! Қалла-саллалли, катта гапириб юрганлар қани! Ҳаммаларинг ўзларингни ўйлабсанлар-да!» деди ичида ғазоби қайнаб Арслон.

У онаси дамлаган ошдан ҳам еёлмади, томоғидан ўтмади. Нишон акани ҳам, Мусоват Қорини ҳам, поччасини ҳам кўрмади. Кўргиси келмади. Йўл-йўлаккай заводга ҳам кириб чиқмоқчи эди, кирмади. Унинг бутун кўз ўнги қоп-қоронғи бўлиб, яна ҳарбий лагерга жўнаб кетди. У кимдан хафа бўлишини, ким бағри тош, хасис, ярамас одам эканлигини билмасди. Яхши қарамагансиз, деб онасидан ҳам хафа бўлди. Гулдек қизи-ю, хотини бунда ўлганини эшитса, Боймат аканинг ҳоли нима кечади?.. Аммо ҳар қалай Қори ака ёрдам берса бўларди, ўлиб қолмасди оч бўридан ҳам ёмон экан-да, деди ичида!

Арслон тош йўлда, юк машинаси устида қалдираб борар, унинг кўз олдида жамалак соч, кўзлари ёниб турадиган қизчанинг «Ашлон амати, эртага менга печенъе олиб келинг», «Ашлон амати, эртага оқ лайлак келади, менинг адамлар ҳам келадилар, ўшанда мен сизга конфет, печенъе бераман», деган гаплари эшитилиб турарди.

Ун саккизинчи боб

А Л П

Оиласининг шаҳрисабзга кўчиб, адреслари ўзгариб кетганини синглиси ёзган хатдан билиб, батарея командири Марат Саидбеқов ўйланиб қолди. У траншеяга тушиб, хатни бошқатдан диққат билан бошдан-оёқ ўқий бошлади. Ҳа, демак, дадамлар яна партия ишига юборилибдилар, Райком секретари... Шаҳрисабзга кўчиб кетишгани сабабли хат кечикибди... Барчининг пулдаги ёзувдек чиройли хатига кулимсираб тикилди. Атрофдаги солдатлар командирнинг шод чеҳрасини кузатиб завқланишарди. Буни пайқаб турган капитан уларга «бу хат синглимдану» деди. Ҳазилкаш бир сержант бош чайқаб, эътироз билдирди:

— Ундоқ эмасдиров, ўртоқ капитан!

— Худди шундоқ, сержант! Менга у томондан муҳаббат хати келмайди. Агар келса, Москва яқинидаги госпиталдан келади...

— Тушундик, тушундик...— деди сержант йигит.

Ҳамма ёқда аллақандай жимлик. Бунақа жимлик ёқмас эди.

Чексиз дала, тепаликлар. Узоқда қалин Беларус ўрмонлари. Тунда бир оз ёмғир бўлди, ерлар нам. Осмонни қуюқ булутлар бир ҳафтадан бери қоплаб ётибди. Кундузи сал илигандай бўлади — кеч кириши билан совуқ шамол елиб, юзларга урилади. Бобруйск ёнидаги жангда Марат билагига осколка тегиб энгил ярадор бўлди. У яра дардини юриб ўтказди. Ҳозир унинг батареяси шаҳардан қирқ километрча, шарқда, атроф ўрмон, очиқ, лйдоқ ерда истехком қуриб, позицияни маҳкам ушлаб турарди.

Марат ўтирган ерида ёнидан папирос олиб чекди. У хатни гамнастёркасининг чўнтагига — ҳужжатлари орасига солиб қўйди, ўнг чўнтаги тепасидаги Қизил Юлдуз ордени ярақлаб турарди.

У хаёл суриб кетди. Кўз олдида онаси Ҳамидахон. Онаси жуда куюнчак, самимий хотин. Маратни катта қилгунча озмунча азият чекдими? Ёшлигида бир-икки соат ғойиб бўлганида болам ҳовузга тушиб кетди, вой-до-о-д, сув лопиллапти, деб бутун маҳаллани оёққа турғазган эди. Бу шовқинни эшитган Марат томдан ишшайиб, кулиб тушиб келган эди. Сал иситмаси чиқса докторга югурарди. Ҳумоюн ака Маратни уйга қоровул қилиб, Ҳамидахон билан Барчинни олиб, Чимёнга — дам олгани боришгани, икки кун ўтмасданоқ Ҳамидахоннинг юраги увишиб: «Вой, адаси, Маратжоннинг битта ўзи қолди-я! Юрагим узилиб кетяпти, кетамиз! Кетмасак бўлмайди!» деб туриб олгани кўз ўнгидан бир-бир ўтди.

У, кўп вақт намгарчилик, салқин бир иқлимда ўз юртини — иссиқ саратону шилдираб оқадиган ариқларини, меваларини, қовуну тарвузларни, чўгиру босволдиларни соғинган эди. У энди Брестда ҳарбийни ўтаётганида уруш бошланиб, мана тўрт ойдан буён қаттиқ жанг кетяпти, неча ўлимдан қолди. Уша ёлғиз эрка ўғил бунда жасур командир. У ҳам Ҳумоюн акага ўхшаб сарбаст, елкалари кенг, тик, қўллари

узун. У ёш бўлишига қарамай бунда кавказликларга ўхшаб мўйлов ҳам қўйиб олган эди. Унинг қарашлари ўткир, жангчилар ёш командирга итоат этишарди. У баъзан, бўшашиб, ўтирган ўзбекистонлик бир-иккита тўпчиларга ҳазил қилиб ҳам қўярди: «Вей, қалпоқда катта бўлган! Обидийдангни қўйсанг-чи, хотинга ўхшамай!»

Йигитлар қийқириб кулишар, уч-тўрт киши бўлиб аския бошлашарди.

Чекиниш алами жангчилар бағрини тимдаларди. Интиқом, ғазаб ўти богран сари авж олар эди.

Баъзан соатларча гумбурлаш — «артподготовка» авжга минар, юзларча тўплар ҳалқумидан ўт сочиб, ўкирар, душман устига ўқ ёғдириб, истеҳкомларни тилка-пора қилар, тўпчи йигитлар қора терга ботиб, пешма-пеш снаряд ташишар, ҳамма ёқ ларзага тушар, кўк юзини қора тутун қоплар эди. Узоқ-узоқларда бутун бошлиқ қарағай ва эман дарахтлари таги билан узулиб осмонга отиларди! Батарей командирларининг «Огонь!» деган қичқириқлари Маратнинг қулоғига эшитилиб қоларди. Адасининг, «кўр бўлсанг бўлу кўрнамак бўлма!» деган гапини ҳамма вақт ёдида тутарди — қаттиқчилик кўрмаган эрка ўғилларнинг ҳаммаси ҳам «ҳунар» кўрсата бермас экан. Доимо овқатнинг яхшисини ейдиган, пар ёстиқда ётиб, кундузи велосипедда югурадиган ёлғиз ўғил ота-онаси бағридан чиққандан кейин, бундоқ жойларда қийналиб, «ҳунар» кўрсатади, деганлар янглишди. Уни бағрига олган ҳарбий ҳаёт, кейинчалик жанг оташи бу эрка ўғилни тобига келтириб, мослаб олди.

Ҳамида опа ўғлини шу кунларда бир кўрса эди. Баъзан Маратнинг ўзи ҳам бу ҳақда ўйлайди, — онаизори ҳайрон бўлиб қоларди. У қаттиқ нонни ҳам ейди, совуқ сувга ювинади ҳам. Гапларида сабот, чидам, баъзи кунлари буйруқ билан чекинишарди, лекин бари бир немиснинг тус-тўполонини чиқариб, енгилга ишониб чекинишарди. «Кунлар келар! Ҳолингга маймунлар йиғлайди!!!» дерди Марат нариги томонга муштумини кўрсатиб.

Марат Барчиннинг хатини ўқигач, бир лаҳза бўлса ҳам ўз юртида, туғилиб ўсган Ўзбекистонда, Тошкентдаги ҳовлисида, ундан кейин Шаҳрисабзда бўл-

гандек, опаси ёпган жиззали иссиқ нонни ариққа оқи-
зиб егандек бўлди.

Кечга яқин ёмғир шивалаб ўтди. Совуқ шамол
ғувиллаб, ўт-ўланларни елпий бошлади. Тўпчилар зам-
баракларнинг узун хартумини шох-шаббалар билан
ўраб, ниқоблаб, атрофидаги траншеяларда шай тури-
шарди. Марат бўлса қош қорайгач, батареядан унча
узоқ бўлмаган ертўлада командирлар билан карта
устида муҳим бир операция планини муҳокама қи-
лишарди.

Тонг отарга бориб тўплар дарғазаб гумбирлай бош-
лади. Улкан дала ларзага келди. Тупроқ, оташ ва дуд
аралашиб осмонга кўтарилар, тўплар бетиним олоз
пуркаб, душман устига ажал ёғдирарди.

Алплар жанг бошлади. Уларнинг ҳар бири дoston-
лардаги алплардан юз чандон зўр йигитлар эди.

Марат бўлса ўкириб гумбирлаётган тўплар ёнида,
олов ва тутун ичида душман томонни кузатарди.

Қани шу лаҳза қадрдонлари бунда ҳозир бўлиб,
фарзандлари жангини кўрсалар. Бу, бир хаёл-да!
У бугун ниҳоятда тетик, ниҳоятда абжир ва зўр эди.
Барчиннинг хати унга қудрат берган. Маратдаги ши-
жоат бошқа жангчиларга ҳам ўтди.

Тўплар ерларни титратиб, тинмай гумбурларди.

Ун тўққизинчи боб

СОҒИНИБ КУТАМАН ҲАР БИР ЭРТАНИ

Шаҳрисабзга кўчиб келганларидан кейин ўрта
мактабнинг бошланғич синфларига муаллима бўлган
Барчин, сентябрнинг иккинчи ярмидан юқори синф
ўқувчиларига раҳбар бўлиб, пахта теримига чиқиб
кетди. Ҳафтада бир шаҳарга тушиб, уйларидан хабар
олар, лекин ҳар гал опасини кўрарди-ю, адасини кў-
ролмасди. У дам далада, дам слётда, дам обкомда...
Адасининг беҳаловат ҳаёти унга маълум. Юраги ҳам
чатоқ. Баъзи беғам, тўқим табиат кишилар адасини
хит қилиб, жонини ҳиқилдоғига келтирганида бориб
эзиб ташлагиси келарди! Адаси ҳеч қачон юраги ча-
тоқлигини билдирмасди. Битта гапни уқиб оладиган,

чаққон одамларни кўrsa Барчин яшнаб кетарди. Чунки адаси шунақа одамларни жуда ёқтирарди. Овқатни ҳам тез-тез ейдиган, ишни ҳам чаққон қиладиганларнинг садағаси кетсанг арзийди! Сур, ичимдагини топиб ол, дейдиган, хамири ошмайдиган — ичи пишмайдиган «бемалол хўжа»ларга рўпара келиб қолса нафаси қисиб, ўзини қўярга жой тополмай қоларди. Бу одамлар учун кун йнгирма тўрт соат эмас, қирқ саккиз соат бўлиши керак дерди. Эрта билан чойхонага чиқиб, кечгача гап сотиб ўтирганларга ҳайрон қоларди; ё тавба, бола-чақаси бўлса, бир иш қилмаса!

Барчин отасининг бир оғиз гапи билан далага чиқиб кетди.

1941 йил кузи анча паст келди; сентябрь охирларига бориб, ҳаво айниб, ёмғир ёғди. Уч кунга чўзилган ёмғир ишнинг белига тепди. Гўё ёмғирни душман юборгандек. Меҳнат жабҳасида ҳам жанг қизиб кетди, ёмғир ўтиб, далага чиқиш мумкин бўлганидан бошлаб, бутун эл далага ёпирилди. Фурсатни қўлдан бермай одамлар тинмай ўзини ишга урарди.

Барчиной сочини дурра, рўмолча билан танғиб, оёғига брезент этиқ кийиб, бўйнига катта этак осиб олган, эрталабдан кечгача пахта терарди. Дастлабки кунлари «тошкентлик қиз»нинг бели оғриб, билаклари, кифтлари зирқирарди. Орадан бир ҳафта ўтгач, у бошқа қизлар каби дала лочини бўлиб олди.

Далаларда юз килаграммдан ошириб пахта тераётган чечан қизлар бошига қизил дурра танғиб олардилар. Юз килограмм тера олмаганларнинг қизил дурра танғишга ҳақлари йўқ! Бу анъана Шаҳрисабз районларида туғилиб, қиз-жувонлар ичида кенг тарқалиб кетди. Қизил дурраликлар — лочинлар, бу янги анъана шартларига содиқ бўлиб, ўз меҳнатлари билан фахрланардилар. Қизил дурраликларни гвардиячиларга ҳам ўхшатиш мумкин. Шу қизил дурраликлар орасидаги Дилбар деган бир қиз ҳақида икки оғиз гапирмоқчимиз: Дилбар энди ўн тўққизга қадам қўйди. У, район комсомол ташкилотининг секретари. Дарахт меваси-ю, япроғи билан, инсон меҳнату ақли билан чиройли, Дилбар ғайрати, чаққонлиги билан дунёдаги энг чиройли қизлардан биридир. Унинг қуёш тафтини шимирган анор ёноқлари эрталабки салқин елларда андак ёрилибди, билаklarини гўза-

лар тимдалабди, киприкларига дала гарди қўнибди... Лекин унинг қувлик-шумликларга бегона қалби чиройли. Ғайрати, одоби, камтарлиги оқилалиги билан Дилбар дўстлари орасида катта ҳурмат қозонган.

Октябрнинг бошида қорайиб, лаблари, ёноқлари шамолда ёрилиб, унниқиб кетган Барчин кечқурун аравада шаҳарга қайтиб, уйида тунаб, эрта билан яна ўша аравада далага чиқишни мўлжаллаб шаҳарга тушди. Бу гал у адасини кўрди. Мусичанинг палатонига ўхшаб, бўйи-баста адаси тенги бўлса ҳам бир дам унга эркалағди, далада ҳамма қизлардан кўп пахта тераётгани ҳақида мақтаниб, оғзини кўпиртириб гапирди. Ҳумоюн ака қизининг гапларини мароқ билан тинглаб ўтирарди.

— Гапингга қараганда, бу ерга анча ўрганиб қолганга ўхшайсан,— деди адаси.

— Ўзи қанча вақтга келганмиз?

— Ана холо-о-ос! — Ҳумоюн ака кулиб юборди, — мен сендан бу гапни кутмаган эдим.

— Ахир, биз қанча вақтга келганмиз?

— Мени ишга партия юборди. Зарур бўлгани учун. Тушундингми? Аҳволнинг ниҳоятда жиддий эканини райком комсомолда айтишгандир? Дилбар Раззоқова айтгандир?

— Ҳа, айтди. Дилбар ҳам биз билан бирга...

— Ана энди ўзинг хулоса чиқариб олавер.

Бугун ажойиб кун бўлди: Маратдан, Арслондан хат келди, мана, оила аъзолари жам, гўё ҳаммаси байрам дастурхони атрофига тўплангандай... Она ўзида йўқ шод — ошни дамлаб келиб, хатларни Барчинга топширди. Маратдан келган хат очилган, иккинчиси очилмаган.

Барчин иккала хатни ҳам бир лаҳзада ўқиб чиқди. Каравотда ётиб, газета ўқиётган Ҳумоюн ака қизининг хатни яшириб ўқиётганини пайқаб ётарди-ю, ammo жўрттага юзига газета тутиб, ўзини кўрмасликка соларди.

Бир дамдан кейин Барчин дераза ёнига бориб ҳовлига қаради, хаёлга чўмди...

— Опа, кучук ҳовлимизга кирибдими?

— Қоплонми? Ҳар куни келади. Сенинг келганингни билади-да. Ит одамга тез ўрганади, айниқса, бизнинг Қоплон жуда ақлли.

Барчин бир бурда нон олиб ҳовлига чиқди.

— Қоплон, Қоплон!

Улкан ит Барчинни кўриши билан жилданглаб, думларини ликиллашиб, оёғи тағига калли.

— Вуй, қўрқаман, опа!

— Қўрқма, тишламайди.

— Йўлбарсга ўхшайди-я!

Қоплон бир бурда нонни икки-уч чайнаб ютиб юборди.

— Опа, ошхонада суяк йўқми?

— Бор, олиб чиқиб бера қол.

Барчин қийматахта устидаги иккита суякни олиб чиқиб Қоплонга ташлади. Ит ерга ётиб суякларни қисирлатиб ея бошлади. Ҳар замон ётган ерида думини қимирлатиб, Барчинга ёнламаси қараб қўяр эди. Ҳамидахон ошхонада туриб Барчинга мурожаат қилди:

— Мен Марат аканга хат ёздим, сизлар ҳам ёзинглар, Маратжон тез-тез хат ёзиб туринглар, дебди. Эргалаб менга бериб кетсангиз, ўзим конвертга солиб почтага элтаман. Мана бу суратимизни ҳам юбораман, ҳалиги Эркин деган йигит олган суратни...

— Дарров битибдими? — Барчин токчадан икки-уч нусха фотосуратларни олиб кўрди, — яхши чиқибди. Ада, сиз ҳам кўрдингизми?

— Ҳа, кўрдим. Жуда яхши чиқибди.

— Опа, сал кўзингизни юмиб қолибсиз, — деди Барчин кулиб.

— Кўзимга офтоб тушиб турган эди. Ундан кейин ўша йигит ундоқ туринг, бундоқ туринг, деб жуда шаширди. Нега у шинел кийиб, оқсоқланиб юрибди? Анча хушфеъл Марат аканга ўхшаган сарбаст, чиройли йигит экан.

— Менинг акам капитан. Бу оддий солдат.

— Бу йигит Дилбарнинг акаси, — деди Ҳумоюн ака, — ярадор бўлиб, қайтиб келди. Военкоматга юборишибди. Ҳозирча унда ишлаб турибди, кейинроқ бошқа вазифага олсак керак. Анча ғайратли йигитга ўхшайди.

Барчиннинг кўз олдида Арслон пайдо бўлди, бу эмас, у ғайратли, у кўркам йигит!

— Ҳаммадан ҳам мен яхши тушибман, — деди мамнуният билан ўз суратига қараб Барчин. Дарҳақиқат жуда чиройли тушган эди. У жиндек эркала-

ниб, кулимсираб турарди, — суратларни икки нусхадан берибди, учала суратни ҳам Марат акамларга юбора қолайлик.

— Албатта, — деди ош сузиб келган Ҳамидаҳон.

Ҳумоюн ака қўл ювиш баҳонасида ташқарига чиқиб, бекитиб қўйган жойидан арақ шишасини олди-да, стаканга қуйиб ичди. Барчин кулимсираб она-сига бир нима деяётган эди, Ҳамидаҳон лабини тишлади.

Ошдан кейин Барчин хона юқорисидаги каравотга чўзилиб ухлаб қолди.

Эрта билан колхознинг шаҳарда қолган ўша бричка араваси райком секретари эшигида тўхтади. Кеча Барчин аравакаш билан шундай ваъдалашган эди. Аравада шинелини елкага ташлаб, фотоаппарат ушлаган сарбаст Эркин ҳам ўтирарди. Барчин салом-алиқдан сўнг беихтиёр: «Қани, марҳамат, бу ёққа киринглар!» деди.

— Раҳмат, — деди аравакаш чол билан Эркин баравар. Кейин Эркин тушунтирди. — Хафа бўлмай-сиз, рухсатингизсиз аравага чиқиб олдим. Синглим Дилбар ҳам шу колхозда, вакил... Ойимлар мана бу кийим-кечакларни бериб кел, дедилар. Бундан ташқари, илғор теримчиларнинг суратини ҳам олиб, кечга яқин қайтаман. Газета илтимос қилди.

— Марҳамат, марҳамат — деди Барчин кулиб, — бу арава колхозники, эгаси — отамлар. Мен ҳам сизга ўхшаганман.

Барчиндан кейин чиққан Ҳамидаҳон Эркинга кўзи тушиб, келиб, кўришди:

— Суратлар учун раҳмат! Жуда яхши олибсиз. Бир нусхасини ўғлимга — фронтга юборяпман.

— Сизга ёққан бўлса жуда хурсандман.

— Шундоқ чиройли чиқибдики...

— Ростдан-а.

— Ота, кетамизми? — деди Барчин. — Мен тайёрман.

Аравакаш «ҳа, чу!» деб отга қамчи босди.

— «Хайр, яхши боринглар!» — деди қўл силкиб Ҳамидаҳон.

— Хайр! — деди аравакашнинг ёнида ўтирган Барчин онасига.

Улар шаҳардан чиқиб, дала йўлига тушишганда ўртадаги сукутни Барчин бузди:

— Тез-тез шунақа гастролга чиқиб турасизми?— Барчин арава охирида ўтирган Эркинга қайрилиб қаради.

— Биринчи маротаба, — деди бош чайқаб Эркин, ойимлар қўймадилар-да. Бизнинг «гастроли-миз» военкоматда. Иш тиқилинч, йигитларни жўна-тиш билан оворамиз. Бундан ташқари оёқда ва белда осколка бор. Кейинчалик операция қилиб олдириб ташлашим керак. Яхши бўлиб кетасан, деяпти врач-лар.

— Мени кечиринг, ярадорлигингни билмай га-пирдим.

— Хафа қиладиган ҳеч нарса деганингиз йўқ, Барчинхон. Аксинча, сиз мен билан самимий гаплаш-ганингиздан бошим осмонга етди. Сиз, Дилбар билан бизни-кига келганингизда узоқдан кўриб қолган эдим... Ахир «Райкомнинг биринчи секретари ўртоқ Саидбековнинг ақлли, ишчан, гўзал қизлари»ни бу-тун Шаҳрисабз билади-я.

— Ростдан-а, жуда ошириб юбордингиз. Райком-комсомолнинг биринчи секретари ўртоқ Раззоқовнинг фронтвой, жасур, гўзал акасини ҳам бутун Шаҳри-сабз билади...

— Омон бўл, қизим! — деди хотинларга ўхшаб ҳи-ҳилаб куладиган чўққи соқол аравакаш чол.

Улар ҳазил гаплар билан қандай қилиб далага етиб боришганини пайқамай қолишди.

Барчин аравадан сакраб тушгач, аравакашга та-шаккур айтди. Ундан сўнг Эркинга «хайр!» ишораси-ни қилиб, дала шийпонига, дугоналари ва мактаб бо-лалари ёнига югурди. Эркин бўлса бричка ёнида ҳайрон бўлиб қолди. Бир муддатдан кейин у Дилбар-нинг ёнига — колхоз идорасига жўнади.

Кечқурун теримдан сўнг Барчин дугоналари би-лан колхоз тайёрлаган ётоққа келди. У овқатланиб бўлгач, хат ёзишга киришди. У Арслоннинг кейинги хатига, шеърига жавоб ёзарди. Конвертга адаси, опаси билан тушган суратдан ҳам солиб қўйди. Хатни: «Соғиниб кутаман ҳар бир эртани, умидим саломат кўришдир сизни...» мисралари билан ту-гатди.

ЖАМАЛАКСОЧ ҚИЗЧАНИНГ ҚАБРИДА

Оч-наҳор қолиб касалга чалиниб ўлган жамалаксоч Субҳияни Нишон ака, Муҳаммаджон ака, Ориф қоровул, Ҳайитбой оқсоқол бошлаб келган хўжапархонлик икки кулол, колхоз отбоқари, жами етти киши Чигатой мазорига кўмиб келишгандан сўнг, мана, орадан бир ярим ой ўтди. Бечора қизалоқни ҳеч ким эсламади. Уни эслаб, ачиниб кўзига ёш оладиган одам ҳам йўқ эди. Уруш йилларида эскича ҳайит ҳам келди, лекин унинг қийшиқ эшиги олдига ўриндиқ қўйилиб, кўрпача ҳам ёзилмади. Хотини билан қизининг ўлганидан беҳабар чимкентлик Боймат қўлида қурол, окоплардан-окопларга югуриб, немис билан жанг қиларди... Шундоқ эшиги эшигига рўпара Мусоват Қори қизалоқни тиф бўлди деб, тобутига яқинлашмади ҳам. У қаёққадир кетиб, маҳалладагилар кўмиб келишганидан кейин пайдо бўлди. У, йўл устида, тик турганича — ўқрайиб турган қўшни хотинларга ўзини кўрсатиб, юзига фотиҳа тортди. Кимгадир: «Ҳа, ёшми, қарими, ажали етган ўлади. Бир хум сингунча қанча хумча синади...» дебди. У чимкентлик йигитни жини ёқтирмас экан. Уни — «чала қозоқ» деб ҳақорат ҳам қилган вақти бўлган экан. Лекин чимкентлик қўшничилик бузилмасин деб, оғирлик қилиб юраркан. Ота учун бола жавобгар эмасу, лекин Мусоват Қори жамалаксоч Субҳияни отаси туфайли ёмон кўрарди. Лўли қизларга ўхшаб ўйнаб берса ҳам: «Юзинг қурсин, охир замоннинг зумрашалари», дерди. Бир куни: «Итдан бўлган қурбонлиққа ярамас», деб ҳақорат қилганини онаси эшитиб қолиб, кўчани бошига кўтариб, Қори билан жанжаллашган эди.

Сменаси сменага уланиб, бир ҳафтадан бери уйга келмаган Арслон бугун, куннинг ўрталарида бозордан иккита арпа нон олиб, рўмолга тугди. Шаршин таги билан Чигатой қабристонига жўнади. Гўрковга икки кулча ва бир неча сўм пул берди. Отасининг қабри тепасига келди. Кулчаю пулни олиб, хурсанд бўлиб кетган чўлоқ гўрков Арслон билан бирга қабр тепасига туриб, чўкка тушиб, қуръон ўқиди. Ундан сўнг, Арслоннинг илтимоси билан йигирма қадамча наридаги янги, кичкинагина қабр тепасига ҳам келиш-

ди. Бу — жажжи Субҳиянинг қабри эди. Қизалоққа бундан бўлак ҳеч қандай яхшилиқ қилолмасди. Унинг назарида, гўр ичида ётган Субҳия Арслон акаси келиб, тепасида турганини кўраётгандай, «Арслон амаки, Кўкалдош гумбазига қаранг, лайлак келганмикин? Агар лайлак қўнган бўлса адамлар келадилар», дегандай бўларди.

— Ўғлим, анча хаёл суриб қолдингиз, кетайлик,— деди чўлоқ гўрков.

— Амаки,— деди бирдан Арслоннинг хаёли тарқаб,— мен бирпас бу ерда турмоқчиман, мана шу ерда ўтиргим келяпти. Қизчанинг ҳеч кими йўқ...

— Ихтиёр ўзингизда, ўғлим,— деди кета туриб чўлоқ гўрков.

— Раҳмат, амаки!— деди Арслон бир томонга шох ташлаб кетаётган гўрков орқасидан,— баъзи-баъзида келиб тураман...

— Келиб туринг,— деди орқасига қайрилиб қараб гўрков.— Аммо лекин баъзи молга ўхшаган одамларни ҳам биламиз, жигарини ташлаб кетгандан кейин тамоман келмай кетади. Йигирма йилда ҳам бир марта келмаган фарзандни ҳам биламиз. Сизга ёлғон, худога чин, мана шу мўътабар зотнинг қабрига ўзим қараб тураман. Танирдим, яхши одам эди... Худонинг амрини қарангки, ўзига буюрмади — ўғиллари, қизлари бор деб эшитаман. Аммо биронтаси падарини эслаб, келиб тепасида фотиҳа ўқимайди. Ҳаром-хариш йўлга кириб кетган, деб эшитаман. Ундай бўлса, мўътабар зотлар ётган бу ерга келмагани ҳам маъқул уларни дейман. Мана шунақа одамлар ҳам бор.

Арслон бошини қимирлатиб тасдиқлади-ю, индамади. Гўрков чўлоқланиб йўлида давом этди.

Ўзингни йўқотиб, шишиниб кетаётганингни мабодо сезиб қолсанг ёки сенга сездирсалар мозористонга бер — қадрдонларинг, таниш-билишларинг агар ўзга шаҳарда бўлса, қариндош-уруғни қидириш шарт эмас, ҳамма сенга қариндош, сен бир лаҳза қабр тепасида тўхта, ўйла, сен ҳам бир куни шундай ер орасида қимирламай ётасан. Тупроққа кирмайдиган одам йўқ, вақт ҳеч қачон тўхтаб турмайди. У ўта беради. Миллион йилларни ўтказган бу кўҳна дунё яна миллион йилларни ўтказа беради. Ҳа, яна юз йил деган нима деган гап, ўтиб кетади... Сен бу дунёга келиб-

сан — бир томошахонага кириб чиққандек гап. Аммо томошахона жуда сеҳрли... Умринг шу даражада қисқа экан, одамларга озор берма, унутиб бўлмас армон бўлади.

Арслон чўлоқ гўрков ғойиб бўлгач, икки-уч қадам юриб бориб, жамалаксоч Субҳиянинг кичкинагина қабри ёнида чўққайиб ўтирди. Бечоранинг қабри ҳали янги эди; устидаги тупроқдан ўт-ўлан ўсиб чиқмаган, ҳали кетмон орқаси билан шиббаланиб қўйилгани ҳам, ёнига ташлаб кетишган толнинг тўртта қийшиқ новдаси ҳам ётарди. Кимсасиз ғариб бир қизалоқ бўлгани учун гўрков ҳам ортиқча эътибор бермай, кўмган эди. Бошқа гўрлар олдида у ҳеч кимнинг эътиборини тортмасди.

Арслон хаёлга толди. Ҳаёт шундайми? Кечагина кўчада шовқин солиб, югуриб юрган жамалаксоч қиз энди йўқ. Унинг лўлилар кўзига ўхшаб ёниб турадиган кўзлари сўниб кетди. У ҳозир эркаланмайди ҳам, адасини соғиниб Кўкалдош мадрасаси тепасига ўша сирли лайлак келиб қўнишини ҳам кутмайди. Эҳтимол, ўша лайлак келганида адаси ҳам келармиди!

Бутун алами ичида кетди, бечора Субҳиянинг! У тупроқда тақдирга тан бериб, қимир этмай ётарди. Тақдир шундай қаттолми?! Ёмоннинг кучи япалоққа етдими! У йиргқич шунча каззоблар, муттаҳамлар қолиб, уқпардек норасида гўдакка чанг солдими? Наҳотки ҳаётнинг гўзал куртагини олиб кетса!

Арслоннинг хаёллари қиличдек кескир, игнадек силлиқ қадалувчан эди.

У тикилиб тургани қабристон четидаги мирза те-раклардан кўзини олиб, яна жингалак соч Субҳиянинг кичкинагина қабрига қаради; устига тупроқ сочилган Субҳия ёнбошлаб ётганга ўхшарди. Унинг ёнида устиларидан янтоқ, ажриқ ўсиб чиққан катта-кичик қабрлар... Эҳтимол, бу катта қабр ичида кекса бобо ётар — унинг соқоллари узун, қошлари бароқдир. Бунақа чоллар майда болаларга жуда меҳрибон бўлади. Эҳтимол, у Субҳияни овутиб ўтиргандир. Унга сабр-қаноат бериб, «Кўкалдош гумбазига оқ лайлак албатта келиб қўнади», деяётгандир. Бечора жамалаксоч кўз ёшларини артиб, бобонинг тиззасига чиқиб, соқолларига юзини, даҳанларини суркаб, эркаланаётгандир. Чунки уни умрида биров эркаламагани, бир

ҳисобда мана шу катта ва кўҳна бобоқабр ёнига кўмилгани маъқул бўлибди.

Даҳанини кафтига олган Арслон қизча қабри ёнида ўтириб, ҳар нарсани ўйларди... Бунда, ўлмайман, абадулабад яшай бераман, деб ҳамма ёққа ларза солиб ариллаётганлар ётибди. Мол-дунё йиққанлар, битта костюм ёки соат деб киши ўлдирганлар ҳам ётибди. Кишини ҳақоратлаб, камситиб озор берганлар ҳам қимир этмай ётибди. Бировларнинг ҳақиқага хиёнат қилганлар, жабру ситам берганлар ҳам миқ этмай ётибди. Бу ерда яхши инсонлар, олижаноб кишилар ҳам ётибди. Ҳали дунёга келиб ҳеч нима кўрмаган мурғак болалар ҳам ётибди... Инсоннинг қисмати шу.

Бир лаҳзадан сўнг, йигирма қадамча нарида ётган Мирюсуф ота қабридан овоз чиққандай бўлди: «Арслонжон, уй ичимиз соғ-саломатми? Ойинглар, опаларинг яхшими?» «Ҳаммамиз соғ-саломатмиз, дада!» — деди ичида. Шундан сўнг яна жимлик чўкди. Жимлик узоққа бормади, отадан сўнг жамалаксоч Субҳия гўридан товуш чиқди: «Амати, ўрнингиздан туриб қараб боқинг, оқ лайлак келиб қўндими? Адамлар келдиларми?»

Арслон ўрнидан туриб, узоқларга қаради, лекин Чигатой мазоридан Кўкалдош мадрасасининг гумбази кўринмас экан, у яна ҳам бўйинини чўзиб, жануб томонга қаради.

Арслонни ўз ҳужраси деразасидан кузатиб турган чўлоғ гўрков таажжубланди..

Бир соатлардан кейин Арслон жойидан жилиб, қабристон ўртасидаги йўлкага чиқди. Орқада қолган жамалаксоч Субҳия қабридан яна овоз эшитилгандек бўлди: «Амати, яна келинг. Амати мен сизни яхши кўраман». «Хайр, қизча, гўрингда тинч ёт», деди Арслон орқасига бир қайрилиб қараб.

Йигирма биринчи боб

БАЁТ БОЛА «ҚИССАСИ»

Фронтларда кетаётган ниҳоятда шиддатли жангларнинг оташ ҳарорати мамлакат ичкарасида яна ҳам кучли ёлқин касб этарди. Бу, зилзилага ҳам ўхшар, лекин унинг кучи денгиз тўлқинларидек марказ-

дан узоқлашган сари яна ҳам қудратли бўларди. Кўчаларимизда қўлтиқтаёқли ярадорлар ҳам тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Илгарироқ келган баъзи ярадорлар уйда ёта бермай, фойдаси тегиши мумкин бўлган вазифаларга жойлаша бошлади. Қаҳрамон фарзандларни ҳамма ерда меҳр-муҳаббат билан ардоқлашди, энг мақбул ерларни ишониб топширишди... Шу кунлари қўлтиқтаёқли Ҳошимов деган йигит, миномёт миноси, катта тўплар учун снаряд ясаётган «Ташсельмаш» заводи кадрлар бўлимида бўлиб, кимнингдир тавсияномаси билан завод клубига маданий-оқартув ишлари мудирини бўлиб тайинланибди. Бу, одатдаги ҳол, албатта. Аммо, кутилмаган бир пайтда завод территориясида пайдо бўлган Самандаров, комсомол аъзоси ҳамда таниши сифатида Арслонга учрашиб, ундан баъзи нарсаларни сўраб олди.

Кун бўйи ишлаб чарчаган, энди бориб дам олмаган деган Арслон Самандаров билан цех шов-шувидан ташқарига чиқиб, холи бир ерда гаплашишди. Бу учрашув жиддий бир гап борлигидан далолат бериб турарди.

— Ҳошимов деган бир йигитни танирмидингиз,— деди у Арслон билан ҳол-аҳвол сўрашиб, бурни, пешаналари қора мой бўлгани ҳақида бир-икки қизиқчилик қилишгандан кейин.— Қаллаҳона маҳалласидан.

— Исми нима экан?— Арслон бир оз ўйланди.

— Баят.

— «Баят» эмас, Баёт,— деди Арслон,— «ё» билан айтилади. Биламан. Уни биз «Баёт бола» дердик.

— Ҳа, ана шу. Отаси муаллим.

— Биз у билан мактабда бирга ўқиганмиз.

— Балли!

— Хўш, нима гап? Уни фронтда деб эшитган эдим.

— Шундай.

— Жингалак сочили, оқ-сариқ, кулча юз йигит-да. Биздан бир синф пастда ўқирди...

— Мана фотосурати,— Самандаров унга Баётнинг фотосуратини кўрсатди.

— Ҳа, шу! Жуда яхши танийман. Биз яхши таниш эдик. У ҳақда илгари баъзи гаплар ҳам бўлган...

— Айтинг ўшани.

— Айтадиган гап эмас.
— Қисман тушундим. Аммо пардали қилиб айта қолинг.

— Ахлоқий жиҳатдан енгилтак бўлган... Шунинг учун уни «бола» дердик...

— Шунақа денг.

— Анча енгил бола. Баёт боланинг тарихи ҳам бор.

— Э, ана шу тарихини айтинг. Бу, жуда муҳим масала. Комиссарнинг топшириғи шундай. Баёт Ҳошимовга доир ҳамма гапларни гаплашиб олишимиз керак. Шаҳарни, унинг географиясини яхши билишингиз, эсингизда бўлса керак, жуда муҳим эди. Бу шахс билан таниш бўлганлигингиз ҳам жуда муҳим Ҳртоқ Ҳлмасбоев, аҳволнинг жиддийлиғи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, ҳаммаси сизга аён. Сиз, комсомолсиз, заводнинг эгалари сиз билан биз. Заводимизни эҳтиёт қилишни партия ва ҳукумат бизнинг қўлимизга топширган. Мен сизга ўхшаган софдил укаларимга мурожаат этмай, кимга мурожаат этаман. Мени, бундан буён Жўра ака, деб атай беринг.

— Тушунаман, Жўра ака. У одам фронтда эмасмиди?

— «Ярадор» бўлиб келибди. Кўп ўтмай ишга ҳам жойлашибди.

Арслон бир лаҳза хаёлга толди. Унинг кўз олдига мактабда ўқиб юрган дамлари, айланма тор кўчалар, мактаб орқасидаги кенг спорт майдони — ҳар куни катта танаффусда бу ерга тўпланишиб волейбол ўйнашгани, ўйинчиларга халақит бериб, велосипед миниб юрган Баётжон ҳам ялт этиб кўзига кўриниб кетди. Ундан кейин катта хонада физика кабинети (бу хона уй-жойи мусодара қилинган Шоабдумавлонбойнинг устуну тоқиларигача нақшланган, девор-токчалари ганч-ўймакор меҳмонхонаси эди). Бу ердаги қоғозга ишқаланса ток берадиган эбонит таёғи ва айлантирса чарсиллайдиган гальвани аппарати, физика асбоблари, вольтметрлар кўриниб кетди. Шкаф ичида катта термометрни синдириб, ичидаги симобни олган Баётнинг Учком мажлисида муҳокама қилингани, отаси мактабга чақирилгани, тавба-тазарру билан мактабдан ҳайдалмай, ҳайфсан билан чегаралангани ҳам кўз олдига келди. Симоб деб бутун бир термометрни

синдиргани қизиқ бу боланинг! Арслон ўйлаб туриб ҳайрон қоларди. Биология муаллимини ҳамма ўқувчилар яхши кўриши-ю, унинг қуён сўйиб, ички аъзоларини тушунтириши мактабда жуда катта воқеа бўлган эди. Болалар биология кабинетида деворга қоқиб қўйилган серсоқол академик Иван Павлов портретига қарашиб, агар энг катта олим Павлов бўлса, ундан кейингиси бизнинг биология ўқитувчимиз дейишарди. Камбағал болаларга ёрдам қилар, уларнинг ўқишдан қолиб кетмаслиги учун ҳамма чорани кўрарди. Азиз деган қобилиятли болани иккинчи лаборант қилиб қўйиб, ўз маошидан дирекция орқали пул тўлаб турарди. Буни Азиз мутлақо билмас, у мактабдан оляпман, деб ўйларди. Аълочи Азизнинг ота-онаси жуда ночор яшаб, болаларини аранг боқишарди. Баёт Азизни масхаралар, қаҳратон совуқда йиртиқ калиш кийиб келиб, синфдан чиқмай ўтирганига қўймай ҳовлига тортқилар, «папкамдан пулимни ўғирладинг» деб урган вақтлари ҳам бўлган эди. Мана шу сафар биология ўқитувчиси жуда хафа бўлиб, Баёт билан саломлашмай, унга қарамай қўйган, умрида биринчи марта «тарбиясиз!» деб уни силтаб ташлаган эди. Булар бари Арслоннинг хаёлидан ўтди.

Каллахоналик Ҳошим халфа Рисолатбуви деган кекса бир бева хотинга уйланади. Рисолатбуви «таҳорат суви берувчи» сифатида Халфага тегиб, катта қизи Адолатхон (у эрга текканидан кейин орадан бир йил ўтмай эри растрат қилиб қамалиб кетган эди), кичик қизи Қандолатхон, ўғли — Садиржон билан халфанинг уйига кўчиб келишди. Халфа Рисолатбувини никоҳига олиб, эрсиз қолган Адолатга кўз тиккан эди. У турли найранглари ишга солиб, кунлардан бир кун, Рисолатбуви йўқлигида Адолатхоннинг қўйнига киради. Дада дейишини билмай юрган Адолатхон уйқу аралаш жиёнатга йўл қўяди. У ҳомиладор бўлиб, нима қилишини билмай юрган кезларида, Халфа ўз никоҳидаги Рисолатни «уч талоқ» қўйиб, унинг катта қизини никоҳига олмоқчи бўлади. Бу гапдан воқиф бўлган маҳалла аҳли Халфани тошбўрон қилиб, ўлдирамиз, деб келишганида, унинг уйда ҳомиладор Адолатхондан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Халфа бу гапни эшитиб, икки кун илгарийёқ Келес томондаги бир ошнасиникига қочиб, жон сақлайди.

Бир йилча у эл кўзига кўринмай, Адолатхонни тунда Келесга олиб кетади. Бу алам доғига чидолмаган Ри-солатхон охири қизини «оқ» қилиб, қон туплаб, ўлган. Адолатхон ўғил туғади — унга Ҳаёт, деб исм қўйишади. Ҳаёт уч яшарлигида Адолатхон ҳам вафот этиб, отаси Мусовот Қорининг синглиси Қумриниса деган бева хотинга уйланади. Бу эса Халфанинг учинчи хотини эди. Кейинчалик маҳалла аҳлининг тошбўрон қилиш ҳақидаги қарори бекор бўлиб, фақат одамлар у билан ош-қатиқ бўлишни камайтиришади.

Мана, қисқача тарих, дегандай Арслон Жўра акага қаради.

— Ҳа, анча гап бор экан,— деди Жўра ака Баётнинг фотосуратига тикилиб,— бу шахс ниҳоятда муҳим, у билан яқинлашиш йўлини топишингиз керак. Такрор айтаман, бу жуда муҳим масала. Сизнинг ёрдамингиз керак, укажон.

— Муҳим бўлганидан кейин ҳамма чорани кўрамиз,— деди Арслон,— мен ўйлайманки, у билан яқинлашиб оламан.

— Беғидир бўлсин. Мутлақо шубҳаланмасин. Унинг Зиё Афанди билан учрашуви ҳам бизни жуда қизиқтиради.

— Тушунарли, Жўра ака.

* * *

Қишнинг қандай келишини деҳқонлар яхши билади. Ҳайитбой оқсоқол Оқтепа томондан келаётиб Сақичмон чойхонасига кирди, у улфатларига дарахтларнинг учини кўрсатарди.

— Дарахтлар учидан барг ташляпти, кўряпсанми. Полвон, бу йил қиш қаттиқ келади. Ўғлим Абдусаматжон Шимолий фронтда. Александр Невский жанг қилган ерлардаман, деб хат ёзибди. Қиш қаттиқ бўлса кераг-ов.

— Оқсоқол, у ёқларда аллақачон қор ёғиб, ерлар метин бўлиб қотган.

— Нафасингни иссиқ қил-э, Полвон, мен сенга кузни гапирсам, оғзингдан қаҳратон қишнинг ҳиди келади-я!

— Вей, оқсоқол, бизда кундузи бўлганда у ёқда кечаси бўладиган, бизда ёз бўлганда, у ёқда қиш бў-

ладиган мамлакатларни биласизми? Омий бўлманг! Подшоҳ Искандар Зулқайнар ернинг тагидаги мамлакатларни ҳам мусахҳар қилиб, не-не қизиқ давлатларни кўрганлар.

— Оббо, сен-э! Илминг ошиб кетибди. «Зулқайнар» эмас, Зулқарнайн.

— Ҳа, унча-мунча биласиз,— деди керилиб Чиранчиқ полвон. Кейин у Ҳайитбой оқсоқолни туртди,— Баётжон фронтдан келибди, кўриб чиқмайликми?

— Баётинг ким?

— Халфанинг ўғли-да. Танийсиз, жингала сочили сариқ йигит.

— Э, ҳа-а, анавими?

— Ҳа, ўша.

— У шунақа фронтларга бориб келадиган бўлганми?

— Ҳа.

— У унақа милтиқ ушлайдиган болалардан эмас эди-ку?

— Ҳа, энди ушлабди-да.

— Ярадор бўлибдими?

— Шундоқ дейишади.

— Буни қара, шунча тулпорлар қолиб, ўша қуён кўкрак кериб келибди-да. Сенга қариндошми?

— Яқинлиги бор.

— Бўпти. Кириб, хуш келибсиз қилиб чиқайлик бўлмаса.

Улар ўринларидан қўзғалиб, Баёт боланикига кириб кетишди.

— Э-э, омон-эсон келдингизми, Баётхон ука!— Чиранчиқ полвон эшикка қўлтиқтаёқ билан сал чўлоқланиб чиққан, ҳарбий кийимдаги Баёт билан қуюқ омонлашди.— Келганингизни эшитиб, бир кўриб чиқайлик, дедик. Бу киши Ҳайитбой отангиз.

— Раҳмат! Қани, бу ёққа киринглар,— Баёт икки ҳаммаҳалласини бошлаб дастурхон тайёрлаб қўйилган ичкари уйга олиб кирди. Фотиҳадан сўнг ўз кечмишларини гапириб берди. Қаттиқ уруш бўлиб, оёғидан ўқ еб, беш ой госпиталда ётиб, она шаҳрига келибди. «Немис ёмон қисталоқ, дабдаламизни чиқариб юборди», деб қўшиб ҳам қўйди. Келибоқ уйда кўп ёта бермай, ишга кирганини ҳам айтди.

— Ёппирай-а?— деди таажжубланиб Ҳайитбой оқсоқол.

— Тенглашиб бўлмайди. Жуда ёмон,— деди Баёт бола дастурхон попуқларини ҳимариб, ерга қараб.— Лекин немислар ўрта осиеликларга, мусулмонларга яхши қараяпти...

— Ёпирай-а?!

— Ҳа. Буни биз билдик.

— Укажон, бизнинг ҳовлига бир марҳамат қилсанг, норин қилиб бераман,— деди Чиранчиқ полвон, — мана жангдан омон-эсон келибсан, атаганим бор эди. То иш билан овора бўлиб кетгунингча, жиндак ўйнаб ол.

Баёт ўйланиб кулимсиради. Кейин рози бўлди.

Эрта ўтиб индинга Чиранчиқ полвоннинг Хўжапархондаги чорбоғида шинамгина зиёфат бўлди. Вақтнинг ниҳоятда оғирлигига қарамай, фақат Баёт учун эмас, ўзининг шундай бир одам чақириши лозим бўлганлиги сабабли, қаҳатчиликда ҳам ёр-ошноларини бир норинга тўйдирмоқчи бўлди. Бу зиёфатга Мусоват Қори ҳам таклиф этилиб, у мўйнадўзларнинг «пири» сифатида Зиё Афандини ҳам бошлаб келди. Чиранчиқ полвоннинг яқинларидан бўлган Қизил Махсум қайниси Арслонни бошлаб келди. Баёт бола Ҳайитбой оқсоқол ёнида — тўрда, азиз меҳмон, «фронтвой азамат» бўлиб ўтирарди.

Шу ерда Арслон билан Баёт холироқда бир-бирини кўриб, бошланғич мактабда — биология ўқитувчиси қуён сўйганини эслади.

— Тинчмисан?

— Ҳа,— деди Арслон мулойимлик билан кўпни кўриб келган, «жаҳонгашта» Баётга,— ҳозирча тинчман.

— Чақирдимми?

— Ҳа. Завод брон берди.

— Йўлини қилиб суғирилиб қолавер,— деди Арслоннинг қулоғига шивирлаб Баёт,— ҳозир ола-тўполон. Бекорга ўлиб кетасан, борма! Мана, мен қон кечиб, ярадор бўлиб келдим.

«Ҳа-а, қон кечиб келдинг», деди ичида Арслон. Унинг кўз олдида Жўра ака пайдо бўлди. Унинг «Баёт Ҳошимов 13 февралда Белая Церковь яқинида бўлган жангда немислар томонига қочиб ўтиб кетган.

Бир йилдан кейин у ярадор сифатида фронт орқасида пайдо бўлди. У «Туркистон легиони»да бўлгани аниқланмоқда. Унинг ҳужжатлари мукаммал...» деган гаплари эшитилиб кетди.

Чиранчиқ полвон зиёфати жуда қуюқ бўлди; заборний вақти — кишиларнинг нонга ҳам қорни тўймаётган фурсатдаги бу зиёфатни шоҳона деса бўлади. Икки косадан норин ейишиб, ичкилик ҳам қилишди. Баёт, Ўзбекистонни ниҳоятда соғингани, бундай жаннат диёр ҳеч ерда йўқлиги, карам шўрва, картошка жонига теккани ҳақида гап бошлаб, охири ўзбекларнинг, ўрта осиелик бошқа йигитларнинг қирилиб кетаётгани, ким учун, нима учун узоқ бир юртларда немис ўқиға учиб, жон бераётганликларини гапирди. Баётнинг ҳаяжонини сезиб турган Зиё Афанди «Соғ ўл, Турон ўғлони!» деб икки марта унинг елкасига қоқиб, ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглаб ўтирарди.

— Бир дона қаламча қорақўл қалпоғим бор, шуни сенга бағишладим, — деди Зиё Афанди ҳаяжонланиб, — шуни бизим каъбаи хонамизга — Шайхантоҳурга ташриф буюриб, бир пиёла чойимизни, хоҳласангиз туркий қаҳвамизни ичиб кетасиз, ўғлон!

— Хўп бўлади, — деди керилиб Баёт.

Уларнинг тезда тил топишиб олганига Арслон ҳам, Махсум ҳам таажжуб билан қараб туришарди.

— Оқсоқоллар, акалар, саломат бўлайлик! Мен бир неча бор ўлимдан қолдим, бу ёғи ганимат. Мен ўлиб кетган одам эдим, худо яна қайтариб берди. Ўзбеклар омон бўлсин, қани ичайлик!

— Саломат бўл! — ҳаммалари пиёлалардаги арақларни симириб юборишди.

— Кайф...

Чиранчиқ полвон тайёрлаб, сархонани ўт олдириб тутган катта чилимни Зиё Афанди қуруллашиб бир-икки торгди. Оғзидан қуюқ тутун чиқариб, устма-уст йўталди. Йўталдан тинчиб ўзига келгандан сўнг Мушоват Қорига қаради:

— Алмония чўҳ кучли, тошқин бу ерларга ҳам етиб келишига шубҳам йўқ. Келади! Зора менинг кўрган азобу андуҳларим шу тутундек қалбимдан чиқиб, тарқаб кетса...

— Вей, — деди Ҳайитбой оқсоқол Қорини туртиб

ярим овозда,— бу афанди мунча обидийда қилаверади?!

— Бола-чақаси Истанбулда қолиб кетган да, ўшаларни ўйлаб, йиғлаб юради,— деди Ҷори гапни бошқа томонга буриб.

Гапларида дам чўчинқираб, дам дадиллашиб ўтирган Баёт, ниманидир ўйлаб, яна сукут сақлади.

Бирон уйга ўт тушса маҳаллада каттадан-кичик ҳамма ўша томонга югуради. Бундай чоғда одамларнинг диққати ўтни ўчиришда бўлиб, ўз ҳовлиларини ташлаб, қўшниникида бўладилар... Аввалига, халқларимизнинг бутун диққати фронтда, ичкари маҳаллалар, қишлоқларда суриштирадиган одам, ўткир кўз йўқ, одамлар ичига кириб олиб, нима қилсам қила бераман деган Баёт, бир ҳафталардан кейин сал ўзини тутиб олди. У ёқ-бу ёғига тикилиб, одамларга шубҳали қарар, чўчир, кимнидир изларди...

Йигирма иккинчи боб

САИДБЕКОВ ҲАЛОКАТИ

Ўша куни тонгда теримга чиқиб кетаётган Барчинга иттифоқо йўлдош бўлган фронтчи йигит Эркинжон кечгача далада қолиб кетди, аввал синглиси Дилбарни топиб олиб, у билан бирга илғор теримчиларнинг суратини олди. Ундан кейин Барчинойнинг ёнига келиб, пахта тераётган қизларни бир ерга тўплаб, яна группа қилиб суратга туширди. Қизлар орасида Дилбар билан Барчин ҳам турар эди. Сурат олиб бўлгандан кейин бир минутга Барчин билан Дилбарни тўхтатиб, бир-бирининг елкасига қўл ташлатиб «қадрдон дугоналар» мазмунида суратга олмоқчи бўлди.

— Сал кулиб туринглар,— деди Эркин фотоаппаратини тўғрилаб.

— Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи... Мана кулдик,— деди Дилбар оғзини очиб осмонга қараб.

Эркин фотоаппарат фокусини созлаб олишга ҳовирланаётганида икки дугона гапга тушиб кетишди.

— Кулинглар, ҳой, сал кулинглар!

— Кулки келмаса қаёқдан куламиз?— деди Дилбар.— Боя кулиб турганда нега олмадингиз?!

— Унда аппарат тайёр эмас эди.

— Кулгимиз келмаяпти!

— Жон қизлар, бир кулинглар, жуда бўлмаганда илжайинглар. Мени масхара қилиб кулсаларингиз ҳам майли.

Барчиной билан Дилбар гапларини тўхтатиб, Эркинга қараб жилмайишди.

— Ҳа, яшанглар!— Эркин чирқ этиб сурат олди. У яна бир-икки бор чирқ, чирқ, этиб Барчиннинг суратини олди. Синглисини пахта тердириб, ундан кейин Барчинни ҳам пахта тердириб туриб олди.— Ана энди жуда яхши бўлди. Барчинойнинг кулиб турганларини кўрармиканман, деб юрган эдим, мана олдим. Албатта жиддий бўлиш керак, лекин сурат олаётганда кулган яхши. Бу суратни район газетасига берсаммикан ёки Тошкентга юборсаммикан?

— Узимизга беринг,— деди Барчиной табассум қилиб.

— Кулиб турган суратингиз менда бўлади. Кулсангиз жуда чиройли бўлиб кетар экансиз, менга ёқиб қолдингиз...

— Ака, бачканалашманг!

— Хўп, кечирасизлар.

— Қорнимиз очди, юринглар чой ичамиз,— деди Дилбар,— ака, сиз бригадир ёнига бориб чой ичасизми?

— Йўқ. Агар Барчинхон қарши бўлмасалар сизлар билан бирга чой ичардим.

— Марҳамат!— деди Барчин.

— Оббо ака-е,— деди Дилбар кулиб,— келинг, хотинларнинг холаси, қизларнинг янгаси бўлиб ўтирмай, Тешабой аканинг ёнларига боринг!

— Хў-ў-ўп. Унда ойимлар бериб юборган қовурдоқни ҳам олиб кетаман.

— Олиб кета қолинг.

— Ҳазил. Мени кечиринглар. Сизларнинг ёнингизда яйрайман... Мана шу синглим бўлмаганда ўша ерда чой ичардим. Нима, комсомол, фронтовиклар чой ичаман деса, ҳайда деганми! Одамлар келинг, деса бу киши кетинг, дейди. Мана, кетдим!

Барчин Дилбарга қаради:

— Дилбархон, айтинг, қолсинлар, бирга чой ичамиз. Нима бўпти, у киши суратларимизни олиб яхшилик қилсалару биз, кетинг, десак.

Йигитнинг парвона бўлиб юргани ва бунинг устига, кейинги пайтларда Барчинни кўрганида гапидан адашиб, довдираб қолиши жиддийроқ ўйлашга ундади. Хўш, нега бу йигит кетида чопқиллаб юрибди? Очиқ кўнгил Барчин бир-икки оғиз яхши гаплашса, ҳазиллашса у бир дунё қувониб, босар-тусарини билмай қолади... Бу ниманинг белгиси? Дилбар ҳам кейинги пайтларда акаси ҳақида яхши гаплар айтади ва ҳатто Барчинга унинг саломини топширади. Ёмғир ёққан кун икки қиз шаҳарга тушиб Дилбарларникида ётиб қолишди. Унинг онаси ҳам, дадаси ҳам Барчинга парвона бўлишиб, «Тошкентдан келган қиз»нинг гапларига жон қулоқларини тутишди. Эркиннинг фото суратларини олгани, район газетасига мақтаб мақолалар ёзгани... Бу келишган, сарбаст йигитнинг ҳаловати бузилиб, гирдикапалак бўлиб қолгани Барчинни ўйлатиб қўйди. Аввал хушфёъл, ҳазилкаш, синглиси туфайли менга яхши гапириб юрибди, деб хаёл қилганди. Йўқ, Эркиннинг куйиб-ёниб юриши жиддий эканини, ўзининг унга ёқиб қолганини, янги бир муҳаббат бошланаётганини пайқаб қолди.

Биринчи қор...

Далалар опноқ кўрпага бурканди. Тинмай қор бўраларди... Терим ҳам, елиб-югуришлар ҳам тўхтаган. Фақат гупиллаб қор ёғарди. Фақат узоқ фронтда бўлаётган шиддатли жанглари радио карнайлари зириллаб юртга маълум қилиб турарди. Фақат Белоруссия, Украинадан эвакуация қилинган кўпгина янги одамлар Шаҳрисабз муассасаларида ва бошқа идора, корхоналарда пайдо бўлиб, ўзбеклар билан бирга меҳнат қилишарди. Янги оилалар, она-болалар, кекса аёллар бошпана, илиқ бир қардошлик излаб, паноҳ тортиб келишган эди. Район партия ташкилоти, райижроқўм эвакуация қилинган оилаларни уй-жой, нону намак, иш билан таъминлаш билан шуғулланиш — асосий вазифалардан бири бўлди. Ҳумоюн Саидбековнинг ўз оиласида айтган гапларидан ҳам эвакуация қилиниб, мамлакатнинг ичкари қисмига юборилган одамларни яхшилаб жойлаштириш, уларнинг саломатлиги ҳақида ўйлаш — биринчи даражали масала экани сезилиб турарди. Бу хусусда Ўзкомпартия Марказий Комитетининг топшириғи борлигини, бир неча бор юқоридан телефон қилинганини ҳам гапирарди. Райком аппара-

тига ҳам ғарбий районлардан келган бир неча аёл ишга олинди. Шаҳрисабз атрофидаги колхоз қишлоқларига ҳам бир неча хонадон юборилди — кейинчалик Ҳумоюн Саидбековга маълум бўлишича, эвакуацияга келиб қишлоққа чиқиб кетганлар ичида Белоруссия партизан отрядлари командирларининг хотини ва болалари ҳам бор экан, Москвадан хабар қилишибди. Бу гапларни даранг-дурунг қилмаса ҳам шахсан ўзи тез-тез уларнинг ҳолидан хабар олиб турарди. Қўлидан келадиган ёки райком орқали берилиши лозим бўлган ҳамма ёрдамни қиларди. Уларнинг ён қўшнисини Ойша биби ҳовлисидаги яна бир хонага Мария Антоновна Богусевич деган хотин невараси билан кўчиб кирди. Бу хотин Украинанинг Чернигов областидан экан. Эри партизанлар билан кетибди. Лариса деган чиройли аёл ҳам бир боласи билан Ойша бибининг ён қўшнисиникига жойлашди. Бу хотин ҳам Черниговдан бўлиб, эри ёзувчи ва партизан экан. Кўчиб келган юзга яқин оила Шаҳрисабзга ва унинг атрофидаги қишлоқларга жойлашиб кетишди. Райком секретари Саидбеков деярли ҳамма бюрода район раҳбарлари кўчириб келтирилган оилаларга ғамхўрлик қилишни бир лаҳза ҳам эсдан чиқармасликлари кераклигини уқтириб турарди.

Тинмай қор ёғарди.

Оғир уруш йилининг биринчи қори. Ҳаво анча совуқ. Дарахт шохларини силкиб шамол увиллаб учар, пиромон, бўғотлар тагига яширинган чумчуқ, мусичалар жунжикиб ўтиришарди.

Директорининг фронтга кетгани сабабли, кейинчалик ғарбий комиссариатдан олиниб ўрта мактабга директор қилиб белгиланган Эркин Раззоқов қуйи синф ўқитувчиси Барчин Саидбекова билан аввал иш юзасидан расмий гаплашиб юрган бўлса ҳам, шу қиш кезларидан бирида, дарс тамом бўлгач, икковлари бирга кетишди. Эркин Барчинойни кузатиб қўяжагини айтди. Бу лутфан илтимосни Барчиной қайтаргани йўқ, чунки мактаб директори, қолаверса бирга ишлашадиган кишиси билан суҳбатлашиб кетиш айбмас-ку!

Иссиқ кийиниб олган Барчин шинелли йигит билан ёнма-ён, оппоқ қорни ғарч-ғурч босиб борарди. Суҳбат аввал мактаб, ўқитувчилар ҳақида борди. Ундан

сўнг, Барчиннинг фронтдаги Марат акаси, адаси ва Тошкент ҳақида кетди. Барчин булар ҳақида йўлдошига мароқ билан сўзларди. Умуман туғилиб ўсган шаҳри Тошкентни, ундаги ўн йил ўқиган жонажон мактаби ҳақида ҳам гапирарди. Шаҳрисабзни, бу ердаги одамларни ҳам дўсара, ҳалол кишилар эканини ҳам айтиб, кўчиб келишганидан пушаймон эмасликларини ҳам билдирди.

— Бу гапларнинг ҳаммаси жуда яхши. Биз сизнинг софдил, яхши қиз эканингизни дастлабки кунларданоқ пайқаган эдик,— деди Эркин ёнида бораётган Барчинга қараб,— мен сизга бошқа бир гапни айтсам майлими?

— Нимани?

— Ҳаддим сиғиб, сизга бир гапни айтмоқчиман. Мен буни анчадан буён айтмоқчи бўлиб юрибман. Рухсат этинг, ўша гапни айттай.

— Марҳамат, айтинг,— деди беихитёр, ҳеч нимани ўйламаган ҳолда Барчин. У ўзининг мағрур бориши, қорнинг гарч-гурчи хаёлини қамраган эди. Бунинг устига бу янги директор мактаб ишларига доир бирон теша тегмаган гап айтади, деб ўйлаган эди...

— Мен сизни яхши кўраман, Барчиной.

— Бу нима деганингиз?!

— Сизни жонимдан ҳам ортиқ яхши кўраман. Менинг юрагимда битта нарса бор — у ҳам бўлса севишли Барчин. Мен бу ўз ҳис, ҳаяжонимни одобсизлик қилиб очиқ айтганим учун сиздан кечирим сўрайман. Мени нима десангиз ҳам майли, мен сизни яхши кўраман, агар сиз бу нарсага тескари жавоб қилсангиз, майли, йўлингизда...

— Қизиқ! Мен сиздан бошқа гап кутган эдим. Марҳамат қилиб, менга иккинчи марта бунақа гапларни гапирманг! Бунақа гапларни эшитишни истамайман!— деди Барчин қизариб, жаҳли чиқиб. У қаддини тезлатиб, йўл устида Эркинни ёлғиз қолдириб кетди.

— Мени кечиринг, Барчинхон, узр сўрайман,— Эркиннинг ўсал бўлиб айтган гапларини Барчин чалакам-чатти эшитди-ю, зинғиллаганча уйига жўнади.

Бу қандоқ бўлди!

Барчин уйга бора-боргунча ўйлаб борарди. У илгари ҳам Эркиннинг муносабати бошқачароқ эканини

сезарди. Унинг кўзи олдида Арслон пайдо бўлди. Ҳали шундоқ бўлдими? Кўздан узоқ — кўнгилдан узоқ экан-да! Муҳаббат... онту ваъдалар ёлғон экан-да! Демак, ҳар бир келишган йигитни кўрсак «ишқ» изҳор қилиб кета берарканмиз-да! Бу — муҳаббат эмас, илиқш! Шимолий Қутбдан ташқари қаерга борсак ўша ерда одам топилади — одам топилгандан кейин ичида текис, бежиримлари ҳам бўлади. Демак, ошиқ-маъшуқлик бошлана бераркан-да!

Арслон Барчиннинг кўз олдида турарди, у негадир жуда хафа, маъюс, ранглари ҳам сарғайган. У бир лаҳзадан кейин гапирмай гунг бўлиб қолди. Барчин ўзига-ўзи дерди: «Азизим, дунёда энг севикли кишим Арслонжон! Мен сени унутганим йўқ. Ҳеч қачон унутишим мумкин эмас. Менинг қўлимдан бунақа иш келмайди! Ҳеч қачон мен уни сенга алмаштиришим мумкин эмас, мен сени севаман, азизим! Сен буни тушунишинг керак. Қандай қилиб киши севгисини, агар у чиндан ҳам севса, алмаштириши мумкин!»

Ҳар куни эрта билан Барчин мактабга борар, дарсини бериб, уйга қайтиб келарди. Арслондан хат келмаётгани негадир кўнглини ғаш қиларди. Опаси, адаси билан ҳам мундоқ очилиб гаплашмас, мактабдаги ўқитувчилар билан илгаригидек ёниб, чақнаб суҳбатлашмасди. Қандайдир бир сўниқлик уни чулғаб олган эди.

Бу нима?

Соғинишми? Ҳа, соғиниш.

Бир ойдан буён ўша севикли йигитдан хат йўқ. Мингта Эркини унинг тирноғига ҳам алишмайди!

Ваъзида мактаб коридорида у Эркин билан рўпара келиб қолар; ўша гапдан сўнг улар қизаришиб, билинар-билинемас бош ирғаб ўтиб кетишарди. Педсоветда ҳам у рўпарасида ўтирган Барчинга тикилиб қаролмай, гаплари гапига қовушмай, тутилиб қолар, бу ҳолатни Барчиной жуда яхши сезиб турарди.

Тоқати тоқ бўлган Эркин кунлардан бир кун ўзининг «ноқулай гап» айтиб юборгани ва умуман «бу ўзи қанақа қиз» — қўйнига қўл солиб кўриш мақсадида нимаики ўйлаган бўлса — жуда жиддийлигини, рози бўлса жон-жон деб уйланишини, уни яхши кўриб қолганини синглисидан айтиб, Барчинойнинг фикрини билиб беришини илтимос қилди. Дилбарнинг аввал

жаҳли чиқди. «Ака, жим юринг, Барчин сиз ўйлаган қизлардан эмас!» демоқчи бўлди. Лекин унинг юрак тепиши ишрату ҳавасдан узоқ, у ҳақиқатан Барчинни яхши кўриб қолганини, кўз ёш қилиб гапирганини билиб, қатъий ваъда бермади-ю, вақти-соати билан гаплашажагини, унга мутлақо шилқимлик қилмаслиги кераклигини уқтирди. «Агар ман шу қизга уйланмасам, шундоқ якка ўтиб кетаман!» — деди Эркин онаси билан синглисига. — Нима, менинг бошқалардан нима камчилигим бор! Мен фақат райком секретарининг ўғли эмасман. Менинг камчилигим шу. Барчиндек ақлли қизлар бунақа томонига қарамайди. Энг муҳими, мен — инсонман».

Акасининг жигар-бағридан ургани, шу туфайли директорлик ишлари ҳам бўшашиб кетгани Дилбарни ўйлатиб қўйди. У акасининг арзини етказиш, унга ёрдам беришга бел боғлади. Кунлардан бир кун Барчин билан гаплашди. Дилбарнинг нима демоқчи бўлаётганини Барчиной жуда яхши пайқаб турарди. У ўз дугонасига қўполлик қилгиси келмади. У мулойимлик билан деди:

— Уртоқжон.. ҳозир уруш вақти... Акамлар фронтда, адамлар кексалигига, соғлигига қарамай, ишлаб юрибдилар, на уйқуларида ҳаловат бор, на...

— Тушунаман...

— Бизнинг ҳамма қариндош-уруғларимиз Тошкентда қолган, шундоқ эшикни ёпиб келаверганмиз. Шунақа вақтда тўй ҳақида ўйлашимиз тўғри эмас. Ёлғиз қадрдон акам фронтда... Сиз буни яхши тушунасиз.

Бу гапдан сўнг Дилбар индаёлмай қолди. У дарҳол суҳбатни бошқа томонга буриб юборди.

Бир ҳафтадан кейин қаттиқ совуқ бошланиб, унчамунча эриб турган қору яхмалаклар ҳам тошдек қотиб, чирсиллаган қиш бошланди. Одамларнинг айтишича, қишнинг бундоқ қаттиқ келиши Шаҳрисабзда кўпдан бери бўлмаган экан. Бу томонда юмшоқ намгарчилик бўлиб, қиш одатда ланж ўтарди. Баъзи кексалар, қудратингдан ўргилай, қиш ҳам шунақа қаҳрига оладими, деб табиатнинг бу ғазабидан ранжишарди. Чорва қийнала бошлади. Ҳумоюн Саидбеков олдида фақат эвакуация қилинган оилаларга ғамхўрлик қилиш билан бирга армияга озиқ-овқат, гўшт ет-

казиб бериш масаласи ҳам рўзномага биринчи масала қилиб қўйилди. Келаси йилдан чорвага эътибор, мол туёғини кўпайтириш, ем-хашак кўпайтириш ҳақидаги Ўзбекистон Марказий Комитетининг қарори ҳамма газеталарда эълон қилинди. Райкомда чорвадорлар масаласи мажлисга, бюрога қўйилиб, Ҳумоюн Саидбековнинг беҳаловат кунлари авжга минди.

Белоруссиядан эвакуация бўлиб, Шаҳрисабзга кўчиб келган бир оилани — Кампир буви билан уч неварани икки хоналик жойга кўчириб киргазиб, хурсанд бўлиб қайтган Саидбеков йўл-йўлакай уйига кириб ўтди.

Ҳамидахон ўпка қилди.

— Ишларингиз жуда ҳам кўпайиб кетди, адаси. Энди ёстиқ-тўшагингизни ҳам райкомга солиб бериб келмоқчиман. Сиз фақат райкому бюро, чорва-ю эвакуацияни биласиз.

Ҳамидахон энди ошни сузай деб турганда почтачи чол бирданига икки хат олиб кириб қолса бўладими? Уларнинг бири Маратдан, иккинчиси Арслондан эди. Хурсанд бўлиб кетган Саидбеков Дон-Кихотга ўхшаган ориқ-новча, шоп мўйловли почтальонни қўйиб юбормай, ошга таклиф қилди. Совуқ кунда сизнинг ишингиз ҳам машаққатли деб, ош олдидан бир стакан арақ ичирди. Саидбековнинг ўзи ҳам ичди. Райком секретари олдида уялиб, тортиниб турган почтальон ичиб олганидан сўнг, секретарни мақтаб, мана шунақа одамохун бўлиш керак, деб, ошдан еб, қайта-қайта ташаккур айтиб чиқиб кетди.

Озгина кайф қилган Саидбеков ўғлидан келган хатни ўқитиб эшитгач, анча вақтгача кайфи чоғ, қизи ва хотини билан гаплашиб ўтирди. Гап асосан географиядан чиқиб, Барчиной суҳбатни бошлади. Унинг айтишича, ўрта асрда энг катта сайёҳ, жаҳонни айланиб чиққан фақат испаниялик ва португалияликлар Христофор Колумб билан Америго Веспуччи бўлган экан... Ҳумоюн Саидбеков Колумб йўлини ва унинг Американи очганини буюк иш, деб тан олди. Аммо, баъзи маълумотларга қараганда айниқса, академик Бартольд ва Якубовскийларнинг маълум қилишича, Америка қитъаси борлиги «баҳри муҳит нарёғида замин» борлиги ҳақида Колумбдан илгари Абу Райҳон Беруний, кейинчалик Мирзо Улуғбек ва бошқа

Самарқанд олимлари ёзгани маълум, деди. Иккинчи бир гапни айтишим керакки, Ғарбий Европа буржуа олимлари Осиё жаҳонгашталари астроном ва тиб илми кишилари ҳақида атай маълумот бермай, сукут сақлайдилар. Беруний, Ибн Сино ва Форобий даҳоси бу сукут қатламининг орасида анча вақт ётиб охир ёриб чиқди. Асосан Совет давримизда уларнинг муборак номи яна ҳам жаранглади. Сен Ибн Батутта деган шарқ сайёҳи ҳақида нима биласан? Ҳеч нима! Шундоқми?

— Ҳа, у ким?

— Олий математикадаги «логорифма» Ал-Фарғонийдан олинганини ҳам, «Зижжи Курагоний», яъни Мирзо Улуғбекнинг астрономик жадвали ҳақида ҳам билмайсан. Ҳали бу Жадвал тузилиб, фалакиёт ўрганилаётганида на Ньютон, на Коперник, на Галилей бор эди. Худди шунга ўхшаш ибн Батутта ўз кемаси билан Урта Ер денгизидан Қибрис орқали ундан Қизил денгизга, Ҳинд океани орқали Цейлон, Чаттагон, Малакка (Индонезия) Зайтун ва Пекинга боргани, қуруқлик билан Африкадаги Саҳройи Кабирни кезиб, Искандария орқали Ҳалаб ва Мўғулдан ўтиб Астрахань орқали Олтин Урдага боргани, Урганч, Хива, Бухоро, Самарқанд, Фарғонада бўлгани, кейин Қобул орқали Деҳлига келгани, жуда қимматли маълумотлар берувчи китоб ёзгани дунёга маълум-ку! Нега буюк сайёҳ ибн Батутта ҳақида сенинг китобларинг чурқ эрмайди?! Қани, менга айт-чи?!

— Билмадим, ада.

— Ҳа, мана буларни билиб қўй! Буржуазия, мустамлакачилар, деса кўз олдинга йиртқич одамлар келади. Бу, албатта тўғри. Мана, йиртқич фашистлар бизни қул қилмоқчи, улар бизнинг халқимиз, давлатимиз, озод ҳаёту одил сиёсатимизни оёқ ости қилмоқчи. Ниятига етолмайди! Локин буржуа мустамлакачилари фақат одам ўлдириб, юртни босиб олиш эмас, бизнинг неча минг йиллик маданиятимизни, саркардаю олимларимиз номини ҳам, анъаналаримизни ҳам йўқотиб, фақат Ғарбий Европа маданиятини ўргатиб, уларнинг олимларини ўқитиб, машҳур қилишмоқчи. Сен мактаб болаларига, буюк астрономлар ким деб савол бергин, албатта Ньютон, Галилей, Коперник... дейди, аммо Мирзо Улуғбек демайди. Чунки унинг

ҳақида астрономия китобларида гап йўқ. Ибн Батутта ҳам худди шундай. Забитлар, айниқса, оқ танлилар ўзларининг қонхўр ва жаллодликларини ниқоблаш мақсадида босиб олинган мамлакат халқларини, аввал қолоқликда айблайдилар, ундан кейин улар ичида одамхўрлар бўлганини ҳикоя қиладилар. Шу тариқа ўз зулмларини яшириб, қилган ваҳшийликларини хаспўшлайдилар... Инклар, аборигенлар билан муносабат худди шундай бўлган. Тиб илми ва тиббиёт, деймиз. Табиб ва табобат, деймиз. Минг йиллар мобайнида табобат кишиларни даволаган. Шарқда бу фанинги Ибн Синодек буюк намояндлари кўп бўлган. Табиб деган сўз ҳозир баъзи ўртоқларнинг ёзишича бир ёмон нарсага, жаҳолатга ўхшаб қоляпти. Тўғри, ҳозирги буюк медицина фани олдида у табобат жуда примитив ҳисобланарди. Лекин ҳозир ҳам икки хил табиблар бор, бири — халқ медицинасига алоқадор, доривор гиёҳларни яхши биладиган, бошидан кўп дардларни ўтказиб, тажрибаси ошган одамлар, иккинчиси эса пул ишлаш мақсадида кишиларни алдайдиган, куф-суф қиладиган шахслар. Буни ажратиб олишимиз керак, қизим!

...Узоқ суҳбатдан сўнг, Ҳумоюн Саидбеков ҳовлига чиқиб, тахланган саржинлардан бир қучоқ олиб келиб, уч палённи печкага тикди. Ҳаво бугун кечаси жуда совуқ бўлишини айтиб, ётиб ухлашди.

Эрта билан одатдагидек Ҳумоюн Саидбеков барвақт ўрнидан туриб, ювиниб, янги кийимларини кийиб, нонушта қилишга ўтирди. Негадир юраги бир оз санчаётганини айтиб, валидол шимди. Бугун райком бюроси борлиги, қабул, бирмунча кўрилиши керак бўлган зарур масалалар борлигини Ҳамидaxonга гапирди. Шундан сўнг бир пиёла чой ичиб, райкомга жўнаб кетди.

Соат ўнда бюро бошланди. Қабулдан ташқари бир неча жиддий масалалар ҳам кўрилди. Пахта заводи қурилиши ва бу ҳақда доклад қилган қурилиш трести бошлиғининг сўзи мунозарага сабаб бўлди. Савол, жавоблардан ташқари, муҳокама охирида Ҳумоюн Саидбеков ярим соатча сўзлади.

Бюродан сўнг, у райком буфетида овқатланиб, пахта заводи қурилиши бошлиқлари билан машинага ўтириб, ўша объектга кетди.

Қора совуқ.

Қулоқларни чимчилаб изғирин шамол эсарди. Уч қаватли каттагина корпус. Беш-олтита дурадгор усталар дераза кесакиларини ўрнатарди. Қорилган цемент ичида белкураги билан қотиб ётарди. Қоғоз қопдаги цемент ва алебастрлар очиқда қолибди. Баъзи қурилиш материаллари синиб, сочилиб ётарди. Саидбеков ҳаммасини кўздан кечирди. Ундан сўнг, қотиб ётган цемент ичидан белкуракни тортиб оламан деб унналиб, ололмади. Метин бўлиб қотган эди. «Хилководан яна эллик тонна цемент келяпти. Уни ҳам қор тагида қолдириб, қотирсангиз керак!» деди қурилиш бошлиғига заҳарханда билан. Шу пайт ичкарида — конторада домино ўйнаб ўтирган уч-тўрт қурувчи ташқарига чиқиб, қўлларига куҳлаб, ерда сочилиб ётган белкуракларни олиша бошлади. Саидбеков пальтоси енгларини шимариб, ердан бир белкуракни олди-да, ғайратига чидамай, ишчиларга қўшилишиб, янгидан цемент қоришга киришди.

— Сиз қўяверинг, ўртоқ Саидбеков,— деди ишчилардан бири райком секретарининг астойдил ишга тушиб кетганидан хижолат бўлиб,— ўзимиз тезлаштириб юборамиз.

— Зарари йўқ. Бир оз ишлаб кўрай,— деди Саидбеков дам кулимсираб, дам тажанг бўлиб,— ахир биз ҳам ишчидан чиққанмиз. Очиқ ҳавода ишлаш қандай яхши.

Саидбековнинг ишга тушиб кетганини кўрган қурилиш бошлиғи ҳам енгларини шимариб, цемент қоришга киришиб кетди. Бир муддатдан сўнг Саидбековнинг ранги ўчиб, белкуракни ерга қўйди. Беҳол бўлиб, кўзлари қоронғилашаётганини ҳеч кимга сездирмай, ўнг қўли билан юрагини чангаллаганча, қурилиш контораси томон юра бошлади. У маст одамдай гандираклаб, остонага етиб, ерга йиқилди. Қурилиш бошлиғи ва бу ердаги одамлар югурганча бориб райком секретарини кўтариб олиб, ичкаридаги диванга олиб кириб ётқизишди. Шу лаҳзанинг ўзида, то докторга хабар қиламиз дегунчаёқ, Ҳумоюн Саидбековнинг юраги урушдан тўхтади.

Соат бешларга яқин ранги девор бўлиб оқариб кетган райкомкомсомол секретари Дилбар Раззоқова Барчинларникига югуриб, Ҳамида опага, «Ҳумоюн

аканинг кўнгиллари беҳузур» бўлаётганини айтди. У дағ-дағ титраб, бу гапни аранг айтди. «Доктор чақиришибди, лекин ўзларига келмаётган эмишлар», деган сўзни ҳам қўшиб қўйди. Капалаги учиб кетган Ҳамидахон Дилбар билан олдинма-кейин пахта заводи қурилаётган жойга боришди. Улар етиб келишганида Ҳумоюн Саидбеков диванда чўзилиб ётарди. Унинг тепасида врачлар турар, контора атрофи тумонат одамга тўлиб кетган эди.

Кўп ўтмай мактабдан Барчин ҳам югуриб келди. Унинг кўзлари ола-кула бўлиб, аграйиб қолди. У нима бўлаётганига тушунмас эди.

Иигирма учинчи боб

НИҚОБЛИ ИБЛИС

Эрта билан, қуюв цехига кираверишда, Шавкат Нурғалиев ва Арслонлар тўпланишиб, бир муддат гаплашиб қолишди:

— Сен энди залившик бўлиб ишлайсан. Цех начальнигининг топшириғи шулай,— деди омонлашишни ҳам унутиб. У баъзида шундай ҳовлиқиб гапирарди. Унинг характери шунақа. Лекин кўнгли ниҳоятда беғубор киши.

— Хўп.

— Чекарга борми?

— Бор,— Арслон папиросни пачкаси билан узатди.

— Заказ катта, ҳозир снаряд, мина ясаёпмиз... Сени ҳам, мени ҳам бронладилар. Сен энди айбат ишлайсан.

— Фронтга кетсам яхши бўларди, ўзим военкоматга добровольний борган эдим, Шавкат ака.

— Ну инде тилга-да одам керак. Танкни, минани биз ясаб бермасак сўғишолмайдилар. Это же ясно!

Арслон, Нишон аканинг тили билан айтганда, шалтай-балтай қилиб ўтирмай, қиз болага ўхшаб оҳангжамасиз, наридан бери ечинди-ю, гуриллаб ёниб турган вагранка ёнидаги катта чўмичларни ишга солди. Терлаб-пишиб, тепадаги рельсларга осифлиқ металл идишларни ғилдиратиб бориб, эриган, учқунлар сочиб турган чўянни қелипларга жилдиратиб қуярди. Арс-

лоннинг назарида Нурғалиев, Матвеевларнинг кўнглига, бу йигит урушга бормай қолгани учун хурсанд бўлиб, берилиб ишлапти, деган хаёл келаётгандай эди. Лекин у илгари ҳам шундай ишлаган — тезкор, қараб туришга сабри чидамайдиган, ҳозир қилиши керак бўлган ишни бир лаҳза ҳам кейинга судрамаслиги Нурғалиевга маълум-ку. У овқатни ҳам тез-тез ерди. Бир кун шу Нурғалиев: «Вот и кров! Атийинга жуда ухшайсин...» деган эди. Арслоннинг жисмида бир қайнаш, тиниб-тинчимаслик мавжудлиги цехдагиларга аллақачон маълум бўлган. Авваламбор қуюв цехига ҳамма киравермайди — бундаги дуд ва оловга, тарақ-туруқ, иссиқликка ҳамма ҳам тоқат қилавермайди. Бунда ишлайдиганлар уч кундаёқ бир-бирларининг қанақаликларини — «қалайми, пўлатми», тезда пайқаб олишарди. Арслон ишни соғиниб қолган эканми, ёки кўпдан узилиб қолганининг ҳиссасини чиқариш мақсадидами, берилиб ишлай берди. Матвеев ҳам, Нурғалиев ҳам: қани, қаергача бораркансан, дегандек қўйиб беришди.

Овқатланиш вақтида Арслон Нишон аканинг ёнига кирди. Нишон ака узоқдан Арслонни жомакорида кўриб таажжубланди.

— Ҳа? — у цех шовқинида қўл беришиб саломлашиб, унга мурожаат этди. «Бу бир «ҳа?» да анча маъно бор эди. — Нима гап? Ишлар қалай? Ҳарбийга жўнаган эдинг-ку?

— Қолдиришди.

— Касалинг бор эканми? — деди ўйлаб туриб Нишон ака. У Арслонга бошқачароқ қаради. — Менинг икки жияним кетди, бирининг ҳақиқатан ҳам юраги касал эди... (Арслонни «юраги касал бўлганлиги сабабли қолдиришибди» деган гап шу куниеқ Мадина холадан Рузвон холага етиб келган эди. Нишон ака бу гапни кечаёқ эшитганини билди.) — Уни ҳам олиб кетишди. Ҳозир Пенза шаҳрида эмиш. Хат келди. Минометни ўрганаётган эмиш...

— Мен бу ерга керак эканман.

— Бошқалар-чи? Бошқалар керак эмас эканми?

— Сиз унақа деб қараманг-да, Нишон ака, мен ўзим ихтиёрий бордим.

— Буни биламан.

— Бўлмаса, бояги сўзларингиз ортиқча!

— Ортиқча эмас! Қизил Махсум сенга «ёрдам бериб юрган эмиш»... Ҳумоюн домланинг қизига хуштор эмишсан... Бу гап ҳам Қизил Махсумдан чиқди.

— Бу менинг ишим! Менинг шахсий ишимга ҳеч ким аралашолмайди!

Арслон бу совуқ, зардали гапларни шартта айтди-ю, юзини ўгириб, цехдан чиқиб кетди. «Ҳой, тўхта!» деганига ҳам қулоқ солмади. У қайтиб қуюв цекига кириб, чўққайиб ўтириб аламидан бурқитиб-бурқитиб чекди. Смена тугагунча бир лаҳза тинмай терлаб ишлади. Ишдан кейин ҳеч кимга қарамай, тўппа-тўғри уйига келди-да, ётиб ухлади.

Ҳеч кимга қўшилмай, шундай ёлғиз ишга бориб келиб юрган қиш кунларининг бирида, эрта билан ҳовлига поччаси Қизил Махсум кириб келди. У, кеч-қурун Қораканикида ўтириш борлиги, бирга бўлишини таъкидлади. Аввалига поччасидан энсаси қотиб турган Арслон, хўп бораман, деди.

— Бу қори ака ҳадеб зиёфат бераверадилар, пулни қаёқдан оларкинлар. Одамлар болаларига нон топиб беролмай турганида кетма-кет зиёфатлар, таажжуб! Хўп бораман. Шундай қуюқ зиёфат бўлармиш-ку, бормайманми. Бораман, почча!

— Шундоқ бўсин, окўси. Одамови бўлиб, ёр-биродарлардан ажралиб қолмагин. Шундоғми, ойи? — Қизил Махсум Мадина холага қаради.

— Ҳа, албатта. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил, дейдилар. Боламга зовуттан брон беришибди. Уйингизга кетаверинг, заводда яхши ишланг, керак бўлса яна чақирамиз, депти. Мана, бир ойга яқинлашяпти, одамлардан уяламан, деб болам бояқишнинг ичига чироқ ёқса ёримайди.

— Э-э, тушундим, — деди Қизил Махсум мўйловини силаб.

Эчкининг қўлтиғига ўхшаб йилтираб кетган туксия бошига мош ранг духоба дўппи, бурни тагига тугмача мўйлов қўйган Мусоват Қорининг ғози учиб, бургути қўнди... Маҳалладаги ҳамма маъракаларда бош-қош, маҳалла комиссияси раиси қиладиган ишларни у қиларди. Комиссия раиси Сойиб таранг деган йигит ҳам ҳарбийга жўнаб кетган эди. Қори одамларига буйруқ берар, уй қидирганларга дарҳол ижарага уй топиб бериб, ширинкомасини олар эди. Азада ҳам у, ҳовли

сотилса ҳам у, Одесса, Бердичев, Житомирлардан эвакуация бўлиб келган машиначи, совунгар, сунъий зигир ёғ ясайдиганлар билан ҳам тил топишиб олиб, бозорга яқин ердан ҳовли-жой топиб беради. Маҳаллада бўладиган мажлисларда «сосиъолизм» сўзини кўпроқ ишлатиб, бу сўзни эски арабчадаги «ғайн» билан айтиб, қуръон ўқиганга ўхшатиб айтар, шу билан ўзини бирмунча қизил қилиб кўрсатар эди. Нишон акаларга қарата: «сен қиласан ўттиз, раббим қилар тўққиз...» дерди, яъни сенинг берилиб ишлашинг, гапингдаги Шўро ҳукуматининг ёнини олишинг «тўққизга тушиб қолади...» демоқчи бўларди. Ҳа, у ўзининг эпчиллиги, маъракаларда гўё одамларнинг «корига яраб» ғоз юриши, дам сурра чопон, дам янгича костюм кийиб — калтадумлиги, «закон»чилиги билан баъзиларини ўзига оғдариб олди. Ҳа, кўпчилик ичида унинг таъсири кучли эканини инкор этиб бўлмасди. Мусоват Қорининг эътибори кучли, ўзига етгунча айёр, устомон, пихи қайрилган киши эканлиги маҳаллага маълум. Қори шунчаки обрўталаб, кибор феълли одам эмас. У аслида жамоага ўтоғаси бўлиб, жонкуярлик қилиб юришидан бир гап борми, унинг мана шу томони жуда қизиқ эди. Айирмачилик қилиши, «қилиқлари» — уруш вақти шароитида, айниқса, хавфли экани Нишон акаларга маълум эди. Мусоват Қори уруш бошланганидан кейин яна қилиқ чиқарди: одамлар йиғилган жойда, жанозада ёки «йигирма»да, бир-бирига жавоб қайтариш мумкин бўлмаган нозик жойларда ёмон кўрган одамларидан ўч оларди. Бўй бермас, ўжар, ҳеч нимадан қўрқмайдиган, бирон тили қисқа ери йўқ Нишон ака Мусоват Қорининг асосий кушандаси. Уни илгари иғвогар деб кўпчилик ўртасида эътиборини тушириб, яккалатмоқчи бўлди. Шу йўл билан тавбасига таянтриб, ўзига бош эгишни, унинг обрўсига халақит бермаслигини кўзлади. «Мен, сенга ўхшаб «Шўройи ислом»нинг сакиллаган кўпшакларидан эмасман, ҳе-э-э, ўша сассиқ оғзингга... номард Қори! Қорилар ё сартарош бўлади, ё ҳезалак бўлади! Ичак-чавоғингни бошингга салла қилиб қўяман. Ҳе-э, ўша...» деганидан сўнг Мусоват Қори жим бўлиб кетди. Баъзиларнинг айтишича, ўша кезлари Нишон ака дандонсоп пичоқ осиб юрар экан...

Бу ҳам етмагандек, кейинги пайтларда у юзма-

юз гаплашолмас эди-ю, орқаваротдан сасиб, «ўзбекнинг айниган хили» эканлигида айбларди. «Олтинчи бармоғи» борлардан экан — кавлаштиролмаи тура олмасмиш. «Олтинчи бармоқ» ли иғвогар, дерди Мусоват Қори орқаваротдан Нишон акани.

Арслон заводдан қайтиб келгач, уйда бир оз бўлди-да, кечга яқин Мусоват Қориникига чиқди. Йўл-йўлакай пастқамгина пахса девордан чимкентлик Бойматнинг ҳовли юзида баланд-паст супургилар ўсиб, ёввойи мушуклар макони бўлиб қолган ҳовлисига кўз ташлади. Босиб қолай деяётган айвон ичида, увода-латталарга ўралиб жамалаксоч Субҳия ҳам кўзларига кўриниб кетди. Бечора қизалоқ дунёга келиб, ҳеч нарсани кўрмади. Қўкалдош мадрасаси гумбазидаги уяга келиб қўнадиган оқ лайлак келганида эшикдан кириб келадиган Боймат ака ҳозир қаҳратон совуқда, Смоленск шаҳри атрофида Ватан учун, шу гўзал қиз Субҳия учун... жанг қилаяпти.

Субҳия Арслоннинг кўз олдидан ҳеч кетмасди. У Мусоват Қори остонасидан ўтиб, ичкарига кириши билан ўша Субҳияни қопган ит акиллади. Ошхонадан чиқиб келаётган Отамулла Арслон билан омонлашиб, меҳмонхонага олиб кирди. Катта хонтахта атрофида поччаси, Мусоват Қори, устида гимнастёрка, белида энлик камар Баёт бола ҳам ўтирарди. У хонага кириши билан Мусоват Қори атай ўрнидан туриб, келинг-келинг, деб қолди.

— Арслонжон, иним бўлади,— деди Мусоват Қори.

Арслон ўтирганларнинг ҳаммаси билан қўл беришиб кўришиб чиқди. Пастроққа, Мусоват Қори ёнига ўтиргач «ўтирган ўрнимиз йўқолмасин, облоҳу акбар!» деб юзларига фотиҳа тортишди.

— Қани, дастурхонга қаранглар,— Мусоват Қори қўли билан ишора қилди. Чой узатди.

Бир муддат ўртага сукут чўкди. Баёт бола қизиқ бир воқеани хикоя қилаётган бўлса керак, Арслон кириб келиши билан тўхтади. Шу тўхтаганича кўпроқ ёнғоқ мағзидан оғзига ташлаб, хандон пистани тирноғи билан очиб, битталаб еб ўтирди.

— Бугун ҳаво анча совуқ,— деди иссиқ хонага киргач Арслон қўлларини бир-бирига ишқалаб.

— Қиш ҳам ғанимат,— деди Мусоват Қори,— қалай, у томонларда қиш жуда қаттиқ бўлса керак-а?

— Қор қалин бўлади,— деди Баёт,— ўрта осиеликлар Русия қишига ҳеч қачон бардош бера олмас эканлар. Қиш жуда узун... Иссиқ иқлимдан борганлар кўникишолмайди.

— Муллажон, иним Арслонжон ҳам фронтга кетаётган жойида қолди. Заводи брон бериб, олиб қолибди. Яхши иш бўлибди. Майли-дэ, жон сақлаб қолиш керак. Бекордан бекорга немис ўқига учиш керакми! Заводда иш тузукми?

— Ҳа.

— Дастурхонга қара. Олиб ўтир.

— Оляпман.

— Баётхон бизнинг қадрдонимиз,— деди Мусоват Қори Арслонга,— мухтарам оталари эски муаллимлардан. Зиёли... Биз у киши билан кўпдан қадрдонимиз. Укам — Баётхон, ошнамизнинг ёлғиз ўғиллари.

— Қори ака, мен энди зиёфатма-зиёфат юравермайман. Мен ишга кирдим,— деди Баёт тўсатдан сўз очиб.

— Яхши-да, укажон. Локин сиз ўлим чангалидан қутулиб келдингиз, беш-олти кун ўйнаб олсангиз яхши бўларди. Ҳаққингиз бор. Иш топилади, иш жуда кўп.

— Сизларнинг заводингизга кирдим.— Баёт Арслонга ялт этиб қаради.

— Яхши бўлибди-да. Бирга ишлаймиз.

— Сиз ким бўлиб ишлайсиз?

— Чўян қуювчи. Ота касбимиз. Эскичасига «дегрез», янгичасига «литейшик».

— Нима қуяётибсизлар?

Арслон андак безовта бўлиб у ёқ-бу ёғига қаради-да, сўнг деди:

— Мина, бомба...

— Қанақа, калибрлик?

— Ҳамма калибридан бор.

Баёт кулди. Арслоннинг қўрқа-писа гапиргани унга ёқди. У бир оз ўзини эркин тута бошлади. Арслон атайи қўрқа-писа бу «сир»ни айтган эди. Аслида бу ҳеч кимга сир эмас, деярли ҳамма заводлар қуроляроғ ясарди. Буни уч яшар бола ҳам биларди.

— «Катюша» снаряди ҳам сизларда ясаладими?

— Унисини билмадим.

— Ҳа, майли,— деди Баёт пиёладаги чойдан ҳўп-

лаб,— Қорака, мен қаерга ишга кирганимни биласизми?

— Йўқ. Лекин заводга деяпсиз. Агар хоҳласангиз, мен сизни озиқ-овқат ёки нон дўконига киритиб қўярдим. Бу, қўлимдан келади. Танишларим кўп. Нон дўкони энг ёғлиқ жой...

— Завод яхши. Пул кўп тўланармиш, таъминоти ҳам яхши эмиш. Лекин мен «Ташсельмаш»га, Арслонжон ишлаётган заводга кирдим. Бунда ўзбек биродарларим кўп... Қоракам айтганларидек сал «ёғлироқ» жойда — клубда ишлайман. Инвалид одамга қуюв цеҳида ишлаш қийин. Доимо ёнингизга кириб тураман, Арслонжон.

Қизил Махсум билан Мусоват Қорига бу гаплар негадир унча ёқинқирамаса ҳам, «яхши деб туришарди.

Шу куни ярим тунгача улфати чор суҳбатлашиб ўтиришди. Суҳбат асосан, меҳмоннинг ҳар хил саволлари, суриштиришларидан иборат бўлди. У, «Ташсельмаш» заводида асосан снаряд ва миналар тайёрланаётганини билиб олди. Баётжон гўё фронтдалигида Германияда «Туркистон ҳукумати» тузилганлиги, бундан ташқари «Туркистон легиони» номли қўшин ташкил этилгани, бу ҳукуматнинг раиси Мустафо Чўқаев, муовини Валихон Қаюмжон эканини эшитганини гапирди. Урушдаги баъзи бир асир тушган ўрта осиеликлар Германия томонга ўтиб, «Туркистон легиони»га кирганини ҳам айтди. Буларнинг ҳаммасини у бир ошнасидан эшитган эмиш. Мусоват Қори Баётга жон қулогини тутиб турарди. Баёт бўлса авжга миниб шақилларди.

Уйқулари келиб қолган улфатлар ярим тунда уйларига тарқалишди.

Орадан икки кун ўтгач, Баёт эрта билан бир коса қаймоқ кўтариб, Мусоват Қориникига келди.

— Қори ака, мана шу қаймоқ сизсиз ўтмади.

— Э, марҳамат, укажон!— деб у меҳмонхонага олиб келиб, кўрпача ташлади, хонтахтани олиб келиб, ўртага қўйди. Устига дастурхон ёзди.

— Сиз билан ёлғиз гаплашадиган гапим бор,— деди Баёт.

— Марҳамат. Аввал ўғлимга айтай, чой олиб кирсин.

— Ўғилни безовта қилманг, ўзингиз олиб кела қолинг.

— Хўп бўлади.

Мусоват Қори ҳалпиллаб бориб, самоварга олов ташлаб юборди. Қизи Пистахонга қайнаган заҳоти, дада, деб қўйишни тайинлади. У яна зингиллаганча қайтиб меҳмонхонага кирди.

— Гап шундай, Қори ака,— деди паст овозда хонтахтага тирсагини қўйиб, чўкка тушиб ўтирган Баёт бола,— темирни қизиғида уриш керак. Германияда Туркистон ҳукумати тузилганлигини ишончли одамларга, мусулмонларга маълум қилиш керак. Туркистон — Ислоом давлати тузиш учун у ҳукумат қаттиқ курашаётганини айтиш керак. Эҳтиёт бўлиб, бировдан эшитдим, деб гапириш керак. Бунинг катта аҳамияти бор, одам тайёргарлигини кўра берсин. Сиз маҳалланинг оқсоқолисиз. Бошқа маҳаллага ҳам бу гапни етказиш керак.

— Хўп бўлади.

— Сиз жуда эътиборли кишисиз. Сизнинг гапингизга ҳамма қулоқ солади.

— Раҳмат, укажон. Мен маҳалла комиссиясининг раиси ўрнидаман.

— Буни биламан, Қоракажон.

— Янги ҳукумат келганида, менга маҳалла комитетининг раиси, деб қарамасмикан?

— Йўқ! Аксинча бу жуда муҳим. Сиз бўлғуси янги ҳукуматнинг энг эътиборли кишиларидан бирисиз.

— Йўғ-э. О-мин! Фаришталар омин десин!

— Темирни қизиғида уриш керак, Қори ака! Ҳозир жуда қулай пайт, Совет ҳукумати ўзи билан ўзи овора — ҳамманинг диққати узоқдаги фронтда. Ҳозир ичдан туриб ҳаракат қилиб қолиш керак!

— Ҳаракат қиламиз, жим ётмаймиз, албатта.

— Яқинда бир йигит келади, у ҳам фронтда бўлган, асирда ҳам бўлган... Ижарага уй топиб берасиз, хўпми?

— Хўп.

— Ўзи паст бўйли, кулча юз. Фамилияси — Дадашев, ҳозир янги шаҳар томонда фотографик қилиб юрибди. Бир ой, ярим ойдан кейин ишга кириб кетади.

— Хўп бўлади.

— Анави йигитингиз қалай?

- Арслонми?
— Ҳа.
— Ўғлим Отамуллани қандай кўрсангиз уни ҳам шундай кўраверинг. Махсумхон унинг биттагина поч-часи.
— Хайр, Қори ака,— Баёт бола чойни ҳўплаб ўр-нидан турди.
— Ўтирибмиз-да?
— Раҳмат! Худо хоҳласа бизникида ҳам ўтири-шамиз. Хайр!— У кўп мулозамат қилмай, даркор бўлмайдиган қўлтиқтаёғини олиб тезда чиқиб кетди.

Йигирма тўртинчи боб

Қ А С О С

Шаҳрисабз райкомининг биринчи секретари Саидбековнинг тўсатдан вафот этганлиги ҳақидаги хабар шу куни бир соатдан кейин Тошкентга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига етиб келди. Эрта билан Марказий Комитет бўлим мудирларидан бири Шаҳрисабзга учиб кетди. Ҳамида опанинг илтимосига кўра, тезда фронтга — ўғли Марат Саидбековга хабар қилиш йўлини излашди. Шу куни Тошкентдан Марказий Комитет секретари Москвага телефон қилиб, капитан Саидбеков жанг қилаётган Белоруссия fronti штабига телефонограмма берилди.

Эртасига «Қизил Ўзбекистон» газетасида Ҳумоюн Саидбековнинг кичик фотосурати билан некролог эълон қилинди...

Энди гапни капитан Марат Саидбековдан эшита-сиз: қаттиқ жанглардан кейин капитан Саидбеков қисми Мосальск пунктини ташлаб чиқиб, Угра дарёси яқинида янги истеҳком тузди. Немислар Починок, Ельня, Спас-Деменскдаги кучли, моторлаштирилган қисмларини Мосальск шаҳарчаси атрофида тўплаётгани маълум бўлди. Капитан Саидбеков командирлик қилаётган артиллерия қисми Угра дарёсидан ўн кило-метрча, ғарбий шимолга мустаҳкам истеҳком қуриб, кучларни тўплашаётган бир пайтда, дивизия штабидан келган бир офицер лойга беланиб, тўпларни ўрнатаётган солдатлар ичида турган Саидбековни топиб, одам-лардан четроққа чақирди.

Эрталабки изгирик юзларни чимчиларди. Ҳамма ёқда оппоқ қор...

— Капитан! Сизга нохуш хабар олиб келдим. Уй-лайманки, сиз билан биз матонатли кишилармиз. Бардам бўлинг!

— Нима гап?!— Марат ҳайрон бўлиб, штабдан келган офицерга қаради.

— Отангиз қазо қилганлар. Тошкентдан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан телефонограмма олинган,— у бир варақ қоғозни Маратга узатди. Марат қоғозни қўлига олиб, унга кўз югуртирди:

«Капитан Марат Саидбековга. 10 декабрда отангиз, Шаҳрисабз райкомининг биринчи секретари ўртоқ Ҳумоюн Саидбеков, тўсатдан вафот этди. Ўртоқ Саидбеков мамлакат ичкараси — меҳнат фронтининг жанговар командирларидан бири эди. Оғир жудолик ва мусибат юрагимизга чанг солди. Унинг ёрқин хотираси ҳамма вақт юрагимизда сақланади. Юсупов».

Марат телефонограммани ушлаганча қотиб қолди. Бир лаҳзадан сўнг штаб офицери уни қўлтиқлаб блиндажга олиб тушди. Бу ерда у миқ этмай ўтира берди.

Бу, унинг ҳаётида юрагига тушган энг катта зарба эди. У ҳеч қачон бунчалик алам чекмаган эди. Ташвиш тушганида гапдан қоладиган Марат, бу сафар тамоман соқов бўлиб, бир нуқтага тикилганча ўтириб қолди.

Штабдан келган офицер Маратни бир муддат холи қўйиб, телефонограммани олиб, юқорига чиқди. Политрук старший лейтенантни ўз ёнига чақириб, унга дивизия командири, генерал-майор номидан топшириқ берди. Бир лаҳза у билан гаплашиб, телефонограммани унга бериб, ўзи яна блиндажга тушди. Бир нуқтага тикилиб, қотиб ўтирган капитан Марат Саидбековга қаради.

— Капитан! Азизим, хайр! Мен штабга кетишим керак. Генералнинг менга айтиб юборган таъзиясини, сизга ҳамдard эканини ҳам айтиб қўйишим керак.

— Хайр,— деди Марат ўрнидан туриб.

— Мен политрукка генералнинг буйруғини айтдим,— деди у.— Хайр, азизим! Бошингизга жуда оғир мусибат тушди. Бу жудоликка чидамай иложимиз йўқ. Мен минскликман, бутун оила аъзоларимдан аж-

ралдим... Дўстим, қасос оламыз! Интиқом соати яқин!

Штабдан келган офицер Маратни ёлғиз қолдириб, ташқарига чиқди. У виллис машинасига ўтириб, жўнаб кетди. Уни политрук кузатиб қолди.

Тун. Изғирин. Чирсиллаган қиш...

Осмон юзида қорамтир булутлар сузиб келаётганини, баъзан у ер-бу ерда юлдузлар йилтираганини кўриб қолиш мумкин эди. Бутун олам музлаб қолгандай. Лекин кенг дала, дўнгликлар ёнидаги илон изи каби қазилган траншеяларда, артиллерия расчёти ёнида, блиндажларда қайноқ юраклар матонат билан тепиб турарди.

Тун бўйи, эртасига тонгдан то кун ўртасигача тўпчилар қисмида тайёргарлик кетди. Саидбеков қисмига қўшимча кучлар юборилди. Кечга яқин, бир неча соат мобайнида Мосальск яқинидаги немислар истеҳкоми тўпга тutilди. Тинимсиз гумбураш, момақалди роқдек дағдаға солиб отилаётган тўплар қаҳратон қиши саратонга айлантириб юборди. Тонг отарга яқин танклар, пиедалар Мосальск пункти томон юришди. Шаҳарча атрофида душманнинг қанчалаб автомашиналари, солдатлари, тўплари мажақланиб, кенг далада сочилиб ётарди. Қақшатқич зарбага бардош беролмаган немис-фашист қисмларининг қолган-қутгани шаҳарни ташлаб Спасс-Деменск, Дорогобуж томон чекинишди.

«Мен энди қасос оламан! Бизнинг жангимиз энди бошланади!» — деди ёнаётган душман истеҳкомларига тикилиб турган Марат Саидбеков.

УЧИНЧИ ҚИСМ

Йигирма бешинчи боб

ДЕГРЕЗЛАР ПИРИ—«ҲАЗРАТИ ДОВУД» ЭМАС, ҲАЗРАТИ ЗАВОД..

Баъзида Арслон ҳафталаб уйга келмас, мина корпусини, бир юз саксон километрли снаряд корпусини ҳам планда кўрсатилганидек юз саксон дона эмас, икки юзга етказиб қуюб берарди. Оёғида эскигина кир-ва этик, фақат биргина қорайиб кетган аввал ранги қанақалигини билиб бўлмайдиган майкасини шимига тикиб олиб, ярим яланғоч, ковшлардаги эриб турган чўянни қолипларга қуяр, яна ғилдиратиб бориб, учқун сочиб ловиллаётган вагранка ёнига борарди. Унинг тани ҳам тер ва қорақуя билан чўянга ўхшаб кетган. Қонига тортмай илож йўқ экан — эски дегрез ота-боларидек бармоқлари узун, кифтлари кенг, пайлари чандир; тарам-тарам бўлиб билиниб турарди. Семириш ҳам дегрезларга ёт эди — унинг қовурғалари чиқиб тургани билан тани-жони саломат эди. У, вагранка билан қатор қолиплар турган ерда тинимсиз у ёқдан-бу ёққа юрар, хушфёъл, баъзида бирдан: «Псих! Стувосмой!» деб сўкиниб қоладиган мастер Шавкат Нурғалиев билан ҳам гаплашишга вақти бўлмасди. Унинг сўкинишлари беғараз, шунчаки, ҳеч қачон бировнинг дилини огритмасди. Баъзан Барчиннинг «Вой-ей, жуда ишга берилиб, стахановчи бўлиб кетибсиз-ку!» деган овози ҳам қулоғига эшитилиб кетгандай бўларди. Душман устига тўп отаётган солдат йигитлар: — Қани, Арслонвой, тез бўлинг! Снаряддан узатинг! — деб тургандай, у тинмай қолипларга чўян қуярди, фронтдаги унга тикилиб турган тўп расчётини зориқтирмаслик, душманни тезроқ дабдала қилиш учун кўплаб мина ва снаряд яшаш лозим! Конвейерлар тинмай айланиб туриши керак! Гоҳо унинг кўз олдида «юк кўтарган эшак ҳам ҳурмат-

га сазовор, аммо шундоқ вақтда такасалтанг бўлиб юрган буроқларга минг лаънат!» дейдиган, тажанг Нишон ака ҳам пайдо бўларди. У, бир куни қўлини совуқ сувга урмайдиган, ақл ўргатадиган ҳаммаҳалласи Аббосхон Хўжахоновни «буроқ» деб атаган эди. Арслоннинг кўзига пурвиқор Аббосхон ҳам кўриниб кетди. Бу одам ошналарини: «Қани, бизникига келинглар», деб шунчаки тилининг учида чақирарди. Бирон марта тўртта ошнасини уйига чақириб, бир пиёла чой қуйиб берган эмас. «Тошкентча мулозамат» деган гапни ҳам мана шу одам ўз феълү атвори билан «кашф этган...» Шу одам сўзга чиқса, ўтирганлар унинг «гапи»ни тезроқ тугатгани учун чапак чалишарди... Терга ботиб, қолипларга эриган лава қуяётган «чўян одам» хаёлидан бу гаплар бир-бир ўтди. Шу кибор Хўжахонов дегрезларга тегизиб: «Улар жисмоний меҳнат қилиб, еб-ичиб ўлиб кетади. Улар маърифатдан узоқ» деганини ҳам эшитган. Аммо, қадимги дегрезлик маҳалласидан чиққан қанчалаб шоир ва олим кишиларни эслади. Иссиқ уйини ташлаб, Ватаним буйруғи деб Шаҳрисабзга кўчиб кетган коммунист Хумоюн Саидбековни эслади. Бу одам учун партияга садоқатдан юксак ҳеч нима йўқ, у бутун қалби-ю ҳаёти билан, эътиқоди билан юрт ишига берилган эди. Унинг сарбаст қомати, кўзойнаги орқасидаги ўйчан кўзлари ва ҳамма вақт бир илиқ табассум зоҳир бўлиб турадиган чеҳраси кўзларига кўриниб кетди. «Ҳа, ука, ишга қаттиқ киришибсиз, тўғри, хонаси шундоқ. Бўшашманг! Баракалла!» дегандай бўларди Саидбеков...

Улкан қуюв цехининг шов-шуви, дуд ва оташ ичида қора терга беланган «Чўян одам» тинмай ишлар эди, у чўяндан қуюлган бўлса ҳам сийнаси ичида қалби тепар, қалбида — садоқат. Шу зайлда кунлар, ҳафталар ўта берди...

Бир ҳафтадан кейин уйга келиб тунаган Арслон яна эрта билан заводга кетаётганида Ҳадрадаги трамвай айланадиган жойда Нишон ака билан учрашиб қолди. У совуққина саломлашиб ўзини трамвайга ураётган эди, Нишон ака елкасидан ушлади.

— Бу тиқилинч. Ҳали вақт бор.

Арслон қолди. У, Нишон аканинг бир зарур гапи борлигини сизди. Негадир унинг қоши билан мўйлови

лип-лип учиб турарди. Бу асабийликдан. Эҳтимол, у атай Арслонни кутиб тургандир, ҳар куни трамвайга минадиган жойи-ку!

Ҳа, шундай.

Нишон ака барвақт туриб, кўчага чиқди, бориб нос сотиб олди, битта-битта босиб Ҳадрага келди. Дарҳақиқат у бунда Арслонни кутиб турарди.

— Уша куни мендан ранжиб кетдинг. Шундоқми?

— Қачон?

— Мен сенинг «шахсий ишингга» аралашиб қолган эканман.

Шу лаҳза трамвай келиб қолиб, улар олдинма-кетин чиқишди. Арслон индамай тураверди. Нишон ака Арслоннинг асабига тегиб, яна мўйловларини учуриб гап бошлади. Унинг юрагида қандайдир бир даҳшатли гап борлигини Арслон пайқаб турарди. У очиқ айтолмаса-да, бўғилиб турарди. У шими чўнтагидан шишани олиб, тили тагига яна нос ташлади.

— Хафа бўпсиз-да?

— Нимага хафа бўламан, Нишон ака. Сиз мени хафа қилганингиз йўқ.

— Мен сизни хафа қилганман! Мана, яна хафа қиламан! Сиз анави Қорининг зиёфатларида бўлармишсиз?!— Атай «сиз»ларди Нишон ака.

— Буни ҳам поччам айтдимиз?

— Йўқ, буни менга одамлар айтди.

— Зиёфатда бўлиш гуноҳми?

— Мусоват Қори одамларга «Гирмон яқинда бу ёққа келади, тайёргарлигинларни кўраверинглар», деб юрган эмиш. «Туркистон ҳукумати тузилди, ҳукумат бошлиғи ўзимизнинг пичоқчилик маҳалласидан чиққан Валихон билан Мустафохон дермиш...» Бу гаплардан хабарингиз борми, жиян?!

— Йўқ.

— Наҳотки Қори бу гапларни сизга айтмадийкан?

— Нима демоқчисиз, Нишон ака?

— Сен бунақа имони бўш, Гетлирга оқ байроқ кўтариб чиқмоқчи бўлганларнинг базмини обод қилиб, яна заводда ишлайсанми?! Бозорга ҳам йўрғаладинг!.. Биз ҳозир плуг эмас, қурол ясаёмиз... Бир оёгинг уларникида, бир оёгинг бизларникида бўлмайди!!!

— Унчалик эмас.

— Шунақами?!— Нишон ака тили тагидаги носни

жаҳл билан трамвайда пуркаб ташлаб, Арслонни ёлғиз қолдириб олдинга ўтиб кетди.

Арслон турган жойида мулзам бўлиб қолди. Улар Нишон ака билан «ғижиллашиб» турганини ёнидаги одамлар ҳам сезишган эди-ю, гапнинг мазмунини билишмасди. У қўли билан тепадаги арғамчини ушлаганича қотиб қолди. Юраги орқасига тортиб, ранги ўчди. Нишон ака — отаси ўрнида ота бўлиб турган одам эди. Арслоннинг юрагини алам тимдаларди... Айтай деса тили, айтмай деса дили куяди.

* * *

Арслонларнинг айланма тор кўчаларидан фронтга кетган йигитларнинг иккитасига қорахат келди. Мас-тура деган хотин уввос солиб йиғлаб, ҳарбий комиссариатга чиқди. У ердагилар қорахатни бошқатдан ўқишиб, ўғлингиз Ватан учун курашиб, қаҳрамонларча қурбон бўлган, дейишди. «Вой-до-о-од, ўғилгинам! Дунёга келиб ҳеч нарсани кўрмай кетган Абдувалижон! Ўша почислар сени ўлдиргунча мени ўлдирса бўлмасмиди-е-е!» деб бақирганича гузардаги чойхоналар ёнидан ўтиб кетди. Уч кундан сўнг Абдувалига аза очишиб, жин кўчада келди-кетди, йиғи-сиғи авж олди. Маликахон деган жувон ҳам катта ўғли — Рустам ҳақида қорахат олди. Бу хонадонда ҳам аза... Баъзилар азани чидам-матонат билан ўтказарди, баъзилар қий-чув, тўполон билан. Салима холаининг кенжа ўғли Қудратжондан ҳам қорахат келди. Салимахон жон аччиғида қора хатни ёниб турган самоварнинг оташхонасига ташлаб юборибди. «Ёлғон, менинг ўғлим ўлган эмас! Мен хатга ишонмайман! Мен қозони ёмон кўраман! Ўғлим Қудратжон худо хоҳласа лоп этиб эшикдан кириб келади!» дебди. Орадан бир йилча ўтгач, шу хотин аввалига хаёлпараст, кейинчалик савдойи бўлиб қолди. Маҳаллага бир ой ичида беш йигитга қора хат келгани ваҳима бўлиб кетди. Нариги кўчаларда ҳам деярли аҳвол шунақа эди. «Қуриб кетгур газанда Гитлернинг бомбаси бизнинг тор кўчага тушяпти,— деди Биби Ҳолвайтар қора хат келган йигитларни эслаб.— Йигитларга қийин бўлди, жуда қийин бўлди».

Қурбон бўлганларнинг «йигирма», «қирқ»лари ҳам

ўтиб кетиб, фронтдаги ўгилларидан хат келиб турган оналарнинг юраги зирилларди. Ҳарбий комиссариатдан чиқадиган хатлардан қўрқиб, новча почтачи олиб келадиган хатларни кутишарди. Почтачи қорахатни қўлига ушламас эмиш, агар ишдан бўшатишса ҳам қўлимга олмайман, дебди.

Кундуз кунлари уй икир-чикирларидан бўшашган хотинлар кўчага чиқиб, Мастурахоннинг дарвозаси ёнида тўпланишиб ўтиришарди. Бу ерда ҳамма янгиликлар, фронт аҳволи, нархи наво, баъзи бойиб кетаётган кишилар, «Карточний бюро»даги қаллоблар қўлга тушиб, ўн йилдан қамоққа ҳукм қилингани, магазиндаги нонга сув сепиб, нам ҳолатда сотган қаллоб дўкондор ҳақида гап кетарди. Бу ёғи Эшонбозор, Келес томонлардан келган қозоқ биродарларнинг баъзилари шишиб кетганини, Тошкентни паноҳ тортиб келишганини ҳам гаплашишарди. Кейинги пайтларда хотинлар орасида ҳукуматга тегадиган фисқу фужур гаплар ҳам айланишди. Бу гап Мазлума хола орқали Мастурахоннинг қулоғига етди. Бўйнидаги томирлари ўқлогидек бўртиб, «Бу, Шўро ҳукуматининг душманларидан чиққан гап,— деди.— Не-не машаққатлар билан қилинган камбағаллар ҳукумати йиқилиб, яна бойлар ҳукумати бош кўтарар эканми?! Бунга худонинг қаҳри келмайдими!! Бандаси ҳам йўл бермайди! Менинг ўғлим фронтда ким учун жанг қилипти! Ичимизда ёмон одамлар борга ўхшайди!»— деди бақириб Мастурахон.

Тор, айланма кўчадаги хотинлар дарғазаб юрган кунларнинг бирида кечга яқин ишдан қайтиб келаётган Арслоннинг кўзи қўлидаги газетада, остонасида чўққайиб ўтирган Мастурани пайқамай қолибди. У бундай кўз ташлаб, бош қимирлатишни ҳам унутибди.

— Ҳо-о-ой, тўхта!— деди кўзлари шокосадан чиқиб Мастурахон.— Бизларнинг болаларимиз фронтда уруш қилиб ўлиб кетаверса-ю, сен бунда қачонгача қочиб юрасан?!

Мастура Арслонни ёқасидан ушлади. Эшиги олдида турган савдойи Салимахон билан Малика кеннайилар ҳам югурганча келишиб, жанжалга аралашти.

— Э, хола, мен сизга нима қилдим?

— Ҳали бир нима ҳам қилмоқчимидинг?! Сенинг қўлингдан ҳеч иш келмайди! Ҳамма йигитлар фронт-

га кетган бўлса-ю, сен йўлини қилиб брон олиб қочиб юраверасанми?! Гердаймай жувоннимарг бўлгур!

— Отанг Шўро ҳукумати, онанг Шўро ҳукумати, дерди. Шўро ҳукумати керак бўлса, нега сен бунда юрибсан? Шўро ҳукуматининг эрка бандалари фронтга бормайдими? Уруш тўхтагандан кейин ҳам яна сизлар Шўро ҳукуматининг эркалари бўларсизлар?! Ҳе, жувоннимарг бўлгур!— Мастурахон биринчи бўлиб Арслонни ура кетди. Шундан сўнг бошқа хотинлар ҳам юмдалаб, бошига муштлай кетишди. Гандираклар турган Арслоннинг газетаси лойга тушиб, пальтосининг тугмалари узилиб кетди. Юзлари тимдаланиб, қалпоғи лойда — хотинларнинг оёғи остида ётарди.

— Биламиз сени, икки ойдан бери томга чиқиб, тунуканинг тагида бекиниб ётган эдинг. Энди чиқиб қолдингми?!

— Поччаси Қизил Махсум бойвачча ҳужжатларини тўғрилаб берибди. Шунинг учун бу ерда бемалол юрибди. Аллақачон солдатлар ушлаб олиб кетиши керак эди!

Хотинлар бақриб, қарғаб Арслонни талашарди. Унинг юзига тинмай шапалоқ тушарди. У индамай туриб берди. Оёқлари чалишиб, лойга йиқилиб тушгач, уриб қўллари оғриган хотинлар «Ҳе, жувонмарг», «худоё худовандо ер қаърига киргур...» деб қарғашиб, ўз эшиклари томон кетиша бошлади. Арслоннинг жим туриб берганини кўрган хотинлар бир зумдан кейин уй-уйларига кириб, ғойиб бўлишди. Юзлари тимдаланган Арслон секин балчиқдан туриб, маст одамдай гандираклар тор кўча ўртасидаги лойда қадам ташлаб уйига кета бошлади. У негадир кўча четига терилган харсанг тошлар устига ҳам чиқмай, тўппа-тўғри лойни шалоп-шалоп босиб кетаверди. Дарвоза эшигини очиб, ҳовлисига кирди.

— Вой ўлий, сенга нима бўлди?— деди Мадина холанинг капалаги учиб.— Йиқилиб тушдингми? Биров урдими?

— Йиқилиб тушдим.

— Юзларинг ҳам қонагану?

— Йиқилгандан кейин қонайди-да, ойи! Танчада илиқ сув борми?

— Бор, ҳозир олиб чиқаман.

Арслон юз-қўлини ювди. Мадина хола пальтосининг, ботинкасининг лойларини тозалаб, йиртилган жойларини тикиб, тугмаларини қадади. Пайпоқларига гача ювиб, танчанинг тепасига — иссиққа қўйди. Калтакланган Арслон овқат емай, чалқанча ётди-да, хаёлга чўмди.

Фарзандларини йўқотган оналарнинг қаҳру ғазаби қанақалигини Арслондан сўранг — бу ғазабни сўз билан айтиб бўлмайди. Пешана силаб келган юмшоқ қўллар тошга айланиб кетган эди. Қани энди ўша Гитлерни шу маҳаллага олиб келиб, ўртага ташласа! Мана шу Салимахонлар, Зухронисалар, Биби Ҳолвайтару Мастурахонлар уни бурдалаб ташларди. Қани энди ўша одамхўрни тутиб олиб, шу тор кўчага ташласа! Фарзанд доғи юрагини ўртаётган оналар Арслонни тоза калтаклашди, унинг аъзойи-бадани зирқираб оғрирди. У ярим кечагача ухлолмай ётди; тимдаланган, шишган қовоқларини бармоқлари билан босиб қўярди. Калтак зарбидан аввал ғазабланган Арслон, ғазабланишга ҳеч асос йўқлиги, айб хотинларда эмаслигини пайқади. Тишини тишига қўйди. Хайрият, унинг калтакланиб юрганини Барчиной кўрмади. Ишқилиб унинг қулоғига етмасин-да. «Мен ўз ўлимимни ўзим биламан» дерди у. Менинг ортиқча ҳаракатим иттифоқо бир куни ҳалокат келтиради... Баъзида унинг юракка ортиқ даражада оғирлик берувчи ғайрати — ўлим келтиришини биларди. Ҳовлиқмай, босиғлиқ билан иш қилиш мумкин эмасми! Нурғалиевда ҳам шундай хусусият бор экан — ўлган-тирилганига қарамай ишлайди, яна бунинг устига арақ ичади.

Арслоннинг хаёлини калтак ейишдан сал олдин учрашиб қолгани — Нишон аканинг аччиқ таънаси олди. Бу одамнинг жуда тили аччиқ, лекин бундоқ ўйлаб қараса, ҳамма гаплари ҳақиқат, унинг таъналаридан ҳам хафа бўлгуси келмади. Қўшнилари, «бир қоп ёнғоқ» — Салимахон фарзандидан қорахат келгунгача қандоқ қувноқ хотин эди. Тўртта хотин ичига тушиб қолса, кулдиргани-кулдирган эди. Унинг шўх ашуласи ҳам қулоғига эшитилиб кетди:

Отам болам демаган, маржон олиб келмаган.
Беш кунгина дунёда ўз тенгимга бермаган.

Арслоннинг хаёллари узайиб кетди. У чарчаб, кўзларини юмиб, ухлаб қолди.

Эрталаб барвақт туриб заводга жўнади.

Биби Ҳолвайтар кеча Арслоннинг кўчада лойга тушиб қолган калити ва рўмолчасини кўтариб кириб, бўлган воқеани муфассал Мадина холага гапириб берди. У ошхонасининг туйнугидан ҳамма бўлган воқеани кўриб турган экан. Тутақиб кетган Мадина хола хамир ёяётган ўқлоғини кўтариб чиқиб, Мастура симённинг бошига солмоқчи бўлди. Бир лаҳза тўхтади. Ўғли Арслонни ўйлаб, ўзини тийди.

Кечқурун Арслон келгач, тайёрланиб турган Мадина хола:

— Қани, юр! Сани калтаклайдиганлар билан бир гаплашиб қўяй! Ҳаммасини эшитдим! Қудам айтди. Сени қочоқ дейишибди, мен ўшалар билан бир гаплашиб қўяй!.. Сен нега қочоқ бўларкансан! Ҳукуматнинг ўзи заводда олиб қолди-ку?!— деб дағдаға қилди.

— Керак эмас, ойи!

— Нега?

— Майли, мени уриб жаҳлларидан тушган бўлсалар, майли.

— Нега?!

— Болалари урушда ўлган, юракларида алам... ахир ўзингиз тушунасиз-ку!

— Сан ўлдирибсанми болаларини?!

Арслон миқ этмади.

— Сани ахир... военкоматнинг ўзи олиб қолди-ку?! Фронгдагидан ҳам зарурроқ иш бор девдинг-ку?

— Тўғри.

— Нега ундоқ дейишади?

— Менинг бошқа фронтда эканимни, бу фронт ҳам жуда муҳим эканини улар қаёқдан билсин. Уларда айб йўқ! Ойи, қизишманг, индаманг! Вассалом! Ахир, сиз тушунган хотинсиз-ку, гапимга қулоқ солинг. У хотинлар билан асло айтиша кўрманг!

Мадина хола ўйланиб қолди. Анча вақтгача қўшнилари билан гаплашмай юрди.

Бу жанжални Жўра ака ҳам эшитибди. Қандайдир муҳим иш билан заводда кадрлар бўлимига келган Жўра ака, аввал, завод партия ташкилотининг секретари билан, қуюв цехи бошлиғи Матвеев билан, ундан кейин, йўл-йўлакай цехга кириб Арслон билан учраш-

ди. Жўра ака завод кадрлар бўлимига тез-тез келиб турарди. Уруш пайти буни тақозо қилар эмиш. Бундан ташқари, асли Жўра аканинг ўзи ҳам илгари шу завод ишчиси бўлган, шу ерда партияга ўтган... Шу ердан уни маъмурий органга хизматга юборишган эди. Заводни у беш бармоғидек яхши билар, ошналари, таниш-билишлари жуда кўп. Нишон ака ҳам капитан Жўра Самандаровни яхши биларди.

— Шундай иш бўлди, Жўра ака,— деди ерга қараб, этиги учи билан ердаги қумни чизиб Арслон.

— Индамай туриб бериб, жуда мардлик қилибсиз. Чидамингизга қойил қолдик. Офарин! Онангизларнинг жанжал кўтаришларига йўл бермаганингиз ҳам маъқул иш бўлибди. Тўғриси айтганда, у хотинларнинг юрагида катта алам бор — улар ёмон хотинлар эмас, ахир мамлакатга жонидан азиз фарзандларини бериб қўйган оналаримиз... Биз баъзан, укажон, шундай оғирчиликларга ҳам матонат билан чидашимиз керак. Бир оз калтак еб олибсиз, зарари йўқ...

Арслон индамади. Бу гапдан сўнг яна ўша юмдалашлар эсига тушиб, елкалари, боши зирқираб оғригандай бўлди.

— Хотинларнинг қўли қаттиқ бўлади. Мен ҳам бир вақт ўз хотинимдан калтак еганман. Лекин у жўва билан урган эди. Ёнимдан бир аёлнинг хати чиқиб қолган эди...— Жўра ака хахолаб кулиб юборди.— Ҳазиллашиб оғайнилардан бири ўзи ёзиб чўнтагимга солиб қўйган экан.

Арслон ҳам кулди.

— Биродар, энди мен ёнингизга кирганимнинг сабабини айтай. Яна ёрдамингиз керак бўлиб қолди. Ўзингиздан ўтадиган гап йўқ — биз, комсомолларга суянамиз... Қори билан Баёт калтакланганингизни эшитиб, тоза тиззаларига уриб кулишибди. Ҳарбийдан «йўлини қилиб» қолгани учун қўшнилари савалабди, дейишибди. Майли дейишса, дейишар. Уларга яқинроқ бориш керак, ҳаммаҳаллангиз. Дадашев деган шахс ҳам Тошкентга келибди. У, бизнинг тахминимизча Баёт билан учрашади. Қизиқ, уларнинг диққатини кўпроқ шу завод тортяпти. Улар заводлару «Ташсельмаш»га интилишяпти. Мусоват Қори бўлса ичкари маҳаллалардан: «Германияда» Туркистон ҳукумати «тузилди», деб тоза жар соляпти. Ярамаслар!

Арслон бошини кўтариб, Жўра акага қаради.

— Орқадан келиб, кифтимизга пичоқ уришларига йўл қўя олмаймиз!— деди Жўра ака,— уларнинг ичида бўлишимиз, ханжар кўтарган қўлларини ушлаб қолишимиз керак! Наинки ушлаб қоларканмиз, жағига солишимиз ҳам керак! Улар заводимизга ҳам шикаст етказмоқчи, ҳушёр туриш ҳаммамизнинг вазифамиз!

* * *

Ҳамма ёқда тошу тарози тортилган, заборнийга берадиган қора нонга соатлаб оқарган турадиган бир пайтда, кечга яқин маҳалла чойхонаси ёнида ўн тўрт ўн беш яшар ўғлини етаклаган, кекса бир қозоқ аёли одамлардан: «Қозони маҳалла қай жерда?» деб сўрарди. Бундай маҳалла йўқ, деганга қовул қилмай яна сўрарди:

— Қозони маҳаллани билмайсенпи?!— дерди тоқати тоқ бўлиб қозоқ хотин,— Тошкентда Қозонши маҳалла бор-ғўй!

— Бор бўлса бордир, женга,— деди одамлар унинг гапларига қулоқ осиб,— лекин биз эшитмаганмиз.

— Оқсоқолни-де эшитмеганмисен? Мирюсуфни-де, Нишонбойни-де эшитмеганмисен? Масабат Қори-де дегани бор, ўсуни-де эшитмеганмисен? Жилқибой деган қозоқ Қозоншига туяларда сомон олиб келган, шунда эшитмеганмисен?!

— Ҳа-а, дарвоқе,— деди Абдували ака масалага андак тушуниб,— ўша нор туяларда сомон олиб келадиган Жилқибоймиди?

— Иййя, Сариағачнинг ар жағиндан келерди. Ўл қайтис жасади...

— Худо раҳмат қилсин!— Абдували ака дарҳол юзига фотиҳа тортди,— женга, қани, бу ёққа чиқиб дамингни ол. Нима демоқчисан, нима деб юрибсан, менга тушунтириб гапир-чи. Қорини-да танийман. Нишонбойни-да танийман, агар сен айтаётган ўзимизнинг Нишонмўйлов бўлса ажаб эмас. Локин «Қозонши» маҳалла жўқ.

— Қозон жасайди...— деди кампир қўлидаги туғунини ерга қўйиб, ўзи ўриндиққа ўтирди. Ўғлини ҳам ёнига олди,— Жилқибойнинг туған жўлдастари ўси жерда. Жилқибой маған айтди, ўси жерга баринглар,

ач қалмайсиз, деди. Қозонши маҳаллани излаб юрибмиз...

— Тушундим,— деди у одам,— дарҳақиқат мана бу маҳаллада қозон қуйиларди. Уни «дерозлик» деймиз. Қори ҳам, Нишонбой ҳам шу ерлик. Юринглар, мен Қорининг ҳовлисини кўрсатиб қўяй,— деб ўрнидан турди Абдували ака. У, чой чақириб, узоқдан шу маҳаллалик ўзбекларни паноҳ тортиб келган қозоқ аёлни сийлашга қурби етмагач, уларни қоронғига қолиб кетишини истамай, бошлаб, тор кўчага олиб кирди. Бундаги каттагина бир эшикни тақиллатишди. Бу Мусоват Қорининг ҳовлиси эди. Дарвозани очган Қори аввал ёнида турган киши билан қўл беришиб кўришди:

— Э, Абдували ака, келинг.

— Ассалому алайкум! Қалай, саломатмисиз Қори?

— Шукур, шукур...

— Мана бу аёл Сарюғочдан келибди. Сизни сўради, бошлаб олиб келдим.

— Мени?— таажжубланди Мусоват Қори,— ҳей женгаша мени сўрадингми?

— Жилқибой қайтис жасади. Уси жердаги тўғанларим жанига бар деди. Манави Жилқибойнинг ули... Келдим...

— Жилқибой, Милқибойингни танимайман,— деди ҳозиргина тишини кавлаб, Абдували акага табасум қилиб турган Мусоват Қорининг бирдан қовоқлари осилиб,— Сен меникига янглишиб келибсан...

Қозоқ хотин индамай қолди.

— Женга, қани юр,— деди Абдували ака Мусоват Қори билан хайрлашиб. Қори шу лаҳза эшикни ёпиб, шарақлатиб занжирларини солгани шундоқ эшитилиб турарди.— Агар Нишон ҳам танимайман деса меникида қоласан. Узоқ ердан келибсан, бир-икки кун биз нимани тамаддиқ қилсак сен ҳам шуни тамадди қиласан.

Улар олдинма-кетин юриб, нариги тор кўчага ўтишди. Бу кўчадаги кўримсизгина, ўзи очиқ турган эшикни тақиллатишди. Эшикка чиққан Рузвон хола шу маҳаллалик кекса одам билан боласини етаклаб олган қозоқ хотинга қаради:

— Келинлар, марҳамат!

— Бу аёл узоқдан. Сарюғоч томондан келибди. Ни-

шонбойни сўраяпти. Бу ерларни яхши билмас экан, савоб бўлади деб бошлаб олиб келдим.

— Қани, ичкарига киришлар, жуда яхши қилибсиз,— деб Рузвон хола нотаниш аёлни бошлаб ҳовлига олиб кирди. Абдували ака хайрлашиб жўнади. Кўрпача ёзиб, айвонга таклиф қилди. Қозоқ хотин айвон ёқасига тугунини қўйиб, юқорига чиқди. Углини ҳам ёнига олди.

— Сизнинг бойингиз Нишонбойми?

— Шундай. Қани, қадам етди, бало етмасин! Хуш келибсиз.

— Мен Сариағачдан келдим, айналай. Байим — Жилқибой қайтис жасади. Маллар жўқ. Манави болам. Бир қизим-да қайтис жасади... Сариағачда аҳвол жаман. Жилқибой ўси Қазаншими тағи бўлек номи бор чиқади, жерга бар, туғанларим бар, деди. Сизларни қора тортиб келдимғўй.

— Яхши қилибсиз,— деди Рузвон хола,— ҳозир Нишон ака келиб қоладилар. Қани, нонга қаранг,— у қозоқ хотинга чой узатди.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас Нишон ака ҳам келиб қолди. У меҳмонлар билан омонлашиб, наридан бери юз-қўлини ювиб, дастурхонга ўтирди. Рузвон хола коса ва товоқларга тўлдириб, ҳаммага мошқовоқ сузиб келди. Узоқ йўл босиб келган қозоқ меҳмонлар мириқиб ичиб олишди. «Аввал таом, баъдаз калом»га риоя қилган Нишонбой ака, меҳмонлар овқатланиб бўлишгач, гап қистириб қўйди: «Эт кам, мош, қовоқ, ловия... жонимизга оро киряпти. Баъзан вермешил ва макарон. «Вермешил палов» ҳам қиламиз. Гурунч йўқ ва жуда қиммат».

— Вай-бей, тусинамиз, оқсоқол. Айби йўқ, Сариағачда-да эт жўқ.

— Жилқибойнинг аёли бўламан денг. Худой раҳмат қилгур жуда яхши одам эди. Биз, дарҳақиқат биродар эдик. Мана, Рузвон билади, Жилқибой ошнам ҳар гал Сариағачдан келганида бизникига тушарди. Буғдой, арпа олиб келарди. Қўй олиб келарди. Бизникида тунаб, ўзим магазиндан мато, этик, лампа шиша, керосин олиб берардим. Мана шу кўчаларимизга туялар чўкиб, файз киритарди. Ҳаммаси ёдимда. У раҳматли дунёдан ўтди денг?

— Жилқибой қазо қилди.

— Бунда Жилқибойнинг ошналари кўп; Ҳайитбой оқсоқол деган кишимиз бор.

— Анов бирови танимади-ғўй.

— Ким экан?

— Сизникига келишдан аввал кичкинтай мурт қўйган, Қори дегани танимади...

— Э, уни қўя беринг, женга. Шунақа ўзбеклар ҳам бор. Хафа бўлманг.

— Тусинамен. Хафа-да бўлмаймен. Қозоқ: «ўзбек — ўз оғам» деб сўйлий. Ўсини-да биламен. Войбой, ўзбек битта эмас-ғўй.

— Саломат бўл, женга!

— Манов оёғимда шиш бор, буни дўхторга кўрсатайми дедим. Мол жўқ, ош қолдик. Манови Жилқибойни ули Қимисбойни етаклаб олиб келдим. Мана, аҳвол, оқсоқол.

Нишон ака ачинди.

Улар аллавақтгача гаплашиб ўтиришди. Сароғоч, Эшонбозор томонларда тирикчиликнинг анча ночор эканлигини пайқади. Рузвон хола бўш хоналардан бирига она-болага жой солиб берди.

Марҳум Жилқибойнинг хотини билан ўғли Нишон аканикида бир ҳафта туришгач, аёлнинг хоҳиши билан Қимисбойни Нишон ака ўзи билан бирга заводга олиб борди. У шогирд сифатида баъзи енгил ишларга қарашди. Ишдан қайтгач, кечки ўсмир ёшлар мактабида ўқиди. Аёлнинг ўзи Рузвон хола билан тикув артелига қатнади. Улар уруш тугаб, дориломон бўлганига қадар Нишон аканикида туриб, 1945 йилнинг кузларида Сароғочга — ўз элига қайтиб кетишди.

Йигирма олтинчи боб

БАРЧИНОЙНИНГ КЎЗ ЕШЛАРИ

Ёстуғи тошдан бўлса яллуғида эрийди...

Ғафур Ғулом.

Ҳумоюн Саидбеков жасади солинган тобут райкомнинг катта залига қўйилди. Марҳумнинг ёр-биродарлари, ўртоқлари, Шаҳрисабз коммунистлари, узоқ колхозлардан келган кишилар у билан видолашишди. Оркестр залнинг бир чеккасида оғир мотам куйини

чалиб турарди. Шу куни кечга яқин марҳумнинг жасади солинган тобут поездда Тошкентга жўнатилди.

Қиш ниҳоятда қаҳрига олган. Қора совуқ. Ер оёқларни ачитади. Шаҳардаги деярли ҳамма масъул ходимлар вокзалга чиқишди. Қалин пальто кийиб, бошини тивит рўмол билан ўраб олган Барчин поездда, дасининг тобути ёнида ўтирарди. Унинг қовоқлари йиғидан шишиб кетган, одамларга қарамас, фақат тобут тепасида мукка тушиб ўтирарди. Ҳамида опа ҳам унинг ёнида. Вагонга инқиллаб чиққан Ойша биби, Ҳамидахон, Барчин билан ҳўнграб йиғлаб хайрлашди. Уй-жойидан, нарсаларидан хавотир олмасликни, ўзи шу уйга чиқиб ётишини айтди. Қўлидаги тугунни, чойнак-пиёлани Ҳамидахон ёнига қўйди. Эркин, Дилбар райкомнинг иккинчи секретари, райисполком раиси Ҳамидахонлар билан бирга шу поездда Тошкентга жўнаб кетишди. Тобут тепасида ўтирган Барчиннинг хаёлини ғамгин ўйлар чулғаб олди. Бу нима? Тахтадан ясалган қопқоғлик қути — тобутда кимни олиб кетяпти? Бу унинг адаси-ку! Кеча у билан чақчақлашиб гаплашиб ўтирмаганмиди? У Барчинга қанча қизиқ воқеаларни гапириб бермаганмиди? Шаҳрисабзда янги қурилишлар бошлаб юборажаги, уруш тўхтагач, бу шаҳарни таниб бўлмас даражада обод қилиб юборажаги ва ҳоказолар... ҳақида гапирмаганмиди? Жуда кўп йиллар яшайдиган одамдай доимо узоқни ўйлаб ишларди, у ҳеч қачон ўлимни ўйламасди. Тиниб-тинчимаган, доно райком секретари, мана, тобут ичида ётибди. У ўз эътиқодидан айнамаган, зид фикр ва ғоя олдида жим туролмайдиган ва ҳатто ҳозир ҳам тобутдан бош кўтариб, душманига зарба беришга тайёр ётган — йиқилган бир алп — баҳодир тобутда ётарди. Дала кишилари — пахтакору чорвадор уни яхши кўриб қолишган эди. Унинг ғамхўр раҳбар экани тезда оғиздан-оғизга ўтди. Ҳаммадан ҳам район комсомоллари ортиқ уни севарди — Дилбар ҳамма вақт:— «Мен сизнинг иккинчи қизингизман»,— деб юрарди...

Шундай одам, мана, тобутда ётибди.

Йўллар, станциялар қурол-яроғ, улкан нефть цистерналари, юк ортилган поездлар билан банд бўлганлиги, баъзи станцияларда узоқ туриб қолишганлиги сабабли улар индинига эрта билан Тошкентга кириб келишди. Биринчи бўлиб вагонга буфер орқали сакраб

Ўтиб кирган одам Арслон эди. У бошидаги қалпоғини олиб, қизил алвонга ўралган тобутга бош эгди. Бу ерда ўтирган Барчин ҳам, Ҳамидахон ҳам ҳўнграб йиглаб юборишди. Арслон бурнига оқиб тушган ёпини пальтоси енги билан артди. Қалби тигланиб, ўпкаси тўлиб йиглади, кейин чўнтагидан рўмолчасини олиб, кўз ёшларини артди. Поезд эшиги ёнида турган Эркин: «Бу йигит Ҳумоюн Саидбековнинг ўғли Марат эмасмикан. Фронтдан жанозага етиб келмадимикан...» деб ўйлади. У ёнида турган синглиси Дилбарнинг қулоғига шивирлади: «Бу Марат эмасми?» Дилбар ҳам билинтирмай жавоб қилди: «Билмайман. Эҳтимол Маратдир...»

— Арслонжон, Ҳумоюн акангиздан ажралиб қолдик,— йиглаб гапирди Ҳамида опа.

Арслон бўлса нима дейишини билмай, фақат йиғларди.

Тошкентдан қариндош-уруғлар, Тошкент шаҳар партия комитети, Октябрь район партия комитетидан ходимлар, институт ўқитувчилари, кўпгина ёр-биродарлар вокзалга чиққан эди.

Тобутни Арслон, Эркин ва яна икки азамат йигит эҳтиёткорлик билан поезддан тушириб, устига қизил гилам тўшалган машинага олишди. Ҳамида опа, Барчинлар ёнига Дилбар, Арслон, Эркинлар ҳам машинага чиқиб кетишди. Орқадан яна бир юк машина, учтўрт енгил автомашина қатор бўлиб, Саидбековларнинг ҳовлисига йўл олди. Кечгача қариндош-уруғлар келиб, жигарлари билан видолашишди. Кеч соат олтида Чигатой қабристонини томон йўл олиб, бундаги кичик митингдан сўнг Ҳумоюн Саидбеков атоқли инқилобчилар қабри ёнига дафн этилди.

Маросимга ён маҳалладан Ҳайитбой оқсоқол, Махсум, Нишон ака, дегрезликлар ҳам қатнашишди. Нишон ака ўзига қамти келиб қолган Арслонга яна юзини тескари қилиб, ўтиб кетди.

Шаҳрисабзликлар уч кун туриб, қайтиб кетишди: кетиш чоғи Дилбар йиглаб: «Жуда катта умидларим бор эди... Ҳумоюн акамларга Шаҳрисабз ёқиб қолгани бизларнинг ҳаммамизни хурсанд қилган эди. Доимий ҳовли-жой қиламан, пишиқ гиштдан уй соламан деган эдилар. Даҳшатли ўлим ҳамма ниятларимизни вайрон қилиб юборди...», деди.

Уларни Барчин билан Арслон вокзалгача кузатиб, поездга тушириб қайтиб келишди. Поездга чиққан ҳаммоно холи қолган ака-сингил бир-бирига «айтмадимми» дегандек ишора қилишди:

— Бу йигитнинг Марат эмаслиги маълум, аммо қариндоши ҳам эмас, — деди Эркин.

— Бу йигит бегона... — деди Дилбар, — пахтада у менга яхши кўрган йигити фронтга жўнаётганини айтган эди. Ундан келган хатни ҳам кўрсатган эди. Худди ўша йигит. Лекин нега фронтга бормабди?

Поезд жўнаб кетди.

Вокзалдан қайтишда Барчин билан Арслон жуда қисқа гаплашишди:

— Мана аҳвол, Арслон ака, биз меҳнат фронтига бордигу тор-мор бўлиб келдик...

— Биз ҳам қадрдон отамизни йўқотганмиз. Бундан зўр алам йўқ, албатта. Лекин тор-мор бўлганимиз йўқ, бунга отамизнинг ўзлари ҳам йўл қўймасдилар!

* * *

Кечга яқин Арслон уйга қайтиб келиб, каравотига чўзилди.

Хаёл сурди.

Хаёлан у икки Арслонга ажралиб, у Арслон бу Арслон билан гаплашарди:

Биринчи Арслон:

— «Мен Тошкентда ишларканман. Буйруқ шундай!» деган эдим Барчинга. Бу гапдан у мени анча вақтдан бери тирриқлик қилиб юрибди, деб ўйламанмикан? У ҳозир ўз бошига тушган оғир жудолик андуҳи билан бўлиб, мени ўйламаса ҳам керак... — деди.

Иккинчи Арслон:

— Йўқ, ўйлайди! Сенинг кимлигингни билади у! Сенинг юрагинг пок, тўғри йигитсан. Сен уни жонингдан ортиқ севасан. Ҳумоюн ака вафоти — сен учун отанг вафотидек оғир.

Биринчи Арслон:

— Сенинг ички кечинмаларингни у қаёқдан билди. У, аҳтимол, дугонасига сени фронтда деб айтган!

дир. Сен бу ерда ўралашиб юрибсан-ку! Сенинг вокзалга чиққанинг ҳам улар учун таажжуб.

Иккинчи Арслон:

— Сен тўғри одамсан. Буни Барчин билмаслиги мумкин эмас. Ҳар қандай англашилмовчилик вақтинча бўлади. Кўнглингни чўктирма, Арслон!

Биринчи Арслон:

— Нишон ака сендан тамоман юз ўгирди!

Иккинчи Арслон:

— Начора. Сен бунга нима дейсан?

Биринчи Арслон:

— Унинг назарида мен ўлганга ўхшайман...

Иккинчи Арслон:

— Ҳа, фақат унинг назарида. Аммо, сен тириксан! Сенинг ўлишинг мумкин эмас. Сен ўша сен эканлигингни унга тушунтиролмайсан, агар сен ҳамма ёр-биродарларингга изоҳ бериб юрадиган бўлсанг, бошида бу ишга қўл урмаган бўлардинг. Ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай фронтга жўнаб кетганинг маъқул эди. Агар сен юртинг корига ярайдиган бўлсанг (ҳозир сендан шуни талаб қилиняпти) сен яна хотинларнинг калтаклашига чидай берасан. Бу қонуний бир ҳол, аммо хотинга ўхшаган одамларнинг таъна-ю талашларига бардош бера олармикансан?! Бардош беришинг керак! Сени ҳамма билади; содда йигит эдинг. Юрагингда киринг йўқ, шалдир-шулдур... Ҳозир ҳам шундайсан. Чидай оласанми?

Биринчи Арслон:

— Чидайман.

Иккинчи Арслон:

— Нега Барчинга бу сирни очиқ айтмадинг?!

Биринчи Арслон:

— ...

Иккинчи Арслон:

— У отасини йўқотди. Сени ҳам йўқотса — бу даҳшат!

Биринчи Арслон:

— Ҳа, бу масалани ҳам ўйлаш керак. Сен фақат ўзингни ўйлаяпсан!

Аллавақтгача у Арслон бу Арслон билан баҳс қилди-ю охири ётиб, чарчаб, иккала Арслон ҳам уклаб қолди.

Кунлардан бир кун поччаси билан гаплашиб ўтирган Арслон Мусоват Қорининг, айниқса, кейинги кунларда Нишон акадан бад олиб юргани, «бу эски ишчи» ҳамма вақт ичимизда юргани кўнглимга шубҳа соляпти, деганини эшитди. Бунинг устига Эсон бува фожиасининг баъзи сабаблари ошкор бўлиб қолгани унинг юрагига ғулғула солаётганини ҳам поччасининг сўзларидан фаҳмлади.

Арслон поччасининг гапларини диққат билан тингларди. У андак ҳайиқиб гапирарди. Афтидан, у гапларини юрагига сиғдиrolмай, ҳар қалай зеҳни ўткир қариндошим, деб Арслонга бемалол айтарди. Қорининг безовта бўлиб юрганини билган Баёт, ёнидан бир нима чиқариб бериб, «тезда билинтирмай уни орадан кўтариб ташлаш керак», дебди. У, чой ёки овқатга қўшиб бериш учун заҳар узатганини пайқаган эмиш.

— Қорака бунчалик ёмон одам эмас,— деди Арслон ҳовлиқмай, босиқлик билан,— сизга шунақа кўрингандир, почча. Бир софдил одамни бекордан-бекорга ўлдириб юбориш гуноҳ-ку! Тўғри, Нишон ака тили аччиқроқ одам, аммо безарар.

— Билмадим, укажон, билмадим. Ҳар қалай ўз қулоғим билан эшитиб, ақлим билан топиб гапиряпман. Уша одамнинг шўри қуриб қолмаса яхши эди. Эртамас индинга Қўзибой оталарникида «хадим» бор — у Нишон аканинг ошнаси. Қоракам билан Баёт ҳам боришмоқчи. Таклиф қилишибди. Мен бормайман, оёғим тортмаяпти. Сизни ҳам айтиб кетишган, лекин борманг, кўнглим чопмаяпти. Яна бир кори ҳол бўлса ташвишга қоламиз. Қоракам билан Баётнинг авзойи бузуқ...

— Ваҳима қилманг. Бораманми-бормайманми ўзим биламан,— деди Арслон кулимсираб.— Қўзибой отанинг боғи қаерда эди?

— Аллондан нарироқ, Садалик мачитга яқин.

Арслоннинг бу ҳақда Жўра ака билан маслаҳатлашиб олмаслигининг иложи бўлмади.

Шу маслаҳатга кўра Қўзибой отанинг «хадим» и куни заводда бўладиган бир йиғинга Нишон ака таклиф этилиб, партия ташкилотининг секретари хат ёзиб, унинг албатта иштирок этишини тайинлади. Ле-

кин Арслоннинг ўзи кечга яқин ўша «хадим»га борди. Бу ерда бош-қош бўлиб юрган Мусоват Қори Арслондан поччасини сўради. Ундан кейин Нишон акани ҳам сўради. Арслон «кўрмадим» деб қисқагина жавоб қилди. «Эски фирқа» келмаганини пайқаган Баёт бола кўп ўтмай уй ва айвонни тўлдириб ўтирган шу атрофли одамлар ичида «урушда кўрган-кечирганларидан» вайсай кетди. Яна ўша немиснинг кучлилиги-ю ҳамма ёқни олиб қўйгани, гарчи газета-радиоларда айтилмаса ҳам Москванинг қўлдан кетганини, Сталин Куйбишев шаҳрига келиб ўтирганини гапирди. Шу атрофли оддий одамлар зогора нон еб, қовоқ шўрвадан ичишиб, ҳарбий кийим кийган «ярадор» йигитнинг сўзига қулоғини тутиб ўтиришарди. Асли, бутун ҳақиқатни шу йигит айтаётир, радиога ишониб бўлмайти, дегандай қилиб, баъзи одамлар Баётнинг гапларига оғзини очиб, маҳлиё бўлиб ўтиришарди. Одамлар қулоғини тикиб ўтиришгани-ю ва бунинг устига бу ерга Нишон аканинг келмаганидан дадиллашган Баёт, оёқроқда ўтирган Арслонни ўз ёнига чақириб олиб, гапнинг пардасини яна икки поғона кўтарди... Одамлар бир-бирларига қараб қўйишар, кимдир шеригига шивирларди. Кимдир бошини сарак-сарак қилиб қўярди.

Баётнинг иғводан иборат гаплари жуда авжга чиқётганда ёнида ўтирган Арслон унга луқма ташлади:

— Баётжон! Сиз Москва ҳақида ёмон гап айтяпсиз! Бу гапни айтишга қандай тилингиз борди?!

— Лаббай?

— Бу ёлғон-ку!

— Ёлғон бўлса ёлғон деб қўя қолинг. Радио сизга тўғри гапни айтармиди!! Жуда содда бўлаверманг,— у ҳаммага эшитдириб гапирди.

— Одамларни алдашнинг нима кераги бор! Бу гапларингизнинг ҳаммаси қип-қизил ёлғон-ку!

— Сиз бу ерда юриб, қаёқдан биласиз? Аҳвол ҳозир тамоман ўзгарган. Эртага немислар Тошкентга келганда, ана ўшанда тушунар экансиз-да? .

— Келиб бўпти! Бу ёлғон гапларни қайси юз билан гапиряпсиз! Одам шу даражада аблаҳ бўладими!

Ўтирганлар дам Арслонга, дам Баётга қараб қо-

лишди. Баёт гапларидан энсаси қотиб ўтирганлар ҳам бор эди.

Арслоннинг бу тарсакисидан кейин — Баётнинг попуги пасайди. Арслон одамлар олдида бир тушириб, гаплари ёлғон эканини маълум қилди-ю, лекин у билан кўп ўчакишмади. Баёт баъзан чап қўлининг тўртинчи бармоғидаги каттагина зумрад кўзли узугига қараб қўярди. Уни жанг майдонида «ўлиб ётган немис офицери қўлидан олганман», деб айтган эди. Аввал ҳезимкаш шахслар узук тақади хаёл қилиб юрган Арслон; Баётнинг тез-тез унга қараб қўйишидан, бунда бир гап борми, деб хаёл қилди. Узук унинг диққатини тортди.

— Кўрганни эшитган енгади дегандек, сиз нега мени сўкасиз? — деди Баёт ёнида ўтирган Арслонга секин, — жаноблари фронтда бўлмаганлар-ку?! Бунда соғ-саломат айш қилиб юрибдилар-ку?!

— Жим ўтиринг демоқчимисиз?

— Ҳарқалай!

— Ўзлари ҳам писта қилиб ўтирсинлар! Бу ёлғон гапларни қаёқдан оляптилар?!

— Булар — рост! Заводда ишлайсан-да, саводинг чиққан, дегрез ўғли! Булар рост! Кейин биласан!

— Кейин биласан, ҳа!

Икки йигитчанинг шивирлашиб, жиддий бир тусда гаплашаётганини одамлар ер тагидан кузатиб туришарди.

Кейинчалик Жўра аканинг айтишича, энг ёмони шу бўлдики, себзорлик Алижон деган йигит яқинда фронтдан ярадор бўлиб келиб, Жангоҳда чучвара еб, кўнгли беҳузур бўлиб, аранг уйига етиб кўкариб ўлган. Докторлар унга заҳар берилганини аниқлашган. Бизга келган маълумотларга қараганда, Алижон Тошкентда Баёт билан учрашган. Афтидан илгари улар бир қисмда бўлиб, Баётнинг немис томонига ўтиб кетганидан хабардорлигини айтиб қўйгани бошига етган. Бу тахмин ҳақиқатга жуда яқин.

Қўзибой кулол чарбоғидаги гуфтигўдан сўнг бир ҳафта жим бўлиб кетган Баёт, иттифоқо завод ошхонасида пайдо бўлиб қолди. Арслон билан тўқнаш келиб, илжайиб кулди:

— Завод клубини яхшилаяпман... Тирикчилик.

Цехда ишлашга ярамайман, иккинчи группа инвалидман.

— Ҳар қалай уйда ўтиргандан кўра ишлаган яхши,— деди Арслон жўрттага ҳеч нимани билмагандай.

Улар узоқ гаплашмай, хайр-хўшлашиб икки томонга кетишди. Кейинчалик маълум бўлишича, Дадашев авиация заводи клубига оммавий-маданий ишлар бўлим мудири бўлиб хизматга кирибди. Баъзи кунлари ишдан қайтишда Баёт Шайхонтовурда трамвайдан тушиб, мўйнадўз — Зиё афанди уйига ҳам кирарди. Бу ерга авиация заводи клубида ишлаётган Дадашев ҳам келиб турарди. Ҳовли эгаси — кампирга қоракўл терисидан бир яхши қулоқчин буюртмоқчи бўлганини айтибди. Бу ишлардан хабардор Жўра ака, Арслон Зиё афандиникига кириб, Дадашев, Баётлар бу ерда нима мақсадда учрашаётганликларини билиб олишга ғоятда қизиқарди. Бу ерга яна нотаниш бир одам ҳам қатнарди. Жўра ака Арслонни Зиё афанди уйига кириши жуда қалтислигини билса ҳам, бу ишда Арслоннинг чуқур ўйлаб, бир сабаб топиб, мустақил ҳаракат қилишидан умидвор эди.

Тушга яқин завод ошхонасига кирган Арслон Баёт бошидаги қоракўл қулоқчинга кўзи тушиб, дарҳол: «Муборак бўлсин! Мен ҳам Зиё афандига заказ қилмоқчиман», деди унинг қулоқчинини бошидан олиб. «Бўлади...» деди масрур жилмайиб Баёт.

Жума куни соат учларда қуюв цехига кириб келган Жўра акани кўрган Арслон тезда унинг ёнига келди. Гап жуда қисқа бўлди.

— Нурғалиевдан бир-икки соатга жавоб ололмай-сизми? Улар яна Шайхонтовурда тўнланишди... Тўртинчи шахс ким экани бизга номаълум. Бу — жуда муҳим масала.

— Шавкат Нурғалиев гапга тушунадиган мастер, жавоб беради. Мен кийиниб чиқаман...

— Сизни ташқарида кадрлар бўлимида кутаман. Шайхонтовурга машинада элтиб қўяман.

— Тушунарли.

Жўра ака ўз машинасида Арслонни Шайхонтовур яқинига ташлаб кетди. Арслон зиналардан кўтарилиб катта дарвозадан ўтиб, Шайхонтовур бозорига кирди. Мадраса минораси тагидаги йўлакдан бориб, Алим-

қулибек ва Шайхонтовур бува мақбаралари ёнидан ўтиб жар кўчага тушди. Сўнгра пастқамгина бир эшик ёнига келди. Вақтни ўтказмаслик учун ўйлаб турмай эшикни тақиллатди. Битта-битта қадам ташлаб келган кампир эшик занжирини олди.

— Ассалому алайкум! Зиё афандида ишим бор эди.

— Кираверинг,— деди лоқайдлик билан кампир.

Арслон ҳовли бурчагидаги хона эшигини очиб, ичкарига кирди. Ичкарида ўтирган Зиё афанди, Баёт, яна бир нотаниш киши ялт этиб унга қарашди. Уларнинг гаплари тўхтаб қолди. Ҳаммадан ҳам Дадашев безовталаниб, Зиё Афандига тикилди.

— Ассалому алайкум!— Арслон хотиржамлик билан ҳамма билан бирма-бир қўл беришиб кўришди.— Қайнанам суйган экан, ош эмасу қаҳвонинг устидан чиқибман.

— Ҳа, шундай,— деди Зиё афанди.

— Мен ўтган куни Баётжоннинг бошидаги қоракўл қулоқчинни кўриб, жуда ҳавасим келди. Ёнингизга келаман, деб юрган эдим, мана вақти соати етган экан, келдим. Менга ҳам битта қоракўл қулоқчин тикиб беринг.

— Соғ ўл! Мен сана қоракўл верирам, сен қулоқчинни Махсумга тиктириб олирсан.

— Хўп бўлади.

— Қани, ўтир,— деди Зиё Афанди Дадашевнинг кўз қисиб, имо қилганини сезиб. Арслон бўш ўриндиққа ўтирди.

Арслоннинг қулоқчин учун келгани табиий бўлиб кўринса ҳам, айни иш вақтида, ишни ташлаб келиши Дадашевда шубҳа туғдирди. Зиё Афанди Арслонни даҳлизга олиб чиқиб, яхши бир қоракўл терисини кўрсатаётганида Баёт билан Дадашев саросимага тушиб, нима қилиш кераклигини ўйлашди. Арслон бир терини танлаб, хайрлашди. Уларнинг ниятини билиш эмас, кимлар тўпланганини аниқлашнинг ўзи кифоя эди.

— Биз ҳам кетдик,— деди Дадашев билан Баёт ўринларидан қўзғалиб,— ишимиз битди.

Улар учовлон олдинма-кетин Зиё Афанди ҳовлисида чиқиб, пастқам жарликка тушиб кетишди. Чуқурликда оқаетган анҳор кўпригига яқинлашганида атрофига аланглаб, орқада келаётган Дадашев тўсат-

дан кучли зарб билан Арслоннинг қулоғи тагига урди. Унинг қўлида бир нимаси бор эканми, Арслон гандираклар бориб ерга йиқилай, деб ўзини тутиб қолди. Афтидан Дадашев қулоқ ости — орқа мияни мўлжаллади-ю лекин қўли елка билан бўйни орасига тушди. Арслон ҳушини йўқотмади, оёқларини кериб, Дадашев билан Баётга қаради. Бировнинг кўриб қолишидан чўчиб олазarak бўлиб турган Баёт Дадашевга «тезроқ тамом қил!» ишорасини қилди. Дадашев қўлидаги темир парчасини ташлаб, чўнтагидан каттагина қаламтарошини олди ва уни енги ичида яшириб, Арслон томон кела бошлади. Ўзини чоғлаб, миқ этмай турган Арслон ўзига яқинлашган Дадашевнинг даҳанига ниҳоятда тезлик билан мушт солди. Дадашев ағдарилиб тушди.

— Ҳой, сизларга нима бўлди? — Баёт югуриб келиб «ажратмоқчи» бўлди. Бас қилинлар!

Шу лаҳза Арслон пичоғи қўлда, ўрнидан тураётган Дадашев ёнига югуриб бориб, иккинчи муштни солди. Дадашев чўзилиб қолди. Баётнинг қўлида пичоқ борлигини кўрган Арслон, дарҳол ўгирилиб, унинг ҳам даҳанига мушт туширди.

— Вей, безори! Сен нега бекордан-бекорга мени урасан? — деди Баёт хотинчалиш овози билан, — қўлинг синсин, ҳулиган! Гариф, юр қочдик! Бу безори билан тенглашиб бўлмайди. Сен уни нега урдинг? Айб ўзингда!

Баёт билан Дадашев Арслонни жарликда ёлғиз ташлаб, олдинма-кетин қочиб, тепаликка чиқиб кетишди. Арслон улар орқасидан бир муддат қараб турди-да, кейин анҳорга тушиб юз-қўлини ювди. «Мақсадларингга етолмадиларинг, аблаҳлар», — деди ичида. Дадашев бир зарб билан Арслонни ҳушидан кетказиб, сувга ташлаб юбормоқчи бўлса керак. Узоқдаги бир ҳужра деразасидан кузатиб турган хотин челагини кўтариб, сувга чиқди-да, юзини юваётган Арслонга гап қотди: «Ўғлим-эй, маст эмасмидиларинг, муштлашаётганларингни кўриб юрагим шиғиллаб кетди. Ёмон одамлар кўп. Ўтган куни ҳув анови тегирмон ёнида бир кишини сўйиб кетишибди. Худо асради сизни, болам...»

— Тўғри, бир худо асради. Бўлмаса ўлдириб кетишмоқчи эди, — деди кулиб Арслон.

Иигирма еттинчи боб

ИГИТ ҲУСНИ ЮРАГИДА

Яна бир йил ўтди...

Бу бир йил ниҳоятда жафокаш бўлди. Наинки каттадан кичик, ҳаттоки оғилдаги сигиргача уруш жафосини тортарди. Иккинчи йилни ҳам яхши бўлиб кетди, деб бўлмайди; ҳар қалай биз юзимизга тушган ногаҳоний шапалоқдан довдираб қолмай душманнинг даҳанига мушт тушира бошладик. Биз ўзимизни ўнглаб олиб, душман билан бараварига солиша бошладик.

Мамлакат ичкарасида меҳнат армиясининг руҳи кўтарилиб, беқиёс бир ғайрат, яқин ғалаба қувончлари юракларга завқ сола бошлади.

Вақт — чўян эритувчилар ишида ҳал қилувчи масалалардан бири. Бир минут бой берилса, у сифатсиз чиқиб қолади...

Қор ёғарди. Кучли шамол ғувиллаб, қум аралаш қорни кўзга урарди. Арслон фуфайкасига ўралиб, йўлларда телба-тескари ётган қувурлар, металл бўлакларидан устидан ҳатлаб ўтиб, қуюв цехига кириши билан оқ елкаси, қалпоғи устидаги қорлар эриб кетди. Кўп ўтмай смена бошланди. У фуфайкасини ечиб, устига жомакорини, бошига кўк кўзойнак қадалган воронка қалпоғини кийиб вагранка ёнига келди.

Илгарироқ келган вагранкачи ошналари билан қўл қисишиб саломлашди. Ловиллаб турган печдан узун чўмич билан «намуна» олаётган мастер Нурғалиев ёнига келди. Оғир чўмични тортиб олишда мастерга ёрдамлашди. Эриган маъдан кичик қолипга қуёрилиб, экспресс кимё лабораториясига юборилди. Шундан сўнг у белкурак билан печь ичига доломит отди. У баҳайбат оғзидан бетўхтов олов пуркар, чўян ичкарида шўрвадек биқиллаб қайнарди.

Бир дамдан кейин Арслон соатига қаради-да, юғриб бориб телефон трубкасини олди.

— Алло, экспресс лабораториясимми? Нега натижалари айтмайсизлар?! Йўқ, ўн минут эмас, ўн биринчи минутга ўтди. Қани, таркибни айтинг-чи; углевод — 38, марганец — 12, фосфор... Бўпти! Лекин бир

минут учун жавоб берасиз, дўстим. Ҳа, ҳар минут учун курашяпмиз!

У яна печь ёнига келди-да, кўк кўзойнакдан биқилаб қайнаётган металлга тикилди. Худди шу пайт цех тепасидаги кран машинисти қўнғироқ чалиб қолди. Пастда, ёнида терлаб ишлаётганлар ялт этиб тепага қарашди. Арслон «нима гап?» ишораси билан сўради. Кран машинисти билагидаги бўртиб чиққан томирини кўрсатиб, панжаси билан «кесди». Бу доломит ва темир-терсак ташиб чиқаётган вагонеткалар тўхтаб қолганига ишора эди. Арслон дўсти Володя билан ташқарига югуриб кетишди. Сал фурсатдан сўнг доломит ортган вагонеткалар цехга кириб келди. Нурғалиев Арслоннинг қип-қизариб кетган юзини кўрди. Жилмайди.

Биринчи вагранканинг тез суръатлар билан ишлашга ўтгани ва яқин келажақда автоматизацияга кўчиши чўян эритувчиларни янги муваффақиятларга илҳомлантирарди. Чўянни тўрт соатда эритиб, тайёрлаш керак. Бу давлат аҳамиятига эга бўлган масала. Марказий Комитет пленумлари шунга катта аҳамият бермоқда.

Яна ярим соатдан кейин вагранка новидан эриган чўян отилиб чиқиб, улкан қозонга туша бошлади.

— Тўрт соату йигирма минут,— деди цехга кириб келган бош инженер.— Бу катта гап!

— Тўрт соатга олиб келамиз, ўртоқ бош инженер,— деди Арслон,— шунинг учун курашяпмиз, енгамиз ҳам!

Вагранканинг ҳайбат билан ўт сочиб, вағиллаб ёниши ром қилинган ёлдор шерни эслатарди. У гўё бақирар, човут солар, эгасининг зўри билан сапчиб туриб, сакрар... ва яна кучли панжалари билан эгасини уриб, гандираклатиб юборгандай бўларди.

Шундай пайтларнинг бирида вагранка оташ панжалари билан Арслон юзига чанг солди; унинг қоши, киприклари куйиб кетди. Бунинг устига ёноқлари ҳам қизариб, шишиб чиқди. Лекин у қочмади; муддатидан ярим соат аввал чўянни эритиб, қолипларга қуя бошлади.

Цехнинг баланд шифтида кран юргизаётган машинист аёл дугонасини ўз ўрнига қўйиб, югурганича

пастрга тушди-да, Арслонни қўлидан ушлаб, медпунктга олиб кетди.

— Менга қаранг, кўряписизми?

— Йўқ.

— Хафа бўлманг, қош-киприкларингиз ўсиб чиқади.

Арслон бир ҳафта касалхонада ётди. Кўзи тузалди, ёноқларининг шиши қайтди. Лекин қош-киприк йўқ, сочи ҳам жизғанак бўлиб кетган эди. Ҳа, майли...

Ёшликда, айниқса, ҳаммаҳалла — бир партада ўтирган ёки ётоқхонасида алюмин кружка-ю, тунука чойнакда қайнаган сув ичиб, бошланган ошначилик жуда қадрли бўлади. Арслон билан Абдуллажон ўртасида бошланган ошналик мана шундай эди. Арслон ошнасининг баъзида тирриқлик қилишини — жон койитмай кўпроқ пул топишнинг кетига тушганини билса ҳам, негадир унга яқин эди. Лекин кейинги пайтларда унинг гишғишаси кўпайиб, кўп вақт пультада ўтирарди... Кеча ишга келмади. Бугун, мана йигирма минут ўтди, ҳамон дараги йўқ. Тушки овқат вақтида Абдулла цехда пайдо бўлиб, мастерга бир парча қоғоз узатди. Мастер қоғозни кўриши биланоқ «ҳали шундоқ бўлдими?» — дегандай ялт этиб унинг юзига қаради-да, индамай имзо чекди. Абдулла қоғозни чўнтакка тиқиб, Арслон ёнига келди.

— Қутулдим.

— А?

— Ишдан кетяпман! — у бақириб гапирди.

— Кетяпсанми? Кетавер! Тезроқ кет! — деди Арслон қўлидаги ломни ерга қўя туриб. Лекин Абдулла ҳам цех шов-шуви билан Арслоннинг сўзини яхши ёшита олмади.

— Нима дединг?

— Кетганинг маъқул! Бу ерда йигитнинг ўғил боласи ишлайди! — Унга қайрилиб қарамади ҳам. Ўз иши билан овора бўлиб кетди.

* * *

Шароит оғир, Ватан тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда ичимизда юрган душман унсурларнинг нима хоҳласа шуни қилишларига йўл қўйилмайди! Уларнинг қўли ушланади; Баёт бола, Дадашевлар бир

кечада қамоққа олинди. Баёт қўлга олинди пайтида, негандир бармоғидаги узугини чиқариб олиб, зумрад кўзини бураётганида маҳкам ушлаб, қўлидан йириб олинди. Тахмин тўғри чиқди — бунда захар сақланаркан. Авиация заводи клубига хизматга кирган Дадашев завод корпусларини фотоаппарат билан суратга олаётганида қўлга тушди. Унинг уйдан плёнкалар, радио передатчик ҳам топилган. Баёт бола уйдан тўппонча ҳам топилган. Сўроқ вақтида, уларга ҳамма хужжатларни фашист разведкачиларига қарашли бир фирма тайёрлагани, немис разведкаси маҳаллий халқ ичида советларга қарши иғво тарқатиш, қўпоров ишлари олиб бориш, ғарбий районлардан эвакуация қилинган заводларга маҳаллий халқ ишга кирмаслиги... кераклиги ҳақида ташвиқот қилиш ишлари топширилган... Кейинчалик Жўра аканинг айтишича, улар балиқ тутиш баҳонаси билан икки марта Сирдарё бўйига боришганини, тўр кўтариб юришгани ҳам маълум бўлган. Сирдарё кўпригининг аҳамияти ниҳоятда катталиги душманга маълум эди. Боку нефти фронтга асосан Ўрта Осиё орқали борарди. Сирдарё кўпригининг шикастланиши — бир ой муддатида фронтни ёқилғисиз қолдириш демак. Баёт боланинг қамалганини эшитган Мусоват Қори кўчадан уйга қайтиб кирмай, тўппа-тўғри Шайхонтовурга бориб, Зиё Афанди эшигини қоқди. Кампир хотинидан Зиё Афанди қамалганини, ярим кечада олиб кетилганини эшитди. Унинг капалаги учиб, тўппа-тўғри Қўштут маҳалласи томон жўнади. Бунда сартарош бир ошнасиникига кириб, қош қорайгунча ётди-да, «бир йўлини қилиб уйимдагиларга айтиб қўясан, мен соғ-саломатман, ўзимни панага олдим...» деб, кўчага чиқиб, қаёққадир ғойиб бўлди...

Унинг бу қочиши кутилмаганда бўлди. Қизил Махсум бўлса шу кунлари тунда олиб кетилиб, бир неча бор сўроқ бериб келди. Ҳеч қаёққа қочмаслиги ва ҳеч кимга ҳеч нарса гапирмаслиги, агар бу шартларни бузса қаттиқ жазоланиши турган гаплигини тайинлаб, тилхат олинди. Ариллаб юрган Мусоват Қориларга мушт тушиб, пати тўзиб, сичқоннинг ини минг танга бўлганини эшитган Нишон ака яна Арслонга дакки бермоқчи бўлган эди, уни завод кадрлар бўлимига, кейин парткомга чақириб у билан яккама-якка суҳ-

батлашишди. Шундан сўнг Нишон ака жим бўлиб, Арслонни турткиламайдиган бўлди. Аксинча, бу зукко ишчининг Арслонга муҳаббати ошди. Уйлаш керак, фикр қилган кишининг йўли доимо равшан бўлади. Фикр қилаётган киши — тан-жони соғ, яшаётган киши ҳисобланади. Алломалардан бири мен фикр қилаётирман, демак, мен яшайман, деганини ҳам эслади бу зукко ва ҳушёр ишчи.

* * *

Энди икки оғиз сўзни Барчинойдан эшитинг:

Дадасининг вафотидан кейин, орадан икки ой ўтгач, опаси билан бирга Шаҳрисабзга бориб, баъзи ҳужжатларни, уйда қолиб кетган анжомларини олиб қайтишди. Дилбар, Эркин, Ойша биби улар атрофида парвона бўлишди. Улар Тошкентга жўнаб кетганидан буён касалга ўхшаб қолган Қоплон ҳам хурсанд бўлиб кетди, думини ликиллашиб, югуриб келди. Аммо унинг бу шодлиги узоққа бормади — уни Тошкентга олиб кетишнинг иложи бўлмади. Юкларни боғлаш, вокзалга олиб чиқиш, билетлар олиш... ҳамма югуриб қиладиган оғир ишлар Эркиннинг зиммасига тушди. То поездга чиқариб, хайрлашгунча у бир лаҳза ҳам Барчиндан ажралмади. Поезд жўнаб кетаётганда Дилбар билан бирга станцияда турган Эркиннинг кўзида ёш пайдо бўлиб, юзини кўрсатмасликка ошиқди. Қўли юқорида хайр ишорасини қилиб, юзи тескари турганини Барчин поезд деразасидан шундоқ кўриб турарди...

Ҳаммаси ўтди; ўтники ўтга, сувники сувга, қолди қатиқнинг пули... Бу гапни баъзан Ҳумоюн ака айтиб юрарди. Қиш ўтиб, баҳору ёз келди. Барчин ҳужжатларини топшириб, август ойида имтиҳонлардан ўтди, сентябрдан бошлаб Тошкент педагогика институтига қатнай бошлади. Унинг ўқишга киришида Арслон бирга юриб, қўлидан келганча ёрдам берди. Одамларнинг руҳи тетик, ўқишга ҳам иштиёқ оша бошлади.

Кунлардан бир куни эрта билан Арслонлар эшиги тақиллади: Мадина хола эшикка чиқиб, келишгангина, қош-кўзлари попукдек бир қизни кўриб ҳайрон қолди.

— Келинг, қизим,— деди хола елкасини атай тутган ўша қизнинг кифтига қоқиб,— Қани, ичкарига!

— Йўқ, раҳмат! Менга Арслон акамлар керак эдилар.

— Ҳозир чақираман,— деди таажжубланиб Мадина хола эшигида турган чиройли қизнинг уялмай Арслонни сўраттирганига. Яна бунинг устига юрагига гулгула тушди:— «Бу бола тагин бир гавғони бошламаганмикан?»— у орқасида — эшикда турган қизга бир қараб қўйиб, чақира бошлади:— Арслон-Арслонжону! Ҳой Арслон!— Арслон югуриб чиқди. Онаси эшикни имлаб кўрсатди. Арслон эшикка борди.

— Ия, Барчин!

— Ҳа, мен. Ҳайрон бўляпсизми? Сиз жуда кўп марта бизнинг эшикка келгансиз. Мен ҳам келсам нима бўпти...

— Келинг, марҳамат,— Арслон қўл узатиб, Барчин билан кўришди.

— Салом!

— Қани, бу ёққа киринг.

— Йўқ, шу ерда гаплаша қолайлик.

— Ойи, бу ёққа келинг!— Арслон ҳовли ўртасида турган Мадина холани чақирди,— бу ёққа келинг!

— Э, э, уяламан, қўйинг!

— Бахт ўз оёғи билан келади, деб шуни айтади-да, ойи, бу қизнинг исми Барчиной. Эшитганмисиз?

— Ҳа, эшитганман. Эсонмисиз, омонмисиз,— Мадина хола бошқатдан Барчиннинг кифтига қоқиб кўришди,— бу ёққа киринглар, эшикда турманглар.

Барчин уялиб Арслон билан ёнма-ён юриб, ариқ бўйидаги супага келди. Мадина хола ҳовлида бир лаҳза чўққайиб ўтириб юзига фотиҳа тортди.

— Газетани кўрдингизми?— чақнаб гапирди Барчиной.

— Йўқ,— деди ҳайратланиб Арслон.

— Акамларга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилибди.

Арслон Барчин қўлидаги газетани олди, у бармоқлари билан кўрсатиб рўйхатдан «Саидбеков Марат...» сўзларини ўқиб, Барчинни бошқатдан қутлади:

— Табриклайман! Бу жуда катта воқеа! Чин юракдан табриклайман! Ойи, эшитдингизми? Барчиной-

нинг акалари — Марат ака Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлибдилар.

— Худоё худовандо мартабалари бундан ҳам зиёд бўлсин, соғ-саломат бўлиб, тезда ўз оналари бағрига қайтиб келсинлар, облоҳу акбар!

— Узларидан ҳам хат келди. Яқинда отпускага келиб кетарканлар...

Арслон Барчин каби шод эди. У умид қилиб юрган ажойиб баҳор яқинлашаётганга ўхшарди.

— Барчиной, бу жуда катта воқеа! Саидбеков ўзбеклардан чиққан дастлабки қаҳрамонлардан. Қўчқор Турдиев, Аҳмаджон Шукуровларни эшитган эдик...

Барчин Арслон ҳаяжонини завқ билан кузатиб турарди.

Йигирма саккизинчи боб

САРБУРГУТНИНГ ОНА ЮРТГА ПАРВОЗИ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Марат Саидбеков Москва — Тошкент поездига чиқаётгани, тўрт кундан сўнг Тошкентга етиб бориши ҳақида онасига телеграмма берди. Ҳамида опа Барчинни ва яна уруғларидан икки жувонни олиб, кўчадан машина топиб келган Арслон билан вокзалга жўнашаётган пайтда яна бир енгил машина келиб уларнинг эшигида тўхтади. Машинадан чиққан йигитча жиндек ҳовлиқиб, шошиб сўради:

— Уртоқ Ҳамида Саидбекова сиз бўласизми?

— Ҳа, мен бўламан.

— Мен сизни вокзалга олиб чиқишим керак.

— Сиз ким бўласиз? — Барчин сўради.

— Мен горкомда ишлайман, тайинлашган эди...

— Сиз раҳбарлик қилиб йўл бошланг, биз кетингиздан борамиз, — деди Арслон.

Улар гурра кулишди. Бу Барчинлар хонадонида бир ярим йил бадалида биринчи кулги эди.

Икки машина гувиллаганча вокзалга жўнади. Бунда, ҳукумат зали эшиги олдида бирмунча одамлар тўпланишиб туришарди. Ҳаво бугун жуда яхши, майин шабада ғир-ғир эсиб турарди. Ҳамидахон олдинда, улар залга киришди. Шаҳар ижроия комитетида ишлай-

диган Ҳожархон деган аёл уларни кутиб олиб, табриклади. Чиройли ва серсалобат зал ўртасида доира ясаб бирпас гаплашиб туришди. Орадан кўп ўтмай яна уч-тўрт машина зал зинапоялари ёнига келиб тўхтади. Улар ҳам шаҳар ташкилотларидан эди. Перронда оқ кўйлак, қизил галстук таққан бошланғич синф талабалари ҳам пайдо бўлиб қолди — уларнинг қўлларида гулдасталар. Поезд келишига ярим соатча қолганида саф тортиб келган мактаб болалари, муаллимлар, турли корхоналардан келган ишчилар вокзал майдонини тўлдирди бошлашди. Ҳамида опа билан Барчиной деразадан майдонга қарашарди. Бу одамлар нега келишяпти? Бу ишларнинг ҳаммасини кузатиб, билиб турган Арслон Ҳамида опага: — «Улар Марат акани кутиб олиш учун чиқишган», — деди. Сафларни тартибга солиб, милиционерлар ҳам пайдо бўлди. Оркестрнинг янгроқ садолари ҳам эшитилди. «Залда нима қиламиз, юринглар ташқарига чиқамиз», деди Ҳамидахон. Ҳожархон уларни ўзи бошлаб перронга олиб чиқди.

Ҳамма ёқда одамлар, одам...

Ҳамманинг диққати ҳозир келадиган поездда, бу поездда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Саидбеков келяпти... Бу ерда, одамларнинг орасида шу Совет Иттифоқи Қаҳрамонини туғиб катта қилган онаси турибди — бироқ уни ҳеч ким танимас, бунга эътибор ҳам бермасди. Уларнинг диққати ҳозир келиб қоладиган қаҳрамон Саидбековда! Уни кўриш, у қанақалигини билиш иштиёқи жўш уради. Ҳа, қаҳрамон Саидбеков эл фарзанди, у билан ҳамма фахрланса арзийди. Бўйи етган баъзи қизлар келиб Ҳамида опани табриклашарди, Ҳамидахон ҳамма нарсани билиб, кўриб туриб ичидан қувонарди. Қани энди шу пайтда Ҳумоюн ака бўлсалар... Ҳамида опа кўзига ёш олар, рўмолчаси билан кўзларини артарди. Барчин: «Опа, йиғламанг, унақа қилманг», дерди. «Аданг раҳматли бўлганларида хурсанд бўлардилар, шунга ўпкам тўлиб кетяпти...» дерди. У киши доимо Маратжондан хавотир оларди: «Ўғлимнинг ҳарбийга чақирилиши урушга тўғри келиб қолди, ишқилиб соғ-саломат келсин», дердилар. Ўзи бечора ўлиб кетди, мана, фарзанди соғ-саломат...

Перронда юрган Барчин одамлар орасидан ўтиб, милиционерларнинг рухсат бермаганликларига ҳам

қарамай панжара ёнидан вокзал майдонига қаради. Улкан майдон одамлар билан тўлган. Вокзал биносига олиб чиқадиган зиналар устидаги супага микрофон ўрнатилган. Ҳамидахоннинг чиғатойлик уруғлари ҳам оғзини очиб, ҳайрон бўлиб қолишди. Бу ишларнинг ҳаммасини шаҳар партия ташкилоти қилаётганини пайқаган Арслон Ҳамида опага у билан кўришгани, қутлагани Тошкент шаҳар партия комитетининг секретарлари ва бошқа масъул ходимлар келаётганини маълум қилиб қўйди. Ағрайиб, оз-моз гангиб турган Ҳамидахон ўзини ўнглаб, ялт этиб раҳбар ходимларга қаради.

— Табриклаймиз, Ҳамида опа! Қаҳрамон фарзандингизнинг келиши билан қутлаймиз!— шаҳар партия комитетининг секретари Ҳамида опа, Барчин ва бошқа қариндошлари билан қўл сиқиб омонлашди — мана, ҳозир поезд келиб қолади. Боя Келесдан ўтиб кетганини телефонда айтишган эди. Юринглар, сал нарироққа бориб турамиз,— деди хушфёъл, басавлат секретарь. У Ҳамида опа билан ёнма-ён юриб, белгиланган жойга келиши билан узоқда паровоз кўришиб, бир қичқириб қўйди. Бу «Тошкент вокзалига кириб келяпман!» дегани эди.

Майдон тўла одам.

Оркестр тинмай куйлайди...

— Москва—Тошкент поёзди, пишқириб келган паровоз анча нарироққа бориб, секинлашиб, Саидбеков тушган олтинчи вагон худди улар турган жойга келиб тўхтади. Шу вагон зинаси устида бошқа йўловчилар орасида турган Марат аввал одамларга қараб ҳайрон бўлди, кейин бир қўлида шинели, бир қўлида чамадони, вагон зинасидан сакраб тушди. У қўлидаги чамадонини ерга қўйиб онасига ташланди. Ҳамидахон қўлларини ёзиб Маратни қучоқлади, бағрига босди. У йиғлар эди, ўглининг тепадек елкасига қўллари етмас эди. «Худога шукур, худога шукур болам, сени кўрдим» дерди онаизор. «Қалай, омон-эсонмисизлар, опа!» дерди Марат. Ҳамидахон нима дейишини билмай, шошиб қолганидан унга «худога шукур, ҳаммамиз соғмиз», дерди. Марат синглиси Барчин билан, қариндошлари билан, шаҳар партия комитетининг секретари ва бошқа расмий кишилар билан ҳам омонлашди. Танир-танимас шу ерда турган Арс-

лон билан ҳам қўл беришиб омонлашди. Фоточилар, киночилар Марат Саидбековни ўраб олишган эди. У ҳарбий кийимда, унвони майор, кўкрагида Ленин ордени ва Олтин юлдуз, ўнг томонида биринчи даражали Ватан уруши ордени ва гвардия значоги, медаллар... У ўша суратдаги Марат Саидбековнинг ўзгинаси, аммо жуда содда ва серғайрат йигит. Унинг хатти-ҳаракатидан бунақа тантанани кутмаган экан.

Шаҳар партия комитети секретарининг таклифи билан улар катта майдонга, мингларча одамлар ёнига чиқишди. Оркестр серҳаяжон куйни чалиб турарди. Ҳамманинг кўзи бир кишида — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Марат Саидбековда.

Секретарь микрофон ёнига келиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони — Марат Ҳумоюнович Саидбековнинг келиши шарафига бағишланган митингни очди. У, майор Саидбеков ва унинг артиллерия қисмининг кўрсатган баҳодирликлари ҳақида гапирди, Генерал Собир Раҳимов, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Қўчқор Турдиев, Аҳмаджон Шукуров, Боис Эргашев, Тўйчи Эрийгитов, Бобоев ва бошқаларни ҳам тилга олди.

Секретардан кейин «Ташсельмаш» заводидан Нишон ака, «Сталинчи» колхозидан Ҳамроқул Турсунқулов, мактаб ўқувчилари номидан бир қорачадан келган қиз бийрон-бийрон сўз айтиб, қаҳрамонни табриккладилар. Пионерлар Маратни гулдасталарга буркаб юборишди...

Сўнгра микрофонга Совет Иттифоқи Қаҳрамони Марат Саидбеков яқинлашди:

— Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Мен сизларга немис-фашист босқинчилари билан аёвсиз жанг қилаётган фронтдаги баҳодир фарзандларингиздан салом келтирдим. Азиз ота-оналар, ёр-биродарлар! Биз сизни ишонтириб айтамикки, қудратли Совет Армиямиз тез кунда душманни тор-мор этиб, кишиликни фашизм балосидан халос этади. Яшасин Коммунистик партиямиз! (Мингларча одамларнинг «ура-си янгради») Менга шунчалик ҳурмат кўрсатиб, кутиб олганларингиз учун раҳмат! Мен бу ҳурматни шонли Совет Армиямизга, Коммунистик партиямизга кўрсатилган ҳурмат деб тушунаман! (Яна ура овозлари янгради.)

Шундан сўнг шаҳар партия ташкилотининг секретари Марат Саидбековни бошлаб одамлар ёнига олиб борди, у сафлар олдида юриб, кишилар билан омонлашди, унинг оёқлари остига гуллар ташлашди. Баъзилар қўл бериб, баъзилар нарироқдан қўл қисиб, қаҳрамонни қутлашди. Улар бир муддат ҳамшаҳарлар билан омонлашгач, тайёр турган машиналар ёнига боришди. Олдинги машинага Ҳамидахон опа, Марат, Барчин ўтирдилар. Маратнинг чамадони ва шинелини кўтариб юрган Арслон иккинчи машинага ўтириб, Қизил майдонга келишди. Марат машинадан чиқиб, қучоғидаги гулларини Ленин ҳайкали тагига қўйди. Ҳамидахон ҳам, Барчин ҳам, иккинчи машинадаги Арслон, шаҳар партия комитети секретари ҳам, гулларини доҳий ҳайкали тагига қўйишди.

Машиналар Алишер Навоий кўчаси бўйлаб бормоқда эди.

Уйда қолган чол-кампир ҳовлидан то дарвозагача гилам тўшаб, поёндоз солиб ўтиришар эди. Қўниқўшниларидан уч-тўрт киши уйларида олиб чиққан гиламларини ғилдирак қилиб, йўлакда ушлаб ўтиришарди. Узоқдан Марат Саидбековлар машинаси келатганини кўриб, дарвозадан йўлка орқали то катта кўча ўртасигача гилам ёзишди. «Ният қилдик, гиламимизга қаҳрамоннинг оёғи тегсин. Бизнинг фарзандимиз ҳам шундай бўлсин, ният қилдик», деб гилами ёнида қўл қовуштириб туришарди.

Нима қилишини билмай ийманиб турган Маратга онаси: «Юра бер, боламиз сендек бўлсин, деб ният қилишган, журавер»,— деди. Марат танишлар, қариндошлар, дарвозаси олдида тўпланган одамлар билан омонлашиб, ичкарига кирди. Ҳозиргина кифтига қоққан кампир югурганча ошхонага бориб, боятдан бери тайёрлаб тутатиб ўтирган хокандоздаги исириқни олиб чиқиб, Марат атрофидан айлантирди, этакларини, қўлларини исириққа солиб, ерга қўйди. Шундан сўнг ерда чўққайиб ўтириб, пичирлаб нималарнидир ўқиди, кафтини фотиҳага очиб, юзига тортди.

Марат уйларига кириб, бир айланиб чиқди-да, ҳовлидаги стулга ўтирди.— Бу ерга келган қариндош-уруғлар, қўниқўшнилари, болалар, ҳамма-ҳаммаси уни кузатишарди. Бир оз дамани олгач, синглисига мурожаат этди.

— Барчин, ҳовлидаги гуллардан ҳам ол, машинадаги ҳамма гулларни яхшилаб бир неча букет қилинглари!

— Хўп,— деди Барчин.

Арслон дераза ёнида турган гулқайчини олиб, ҳовлидаги гуллардан саралаб қирқди. Машинадаги гулдасталарни ҳам олиб, ўзи тезда тайёрлади.

— Опа, қани, бўла қолинг!— деди Марат Ҳамида опага мурожаат этиб,— қабристонга, адамларнинг ёнларига бориб келамиз.

Яна ўша машиналарда Марат, Ҳамидахон, Барчин, иккинчи машинада кампир буви, Арслон ва яна икки-уч хотин ўтириб, Чигатой қабристонига боришди. Марат отасининг қабри тепасида бош эгиб йиғлади. У чўкка тушиб, қабр устига қўлларини қўйди, ундан сўнг пешанасини тегизиб, йиғлади. «Кўролмайдим, гаплашолмайдим, адажон...» деб анча вақтгача бош эгиб ўтирди. Шундан сўнг, у ўрнидан туриб, қабр устига гулдасталар қўйди. Барчин ҳам, Арслон ҳам қўлларидаги гулдастани қабр атрофига қўйдилар.

Қайтишда Марат бу ерга дафн этилган бошқа кишиларнинг қабрларини ҳам зиёрат қилиб, мармар тошларга ёзилган исм-фамилияларни ўқиб, кейин қабристондан қайтиб чиқишди. Гўрковга пул берди. Икки-уч кундан кейин яна келажагини, мармар тош қўйишини айтди.

Уч кундан сўнг, дарҳақиқат Марат Арслон билан бирга катта оқ мармар тошга: «Ҳумоюн Саидбеков. 1890—1943» сўзларини ўйиб ёзиб, олтин ранги билан бўяшни, қабр атрофига темир панжара, яхши пишиқ ғиштлар билан кўтариб чиқишни заказ қилди. Алоҳида бир уста билан шартлашиб, кунларини аниқлаб олди. Узининг Тошкентда ўн беш кун бўлиб яна фронтга — ўз қисмига қайтишини айтиб, усталарга тезроқ қилиб беришларини илтимос қилди. Усталар, «сизнинг айтганингиздан ҳам аъло қиламиз, белгиланган кунингизда тайёр бўлади», дейишди.

Марат келган кунининг эртасигаёқ уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қабул қилиб, у билан узоқ суҳбатлашди. Кечқурун Дўрмондаги ўз боғида Марат Саидбеков шарафига зиёфат берди.

Марат Тошкент шаҳридаги бир неча мактабларда, ҳарбий билим юртида, ҳарбий лагерда ўтказилган учрашувларда қатнашди. Ҳамроқул Турсунқулов, Назарали Ниёзов, Абдулла Ортиқов колхозларида ҳам бўлиб, колхозчилар билан суҳбатлашди. Нишон ака, Михаил Матвеев, Нурғалиев, Арслонларнинг илтимоси билан у «Ташсельмаш» заводида ҳам бўлиб, ишчиларга фронтдаги жанглар ҳақида гапириб берди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, у ёнига опаси билан синглисини, Арслонни олиб Шаҳрисабзга, адаси ишлаган шаҳарга жўнади. Бу хабарни эшитган шаҳрисабзликларнинг каттадан-кичик ҳаммалари поезд станциясига чиқишди.

Шаҳрисабзда — ўзбекларнинг қадимий қутлуғ шаҳарида ҳамма байрам қилди. Қаҳрамонни кутиб олиш Тошкентдагидай илиқ ва самимий бўлди. Улар икки кун туришни мўлжаллашган эди, райком секретари — отасининг дўстлари уни асло қўйиб юборишмади... Дилбар ҳам, Эркин ҳам, Ойша биби ҳам улардан бир лаҳза ажралмади. Бу дили пок, дўсара одамлар ҳақида Ҳамидахон опа Маратга гапириб, уларни ғойибона таништириб қўйган эди. Шу сабабли Марат улар билан эски танишдек аралашиб кета берди. Арслонни худди ўз укасидек яқин тутиб, унга иш ҳам буюрарди. Арслоннинг номини у фронтдалигидаёқ эшитган...

Қайтадиган кун, хона ичидаги диванда дам олиб ётган Марат холи қолишганидан фойдаланиб, онасига мурожаат этди:

— Опа, анави комсомол секретари турмушга чиққанми?

— А? — деди ўғлига ялт этиб қараб Ҳамидахон, — Дилбархонни айтяпсанми?

— Ҳа.

— Йўқ. Ҳали у ёш-а, болам.

— Нечада дейсиз?

— Ун тўққизларда бўлса керак.

— Ун тўққиз — ёш бўладими?

— Қайдам. Менинг кўзимга ёш кўринади. Барчининг дугонаси-да. Лекин жуда одобли, ақлли қиз.

— Чиройли экан. Доим чақнаб туради. Нодон бўлганда район комсомолларига раҳбар бўлармиди. Анави фронтвик акаси бўлса керак-а?

— Эркинжон — Дилбарнинг акаси. Бечора ярадор

бўлиб келди. Аввал военкоматда ишлаётган эди, кейинчалик аданг раҳматли уни мактабга директор этилиб тайинлашда ёрдам берганлар...

Куннинг иккинчи ярмида ҳовлида пайдо бўлиб қолишган Барчин билан Дилбарни Ҳамидахон опа ошхонага чақирди.

— Савзи тўғрашиб юборларинг, ўзим бир ош қилиб бермоқчиман,— деди Ҳамидахон.— Сен, Барчин, чиқиб Ойша бувингни чақириб чиқ!

Барчин югурганича қўшниниқига чиқиб кетди. Ундан кейин Ҳамидахон сабзи артаётган Дилбарга чойнакни кўрсатди.

— Дилбарой, ойнаиб кетай, шу чойни Марат акангизга олиб кириб беринг. Эсим қурсин, хаёлимдан кўтарилибди.

Дилбар пичоқни қўйиб, чойнак-пиёлани ичкарига олиб кириб кетди. Барчин Ойша бибини айтиб чиқди. Ҳамидахон қизига «шу ошхонада жим ўтириб, сабзгни арт!» деди лаби билан ишора қилиб. Барчин ташунди. Ичкари хонадаги стулда ўтирган Дилбар деразадан кўриниб турарди...

Марат Дилбар кириши билан ўрнидан турди, тааж-жубланиб, хижолат бўлди.

— Э, сизга буюришдимми?

— Зарари йўқ.

— Марҳамат қилиб, бир лаҳза ўтиринг, чой ичамиз.

— Раҳмат! Мен чой ичганман. Бемалол.

— Илтимос қиламан, озгина ўтиринг,— деди Марат. Дилбар Маратнинг кўзларига қаради, нима бўлаётганига тушунмай, ёнидаги стулга ўтирди. «Совет Иттифоқи Қаҳрамони, бутун республика қадрлаб, олқишлаётган одам»нинг салобати босиб, ҳайрон бўлди. Маратнинг ўзига тез-тез қараб, кузатиб юрганини ҳам сезган эди. «Ё тавба! У менга нима демоқчи?» Қиз яна бир марта унинг кўзларига тикилиб қаради. У бир нима демоқчи эканини пайқади.

— Биз бугун кечқурун кетамиз. Тошкентда ҳам кўп бўлмай фронтга, ўз қисмимга бораман,— деди Марат рўпарасида ўтирган Дилбарга,— вақтнинг зиқлигини қаранг. Бунинг устига ҳамма ёқда одам, сиз билан бафуржа гаплашишга ҳеч имконият йўқ. Ана, ҳовлида опам, Барчин... Ана, кампир буви ҳам

кирдилар... Шундай шошилинч вақтда сизга бир оғиз сўз айтсам майлими? Кўнглингизга олмайсиэми?

— Марҳамат, айтинг,— деди Дилбар бир оз сукут сақлагандан кейин қизариб.

— Мана шу соатим сизда қолади,— деди Марат билагидаги соатини ечиб,— ўзи жуда оддий, бу окопларда, блиндаж, траншеяларда мен билан бирга бўлди, лойларга тушиб кетди, цементларга уриб олдим, икки-уч марта ойнаси ҳам синди, лекин бари бир юриб турибди. Жуда аниқ юради... Бу олтин браслет, бриллиантлардан ҳам қиммат. Шу сизда қолсин. Илтимос қиламан, олинг! Тақсангиз ҳам уят бўлмайди, ўзи ихчамгина, қизларнинг соатига ҳам ўхшайди. Шунини сизга умид билан қолдирмоқчиман. Яқин ғалабамиздан кейин қайтиб келаман-ку... Шунини олинг, Дилбар!

— Мен тушунмаяпман, нега? Офицерларга соат керак-ку?— деди жилмайиб Дилбар.

— Шу сизга, олинг! Шу гапни ҳаддим сиғиб айтганим учун кечирасиз. Мен сизни яхши кўриб қолдим. Юрагимни очиқ айтмасам бўлмайди. Чунки мен кетадиган одамман. Агар жиндаккина сизга ёқсам, мени кутинг...

— Хўп,— деди ўрнидан туриб шаддод Дилбар. У чойни бир-икки чойнакка қайтариб, деразадан қараб турганларга кўрсатиб, Маратга бир пиёла чой узатди. Марат Дилбарнинг кўзларига тикилиб, оз бўлмаса чойни тўкиб юборай деди.

Шундан сўнг Дилбар ташқарига чиқиб кетди...

* * *

Маратнинг Тошкентдалиги, унинг бевосита хоҳишу иродаси, Ҳамида опа билан Мадина хола, Нишон акаларнинг тезликда қилган маслаҳатлари натижасида шанба куни Барчиной билан Арслоннинг никоҳ тўйи бўлди. Тўй қизниқида, кейин куёвниқида бўлди. Уруш вақтининг қийинчиликларига қарамай, тўйнинг асосан Марат ва ундан сўнг Мадина хола тўплаган бисотлар кўтарди. Саидбековнинг ҳовлисига жуда кўп бообрў масъул ходимлар келди. «Келгусида бошланаяк мингларча никоҳ тўйларимизга бу хамиртуруш бўлсин», деди кулиб Марат. Тўйга Шаҳрисабздан Дил-

бар билан Ойша биби келди-ю, Эркин келмади. Бунинг сабаби бор эди... Арслоннинг поччаси Қизил Махсум ҳам қатнаша олмади. Бунинг ҳам сабаби бор эди... Барчинлар ҳовлисидаги тўйда шаҳар партия комитетининг секретари, Арслонлар уйдаги ўтиришда эса Нишон ака раислик қилди. Дўппи кийиб олган Жўра ака билан граждандан кийимидаги Петр Муравьев ҳам тўйда ўтиришди. Тўйда «иш кўрсатган» фақат Шавкат Нурғалиев бўлиб, унинг кайфи ошиб, маст бўлиб қолгач, Нишон аканикига олиб чиқиб ётқизиб қўйишди.

Икки севишган юрак бир-бирига қўшилиб, муроду мақсадларига етдилар.

Майор Марат Саидбеков фронтга жўнаб кетаётган куни куёви Арслонни чақириб, шундай деди:

— Сиз ҳам куёвсиз, ҳам укасиз. Агар Барчин чиқиб кетса бизнинг ҳовлимиз ҳувиллаб қолади. Опамларнинг бир ўзлари. Шунинг учун менинг йўқлигимни билдирмай опамлар билан бирга туринглар. Қудағайимизни ҳам олиб келинглар. Мен омон-эсон қайтиб келганимдан сўнг сизларга рухсат бераман.

— Хўп бўлади,— деди Арслон.

— Буйруқ беришга ўрганиб қолганман-да, хафа бўлмайсиз!

— Аксинча, Марат ака, сиз мени укам, дедингиз. Бундан ортиқ ишонч борми!

— Шундоқ бўлсин, укажон!

Йигирма тўққизинчи боб

ЧИМКЕНТДАГИ УЧРАШУВ ЕКИ «ЧИРМАНДА ДОМЛА»

Кўкалдош мадрасаси гумбазига оқ лайлак келиб қўнди!

Шаҳарнинг ҳамма томонидан кўриниб турадиган бу баланд гумбаз кўндан кимсасиз, чўққисидаги лайлак уяси ҳам бўм-бўш ётарди.

Баҳорнинг илиқ кунлари келиши билан улкан оқ лайлак келиб, гумбаз устидаги уяга қўнди. Унинг узун оёқларини чалиштириб туриши, қадди-қомати, узун бўйни ҳаммага кўриниб турарди. У, томлар.

ҳамма гумбазлар гумбази устидаги тождек виқор билан улкан шаҳарга кўз ташлар, ҳеч нарсадан ҳайиқмай ўтирарди. Одамлар ҳам унга ҳайрат билан қарашар; анча йилдан бери бўш ётган уя обод бўлибди. Тошкентда бўлган шамолу бўронлар бу баланд сават — уяни учириб кетолмади — оқ лайлак уни мустаҳкам қурган экан. Бу қушни йўқолиб-йитиб кетди, дейишган эди, йўқолмаган экан. Ана, келиб ўтирибди! Ҳамма ҳайрон, ҳамма хурсанд...

Яна баҳор... Бу баҳор зўр баҳор, ғалабамиз баҳори бўлди. Бу баҳор — бебаҳо баҳор!

1945 йил, Май.

Жуда кўп одамлар қатори Боймат ака ҳам жангдан соғ-саломат қайтди. У фақат бир-икки енгил ярдор бўлибди-ю, асосан ҳамма ёғи соғ эди. У бутун Европани ҳам озод этишда қатнашиб, Берлингача борибди. Чимкентлик йигит Боймат — ўз юртига қайтди. Хотинининг вафотини эшитган эди. Маҳалладаги таниш-билишларига, асосан Мусоват Қорига хат ёзиб, қизи Субҳияни қарамоғига олишни ёки Чимкентга олиб бориб, элалари қўлига топшириб келишни илтимос қилган эди. У уч бор хат ёзиб, Қоридан бир марта ҳам жавоб олмади. «Келгинди»га аслзода Қори жавоб қилмади — урушда ўлиб-нетиб кетади, деб ўйлаган бўлса керак-да! Ҳар қалай қўшним Мусоват Қоридан бошқа одамлар ҳам бор, ҳукумат бор... деб Боймат юрагини чўктирмай, ёмон хаёлларга бормамай автоматини ушлаб окопдан-окопга, даладан-далага... Ғарб сари жанг қилиб, бўрондай югураверди.

Наинки ёмон хаёлларга бориш, ерга ётиб, дод деб чирқираса арзийдиган, даҳшатли воқеалар бўлган эди. Унинг ёлғиз, суюкли жамалаксоч қизи ўлган эди.

Ана, Кўкалдош гумбазига оқ лайлак келиб қўниб ўтирибди. Субҳия, хо-о-о Субҳия, азиз қизим, жоним қизим, қаёқдасан?!

«Су-у-уб-ҳи-и-я-я! Қаёқдасан? Жоним болам қаёқдасан?! Мен келдим! Ана, Кўкалдош тепасига қара, қизим, оқ лайлак қўниб ўтирибди. Қаёқдасан, мана мен жангдан келяпман! Эшикни очиб, кўчага чоп-қиллаб чиқмайсанми?! Югуриб келиб, бўйнимга осилиб, мени қучоқламайсанми, қизим! Юрагим узилиб кетди-ку!»

Маҳалла чойхонасида йиглаб ўтирган солдат йигит — Бойматнинг ёнига келган Арслон уни ўз ҳовлисига олиб кирмоқчи бўлди. Боймат кирмади. У ўз ҳовлисига ҳам кирмади. Унинг учун бунда ҳеч нарса қолмаган эди. «Укажон, мени зўрламанг, кирмайман! Ўз ҳовлимга ҳам кирмайман, сизникига ҳам! Менинг биттагина қизимга қаролмаган қўшниларнинг ҳеч қайсисига кирмайман! Эшиги эшигимга тўғри одамларга ишонган эдим. Шунча болалар қатори менинг битта қизим ўлмай юрса нима бўларди! Пичоғингиз йўқми, укажон, кўкрагимга тиқиб ташлагим келяпти, кўкрагим ёниб кетяпти!

«Су-у-б-ҳи-я-я-я! Қаёқдасан, жоним қизим! Ахир, отанг келди, чиқ бу ёққа!»

У девонага ўхшаб, кечгача бақириб ўтирди. Баъзилар бечоранинг юрагидаги аламини билиб, боши қуйи ўтиб кетишарди. Баъзилар бу бўлган воқеадан беҳабар, ҳайрон бўлиб, «девона бўлиб қолган солдатга» тикилишиб кулишарди...

Унинг кўкраги тўла орден ва медаллар...

Кечга яқин Боймат ўрнидан туриб Арслонларникига кирди. Эшикни тақиллатиб, Арслонни чақирдида, у билан бирга қабристонга борди. Қизи, хотини қабрларини қучоқлаб, йиглаб ўтирди. Бир муддатдан сўнг у Арслон билан бирга гўрковни топди.

— Қизимни сиз кўмганмисиз?

— Ҳа, мен,— деди ёши ўтиб қолган чўлоқ гўрков.

— Хотинимни ҳам сиз ўзингиз кўмдингизми?

— Шу қизнинг онасиними?

— Ҳа.

— Атай қизга онаси ёнидан қабр ковлаб кўмдим. Ёнига қўйдим, савоб бўлади, дедим. Отасини урушда дейишган эди, сиз бўласизми?

— Ҳа, мен.

Гўрков чўққайиб ўтирди. Боймат билан Арслон ҳам. Гўрков қуръон ўқиб, юзига фотиҳа тортди.

— Шундан бошқа иложимиз йўқ, ўғлим. Икковининг ҳам жойи жаннатда бўлсин.

— Мана буларни олинг, ота,— Боймат кармонидаги ҳамма пулини гўрковга узатди,— қизим билан хотинимнинг қабрига яхши қараб туринг. Қуръон ўқиб қўйинг...

— Бу кўп, ўғлим. Мен бунча пул олмайман. Беш-ўн сўм берсангиз етади.

— Йўқ, оласиз, отахон! Агар сиз олмасангиз ҳозир бу пулларни бурдалаб ташлаб кетаман. Мен юрагимдан чиқаряпман. Вақти-вақти билан қабр устидаги ажриқларни олиб, гулбеорми, шунга ўхшаш бирон нима экиб қўйсангиз. Мен узоққа кетаман, яна бир келганимда адаштирмаслик учун белги қилиб қўйсангиз...

— Ҳаммасини қиламан, ўғлим. Лекин бари бир бу пул жуда кўп. Мен умримда бунақа кўп пул ушламаганман, ишонинг, ўғлим.

— Олинг! Сизга буюрган экан. Кичкина болангиз борми?

— Ҳа, олти яшар қизим бор.

— Болаларингизни яхши парвариш қилинг. Бу пулларни мен сизга ўз ихтиёрим билан бердим. Мана, менинг йўлдошим гувоҳ. Бу пуллар қалол. Олинг, отахон, илтимос қиламан, олинг! Бу пуллар сизники. Хотиним билан қизимга йиққан эдим, буюрмаган экан.

— Хўп,— деди гўрков пулларни олиб,— қўлимдан келганча иккала гўрни яхшилаб қўяман, ҳамма вақт қараб тураман.

— Раҳмат!— деди ўрнидан туриб Боймат.

Улар бирга юриб, яна маҳаллага келишди. Арслоннинг қистови билан Боймат унинг ҳовлисига кириб, шу куни тунаб қолди. Эрта билан енгилгина юкини кўтариб, қариндош-уруғлари, туғилиб ўсган ернини қоралаб, Чимкентга жўнаб кетди.

* * *

Бойматнинг уруғ-аймоқлари шунча алам билан бу йигитнинг соғ-саломат юриши қийин, бечора қизи билан хотинини жуда яхши кўрарди, ўзини ўзи еб қўймаса яхши бўларди, деб уни зиёфатдан-зиёфатга судрашди. Опаси зора овуниб, алами ёзилса, деб бир жувонга уйлантириб ҳам қўйди. Лекин жамалаксоч Субҳияси унинг кўз олдидан асло кетмади. Яна бунинг устига бечора қизчанинг биронта сурати ҳам қолмади. Бу, Боймат учун иккинчи дард бўлди. Эрининг ўзига нисбатан совуқлигини кўрган жувон уч ойдан

сўнг: «Йўқ, мен сиз билан туrolмайман, сизнинг хаёлингиз бошқа ёқда. Хотин кишига эрининг бепарволигидан ҳам ортиқ ҳақорат йўқ!» дебди. Озиб, баттар қорайиб кетган Боймат «Майли, ўзинг биласан...» деб хотинига рухсат берибди.

У ичкиликка берилиб кетди. Ичмаган куни йўқ... Лекин одамлар билан ёқалашмайди. Кўчада ўйнаб юрган майда болалар ёнига келиб, тикилиб, йиғлаб ўтира беради. Чўнтагида конфет олиб юриб уларга улашади...

Ёз ичи икки марта Тошкентга келиб, хотини билан қизининг қабрини зиёрат қилиб кетди. Йўл-йўлакка Арслонга учраб: «Хотинимга паспорт берган милиция идорасидан қизимнинг бирон сурати топилмасмикан, паспорт олганда фотосуратининг бир нусхаси паспорт столида қоларди-ю, мабодо топиб берсангиз жуда миннатдор бўлардим», деди. Арслон унга, топишга ҳаракат қиламан, деб ваъда берди.

Бир ишнинг бошини тутолмай, ичкиликка берилиб, хаёл паришон бўлиб юрган Бойматни опаси етаклаб, Чимкентнинг пастқам бир кўчасидаги «Чирманда домла» деб ном чиқарган сўққабош, патак соқол, қирғий бурун домлага олиб бориб, бир ўқитиб ташламоқчи бўлди. Битта қази, иккита товуқ, қирқта тухум олиб опа-ука «Чирманда домла» эшигини тақиллатишди. «Чирманда домла» ўқитгани келган аскар одамларга пулэмас, қази, товуқ, тухум олиб келинлар, мен бозорга бормайман, дерди. Куф-суфларни, фолбинларни ёмон кўрадиган Боймат ширакайфлигида опасига ваъда бериб қўйган эди, боришга мажбур бўлиб қолди. «Чирманда домла»нинг таърифи кетган эди. У чирманда чалиб, саннаб, «мисқол пари, ойтўра парилар»ни чақириб, дам қуръондан оят, дам Абомуслимдан ривоят айтиб, оғзи кўпириб ўқирди. У «ўқиб қўйган» баъзи одамлар тузалиб кетган эмиш... Баъзи жин теккан, оғзи қийшиқ бўлиб қолганларни хивич билан савалаб, баъзиларига эзиб ички ҳам ёзиб берарди. Бойматнинг опаси «Чирманда домла» ҳақида анча лоф урди.

Улар Дарвеш бобо қабристонидан нари, Қўчқор ота суви ёқасидаги қийшайиб ётган эшикдан эгилиб ҳовлига киришди. Ҳовли жимжит, қаровсиз. Ҳамма ёқда супурги, ажриқ шўрхок ўтлар ўсиб ётибди. Су-

пурги ўтлар соясида бир оламушук кўзларини ялтиратиб ётибди. Рўпарада тандир — у бир кўзли девдек қоп-қорайиб, ўқрайиб турибди. Бурчакдаги кўримсиз, туйнукларига қоғоз тутилган ҳужрадан чирманда овози чиқарди. Ҳужрага кираверишдаги айвон четига устига кострюл қўйилган примус ёниб ётибди. Қозонча ичида товуқ шўрва билқ-билқ қайнади...

Ичкаридан бир кампир чиққач, Боймат билан опаси «ассалому алайкум!» деб «Чирманда домла» ёнига кириб, чўкка тушиб ўтиришди. Олиб келган оёғи боғлоқлик товуқни, қази, тухумни намат четига қўйишди.

— Нима қилди, жигарим, бу йигитга?

— Домлажон, бир «кўчириқ» қилиб қўйсангиз. Укам бетоб...

Ширакайф Боймат «Чирманда домла» рўпарасига ўтириб, бақа бўлиб қолди. У серсоқол домладан асло кўз узмасди. Бир лаҳзадан кейин хахолаб кулиб юборди.

— Ия, жинни бўлдингми, жим ўтир!— деди опаси.

— Бу, ўзимнинг қўшним-ку!

— Нима-нима?!— деди тиши тушиб кетган кекса опаси укаси мастлигидан хижолат бўлиб,— сенга жим ўтир деяпман! Бу қанақа қилиқ! Домла хафа бўладилар.

— Ассалому алайкум, Қори ака!— деди Боймат.

Домла ўқрайиб қаради. Унинг кўзлари ёниб, ўсиб кетган соқоллари орасида тишлари кўринди.

— Ассалому алайкум, Мусоват Қори Абдулхайронов! Мени танимаяпсизми? Мен қўшнингиз Бойматман! Менга тишингизни кўрсатманг, қўрқмайман!

— Бу нима жиннилик! Сиз ўқитгани келдингизми ёки маст бўлиб майнавозчилик қилганими? Мен бир ғариб одамман, масхара қилмай чиқиб кетинг! Дуойибад қиламан! Ҳой, хотин, буни олиб чиқиб кет!

— Ия, қиёматлик қўшнига ҳурмат шу бўлдимми?— деди Боймат.— Унда бошқача гаплашамиз! Мусоват Қори қани ўрнингиздан туринг! Сиз «ғариб» эмассиз, бола-чақаларингизни ташлаб, бу ёқларда қошиб юрибсиз!

— Янглишяпсиз!

— Қори ака, сиз маҳаллада энг тушунган одам

эдингиз-ку, энди «Чирманда домла» бўлиб қолганингиз муборак! Менинг кучим кўп, чўнтагимизда қурол ҳам бор, бу мастлигим ёлғон, шу сабабли яна қочишни ўйламанг! Мен билан ҳозир милиса идорасига борасиз!

— Лаббай?!

— Шундоқ.

— Уят эмасми, укажон! Ахир мен...

— Менинг юрагим ёнади, сиз ўз башарангиз билан алаимни қўзғаб қўйдингиз... Туринг ўринингиздан!

— Турмайман, кет бу ердан!

Боймат бориб «Чирманда домла»ни ёқасидан ушлаб, ўрнидан азот кўтарди. Домла этиги қўнжидаги пичоқни суғириб олаётганида кўзи тушиб, билагидан ушлади:

— Қорака, пичоқни ташланг! Мен солдатман-а, тўрт йил нима қилганимни биласиз. Ташла пичоқни, қочоқ!— у зарб билан Қорининг қўлига бир урди, «Чирманда домланинг» қўлидан пичоқ тушиб кетди.

Бойматнинг опаси, «войдод, уришиб кетишди, ажратинглар!» деб чапак чалиб кўчага чиқди. Қўни-қўшнилари чақира бошлади. Боймат бўлса Мусоват Қорини судраб ҳовлига олиб чиқди: ўсиб ётган супурги ўтлар тагидаги оламушуклар қочиб қолди. Жимжит ҳовлига тўпланган «инсу жинслар» ҳам тўрт томонга қочиб кетгандай бўлди. Ҳовлида Мусоват Қори Бойматга ялина бошлади:

— Жон ука, менга озор берма.

— Сиз Мусоват Қори эканлигингизни, менинг қўшим бўлганингизни, ҳақиқатни эътироф этмаяпсиз-ку, мен сизни қўйиб юбораманми!

— Ҳа, ўша Қориман...

— Қори бўлсангиз, бу чакалакда нима қилиб юрибсиз?

— Бошимга иш тушди. Шу сабабли сарсон-саргардон бўлиб юрибман. (кўси, мени қўйиб юбор. Мен ҳозирдан бошлаб Чимкентдан чиқиб кетаман.

— Тошкентга борасизми?

— Ҳа.

«Тошкент» сўзини айтди-ю, яна ёдига Субҳия тушди...

— Ўзим сизни Тошкентга олиб бораман. Қани, юринг!

— Анави товуқ шўрвамни ичиб олай, бирпас сабр қил.

— Мен ўшанда Тошкентдан Чимкентга оч келганман. Яёв келаётиб йиқилиб қолганимда сомон ортган кишилар аравасига солиб, ярим йўлгача олиб келиб қўйишди. Аравадан машинага, машинадан аравага ўтириб, икки кунда етиб келдим. Сизни, худо хоҳласа поездда жўнатаман. Қани, юринг!

Боймат Мусоват Қорининг ёқасидан ушлаб, кўчага олиб чиқиб, тўпланган уч-тўрт одамга таърифини келтирди. Шундан сўнг уни қўйиб юбормай, тўппатўғри милиция идорасига олиб борди.

* * *

Мусоват Қорининг соқоллари олингач, ўз аслига келди...

Бу воқеадан сўнг Боймат яна уйланди. Бу хотини унинг меҳр-муҳаббатини ўзига тортди. У унча кўркама бўлмаган, тул хотин эди. Боймат ичишни ташлаб заводга ишга кирди. Уй-жойига ҳам қараб, туппа-тузук бўлиб қолди. Куйгунчак опаси ҳам ундан хурсанд. Янги хотини бўлса у нимани яхши кўрса шуни қиларди. Ҳатто ўзи зўрлаб яна Тошкентга олиб келиб, қизи ва илгариги хотинини қабрини зиёрат қилиб кетишди. Орадан бир йилча ўтгач, туғмайди деган хотини қизча туғиб берди. Оқ уриб, ўкириб юрган Боймат ширин чақалоқ билан овора бўлиб қолди...

Ўттизинчи боб

ҚАРИ ПОДОНГА КИМ АҚЛ УРГАТАДИ?

Турмада ўтирган Мусоват Қори бир-икки ой ўтгач, менга овқат олиб келишсин, деб бир одамдан уйига хат бериб юборди. Хатнинг тагига ғазал ҳам қўшиб, юқори маҳаллада турадиган Соқий деган кишига етказинглар, ўзининг биронта ашулачи ошнасига бериб, айттирсин, дебди. Ғазал мана шундай эди:

«...Ки дўзах латофати, арофат таровати,
Бу ғариб аламгирнинг йўқ асло ҳаловати.

Агёрларим шодмон, зоглар қилмоқда хурум,
Қиёматдин нишондир Сулаймон ҳалокати.
Замона бўлди охир, кишиларда вафо йўқ,
Бу — дажжол, яъжуж-маъжуж... аларнинг адовати.
Кел, эй Қорий, бу дунё ташвишин қўй, узлат қил,
Канглумда бу кишварнинг жаннатий садоқати».

Буни қарангки, кимки қамалса — ўғрими, газандами, муттаҳамми, ўшанинг томонини олиб, «алам чеккан» ёки «ҳажга борган», деб юрадиган ғазалчи ўз ашъорини бир ашулачига берибди, у калласи йўқ ашулачи тўй-ҳашамларда оғзини катта очиб, «таровати»ни айтиб юрибди. Буни қаранг-а!

Фронтдан бир оёғини йўқотиб, инвалид бўлиб келган Отамулла отасининг қилиб юрган ишларини эшитиб, ғоятда дилгир бўлди. Уни қутлаб келган қариндош-уруғлари ёнида ҳам узоқ ўтирмади. Отасининг дастидан бошини кўтариб юролмади. Негадир тили қисик одамдай. Ҳайитбой оқсоқол: «Отангиз нобоп ишлар қилиб қамалди. Улмаса чиқиб келар. Локин бундан ҳам ёмон хавфли одамлар ичига тушиб қолган экан, улар қўлга олиниб, отангиз четда қолибди. Агар ўшалар билан иш қилишганда — бундан ҳам ёмон бўларди. Тушундингизми!» деди.

Отамулла ҳайрон бўлиб қолди.

У эски ошнаси Арслонга учрашди. Мақсади ундан йўл-йўриқ сўраб, маслаҳатлашиш эди. У отаси билан Арслон бир-бирига ўт билан сув эканини билмас эди. Мусоват Қорининг ўзи ҳам «ўзимни панага олиб юрувдим, чимкентлик Боймат мени ушлаб берди...» дебди. Бу гап Арслоннинг қулоғига ҳам етди. Лекин ҳар қалай Отамулланинг келиши уни бир оз чўчитди. Уларнинг ёнига Барчин ҳам бир муддат чиқиб, чой қуйиб бериб ўтирди. Унинг ҳам баъзи гаплардан хабари бор эди. Арслон билан Отамулла болалиқдан ўртоқ бўлганликлари сабабли бир-бирларини сенлашарди. Аммо бу гап Арслон Улмасбоевнинг салобати босиб, сизлаб гапира бошлади. Арслон илгаригидай сенлайверишини илтимос қилди.

— Ёмон бир ниятда келди деб ўйламагин,— деди Отамулла,— мен маслаҳатлашгани келдим. Отамнинг баъзи гаплари сенга ёқмаслигини билардим. Ўзимга

ҳам ёқмас эди. Махсум акамлар туфайли аралашиб юришингни ҳам билардим...

— Қори акамларнинг кейинги дайтда гапириб, қириб юрган ишларини мен гапирмай, сен эшитмагин. Сенинг отанг бўлса менга ҳам отадек киши эдилар. Инсонлигим ҳаққи, агар менга ишонсанг, ҳам куяман, ҳам газабланаман. Бошқа гапни ўзинг тушуниб оларсан.

— Ҳайитбой оқсоқолдан, Нишон акадан ҳамма гапни эшитдим. Мен бошқа нарса устида келдим. Мен ҳозир бу ишга аралашмоқчи эмасман. Мана, кўриб турибсан, инвалидман. Сенга ўхшаб заводда ишлашим қийин. Мен савдо системасида ишламоқчиман. Шунга ёрдам бера оласанми?

— Ҳа. Жоним билан.

— Баъзи одамлар савдо системасида ишлаганларга ўғри, деб қарашади. Ҳаммага ҳам бундай назар билан қараб бўлмайди. Мана, мен, фронтда қон кечиб келдим, неча ўлимдан қолдим. Энди савдо ишида ишламоқчиман. Агар менга ҳалигидақанги, ўғри, деб қарайдиган одамларнинг кўзини ўйиб олмоқчиман! Отамиз ҳам қовун туширганлар... Бу томонимиз ҳам қопқора. Шунга қарамай, савдо системасида ўғри эмас, тўғри одамлар ҳам ишлайди, деган фикрни исботламоқчиман.

— Бу гапни айтмасанг ҳам сенга ҳамма ишонади. Мен сенинг юрагингни азалдан яхши биламан.

— Бирон магазинда ишласам.

— Район савдо бўлими бошлиғига муовин бўлиб ишлайсанми? Ҳамма магазинлар тепасида турасан, ҳалол кишиларни ҳам ўзинг бу ишга жалб этасан. Нима дейсан? Мен яна Исполкомдаги ўртоқлар билан маслаҳатлашаман.

— Қўлимдан келармикан?— Отамулла ўйланиб қолди.

— Мен ҳам оддий ишчи эдим. Ҳеч ким онадан бошлиқ бўлиб туғилмайди-ку. Эртагами, индингами Исполкомда учрашайлик.

Улар тиним куни бўлганлиги сабабли кечгача суҳбатлашиб ўтириб, кечга яқин Отамулла хайрлашиб, қўлтиқ таёқларини дўқиллатиб чиқиб кетди. Барчин билан Арслон уни эшиккача кузатиб чиқишди.

Кейинчалик Отамулла отаси юбораётган «тароват»-га ўхшаган бемаъни «ғазал»ларни ҳеч кимга бердирмай, уйга ташлаб қўйишни айтди.

Уй иши билан ўралашиб қолган синглиси Пистахонни Текстиль комбинатига ишга киритиб, агар чи-долмай қочсанг, мендақа акангни йўқ, деб ҳисоблайсан, дебди.

— Ойи!— деди у онасига жиддий бир тусда қараб,— агар мени ўғлим десангиз, менинг тартибимни бузманг, ойижон. Хўпми?

— Хў-ў-ў-п,— деди Мазлума холанинг энсаси қо-тиб.

Душанба куни Отамулла райижроқўмга борди. Ҳужжатларини топширди. Ўлмасбоев тайинлаб қўйган экан, баъзи Ёлимларда суҳбатда бўлди. Пайшанба куни Ижроқўм советида у тасдиқланиб, келаси душанбадан ишга тушиб кетди.

Уттиз биринчи боб

ДУНЁНИНГ ИШИ ДОИМО БИР КАМ...

Тўйдан кейин бир ярим йил ўтди.

Ҳамида опа ташвишга туша бошлади; наҳотки унинг қизи бефарзанд бўлса! Мадина холанинг қудаси Биби Ҳолвайтар: «Ҳой, Барчиной қизим, зах се-монтга ўтирасиз, бу яхши эмас!» дерди. У қизларнинг велосипед минишига қарши эди. Агар Биби Ҳолвайтарнинг гапига қулоқ солса, бадантарбия ҳам қилма, волейбол ҳам ўйнама. Барчинлар бўлса ўшанда қиқир-лаб кулган. «Сизга қолса ариқдан ҳам ҳатлама, дей-сиз», «Йўқ, мен бадантарбия қилмагин, ариқдан ҳат-ламагин демайман, фақат захга ўтирмагин» дейман — дерди тиши қолмаган, битта туршакни эрталабдан кеч-гача шимиб ўтирадиган Биби Ҳолвайтар. Мадина хо-ла ҳам ҳайрон эди. У бу тўғрида миқ этмасди-ю, бола тўғрисида гап кетса, гоҳ Арслонга, гоҳ Барчинга қа-раб қўярди. Аммо бу севишган икки қалб бир-бирига етишиб, ширин ва бахтли яшаётганликлари, иноқлик-лари билан масрур эдилар. Улар фарзанд ҳақида ўй-ламас, хаёлларига бу ҳақда ҳеч қандай фикр келма-ган эди. «Ҳали ўзимиз фақандмиз, ёшмиз, бола ҳа-

қида ўйлашнинг вақти ҳам келиб қолар», дерди улар хингиллаб. Барчиной баъзида юрагига гулгула тушиб, бу ҳақда гап очган Ҳамидахонга миқ этмас, тилимининг тагига тилло қўйсангиз гапираман, дегандек гунг бўлиб қоларди. Баъзан хингир-хингир кулардию гап айтмас эди. Биби Ҳолвайтар бўлса, тишсиз оғиз тошсиз тегирмон, деб туршагини шимгани шимган...

Баъзан бу ҳақда гап очилганда Барчин билан Арелон аллақандай бир китобда ўқишгани — «Фарзанд кўриш» ҳикоясини тилга олишарди. Гўё улар фарзанд кўрадиган вақтлари яқинлашганда келин билан куёв жисмоний меҳнат қилиб — ер чошиб ёки ўтин ёриб пешана тери билан топилган пулга овқатланиб, кейин қўшилишармиш... Фарзанд соғлом ва заҳматкаш бўлиб туғилармиш... Ичини ит тирнаб юрган Ҳамида опа бунга ҳам рози бўлар, кулиб, майли, нима қилсанглар қилингларки ишқилиб, мен неваралик бўлай дерди. Барчин эса баъзан маҳмаданалик қилиб «медицина» сўзи «мадади Сино»дан олинганини айтарди, медицина бор, ташвишим йўқ, дерди. Биби Ҳолвайтар онасининг қорнида йиғлаган фарзанд ўғил бўлса оти — Машраб, қиз бўлса — Заҳро қўйилишини гапириб берарди. Ёшлигида қилган қилиқларидан гапириб, Ҳамидахонни, Барчинни кулдирмоқчи бўларди: «Шу чолим ўша пайтда устимга хотин олмоқчи бўлди. Бир жувонни олди ҳам. Мен алашимга чидолмай, бир куни яланғоч бўлиб, сочимни ёйиб токчага чиқиб турдим. Мени кўрган кундошимнинг ўти ёрилиб, арвоҳ келди, деб акасиникига чиқиб кетди... Мен шунақа қилмасам у шатур-шутур туғиб бериб, эримнинг бошини айлантириб қўймоқчи бўлди...» Бу гап Ҳамидахонга унча ёқмади, бўлак яхши гаплардан гаплашайлик, деб гапни бошқа томонга бурди. Қулоғи гарангроқ Биби Ҳолвайтар бўлса яна шунақа гапдан айтинг, деяпти хаёл қилиб, Мирзамуҳаммад почтачи воқеасини айтиб берди: «Хотинига кўнгилсиз бўлиб юрган йиллари, хотини мана бўлмасам, деб ҳар йил туғиб ташлайверибди. Қорни ҳеч бўш турмас экан. Худонинг қудратидан ўргилай, кўнгилсиз Мирзамуҳаммад почтачи болаларнинг ичида қолиб, кўнгилсиз-пўнгилсизлиги ҳам эсидан чиқиб кетди. «Бизникига ҳозир келсангиз, кампир, тезак ейсиз, яна ўн-ўн беш йилдан кейин кел-

сангиз асал ейсиз...» — деб мени кулдиргани-кулдирган...»

Бу гап ҳам Ҳамидахонга ёқмади. Фарзанд ҳақида гап кетса юраги дирилларди. Мана, бир ярим йил бўлди, ёлғиз қизи, Барчи ни бепарво, ҳомиладор бўлмай юрибди. Буни эру хотиндан кўра ҳам кўпроқ она ўйларди.

Барчин ўзининг гўзаллиги билан маст. Дам Офелия, дам Кумуш бўлиб юарди. Кўп китоб ўқирди, институтдаги домлаларининг тавсиясидан ташқари ҳам у ўқимаган роман қолмади.

Ширин ва тотув яшашарди.

Барчинойнинг илтимоси билан улар Шаҳрисабзга бориб келишадиган бўлиб қолди. Дилбар таклиф қилибди. Бундан ташқари акаси Маратдан келган хатда ҳам, Дилбарлар билан хат ёзишиб туринглар, деган эди... Сафарга отланган эр-хотин, шу баҳона билан Каттақўрғонга ҳам тушишни, бир муддат бунда бўлишни ҳам маслаҳатлашишди. Буни Арслон таклиф қилди.

Улар Каттақўрғон станциясида поезддан тушиб, чамадонларини меҳмонхонада қолдириб, шаҳар ижроия комитетига киришди. Раис Тошкентдан келган меҳмонларни жуда илиқ кутиб олди. Айниқса марҳум Саидбековнинг қиз ва куёви эканликларини билиши билан, ўзи ҳам бу қурилишда ишлаганини, Ҳумоюн Саидбеков ҳақида яхши гапларни гапирди. У ўз машинасини берди, бир кишини қўшиб, унга тайинлади: «Бу укаларимга сув омборини, деривация каналини, Янгиқўрғонга олиб бориб Қорадарёни кўрсатиб қайтгач, тўғри бизнинг ҳовлига боринг, эрталаб ўзим поездга чиқариб, Шаҳрисабзга кузатаман».

Барчин билан Арслон раиснинг енгил машинасида бундан олти йилча бурун ўзлари ишлаган жойлардан ўтишди, тупроқ қазиб, ертўла-ю, палаткалар ичида ётган пайтларини, айқириб оқиб ётган Қорадарёни кўришди. Сув омбори — каттакон кўл қирғоқларида кемалар бор, каналда Қорадарёдан чиққан сув лиммолим... Улар дамба-ю, кўприкларни ҳам кўришди. Каналнинг сув тақсимлаш жойида — катта мрамар тахтага сув омбори қурилишида иштирок этган баъзи илғор кишилар, инженерлар, ташкилотчиларнинг номлари ҳам ёзилган экан: У. Юсупов, С. Калюжнюк,

Н. Пославский, Ҳ. Саидбеков, А. Бабунларни ҳам рўйхат ичидан топишди.

Арслон холироқ ерда сувга тикилиб туриб Барчинга гап отди:

— Мана шу ерда сизни биринчи бор ўлган эдим. Мана шу ерда сиз мени яхши кўриб қолган эдингиз...

— Войй!— деди ялт этиб қараб Барчиной,— нега мен сизни яхши кўриб қолган эканман, сиз ўзингиз мени яхши кўриб қолган эдингиз.

— Сиз яхши кўрмайсизми?

— Яхши кўраман. Лекин сиз биринчи бўлиб яхши кўргансиз.

— Қани, бу ёққа кел, лабларингдан...

— Уят... қўйинг! Анави кишилар кўриб қолади!

Арслон билан Барчин қош қорайгунча сув омборини томоша қилиб, кечга яқин шаҳар советининг раиси ҳовлисига боришди. Эрта билан поездга чиқишди. Раис уларни кузатиб қолди.

Мана, орадан икки йил ўтди, аммо фарзанд кўришмади. Ҳамида опа бир куни ёлғиз ўтирган Барчиннинг ёнига кирди.

— Қизим сени бир докторга кўрсатиб келсам нима дейсан?

— Ўзингиз биласиз,— деди хомуш Барчин,— куёвингиз бугун болалар ҳақида кўп гапирди. Болани яхши кўради.

— Қани, кийин, қизим!— деди Ҳамидахон бўлак бошқа гапни айлантирмай,— ким болани ёмон кўради? Бунақа гаплар бўлиши табиий... Э, худо, қизимнинг йўлини оч, бу ширин, тотув оилага совуқлик солма!

— Қаёққа борамиз?

— Олия Умарова деган машҳур гинеколог бор... Тўғри туғруқхонага борамиз.

— Уяламан!

— Уяламан? Нимадан уяласан?! Ахир, инсон бўлгандан кейин баъзан туғруқхонага, баъзан докторхонага боради-да, киши. Бунинг уяти йўқ!

— Поликлиникага чиқа қолайлик.

— Йўқ. Олия Умаровани кечаси билан ўйлаб чиқдим. Шу бугун сени докторга бир кўрсатиб келмоқчи-

ман. Сен ўзинг ҳам ўша кишининг қўлида туғилгансан. Тахтапулда. Аданг раҳматли у олим хотинни яхши танирдилар.

Барчин янги тиктирган жигар ранг костюм-юбкаси, жигар ранг туфлисини кийиб, шу рангдаги сумкасини кўтариб, ҳовли ўртасига тушди. Қалин, тим қора сочини орқасига қубба қилибди. У ойисини кутиб, ҳовлида хаёлга чўмиб турарди. Айвонда маҳси кияётган Ҳамидахон қизини кузатиб, унинг илгаригидек чақнамай, хаёл ичида оғир турганини сезди. Наҳотки унинг ҳуснда, қадди-қоматда тенги йўқ қизи бефарзанд ўтса?!

Ҳамидахоннинг юраги шопириб, айвондан пастга тушди.

— Қани, кетдик!— улар она-бола кўчага чиқиб кетишди.

Тушдан кейин Олия Умаровага кўрсатишиб, чарчаб уйга келишди. Бу ҳақда Арслонга гапиришмади. Врачларнинг маслаҳати билан баъзи ишлар қилинаётганини Арслон оз-моз сезарди-ю, лекин ўзини билмасликка соларди.

«Кўзга яқин, бирон рақиб иссиқ-совуқ қилиб қўйганми» — деган хаёлга бориб, Барчиннинг қаттиқ эътирозига қарамай, Биби Ҳолвайтарни айтиб келиб, уйда ўқитиб ҳам ташлади. Уруғидаги ўнта бола туққан Фазилатхон деган хотиннинг кўйлагини ирим қилиб кийгизишди...

Бу ишга Мадина хола ҳам аралашди. Ҳамидахоннинг шама қилиб айтишича, Мадина хола ўғлига бир келганида ўзини яхшилаб докторга кўрсатишини тайинлади. Тушунарли, дегандай қилди бош ирғаб Арслон. Оналарининг шамаси жуда жиддий: «Фарзанд масаласи-я! Кўнглингга олмасдан, ўзингни бир докторга кўрсат, айб кимдалигини билишимиз керак...» Арслон онасининг айтганини қилди; ўзини докторга кўрсатди. Доктор, соппа-соғ, дебди. Онасига: «Айб менда эмас», деб лўнда қилиб айтиб қўя қолди. Бу гап шу куниёқ Ҳамидахоннинг қулоғига етди. У, энди Барчин ҳақида жиддий ўйлашни мақсад қилиб қўйди.

— Ҳой, опагон, нима, мен рақманми, ўладиган касалманми, мунча рангингиз ўчиб хавфсирайсиз,— деди кунлардан бир кун Барчин.

— О, опанг айлансин, сен соппа-соғ, ҳаммадан чиройли, ўн гулингдан бир гулинг очилмаган қизсан. Худо сақласин, унақа ёмон дардларнинг номини тилингга олма. Номи қурсин! Невара кўргим келяптида, болам!

— Нимага шошасиз?!

— Вақти, болам, вақти... Ахир икки йил бўлди. Ёш нарироққа бориб қолганда эмас, мана шунақа ёшроқ вақтида туғиб олсанг яхши бўлади, қиз бўлса сенга ёрдамчи, ўғил бўлса яна ундан яхши. «Кампирнинг дарди гўзада...» бўлиб юрганимни пайқамаянсанми, болам. Сенлар ёшсизлар, ўйнаб-кулиб юрибсизлар, бу ҳам керак. Лекин биз фарзандни ҳам ўйлаймиз. Аданг раҳматли ҳеч нима кўрмай, эллик уч ёшларида кетдилар...

Барчин ўйланиб қолди. У онасининг қилаётган хатти-ҳаракатларига асло тўсқинлик қилмасди — ўқишидан қолиб, бошқа зарур ишларини қўйиб бўлса ҳам онасининг айтганини қиларди.

Шу кунлари Ҳамидахон уни Қўрғонтаги маҳалласидаги Мирмўмин деган кулолларникига олиб бориб, хумдонга туширди. Ундан кейин туғмай юриб, туққан бир аёлнинг маслаҳати билан сассиқ алаф ўтини қайнатиб, унга ювинди... Ҳамма-ҳаммасини эринмай қила бошлади. Ҳатто Биби Ҳолвайтарнинг қистови билан Кадват томонга бориб, Ҳазрати имом — Қаффо Шоший мақбарасини зиёрат қилиб, шайхга садақа берди. Агар бу ишларини адаси тирик бўлиб, билганида қизидан кечиб юборарди. Бу ишлар гўё жон аччиғида, кўзига ҳеч нима кўринмай қилар, ўзи ва онасидан бошқа ҳеч кимга билдирмасликка тиришар эди. Бу ишлардан Арслоннинг ҳам мутлақо хабари йўқ. У ўз иши билан қаттиқ банд, эрта кетиб, кеч келарди.

Урушдан кейин район советига депутат бўлиб сайланган «Ташсельмаш» заводи ишчиси — Арслон Ўлмасбоевни район ижроия комитетининг навбатдаги сессияси райсоветга раис қилиб сайлаб юборди. «Ташсельмаш» заводи маъмурияти, Тошкент шаҳар партия ташкилоти яхши характеристика бергани бу ишга сабабчи бўлганини Арслон пайқади. Сессиядан кейин Самандаров Арслонга телефон қилиб, уни чин юракдан табриклади. Арслон ўзингизга қулай пайтда сизни

бир кўришни истардим, деди. Жўрабек ака бунга рози бўлиб, эрта билан соат ўнда йўл-йўлакай райсоветга кириб ўтишини айтди.

— Менинг учун сизнинг ёнингизга бориш қулайроқ. Сиз менинг характеримни биласиз-ку.

— Хўп бўлади, Жўра ака.

Эртасига эрта билан соат ўну ноль-нолда Жўра ака Арслоннинг кабинетига кириб борди. Улар қучоқлашиб омонлашишди.

— Чин юракдан қутлайман, укажон! Гал сизларга келяпти, кексалар кетяпти. Жон бериб, бу мамлакатни тузган революционерларга муносиб бўлиб ишлаш керак.

— Ўзингизнинг саломатлигингиз яхшими?

— Ҳозирча ёмон эмас. Эллик бешга қараб кетяман. Қон босимим баланд, келаси йили Кисловодскка бориб, юракни бир яхшилаб қаратмоқчиман... Энди, мен, сизга билиб қўйишингиз учун бир гапни анчадан буён айтиб қўймоқчи бўлиб юрувдим. Заводга ҳам бормоқчи эдим. Гап шундай: Баёт бола Ҳошимов, Дадашев ва бошқалар немис разведкаси юборган кишилар экан, улар қўпоровчилик ва жосуслик мақсадида юрган вақтида қўлга олинганини сизга айтган эдим. Улар сўроқда ҳамма гапни очиқ айтишиб, айбларига иқрор бўлишди. Гап шунақа. Энди, Мусоват Қорилар ҳукуматимиз, тузумимиздан шикоят қилиб валдираб юргани учун қамоққа олинади. У ўзининг савдогарлиги учун қамалди, эрта-индин чиқиб келади. Биз бу ўтакетган бевурд шахсни шошмасдан текшираимиз. Шошадиган еримиз йўқ. Агар у очиқдан-очиқ ишимизга тўғаноқ бўлаверса, илдиз-пилдизи билан суғуриб ташлаймиз. У партия ва ҳукуматимизнинг инсонпарварлигини сунистеъмол қилиб, талтайяпти. Биз арқонни узун ташлаймиз, билдингизми?

Арслон бош қимирлатиб тасдиқлади.

* * *

Энди икки оғиз сўзни Дилбар Раззоқова билан Марат Саидбековдан эшитинг.

Марат Саидбеков ғалабадан кейин ўз юртига — жонажон Ўзбекистонга келиб бир йилча Ўзбекистон

партия Марказий Комитетида бўлим мудирига ўрин-босар бўлиб ишлади. Кўп ўтмай, шаҳар партия комитетининг секретарларидан бири бўлиб сайланди. У ҳатто Шаҳрисабзга бориб, отасининг ўрнида ишлашни ҳам илтимос қилган эди, лекин партия уни шаҳар ташкилототида қолдирди.

У келган куннинг эртасигаёқ Шаҳрисабзга — Дилбарга телефон қоқди.

— Мен, Саидбековман, Дилбархон, салом!

— Салом!— деди у ўз кабинетига трубкани олиб. Унинг ранги ўчиб, совқотган одамдай лаблари сўзлашга қовушмагани сезилиб турарди. Ёнида ўтирган инструктор қизга имо билан, «бир лаҳза чиқиб тулинг», деди. Қиз кулимсираб чиқиб кетди. Дилбарнинг жим бўлиб қолганига ҳайрон бўлган Марат қайтадан: «Сиз Дилбархонмисиз?» деб сўради. Дилбар тутилиб жавоб қилди,— ҳа, мен Дилбарман. Салом, Марат ака!

— Овозингиз бошқачароқ?

— Йўқ, ўша овозим,— Дилбар кулгандек бўлди. Жуда чиройли қилиб гапирди,— телефон ёмон...

— Ҳамма ерда ҳам телефонлар ёмон ишлар эканда...

— Соғ-саломат келдингизми, Марат ака!

— Раҳмат. Анави тақиллаб юрадиган соат қалай, ишлаяптими?

— Жуда яхши ишлаяпти. Ёстигимнинг тагига қўйиб ётаман, тақиллагани тақиллаган... Ўрганиб қолдим...

Улар баробар хахоланиб кулишди.

— Тақиллай берса ҳовлига олиб чиқиб ташлаш керак.

— Қадрли туҳфанинг тақиллагани ҳам яхши...

— Эртага эрта билан Шаҳрисабзга учиб кетяпман.

— Нега?

— Сизни Шаҳрисабздан обқочиб келмоқчиман.

— Йўғ-э! Обқочиб кетолмайсиз! Ўзингизни шу ерда олиб қоламиз.

— Кўрамиз, ким кимни!

— Марат ака, ҳазиллашяпсизми?

— Йўқ, мен сиз билан бюрода гаплашгандай гаплашяпман.

— Қизиқ?

— Қизиқ эмас! Эртага эрта билан ёнингизда бўламан. Ёки боришимнинг ҳожати йўқми?

— Нега, марҳамат, келинг! Кутамиз! Мен ўйлайман, Шаҳрисабз сизни илгаригидай бағрини очиб кута олади.

— Дилбархон, хайр, эртагача!

— Хайр!

Эртасига эрта билан Марат Қаршига учди. Ундан сўнг йўловчи машиналардан бирида икки соатдан мўл йўл босиб Шаҳрисабзга кириб келди. Ойша буви ҳовлисига кириб, юз-қўлини ювиб олгач, райкомсомолга борди. Икки-уч соатдан буён тинмай Қаршига телефон қоқиб, Обкомкомсомолдагиларга «Совет Иттифоқи Қаҳрамони Саидбеков келиши керак эди, хабарларинг бўлмадими?!» деб телефонбозлик қилиб ўтирган Дилбарни ҳам ҳайратга солди. У бақрайиб қолди. Саидбеков деганда қандайдир чапак, тангана бўлади, деб ўрганиб қолган Ойша буви ҳайрон бўлди.

— Уғлим, нега ҳеч кимга хабар қилмадингиз?

— Қандай келишим керак эди? Мана, келдим. Нима кераги бор, буви. Илгари мени фронтдан расмий меҳмон қилиб юборишган эди. Кутиб олишлар, яхши гаплар бир менга эмас, жангчиларга тааллуқли эди. Бу сафар мен ўзим ўз ишим билан келдим. Тантанавозликни унча хуш кўрмайман...

Бу гапдан кейин Марат Ойша бибига илгаригидан ҳам улуғ бўлиб кўринди. Етук одамлар шунақа бўлади, деди ўзига ўзи. Марат сумкасини қўйиб шошиб чиқиб кетгандан сўнг, у тезда уйларини йиғиштириб, қўшнисини айтиб чиқиб овқатга унаб кетди.

Марат Дилбарга тикилиб қолди. «Мумкинми?» деб сўради бош қимирлатиб. Шошиб қолган Дилбар телефон трубкасини қўйиб, ўрnidан турди.

— Марҳамат, келинг Марат ака,— у ўз столидан бир қадам бери келди,— мен бўлсам Қаршига телефон қилиб сизни тоза қидирдим. Ўзингиз келаверибсиз-да?

— Ҳа.

— Ҳеч ким билмабди?

— Сиз билдингиз-ку.

— Мен фақат, мен... Шаҳримиз катталари-чи?

— Шаҳарнинг ҳам энг каттаси сиз.

— Қизиқ!

— Қани бир кўришайлик. Салом! Қалай, аҳволла-

рингиз яхшими?— Марат ўзининг катта, бесўнақай кафтида нозиккина, кичкина қўлни эҳтиётлик билан авайлаб қисди.

— Шошиб қолганимдан сўрашишни ҳам унутибман. Аҳволарингиз яхшими? Ҳамидахон опамлар яхшимилар? Барчинхон, куёвингиз, ҳаммалари яхшими?— деди уялиб.

— Ҳаммалари сизга салом дейишди. Сизни Тошкентда кўрсак деб, умид қилишяпти.

Дилбар ерга қаради. Бир лаҳзадан кейин бош кўтариб:

— Марҳамат, ўтиринг, Марат ака,— деди.

Улар қамтима-қамти ўтиришди. Марат Дилбарнинг кўзларига, қошларига, соч ва чаккаларига тикилди; у ниҳоятда жозибадор ва гўзал, қадди-қомати ўзига ярашган эди. Бунинг устига шаддодлиги-ю, ақллилиги «герой»ни асир қилган эди. Киприкларни айтмайсизми? Марат бир қошиқ сув билан уни қулт этиб ютиб юборишга тайёр эди. Қизларнинг зўри комсомол вожаги бўлади-да, деди ичида. Ишқилиб, бошқа севгани бўлмасин-да. Ишқилиб, менга тескари жавоб қилмасин-да! Бир кўришда ҳам киши яхши кўриб қолиши мумкин! Агар бирон йигити бўлганда менга илгари буни билдирарди... Ахир у соатимни олиб қолдику. Ё, ҳурмат юзасидан олиб қолганмикан?

Маратнинг юраги дук-дук ура бошлади.

— Мен уйга телефон қилай,— деди у сирли ва маъноли тикилиб турган Маратдан кўз узиб,— бизникига борамиз.

— Йўқ, бизникига борамиз.

— Сизники узоқ,— деди эркаланиб кулиб.

— Нега. Мен Ойша бувини айтяпман. У киши тайёргарлик кўряптилар.

— Йўқ, бизникига!— У онаси билан гаплаша бошлади,— Марат акамлар келдилар, ҳозир кетяпмиз...— ундан кейин мактабга телефон қоқди.— Раззоқовни чақириб беринг. Ака, сизмисиз? Мен — Дилбар. Уртоқ Саидбеков келдилар, тезда уйга келинг!

Шундан сўнг Дилбар инструктор қизга сўраб қолишса, уйда бўламан, деб тайинлаб, уй узоқ бўлмагани сабабли пиёда жўнашди...

Эркин билан Дилбарнинг амакиси ҳам етиб келди.

Зиёфат кечгача давом этди. Шу куни Марат Ойша бувиникида тунади.

Эрталабки нонуштага Дилбар етиб келди. У бир дастурхон нозу неъмат кўтариб келибди. Улар учов нонушта қилишди. Маратнинг соат бирда учишини, шунинг учун соат ўндан кечикмай йўлга чиқишини билган Эркин ва бошқалар райкомда тўпланишадиган бўлишган эди. Обкомқомсомолда иши борлигини ҳам айтиб, Дилбар Маратни Қаршигача кузатиб қўйишини оийсига, Эркинга кеча билдириб қўйган эди.

Марат соат ўнда райкомга кириб, адасининг бирга ишлашган ошналари билан омонлашиб чиққач, Эркин билан хайрлашиб, райкомқомсомолнинг машинасида Дилбар билан Қаршига жўнашди. Машина ҳайдаб кетаётган Вася деган йигит ўзбекчани билмаслигидан фойдаланиб, Марат билан Дилбар ҳамма гапни бемалол гаплашишарди.

— Тўйни бу ерда ҳам, Тошкентда ҳам қиламиз...

— Хўп, Марат ака, тўйни қиламиз,— деди кулиб Дилбар,— ундан кейин? Тўй ўтиб кетади, менинг вазифам-чи? Мени Шаҳрисабз район комсомоли секретари қилиб сайлашган... Сиз Шаҳрисабзда турмайсиз, мени Тошкентга олиб кетмоқчисиз. Келинг, поэзия эмас, ҳаётнинг проза томонига ҳам бир қарайлик.

— Йўқ, мен поэзияни яхши кўраман. Кел, ҳаётнинг проза томонига ўтмай қўя қолайлик. Агар сен шуни истасанг, бўпти, мен шу ерда қоламан! Бир иш топилиб қолар.

— Вой, ростданми? Сиз ҳеч қачон ёлғон гапирмайсиз, буни биламан, ҳозирги гапингиз ростми? Ҳазил қилганингиз йўқми?

— Йўқ.

— Қандай яхшисиз.

— Энди битта ўпий, ке Дилбар!

— Уят бўлади, Марат ака. Анави кўриб қолади.

— Сиз шунақасиз-да!— Марат бўшашиб, хафа бўлгандек бўлди.

— Бирпас сабр қилинг,— деди Дилбар Маратнинг елкасига бошини қўйиб.— Ростдан Шаҳрисабзда қола-сизми? Қандай яхши бўларди... Ҳамида опамлар у ёққа ҳам, бу ёққа ҳам бориб турадилар. Қайтанга яхши бўлади.

— Сен нимани хоҳласанг мен шунга тайёрман. Мени ҳам сайлашлари мумкин. Аммо сен билан биз бу ерда бахтли бўлсак, мен шуни истайман.

Дилбар Маратнинг кўзларига тикилиб, нозик қўллари билан забардаст қўлни эзиб қўйди. Бу билан у юрагидаги ҳамма сўзини айтгандай бўлди.

Қаршига яқинлашишганда машина ғилдираги бўшашиб, асфальт йўл четига чиқиб тўхтади. Шофёр йигит беш ўн минут сабр қиласизлар, запас ғилдиракни қўяман, деб ташқарига чиқди.

— Бахтим бор экан,— деди Марат Дилбарга қараб,— ке, энди!

Марат Дилбарни бағрига босиб, лабларидан, ёноқларидан шундай эҳтирос билан ўпдики, буни шофёр йигит шундоқ кўриб турса ҳам ўзини кўрмасликка олди. «Ҳа, герой, бу ёқларда бекорга юрмаган экансан,— дегандай жилмайиб ҳам қўйди.— Секретаримиздан ажралиб қолмасак яхши бўларди...»

Тезда янги ғилдирак қўйилиб, машина шитоб билан шаҳарга кириб борди. Обкомкомсомолдан Дилбарнинг яна икки дугонаси ҳам у билан бирга аэропортга чиқишди.

Марат Тошкентга учиб кетгандан сўнг Дилбар кечгача обкомда бўлиб, ишларини битириб, кечқурун дугонаси билан Шаҳрисабзга жўнашди. У телефонда эрталабоқ бу ишни пишитиб қўйган эди.

Марат Шаҳрисабзга бориб, Дилбарни кўриб кетгандан кейин орадан ўн кун ўтгач, уларнинг тўйлари бўлди. У яна онаси Ҳамидахон билан бирга Шаҳрисабзга, ўша илгариги ҳовлига кўчиб келишди. Обком бюроси уни Шаҳрисабз райкомининг учинчи секретари қилиб тайинлади. Саидбеков деган фамилия Шаҳрисабзда яна пайдо бўлиб, одамлар бунда вафот этган Ҳумоюн Саидбековнинг ўғли Марат Саидбековни кўришга қизиқишар, фахрланишар, куёвимиз дейишарди. Ҳа, дарҳақиқат, у Шаҳрисабзнинг энг яхши қизларидан бирига уйланди!

Орадан олти ой ўтгач тоғини қўмсаган какликдек ярми бунда, ярми унда бўлиб қолган Ҳамида опа ва Маратнинг ҳам иккига бўлиниб қолгани ва бошқа томонларини ўйлаган Дилбар эрининг мардлиги, уни ҳақиқатан ҳам яхши кўришлиги, нимаики гапирса ҳаммаси юракдан эканлигини билгач, эркаланди:

— Марат ака, мен Тошкентни ҳам кўришни, пойтахтимизда яшашни истардим.

— Бу янгилик-ку?

— Янгилик эмас, пойтахтда яшаб ишлашни ким истамайди. Ҳамма! мен ҳам...

— Ҳазил эмасми?

— Чин.

Бу гапни эшитган Ҳамидахон хурсанд бўлиб кетди.

Шундан сўнг, кўп ўтмай Марат Саидбеков Тошкентга партия ташкилотига ишга қақирилди. Дилбар бўлса Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида инструктор бўлиб ишлай бошлади.

Маратлар Тошкентга кўчиб келгач, Арслон билан Барчин шаҳар марказидаги янги микрорайондан квартира олишди. Сабоҳат, поччаси қамалгандан кейин боласи билан онаси ёнига келиб қолгани, Саодатни ҳам шу ерда бўлишлиги иккала хоналарнинг банд бўлиши ва бунинг устига Барчин янгича уйда туришни жуда ҳавас қилганлиги сабабли улар бўлак бўлиб чиқишди. Мадина холани кўп вақт ўзлариникида олиб туришарди.

Арслон билан Барчин кўчиб кетганида жин кўчада турадиган Мастура симён билан Салима хола уруш вақтида Арслонни талашгани, бекордан-бекорга калтаклашгани учун Арслондан кечирим сўрашди.

— Мен тушунаман, холажон, сизларда айб йўқ. Ҳамма айб урушда, ўртоқларимдан қорахат келганида. Мендан бошқа йигит ҳам кўзларингиз олдида узун кириб, узун чиқиб юрса ғашингизга тегарди-да. Мен ҳеч ҳам кўнглимга олганим йўқ. Мен ҳам ўшанда душман билан жанг қилардим.

— Холанг айлансин. Ишқилиб, бизни кечириб, юрагингдан чиқариб юборсанг бас. Бировни бекордан-бекорга уриб, дилини оғритиш ёмон нарса, қиёматгача дилимиздан чиқмайди. Кечирдингми?

— Кечирдим, — деди кулиб Арслон.

Янги квартира Барчин билан Арслонга ёқди, улар жуда иноқ ва ширин яшай бошладилар. Аммо Шаҳрисабздан қайтиб келган Ҳамидахон қизининг бефарзанд бўлиб қолишидан қўрқиб, баъзан уларнинг ширин яшаб турганларини кўра-била туриб ҳам уҳ тортиб

қўярди. У ҳатто синглисининг тўйига — Тошкентга келган Эркин ичиб маст бўлиб, аввал хира пашшадек Барчин атрофида айланганини, кейин хона ичига кириб ётиб йиғлаганини, унинг қилган «енгилтакликлари»ни Арслонга билдирмади. «Тошкентликлар шунақами, фақат тошкентликка тегар экан-да... Бизлар дала боласи, яъни Қашқадарё области...» деб мастликда айтган сўзларини ҳам ҳеч қимга айтмади. Қўл синса ҳам енг ичида қилишди. «Тошкентликлар севганингга ҳам қарамайди, улар қадимги бойларга ўхшаб, қизини хоҳлаганига беришади!..» деб алжиди. Дилбар бўлса, келин ҳолига қарамай акаси ёнига кириб: «Номусларга ўлдирдингиз, ака! Бу нима деган гап! Озгина ичиб олсангиз тўполон қиласиз?! Бунақа қилаверсангиз обрўйимиз тушади! Уят!» деди. «Нима қилай, мен ҳам Барчинни яхши кўрардим! Муҳаббатга тўғаноқ бўлишди!» Дилбар ялиниб, алдаб чиқиб кетди.

Бу гапларни Ҳамидахон эшитди. Бу гаплар Барчиннинг ҳам қулоғига етди. Улар тилини тишлаб, Арслондан қаттиқ сир тутишди. Тўй ўтиши биланоқ, бу йигит эса номаъқул ишлар қилиб қўйишини пайқашиб, тезда обрўси билан Шаҳрисабзга жўнатишди. Уни кузатишни поччаси — Марат ўз зиммасига олди, машина билан вокзалга олиб чиқди. Эркин мамнун бўлиб жўнади. Лекин минг кулиб турса ҳам Арслонни кўрганда ўзидан-ўзи қовоғи солиниб кетарди.

Ўттиз иккинчи боб

ХУЖАХОНОВЧИЛИК

Унутилган, узоқ ва ичкари маҳаллада ғарибона кун кўраётган Тўра бувага шанба кuni ўғли Аббасхон Хўжахонов машина юбориб, ўз ҳовлисига олдириб келди. Ковуши йиртилиб, чопонининг пахтаси оққан чол ўғлининг ҳовлисига кираркан, атрофдаги данғиллама — сирланган хоналарга, пешайвон панжараларига маҳлиё бўлиб қолди. Келини Латофатхон ҳовли ўртасига стул олиб чиқиб қўйди.

— Ота, бунга ўтиринг!

— Хўп, хўп, — чол ўтириб, қўлини фотиҳага

жуфтлади.— Қўша қариб, ували-жували бўлиб... омин, облоху акбар!

— Қалай, бардаммисиз?

— Ҳа, яхши тушибди, яхши тушибди,— деди чол уй-айвонларни кўрсатиб. У гапни унча яхши эшитмайдиган бўлиб қолган эди.

— Ўзингиз бардаммисиз деяпман?— бақириб гапирди Латофатхон.

— Ҳа, ҳа...— деди чол бароқ қошларини чимириб,— бардам бўлиб қаёққа борардим. Қарилик... Қулоғим унча эшитмайди. Ўзинг бардаммисан? Аббосхон бардамми? Болаларинг соғ-саломатми? Ҳамма нарсадан ҳам энг қимматлиси саломатлик,— деди тутилиб, чайналиб Тўра бува.

— Тўй қилмоқчимиз. Шунга нима дейсиз?

— Тўй? Яхши.

— Сизни тўй қилмоқчимиз.

— Мани??

— Ҳа.

— Мани тўйим?!— чол хахолаб кулди. У ўзини тутолмай яна кулди. Мани тўйим яқинлашибдими?

— Эргамас, индинга.

— Ёспирай!

— Суннат тўйи қилмоқчимиз.

— Мани, суннат тўйи?!— чол бошини сарак-сарак қилиб яна кулди.

— Сизни, тўқсонга кирдилар, деб тўй қиламиз.

— Ман тўқсонга кирганим йўқ. Саксон еттидаман.

— Уч йил экан, фарқи нима! Саксондан ошгандан кейин, саксон етими, тўқсон етими, бари бир-да, ота! Ҳозир одамлар тўрт-беш йил фарқ қилса ҳам юбилейни қилишяпти-ку.

— Тўғри, тўғри,— деди чол бошини солиб ўтириб. У ичида:— «Битта ковуш олиб бермадиларинг, икки йил ичида бир марта кўрмадиларинг, ҳолимдан хабар олмадиларинг, энди менинг ёшим, қарилигим керак бўлиб қолибди-да!»— деди.

— Ҳали замон ўғлингиз ҳам келиб қоладилар,— деди яна таманно билан Латофатхон чол тепасида белини ушлаб орқасини дўппайтириб,— ҳозирги замонда ўғлингизга ўхшаган масъул кишилар суннат тўйи қилса гап бўлади, ишдан олиними мумкин. Тушундингизми?— Чол, тушундим, дегандай бош қимирлат-

ди,— шу сабабли сизнинг тўқсон ёшингизни тўй қилган бўламизу аслида невараларингизнинг қўлини ҳаллолаймиз. Мана шунақа гап. Бу гапни ўғлингиздан ҳам эшитиб қоларсиз.

— Маъқул,— деди чол.

— Ота, анови кичик уйга кириш. Юз-қўлингизни ювиб, ўша ерга янги чопон, кўйлак, тўн, ковуш-маҳси кўйибман, ўшаларни кийиб олинг. Бу исқирт кийимларингизни ечиб ташланг.

— Менга бирни берсанг, худо сенга мингни берсин... о-омин!— чол яна қўлини жуфтлаб, дуо қилди. У секин туриб, ошхона ёнидаги ҳужра томон юрди.

— Ковуш-маҳси билан тўндан бошқаси таги билан ўзингизга,— деди Латофатхон. Хурсанд бўлиб кетаётган чол бир лаҳза тўхтаб, хомуш бўлиб қолди. Шу, ковуш-маҳси билан тўн дегани уйга ёққан эди.— Уларнинг қўшнимизникидан олиб чиққанман, тўйдан кейин қайтаришим керак.

Бува индамади.

Кечга яқин уйга кириб келган Хўжахонов ҳовлида ясаниб ўтирган отасига кўзи тушди, у билан бир лаҳза тўхтаб омонлашиб, кейин ичкари хонага кириб кетди. Даҳлизда ботинкасини ечиб, ярқиратиб кўйилган паркет-пол устида пайпоқ билан юрди. Паркет устидаги қип-қизил чўғдек гиламга кўз ташлади. У бош бўлган ташкилот учун ажратилган эман-паркетни ўз уйига туширтириб, ҳамма хоналарини паркет қилиб олган эди.

У уй кийимларини кийиб чиқиб, отасини айвонга таклиф қилди-да, бўладиган ҳамма гапларни унга айтди.

Якшанба куни Аббосхон Хўжахонов ҳовлиси меҳмонларга тўлди— бу ерга казо-казолардан ташқари шу маҳаллалик Чиранчиқ полвон, Ҳайитбой оқсоқол, Арслон, Нишон ака ҳам яқинда қамоқдан бўшаган Қори, Қизил Махсумлар ҳам таклиф этилган эди. Ҳужрадан чақириб олиб чиқишган Тўра бувага жой кўрсатишмади, у ҳовли ўртасида ҳассасига суяниб қаққайиб туриб, келганларнинг ҳаммасини бир дуо қилди. Маст-аласт кишилар унинг дуосига ҳам қулоқ солмай, бир-бирлари билан гаплашиб, коньяк отишарди. Ҳовлида совуқдан-совуқ бўлиб қаққайиб турган

чолнинг ёнига келган ўғли Аббосхон билинар-билинмас гапирди:

— Дада, энди уйга кира қолинг.

— Хўп бўлади, ўғлим,— чол битта-битта юриб хужра томон кета бошлади.

— Ҳой, Нормамат,— деди Аббосхон хизмат қилиб юрган йигитлардан бирига,— яхшилаб чой дамлаб, отангизга олиб кириб беринг.

— Хўп бўлади, хўжайин,— деди йигитча,

Бир-икки рюмка коньяк отиб, «инсоний туйғуларини» авж олган Латофатхон ҳам қолган-қутган овқатлардан кўтариб, чолнинг ҳолидан хабар олиб чиқди.

Чолнинг номи тинмай айтилиб, қадаҳлар кўтаришлар, «падарни бузруквор»нинг азизлиги ҳақида нотикларнинг лаби-лабига тегмасди. Кимдир, «отамларга каттакон ҳайкал қўйса ҳам арзийди» деди... Аммо чол шўрлик қоронғи хужрадан чиқиб, шу одамлар қаторида ўтиргиси, уни-буни кўргиси келарди. Келинининг ҳам, ўғлининг ҳам қош-қовдғи бунга йўл бермасди. Ҳақиқатда ҳам бу тўй уники эмас, невараларининг суннат тўйи эди. Унинг шунчаки номию ёшидан фойдаланишяпти. Ҳа, ишқилиб, омонлик бўлсин, деб у хужрада худо деб ўтираверди.

Бир муддатдан кейин Ҳайитбой оқсоқол билан Нишон ака бир-бирларига қарашиб, шивирлашишди. Ундан кейин Аббосхонни имлади.

— Ука, отангизни бу ёққа чақиринг! Менинг ёнимда ўтирсинлар,— деди Нишон ака.

— Бу нима номаъқулчилик! Чолни нега хужрага киритиб қўйибсан,— деди кайфи ошган Ҳайитбой оқсоқол Аббосхонга дағдаға қилиб,— сани ким тушунган одам дейди.

— Ҳозир чақириб чиқаман,— деди Аббосхон қизариб.

Бир дамдан сўнг, Тўра бува Нишон аканинг ёнига келиб ўтирди. Кўп ўтмай Ҳайитбой оқсоқол, Нишон ака, Арслонлар ёнидагиларга кетдик, хайр деб зиёфатдан чиқиб кетишди.

* * *

Маишат кимга ёқмайди; шинаванда ошналар атрофингда қўл қовуштириб хизмат қилиб турса, дастурхон устида ноз-неъматлар, анвойи таомлар, чунон-

чи япроқланган қазию коньяк, бир томонда пиёзи анзур, бир томонда анор суви, бир томонда мурғ ила сомса... Жизиллаб келган кабобни тишлаб, иссиқ сихдан суғуриб-суғуриб олсанг. Қувноқ ошналар чақчақлашиб сенинг руҳингга мос гапларни айтиб, кайфингга кайф қўшиб турса, бундан лазизу латиф нима бор? Киши яшаради, ахир биз дунёга икки бор келмаймизку! Беш кунлик дунёда кайф суриб қолиш керак, деб тўғри айтган машойихлар...

Аббосхон Хўжахонов андак сиёсат қилиб, идора ходимларига зарур иш билан командировкага кетаётганини, йўқлигини билдирмай ишлаб туришларини тайинлаб, ҳайё-ҳув, деб водийга жўнади. Ходимлар Хўжахоновнинг ҳар сафар шу томонга диконглашидан таажжубланишмас эди. Ҳа, у Қарши чўлида нима қилади! Салқин ва гўзал қишлоқдаги базми жамшид турганда иссиқ ва чанг Тошкентда нима ҳам қилади!

Фарғона атрофидаги сусанбилнамо қишлоқлардан бири — «Бўстон» колхозидаги катта ҳовуз бўйида яна эрталабдан буён тайёргарлик — қўй сўйилиб катта дастурхон ясатилиб, қозонларга ўт ёқилган. Бурама мўйловини силаб, раиснинг ўзи гўдайиб турибди. Унинг бир неча «махрамлари» зир югуриб, йўқ ердаги нарсаларни топиб келишган. Ҳовуз четидаги азм туп сададаги тўрқовоқларни силкитиб беданаларнинг ва-вақ, ва-вақ, бит-билиқ — бит-билиғи авжда... Тошкентдан Аббосхон Хўжахонов келаётган эмишлар. Аллаҳаерда концерт беришга кетаётган область театри артистларини ҳам зўрлаб олиб келишиб, сўрига ўтқазишди. Хўжахонов бузоқ гўштини яхши кўрарлар деб, молхонадаги уч ойлик бир бузоқнинг ҳам шўри қуриб, бўғзига пичоқ тортилди. Иккита-тирик катта балиқнинг бўғзидан каноп ўтказиб, ҳовузга ташлаб қўйишди.

Вокзалга чиқарилган машиналар кечга яқин Хўжахонов ва унинг икки оғайнисини олиб, гулдур-гулдур кириб келишиб, ҳаммани шод этиб, базмга файз киритиб юборишди. Хонандалар «Фарғона тонг отгунча» ни чунонам завқ билан айтишдики, бунақа файзли базм ҳеч маҳал бўлмаган. Ширакайф Хўжахонов, суйилган, раиснинг кифтига қўл урар, «уни тўғрилаб бераман, буни тўғрилаб бераман...» деб ваъда қилар,

раис ва унга яқинроқ кишилар бош эгиб, қўл қовуштириб, кайфи ошган Хўжахоновнинг оғзига маҳлиё бўлиб ўтиришар эди.

— Қуй тўлдириб-тўлдириб қуй!— деди раис шинаванда йигитлардан бирига.— Менинг ўзимга ҳам қуй! Уртоқ Хўжахонов билан уриштириб ичаман. Бундай олижаноб дўстларим бор экан, юким ерда қолмайди.

— Балли!— деди узун кекириб Хўжахонов, лаблунжини қўли орқаси билан артаркан,— сиз Ҳамроқул акалардек машҳур раиссиз. Колхозни бундан ҳам яхши қиламиз. Қани кўтаринглар, оқ ичайлик!

Хўжахоновнинг бу «сермазмун сўзи» ҳурмати учун ҳамма одамлар коньякларни лиққа-лиққа ютиб юборишди. Кимдир чеккароқда «То, оғзидан гапи чиқмагунча нодон ҳам ақлли бўлиб кўринади», деб пўнғиллади. Бу одамнинг кимлиги ҳеч кимга маълум бўлмади.

— Арофат куни анодин таваллуд қилган эканмиз,— деди маст Хўжахонов эски ўзбек тилида ўзини билармон кўрсатиб,— шу сабабли падари бузрукворимиз «она қорнида ҳожи бўлгансиз, ўғлим, ҳеч қачон хор бўлмайсиз», деган эдилар. Мана, еганимиз олдинда, емаганимиз кейинда. Амал ҳам бор...

— Вой бетамиз-э!— деди секин бояги одам ёнидаги шеригига. Шериги бўлса лабини тишлади. Тилинғизни тишланг, бундоқ гапларни айта кўрманг, хап туринг, раис ота эшитиб қолсалар...»

Базм тонггача чўзилди. Азонга яқин Хўжахоновлар шийпондаги атлас кўрпалар бағрига кириб ухлашди. Эртасига Хўжахонов шу колхоз бригадирининг уйида меҳмон бўлди. Яна тонг отар базм... Унинг эртасига ферма мудирини уйига чақирди. Жўжалар... кабоблар... мусалласлар...

Эртасига, кун ўрталарида Хўжахонов боғ кўчада устида, қичиқ хонатлас куйлак ялт-ялт ёниб кетаётган ёшгина бир жувонга тегишган эди, жувон елкасидан кетмонини ерга қўйиб: «Қорнингни тарвуздек ёриб ташлайман, махсимча!» дебди. Бу одобсиз гапни эшитган Хўжахонов тирақайлаганича қочиб, ҳовлига кирди. Эртасига у раисга «колхозчилар орасида тарбиявий ишларни яхшилаш кераклиги»ни тайинлади.

Уч кунни мўлжаллаган Хўжахонов қишлоқда бир ҳафта қолиб кетди. Уни кетишга қўйишмасди. Ун кун

деганда мош еган хўроздек қип-қизариб Тошкентга қайтди. «Районда кўп ишларни битириб келгани» ҳақида одамларга гапирди.

...Шундай қилиб, ойлар кетидан ойлар ўта бошлади... Ора-чора шу бўстонликлардан биронтаси Тошкентга келиб Хўжахоновнинг қўлидан бир пиёла чой ичиш у ёқда турсин, «ўртоқ Хўжахоновнинг қабули»га ҳам йўл тополмай қайтиб кетишарди. Раиснинг ўзи ҳам икки-уч бор Тошкентга келиб, унинг билан учрашиш йўлини тополмай қайтган. Бу гап секин-аста бўстонликлар ичида тарқалиб, Хўжахоновдан ихлослари қайта бошлади. Бироқ, «беш қўл баробар эмас,— дебди биров,— яхшилигингизни билмаса билмас, ўзига қийин». Биров, «номарднинг катта-кичиги бўлмайди», деб қўя қолибди.

Бўстонликларнинг тамоман ихлоси қайтганини пайқаманган Хўжахонов қовун пишиғини мўлжаллаб яна қишлоққа келди. Аввал ўша сой тепасидаги чойхонага тушиб, енгил келиб оғир кетадиган чамадонини ерга қўйди-да, пастликка — «Бўстон» колхозини қишлоғига қаради: дала шийпони, ҳовуз, соя-салқин ишкомлар йўқ. Қишлоқнинг бир томони текис дала, чан томонда одамлар уй солишяпти. «Бўстон» колхозига кираверишдаги қатор тераклар ҳам йўқ... Бошқа чойхонага келиб қолдим хаёл қилиб, ўрнидан тураётган эди, ўзини четга олиб турган чойхоначи ёнига келди.

— Э, бормисиз, Ғуломназар ака!— деди Хўжахонов,— э, мен бошқа ёққа келиб қолдимми, деб ўйлабман...

— Йўқ, ўша келиб юрган жойингиз.

— Ҳовуз қани, шийпон қани, раис қани?

— Ҳаммалари саломат. Аммо ҳовузни, шийпонни сел олиб кетди...

— Ия, сел оладиган ерга қурган экансизлар-да,— деди Хўжахонов пастга, сел ювиб кетиб яримта-юримта бўлиб қолган деворларга тикилиб,— энди нима қиласизлар!

— Қурапмиз, давлат қуриб берапти...

— Хабаримиз бўлмабди-я,— деди Хўжахонов.

— Хабарингиз бўлмаганда ҳам сиздан хафа бўладиган жойимиз йўқ, биз бошқа одамдан хафа бўлдик. Сел ювиб кетганини эшитса ҳам келиб, ҳолимиздан хабар олмади. Сиздан хафа бўладиган жойимиз йўқ.

— Ҳа, балли!

— Сиз тандаги сўгалсиз. Йўқ-йўқ, сизнинг ифлос одам эканлигингизни кейинроқ пайқаб қолиб, қўлимизни юиб қўлтиққа урганмиз...

— Ия, бу қандоқ гап?!

— Чамадонни кўтар! Номард! Бу ерни «Бўстон» дейдилар, ҳаром-хариш одамга бунда жой йўқ!!!— деди кўзларидан ўт чақнаб чойхоначи.

Хўжахонов Ғуломназир аканинг кўзидаги мислсиз ғазабни пайқади. Сўнгра чамадонини кўтариб, ўридан турди. «Маданиятсизлар, андилар, қўполлар», деди у ичида сўкиниб.

— Ҳа, номард!— деди Ғуломназир ака орқасидан. Кейин ўзига-ўзи деди.— Оёқдаги бит бошга чиқар деганлари шу экан-да.

— Йўқ, бундай эмас,— деди сўрида бу «учрашув»-ни кузатиб турган бир колхозчи,— буни «хўжахоновчилик» дейдилар., Улар юлиб қочишади, колхозчини талашади. Билдингизми! Бундан бошқа яна новча, турқи совуқ миннамажон, деган фирибгар шоир йигитча ҳам бор, унга ҳам ҳушёр бўласиз!

Аббосхон Хўжахонов кейинги пайтларда ўз қулоғи орқасига кафтини тутиб, ўзига мурожаат этаётган одамга яқинроқ борарди. Қаттиқроқ гапиринг, эшитмаётибман, деб тиржаярди. «Оғир грип жароҳати» қулоғида қолиб, ёшлигидан гап эшитмайдиган бўлиб қолган эмиш. Фақат бақариб гапирсагина эшитармиш. Бунинг ҳаммаси ёлғон эди. У ўзини жўрттага карлика соларди. Бунда нима сир бор, деб сўрарсиз, мана ҳамма гап шунда... У Зиё Афанди-ю, Қори-ю Баётларнинг гапини мутлақо эшитмаган эмиш ва нима ҳақида гап бўлганини билмас эмиш. Кейинги пайтда у ўзини очикдан-очик карликка солиб юрганини эшитган Арслон бир куни Аббосхон билан гаплашиб туриб, чўнтагидан олган бир тангани секин билинтирмай оёғи остига — асфальтга ташлаб юборди. Жиринглашни эшитган Аббосхон дарҳол оёғи остига қаради. Шу лаҳза яна ўзининг «карлиги» эсига тушиб, Арслон билан овозини қаттиқ чиқариб гаплашишини давом эттирди. «Тушунарли,— деди ичида Арслон,— бундай айёрликни ҳамма ҳам қилавермайди. Бу, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди».

Р У Й И Н Т А Н

Ҳаво оғир, хафақон, булутли кунлар Нишон ака ўзини ёмон сезарди. Баъзан ўралиб ётиб, юракдаги санчиқни йўқотиш мақсадида тили тагига валидол ташларди. Ўзининг бедармон, хасталигини кексаликка йўяр, «етмишни уриб қўйганингдан кейин яна нима дейсан» дерди ўзига-ўзи. Аммо кул ичидаги чўгдек шу бемадор танга беркинган мислсиз ғайрат уни ўрнидан қўзғатиб ташқарига олиб чиқарди.— «Ҳей, бақироқ туя, тур ўрнингдан! Сен ётадиган одамлардан эмассан, юрагинг энди санчибдими? Заводда ҳам баъзан шундай бўлардинг. Юрак деган нарсанинг феъли шунақа, бир қилиқ чиқариб турмасдан иложи йўқ. У ўзининг юрак эканлигини, таъби нозик нарса эканлигини билдириб турмаса ҳеч ўрнига тушмайди! Шаҳарнинг қоқ ўртасидан, иккинчи қаватдан квартира олволиб, партўшакка чўкиб ётмоқчимисан! Йўқ, партўшаклар биқинингга тошдек ботиб кетади. Сен партўшакда ағанаб ётадиган одам эмассан! Қани тур ўрнингдан!»

Ўрнидан туриб, коридорда деворга илиб қўйгани — ярқираб турган кетмони, белкуракни кўтариб зиналардан туша бошлади. Паркет полли коридорда иззатда турган кетмонга ҳайрат билан қараган невараларига, ундан кейин бу кетмон билан белкуракни олиб чиқиб ташламоқчи бўлган «кибернетика», «синхапазетрон...» лар ҳақида гапирадиган, ядро институтида хизмат қиладиган ўғлига раҳматли Охунбобоев президент бўлиб ўтирганида, креслоси ёнига эски чоригини ҳам ташлаб қўйганини яна такрор айтиб берарди. Болалар ота ҳурматини қилиб «уй ҳуснини бузиб турган» бу қўпол нарсаларни олиб чиқиб ташлашолмади. Нишон ака атай Шредер номидаги боғдорчилик станциясидан олиб келган кўчатларини экишга киришди. Тўрт томонда тоғдек қад кўтарган бинолар деразасида қўлини даҳанига тираб, семиз, оппоқ биллакларини кўрсатиб турган хотинлар унга тикилишарди. Кимдир таҳсин айтар, кимдир «шайтоннинг мардикори» деб қўярди. Икки юзи қип-қизил, папка кўтарган барзанги бир йигит Нишон ака бўйнидан тер

оқиб, ер кавлаганини кўриб кулиб ўтиб кетди. Нишон ака бўлса бунга эътибор ҳам бермади, унналиб олма кўчати эка берди. У ўз ҳаётининг қил устида турганини ҳам биларди. Рузвон холанинг: «Ҳой, нодон чол, сиз буни кимга, бўйни йўғон анави олифталар, ортиқча нонни ахлат яшигига ташлайдиганларга экяпсизми!» — деб қақшашини ҳам биларди. Лекин бари бир Нишон ака кўчат экарди. Қуёш ярақлаб, тарновлардан сув оқиб, қорлар эриган кунлари у валидолини ҳам унутиб катта ҳовлида ер қазигга тушиб кетарди...

Бу одам — Рўйинтан¹. У ҳаётни ғоятда севади. Мана, бунақа одамлар ҳам бўлади. Валидол билан тегиб турган юрагидаги буюкликни сўз билан ифода қилиб бўлмасди.

Ҳа, бу одам — Рўйинтан!

...Баъзан ўз қўлинг билан бунёд этган ишларни кўриб фахр этиш инсон учун ёт эмас—шу юрт кишиси эканлигини, ютуғинг ҳам, камчилигинг ҳам, камтарлигинг туғуриг ҳам ниҳоятда инсонийлигинг билан ҳам фахр этишга ҳаққинг бор! Баъзан бедазмол шим, керзовой этик кийиб юрадиган қадоқ қўлли Нишон ака бошқалардан ажралиб турадиган кўримсиз, чуваккина бир одам—шоп мўйловидан бошқа кўзга ташланадиган нарсаси йўқ. У ўттиз йилдан буён бир заводда ишлайди—«кадровой ишчи». Арслоннинг ҳам ортиқча маҳмадоналик қилишга, фоточиларга рўпара бўлишга тоқати йўқ. У олов пуркаётган вагранкалар ёнида доимо алпдай барқарор. Нишон ака қадоқ қўллари билан металлни хамирдек тўғраган, вагранканинг асов оташи ҳам унга ром бўлган. «Заводимиз шунақа,—дейди у баъзан.—Сен ҳалол меҳнат қилсанг, у ўсади. Демакки, сен ҳам ўсасан. Сен ишламасанг, у қурийди, демак сен ҳам қурийсан... У баъзан улкан шаҳримиз жамолига ҳам маҳлиё бўлиб, фахр этади, қувонади...

Ҳамма ёқда яшиллик, дунё яшарган.

Бу табиатнинг ишими?

Йўқ, бу инсоннинг ҳам иши! У, шаҳар четидаги

¹ Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги танига тиг ўтмас, ўлдириб бўлмайдиган паҳлавон.

боғлар, шиқомзорлар, ўригу олмазорлар ёнидан ўтади. Шаҳримиз ўзининг қадимий мевазорлари билан ҳам донгдор. Асрий садалар, қайрағочлар, чинорлар, анҳору ариқлар... Улуғ Ватан уруши йилларида Кесакқўргон маҳалласидаги икки азим тут бир маҳаллани боқди. Қушларгача саломат қолди. Тут пишиғига етиб олганлар очликни сезишмади. Лекин шу тутларини, янги бино соламан, деб илдизи билан бульдозерда қўпориб ташлашгани яхши бўлмади! Меъморларни ҳурмат қиладиган бу ишчи одам тошлоқ ерлар қолиб, асрий боғларни бузиб, уй солаётганлардан хафа бўлди — қассоб бўлманг, жарроҳ бўлинг!

Сен шаҳар қур, уй сол, мен унда яшайман. Сен бугдой экиб, нон қил, мен уни ейман. Сен пахта экиб, кийим қил, мен уни кияман, дейдиганлар ҳам бор... Нишон ака мана шу текинхўр—фақат ўз фойдасини кўзлайдиган кимсалар ҳақида ўйлар экан, ғазоби қайнаб, қон босими кўтарилиб кетарди. Улар, алппаҳлавонлар оёғи остига сепилган тариқларга ўхшардики, эҳтиёт бўлмаса йиқитади.

«Менинг азалий Тошкентим,— дерди Нишон ака, —мен шаҳримни ҳеч бир шаҳарга тенглолмайман, гавжум кўчалар, магазинлар, чойхоналар...» Унинг уйи ҳам Ленин майдонидан унча узоқ эмас.

Тошкент.

У, анҳору кўллар, мрамар зиналар, фонтанлар, кундуз тусини берувчи чироқлар... Бу ер Инсон қўли билан энг чиройли, энг баҳаво жойга айланган. Пастқам кўчалар, бир қаватли қоронғи уйлар ўрнида осмон ўпар ёрқин бинолар қад кўтарди.

Ҳа, баъзан ўз қўлинг билан бунёд этган ишларни кўриб, фахр этиб қувонасан, чунки сен Инсонсан. Инсон ва фаришта, на илоҳий, на будда. У, инсон бўлганлиги билан буюк ва гўзал! Яхши ҳам у фаришта-маришта бўлмади, мана шунинг учун ҳам биз бахтиёрмиз: яшаш, ишлаш, курашиш, севиш-севилиш, қўшиқ айтиш, дўстлашиш сенинг ишинг. Эркин фикр қилиш ҳам сенга ёт эмас. Жиндек баъзида мақтаниб қўйиш ҳам сенга ёт эмас. Ҳаёт қанчалик ширин ва гўзал бўлгани сари ўлим даҳшати шунчалик кучли бўла бошлайди. Уруш йилларида биз буни унча пайқамадик — ўлиб туриб ўлимни ўйламадик. Сиртида улкан тоғу океанлари, шаҳару далалари, қитъалару қутблари билан коинот бўшлиғида муаллақ айланиб

юлган каттакон шарнинг қуёшга қараган, олманинг қирмизи юзидек, унинг кулиб турган томони — бизнинг мамлакатимиздир.

Нишон ака буларнинг барини бир-бир хаёлидан ўтказарди...

Ўттиз тўртинчи боб

ЮРАККА ЕҚҚАН ҚОР

Яна қиш келди.

Совуқ, изғирин. Оқ тугмачага ўхшаган бир нима ёғарди. Ер тақатақ қотган. Балкон панжарасида ўтирган мусича ҳам бошини ичига тиқиб, жунжиб, бурчакда яхлаб ётган товадаги нонга хомуш қарар эди. Ичкарида, иссиқ хона ичида даҳанини кўтариб, томига чўтка билан кўпиртириб совун сураётган Арслоннинг кўзи мусичага, ундан сўнг музлаб ётган товага тушди. Унинг сабри чидамай, югуриб ошхонага кирди-да, бир-икки бурда нон олиб, балконга чиқди.

— Шамоллайсиз, Арслон ака!— диванда ўтирган Барчин ўқиётган китобини ёпиб Арслонга қаради.

— Менинг бечора мусичам, совқотибди,— Арслон нонни майдалаб товага ташлади. Ёнгинасида ўтирган мусича ундан қўрқиб қочмади ҳам. Арслон тезда қайтиб хонага кирди. У соқолини қириб, дамо-дам бўйини чўзиб увоқларни чўқиётган мусичани кузатарди.

— Қиш жуда қаҳрига оляпти.

— Қиш бўлгандан кейин қишлигини қилсин-да,— деди Барчин ўрнидан туриб бориб эрининг елкаларига қўлини қўйиб.— У рўпарадаги катта тошойнага ўзини солди. Соқол қираётган Арслон Барчинга қараб кулимсиради. Унинг кўзига негадир хотини жуда чиройли кўриниб кетди. У ўгирилиб, Барчинни ўпмоқчи бўлди. Барчин ўзини тортди: «вой-й, қўйинг, юзингиз шундоқ совун-ку».

— Мана, совунни артиб ташлайман!— у ўрнидан туриб сочиқ билан юзини артиб ташлади.

— Ҳали соқолингизни олиб бўлмабсиз, ярми бор. Утиринг!— у нариги хонага кириб кета бошлади.

— Қани? Соқол йўқ...— Арслон хотинини қувиб ушлаб олди. У атлас кўрпалар тўшалган каравоти устида балиқдек бағрида типирлаётган хотинини қўйиб юбормасди... «Вой, бу нимаси?! Куппа-кундуз кун-я!»

Арслон анчадан кейин бошқатдан совун кўпиртириб, соқолининг қолганини олди. Ичкарида кўрналарни бошқатдан тартибга солаётган Барчин эрининг орқасидан кўрсаткич бармоғини кўрсатди: «Хаҳ, сизинми! Жуда ёмон бўлиб кетибсиз!» Арслон хотинининг илиқ қилиқларини ойнадан кузатиб турарди.

— Ваннага сув тўлдириб қўй!

— Тўлдирмайман!

— Туристтик путёвка олиб Ҳиндистонга обораман.

— Ёлғончисиз!

— Рост.

— Алдамайсизми? — у андак бўшашиб эркаланиб сўради.

— Мен умримда бировни алдаган эмасман.

— Бировни эмас, мени?!

— Албатта, сени.

— Мени яхши кўрасизми? — У яна эрининг елкасига осилди.

— Ҳа.

— Тузукроқ айтинг!

— Сени, фақат сени. Менинг Барчинимни... Дунёда яккаю ягона Барчинимни!

Барчин эрининг бошига юзини тегизиб, ўпди.

— Бугун мажлис йўқми, Арслон ака? Кеч келмайсизми?

— Мажлислар менинг ҳам жонимга тегди. Ҳозир бизнинг олдимизда, яъни исполком олдида иккита проблема турибди — жўрттага «проблема» дедим. Масала, десам унчалик ўрнига тушмаяпти, муаммо десам, қовушмайди — шунинг учун проблема деяман. Яъни райижроқўм коридорларига ичкарига кириш учун кун бўйи навбат кутиб ўтиришни йўқотиш. Ўттизлаб-қирқлаб кишилар навбат кутиб ўтиришади. Одамларнинг ҳожатини тезда равон қилиб юбориш, ортиқча кутдирмаслик — ҳал қилишим керак бўлган проблема! Ҳал қилмай қўймайман! Кишиларни эшикда сарғайтириб қўйган бўлим бошлиқларига қаттиқ жазо бераман! Шаҳар ижроия комитети билан бу масалани гаплашиб олганман. Цеканинг ҳам топшириғи бор. Иккинчи проблема — «птичка» учун қилинадиган мажлисларга барҳам бериш! Кўрасан, мен бу ишнинг охирига етмай қўймайман!

— Ҳа, сизни биламан... Бир ниманинг кетига тушсангиз охирига етмай қўймайсиз,— Барчин эркаланди. Негадир у эри билан ҳазиллашгиси келар, атай унинг гашига тегар эди,— тагин райисполкомдаги хотинлар сизни калтаклашмасин!

— Йўқ. У бошқа масала эди. У жиддий масала! Хотинларда айб йўқ эди, тўғри калтаклашган.

— Қабулхонангиздаги Зайтунани айтяпман...

— Зайтуна яхши секретарь.

— Стини ҳам чиройли айтасиз.

— Қизиқмисан!

— Ҳа, қизиқман. Эркаклар итни кўрса ияди.. Эҳтиёт бўлинг!

— Мен Шаҳрисабздаги Эркин деган йигитни айтаяпсизми, деб ўйлабман...

— О-о-о... яна ўша! Сиз уни ҳеч қачон...—Барчин гапидан адашиб қолди,— ундан рашк қилишингизга ўрин йўқ! Мен фақат сизни севаман, тушундингизми, сизни!—У Арслоннинг юзига эркаланиб уриб қўйди,— сиз ёмонсиз, сиз хотинларга қарайсиз! Сиздан жуда қўрқаман...

— Азизам, бу гаплар ортиқча,— Арслон ҳар галдай Барчинни ўпиб, хизматга жўнади.

— Тўхтанг, Арслон ака, пастда машина йўқ-ку.

— Машина келмайди.

— Нега?

— Эрта билан менга машина юборманлар, дедим, пиёда юрган яхши. Машинада юраверсам, ишчи одам қорин қўйиб юборишим мумкин. Умуман менга машина нега керак! Бугун кун бўйи менга биркитилган машина районимиздаги 22-болалар боғчасининг хизматини қилади.

— Анали куни ҳам бир ташкилотга бериб қўйдим, деётган эдингиз?

— Туғруқхонанинг бош врачси Олия Умарова сўраган эдилар.

— Уларнинг ўзига ҳукумат машина бермайдими?

— Берган. Лекин етишмайди. Агар менда ихтиёр бўлганда баъзи бюрократлардан машиналарни тортиб олиб, касалхоналарга берардим.

— Сизга қолса кўп иш қиласиз, биламан,— деди Барчин. Эрининг гапи унга ёқмади, сизга қолмагани ҳам маъқул.

Арслон хотинининг бурнини чимчилаб қўйди.

Ёқаларини қайириб олиб, пастда ошшоқ қорни босиб кетаётган Арслонни деразадан кузатиб турган Барчиннинг юрагига яна аллақандай ташвиш тушди. «Болалар богчаси...», «туғруқхона», «Олия Умарова» унга «бола» сўзини эслатди, юраги орқасига тортиб кетди. Эрининг болани қанчалик яхши кўришини биларди. Ҳамма оталар ҳам болани яхши кўради, айниқса, Арслон... Наҳотки Барчин бефарзанд ўтиб кетади?

Арслон Субҳия фожиасини бир неча бор Барчинга айтиб берган эди. Унинг жуда ачиниб эслашини ҳам биларди. Бу фожа Барчиннинг кўз олдига келиб, унинг ҳам қаровсизлик орқасида нобуд бўлган қизчага раҳми келарди-ю, лекин болалар ҳақида кўп гапириши унга ёқмасди. Қўшниси Маъсудахоннинг кичик ўғли Бобирни кўрганда эркалаши, болалар тўпига кириб қолиб, баъзан «футболчи»лик қилиши... булар ҳам унинг гашини келтирарди. Кўп болали оналарга медаль берганини, кўп болали оналарга ғамхўрлик, фронтда ҳалок бўлган кишиларнинг оналарига ёрдам... — бу гаплар Арслоннинг кундалик иши, баъзида бу ҳақда хотинига гапирарди. У хотинига ахборот беришни эмас, маслаҳатлашини ёқтирарди. Барчин бўлса бу гапларда ғараз йўқ, унинг одатдаги ишлари эканини билар ва лекин «бола» деганда юраги орқасига тортиб кетарди. Бола ҳақида менга гапирманг, деган сўзни айтолмасди. Қандай қилиб ҳам айтсин!

Улардан анча кейин уйланган Марат акаси ўғил кўрди — бувасининг оти Ҳумоюн бўлганлиги сабабли, Дилбар билан Марат ўғилларини Акбар деб аташди.

Кейинчалик Арслон бола ҳақида гапириш Барчинга ёқмаслигини билиб, бундай гапларни гапирмайдиган бўлган. Мабодо гапириб юборса ҳам кетидан бошқа гап билан чалғитар, уни ўкситмасликка ҳаракат қилар эди. Арслоннинг муҳаббати — хотинига бўлган садоқату эҳтироси бусиз ҳам доим айнамайдиганлигини билдирар, Барчиннинг ўзи ҳам буни яхши сезарди. «Сен нималар деб ўтирибсан, жинни, мен сен учун ҳамма ишга тайёрман, мен сени жонимдан ҳам азиз кўраман».

— Сиз болани яхши кўрасиз, Арслон ака. Бизда эса... жуда кўрқаман... — деди кунлардан бир кун Барчин, — нега бундайлигига тушунмайман...

— Докторга қаратайлик. Лекин сен кўнглингга ҳар хил гапларни олма. Менинг учун дунёда сен доимо саломат бўлсанг, шу бас. Ҳали биз кексайиб қолганимиз йўқ, бу ҳақда кейинроқ ўйласак ҳам бўлади.

Барчин бу гаплардан кейин жим бўлиб қоларди.

Арслон ўзи билан ўзи овора; эрталаб кетиб, кеч қайтар, баъзан Барчин мактабда дарсини бериб бўлгач, йўл-йўлакай онасиникига кирар, эри билан телефон орқали ваъдалашиб унинг мажлиси тугагач, етти-саккизларда янги квартираларига кириб келишарди.

Қиш чиқиб, баҳор келди.

Осмон мусамфо, баҳор қуёши ҳамма ёққа нур шалоласини бетиним қўйиб ётарди. Қор, музлар эриб, ер ҳамирдек кўпчиган, гулларнинг қалдирғочи — сўлим гунафша ҳам юзини қийшайтириб, ҳеч бир гулни такрорламайдиган беқийёс ҳиди билан одамлар қўлида пайдо бўлди. Совуқ қишдан омон-эсон чиқиб олган қушлар шохдан-шоҳга учиб ўйин тушишар, чуғурлашар, сайрашар эди.

Ўз иши билан ўзи банд, лекин ўз оиласининг мева-сиз бир дарахтга ўхшаб қолаётганидан кўнглида пайдо бўлган ғуссани асло билдирмай юрган Арслон бошига кутилмаганда яна ташвиш тушди. Ногаҳоний аламнинг сабаби — ўз онаси Мадина хола эди. Қайна-насининг этда-бетда келини бефарзанд чиққанини, «ўғли бечора нима қилишини билмай юрганини» оғзидан гуллаб қўйганини эшитган Барчин бир сафар индамади, икки сафар индамади, учинчи гал лабларигача гезариб, титраб, бу гапни онасига айтди. Ҳамидахон қизига сабру қаноат тилади.

Барчин хаёлпараст бўлиб қолди. У мактабга бориб, дарсини бериб келгач, кун бўйи уйда ётиб, хаёл сурар, қўли ишга бормасди. Уйга ҳам яхши қарамас, кир-чирлари ҳам тўпланиб қоларди. Унинг руҳан сўниклигига баъзан Арслон ҳам ҳайрон бўларди. Лекин яна ҳазил-мутойиба гаплар билан уни кулдираб эди. Эрининг, қандай бўлмасин, унинг чиройини очиш мақсадида бундай қилаётганини ҳам биларди. Бу қилиқлар бир оз сунъийроқ ҳам кўринарди. Аммо яхши бўлиб туюлаверарди. Арслон унга оғир, саботли, оиладаги майда гапларга эътибор бермаслик кераклигини уқтирарди. Булар Барчинга ёқар, Арслонга нисбатан бир кўнгилсиз гап айтишга жазм қилмасди.

Арслон шу кунлари атоқли бир ёзувчининг газетада босилган танқидий мақоласини ўқиб, баъзи жойларига қизил қалам билан чизиб, уни жовондаги китоблари устига қўйган эди. Барчин газетадаги ўша мақолога кўз ташлаб, Арслон чизиб қўйган мисраларни икки қайта ўқиб чиқиб, ўйланиб қолди.

«Туғмайдиган хотинларнинг баъзилари фарзанд меҳридан маҳрум. Мен бола туғмаган хотинлар ҳақида гапирмоқчи эмасман, уларни ранжитиш ниятим йўқ, мен адабиётдаги туғмасларнинг ҳасадгўйлик билан бошқаларни турткилаётгани ҳақида гапирмоқчиман. Яъни, гап ҳасадгўй одамлар ҳақида кетяпти».

Бу билан нима демоқчи?

Яна «туғмайдиган хотинлар...» Яна Барчиннинг юраги орқасига тортиб кетди; унинг кўз олдида рангини сарғайтириб, чимирилиб юрадиган Мадина хола келди. У тишларини ғижирлатиб, чаккаларини тарам-тарам қилгандек бўлди.

Мадина холанинг заҳарли гаплари авжга чиққан бир пайтда Арслон ҳам нимагадир бир-икки кун хомуш юрди. Унинг хомуш юрганлиги ишига боғлиқми ёки онасининг баъзи гапларигами, буни Барчин асло билолмасди. Эри эрта билан хизматга кетганидан сўнг, у ўтириб, йиғлаб, ушбу хатни ёзди:

«Арслон ака!

Мен ҳамма томонни ўйлаб, кетишга қарор қилдим. Бу, кутилмаган воқеа. Бу — бирданига даҳшатли бўлиб кўринади. Начора! Бари бир бир куни шундай бўлиши керак — ҳар куни бир ўлгандан кўра, бир кунда ўлиб қўя қолган яхши. Мен бефарзанд ўтадиганга ўхшайман, шу билан сизни ҳам бефарзанд ўтказиб юборишни истамайман. Сиз билан бир-биримизга аччиқ гаплар гапириб, жанжаллашиб, ажралишимиз ҳам мумкин. Мен ҳозир кетмасам, бир куни шундай бўлади. Мен ўла-ўлгунимча муҳаббатимиз гуллари хазон бўлиб, ўрнида шўралар, алафлар ўсишини истамайман. Унинг ширин бир тушдек хотирамизда қолишини истаб шу қарорга келдим. Сўраганларга ўзи кетди, нима қилай, ҳеч иложим йўқ, деб қўя қолинг. Бошқа чора йўқ. Кетмаслигим ҳеч мумкин эмас! Яхши кунларимиз ҳаққи, илтимос қиламан, шов-шув қилманг. Сиздан ёлғиз илтимосим шу.

Барчин».

Қовоқлари йиғидан шишган Барчин хатни стол устига қўйиб, баъзи керакли нарсаларни ўраб олиб коридорга чиқаётганида, тўй бўлишдан анча аввал Маркс кўчасидаги тепаси ойнасид фотографияга кириб, бирга тушишган девордаги суратни ҳам олди. Бу фотосуратни унинг адаси Шаҳрисабзда кўриб, розилик берган эди. Бу сурат, Барчин назарида, рамзий бир хотира бўлиб, кейинчалик уни катта қилиб рамкага солиб қўйишган. Барчин эшикнинг ичидан илиниб қолишини билиб, секин тортиб қулфлади-да, калитни Арслон биладиган — электр счетчиги ёнига қўйди-да, онасиникига жўнаб кетди.

Ҳамида опа аввал ҳар галгидай, ўзи келгандир деб ўйлаган эди. Йўқ, Барчиндан бор гапни эшитгач, «Чакки қилибсан...» деди айвон зинапоясига ўтириб.

— Йўқ, бўлмайди! — деди Барчин.

— Тотув эдинглар-ку?

— Биз уришганимиз йўқ, тотувмиз. Лекин Ёз бари бир бир кун ажралишамиз. У болани яхши кўради, мен... Бунинг устига қайнанам ҳам... Мен бунга чидаб туrolмайман. У киши: «Ўғлимга туғадиганини олиб бераман», дебди. Олиб бераверсин! Бормайман! Бормайман! — Барчин ҳўнгиллаб йиғлаб юборди.

— Қайнанангнинг чакаги ўчсин! — деди Ҳамидахон яна ўрнидан туриб, — Арслоннинг ўзи қанақа? Онасининг ёини оляптими?

— Индамайди. Кейинги кунларда жуда хомуш.

— Балки ишидандир? Сенга шундай туюлгандир?

— Болани кўп гапиради...

— Қани, уйга кир, — деди Ҳамидахон ҳамма гапга тушуниб, — ширчай қилган эдим. Аканг ширчайни яхши кўради. Бир коса мурч солиб ичиб кетди.

— Дилбар ҳам кетдими? — Барчин айвондаги беланчақда пишиллаб ухлаб ётган Акбарга тикилди.

— Икки соатга Цекакомсомолга бориб келадиган ишим бор, деди. Ўзи отпуссада-ку.

Барчин катта хонага кириб, диванга ўтирди.

Ҳамидахон қизига дастурхон ёзиб, ошхонадан бир чинни косада ширчай олиб чиқди. У бундан уч кун илгари эрта билан йўл-йўлакай шу маҳаллалик Воситжон деган уйланмаган чиройли йигитнинг эшигига кимдир бир йўрғакланган чақалоқ болани ташлаб кетгани, маҳаллада дув-дув гап бўлгани, милициядан

одамлар келиб, болани олиб кетгани-ю, Воситжондан шубҳаланишиб, онасини топиб бэр, деб сўроқ ...ишаётганини эслади. «Дунёда шундай ёмон оналар ҳам бор», деди у ичида. Лекин Воситжон бунақа номаъқул иш қиладиган йигитлардан эмаслигини кўнглидан ўтказди. «Ҳарқалай одамга ишониб бўлмайди — шубҳа ҳозирча шубҳалигича турибди, деди у. Боланинг уволи туткур, қанақа хотин экан! Биров болага зор, биров болани кўчага ташлаб кетади. Бу қанақа дунё ўзи! Заҳар билан асал ёнма-ён туради!»

Арслон кечқурун хизматдан қайтиб келгач, ёзув столи устидаги хатга кўзи тушиб, дарҳол ўқиди-ю «Ия!!!» деб юборди. У шу лаҳзанинг ўзидаёқ орқасига қайтиб чиқиб, Барчинларникига югурди. Арслон эшикдан кириб ҳовлида юрган Ҳамида опага рўпара келди. Саломдан сўнг, Барчинни сўради. Катта хонада ўтирганини билиб, югуриб унинг ёнига кирди. Коридорда қамти келиб қолган Дилбарга ҳам йўл-йўлакай салом деб, ичкарига кириб кетди. Диванда ниманидир ўқиб ўтирган Барчин унга ялт этиб қараб, кейин ерга кўзини тикди. Улар бир лаҳза жим туриб қолишди.

— Уят! Жинни бўлдингми! Жинни бўлибсан сен! Соғ одам бунақа иш қилмайди!— Арслон унинг олди-га борди. Юзлари оқариб кетган эди. У ҳеч қачон бунчалик ўзини йўқотиб, довдираб гапирмаган эди.— Уят! Мен сени жуда ақлли дердим! Сен қайси юз билан менга бу хатни ёздинг! Ахир, сен ахир!..

Барчин миқ этмай ерга қараб ўтирарди.

Шу куни Арслон Барчинни олиб кетди. Ҳамида опа билан Дилбар ҳам Арслон томонида туришиб, эрининг гапига қулоқ солишини, уйига қайтиш кераклигини айтишди. Марат акасининг бу гапни билмагани маъқул, дейишди. Барчин онасининг имо-ишорасига қулоқ тутиб, Арслон билан кетадиган бўлди. Арслон бир пиёла чой ичиб, Барчин билан ҳазил қилишиб, уйларига жўнашди.

Арслон ширин сўзлар билан Барчиннинг юрагидаги ғубору ғазабни тарқатиб юборди. Йўлда у «вис-тавкахон» деган сигир, ҳақида Барчин ёмон кўрадиган бир қуруқ—«актив» хотин тўғрисида сўзлаб берди.

Орадан бир ой ўтгач, Барчин яна кетиб қолди. У гўё эрининг муҳаббати совиётганини сезибди. Арслон-

нинг ўзига нисбатан бир қадар лоқайд бўлиб кўринаётгани, қадимгидек эҳтирос билан ёнишлар сўнаётгандай бўлганини сезган Барчин тик жар ёқасида тургандек юраги шиғиллаб кетди. Район территориясига мевасиз дарахтлар экилаётгани, Арслон ижроия комитет мажлисида бу мевасиз дарахтларнинг жуда бўлмаганда ярмини олча, олма, беҳига ўхшаш мевали дарахтлар билан алмаштириш масаласини қўйганини айтди. Ўзбекистон шароитида бунинг аҳамияти катталиги, ҳатто ҳарбий аҳамияти борлигини ҳам гапирибди.

Муҳаббат оташининг сўнишини истамаган Барчин, мени ўлган, йўқ деб ҳисобланг, деди эрига. У энди ёлғиз умр ўтказиш, Арслоннинг ялиниб-ёлворишларига ҳам қарамасликни кўнглига тугди. Ўқитувчилигини қилиб онаси билан бирга яшайдиган бўлди.

Ҳамида опа бир-икки йўқлаб келган Арслонга: «Қўйинг энди, турмушинглар келишмайдиганга ўхшайди. Агар у шундай маломатларни эшитаверса ё жинни бўлиб қолади, ё ўзини ўзи ўлдириб қўяди. Пешанаси экан, қизим бояқиш...» деди. Арслон яна бир келганда «ўзингиз ёзган дастурхоннинг фотиҳаси шунақа бўлади», деди Ҳамида опа.

Арслон жонсиз мурдага ўхшарди, нима дейишини билмасди. Баъзан хомуш, камгап Барчинни кўрар, саломлашар, баъзан у ўзини олиб қочар, кўринмасликка, ўз юрагидаги аламига туз сепмасликка ҳаркат қиларди.

Шу баҳор ойларида Эркин икки бор Тошкентга келиб, синглизиникида туриб кетди. У Дилбарни ўртага қўйиб ҳамма гапдан воқиф эканини, у билан холи гаплашишни истаётганини айтди. Барчин у билан гаплашадиган гапи йўқлигини маълум қилди. Кунлардан бир куни Барчиннинг холи ўтирган пайтини мўлжаллаб ёнига Эркин кирди.

— Бир оғиз гапим бор. Айбга қўшмайсиз, тезда чиқиб кетаман.

— Нима гап?

— Барчин, Барчин...— Эркин гўлдирай бошлади.

— Барчин, Барчин, демай фикрингизни очиқ айтиверинг. Қулоғим сизда Эркин ака. Нега кирдингиз?

— Менинг мақсадим сизга маълум... Мен ўз мақсадимни сизга Шаҳрисабзда очиқ айтган эдим. Мен унақа номард эмасман! Мен...

Барчин индамай қолди. Эркиннинг Арслонни ҳақорат қилгани уни электр токи теккандек танини титратиб юборди. У ўзининг ҳозирги ҳолатини суюқоёқ хотинларга ўхшатди. Бунақа аёллар хиёнат қилишдан аввал ўз эрини булғайди. Ахир улар умид билан бир ёстиққа бош қўйшган эди-ку!

— Сиз янгилишяпсиз!— деди Барчин титраб,— Арслон номард эмас! Мени холи қўйинг. Ўзингизни овора қилманг. Мабодо яна шу мавзуда гап очсангиз ўртамиздаги қариндошлик ҳурмати ҳам йўқолади.

— Ҳеч тушунмайман! Қизиқ!— деб Эркин елкасини қисиб, ташқарига чиқиб кетди. У Барчинни ҳушини йўқотиб қўйибди хаёл қилди. Бунга сабаб Арслон, уни бу ҳолга солиб қўйса ҳам, бечора лаънатламайди-я!— деди ўзига ўзи.

Шундай қилиб, айна баҳор чоғида Барчин қалбига қор ёғиб, турмушлари бузилди...

Уттиз бешинчи боб

Т А Ъ Қ И Б

Инсон эртанги кунини кутиш билан умрини ўтказиб беради. Эртанги кунга етгач, индинни кутади. Инсоннинг бу хусусияти бадавий ёки маъжусий замонидан бошланган — бундан кейинги миллион йилларда ҳам эртани кутиш хусусияти бўла беради. Бу, инстинктга ҳам ўхшайди. Инсон шундай яралгандир, унинг ҳужайраларини ўзгартириб бўлмайди...

Эртанги кун, эртанги кун...

У бир чироқдирки, киши парвонадек унга интила беради. Қариб-чириб, бугун-эрта кетадиган бўлганда ҳам, бари бир эртанги кунни кутади, эртанги кун жуда қизиқ бўлади, деб ўйлайди. Эртанги куннинг ҳам бугунги кунга ўхшашлигини мутлақо тан олмайди. Бу, туғма хусусият; бир ҳисобда бу жуда маъқул — ўлим даҳшатини йўқотади. Моддий дунёга сингиб кетиш пайига етиб қолганини ҳам пайқамай қолади.

Райижроком ишлари билан қаттиқ банд бўлиб, ҳориб ҳаловатини йўқотган Арслон Барчин кетиб қолганидан кейин қаноти синган лочиндек, баъзан уй, баъзан идорада ўралашиб қолди. Ичига чироқ ёқса ёришмасди, оиласида бўлган бу ишни ҳеч кимга

билдирмади. Баъзан шаҳар партия комитетида бўлганида Марат Саидбеков билан учрашиб қолганида расмий гаплашар, маслаҳат мажлисларида ҳам боши қуйи, индамай ўтирарди. Бола ҳақида гапирманг, деганига қулоқ солмай аччиқ-санчиқ гапларини тўхтатмагани учун онаси Мадина холадан ҳам, опалари Саодат, Сабоҳатлардан ҳам, қудалари биби Ҳолвайтардан ҳам хафа эди. Эски шаҳарга кам борар, ишдан чиқиб янги квартирасига келарди-да, ёлғиз ўзи китоб ўқиб ётарди. Поччаси маҳалласидаги озик-овқат магазинига ишга кирганди. Илгаригидек катта кетмасди. Сабоҳат билан тинч-тотув яшаб кетди. Баъзан-баъзан Арслон билан учрашиб қолишарди, ҳар қанча «бойвачча» бўлса ҳам кўнглида Арслонга нисбатан ғубор йўқ, ҳатто Сабоҳатнинг «укам райсполкомнинг раиси, бориб гаплашинг, тузукроқ жойга ишга қўйсин», деганига ҳали эътироз билдирарди. У, Арслонга халақит бермасликни, уни хижолатпазликка солмасликни ўйларди. Арслон буларни анчадан бери сезиб юрар, у поччасига мурожаат этиб, агар менинг ёрдамим керак бўлса тортинмай айтаверинг, дерди. Махсум: «Раҳмат, ҳозир ишим ёмон эмас», деб қўя қолди.

Мусоват Ҳори қамоқдан чиққач, баъзи ўтиришларда «шахсга сиғиниш»нинг қўрбони бўлганини, яъни унинг ўз тили билан айтганда: «Ҳажга боргани»ни гапириб юрганини ҳам эшитди. Унинг қамоқдан чиқиб келганини эшитди-ю, бориб кўрмади. Оёғи тортмади. Онасининг зўрлашига ҳам қарамай бормади. Қулоғига етиб келган гапларга қараганда, Ҳори маҳалладаги кексаларни, узоқ-яқиндаги қариндош-уруғларини ишга солиб, катта йиғин қилибди. Ўша йиғинда Нишон ака ва Чимкентга кетиб қолган Бойматлардан ўч олмоқчи бўлибди. Чиранчиқ полвон бу маросимда Нишон ака, Бойматларга қарши фиқу фужурни авж олди. Аммо Ҳайитбой оқсоқолга тил тегизишга кўрқди. Ҳори атай олабайроқ сурра чопон, бошига мош ранг духоба дўппи кийиб, турмада бирга ўтирган Алимуҳаммадни чойхонада ёнига олиб, «энди Акмал Икромов билан мени қаматганларнинг ўзлари қамалдилар» деган гапни тарқатиб, ўзини буюк кишилар қаторига қўшди. Бу олиб сотар лўттибознинг «шахсга сиғиниш оқибатлари»га ҳеч қандай алоқаси йўқлиги, у фақат фурсатдан фойдаланаётганини ҳамма одамлар

биларди, лекин у артистлардек ўйин қилиб, софдил кишилардан ўч олмоқчи бўларди. Бу йўлда фақат сурбетлик эмас, нима қилиш лозим бўлса шунга тай-ёр эканлиги, ҳар қандай пасткашлиқдан ҳам ўзини тиймасликни, очилмай қолса яна жиноят қилишдан ҳам ҳазар қилмаслиги сезилиб турарди. Бу ҳолни пайқаган бўлса керак. Нишон ака атай келиб, Арслонга ўшаларнинг қўлидан ош емасликни, ичкилик ичмасликни таъкидлади.

Кунлардан бир кун, кутилмаганда, қабулхонадаги Зайтуна кириб бир қариндошингиз кутиб ўтирибдилар. Ёнингизга кирмоқчилар, деди. «Ия,— деди ичида Арслон,— қариндошларимдан бор экан-ку!»

— Марҳамат, кирсинлар,— у ёнида ўтириб, баъзи ҳужжатларга қўл қўйдираётган район коммунал хўжалик бошлиғи Абдурасуловнинг ишини наридан-бери битказиб, «қариндош»ни кутди. Бир лаҳзадан сўнг эшикдан кўзлари чақчайган, тепакал, пакапа бир одам кириб келди.

— Ас-салому а-лайкў-у-ў-м!

— Салом!— Арслон туриб, у билан кўришди.

— Мени танимаяпсизми? Мен амакингизман. Мартабалар муборак бўлсин!— У Арслоннинг қўлини қўйиб юбормай илжайиб турарди.

— Қани, марҳамат. Ўтиринг. Хуш келибсиз, Қори ака! Уй ичилар тузукми? Қалай, соғлигингиз яхшими? Отамулла яхшимилар?

Мусоват Қори бошини сарак-сарак қилиб, бир лаҳза кўзларини Арслонга тикканча жим туриб қолди. Унинг сунъий хатти-ҳаракатларини, қилиқларини Арслон яхши пайқаб турарди. Ўзининг «шахсга сиғиниш» қурбони бўлиб, қамоқда ўтириб чиққанини ҳаммага тўнкаб юрадиган Қорининг калласидан ҳозир бир фикр ялт этиб ўтди. У кўп вақт ўзига тузук, партия ишига берилиб ишлайдиган одамларга ёпишарди. Ҳей, «чирманда домла», айб ўзингда! Ўзинг расво бўлмасанг, сен билан бировнинг нима иши бор, дейдиган одам йўқ эди. Арслон ундан бола-чақасини, саломатлигини сўради. У қўрқиб, ичидан дилдираб сўраяпти, хаёл қилди.

— Ўринлар муборак! Сизга ўхшаган фарзандлар раҳбар бўлиб, юртни сўраши айни муддао.

— Марҳамат, ўтиринг.

— Йўл, мана, ўтирлик. Қадам етди, бало етмасин, омин!— у юзига фотиҳа тортиб, кабинетнинг у ёр-бу ётига қаради. Бурчакдаги сейфга, девордаги район харитасига, стол устидаги сиёҳдону қоғозларга кўз ташлади. Калласидан «Сен, ярамас, бундай мартабага қандай қилиб етдинг!»— деган хаёл ўтаётганини, илжайишида, кўзлари остида бир ҳасад беркинганини Арслон пайқаб турарди. «Ха, Чирманда домла», деди ичида у.

— Хизмат, Қорака?

— Хизмат йўқ. Сиз мени кўргани бормасангиз, мен сизни кўргани келдим.

— Узр сўрайман. Ишларим кўпайиб кетди.

— Бундоқ эмас. Сиз — раҳбар, коммунист. Қамоқдан чиқиб келган одамни кўриб келиб, ўзингизга қоракуя юқтириб олгингиз келмайди.

— Унчалик эмас.

— Бир киши ҳам шахсга сиғиниш балосига учраган экан... Турмада бирга ётдик.

— Бўлса бўлгандир. Аммо сизни уюловник дейилади, яъни давлат манъ этган нарсалар билан олиб сотарлик қилиб қамалдингиз. Фирибгарлик қилиб қамалдингиз. Боймат сизни ушлаган... Аслида, сиз мамлакатнинг бошига иш тушган оғир кунларда биқинига пичоқ ургансиз... Буни халқ ва давлат кечирадими, йўқми, билмайман.

— Шундоқ денг!

— Ҳа, шундоқ!— деди ранги оқариб Арслон,— ҳар бир номард ўз жирканчилигини Сталинга ёпиштираверадими?! Сталин совет халқи учун катта хизматлар қилган буюк раҳбар! Тушундингизми?! «Шахсга сиғиниш»нинг шахсан сизга алоқаси йўқ!

— Буни қаранг-а,— кулди Мусоват Қори,— шу паллагача буни билмас эканман. Ким қамалса «шахсга сиғиниш» оқибати деб юрардим.

— Биласиз, жуда яхши биласиз!

— Йўқ, худо ҳаққи!

— Қорака?!

— Лаббай, окоси!

— Лўттибозликни қўйинг-да, мақсадга ўтинг!

Хўш, нима керак сизга?

Мусоват Қори ўйланиб қолди. Назарида «ичи дилдираб» турган, таги бўш, «уруш вақтида қочиб

юрган» Арслон Ўлмасбоев келишувга, яъни тил топишув йўлига ўтпти хаёл қилди. У ер остидан Арслонга бир қараб қўйди.

— Указон, мен сиз билан ҳали яна гаплашман, — деди Мусоват Қори ўрнидан туриб, — мен сизни кўргани келган эдим. Сиз менинг қўлимда ўсган бола эдингиз, яъни «патак ўғриси»нинг қўлида ўсган. Хайр, омон бўлинг!

Мусоват Қори газабини билдирмай ташқарига чиқиб кетди. Арслон кабинетида ёлғиз, ҳайрон бўлиб қолди. «Нима қилиб қўйдим? Қизишишнинг нима ҳождати бор эди! Йўқ, бу аблаҳ қачонгача менга ҳақорат кўзи билан қарайди! Қачонгача у одамларни қўрқитиб, бирон камчилигини қидириб топиб, шуни юзига солиш, агарда менинг гапимга кирмасанг сени расво қиламан, дейиш, қўрқитиш билан кун кўради?! Бу жуда пасткашлик-ку! Тўғри қилдим! Қийшиқ оғизга қийшиқ таёқ!» — Лекин Арслон яна ўйланиб қолди: — «Раҳбар киши қизиққон бўлмай, оғир бўлиши керак эди. Катталар доимо шундай бўлишни эслатишар — қизиққон, ўйламай-нетмай ҳукм чиқариб юборадиган раҳбар киши узоққа бормади. Йўқ, у менинг юзимга тупурса индамай тураверайми! Бу юзимга урса у юзимни тутиб беравераманми?! Жиноят қилган у, қамалган у... нега менга ёпишади! Ҳа, Қорининг ичи тўла ҳасад, у ҳеч кимни кўролмайди». — Арслон яна ўйланиб қолди: — «Ҳар қалай қаттиқ гапирмаслик керак эди! Эҳтимол у бир яхши ният билан келгандир. Ахир у, «сизни кўргани келдим», деб гинахонлик қилаётган эди-ку. Одатича, аввал жиндек сасиб, кейин бир гап айтмоқчидир. Ёрдам сўрамоқчидир... Эшикдан кириб келган одамга ёмон гапириш яхши эмас! Ҳей, Ўлмасбоев, энди енгилтакликни, қизиққонликни ташла! Ҳали ҳам кеч эмас. Агар яна шундай қила берсанг обрўйинг тушиб кетади...»

Арслон папирос чекди, оғзидан бурқитиб-бурқитиб тутун чиқарди.

Шу куни нашъаси паст уйга қайтиб келди. Тайинлик бир иш ҳам қилолмади, одамлар билан ҳам очилиб гаплаша олмади. Унинг таъби тирриқлигини, қабулхонадаги секретарь қиз Зайтуна ҳам сизди.

Арслон ярим кечада, уйқусида қаттиқ босинқиради. У ёлғиз ўзи қабристонда ўтирган эмиш...

Қабристонни яқингинада ремонт қилиб, яхшилаб қўйиш ҳақида қарор чиқариб, пул ажратишган эди. Шундан сўнг ишга киришиб деворларни, йўлкаларни, шейпонларни қурган эди.

Негадир ҳозир булар йўқ, қабристон ҳайҳотдек бўм-бўш, дарахтларда бойқушлар кўзини чақчайтириб ўтирганмиш... Арслоннинг юраги орқасига тортиб кетди. У қўрқиб, қочмоқчи эмиш, кафанларига чулғаниб гўрдан чиққан бир мурда орқасидан қувганмиш. Арслон шунча уннагани билан олдинга силжий олмасмиш, мурда бўлса унга етиб олай, деб югурармиш. Арслон югурмоқчи бўлармишу аммо чопа олмасмиш. Мурда етиб келиб, уни бўға бошлаганмиш. Мурданинг совуқ қўллари этига тегиши билан бутун аъзойи бадани титраб, у дод деб бақирармиш, аммо ҳеч ким ёрдамга келмасмиш. «Мен сени бўғиб ўлдираман!» дермиш мурда хириллаган ғайри инсоний бир товуш чиқариб. Унинг товуши дам чиябўри овозига, дам машина моторининг гувиллашига ўхшаб кетармиш. Унинг башараси баъзан Мусоват Қорига ҳам ўхшармиш. «Бу, Қоримикин? Йўқ, Қори ҳали тирик-ку!» дермиш ўзига ўзи Арслон.

Кафанларига чулғанган скелет уни бўғиб, босаётганида у жон-жаҳди билан бақириб, уйғониб кетди, Кўзини очса — туши. Қаттиқ босинқирабди. Уридан туриб бориб ошхонага кирди-да, жўмракни бураб, юз-қўлини ювди. Яна қайтиб келиб каравотга ўтириб, ҳаёл сурди. Ҳамма уйқуда. Фақат кўчалар чироғи ёқиқ. Узоқ-узоқларда моторларнинг гуриллаган товуши эшитиларди. У яна ўрнига чўзилди.

Бир муддатдан сўнг кўзи илиниб, яна қабристонни кўра бошлади. Таажжуб!.. Бу гал кимсасиз бир ташландиқ жой эмас, кўкаламзор боғ ичида унинг отаси — Мирюсуф дегрез билан Эсон ота гаплашиб ўтиришган эмиш. Арслонга кўзлари тушгач, улар бир-бирларига шивирлашиб, ўзи ҳақида гаплашаётганмиш. «Ҳа, Арслонжон, бу ёққа келинг, ўғлим қўрқманг. Биз алвасти-мурдани ҳайдаб юбордик. У сизни энди бўғмайди. Биламиз, ишларингиз яхши эмас. Ўлмаган бизнинг жонимиз. Не-не туҳматларни кўрмадик, аммо ҳаммасини ҳам енгдик. Сиз бўлсангиз, бир зарб билан чок-чокингиздан сўкилиб кетиб, забун бўлдингиз. Э, балли-е! Раҳбар киши ҳам шуна-

қа бұладими?!» дейишиб улар бир-бирларига қараб кулишармиш. Отаси катта кўзларини тикиб, қўлидаги бир қогозни тишлари билан эзармиш. Шу пайт Эсон ота: «Арслон, кетинг акаси, катталарнинг гапига аралашманг! Баъзан-баъзан келиб туRINGлар, катталар ўлди деб, ҳолидан хабар олмасликми?!» — дермиш шер қараш билан. «Эсон ота, адажон, мен ҳамма вақт сиз билан биргаман...» — дермиш Арслон. Яна ота хитоб қилармиш: Йўқ, сен биз билан бирга бўллоймайсан! Сен тириксан. Сен ёруғ дунёда ҳали кўп ишлар қилишинг керак. Сенинг ўлишга ҳаққинг йўқ! Қани, жўнаб қол! Туёғингни шиқиллат, болакай!»

Арслон яна уйғониб кетиб, анча вақтгача хомуш ўтирди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, эрта билан Мадина хола кириб келди. У тўрт-бешта беҳи олиб келиб, янги уйнинг дераза пиромонларига қўйиб, «ҳиди келиб туради, болам», деди. Коридордаги кийим иладиганининг тепасига билдирмай бир боғ исириқ ҳам қўйибди. «Жон болам, исириқни олиб ташлама, шу ерда турсин. Агар биров кўриб қолади, десанг, устига газит ёпиб қўй», деди. Мадина холанинг булардан ташқари айтадиган асосий гапи бор эди:

— Арслонжон, янави Қораканинг сенда зарур иши борга ўхшайди, икки марта келиб кетди. Янги уйнингнинг адресини сўради. Нумерини билмайману агар жуда зарур бўлса бошлаб олиб бораман, дедим.

— Қачон келган эди?

— Утган куни. Бугун эрталаб ҳам келди.

— Хизматдан чиқиб бораман.

Она-бола ўтириб чой ичишди. Соат тўққизга яқин Арслон хизматга кетди. Мадина хола у ёқ-бу ёқни йиғиштириб, ўғлининг бир-иккита кўйлагини, сочигини ювиб балконга олиб чиқиб илди. Кечга яқин эшикни қулфлаб, ўғли тайинлагандек калитини қўшнисига бериб, ҳаллослаганча ҳовлисига келди. Ўғлининг ҳали замон кириб келишини билиб, беҳилик ошга урина кетди. Арслон беҳилик, девзира гуручли ошни яхши кўрарди. Ошни дамлаган эди ҳамки, эшикдан Арслон билан Мусоват Қори бошлашиб киришди.

— Кампир, омонмисиз? Мана, қочоқни тутиб олиб келяпман,— деди Мусоват Қори ариқ бўйига яқинлашаркан.

— Салом алайкум!— деди ошхона остонасида турган Мадина хола. У ҳам қўшиб қўйди.— Ундоқ деманг, Арслонжон қочиб юргани йўқ, келганингизни бориб айтдим. Ўзингиз ҳам бир ҳафта илгари унинг идорасига кирган экансиз.

— Ҳазил, ҳазил. Қалай, саломатлигингиз яхшими?

— Худого шукур.

— Юрак қалай? Асмам бор девдингиз? Юрак жойида бўлса ҳали яна саксон, тўқсонни ура берасиз.

— Ҳа, ёшлар омон бўлсин,— деди Мадина хола Қорининг суриштириши унча ёқмай,— биз ёшимизни яшаб, ошимизни онадик. Худо умр берса яна яшай берамиз. Илоҳим ёшлар омон бўлсин.

— Қани, марҳамат ичкарига,— деди Арслон.

— Бисмилло...— у айвонга чиқди. Чорси хонтахта атрофидаги кўрпачага ўтирди. Фотиҳа ўқиди.

Сабоҳатхон патнисда нон, ширинлик олиб келди. Шу йўла укаси ва Қорака билан ҳам саломлашди. Яна ошхона томон югуриб бориб, чой олиб келди.

— Соҳибқирон Або Муслимга бир от тўхфа қилдилар,— деди Мусоват Қори гап бошлаб,— Соҳибқирон ўз саркардаларидан сўради. «Бу чопогон от қай ишга яхши?» Саркардалар айтдиларки: «Эй, соҳибқирон, бу от қочиб бораётган душманни қувиб етмоққа яхши». Або Муслим эътироз қилдилар: «Йўқ, бу от ёмон қўшнидан қочмоққа яхши» дедилар. Шукур, маҳалламиз аҳил, асп миниб қочадурғон қўшни йўқ...

Бу гапни нима учун айтганига Арслон тушунмади. Ҳар қалай у «қочиш» сўзини кўп такрорларди. Райижроқўмда Қорига қизишиб, аччиқ-тизиқ сўз айтиб юборганига, ёши катта одамга нисбатан ҳурматсизлик қилдим, деб юрган Арслон бугунги учрашувда мутлақо аччиқ сўзлар айтмаслик, мабодо ўртада бундай гаплар бўлганда ҳам ўзини оғир тутишга аҳд қилиб қўйган эди. Арслон ҳаммага бир хил кўз билан қараб, субутсиз, юзсиз кимсалардан одоб, субут ва ақллилик, риндлик талаб қилиб, ярамас феълли шахслардан ўз муомаласига мос жавоб кутади. Ярамас шахс қилиқ қилса хафа бўлиб, тутақиб юради. У, бу бетсиз кимсани жиззакилик билан тузатиб бўлмаслигини биларди.

Арслоннинг камчиликларидан бири шу эди...

Арслон Мусоват Қорига чой узатди.

— Бир ўғри ўғирлаган тўнни ўғлига бериб: «Бозорга олиб бориб сотиб кел», деди. Аммо йўлда боланинг қўлидан тўнни ўғирлаб қўйдилар. Бола уйга қайтиб келди. Отаси сўрадики: «Эй ўғлим, тўнни неча пулга сотдинг?» Уғли айтадики: «Эй, ота, сиз қанчага олган бўлсангиз шунчага сотдим...» Нимаики бу дунёда бор, ҳаммаси ҳисоблоғлиқ. Ҳисобли дунё экан... Ерга нимаики зироат эксанг шуни оласан...

— Қани дастурхонга қаранг.

— Бисмилло!

Кўп ўтмай Сабоҳат лаганда ош олиб келди.

— Мана, қайнанамиз суйган экан, ош устидан чиқдик. Ҳа, ишқилиб, ош бўлсин! Қазисини қаранг-а! Тиш бўлганда эди.

— Бир одам бир одамдан, қайси тиш энг кейин тушади, деб сўрабди. Ясама тиш...— дебди у одам.

— Э, омон бўлинг,— деди Арслонга илжайиб Мусоват Қори,— зап гап айтдингиз. Лекин бу сабил ҳам,— у қўли билан тилла тишларини қимирлатди,— омонат. Йилтираб кўрингани билан таги бўш, лиқиллайди. Гўшт чайнолмайман.

— Мен сизнинг тишларингиз бунчалик бўшашиб қолганини билмас эканман,— деди Арслон.

— О-о-о, отангга раҳмат, олдинг. Қочган ҳам худо дейди, қувган ҳам... Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи-ҳи-и...— у тиззасига уриб кулди.

— Обакидан бор эди, ош олдидан озгина...

— Э, обке окаси!

— Мусулмончилик нима бўлади?

— Э, мусулмончиликка жин урмайди. Уч марта бисмилло деса ҳар қандай макруҳ ҳам ҳалол бўлади. Пайғамбаримиз ҳам май ичканлар. Имомимизнинг ўзлари колбаса еяётганларини ўз кўзим билан кўрганман. Обке окаси! Мутавалли бўлса арақ ҳам ичади, колбаса ҳам ейди.

Арслон плашчи чўнтагида газетага ўроғлиқ шишани олиб, оғзини очди. Ойиси, опасига билдирмай ўз олдидаги пиёлага, унган кейин Қорига лимиллатиб қўйди.

— Ба нияти шифо, деб ичамизде, а?

— Ҳа, албатта.

Қори пиёладаги арақни қулт-қулт ичиб, пиёлани

тўнқариб кўрсатди. Бир томчи ҳам силқиб тушмаганидан ўзи мамнун бўлиб, Арслонга қаради.

— Офарин!— деди Арслон истеҳзо билан кулиб.— Ана қахрамонлик!

— Ўзлари ҳам!

— Ўзлари ичадилар. Лекин бўлиб-бўлиб...— У афтини буриштириб, пиёланинг ярмисигача ичиб, ерга қўйди. Лабларини артиб, турп чайнади.

— Ёшсизлар, укажон, ёшсизлар,— деди Мусоват Қори мамнун,— биз шўрлик кўзимизни юмиб ичиб юбораверамиз.

— Ошга қаранг, Қорака, ош совимасин.

— Махсумни чақириб келганингизда соз бўларди.

— Поччамлар Шўртепага кетган эканлар.

— Ҳа, дарвоқе, хабарим бор.

— Яна қуяйми?

— Қуй, оқаси! Оби замзамдан қуй!

Мусоват Қори яна бир пиёлани қултиллашиб ичди. Кайфи жиндек кўтарилган Қори эзмаланиб, ошга қўл урмай, тепасидаги қазидан олиб чайнади. Унинг янча ичкиси борлигини пайқаган Арслон «бошқа йўқ», дегандай қилиб бўшаган шишани хонтахта тагига думалатиб юборди.

— Ол, ақаси, ўзинг ҳам ичиб қуй!

— Менга мумкин эмас, яна ичсам юракни урдариб юборади,— деди Арслон.

— Қани, увол бўлмасин, менга бера қол,— деди у кўл узатиб, Арслон олдида турган арақни ҳам олиб ичиб юборди,— икки киши бўлиб яримтани ичолмасак нима деган гап! Сени йигит деб ким айтади!— Шундан кейин ошдан ола бошлади. Қўлидаги ошни кўрсатиб тиржайди.— Мана биз ошни ҳам кичкин боланинг калласидек қилиб оламиз. Ишқилиб ош бўлсин! Ҳей, тўхта,— у лунжи тўла овқатни ютиб бўлиб Арслонга қаради. «Кичкина боланинг калласидек» деган сўзи бирдан унга бир гапни эслатди.— Хотининг кетиб қолибди, деган гап эшитдим. Сени ташлаб кетибди... Туғмайдиган экан... Шу гап ростми? Ҳумоюн домланинг қизи сени хафа қилибди. Закон сенинг томонингда — туғмадими, ажралишинг мумкин. Биз законни яхши биламиз, уловний кодексни ёдлаб юборганмиз. Нима иш қилсанг неча йил беришини биздан сўрайвер, эзиб ички қилиб юбордик. Йигит ки-

нинг зурёли бўлмагандан кейин ҳаётнинг нима фойдаси бор — биз шу болаларимизни деб юрибмизда. Болалар умр зийнати, улар бўлмаса турмушнинг бир чақалик аҳамияти йўқ. Болалик уй — бозор, боласиз уй — мозор... Агар сен мени чинакам акам десанг, мен ўзим сенга қулинг ўргилсин қизни топиб бераман. Сен нобон одамларга қуда бўлиб қолдинг, мана охири нима бўлди! Тугмайдиган бир қизини сенга ўтказди. Ўтмас қизини бошлаб ўтказиб, сени анча чиқимдор қилишди. Сен у марҳум Ҳумоюн домланинг ўғлидан қўрқма! Улган экан — марҳум, тириклигида малъун! Унинг ўғли амалдор. Ҳамма амалдорларнинг устали лопиллаб туради. Ҳой, йигит, сенга менинг маслаҳатим: сен ҳам амалдорсан, эртага бекор бўлишингни ўйлаб, беш-ўн минг сўм пул орттириб қўй. Ҳукуматнинг феъли бизга маълум, ишдан бекор қилгандан кейин сенга қайрилиб қарашмайди...

— Ошдан олинг! — деди боядан бери чидаб ўтирган Арслон юраги ёрилгудек бўлиб. Бу жирканч одам билан бир лаҳза ҳамтовоқ бўлганига ҳам минг пушаймон бўлди. Аммо у ўзини мажбур қилиб чидаб, оши тепасида туриб, юзига тупураётган бу одамга қараб-қараб қўяр эди. Туриб кета олмас, қайдаб ҳам юборолмасди. Унинг Барчинини ҳақорат қилди, Саидбековнинг покиза оиласини ҳақорат қилди, Барчинга нисбатан унинг юрагидаги муҳаббатига тупурмоқчи бўлди. У тилини тишлаб, асабини ушлаб турарди. У бир-икки гап мавзуини бошқа томонга буриб юбормоқчи ҳам бўлди. Лекин ўжар Қори атай яна айлаиб бола масаласи, «ташлаб кетган хотини», Саидбековлар мавзудан четга чиқмасди. Илгари жангари бўлган бу шахс ҳозир хира пашшага айланганди. Арслон яна хитоб қилди, — ош совиб қоляпти, олинг!

— Хўп, оламиз, оламиз!

— Мени сўраб икки марта келибсиз? — деди Арслон бугунги учрашувдан мақсади нималигини билмоқчи бўлиб. У кечадан бери бу одам нега уни йўқлаганининг боисини билмоқчи бўлиб юрган эди. Илгариги учрашувларида ўртада ноқулай гаплар ўтиб, буришиб чиқиб кетган эди. Умуман бу одам қамоқдан чиқиб келгандан кейин негадир унга ёпишаётгани, унинг кетига тушиб юрганини сезарди. Баъзи одамлардан ҳам орқаваротдан сўраб, «қалай, амалдор укамиз

яхши юрибдиларми», деркан. «Амал тегди андига, қўлини ювди юндига» дебди. Бу гаплар Арслоннинг қулогига аллақачон етиб келган эди.

— Ҳай сўраб келган эдим,— деди Қори оғзидаги ошни ютиб бўлиб, имо билан чой сўради,— арабларда бир нақл бор: бир киши ўзига бегона одамдан пул қарз сўрабди. У бегона одам айтибдурки: «Мен сизни танимайман»... Қарз сўраган киши айтибдурки: «Шу-нинг учун ҳам сўраяпман. Агар мени таниганингиз-да бир тийин ҳам бермас эдингиз», дебди у одам. Укамон, сиз мени танийсиз, шу сабабли ҳам қарз сўраб келдим. Зарур бўлиб қолди.

— Ҳа, албатта. Зарур бўлмаса сўрамас эдингиз,— Арслон ўйланиб қолди.— Қанча?

— Минг сўм.

Овқатини еб бўлган Арслон секин билинтирмай қўлини артди-да, мен ҳозир келаман, деб ўрнидан турди. У нариги хонада овқатланишаётган онаси, онаси ёнига бориб тиз чўкди. У онаси қулогига секин шивирлади: «Қорака пул сўраяпти, менда озроқ бор, анави пулингиздан олти юз сўм бериб турунг, мен сизга эртага кассада олиб келиб бераман». «Вой, болам, у пул — ўлимлигим-ку!» деди онаси. Арслон кулди: «Улмайдиган бўлдингиз, ола беринг». Мадина хола ўтирган ерида қўлини артиб, орқасидаги сандиқ устига тахланган кўрпаларнинг қатига қўлини тиқиб, бир латтага ўроғлиқ нарса олди:— «Қаёқдан билардинг, болам, бор-йўғи олти юз сўм эди». У тугунчани ечиб, ҳамма пулки ўғлига узатди. Арслон пулни чўнтакка солиб, яна ҳовлига тушди-да, Мусоват Қори ёнига келди. Қори ҳамон ошдан оларди. У Арслоннинг «ишни битириб» келганини пайқаб, унга мурожат қилди:

— Чойдан қуйинг. Ҳа, ўзингга шукур!

Арслон унга чой қуйиб берди.

Қори қўлининг ёғини маҳсисига суриб, обдан йилтиратди. Сочиққа ҳам бармоқларини артди.

— Қалай, бўлдими?

— Марҳамат, мана, минг сўм.

— Балли ука!— у пулни қўлига олиб, хурсанд нигоҳ ташлади,— топиб олган бўлсанг ҳам санаб ол, деган мақол бор, санаймиз-да. Мўйнадўзлик қилганимизда қўлимизга шунақа пуллар тушарди.

— Марҳамат.

Қори чойдан ҳўплаб, пул санай кетди.

Ҳамма нарса жойида бўлгач, у дастурхонга фотиҳа ўқиди-да, ўрнидан турди. Хайр-хўшлашиб, миннатдорчилик билдириб чиқиб кетди.

— Шунга келибдими?— деди Мадина хола Қори чиқиб кетгач, ўглининг ёнига келиб.

— Минг сўм қарз сўраб келибди. Бериб юбордим.

— Ҳа, болам, қор ёғди, излар босилди... Бу Қори не-не ишларни қилмади, умрида бир ерда ишламади. Савдогарчилик билан умр ўтказди. «Чирманда домла» ҳам бўлди... Урушни ҳам ўтказиб юборди-я! Уста одам экан. Қорини «жухуд домла» ҳам дердик... У тўй-пўй қиладиганга ўхшайди, бўлмаса шунча қарз сўрайдими? Сен ҳам бериб юборавердингми шунча пулни?

— Оғзидан чиқиши билан, хўп дедим. Бу нарса биз учун пул, Қори учун Каломулло. Дадамларнинг ҳам, менинг ҳам қўлимда болға ўйнаган, бу одамнинг қўлида — пул... Ўрганган, майли, бизда қолмасин.

— Тезроқ қайтарармикан?

— Билмадим.

* * *

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас Қори яна райижрокўм раиси Улмасбоев қабулхонасида пайдо бўлди. Унинг ёнида кабобпазларга ўхшаб қовоғининг таги осилиб тушган ўрта яшар бир одам ҳам ўтирарди. Хиром этигига шимини тиқиб олиб, ўзини «маданий» кўрсатиш ниятида устига қора костюм, бошига мош ранг духоба дўппи кийиб олган. Арслонга кўзлари тушиши билан улар олдинма-кейин ўринларидан туришди. Қори Арслонга тавозе билан ёнидаги кишини таништирди: «Бу киши Толибжон бўладилар...» Гўё бундан олдин ҳам у ҳақида Арслонга гапириб юргандай «ўша ажойиб одам мана шу киши» деган гапни билдирмоқчи бўлиб, артистона ҳаракат қилди. Унинг тавозеси ҳам, юзидаги табассуми ҳам сохта экани шундоқ сезилиб турарди. Ниҳоятда энса қотар бу учрашувни ҳам Арслон оғирлик билан ўтказди.

— Марҳамат, ичкарига кирайлик.

— Хўп бўлади,— деди Қори ҳаммадан аввал кабинетга пилдираб,— Толибжонни база мудирини қилиб қўйишимиз лозим. Жуда яхши йигит, базанинг жонини киритади.

— Бу ишнинг райисполкомга алоқаси йўқ-ку.

— Райисполкомга ҳамма ишнинг алоқаси бор, Райисполком шу районнинг ҳукумати, деган гап.

— Оббо сиз-э!

— Биз ҳам тушунамиз, оқўси, ҳажга бориб саводимизни чиқариб келганмиз... Трест бошлиғига қўнғироқ қиласиз, сизнинг бир қўнғирофингиз етарли.

— Илгари ишлаганмисиз бунақа ишларда?— Арслон кўзлари салқиган одамга мурожаат этди.

— Ҳа, ишлаганмиз.

— Уялтирмайди,— деди Қори бетаклиф креслога ўтириб,— мен бу ерга ёмон одамни олиб келаманми. Халққа суяниш керак, халқ билан алоқани мустаҳкамлаш керак! Сизлар кабинетда папирос тутатиб, эрталабдан кечгача мажлис қиласизлар. Мана мен ўзим энг яхши фарзандларимизни тавсия этяпман.

— «Халқ»қа бир савол берсам бўладими?— деди Арслон Мусоват Қорига боқиб.

— Беринг, жавоб берамиз, укажон! Мен «халқ» эмас, халқ вакилиман...— у ҳингиллаб кулди.

— Биз ҳам шундай деб тушунамиз.

— Сўра, акаси!— у шубҳали назар ташлаб тез гап қайтарди.

— Ҳужжатлар, яъни трудовой книжкалар борми?

— Ҳаммаси шай. Толиб, ҳужжатларни чиқар!

У газетага ўроғлиқ ҳужжатларини қўйнидан олди.

— Бўпти. Шунчаки сўрадим. Кўришим шартмас.

— Кўргин, укажон, яхшилаб кўргин.

— Бўпти, Қорака!— Арслон юқорига, ўз ўрнига ўтириб, телефон трубкасини кўтарди. Кимгадир «ишчан Толиб ака» ҳақида тушунтириб, иш билан таъминлаш кераклигини тайинлади. Гапни диққат билан кузатиб турган Қори «тўғри одам, ҳалол одам, денг» деб луқма ташлади. Арслон унинг гапларини ҳам қўшиб қўйди. Қовоқлари осилиб тушган Толиб — совуқ лабларининг таноби қочиб, жилмайиб қўйди. «Ўғил бола йигит экансан» дегандай, қўли кўксига гувраниб қўйди. Гап тугаб, иш ҳал бўлганини кўришган Қори билан Толиб совуқ қуллуқ қилишиб, олдинма-кетин кабинетдан чиқиб кетишди. Ёлғиз қолган Арслон бошини ушлаб, хаёлга чўмди: «Мен тўғри иш қиляпманми?! Нима бўляпти ўзи?.. Бу турқи совуқ, нотаниш одам базага кириб олиб, каламушлик қилмас-

микин? Упириб юборса... У нима деган одам бўлади! Ахир у кафолат бериб ўзи йўллади-ку?! Трестдагилар ижроқўм раиси Улмасбоевни биладилар. «Улмасбоев»га ишонадилар.. У Қоракадан хафа бўлгандек бўлди. Дарҳол ўзига-ўзи деди: «Қоракадан хафа бўлдингизми! Қоракадан хафа бўлиб бўладими? Қораканинг кимлиги сизга маълум эмасми, ўртоқ Улмасбоев?! Қоракани бугун кўрдингми! Қорака отнинг қашқасидек маълум-ку! Хўш, ундай бўлса нега у билан ош-қатиқ бўляпсан?! Ўзи ёпишяпти. Демак, ўзи келиб ёпишса сен чаёнга тугмачаларингни ечиб, бағрингни очиб бераверасанми?! Нима қилишим керак? Қайтаришим керакмиди? Исполком раиси сифатида мен ҳамма билан гаплашим керак. Қўлимдан келса ҳаммага ёрдам беришим керак. Нега мен у билан гаплашмай. Ҳатто мен муддатини ўтаб, қамоқдан чиққан кимсага ҳам ёрдам, иш топиб беришим лозим...»

Телефоннинг тўсатдан жиринглаши Арслонни чўчитиб юборди, хаёллари тарқаб, трубкани кўтарди.

— Эшитаман. Шаҳар партия комитетиданми? Сотат ўн иккида мажлис... Хўп, бораман. Хайр!..

Бир ҳафтадан сўнг ўша Толиб Мадина холага дастурхонга ўроғлиқ бир нимта ташлаб кетибди. Арслонжоннинг яхшилигини ҳеч унутмаслиги, учтўртта ошналарини ҳам ёнига олиб, гўшт базасида ишлашаётганини айтибди. «Ҳукумат ишхоналарининг ояди тор, орқаси кенг»лигини ҳам айтибди. Эрта билан азонлаб гўшт-буйрак қовуриб олиб келган Мадина хола Арслонга буни совутмай еб олишини таъкидлаб, ҳамма гапни айтиб берди. Овқат Арслоннинг томоғидан ўтмади. У эрталаб туриб иштаҳаси бўлмаслигини баҳона қилиб, бир бурда нон билан икки пиёла чой ичди-да, хизматга жўнади. У Барчиннинг тамоман жим бўлиб кетганидан юраги гаш эди.

У, столга, амалдор бўлиб буйруқ беришга, обрў — машинага ўрганиб қолди. Пастда, асфальт кўча четида кутиб турган машина шофёрини ҳам столи устида туриб, керак вақтида ишлатадиган телефондай ҳисобласа-я! Баъзи хатти-ҳаракатлари шунга ўхшаб қоляпти! У хизматга бора туриб, йўлда бирдан чўчиб тушгандай бўлди. Наҳотки у амалга ўрганиб қолди? «Ҳей, сен ишчи одамсан-а! Сен чўян эритардинг! Сенинг отанг ҳам чўян эритиб, қозон қуйган. Сенинг

отанг — дегрез, йигирма беш йил Сельмашда ишлади! Сенга амал тегиб, шофёрни ҳам, фаррошни ҳам куткилаб, йигирма минут кечикканига қаттиқ танбеҳ бердинг. Бу «танбеҳ» эмас, уришиш эди... Ўлгунигча райижроқўм раиси бўлиб тураман, деб ўйласанг керак! Кўзингни оч, бола!»

Яна бир ҳафта ўтар-ўтмас эрта билан кабинетга кирган секретарь қиз Зайтуна «ўртоқ Абдулхайрхоновнинг зарур ишлари бор экан, ёнингизга кирсам деяптилар», деди. «Ўртоқ Абдулхайрхонов»ни Арслон дарҳол фаҳмлади. Мусоват Қорининг ўзи ҳам секретарь қиз билан кетма-кет кабинетга кириб келган эди.

— Ассалому алайкум! — у эгилиб бориб, Арслоннинг қўлини олди. Одатдагидек «тагин у Ҳизир Илёс бўлмасин», дегандек қилиб, Арслон бошмалдоғи суякларини эзиб кўрди. Арслон буни жуда яхши пайқаб турарди. Ўтиринг, деганини кутиб ўтирмай Қори креслога ўтирди. Кабинетда улар икковидан бошқа одам бўлмаганлигини кўргач, — фотиҳага қўл ёйди. — Қани, қадам етди бало етмасин, облоҳу акбар!

— Келинг, Қорака?

— Эшикда кутаётган одамлар кўп бўлганлиги учун вақтингизни олмайман. Гап мундоқ: агар малол келмаса район ошхоналар трести бошлиғига яна бир қўнғироқ қилиб қўясиз, илоҳим мартабангиз бундан кўра ҳам баланд бўлсин! Отангизнинг арвоҳи қўлласин. Укажон, мен ўзим ҳам ишламасам бўлмайди. Толибжон мамнун, астойдил ишлаяпти. Бекордан худо безор, мен ҳам ишлашим керак. Тирикчилик. Толибжоннинг ёнидаги иккинчи базага мени юборсинлар.

— Толибжон ака бизнинг уйнимизга нимта юборибдилар. Бу нима қилиқ?!

— Оббо нодон-эй! Эҳтиётсизлик қилибди-а. Мен унга тушунтириб қўяман.

— Иш топилади. Сизни у ерга юбориш қийин эмас. Чатоқлиқлар бўлмайдими?

— Бу гаплар ортиқча, укажон. Ўзимиз жайдари одам бўлсак ҳам Совет ҳукуматини яхши кўрамыз.

Арслон қўли тортар-тортмас телефон қилди. Мусоват Қори яна миннатдорчилик билдириб, тавозе билан чиқиб кетди. Кейинчалик трест бошлиғининг маълум қилишича, «амакиси» Мусоват Абдулхайрхоновни базага жойлаштириб қўйибди. У ишбилармон одамга ўх-

шайди, уч-тўрт кундаёқ базани ўзиники қилиб олганини ҳам айтиб, мақтаб қўйди.

— Амаким эмас,— деди Арслон,— менинг амаким йўқ, у киши ҳаммаҳалла. Ўзингиз ишлатаверинг.

— Ҳа, албатта. Жуда дилкаш одам эканлар. Илмлари ҳам ёмон эмас, кўп нарсаларни ўргатаёткибилар. Муаллимчилик ҳам қилган эканлар.

— Ҳа, шунақа...

Яна бирон ҳафталардан кейин Мусоват Қори қарз минг сўм пулни олиб келиб Мадина холага ташлаб кетибди. У ҳам дастурхонга ўроглиқ нимтани холага бериб: «қарзни берганимни айтинг-ку, бу гўштни зинҳор-базинҳор Арслонжонга билдирманг», деб тайинлабди. Сабаб, мояна нима бўлади, ҳукумат кишиларининг қорни йўқми, шундай қилганимиз маъқул», дебди. Мадина хола, ҳамма амалдорлар ҳам шундай қилар экан, билса ҳам ўзини билмаганга солар экан, деб нимтани олиб қолибди. Бу ишни у Арслонга билдирмади ҳам. Бу нимтадан ўғлига сомса ёпиб олиб борди. Эртасига тандир кабоб ҳам қилиб олиб борди. Арслон онасининг пазанда эканини биларди, миннатдорчилик билдириб, маза қилиб еди. Мусоват Қорининг қарзни олиб келиб берганидан хурсанд бўлди. Негадир юрагидаги бир оз шубҳалари ҳам йўқолди.

Икки ойдан сўнг, Мусоват Қори ҳақиқий тўйни энди қиламан, орзу-ҳавас мана бунақа бўлади, деб Отамуллани иккинчи бор тўй-томоша билан уйлантирди. Илгариги хотини — Анзиратга уйланишда Мусоват Қори ризолик бермаган экан. Отамулла, бизлар бир-биримизни яхши кўриб, турмуш қурдик, деса: «Ота рози бўлмаган турмуш — турмуш бўлмайди», деб келинига рўйхуш бермабди. Буларга чидамаган Анзират бир йилча умр қилиб, кейин кетиб қолган эди. Мусоват Қори Тўқлижаллоб маҳалласида турадиган Толибжоннинг амакиваччаси Ҳикматулла заргарнинг қизи Мастурахонни олиб берди.

Тўйга Мадина хола бир тоғора сомса, икки кийимли қарғашойи олиб келиб, бу хонадоннинг энг азиз меҳмони сифатида ганжинали уй тўрида отинойи билан ёнма-ён атлас кўрпачалар устида ўтирди. Хотинлар орасида келинининг амакиси Толибхўжанинг бойиб, «итининг туваги олтиндан бўлиб кетгани» ҳақида анча-мунча гап бўлди. У амакиваччалари, тоға-

жиянлари билан бирга базада ишлаб бойиб кетишибди. «Кўнчи бойганини қўшниси билмайди» дейдилар. Толибжон яқин бир йил ичида бойиб, уйда тўққизтадан гилам, уч холодильник, уч гарнитураси бор эмиш. Хотинининг бўйнида шода-шода марварид, егани олдида, емагани кетида эмиш... Баъзи хотинлар «таги кўрган, бой болаларининг ҳеч қачон зор бўлмаслиги хўжаларга дуо кетгач, улар пайгамбарзодалар ҳеч кам бўлмайди...» дейишарди. Буларни аслида Толибжон, Ғойибжон, Соибжонлар дейиларди. Кейинчалик бечора «Толибжон» бўлди. Мана, ҳақ йўлига қарор топиб, яна «Толибхўжа», «Толибжон» бўлиб олди. «Гап билгунча иш бил, дейдилар...» дерди қақиллаб бир манқа хотин. Афтидан, унинг ўзи ҳам шу хўжаларнинг уруғи бўлса керак.

Асли «итининг туваги олтиндан» бўлиб кетган Толибжондан кўра ҳам Мусоват Қори бойиб кетган эди.

Кўп ўтмай базани ўпираётган Толиб қўлга тушди. Турли найраглар билан давлат мулкани талон-торож қилган бу ўғри суд қилинадиган бўлди. Газетада «Каламуш қопқонда» деган фельетон ҳам чиқди. Аммо иккинчи базада пинагини бузмай «ишлаётган» Мусоват Қорининг хотини Мазлума хола, Толибхўжалар уйи тинтув бўлаётганини эшитиб, ўзининг бир қути тилла асбобларини, дур-марваридларини, гиламларини узоқ-яқин қариндошлариникига тарқатди. Унинг юраги ўйнаб, Қорига мурожаат этди:

— Хўжам, Толибжон акамлар қамалибдилар... Бизга хавф-хатар йўқми?

— Йўқ!— деди Мусоват Қори,— унга ўргатдим, тушунтирдим, эҳтиёт бўл, дедим, қилмади. У беш қўлини баробар оғзига тиқди. Нодон! Мана энди нима бўлди. Менга алоқаси йўқ, мен уни танимаيمان. Сен ҳам, Отамулла ҳам... вассалом! Туя кўрдингми, йўқ! Қарға ўз боласига бир чўқиб, уч қара, деркан. Толибхўжа уч чўқиб, бир қаради. Мана, орқасидан келиб, хиппа бўғишди. Мен, бир чўқиб беш қарайман. Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи-и-и...

Юраги така-пука бўлиб юрган Мазлума хола бу гапни эшитгандан сўнг сал ўзига келди.

— Мирюсуф дегрезнинг ўгли бу воқеадан кейин қўрқиб, менга шубҳалироқ қараши мумкин. Утиб кетади. Онаси билан учрашиб қолгудай бўлсанг, Қор-

акамлар ҳам ғазабландилар, у ярамас Қоракамга ҳам панд берди. Ўз бошини ўзи еб кета беради, сиз билан бизга нима алоқаси бор, дегин. Тушундингми?

— Хўп бўлади.

— Онасига жуда кўп нарса берганман. Уғлини ўзи тинчитади... Ҳа, Арслон тўра ҳам бизга кўз олайтиролмайдилар. Онасининг тили қисик... Тушундингми?

— Тушундим.

— Иккиламчи, Арслон тўранинг ўзлари кимлиги бизга маълум. Бундай амалларда туришга ҳақлари йўқ. Агар кўзини олайтиргудек бўлса, сирни очаман. У, уруш вақтида қочиб ётган. Унинг қудаси шаҳар партия комитетининг секретари Марат Саидбеков терисига сомон тикади. Ҳозир уларнинг оралари бузилиб, хотини кетиб қолибди. Гап бефарзандликда эмас, гап — бу Арслон тўранинг бир нимасини сезиб қолишганга ўхшайди. Уларнинг ажралишидан латта ҳиди келяпти. Агар бу Арслон тўранинг столи лопилламай мустаҳкам турганда, у менга ўхшаганларга ялиниб, кафолат бериб ишга жойламас эди. Унинг таги бўшроққа ўхшаяпти, хотин! Шунинг учун у ҳозир миқ этмайди. Ҳеч нарсани билмаган киши бўлиб, ўз жойида ишлай беради. Ҳозирги амалдорлар шунақа, ўзининг тинчини кўзлайди. Нафсламбрига шу ҳам маълум. Виров билан бировнинг нима иши бор!

* * *

Аmmo кўп ўтмай иккинчи базага ҳам ревизия тушиб, уч кундан буён Халқ контроли вакиллари текшираётгани, Мусоват Қорининг оёғи куйган товуқдек сир югуриб юргани маълум бўлиб қолди. Бу гапни райижроқўмнинг хўжалик ва савдо ишлари бўлимининг мудир Арслонга батафсил айтиб берди. Арслон диққат билан эшитиб, ичида, букирни гўр тўғриларканда, деб қўйди. Бу муртадга ёрдам бераман деб, като қилиб қўйганга ўхшайман. Бир карра боши тақ этиб деворга тегди, кўзи очилди, энди ҳалол ишлаб кетади, деб ўйлаган эдим... Бу гаплар шаҳар партия комитетига ҳам етиб борган, Марат бир куни, юлғичларга эҳтиёт бўлинг, деган эди.

Қори оёғи куйган товуқдек яна райижроқўм раисининг қабулхонасида пайдо бўлиб қолди. У Зайтунадан

тезда ичкарига кириб айтишини, жуда зарур иши борлиги, уч минутга кириб чиқишини айтиб илтимос қилди. Зайтуна, ўша пакана киши келди, жуда зарур ишлари бор экан, уч минутга қабул қилишингизни сўраяпти, деди.

— Уч минут эмас, уч соат десалар ҳам гаплашамиз,— деди Арслон зарда билан. Зайтуна бу ногаҳоний зардага ҳайрон бўлиб, чиқиб кетди. Бундай бир учрашувни Арслоннинг ўзи ҳам кутган эди. Агар унинг ўзи келмаганда, одам юбориб ҳам топмоқчи эди.

— Ассалому алайкў-у-ўм!— Мусоват Ҳори кабинетга кириб, устига чарм қопланган икки қаватли эшикнинг иккаласини ҳам эҳтиёткорлик билан зич ёпиб, пилдираб келиб Арслон билан кўришди-да, креслога ўтирди,— қадам етди бало етмасин, облоҳу акбар!

— Келинг, Ҳорака!

— Келдик. Қалай, опам яхшимилар? Уй ичларингиз яхшими?

— Ҳаммаси жойида.

— Бизага ревизия келиб, ишни чатоқ қиляпти...— деди Ҳори кўзи ола-кула, шошиб.

— Нега келди ревизия?

— Ана шуниси қизиқ, укажон!

— Текширсин, ишингиз тўғри бўлса нимасидан қўрқасиз.

— Топяпти... ревизорларнинг бари ғайридинлар!

— Бу нима деганингиз?

— Улар менинг кетимга тушганга ўхшайди,— деди кўзларини чақчайтириб.

— Ўзингизни нима деб аташ мумкин. Сиз — миллатчисиз!

— Ия!

— Ҳа, шундоқ!

— Ҳозир асаб бузиб, урушадиган вақт эмас. Жаҳл чиқса ақл кетади,— деди ўзини тутиб олиб, осойишталик билан Мусоват Ҳори,— Арслонжон, окўси, иккита иш қиласиз: ё телефон қоқиб, ўша ревизорларни базадан олишсин, тушунтириб айтинг. Ёки мени у базадан олишиб бошқа базага юборишсин.

— Чиқиб кетинг!

— Бу гапни менга айтяпсизми?!

— Ҳа, сизга!

— Чиқиб кетаман, локин ўзингизга қийин бўла-

ди, тўрам,— у ташқарига чиқиб кета туриб яна гапирди:— ўзингизнинг тагингиз бўш!

Мусоват Қори чиқиб кетгандан сўнг Арслон чўнтагидан «Беломор»ни олиб, бурқитиб чекди. Кабинетга имзо чекдириш учун қоғозлар кўтариб кирган Зайтуна раиснинг кайфи бузилиб ўтирганини пайқади.

— Чой олиб кирайми? Тайёр, қайнаб турибди.

— Раҳмат, ичгим келмаяпти. Мени кутаётган одамлар йўқми?

— Йўқ.

— Бошим оғрияпти, бир оздан кейин кетсам нима дейсиз?

— Ихтиёр ўзингизда,— Зайтуна таажжубланиб кулимсиради.— Агар бошингиз оғриётган бўлса албатта дам олиш керак. «Кафеин»дан бир таблетка ютиш ҳам бош оғриғини таққа қолдиради.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат! Сўрасалар, мен уйда бўламан,— Арслон столи устини йиғиштириб, кабинетидан чиқди,— хайр!

— Хайр!

Арслон уйга келиб, столи тортмаларидан бош оғриғи дорисини топиб, бир таблетка ютди. Орқасидан ярим стакан сув ичиб юборди. Дарҳақиқат, унинг боши ис теккандай лўқиллаб оғрирди. Эрта билан хизматга кетишдаёқ оғриб турган боши Мусоват Қори билан бўлган диққатвозликдан кейин баттар бўлди. Жимжит, бўм-бўш хоналарнинг бирида диванда у ечинмаган ҳолда ётарди. «Вой, бошингиз нега оғрияпти, Арслон ака, мана, иссиқ чой ичинг...» дейдиган Барчин ҳам йўқ. Унинг ҳолидан хабар оладиган ҳеч ким йўқ. Хўрлиги келди. Упкаси тўлиб йиғлагиси ҳам келарди, аммо кўз олдига «уммулхабоис»— макру ҳийла, ҳаромликлар кони — Қори келаркан, унинг тўлган юрагини ғазаб қопларди. Қаттиқ ранжиб кетиб қолган Барчинни бугун-эрта қайтиб келиб қолади, деб ўйларди. Бир лаҳзадан сўнг уни уйқу элтиб, ётган ерида ухлаб қолди. Соат кеч ўнларда уйғониб, эрталаб бўлди, хаёл қилиб, дераза ёнига келди; шаҳар чироқлари юлдузлардек ёнарди. У соатига қаради: ўн. Эҳ-ҳа, тонг эмас, энди кеч кирибди. Ейиш, ичиш, кийинишгина эмас, унинг вақти ҳам издан чиқибди. Агар Барчин бўлганда шундоқ бўлармиди! Эҳ, Барчин, Барчин...

У юз-қўлини ювиб, артиниб, уй кийимларини кийди-да, чой қўйиб юборди. Кострюлга ҳам сув солиб, қайнатиб, ўтган куни олиб келиб қўйган қоғоз қутидаги чучварани солиб, қайнатди. Хамир овқат еганидан сўнг унинг тамоман уйқуси қочиб, китоб ўқишга тутинди. Китобни ҳам йиғиштириб қўйиб, ёза бошлаган лирик тўртликларни давом эттирди.

Ҳамма ёқ жимжит. Фақат унинг ёзув столи устидаги тепаси тўқ ҳаворанг чироқ ёниб турарди.

* * *

Ҳар бир ёнган кўзда ёш бўлар экан,
У, юракка қайғудош бўлар экан.
Гоҳ қайғуга рамэлир, гоҳо севинчга —
Бир томчи-ла ҳиссинг фош бўлар экан...

* * *

Мусоват Қори ўз айтганини қилиб, юқори партия ташкилотларига ўз имзосини очиқ кўрсатиб, Арслон устидан ариза берди. У ўзини «софдил бир киши», ҳукумат ишига «берилган» шахс эканлигини ва иккиюзламачи кимсаларни совет аппаратида қувиб юбориш лозимлигини, мамлакат бошига оғир кун тушганда қочиб юрган Арслон Улмасбоевларга жазо берилишини аризасида кўрсатган эди. Ичиб юрадиган бир инвалид кишини ҳам ишга солиб, ариза бергизди.

Бир ой ичида Улмасбоев устидан тўрт ариза тушди; ҳаммасининг мазмуни бир хил эди.

Уттиз олтинчи боб

ОЙДАГИ ДОҒ

Ҳурматли китобхонга маълумки, биринчи бобда Арслон илон чаққан кимсадек алам ичида тўлганиб ётарди. Арслон ҳақидаги заҳарли туҳмат баъзи кишиларни шубҳага солиб қўйган эди. Ҳаммага ўзининг ҳақлигини тушунтиролмагани туфайли Арслон маълум вақтгача вазифасидан четлаштирилиб, хонанишин бўлиб ётди. Бу азобдан бир йўла қутулмоқ мақсадида у ҳатто деворда илиғлиқ ов милтиғига ҳам қаради... Ва лекин бир катта куч уни маҳкам ушлаб турарди...

Аввалига чойгумдек қайнаб, тутоқиб Қори, Аб-
босхон ва бошқаларнинг ёқасидан тутмоқчи ҳам бўл-
ди. Бу ярамаслар софдил кишиларга қоракуя суркаб,
бадном қилмоқчи, демоқчи ҳам бўлди. Бу оддий шал-
лақилик бўлиб қоларди. Пихи ёрилган тухматчи шахс-
лар учун бу жуда қўл келарди. «Йўқ,— деди у ўзига
ўзи,— бу ишда шошма-шошарлик белни синдиради.
Қори-ю, Аббосхонлар иши — бу жиддий кураш!»
Бу унинг ҳаёти сўқмоғидаги жангдир. Буни кўп одам-
лар кўрмай қолиши ҳам мумкин. Жанг бошланган,
қани, ким — кимни! Аввал Арслон, игна билан бита-
диган ишга бигиз тиқмаган маъқул, деб юрарди. Йўқ,
бигиз эмас, қилич ишга тушиши керак экан.

Киши бошига оғир кун тушганда, илгари ўзидек
қийналган ошналарини ёдга олиб, ўзига тасалли бе-
ради: — бошқаларнинг бошига ҳам шундай оғир кун
тушган, дейди. Чидайди. У тирик-ку, ҳамма умидлар
тугамагандир. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлгани билан
ўн беши ёруғ!...

Арслон хонанишин бўлиб ётган кезларида Нишон
ака, Нурғалиев, Жамшидбек, Жўра акаларни ҳисобга
олмаганда, унинг ҳолидан хабар олгани баъзи ошна-
лари келмади. Заводдаги баъзи дўстлари бу ишдан
хабарсиз эди. Баъзи эромад-шеромадлар қани?

Мана, у ер парчин бўлиб қулаб ётибди. Баъзилар-
дек шундоқ кунлар келганда қуруқ харсанг тошга
тушмасликни кўзлаб олдидан «қалин кўрпачалар»
ёзиб қўёлмабди, беш-ўн минг сўм пул ҳам орттириб,
кассага ташламабди, ҳеч нарса қолмабди. У абадул-
абад раис бўлиб туравераман, деб ўйлаган бўлса ке-
рак. У, бир куни бошқа ёққа боришини биларди,
Аммо, пул орттириб қўйишдан жирканди — шундай
гапни шама қилгани учун Барчинни ҳам, ўз онасини
ҳам жеркиб ташлаган эди. Бунчалик тўғри бўлиш ях-
ши эмас! Онаси: «Эртани ҳам ўйлаш керак! Бир ни-
ма орттирсанг кунингга ярайди...» деганда, у: «Бун-
дай иш қилолмайман, ойи! Коммунистлар бундай
ишларни қилмайди!» деган эди. Мадина хола бўлса:
«Ҳа, яхши. Сен бошқанинг гапига қулоқ солармидинг,
ўз билганингни қиласан», деб қола берган.

Булар ҳам ўтди.

Лекин энг ёмони шу бўлдики, райижроқўмга раис
бўлиб турганида жуда қариндош-уруғлари кўпайиб

кетиб, умрида кўрмаган одамлар жолвачча, аммасининг қайниси, қайнисининг аммаси... бўлиб, улар фақат таъма важдан эмас, «Улмасбоевга қариндош» эканликлари билан фахр этишиб, тўй-ҳашамларда, маъракаларда гапиришарди. Мўйлов қўйган ёш йигитчалар, баъзан қариялар унинг кўркам кабинетига кириб келиб, узоқ мулоқотда бўлишар, ўларнинг «яқин қариндош» эканликларини одоб билан тушунтиришарди. Арслон уларга қўлидан келган ёрдамни аямасди...

Қани ўша уруғлар?

Ҳозир беш-ўн минут эмас, соатлаб гаплашишга вақти бор. Аммо улардан дарак йўқ. «Ёғ ютганда ёт ахши, қон ютганда қариндош...» деган сўзамол қариндошлари қани? «Уруғлари» шунақа юзсиэми? Бу мақолни у раислигида эшитган, тун билан ухламай, юрагига гулгула тушиб, ёрта билан ўша қариндошларини бориб кўриб келган эди. Амалга миниб, кўзимни шира босибди, одамларнинг гапи бунга ишора... деб анча куйиб юрган эди.

«Қани менинг уруғларим? Жинлар базмидек, бир лаҳзада улар кўздан ғойиб бўлдимми? Мен керак бўлмай қолдимми? Нечун? Ахир менинг айни иш берадиган пайтим-ку! Тажрибам ҳам ошди. Кўп нарсаларни ўргандим, ўзимни босиб олдим... Саломатман. Ҳовлиқиларим босилди... Нега энди шу паллага келиб бежор бўлиб қолдим! Илгари, мен бир хом йигитча эдим, одамлар билан гаплашишни ҳам билмасдим, жиззаки эдим, қўпол эдим... Нега мендан ҳазар қиляптилар?! Нега бу иш бирдан бўлиб қолди? Илгари ҳам мен шу Арслон эдим-ку? Одамлар илгари ҳам мени билар эдилар-ку? Нима, мен шунақа ёмон одам эканманми? — Ёки бу бир танбеҳмикан? Баъзан киши ўз фарзандини ҳам жазолайди... Раҳматли отаси ёшлигида бир хипчинлаган эди. Бу хипчинларнинг зарби ўттиз йилдан кейин ҳам, ҳамон сезилиб турибди. Тоғ бургутлари жўжасини осмони фалакка олиб чиқиб, пастга бигиз бўлиб турган тоғ чўққилари устига ташлаб юбораркан. Бола учолмай потиллаб тушиб кетаётганида шўнғиб келиб, яна ушлаб қолар экан. Шу тариқа бургутлар боласини парвозга ўргатади, дейдилар. — «Мен болалиқдан ўтдим-ку. Ҳа, мен бола эмасман, нега илгарироқ бу танбеҳларни беришмади. Ёки юрт учун мен

қали ёш гўдакманми? Балки шундайдир; ахир биз фарзандмиз-ку!»

Раҳматли отаси ҳамма вақт, «қозиқнинг боши бўлма, калтак ейсан, учи ҳам бўлма, ерга кириб кетасан — ўрта бели бўл, доимо кўриниб турасан, беғалвароқ бўласан...», дерди. Эҳтимол бу гап тўғридир. Мана, у анчадан бери уйда ётибди; эшитган-билганларга, касалман, дейди. Аслида андуҳ чекиб ётибди.

* * *

Шу кунлари, тинчимаган шахрисабзлик Эркин яна Тошкентга келди. У синглисидан хабар олган бундан ташқари поччаси Марат Саидбеков билан маслаҳатли ишлари борлигини баҳона қилган бўлса ҳам аслида нияти Барчинни кўриш эди. Унинг ўз уйига келиб қолганини Дилбарнинг онасига ёзган хатидаги «...Қудангиз ҳам ёлғиз эмаслар, Барчин эри билан ораси бузилиб, онасиникига келиб олган...» жумласидан пайқаган эди. Шу куниёқ у тайёргарлигини кўриб, онасига «Зарур иш билан Тошкентга, Маориф министрлигига» бориб келишини маълум қилди. «Зарур иш» билан Тошкентга келган ўғлига Дилбару Ҳамидахонлар учун бир чамадон совға-саломлар ҳам бериб юборди.

Шаҳрисабз станциясидан қўзғалган поезд дала-лар оша Тошкент томонга тақа-тақ, тақа-тақ... чопарди. Купеда соқолига оқ тушган бўйдоқ йигит ёлғиз хаёл суриб ўтирарди. Барчин, Барчин... Эҳтимол у шахрисабзлик йигитнинг муҳаббатини рад этганига пушаймондир. Уни ҳеч ким Эркинчалик яхши кўрмас эди, унга уйланиш — бутун борлиғи билан у билан бирга бўлиш орзуси бор эди. Орзусига етолмади. Уша қирра бурунлик йигит уни олиб қўйди. У энди Барчинга ёпишиб: «Менга тег, мен сени оламан»,— дейиш ниятида эмас. Бундай гап, эҳтимол, Барчинга ҳақорат бўлиб туюлар. «Мен сенга тегаман деб кўзим учиб ўтиргани йўқ», дейиши аниқ. Лекин ҳар қалай уни кўргиси келарди. Барчин уни бир оҳанрабодек тортарди. Эҳтимол, у жуда очилиб кетгандир. Эҳтимол, у севгисини рад этгани учун пушаймондир..

Дарҳақиқат, Барчин эрга теккандан кейин жуда очилиб, гўзал бўлиб кетган эди. Баъзиларнинг айтишича: «эр ёкқан» қизлардан бўлиб чиқди.

Эркин эшикдан чамадон кўтариб кириб келди. Барчин билан у ҳовлида учрашиб қолишди. Юпқа батис кўйлак кийиб, оёқяланг юрган Барчин аввал ҳайрон бўлиб, қотиб қолди. Кейин югуриб бориб шиппагини кийди. Эркин чамадонни ҳовли ўртасига қўйди. Баланд бўйли, суяклари бузуқ Эркин Барчиннинг кўзига аллақандай кўриниб бир лаҳзадан кейин андак қизарди...

— Опамлар қаёқдалар? Дилбар қаёқда? Менга ҳеч ким, бу ёққа келинг, демайдими?— Эркин кулимсираб Барчинга мурожаат этди.

— Келинг, марҳамат, Эркин ака!— деди Барчин ўзининг жим бўлиб қолганидан хижолат бўлиб.

— Салом алайкум!— Эркин Барчинга қўл узатди.

— Салом! Хуш келибсиз!— Барчин бир неча қаддам юриб, Эркинга қўл узатган эди, Эркин тўсатдан уни бағрига тортиб, қучоқлаб, лабларидан ўпди. Кутилмаган бу ҳолатдан саросимага тушган Барчин тирчиллаб, кучининг борича унналиб, қучоғидан чиқмоқчи бўлган эди, кучи етмади. «Қўйиб юборинг!» деди у зарда билан. Эркин уни бўшатди.

— Энди мени «йўқол, аблаҳ!» дерсиз. Ҳозир шу гапни айтасиз,— деди титраб Эркин,— йўқ, мен йўқолмайман! Бу уй менинг ҳам уйим, синглим тушган. Мен сени яхши кўраман, шунинг учун ҳам бу ҳовлилар менинг учун жуда чиройли. Эринг бўлса ҳам, мени ёмон кўрсанг ҳам, бари бир мен сени яхши кўраман. Шунақа! Шунақа!!!— у дағ-дағ титраб, шанғиллаб гапирарди.

— Бу безорилик-ку?!

— Ундан ҳам ёмонроқ!

— Уйда опам, Дилбар бўлганда нима бўларди? Номус қани?

— Ушанда ҳам ўпардим! Дилбар ҳамма гапни биллади. Мен сени деб уйланмадим ва уйланмайман ҳам! Сен бағримга ханжар уриб, ўша одамга тегиб кетдинг!

— Бундай гапларни қўйинг! Менинг эрим бор.

— Биламан, эринг бор! Хўш, ҳовлида тура берамизми? Қайтиб чиқиб кетайми, ёки анави айвонга бориб ўтирсам майлими?

— Ўтиринг,— деди бир оз жаҳлидан тушиб Барчин. У ичида далачи довдир йигитнинг қилгиликни қилиб

қўйиб, яна дўқ уришидан кулиб ҳам қўйди. Эркиннинг жинни бўлиб, додираб турганини сезарди.

Эркин бориб айвон четига ўтирди. Узини тутолмай ҳаллослаб ерга қаради. Барчин ичкари хонага кириб кетгач, ҳовли ўртасида қолган чамадонини олиб келиб айвонга қўйди. Нима иш қилиб қўйганига ўзи ҳам ҳайрон эди.

— Барчинхон, бу ёққа чиқинг, гаплашиб ўтирайлик.

— Сизга чой қўйяпман,— деди Барчин ичкаридан,— ҳали бунинг учун ҳам менга дўқ урарсиз!

Барчин ичкари хонадан ошхонага ўтиб плитага чой қўйди. Эркиннинг бу қилиғини кечиргандай бўлди. Ундан сўнг яна қайтиб чиқиб дастурхон ёзди. У ичкари хонага кириб, баданлари кўриниб, сиқиб турган юпқа батис кўйлакни кенг атлас кўйлакка алиштирган эди. Хонтахта устига қанд-қурс, мураббо қўйганидан кейин, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турган Эркинга бир қараб қўйди. Бу қараш қандай чиройли! Эркин гап тополмай, соқов бўлиб ўтирарди. У ҳовлида нималарнидир тартибга солган бўлиб, дарвозадан кўчага чиқиб кетди. Орадан уч-тўрт минут ўтиши билан яна қайтиб кириб, чой дамлади. Шу лаҳза мункиллаган бир кампир — ён қўшнилари эшикдан кириб келди.

— Буви, мана қудамиз келиб қолдилар,— деди Барчин кўзи унча яхши кўрмайдиган, мункиллаб қолган кампирга. Кампир қўлларини кўзига соябон қилиб айвон четига ўтирган Эркинга тикилди. Битта битта юриб келиб Эркиннинг елкасига қўл чўзди:

— Эсон-омон келдингизми? Ойингизлар эсон-омонмилар. Утиринг, болам, ўтиринг! Қани,— у қўлини фотиҳага жуфтлади,— илоҳим омон бўлинглар, тану жонларинг соғ бўлсин... Хуш келибсиз!

— Хушвақт бўлинг!

— Дастурхонга қаранг,— деди кампир булка ноннинг юмшоқ жойидан бир чимдим узиб олиб оғзига соларкан. Унинг битта ҳам тиши қолмаган эди,— аксига олиб шу пайтда Ҳамидахоннинг йўқлигини қаранг, болам. Ҳамидахон қизимнинг оёқларидаги бод қўзғаб, Педарович касалхонасига кетган эдилар, лой билан даволар эмиш, буни қаранг.

— Ҳозир тузукмилар?

— Яхшилар,— деди Барчин,— бугун-эрта келиб қоладилар. У ерга оғир касаллар бормаиди. Эрта билан телефон қилган эдилар.

— Ҳозир Дилбарнинг секциясига бораман,— деди Эркин,— ундан аввал, агар менга йўлдош бўлсангиз, Федоровичга кириб, опамларни кўриб чиқардик.

— Бирга борардимۇ жуда зарур ишим бор. Мана палата номерлари...

У ўрнидан туриб, бир варақ қоғозга ёзиб Эркинга узатди. Эркин қоғозни буклаб, кўкрак чўнтагига солди.

Эркин касалхонага, секцияга ва Маориф министрлигига боришини айтиб, чиқиб кетди. Кампир ўрнидан туриб, яна ўтирди. Барчин эшиккача кузатиб қўйди.

Кузатиб қўйди-ю, юрагига ғулғула туша бошлади. Мана у бир неча ойдан бери Арслондан узоқда, унинг ҳоли не кечди экан? Бунинг устига унинг негадир ишга бормаётгани, устида ҳар хил гаплар борлиги ҳақида опаси гапирган эди. Опаси ҳам кимдандир эшитган экан. Бу гапларни юрагига сиғдиролмай Барчин кеча акаси ёнига бориб, сўради. Марат, «Арслон устидан материал тушган, ҳар хил хунук гаплар бор. Комиссия текширяпти, ҳали натижаси менга маълум эмас», деди. Бу гап кечадан бери унинг юрагига ғулғула солиб, Арслоннинг анчадан бери ташвиш, аламда эканини пайқаб нима қилишини билмай юрарди. Кутилмаганда эшикдан кириб келган Эркин уни бағрига босиб ўпгани, унинг феъли шунақалигини аввалдан билгани учун уни кечирган бўлса ҳам кейинчалик ғазаби қўзғади. Унинг кўз олдида Арслон гавдаланди. У: «Бу қандоқ бўлди? Бу — хиёнат-ку», дегандай бўларди. Барчиннинг юраги сиқилиб, уйда ўтиролмади. Эркин чиқиб кетгандан кейин наридан-бери кийиниб, енгилгина пардоз қилди-да, қўшни кампирни қолдириб, кўчага чиқиб кетди. У автобусга ўтириб тўппа-тўғри шаҳар ўртасидаги микрорайонга келиб, ўзи учун жуда таниш бўлган чиройли тўрт қаватли уйнинг биринчи подъезди зинапояларидан кўтарилаётган эди, юқоридан тушиб келаётган Маъсудахон унга ҳайратланиб боқди. Бу боқиш Барчинни таажжубга солди: «Нега у мен билан совуқ муносабатда бўляпти. Эрини ташлаб кетган виждонсиз, деяётганми-кан?» Улар омонлашиб бўлишгач, Барчин иккинчи қаватда тўхтаб, қўнғироқ кнопокасини босайми-босмай-

ми, деб турган эди, Маъсудахон беш-олти пиллапояни босиб, Барчиннинг ёнига чиқди.

— Вой, хабарингиз йўқми, Барчиной. Арслон акамлар бу квартирани бизга бериб, ўзлари тўртинчи қаватга чиқдилар.

— Қандай қилиб?

— Ўзлари бердилар... Бизлар аллақачон кўчиб кирганмиз.

— Шунақами?

— У кишининг олижанобликлари...

— У киши тўртинчи қаватдадилар? — Барчин бу жувоннинг Арслон акасининг исмини такрорлаб, «акамлар» деганидан, доимо кўйлак ёқасини йиртиб чиқиб кетаман, деб турган кўксидан кўнгли ғаш бўлди. Умуман келишган бу аёлдан у Арслонни қизганади. У бир куни кайфда: «Оҳ-оҳ»лаб, шу Маъсудахоннинг кўкси, хипча бели-ю, йўғон сонлари Жамшидбекнинг давлати...» деб ҳазиллашган эди. Ҳазил-мутойиба тарзида айтилган бу гап эсига тушиб, у чинга бўланди-қўйди. Шайтон васваса солиб, Маъсудахонга «эримнинг ўйнаши» дегандек, лом-мим деёлмай, кинояли бир қараш қилди.

— Барчинхон, қани бизникига кирайлик.

— Унда ишим бор эди, юқорига чиқиб эшигини тақиллатиб кўрай,— деди Барчин Арслоннинг отини айтгиси келмай, «у» деб атаб, санлади.

Маъсудахон андак таажжубда эшигини очиб, уйга кириб кетди. Барчин тўртинчи қаватга кўтарилиб, звонокни анча вақт босиб турди. Аммо ичкаридан садо чиқмади. У яна босди... Ўз уйи, ўз эшиклари олдида бегона одамдек бўлиб юргани ўзига таъсир қилди. Эрини ташлаб кетган, туғмайдиган хотин деб энди унинг устидан қўшнилари ҳам кулаётгандай бўларди. Иккинчи томондан эрини бу аёл билан «дон олишиб» юрибди хаёл қилди. «Наҳотки Арслон шунақа инсон! Наҳотки Арслон у йўқлигида бу уйларда хотинбозлик қилди экан? Ҳаммасига ўзим айбдор! Нега мен уни ташлаб кетдим!»

Бу лаҳза Маъсудахон эшигини очиб, коридорга чиқди-да, тепада турган Барчинга мурожаат қилди:

— Барчинхон эсимдан чиқибди, ҳали эрта билан бир қиз келиб, звонок қилди. Аввал бизларнинг эшигимизни тақиллатган эди. Заводдан келган экан, Арс-

лон акамларни чақириб олиб кетди. Қани, бизникига ирайлик, келиб қоларлар.

— Қанақа қиз экан?

— Заводдан келдим, деди. Қўлида қоғози ҳам бор.

Барчиннинг кўзи тиниб кетди. У ортиқ зинапоярларда турмай, Маъсуда билан ҳам совуққина хайрлашиб, уйига қайтиб келди. Тўрт хонали яхши квартира ҳам кетган, эри ҳам йўқ. Ҳар хил хотинлар... У ўзини каравотга отди. «Боши оғриётгани»ни пайқаган кампир чойнакдаги чой ва пиёлаларни унинг ёнига қўйиб, ўз ҳовлисига чиқиб кетди. Барчинни иссиқ, чарчаш элитди, унинг киприклари чалишиб, ухлаб қолди.

Шу ухлаганча кечгача ётди. Туш кўрибди: тушида Арслон ўша хушбичим Маъсудахон билан ўйнашиб, катта бир боғда қувлашиб юрган эмиш. У ёнида турган Барчинга қайрилиб ҳам қарамасмиш, бутун фикру ёди Маъсудада эмиш. Фигон бўлиб, терлаб ўғониб кетган Барчин донг қотиб қолди. Унинг каравотида Ёркин ўтирарди. Бу ҳам туш бўлса керак, деб кўзларини уқалади. Йўқ, бу туш эмасди.

— Барчиной, озгина иссиғингиз бор. Ярим соатдан бери тепангизда ўтирибман. Босинқираяпсиз...

— Туринг! Босинқираётганим йўқ!— деди ёстиқдан сапчиб бошини кўтариб Барчин.

* * *

Дарҳақиқат шу куни Арслонни заводга чақиришган эди. Нишон ака, Матвеев, Нурғалиевлар Ўлмасбоевга бўлаётган ҳужум ҳақида завод партия ташкилотига хабар беришган эди. Заводимиздан қанот чиқариб, совет ишларига кўтарилган, ишчи фарзанди Ўлмасбоевнинг «ўз вазифасидан четлатилиши» заводнинг обрўсига ҳам тегарди. «Арслон Ўлмасбоев ишчи комиссия текшираётгани» қуюв цехига ҳам етди. Унинг эски ошналари ҳам ҳайрон. Заводдан кўтарилган ижроқўм раисининг четлатилаётгани бутун заводга тарқалди. Нишон ака билан Нурғалиевдан баъзи кишилар ишнинг нима бўлаётганини сўрашди. Завод партия ташкилотига келиб учрашишни илтимос қилишгани сабабли, Арслон шу куни қадрдон заводига келди. У партбюрода бўлиб, устидан тушган ариза ва бошқа гапларни маълум қилди. Сухбатдан сўнг у қу-

юв цехига ҳам кирди. Қадрдон цех ҳамон гумбурлар, олов лавалар учқун сочар, одамлар терлаб ишларди. У бир муддат қараб тургач, цех бошлиғи мастер Шавкат Нурғалиевнинг ёнига борди. У цех ўртасида икки кишига бир нимани тушунтирарди. Иши битгандан кейин у Арслоннинг ёнига келиб, ёнидан «Прима» сигаретасини чиқариб тутди.

— «Беломор» чекардингиз, Шавкат ака?

— Вот, инде «Прима»га ўтдик. Бу ерда ўзгаришлар кўп; биз «Прима»га ўтдик, цех юқори частоталии печларга ўтди, янги кадрлар килди... Сиз инде катта одам булгандан сунг биздада ўзгаришлар бор. Бизнинг уйга келишни тўхтатдингиз. Анийим ҳам, Марзия ҳам сенинг ипдашинг исполком председатели булгач бизни унутди дийлар. Мен айтамин, ул бизнинг семьябизни эмас, заводни-да унутди, деймин.

— Гапингиз тўғри. Анийга, Марзияга салом айтинг! Мен унутганим йўқ.

— Переживаниегизнида билам... Лакин, ул сволочлар билан бир ўзигиз курашарга ярамай! Нега вақтида бизга айтмадингиз? Бабайинг Улмасбаевга-да илгари нападать итган иканлар. Матвеев менга айтди. Сен инде ўзинг катта одамсин, лакин политический борбада циплоноксан! Хафа бўлма, мен прямой одамман.

— Бу гапингиз ҳам тўғри.

— Биз горкомга борамиз, сенинг ишингни проверять этабиз. Биз узезбизнинг рабочени обидага бермаймиз!

Арслон сукут сақлади.

Шундан кейин улар икков цехни айланиб чиқишди. Нурғалиев цехдаги янгиликларни бирма-бир Арслонга кўрсатиб, фахрланарди. У ўзининг цех бошлиғи бўлиб, ишлари юришиб кетганидан мамнун эди.

Кечга яқин Арслон уйга қайтиб келди. Балконга чиқиб турган Маъсудахон Арслон келаётганини кўриб, дарҳол зинада унга пешвоз чиқди.

— Арслон ака, сиз чиқиб кетганингиздан кейин, бирон соатлар ўтар-ўтмас Барчинхон келдилар,— бу гапни у қувонч билан гапираётганига Арслон кулимираб қараб турарди,— чиқиб звонокни анча босиб турдилар. Бу ёққа киринг десам, кирмадилар. Қвартира алмаштирганимизни ҳам билмас эканлар...

— Нимага келибди?

— Менга ҳеч нима демадилар.

Арслон бир лаҳза ўйланиб туриб, яна йўлида давом этди, — зинапоялардан кўтарила бошлади:

— Бобир Мирзо қалайлар? Яхшимилар? Жамшидбек, Муса отам бардаммилар? Салом айтиб қўйинг!

— Хўп, айтиб қўяман. Ҳали замон келиб қолишадди, бизникига чиқинг.

— Раҳмат, — Арслон жиддий, ўйламосираганча юқорига кўтарилиб, ўз квартирасига қараб кетди.

Унинг хаёли Барчинда эди. Кутилмаганда қаттиқ ранжиб, юз кўрмас бўлиб кетган хотинининг келиши уни таажжубга солди. Ўзи ҳам Барчинни соғинган эди. Кўнгли бўшашиб, шунча вақт, оғир андуҳ кунлари ёлғиз ташлаб кетганидан хафа эди. Унинг чиройли юзларини соғинган эди.

Арслон хона ичида нима қилишини билмай қаққайиб турди. Барчин билан бирга тушган суратига қаради; бир умр ажралмаслик ҳақида аҳдлашишган икки ёш, мана, нима ишлар қилиб юришибди. Барчиннинг бу ерга келиб, Арслонни излаб юриши таажжуб?!

У ечиниб, юз-қўлини совунлаб ювди-да, кийиб юрганидан кўра жиндек «обрўлироқ» кўйлагини кийиб, Барчинларникига жўнади. У бутун айбни ўз устига олишга, агар Ҳамидахон опа билан Барчин оғир гапларни айтишса ҳам чидашга, узр сўраб, қандай бўлмасин Барчинини олиб келишга қарор қилди. «Мен сени жонимдек севаман, бизнинг фарзандимиз бўлмаса, юрт фарзанди бизники. Майли, ҳамма нарса сен истаганча бўлсин, бирон бола олиб боқармиз... Мен сени иккинчи хафа қилмайман. Онамга ҳам айтиб, қаттиқ тайинлайман...» дегандек бўларди.

Арслон тезда уйдан қайтиб чиқди-да, зудлик билан «Эски шаҳар»га — Барчинларникига жўнади. Деразадан қараб турган Маъсудахон Арслоннинг шитоб билан қайтиб чиқиб кетишидан Барчинларникига борса керак, деб хаёл қилди. Дарҳақиқат у ялинш тугул, тиз чўкиб, оёқларига бош уришга тайёр эди. У таниш дарвоза ёнига келиб, звонокни босди. Ичкаридан садо чиқмади. Бир лаҳзадан сўнг у яна қўнғироқ кнопокасини босди, яна жимлик. Дарвозани, ундан кейин деразаларни қўли билан тақиллатди. Жимжитлик. Бир лаҳзадан кейин у ёқ-бу ёққа аланглаб, дарвоза олдидан силжиди...

Арслоннинг эшикка келиб турганини дераза пардалари орқасидан миқ этмай кузатиб турган Барчин биларди. Арслон ноумид бўлиб, дарова олдидан кетгач, Барчин ўзини каравотга отди.

Шу пайт телефон жиринглади. У индамай ёта берди. Бир дамдан кейин иккинчи бор жиринглаганида у бориб трубкани кўтарди. Трубкадан жоннойиси Дилбарнинг овози жаранглаб эшитилди.

— Барчин? Барчиной?

— Ҳа, мен, — деди Барчин дарилаган бир овозда.

— Уйда йўқмидингиз? Уч марта телефон қилдим.

— Ҳовлида эдим.

— Нега овозингиз бунақа.

— Овозимга нима қилибди! — деди Барчин ўзини тутиб олиб.

— Бизникига келинг, Марат акам айтяптилар. Эркин акамлар ҳам шу ердалар.

— Бошим оғрияпти. Боролмайман.

— Трубкани акангиз оляптилар, — деди Дилбар. У томондан Маратнинг овози эшитила бошлади: — Барчин, бизникига кел, гаплашиб ўтирамыз. Маана, Шаҳрисабздан Эркинжон келдилар.

— Бошим оғрияпти, боролмайман.

— Кела қолсангиз бўларди, — деди яна Дилбар ундан ранжигандек бўлиб.

Барчин индамай телефон трубкасини қўйди.

Кўп ўтмай қўшни кампир эшик тақиллатди. Барчин бориб очиб, кампирни киритди-да, яна эшикни маҳкам танбалаб қўйди. Кампирга ҳам боши оғриётганини айтди. Кампир ошхонага кириб, ширгуруч пишириб, аччиқ чой дамлаб берди. Руҳи сўник Барчинга қўшни кампир аллавақтгача қизиқ гаплар айтиб, овутиди.

Эрта билан ҳовлида яна Эркин пайдо бўлди. У, Барчин билан қамти бўлиб, кечаги айтган гапларига жавоб қилишини илтимос қилди.

— Тошкентда қанча бўлмоқчисиз? — деди Барчин Эркинга истеҳзо билан.

— Бу сенга боғлиқ. Бир яхши сўз айтиб, мени бахтиёр қил. Мен сени деб келдим...

— Бас, шилқимлик қилманг!

— Лаббай?

— Ҳа. Шунақа!

— Қизиқ!

— ...

— Тавба! Ұзимга-ўзим ишонмаётибман.

Барчин индамай ичкари хонага кириб кетди. Бу сафар уни минг ботмонлик тош эзгандек битта-битта юриб, автобус остановкасига келди. Бу ерда ҳам ўриндиқда хаёл суриб ўтирди. Бир соатлардан кейин синг-лисаникига бориб, яна бир кеча тунади-да, эрталаб Шаҳрисабзга жўнаб кетди.

* * *

Эртасига эрта билан Арслон Барчинларникига телефон қоқди. Барчиной трубкани кўтариб «лаббай» дедию, ҳеч гап эшитмади. Арслон нима дейишини билмай индамай тура берди. У яна трубкани қўйди. Шундан сўнг, Арслон Барчиннинг уйда эканини билиб югурганча кўчага чиқди, ўтиб кетаётган машиналардан бирида таниш дарвоза тагига келди. Бир лаҳза у ёқ-бу ёққа аланглагач, звонокни босди. Барчин боя телефон қилганида ҳам уни пайқаган, дераза пардалари орқасида кўчага, дарвозага қаради. Ҳа, у турибди. Бу сафар у югурганича чиқиб эшик очди.

— Салом!— деди ичкарига кирган Арслон Барчинга. Барчин билинар-билинемас жавоб қилди-ю, бир дақиқа ерга қараб турди. Кейин ҳайрон бўлиб турган Арслонга боқди:

— Марҳамат, бу ёққа кириг.

Арслон индамади. Барчин кулимсираб, яна Арслонга мурожаат этди.

— Марҳамат, Арслон ака, бу ёққа кириг! Қидириб борган эдим, тополмадим. Маъсудахон сизни заводга кетдилар, деди.

Арслон ҳовлида Барчин билан олдинма-кейин қадам ташлаб, баланд айвонга чиқди.

— Опамларни бетоб деб эшитдим?

— Федоровичдалар.

— Битта ўзингизми?

— Кампир қўшнимиз борлар. Баъзан эшикни қулфлаб акамларникига кетаман...

— Суриштиришни ёмон кўрардингиз, кечирасиз.

— Аксинча. Рашкингизни яхши кўраман. Мени кечиринг, Арслон ака, бошингизга ташвиш тушгани-

ни билмай қолдим, эшитганимга ҳам уч кун бўлди. Мен гуноҳқорман, кечирим сўраб борган эдим, сизни тополмадим...

— Йўқ, сен гуноҳқор эмассан, сенда айб йўқ. Бу иш сен аразлаб кетмасингдан аввалроқ ҳам бурқсиб турган эди. Мен ўзим келиб айтсам ҳам бўларди. Айгмадим. Марат акамлар мени паноҳ қилипти, деган мулоҳаза туғилмасин деган хаёл билан сенга хабар қилмадим. Сенда айб йўқ. Сенга ишонаман, севаман, сен фақат ҳар хил хаёлларга бориб, баъзи ноўрин гаплардан ёмон хулоса чиқариб, пашшадан фил ясаб, мени ташлаб кетдинг.

Барчин Арслонга тикилиб қолди.

Арслон энтикиб гапида давом этди.

— Тўғри, сен ҳам хато қилишинг мумкин, аммо хиёнат қилмайсан. Бу, сенинг қўлингдан келмайди. Сени яхши биламан.

Барчин бошини қуйи солиб, индамай қолди. Шу лаҳза бир қошиқ сув бўлиб, эриб кетганида бу азоблардан бир йўла қутуларди. У ерга қараганча яна жим тураверди.

— Мен сени олиб кетгани келдим,— деди Арслон сукутни бузиб. У Барчиннинг киприкларига ёш инганини кўриб, ўрнидан туриб келиб, бармоқлари билан артди, сочларини силаб, юзидан ўпиб қўйди, дудоғидан ушлаб хотинининг бошини кўтарди,— бас энди, Барчин, кетайлик! Сени ким айтади ақлли деб!

— Айб менда...— Барчин ўзини Арслон қучоғига отиб йиғлай бошлади,— олиб кетаман, деяпсиз.

— Ҳа, олиб кетаман! Бас энди!

Бир лаҳзадан кейин Барчин ичкари хонага кириб, гардеробдан янги қўйлагини олиб кияркан, айвонда ўтирган Арслон ярим очилиб қолган эшиқдан, ичкарида яланғоч бўлиб, кийимларини ўзгартираётган хотинига тикилди. Унинг қадду-қомати қандай гўзал! У ўрнидан туриб бориб ҳазиллашмоқчи бўлди, аммо ўзини оғирликка солиб, унинг бемалол кийиниб чиқаришини кутди.

Эру хотин бир муддатдан сўнг эшикни қулфлаб, касалхонага келишди. Ҳамида опани ҳам ҳайратга солиб, қувонтириб, ундан сўнг ўз уйларига — микрорайондаги анчадан бери бефайз, ҳувиллаб ётган секцияларига киришди. Уларнинг апоқ-чапоқ бўлиб

келаётганини балконда турган Маъсудахон узоқдан кўриб, кейин ўзини ичкарига олди. Буни сезган Барчин Арслонга гап қотди:

— Маъсудахон жуда чиройли хотин-а?— У эрига кўз қирини ташлади. Унинг назарида эри сал қизаргандай кўринди. У яна гапини такрорлади:— Маъсудахон чиройли хотин...

— Ҳар қалай хунук эмас,— деди Арслон хотинининг бурнини чимчилаб.

Улар қувнашиб, тапиллашиб, зинапоялардан тўртинчи қаватга қўтарилишди...

Шу куни Барчин уй полларини обдан тозалаб юйиб, нарсаларни тартибга солди.

Эртасига тушдан кейин улар қулоғига етган ногаҳоний шум хабар Арслонни ҳам, Барчинни ҳам оёққа турғазди. Шаҳрисабзда Эркин ўзини ўзи отиб қўйган эмиш... Шу куниёқ Дилбар билан Марат Шаҳрисабзга учиб кетишди. Касалхонада ётган Ҳамида опа ҳам уйига келди. Бу шум хабар тафсилотини аниқроқ билмаган Ҳамида опа ҳам, Арслон ҳам ҳайрон бўлиб қолишди. Маратнинг етиб боргандан сўнг телефон қилишини кутиб ўтиришди. Тавба, бу фронтчи давангир йигит нега ўзини ўзи отиб қўйди экан?

Уттиз еттинчи боб

ОДАМЛАР ВОҚИФ БЎЛГАЧ

Ҳақиқат шундай ойнаки, у мунофиқликни ва муғомбирликни акс этганда чидаб туриб бўлмайди.

Ф. Шиллер

«Биз халқмиз, биз — ёмон одамларни фош қилувчи ҳақгўй кишилармиз. Қуйидан бўлган нидоларга яхшилаб қулоқ солиш даркор! Ҳукумат идораларига жойлашиб олган иккиюзламачи кимсаларни ҳайдаш керак,— деб юрган Мусоват Қори шаҳар партия ташкилоти тузган комиссияга ҳам шубҳа билан қаради.— Агар Арслон Ўлмасбоев ишдан олиниб, партия жазосига тортилмас экан, биз Москвага ҳам борамиз. Куёвни қўллаб-қўлтиқламоқчи бўлган Саидбеков устидан шикоят қиламиз. Биз, оддий халқмиз, бу порахўр амалдорлар жонимизга тегди».

Чоршанба куни шаҳар партия ташкилотидида бўла-

диган суҳбатга Мусоват Қори ўзига ўхшаган икки кишини бошлаб олиб келадиган бўлди. Бу ишни пайқанган Мадина хола ҳовлиқиб Нишон аканикига чиқди. Нишон ака кампирга далда бериб, оғир бўлинг, деб қўйди. Лекин иш ҳамон шундоқ экан, мен ҳам завод партия ташкилотига бу гапни етказиб қўйишим керак деб, Нишон ака заводга жўнади. Чоршанба куни соат бешларда туҳматчилар хуруж қилиб, шаҳар партия ташкилотига арз қилиб келишини айтди. Ҳамон иш шунга тақалган экан, биз ҳам борамиз, деди завод партия ташкилотининг секретари. Нишон ака цехга кириб, Матвеевга, Нурғалиевга, қўшни цехдаги ошналарига, ундан сўнг маҳалладаги активларга, Арслоннинг қўшниси Жамшидбек билан учрашиб қолиб, экскаватор заводидаги ёр-биродарларга ҳам айтиб қўйишини тайинлади. «Сен — Қорилар халқмикансан ёки биз халқми! Қани, бир кўриб қўяйлик-чи», — деди ўзига-ўзи.

Чоршанба.

Соат тўртда ўз иштини тугатган қуёв цехининг биринчи смена ишчилари наридан бери жомакорларини ечиб, душда чўмилиб чиқишди. Ювиниб сочларини тараб олган Шавкат Нурғалиев цехга кираверишда тўпланиб турган ошналарига қараб, Володя билан Шермат қолса бўлади, бошқалар кета берсин деди. Лекин кўпчиликка бу гап ёқмади:

— Ҳаммамиз борсак уят бўлади, — деди яна Нурғалиев.

— Уят бўлмайди. Биз ўша паразитларга ўзимизнинг кўп эканлигимизни, бизлар — халқ эканлигимизни, ишчиларнинг таги бақувват, туҳматчилар уларни юлиб кета олмаслигини кўрсатиб қўямиз! — деди одамлардан бири.

Нурғалиев елкасини қисди:

— Боригиз, дуруст. Лекин мин парторг билан борам, шулай договорится ясадик.

— Нурғалиев, эзмалик қилма. Қани, биз билан юр! — деди яна бир ишчи.

Улар завод территориясидан чиқиб, трамвайни лиқ тўлдиришди. Трамвайда инструментал, йиғув-монтаж, қолиплар ва бошқа цехлардан ҳам одамлар ўтирарди. Орадан сал ўтгач, қолип ясаш цехидаги ветеранлар: Нишон ака билан Матвеевнинг ошналари

ҳам трамвай остановкасига келишди. Завод партия ташкилотининг секретари ваъдага кўра цех бошлиғи Нурғалиевни ўз кабинетида кутиб ўтирарди. Ундан дарак бўлмагач, директор машинасида бир бюро аъзоси билан шаҳар партия комитетига жўнади.

Арслонга нима бўлди, айби нима экан деб, масаланинг боши-ю охирига етолмай юрган маҳалла аҳли Мусоват Қори иғвоси, яширин берган «ҳужжат»лари сабаб бўлиб, райижроқўм ишлари алғовдалғов бўлаётганидан воқиф бўлиб қолган одамларнинг ғазаби қайнаб, маҳалла комиссиясининг раиси атрофига тўпланиб, баъзиларнинг борманг, деганига ҳам қарамай ҳаммадан аввал жўнаб кетишган эди. Улар етиб боришганида шаҳар партия комитети ёнидаги гулзорда, ўриндиқлардан бирида Розия кампир, Биби Ҳолвайтар, Мастурахон, Салимахон, Мадина холалар ўтиришарди. Арслон квартира олиб берган бурама мўйловли бир охун киши, Чимкентдан атай келган, жамалаксоч Субҳиянинг отаси — Боймат, яна бир чўтир одам ҳам шу ерда айланишиб юрарди. Бу хабарни эшитган Зоҳидий, Асқар, Бурхонлар ҳам келишган эди. Матвеев билан Ҳайитбой оқсоқол, Жўра ака ҳам коридорда юрарди. Кўп ўтмай «Ташсельмаш» ишчиларининг бир гуруҳи етиб келиб, ҳамма ёқни одам босиб кетди. Орадан ўн беш минут ўтгач, Арслон туғилиб ўсган маҳалладан, қўшни маҳаллалардан одамлар кела берди. Соат бешга яқинлашганда ҳамма ёқни одам босиб, кўчалар, катта асфальт йўллар одамлар билан тўлди. Беш-ўнта одам заводдан келишини аввалдан билган шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари завод парторгига:

— Ҳеч ҳожати йўқ. Биз ҳам Ўлмасбоевнинг кимлигини биламиз, аммо иккита иғвогар учун шунча одам келишига арзимади! Сизлар ишчи дўстлигини иғвогарларга ем қилишга йўл бермаяпсиз. Бу ишингиз жуда маъқул, деган эди. Лекин парторг эътироз билдириб, беш-ўнта бўлиб келамиз. Ўзимизнинг горком, нима, аҳил-иноқлигимизни намоиш қилиб келсак келибмиз-да, деган эди... Ташқарида юзларча одам тўпланганини шаҳар партия комитетининг инструктори кириб иккинчи секретарга айтди. Секретарь ҳайрон бўлиб, ўрнидан турди. Ёнида ўтирган Арслон ҳайрон бўлиб ўринларидан туриш-

ди. Шаҳар партия комитетининг секретари иккинчи қават деразасидан кўчага қаради: ҳамма ёққа одам тўлиб кетибди. Ундан сўнг, Шаҳрисабзга кетган биринчи секретарь Саидбеков кабинетига кириб, балконга чиқди; ҳамма ёқда одамлар... Унинг кабинетига кириб келаётган завод партия ташкилотининг секретари билан цех бошлиғи Нурғалиев андак хижолат бўлиб, деди:

— Биз, беш-ўн киши бўлиб келмоқчи эдик, ўртоқ секретарь. Бу одамлар заводдан эмас. Октябрь райони маҳаллаларидан. Ҳа, шундоқ.

— Биз ҳам маҳалла активларидан уч-тўрт киши келмоқчи эдик,— деди Ҳайитбой оқсоқол,— укамизни яхши кўришимизни изҳор қилмоқчи эдик. Қандоқ қилайлик, бу гап халқ оғзига тушиб кетиб, эшитганларнинг ҳаммаси келаверибди. Ҳали, Жар ариқ, хўжалархонликлар эшитгани йўқ. Чиранчиқ полвон деган чапани бу гапни эшитиб қолса бутун Тошканни бошлаб олиб келарди. У касал ётибди.

— Майли,— деди секретарь,— юринглар, халқнинг олдига чиқайлик. Бунча одамни мен кабинетга сиғдиrolмайман. Ҳурмат қилиб келишган экан, чиқиб гаплашайлик.

Шаҳар партия комитетининг секретари олдинда, ёнида Арслон, орқада Нурғалиев, Матвеев, Нишон ака, Ҳайитбой оқсоқол ва бошқалар одамлар ёнига чиқишаётганида, коридорда гимирсиб юрган Мусоват Қори билан яна икки киши биринчи қаватдаги буфетга кириб, юк олиб кириладиган бир кичик орқа эшикдан гаражга, гараждан орқа томондаги кўчага чиқиб, жуфтакни ростлаб қолишди... Муштумини қисиб юрган Боймат «Чирманда домла»ни ахтарарди. Шаҳар партия комитетининг секретари бинодан чиқа туриб, у ён-бу ёнига қараб, уларни қидирди. Улар йўқ! Хушёрлик билан кузатиб турган Нишон ака: «Ўртоқ секретарь! Бевозта бўлманг, уларни тополмайсиз, улар қочишди»,— деди.

— Бу табиий,— деди секретарь Нишон акага қайрилиб қараб,— ўзини «халқмиз» деб юрган, софдил, содиқ кишиларимизга туҳмат тоши отиб, сафдан чиқармоқчи бўлган ифвогарлар, халқимизни хурофот билан заҳарлаётган иккиюзламачи жоҳил шахслар, мана, қочиб қолишди.

— Паразитларни халқ олдига олиб чиқиш керак эди!— деди Нурғалиев қизишиб.— Народ плюнул би! Эх, упустили, озорни халқ олдига олиб чиқарга тегиш эди! Ўртоқ секретарь, мен оларни тутиб келайми? Олар шу орада буларга тегиш!

— Керак эмас,— дейишди.

Соат бешдан беш минут ўтганда секретарь, Арслон, Нишон ака, Матвеев, Нурғалиевлар ҳамма ёқни ўраб, тўпланишиб, нима гап бўлишини кузатиб, жон қулоқларини тутиб турган одамлар ёнига чиқишди. Секретарь одамларга жиддий тикилиб туриб, жилмайди. Унинг орқасида турган Арслоннинг кўзлари ёшли эди... Одамлар орасида ҳассасига суяниб турган Розия буви, Мадина хола, Биби Ҳолвайтар, Мастурахонлар, улардан нарироқда Барчин, Ҳамида опа, Хатира, Саодат, Сабоҳат, Қизил Махсум, улардан нарироқда Бобирни кўтариб олган Маъсудахон, Жамшидбек, Муса оталар ҳам бир томонда Арслоннинг студентликдаги ошналари Асқар, Зоҳидий, Бурхонларгача туришар эди. Арслон одамларга жавдирар, бир одамнинг қисмати шунча ҳамшаҳарларини оёққа қўзғапти! Ў дам ҳайрон бўлар, дам кўнгли бўшашиб йиғларди...

— Ўртоқлар! Аввало, салом! Хуш келибсизлар!— деди секретарь одамларга мурожаат этиб. Олдинда турган кексалар «ва алайкум ассалом» дейишди.— Мен, сизларнинг бу ерга келишларингизни, укамиз, район ижрокомининг раиси ўртоқ Арслон Ўлмасбоевга ҳурмат, деб тушунаман. Шундоқми?

— Шундоқ...— олдинги қатордаги кексалар баробар жавоб қилишди.

— Сизларнинг бу ерга келишингиз, ўсиб келатган ёш кадрни ҳар хил гармселлардан сақлаш белгиси ҳамда Коммунистик партиямизга садоқат, аҳил-иноқлик, сувни булгатиб юрган баъзи мутаассиб — жоҳил кишиларга қарши кескин курашиш белгиси деб тушунсам бўладими?

— Бўлади. Худди шундоқ!

— Комиссия Арслон Ўлмасбоевни туҳмат балосидан қутқариб олганига анча вақт бўлган. Бугун биз шу гапни Ўлмасбоевга расмий суратда айтиб, ўша, маҳаллангиздаги Мусоват Қори Абдулхайрхо-

новнинг башарасига лаънат сизга демоқчи эдик, мана, буни эшитиб қолиб, ҳаммаларингиз келибсизлар. Бир дўст учун шунча одамнинг оёққа тургани мени ҳаяжонга соляпти. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун, деган доно шиоримизни амалда кўриб турибман. Раҳмат, ўртоқлар! Арслонингиз ёмон йигит эмас. У ҳақиқатан ҳам ақлли, партия ишига содиқ йигит. Мусоват Ҷорига ўхшаган шахслар ҳали орамизда бор, ғофил бўлмаслик керак!

— Барака топ, ўғлим! Гап бундоқ бўлибди!— деди Ҳайитбой оқсоқол.

Шундан кейин, одамлар мамнун, тарқалиша бошлади. Улар тарқалиб кетгунича секретарь бошқа ходимлар билан биргаликда ўша жойда кузатиб турди.

Розия буви билан Биби Ҳолвайтар Барчинга мурожаат этди:

— Болам, ҳар қалай арслон — арслон, сичқон—сичқон-да, ҳеч маҳалда сичқон арслон бўлармиди! Ҷани, кетдик, юринглар! Уша иғвогар Ҷорининг тусини ел есин!

— Иғвогарлардан яна биттаси кўринмайди,— деди ҳассасини тўқиллатиб кетаётган Биби Ҳолвайтар Ҳайитбой оқсоқолга,— ўлик бўлса марҳум, тирик бўлса — малъун!

Бир зумдан кейин Биби Ҳолвайтар яна гапирди. Кампирнинг юраги тошарди:

— Ҷори ҳазрати Маовиянинг ўғли Язиднинг ишини қилди. Унинг қилгилиги то қиёмат эсдан чиқмайди!

— Ҷанчаки кўп тепки еса лой ҳам чинни бўлур,— деди шерикларига қараб Ҳайитбой оқсоқол,— Арслон — лой эди, мана чиниқиб чинни бўлди...

— Чинни ҳам гапми, оқсоқол!— деди Нишон ака,— у чўян. Дегрезнинг ўғли-да, у ҳам чўяндек мустаҳкам...

* * *

Шу воқеадан кейин Ҷори кўринмай қолди. Ҳар ким ҳар хил ўйлади; баъзилар «чирманда домла»лик қиляпти, деди. Аслида у касал ётган эди. Узоқ

ва оғир касал ётган Қори, мана, бугун уч кундирки, тилдан қолди. Ранги заҳил Отамулла ҳам у ёқ-бу ёққа югуриб, доктору табиб чақирар эди. Аммо ҳеч нима ёрдам бермас,— Қори қимирламай ётарди.

Қорини танийдиганларнинг деярли ҳаммаси бу шахснинг разиллигини кўпдан бери билишар, кўп-лар ундан юз ўгирган эди. Фирибгарнинг ўз оиласи ҳам иккига бўлинган — Отамулланинг дами ичида, одамлар ичида бошини кўтариб юролмасди. Мазлума хола нима бўлаётганига тушунмас, эри ёшидаги ҳамма одамлар шунақа бўлиши керак, деб ўйларди. Баъзида: «Фикри очиқ зиёли одам-да, ҳамма нарсага тушунади», дерди. Лекин, Мусоват Қорининг қизи Пистахон бу ҳолга асло чидай олмай, «баъзи мансабпараст шахслар» уни кўролмаётгани ва шу сабабли отам фиғон бўлиб, кўп-лар билан келишолмаётибди, деб ўйларди. У отасининг қулаб ётганини Нишон ака-ю Саидбековлардан кўрарди. Боймат билан Арслондан ҳам домонгир эди. «Ҳой, қиз, сенинг отанг уччига чиққан фирибгар, расво одам» дейдиган бирон кимса йўқ ва бундай дейилганда ҳам у мутлақо тушунмасди. Авваллари: «Қўлим қимирласа — оғзим қимирлайди...» деб юрадиган, пулнинг кетига тушган Қизил Махсум ҳам бу «Ҳожи бадал»дан ихлоси қайтиб, ўзини четга олган, унинг кўзи очилиб, ақли киргандай, Арслонга тамоман суяниб қолган эди.

Пистахон ҳаммани ёмон кўрар, ҳаммани кўрарга кўзи йўқ. Отасига таниш бўлган, уларникига келиб-кетиб юрган ҳамма одамларга энди жирканиб қарарди.

Икки кундан сўнг Мазлума холанинг маслаҳати билан Отамулла отасидан рози-ризалик тиламоқчи бўлди. Торгинди. Онасининг ниқталашини натижасида, у чўкка тушиб отасига тикилди.

— Ада, рози бўлинг...— деди у титроқ бир ҳолда.

Мусоват Қори индамади. Унинг бақрайган кўзлари ҳам қилт этмай тура берди. У ҳеч нимани эшитмагандай ётарди. Эртасига Отамулланинг тоғаси бир парча қоғозга арабча қилиб ёзди: «Қорижон, рози бўлинг. Бу дунё бебақо, болаларингиз рози-ризалик сўрашяпти... деб кўрсатди. Қори қудасига хўмрайиб қаради-ю, яна миқ этмади. У ичида эҳтимол: «Хаҳ, аблаҳлар,

мени ўлади деяписизлар, мен ўлмайман! Агар тузалиб кетсам, ҳаммангизни ҳайдайман!» — дегандек бўларди.

Отамулланинг тоғаси яна арабча қилиб хат ёзди. «Қори, мабодо бирон одамдан қарзингиз бўлса, айтинг. Мабодо бирон ерга пул қўйган бўлсангиз, айтинг. Ахир, фарзандларингиз бор...»

Мусоват Қори дона-дона қилиб ёзилган хатга тикилиб қараб турди. Унинг ўқиганини қудаси жуда яхши сизди. Бир нима дейди, деб кутиб турган эди, Қори, билинар-билинемас бош чайқади. Демак у «йўқ» демоқчи. Йўқ бўлса йўқ-да, деди қуда ўғирган еридан туриб, У Отамуллага: «Ўкажон, сизларнинг тахминларингиз тўғри чиқмади, отангизнинг йиғиб қўйган пули йўқ. Агар бўлганда нима, гўрга олиб кетармиди, албатта, сизларга қолдирарди деди. Отамулла ҳам, онаси, опалари, Пистахон ҳам беморни ортиқча савол билан қийнагилари келмади, тахмину, шубҳа... шунчаки нарса, сен билан менга у кишининг йиғиб қўйган пуллари бордек кўрингани билан аслида йўқ экан. Бор бўлганда бизга айтмай кимга айтардилар, деди Мазлума хола.

Шундай қилиб, Қори тилдан қолиб бир ҳафта ётди. Емади ҳам, ичмади ҳам. Фақат оғзига сув томизишиб туришди. Олтинчи куни ярим кечага бориб Қорининг жони узилди. Қудаси кириб энгагини танғиди. Эрта билан уни чиқаришди, йўл-йўлакай масжидга олиб кириб, жаноза ўқишиб, мозорга олиб киришди. Лаҳатга туширишдан аввал шу маҳаллалик Ориф қоровул тобутни кўтариб келган ёш-ялангларга, беш-ўнта кексаларга мурожаат этди: «Мусоват Қори қанақа одам эдилар?» Одамлар ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмай, таомил бўйича жавоб қилишди: «Яхши одам эдилар»...

Эй, бағри кенг халқ, сенинг олижаноблигинг олдида биз ҳамма нарсани унутиб, тиз чўкиб, оёгингни ўпамиз! Сен шу одамни ҳам сўнгги йўлида обрўсизлантирмадинг. Бўлмаса, бу шахс мажақлаб ташласа арзийдиган одам эди. У бутун умрида бировга яхшилик қилмади. Одамлар орасига низо солди, иғво қилди. Пашша ҳам, турли макруҳот ҳам юрган ҳаётда битта Қори ҳам юрса юрибди-да, дединг.

Бир йилдан кейин Отамулла тоғаси билан бирга ўйнинг у ёқ-бу ёғини суваб, енгил ремонт қилаётганида косалар дастлаб қўйилган токчанинг бир бурчаги

чўкиб, суваб қўйилган фанер тахтага кўзи тушди. Тахтани тўғрилаб қўймоқчи бўлиб кўчириб олган эди, тагида каттагина ҳовол жой кўринди. Бўшлиқнинг бир чеккасида эски бир пой этик ётарди. Отамулла этикка таажжубланиб, уни тортиб олди. Этикнинг ичи латта-путталарга тўлган эди. Отамулла латталарни тортиб олди, аллақандай бир тугунча ҳам чиқди. Тугунчанинг чирмаб ўралган канопларини паккиси билан қирқиб очди. Не кўз билан кўрсинки, ўн сўмлик, йигирма беш сўмлик, эллик сўмлик пуллар зич тахланган эди. У дарҳол ойиси, хотини, тоғасини чақириб бу воқеадан хабардор қилди. Курси устида турган этик ва пуллар дастасига кўзи тушган хотини хурсанд бўлиб кетганидан чапак чалиб юборди. Моянани етказолмай юришарди. Тоғаси аввал таажжубланиб кейин ранги оқариб, ғазабланди: «Э, инсон, шунча пулинг бор экан, нега яширдинг! Хасислик ҳам эви билан-да...» Онаси бўлса йиглаб юборди: «Сочим сурпурги, қўлим косов бўлиб шу ёшга етдим. Бирон марта мана буни кийгин, демаганлар. Сананглар!»

Тоға чўкка тушиб, бармоқларига туфлаб, пул санашга киришди. Мазлума хола бирон қўшнисининг кириб қолишидан қўрқиб, ҳовлига чиқиб катта эшикнинг занжирини солиб келди.

Курси устига саналган пулларни даста-даста қилиб қўйган тоға бир муддатдан сўнг ўрнидан турди.

— Ўн икки минг сўм.

— Ўн икки минг сўм?!— хола кўзини ола-кула қилиб укасига қаради...

* * *

Ўша чоршанба куни Арслонни ёқлаб мингларча одам келгани, айниқса заводдан келган ишчиларни ўшитган Аббосхон Хўжахонов тезликда иккита путёвка топиб, Ялтага жўнади. Янги ўйнаши — Ювилархон билан самолётда учрашишди. Хотини Латофатхон бундан бир ҳафта илгари ёлғиз ўзи Сочига кетган эди... Ўша куни халқ олдига чиққан шаҳар партия комитетининг секретари, Мусоват Қори номини атади-ю, яна бир одамнинг номини ё билиб, ё билмай атамади. Бу ҳолни баъзи зукко одамлар сезиб туришган эди. Бу гап Хўжахоновнинг қулоғига ҳам етди.

Эҳтимол, мана бу иш Хўжахоновни чигирткадек бир сакраб Ялтага туширгандир.

Хўжахонов қочди...

Баъзилар бу очиқдан-очиқ кўриниб турган ишга ўрганиб қолганиданми: «Ҳа, нима ҳам дердик, хўжахоновчилик-да», деб қўя қолишди. Баъзиларнинг зардаси қайнади. Лекин Хўжахоновнинг ўзи синовдан ўтган эски методни қўллади: вақт ўтказиш, кишилар юрагидаги ғазаб алангасини аста-секин ўчириш унинг методи эди. Бу метод кўп йиллардан буён Хўжахоновга жуда қўл келарди. Хўжахонов ўзига етгунча димоғдор. Димоғдорлик — ожизлик белгиси эканлигини у тушунмайди, дейсизми? Йўқ, тушунади. Агар димоғдор одамга, яъни Хўжахоновга чуқурроқ қараб, у ёқ-бу ёғига кўз ташласангиз, у ҳамма жиҳатдан орқада қолган шахс бўлиб чиқади. Димоғ, айбини ёпиб турадиган бир парда, холос. У, Қоричалик даҳшатли бир кимса.

Хўжахоновнинг тўсатдан ғойиб бўлганини эшитган Арслон бир муддат хаёлга толди. Бу ўй борган сарни уни ўзининг жаҳаннамий қаърига торта бошлади. Сирти силлиқ, такаббур бу кимса билан ортиқча қизиқсинмагани, Мусоват Қорини ҳам, Зиё Афандини ҳам, қисман ўз поччаси Қизил Махсумни ҳам бир иш шу «Ўртоқ Хўжахонов»га боғлаб турганини пайқаманган экан. Шунча эҳтиёткорлик билан иш тутганда ҳам, баъзан киши кўзидан четда қоладиган ўнгурулар бўлади. Арслон ётиб ўйларди, қандай қилиб бу кимса оғир қилмишларини хаспўшлади экан? Нега бундай бўлди? Бир ой эмас, бир йил эмас... қанча вақтдан буён бу одамга ҳеч ким мундоқ диққат билан қарамади?

Арслоннинг пешаналари тиришиб хаёл сурарди.

Дарҳақиқат, у чекмасди ҳам, ичмасди ҳам, алжимасди ҳам... У доимо амиркон маҳсидек йилтиллаб турарди. Ишрат масаласига келганда, бу ишда унинг хотини Латофатхон ўбдан тиндирарди... Унинг гўё кафтида кири йўқ, соф инсон. Хотинининг айтиб бўлмайдиган ишларини билиб юрган одамлар олдида бошини эгиб, «қандай қилайлик, шунақасига учраб, жафо чекаймиз», дегандек бўларди. Шу йўл билан атрофидаги кишиларнинг раҳмини келтирарди.

Ҳа, Хўжахонов кўпчилик олдида чекмайди, ич-

майди... Бу томондан у бошлиқ бўладиган одамларнинг қондаларига жуда мос келади. Эҳтимол, бу тўғридир. Эҳтимол... Хўжахоновга келганда, бу одамнинг юраги тўла патос...

Бир куни Марат Арслон билан шу одам ҳақида гаплашиб ўтириб, «Қизиқ-ку» деган эди. Аввал қиқирлаб кулган Арслон бирдан жиддийлашган. Чунки бу шахс — даҳшатли кимса эди.

Ўттиз саккизинчи боб

ТУЯСИМОН БУЛУТЛАР

Эрта билан Арслон хизматга келди. Қабулхонада, телефонлар ёнида ўтирган Зайтуна одатдагидек ўрнидан туриб, райижроком раисини кутиб олди. Арслон анчадан бери кўришмаган қадрдон кишисидек у билан омонлашиб ҳол-аҳвол сўрашди. Бу ерда раисни кутиб ўтирган кишилар билан ҳам омонлашиб, илгаригидек кайфичоғлик билан ўз кабинетига кирди.

— Ўртоқлар қабулингизга киришмоқчи, — деди орқасидан газета ва почталарни кўтариб кетма-кет кирган Зайтуна, — кириша берсинми?

— Марҳамат.

Арслон аввал бир кампирнинг арзини эшитди. Бўлим бошлиғини чақириб, унинг кўз олдида кампирнинг аризасига қўл қўйди.

— Ўртоқ Абдурасулов, бу холамиз фронтда ҳалок бўлган Норқўзининг оналари бўлади. Уйларидан чакка ўтибди. Яхшилаб ремонт қилиб бериш керак. Бунинг учун сизга қанча вақт керак бўлади?

— Бир ойдан кейин иш бошлашимиз мумкин, — деди Абдурасулов андак лоқайдлик билан, — ремонт ҳам бир ой...

— Арслон болам, сиз йўқ эдингиз, бу йигитчанинг ёнларига икки келдим. Ушанда ҳам шу гапни айтдилар. Хўчахонопни олдига чиқинг, у киши аризангизга қўл қўйсалар иш тезлашади. Бу ердан фойда йўқ, дедилар. Мен, Хўчахонопнинг идораларига икки чиқдим, очирит туриб киролмадим. Кеча маҳалладагилар, Арслон оқланиб, ишига келибди, яхши

бўлибди, дейишди. Энди боринг хола, Арслон сизнинг додингизга етади, дейишди. Мана, келдим, айланай! Бўйларингга онанг қоқиндиқ! Ремонт қилиб бермасанг ҳам майли, ўзингни кўрдим. Мана шу бир оғиз ширин гапинг ўнта ремонтдан ортиқ.

— Эртага эрта билан бригада бориб уйни кўрсин,— деди Арслон бўлим бошлигига буйруқ тарзида. Илгари ҳам худди шу оҳангда гапириб, топширигини ерда қолдирган кишининг ишини советда кўриб, вазифасидан четлатган эди. Бўлим бошлиги қулоқ солди.— Сиз билан менга ахборот берсин ва ҳаммаси бўлиб, ўн кун ичида ремонтдан чиқарсинлар! Ҳа, кундан кейин ўзим бориб текшираман деди Арслон Абдурасуловга. Кейин кампирга қаради.— Хола, бўлди, эртага уйингизга усталар боради.

— Барака топинг! Мартабангиз баланд билсин.

Кампир чиқиб кетгандан сўнг, бу ерда кутиб ўтирган бошқа икки кишининг ҳам ҳожатини равон қилди. Илгари ҳам шу сабаб бўлса керак, унинг кабинети жуда гавжум бўларди. Хурсанд чиқиб кетган одамлар юзидаги жилвадан Зайтуна ҳам завқланарди.

Ўтган куни Шаҳрисабздан телефон қилган Дилбар, Эркиннинг касалхонада ётганини, «милтиқни тозалаётганида ўқ чиқиб кетиб, кўкрагидан ярадор қилганини...» айтган эди. Бугун кечқурун, Марат Саидбеков билан Дилбарнинг Шаҳрисабздан қайтиб келганини эшитган Ҳамида опа ўғлиникига югурди. Бирон соатлардан кейин Барчин билан Арслон ҳам Маратларникига келишди. «Нима бўлибди?» деган савол ҳамманинг диққат марказида турарди. Марат, эшитган қулоқ ҳар томонга йўймасин деб Дилбардан аввалроқ ўзи айтиб қўя қолди: «Эркин яқинда кичик калибрлик милтиқ сотиб олиб, уни шомпол билан тозалаб, мойлаб қўймоқчи бўлган. Ичидаги ўқдан хабари йўқ, билмай тепкини босиб юборибди. Ўқ кўкрагига теккану юрак саломат қолган. Операция бўлиб, ўқ олиб ташланибди. Ҳозир касалхонада...»

— Худо бир асрабди-я,— деди ранги оқариб Ҳамида опа,— қурол билан ўйнашиш жуда хавфли. Маратжон фронтдан келиб, бир куни тўппончангни тозалаб ўтирганингда уришиб берган эдим. Эсингда борми?!

— Ҳа, ёдимда.

— Ҳеч қачон қурол билан ўйнашиш керак эмас-да! Фалокат! Хайрият, омон қолибди.

Шундан сўнг гап бошқа мавзуга бурилиб, Дилбар билан Маратнинг омон-эсон Шаҳрисабзга бориб келгани, Арслоннинг иши ўнг бўлиб, янгитдан энг шимариб ишга тушгани, Эркиннинг саломат қолганига қувонишиб, чақ-чақлашиб гаплашиб ўтиришди.

Жиндак кайф қилган Марат билан Арслон ошдан кейин «мен сизга айтсам...» бўлиб, қаймоқлашиб ўтиришганида Дилбар билан Барчин секин ташқарига чиқишди. Ҳамида опанинг ошхонада идиш-товоқ юваётганини, атрофда улардан бўлак ҳеч ким йўқлигини билишгач, Дилбар Барчинга шивирлади:

— «Милтиқни тозалаётганда ўқ чиқиб кетди», деган гап ёлғон! Бу нодон акам ўзини ўзи отган. Ўқ юракка тегмай ёнидан ўтиб кетган. Бу гап мутлақо сир бўлиб қолсин, Барчинхон! Ойимлар билан гаплашдик, у касалхонадан чиққандан сўнг тезда уйлантирамиз. Зўрлаб бўлса ҳам уйлантирамиз. Агар шундай қилмасак, шу акам бўладиган бўлса, ҳали яна иш кўрсатади.

Аввалдан ҳам бу гапни сезиб, нима дейишини билмай юрган Барчиннинг юзлари оқариб, лаблари титраб кетди-ю, бир нима демади. Дилбарнинг ўзи яна қўшимча қилди:

— Айб ўзида! Нима қилайлик! Эс-ҳушли капкатта одам ҳам шу ишни қиладими?! Бундай ишни фақат нодонларгина қилади!

Бу сўз билан у Барчинни хижолатдан қутқармоқчи бўларди. Барчин миқ этмас, нима ҳам дерди.

— Гап шу ерда қолсин. У нодонни уйлантирсак, зора ақли кириб, тинчиб кетса. Фронтдан ўзи ярадор бўлиб келган эди. Яна ярадорлик... Безори десак, безори эмас, мана бунақанги қилиқлари юракни ўртади. Дам хафа бўламан, дам ачинаман. Ёлғиз акамнинг аҳволи мана шунақа!

Барчин яна миқ этмади. Унинг негадир гапирмай, оғзига талқон солиб тургани ҳам Дилбарга маълум эди. Ичида у «акам сени ниҳоятда қаттиқ яхши кўриб қолиб, ўзини ўзи отиб қўйди», демоқчи бўларди.

Дилбар билан Барчин яна ўз эрлари ёнига кириш-

ди, кайфи ошган Арслон кетиш тўғрисида имо қилиб, соатига қаради. Улар Ҳамида опани бунда қолдириб, Барчин билан Арслон ўринларидан қўзғалишди. Катта кўча тротуарида Барчин билан ёнма-ён бораётган Арслон бир лаҳзадан кейин хотинини қўлтиқлаб олди. У кечки осмонда сузиб юрган қизғиш булутларни кўрсатди.

— Осмонга қара, Барчин, булутлар нортуяларга ўхшайди!

— Жуда ўхшайди,— деди Барчин дарҳол, бундан икки йил бурун Эркин ҳам унга булутларни туяга ўхшатиб кўрсатган эди. Барчин ўйламосираб қолди.— Айниқса ҳув анависининг ўрқачлари ҳам бор экан, тавба, туянинг ўзгинаси-я. Ҳув, анависи одамга ўхшайди.

Лекин кўз олдида Эркин турарди.

— Ҳа, одамга ўхшайди. Лекин жуда бесўнақай,— деди Арслон.

Барчин ялт этиб эрига қаради. У бир нимага ишора қиляптими, деб безовталанди. Йўқ, бу гап қочирма ёки нимагадир ишора эмаслигини пайқагач, яна тинчиди. Унинг кўз олдида ҳамон Эркин турарди. Хўрсиниб ҳам қўйди. Туя булутлар ҳақида иккинчи бор эшитгани, бу ўхшатишни бир гал Эркин, бир гал Арслон айтгани уни таажжублантирарди. Дунёда ўхшаш одамлар бўлганидек, ўхшаш гаплар ҳам бўлар экан-да?!

У эрига эркаланди:

— Туя булутлар қаёққа кетяпти?

— Олатоғ ирмоқларидан сув ичгани... мана бу томонга,— у қўли билан шарқ осмонини кўрсатди. Барчин ўша томонга қараши билан Арслон хотинининг дудоғларидан ушлаб, лабларидан ўпди.

— Одамлар кўриб қолади, Арслон ака!

— Одамлар кўрса кўрар!

— Ёдингизда борми, Арслон ака, сизга тегмасимдан илгари ҳам шу кўчада юрардик?

— Ёмғир ёққанда мана бу дарвоза тагида турган эдик, ёдингдами?

— Ҳа.

— Мана шу йўлкадан то уйгача зил чамадонни кўтариб борган эдим. Эсингдами?

— Ҳа,— у боядан бери эри билан чақчақлашиб

келиб, «чамадон» сўзидан сўнг яна кўз олдига Эркин келди. Бу йигит уни қаттиқ таъқиб қиляпти. Нима қилса экан? У, уни ёдга олмасликка, миясидан сидириб чиқариб ташлашга қарор қилди. Ахир унинг эри бор, эрини севади, севиб теккан, ёниб теккан... «Мени тинч қўясанми йўқми!— деди у хаёлан Эркинга.— Нега орқамдан соядек эргашиб, хаёлимни бўласан!» Барчин энди мутлақо ўйламасликка қасд қилди.

Улар ўз квартираларига етиб келиб, бахтли, иноқ бир оила сифатида бир ёстиққа бош қўйишди...

Орадан яна ҳафталар, ойлар ўтди.

Шу кезлари «Совет Ўзбекистони» газетасида Ташсельмаш заводининг ветеран ишчиси — Нишон акага бағишланган шеър босилди. Арслон шеърни ўқиб чиқиб, Нишон ака ҳовлисига телефон қоқди. У, устози билан анча вақт гаплашиб, асло ҳаяжонини босолмас эди. У жуда хурсанд эди. Телефон трубкасини қўйгач, яна шеърга кўз югуртириб, бошдан-оёқ ўқиб чиқди.

ИШЧИЛАР

(«Ташсельмаш» ишчиси Нишон акага)

Катта-кичик демаклик гоят нисбий бир қиёс,
Юпитернинг олдида Ер куррамиз бир нуқта.
Миллиард йил югурса-да ега олмайди зиё,
Зотан, гигант юлдузлар кўпдир чексиз бўшлиқда...

Сен ҳам юлдуз мисоли кўпсан, чақнайсан қийғос,
Юпитерча қалбинг бор, сен паҳлавон ишчисан!
Сен ўзинг катта инсон, каттаман деганлармас,
Айлантириб турибсан — куррамизнинг кучисан.

Юксалмоқда авлодинг юртинг бахтига омон,
Ишлайсан, ер неъмاتي, дастурхонинг узра шай,
Кимсага мутеъмассан, қаддинг бўлмайди камон.
Ҳовлинг тўла райҳонинг, шафтолилар... зўр гулшан.

Ўлкамизнинг тўқсонтўққиз фоизи ана шундоқ,
Яхши ҳам ана шундоқ! Яхши ҳам биз ишчимиз!

Мақсад: бойиш, талашмас, Инсонни бахтли қилмоқ,
Шу ишга, шу мақсадга бағишланган кучимиз.

Мақсадсиз ҳеч инсон йўқ, қалбда ишқу эътиқод,
Бўлмаса жонивордан қолмасди фарқимиз.
Богдаги мевалар ҳам уруғсиз бўлмагандай,
Эътиқод — садоқатсиз бўлмагандир халқимиз.

Баъзан бўласан тажанг кўриб текинхўрларни —
Қонинг соғ, қайноқ ва пок — «микроб»лар яшай олмас!
Сенинг қўлинг етмоқда юлдузлар оламига,
Қўлим узун, деганиннг қўллари бўлмоқда паст.

Сен ишчисан, Ер ўгли, оёгинг остида Ер —
Қушлар ҳам, булутлар ҳам, чақмоқ — метеорлар ҳам
Сенинг ёнингга тушур, сен отасан, сени дер.
Сен ўзинг мавжудотни ушлаб турасан маҳкам.

Тиним кунлари билмай партиям, элим деган
Пахтакор ўзбекларнинг меҳнатин бир чамаланг!

Беш минг ёш... боболаринг Шаку Сугдиёнлардир,
Самарқанд — ифтихоринг, кулиб турган жамолинг.

Катта-кичик демаклик гоят нисбий бир қиёс.
Юпитернинг олдида гарчи Ермиз нуқта.
Эй, азалий бу Ернинг қонуний фарзандлари —
Ишчимиз, биз яшаймиз ҳақ ила ёруғликда.

Респ-роса бир йилдан кейин Арслонни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига чақиришиб, Бюро уни Олмалиқ шаҳрида барпо этилиши керак бўлган рух заводи қурилишига парторг этилиб белгиланганини маълум қилишди. Лекин у жуда кўп шахарлик ҳашарчиларга раҳбар бўлиб, Сирдарё областига — пахта теримига чиқиб турганлиги сабабли, байрамни ўтказиб, Олмалиққа жўнайдиган бўлди.

Бугун — 24 октябрь. Тошкентда тинмай ёмғир ёғарди. Уч процентга етказиб пахта бераётган республика «0,07%»га тушиб қолди. Бу ёмғир ерга эмас, одамларнинг ичига ёғарди.

Тунда райондан келган Арслон ёмғирда ивиган кийимларини балкондаги қозиққа илиб, юз-қўлини

ювди. Барчин қўлидаги саккиз ойлик қизалоғига гап қотиб, (улар бир чақалоқни боқиб олишган эди) одатдагидек: «Ба нима дейди? Ум-ба-а... куку нима дейди? Ку-ку-ку-ку...» деди.

Барчин бола кўтарганда ғоятда чиройли кўринарди. Умуман бола кўтарган ёш жувондан гўзал кимса борми дунёда! У бир неча бор қайрилиб Барчинга қараб қўйди.

— Мунча қарай берасиз?— деди Барчин безовтаганиб,— бир еримда чатоғим борми?

— Кўзимга жуда чиройли кўриняпсан. Ҳеч қачон бунақа чиройли кўринмаган эдинг.

— Ростданми! Алдашга ҳам устасиз.

— Қизинг ҳам жуда ширин бўлибди.

— Икки ҳафта ўша ёқда жим бўлиб кетдингиз?

— Икковинглар, яъни менинг жажжи Раъноним билан гўзал Барчиним ҳамма вақт кўз олдимда бўлди.

Барчин Арслоннинг костюми елкаларига тушиб қолган оқ толани олиб, эрига кўрсатди.

— Мана!

— Қарияпман, Барчинхон. Бу, оқ толалар билан фахрланаман; у муҳаббатим ва йигирма йиллик жанг...

— Ҳа, жанг... Сизнинг «жанг»дан ҳам бошқа ишингиз борми?— У қўлидаги оқ толани ерга ташламай, атлас кўйлагига — кўкси устига қўйди.

— Анави масалани ўйлаб кўрдингми?— Арслон яна хотинига мурожаат этди,— Олмалиқ узоқ эмас, қатнаб ишлашим ҳам мумкин. У ерда бу ердагидек шароит бўлмайди. Дастлабки вақтда квартира масаласи ҳам яхши бўлмайди. Ер қазиш, цемент қориш, чанг ва лой... Хўш, қалай? Ўйладингми?

— Ўйладим.

— Айт!

— Сиз яна гапиринг,— Арслоннинг яна ниманидир гапиришини жуда истарди. Ташқарида ёмғир, ичкари иссиқ ва озода. У атлас кўйлагига илиниб турган оқ соч толасини яна қўлига олиб одеяли устига қўйди.

— Мен у ерда ижроком раиси бўлиб креслода ўтирмайман. Оёғимда керзовой этик, кун бўйи қурилишда юраман. Сенинг ҳолингдан ҳам баъзан хабар

ололмай қолишим мумкин. Ҳамма нарса бўлади. Шу сабабли, агар хоҳласанг, Раъно билан сен асосан бунда туриб, вақти-вақти билан борарсизлар. Хўш, нима дейсан? Уйладингми?

— Уйладим...

— Оғирлик вақтинча, албатта. Дастлабки кунлар қурилишда шароит оғир бўлади. Эркаклар учун бу унча сезилмайди. Лекин хотин-қизлар қийналади. Дашт. У ерда катта завод қуриляпти. Сен буни бир тасаввур этиб кўр. Ҳарқалай шароит оғир бўлади. Хўш, нима дейсан?

— Бораман! Сиздан бир минут ҳам ажралмайман. Сиз борган жойга мен ҳам бораман, Раъно ҳам... Тушундингизми, Арслон ака!

— Тушундим,— деди Арслон юз-қўлини артаётган сочиқни қозиққа илиб,— тушундим! Қанақалигингни биламан. Энди мендан сўрасанг, менинг чинакам ишим энди бошланади.

У Барчинни чақалоғи билан бирга қўшиб қучоқлади.

9 ноябрь куни улар уч киши — Барчиной, Раъно ва Арслон Олмалиққа отланишди. Мадина хола, Ҳамида опа, Биби Ҳолвайтар, Нишон ака, Саодат, Сабоҳат, Махсум, Дилбархон, Марат Саидбековлар уларни кузатиб қолишди.

Тамом

1969—1972. Тошкент.

МУНДАРИЖА

Умид. Роман	7
Дегрез ўгли. Роман	349

На узбекском языке

МИРМУХСИН

Собрание сочинений в 4—х томах

ТОМ II

УМИД

СЫН ЛИТЕИЩИКА

Романы

Редактор *Т. Норов*
Рассомлар *А. Вобров, Т. Сайдуллаев*
Расмлар редактори *И. Кириакиди*
Техн. редактор *Т. Смирнова*
Корректор *О. Турдибекова*

ИБ № 1475

Босмахонага берилди 04 01. 81. Босишга рухсат этилди 16. 07. 81.
Формати 84×108¹/₃₂. Босмахона қоғози № 1. Мактаб гарнитураси. Юқо-
ри босма. Шартли босма л. 38,64+0,63 вкл. Нашр л. 38,48+0,21 вкл.
Тиражи 60000 Заказ № 1382. Баҳоси 2 с. 80 т. Ғафур Ғулум номидаг^и
Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Дав-
лат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бир-
лашмаси, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.